НАТАН МАЛЛАЕВ

Ўзбек адабиёти тарихи

БИРИНЧИ КИТОБ

ЭНГ ҚАДИМГИ АДАБИЙ ЁДГОРЛИКЛАР

X—XII АСРЛАР АДАБИЁТИ

XIII АСРДАГИ ВА XIV АСР БОШЛАРИДАГИ АДАБИЁТ

XIV АСР ЎРТАЛАРИДАН XVII АСРГАЧА БЎЛГАН АДАБИЁТ

"ЎҚИТУВЧИ" нашриёти
1965

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎзССР Олий ва махсус ўрта таълим министрлиги тасдиқлаган

www.ziyouz.com kutubxonasi

АВТОРДАН

(Учинчи нашр ҳақида)

«Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги олий ўқув юртлари таълими ва амалиётидан мустаҳкам ўрин олди. Дарслик 1963 йилда, иккинчи марта матрицадан 1965 йилда нашр этилди. Ўтган 10—12 йил мобайнида ўзбек классик адабиёти бойликларини ўрганиш ва тадқиқ этишда адабиётшунослик фани катта ютуқ ва янгиликларга эришди. Янги-янги ёдгорликлар топилди, ихтиёримизда бўлмаган айрим обидалар қўлга киритилди, текстологик ва илмий тадқиқотлар олиб борилди, адабиёт тарихи тараққиётининг назарий масалалари бўйича ҳам маълум натижаларга эришилди, классик ёзувчилар асарларининг тўла ва мукаммал нашрлари вужудга келди. Шу билан бирга, ўтган йиллар мобайнида ўзбек адабиёти тарихи курсини ўқитишда олий ўқув юртлари катта тажриба тўплади.

Дарсликнинг учинчи нашрини тайёрлар эканмиз, фан ютуқлари ва олий ўқув юртлари тажрибасини ҳисобга олишга интилдик. Форс-тожик адабиёти ва бошқа халқлар адабиёти намояндалари филология факультетининг ўзга предметлари мундарижасидан ўрин олгани учун, адабий алоқалар тавсифи обзори билан чекланиб, уларни ихтисор қилдик. Обзордагина берилган айрим ёзувчиларга, китоб ҳажмининг имкониятига қараб, бу нашрда кенгроқ ўрин берилди. Адабий

www.ziyouz.com kutubxonasi

парчалар илмий-танқидий текст ёки янги нашрлар билан солиштирилди, зарур тузатишлар киритилди. Дарслик китобларининг ўзига хослигини инобатга олиб, айрим барқарорлашмаган ёки мунозарали бўлиб келаётган масалалар доирасини чегаралаб қўйишга тўғри келди. Айрим номларнинг унификация қилинмагани, текстдаги фарқ-тафовутлар турлиликни тугал бартараф этишга имкон бермади.

Дарсликнинг учинчи нашрига ҳисса қўшган олимлар ва ўқитувчи касбдошларга автор ўз миннатдорчилигини изҳор қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КИРИШ

Адабиёт тарихи фани бадиий адабиётнинг тарихий тараққиёт процессини ўрганади ва ўргатади.

Ҳар бир халқнинг ўз тарихи, маданияти, санъати ва адабиёти бор. Шунга кўра, адабиёт тарихи маълум бир халқнинг — шу адабиётни яратган халқнинг номи билан аталади.

Ҳар бир халқ, унинг катта-кичиклигидан қатъи назар, жаҳон маданияти хазинасига ўз ҳиссасини қўшади. Шунга кўра, алоҳида халқларнинг номи билан аталган адабиётлар тарихи айни чоғда умумжаҳон адабиёти тарихининг ажралмас бир қисмидир.

Ўзбек халқи қадимий ва бой маданиятга эга бўлган халқлардан биридир. У жаҳон илм-фани, санъати ва адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшди, буюк олимларни, санъаткорларни ва ёзувчиларни етиштирди, бошқа халқлар билан яқиндан маданий алоқада бўлди.

Ўзбек халқи маънавий маданиятининг катта ва ажралмас бир қисми ўзбек адабиётидир.

Ўзбек адабиёти тарихи предмети

Ўзбек адабиёти тарихи ўзбек халқининг қадим замонлардан бошлаб ҳозирги кунга қадар яратган бадиий адабиётини ўз ичига олади. Бу адабиёт бир-биридан тубдан фарқ қилувчи икки даврга: Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган давр ва Октябрь революциясидан кейинги даврга бўлинади.

Октябрь революциясигача бўлган ўзбек адабиёти антагонистик синфий жамиятда вужудга келган, антагонистик синфий жамиятнинг зиддиятлари билан бирга яшаган адабиётдир. Бу адабиёт бир-бирига қарама-қарши бўлган оқимлардан, реакцион ва прогрессив оқимлардан — эксплуататорлар манфаатига ёки халқ оммаси манфаатларига хизмат қилган оқимлардан иборатдир. Ўзбек адабиёти тарихи бир-бирига қарама-қарши бўлган адабий оқимларнинг кураши тарихидир. Бу курашда прогрессив адабиёт ўсди, чиниқди ва тобора кенг халқ оммаси билан боғланиб, унинг эътибори ва муҳаббатига сазовор бўлди.

Ўзбек адабиёти турли хил ва жанрдаги бадиий асарларни ўз ичига олади. Лирика ва эпос ўтмиш ўзбек адабиётининг асосий

www.ziyouz.com kutubxonasi

хилларидир. Ғазал, мухаммас, мусаддас, нома, рубоий, достон, масал, ҳикоя ва бошқалар кенг тарқалган адабий жанрлардир. Ўзбек адабиёти тарихи турли адабий хил ва жанрларнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи ҳамдир.

Ўтмиш ўзбек адабиёти бир қатор мемуар ва тарихий асарларни ҳам ўз ичига олади. «Бобирнома» (Бобир), «Шажараи турк», «Шажараи тарокима» (Абулғозий), «Фирдавсул-иқбол» (Мунис ва Огаҳий) ва бошқалар шулар жумласидандир, чунки уларда тарихий воқеалар кўпинча бадиий тил воситасида ифодаланади, бадиий лавҳалар ва шеърлар уларга янада кўпроқ бадиий тус беради.

Ўзбек адабиёти тарихи «Тоҳир ва Зуҳра», «Бўз ўғлон», «Юсуф Аҳмад», «Китоби подшо Жамшид», «Қиссаи Фарҳоду Ширин» каби халқ китобларини ҳам ўз ичига олади. Бу асарлар фольклорда вужудга келган, китобий адабиётга яқинлаштирилиб қайта ишланган ёки ёзма адабиётда пайдо бўлиб, кейинчалик халқ ижоди услубида ишланган асарлардир. Шунга кўра, халқ китоблари фольклористиканинг ҳам, адабиёт тарихининг ҳам предметидир.

Таржима адабиёт ҳам ўзбек адабиёти тарихининг муҳим бир қисмини ташкил этади. Ўзбек халқи асрлар давомида бир қанча халқлар билан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Кавказ ва Россия, Греция ва Эрон, Ҳиндистон ва Арабистон ҳамда бошқа ўлкаларнинг халқлари билан яқин иқтисодий ва маданий алоқада бўлди. Натижада ана шу алоқаларнинг меваси сифатида таржима адабиёт вужудга келди. Ўзбек тилига тожик, эрон, озарбайжон, ҳинд, араб, рус ва бошқа халқларнинг кўп бадиий асарлари ва тарих китоблари таржима қилинди. «Хисрав ва Ширин», «Ҳафт пайкар» (Низомий), «Гулистон», «Бўстон» (Саъдий), «Баҳористон», «Юсуф ва Зулайҳо», «Саломон ва Абсол» (Жомий), «Шоҳ ва гадо» (Ҳилолий), «Калила ва Димна» (аслида ҳинд эпоси), «Минг бир кеча» (араб эртаклари), «Равзатус-сафо» (Мирхонд), «Бадойиул-вақоe» (Восифий) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Таржима адабиёт халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади, ўзбек халқини бошқа халқларнинг бадиий ижоди билан таништиради. Шу билан бирга, таржима асарларнинг кўпи конкрет тарихий шароитнинг эҳтиёжи, талаби ҳамда ўзбек ёзма адабиёти ва халқ оғзаки ижоди тажрибалари асосида бирмунча ўзгартирилган ва янгиликлар киритилган, ижодий қайта ишланган асарлардир. Қутб (XIV аср) таржима қилган «Хисрав ва Ширин» (Низомий), Хиромий (XIX аср) таржима қилган «Чор дарвеш», «Тўтинома» ва бошқалар шу хилдаги эркин таржима асарларидир.

Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган ўзбек адабиёти тарихи курси ўзбек халқининг кўп асрлик адабиёти билан, бу адабиётнинг тараққиёт йўли билан, адабий йўналишлар ўртасидаги кураш тарихи билан таништирилиши лозим. Бу курс ўзбек

www.ziyouz.com kutubxonasi

адабиёти намояндалари ижодини, уларнинг асарларини таҳлил қилиб ва ғоявий-бадиий қимматига баҳо бериб, бадиий адабиёт билан мафкуранинг бошқа шакллари ўртасидаги алоқаларни, ёзма адабиёт билан халқ оғзаки ижоди ўртасидаги адабий ҳамкорликни ёритиши, ўргатиши керак. Шунингдек, бу курс ўтмиш адабиёти илғор традицияларининг давом эттирилишига ва ривожлантирилишига ёрдам бериши лозим.

Ўзбек адабиётининг тараққиёт босқичлари

Адабиёт тарихи халқ тарихининг ажралмас бир қисмидир. Бадиий адабиётнинг тараққиёти жамиятнинг умумий тараққиёти билан узвий боғлиқдир.

Кишилар, К. Маркс айтганидек, «ўз ҳаётларини ижтимоий ишлаб чиқаришда муайян, зарур, ўзларининг иродаларига боғлиқ бўлмаган муносабатларда — ишлаб чиқариш муносабатларида бўладилар, бу муносабатлар уларнинг моддий ишлаб чиқарувчи кучлари тараққиётининг муайян босқичига мувофиқ келади.

Бу ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳаммаси жамиятнинг иқтисодий структурасини, реал базасини ташкил этади, ҳуқуқий ва сиёсий устқурма шу реал базис устига қурилади ва ижтимоий онгнинг муайян шакллари бу базисга мувофиқ келади.., Кишиларнинг онги уларнинг борлиғини белгиламайди, балки, аксинча, уларнинг ижтимоий борлиғи уларнинг онгини белгилайди»[1]. Шу билан бирга, устқурма ва ижтимоий онгнинг турли шакллари ўзаро муносабатда бўлади, бир-бирларига ва жамиятнинг базисига актив таъсир қилади.

Бироқ айрим вақтларда санъат ва адабиёт жамиятнинг умумий тараққиётидан илгари кетиши ёки орқада қолиши ҳам мумкин. Бу ҳақда К. Маркс бундай деган эди: «Санъатга келсак, шу нарса маълумки, унинг муайян даврларда гуллаб-яшнаши жамиятнинг умумий ривожига, демак, жамият тузилишининг скелети бўлган моддий негизининг ривожига ҳам ҳеч бир мувофиқ келмайди. Масалан, грекларни ёки Шекспирни ҳозирги халқлар билан солиштирсак, худди шуни кўрамиз»[2].

Демак, марксизм-ленинизм таълимотига кўра, адабиёт тарихи халқ тарихининг узвий бир қисми бўлиб, уни даврлаштиришда, бир томондан, жамиятнинг умумий тараққиёт қонунларига, иккинчи томондан, адабиёт тараққиётининг ўзига хос хусусиятларига асосланиш лозим.

Ўзбек адабиёти тарихини илмий асосда ўрганиш ва ёритиш, асосан, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин бошланди. Совет фани ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш соҳасида мисли-сиз катта муваффақиятларга эришди ва эришиб бормоқда. Мар-

---

[1] К. Маркс. «Сиёсий иқтисод танқидига доир»га сўз боши. К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар, I том, Ўздавнашр, 1959, 362-бет.

[2] К. Маркс ва Ф. Энгельс санъат тўғрисида, I том, Т., 1975, 128-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ксча-ленинча фан методологиясига асосланган совет адабиётшунослиги ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш соҳасида йўл қўйилган хатоларга, жумладан адабиёт тарихи тараққиётини сулолалар ёки подшоларнинг, хонларнинг келиб-кетишлари тарихига қараб даврлаштириш майлларига узил-кесил барҳам берди. Бироқ ҳали ўрганилмаган ёки ҳозирча кам ўрганилган ёдгорликлар ва масалалар ҳам оз эмас. Араб ва мўғул босқинчилари истилоси ҳамда даҳшатли ўзаро феодал урушлар жуда кўп маданият ёдгорликларини, жумладан, адабиёт асарларини ҳам емириб ташлади, йўқотиб юборди. Бу ҳолат айрим тарихий этаплар (масалан, VIII—IX асрлар ва XIII аср) адабиётининг тўла манзарасини ёритиш, уларни кенг тасаввур қилиш имконини бермайди. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, адабиёт тарихини даврлаштириш масаласини ниҳоятда қийинлаштиради. Ўзбек адабиёти тарихини даврлаштириш бўйича содир бўлган айрим хатоликлар, жумладан баъзи босқичларни сунъий ёки бир ёқлама номлар билан аташ ҳодисалари ҳам шу билан изоҳланади. Лекин, бунга қарамай, Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган ўзбек адабиёти тарихини, бир томондан, жамиятнинг умумий тараққиёт қонунларини, ўзбек халқининг тарихан ташкил топиши ҳамда унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги тараққиёт этапларини; иккинчи томондан, адабиёт тарихи тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини: бадиий адабиётнинг ижтимоий-эстетик моҳияти ва функциясининг тараққий этиб бориши, адабий оқимларнинг шаклланиши ва тараққий этиши, адабий оқимлар ўртасидаги кураш, адабий услуб, адабий хил ва жанрларнинг ўсиши ҳамда бадиий сўз санъатининг бошқа жиҳатлари такомилига хос хусусиятларни кўзда тутиб, қуйидаги асосий тараққиёт босқичларига бўлиш мумкин:

1. Энг қадимги адабий ёдгорликлар.
2. X—XII асрлар адабиёти.
3. XIII аср ва XIV аср бошларидаги адабиёт.
4. XIV аср ўрталаридан XVII асргача бўлган адабиёт.
5. XVII асрдан XIX асрнинг ўрталаригача бўлган адабиёт.
6. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги адабиёт. Айрим босқичларни яна ички босқичларга — этапларга ҳам ажратиш мумкин. (Бу даврлаштириш «Ўзбекистон ССР тарихи» китобида берилган даврлаштиришга, маданий-адабий процесснинг ўзига хослигини кўзда тутиб, айрим босқичларнинг қўшиб берилганини мустасно қилсак, мос тушади ва унга таянади ҳам.)

Энг қадимги адабий ёдгорликлар Ўрта Осиё территориясида қадим замонларда яшаган ҳамда ўзбек, тожик, туркман ва бошқа халқларнинг асосий этник қатлами бўлган элат ва қабилаларнинг айримлари, айни чоғда, қўшни халқларнинг ҳам адабий ёдгорликларидир. Бу ёдгорликлар ҳозир Ўрта Осиё территориясида яшаётган барча халқларнинг муштарак маданий ёдгорлигидир. X—XII асрлардаги туркий тилдаги адабиёт Ўрта Осиё ва Шарқий Тур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кистон (Синцзян) туркий халқларининг муштарак адабий меросидир.

Ўзбек адабиётининг тараққиёт босқичлари эксплуататор синфларнинг манфаатига хизмат қилган, ислом идеологиясини тарғиб этган реакцион адабиётга қарши курашда прогрессив адабиётнинг ўсиб ривожланганини, ўз даврининг илғор қарашларини ифодалаб, халқ ва мамлакат манфаатларига хизмат қилганини, илғор ижтимоий-фалсафий қарашлар тараққиётига ва адабий тилнинг ўсишига катта ҳисса қўшганини кўрсатади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясигача ўзбек адабиёти тарихининг ўрганилиши

Улуғ Октябрь социалистик революциясигача ўзбек адабиёти тарихи изчил ва илмий асосда ўрганилган ва ёритилган эмас. Феодал-клерикал жамият тузуми ва ислом дини реакцияси бунга имкон бермас эди. Реакцион феодал-клерикал доира илғор илм-фаннинг, санъат ва адабиётнинг ашаддий душмани эди. У маданият ривожига қарши тиш-тирноғи билан курашар, халққа, кишилик тараққиётига хизмат қилган маданият бойликларини емириб ташлашга интилар, олимларни, санъаткорларни, ёзувчиларни таъқиб этар ва жазолар, эўр бериб дин ва шариат догмаларини тарғиб қилар эди. Мактаб ва мадрасалар ҳам дин ва шариат қонун-қоидаларига мувофиқлаштирилган эди. Бу ҳол илм-фаннинг, жумладан адабиётшунослигининг ҳам тараққий этишига имкон бермас эди.

Лекин феодал ўрта асрнинг даҳшатларига қарамай, илм-фаннинг турли соҳаларида ўлмас асарлар, буюк кашфиётлар яратиб, жаҳон илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшган ўзбек халқи адабиётшунослик соҳасида ҳам маълум ютуқларни қўлга киритди, тажриба тўплади. Адабиёт назарияси ва адабиёт тарихига, хусусан, поэтикага доир бирмунча ишлар қилинди. Бадиий асарлар тексти асосида луғат китоблари тузилди, баъзи бир асарларнинг чоғиштирма тексти тузилди, вазн, қофия ва бошқа масалалар бўйича адабиёт назариясига доир асарлар яратилди, тазкира — антология, мажмуа ва баёзлар ишланди ва ҳоказо. Навоийнинг «Мезонул-авзон», «Мажолисун-нафоис», «Рисолаи муаммо» асарлари, Бобирнинг аруз рисоласи, Фазлийнинг «Мажмуаи шоирон» ва Табибийнинг «Мажмуатуш-шуаро» китоблари ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай асарлар жуда оз бўлиши ва баъзиларининг айрим камчилик ва хатолари (субъективизм, биографизм, эстетик догматизм ва бошқалар)га қарамай, ўз даврининг адабиётшунослиги, эстетик тафаккури тараққиётига маълум ҳисса бўлиб қўшилди. Шу билан бирга, турли хил тарих китобларида, мемуарларда ва, хусусан, бадиий асарларда, қисман бўлса-да, адабиёт назарияси ва адабиёт тарихига доир фикр-мулоҳазалар, маълумот ва фактлар берилган. Буларнинг барчасидан танқидий фойдаланиш ўзбек классик адабиётини ўрганиш ва ёритишга хизмат қилади. Форс, тожик ва араб тилларида ёзилган адабиётшунослик

www.ziyouz.com kutubxonasi

асарлари эса ўзбек адабиёти билан бошқа халқлар адабиёти ўртасидаги алоқаларни, муштарак масалаларни ўрганиш ва ёритишга маълум даражада ёрдам беради.

Ўтмиш шарқшунослиги ҳам ўзбек классик адабиёти масалалари билан шуғулланди. Рус ва ғарб шарқшунослари фактик материал тўплаш, библиография тузиш, текстология ишлари олиб бориш, турли асарларни нашр этиш ва бошқа масалалар юзасидан маълум муваффақиятларга эришдилар. Бунга рус олими М. Никитскийнинг Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий асарини, француз олими Катрмернинг «Муҳокаматул-луғатайн»ни нашр этиши ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Лекин буржуа шарқшунослиги, хусусан, империализм ва мустамлакачилик манфаатларига хизмат қилган шарқшунослар ўзбек халқининг тарихини, унинг маданиятини, шу жумладан ўзбек бадиий адабиётини бузиб, сохталаштириб тасвирладилар. Реакцион буржуа шарқшунослиги идеалистик фалсафага ва ирқий назарияга асосланиб, Шарқ халқларини камситади, уларни илмий фикрлашга, маданий жамият яратишга қодир бўлмаган халқлар деб туҳмат қилади ва бу билан Шарқ халқларини умрбод мустамлакачилик кишанларига гирифтор қилмоқчи бўлади. Реакцион буржуа шарқшунослиги Шарқ халқларининг жаҳон маданияти хазинасига қўшган буюк ҳиссасини инкор қилади ёки уни сохталаштиради. Реакцион буржуа шарқшунослиги космополитизм қарашларини, унинг панисламизм, панираниэм ва пантуркизм каби кўринишларини зўр бериб тарғиб қилади, бу билан у Шарқ халқларини империалистик монополияларга қарам қилмоқчи бўлади.

Гибб «Турк поэзияси тарихи» асарида XV асрдаги Ўрта Осиё халқлари адабиёти ҳақида сўзлар экан, бу адабиётнинг бутун руҳини тасаввуф мистицизми ташкил этади, дейди. М. Белен, Э. Браун ва бошқалар ўзбек адабиётини «эрон адабиётининг меваси» деб қарайдилар; «эрон адабиёти»га эса, эрон халқи адабиётидан ташқари, турли халқлар томонидан форс-тожик тилида яратилган барча адабиётларни киритиб юборадилар. Уларнинг даъво қилишича, Яқин ва Ўрта Шарқ адабиёти тараққиётида муҳим роль ўйнаган улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Навоий «эрон адабиётининг таржимони» эмиш. Ўтмиш айрим рус шарқшунослари ҳам шундай хатоларга йўл қўйган эдилар.

Ўзбек халқининг революцион тараққиёт йўлига, унинг рус ва бошқа қардош халқлар билан интернационалистик биродарлигига ашаддий душман бўлган буржуа миллатчилари ҳам ўзбек адабиёти тарихини сохталаштиришга интилдилар. Улар Навоий, Муқимий ва Фурқат каби сўз санъаткорларини камситиб, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний каби мистик ёзувчиларни кўкларга кўтардилар.

Империализмнинг малайлари бўлган ҳозирги реакцион буржуа шарқшунослари зўр бериб шовинизм ва ирқчилик назариясини да-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вом эттирмоқдалар, озод Совет Шарқи халқларига, уларнинг тарихи ва маданиятига туҳмат қилмоқдалар, мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлаб миллий озодликка эришаётган Осиё ва Африка халқларини камситиш сиёсатини давом эттирмоқдалар.

Шундай қилиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясигача ўзбек классик адабиётини текшириш ва ўрганиш соҳасида ниҳоятда оз иш қилинган эди. Шовинизм, ирқчилик ва космополитизм қарашларини илгари сурган реакцион буржуа шарқшунослиги эса бу адабиётни сохталаштиришга, унинг мустақил тараққиёт йўли ва прогрессив моҳиятини инкор этишга қаратилган эди.

Совет ҳокимияти даврида ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ўзбек халқини ижтимоий ва миллий зулм кишанларидан озод қилди. Коммунистик партия раҳбарлиги, рус ва бошқа қардош халқларнинг самимий ёрдами туфайли Ўзбекистон илғор социалистик республикага айланди. У коллективлашган қишлоқ хўжалиги, юксак тараққий этган саноат ва гуллаб-яшнаган социалистик маданият ўлкасига, коммунизмнинг Шарқдаги машъалига айланди.

Совет тузумигина ўзбек халқига унинг асрлар давомида, феодал-клерикал зулми остида яратган маданият бойликларини эгаллаш, ундан ижодий фойдаланиш ҳамда илм-фан, санъат ва адабиётнинг энг яхши дурдоналарини социалистик маданият хазинасига қўшиш имкониятини берди. Совет тузумигина ўзбек халқи маънавий маданиятининг катта бойлиги бўлган бадиий адабиётни илмий асосда изчил ва кенг текшириш, ўрганиш ва ёритишга имкон яратди. Бу ўринда улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи муносабати билан «Правда» газетасида босилган қуйидаги гапларни эслатиб ўтиш муҳимдир:

«...Навоий беш асрдан бери ўзбек халқининг ифтихори бўлиб келди, лекин унинг қимматли гўзал асарларини ўқиш фақат энди, Совет ҳокимияти замонидагина, ҳар бир ўзбек ишчиси ва деҳқонига муяссар бўлди. Совет ҳокимияти ўзбек халқини саводли қилиб, маданиятнинг бу улуғ самарасидан уни баҳраманд қилди.

...Навоий сингари маданият қуёшларининг ижодлари кўпчилик меҳнаткаш халқ оммасига муяссар бўлди ва Навоий каби улуғ кишиларнинг номлари халқ учун жуда қимматли бўлиб қолди»[1].

Улуғ Октябрь социалистик революциясигача ўзбек халқи деярли ёппасига саводсиз эди. У классик ёзувчиларнинг асарларини ўқиш ва ўрганиш имкониятидан маҳрум эди. Котиблар томонидан кўчирилган ва босмаханаларда нашр этилган (XIX асрнинг 70-

[1] «Правда», 1948 йил, 15 май.

www.ziyouz.com kutubxonasi

йилларидан бошлаб) китоблар китобхонларнинг эҳтиёжини қондирмас эди. Совет ҳокимияти даврида ўзбек халқи умрбод саводсизлик балосидан қутулди, китоб ҳар бир хонадоннинг уйидан кенг ўрин олди. Ўзбек китобхони ота-боболари яратган бадиий адабиёт бойликларини ўқиш ва ўрганиш имкониятига эга бўлди. Революциянинг дастлабки йилларидан бошлабоқ ўзбек адабиёти асарлари кенг миқёсда нашр этила бошланди. Ўтган давр ичида ўзбек классик ёзувчиларининг асарлари қайта-қайта нашр этилди, хрестоматия ва антологиялар тузилди. Ўзбек адабиёти тарихининг нодир асарлари таржима қилиниб, рус ва бошқа қардош халқларнинг китобхонларига манзур бўлмоқда.

Совет тузуми ўзбек адабиёти тарихи асарларини кенг оммалаштиришгагина эмас, балки уни чуқур илмий асосда ўрганиш ва ёритиш учун ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва ленинча миллий сиёсатнинг самараси сифатида ўзбек адабиёти тарихи фани вужудга келди. Бу фан марксизм-ленинизм назарияси асосида вужудга келган ва ўтмишдаги адабиётшуносликнинг энг яхши традицияларини такомиллаштирган совет адабиётшунослигининг узвий бир қисмидир. Ўзбек адабиёти тарихи фани қисқа давр ичида жуда катта муваффақиятларга эришди. У айниқса 30-йиллардан бошлаб, совет адабиётшунослиги антимарксистик оқимларга ва ғояларга қарши шиддатли курашда ўсиб чиниққан даврда, тез тараққий эта бошлади. Бу даврда рус ва бошқа қардош халқлар олимларининг раҳбарлигида кўплаб ўзбек адабиётшунослари етиша бошлади. Ўзбек адабиёти тарихи бойликларини илмий текшириш ишлари жуда катта натижалар бера бошлади. Ўзбек адабиёти тарихининг бой хазинасини, унинг ўзига хос тараққиёт йўли ва оламшумул аҳамиятини чуқур илмий асосда ёритган совет адабиётшунослиги ўзбек адабиётн тарихини сохталаштирган, ўзбек халқининг маданият бойликларини камситган реакцион буржуа фанига шиддатли зарба берди.

Эндиликда ўзбек адабиёти тарихи бойликларини илмий текшириш ишлари билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, университетлар ва педагогика институтларининг ўзбек адабиёти кафедралари, юқори малакали олимлар — академиклар, фан докторлари ва кандидатлари, ёш мутахассислар шуғулланмоқда, диссертациялар, қимматли монографик асарлар яратилмоқда. Рус, тожик, озарбайжон ва бошқа қардош халқларнинг олимлари ҳам ўзбек олимлари билан ҳамкорликда ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш ва ёритиш соҳасида актив иш олиб бормоқдалар.

Ўзбек адабиёти тарихи ўрта ва олий ўқув юртларининг ўқув планидан, СССР халқлари адабиёти курсидан кенг ўрин олди. Ўрта ва олий мактаб ўзбек адабиёти тарихи курсини ўқитиш соҳасида катта тажриба тўплади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Совет адабиётшунослигининг муваффақиятлари санъат ва адабиётда Навоий, Муқимий, Фурқат каби классик ёзувчиларнинг бадиий образини яратиш учун катта замин тайёрлади. Навоий достонлари асосида яратилган саҳна асарлари эса совет томошабинларининг севимли асарлари бўлиб қолди.

Шундай қилиб, совет тузуми, марксизм-ленинизм таълимоти ўзбек халқининг адабий меросини мукаммал ўрганиш ва ёритиш ишларини янги изга солди, кенг кўламга олиб чиқди.

МАДАНИЙ ВА АДАБИЙ МЕРОС ҲАҚИДА МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ ТАЪЛИМОТИ

Маданий ва адабий мерос ҳақидаги марксча-ленинча таълимот марксизм-ленинизм революцион назариясининг узвий бир қисми бўлиб, у адабиётшуносликнинг, жумладан, адабиёт тарихининг методологик асосларини белгилайди ва ёритади. Бу таълимот бадиий адабиётнинг синфий моҳияти, антагонистик жамиятда икки миллий маданият бўлиши, маданий ва адабий мероснинг аҳамияти, социализм ва маданий-адабий мерос каби масалаларни қамраб олади. Шу билан бирга, марксизм-ленинизм классикларининг конкрет адабий ҳодисалар ва айрим ёзувчиларнинг ижоди ҳақидаги фикр-мулоҳазалари адабиёт тарихи фактларини ўрганиш ва ёритишда ажойиб бир намунадир.

* * *

Маълумки, бир-бирига қарама-қарши синфлардан — эксплуатация қилувчи ва эксплуатация қилинувчи синфлардан ташкил топган жамият антагонистик синфий жамият дейилади. Бинобарин, «...бутун тарих (ибтидоий жамоа, ер эгалиги бузилган вақтдан бошлаб) ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларидаги синфий кураш тарихи, эксплуатация қилинувчи синфлар билан эксплуатация қилувчи синфлар, тобе синфлар билан ҳукмрон синфлар ўртасидаги кураш тарихи бўлиб келган»[1].

Ижтимоий турмушдаги қарама-қаршилик синфларнинг фикр ва қарашларида, орзу-интилишларида ҳам акс этади. Ҳар бир синф ўз синфий манфаатларини ҳимоя қилиш учун ижтимоий онгнинг турли шаклларидан фойдаланади, ўз мафкурасини яратади. Бу мафкура маданият, санъат ва адабиётнинг моҳияти ва характерини белгилайди. Ҳар бир синф ўз маданиятини, ўз санъати ва адабиётини вужудга келтиради. Бинобарин, антагонистик синфий жамиятда жамиятнинг барча аъзолари учун, барча синф ва ижти-

[1] Ф. Энгельснинг «Коммунистик партия манифести»нинг немисча нашрига ёзган сўз бошисидан. К. Маркс ва Ф. Энгельс, «Коммунистик партия манифести», Ўздавнашр, 1954, 13-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

моий табақалар учун хизмат қилувчи ягона ва умумий маданият бўлмайди. Синфий жамиятда икки хил маданият, эксплуататорлар учун хизмат қилувчи ва эксплуатация қилинувчилар учун хизмат қилувчи маданият, реакцион ва прогрессив маданият бўлади.

«Биз,— деган эди В. И. Ленин 1913 йилда ёзган «Миллий масалага доир танқидий мулоҳазалар» мақоласида,— ҳамма национал-социалларга айтамизки, ҳозирги замондаги ҳар бир миллатда икки миллат бор. Ҳар бир миллий маданиятда иккита миллий маданият бор. Пуришкевичлар, Гучковлар ва Струвеларнинг великорус маданияти бор,— лекин Чернишевский ва Плехановнинг номи билан характерланадиган великорус маданияти ҳам бор. Украинларда ҳам, шунингдек Германия, Франция, Англияда, яҳудийларда ва бошқаларда ҳам *худди шундай иккита* маданият бор»[1]. В. И. Ленининг бу кўрсатмаси барча антагонистик жамиятларга, антагонистик жамият шароитида яшаган барча халқлар ва уларнинг маданиятига тааллуқлидир. Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган ўзбек маданиятида ҳам икки маданият (реакцион феодал-клерикал, кейинча миллатчи буржуа маданияти, шунингдек, халқ манфаатларига хизмат қилган прогрессив маданият) мавжуд эди.

Антагонистик синфий жамиятда эксплуататорлар жамиятнинг фақат моддий бойликларигагина эмас, балки маънавий бойликларига ҳам эгалик қиладилар. *Ҳукмрон синфларнинг мафкураси* ва маданияти антагонистик жамиятнинг ҳукмрон мафкураси ва маданиятидир. Бироқ, шу билан бирга, *«Ҳар бир* миллий маданиятда, *гарчи ривожланмаган бўлса-да, демократик* ва *социалистик* маданият элементлари бор, чунки ҳар бир миллатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи омма бор, бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва социалистик идеологияни туғдиради»[2]. Антагонистик синфий жамият маданиятидаги мана шу демократик ва социалистик маданият элементлари ҳар бир миллатнинг чинакам миллий маданиятидир, меҳнаткаш омманинг манфаати ва истагини акс эттирувчи, уни эксплуататорларга қарши курашга отлантирувчи маданиятдир.

Идеалистлар, жумладан буржуа мафкурачилари синфий жамиятдаги антагонистик қарама-қаршиликларни, синфий кураш ва унинг турли хил шаклларини, шу билан бирга, маданият, санъат ва адабиётнинг синфий моҳиятини инкор этиб, бутун жамият учун, барча синф ва ижтимоий табақалар учун ягона ва умумий маданият, санъат ва адабиёт мавжуд деб ҳисоблайдилар. Бу билан улар синфий курашни хаспўшлашга, меҳнаткашларнинг эксплуататорларга қарши курашини заифлаштириш ва емириб ташлашга ин-

[1] В. И. Ленин. Асарлар, 20, том, Ўздавнашр, 1952, 18-бет.
[2] В. И. Ленин. Асарлар, 20-том, Ўздавнашр, 1952, 8—9-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиладилар. Шунга кўра, идеалистик эстетика намояндалари «санъат санъат учун», «соф санъат» деган ғайри илмий, сохта қарашларни тарғиб этадилар.

Материалистик эстетика «санъат санъат учун» ва «соф санъат» деган қарашларга қарши шафқатсиз кураш олиб борди ва ҳозир ҳам курашмоқда. «Революцион демократ рус ёзувчиларининг Белинскийдан бошлаб энг яхши вакиллари,— деган эди А. Жданов,— «соф санъат», «санъат санъат учун» деган нарсани ҳеч эътироф қилмадилар ва санъат халқ учун деган нарсани, санъатнинг юксак ғоявийлигини ва ижтимоий аҳамияти борлигини доимо таъкидлаб келдилар»[1]. Улуғ рус революцион демократи Н. Г. Чернишевский «соф санъат»чиларни фош қилиб, бундай деган эди: «Адабиёт у ёки бу ғоялар оқимига хизмат қилмаслиги мумкин эмас: бу унинг ўз табиатидан келиб чиқадиган вазифасидир,— бу шундай вазифадирки, агар адабиёт бу вазифадан воз кечмоқчи бўлганида ҳам воз кеча олмайди. Кундалик турмуш ҳодисаларига ёт бўлиши лозим бўлган қандайдир бир нарса деб тақдим қилинаётган «соф санъат» назарияси тарафдорлари ё алданадилар, ёки муғамбирлик қиладилар, «санъат турмушдан мустақил бўлиши лозим» деган сўзлар ҳамма вақт бу кишиларга ёқмаган адабиёт оқимига қарши, бу адабиётни ана шу кишиларнинг дидига кўпроқ ёқадиган бошқа оқимга хизмат қилдириш мақсадида шу адабиёт оқимига қарши кураш олиб бориш учун фақат ниқоб бўлиб хизмат қилиб келган»[2]. Материалистик эстетиканинг атоқли намояндаси Г. В. Плеханов «санъат санъат учун» назариясини фош этиб, «санъат санъат учун» шиори санъат ақча учун шиорига айланиб кетди, деган эди[3].

Марксизм-ленинизм «ягона оқим» маслакчиларига ҳам, «соф санъат» назариячиларига ҳам қарши муросасиз кураш олиб борди ва олиб бормоқда. В. И. Ленин 1905 йилда ёзган «Партия ташкилоти ва партия адабиёти», 1913 йилда ёзган «Миллий масалага доир танқидий мулоҳазалар» мақолаларида, шунингдек, бошқа асарларида марксизм таълимотини ривожлантириб, «ягона оқим» ва «соф санъат» назариясига қарши қақшатқич зарба берди. У буржуа миллатчиларининг пролетар революциясига ва интернационал бирдарликка қарши қаратилган «Миллий маданият» шиорини фош қилиб, бундай деган эди:

«Миллий маданият шиори — буржуача (кўпинча эса қора руҳоний-клерикалча) алдовдан иборат. Бизнинг шиоримиз — демо-

---

[1] А. Жданов. «Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақида. Ўздавнашр, Тошкент, 1946, 18-бет.

[2] Н. Г. Чернишевский. Танланган адабий-танқидий мақолалар. Ўздавнашр, Тошкент, 1956, 11-бет.

[3] Г. В. Плеханов. Искусство и общественная жизнь. ГИХЛ, Москва, 1953, стр. 222.

www.ziyouz.com kutubxonasi

кратизмнинг ва бутун дунё ишчилар ҳаракатининг интернационал маданият шиоридан иборат.

...Ҳар бир миллатда буржуа маданияти (кўпинча эса ҳалигача қора гуруҳча ва клерикалча маданият) ҳам бор — бўлганда ҳам «элементлар» шаклидагина эмас, балки *ҳукмрон* маданият шаклидадир. Шу сабабли умуман «миллий маданият» помешчиклар, поплар, буржуазия маданиятидан *иборат*»[1].

Ҳар бир санъаткор маълум *бир синфнинг ёки ижтимоий* гуруҳнинг вакили сифатида майдонга чиқади, унинг дунёқараши ва манфаатларини ифодалайди. Лекин бу нарса санъаткорнинг қайси синфга мансублиги билан, ижтимоий аҳволи билан эмас, балки унинг ҳаётий фаолияти ва ижодиётининг моҳияти, ғоявий йўналиши ва объектив аҳамияти билан белгиланади. Агар санъаткор ҳаёт воқеликларини ростгўйлик билан тасвир этса, у ўзи мансуб бўлган ҳоким синфнинг дунёқараши ва манфаатлари доирасида ўралишиб қолмайди, балки ҳатто ўзи истамаган тақдирда ҳам, шу *синфнинг дунёқараши ва манфаатларига зид чиқади*, халқ оммасига яқинлашади, улуғ санъаткор бўлади. «Бизнинг олдимизда турган киши,— деган эди В. И. Ленин Л. Толстой ҳақида,— ҳақиқатан ҳам буюк санъаткор экан, демак, у революциянинг ақалли муҳим томонларидан баъзи бирларини ўз асарларида акс эттириши лозим эди»[2]. Шу жиҳатдан қараганда, Ф. Энгельснинг Бальзак ижодига, В. И. Ленининг Толстой ижодига доир мулоҳаза ва баҳолари ғоятда катта *методологик* аҳамиятга эгадир.

Ф. Энгельс Маргарет Гаркнессга ёзган бир мактубида бундай деган эди: «Бальзак ўзининг синфий симпатияларига ва ўзининг сиёсий хурофотларига қарши чиқишга мажбур бўлганлигини, у ўзи севган аристократларининг юз тубан бўлиши муқаррарлигини кўрганлигини ва уларни бундан ортиққа арзимайдиган одамлар сифатида таърифлаганлигини, у келажакнинг ҳақиқий кишиларини ўша вақтда топиш мумкин бўлган бирдан-бир жойда кўрганлигини,— мана шуларни реализмнинг энг катта ютуқларидан бири деб, кекса Бальзакнинг *энг буюк хислатларидан бири деб биламан*».[3]

В. И. Ленин улуғ санъаткор Л. Н. Толстойнинг дунёқарашидаги, асарларидаги ғоявий қарама-қаршиликларни доҳиёна таҳлил қилиб, унинг юксак томонларини ҳам, заиф томонларини ҳам равшан очиб берди. Бироқ, В. И. Ленин кўрсатганидек, Толстойнинг қарашларидаги зиддиятлар унинг шахсий зиддиятлари бўлмай, балки у яшаган давр, реформадан кейинги давр зиддиятларининг бадиий ифодаси эди. «Россияда буржуа революцияси олдидан миллионларча рус деҳқонларида содир бўлган идеялар ва кайфиятлар-

---

[1] В. И. Ленин. Асарлар, 20-том, Ўздавнашр, 1952, 8—9-бетлар.
[2] В. И. Ленин. Асарлар, 15-том, Ўздавнашр, 1952, 208-бет.
[3] К. Маркс ва Ф. Энгельс санъат тўғрисида, I-том, Т. 1975, 8-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ифода қилувчи сифатида Толстой буюк бир шахс»дир[1]. Шунинг учун ҳам «рус ишчилар синфи Лев Толстойнинг бадиий асарларини ўрганар экан, ўз душманларини яхшироқ таниб олади...»[2].

Бальзак ва Толстой ҳақидаги бу мулоҳаза ва баҳолар ўтмиш маданияти, санъат ва адабиётининг кўпгина намояндалари ижодини ўрганиш, ёритиш ва унга баҳо беришда ғоят муҳим аҳамиятга эга. «Тарихда ўтган арбобларнинг кўрсатган тарихий хизматлари тўғрисида улар ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган янгиликларни *бермаганликларига* қараб эмас, балки улар ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай *янгиликлар берганликларига* қараб ҳукм чиқарилади»[3].

Демак, антагонистик синфий жамиятда бутун жамият учун ягона, умумий маданият бўлолмайди, балки икки маданият, эксплуатация қилувчи синфлар маданияти ва эксплуатация қилинувчи синфлар маданияти, реакцион маданият ва прогрессив маданият бўлади. Бу жамиятда эксплуататор синфлар маданияти ҳукмрон маданиятдир, демократик ва социалистик маданият эса ҳали элементлар кўринишида бўлади. Бироқ, бунга қарамай, демократик ва социалистик маданиятнинг жамият ҳаётидаги роли катта, истиқболи буюкдир, чунки у даврининг илғор ғоя ва қарашларини илгари суриб, оммага, кишилик ва унинг истиқболига хизмат қилади.

* * *

Ҳар бир жамият ўз маданияти, санъати ва адабиётига эгадир. Бу маданият, санъат ва адабиёт жамиятнинг иқтисодий тузуми — базисига мувофиқ бўлади ва унга хизмат қилади. Бироқ, шу билан бирга, бир иқтисодий-ижтимоий формация иккинчи бир иқтисодий-ижтимоий формацияга маданият, санъат ва адабиёт бойликларини қолдиради. Кейинги авлодлар бу бойликларга ворис бўлиб қоладилар. Аммо улар аввалги даврдан қолган ҳамма нарсани ҳам мерос қилиб олавермайдилар. Янги шароитга ва ўз манфаатларига мос тушадиган бойликларни оладилар. Бу бойликлар янги тарихий тараққиёт босқичининг моҳияти ва эҳтиёжига қараб умр кўради, баҳоланади ва қайта ишланади. Шунинг учун ҳам «ворислик» тушунчаси билан «мерос» тушунчаси айнан бир нарса эмас[4]. Ўтмишдаги маданият, санъат ва адабиётнинг шундай буюк

---

[1] В. И. Ленин. Асарлар, 15-том, 1952, 210-бет.
[2] В. И. Ленин. Асарлар, 16-том, 1952, 382-бет.
[3] В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 2-том. Русча 5-нашридан таржима, «Ўзбекистон» нашриёти, 1972, 204-бет.
[4] Қаранг: Музаффар Хайруллаев, Даврон Шорахмедов, Маданият ва мерос. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1973.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёдгорликлари борки, улар ўлмас ёдгорликлар бўлиб, бир қанча давр ва авлодларга манзур бўлиб келмоқда. Бу ёдгорликлар умумбашарий хислатларни, кишиликнинг энг эзгу орзу-интилишларини ифодалайди. Ана шундай ёдгорликлардан бири бўлган қадимги грек санъати ҳақида К. Маркс қуйидагиларни ёзган эди:

«Иккинчи томондан: порох ва қўрғошин чиққан даврда Ахиллеснинг пайдо бўлиши мумкинми? Ёки, умуман, ҳарф босиш станоги ва айниқса босмахона машинаси кашф этилган замонда «Илиада» асарининг ёзилиши мумкинми? Ахир, ҳарф босиш станоги пайдо бўлиши билан достонлар, ашулалар ва музаларнинг ва, демак, эпик поэзия учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг йўқолиб кетиши муқаррар бўлиб қолмайдими?

Бироқ бу ердаги мушкуллик греклар санъати ва эпоси ижтимоий тараққиётнинг маълум шакллари билан боғлиқ эканлигини тушуниб олишдан иборат эмас. Бундаги мушкуллик шундаки, бу нарсалар ҳали шу вақтгача ҳам бизга бадиий лаззат бериб келаётганини ҳамда маълум даражада норма ва эришиб бўлмайдиган намуна бўлиб хизмат қилаётганини тушуна билишдан иборат.

Эркак киши яна қайтиб ёш бола бўла олмайди; бўламан деса ҳам енгилтак кишига айланади. Бироқ ёш боланинг соддадиллиги уни қувонтирмайдими, унинг ўзи ҳам вояга етганидан кейин ўзининг чин моҳиятини қайта яратишга интилиши лозим бўлмайдими? Ахир, ҳар бир даврнинг ўзига хос характери ёш боланинг табиатида чин ҳақиқат тусини олиб жонланмайдими? Бас шундай экан, ҳаммадан кўра гўзалроқ бўлиб ривожланган кишилик жамиятининг болалик даври яна қайтиб такрорланмайдиган босқич сифатида нега биз учун абадий гўзаллик касб этиб турмаслиги керак?»[1].

Бироқ ҳар бир жамият, ундаги синф ва ижтимоий табақалар ўтмишнинг меросини қайта ишлаб, ундан ижодий фойдаланади. Мерос бўлиб қолган ёдгорлик ўзи вужудга келган даврда қандай аҳамиятга эга бўлиб, қандай баҳоланган бўлса, кейинги даврда ҳам айнан шундай бўлмайди. Чунки у янги тарихий шароитда, янги синф ва ижтимоий табақалар тушунчасида яшайди. Унда нимадир эскиради, умрини тугатади, нимадир яшаб қолади ва янги моҳиятга эга бўлади. Шунга кўра ҳам В. Г. Белинский: «Пушкин абадий яшайдиган ва доим ҳаракатда бўладиган, ўлимга қайси нуқтада учраган бўлса, ўша нуқтада қотиб қолмайдиган, балки жамиятнинг онгида ўсиб бораверадиган ҳодисалар жумласидандир. Ҳар бир давр улар ҳақида ўз ҳукмини чиқаради ва бу давр ўша ҳодисаларни қанчалик тўғри англамасин, ҳамма вақт ўзидан кейинги давр учун улар ҳақида қандайдир янгироқ ва анча тўғрироқ фикр баён қилишга ўрин қолдиради»[2],— деган эди.

[1] К. Маркс ва Ф. Энгельс санъат тўғрисида, I том, Т., 1975, 129—130-бетлар.

[2] В. Г. Белинский. Собрание сочинений в трех томах, том II, Москва, 1948, стр. 158.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай қилиб, кишилик жамияти тараққиётининг маълум бир босқичи ўтмишга айланиб, янги босқич вужудга келганда ҳам эски босқичда вужудга келган маданият, санъат ва адабиётнинг энг нодир бойликлари ўтмиш билан бирга ўлиб кетмайди, балки кейинги босқичларда ҳам яшай бошлайди.

«Толстой вафот этди, революциядан бурунги Россия, яъни заифлиги ва кучсизлиги гениал санъаткорнинг философиясида ифодаланган, асарларида тасвирланган Россия ҳам ўтмишга айланди. Лекин унинг қолдирган меросида ўтмишга айланмай, келажакка мансуб бўлган нарсалар бор. Шу меросни Россия пролетариати ўзи қўлига олади ва шу мерос устида ишлайди»[1]. В. И. Ленининг Толстой ҳақидаги бу сўзлари ўтмишнинг бошқа буюк арбобларига ҳам тааллуқлидир.

Социалистик жамият ўзидан олдинги жамиятлардан тубдан фарқ қилади. У эксплуатацияни таг-томири билан емириб ташлаган, антагонистик синфий зиддиятларни тугатган, меҳнаткаш оммани ҳукмрон синфга айлантирган жамиятдир. Социализм жамиятнинг барча моддий ва маънавий бойликларини меҳнаткаш халқ бойлигига айлантирди. Социалистик жамият ўз базисига мувофиқ янги, социалистик устқурмани, кишилик маданияти, санъати ва адабиётининг олий босқичи бўлган социалистик маданият, санъат ва адабиётни яратди. Бу маданият, санъат ва адабиёт халққа, кишилик идеалининг чўққиси бўлган коммунистик жамият қуришга хизмат қилмоқда.

«Коммунистик жамият қуришни кенг авж олдириш давридаги маданий тараққиёт,— дейилади партиямизнинг янги Программасида,— буюк маданий революциянинг якунловчи босқичи бўлади».

Антагонистик синфий жамият халқ ижодий кучларининг гуллаб-яшнашига имкон бермайди. Социалистик жамият эса халқ ижодий кучларининг гуллаб-яшнаши учун барча шароитларни яратиб берди, буржуа жамиятидаги маданият, санъат ва адабиётнинг эрксиз ва пулдорларга қарам бўлган арбоблари ўрнига, коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари бўлган эркин арбобларни, ижодчиларни етиштирди.

Ҳозирги тараққиётимиз босқичида «Партия адабиёт, санъат, маданиятнинг равнақ топиши тўғрисида, ҳар бир одамнинг шахсий қобилиятларини энг тўла рўёбга чиқариш учун ҳамма шароитларни яратиш тўғрисида, барча меҳнаткашларни эстетик тарбиялаш тўғрисида ҳамда юксак бадиий диднинг ва маданий малаканинг шаклланиши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилади»[2].

Антагонистик синфий жамият кенг меҳнаткаш оммани моддий қашшоқликка маҳкум этиши билан бирга, уни маданият ва маориф бойликларидан фойдаланишдан ҳам маҳрум қилади. Бир вақт-

[1] В. И. Ленин. Асарлар, 16-том, 351—352-бетлар.

[2] «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси»дан. КПСС XXII съезднинг материаллари. Ўздавнашр, Тошкент, 1962, 460-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар рус революцион-демократ шоири Н. Некрасов рус деҳқонларининг Н. Гоголь ва В. Белинский китоблари билан яқиндан танишувини орзу қилиб, айтган эди:

Шундай вақт келармикан,
(Кела қолгин, хуш замон.)
У замон халқ бозордан
Блюхер ё калтафаҳм
Милорд асаринимас,
Белинский ва Гоголь—
Асарини олади!

«Санъаткор Толстой,— деган эди В. И. Ленин,— ҳатто Россияда ҳам жуда оз одамларга маълум. Унинг улуғ асарларини ҳақиқатан ҳам *ҳаммага* етказиш учун курашмоқ керак, миллионлаб ва ўн миллионлаб кишиларни жаҳолатга, зулмга, каторга меҳнатига ва қашшоқликка маҳкум қилган ижтимоий тузумга қарши курашмоқ керак, социалистик ўзгариш қилмоқ керак»[1].

Октябрь социалистик революцияси мана шундай революцион ўзгариш бўлди. Коммунистик партиянинг 1919 йилда В. И. Ленин раҳбарлигида бўлиб ўтган VIII съездида қабул қилинган программасида: «...меҳнаткаш халқни эксплуатация қилиш асосида вужудга келтирилган ва шу маҳалгача фақат эксплуататорларнинг ихтиёрида бўлган бутун санъат хазиналарини меҳнаткашлар учун очиш ва уларга етадиган қилиш зарур»,— деб ёзилган эди. Совет ҳукумати ва Коммунистик партия Октябрь социалистик революциясининг дастлабки кунларидан бошлабоқ бутун маданият бойликларини халқ мулкига айлантириш учун қатор тадбирларни амалга ошира бошлади. 1917 йилнинг 22 ноябрида Халқ Комиссарлари Советининг декрети билан хусусий театрлар аввал Санъат бўлими, кейинроқ эса Маориф халқ комиссарлиги ихтиёрига ўтказилди. Ҳукумат 1918 йилнинг 11 январида Давлат нашриёти ташкил этиш ҳақида декрет қабул қилди. Бу билан ҳукумат меҳнаткашларни китоб билан, шу жумладан классик адабиёт асарлари билан кенг таъминлаш вазифасини ўз олдига қўйган эди. Декретда бундай дейилган эди: «Биринчи навбатда рус классиклари асарларини арзон халқ нашри сифатида чиқариш кўзда тутилсин... Шу қонунга биноан бундан буён уларнинг ижодлари *халқ мулки бўлади.*

Классикларнинг халқ нашри ўз таннархи билан сотилиши керак. Агар маблағ имконият берса, улар арзонлаштирилган нарх билан тарқатилиши ёки ҳатто бепул берилиши керак». 1918 йилнинг 17 июнида «Кутубхона ва китоб сақланадиган жойларни қўриқлаш» ҳақида, 1918 йилнинг 5 декабрида «Санъат ва қадимги ёдгорликларни рўйхат қилиш, ҳисобга олиш ва сақлаш» ҳақида, 1918 йилнинг 26 ноябрида «Фан, адабиёт, музика ва рассомлик

[1] В. И. Ленин. Асарлар, 16-том, 347-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

асарларини давлат бойлиги деб эътироф қилиш» ҳақида ва 1918 йилнинг 3 июнида Третьяков галлереясини давлат ихтиёрига ўтказиш ҳақида декрет чиқарилди ва ҳоказо. Туркистон республикасида ҳам маданий мерос бойликларини сақлаш, уларни омма мулкига айлантириш, санъат-адабиёт обидаларини тўплаш ва тарғиб этиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Маҳаллий зиёлиларга рус ва бошқа қардош халқларнинг мутахассислари ёрдам берди.

Социалистик тузум тараққиётининг барча босқичларида ўтмиш маданият бойликларини кенг халқ оммаси бойлигига айлантириш Коммунистик партия ва Совет ҳукумати сиёсатининг узвий бир қисми бўлди ва бўлиб келмоқда. «Совет тузуми,— деган эди М. И. Калинин,— маданиятни меҳнаткашлар бойлигига айлантириб, халқнинг ижодий кучларини қулликдан озод этди. Фан, санъат ва адабиёт соҳасидаги энг яхши кишиларнинг орзулари амалга ошди: халқ уларнинг маданий меросларини социалистик маданият қурилишига қўшиб, бу меросларни қимматига қараб баҳолади ва юқори кўтарди»[1].

Шундай қилиб, социализм маданий меросни инкор этмайди, балки уни эътироф қилади. В. И. Ленин: «Инсониятнинг яратган барча бойликларини билиб, ўз онгини бойитган тақдирдагина коммунист бўлиш мумкин»[2],— деган эди. Бироқ социализм ўтмишдан қолган ҳар қандай маданият бойликларини ўзига мерос қилиб олавермади. Социализм ўтмишнинг энг прогрессив маданий бойликларинигина ўзига мерос қилиб олди, у кишилик тараққиётига, меҳнаткашларнинг манфаатларига хизмат қилувчи барча даврларнинг, барча халқларнинг маданият, санъат ва адабиёт бойликларига ҳурмат билан ёндашиб, уларни илмий асосда ўрганди ва ижодий қайта ишлаб олди. «Биз...,— деган эди В. И. Ленин,— *ҳар бир* миллий маданиятдан фақат унинг демократик ва социалистик элементларинигина оламиз, биз уларни *фақат* ва *мутлақо ҳар бир* миллатнинг буржуа маданиятига, буржуа миллатчилигига қарама-қарши қўйиб оламиз»[3]. Социализм реакцион маданий меросни рад этади ва унга қарши курашади.

Ўтмиш маданиятининг прогрессив бойликлари, хусусан, ундаги демократик ва социалистик элементлар социалистик жамият маданиятини яратиш ва ривожлантиришда, кишиларга таълим бериш ва уларни тарбиялашда бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлди.

В. И. Ленин 1920 йилда комсомолнинг III съездида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Бутун кишилик тараққиётида вужудга келтирилган маданиятни аниқ билиш, уни қайтадан ишлаш орқасидагина пролетар маданиятини қуриш мумкин эканлигини

MARG'ILON PEDAGOGIK

[1] М. И. Калинин. Адабиёт тўғрисида. Ўздавнашр, Т., 1934, 149- бет.
[2] В. И. Ленин. Асарлар, 31-том, Ўздавнашр, 1953, 295- бет.
[3] В. И. Ленин. Асарлар, 20-том, Ўздавнашр, 1950

www.ziyouz.com kutubxonasi

очиқ-равшан англамасдан туриб — ана шу тахлитда англамасдан туриб, бу вазифани ҳал қила олмаймиз. Пролетар маданияти аллақандай номаълум жойдан келиб чиққан нарса эмас, пролетар маданияти бобида ўзларини мутахассис деб атовчи кишилар ўйлаб чиқарган нарса эмас. Бундай деб ўйлаш бутунлай беҳуда нарса. Пролетар маданияти инсониятнинг капиталистик жамият, помешчиклар жамияти, чиновниклар жамияти зулми остида яратган билим запасларининг қонуний тараққийсидан иборат бўлмоғи лозим»[1].

Октябрь социалистик революцияси моддий ва маънавий бойликларни емириб ташламади, балки уларни бутун халқ оммасининг бойлигига айлантирди, гарчи «эски» бўлса-да, ҳамма гўзал нарсани сақлаб қолди, ундан намуна сифатида фойдаланди. Революция доҳийси В. И. Ленин 1919 йилда сўзлаган «Совет ҳокимиятининг муваффақиятлари ва қийинчиликлари» деган нутқида: «...яксон қилинган капитализмдан кишининг қорни тўқ бўлмайди. Капитализм мерос қилиб қолдирган бутун маданиятни олиш ва ана шунинг ўзидан социализм қурмоқ керак. Бутун фанни, техникани, бутун билимларни, санъатни олиш керак. Бусиз биз коммунистик жамият ҳаётини қуролмаймиз»[2],— деган эди. Социалистик жамият маданий революциянинг бутун тарихий тараққиёти давомида В. И. Ленининг бу кўрсатмаларини амалга оширди. «Маданий революция,— дейилади КПСС Программасида,— меҳнаткашлар оммасини маънавий қуллик ва жаҳолатдан қутқарди, уларни инсоният тўплаган маданий бойликлардан баҳраманд қилди. Кўпчилик аҳолиси саводсиз бўлган мамлакат фан ва маданият чўққилари сари жуда катта парвоз қилди»[3]. Ўтмиш маданиятининг энг яхши бойликларини ижодий қайта ишлаб олиш ва прогрессив традицияларини давом эттириш ҳамда ривожлантириш асосида социалистик маданият энг илғор ва энг юксак маданиятга айланди.

Ўтмиш маданияти, санъат ва адабиётининг энг яхши ёдгорликлари маълум тарихий шароит билан, шу тарихий шароитдаги иқтисодий-ижтимоий ҳаёт, турли синф ва ижтимоий табақаларнинг аҳволи, дунёқараши, халқларнинг маиший турмуши, урф-одати ва бошқалар билан таништиради. Бу ёдгорликларга турли илмий-тарихий асарлар билан бирга, санъат ва адабиёт ёдгорликлари ҳам яққол мисол бўла олади. Ф. Энгельс Бальзакнинг «Кишилик комедияси»да иқтисодий ҳаётга доир жуда кенг ва тўлиқ маълумот берилгани учун, бу асарни ўша даврнинг буржуа тарихчилари, экономистлари асарларидан устун қўйиб, унга юксак баҳо берган эди.

---

[1] В. И. Ленин. Асарлар, 31-том, 294-бет.
[2] В. И. Ленин. Асарлар, 29-том, Ўздавнашр, 1953, 58-бет.
[3] КПСС XXII съездининг материаллари, 362-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўтмиш маданияти, санъати ва адабиётининг энг яхши намуналари катта ижтимоий-тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бу намуналар кишилардаги энг яхши фазилатларни такомиллаштиришга, инсонпарварлик, ватанпарварлик, дўстлик, ҳалоллик, қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик каби хусусиятларни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади. Бинобарин, ўтмиш санъат ва адабиётнинг энг яхши асарлари эстетик тарбиянинг муҳим омилларидан бири сифатида ҳам ўз қимматини сақлаб келмоқда.

Даврининг илғор қарашлари билан суғорилган, халқчиллик ва юксак истеъдод билан яратилган ўтмиш маданияти, санъати ва адабиёти ёдгорликларигина мана шундай қимматга эгадир.

Бироқ ўтмиш маданияти, санъати ва адабиёти ёдгорликлари антагонистик синфий жамият шароитида вужудга келган эканлиги сабабли, бу ёдгорликларнинг ҳаммаси ҳам ўз даврининг прогрессив ҳодисаларидан холи эмас. Марксизм-ленинизм ўтмишнинг меросини танқидий ўрганишга ва унинг ижобий ҳамда салбий томонларининг вужудга келиши сабабларини ёритишга, ижобий томонларини қабул этишга ва салбий томонларини рад қилишга ўргатади. В. И. Ленин ВЛКСМнинг III съездида сўзлаган нутқида ёшларга: «Сизлар бу билимларни билиб олиш билангина чегараланиб қолмай, балки танқидий назар билан қараб, билиб олишингиз керак, ўз миянгизни кераксиз гаплар билан тўлдирмасдан, балки уни бутун фактларни билиб олиб бойитишингиз керак»[1],— деган эди. Ўтмишдаги маданият, санъат ва адабиёт арбоблари ижодини конкрет тарихий шароитни кўзда тутиб тўғри ўрганиш, ёритиш ва баҳолаш мумкин. Шу тақдирдагина уларнинг фаолиятидаги, дунёқарашидаги зиддиятларнинг сабабларини очиш ва изоҳлаш мумкин. Чунки маълум бир тарихий шароитда прогрессив моҳиятга эга бўлган қараш ва ғоя бошқа бир тарихий шароитда ўз моҳиятини ўзгартириши, ҳатто *реакционлашиши* ҳам мумкин. Масалан, Навоийнинг адолатли ва маърифатпарвар подшоҳ бошлиқ марказлашган феодал давлати учун кураши XV аср ва, умуман, феодал ўрта асрлар учунгина прогрессив қимматга эга эди, холос.

Ўтмишдаги арбоблардан улар яшаган тарихий шароит имкон бермаган нарсаларни талаб этиб бўлмайди. В. И. Ленин Н. Г. Чернишевский ҳақида сўзлар экан, бу улуғ революцион-демократ рус жамияти ҳаётининг қолоқлиги туфайли К. Маркс ва Ф. Энгельснинг диалектик материализми даражасига кўтарилолмаган эди, деб таъкидлайди.

Бинобарин, М. Горький айтганидек, ўтмиш маданияти, санъати ва адабиёти арбобларини, бир томондан, умуминсониятнинг озодлик йўлидаги курашига қатнашувчи сифатида, иккинчи томондан, ўз даврининг фарзанди сифатида текшириш ва баҳолаш лозим.

---

[1] В. И. Ленин. Асарлар, 31-том, 295-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маданий мерос ва унга муносабат масаласини чуқур ва изчил, илмий асосда ёритган марксизм-ленинизм назарияси маданий меросни сохталаштирувчи ёки уни инкор қилувчи идеалистик қарашларга, турли хил буржуа мафкурачилари ва оқимларига қарши муросасиз курашди ва ҳозир ҳам курашмоқда.

Идеализм кишилик жамияти ва маданияти тараққиётининг объектив қонунларини, базис билан устқурма ўртасидаги муносабатни инкор этади, маданиятни жамият ҳаётидан, конкрет тарихий шароитдан ажратиб қўяди. Буржуазиянинг империалистик ва мустамлакачилик назарияси бўлган ирқий назария маданият тараққиётини биологик ва ирқий тафовутларга боғлаб, халқларни «маданиятли» ва «маданиятсиз» халқларга ажратади. Шовинизм ва буржуа миллатчилиги эса бир миллатни иккинчи бир миллатга нисбатан устун қўяди, антагонистик синфий жамиятда икки миллий маданият бўлишини инкор этиб, «ягона оқим» шиорини илгари суради, миллатларнинг интернационал бирдамлигига қарши курашади. Космополитизм ва унинг турли кўринишлари халқларнинг ўзига хос ижтимоий-тарихий тараққиёт йўлини, миллий анъаналарини инкор этиб, «беватанлик» ниқоби остида мазлум халқларни империализм асорати остида қолдиришга интилади.

Марксизм-ленинизм ирқчилик, шовинизм, миллатчилик ва космополитизм қарашларига қарши шафқатсиз кураш олиб боради. Марксизм-ленинизм миллатларнинг мустақил ва ўзига хос тараққиёт йўлини, уларнинг миллий традицияларини эътироф қилиш билан бирга, барча миллатлар тенгдир ва ҳар бир миллат жаҳон маданияти хазинасига ўз ҳиссасини қўшади, антагонистик синфий жамиятда «ягона», «умумий» маданият бўлолмайди, унда бир-бирига қарама-қарши бўлган икки маданият бўлади, демократик ва социалистик маданият элементлари халқларнинг интернационализм руҳидаги ҳамкорлигига фойда келтиради, деб ҳисоблайди.

Мамлакатимиздаги маданий революция, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятнинг вужудга келиш ва равнақ топиш тарихи антимарксистик қарашларга, маданий меросни сохталаштирувчи ёки инкор этувчи группаларга қарши кураш тарихидир. В. И. Ленин ва у асос солган Коммунистик партия маданий революция душманларига қарши шафқатсиз кураш олиб борди.

1917 йилнинг сентябрида Петроградда Пролеткульт (Пролетар маданий-оқартув ташкилоти) вужудга келган эди. Бу ташкилотнинг вазифаси ишчилар орасида маданий-оқартув ишларини олиб боришдан иборат эди. Партия ва Совет ҳукумати Пролеткульт мамлакатимизда маданий революция ясашга ва социалистик маданият тараққиётига яқиндан ёрдам беради, деб умид қилди. Пролеткультга барча моддий имкониятлар яратиб берилди. Бироқ Пролеткульт ўзини оқламади, у маданий революцияга ёрдам бериш у ёқда турсин, балки зараркунандалик билан шуғул-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланди. Пролеткультнинг раҳбарлик ўринларини марксизмга ёт бўлган Богданов ва Плетнёв каби унсурлар, махист субъектив идеалистлар эгаллаб олган эди. Пролеткульт ўзини Совет ҳукуматидан ташқаридаги «мустақил» ташкилот деб эълон қилди. У маданият, санъат ва адабиёт соҳасида партия ва ҳукуматнинг раҳбарлик ролини инкор этиб, партия ва ҳукумат маданий-оқартув ишлари билан шуғулланмаслиги керак, деб ҳисоблади. Пролеткульт маданият, санъат ва адабиёт тараққиётида халқ оммасининг ролини ҳам инкор қилди. У, пролетар маданияти айрим кишилар томонидан, пролетар маданиятини яратувчи мутахассислар томонидан яратилади, деди. Пролеткультчилар санъат ва адабиёт соҳасида меҳнаткашларнинг ижодий ташаббус ва интилишларини хато йўлга буришга, марксизмни сохталаштиришга ҳаракат қилдилар. Улар амалда буржуа декадентлиги йўлидан, символизм, футуризм ва экспрессионизм каби тушкун оқимлар изидан бордилар.

Пролеткульт маданий меросни ҳам инкор қилди ва рад этди. Пролеткульт намояндалари ўтмиш маданият бойликларини емириб ташлаш, санъат ва адабиёт асарларини ёқиб юбориш лозим, дедилар. Маданий меросга нотўғри муносабатда бўлиш, уни сохталаштириш ёки рад этиш ҳоллари бошқа жойларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам содир бўлди.

Партия Пролеткультнинг хато ва камчиликларини ўз вақтида кўрсатиб берди, уни тўғри йўлга солишга ҳаракат қилди. Бироқ Пролеткульт раҳбарлари бундан етарли хулоса чиқара олмадилар, улар антимарксизм ботқоғига ботиб кетдилар.

1920 йилнинг октябрь ойида Пролеткульт съезди чақирилди. В. И. Ленин РКП(б) Марказий Комитетининг Пролеткульт ҳақидаги резолюция проектини тузди. Бу проектда Пролеткультнинг хато ва зарарли фаолияти фош қилиниб, Пролеткульт ташкилотларининг вазифаси — пролетариат маданиятини яратишга хизмат қилиш ва партиянинг сиёсати асосида иш олиб боришдир,— деб кўрсатилган эди. Съезд делегатлари В. И. Ленин томонидан тузилган резолюцияни қабул қилдилар. Лекин Пролеткульт раҳбарлари эски сиёсатларини — Пролеткультни партияга қарама-қарши қўйиш сиёсатини давом эттирдилар. Коммунистик партия Пролеткульт раҳбарларига қарши шафқатсиз кураш олиб борди. 1920 йилнинг 1 декабрида «Правда»да РКП(б) Марказий Комитетининг Пролеткульт ҳақидаги мактуби босилиб чиқди.

«Партиянинг бадиий адабиёт соҳасидаги сиёсати ҳақида» РКП(б) Марказий Комитетининг 1925 йил 18 июнда қабул қилган резолюцияси ҳамда ВКП(б) Марказий Комитетининг «Адабиёт ва санъат ташкилотларини қайта тузиш ҳақида» 1932 йил 23 апрелда чиқарган қарори совет санъати ва адабиётини ривожлантириш программаси бўлди, санъат ва адабиёт сафларини ёт унсурлардан тозалади, адашган ва хато йўлга тушиб қолган санъаткор-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар ва адабиётчиларни тарбиялаб, тўғри йўлга солди ҳамда маданий мерос бойликларини тинмай ўрганиш ва ижодий қайта ишлаб олиш, меросни сохталаштирувчиларга қарши шафқатсиз курашга олиб бориш учун йўлланма бўлди.

Маданий меросни ўрганиш ва ундан ижодий фойдаланиш социалистик маданий ҳаётимизнинг муҳим томонларидан биридир. Марксизм-ленинизм таълимоти, Коммунистик партия ўтмиш маданият бойликларини тинмай ўрганиш ва ижодий қайта ишлаб олишга, уларни қадрлаш ва эҳтиёт қилиб сақлашга, меросни сохталаштирувчиларга қарши муросасиз кураш олиб боришга ўргатади. Марксизм-ленинизм Хитой Халқ республикаси раҳбарларининг «маданий революция» ниқоби остида маданий меросга қарши қаратилган хуружини ҳам рад этади, унга қарши курашади.

Ўтмиш адабиёт бойликларини кенг халқ оммасига етказишда, мамлакатимиз халқларининг ўзаро дўстлиги ва маданий алоқаларини янада ривожлантиришда бадиий таржима ва айниқса турли халқлар адабиётининг улуғ рус халқи тилига таржима қилиниши катта роль ўйнамоқда.

СССР халқлари чет эл прогрессив маданияти бойликларини ҳам севадилар, қадрлайдилар. Социалистик тузум бунга кенг имконият ва шарт-шароит яратиб берди. СССР халқлари давримизнинг улуғвор манифести бўлган КПСС янги Программасини амалга ошира бориб, мамлакатимизда коммунистик жамият қуришни кенг авж олдиришга киришдилар.

«Коммунизм маданияти жаҳон маданияти яратган ҳамма яхши нарсаларни ўз ичига олиб ва ривожлантириб, инсониятнинг маданий тараққиётида янги олий босқич бўлади. Коммунизм маданияти жамият маънавий ҳаётининг барча ранг-баранг томонларини ва бойликларини, янги дунёнинг юксак ғоявийлиги ва инсонпарварлигини ўзида гавдалантиради. Бу — синфсиз жамият маданияти, умумхалқ, умуминсоният маданияти бўлади»[1].

Тинчлик ва демократия учун кураш ер юзи халқлари иқтисодий ва маданий алоқаларининг ривожланишига тобора самарали таъсир этмоқда.

---

[1] «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси»дан. КПСС XXII съезднинг материаллари. Ўздавнашр, 1962, 460-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭНГ ҚАДИМГИ АДАБИЙ ЁДГОРЛИКЛАР

ҚАДИМГИ МАДАНИЯТ

Қадимги Ўрта Осиёнинг тарихи ва маданияти ҳақида грек, хитой, ҳинд ва арман тарихчиларининг китобларида, Авесто, Бехистун, Бундахишн, Ўрхўн-Енисей ёдгорликлари каби турли манбаларда, Беруний, Наршаҳий ва бошқа олимлар ҳамда тарихчиларнинг асарларида кўпгина қимматли материал ва маълумотлар сақланиб қолган. Совет фани бу манбалардан кенг фойдаланиш билан бирга, моддий ва маънавий маданият бойликларини қидириб топиш, уларни текшириш ва ўрганиш соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришиб, қадимги Ўрта Осиёни тобора кенгроқ ва тўлароқ ёритиб бормоқда. Эндиликда қадимги Ўрта Осиёнинг ижтимоий тараққиёти, хўжалик ҳаёти ва антик маданияти каби масалалар хийла ойдинлашиб қолди. Ўрта Осиё халқларининг кўп томлик тарих китоблари, қадимги маданиятга доир фундаментал тадқиқотлар вужудга келди.

Совет олимлари асрлар мобайнида инсон қадами тегмаган қум ва чўллар бағрида, харобаларда Ўрта Осиёнинг қадимги моддий ва маънавий маданияти ёдгорликларини излаб топдилар ва топмоқдалар. Археологик қидириш ишларидан айниқса С. П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм экспедицияси, Я. Ғуломов ва В. А. Шишкин раҳбарлигидаги Қуйи Зарафшон ёки Варахша экспедицияси, М. Е. Массон раҳбарлигидаги Термиз ва Жанубий Туркманистон экспедициялари, А. Ю. Якубовский ва М. Н. Дьяконовлар раҳбарлигидаги Тожикистон экспедицияси, А. Н. Берштам раҳбарлигида Еттисув ва Помирда ўтказилган экспедициялар, К. И. Альбаумнинг Болаликтепа (Сурхондарё)даги қазилмалари, Афросиёб обидалари, кейинги йилларда топилган палеолит ва неолит даврига доир янги ёдгорликлар, Г. А. Пугаченкова, Л. Э. Ремпель, Л. Н. Гумилев, С. Г. Кляшторний, Д. Н. Лев, А. Асқаров, У. Исломов, Ҳ. Зияев, А. Муҳаммаджонов, Р. Сулаймонов, К. Шониёзов ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари катта аҳамиятга эга бўлди. Бу экспедицияларда археологлар ва тарихчилар билан бирга архитекторлар, этнографлар ва бошқа соҳалардаги олимлар ҳам актив иш олиб бориб, қадимги Ўрта Осиё маданиятини ёритишга катта ҳисса қўшдилар ва қўшмоқдалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўрта Осиё халқларининг қадимги ота-боболари

Ўрта Осиё кишилик маданияти тарихининг энг қадимий бешикларидан биридир. Археологик қазилмалар Ўрта Осиёда эрамиздан кўп минг йиллар илгари одамлар яшаганини кўрсатади.

Эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталаридаги Ўрта Осиёнинг иқтисодий-географик ва этнографик карталари Бақтрия, Хоразм, Сўғдиёна, Марғиёна, Парфия, Амударёнинг қуйи оқими, Зарафшон воҳалари, Паркана (Фарғона) ва бошқа жойларни ўз ичига олади. Бу жойларда турмуш маишати ва тили жиҳатидан ҳали бир-биридан катта фарқ қилмаган турли қабила ва элатлар: массагетлар, хоразмийлар, сўғдлар, парфянлар ва бошқалар яшар эди. Булар кўчманчи-чорвачилар ҳамда аллақачонлар ўтроқ-деҳқончиликка ўтган аҳоли эди. Кўчманчилик билан ўтроқлик параллел ва аралаш ҳолда давом этар эди.

Мана шу қабила ва халқлар ҳозирги Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги ота-боболари бўлиб, узоқ тарихий процесс давомида бу қабила ва халқлар ўзаро ҳамда бошқа бир қанча қабила ва халқлар билан аралашиб, чатишиб, ҳозирги Ўрта Осиё халқларини вужудга келтирди.

«Биз тарих қаърига қанча чуқур кириб борсак, бир манбадан келиб чиққан халқларни бир-биридан ажратиб турадиган белгилар шунча йўқолиб бораверади»[1]. Энгельснинг бу сўзлари қадимги Ўрта Осиё халқларига ҳам тааллуқлидир.

Шунга кўра, қадимги Ўрта Осиё аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий тарихи ва маданияти ҳозирги Ўрта Осиё халқларининг илк тарихи ва маданиятидир.

Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ овчилик ва балиқчилик, кейин эса чорвачилик билан деҳқончилик пайдо бўла бошлаган эди. Дарёлар ва кўллар ўлкаси бўлган Ўрта Осиёда деҳқончилик дастлаб тошқин сувлардан фойдаланиш асосида тоғларнинг ён бағирларида, сойлик жойларда ривожланган. Бироқ жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти деҳқончиликда сунъий суғоришдан кенг фойдаланишга боғлиқ бўлиб қолади. Она уруғидан ота уруғига ўтиш давридаёқ уруғ ва қабилалар сойлар ва сел оқимининг этакларида, катта дарёларнинг ён тармоқлари тошган жойларда кўлчалар барпо этиш йўли билан сунъий суғориш усулидан фойдалана бошладилар. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг ўсиши қўшимча ишчи кучига эҳтиёж туғдириб, қулдорлик муносабатларининг туғилишини тезлаштирди. Қулларни шафқатсиз эксплуатация қилиш натижасида Амударё, Зарафшон, Фарғона сойи каби катта дарё ва сойларнинг қуйи ҳавзаларида сунъий суғориш анча тараққий этди, дарёларнинг

[1] К. Маркс ва Ф. Энгельс санъат тўғрисида, I том, Т., 1975, 299-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қуриб бораётган эски тармоқлари бўйлаб каналлар қазилди. Буларнинг барчаси йирик қабила иттифоқлари ва мустабид қулдорлик давлатларининг пайдо бўлиши билан бирга содир бўлди. К. Маркс кўрсатганидек, мамлакат ичкарисидаги аҳолидан ўлпон ва солиқ олиш иши билан шуғулланувчи девон (муассаса) билан бирга, бегона қабила ва халқларни талаш билан шуғулланувчи ҳамда канал қазиш, тўғонлар қуриш, суғориш шохобчаларини тозалаш, мудофаа иншоотлари қуриш каби жамоатчилик, хўжалик ишларига аҳолини сафарбар қилувчи шарқдаги мустабид ҳокимиятларга хос девонлар вужудга келди[1].

Хўжалик ҳаётининг тараққий этиши дарёларга ва улардан сунъий суғориш усули билан фойдаланишга боғлиқ бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Геродот Мисрни «Нил туҳфаси» деганидек, тарихчи Истахрий; «Хоразм — бутун манфаатини Жайҳун (Амударё)дан топган мамлакат»,— деган эди.

Қадимги Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалиги билан бирга шаҳарлар ҳаёти, ҳунармандчилик, кончилик ва бошқалар ҳам тараққий этган. Қулдорликнинг вужудга келиши билан йирик шаҳарлар, мустаҳкам қўрғон ва истеҳкомлар пайдо бўлди. Мароқанд (Самарқанд), Кирополь (ҳозирги Ўратепа) ва бошқалар шулар жумласидандир. Археологик материаллар ва ёзма манбалар аҳолининг конларда ишлаганини, мис ва темир эритиш билан, металлардан турли хил ҳарбий ва меҳнат қуроллари ясаш билан, кемасозлик, тўқувчилик, бинокорлик, заргарлик ва бошқа ишлар билан шуғулланганини, яқин ва узоқ ўлкалар билан савдо-сотиқ ишлари олиб борганини кўрсатади. Шу билан бирга, аҳоли, хусусан Фарғона водийсидаги аҳоли нефтдан ҳам фойдаланган.

Геродот массагетлар ҳақида: «Улар отлиқ ва пиёда жанг қиладилар, бу икки хил жанг усулини биладилар; улар ўқ-ёй, найза ва дудама калта қилич билан қуролланганлар. Бу қуролларни улар жездан ясайдилар, бош кийимлари, камарлари ва боғичларини олтин билан безайдилар. Отларнинг кўкрак қалқонини жездан ясайдилар. Юган, сувлуқ ва бошқа от жабдуқларига ҳам олтин қадайдилар. Темир билан кумушни улар мутлақо ишлатмайдилар, чунки уларнинг мамлакатида олтин билан мис ниҳоятда кўп бўлиб, темир билан кумуш мутлақо йўқдир»,— деб ёзади.

Қулдорлик жамиятининг кризиси чуқурлашиб бориши билан сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ҳам, шаҳарлар ҳаёти ҳам заифлаша бошлади. Илк феодализм даврида йирик қулдорлик шаҳарлари ўрнини кичик феодал шаҳарлар олди. Ҳукмроннинг арки (кўҳандиз) атрофида шаҳристон — аҳоли яшайдиган жой пайдо бўлади, вақт ўтиши билан шаҳристон торлик қилиб, унинг атрофида работлар қурила бошлайди. Феодал шаҳарларида ҳам, худди

[1] К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения, издание второе, том 9, Москва, 1957, стр. 132.

www.ziyouz.com kutubxonasi

антик шаҳарлардаги сингари, аҳоли ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва бошқа ишлар билан шуғулланар эди.

Қадимги Ўрта Осиёда турли культ ва динлар мавжуд эди. Табиат ҳодисаларига нисбатан дуалистик қараш, уларни яхши ва ёмон, дўст ва душман кучларга ажратиш заминида Митра (қуёш худоси), Анахита (ер-сув маъбудаси) ва бошқа культлар пайдо бўлади. Бу культлар эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда вужудга келган зардуштийлик динига қўшилиб кетади. Қадимги Ўрта Осиёда, қисман бўлса-да, Эллин худолари (Зевс, Афина, Пасейдон, Апполон ва бошқалар) культи, будда дини (буддизм), моний дини (манихеизм), насоро (несториан) христианлиги, яҳудий дини ва бошқалар тарқалган эди. Араб халифалари истилосидан кейин ислом дини асосий дин бўлиб қолади.

Тил ва ёзув

Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда Ўрта Осиё аҳолисининг кўпчилиги эрон тиллари группасига кирувчи диалект ва шеваларда гаплашар эди. Грек тарихчиси Страбон Бактрия, Сўғдиёна, Эрон ва Мидия аҳолисининг тили бир-бирига ўхшаганини қайд қилгани каби, Хитой сайёҳи Си-Ма Цян (эрамиздан аввалги II—I асрлар) ҳам Давон (Фарғона)дан то Парфиягача бўлган территорияда яшаган қабила ва халқларнинг бир-бирларининг тилларини тушунишини таъкидлайди. Эрон тиллари группасига кирувчи лаҳжалар Грек-Бактрия давлати ҳукмронлиги даврида ва Ўрта Осиё аҳмонийлар томонидан истило қилинган даврда ҳам сақланиб қолади, ривожланиб боради. Бироқ Бактрия шоҳлари саройида давлат тили сифатида маҳаллий тиллар эмас, балки грек тили қўлланилар эди.

Кейинроқ Ўрта Осиё территориясида туркий тиллар группаси ҳам кенг тарқала бошлайди. Бу процесснинг бошланиши Ўрта Осиёга хуннларнинг кўчиб кела бошлаши билан боғлиқдир. Ёзма манбаларда Ўрта Осиё чегараларида хуннларнинг пайдо бўлиши биринчи марта эрамиздан аввалги II асрда эслатиб ўтилади. Хуннлар аввал бошлаб Марказий Осиёнинг кенг чўлларида ташкил топган йирик қабила иттифоқи бўлиб, кўп олимларнинг фикрига кўра, улар Олтой оиласининг туркий группасига кирувчи тилларда гапирганлар. Бироқ, шу билан бирга, хунн қабила иттифоқига кирган қабилаларда Олтой оиласининг мўғул ва тунгус группаси тиллари ҳам маълум даражада қўлланилган бўлиши керак, деб фараз қилинади.

Хуннлар эрамиздан аввалги II—I асрларда Еттисувга ва Сирдарё бўйидаги чўлларга кўчиб келиб, аста-секин маҳаллий халқ ва қабилалар билан — скиф-массагетлар билан чатишиб кета бошлайдилар. Шу даврдан бошлаб Ўрта Осиёда туркий тиллар группаси кенг тарқалади ва турк хоқонлиги давлати даврида Шимолий Енисейдан тортиб Мўғулистонга қадар чўзилган территорияда асосий тиллардан бири бўлиб қолади, эрон тиллари группасига кирган тилларда сўзлаган айрим қабила ва халқлар туркий тил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларда сўзловчи халқлар билан чатишиб кетиб, туркий тилларда сўзлай бошлайдилар[1].

Эрон тиллари группаси турли диалект ва шевалардан иборат бўлгани каби, туркий тиллар группаси ҳам хилма-хил диалект ва шеваларни ўз ичига олар эди. Буни биз Ўрхўн-Енисей ёдгорликларида ҳам яққол кўрамиз. Бу диалект ва шевалар ўзаро ва, шу билан бирга, эрон тиллари группаси, мўғул тиллари группаси ва бошқа группалардаги тиллар билан чатишиб, аралашиб кетади. Узоқ тарихий процесс давомида қадимги эрон тиллари группасидаги тиллар заминида кейинчалик тожик, форс ва бошқа тиллар шаклланган каби, қадимги туркий тиллар группасидаги тиллар заминида ўзбек, уйғур, туркман, қирғиз ва бошқа туркий тиллар вужудга келди. Эрон тиллари группасидаги тил Ўрта Осиёда асосан ҳозирги Тожикистон территориясидаги аҳолининг тили бўлиб қолди. Шу билан бирга, бу тил асрлар мобайнида Фарғона, Сўғд ва Хоразмда ҳам сақланиб қолди (масалан, Жанубий Хоразмда XIII—XIV асрларга қадар сақланди). Ҳозирги кунгача Тожикистонда ўзбек аҳолиси яшайдиган бир қанча районлар бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам тожик аҳолиси яшайдиган кўпгина районлар бор.

Туркий тиллар группасидаги тилларда сўзловчи халқлар билан эрон тиллари группасидаги тилларда сўзловчи халқлар ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқалар узлуксиз давом этиб ривожланиб борганидек, икки группадаги тиллар ҳам ўзаро алоқада бўлиб, бир-бирига кучли таъсир этади. Бу ҳолат, хусусан, ўзбек ва тожик тиллари мисолида равшан кўринади.

Ўрта Осиё халқлари ёзувининг тарихи жуда қадим замонлардан бошланади. Эрамиздан олдинги биринчи минг йиллик ўрталарида Эрон, Ўрта Осиё ва бошқа ўлкаларда оромий ёзуви кенг тарқала бошлайди. Александр Македонский истилосидан кейин эса Ўрта Осиёга грек ёзуви ҳам кириб келади. Оромий ёзуви, грек ёзуви ва форсий миххат маълум даврлар мобайнида асосан маъмурий ҳужжатларда қўлланилади. Эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида аста-секин оромий ёзуви негизида бир қатор маҳаллий ёзувлар вужудга кела бошлайди. Авеста, хоразм, сўғд, кушан, рун (Ўрхўн-Енисей), уйғур ёзуви ва бошқа ёзувлар шулар жумласидандир.


Авеста ёзуви эрамиздан аввалги V асрда вужудга келган деб тахмин қилинади. Ўрта Осиёда узоқ асрлар давомида қўлланган ёзувнинг асосий тури — хоразм ва сўғд ёзувлари ҳам жуда қадимги даврларда пайдо бўлган.

Хоразм ёзуви оромий ёзувининг энг қадимги традицияларини сақлаб қолган ёзувдир. Бу ҳол унинг Ўрта Осиёдаги бошқа ёзув-

---

[1] Қадимги турклар тарихи Л. Н. Гумилевнинг «Древние тюрки» (Изд. «Наука», М., 1967) асарида биринчи манбалар асосида кенг ёритилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Сўғд ёзуви

лардан хийла бурун шаклланганига далил бўла олади. Хоразм экспедицияси Қўйқирилган қалъада эрамиздан аввалги III асрга доир ёдгорликларни топди. Кейинги асрларга (VIII асрга қадар) мансуб бўлган турли ёдгорликлар (тангалар, муҳрлар, ҳужжатлар, санъат асарлари, уй-рўзғор буюмлари ва бошқалар) ҳам анчагина топилди.

Сўғд ёзувининг энг қадимги намунаси Тали-Барзуда (Самарқанд яқинида) топилган бўлиб, эрамиздан аввалги биринчи асрнинг охирларига тааллуқлидир. Бу ёзувнинг турли асрларга доир ёдгорликларидан сўғд календари ва «Муғ қалъа»да топилган 80 ҳужжат ва тангалар алоҳида қимматга эга.

Сўғд ёзуви билан олдинма-кейин пайдо бўлган кушан ёзувининг ҳам айрим намуналари бизгача етиб келган.

Булардан ташқари, Ҳиндистонда кенг қўлланилган карошти ёзувининг ҳам Кушанлар даврида (I—IV асрлар) Ўрта Осиёда бирмунча татбиқ қилингани маълум. Ўрта Осиё умуман, «Кушан маданияти»нинг йирик ўчоқларидан бири бўлган. Фанда «Ўрхўн-Енисей» ёки «туркий рун» деб номланган ёзув эрамизнинг биринчи асрларида (V асргача) вужудга келди. У Шимолий Енисейдан *тортиб* Мўғулистонга қадар кенг территорияда яшовчи турли халқлар ва қабилаларнинг асосий ёзуви эди. Енисей ва Ўрхўн дарёлари атрофида ҳамда бошқа жойларда V—VIII асрларга мансуб бўлган жуда кўп хилма-хил ёзма ёдгорликлар топилди.

Ўрхўн-Енисей ёзуви билан деярли олдинма-кейин уйғур ёзуви вужудга келди. Уйғур ёзуви учун сўғд ёзуви асосий негиз бўлди. Уйғур ёзуви фақат Шарқий Туркистон (Хитой)дагина эмас, балки бошқа жойларда ҳам, жумладан Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳам кейинги асрларга қадар маълум даражада татбиқ қилинди. Масалан, XIV—XV асрларда темурийлар саройида, қисман бўлса-да, уйғур ёзуви ҳам қўлланилган. Уйғур ёзувида, уйғур тили-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даги асарлардан ташқари, ўзбек тилидаги айрим қадимги асарлар (масалан, «Меърожнома»— XIV аср, «Бахтиёрнома»нинг форсчадан таржимаси ва бошқалар) ҳам ёзилди. Ўрхўн-Енисей ёдгорликларига қараганда уйғур ёзувидаги ёдгорликлар (турли ҳужжатлар, буддизм, моний ва христиан динига оид асарлар ва бошқалар) кўпроқ сақланиб қолган. Уйғур ёзуви мўғул ва кейинроқ манжур ёзувининг пайдо бўлишига асос бўлган.

Шундай қилиб, ёзув маданияти Ўрта Осиё халқларида эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталаридаёқ пайдо бўлди, у маданиятнинг турли соҳаларининг, жумладан, адабиётнинг равнақ топишига ҳам хизмат қилди.

Илм-фан


Қадимги Ўрта Осиёдаги илм-фаннинг тараққиёт даражасини кўрсатувчи ёдгорликлар ниҳоятда кам сақланиб қолган. Лекин, шунга қарамай, қадимги Ўрта Осиё халқларининг астрономия, геометрия, геодезия, физика ва бошқа фанлар соҳасида бирмунча муваффақиятларга эришгани маълум. Бизга қадар сақланиб қолган сўғд календари, Беруний асарларидаги маълумотлар ва бошқа манбалар қадимги Ўрта Осиёда илм-фаннинг айрим соҳалари, айниқса астрономия фани тараққий этганини кўрсатади. Сўғд, Хоразм ва бошқа жойларда етишган олимлар асосий планеталарни ва юлдузларнинг туркумларини ўрганиб, уларни махсус номлар билан атаб, Бурж (Зодиак) системасини аниқлаб олганлар. Шоҳлар саройидаги астрономлар (улар астролог ҳам бўлганлар) гороскоплар тузиб, сайёралар дунёсини текширганлар, улар физика, математика, фалсафа, медицина ва бошқа фанлар билан шуғулланганлар. Бироқ улар астрономияни астрологияга қориштириб юборар, «юлдузларга қараб» айрим ҳодисаларни олдиндан «каромат» қилар ва маълум қарорни амалга ошириш вақтини белгилар эдилар.

Қадимги Ўрта Осиё халқларининг хўжалик ҳаёти, турли ўлкалар билан олиб борган савдо алоқалари, бинокорлик, ҳунармандчилик ёдгорликлари ва бошқалар бу халқларнинг илм-фанда эришган ютуқларини кенгроқ тасаввур этишга ёрдам беради. Маълумки, Ўрта Осиё халқлари жуда қадим замонлардаёқ суғориш иншоотлари қурганлар, каналлар очганлар, чиғир, кориз ва бошқа усуллар билан сувсиз ерларга сув чиқарганлар, кемалар ясаганлар, юлдузларга қараб узоқ жойларга сафар қилганлар, мустаҳкам иморатлар қурганлар, тошни эритиш йўли билан шиша ишлаб чиқарганлар ва ҳоказо. Булар маълум илмий билимларсиз (улар элементар даражада бўлса ҳам), геометрия, математика, астрономия, география, геодезия, физика, химия ва бошқаларсиз бунёдга келиши мумкин эмас эди, албатта.

Архитектура

Археологларимиз Ўрта Осиёнинг кўп жойларида турли даврларга мансуб бўлган жуда қадимги шаҳарлар, қўрғонлар, мақбаралар ва хилма-хил истеҳкомларнинг харобаларини очдилар. Тупроққалъа, Кўзали қир,

www.ziyouz.com kutubxonasi



Тупроққалъа саройи реконструкциясининг макети. (Проф. С. П. Толстовнинг реконструкция эскизига мувофиқ архитектор И. А. Орлов томонидан ишланган проект асосида.)

Қўйқирилган қалъа, Ёнбош қалъа (Хоразмда), Чуст, Далварзин (Фарғона водийсида), Қизил қир, Варахша (Бухоро яқинида), Оқтепа (Тошкент яқинида) ва бошқа шаҳар ҳамда қўрғонларнинг қолдиқлари қадимги Ўрта Осиё архитектурасининг ўзига хос хусусиятлари ва такомили ҳақида маълум тасаввур туғдиради.

Пахса, хом ғишт, ёғоч, ганч ва бошқалар қадимги Ўрта Осиё бинокорлигининг асосий материали бўлган. Кўпчилик иморатлар квадрат формасидаги хом ғишт ва пахса билан ишланган, пишиқ ғишт эса кам ишлатилган. Биноларнинг маълум қисмини гумбаз шаклида қуриш, миноралар ясаш кенг тарқалган. Бир қаватли иморатлар билан бирга икки қаватли иморатлар ҳам қурилган. Халқ усталари ва санъаткорлари биноларни суратлар, турли графика ва ҳайкаллар билан безаганлар, состави ҳалигача илм-фанга номаълум бўлган елимлик бўёқлардан фойдаланганлар. Бироқ муҳташам саройлар ва катта уй-жойларни бино қилган меҳнаткашларнинг ўзи тор, пастқам, кўримсиз, зах кулбаларда яшаган.

Қадимги Ўрта Осиё архитектураси тўғрисида конкретроқ тасаввурга эга бўлиш учун Тупроққалъа билан танишиш кифоя. Кўҳна Тупроққалъа шаҳри III асрга мансуб бўлиб, қадимги Хоразм шоҳларининг пойтахти бўлган деб тахмин қилинади. Шаҳар тўртбурчак (500×350 *м*) шаклда бўлиб, атрофи минорали ғишт девор билан ўралган. Шаҳарнинг шимоли-ғарбий бурчагида баландлиги 20 *м* дан зиёдроқ учта катта минорали қаср бўлган. 100 дан ортиқ хонаси бўлган бу қаср икки қават қилиб қурилган. Шаҳарнинг шимолий қисмида икки қават деворга ва бозор майдончасига эга

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган оташкада (зардуштийларнинг олов ибодатхонаси) жойлашган. Аҳолининг турар жойлари бўлган ўн-ўн икки кварталли кўча шаҳарни икки қисмга ажратиб турган. Шаҳарнинг бошқа жойларида яна хилма-хил бинолар қад кўтарган.

Тупроққалъа бинолари қатъий режа асосида қурилган. Шаҳар ансамблининг ҳашаматли биноси сарой бўлиб, унинг деворлари турли хил тасвирий суратлар: кишилар, ҳайвонлар, қушлар, зангор тўлқинларда сузиб юрувчи балиқлар сурати ва бошқа суратлар билан безатилган, залларга одам бўйи турли хил фигуралар қўйилган, деворларга ич ва сиртдан ҳошиядор карнизлар ва ўймакор панжаралар ўрнатилган. Буларнинг барчаси ягона стиль, таносиб асосида қилинган бўлиб, қадимги Хоразм усталарининг бинокорлик маҳоратидан далолат беради.

Қадимги бинокорлик традициялари Ўрта Осиё бинокорлиги тараққиётининг кейинги босқичларида ҳам давом эттирилди.

Санъат

Қадимги Ўрта Осиёда рассомлик, наққошлик, ҳайкалтарошлик, музика ва бошқа санъат турлари ҳам ривожланган. Ёзма манбалар ва, хусусан, совет олимлари излаб топган ёдгорликлар, жумладан Термиз яқинидаги Айритомда 1932 йилда топилган тошга ишланган 3 чолғувчи аёл сурати (I—II асрлар), 1953—1954 йилларда ковлаб очилган Болаликтепа ибодатхонасидаги деворларга ишланган суратлар (эфталитлар даври); Ашхобод яқинидаги қадимги Нисадан 1930 йилда топилган: сополдан ишланиб ёғочга ўрнатилган рангли ҳайкал (тахминан II аср); 1945—1947 йилларда очилган Тупроққалъа саройидаги девор нақшлари ва ҳайкаллар (III аср); Бухоро яқинидаги Варахша саройидаги 1938 йилда топилган нақшлар ва рельефли ўйма декорациялар (II—VI асрлар); Муғ тоғи қасрида (Шимолий Тожикистон) 1933 йилда топилган тасвирий суратлар, нақшланган қадимги чарм қалқон (VIII асрнинг бошлари); 1948—1951 йилларда қадимги Панжикентда олиб борилган археологик текширишлар даврида топилган ҳайкаллар ва фигуралар, деворлардаги сурат ва нақшлар (илк феодализм даври), яқинда Қувада топилган маданият ёдгорликлари ва бошқалар буни равшан кўрсатади. Варахша, Тупроққалъа ҳамда қадимги Панжикент ёдгорликлари бошқа жойлардаги ёдгорликларга нисбатан бутунроқ ва мукаммалроқ сақланиб қолган. Булардан ташқари, бизгача сақланиб қолган нақш ва суратлар билан ишланган турли қуроллар, асбоб, идиш-товоқ, танга ва бошқалар ҳам қадимги Ўрта Осиё санъатининг нодир ёдгорликларидир.

Бу санъат ёдгорликларининг кўпи қулдорлик ва илк феодализм даврига мансубдир. Ибтидоий жамоа санъати ёдгорликлари эса ниҳоятда оз сақланган. Ибтидоий жамоа санъати ёдгорликларидан энг характерлиси Шеробод районидаги Заровутсой дарасига жойлашган Заровут камар ғоридаги суратлардир. Улардан бирида қўлларида ўқ-ёй ва яна қандайдир сопқонсимон қуроллар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ушлаган, орқаларида узун думлари бўлган кишилар тасвирланган. Афтидан, бу кишилар ҳайвон қиёфасида нйқобланиб, овга отланган. Иккинчи бир суратда олдинга чопиб бораётган буқалар, елиб бораётган ит ва овчилар акс эттирилган. Овчилардан баъзилари ўқ-ёй отмоқда, баъзилари эса сопқондан тош отмоқда.

Қулдорлик ва илк феодализм даврларига мансуб бўлган санъат ёдгорликларида қадимги культлар, шоҳлар ва шоҳлар саройи, жанг эпизодлари, табиат лавҳалари, музикачилар, фантастик манзаралар ва бошқалар тасвирланган. Масалан, Варахша саройи биноларидан бирининг деворларига елимлик бўёқ билан қуйидаги суратлар солинган: оқ фил минган, найза, қилич ва каманд (сиртмоқ) билан қуролланган аскарлар. Улар ҳайвонлар ва қанотли аждаҳолар билан жанг қилмоқда. Филлар ва ярим ялангоч аскарлар билан олтин ҳамда қимматбаҳо тошлардан ясалган турли хил безаклар билан зийнатланган. Иккинчи бир суратда подшо сарой аҳлларини тантанали вазиятда қабул қилмоқда. У қанотли икки туянинг сурати солинган тахтда ўтирибди. Тахтнинг икки томонида қимматбаҳо кийимлар кийган, қилич ва ханжар таққан, қўлларига қадаҳ кўтарган кишилар ва ҳоказо. Шунингдек, Афросиёб саройи деворларига ишланган фил, отлиқлар, қушлар, элчилар ва бошқа рангли суратлар ҳам қадимги антик маданиятнинг мислсиз обидаларидир.

Хоразм, Сўғд ва бошқа жойлардаги харобаларда топилган ҳайкаллар ва фигураларнинг бир нечасида ер ва унумдорлик маъбудаси Анахита тасвирланган («Медичи Венера»га ўхшаш). Қолган фигурачаларда отлиқлар, турли хил ҳайвонлар, фантастик махлуқлар ва бошқалар тасвири ишланган. Афтидан, бу фигуралар культ фигуралари бўлиб, улар наврўз байрамига аталган ва ҳар йили алмаштириб турилган. Бундай фигурачаларнинг жуда кенг тарқалганлиги ва кўп жойларда топилиши шундан далолат беради. Тали-барзу (Самарқанд яқинида) ва Афросиёбда чакмон ва узун қўнжли этик, бошига учли бош кийим кийган, бўйнига олтин ёки кумуш безаклар таққан архаик фигуралар топилди. Бу фигуралар қуёш худоси Митранинг тасвири деб тахмин қилинади.

Булардан ташқари, турли оддий металлар, олтин ва кумушдан ишланган асбоблар ва идиш-товоқларда ҳам хилма-хил жонли манзаралар, киши ва ҳайвонларнинг тасвири берилган. Еттисув территориясида топилган тўрт оёқли, дастакли, ёнларида қанотли шерларнинг тасвири ишланган катта ва кичик манқаллар, Катта Фарғона каналини қазиш пайтида топилган уч оёқли, тўрт дастакли, ёнларига тўртта тоғ эчкисининг фигураси ишланган жуда катта бронза қозони, Спитамен каби қаҳрамонларни етиштирган сўғдларнинг Муғ тоғи қасрида топилган отлиқ жангчи сурати, Ленинград Давлат эрмитажида сақланаётган Хоразм жангчиларининг қиёфаси ва шоҳ саройининг ҳашаматли кўриниши тасвирлан-

www.ziyouz.com kutubxonasi



Чолғувчилар тасвири (Айритом).

ган «Аников лагани» деб номланган ёдгорлик, тангалардаги шоҳлар портрети ва бошқа суратлар шулар жумласига киради.

Санъат ёдгорликлари орасида Айритомдан топилган сурат ва Тупроққалъадаги арфа чалувчи аёл тасвири алоҳида қимматга эгадир, чунки бу ёдгорликлар тасвирий санъат ёдгорлигигина бўлиб қолмай, айни замонда, қадимги музика санъати ёдгорлиги ҳамдир. Айритомдаги фризда уч аёл қиёфаси тасвирланган бўлиб, уларнинг қўлларидаги асбоблар рубоб, арфа ва дўмбирага жуда монанддир. Тупроққалъадаги арфа чалувчи қиз сурати ҳам катта санъаткорлик билан ишланган. Бу ёдгорликлар Ўрта Осиёда жуда қадим замонлардаёқ музика санъати мавжуд бўлганлигини ва тараққий этганини кўрсатади.

Қадимги санъат ёдгорликлари, айниқса антик ёдгорликлар Ўрта Осиёда хилма-хил санъат турлари бўлганлигини, Ўрта Осиё санъаткорларининг реалистик қалами ва кенг фантазиясини равшан кўрсатади. Бироқ қулдорлик жамиятининг тушкунлиги даврида ва илк феодализм босқичида антик санъатнинг нафосати ва реалистик тенденциялари аста-секин йўқолиб боради, араб халифалари истилоси эса Ўрта Осиё санъатининг равнақ топишига янада шиддатлироқ зарба беради.

Ф. Энгельс «Германияда деҳқонлар уруши» номли асарида: «Ўрта асрлар тамомила ибтидоий негизда ривожланди. У қадимги маданиятни, қадимги фалсафа, сиёсат ва ҳуқуқшуносликни ер юзидан йўқотиб юборди. Буларнинг ҳаммасини қайтадан бошламоқчи бўлди»,— деган эди[1].

Бошқа халқлар билан иқтисодий-маданий алоқа

Ўрта Осиё халқлари жуда қадим замонлардан бошлаб турли ўлка ва халқлар билан — Урал, Сибирь ва Волгабўйи, Хитой, Ҳиндистон, Греция, Эрон, Сурия, Месопотамия, Вавилон, Миср ва бошқа ўлкалар билан иқтисодий-маданий алоқада бўлганлар. Шу билан бирга, Ўрта Осиё Шарқ билан Ғарб

[1] К. Маркс и Ф. Энгельс. Сочинения. Издание второе, том 7, Москва, 1956, стр. 360.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўлкаларининг савдо-сотиқ ва маданий алоқаларининг бир марказий чорсуси сифатида ҳам катта роль ўйнаган.

Волгабўйлари, Уралолди, Жанубий Сибирь, Қозоғистон ва Ўрта Осиё қабилаларининг қадимги маданиятидаги айрим муштарак жиҳатлар улар ўртасида яқин этник ва маданий алоқалар мавжуд бўлганини тасдиқлаш учун асосдир. Шу билан бирга, неолит ва бронза даври ёдгорликлари бу қабилаларнинг Ўрта ва Яқин Шарқ ўлкалари билан ҳам мол-буюм айирбошлаш муносабатида бўлганини кўрсатади. Қулдорлик ва илк феодализм босқичида эса Ўрта Осиёнинг чет эллар билан иқтисодий ва маданий алоқалари кенг қулоч ёяди, бу алоқалар Ўрта Осиё аҳолисига ҳам, у билан алоқа боғлаган ўзга халқларга ҳам катта фойда келтирди.

Иқтисодий ва маданий алоқалар туфайли эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида Ўрта Осиё ва Эронга Суриядан оромий ёзуви кириб келди ва бу ёзув хоразм, сўғд ва бошқа маҳаллий ёзувларнинг вужудга келишига асос бўлди. Айни замонда сўғд ёзуви таъсири билан пайдо бўлган уйғур ёзуви мўғул ва манжур ёзувларининг шаклланишига замин яратди. Бундай ўзаро алоқа ва таъсир жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ҳам равшан кўринади.

Ўрта Осиё билан Греция ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқалар жуда қадим замонларда бошланди. Эллин маданияти Ўрта Осиё маданиятининг равнақ топишига ва Ўрта Осиё маданияти эллин маданиятининг равнақ топишига самарали таъсир этди. Селевкийлар даврида Ўрта Осиёда грек худоларига атаб ибодатхоналар қурилди, Зевс билан зардуштийликнинг бош худоси Ахура Мазда, Апполон билан Митра, Афродита билан Анахита бир-бирига яқинлашиб, ҳатто қўшилиб кетди. Селевкийлар ва Грек-Бактрия ҳукмронлиги даврида Грециядан узоқда, Ўрта Осиё, Эрон ва бошқа ўлкалар аҳолисининг актив иштирокида шарқий эллинизм маданияти вужудга келди, у грек маданиятини ҳам бойитди, унинг гуллаб-яшнашига



Жанговар фил сурати ишланган фаллар (грек-Бактрия санъати).

www.ziyouz.com kutubxonasi

самарали таъсир қилди. Зардуштийликдаги ёруғлик кучлари билан қоронғилик кучлари ўртасидаги кураш ҳақидаги таълимот грек диний фалсафасининг, жумладан, сўнгги грек гностицизмининг тараққий этишига маълум ҳисса қўшди.

Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқа ҳам жуда бой ва узоқ тарихга эга. Александр Македонскийнинг юришларида унга ҳамроҳ бўлган тарихчи Аристобул Окс (Амударё)даги кемалар қатнови ҳақида сўзлаб, Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон билан ҳам яқин савдо алоқасида бўлганини айтади. Кейинги асрларда бу алоқаларнинг янада ривожланганлиги Ўрта Осиё маданиятининг Ҳиндистон маданияти тараққиётида, Ҳиндистон маданиятининг Ўрта Осиё маданияти тараққиётида ўз изини қолдирганини кўрамиз. Масалан, Ҳиндистондаги Таксила ва Мадура қадимги ёдгорликларида, Шарқий Европа қадимги ёдгорликларида бўлганидек, Кушан империяси (I—IV асрлар) маданиятининг изи равшан кўринади. Ажойиб ҳинд эпоси «Панча тантра» («Беш китоб») жуда қадим замонлардаёқ Эрон ва Ўрта Осиёда машҳур эди. VI асрда сосоний подшоларидан Анушервоннинг буйруғи билан Ҳаким Бурзое «Панча тантра»ни санскрит (қадимги ҳинд) тилидан паҳлавий (қадимги форс) тилига таржима қилади. Бироқ бу таржима бизгача сақланиб қолмаган. 759 йилда динсизликда айбланиб, тириклайин ўтда куйдирилган Ибн Муқаффанинг Бурзое таржима қилган «Панча тантра»дан араб тилига қилган таржимаси бизгача етиб келди. Кейинроқ «Панча тантра» асосида Ўрта Осиёда «Калила ва Димна» номи билан жуда машҳур бўлган достонлар яратилди. Рўдакий ҳам шу номда достон ёзган. «Калила ва Димна» турли тилларга таржима қилинди, жумладан, у ўзбек тилига ҳам бир неча бор таржима қилинган.

Жуда қадим замонларда Ўрта Осиё билан Хитой ўртасида янада яқин иқтисодий ва маданий алоқалар вужудга келди. Бу алоқалар даставвал машҳур «Ипак йўли» билан боғлиқдир. Эрамиздан аввалги II асрда очилган Хитой йўли —«Ипак йўли» Ўрта Осиё орқали ўтарди. Ўрта Осиё Хитой билан бошқа ўлкаларнинг савдо муносабатларида жуда актив роль ўйнай бошлайди. Шу билан бирга, Ўрта Осиё халқлари билан Хитой халқлари иқтисодий ва маданий тараққиёт соҳасида бир-бирларидан кўп нарсани ўрганиб оладилар. Чунончи, Хитой халқи пахтачилик, токчилик, виночилик ва шиша қуйиш ишларини Ўрта Осиёдан ўрганади. Хитой йилномаларида 424 йил воқеалари муносабати билан Ўрта Осиёнинг шиша қуйишдаги шуҳрати ҳақида бундай маълумот берилади:

«Юэ-Чжи (Хитой) вилоятларининг пойтахтида савдо қилган (Ўрта Осиё) аҳолиси, биз тошни эритиб, ундан ҳар хил рангли шиша ясашни биламиз деб айтдилар ва тоғлардан, конлардан руда келтириб, пойтахтда улардан шиша қуйиш устида тажриба ўтказдилар; тажриба муваффақиятли чиқди. Уларнинг шишаси шу

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадар ялтироқ эдики, бу жиҳатдан у ҳаттоқ ғарбий мамлакатлар никидан (Рим ёки Сурия шишаси кўзда тутилса керак) устун чиқди. Шунинг учун ҳам подшо уларнинг шишаларидан тахт тураднган залларда ёки саройларда фойдаланишни буюрди; шишалар ялтироқ рангда бўлиб, жуда тиниқ эди; уларга қараб ҳамма таажжубга тушар ва бу шишаларни илоҳий деб ҳисоблар эди». Шунингдек, Фарғона водийсининг отлари ҳам Хитойда жуда шуҳрат қозонган.

Айни замонда, Ўрта Осиё халқлари ҳам Хитойдан кўп нарсани, жумладан, ипакчилик, қоғоз ишлаш ва бошқаларни ўрганиб оладилар. Хитойлик усталардан қоғоз ишлашни ўрганган Самарқанд усталарининг қоғози илк ўрта асрдан бошлаб араб халифалиги ўлкаларида, XII асрда эса Европада кенг шуҳрат қозонади.

Ўрта Осиё билан қадимги Эроннинг иқтисодий ва маданий ҳаётида ҳам жуда яқин алоқа ва маълум муштараклик мавжуд бўлган.

Шундай қилиб, халқлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар ижобий натижаларга олиб келди, уларнинг дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлади, иқтисодий ва маданий тараққиётига маълум ҳисса қўшди. Босқинчилик урушлари эса бу алоқаларга зарба бериб, халқларнинг иқтисодий ва маданий ҳаётига офат келтирар эди. Аҳмоний шоҳларининг босқинчилиги ва истибдоди, Александр Македонскийнинг истилоси Ўрта Осиё аҳолисининг иқтисодий ва маданий ҳаётига катта талафот келтириб, минглаб кишиларни қириб ташлаган эди.

Ўрта Осиё халқлари VII асрнинг охири ва VIII асрнинг бошларида янада даҳшатлироқ истилочилар — араб босқинчилари истилосига дучор бўлган эдилар.

ОҒЗАКИ АДАБИЁТ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Бадиий сўз санъати маданиятнинг энг қадимги ва узоқ тарихга эга бўлган соҳасидир. Унинг куртаклари ибтидоий жамият кишиларининг мафкуравий тасаввури, мафкура турлари ҳали синкретик характерда бўлган даврдаёқ вужудга келган эди. Меҳнат процессининг ривожи, инсон тажрибаси ва онгининг тараққийси мафкура турларининг бир-бири билан узвий алоқада бўлган мустақил соҳалар сифатида тараққий этишига хизмат қилади. Кишилар турмуш тажрибаларини, табиат ва жамият ҳақидаги фикр-тушунчаларини образли сўз орқали тасвирлаш, баён этиш кўникмаларини ярата бошлайдилар. Бадиий сўз тажрибасининг ўсиши, бадиий дид ва завқнинг такомиллашиб бориши хилма-хил бадиий шаклларни, адабий жанрларни вужудга келтиради. Шундай қилиб, бадиий сўз санъати ёзув ва ёзма адабиётдан кўп замонлар илгари оғзаки ижод шаклида пайдо бўлади ҳамда ёзма адабиётнинг вужудга келишига замин ҳозирлайди. У оғиздан-оғиз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га, авлоддан-авлодга, даврдан-даврга ўтади. Бироқ у дастлаб қандай яратилган бўлса, ҳар қачон ҳам айнан ўша ҳолича сақланиб қолмайди, балки ижодий қайта ишланади, турли хил ўзгаришларга учрайди, янги-янги маълумотлар билан бойийди, янги тарихий шароитга мувофиқлашади, кейинги яратилган асарлар билан бирга яшайди, узоқ умр кўради. Шу билан бирга, ёзма адабиёт оғзаки адабиётга самарали таъсир этади, оғзаки адабиёт ёзма адабиётнинг тажрибаларидан ижодий фойдаланади.

Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги замонларга оид айрим оғзаки адабиёт ёдгорликлари баъзи бир манбалар орқали бизга қадар сақланиб қолган. Бу манбалар тарих китоблари, илмий асарлар, ёзма ёдгорликлар ва бошқалардан иборат. Антик тарихчилардан Геродот, Ктезий, Полиэн, Харес Митиленский ва бошқаларнинг китобларида халқ оғзаки ижоди айрим асарларининг мазмуни ҳикоя қилиб қолдирилган. Шунингдек, ўрта аср тарихчиларидан Ҳамза Исфаҳоний, Табарий, Масъудий, Беруний, Саолибий, Балъамий ва бошқаларнинг асарларида ҳам оғзаки адабиётга доир қимматли материал ва маълумотлар бор. «Авеста», «Бехистун», «Бундахишн», «Денкард» каби ёзма ёдгорликларда оғзаки адабиётнинг баъзи бир намуналари ўрин олган. Маҳмуд Қошғарий эса ўзининг машҳур лингвистик асари «Девону луғотит турк»да қадимги қўшиқ, лирик шеър ва мақоллардан турли намуналар беради. «Худойномак» ва улуғ шоир Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида қадимги оғзаки адабиётнинг бир қанча асарлари ва образлари қайта ишланади. Шу билан бирга, қадимги оғзаки адабиётнинг излари, унинг «архаик элементлари» кейинги даврларда яратилган халқ оғзаки ижоди асарларида ҳам сақланиб қолганини кўрамиз. Булар бизни қадимги оғзаки адабиёт намуналари билан таништириб, улар ҳақида маълум тасаввур туғдиради. Санъат ёдгорликлари ва моддий маданият бойликлари эса қадимги оғзаки адабиёт тўғрисидаги маълумотларни бирмунча бойитади, тасаввуримизни кенгайтиради.

Қадимги оғзаки адабиёт ёдгорликлари мифлар, афсоналар, қаҳрамонлик эпоси, қўшиқлар, лирик шеърлар ва бошқа турдаги адабий асарлардан иборатдир.

МИФ ВА АФСОНАЛАР

Ибтидоий кишилар табиат ҳодисалари ва жамиятдаги воқеаларнинг туб сабабларини билмаганлар. «Қадимги замон кишиси ҳам тирикчилик қийинчиликлари, табиат билан кураш қийинчиликлари остида хўп эзилиб азоб тортган»[1]. Киши табиатдаги

[1] В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 5-том, «Ўзбекистон» нашриёти. Т., 1973 й., 116-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

яшин, довул, сув тошқини, зилзила ва бошқа ҳодисаларнинг моҳиятини тушунмас, улар натижасида келган офатлардан даҳшатга тушар эди. У ер ва осмон, ой ва қуёш кабиларни жонли нарсалар деб тасаввур қилар, уларга топинар, айрим ҳайвонларни муқаддас деб билар эди. Ибтидоий кишининг тасаввурида табиатда унга «дўст»ва «душман» бўлган турли хил кучлар мавжуд эди. У бу кучларни худолар, руҳлар, девлар, жинлар сингари кучлар сифатида тасвирлайди. Шу хилда ибтидоий киши оламнинг пайдо бўлиши, унинг моҳияти ва кундалик ҳаёт ҳақида ўз хаёлий тасаввурини яратади. Бу тасаввур заминида турли мифлар — космогоник мифлар, ҳайвонлар ва қушлар ҳақидаги мифлар, худолар ва афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги мифлар пайдо бўлади. Улар кишиларни ҳаётни севишга, ҳар қандай ишда ғолиб чиқишга йўллар ва инсоннинг куч-қудратини улуғлар эди. Мифларнинг аҳамияти ҳам шундадир. А. М. Горький Совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ Биринчи съездида қилган докладида бундай деган эди:

«Қадимги эртаклар, мифлар ва афсоналарнинг маълум эканлигига шубҳа қилмайман, аммо мен бу эртак, миф ва афсоналарнинг асосий мағзини чуқурроқ тушунишларингизни истардим. Буларнинг асосий ғояси қадимги даврлардаги меҳнат кишиларининг юкини енгиллаштиришга, уларнинг иш унумини оширишларига, тўрт оёқли ва икки оёқли душманларга қарши қуролланишларига ҳамда сўз кучи —«авраш», «афсун» йўли билан табиатнинг кишиларга хатарли бўлган ҳодисаларига таъсир этишларига қаратилган»[1]. Шундай қилиб, миф кишиларнинг заиф томонларинигина эмас, балки уларнинг куч-қудрати ва орзу-армонларини ҳам фантазия асосида тасвирлайди, мужассамлаштиради, у поэзия ва санъатнинг равнақ топишига замин тайёрлайди.

Турли манбаларда қадимги Ўрта Осиё мифологиясининг айрим намуна ва излари сақланиб қолган. Қадимги Ўрта Осиёда вужудга келган кўпчилик мифлар учун, ҳинд ва бошқа халқларнинг мифларида бўлганидек, яхшилик билан ёмонлик, нур билан зулмат ўртасидаги кураш характерлидир. Кишилар яхшилик, бахт-саодат, қуёш нури ва иссиқликни ёмонлик, бахтсизлик, зулмат ва даҳшатли совуққа қарама-қарши қўйиб, бахт ўлкаси ва бахтсизлик ўлкаси деган мифларни яратганлар. Гўё табиатда улуғ ва фойдали кучлар — қуёш ва сув абадий бўлган ўлка ҳамда офат келтирувчи кучлар — зулмат ва кулфат абадий бўлган ўлка бор эмиш.

Кўпчилик мифологик образлар мана шу икки ўлка ва улар ўртасидаги кураш фонида гавдаланади. Бу мифология шунчалик чуқур илдиз отганки, у зардуштийликдаги дуалистик қарашда ҳам

---

[1] М. Горький. Адабиёт ҳақида, Адабий-танқидий мақолалар, ЎзССР, Давлат Бадиий адабиёт нашриёти, 1962, 265- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўз ифодасини топади, «Авеста» ва бошқа диний китоблардан кенг ўрин олади. «Авеста», шунингдек «Бундахишн»да айтилишича, икки олам: яхшилик ва ёмонлик олами бор. Яхшилик оламига Ахура Мазда (Хурмуз), ёмонлик оламига Ангра Маню (Ахриман) бошчилик қилади. Гўё 3000 йил мобайнида бу икки олам бир-бири билан тўқнашмаган. Яхшилик ва нур оламини билиб қолган Ахриман унга қарши кураш очмоқчи бўлади. Хурмуз бу курашнинг олдини олиб, иккинчи уч минг йилликда осмон, сув, ер, ўсимлик, ҳайвонлар ва бошқаларни ҳамда биринчи инсонни яратади. У даврда зулм ҳам, касаллик ва ўлим ҳам бўлмаган экан. Шундан сўнг учинчи давр (6000—8999) — кураш даври бошланади. Ер юзи турли кучларнинг тўқнашув маконига айланади. Ахриман биринчи инсонни ўлдирса ҳам, лекин кишилик уруғини йўқотиб юборолмайди. Тўртинчи давр (9000—11999) да яхшилик ва нур кучлари ёмонлик ва зулмат устидан ғалаба қозонади.

Яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги кураш Митра, Анахита, Каюмарс, Йима (Жамшид), Гершасп, Эликбек ва бошқалар образида мужассамлаштирилган.

Митра. Анахита

Митра — қуёш худоси. У кишиларга нур, иссиқлик, бахт-саодат бахш этади. Шу билан бирга, у ажойиб қуроллар билан қуролланган бўлиб, душманларга даҳшат солади, кишиларни офатдан қутқаради. «Авеста»да Митра битмас-туганмас кучга эга бўлган паҳлавон сифатида тасвирланади. У душманга қарши шафқатсизлик билан жанг қилади, унинг куч-қувватини толиқтиради, маҳв этади. Душманнинг Митрага қарши отган ўқлари бефойда: шамол уларни душманнинг ўзига қаратиб учиради. Митра — ўтда куймас, сувда чўкмас, ўқ ўтмас қаҳрамон. Митра таърифида яна қуйидагилар айтилади:

«Биз қўшинни жангга тайёрлайдиган, жангчиларни йиғадиган Митрага, қўшинни жангга мослаб саф торттирадиган, ёв сафини титратиб, лашкар бошида туриб жангга кирадиган, ҳаммадан кучли, қудратли йўлбошчига сажда қиламиз...

Митра аравада туриб, суякдан моҳирлик билан ишланган, буқа тасмасидан таранг қилиб тортилган ёйидан мингларча ўқ узади. Унинг ўқлари фикрдай тез учади, фикрдай тезлик билан девлар бошига ёғилади...



Митра тасвири.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Митра ўзининг ялтироқ гурзисини кўтариб юради, у гурзи юз нишли, юз балдоқли бўлиб, тез келиб урилади, душманларни парчалайди. У ҳаммадан кучли қурол бўлиб, ялтироқ темирдан ясалган ва устига олтин қопланган. Бу жуда бақувват қуролни, ҳар қандай ёвни яксон қиладиган бу қуролни, у даст кўтаради...»

Митранинг ёрдамчилари ҳам унинг ўзи каби қудратли паҳлавонлардир. Шулардан бири Ахура Мазда томонидан яратилган тўнғиз қиёфасидаги Вертрагнадир: «Биз Митрага сажда қиламиз, унинг олдида Вертрагна югуриб боради. У келишган гавдали, ўткир тишли, ҳар қандай жониворни бир тишлашда гумдон қиладиган озуқа тишли тўнғиз, жуда ҳайбатли, бақувват, ғоят шўх, қужумдан тоймайдиган, чопоғон, темир оёқли, темир думли, темир жағли тўнғиздир. У дадиллик билан югуради, душманларни тилка-пора қилади, уларни сиғиб йўқ қилади...»

Бу романтик қаҳрамонлик тасвири Амударё атрофида топилган ел каби югуриб борувчи қаҳрамонлар тасвирланган ҳайкал қуббасига ва бошқа ёдгорликларга ниҳоятда ўхшайди.

Ардвисура Анахита — ер, сув ва унум маъбудаси. Мифология уни ҳаёт ва инсоннинг нафосатини, кўркини ифодаловчи, қаҳрамонларга куч-қувват ва муваффақият бахш этувчи бир фигура сифатида тасвирлайди.

«...Уни, Ардвисура Анахитани доимо гўзал, бақувват, хушқомат, камарини баланд боғлаган, олтин зийнатли, кўп бурмали мурсак кийган бир қиз сифатида кўриш мумкин...».

Юқоридаги тасвирлар Митра ва Анахиталарни кишилар ҳаётидан ташқарида турган, қандайдир абстракт куч сифатида эмас, балки кишилар орасида бўлган конкрет фигуралар сифатида гавдалантиради. «Ибтидоий кишилар тасаввурида худо мавҳум тушунча, абстракт бир нарса бўлмасдан, балки бирор меҳнат қуроли билан қуролланган жуда реал бир фигура эди. Худо бирор ҳунарнинг устаси, устоз ва кишиларнинг ҳамкори эди»[1]. Ибтидоий кишилар худони ўзларига ўхшатиб тасаввур қилганлар, уни шундай яратганлар. Қадимги грек файласуфи Ксенофан (570—466) бу масала ҳақида фикр юритиб: «Агар буқалар, отлар ва арслонларнинг қўли бўлиб, одамга ўхшаб расм солишни билсалар эди, отлар худоларнинг расмини отларга ўхшатиб, буқалар эса буқаларга ўхшатиб чизар, уларнинг қиёфасини худди ўзларига ўхшатиб қўяр эдилар»,— дейди.

Митранинг мўъжизали қуроллари ҳам қадимги кишиларнинг ҳаёти ва эҳтиёжи асосида вужудга келган фантазиядир. Кишиларнинг жуда қадим замонлардаёқ «учар гилам», «учар от», «ур тўқмоқ» ва «очил дастурхон»ларни яратгани маълум. Инсоннинг фантазияси унинг фаолияти ва ижодчилигининг кенг қулоч ёйишига ижобий таъсир этади. Горький айтганидек, «Дарё оқимига нисбатан тезроқ сузиш истаги эшкак ва елканни вужудга келтирди; душманни ва ҳайвонни узоқдан туриб ўлдириш истаги палахмон ва ўқ-ёйни ихтиро қилишга сабаб бўлди»[2].

[1] М. Горький о литературе, М., 1953, стр. 694.
[2] М. Горький о литературе, М., 1953, стр. 693.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бироқ замонлар ўтиши билан худоларнинг моҳияти ва қиёфаси ҳам ўзгариб борди. Ибтидоий даврда инсоннинг ҳомийси ва ҳамкори сифатида тасвирланган худолар дин эксплуатация воситасига айланиб, меҳнаткашлар билан ҳукмронлар ўртасидаги зиддиятлар кучайгандан кейин эксплуататорларга хизмат қилувчи «куч»га айланиб, уларнинг қиёфаси абстрактлашиб, ердан, кишилар орасидан осмонга —«арши аъло»га кўтарила бошлайдилар. Бир вақтлар «меҳнат қаҳрамони» сифатида яратилган Геркулес, Горький айтганидек, кейинроқ Олимп тоғига кўтарилиб, худолар қаторидан ўрин олади[1]. Ўрта Осиёдаги кўпгина қадимги мифлар ҳам кейинчалик эксплуататорлар манфаатига мос бўлган «янги» худоларга ёки ҳатто шоҳларга айланиб кетади.

Каюмарс. Жамшид

Мифологияга кўра, Гайа Мартан (Каюмарс)[2] ер юзида пайдо бўлган биринчи одам бўлиб, гўё у Ахура Мазда (Хурмуз) томонидан яратилган ва икки вужуддан: ҳўкиздан ва одамдан ташкил топган экан. Инсониятнинг ашаддий душмани бўлган Ахриман Каюмарсни ўлдиради. Каюмарс жасадининг ҳўкиз қисмидан 55 хил дон, 12 хил ўсимлик, сигир ва ҳўкиз, улардан эса 272 хил фойдали ҳайвонлар пайдо бўлади; одам қисмидан инсоннинг эркак ва аёл жинси ҳамда металл вужудга келади. Шундай қилиб, Каюмарс биринчи инсон ва инсоният ҳаётининг ибтидоси сифатида тасвирланади.

Каюмарс ёзма адабиётда ҳам қайта-қайта ишланди. Жумладан, у Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида кишиларни зулматдан, ғорларда яшашдан қутқариб, уй-жой ва шаҳарлар бино қилган қаҳрамон шоҳ сифатида гавдалантирилади. Каюмарс образи тасвирий санъатда ҳам маълум из қолдирган. 1932 йилда Тали Барзуда (Самарқанд яқинида) топилган сополга ишланган сурат шуни кўрсатади. Бу суратда гавдасининг пастки қисми ҳўкиз, юқори қисми одам бўлган бир шакл тасвирланган.

Йима (Жамшид) ҳам Каюмарс каби нажоткор қаҳрамон сифатида тасвирланади. «Авеста»да баён этилишича, у адолатли ҳукмрон бўлиб, унинг даврида қаҳратон совуқ ва жазирама иссиқ ҳам, қариш ва ўлиш ҳам бўлмаган экан. Жамшид ер юзини 3 баравар кенгайтиради, чорвани ва турли хил қушларни ниҳоятда кўпайтиради... Бироқ қаҳратон қиш бошланиб, кишиларга офат келтиради. Қиш ўтиб, қор-музлар эриб, яйловларни сув босади. Шунда Жамшид яна нажоткор бўлади. У катта ғовлар қуриб, кишиларни ва уларнинг мол-мулкини сув тошқинидан сақлаб қолади, уй-жойлар қуради, ариқлар очади.

Шундай қилиб, Каюмарс ва Жамшид мифологик образлари Ахриман ва унинг девларига қарши курашда халқ нажоткори

---

[1] М. Горький о литературе, М., 1953, стр. 694.
[2] У Гавомард (ҳўкиз-киши) деб ҳам юритилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

сифатида тасвирланади, кишиларнинг маънавий ғалабаси ва ўз келажагига ишончини ифодалайди. Жамшид образининг айрим қадимги излари ўзбек халқининг «Китоби Жамшид» асарида ҳам сақланган.

Халқ ижодида мифологик образлар билан бирга афсонавий қаҳрамонлар образи ҳам вужудга келади. Бу қаҳрамонлар кишиларнинг осойишталиги ва бахт-саодати учун курашиб, фидокорлик кўрсатадилар. Бироқ бу кураш дастлабки даврларда кўпинча аждар, дев ва жин каби ғайри табиий кучларга қарши қаратилади. Аждар, дев, жин ва бошқалар айни замонда ҳар қандай ёмонликнинг тимсоли сифатида гавдаланувчи символик образлардир. Энг муҳими шундаки, кишилар жамият ва табиатдаги бахтсизлик ҳамда турли офатларнинг сабаби ва моҳиятини тушунолмаган бўлсалар ҳам, лекин ўз куч-қувватларига ишонганлар, «аждар», «дев» ва «жин»лар устидан ғалаба қозонувчи Гершасп ва Эликбек каби ўлмас баҳодирлар образини яратганлар. Бундай афсоналарнинг ҳаётий аҳамияти ҳам ана шунда.

Гершасп. Эликбек

Бир қатор қадимги афсоналарда Гершасп образи ўлимни енгувчи баҳодир сифатида тасвирланади. Шундай афсоналардан бирини қуйида ҳикоя қиламиз:

Бир аждар кишиларга кўп бахтсизликлар келтиради, қабиланинг ҳаёти хавф остида қолади. Қаҳрамон Гершасп аждарга қарши жангга отланади, аждарнинг масканига қараб йўл олади. Гершасп туш чоғига қадар аждарни қидиради, бироқ уни тополмайди. У ўт қалаб овқат пиширмоқчи бўлади. Аждар шунчалик катта эканки, Гершасп анча вақт ухлаб ётган аждарнинг устида айланиб юрса ҳам, уни пайқамаган экан ва ўз ўчоғини унинг устига қурган экан. Ўт аждарнинг баданини қизитибди, аждар вазмин қимирлай бошлабди. Шундан кейингина Гершасп аждар устида кезиб юрганини пайқаб олибди. Лекин Гершасп ваҳимага ва саросималикка тушмабди. У бу улкан ва даҳшатли махлуққа қарши жанг бошлабди, қуролларини моҳирлик билан ишлатибди, аждарни енгиб, кишиларни ҳалокатдан қутқарибди[1].

1902 йилда Қашқарда қадимги оғзаки адабиётнинг «Чистони Эликбек» деган муҳим бир ёдгорлик тексти топилди. Тахминан VIII—IX асрларга мансуб бўлган бу асарда ёмонлик кучларига қарши мардона курашиб, кишиларни ўлимдан қутқарган Гершасп сингари халқ баҳодири Эликбек образи яратилган. «Чистони Эликбек»нинг тўла сақланиб қолмаган ўша текстида қуйидагилар ҳикоя қилинади:

Жинлар Эликбекнинг қабиладошларидан кўп кишини қириб ташлайди. Ракшош номли даҳшатли душман (эҳтимол, дев бўлса керак) юқумли касаллик тарқатади. Фидокор Эликбек эл-юртини ҳалокатдан қутқариб қолмоқ учун душманларга қарши жангга отланади. У бир чорраҳада сон-саноқсиз жинларга

[1] Гершасп образи халқ хотирасида сақланиб қолди, у қайта-қайта ишланди ва ёзма адабиётдан ўрин олди. Ёзувчи Асади Тусий (XI аср), шу афсоналардан фойдаланиб, ўзининг «Гершаспнома» асарини яратди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

дуч келади, улар кишиларни бурдалаб, қонини сўриб, ичак-чавоқларини баданларига ўраб олган эканлар. Эликбекни кўрган жинлар ваҳимали шовқин-сурон кўтариб, унга ёпирилиб кела бошлайдилар. Бироқ Эликбек қўрқмайди, йўлбарсдек жангга отланиб, жинларга қарата бундай дейди: «Ой яклар, таркин манга сўзланглар. Маник Болиқимтоқи будунуғ бу қунуғ нагулук ўлурурсизлар?!.. Бу манинг ети қиличимин кўрунглар. Атуз ўнгарини бичиб ўнги-ўнги қамшайин». (Эй жинлар, менга бот сўзлангиз, менинг шаҳримдаги элни нега ўлдирасиз?! Менинг бу ўткир қиличимни кўринг. Таналарингизни парчалаб бошқа-бошқа томонларга ташлайин.) Жинлар яна ваҳима солиб, қурол ишлатиб, Эликбекни маҳв қилмоқчи бўладилар. Бироқ Эликбекка бас келолмайдилар. Эликбек куч-қуввати ва шижоати билан уларга даҳшат солади. Жинлар энди ёлворишга, шафқат сўрашга мажбур бўладилар. Жинларни енгган Эликбек улардан шаҳарнинг жануб ёнида бир азим толнинг ковагида яшовчи уч кўзли, олов тусли Ракшошнинг эл-юртга юқумли касал тарқатаётганини билиб олиб, унга қарши жангга жўнайди...[1]

Гарчи Ракшош билан бўлган жанг тасвири текстда берилмаган бўлса ҳам, асарнинг руҳи, шубҳасиз, воқеанинг Эликбек ғалабаси билан тугалланишидан далолат беради.

* * *

Қадимги турли хил мифологик ва афсонавий образлар узоқ асрлар давомида сақланиб қолди, қайта-қайта ишланди. Ҳукмрон синфлар, руҳонийлар бу образларга диний моҳият бериб, уларнинг бирмунчасини илоҳийлаштирган бўлсалар, меҳнаткаш халқ уларни фидокор ва нажоткор қаҳрамонлар сифатида ривожлантириб борди. Ҳатто дастлабки даврларда мифологик худолар сифатида тасаввур этилган Сиёвуш ва Рустам каби образлар халқ ижодида кейинчалик янги моҳиятга эга бўлиб, халқ қаҳрамонлари сифатида талқин этилди, ёзма адабиёт намояндалари ижодидан ҳам кенг ўрин олди.

Қадимги миф ва афсоналарнинг изи Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи оғзаки бадиий ижодиётида шу кунга қадар яшаб келмоқда. Ўзбек халқ оғзаки ижодида ўнлаб мифологик ва афсонавий қаҳрамонлар образи тасвирланади. Шундай образлардан бири Хубби образидир. Хоразм мифологик афсонасида Хубби сув худоси ва кишиларни ҳалокатдан қутқарувчи қаҳрамон сифатида гавдаланади.

Жуда қадим замонларда, Фаридун ва ҳатто Жамшид замонасидан бурун, Амударёда Хубби деган бир йигит бўлган экан. У бир қўли билан балиқ тутар, иккинчи қўли билан уни қуёшга тутиб турар, балиқ бир зумда пишар экан. Хубби шу хилда балиқ еб, Амударёда 700 йил яшабди, дарёни қўриқлабди, бироқ ёмон руҳ, ҳаттоки чивин ҳам дарёга яқин йўлашга ботинолмабди. Халқ сувга маъмур бўлиб, шод-хуррам яшар экан. Бироқ Жамшид замонасига келиб, Хубби ғойиб бўлибди. Кишилар уни осмон сувларининг ҳукмрони бўлган қиз ўғирлаб олган деб фараз қилибдилар. Хубби ғойиб бўлгандан кейин Амударё-

[1] «Чистони Эликбек» профессор Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» хрестоматиясидан олинди (Самарқанд — Тошкент, 1928).

www.ziyouz.com kutubxonasi

га унинг онаси келибди; у биринчи бўлиб қайиқ ясабди, кишиларни қайиқда сузиш ва душманга қарши сувда жанг қилишга ўргатибди. Бироқ кунлардан бир кун Хуббининг онаси ҳам ғойиб бўлибди. Лекин кишилар ўз ҳомийларини, Хубби ва унинг онасини унутмабдилар. Улар қайиқларда Хуббининг онаси қиёфасини тасвирлабдилар...

Фарғона водийсида ҳам Хоразм мифологик қаҳрамони Хубби образига ўхшаш Эрхубби образи яратилиб, кўп афсоналарда ҳикоя қилинади. Қадим вақтларда кишилар Оҳангарон (Тошкент водийси) дарёсидан ўтганда Эрхуббидан мадад сўрар эканлар[1].

Худди шунингдек, айрим қадимги шаҳарларнинг бино бўлиши ва номи ҳақида ҳам шу кунга қадар турли афсоналар ҳикоя қилинади. Шулардан бири III—IV асрларда бино бўлган Баракгом қалъаси ҳақидаги афсонадир.

Қадим замонларда Қорақалпоғистоннинг Қозоғистонга чегарадош бир водийсида Барак деган золим шоҳ яшар экан. Шоҳ бир қасрида ўзи турса, иккинчи қасрида катта ов бургутини сақлар экан. Кунлардан бир кун қасрга бургутнинг онаси Анқо (мифик қуш) келибди. Шоҳ кишиларнинг гапига қулоқ солмай, она-боланинг дийдор кўришига халақит бериб, бургутни овга олиб чиқмоқчи бўлибди. Бургут газабланиб, Баракка човут солибди-да, уни осмонга кўтариб чиқиб, ерга ташлаб юборибди. Барак шоҳнинг парчаланган жасади ўша қасрда дафн қилинибди. Водий хароб бўлибди. Карвонлар унга яқин йўламайдиган бўлиб қолибдилар.

Шунингдек, Курганч қалъаси (III — V асрларда бино бўлган; унинг харобалари ҳозир ҳам Тахтакўпирнинг шарқида бор) қорақалпоқ ва қозоқ халқ қаҳрамони Қўбланди Ботир афсонаси билан, Қирқ қиз қалъаси (I—VI асрлар) афсонавий шоҳнинг қизи ва унинг қирқ канизаги воқеалари билан боғлаб ҳикоя қилинади[2]. Булар «Қўбланди Ботир» ва «Қирқ қиз» каби халқ достонларининг қадимги илдизларидир.

Шундай қилиб, қадимги Ўрта Осиёда хилма-хил миф ва афсоналар пайдо бўлди, миф ва афсоналар қаҳрамонлик эпосининг нужудга келишига маълум замин яратди. Ёзма адабиётдан, шу жумладан Алишер Навоий ижодиётидан ўрин олди, қайта-қайта ишланди.

ҚАҲРАМОНЛИК ЭПОСИ

Қадимги Ўрта Осиё аҳолиси яратган оғзаки адабиёт ёдгорликлари орасида қаҳрамонлик эпоси муҳим ўрин тутади. Қаҳрамонлик эпосининг кўп асарлари конкрет тарихий воқеалар, Ўр-

---

[1] Хубби ҳақидаги мифологик афсона Я. Ғуломовнинг «История орошения Хорезма» китобидан олинди. ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти, 1957.

[2] Хоразмдаги қадимги шаҳарлар ҳақидаги афсоналар С. П. Толстовнинг «По следам древнехорезмийской цивилизации» (СССР ФА нашриёти, М.—Л., 1948) китобидан олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

та Осиё аҳолисининг чет эл босқинчиларига қарши ватанпарварлик кураши заминида туғилди ва, М. Горький айтганидек, бундай фольклор асарлари «...тарихга чекинмас ва ўзига хос йўлдош бўлиб келди»[1].

Халқ қаҳрамонлик эпосида оташин ватанпарвар ва фидокор баҳодирларнинг монументал образлари яратилди. Тўмарис[2], Широқ, Зарина, Рустам, Сиёвуш ва бошқалар мана шундай образлардир.

Тўмарис

«Тўмарис» эпоси Ўрта Осиё аҳолисининг чет эл босқинчилари тажовузига қарши олиб борган мардона курашининг бадиий ифодасидир. Эрамиздан аввалги VI асрда бир неча мамлакатларни истило қилган аҳмонийлар шоҳи Кир[3] Ўрта Осиёга бостириб киради. Ўрта Осиё аҳолиси, айниқса Тўмарис бошчилигидаги массагет қабилалари Кирга қарши мардона кураш олиб борадилар. Кир қўшини енгилади ва унинг ўзи 529 йилда жанг майдонида ўлдирилади. Шу воқеалар Тўмарис тарихий-қаҳрамонлик эпосининг мазмунини ташкил этади. Афсуски, бу эпоснинг асли бизгача етиб келмаган; унинг мазмуни грек тарихчиси Геродотнинг (484 — 425) «Тарих» китобида ҳикоя қилиб қолдирилган.

Тўмарис массагет қабилаларининг бошлиғи — ҳукмрон аёл бўлиб, эл-юртнинг тинчлиги ва осойишталигини кўз қорачиғидай ҳимоя қилади. Бироқ аҳмонийлар подшоси Кир массагетларнинг осойишталигига хавф солади. Бошда у Тўмарисга уйланиш йўли билан массагетларни ўзига қарам қилмоқчи бўлади. Тўмарис бу золим подшонинг шум ниятини билиб, унинг таклифини рад этади. Кир уруш очиб, ўз мақсадига эришмоқчи бўлади. Тўмарис урушнинг олдини олишга қанчалик интилмасин, Кир уруш бошлашга қатъий қарор қилган эди. Шундан кейин Тўмарис мардона мудофаа жангига отланиб, душманга: «...биз биламизки, сен тинчликни хоҳламайсан, шу сабабли башарти маслаҳатимизга кўнмай, массагетлар билан тўқнашишни истасанг, кўприк ясайман деб овора бўлиб ўтирма. Бизга айтсанг, биз сенга халақит бермай, дарёдан уч кунлик йўлга кўчиб кетамиз, бемалол дарёдан ўтасан, ундан сўнг юзма-юз урушамиз. Борди-ю, агар биз билан дарёнинг сен турган қирғоғида учрашмоқчи бўлсанг, уни айт, бунга ҳам биз рози, фақат номардлик қилма»,— дейди. Тўмарис мардона курашга шайланади. Кир эса ҳийла-найранг йўлига ўтади. У Тўмариснинг ўғли Спаргани[4] бошлиқ бир гуруҳ массагетларни маст қилиб асир олади. Тўмарис ғазаб билан: «...Э қонхўр Кир, қилган ишинг билан мақтанмай қўя қол! Сен менинг ўғлимни юзма-юз жангда енганинг йўқ, уни маккорлик билан шароб ичириб қўлга туширдинг. Энди менинг насиҳатимга кир, ўғлимни менга топшириб, келган ерингга зиён-заҳматсиз қайтиб кет. Агар сўзимга кирмасанг, массагетлар тангриси — Қуёш номи билан қасамёд қиламанки, мен сендай очкўз юҳони қон билан суғораман»,— дейди. Кир бу сўзларга амал қилмайди, уруш давом этади. Тўмарис бошлиқ массагетлар қаттиқ жангга кириб Кир қўшинини енгадилар, унинг ўзини ўлдирадилар. Тўмарис Кирнинг бошини қон билан тўлғазилган мешга солар экан, ўз курашига якун ясаб: «Эй номард, сен мени — жангда сени ҳалоллик билан енгиб

---

[1] М. Горький о литературе, М., стр. 703.
[2] Бу ном Тўмирис, Тўмариса тарзида ҳам қўлланилади.
[3] Кир Кировуш ёки Кируш деб ҳам юритилади.
[4] Баъзи манбаларда Спарганис.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиққан бир аёлни — маккорлик билан ўғлидан жудо қилиб, фарзанд доғида куйдирдинг, сен умринг бўйи қонга тўймадинг, мен ўз онтимга амал қилиб сени қон билан суғордим. Бировнинг юртига зўравонлик билан бостириб кирганларнинг жазоси шу!»— дейди.

Тўмариснинг кейинги сўзлари эпоснинг ғоясига якун ясайди, босқинчиларга қарши халқнинг қатъий ҳукмини ифодалайди. Бу эпосда осойишталик урушни, адолат зулмни, мардлик ва шижоат ҳийлакорлик ва разилликни енгади. Кишиларнинг энг яхши хислатлари ва эзгу ниятлари халқ қаҳрамони Тўмарис қиёфасида мужассамлашади.

Геродот, Ктезий ва бошқа тарихчилар Ўрта Осиё қабилаларида, жумладан массагетларда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида хотин-қизларнинг катта ўрин тутганини сўзлайдилар. Шунингдек, Хитой сайёҳи Чжан Цянь (эрамиздан аввалги II аср) Даван (Фарғона)даги хотин-қизларнинг мавқеи ҳақида сўзлаб, «эркаклар бирор қарор қабул қилар эканлар, улар ўз хотинларининг маслаҳатига қулоқ солар эдилар»,— дейди.

Широқ

«Широқ» эпоси ҳам, «Тўмарис» каби Ўрта Осиё аҳолисининг чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураши воқеалари заминида вужудга келди.

Қаҳрамон массагетлар Кир қўшинини тор-мор қилдилар. Лекин кейинги аҳмоний шоҳлари бундан сабоқ олмадилар, улар Ўрта Осиёга бостириб кириш ва эл-юртни талашни давом эттирдилар. Доро I (521—485) шундай ёвуз шоҳлардан бири эди. Шак қабилалари Дорога қарши 513 йилда катта қўзғолон кўтарган эдилар. Шу воқеа «Широқ» эпосига асос бўлган бўлса керак.

«Тўмарис» каби «Широқ»нинг ҳам асли сақланмаган. Унинг қисқача мазмуни грек тарихчиси Полиэн (эрамиздан аввалги II аср)нинг «Ҳарбий ҳийлалар» китобида ҳикоя қилинади.

Шак қабиласининг тинчлиги ва мустақиллиги хавф остида қолади. Ёвуз ниятли Доро яқинлашиб келмоқда. Шак ҳукмронлари (Омарг, Саксфар, Оамирис) душманга қарши кураш режасини тузаётган пайтда чўпон Широқ пайдо бўлади. У душманни енгиш режасини ўйлаган. Бу режа шак қабилаларини Доронинг қуллиги хавфидан қутқаради, душманни ҳалокатга олиб боради. Бунинг учун Широқ онгли равишда ўзини қурбон қилиши керак. Режа маъқулланади. Гўё шакларнинг газабига учраб, бадани дабдала қилинган ва қабиладошларидан қасос олмоқчи бўлган Широқ Доро қўшинини «кўчиб кетган» шакларнинг йўлини 7 кун деганда «кесиб олиб чиқувчи йўлга» бошлайди. Широқ душманни бепоён чўл-биёбонга олиб боради. Душманнинг очлик ва сувсизликдан ҳалок бўлиши муқаррар. Еттинчи куни ҳам шаклардан дарак тополмаган Доронинг қўшини бошлиғи Раносбат Широқнинг калласини чопиб ташлайди. Широқ: «Мен енгдим, ёлғиз ўзим бутун бошли бир қўшинни енгдим, жонажон қабилам шаклар ва ота тупроғим бошига келган балони даф қилиб, босқинчи *Доро лашкарини ҳалокатга олиб келдим*, тўрт томоннинг ҳар қайсиси етти кунлик йўл, истаган тарафингизга кетаверинг. Барибир, барчангизни очлик ва ташналик емириб нобуд қилади. Менинг қоним эса шу ерга тўкилади»,— деб ўлимни шодлик қаҳқаҳаси билан кутиб олади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Доро баланд қояга чиқиб Апполон (қуёш худоси)дан ёмғир сўрайди. Ёмғир ёғиб, қолган-қутган аскарлар мешларини сувга тўлдириб, чўл даҳшати ва ҳалокатидан зўрға омон қоладилар.

Широқнинг душманни бепоён чўл-биёбонга олиб бориши Ўрта Осиё аҳолисининг қадим замонларда душманларга қарши қўллаган ҳарбий тактикасини эслатади. Грек тарихчиларининг маълумотларига кўра, ўрта осиёликлар Александр Македонский қўшинига қарши курашда ҳам ана шундай тактикани қўллаган эканлар.

Жонажон қабила ва она тупроқ Широққа мислсиз куч ва темир ирода бахш этган эди.

Эфталит эпосида ҳам ватанининг душманлари устидан ғалаба қозониш учун ўзини ҳалокатга маҳкум этган Зопир образи яратилган шунга ўхшаш ҳикоя Беруний томонидан ҳам келтирилган[1].

Зарина ва Стриангия

«Зарина ва Стриангия» қиссасининг мазмуни сицилиялик тарихчи Диодор (эрамиздан аввалги I асрда)нинг «Кутубхона» асарида тарихчи Ктезий (430 — 354) китобидаги баён асосида ҳикоя қилиб қолдирилган. Бироқ қиссанинг мазмуни тўла берилмаган. Уни Ктезий тўла ҳикоя қилиб қолдирмаганми ёки сицилиялик Диодор қисқартириб юборганми — буни аниқ билмаймиз.

Шаклар шоҳи ўлиб, унинг ўрнига хотини малика Зарина қабилага бош бўлади. Тадбирли ва шижоатли бу аёл кабиланинг осойишталиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш учун жонбозлик кўрсатади. Шаклар билан Мидия ўртасида қаттиқ жанг бўлади. Бу жангда малика Зарина катта шижоат кўрсатади. Бироқ Мидия шаҳзодаси Стриангия уни яраддор қилади. Зариннинг ботирлиги ва қуснига мафтун бўлган Стриангия уни асир олмайди, кечиради. Орадан бирмунча вақт ўтади. Парфия шоҳи Заринага уйланиб, шаклларни ўзига тобе қилмоқчи бўлади. Зарина унинг таклифини рад этади. Бироқ шоҳ зўрлик билан унга уйланиб, шаклларни қарам қилади. Зарина қандай қилиб бўлса ҳам, нажот топиб, қабиласининг мустақиллигини тиклашга интилади. Шу орада Парфия билан Мидия ўртасида қаттиқ жанг бўлиб, Мидиянинг кўп аскарлари асир олинади. Зарина асирлар ёрдами билан Парфия шоҳига қарши курашиб, нажот топиш режасини ўйлайди. Асирлар орасида Стриангия ҳам бор эди. Зарина у билан бирга асирларга бош бўлиб, Парфия шоҳига қарши қўққисдан ҳужум бошлайди. Парфия шоҳи енгилади, асирлар озод бўлади, Зарина нажот топади, унинг қабиласи ўз мустақиллигини тиклайди. Шу воқеалар давомида Стриангия Заринани севиб қолади. Зарина Стриангияни моҳир ва ботир жангчи сифатида ҳурмат қилса ҳам, унинг хотини борлиги учун, уйланиш таклифини рад этади. Стриангия бунга чидай олмай, ўзини ҳалок қилади.

---

[1] Бу образлар, рус халқ қаҳрамони Сусанин ҳамда Горькийнинг фольклор материаллари асосида яратган «Изергиль кампир» асаридаги Данко каби халқ учун жонини фидо қилган қаҳрамонларнинг ўлмас образларидир.

Ўзбек халқи Дорога қарши халқ қаҳрамонлик курашини ҳикоя қилувчи «Ойсулув» достонини яратган. Бу достон ўз ғоявий мазмуни билан «Тўмарис» ва «Широқ»қа, сюжет ва образларининг характери билан айниқса «Тўмарис»га ўхшаб кетади. Достоннинг бош қаҳрамони Ойсулув худди Тўмарис каби тадбирли ҳукмдор ва ботир лашкарбоши бўлиб, кураш Ойсулув бошчилигидаги ватанпарварларнинг ғалабаси билан тугайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Зарина ва Стриангия» қаҳрамонлик ва севги қиссасидир. Қиссанинг бош қаҳрамони Зарина образи тарихий илдизга эга бўлиб, у шак ҳукмронларидан бири бўлган. Қиссада Зарина заковатли, тадбирли аёл, халққа ғамхўр ҳукмрон, уста лашкарбоши, қаҳрамон ва, шу билан бирга, номусли, одобли аёл сифатида тасвирланади. Стриангия ҳам мардлиги ва ботирлиги билан машҳурдир. Лекин у иродасининг бўшлиги жиҳатдан Заринадан заифдир.

Грек тарихчилари шак хотин-қизларининг қаҳрамонлигини, жумладан душманга қарши жангда ғалаба қозониб, элини асирликдан қутқарган Спаретрани таърифлайдилар. Шак хотин-қизлари жангга кириб, от чопиш ва ўқ-ёй отишда эркаклардан қолишмас эканлар. Ктезий Заринанинг шижоат ва қаҳрамонлигини алоҳида қайд қилади. Унинг маълумотига кўра, Зарина вафотидан кейин шаклар унга пирамида шаклида мақбара қуриб, олтин ҳайкал ўрнатишган экан.

Зариадр ва Одатида

Севги ва қаҳрамонлик мотивлари «Зариадр ва Одатида» қиссасида ҳам ҳикоя қилинади. Бу қиссанинг мазмуни тарихчи Харес Митиленский (эрамиздан аввалги IV аср) асари орқали етиб келган.

Гуштасб (Гистасп) Мидияда, унинг укаси Зариадр Каспий денгизидан Танаис (Сирдарё)гача чўзилган ўлкада ҳукмронлик қилар эканлар. Танаиснинг нариги томонида яшаган скиф шоҳи Омаргнинг қизи Одатида билан Зариадр бир-бирини тушида кўриб, севишиб қоладилар. Зариадр Омаргга совчи юборади. Омарг ёлғиз қизини бегона юртга беришни истамайди. Зариадр эса аҳддан қайтмайди, у бир аравакашнинг ёрдами билан Танаисдан кечиб ўтади. Омарг йигитлар шарафига зиёфат беради ва Одатидага зиёфатда ўтирган йигитлардан қайси бирини ёқтирсанг, унга олтин қадаҳда май тутгин, деб буюради. Зиёфат устига скиф кийимида Зариадр етиб келади. Одатида унга олтин қадаҳда май тутади. Зариадр Одатидани олиб ўз юртига жўнайди[1].

Харес Митиленский бу қиссанинг халқ орасида кенг тарқалгани, ибодатхоналар, қасрлар ва уларда унинг сюжети асосида ишланган тасвирий суратларнинг кўплиги ва қизларга Одатида деб ном қўйиш бир одат бўлиб қолганини ҳикоя қилади.

«Зариадр ва Одатида» қиссасида оила ва севги масаласи қиз билан йигитнинг эркин ҳуқуқи, майл-истаги ҳамда қаҳрамонлик мотивлари билан боғланган. Қизнинг қаҳрамонликни талаб қилувчи шартларини бажариш анъаналари кейинги даврлардаги халқ оғзаки ижодида, жумладан «Ўғузнома», «Алпомиш» ва бошқа асарларда ҳам етакчи масалалардан бири бўлиб қолди.

Рустам

Рустам образи қаҳрамонлик эпосининг монументал образларидан бири бўлиб, у оғзаки, кейинчалик эса ёзма адабиётда қайта-қайта ишланади ва Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон ҳамда бошқа ўлкаларда кенг шуҳрат қозониб, халқларнинг энг севимли қаҳрамони образига айланади.

[1] Бу эпизод Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида сал бошқачароқ ҳикоя қилинган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рустам ҳақидаги дастлабки асарлар сўғдларда пайдо бўлган, тахминан VI—VII асрларда сўғдлар яратган «Рустам» эпосининг парчалари бизга қадар ҳам сақланиб қолган. Бу парчаларда Рустам мислсиз қаҳрамон ва нажоткор сифатида гавдаланади. У девларга қарши курашда камол топади, енгилмас, ўлмас паҳлавонга айланади. Рустамнинг девларга қарши кураши Ўрта Осиё, Эрон халқлари ва бошқа халқларда жуда қадим замонларда вужудга келган ва узоқ асрлар сақланиб қолган дуалистик тушунчаларга — яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш тушунчаларига асосланган. Девлар халқ тасаввурида ҳар қандай ёмонлик, разиллик ва бахтсизликнинг тимсоли сифатида гавдаланади. Улар инсониятнинг энг ёвуз душмани бўлиб, кишиларни ўлдиради, зулмат ғорларида қаттиқ жабрлайди. Лекин шу билан бирга, дев меҳнаткаш тимсоли, яхшилик ва нажот рамзи сифатида ҳам келади. Агар дев енгса, тобе этади, енгилса, тобе бўлиб, садоқат билан хизмат қилади. Буни ўзбек халқ эртакларида, Хоразмдаги Девқалъа (Фарҳод ҳақида) афсонасида ҳам кўриш мумкин.

Сўғд эпоси парчаларида, жумладан, қуйидагилар ҳикоя қилинади:

...Рустам девларни уларнинг шаҳарлари дарвозаларига қадар қувиб боради. Кўп девлар ҳалок бўлади, қолганлари шаҳар дарвозасини бекитиб олади. Рустам ғалаба билан қайтади. Рустамдан мағлуб бўлган девлар ғазабланиб, унга қарши жангни давом эттиришга, қўққисдан ҳужум қилишга қарор қилишади. Сон-саноқсиз девлар от-араваларга, фил, чўчқа, тулки, ит ва илонларга миниб йўлга тушадилар. Уларнинг бир қанчаси пиёда борар, бир қанчаси калхатдай парвоз қилар эди... Рустамнинг Рахш номли оти яйловда ўтламоқда, унинг ўзи эса катта ғалабадан кейин ширин уйқуда эди. Узоқдан девларнинг пайдо бўлганини кўрган Рахш Рустамни уйғотади. Рустам саросимага тушмайди. У девларни яқин келтириш ва қўққисдан ҳужум қилиш учун қасддан орқасига қараб от суриб кетади. Уни қувиб бораётган девлар энди ғалаба қозонишларига ишонади, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам Рустамни тириклайин ушлаб, қаттиқ жабрлашга аҳд қилишади. Лекин бирдан Рустам отини душман томонига бурib, девларга ҳамла қилади, уларга бургутдай чанг солади. Девлар тумтарақай қоча бошлайди, уларнинг кўплари ўлади, кўплари яраланади...

Рустам образи такомиллашиб, ҳаётийлашиб боради, энди у девларгагина эмас, балки босқинчиларга, золим шоҳларга қарши курашади, ўнлаб қаҳрамонларни етиштиради, халқнинг осойишталиги ва бахт-саодати учун курашади. Ротастахм (Рустамнинг қадимги номи) «Бахман-Яшта»да араб босқинчиларига қарши курашган паҳлавон сифатида, парфиён (қадимги форс-тожик) достонларида —«Ёдгор Зареран», «Дарахт асурик» ва VI — VIII асрларда яратилган «Шаҳрихон Эрон»да ажойиб қаҳрамон, халқ учун шаҳарлар бунёд этган инсон сифатида тасвирланади[1].

[1] Қаранг: И. С. Брагинский, Из истории таджикской народной поэзии. М., 1956.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рустам ҳақида кўплаб янги асарлар яратилади. Улардан ижодий фойдаланган улуғ шоир Фирдавсий ўзининг машҳур «Шоҳнома»сида Рустамни бош қаҳрамон қилиб олади. Унинг номини янада абадийлаштиради. Фирдавсий:

Ки як нима аз умри худ кам кунам,
Жаҳоне пур аз номи Рустам кунам

(Умримнинг ярмини қисқартираман, яъни бағишлайман ва бутун жаҳонни Рустам номи билан тўлдираман),— деган эди.

Қаҳрамон Рустам образи ўзбек халқи орасида ҳам кенг шуҳрат қозонди, «Рустами достон» халқнинг севимли китобига айланди. Кўпгина эртаклар ва афсоналарда халқ Рустамнинг қаҳрамонликларини куйлайди, уни Гўрўғли, Алпомиш ва бошқа қаҳрамонларни севгандай севади, ардоқлайди. Ота-оналар ўз фарзандларини Рустамдай паҳлавон бўлсин деб Рустам номи билан атайдилар.

Сиёвуш

Сиёвуш Рустам сингари севимли халқ қаҳрамони образидир.

Сиёвуш образи узоқ такомил босқичини босиб ўтди. У дастлаб мифологик худо образи сифатида яратилди. Сиёвуш «Авеста»да (бунда у Сиёваршан деб аталган) мифологик худо сифатида тасвирланади. Бу тасвирнинг излари қадимги форс-тожик тилидаги адабиётда, «Шоҳнома»да ва Беруний асарларида ҳам сақланиб қолган. Халқ ижодиётида Сиёвуш мифологик худо образидан халқ қаҳрамони — қаҳрамон инсон образи томон такомиллашиб боради.

X аср тарихчиси Наршаҳий «Бухоро тарихи» асарида Сиёвуш ҳақидаги халқ оғзаки ижодининг намуналарини ҳикоя қилади.

Сиёвуш афсонавий Эрон шоҳларидан бўлган Каёний шоҳларидан Кайковуснинг ўғли экан. Сиёвуш ўз ҳусн-жамоли билан ҳаммани мафтун қилади. У ўгай онасининг эҳтиросини рад этиб, маломат ва туҳматга қолади. У ўз поклигини исбот қилиш учун катта аланга устидан от суриб ўтади. У Туронга қарши юришда қатнашиб, қаҳрамонликлар кўрсатади. Туҳматчи ўгай она даргоҳига қайтишни истамаган Сиёвуш қаҳрамон Афросиёбнинг пойтахтига йўл олади. Афросиёб уни яхши кутиб олади. Сиёвуш Афросиёбнинг қизига уйланади. Жангларда ботирлик кўрсатади. Бироқ фитначи амалдорлар Сиёвуш билан Афросиёб ўртасида адоват туғдирадилар. Афросиёб Сиёвушни ўлдиради. Сиёвушнинг ўғли Кайхисрав бобоси Афросиёбдан қасос олиб уни ўлдиради. Кайхисрав Хоразмий шоҳлар сулоласига асос солади.

Сиёвуш Бухорода жуда катта шуҳрат қозонган эди. Наршаҳий афсонавий Сиёвуш Бухоро яқинида кўмилган, деб маълумот ҳам беради. Унинг маълумотига кўра, X асрда ҳам Бухоро аҳолиси наврўзда Сиёвушнинг қабрига келиб, қурбонликка хўрозлар сўйиб, Сиёвуш шарафига қўшиқлар айтишар эканлар. Бу қўшиқлар «муғлар йиғиси» ёки «Сиёвуш қасоси» деб юритилар экан.

Бизгача сақланиб қолган ёдгорликлар қадимги Ўрта Осиё халқларининг жуда бой ва оригинал оғзаки бадиий ижоди, хилма-хил эпик асарлари бўлганини кўрсатади. Шу билан бирга, қўш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни халқлар билан маданий алоқалар ҳам Ўрта Осиё эпик адабиётининг бойишига маълум ҳисса қўшди. Жумладан, манбалар машҳур ҳинд эпоси «Панча Тантра» («Калила ва Димна»)нинг жуда қадим замонлардаёқ Ўрта Осиё халқларига яқиндан маълум бўлганини, унинг ҳикоя ва масаллари асосида янги-янги асарлар яратилганини кўрсатади. Масалан, «Каван китоблари» деб аталган сўғд ёзуви ёдгорликларида «Калила ва Димна» асосида яратилган ибратомиз ҳикоя ва масаллар ҳам бор.

Шу билан бирга, Ўрта Осиё халқларининг қадимги оғзаки адабиёти ҳам бошқа халқларнинг бадиий сўз санъати тараққиётига самарали таъсир этди. Жумладан, Рустам, Сиёвуш ва бошқа қаҳрамонлар образи бир қатор бошқа халқларнинг адабиётидан ҳам ўрин олди.

Тўмарис, Широқ, Зарина каби қаҳрамонлар совет адабиётидан ҳам ўрин олдилар, улар ҳақида янги асарлар яратилди (Мирмуҳсиннинг «Широқ» поэмаси, Миркарим Осим, Жавдат Илёсов ва бошқаларнинг қиссалари).

ҚЎШИҚ ВА ЛИРИК ШЕЪРЛАР

Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолисининг қўшиқ ва лирик шеърларидан айрим намуналар турли хил ёзма манбалар ва илмий асарлар («Авеста», «Девону луғотит турк» ва бошқалар) орқали бизгача етиб келди. Туркий қабила ва халқларнинг энг қадимги оғзаки адабиёт ёдгорликларини ўрганишда айниқса «Девону луғотит турк»даги адабий материаллар катта аҳамиятга эга.

«Девону луғотит турк» XI асрнинг буюк тилшунос олими Маҳмуд Кошғарийнинг лингвистик асари бўлиб, автор туркий сўзларнинг луғавий маъносини изоҳлаш учун бадиий адабиётдан (халқ поэтик ижоди ва қисман ёзма адабиётдан) фойдаланган. Унда XI аср адабиёти билан бирга, аввалги замонларда пайдо бўлиб, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга кўчиб юрган қўшиқ ва лирик шеърлардан ҳам парчалар берилган. Кўпгина қўшиқ ва лирик шеърларнинг мазмуни, уларда патриархал қабилалар ҳаётига хос воқеаларнинг ифодаланиши ҳамда тили ва услубида айрим ўта архаик элементларнинг борлиги, арабча сўзларнинг ва мусулмон дини эътиқоди изларининг кўринмаслиги шундан далолат беради.

Масалан, ябоқу ва басмиллар кураши ҳақидаги парчалар жуда узоқ ўтмишга мансуб бўлиб, улар Ўрхўн-Енисей ёдгорликларидаги ябоқу ва басмиллар билан алоқадордир. Худди шунингдек, Алп Эртўнга (Афросиёб)га бағишланган парчалар ҳам жуда қадимийдир.

Аммо «Девону луғотит турк»нинг адабий намуналари хронологиясини аниқлаш амри-маҳолдир. Биз хронологиядан қатъи назар, бу намуналарни, асосан, шу бобда беришни, шу билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам туркий халқлар поэзиясининг қадимийлигини таъкидлашни мувофиқ кўрдик.

Меҳнат қўшиқлари

«Девону луғотит турк»даги меҳнат қўшиқлари овчилик, чорвачилик, боғдорчилик ва деҳқончилик ҳаётини, меҳнат процессини, ибтидоий жамоа традицияларини, қабила аъзоларининг биргаликдаги меҳнатини ҳамда ижтимоий-синфий айирма ва зиддиятларни акс эттиради. Меҳнат қўшиқлари меҳнат процессининг мевасидир. «Ўйин,— деган эди Г. В. Плеханов «Адрессиз мактублар» асарида,— меҳнат фарзандидир»[1]. Меҳнат қўшиғи ва меҳнат билан алоқадор бўлган ўйин меҳнат процессини, меҳнаткашнинг унга муносабатини ифодалаши билан бирга, меҳнат машаққатларини енгиллаштиришга, ҳордиқ чиқаришга, қабила ёшларини меҳнатга кўниктириш ва ўргатишга ёрдам беради. Ов ҳақидаги тўртликлар қадимги кишиларнинг овчилик санъатини, ов меҳнатига бўлган муҳаббатини тасвирлайди. Овчилар *ов ити, от ва ов қушидан фойдаланиш* билан бирга, овчиликнинг энг ибтидоий усули бўлган тош отиб ҳайвонлар овлаш усулини ҳам қўллаганлар.

Чағри бериб қушлату,
Тойғон изиб тишлату,
Тилки, тўнғиз тошлату
Ардам била ўклалим.

Мазмуни:

(Йигитларга) чағри (ов қуши) бериб қуш овлайлик,
Ов итини (қушларнинг) изидан солиб тишлатайлик.
Тулки, тўнғиз(лар)ни тош билан урайлик,
Ютуқларимиз билан мақтанайлик.

Иккинчи бир тўртликда отда юриб, овчи итлар ёрдами билан кийик тутиш ва ов маҳсулотини кўпайтиришга интилиш ифодаланган. Овчилар чорва молларини йиртқич ҳайвонлардан асрашда ҳам жамоатда катта роль ўйнаганлар. Масалан, *қуйидаги тўртликлардан* бир овчининг бўрига қарши мардона кураши тасвирланган:

Кеча туруб юрир эрдим,
Қара-қизил бўри кўрдум,
Қатиғ ёни қура кўрдум,
Қоя кўруб бақу оғди.

Узу бориб ўкуш эвдим,
Талим юруб кучи гавдим,
Отим бирла тагу авдим,
Мани кўриб еси оғди.

Итим тутиб қузи чолди,
Онинг тусин қира юлди,
Бошин олиб қузи солди,
Буғоз олиб тугал буғди.

[1] Г. В. Плеханов. Искусство и общественная жизнь. Москва, 1953, стр. 69.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мазмуни:

Кечаси туриб (кезиб) юрардим,
Қора-қизил бўри кўрдим,
Бақувват ёйни (отишга) ҳозирладим,
(У) қўрқиб қоянинг орқасига яширинди.

Шошилинч (бўрининг) кетидан тушдим,
Кўп қувлаб бориб, кучидан толиқтирдим,
Отим билан теварагида айланиб турдим,
Мени кўриб эси оғди.

Итим тутиб олиб, ётқизди,
Унинг жунини юлди (терисини шилиб олди),
Бошидан тишлаб, қуйига судради,
Бўғзидан тишлаб бутунлай бўғди (ўлдирди).

Овчилик билан бирга, чорвачилик ҳам қабилаларнинг асосий меҳнат турини ташкил этган. Ф. Энгельснинг айтишича, «Китобларда тасвир этилганидек, фақат овчилик билангина шуғулланувчи халқлар... ҳеч вақт бўлмаган»[1]. Чорвачилик меҳнати овчиларнинг фаолияти билан узвий боғланган. Чорва молларини эҳтиёт қилиб сақлаш учун овчилардан пойлоқчилар қўйилган, улар чорвани кўз қорачиғидай қўриқлаганлар. Қуйидаги бир тўртликда ўз пойлоқчилик вазифасини сергаклик билан бажариб тонг оттирган овчи бундай дейди:

Қора тунунг качурсадим,
Оғир уни учурсадим,
Ятиканинг қачурсадим,
Сақиш ичра кунум туғди.

Мазмуни:

Қора туннинг тез ўтишини истадим,
Уйқуга йўл бермасликка тиришдим,
Етикан (Етти қароқчи юлдузи)ни қочирмоқ (тонг оттирмоқ) истадим,
(Юлдузни) санай-санай тонг оттирдим.

Жуда қадим замонлардаёқ кишилар ҳаётида, овчилик ва чорвачилик билан бирга, деҳқончилик ҳам асосий ўрин эгаллаган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, чорвачиликнинг ўзи ҳам деҳқончилик ва боғчачиликнинг ўсишига замин ҳозирлар эди. Ф. Энгельс айтганидек, «...узоқ ва қаттиқ қиш мавсумига ем-хашак ғамлаб қўймасдан туриб, чўпонлик ҳаётини кечириш мумкин эмас; демак, бунда пичанзорлар вужудга келтириш ва ҳар хил дон экиш шарт эди»[1]. Қуйидаги бир тўртликда овчилик, чорва-

[1] Ф. Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, Ўздавнашр, 1956, 23-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чилик ва боғчачиликнинг бир-бирига ёндош бўлганини, пишиқчилик вақтидаги ишларни ва шодлик тароналарини кўрамиз:

Йигитларинг ишлату,
Йиғач ямиш ирғату,
Қулан, кайик авлату,
Баэрам қилиб авналим.

Мазмуни:

Йигитларни ишлатайлик,
Дарахт(лар)дан мева(лар)ни қоқтирайлик,
Қулон, кийик овлатайлик,
(Сўнг) байрам қилиб овунайлик.

Қаҳрамонлик қўшиқлари

«Девону луғотит турк»даги айрим адабий парчалар қабилалар ўртасидаги жанг эпизодлари ва қабила баҳодирларининг мардона курашини тасвирлайди. Бундай қўшиқлар *ражаз* деб аталган. Жумладан, қуйидаги тўртликларда ҳужум қилувчи томоннинг ҳарбий тактикаси ва жанг эпизоди тасвирланади. Ҳужум қилувчи томон иккинчи томонни ғафлатда қолдириб, қўққисдан ҳужум бошлайди:

Тунла била кучалим,
Ямар сувин качалим,
Тарнчук сувин ичалим,
Юқға яғи ўкулсун.

Такра олиб акуралим,
Аттин тушиб юкаралим,
Арсланлаю кукаралим,
Кучи анин кавилсун.

Мазмуни:

Туни билан кўчайлик,
Ямар сувидан ўтайлик,
Тарнчук (чашма) сувидан ичайлик,
Қочаётган душман тор-мор бўлсин.

(Душманнинг) атрофини ўраб, қамал қиламиз,
Отдан тушиб югурамиз,
Арслондек наъра тортамиз,
Унинг кучини қуритамиз.

Қабила аристократлари чорва моллари ва янги яйловларни қўлга киритиб олиш йўли билан ўз имтиёзини оширади, қабила

---

[1] Ф. Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, Ўздавнашр, 1956, 23-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

аъзоларининг мутелигини кучайтиради, урушда асир қилиб олинган кишиларни эса ўз қулига айлантиради.

Алп аранни узурдим,
Бўйнин анинг қазирдим,
Алтун-кумуш юзурдим,
Суси қалин ким тутар.

Мазмуни:

(Душманнинг) баҳодир аскарларини тўзитиб юбордим,
Бўйинларини эгдирдим,
(Ўлжа) олтин-кумушни орқалатиб (келтирдим),
Одам ўтолмас даражада аскари қалин эди.

Бундай қўшиқларда баҳодирларнинг қаҳрамонлиги, ҳарбий қуроллардан моҳирлик билан фойдаланиши ҳамда айрим жанг эпизодлари кўпинча баҳодирлар тилидан куйланади. Жанг тугагач, ғолиблар тантанага йиғилади. Баҳодирлар тақдирланади. Ҳамма «қочди сақинч савналим» («қайғулар кетди, энди севинайлик»),— деб ғалаба ва шодлик таронасини бошлайди.

Маросим қўшиқлари

Маросим қўшиқларидан «Девону луғотит турк»да марсия жанридан парчалар келтирилган. Бу парчалар жанг майдонида баҳодирларча курашиб ҳалок бўлган қаҳрамонларга бағишланади, уларда бу баҳодирларнинг мардлиги, жасорати, фидокорлиги ва бошқа шу каби фазилатлари мақталади, жудолик ҳасратлари, мотам қайғуси ифодаланади. Алп Эртўнгага бағишланган марсия шулар жумласидан бўлиб, бу қаҳрамон эрон тиллари группасидаги тилларда сўзловчи халқларда (кейинчалик туркий тиллар группасидаги тилларда сўзловчи халқларда ҳам) Афросиёб номи билан юритилган, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си ва бошқа асарларда унинг афсонавий бадиий образи яратилган. Алп Эртўнга марсиясидан бир парча кўрайлик:

Улишиб эран бўрлаю,
Йиртин яқа урлаю,
Сиқриб уни юрлаю
Сиғтаб кўзи ўртилур.

Мазмуни:

Мардлар йиғлаб, бўридек увлашдилар,
Ёқаларини йиртиб бақиришдилар,
Фарёд чекдилар,
Қаттиқ йиғидан кўзлари хиралашиб, (гўё) парда босди.

Мавсум қўшиқлари. Пейзаж лирикаси

«Девону луғотит турк»даги оғзаки адабиёт намуналарининг кўпи мавсум қўшиқлари ва пейзаж лирикаси жанрларига киради. Булар қадим замонлардаги кишиларнинг табиат ҳодисалари ҳақидаги тушунчаси ва бу ҳодисаларга муносабатини ифодалайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Табиат ҳодисаларини яхши ва ёмон руҳлар билан боғлаш — дуалистик қараш қадимги кишиларнинг йил фасллари ҳақидаги тушунчаларида ҳам равшан кўринади. Йилнинг бир фасли уларни шодлантирса, иккинчи бир фасли ғоят ғам-ғуссага солади. Қиш фасли учун етарли озиқ-овқат ва ем-хашак жамғаролмай қаттиқ қийинчиликларга дуч келган кишилар ёзга ижобий, қишга салбий муносабатда бўлиб, ёз фаслини қувонч билан қарши олсалар, қишни даҳшат ва мусибат келтирувчи фасл деб ҳисоблаганлар. Натижада қўшиқларда ёз билан қиш бир-бирига қарама-қарши қўйилади, улар бир-бири билан жанг қилади:

Қиш ёй била тўқушти,
Қинир кўзунуғ бақишти.
Тутишқали яқишти,
Утғолимат ўғрашур.

Ёй қиш била қаришти,
Ардам ёсин қуришти,
Чарик тутуб кўрушти,
Ўқтағали ўтрушур.

Мазмуни:

Қиш билан ёз тўқнашди,
Қинғир (ёмон) кўз билан бир-бирига қарашишди,
(Бир-бирини) тутиб олишга интилишди,
(Бир-бирини) ютишга тиришар эдилар.

Ёз билан қиш қаршима-қарши бўлишди,
(Уларнинг ҳар бири) мақтаниш ёйини қуришди.
Қўшин тузиб, (бир-бирини) таъқиб қилишди,
(Ёй) *отиш учун* (*бир-бирига*) яқинлашишди.

Қиш билан ёз мунозаралашиб, улардан ҳар бири ўз фазилати билан мақтаниб, иккинчи томонни камситади.

Масалан, қиш ёзга айтади:

Қиш ёйғиру сувланур,
Эр ат манин яврюр,
Иклар ема савруюр,
Ат йин тақи тагришур...

Санда кўпар чазанлар,
Кўзғу сингак, йилонлар
Дук минг қую туманлар,
Қузруқ тикриб югрушар.

Мазмуни:

Қиш ёзга қарши бақириб-чақириб сўз бошлади:
Одамлар ва қора молларнинг эти менда пишади, мустаҳкамланади.
Менда касал камаяди,
Одамларнинг гўштлари қотади, ўзлари қувватли бўлади...

Санда кўпаяди чаянлар,
Чивинлар, илонлар, пашшалар.
Минглаб, туманлаб,
Думларини қайириб, изғишади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёз эса қишга бундай дейди:

Балчиқ балиқ югурулур,
Жиғой ёвуз йиғрилур,
Арингаклари ўғрулур,
Ўзғуч била авришур.

Санда қочар сундилач,
Манда тинар қарғилач,
Татмағ ўтар сундувач,
Эркак тиши учрашур...

Мазмуни:

Лой-балчиқ ҳамма ёқни қоплайди,
Камбағал, юпун кишилар қийналиб, машаққат чекадилар.
Бармоқлари совқотиб,
Оғиз ели билан (пуфлаб) иситадилар.

Саъва сендан қочади,
Менда қалдирғоч роҳатланади.
Булбул нағмаси севинтиради,
Менда (ёзда) эркак ва урғочи жуфтлашади.

Бу курашда қиш «енгилади», ёз «ғалаба» қозонади. Табиат гўё қайтадан жонланади, қирлар гиламга ўхшаш майса-кўкатлар билан қопланади, тоғдаги қор-музлар эрийди, сувлар оқа бошлайди, турли-туман гуллар очилиб, ер юзига чирой бағишлайди, қушлар, қурт-қумурсқалар инларидан чиқиб, тўда-тўда бўлиб янги ҳаёт бошлайди. Табиатдаги бу жонланиш кишиларни ниҳоятда завқлантиради, ёзнинг ғалабаси кишиларнинг ғалабасига айланади, кишилар ёзни ўз қўшиқларида шодлик билан куйлаб, олқишлайдилар, табиат манзараларини тасвирлаб шеърлар тўқийдилар. Табиат кўрки жонли тасвирий бўёқларда жилваланади:

Турли чачак ярилди,
Барчин язим қарилди,
Учмақ яри кўрулди,
Тумлуғ яна калгусуз.
Қуш қурт қамуғ тирилди...
Йинқа яна киргусуз.

Мазмуни:

Турли чечаклар очилди,
(Ерга худди) чиройли гиламлар тўшалгандай.
Жаннат ери кўринди,
Совуқ қайтмас бўлиб кетди.
Ҳамма қуш ва қуртлар тирилди...
Энди улар қоронғи инларига қайтиб кирмайди.

Мавсум қўшиқлари кўпинча лапар айтиб ўйинга тушиш орқали ижро этилган. Эрта баҳор кишиларнинг шодиёнасига, қўшиқ ва ўйинлар тантанасига айланган. Туннинг қисқариб, кундуз куни-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг узайиб бориши қоронғилик кучлари устидан ёруғлик кучларининг ғалабаси деб қаралган. Баҳор шодиёнаси традициялари ривожланиб, наврўз байрами тусини олади. Бу байрамда қўшиқ ва ўйин билан бирга кураш ва масхарабозлик каби халқ ўйинлари ҳам кенг намойиш қилинади[1].

«Девону луғотит турк»да меҳнат қўшиқлари, қаҳрамонлик қўшиқлари, мавсум ва маросим қўшиқлари билан бирга ишқий-интим, ахлоқий-таълимий шеърлар ва мақоллар ҳам бор. Булар севги ва садоқатни, висол иштиёқи ва ҳижрон аламини куйлайди, чин инсоний фазилатларни улуғлаб, кишиларни ор-номус, одамгарчилик, одоб, мардлик ва шижоат каби эзгу хислатларга ўргатади.

Мисоллар:

Кўклар қамуғ тузулди,
Ивриқ идиш тизилди,
Сансиз ўзум узалди,
Калгил амул ўйналим.

Мазмуни:

Ҳамма созлар созланди,
Май косалар тизилди,
Сенсиз кўнглим бузилди,
Кел, яйраб-яшнаб ўйнайлик.

Қазған алиҳ тузумлик,
Қолсин жақинч яранқа.

(Номим ўчмасин десанг, яхши хулқларни эгалла.)

Асизлигинг анунма,
Тилга чиқар азгу сўз.

(Ёмонликка кўникма, фақат яхши сўзлар сўзла.)

Огруқ огир ишингни азнағуқа юзурма.

(Ўз юкингни, оғир ишингни бошқаларга юклама.)

Ягинг табо титру бақиб буқдунг била,
Ўграб қали калса санга қаршусула.

(Душманингдан эҳтиёт бўл, уни кузат, агар қаршингга келса, ханжар билан кутиб ол.)

Билик ари ёғисин нолик савар?!

(Билимли эр душманини қандай (нега) севсин?!)

---

[1] Наврўз байрами традициялари ҳозирги кунда ҳам кўп халқларда, жумладан ўзбек, тожик, озарбайжон, эрон ва бошқа халқларда давом этиб келмоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кичикда қотирланса улғозу севинур,

(Кичикликда қийинчилик кўрган улғайганда севинар.)

Тутғил қўноқ оғирлиғ

(Меҳмонни ҳурмат қил).

ва бошқалар.

Юқоридаги парчалар узоқ ҳаёт тажрибаси асосида вужудга келган халқ донишмандлигининг ифодасидир.

Шундай қилиб, «Девони луғотит турк» орқали етиб келган қўшиқлар «халқ кўнглидаги қайғу-ҳасрат ва шодликнинг йўлдоши, унинг билим қомуси, унинг диний ва фалсафий китобидир»[1].

Поэтика ва тил

«Девону луғотит турк»даги адабий ёдгорликлар туркий халқлар ва қабилаларнинг турли поэтик жанрларда асарлар ижод қилганини кўрсатади. «Ов» ва «Қиш билан ёз мунозараси», афтидан, каттароқ ҳажмдаги эпик асарларнинг парчаси бўлган. Лирик турда эса меҳнат қўшиқлари, қаҳрамонлик қўшиқлари, мавсум ва маросим қўшиқлари, ишқий-интим шеърлар ва бошқа жанрлардаги асарлар яратилган ҳамда дидактик поэзиянинг дастлабки намуналари — ахлоқий-таълимий шеърлар, мақол ва ҳикматли сўзлар вужудга келган. Бу қадимги адабиётнинг жанр бойлигини ва ҳозирги айрим поэтик формаларнинг илдизи жуда қадим замонларда вужудга келганини кўрсатади.

«Девону луғотит турк»даги қўшиқ ва лирик шеърлар кўпчилик олимларнинг, жумладан К. Броккельман, Ф. Кўпрулизода, А. Фитрат, Т. Жалолов, С. Муталлибов, А. Қаюмов, Қ. Каримов ва бошқаларнинг эътирофича, уларнинг кўпчилиги бармоқ вазнидадир. Т. Ганжий ҳам уларнинг кўпчилигини бармоқ вазнида деб ҳисоблайди, айримларигина аруздадир, дейди. Тадқиқотчи И. В. Стеблева уларнинг ҳаммасини ҳам ёзма адабиёт бисотига киритиб, аруз вазнига мансуб, дейди[2].

«Девону луғотит турк»да турли элат, қабила ва уруғларнинг тиллари устида баҳс юритилади, адабий парчалар ҳам шуларнинг адабиётидан олинган. Улар социал тараққиётнинг ва маданиятнинг турли босқичида бўлганлар, айримлари форс-тожик ва араб маданияти ҳамда адабиёти билан таниш бўлсалар, бошқалари таниш бўлмаган, бирларида ёзма адабиёт вужудга келган бўлса, иккинчи бирлари ҳали бу даражага бориб етмаган ва ҳоказо. Бинобарин, айрим шеърларнинг ёзма адабиётга (у ҳолларда Маҳмуд Кошғарий кўпинча «шоир сўзи будур» деб таъкидлайди, айни чоқда бу сўзларда «донолар бундай дейди», деган маъно ётишини ҳам

---

[1] П. Лафарг. «Очерки истории культуры», Москва, 1926, стр. 51.

[2] И. В. Стеблева. Развитие тюркских поэтических форм с XI веке., М., 1971.

www.ziyouz.com kutubxonasi

унутмайлик) мансублиги ва арузда битилганини (аруз туркий поэзияга сингишиб кетаётган эди) эътиборга олиш билан бирга, назаримизда, кўпчилик шеърлар оғзаки поэзияга мансуб бўлиб, туркий халқлар шеъриятининг туғма вазни — бармоқда эканини таъкидлаш лозим. Қўшиқ ва лирик шеърларнинг банди кўпинча тўрт мисрадан, баъзан эса икки мисрадан иборат бўлиб, тўртликларнинг қофияси «а-а-а-б», «в-в-в-б»... шаклидадир. Қадимги қўшиқ ва лирик шеърларнинг поэтикасига хос бу хусусиятлар ҳозирги халқ қўшиқларида, жумладан, ўзбек халқ қўшиқларида сақланиб келмоқда. Ўзбек халқ қўшиқларининг кўпи 7—8 ҳижоли бўлиб, улар ҳам «а-а-а-б», «в-в-в-б»... тарзида қофияланади. Бунинг ўзи ҳам ўзбек халқ қўшиқларининг жуда қадим замонлардаёқ пайдо бўла бошлаганини кўрсатади.

Қўшиқ ва лирик шеърларда меҳнат процесси, тинч маиший ҳаёт манзаралари, қабилалар ўртасидаги тўқнашувлар ҳамда кишиларнинг хилма-хил ҳис-туйғулари, истак-армонлари тасвирланади. Ҳаёт воқеликлари ва кишиларнинг ҳис-туйғуларини конкрет тасвирлаш бу қўшиқ ва лирик шеърларнинг муҳим хусусиятидир. Қўшиқларда гап қабиланинг чорва молларини қўриқлаётган пойлоқчи-овчи ҳақида борадими, қабилалар ўртасидаги тўқнашувлар ёки овчининг бўрига қарши ҳужуми ҳақида борадими, барибир, улар бизнинг кўз ўнгимизда конкрет ҳаёт манзараларини гавдалантиради. Ҳатто қиш билан ёзнинг «мавсум мунозараси» кишиларнинг ўзаро тўқнашувига, бир-бирига қарама-қарши бўлган тарафларнинг жанги тарзида тасвирланади, унга ҳаётий тус берилади. Йил фасллари, айниқса, баҳор фасли ўзига хос хусусиятлари билан намоён бўлади. Бу тасвир гўё рассом ишлаган турли манзараларни: ям-яшил далаларни, тоғларда эриган қор ва муз сувларининг шалола бўлиб оқишини, қуюқ булут, ёмғир, жала ва селни, ранг-баранг гулларни, ўйноқи қўй-қўзиларни акс эттиради.

Кишининг ҳис-туйғуси жуда мураккаб ва хилма-хилдир. Бу ҳол қўшиқларда ҳам очиқ кўринади. Қўшиқ ва лирик шеърларни ўқир эканмиз, уларни яратган кишиларнинг шодлиги ва қайғуси, завқи ва нафрати, кулгиси ва йиғиси билан танишамиз... Кишилар ўз қўшиқларида бўлиқ ҳосилдан, чорва молларининг кўпайишидан шод-хуррамликларини куйлаганлари каби, ўз бахтсизликларини, мағлубият ва мотамини ҳам ифодалаганлар; баҳордан завқланиб, қишдан нафратланганлар. Қўшиқларда кўпчиликка хос умумий ҳис-туйғулар билан бирга (улар кўплик формасида баён этилган), интим кайфиятлар ҳам ўз ифодасини топган. Мана ишқий-интим парчалардан бири:

Булнар мени улас кўз,
Қара меңгиз, қизил юз,
Андин тамар тукал туз,
Булнап яна ўл қачар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мазмуни:

Бу маст кўзли (севиклим)
Қора холи ва қизил юзи билан (мени асир қилди).
Еноқларидан ширинлик томиб, мени асир қилади-ю,
Лекин кейинидан (тутқич бермай), мендан қочиб кетади.

Қўшиқ ва лирик шеърларда турли хил воқеа ва кайфиятларни ифодалаш учун кўпинча қарши қўйиш усули қўлланилади. Қиш ва ёз мунозараси бошдан-охир шу усулда яратилган. Бадиий тил воситалари: ўхшатиш, сифатлаш, муболаға ва бошқалар тасвир объектини, ҳис-туйғуни янада конкретлаштиришга хизмат қилади. Масалан, баҳорги ёмғирдан кейин ғунчалар очилиб, чечаклар униши бундай тасвирланади:

Яғмур ёғиб сачилди,
Турлук чачак сучулди,
Инжу қоби очилди,
Чиндан йипор югрушур.

Мазмуни:

Емғир томчилари тўкила бошлади,
Турли чечаклар унди,
Инжу қутичалари (ғунчалар) очилди,
Ҳар томонда шифобахш атир ҳидлар гуркирәди.

Авлаб мани қўймангиз,
Айиқ айиб қаймангиз,
Оқар кўзум уш тангиз,
Тагра юра қуш учар.

Мазмуни:

Кўнглимни овлагач,
Ташлаб кетмангиз, айтилган сўздан қайтманг:из.
Кўз ёшим оқиб денгиз бўлди,
Унинг атрофида қушлар учаётир.

Бу қўшиқ ва лирик шеърларнинг муҳим бадиий хусусиятларидан бири уларнинг равонлиги, мусиқийлиги ва жўшқинлигидир.

«Девону луғотит турк»да келтирилган айрим мақоллар баъзи ўзгаришлар билан ёки айнан ҳозирги кунда ҳам қўлланади. Бу факт ўзбек халқ поэтик ижодиётининг, ўзбек тилининг жуда қадим замонларда туғила бошлаганини яна бир карра таъкидлайди.

Мисоллар:

Қут билгуси билик.

(Билим — бахт белгисидир.)

Эмгак экинда қолмас.

(Меҳнат ерда қолмас)

Ош тотиғи туз.

(Ошнинг тами туз билан.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўрқмуш кишига қўй бошн қўш кўрунур.
(Қўрққанга қўша кўринур.)

Ит ишмас, от тепмас дема,

(Ит қопмас, от тепмас дема.)

Тома-тома кўл бўлур.

Бир қарга бирла қиш келмас.

Қуруқ ёғоч ёғилмас.

Хуллас, «Девону луғотит турк»даги қўшиқ ва лирик шеърлар туркий тиллар группасидаги тилларда сўзлашувчи бошқа халқлар билан бирга ўзбек халқининг ҳам қадимги муштарак адабий ёдгорлигидир.

ЕЗМА ЁДГОРЛИКЛАР

Тарих қадимги ёзувларнинг турли даврларга мансуб бўлган хилма-хил ёдгорликларидан айримларини бизга қадар сақлаб қолди. Бу ёдгорликлар «Авеста» ва «Бундахишн» каби зардуштий асарларини, турли ҳужжатларни, тошларга ўйиб ёзилган ҳамда ишиш-товоқ, муҳр, танга ва бошқалардаги текстларни ўз ичига олади. Ёзма ёдгорликлар қадимги ёзув ва тиллар ёдгорлиги бўлиши билан бирга, бизни узоқ ўтмишдаги қабила ва халқларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаёти, урф-одати, эътиқоди, сўз санъати намуналари ва бошқалар билан таништирувчи муҳим манбалар ҳамдир. Жумладан, «Авеста», «Бундахишн» ва «Денкард» каби зардуштий китобларида диний масалалардан ташқари, тарих, маданият, илм-фан, санъат ва адабиёт ҳамда бошқа соҳаларга доир қимматли материал ва маълумотлар бор.

Муғ тоғи қасрида топилган сўғд календари эса қадимги Ўрта Осиё астрономиясининг нодир ёдгорлигидир. Сўғд ёзувидаги бошқа ёдгорликлар кўпроқ савдо-сотиқ ва қўшни мамлакатлар билан иқтисодий-маданий алоқаларга доир ҳужжатлардир. Дунхуан (Шарқий Туркистон — Синцзян)да топилган сўғд тилидаги бир ёдгорлик эрамизнинг II асрига мансуб бўлиб, Самарқандда турувчи онанинг Друан (Дунхуан)даги қизи билан оилавий масалаларга доир ёзишмаларидир.

Хоразм ёдгорликлари, асосан, тарихий воқеалар ва хўжалик масалаларига доир бўлиб, Ўрта Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва турли ўлкалар билан савдо-сотиқ ҳамда дипломатия муносабатлари юзасидан маълумот беради.

Ёзма ёдгорликлар орасида Бихистун ёдгорлиги муҳим тарихий ҳужжат сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Бу ёдгорлик эрамиздан аввалги 521 йилда Гауматани енгиб, аҳмонийлар тахтини эгал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаган Доронинг буйруғи билан 519 йилда Вавилон билан Экбатони (Ҳамадон)ни бирлаштирувчи йўл яқинидаги Бихистун тошига (500 метр баландликда) ўйиб ёзилган. Текстда Доронинг ўз тилидан унинг истилочилик фаолияти ҳикоя қилинади. Бихистун ёдгорлиги Дорони даҳшатли босқинчи ва мустабид шоҳ сифатида гавдалантиради.

Қадимги туркий тилларда яратилган ёдгорликлардан бизгача Ўрхўн-Енисей ва уйғур ёзувидаги ёдгорликлар сақланиб қолган. Ўрхўн-Енисей ёдгорликлари V—VIII асрларга мансуб бўлиб, улардан Кул-Тагин, Билка-Қоон, Тунюкук қабр тошларига ўйиб ёзилган текстлар айниқса аҳамиятлидир. Ўрхўн-Енисей ёзувидан бирмунча кейинроқ вужудга келган уйғур ёзувида эса турли хил ҳужжатлар билан бирга манихейлик (монийлик) дини китоблари ва бошқа ёдгорликлар сақланиб қолган.

«АВЕСТА»


«Авеста»[1] зардуштийлик (зороастризм) динининг муқаддас китобидир. Зардуштийликнинг куртаклари ибтидоий жамоа даврида вужудга келди. Зардуштийлик дини қулдорлик ва илк феодализм даврида Ўрта Осиё, Эрон ва Озарбайжонда асосий диний эътиқодлардан бири сифатида кенг тарқалди; бу дин синфий жамиятда, ибтидоий жамоа давридаги айрим демократик элементларини сақлаб қолган бўлишига қарамай, қулдорлар ва феодалларнинг дунёқараши ва манфаатларини ифодалади. Араб босқинчилари истилоси (VII—VIII асрларда)дан сўнг ҳам зардуштийлик дини бирмунча вақт сақланиб қолди.

«Авеста» зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлиши билан бирга, у узоқ асрларнинг тарихи, иқтисодий-ижтимоий ҳаёти, маданияти, тили, ёзуви ва халқ оғзаки ижодининг манбаи, муҳим ёдгорлиги сифатида қадимги Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон ва бошқа мамлакатларни ўрганишда ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Анъанавий маълумотларга қараганда, «Авеста» эрамиздан аввалги VII асрнинг охири ва VI асрнинг бошларида яратилган. Унга Зардушт асос солган (Беруний маълумотича, Зардушт Озарбайжонда туғилган. Бироқ фанда Зардушт шахси, унинг ўтган-ўтмагани ҳақида, шунингдек, «Авеста»нинг макони ҳақида ҳамон мунозарали фикр-мулоҳазалар давом этиб келади). Лекин «Авеста»нинг шаклланиши ва такомилини бир кишининг номи билан боғлаб бўлмайди. Чунки у узоқ даврларнинг маҳсули бўлиб, бу даврлар давомида қайта-қайта ишланган.

[1] «Авесто» шаклида ҳам ёзилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi



«Авеста»дан парча.

«Авеста»нинг муқаддас китоб сифатида тўла шаклланиши эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарига тўғри келади.

Кўпчилик манбалардаги анъанавий маълумотларга қараганда, «Авеста» 21 наск — китоб (қисм)дан иборат бўлган экан. Бироқ Александр Македонский ва араб босқинчилари истилоси натижасида улардан кўпи йўқолиб, жуда оз қисми сақланиб қолган. Бизга қадар сақланиб қолган «Авеста» ёдгорликларининг энг қадимги нусхаси 1324 йилда кўчирилган бўлиб, у Копенгагенда сақланади. «Авеста»нинг айрим нусхаларида авеста тилидаги текст

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан бирга паҳлавий тилидаги шарҳли таржималар ҳам бор. Шарҳлар «Зенд» деб аталган, бутун китоб эса «Авеста ва Зенд» ёки «Зенд Авеста» деб номланган. «Авеста» тексти санскрит тили (қадимги ҳинд тили)га шарҳлар билан таржима қилинган. У айрим Европа тилларига, унинг бир неча қисми эса рус тилига ҳам таржима қилинган.

«Авеста»нинг мундарижаси

Бизгача етиб келган «Авеста» нусхалари икки вариантдадир. Биринчи варианти ёлғиз «Авеста»ни ўз ичига олади. Иккинчи варианти паҳлавий тилидаги шарҳли таржимани ҳам ўз ичига олиб, у китобларга, боб ва параграфларга ажратилган. Шу иккинчи вариант бўйича «Авеста» қуйидаги китоб (қисм)лардан иборат:

1. Вендидод. У 22 бобдан иборат бўлиб, асосан, Ахура Мазда билан Заратуштранинг савол-жавоби формасида ёзилган. Боблар турли ёмон руҳларни, девларни енгиш воқеаларини, гуноҳлардан пок бўлиш қоидаларини ва қисман мифологик элементларни ўз ичига олади.

2. Виспарад. У 24 бобдан иборат бўлиб, ибодат қўшиқларини ўз ичига олади.

3. Ясна. У 72 бобдан иборат бўлиб, қурбонлик чиқариш маросимида айтиладиган қўшиқларни, худолар мадҳиясини ва бошқа диний маросимларга хос расм-русмларни ўз ичига олади. Унинг 17 боби готлар — гимнлар деб аталган. Бу боблар «Авеста»нинг энг қадимги қисмларидир.

4. Яшт. У зардуштийлик худолари ва маъбудалари мадҳига айтилган 22 қўшиқни ўз ичига олади. Шу билан бирга, Яштда мифологик элементлар «Авеста»нинг бошқа қисмларидагига нисбатан хийла кўп.

5. Кичик Авеста. (Хўрда Авеста, Хвартак-апастак.) У Қуёш, Ой, Ардвисура, Варҳран ва бошқа худо ҳамда маъбудалар шарафига айтилган кичик ибодат текстларини ўз ичига олади.

Бундан бўлак «Авеста»нинг турли хил айрим парчалари ҳам етиб келган.

«Авеста» қадимги эрон тиллари группасидаги тилларнинг қадимги ёдгорликларидандир. Эрамизнинг бошларида (I—IV асрларда) авеста тили ўлик тилга айланиб, ибодат тили бўлиб қолган эди. Бироқ бу тилнинг элементлари эрон тиллари группасида сақланиб қолади.

Авеста ёзуви ҳам оромий ёзуви асосида пайдо бўлган қадимги ёзувлардан бўлиб, у авеста тили каби кейинчалик ўлик бир ёзувга айланади. «Авеста» кейинчалик паҳлавий ёзуви ва бошқа ёзувлар билан кўчирилади.

«Авеста» диний китоб бўлиб, эксплуататорларнинг дунёқарашши ва манфаатларини ифодалайди. Ундаги якка худо Ахура Мазда культи ҳам ягона шоҳ ғоясига мувофиқдир. «Авеста» жаннат ҳақидаги ваъдалари билан меҳнаткашларни овунтиради, Чинвод

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўпригининг[1] азоб-даҳшатлари билан кишиларни «адолатга» ундайди, диний эътиқодлар ва урф-одатларга содиқ бўлишга чақиради. «Авеста» ўт ва қилич ёрдамида зардуштийликни кенгроқ тарқатиш лозим деб, бошқа диний эътиқоддаги кишиларга нафрат ҳисларини уйғотишга интилади.

Бироқ шунга қарамай, «Авеста» да оддий меҳнат аҳлининг орзу-умидларини акс эттирган ўринлар ҳам бор. Булардан баъзилари ибтидоий жамоа билан боғланса, баъзилари синфий жамият билан боғланади. Масалан, кишиларнинг «адолатли ҳукмдор» ҳақидаги орзулари синфий жамият тузумида вужудга келган эди. Готларда душманларга қақшатқич зарба бериб, халққа осойишталик бахш этувчи ҳукмдорлар мадҳ қилинади.

Хома деб аталган ва ўлимни енгадиган афсонавий мевага бағишланган готларда кишилар бу мевадан куч-қувват, ҳосил, мўлкўлчилик ва зафар; ҳомиладор хотинлар ботир фарзанд беришни тилайдилар.

Вендидоднинг дастлабки қисмлари деҳқончилик ва чорвачиликка бағишланган. Вендидоднинг биринчи бобида икки олам (Ахура Мазда ва Ангра Маню) ва улар ўртасидаги кураш, Ахура Мазданинг 16 серҳосил мамлакатни (буларнинг кўпчилиги Ўрта Осиёда) яратиши ҳақидаги миф, иккинчи бобида эса ер юзи сатҳини 3 баравар кенгайтириб, деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантирган, кишилар учун кўп фойдали мўъжизалар яратган адолатли Йима (Жамшид) ҳақидаги миф ҳикоя қилинади. Учинчи бобда деҳқончилик мадҳ этилади, у муқаддас ва шарафли меҳнат деб тарғиб қилинади.

«Авеста»да ҳикоя қилинишича, Зардушт Ахура Маздадан шодлик ва бахт макони қаерда эканлигини сўрайди. Ахура Мазда ўз жавобида: у шундай жойки, кишилар унда уй-жой қурадилар, оташкадалар (ибодатхоналар) бино этадилар, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, бола-чақали бўладилар; мен ҳар иккала қўли билан фидокорона меҳнат қилувчи кишини қўллайман, унинг ишига барор, ҳосилига барака бағишлайман, дейди. Меҳнат — деҳқончилик «Авеста»да Ангра Маню ва унинг кўп сонли девларига қарши курашнинг ҳам асосий воситаси ва ғалаба таянчи деб таърифланади. «Ғалла ердан униб чиққанда,— дейилади «Авеста»да,— девлар ларзага келади, ғалла ўриб олинаётганда девлар нола-фарёд чекади, ғалла янчиб (ун) қилинаётганда, улар қоча бошлайди, хамир қилинганда эса девлар маҳв бўлади... Ғалланинг мўл-кўл бўлиши гўё девларнинг лабига қизитилган темир босгандек уларни тумтарақай қилади... Китобнинг бу ўринлари кишиларни меҳнатга, меҳнатни севишга даъват этади. Шунинг учун ҳам у прогрессив аҳамиятга моликдир.

Шундай қилиб, «Авеста» асос эътибори билан эксплуататор

[1] *Чинвод кўприги* — «қил кўприк» сингари диний-афсонавий кўприк.

www.ziyouz.com kutubxonasi

синфларнинг манфаатига хизмат қилган бўлса-да, лекин у меҳнаткаш омманинг орзу-тилакларини ҳам маълум даражада акс эттирган эди. Зотан, бу «Авеста»нинг кенг тарқалиши ва узоқ умр кўриши боисларидан бири эди.

«Авеста»нинг тарихий-маърифий аҳамияти

«Авеста» қадимги Ўрта Осиё, Эрон ва Озарбайжоннинг тарихи, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, географияси ва табиати, илм-фани, этнографияси ва ҳоказолар билан таништирувчи манба сифатида ҳам жуда қимматлидир.

«Авеста»да тасвирланган жамият чорвачилар ва деҳқонларнинг қадимги жамиятидир. Унда ўз даврида емирила борган ибтидоий жамоа тузуми ҳам, қулдорлик ва туғилиб келаётган феодал муносабатлари ҳам қисман баён этилади. Кишилар худоларга мурожаат қилиб, улардан кўп чорва, катта яйловлар ва суғориладиган кенг экин майдонларини тилаганлар. «Авеста» чорваси, яйлови ва экин майдони кўп бўлган кишиларни ҳам, уларга тобе бўлган йўқсилларни ҳам кўз ўнгимизда гавдалантиради. Зодагонлар мол-мулкларини кўпайтириш учун қўл остларидаги деҳқонларни ва чорвадорларни эксплуатация қилиш билан қаноатланмай, босқинчилик урушлари олиб бориб, чорва молларини, янги яйловларни ва қулларни қўлга киритадилар. Зардуштийликнинг синфий моҳияти Ахура Маздонинг сўзларида ҳам равшан ифодаланади, у худо қиёфасидан чиқиб, тобора шоҳ қиёфасига яқинлашиб боради.

«Авеста» маданий ҳаётнинг турли соҳаларига доир, чунончи, қадимги медицина, астрономия, космогония ва фалсафага доир материал ва маълумотлар ҳам беради.

«Авеста»нинг адабий қиммати

«Авеста» маълум даражада адабий ёдгорлик ҳамдир. Унда бадиий тил воситаси, образли сўзлар хийла кўп ишлатилганлигидан ташқари, у қадимги оғзаки адабиёт ёдгорликларини тўплаган манба ҳамдир. Унда Каюмарс, Йима, Гершасп, Аржасп ва бошқа миф ҳамда афсоналар ҳикоя қилинади. Унинг кўп қисми (асосан «Готлар» ва «Яшт») шеър билан битилган. Шеърий мисралар ҳижоларнинг миқдори принципи асосида тузилган. Яшт кўпинча 8 (баъзан 10—12) ҳижоли мисралардан таркиб топган.

«Авеста»нинг тили ва шеър тузилиши ҳақида маълум конкрет тасаввурга эга бўлиш учун «Яшт» дан 8 ҳижоли бир парча келтирамиз:

Йи¹ма²ҳ̄е³ хшаѳ̆⁴рē⁵ а͡ур⁶ва⁷ҳ̄е⁸
Нō͡ид¹ а͡о²тĕм³ а͡оң⁴ҳа⁵ нō͡ид⁶ гарĕ⁷мĕм⁸
Нō͡ид¹ ѕа͡ур²ва³ а͡оң⁴ҳа⁵ нō͡ид⁶ мерĕт⁷йуш⁸
Нō͡ид¹ а²рас³ко⁴ да͡ē⁵вō⁶ да⁷тō⁸ (Ясна, IX. 5).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Таржимаси:

Қудратли ҳукмрон Йима даврида бўлмасди
На изғирин, на жазирама иссиғ, офат.
Унда на қаримоқ, бор эди-ю, на ўлмоқ
Ва на девлар туғдирган рашку ҳасад.

«Авеста» шеърларида ҳижоларнинг миқдоридан ташқари, урғу ҳам маълум аҳамиятга эга бўлган. Қофия эса мисраларнинг охирида эмас, балки (ҳатто кўпинча) мисраларнинг боши ва ўртасида қўлланилган.

Шундай қилиб, «Авеста» зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлиши билан бирга, энг қадимги даврларнинг тарихи, тили, ёзуви, маданият ва адабиёти ёдгорлиги ҳамдир.

ЎРХЎН-ЕНИСЕЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Енисей дарёси ҳавзасидаги рун ёзуви ёдгорликлари XVIII асрнинг бошларидаёқ рус хизматчиси Ремезов хабари ва сўнгра швед офицери Иоганн Страленберг ва олим Мессершмидт асарларидаги маълумотлар орқали илм-фанга маълум бўлган эди. Бироқ узоқ вақт давомида олимлар бу ёдгорликларни ўқиб аниқлашга муваффақ бўлолмадилар. XIX асрнинг биринчи чорагида «Сибирский вестник» («Сибирь ахбороти») журналида Григорий Спасскийнинг Енисей ёдгорликлари ҳақида мақоласи босилди. Бу мақола латин тилига таржима қилинди, ёдгорликлар ҳақидаги маълумотлар кўп мамлакатларнинг олимларига маълум бўлди. Лекин текшириш ва ёзувни ўрганиш ҳаракатлари яна натижа бермади, чунки ёдгорликларнинг «сири» очилмади.

1889 йилда фин олимлари Енисей ёдгорликлари атласини нашр этиб, бу ёдгорликлар фин маданиятига тааллуқли деб тахмин қилдилар. Бироқ фин олимларининг тахмини узоққа бормади. Уша 1889 йилиёқ рус сайёҳи ва ёзувчиси Н. М. Ядринцев Мўғулистондаги Кошо-Цайдам водийсида Ўрхўн дарёси бўйларида Енисей ёдгорликларига ўхшаш жуда кўп ёдгорликлар топди. «Номаълум ёзув» билан бирга айрим текстлар хитойча белгилар билан хитой тилида ҳам ёзилган эди. Бу ҳол ёдгорликларнинг «сири»ни топишга хийла ёрдам берди.

1890 йилда Фин-угор илмий жамияти Ўрхўн дарёсига археологик экспедиция уюштирди. 1891 йилда эса Россия Фанлар академияси академик В. В. Радлов бошчилигида Ўрхўнга катта экспедиция юборди. 1892 йилда бу икки экспедициянинг иш натижалари иккита атлас ҳолида нашр қилинди. Атласларда номаълум ёзув ёдгорликларининг сурати, улар топилган жойларнинг плани, харитаси ва бошқалар кўрсатилди.

Ёдгорликларни биринчи бўлиб Дания олими Вилгельм Томсен ўқишга муваффақ бўлди. У бу ёдгорликларни ўқишда турли ал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фавитларга таянмади, аксинча, даставвал ҳарфларнинг ўзаро нисбати ва ўхшашликларини аниқлашга киришди. У бу ёдгорликларда бир-бирига монанд ва монанд бўлмаган ҳарфлар туркуми борлигини аниқлади, бу иккала туркумдаги ҳарфлар олдинги ва кейинги қатор ҳарфлари бўлса керак, бу хусусият эса туркий тилларга хос деган тахминга келди. Унинг тахмини тўғри чиқди. У дастлаб «тангри», «турк» деган сўзларни ўқиб олди ва 1893 йилнинг 25 ноябрида деярли барча ҳарфларни аниқлаб, ёдгорликларнинг «сири»ни очди. Бу орада академик Радлов ҳам 15 га яқин ҳарфни аниқлаб олган эди. *В. В. Радлов* В. Томсеннинг ва ўзининг кашфиётига таяниб, Ўрхўн дарёси атрофида топилган катта ёдгорликлар текстини биринчи бўлиб таржима қилди.



Ўрхўн-Енисей ёзуви ёдгорликларидан

Н. М. Ядринцев топган ёдгорликлар турк хоқони Билка-Қоон — Моғилён (734 йилда вафот этган) ва унинг укаси Кул-Тагин (732 йилда вафот этган) қабр тошларига ўйиб ёзилган ёдгорликлар экан. Шу вақтдан бошлаб Енисей ва Ўрхўн дарёлари атрофидаги ёдгорликлар «Ўрхўн-Енисей ёдгорликлари» деб атала бошлади.

Шу билан бирга, ёдгорликлар ёзуви туркий рун ёзуви деб ҳам юритилди. Чунки олимлар қадимги герман, гот, фин ёзуви ва бошқа ёзувларни топганда, уларни рун ёзуви («яширин», «сирли» ёзув) деб номлаган эдилар. Энди бу термин Ўрхўн-Енисей ёзувига нисбатан ҳам қўлланила бошлади.

Кейинчалик Ўрхўн-Енисей ёзувининг янги-янги ёдгорликлари топилди, ўрганилди ва аниқланди. Н. М. Ядринцев 1891 йилда Онгин дарёси атрофида янги ёдгорликлар топди. Ака-ука Клементцлар Селенга дарёси атрофида турк хоқонларининг маслаҳатчиси Тўнюкукка атаб ёзилган катта ёдгорликни кашф қилдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1896—1897 йилларда Авлиё-ота (ҳозирги Жамбул) шаҳри яқинида, Талас дарёси бўйида V—VI асрларга доир бешта тош ёдгорликлари ва бошқа яна кўп ёдгорликлар, жумладан, қоғоз, чарм, ёғоч ва турли идиш-товоқларга ёзилган ёдгорликлар топилди.

Ўрхўн-Енисей ёдгорликларини текшириш ва ўрганишда В. Томсен, В. В. Радлов, П. М. Мелиоранский, А. Гейкель, Ю. Немет каби рус ва чет эл олимлари ҳамда совет олими С. Е. Маловнинг хизматлари бениҳоя каттадир. Бу ёдгорликларни тадқиқ қилиш давом этмоқда.

Ўрхўн-Енисей ёдгорликлари бир неча Европа тиллари, рус, турк, ўзбек ва бошқа тилларга таржима қилинди. И. В. Стеблева «Поэзия тюрков VI—VIII веков» (Москва, 1965) асарида ёдгорликларни ўз таржимасида берди, Азиз Қаюмов «Қадимият обидалари» китобида (Тошкент, 1972) уларнинг бирмунчасини ўзбек тилига таржима қилди, шарҳлади.

Кул-Тегин ва Билга-Хоқон ёдгорликлари

VI аср ўрталарида Олтой, Еттисув ва Марказий Осиёдаги турли қабила ва халқлар бирлашиб, турк[1] хоқонлиги деб аталган давлат вужудга келди. Бироқ бу давлат марказлашган давлат бўлмай, балки ўнта турк қабиласининг федерацияси эди. Турк хоқонлигидаги қабила ва халқлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли босқичида яшар эдилар. Деҳқончилик билан шуғулланувчи ўтроқ аҳоли билан бирга чорвачи кўчманчилар ҳам жуда кўп эди; ўтроқ аҳоли патриархал-феодал босқичида яшаса, кўчманчи аҳоли, асосан, патриархал-жамоа тузуми босқичида бўлиб, уларнинг жамоаси синфий зиддиятларнинг чуқурлашуви ва тобеларнинг кўпайиши билан аста-секин феодаллашиб бормоқда эди. Давлат бошида «хоқон» ва зодагонларнинг кенгаши —«қурултой» турар эди. Қабила бошлиқлари «бек», йирик амалдорлар «тагин», «шоди» ва бошқа номлар билан, аҳоли «будун» ёки «қора будун» номи билан юритилар эди. Турк хоқонлиги Хитой, Византия ва бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқ алоқаларида бўлган. Давлат территориясида ягона ҳоким дин бўлмай, осмон культи, зардуштийлик, шаманизм ва бошқа динлар ҳамда уларнинг синкретик формаси тарқалган эди.

Хитой йилномаси «Тан-шу»да туркларнинг кўмиш маросими *бундай таърифланади: мурда бойликлари, жангда минган оти* билан бирга куйдирилади, хоки дафн қилиниб, марҳум қанча душманни ўлдирган бўлса, унинг қабрига шунча тош қўйилади ва марҳумнинг сурати ишланади, унинг қилган ишлари ўйиб ёзилади.

---

[1] *Турк* термини дастлаб сиёсий бирлашмага нисбатан, кейинчалик этник қатламга *нисбатан* қўлланган. Л. Н. Гумилев «Древние тюрки» китобида бу ёдгорликлардан кенг фойдаланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўрхўн-Енисей ёдгорликларининг кўпи мана шундай қабр тоши ёдгорликларидир. Булардан Моғилён ва, хусусан, Кул-Тагиннинг қабр тошлари жуда муҳимдир.

Моғилён сўнгги турк хоқонларидан бири бўлиб, «Билка-Қоон»— «Улуғ хоқон» унвонини олган. У жуда кўп урушлар олиб бориб, турк хоқонлиги давлати чегарасини анча кенгайтирган ва хийла мустаҳкамлаган. Билка-Қооннинг уруш-юришларида унинг укаси Кул-Тагин зўр қаҳрамонликлар кўрсатган. Кул-Тагин 732 йилда вафот этган.

Шундан сўнг Билка-Қоон ўзининг давлат чегараларини, қўшни халқлар билан бўлган дўстона муносабати ҳамда олиб борган уруш-юришлари ва бошқаларни ҳикоя қилади. У ўзини «Йўқсул халқни бойитган», «Оз сонли халқни кўпайтирган» «адолатли ҳукмрон» сифатида тасвирлайди.

jоқ чықай будуныҷ коп кобартдым (*ёки*: кобратдым), чықай будуныҷ бай қылтым, аз будуныҷ ўкўш қылтым. Азу бу сөзымда ігід барқу?

Маъмуни:

Мен ҳалок бўлган, қашшоқ халқни бутунлай (оёққа) турғиздим (йиғдим), қашшоқ халқни бой қилдим, оз сонли халқни кўп сонли халққа айлантирдим. Менинг сўзларимнинг бирор ёлғони бўлмас!...

Билка-Қооннинг шу сўзларидан кейин турк хоқонлиги тарихи, уруш-юришлар ҳикоя қилинади. Билка-Қоон давридаги воқеалар баёнида Кул-Тагиннинг фаолиятига кўпроқ ўрин берилади. Унинг давлатни кенгайтириш ва мустаҳкамлашдаги, уруш-юришлардаги хизматлари тасвирланади, қаҳрамонона жанглардан эпизодлар ҳикоя қилинади. Текст Кул-Тагиннинг вафоти, мотам марсияси тасвири билан тугайди. Турли ўлкалардан таъзия учун чопарлар келади, қўй йили (732) 9-ойининг 27-куни уни дафн этиш маросими ўтказилади. Билка-Қооннинг тилидан айтилган сўзларда Кул-Тагиндан жудолик қайғуси марсияга хос услубда баён этилади, турли бадиий тил воситалари қўлланилади:

Кўл тігін jоқ ärсär, коп öлтачі артығ! Інім Кўл тігін ärтäк болты, өзім сақынтым; көрўр көзім көрмäз тäг, бір бінгім бімäз тäг болты, өзім сақынтым. Öд täңрі jасар, кісі оғлы коп öлгäй (*ёки* öлўгі?) төрўміс.

Маъмуни:

Агар Кул-Тагин бўлмаса эди, ҳаммангиз ҳалок бўлар эдингиз. Менинг иним Кул-Тагин ўлди, мен қаттиқ қайғурдим: кўрар кўзларим ожиз бўлди, ақл-фаҳмим ўтмас бўлиб қолди, ўзим қайғурдим. Қисмат (вақти)ни кўк санъ (худо) тақсим қилади, одам боласи ўлиш учун туғилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кул-Тагин қабр тоши ёзуви турк хоқонлиги давлатининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, қабила ва халқларнинг урф-одатлари, тили ва маълум даражада бадиий сўз санъати билан таништиради.

Ўрхўн-Енисей ёдгорликларининг аҳамияти

Ўрхўн-Енисей ёзувидаги хотиралар V—VIII асрларнинг жуда қимматли ёдгорлигидир. Улар қабр тошларига ўйиб ёзилган тарих ва марсиялардан, турли хил ҳужжат, тамға, пул ва бошқалардан иборат. «Тўнюқук», «Уюк-архон», «Борлиқ», «Тува» ва бошқалар ҳам Кул-Тагин ва Билка-Қоон ёдгорликлари сингари муҳим ёдгорликлардир. Булар Олтойдан Мўғулистонга қадар чўзилган бепоён территорияда яшаган халқлар ва қабилалар томонидан яратилган. Текстларда қирғиз, уйғур, ўғуз ва яна бир қанча халқларнинг, қабилаларнинг номлари тилга олинади, айрим тарихий шахслар у ёки бу этник қатламга мансуб кишилар сифатида гавдаланади. Ёдгорликларнинг тили бир-биридан бирмунча фарқ қилади. Шулар асосида айрим ёдгорликларни ҳозирги маълум бир тилнинг қадимги ёдгорлиги деб айтиш мумкин. В. В. Радлов, Томсен ва С. Е. Малов Енисей бўйидаги кўпчилик ёдгорликларни қадимги қирғиз тилига мансуб деб ҳисоблайдилар. Бироқ ёдгорликларнинг ҳаммасини ҳам шу тариқа маълум бир халққа мансуб деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки бу ёдгорликларни яратган халқлар ва қабилалар узоқ тарихий тараққиёт давомида бир-бирларига чатишиб кетдилар, Мовароуннаҳрдаги хоразмийлар, сўғдлар ва бошқа кўпгина халқлар билан аралашдилар, туркий тиллар группасидаги тилларда сўзлашувчи кўпгина халқларнинг асосий этник ўзагини ташкил қиладилар. VI—VIII асрларда Мовароуннаҳрда туркий тил жуда кенг ёйилди. Ўрхўн-Енисей ёдгорликларига хос лексик бойлик ва грамматик шаклларни қирғиз, уйғур, тува, туркман, ўзбек ва бошқа туркий тилларда кўриш мумкин. Шунга кўра, С. Е. Малов таъкидлаганидек, бу ёдгорликлар кўпчилик туркий тиллар тарихини ўрганишда муштарак бир манба сифатида аҳамиятлидир. Шу жиҳатдан қараганда, ҳозирги ўзбек тилининг илдизларини ҳам Ўрхўн-Енисей ёдгорликларида кўриш мумкин.

Ўрхўн-Енисей ёзуви билан сўғд ёзуви ўртасида маълум ўхшашликлар бор. Шунга кўра, Ўрхўн-Енисей ёзувининг вужудга келишида ундан илгари пайдо бўлган сўғд ёзувининг таъсири бўлган деб ҳисоблаш мумкин.

Ўрхўн-Енисей ёдгорликлари тил ва ёзув ёдгорлиги бўлиши билан бирга, тарихий манба ҳамдир. Бу ёдгорликлар V—VIII асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ўрганишда қимматли материал ва маълумотлар беради, турли туркий халқлар ва қабилаларнинг урф-одатлари, эътиқоди ва бошқалар билан таништиради.

Ўрхўн-Енисей ёдгорликларининг маълум бадиий қиммати ҳам бор. Уларда кўпгина шеърий мисралар бўлиши билан бирга

www.ziyouz.com kutubxonasi

баъзи насрий парчалар ҳам шеър каби жаранглайди, турли тарихий воқеалар баёнида айрим лавҳалар бирмунча бадиий услубда тасвирланади, бадиий тил воситалари қўлланилади. Хусусан, қабр тошларидаги «марсиялар»нинг бадиий аҳамияти кўпроқ. Улар орқали биз вафот этган кишининг маълум портрети билан, мотам тутувчиларнинг ички руҳий кечинмалари билан танишамиз. Шунга кўра, С. Е. Малов V аср Енисей ёдгорликларини «қабристон поэзияси» деб атади. И. В. Стеблева ўз тадқиқотини «Поэзия тюрков VI—VIII веков» (Москва, 1965) деб номлади.

Масалан, Қизил-чир (Енисей ҳавзаси)дан топилган бир ёдгорликда қуйидагиларни ўқиймиз:

Ӓлім kаным сізӓ бӧқмӓдім кӱн аї азыдым јыта!
Қадашым кӱнім јыта адырылтым сізімӓ ӧз кӱмӱш будунум јыта адырылтым.
Ӓр ӓрдӓмімдӓ бӧқмӓдім қырқ јашымда адырылдым.
Ӱчін Кӱлӱг Тіріг оқлы бӓн Кӱлӱг Тоқан бӓн.

Мазмуни:

Менинг давлатим ва менинг хоним, мен сизлардан лаззат кўрмадим, ҳайҳот, мен қуёшни ва ойни сезмайдиган бўлиб қолдим.
Менинг дўстларим ва менинг қариндошларим, ҳайҳот, мен (сизлардан) узоқлашиб, ўз кумуш халқимдан йироқлашдим.
Ўз қаҳрамонлик шижоатимдан лаззатлана олмадим. Қирқ ёшимда ўлдим.
Мен Ўчин-Кулуғ — Тириг ўғли. Мен Кулуғ — Тўған.

Булар «Девону луғотит турк»даги марсияларга жуда яқин бўлиб, «Девон»даги адабий ёдгорликлар билан Ўрхўн-Енисей ёдгорликларининг маълум алоқаси борлигини кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

Ўрта Осиё кишилик маданиятининг энг қадимги ўчоқларидан биридир. Ҳозирги Ўрта Осиё халқларининг ота-боболари бўлган турли қабила ва элатлар антик маданият тараққиётида фаол иштирок этиб, унинг хазинасига ўз муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Тарихий манбалар ва, хусусан, совет олимларининг археологик текширишлари қадимги Ўрта Осиё аҳолисининг илм-фан, архитектура, тасвирий санъат, музика, ҳайкалтарошлик ва бошқа соҳаларда бой мерос яратиб қолдирганлигини кўрсатади. Бу эса ҳозирги Ўрта Осиё халқларининг муштарак меросидир[1].

Ўрта Осиё аҳолиси қўшни халқлар билан ҳам, масофа жиҳатидан хийла узоқроқ ўлкалар билан ҳам иқтисодий-маданий алоқа боғлади. Бу алоқалар Ўрта Осиё аҳолисига ҳам, у билан ало-

[1] «Авеста» ва бошқа айрим ёдгорликлар айни чоғда озарбайжон ва эрон халқларининг ҳам муштарак маданий ёдгорликларидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қада бўлган ўзга халқларга ҳам яхши натижалар берди. Чет эл босқинчиларининг истилочилик ҳаракатлари эса Ўрта Осиё аҳолисининг иқтисодий ва маданий ҳаётига катта путур етказди.

Турли манбалар орқали бизга қадар етиб келган сўз санъати ёдгорликлари қадимги Ўрта Осиё халқларининг бой ва ранг-баранг оғзаки бадиий асарлар яратганлигидан далолат беради. Митра, Анахита, Каюмарс, Жамшид каби миф ва афсоналарда кишилар бахт-саодат ҳақидаги орзу-тилакларини ифодалаб, қоронғилик кучларини енгиб маҳв этувчи қаҳрамонлар образини яратадилар. Бироқ, шу билан бирга, миф ва афсоналарда қадимги кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақидаги примитив ва зиддиятли қарашлари ҳам ўз ифодасини топди. Халқ қаҳрамонлик эпосида эса ватанпарварлик ва баҳодирлик мотивлари куйланиб, чет эл босқинчиларига қарши кураш воқеалари заминида Тўмарис, Широқ ва Зарина каби фидокор ботирлар, Рустам ва Сиёвуш каби ўлмас паҳлавонлар образи яратилди. Халқ турли жанрдаги қўшиқ ва лирик шеърларида ўзининг меҳнати ва истироҳатини, шодлиги ва қайғусини, йил фасллари ва табиат лавҳаларини тасвирлайди, мақол ва ҳикматли сўзларида эзгу хислатларни тарғиб қилади.

Халқ оғзаки ижодининг илк тажрибалари бадиий сўз санъатининг кейинги босқичлардаги равнақига маълум замин тайёрлайди ва ёзма адабиётга бой манба бўлиб хизмат қилади.

Қадимги оғзаки адабиёт ёдгорликлари синфий жамиятдаги бадиий сўз санъати тараққиётида халқ оммаси учун хизмат қилган прогрессив йўналиш билан эксплуататорлар манфаатини ифодалаган реакцион йўналиш ўртасида қаттиқ кураш борганини, реакцион гуруҳларнинг халқ ижоди бойликларининг моҳиятини ўзгартиришга интилганликларини кўрсатади.

«Авеста», «Ўрхўн-Енисей» ёдгорликлари ва бошқа ёзма ёдгорликлар қадимги Ўрта Осиё халқларининг тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданияти, тили ва бошқаларни ўрганишда муҳим манба бўлиши билан бирга, маълум адабий қимматга ҳам эгадир.

Қадимги оғзаки адабиёт ва ёзма адабиёт асарларининг яратилишида бошқа халқлар қаторида ўзбек халқининг ҳам ота-боболари актив иштирок этди. Бинобарин, бу ёдгорликлар бошқа халқлар билан бирга, ўзбек халқининг ҳам муштарак маданий меросидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

X—XII АСРЛАР АДАБИЁТИ

МАДАНИЙ ҲАЁТ

X—XII асрлар Ўрта Осиё халқларининг маданияти тараққиётида катта ўрин эгаллаган янги бир босқич бўлди. Бу босқичда Ўрта Осиё жаҳон маданияти тараққиётининг йирик ва марказий ўчоқларидан бири бўлди. Ўрта Осиё олимлари жаҳон илм-фанини ўз кашфиётлари ва ўлмас илмий асарлари билан бойитдилар, унинг бир неча асрлик тараққиётига самарали таъсир этдилар. Шу билан бирга, Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаётнинг архитектура, тасвирий санъат, наққошлик, ўймакорлик каби бошқа соҳаларида ҳам бениҳоя катта ютуқларга эришдилар.

IX асрнинг иккинчи ярмида равнақ топа бошлаган ва, хусусан, X—XII асрларда мисли̇з катта натижалар берган маданий тараққиёт факторлари, унинг шарт-шароитлари нимадан иборат?

VIII аср бошларида Ўрта Осиёни араб истилочилари босиб олган эди. Истилочилар Ўрта Осиёнинг жуда кўп шаҳар ва қишлоқларини вайрон қилдилар, минг-минглаб кишиларни қирдилар, қуллик исканжасига олдилар. Улар зўрлик билан мусулмонлаштириш сиёсатини амалга ошириб, ислом динини қабул қилмаган кишиларга «ғайри динлик» солиғи — жузя солдилар, хўрладилар, бўйинларига тамғалар осдилар. Шу билан бирга, истилочилар халқларнинг асрлар давомида яратган жуда кўп маданият бойликларини емириб ташлаб, маҳаллий ёзувларни йўқ қила бошладилар, давлат ишларида ва ёзувда араб тили ва ёзувини қўллай бошладилар. Улуғ олим Беруний Ўрта Осиёга бостириб кирган араб лашкарининг бошлиғи Қутайба ҳақида: «Қутайба хоразм ёзувини билган, Хоразм афсоналарини сақлаган кишиларни, уларнинг орасида бўлган олимларнинг ҳаммасини турли йўллар билан таъқиб остига олди ва йўқ қилиб юборди», — деб ёзган эди. Бу воқеалар Ўрта Осиё халқларининг хўжалик ҳаёти ва маданиятига жуда катта шикаст етказган эди. Лекин Ўрта Осиё халқлари босқинчиларнинг зулмига кўникиб кетмадилар. Улар барча имкониятлардан фойдаланиб, босқинчиларга қарши мардона кураш олиб бордилар. Маҳаллий аҳоли, айниқса қишлоқ аҳолиси узоқ вақт ислом динини қабул қилмай, ўз диний эътиқодларини давом эттирди, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқалар ўз

www.ziyouz.com kutubxonasi

номларини сақлаб қолдилар. Бирин-кетин катта қўзғолонлар кўтарилди: 722 йилда Дивастич раҳбарлигидаги Самарқанд ва Панжикент қўзғолони, 750—751 йилда Шарик бошчилигидаги Бухоро қўзғолони, 755 йилда Шарқи-Шимолий Эронда Сунбод қўзғолони, 776—784 йилларда Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарёда Муқанна раҳбарлигида давом этган халқ ҳаракати ва бошқалар[1] халқнинг норозилигини ифодалар эди.

Ўрта Осиё халқларининг араб халифалиги ҳукмронлигига қарши озодлик кураши тобора кенг миқёсда ривожланиб борди. Халифаларнинг маҳаллий аристократлар ҳомийлиги билан ўз ҳокимиятларини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун уринишлари барбод бўлди. Халифалардан имтиёз олиб, ўз сиёсий мавқеини хийла мустаҳкамлаб олган маҳаллий феодал аристократлар халқ озодлик ҳаракатидан фойдаланиб, араб халифалиги ҳокимиятини тугатиб ташлаш ва давлатни ўз қўлларига киритиш учун қаттиқ кураш бошладилар. Натижада араб халифалигининг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлиги емирилиб, давлат маҳаллий феодал аристократлар ихтиёрига ўтди: аввал йирик ва марказлашган Сомонийлар давлати, кейинроқ эса Қорахонийлар, Салжуқийлар ва Хоразм шоҳлар сулоласи вужудга келди. Йирик феодал давлатларнинг вужудга келиши феодал жамият тараққиётининг эҳтиёжи ва айни замонда оқибат натижаси эди.

Араб халифалиги истилоси Ўрта Осиё халқларининг узоқ асрлардан бери давом этиб келаётган консолидация процессига халақит берди. Халифалик ҳокимиятига қарши курашда Ўрта Осиёдаги турли элат ва қабилалар бир-бирлари билан янада яқинлашдилар. Ўрта Осиё халқларининг шаклланиш процесси тезлашди. Тожикларнинг халқ сифатида ташкил топиши тугалланди. Айни замонда бу халқларнинг адабий тиллари ҳам вужудга кела бошлади. XI—XII асрларда туркий элатлар, жумладан ўзбек элати (ҳозирги ўзбекларнинг ота-боболари) энди эрон тиллари группасидаги тилларда сўзловчи аҳоли ўртасида кичик-кичик тўда бўлиб эмас, балки Мовароуннаҳрнинг асосий аҳолиларидан бири бўлиб яшарди; уларнинг ўз муштарак тили бор эди, адабий тилнинг вужудга келиш процесси кучайган эди.

Бу даврда Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида катта ўзгаришлар вужудга келди, феодал ишлаб чиқариш муносабатлари тараққий этди, жамият ривожланган феодализм босқичига ўтди. Бу нарса хўжалик ҳаётининг асосини ташкил этган деҳқончиликда, шу билан бирга, феодал шаҳарларнинг, ҳунармандчилик ҳамда ички ва ташқи савдонинг ўсишида ҳам равшан кўринади.

---

[1] Араб босқинчиларига қарши халқ ҳаракати кейинги асрларда вужудга келган «Чамбил қамали», «Райҳонараб» ва бошқа халқ достонлари, эртаклари ва термаларида ҳам акс этган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастлаб сунъий суғориш иншоотларини вужудга келтиришни талаб қилар эди. Йирик феодал давлатларнинг пайдо бўлиши бу соҳада катта ишларни амалга ошириш учун қулай имконият туғдирди. Шу билан бирга, қишлоқ билан шаҳар ҳамда ўтроқ аҳоли билан кўчманчи аҳоли ўртасидаги товар алмашувининг кучайиши ҳам деҳқончиликнинг ўсишига ижобий таъсир этди. Қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашларини қаттиқ эксплуатация қилиш асосида кўпгина йирик суғориш иншоотлари қурилди, пахта ва ғалла экинлари майдони кенгайтирилди, янги боғлар барпо қилинди ва ҳоказо. Асосий экин майдони феодал зодагонлар ихтиёрида, масжид ва мадрасалар қарамоғида бўлиб, кўпчилик деҳқонлар чоракор бўлиб ёлланиб ишлар эдилар.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ҳунармандчиликнинг ривожланишига ижобий таъсир қилди. Бу даврда қайси жойнинг аҳолиси 32 хил ҳунарни билса, ўша ер шаҳар ҳисобланган. Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв ва Омул (Чоржўй) каби шаҳарлар ана шундай «32 хил ҳунар» эгалари яшайдиган шаҳарлар эди. Шаҳарларнинг марказий қисмида маъмурий ва диний маҳкамалар ҳамда бой ва амалдорларнинг дабдабали ҳовли-жойлари бўлиб, уларнинг атрофидаги юзлаб маҳаллаларда косиб-ҳунармандларнинг, шаҳар камбағалларининг уй-жойлари бўлар эди. Шаҳар меҳнаткашлари бўзчилик, шойидўзлик, мисгарлик, аравасозлик, гилам тўқиш, намат босиш, темирчилик, заргарлик, кулолчилик, дегрезлик, пичоқчилик ва бошқа касблар билан шуғулланар эди. Ҳунармандчиликда хотин-қизларнинг ҳам ўрни катта бўлиб, нафис санъат буюмлари кўпроқ шуларнинг қўлидан чиқар эди. Шу билан бирга, кончилик ҳам хийла ривожланган эди. Жумладан, Фарғонада темир, қўрғошин, кумуш, мис, симоб, нефть ва бошқалар олинар эди. Ўрта Осиёнинг ҳунармандчилик маҳсулотлари чет элларда ҳам кенг шуҳрат қозонган эди.

Шаҳарлар фақат ҳунармандчилик марказигина эмас, балки савдо-сотиқ маркази ҳам эди. Уларда ҳар хил бозорлар, карвонсаройлар ва бошқалар бўлар эди. Тарихий манбаларнинг маълумотига кўра, Бухорода саррофлар (пул айирбошловчилар) бозори, кавуш сотиладиган тимлар, мата бозорлари, китоб бозорлари ва бошқалар бўлган. Баъзи ҳунармандларнинг корхоналари ҳам худди мана шундай бозорларда жойлашган эди. Ўрта Осиё шаҳарларининг бундай структураси деярли XX аср бошларига қадар давом этиб келди.

Ўрта Осиё ўзининг қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари билан жаҳон савдосида зўр мавқега эга бўлиб, турли мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларида катта плацдарм бўлди. Транзит савдосининг марказий йўли Ўрта Осиё территориясидан ўтар эди; у айниқса, Олд Осиёни Мўғулистон ва Хитой билан боғлайдиган асосий алоқа йўлларини ташкил

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилар эди. Бу йўл Бағдоддан Ҳамадон, Нишопур, Марв, Омул, Бухоро, Самарқанд, Шош, Тироз (Жамбул), Қулон (ҳозирги Луговая станцияси), Марка, Баласоғун, Суёб, Иссиқкўлнинг жанубий қирғоғи ва Шарқий Туркистон орқали Хитойга борар эди. Тарихчи Мақдисий (X аср)нинг маълумотига қараганда, Термиздан четга совун ва елим; Бухородан нафис мата, жойнамоз, гилам, эгар-жабдуқ, ёғ, тери ва бошқалар; Хоразмдан мўйна, шам, ўқ-ёй, балиқ тиши, балиқ елими, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқалар; Самарқанддан турли маталар, қоғоз, шоҳи буюмлар ва бошқалар; Шошдан от терисидан ишланган эгар, чарм, чодир ва бошқалар; Фарғонадан оқ мата, темир, мис, ҳарбий қуроллар ва бошқалар чиқарилган. Тарихчи Ибн Хавқалнинг (X аср) маълумотига қараганда, Ўрта Осиё Волгабўйи мамлакатларига гуруч, қуруқ мева чиқарган. Шарқий Европада Ўрта Осиёнинг ипи, жуни, қоғози ва ипак маҳсулотлари катта шуҳрат топган. Карвонлар ичида савдогарлар ва соқчилар билан бирга, ҳунармандлар, олимлар, рассомлар, усталар, сайёҳлар, дипломатик миссиялар ҳам бўлар эди. Бу ҳол алоқаларни иқтисодий ва сиёсий ривожлантириш билан бирга турли мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқаларни ҳам жонлантириб юборди.

Шундай қилиб, халифалик ҳукмронлигининг емирилиши, X—XII асрларда йирик феодал давлатларнинг вужудга келиши, феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг, айниқса сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг, шаҳарлар ҳаёти ва ҳунармандчиликнинг, ички ва ташқи савдонинг, чет мамлакатлар билан иқтисодий-маданий алоқаларнинг ривожланиши маданиятнинг ҳар томонлама ўсишига замин ҳозирлади. Бироқ ўзаро феодал урушлар ҳамда ислом дини реакцияси маданиятнинг тараққийсига катта шикаст етказар, маданият ютуқларини барбод этар, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларини таъқиб ва таҳдид остига олар эди. Феодал хўжалик тараққиёти меҳнаткаш халқ оммасининг моддий аҳволини заррача бўлса ҳам тузатмади; меҳнаткашлар маданият, илм-фан ва санъат бойликларидан ҳам маҳрум этилган эди.

Архитектура

Ўрта Осиё архитектураси ва санъати янги тараққиёт босқичига ўтди. Ривожланган феодализм жамиятининг ижтимоий-сиёсий тузуми, хўжалик ҳаёти ва ҳукмрон мафкурага айланган ислом дини ўша давр архитектураси ва санъатининг тараққиёт йўли ва хусусиятларини белгилаган асосий факторлардан эди. Шу билан бирга, феодализмнинг шаклланиши ва ислом динининг кириб келишигача бўлган архитектура ва санъат традицияларининг изи ҳам Ўрта Осиёда сезиларли даражада сақланиб қолди.

Ўрта Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Узганд, Марв каби шаҳарларида кўплаб сарой, масжид, хонақоҳ, мадраса, минора, тим, сардоба ва бошқа бинолар қурилди. Сомонийлар

www.ziyouz.com kutubxonasi


лар, қорахонийлар ва хоразмшоҳлар даврида қурилган ва ҳозиргача сақланиб қолган бинолар ўтмишдаги архитектуранинг энг яхши ёдгорликлари бўлиб келмоқда. Халқларнинг куч-ғайрати, ажойиб меъморчилик санъаткорлиги билан бу шаҳарлар жуда обод ва кўркам шаҳарларга айланган эди. Шунинг учун ҳам шоир Абулфатҳ Али ибн Муҳаммад Бўстий (971—1010) араб тилида ёзган бир шеърида «кишиларга жаннат охиратдадир, бироқ ер юзининг жаннати Самарқанддир» деган эди. Бу даврда пишиқ ғишт, ёғоч ва бошқа материаллар хийла кенг қўлланила бошлади. Пишиқ ғиштдан қуриладиган иморатларда ғиштлар ганч ётқизиб териларди. Томи гумбаз шаклида пишиқ ғиштдан ёпилган иморатлар билан бирга усти ёғоч билан ёпилган бинолар ҳам қурилди.

Сомонийлар давридаги меъморчиликнинг шу кунга қадар сақланиб қолган монументал ёдгорлиги Бухородаги Исмоил Сомоний мақбарасидир. Куб шаклидаги бу мақбаранинг томи гумбаз қилиб ёпилган, гумбазнинг ўртасига минорача қилинган. Бинонинг бир хилда безалган тўрт фасади бор. Унинг ички ва сиртқи томони бир хил усул ва услубдаги нақш билан безалган. Бинонинг ташқи бурчакларидаги устунлар ва бошқа элементлар мақбаралар архитектурасида қадимги меъморчилик традицияларининг маълум даражада сақланиб қолганини кўрсатади.

Қорахонийлар ва хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида қурилган бинолардан бизгача бирмунча кўпроқ ёдгорликлар сақланиб қолган. Булардан бири Ҳазора қишлоғи (Бухоро области)даги XI асрда қурилган Деҳғарон масжидидир. Унинг енгил ғиштдан ишланган тўққизта гумбази шу кунга қадар яхши сақланиб қолган. Гумбазларни ҳам ғиштдан ишланган деворлар ва бино ичидаги каттакон тўртта юмалоқ ғишт устун кўтариб туради. Ўрта гумбаз бошқаларига қараганда баландроқ ва каттароқ қилиб ишланган. Пишиқ ғиштдан ишланган кунгуралар, тўртта арк ва бошқалар пишиқлиги, таносиби ва чиройи билан кишини ҳайратда қолдиради. Бу масжид яқинида «Работи Малик» деган катта ва гўзал карвонсарой бор. Бухоро бинокорлигининг энг яхши ёдгорликларидан яна бири Масжиди жоминнинг минорасидир. Бу минора 1127 йилда Арслонхоннинг ҳукмронлиги даврида қурилган. Унинг баландлиги 46,5 *м* бўлиб, устида пештоқли «чироғи» бор. Юмалоқ устунсимон бу миноранинг усти жимжимадор шаклда чиройли қилиб терилган пишиқ ғишт билан қопланган. XII асрнинг охирида эса Вобкентда баландлиги 25 *м* бўлган кўркам минора қурилган.

1108 йилда Жарқўрғон (Сурхондарё области)да жимжимадор гуллар солиниб, гоят аниқ режа асосида пишиқ қилиб қурилган минора ҳам Қорахонийлар даврининг нодир меъморчилик ёдгорликларидандир. Кейинчалик реконструкция қилинган Бухоро Намозгоҳи ва Мағоки Атторий масжиди ҳам шу асрга оиддир.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Бухородаги сомонийлар мақбараси (X аср)

Урганчдаги Фахриддин Розий мақбараси, Амударё қирғоғи яқинидаги Доянхотин равоти, Каспий денгизининг ғарб томонидаги Белсувли тош равоти, Марвдаги Султон Санжар салжуқий мақбараси ва Талхатанбобо масжиди, Ўзганддаги учта мақбара ва битта минора ҳамда бошқалар ўзбек, тожик, қирғиз ва туркман халқлари меъморчилик санъатининг гўзал ёдгорликлари бўлиб келмоқда.

Бу бинолар меҳнаткаш халқ оммасининг пешана тери билан бунёдга келган; уларда халқнинг меъморчиликдаги юксак санъати мужассамлашган. Бироқ бундай бинолар ҳукмдорлар ва зодагонлар учун қурилган бўлиб, меҳнаткаш омма улардан баҳраманд бўлолмас эди. Қаттиқ эксплуатация остида ҳашаматли бинолар

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўрган меҳнаткашлар ниҳоятда хароб, тор ва кўримсиз уй-жойларда турар эдилар. Ҳунармандлар ва майда савдогарларнинг Кўҳна Варахшада (Бухоро яқинида) топилган уй-жойлари буни яққол кўрсатади. Деҳқонларнинг турар жойлари эса янада ачинарли аҳволда эди.

Наққошлик ва тасвирий санъат

IX—XII асрларда архитектура билан бирга наққошлик санъати ҳам анча ривожланди, биноларни турли нақшлар билан безаш ишлари кенг тарқалди. Наққошлар турли хил геометрик шакллар, хилма-хил фигуралар нақш этиш, ўсимликлар тасвирини ишлаш каби соҳаларда жуда катта маҳорат қозонадилар. Наққошликда себарга композицияси, учбурчакли туташ доиралар шакли кенг тарқалади. Термиз ҳукмдорларининг саройи ва Ҳаким Термизий мозори деворида сақланиб қолган ўйма нақш фрагмент, Афросиёб панели ва бошқа ёдгорликлар Ўрта Осиё наққошлик санъатининг юксаклигини кўрсатади. Афросиёб панелининг[1] композицияси барғли меандрсимон пояли себаргадан, усти доирачалар ва олти қиррали юлдузлар билан қопланган ҳамда учбурчак ҳосил қилиб, бир-бири билан туташган доирачалардан иборат. Шунингдек, ўша даврларда устун, эшик ва бошқа ёғоч буюмларга ўйиб нақш солиш санъати — ўймакорлик ҳам кенг ривожланади.

Наққошлик ва ўймакорлик санъати кейинги асрларда янада тараққий этди, такомиллашди.

Ислом дини тирик мавжудотлар шаклини тасвирловчи санъат турини мажусийлик ва бутпарастлик деб қатъий ман қилганига қарамай, у халқ санъатининг бу соҳадаги асрий традицияларини бутунлай йўқотиб юборолмади. Бу даврда ҳам тасвирий санъатнинг янги ва нодир асарлари яратилиб, антик санъат традициялари давом эттирилди ва ривожлантирилди. Буни X асрнинг иккинчи ярмида Самарқандда бўлган Ибн Хавқалнинг ёзиб қолдирган сўзлари ва совет археологлари томонидан излаб топилган ёдгорликлар равшан кўрсатади. Ибн Хавқал бундай деган эди: «Сарв дарахтидан отлар, буқалар, туялар ва ёввойи эчкиларнинг ажойиб тасвирлари ўйиб ишланган, улар бир-бирларининг қаршисида турадилар, гўё бир-бирларига қарайдилар ва жанг қилмоқчи ёки курашмоқчи бўладилар». Ёғоч ёки ганч ҳамда лойдан турли мавжудотларнинг шаклини ясашдан ташқари, ундай шакллар деворларга ва хилма-хил идиш-товоқларга ҳам туширилган. Масалан, Афросиёбдаги бинолардан бирининг деворига кишилар сурати солинган, Термиз ҳукмдорлар саройи деворларида ўсимликсимон геометрик шакллар билан бирга фантастик ҳайвонларнинг ҳам тасвири ишланган.

Худди шунингдек, кулолчилик идишларида ҳам халқ санъати бойликлари яққол намоён бўлади. Сирламай ва сир бериб со-

[1] Бу панель Самарқанд музейида сақланмоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўл идишлар ясаш техникаси айниқса Самарқанд; Тошкент ва Зарафшон водийсида кенг ривожланган, сирланган идишларга рангли бўёқлар билан нақшлар солинган, гул ва турли ҳайвонларнинг сурати туширилган. Ўрта Осиё сопол идишлари бошқа мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонган.

Ҳаттотлик Ўрта Осиё халқлари санъатининг муҳим ва кенг тарқалган соҳаларидан бири эди. Босмахонанинг йўқлиги, китобнинг қўлда кўчирилиши хаттотлик санъатига катта эҳтиёж туғдирди, у бир касб бўлиб кетди. Иморатларнинг девори, пештоқи, эшиги ва бошқа қисмларига ҳамда идишларга текстлар (ўйиб ёки бўёқ билан) ёзилар эди. Бундай текстларнинг маэмуни, албатта, бир хил эмас эди. Масжид, хонақоҳ ва мадрасаларга диний оятлар, саройларга феодал ҳукмдорларни мадҳ қилувчи дабдабали сўзлар, оддий биноларга, идишлар ва бошқа хил буюмларга кўпинча шеърий парчалар, ҳикматли сўзлар ёзилар эди. Шу билан бирга, иморатнинг бино этилган тарихи — йили ва уни қурган устанинг номини ёзиш ҳам бир одатга айланади. Бу одат кулолчилик, мисгарлик ва заргарлик буюмларида ҳам намоён бўлади.

Мусиқа

Бу даврда мусиқа ҳам тараққий қилди. Халқ сайллари, тўй, аза ва бошқа маросимлар куй ва қўшиқсиз ўтмас эди. Тарихчи Наршахийнинг Бухоро аҳолисининг афсонавий Сиёвуш қабри атрофига тўпланиб, қўшиқ куйлагани ҳақидаги маълумоти билан танишган эдик. Бу қўшиқ «Кини Сиёвуш» («Сиёвуш ўчи») деб юритилган. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» китобига кирган қўшиқлар халқ орасида қўшиқ жанрининг жуда кенг тарқалганини кўрсатади. Бошқа манбалар ҳам шундан далолат беради. Бу даврда руд, танбур, барбат, даф, кўс, табл, қўбиз, рубоб, табурак, зир, най, чагона, шайпур, сурнай, карнай, арғунун, қонуи каби торли, зарбли ва пуфлаб чалинадиган чолғу асбоблари кенг тарқалади, янги созлар ихтиро қилинади. Масалан, Рўдакийнинг замондошларидан Абуҳифа Сўғдий найга монанд шоҳруд деган асбоб яратган эди. Халқ куйлари асосида янги-янги куйлар —«Рост», «Хусравоний», «Бода», «Ушшоқ», «Зирафканда», «Бўслик», «Сипоҳон», «Наво», «Баста», «Тарона» ва бошқалар ижод қилинади. (Бу куйлар «Дувоздаҳмақом» ва унинг негизида вужудга келган «Шашмақом»га замин ҳозирлаган эди.) Бу созлар ва куйларнинг кўпи ҳозирги кунга қадар Ўрта Осиёнинг ўзбек, тожик ва бошқа халқларида сақланиб келмоқда, такомиллашмоқда. Манбаларда Абубакр Рубобий, Бунаср, Буамир, чангчи Лўкарий ва бошқа созанда ҳам ҳофизларнинг номлари сақланиб қолган.

Шоир Манучеҳрий Доғмоний қуйидаги байтда X—XI асрларнинг бир неча шоир ва музикачиси номини тилга олиб айтади:

Аз Хуросон Бушуайбу Бўзар он туркӣ кеший 7
В-он Сабурий порсий в-он Лўкарий чангзан...

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Хуросондан Бушуайб, Бўзар, у кеш (Шаҳрисабз)лик турк ва форс Сабурий ва у чангчи Лўкарий...).

Музика санъати поэзия билан узвий боғланган ҳолда тараққий этди, такомиллашди. Архилох, Алкей, Анакреон ва Арион каби қадимги грек шоирлари истеъдодли музикачилар ҳам бўлганидек, бу даврда етишган шоирларнинг кўпчилиги уста чолғувчи ва ҳофиз ҳам эдилар. Жумладан, улуғ шоир Рўдакий айни замонда жуда моҳир чолғувчи ва ҳофиз бўлган, у хусусан руд ва чангга уста бўлган. Унинг сеҳрловчи машҳур «Бўйи жўйи Мўлиён...» («Мўлиён ариғининг иси...») шеъри ушшоқ куйида айтилиб, ниҳоятда шуҳрат қозонган эди. Рўдакий замондошларидан Хусравоний тахаллусли шоир Абутайиб Тоҳир ибн Муҳаммад ал-Хуросоний «Хусравоний» куйини ижод қилган эди. Худди шунингдек, шоирлардан Мунжиқий Термизий, Фаррухий ва бошқалар ҳам музика санъатида шуҳрат қозонганлар. Мунжиқий Термизий турли чолғу асбобларида моҳирлик билан куй чалган, Фаррухий рудда уста бўлган. У шеърларидан бирида:

Гоҳо гуфти: биёву руд биван!
Гоҳо гуфти: биёву шеър бихон!

(Гоҳи айтдинг: келгил, руд чолгил; гоҳи айтдинг: келгил, шеър ўқигил),—

дейди.

Поэзия ва музика ўртасидаги бундай яқинлик, шоирларда бадиҳа (экспромт) санъатини ривожлантиради. Айниқса, Рўдакий уста бадиҳагўй шоир бўлган. Унинг машҳур «Бўйи жўйи Мўлиён...» шеъри, ривоятларга кўра, экспромт билан айтилган.

Диний-мистик адабиётнинг намояндалари ҳам музика санъатидан фойдаландилар. Улар ўз реакцион қарашларини кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида халқ куйларига мослаб шеърлар тўқидилар. Бироқ улар поэзия тараққиётига ҳеч қандай ҳисса қўшмай, уни реакцион ақидаларни тарғиб қилувчи бир соҳага айлантиришга уринганларидек, музика санъати соҳасида ҳам бирор фойдали иш қилмадилар. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ва бошқалар шундай шоирлардан эди.

Музика санъати билан бирга музикашунослик илми ҳам ривожланди. Форобий ва Ибн Сино каби улуғ олимлар музика ва музикашуносликка катта эътибор бердилар, нодир асарлар яратдилар. Форобий музика ҳақида «Китоб-ал-мусиқийул-кабир» асарини ёзди. Ибн Сино музикага доир мулоҳазаларини «Китобуш-шифо» асарига алоҳида бир қисм қилиб киритди. Бу қисмни кейинчалик Ибн Синонинг шогирди Абуубайд Журжоний дарий (форс-тожик) тилига таржима қилиб, Ибн Синонинг «Донишнома» асарига қўшди. Ибн Сино музиканинг эстетик аҳамияти ва таъсир кучига шунчалик эътибор берар эдики, у айрим жисмоний ва руҳий касалликларни музика куйлари воситаси билан даволаш мумкин деган фикрни илгари сурган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рўдакий, Дақиқий, Фирдавсий, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқа ёзувчиларнинг асарларида музика санъатига доир хилма-хил қимматли маълумот ва мулоҳазалар баён этилган. Каспий денгизининг жанубий қирғоғидаги Табаристон ҳокими Қобус Вушмгирнинг набираси Кайковус томонидан (XI аср) панднома характерида ёзилиб, «Қобуснома» номи билан машҳур бўлган китобнинг 36-боби ҳам музика санъатига бағишланган. Автор унда чолғувчи ва ҳофизларга турли маслаҳатлар беради, уларни йил фаслларига, шинавандаларнинг ёши, табиати, касб-кори ва бошқаларга ҳамда маълум бир мавриднинг характерига қараб куй танлаш ва ижро этишга чақиради.

ИЛМ-ФАН

Ўрта Осиёнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти, йирик феодал давлатларнинг вужудга келиши, бошқа халқлар билан иқтисодий-маданий алоқаларнинг кенгайиши, ариқ ва каналлар очилиши, кўприклар қурилиши, бинокорлик, кемасозлик, заргарлик, карвон савдоси ва бошқа-бошқа соҳаларнинг ривожланиши илм-фаннинг ҳам равнақ топганидан далолат берар эди. Фалсафа, логика, медицина, тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик каби фанларнинг тараққиёти эса маданиятнинг бошқа соҳаларига ҳам таъсир этмай қолмади. Муътазалийлар[1] ҳаракати ижтимоий фикр тараққиётида VIII—IX асрларда пайдо бўлган ижобий ҳодиса эди. Бу ҳаракат рационалистик моҳиятга эга бўлиб, кишининг иродасини эътироф қилган, тақдир ҳақидаги таълимотни рад этган эди.

Ўрта Осиё олимлари маҳаллий халқларнинг араб босқинчилари истилосига қадар илм-фанда эришган ютуқлари традицияларини давом эттириб, ривожлантирдилар. Шу билан бирга, улар греклар, ҳиндлар, араблар ва бошқа халқларнинг илмий тажрибасидан ижодий фойдаланиб, турли мамлакат олимлари билан ҳамкорлик қилдилар. Бухоро, Урганч, Марв, Балх, Бағдод, Шом ва бошқа шаҳарлар Шарқ олимларининг ҳамкорлигининг марказига айланди. Бир вақтлар Европа мамлакатларида латин тили илм-фан соҳасидаги халқаро тил бўлгани сингари, Шарқ мамлакатларида араб тили ҳам илм-фан соҳасидаги халқаро тилга айланди. Халифаликка қарам бўлган мамлакатларда араб тили бирмунча вақт давлат тили бўлиб, у маданий ҳаётда ҳам маълум ўрин тутди; маҳаллий зиёлилар араб тилини мукаммал эгаллаб олиб, бошқа тилларда ёзилган турли асарларни шу тилга таржима қила бошладилар. Буларнинг барчаси турли мамлакат олимларининг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги учун араб тилининг халқаро тил

[1] *Муътазалий* — арабча *муътазил* сўзидан олинган бўлиб, у йироқлаштирувчи, ажратувчи маъносини ифодалайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлишига хизмат қилди. Ўрта Осиё олимлари ҳам, бошқа Шарқ мамлакатларининг олимлари каби, ўз асарларини араб тилида ёздилар. Шу билан бирга, маҳаллий халқларнинг тилида ҳам, жумладан дарий (форс-тожик) тилида айрим асарлар яратилди. Бунга Ибн Синонинг «Донишнома» асари, Рашидиддин Ватвот, Низомий Арўзии Самарқандийларнинг адабиётшунослик асарлари, Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»си ва бошқалар мисол бўла олади.

Ўрта Осиё олимларидан Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абунаср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абурайҳон Беруний ва бошқалар ўрта асрнинг улуғ энциклопедист олимлари бўлиб, уларнинг илмий фаолияти фаннинг турли соҳаларини қамраб олган эди. Булардан бошқа, тарихчи ва адабиётшунос Абдуллоҳ ибн Муслим Марвазий Диноварий («Китобулмаориф», «Китобуш-шеър ва-ш-шуаро» асарларининг автори), тарихчи Абусаид Гардизий («Зайнул-ахбор»—«Хабарлар кўрки» асарининг автори), дарий тилида 30 томлик китоб ёзган Абулфаэл Байҳақий, машҳур «Бухоро тарихи» китобининг автори Наршаҳий, тарихчи Мажидиддин Муҳаммад ибн Аднон («Тарихи мулуки Туркистон»—«Туркистон мамлакати тарихи» асарининг автори), тарихчи Мискавейх, медиклардан Ибн Хаммор, Нажибиддин Самарқандий, математик ва астроном Абдулмажид Хужандий, астроном Муҳаммад Балхий, ҳуқуқшунос Бурҳониддин Али Марғилоний, тилшунослардан Абдулқосим Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий ва бошқалар илм-фаннинг турли соҳалари тараққиётига катта ҳисса қўшиб, ажойиб асарлар яратдилар.

Илм-фан қаттиқ курашлар процессида ўсиб, гуллаб-яшнади. Олимлар билан ортодоксаль руҳонийлар — мутакаллимлар[1] ва бошқалар ўртасида шафқатсиз кураш борди. Мусулмон руҳонийлари ва мустабид ҳукмдорлар олимларни таъқиб ва таҳдид остига олдилар, уларни даҳрийлик ва мажусийликда айблаб, қувғин қилдилар, ўрта асрнинг ваҳшиёна жазоларига гирифтор этдилар. Олимлар вилоятма-вилоят дарбадарликда юришга мажбур бўлдилар, моддий муҳтожлик уқубатларини чекдилар. Ўзаро феодал урушлар олимларнинг фаолиятига катта шикаст етказди, мактаб ва мадрасаларни хароб қилди, кутубхоналарни ва илм-фан ҳамда санъатнинг нодир ёдгорликларини емириб ташлади. Руҳонийлар мадрасалардан дунёвий илмларни суриб чиқара бошладилар. Бухоро мадрасалари асосан руҳонийлар етиштириб чиқара бошлади. Феодал истибдодининг кейинги босқичларида эса илм-фанга қарши хуруж янада кучайди, улуғ олимларнинг кўп ноёб асарлари йўқотиб юборилди, уларни мактаб ва мадрасаларда ўқитиш қатъиян ман қилинди. X аср шоири Шаҳид Балхий ўз даври олимларининг аҳволи ҳақида бундай деган эди:

[1] Динни ақоид (қоидалар) тарғиботчилари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Донишу хоста аст наргису гул,
Ки ба як жой нашкуфанд бо ҳам.
Ҳар киро дониш аст, хоста нест,
В-он киро хоста аст, дониш кам.

(Олимлик билан бойлик наргис гули билан атир гулидир, улар ҳеч қачон биргаликда очилмайди. Ким олим бўлса, унда бойлик йўқ, ким бой бўлса, унда билим кам.)

Лекин моддий муҳтожлик ҳам, маънавий тўсқинликлар ҳам олимларнинг илмий фаолиятини тамомила бўғиб қўя олмади, улар ҳар қандай шароитда ҳам янги асарлар яратиб, ихтиролар қилдилар. Шунга кўра ҳам, юқорида номи зикр этилган Шаҳид Балхий: «Эй билим, мен сендан қандай воз кечаман, ҳамма қиммат сен туфайлидир, сенсиз менга хазина керак эмас, шундай фақир ҳаёт кечирсам ҳам, фақат сен билан бўлсам майли. Маълумотли киши учун етарли мулозим унинг маълумотидир, илмсизга минг киши мулозим бўлса ҳам, у ёлғиздир»,— деган эди.

Қаттиқ курашлар жараёнида тараққий этган илм-фан бойликларидан меҳнаткаш халқ оммаси ўз моддий ва маънавий эҳтиёжи учун фойдалана олмас эди. Феодал жамият ҳеч халқ оммасини илм-фан ва маориф ютуқларидан маҳрум қилиб, ислом догмаларини, фанатизмни тарғиб қилар эди.

Ал-Хоразмий

VIII асрнинг иккинчи ярмида Хоразмда туғилган Абужаъфар Муҳаммад ибн Мусо — ал-Хоразмий ўрта асрнинг улуғ олими, астрономи, математиги ва географидир. У «Зиж» астрономия жадвали, «Ҳинд рақамлари ҳисоб-китоби», «Алмухтасар фил-жабр вал-муқобала» («Тенглама ва қаршилантириш ҳисоби мухтасари»), «Китобу сурат ал-арз» («Ернинг шакли ҳақида китоб») каби машҳур асарларини яратди, ер куррасини турли иқлим ва зоналарга бўлди, географик карталар тузди, бир неча экспедицияларда иштирок этди. Хоразмийнинг «Ҳинд рақамлари ҳисоб-китоби» XII асрда латин тилига таржима қилинган. Хоразмийнинг математикага доир иккинчи бир асари «Ал-мухтасар фил-жабр вал-муқобала» математикани янги соҳа — тенглама билан бойитди. Кейинчалик шу асарнинг номидан олинган сўз билан математиканинг махсус бир соҳаси «ал-жабр»— «алгебра» деб аталди.

Абунаср Фороби

Абунаср Форобий IX асрнинг 70-йилларида Сирдарё бўйидаги Фороб қишлоғида туғилди. Форобийлар оиласи туркий қабиладан эди. Форобий Бағдодда ўқиди, араб, грек ва яна бир неча тилларни мукаммал ўрганди, фалсафа, логика, астрономия, математика, медицина ва музика билан шуғулланди, «Шарқ Арастуси» («Шарқ Аристотели») ва Аристотелдан кейинги иккинчи устоз —«Муаллимас-соний» номлари билан шуҳрат қозонди. Форобий Аристотелнинг «Метафизика», «Физика», «Метеорология» ва бошқа асарларига шарҳлар ёзди. Птоломей, Александр Афродизиский, Порфирий ва бошқа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг ахлоқ, психология ва табиатшуносликка доир кўп асарларини шарҳлаб чиқди, Платон, Аристотель, Гален ва бошқа файласуфлар ҳақида қимматли асарлар яратди. Бу асарлари билан у Платон ва Аристотелларнинг фалсафий қарашларини тўғри ёритишга интилди, неоплатончи ва неопифагорчи файласуфларнинг асарларидан Аристотель элементларини ажратиб олишга киришди. Шарқ ва шунингдек Ғарб илм аҳлларини грек маданияти, жумладан, грек фалсафаси билан таништиришда катта роль ўйнади. Форобий «Фалсафа манбалари», «Ақл ҳақида рисола», «Фалсафани ўрганишга қадар нималарни билиш керак?», «Субстанция», «Давлат ҳақида рисола», «Фазилатли шаҳар аҳолисининг фикр-қарашлари ибтидоси ҳақида китоб» каби хилмахил қимматли асарлар ёзди, ўрта аср фалсафаси ривожига катта ҳисса қўшди, адолат, аҳиллик ва дўстликка асосланган идеал жамият ҳақидаги утопияни тарғиб қилди. Форобий биринчи бўлиб ўз давридаги илмларни классификация қилди, музика назарияси бўйича «Қонун» асарини бунёд этди. Форобий олим бўлиши билан бирга моҳир музикачи ва шоир ҳам эди.

1975 йилда Форобийнинг шонли 1100 йиллик юбилейини бутун совет халқи ва прогрессив кишилик кенг нишонлади.

Форобий мероси тадқиқ этилиб оммалаштирилмоқда.

Абу Али ибн Сино

Ибн Сино Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилди. У гўдаклик чоғидаёқ оиласи Бухорога кўчиб боради. Ибн Сино Бухорода ўқиб таълим олади. У мустақил мутолаага берилиб, медицина, фалсафа, логика, физика ва бошқа фанлар билан шуғулланади. 18 ёшдаёқ истеъдодли ҳаким (врач) сифатида шуҳрат қозонади. Ибн Сино Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг таъқибига йўлиқиб, вилоятма-вилоят, шаҳарма-шаҳар кўчиб юради. У Хоразм, Абевард, Журжон, Мозандарон, Рай, Қазвин, Ҳамадон ва Исфаҳонда бўлади. Ибн Сино Ҳамадонда бир оз вақт вазирлик вазифасини бажаради; мустабид ва фанатик ҳукмдорларнинг ғазабига йўлиқиб, зиндонда ҳам ётади. Ибн Сино Ҳамадонда вафот этди.

Ибн Сино ўрта асрнинг улуғ энциклопедист олимидир. Унинг илмий фаолияти фалсафа, медицина, физика, химия, математика, тилшунослик, музикашунослик ва бошқа соҳаларни қамраб олади. Ибн Сино жуда кўп асар яратди. Улардан баъзилари бир неча томни ўз ичига олади. У даврининг традицияларига кўра, кўпчилик асарларини араб тилида ёзди. Лекин «Донишнома» («Билим китоби»), «Форсча мантиқ», «Томир уриши ҳақида рисола» каби асарларини дарий тилида ёзди; дарий тилида қитъа ва рубоийлар ҳам битди.

Ибн Сино реал дунё мангудир, деган фалсафий қарашни ривожлантирди, у ҳамма конкрет нарсаларнинг моҳиятини материя ташкил этади, материя мангу яшайди ва у турли-туман шаклларда ифодаланади, жисмлар ва уларнинг шаклларини ажратиб

www.ziyouz.com kutubxonasi



Абу Али ибн Сино

бўлмайди, материясиз жисм шакли, жисм шаклларисиз материя йўқ, материя доимо ҳаракатдадир, деган фикрни илгари сурди. У Декартдан бир неча аср бурун «модомики, мен фикр қиламан, демак, мен борман» деган тезисни олға суради. Бироқ Ибн Сино идеалистик қарашларини изчиллик билан енгиб боролмади, у материализм билан идеализм ўртасида тебраниб турди.

Ибн Сино илмий даҳосининг чўққиси унинг медицинага доир асарлари ва ихтироларидир. Бу асарларнинг марказида медицинанинг минг йиллик тарихига якун ясаган ва уни янги тараққиёт поғонасига кўтарган, XVII асрга қадар Европа мамлакатларида медицинанинг асосий қўлланмаси бўлиб хизмат қилган 5 китобдан иборат «Қонун» («Китоб ал-қонун фит-тиб»— медицина қонунлари) асари туради. Ибн Сино медицинанинг турли соҳаларини бойитди, турли касалликларнинг сабабларини аниқлади, янги-янги дори-дармонлар топди, халқ медицинасидан фойдаланди, профилактика ва жисмоний тарбияга катта аҳамият берди.

Ибн Сино тилшунослик, поэзия назарияси, музикашунослик ва бошқалар билан ҳам шуғулланди, «Араб тили», «Шеър тўғрисида китоб», «Музика ҳақида рисола» каби асарлар яратди. У ижтимоий-сиёсий масалалар тўғрисида ҳам асар ёзиб, «адолатли подшо» ғоясини илгари сурди.

Улуғ олим бадиий ижодиёт билан шуғулланиб, араб ва форс-тожик тилларида шеърий ва насрий асарлар ёзди. Форс-тожик адабий тили ва адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшди. У поэзияга шунчалик иштиёқманд эдики, айрим илмий асарларни, масалан, «Ўржуза фил мантиқ» («Мантиқ илмида ражаз баҳрида манзума») асарини шеър билан битди. Ибн Синонинг бадиий асарлари «Қасоид ва ашъор» («Қасидалар ва шеърлар») номи билан тўплам қилиб тузилган, қолган бир қанча шеърлари эса турли тазкиралардан ўрин олган. Ибн Сино бадиий асарларида илмий мулоҳазаларини, фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларини баён этади. Халқ оғзаки ижодига эҳтиром муҳаббат билан қараган Ибн Сино оғзаки адабиётдан ёзма адабиётга рубоий жанрини киритишда маълум роль ўйнади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ақл-идрокнинг кучига юксак баҳо берган Ибн Сино бир рубоийсида бундай дейди:

Аз қаъри гили сиёҳ то авжи Зуҳал
Кардам ҳама мушкилоти гетиро ҳал.
Берун жастам зи қайди ҳар макру ҳиял,
Ҳар банд кушода шуд, магар банди ажал.

Таржимаси:

Қора ер бағридан то авжи Зуҳал[1]
Қилдим барча олам мушкилин ҳал.
Макр-ҳийла қайдидан холи бўлдим.
Бандлар ечилди, қолди бир ажал.

Бироқ феодал-клерикал реакция илм-фан тараққиётига ғов эди, мустабид шоҳлар, жоҳил руҳонийлар олимларнинг фаолиятини бўғар, ўрта асрнинг ваҳшиёна жазолари билан уларга даҳшат солар эдилар. Қувғин, дарбадарлик ва зиндон машаққатларини чеккан Ибн Сино арабча шеърларидан бирида ҳасрат қилиб:

Улуғлашдим-у майдоним ҳамон тор,
Қимматим ошди-ю, йўқдир харидор,—

деган эди.

Реакцион ҳукмрон доиралар, мусулмон руҳонийлари илм-фан, санъат ва адабиётни қадрламас, олимлар ва санъаткорларни «кофир» деб айблаб, уларга қарши тиш-тирноқлари билан курашар эдилар. Ибн Сино бир рубоийсида бундай жоҳиллар устидан аччиқ сарказм билан кулиб айтган эди:

Бо ин ду-се нодонки чунон медонанд,
Аз жаҳлки донойи жаҳон эшонанд.
Ҳар бош, ки ин жамоа аз фарти хари,
Ҳар к-ў на хараст кофираш мехонанд.

Таржимаси:

Икки-уч нодон ким чунон ҳисоблар,
Жаҳлидан оқили жаҳондир улар.
Эшак бўл, чунки у эшаксимонлар
Эшак бўлмаганни кофирга жўяр.

Бироқ, шунга қарамай, улуғ олим барча имкониятлари ва куч қувватидан иложи борича тўла фойдаланди, бошқаларни ҳам ўз вақтидан яхши фойдаланишга, мақсад йўлида саботли бўлишга ундади:

Имрўэ бикун чу метавони коре,
Фардо чи куни чун натавони кард.

[1] *Зуҳал* — Сатурн.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Таржимаси:

Қилавер бугун қилолган ҳар қандай ишинг,
Бугун қилмасанг, ортага мушкул қилишинг.

Ибн Синонинг илмий-фалсафий асарлари қаторида унинг шеърлари ҳам ўрта аср зулматида бир ёнғу бўлиб, прогрессив ғояларни тарғиб қилди, жаҳолат зулматига қарши курашди.

Ибн Сино «Ҳай бин Яқзон», «Саломон ва Абсол» («Саломон ва Ибсол»), «Рисолатут-тайр» каби йирик бадиий асарлар ҳам яратди.

Ибн Сино «Ҳай бин Яқзон» («Уйғоқ ўғли Тирик») фалсафий қасидасида илм асло қаримайди, у оламни кезади, кишиларни жаҳолат ва нодонлик уйқусидан уйғотади, деган ғояни илгари суради[1]. Араб эртаклари асосида ёзилган «Саломон ва Абсол» қиссасида эса ҳалоллик, адолат ва мустаҳкам ирода ғоясини илгари суради[2]. «Рисолатут-тайр» («Қушлар рисоласи») номли фалсафий-мажозий асарида Ибн Сино одил подшо (айни чоқда худо) образини яратади[3].

Ибн Сино улуғ олим ва мутафаккир сифатида халқ орасида кенг шуҳрат қозонди, унинг тўғрисида кўп ҳикоялар яратилди. Булардан бир қанчаси ёзма асарларга, масалан, Зайниддин Восифийнинг (1485 — 1532) «Бадойиул-вақоъе» («Гўзал воқеалар») асарига киритилиб, қайта ишланди. Ибн Сино ҳақидаги ҳикоялар Қозонда, Теҳронда ва Истамбулда алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Машҳур татар ёзувчиси Каюм Насирий халқ оғзаки ижоди асосида «Абугалисина» (Абу Али Сино) ҳикоялар циклини яратади.

Ибн Сино кўпчилик ҳикояларда улуғ олим, донишманд, халқпарвар ва исёнкор сифатида тасвирланса, реакцион доиралар томонидан яратилган ҳикояларда у сеҳргар, фирибгар ва айёр сифатида тасвирланади.

Азизнинг 1873 йилда Истамбулда босилган «Муҳайёлот» (Қиссаи Абу Али Сино) номли ва Зиёуддин Саидяҳёнинг ўша ерда босилиб, кейинроқ ўзбек тилига таржима бўлган «Занжинаи ҳикмат» (Ҳикояи Абу Али ибн Сино) номли авантюристик роман шаклидаги ҳикояларида буни равшан кўриш мумкин. Саидяҳё, бир томондан, Ибн Синони турк деб даъво қилса, иккинчи

---

[1] Бу асар иброний (қадимги яҳудий), форс, немис, француз ва турк тилларига таржима қилинган. Мисрлик олим Аҳмад Амин 1952 йилда «Ҳай бин Яқзон»нинг Ибн Сино, Ибн Туфайл ва Шаҳобиддин Суҳравардийларнинг вариантларини бир китоб қилиб нашр этди.

[2] Ибн Туфайл (XII аср), Абдураҳмон Жомий (XV аср) ҳам «Саломон ва Абсол» номли асар яратганлар. Бу асарлар ном жиҳатидан бир-бирига ўхшаса ҳам, лекин тамомила мустақил, оригинал асарлардир.

[3] Бу асар Фаридиддин Атторнинг (XII аср) «Мантиқут-тайр» ва Навоийнинг «Лисонут-тайр» асарларига маълум даражада таъсир қилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

томондан, улуғ олимга туҳмат қилиб, уни бир сеҳргардай гавдалантирмоқчи бўлади.

Ибн Синога қарши хуруж ва иғволар унинг ҳаёт эканлигидаёқ бошланган эди. Бу хуружлар кейинчалик ҳам реакцион гуруҳлар томонидан давом эттирилди ва кучайтирилди. Ўрта асрнинг энг реакцион мистикларидан бири бўлган Имом Ғазолий (1058—1111) «Таҳофатул-фалосифа» («Фалсафий туҳфалар») асарида Ибн Синога қарши кураш очиб, унинг таълимотини зарарли деб эълон қилади. 1160 йилда Бағдод халифасининг буйруғи билан Ибн Сино асарлари куйдириб ташланади. Ибн Сино асарларини ўқиш ва ўрганиш ман қилинади. Ғарб реакционерлари ҳам Шарқ мутаассибларидан қолишмайдилар. Черков руҳонийси Якоб Фридрих Рейманн 1725 йилда ёзган «Атеизм ва атеистларнинг умумий тарихи» китобида Жордано Бруно ва Коперниклар билан бирга Ибн Синони ҳам худосиз деб атайди, уни таҳқир қилади.

Жаҳон Тинчлик Комитетининг қарори билан 1952 йил 18 августда бутун прогрессив кишилик Ўрта Осиёнинг улуғ олими ва мутафаккири Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллик юбилейини шараф билан нишонлади. Ибн Сино меросини ўрганиш, унинг асарларини таржима қилиш ва нашр этиш мисли сиз даражада ривожланиб кетди. Ибн Сино ҳақида бадиий асарлар ёзилди, экранда Ибн Сино образи яратилди. Тожикистон республикаси Ибн Сино Давлат мукофотини таъсис этди.

Абурайҳон Беруний (973—1048)

Абурайҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний 973 йилнинг 4 сентябрида Хоразмда Фирюа (Кат) шаҳри яқинида туғилди. У ҳам Ибн Сино каби, феодал ҳукмронларнинг таъқибига дуч келиб, кўп йиллар ўлкадан-ўлкага, вилоятдан-вилоятга кўчиб юрди. Беруний жуда оғир шароитларда илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланди. У 1048 йилда Ғазнада вафот этди.

Беруний энциклопедист олим, зўр астроном, геолог, фармаколог, тарихчи, файласуф, филолог ва шоирдир. У астрономия, геология, гидростатика ва география соҳасидаги рационалистик фикрлари билан Коперник, Леонардо да Винчи ва бошқа олимларнинг кашфиётларини кўп жиҳатдан олдиндан пайқаган эди. У фалсафа, тарих ва бошқа гуманитар фанлар соҳасида замонасининг илмий савиясидан анча юқори кўтарила олди. Беруний 150 га яқин асар ёзди. Дарий, араб, санскрит (қадимги ҳинд), грек ва бошқа тилларни мукаммал билиб олган Беруний бир қатор асарларни таржима ҳам қилди. У араб тилида кўпгина шеърлар битди, ҳажвчиликда маҳорат қозонди ҳамда ҳар хил қиссалар ва араб шоирларининг девонларига шарҳлар ёзиб, «Мухторул-ашъор» («Танланган шеърлар») тўпламини тузди[1].

[1] Қаранг: А. Қаюмов. Беруний ва адабиёт. Тошкент, 1974.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Беруний Муқанна ҳақидаги биринчи асаридан кейин 27 ёшида яратган «Ўтмиш аждодлардан қолган ёдгорликлар» асарида кўп халқларнинг йил ҳисоби, календари, илм-фани, урф-одати ва бошқалар ҳақида жуда қимматли маълумот ва фактлар беради. Унинг Ҳиндистон тарихига доир асари шу кунга қадар ўз қимматини сақлаб келмоқда. Беруний ўз ватани Хоразм ҳақида ҳам китоб ёзган, афсуски, бу китоб сақланиб қолмаган.

Беруний «Астрономия калиди», «Масъуд жадвали» асарлари билан астрономия фани тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшди, ернинг юмалоқлиги, унинг тортиш қуввати, фаслларнинг ўзгариши ва бошқа масалалар юзасидан чуқур илмий хулосаларга келди, ернинг ва бошқа планеталарнинг қуёш атрофида айланиши тўғрисидаги фикрга яқинлашди, астрологияни фош қилди. Беруний табиат ҳодисаларини ўрганиш ва унинг сирларини очиш мумкин, бунинг учун факт ва предметларни чуқур ва изчил ўрганиш, предметнинг хусусиятларини билиб олиш, маълумдан номаълумга, яқиндан узоққа қараб бориш лозим, деган хулосага келади. Беруний жамият тарихи ва жамият ҳодисаларига ҳам катта аҳамият беради: у ишлаб чиқарувчи куч бўлган меҳнаткашларнинг жамият ҳаётида тутган ролига катта баҳо беради.

Беруний «Миннат эҳсон қилувчининг эҳсонини йўққа чиқаради», «Кичкина нарсани андак ҳисоблама, чунки кичкина нарсанинг ҳам фойдали ўрни бўлади», «Омма одат қилган нарсага хилофлик қилма», «Сўз билан айтганда — тушунган одамга қамчи ва қилич лозим эмас», «Яхши йўлдан юриш яхшилик аломатидир» каби кўп ҳикматли сўзлар ҳам қолдирган.

Беруний Шарқ ва Ғарб олимларининг диққат-эътиборини ўзига жалб эта олди, унинг илмий даҳоси юксак баҳоланди. Масалан, XI аср тарихчиси Абулфазл Байҳақий, Европа олимларидан Захау, Розен, Сартон, Каррадо-Бон ва бошқалар Берунийни юксак баҳолади. Каррадо-Бон уни Леонардо да Винчи билан тенг қўяди. Ҳинд олими Ҳамид Раза эса 1944 йилда Лоҳурда босилган «The cultural role of India» («Ҳиндистоннинг маданий роли») асарида Берунийни Ҳиндистон тарихини ёритган тенги йўқ олим сифатида таърифлади. Беруний асарларини ўрганиш, оммалаштириш ва улуғ олимнинг меросини тадқиқ этиш бўйича совет олимлари, шу жумладан Ўзбекистон олимлари катта натижаларга эришдилар.

1949 ва 1973 йилларда хоразмлик энциклопедист олимнинг 900 ва 1000 йиллик юбилейлари ўтказилди. Бу юбилейларни мамлакатимиз халқлари билан бирга бутун прогрессив инсоният кенг нишонлади. Санъат ва адабиётда Беруний образи яратилди. Ўзбекистон республикаси Абурайхон Беруний Давлат мукофотини таъсис этди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАДИИЙ АДАБИЁТ

X — XII асрлар Ўрта Осиё халқларининг бадиий сўз санъати тараққиётида ҳам муҳим бир давр бўлди. Бу даврда халқ оғзаки ижодининг бой ва хилма-хил асарлари пайдо бўлди. Шу билан бирга, дарий (форс-тожик) ва туркий адабий тиллар шаклланиб, бу тилларда ёзма адабиёт вужудга келди, атоқли сўз санъаткорлари етишди ва ўлмас бадиий асарлар яратилди. Ёзма адабиёт тарихи турли адабий йўналишлар ва улар ўртасидаги кураш тарихи, адабий алоқалар, турли адабий жанрларнинг юксалиш тарихи бўлди. Реакцион адабиётга қарши курашда ўсиб такомиллашган прогрессив — дунёвий-гуманистик адабиёт халқ оғзаки ижодининг туганмас манбаларидан фойдаланди ва айни замонда халқ оғзаки ижоди тараққиётига ҳам самарали таъсир этди. У санъатнинг бошқа турлари билан узвий алоқада ўсди, такомиллашди, даврининг илғор ижтимоий-фалсафий қарашларининг, эстетик принципларининг ифодачиси бўлди. Ўрта Осиё халқларининг ёзма адабиёти ўзаро ва бошқа халқлар билан яқин адабий алоқалар заминида равнақ топди. Унинг ғоявий-бадиий юксак асарлари авлодларга ва асрларга манзур бўлди, ижтимоий тараққиётга ва маданиятнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилди. Шу билан бирга, ёзма адабиёт ўтмишдаги жамият зиддиятларининг ойнаси ҳам бўлди.

Форс-тожик адабий тили ва адабиёти

Араб халифалигининг ҳукмронлиги маҳаллий халқларнинг адабий тили ва ёзма адабиётининг тараққиёт процессини бирмунча вақтга қадар тўхтатиб, маҳаллий ёзувчиларни араб тилида ижод этишга мажбур қилган эди. Натижада маҳаллий халқлардан араб тилида ижод қилган кўп ёзувчилар етишади. Самарқандлик шоир ал-Хурамий ва мажусийликда айбланиб, 783 йилда халифа Маҳдийнинг буйруғи билан қатл қилинган тохаристонлик шоир Башшор ибн Бурдий ва бошқалар шулар жумласидандир. Араб истилочилари ва руҳонийлари билан иноқлашиб кетган маҳаллий аристократларнинг бир қисми эса аллақачонлар ўз она тилидан юз ўгириб, араб тилига ўтиб олган эдилар.

Лекин, шунга қарамай, араб истилочилари ва уларнинг ҳомийлари маҳаллий тилларнинг ва маҳаллий халқлар адабиётининг тараққийсини тўхтата олмадилар. Халқ ўз тилини сақлаб қолди, оғзаки бадиий ижоднинг янгидан-янги асарларини яратди. Бу эса маҳаллий халқларнинг адабий тили ва ёзма адабиётининг тараққий этишига катта замин ҳозирлади. Натижада IX — X асрларда, «дарий» ёки «форсий»[1] деб аталган адабий тил вужудга

[1] «Дарий» сўзининг этимологияси қатъий аниқланган эмас. Кўп олимлар у «дара» (тоғ оралиғи) сўзидан келиб чиққан бўлса керак деб фараз қиладилар, «Форсий» эса қадимги Эроннинг Форс вилояти номидан олинган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

келди. Дарий адабий тилининг шаклланиш процесси араб истилосидан хийла аввал бошланиб, истило натижасида тўхтаб қолган эди. Халқ ҳаракатлари натижасида заифлашган араб халифалиги ҳукмронлиги ўрнига маҳаллий сулолалар — тоҳирийлар ва саффорийлар ҳокимияти вужудга кела бошлаган даврдаёқ дарий адабий тилининг тараққий этиш процесси тезлашди. Маҳаллий феодал аристократлар ўз сиёсий ҳокимиятларини мустаҳкамлаш учун халқ тили заминида вужудга келган адабий тилнинг роли ва мавқеи билан ҳисоблашишга мажбур эдилар. Шунинг учун ҳам сомонийлар даврига келиб бу тил ягона давлат тили бўлиб қолди, маданий ҳаётда, хусусан, адабиётда кенг ўрин эгаллади.

VIII — IX асрларда ижод этган Абуҳафс Сўғдий, Абулаббос Марвазий, Ҳанзала Бодғисий, Муҳаммад Васиф ва Фируз Машриқий каби шоирлар дарий адабий тилига маълум замин тайёрладилар. X аср улуғ шоири Рўдакий дарий адабий тили ва адабиётининг асосчиси бўлиб, «Одамуш-шуаро» («*Шоирлар одам атоси*»), яъни тўнғич шоир номини олди. Бироқ Саолибийнинг «Ятиматуд-даҳр» («Камёб дурлар») асаридаги маълумотларга кўра, X ва XI асрларда бир қатор маҳаллий ёзувчилар ҳамон араб тилида ижод қилар эканлар. Лекин бу ҳол маҳаллий адабий тил ва адабиётнинг равнақ топишига катта ғов бўлолмади. Дарий адабий тили ўсди, мустаҳкамланди, у бошқа бир неча ўлка ва халқларнинг адабий тилига айланиб кетди.

Сомонийлар давлатига Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Эроннинг катта қисми қарар эди. Бу территорияда давлат тили ва адабий тил дарий тили эди. Газнавийлар ва салжуқийлар аслида туркий қабилалардан бўлса ҳам, улар сомонийлар традициясининг изидан бориб, дарий тилини давлат тили ва адабий тил сифатида қабул қилдилар. Улар босиб олган ўлкаларига, жумладан, Кавказ (Аррон, Ширвон ва қисман Грузия ҳамда Арманистон)га ва Ҳиндистоннинг шимолий районларига дарий тилини давлат тили ва адабий тил сифатида олиб кирдилар. Улар қарам қилинган ўлка халқларининг адабий тили тараққиётига тўсқинлик қилдилар. Масалан, салжуқий подшолари ва уларнинг вассаллари Озарбайжонда шундай сиёсат юргизган эдилар. Шунинг учун ҳам улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий «Лайли ва Мажнун» достонининг муқаддимасида ўз асарларини она тилида — озарбайжон тилида ёзолмай, форс тилида ёзишга мажбур бўлганини ачиниш билан таъкидлаган эди.

Шундай қилиб, дарий тили X—XII асрларда жуда катта территорияда адабий тил бўлиб қолди; бу ҳолат мўғуллар ҳукмронлиги даврида ва қисман ундан кейин ҳам давом этди. X—XV асрларда дарий тили бир неча ўлка ва халқларнинг муштарак адабий тили сифатида хизмат қилди.

Дарий тили аста-секин ўсиб, такомиллашиб борди, унга турли даврларда етишган ва турли халқларга мансуб бўлган ёзувчи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар ўз улушларини қўшдилар. Шунга кўра, дарий адабий тили муштарак адабий тил бўлиши билан бирга, конкрет тарихий шароит, маълум бир халқнинг миллий хусусиятлари, диалектлар ва бошқалар билан боғлиқ равишда вужудга келган ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Шунинг учун ҳам деярли бир даврда яшаган қабодиёнлик Носир Хисрав билан нишопурлик Умар Хайём тили ёки Амир Хисрав Деҳлавий билан Ҳофиз Шерозийнинг тили бир-биридан бирмунча фарқ қилади. Бундай фарқ-тафовутлар тобора чуқурлашади, муштарак адабий тил ўрнини ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан кескин фарқ қилувчи мустақил адабий тиллар ола бошлайди.

* * *

Форс-тожик тилида жуда бой ва ранг-баранг адабиёт вужудга келди, у жаҳон маданияти хазинасига бебаҳо дурдоналар қўшди. Рўдакий ва Фирдавсий, Носир Хисрав ва Умар Хайём, Хоқоний ва Низомий, Саъдий ва Ҳофиз, Хисрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий каби улкан сўз санъаткорларини етиштирди.

Форс-тожик тилидаги адабиёт X—XV асрларда Ўртаер денгизидан тортиб Ҳиндистонга қадар бўлган жуда катта территорияни қамраб олди, уни тожик, эрон, озарбайжон, ҳинд, афғон, ўзбек[1] ва бошқа халқлар яратди, бу халқлардан ҳар бири унга ўз ҳиссасини қўшди, бири иккинчи бирининг адабий тажрибаси билан ўртоқлашди, традициясини давом эттирди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги кўп ўхшашликлар, иқтисодий ва маданий алоқалар деярли бир хил ва умумий бўлган адабий тил ҳамда бошқалар бу халқларнинг адабиётини бир-бирига яқин ва маълум даражада муштарак адабиётга айлантирди. Рўдакий лирикада, хусусан, қасидачиликда катта маҳорат қозонди, ажойиб дидактик достонлар яратди. Унинг адабий традициялари тожик шоирлари билан бирга эрон, озарбайжон, ҳинд ва бошқа халқларнинг ёзувчилари томонидан давом эттирилди, такомиллаштирилди. Абу Али ибн Сино тожик халқ тўртликлари асосида ёзма адабиётга рубоий жанрини олиб кирди, нишопурлик Умар Хайём бу традицияни ривожлантириб, буюк рубоийнавис бўлиб етишди. Бухоролик Дақиқий қаҳрамонлик эпоси —«Шоҳнома» ёзишга киришди, туслик Абулқосим Фирдавсий унинг бошлаган ишини охирига етказиб, ўлмас «Шоҳнома»сини яратди. Улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий хамсачиликка асос солиб, беш бебаҳо достон ёзди. Хамсачилик традицияси ҳинд шоири Хисрав Деҳлавий, тожик шоири Абдураҳмон Жомий ва ўзбек шо-

[1] «Муҳаббатнома» автори Хоразмийдан (XIV аср) бошлаб кўпчилик ўзбек ёзувчилари форс-тожик тилида ҳам бадиий асарлар яратганлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ири Навоий томонидан катта муваффақият билан давом эттирилиб, ривожлантирилди; натижада оригинал хамсалар вужудга келди.

Гуманизм, халқпарварлик, ватанпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари, халқ оғзаки ижодига таяниш ва ундан маҳорат билан фойдаланиш, юксак санъаткорлик ва бошқалар турли даврларда яшаган бир неча халқларнинг санъаткорларини бир-бирига янада яқин ва ҳамкор санъаткорларга айлантирган эди. Шунинг учун ҳам Рўдакий, Дақиқий, Носир Хисрав, Умар Хайём, Рашидаддин Ватвот, Камол Хужандий, Абдураҳмон Жомий (Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразм), Убайди Зоконий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий (Эрон), Хоқоний Шервоний, Низомий Ганжавий (Озарбайжон), Хисрав Деҳлавий, Ҳасан Деҳлавий (Ҳиндистон) ва бошқалардан ҳар бири маълум бир халқнинг классик ёзувчиси бўлиши билан бирга, айни замонда форс-тожик адабиётини яратган бошқа халқларнинг ҳам классиклари қаторидан ўрин олиб, уларга манзур бўлди, форс-тожик адабиёти буюк санъаткори сифатида юксак баҳоланди. Муҳаммад Авфийнинг (XIII аср) «Лубобул-албоб», Давлатшоҳ Самарқандийнинг (XV аср) «Тазкиратуш-шуаро» тазкираларида, худди шунингдек, кейинги асрларда яратилган тазкираларда ҳам бу ёзувчилар ўз муносиб ўрнини олди.

Бироқ форс-тожик тилидаги адабиётларнинг муштарак томонлари ҳар бир халқ бадиий ижодиётининг ўзига хос тараққиёт йўли ва хусусиятларини инкор қилмайди. Ҳар бир халқнинг ўз тарихи, ўз маданияти, ўз традициялари ва урф-одатлари бор. Бадиий адабиёт мана шу заминда вужудга келиб, уни акс эттиради. Ҳар бир ёзувчининг ижодида у яшаган муҳит, уни етиштирган халқнинг турмуши, орзу-армонлари, тил хусусиятлари ўз ифодасини топади. Шунга кўра, Рўдакийни у яшаган X асрдаги Мовароуннаҳрнинг шарт-шароитлари ва ўзига хос хусусиятларисиз тасаввур этиб бўлмаганидек, Низомийни XII асрдаги Озарбайжон ҳаётисиз, Саъдийни XIII асрдаги Эрон муҳитисиз ва Хисрав Деҳлавийни XIII—XIV асрлардаги Ҳиндистон тарихисиз тасаввур этиб бўлмайди. Булардан ҳар бирининг асари ўз халқи, ўз муҳитининг адабий ҳужжатидир. Бинобарин, хамсалар ҳам маълум адабий традициянинг давоми ва ривожи бўлиши билан бирга, улардан ҳар бири ўз халқи адабиётининг янги ва оригинал бадиий бойлиги, ўз адабиёти қонуний тараққиётининг маҳсулидир. Бу гап йирик асарларгагина эмас, балки бадиий ижоднинг барча турларига, энг кичик лирик шеърларига ҳам тааллуқлидир.

Форс-тожик тилидаги адабиёт икки адабий оқим ўртасидаги узлуксиз кураш ва тўқнашув процессида ўсиб, такомиллашди. Прогрессив адабиёт билан реакцион феодал-клерикал адабиёт ўртасидаги кураш социал-синфий курашнинг бадиий ифодаси бўлди. Прогрессив ёзувчилар яшаган муҳитларининг илғор фикр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қарашларига, прогрессив адабий тенденцияларига, халқ оғзаки ижодиётига таяндилар, халқнинг осойишталиги ва фаровонлиги учун, маданият ва маърифатнинг равнақи учун курашдилар, юксак санъат асарлари ва ўлмас образлар яратдилар. Реакцион феодал-клерикал адабиёт бўлса золим шоҳларни, мунофиқ амалдорларни кўкларга кўтариб мақтади, ўзаро феодал урушларни ҳимоя қилди, маишатпарастлик ва порнографияни куйлади, дин ва тасаввуф ақидаларини тарғиб қилди, жаннат ваъдалари билан меҳнаткаш оммани алдади, унинг онгини заҳарлади. Сарой-аристократ адабиёти бадиий сўз санъатини шаклбозлик ботқоғига томон судради, диний-мистик адабиёт бемаъни афсоналар баёнига айланди.

Прогрессив ёзувчилар мустабид ҳукмдорлар ва жоҳил руҳонийлар томонидан таъқиб ва таҳдид қилинди. Улар моддий муҳтожликда, дарбадарликда яшашга мажбур бўлдилар. Прогрессив ёзувчиларга қарши туҳмат тошлари ёғдирилди, уларнинг асарлари бузиб талқин қилинди, аристократ табақаларга мансуб котиблар томонидан «таҳрир» этилди. Шуҳратпараст шоҳлар ва амирлар обрў орттириш мақсадида талантли ёзувчиларни саройга тортиб, ўз маддоҳларига айлантирмоқчи бўлдилар. Бироқ бундай ёзувчилардан кўпининг тақдири даҳшатли фожиалар билан тугади. Кекса Рўдакийнинг кўзига мил босиб кўр қилинди, саройдан қувланди; Фирдавсий узоқ йиллар қувғинда яшади, Носир Хисрав қаттиқ таҳдид қилинди, Хоқоний зиндон азобини чекди, адиб Собир Термизий Хоразмшоҳ Отсиз томонидан Амударёга чўктирилди, қулни севгани учун акаси томонидан ҳаммомга қамаб қўйилган, аммо ўлими олдида ҳам севгилисини унутмай, бармоқ қони билан ҳаммом деворларига шеър битган Робиа ва бошқа истеъдодли шоирлар феодал-клерикал муҳитнинг даҳшатли фожиаларига гирифтор бўлдилар. Лекин бунга қарамай, буюк сўз санъаткорлари ажойиб асарлар яратиб, инсоннинг бахт-саодати йўлида ҳормай-толмай хизмат қилдилар, авлодларга ва асрларга манзур бўлдилар, халқларнинг тақдири ва ҳурматига сазовор бўлдилар.

Бинобарин, юқоридаги факт ва мулоҳазаларнинг барчаси паниранистлар ва реакцион буржуа шарқшуносларининг «форс-тожик тилидаги адабиёт фақат Эрон адабиётидир», «бу адабиётни феодал саройи вужудга келтирди», «унинг бутун моҳияти мистикадан иборат» деган даъволари ҳақиқатни сохталаштириш, халқларга туҳмат қилиш ва ирқчилик назариясини илгари суришдан бошқа нарса эмаслигини кўрсатади.

Эски туркий адабий тили

X—XII асрлар туркий адабий тилларнинг равнақ топишида катта бир босқич бўлди. Бу ҳаммадан аввал туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек, уйғур, қирғиз, туркман ва бошқа халқларнинг шаклланиш процессининг ўсиши билан, уларнинг иқтисодий-сиёсий ҳаётда ҳамда маданиятда кенг ўрин эгаллаб каттароқ роль

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўйнаши билан боғлиқдир. Туркий қабила ва элатларнинг Ўрта Осиёга кўчиб келиши қорахонийлар даврида янада кучайиб, туркий тиллар группасидаги тилларда сўзловчи аҳолининг нуфузини оширади. Шу билан бирга, эрон тиллари группасидаги тилларда сўзловчи айрим халқларнинг бир қисми, айниқса сўғдийларнинг бир қисми туркий тилларга ўтиб борадилар. Натижада XII асрга келиб Еттисув, Фарғона, Хоразм, Тошкент ва бошқа районларда аҳолининг кўпчилиги туркий халқлар бўлиб қолади. XIII асрда Хоразм аҳолисининг туркий тилга (эски ўзбек тилига) ўтиш процесси, асосан, тугалланади. Туркий тилларда сўзловчи аҳолининг нуфузи чўл районларида ва қишлоқлардагина эмас, балки Тошкент, Ўзганд, Қашқар, Сайрам, Баласоғун ҳамда Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларда ҳам ошади. Бу аҳолининг бир қисми чорвачилик билан шуғулланса, қолган қисми деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ билан шуғулланади. Қишлоқ билан шаҳарнинг, кўчманчилар билан ўтроқ аҳолининг иқтисодий-маданий алоқалари ривожланиб боради. Бу ҳол турли қабила ва халқларнинг, бир томондан, туркий аҳолининг ўзаро, иккинчи томондан, туркий аҳоли билан эрон тиллари группасидаги тилларда сўзловчи халқларнинг чатишиб, аралашиб кетиш процессини тезлаштиради. Чатишув ва аралашув натижасида йирикроқ тил группалари вужудга кела бошлайди.

Маҳмуд Кошғарийнинг маълумотига қараганда, Румо (Кичик Осиё)дан тортиб Хитойга қадар жуда кўп ва хилма-хил туркий уруғлар ҳамда йигирмата йирик туркий қабила бўлган экан. Маҳмуд Кошғарий «Турк табақалари ва қабилаларининг баёни ҳақида» сўзлар экан «...турклар аслида йигирма қабиладир... Румга яқин биринчи қабила бажанак, сўнг қипчоқ, ўғуз, яман, башғирий, басмил, сўнг қай, сўнг ябақу, сўнг татар, сўнг қирғиз келади... сўнг чигил, сўнг тухси, сўнг яғма, сўнг иғрак, сўнг тарўқ, сўнг жумул, сўнг уйғур, сўнг тангут, сўнг хитой... сўнгра тавғач»,— дейди. Маҳмуд Кошғарий турли туркий қабилаларнинг чатишуви ва аралашуви натижасида ўғиз, чигил ва қипчоқ тиллари группаларидаги тиллар сингари умумий тиллар вужудга кела бошлаганини кўрсатади. Мана шу негизда, айниқса чигил тиллари группасидаги тиллар негизида эски ўзбек адабий тили вужудга кела бошлади. Бироқ ҳали бу тил «туркий» деб (ёки алоҳида қабилалар номи билан) юритилар эди. Кейинчалик (XV аср ва қисман ундан кейин ҳам) бу термин билан бирга «чиғатой тили» термини ҳам ишлатилади. XVI асрда Мовароуннаҳрнинг туркий аҳолисига (ўзбекларга) кўчманчи ўзбек қабилалари қўшилгандан кейин, бу ердаги халқ ўзбек деб юритилгани каби, унинг тили ҳам, асосан, ўзбек тили деб юритила бошлади. Лекин «турк» термини истеъмолдан бутунлай чиқиб кетмади.

Қабила тилларининг муштарак адабий тилга айланиб боришида қабилалар ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқалар билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирга бадиий адабиётнинг, жумладан ёзма адабиётнинг роли катта эди. Жамиятнинг тараққиёти адабиёт ва илм-фан аҳллари олдига адабий тилни тараққий эттириш вазифасини қўйган эди. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достони ва бошқалар мана шу вазифани бажариш соҳасида жуда катта қадам бўлди.

X—XII асрлардаги туркий ёдгорликларнинг тили ҳали етарли ўрганилган эмас. Бироқ бу асарларнинг тилида, бошқа бир неча туркий тиллар қаторида, эски ўзбек адабий тилининг ҳам негизи равшан кўринади. Қадимги туркий тиллардаги ёдгорликларни бир неча ўн йиллар давомида илмий асосда чуқур текширган машҳур совет туркшуноси С. Е. Малов: «Бу ёдгорликлар ёки бу ёдгорликларнинг тиллари кўпчилик туркий тилларнинг қадимги тарихи учун умумий фон, умумий тарихий асос бўлиб хизмат қилади»,— деган эди. Шу билан бирга, у ўтмиш туркшуносларининг тил фактларини ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганмай туриб, ёдгорликларни ёзувигагина қараб, бирор тилга мансуб деб ҳукм чиқариш каби хатоларини танқид қилади, қадимги обидаларнинг, жумладан «Қутадғу билиг»нинг Ўрта Осиё чиғатой тили (эски ўзбек тили — *Н. М.*) билан ҳам яқиндан алоқадорлигини таъкидлайди[1]. «Қутадғу билиг» чигил қабилалари тили асосида ёзилган ва муштарак туркий адабий тилнинг вужудга келишида қўйилган катта қадам бўлган эди. Бу асарнинг тили кейинги асрларда вужудга келган адабий асарлар ва тил ўзгаришлари орқали «турк» ёки «чиғатой» тили деб аталган XV—XVI асрлар ўзбек адабий тилига ҳам боғланади. Бу ёдгорликнинг луғат бойлиги ва грамматик хусусиятлари шуни кўрсатади. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» достони ҳам тил жиҳатидан шундай хусусиятга эга. Гарчи кейинги даврлардаги нусхалари бизга қадар етиб келган бўлса-да, Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний асарларида қадимги туркий адабий тилнинг, жумладан энг эски ўзбек адабий тилининг изларини кўриш мумкин.

Туркий тиллар тарихини, улардаги диалект ва лаҳжаларни, шу билан бирга, оғзаки ва ёзма адабиёт ёдгорликларини ўрганишда Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари бениҳоя катта аҳамиятга эгадир.

Маҳмуд Кошғарий ва унинг «Девону луғотит турк» асари

Маҳмуд ибн-ул-Ҳусайн ибн Муҳаммадил Кошғарий XI аср бошларида Баласоғунда (ҳозирги Қирғизистон ССРнинг Тўқмоқ шаҳри яқинида) туғилди. Унинг бобоси қошғарлик бўлиб, Баласоғунга кўчиб келиб, турғун бўлиб қолган. Маҳмуд Кошғарий ёшлигиданоқ қунт ва иштиёқ билан ўқиди. Дастлаб Кошғар, кейинроқ Самарқанд, Бу-

[1] С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности. Изд. АН СССР, М.-Л., 1951, стр. 3.

www.ziyouz.com kutubxonasi

хоро, Нишопур, Марв ва Бағдодда таҳсил кўрди, турли илмлар билан, хусусан, араб филологияси билан шуғулланди. У туркий халқларнинг тилига, турли қабила ва уруғларнинг урф-одатига, оғзаки бадиий ижодиётига қизиқди. Юқори Чиндан бошлаб Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухорога қадар чўзилган катта территорияни кезиб чиқди; уруғ, қабила ва халқларнинг турмушини, уларнинг касб-корини, урф-одатларини, хусусан, тили ва оғзаки ҳамда ёзма ижодиётларини ўрганиб материал тўплади, оддий халқ оммаси вакиллари билан, олимлар ва шоирлар билан суҳбатлашди. Бу ҳақда Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи бундай дейди:

«Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирқиз (қирғиз)ларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқни ҳам аниқлаш учун қилдим. Бўлмаса мен тилда уларнинг энг етукларидан, энг катта мутахассисларидан, хушфаҳмларидан, эски қабилаларидан, жанг ишларида уста найзадорларидан эдим. Уларга шунча диққат қилдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар ва қирқиз қабилаларининг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим».

Даврининг энг истеъдодли ва атоқли олимларидан бири бўлган Маҳмуд Кошғарий тилшуносликка доир икки нодир асар — «Жавоҳирун-наҳв фи луғотит турк» («Туркий тилларнинг наҳв (синтаксис) дурдоналари, қоидалари»), «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар тўплами») асарларини яратди. Афсуски, Маҳмуд Кошғарийнинг биринчи асари бизгача етиб келмаган ёки ҳанузгача номаълум. Иккинчи асари — «Девону луғотит турк» эса XX аср бошларида Истамбулда топилди. Қўл ёзма 1265/66 ҳижрий йилда кўчирилган. Бу қўл ёзмани кўчирган котиб Муҳаммад бинни Абу Бакр Дамашқийнинг маълумотига кўра, у нусхани Маҳмуд Кошғарийнинг ўз дастхати (автографи)дан олган. «Девону луғотит турк» илм-фан аҳлларининг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Бу асар 1915—1917 йилларда уч томлик китоб шаклида Истамбулда нашр этилди. Шарқшунос Броккельман бу асарни немис тилига (Лейпциг, 1928), Басим Аталай усмонли турк тилига (Анқара, 1939) таржима қилди. Яқинда «Девону луғотит турк»ни тилшунос олим С. Муталлибов аслидан ўзбек тилига таржима қилди[1].

«Девону луғотит турк»ни яратиш учун кўп йиллар давомида мунтазам иш олиб борган Маҳмуд Кошғарий уни 1076/77 (ҳиж

[1] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. I—III томлар, ЎзФАН, Тошкент, 1960—1963

www.ziyouz.com kutubxonasi

рий 469) йилларда ёзиб тугатди, охирги таҳририни 1083 йилда тамомлаб Халифага совға қилди. «Девон» яратилган даврда илмий асарларни араб тилида ёзиш кучли бир традицияга айланиб қолган эди. Маҳмуд Кошғарий ҳам ўз асарини араб тилида ёзди: «Девон» икки қисмдан: муқаддима ва луғат қисмидан иборат. Муқаддимада автор «Девон»ни яратиш сабаблари, уни ёзиш учун кўп йиллар давомида материал тўплагани, ўз иш усули, «Девон»нинг қурилиши, «туркча сўзларнинг тузилишида қўлланиладиган сўзлар», «сўзларнинг тузилиши», «турк табақалари ва қабилалари» ва бошқа масалалар ҳақида батафсил тўхтаб, бой фактик материал келтиради ва илмий-назарий хулосалар чиқаради. «Девон»нинг асоси бўлган луғат қисмида автор олти мингдан зиёдроқ туркий сўзларнинг луғавий маъносини арабча изоҳлаб беради. Бу сўзлар турли туркий қабила ва халқларнинг, территориал диалектларнинг сўзларидир. «Девон»даги сўзлар ва уларнинг грамматик хусусиятлари бошқа туркий тилларга алоқадор бўлгани каби, ҳозирги замон ўзбек тилига ҳам алоқадор бўлиб, бизни тилнинг қадимги негизлари билан таништиради.

«Девону луғотит турк» оддий луғат китоби бўлмай, балки тилшунослик илми тараққиётига жуда катта ҳисса бўлиб қўшилган асардир. Китоб автори донишмандона кузатишлари ва бой фактик материаллар асосида турли қабила ва халқларнинг тилини, территориал диалектларни атрофлича текшириб ёритади, тил ҳодисалари ва фактларини бир-бирига чоғиштиради, лексика, фонетика, морфология ва диалектология масалалари юзасидан қимматли назарий хулосалар чиқаради. Шунга кўра, бу асар ҳозирги кунга қадар тилшуносликнинг муҳим манбаларидан бири бўлиб келмоқда. У тил тарихини ёритишда ўз қимматини сақлаб келмоқда ва қадимги адабий ёдгорликлар тилини ўрганишга хизмат қилмоқда. Чунончи, шу асар топилганидан кейин «Қутадғу билиг»ни ўқиш ва уни таржима қилишда содир бўлган камчиликлар аниқланди ва тугатилди. «Девону луғотит турк»нинг вужудга келиши туркий тилларнинг ўсиб ривожланганини, уларнинг маданий ҳаётда, жумладан илм-фанда кенг ўрин эгаллаганини кўрсатувчи катта бир фактдир. «Девону луғотит турк»даги илмий традициялар Абулқосим Муҳаммад Замахшарий, Абу Ҳайён ибн-Муханна Алоиддин Бейлик ал-Қифчоқий, Жамолиддин Туркий ва, ниҳоят, Алишер Навоий каби буюк олимларнинг тилшуносликка доир асарларида давом эттирилди ва ривожлантирилди[1].

«Девону луғотит турк» фақат тилшунослик асаригина бўлиб қолмасдан, балки ўз даврининг бир қомуси — энциклопедиясидир. Бу асарда турли қабила ва халқларнинг тарихи, ижтимоий-иқти-

[1] Қаранг: Э. Фозилов. Шарқнинг машҳур филологлари. УзССР «ФАН» нашриёти, Тошкент — 1971.

www.ziyouz.com kutubxonasi

содий аҳволи, урф-одати ва бошқалар ҳақида ҳамда жойларнинг географик ва табиий хусусиятларига доир кўп маълумотлар берилади. Бу «Девону луғотит турк»нинг қимматини янада оширади.

«Девону луғотит турк»нинг адабий аҳамияти

«Девону луғотит турк»нинг адабий қиммати ҳам бениҳоя каттадир. Унда уч юзга яқин шеърий парча ва жуда кўп мақол ҳамда ҳикматли сўзлар бўлиб, китоб автори улардан сўзларнинг луғавий маъносини изоҳлашда бир кўргазма сифатида фойдаланади. Бу ҳақда Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи: «Мен бу китобни махсус алифбе тартибида ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, қўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим»,— дейди. Маҳмуд Кошғарий Алп Эртўнга (Афросиёб), Искандар ва бошқалар ҳақида халқ орасида мавжуд бўлган айрим афсона ва ривоятларни ҳам баён қилади. Шу билан бирга, Маҳмуд Кошғарий, йўл-йўлакай бўлса ҳам, баъзи адабий жанрлар ҳақида, вазн, истиора, ўхшатиш ва бошқа назарий масалалар ҳақида маълумот беради. Бу, бошланғич тарзда бўлса ҳам, ўша даврларда адабиёт назариясига доир айрим масалаларнинг илмий асосда ўрганилгани ва маълум қоидалар яратилганини кўрсатади.

Гарчи «Девону луғотит турк»даги адабий асарларнинг вужудга келиш хронологиясини қатъий белгилаб бўлмаса ҳам, лекин уларнинг мазмуни, тили ва услубига қараб яратилган даврини фараз қилиш мумкин. Кўпгина адабий парчаларда қабилаларнинг жуда қадимги патриархал ҳаёти, ибтидоий жамоа қолдиқлари, табиат ҳодисаларига нисбатан примитив қараш (масалан, анимизм) ифодаланади ҳамда уларда ислом дини ақидаларининг изи кўринмайди, арабча сўзлар ишлатилмайди. Буидай асарлар Маҳмуд Кошғарий давридан анча илгари вужудга келиб, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб сақланиб қолган бўлиши керак. Шунга кўра, биз «Энг қадимги адабий ёдгорликлар» қисмида «Девону луғотит турк» орқали етиб келган қўшиқ ва лирик шеърларнинг айрим намуналари билан танишган эдик.

Бироқ, шу билан бирга, «Девону луғотит турк»даги адабий асарларнинг кўп қисми, шубҳасиз, кейинги даврларда вужудга келган. Уларнинг бирмунчаси, афтидан, ёзма адабиёт бисотидан олинган ва аруз вазни ҳам қўлланила бошлаган. Айрим адабий парчаларда кескинроқ тус олган ижтимоий-синфий зиддиятларнинг равшанроқ ифодаланиши, хотин-қизларга нисбатан феодал-аристократларча муносабатларнинг акс этиши, тил ва услубдаги айрим янгиликлар ана шуни кўрсатади. «Девону луғотит турк»ка кирган адабий намуналарнинг кўпи меҳнаткаш табақаларнинг бадиий ижоди бўлса, айримлари эксплуататор гуруҳларга мансубдир. Меҳнаткашлар томонидан яратилган адабий асарларда феодал-клерикал зулмга қарши норозилик ва аристократ табақаларга нисбатан танқидий муносабат мотивлари етакчи ўрин эгаллай

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошлайди. Масалан, қуйидаги парчада мискин ва йўқсилларнинг машаққатли аҳволи мана бундай тасвирланади:

Балчиқ балиқ юғрулур,
Чиғай яғув йиғрулур.
Ариғчаклари уғрулур,
Ўзғу била авришур.

(Қишда лой, балчиқлар уйилиб кетади. Камбағал, юпун одамлар эзилади, бармоқлари совуқда қотиб, қовушмай тарвақайлаб кетади ва зирқирайди, бир парча ўт билангина овунади.)

Аристократ табақалар томонидан яратилган шеърий парчаларда эса уларнинг шуҳратпарастлиги, айш-ишратга ўчлиги, хотин-қизларга паст назар билан қараши, ахлоқий тубанлиги ва бошқалар ўз ифодасини топган.

«Девону луғотит турк»да кўпгина ахлоқий-таълимий шеърий парчалар ва халқ мақоллари ҳам бор. Маҳмуд Кошғарий бундай шеърий парчаларга қисқа-қисқа шарҳлар беради, халқ мақолларининг моҳиятини ёритиб, уларнинг ишлатилиш ўрнини ҳам кўрсатади. Мисоллар:

«*Икки буғра ичашур, ўтра кўкагун янгилур* — икки эркак ҳайвон олишади, орада пашша енгилади. Бу мақол икки амир урушиб, орада кучсизлар янчиладилар деган маънода ишлатилади; «*Усуқмиша сақиғ қамуғ сув кўрунур* — чанқаган кишига ҳар бир сароб сув бўлиб кўринади. Бу мақол муҳтож одам ҳар бир нарсадан ўз ҳожатининг чиқишини ўйлайди деган мазмунда ишлатилади»; «Қарға қазға ўткунга бути синур — қарға кучда, учишда ўзини ғозга ўхшатса, бути синади. Бу мақол қўлдан келмаган ишга беҳуда уринмасликка, ўз ҳолига яраша ишлашга ундаб айтилади; «*Кўп сукутға қуш қўнар, кўрклук кишиға сўз келир* — шохи кўп, шохлари ўралиб кетган дарахтга қуш қўнади, яхши кишига сўз (мақтов) келади»; «*Ардам боши тил*[1] — адаб ва фазилатнинг боши тил. Бу ерда тил яхши демакдир», «*Сабанда сандириш бўлса, ўртугунда ирташ бўлмас* — ер ҳайдаш вақтида пухталик бўлса, хирмонда янглашилмовчилик бўлмайди. Бу мақол кейин янглашилмовчилик, жанжал чиқмаслиги учун ишни бошда пишиқ қилиш керак деган маънода қўлланади»; «*Қул сави қалмас, қағил баги язилмас* — кексалар сўзи, насиҳати бекорга кетмайди, толнинг ҳўл новдасининг боғи ёзилмайди»; «*Билга эриг эзгу тутиб сўзин эшит, ардамини ўғранибан ишқа сура* — илмли, ақлли кишиларга яхшилик қилиб, сўзларини тингла. Илмларини, ҳунарларини ўрганиб, амалга ошир» ва бошқалар.

Юқоридаги адабий ёдгорликлар халқ оғзаки ижодининг тематик ва ғоявий жиҳатдан ривожланганини, унинг ижтимоий

[1] Бу мақол «Қутадғу билиг»да ҳам худди шундай ишлатилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаётнинг хилма-хил масалаларини қамраб олганини, мавҳум тушунчалар ўрнини конкрет фикр-мулоҳазалар эгаллаганини кўрсатади. «Энг қадимги адабий ёдгорликлар» қисмида айтганимиздек, бу адабий парчалар моҳияти, шеър тузилиши ва тили жиҳатидан маълум даражада ўзбек халқига, унинг бадиий ижодига ҳам тааллуқлидир.

«Девону луғотит турк»даги адабиёт намуналари билан бирга, «Қутадғу билиг» ва «Ҳибатул-ҳақойиқ» орқали сақланиб қолган айрим ёдгорликлар ҳам ўша даврдаги халқ оғзаки ижоди ҳақидаги тасаввуримизни бойитади. Шубҳасиз, бу даврда халқ оғзаки ижодининг йирик асарлари ҳам вужудга келган. Бироқ улар бизга қадар етиб келмаган.

Туркий ёзма адабиёт

Туркий халқларнинг X—XII аср ёзма адабиётидан ниҳоятда оз ёдгорликлар сақланиб қолган. Чингизхоннинг даҳшатли истилоси Ўрта Осиё халқларининг жуда кўп маданият бойликларини, жумладан санъат ва адабиёт асарларини емириб ташлаган эди. Шунингдек, кейинги асрлардаги ўзаро феодал урушлар ҳам илм-фан, санъат ва адабиётнинг кўп ёдгорликларини барбод қилди. Ўтмишда босмахона ва нашриёт йўқ эди. Китоб қўл ёзма ҳолида жуда кам нусхада тарқалар, ҳатто баъзан автор нусхасида қолиб кетиши мумкин эди. Бирор офат (жанг, ёнғин, зилзила ва бошқалар) натижасида нодир асарларнинг йўқолиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари орқали етиб келган адабиёт намуналаридан ташқари, X—XII аср адабиётидан асрлар ва тўфонлар оша бир неча ёдгорликкина сақланиб қолган. Бу ёдгорликлар XI асрнинг улкан шоири, донишманди ва давлат арбоби Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга олиб борувчи билим») ва тахминан XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII асрнинг бошларида яшаган Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар армуғони») достонлари ҳамда Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийларнинг асарларидир. «Қутадғу билиг» XIX аср бошларида, «Ҳибатул-ҳақойиқ» эса XX аср бошларида топилди. Буларга илова қилиб, «Девону луғотит турк»нинг ҳам XX аср бошларида топилиб, илм-фан аҳлларига маълум бўлганини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, ҳали X—XII асрларга оид бўлган янги илмий ёки бадиий асарларнинг яна топилиши ҳамда улар бу давр адабиёти манзарасини тўлароқ ва мукаммалроқ тасаввур этишга хизмат қилиши мумкин.

X—XII асрларга доир адабий ёдгорликларни уларнинг тематик-ғоявий йўналиши ҳамда бадиий услуби ва тили (асл текстнинг сақланиб қолиши) жиҳатидан иккига ажратиш мумкин: 1) ахлоқий-таълимий асарлар; бунга «Қутадғу билиг» ва «Ҳибатул-ҳақойиқ» киради; 2) диний-мистик асарлар; бунга Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»и ва Сулаймон Боқирғонийнинг «Боқирғон

www.ziyouz.com kutubxonasi

китоби» шеърлар тўплами, «Охир замон» ҳамда «Биби Марям» достонлари киради.

Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» асари билан феодал давлат идорасини қатъий бир тартибга солиш, уни мустаҳкамлаш, турли ижтимоий табақаларнинг бурчи ва фаолиятини, уларнинг ўзаро алоқаларини таъриф ва тавсиф этиш, илм-маърифат ва ахлоқ-одоб масалаларини тарғиб қилиш мақсадини ўз олдига қўяди. Ғоявий зиддиятларига қарамай, Юсуф Хос Ҳожиб асари ўз даврининг илғор маърифий ва ахлоқий-таълимий қарашларини илгари суриши, халқ оғзаки ижоди билан алоқаси, тили ва бадиий услуби билан бадиий адабиёт ва адабий тилнинг, шунингдек, ижтимоий-фалсафий қарашларнинг ривожида катта бир ҳодиса бўлган эди. «Ҳибатул-ҳақойиқ» ҳам, ғоявий қарама-қаршиликларига қарамай, илм-маърифатни ва яхши ахлоқ-одобни тарғиб қилган бир асар сифатида вужудга келди. Бу икки достон ҳам эски қўл ёзма нусхалар асосида, деярли автор текстига яқин ҳолда етиб келди.

«Қутадғу билиг» ва «Ҳибатул-ҳақойиқ» Ўрта Осиё ва Синцзян туркий халқлари, уйғур, ўзбек ва бошқа халқлар тили ва адабиётининг муштарак ёдгорлигидир.

Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний эса диний-мистик адабиётнинг намояндалари бўлиб, уларнинг асарлари, асосан, дин ва тасаввуфни тарғиб қилади, кишиларни феодал зулмга тобе бўлишга, «у дунё» учун ҳаётнинг бахт-саодати, ноз-неъмати ва шодлигидан воз кечишга чақиради. (Баъзан бу йўналишдан фарқ қилувчи, ҳатто унга зид ўринлар ҳам учрайди. Аммо бу мустасно ҳолатдир.) Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний асарлари бизга қадар кейинги асрларга мансуб бўлган қўл ёзма нусхалар ва XIX—XX аср нашрлари орқали етиб келди. Бу асарлар давр ўтиши билан тил ва услуб жиҳатидан ниҳоятда ўзгариб кетган, таҳрир қилинган, таркибига янги асарлар ёки сатрлар кириб борган. Шунинг учун ҳам Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний асарлари асосида XII асрнинг тили ва бадиий адабиётининг услуби ҳақида қатъий ва жиддий фикр юритиш амри маҳол.

* * *

X—XII асрлар адабиётида турли адабий жанрлар шаклланиб борди. Лирикада қасида, ғазал, рубоий, қитъа, марсия, мунозара ва бошқа жанрлар, халқ оғзаки ижодида эса қўшиқ, пейзаж лирикаси жанрлари ва бошқалар кенгроқ тарқалди. Лиро-эпик ва эпик хилда эса қаҳрамонлик эпоси, ахлоқий-таълимий, ишқий-романтик ва фалсафий-дидактик достонлар ҳамда саргузашт достонлари вужудга келди.

Поэзия билан бирга бадиий проза ҳам ривожланди: насрий «Шоҳнома» (Абулмуайяд Балхий, Абуали Балхий), «Гершасп-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нома» (Абулмуайяд Балхий), «Мақомоти Ҳомидий» (Ҳомидиддин Балхий), «Жавомеул-ҳикоёт ва лавомеур-ривоёт» («Ҳикоялар жами ва ривоятлар ёлқини»— Сандиддин Муҳаммад Авфий Бухорий) каби насрий асарлар яратилди.

X—XII асрларда қимматли адабиётшунослик асарлари ҳам яратилди. Ар-Родуёнийнинг «Таржимонул-балоға» («Сухандонлик таржимони»), Рашидаддин Ватвотнинг «Ҳадойиқус-сеҳр» («Сеҳрлар боғи») асарлари, Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чаҳор мақола» («Тўрт мақола») асари («Шеър илми ва шоирнинг салоҳияти ҳақида» деган иккинчи мақоласи), Муҳаммад Авфийнинг «Лубобул-албоб» («Негизлар негизи») тазкираси ва бошқалар шулар жумласидандир. Гарчи бу машҳур асарлар форс-тожик тилида яратилган бўлса-да, лекин уларнинг туркий тиллардаги адабиёт, жумладан, ўзбек адабиёти тараққиётига ҳам маълум таъсири ва алоқаси бор эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

Юсуф Хос Ҳожиб XI асрнинг атоқли шоири, донишманди ва давлат арбобидир. Ундан бизга қадар етиб келган ягона адабий мерос «Қутадғу билиг» достонидир. Бу достон XI аср адабиёти ва адабий тилининг нодир ёдгорлиги бўлиб, замонасининг тараққийпарвар ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларини бадиий мужассамлаштиради, тарих, илм-фан, этнография ва бошқа соҳаларга доир қимматли маълумотлар беради.

Ҳаёти ва фаолияти

Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берувчи ягона манба унинг «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») достонидир. Бу достон ҳижрий йил ҳисоби билан 462 (мелодий 1069/70) йилда ёзилган. Автор достоннинг муқаддимасида ёши элликдан ошганини таъкидлайди. Шунга қараб Юсуф Хос Ҳожиб XI асрнинг 20-йиллари арафасида туғилган, деб айта оламиз. Юсуф Хос Ҳожибнинг ватани — Баласоғун (Қуз ўрда) XI—XII асрларнинг йирик савдо-сотиқ ҳамда маданий марказларидан бири эди. Бу шаҳар икки марта қорахонийларнинг пойтахти ҳам бўлган эди[1].

Атрофлича билим олган Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг пешқадам донишмандларидан бири бўлиб етишди. У форс-тожик ва араб тилларини, бадиий адабиётни, тарих, астрономия, геометрия, математика, табииёт, география ва бошқа фанларни ўрганди. У буюк олимларнинг айрим ахлоқий ва фалсафий қарашларини, медицинага доир мулоҳазаларини тарғиб қилди, замондошларини геометрия каби фанларни ўрганишга чақирди ва ҳоказо.

Шу билан бирга, Юсуф Хос Ҳожиб ўз ватандоши, улуғ олим Маҳмуд Кошғарий сингари, туркий қабила ва халқларнинг тилини ўрганди, адабий тил учун, туркий тилнинг маданий ҳаётда янада кенгроқ ўрин олиши учун курашди, халқ оғзаки адабиёти ва ёзма адабиётнинг бой тажриба ва традицияларидан таълим олиб, машҳур «Қутадғу билиг» достонини яратади. Бу достон туркий тилдаги ёзма адабиётнинг илк йирик асарларидан бири эди. Шунга кўра, Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзи достоннинг муқаддимасида:

Арабча, тожикча китоблар ўқуш,
Бизнинг тилимизга бу юмғи уқуш

(Арабча, тожикча китоблар кўп бўлиб, бизнинг тилимизда бу донишмандликнинг биринчи тўпламидир),—

деган эди.

---

[1] Баласоғуннинг вайроналари Қирғизистон ССР Тўқмоқ шаҳри яқинида бўлган қадимги Оқбишин шаҳри ўрнида ҳозир ҳам бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» достонини Баласоғунда ёза бошлади; уни Қашқарда ёзиб тугатди ва қорахоний ҳукмдорларидан бўлган Тавғач Буғрахонга (Тавғоч улуғ Буғро Қорахон або Али Ҳасан бинни Арслонхон) тақдим қилди. Буғрахон достон авторини тақдирлаб, унга «Хос Ҳожиб» (муқаррам, эшик оғоси) унвонини берди. Шундан кейин у Юсуф Хос Ҳожиб номи билан шуҳрат қозонди.

Қорахонийлар давлатига Қашқардан Амударёгача бўлган катта территория қарар эди. Бироқ давлат марказлаштирилган ягона ҳокимиятга эга эмас эди, у бир неча майда ҳокимликларга бўлиниб кетган эди. Дастлабки йирик ҳокимликлардан бири пойтахти Қашқар бўлган Шарқий Туркистон, яна бир пойтахти Баласоғун бўлган Еттисув эди (Шарқий Туркистон билан Еттисув бирга қўшиб ҳам идора қилинган). Қорахонийлар томонидан Мовароуннаҳр эгаллаб олингандан кейин яна бир катта ҳокимлик вужудга келди. Бу Мовароуннаҳр эди. Унинг пойтахти аввал Ўзганд, кейинроқ эса Самарқанд бўлди. Булар яна майда ҳокимликларга бўлинар эди. XIII аср бошларида яшаган тарихчи Ибн ал-Асир қорахоний ҳукмдорларидан Шарафиддавланинг ўзига қарашли вилоятларни ака-укалари, фарзандлари ва қариндошларига бўлиб бергани, жумладан укаси Арслонтагинга туркий аҳоли яшайдиган кўп шаҳарларни, иккинчи укаси Буғрахонга Тирозни, амакиси Тўғонхонга Фарғонани бериб, ўзига Баласоғун ва Қашқарни қолдирганини айтади. Кейинроқ Буғрахон Қашқардан Бухорога қадар бўлган территориянинг ҳукмдори бўлган эди. Қорахонийлар сулоласининг бош ҳукмдори «тавғачхон» (ёки «табғачхон») номи билан, ҳокимликларнинг бошлиқлари «илекхон» номи билан юритилар эди. Илекхонлар тавғачхонга деярли расман қарам эдилар. Улар бу расмий қарамликдан ҳам қутулишга, ўз ҳукмронлик доираларини кенгайтиришга ҳаракат қилар эдилар. Бу ҳол ўзаро феодал урушларни вужудга келтириб, мамлакатнинг иқтисодий ва маданий ҳаётига кўп зарар келтирар ҳамда қорахонийлар давлати ҳукмронлигини заифлаштирар эди.

Қорахонийлар давлатига қарам бўлган ўлка ва вилоятлар иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг турли босқичида эдилар. Мовароуннаҳр ривожланган феодализм босқичида эди. Еттисув ва Шарқий Туркистонда феодал ишлаб чиқариш муносабатлари эндигина тараққий эта бошлаган эди. Қорахонийлар билан бирга Мовароуннаҳрга кўчиб келган аҳоли Мовароуннаҳрнинг туркий ва эрон тиллари группасидаги маҳаллий аҳоли билан чатишиб боради ҳамда ўтроқ деҳқончилик ҳаётига ўта бошлайди. Ўтроқ деҳқончилик қорахонийлар давлатининг Еттисув ва Шарқий Туркистон қисмларида ҳам ривожланиб боради, шаҳарларда савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик тараққий этади. Буларнинг барчаси ижтимоий муносабатларни хийла мураккаблаштиради ва ижтимоий-сиёсий, синфий зиддиятларни чуқурлаштиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» достонини яратар экан, у қорахонийлар давлати ҳокимиятини мустаҳкамлаш, тавғачхон билан илекхонлар ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиш, ҳукмрон доираларнинг турли ижтимоий табақаларга муносабатини белгилаш, маърифат ва ободончилик учун кураш, яхши хулқ-одобни тарғиб қилиш каби мақсадларни ўз олдига қўйган эди. Бу билан Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг йирик маърифатпарвари ва донишманди сифатида гавдаланади.

«Қутадғу билиг»нинг муқаддимасида кўрсатилишича, достон ўз даврида кенг шуҳрат қозонган, туркий тилдаги энг яхши асар деб баҳоланган ва турли жойларда турли ном билан юритилган. «...бу китаб явлақ азиз турур. Чин ҳакимларининг амсоллари бирла ярамиш, Мочин ҳакимларининг ашъорлари бирла араста қилмиш... Мочин олимлари ва ҳакимлари қамуғ иттифоқ бўлдилар, ким Машриқ вилоятинда, Туркистон элларинда Буғрахон тилинча бу китобдин яхшироқ ҳаргиз ким эрса, тасниф қилмади. Бу китоб қаю подшоҳқа ё қаю иқлимга тегди эрса, ғоят узлуқиндин, ниҳоятидин кача кўрклуглукдин ул элларнинг ҳукамолари, олимлари қабул қилиб, такма бири бир турлуг от лақаб бердилар: чинлиғлар «Адабул-мулук» от бердилар, Мочин Маликининг надимлари «Ойинул-мамлакат» атадилар, Машриқлиғлар «Зийнатул-умаро» теб айдилар. Эронлиғлар «Шоҳномаи туркий» тедилар, баъзилар ма «Пандномаи мулук» темишлар, Туронлиғлар «Қутадғу билиг» теб аймишлар...» Мазмуни: Бу китоб жуда азиздир. Чин донишмандларининг масаллари билан яратилган, Мочин донишмандларининг ашъорлари билан тартиб берилган бу китобни ўқигувчи, бу байтларнинг маъносини чақувчи (киши) китобдан (ҳам) яхши азизроқ бўлади. Мочин олимлари, донишмандлари бир қарорга келдиларки, Машриқ вилоятида, Туркистон элларида Буғрахон тилида (туркий тилда — *Н. М.*) бирор кимса ҳаргиз бу китобдан яхшироқ (китоб) ёзган эмас. Бу китоб қайси подшоҳ(лик)га ёки қайси иқлимга етса, ғоят яхшилигидан, ниҳоятидан ортиқ даражада жозибалилигидан ўша элларнинг донишмандлари, олимлари қабул қилиб, ҳар бирлари бир турли от лақаб бердилар. Чинликлар «Адабул-мулук»[1] (деб) от бердилар. Мочин Маликининг надимлари «Ойинул-мамлакат»[2] (деб) атадилар, машриқликлар «Зийнатул-умаро»[3] деб айтадилар, эронликлар «Шоҳномаи туркий» дедилар, шунингдек, баъзилар «Пандномаи мулук»[4] дебдилар, туронликлар «Қутадғу билиг» деб айтибдилар[5]. Бу номларнинг барчаси ҳам китобнинг давлат идора ишларига ва ахлоқ-одоб масалаларига доир эканини кўрсатади.

---

[1] Ҳукмдорлар одоби. [2] Мамлакатнинг тартиб-усули. [3] Амирлар зийнати. [4] Ҳукмдорлар насиҳатномаси. [5] Ҳозирги ўзбек тилига қилинган тавсифлар Қаюм Каримов нашридан олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг «Шоҳноман туркий» деб аталиши эса, мазмуни ва мақсади жиҳатидан «Шоҳнома»га бир қадар бўлса ҳам, ўхшашлиги ҳамда «Шоҳнома» каби мутақориб баҳрида ёзилганлиги билан боғлиқдир.

Достоннинг бизгача сақланиб қолган нусхаларидан маълум бўлишича, у кейинчалик, асосан, «Қутадғу билиг» номи билан юритилган.

Панднома, насиҳатнома туридаги асарлар XI асрнинг бошқа муаллифлари томонидан ҳам яратилган: «Сиёсатнома» (1077, Низомул-мулк асари), «Қобуснома» (1082, Кайковус асари) ва бошқалар. Шунингдек, бундай асарлар бошқа халқлар адабиётида ҳам кўп бўлган. Масалан, рус адабиётидаги «Поучение Владимира Мономаха» асари шу турдаги асарлардандир.

«Қутадғу билиг»нинг қўл ёзма нусхалари ва нашри

«Қутадғу билиг»нинг уч қўл ёзма нусхаси маълум. Бу нусхалар «Вена» (ёки «Ҳирот»), «Қоҳира» ва «Наманган» нусхалари деб юритилади. «Қутадғу билиг»нинг биринчи нусхаси XIX асрнинг 20-йилларида Истамбулда топилди. Бу нусха XV асрда — 1439 йилда Ҳиротда Ҳасан Қара Сайил Шамс томонидан уйғур ёзуви билан кўчирилган[1]. Қўл ёзмани топган олим Хаммер Пургшталл уни Венадаги Қироллик кутубхонасига топширади. Шунинг учун бу нусха «Ҳирот» ёки «Вена» нусхаси деб юритилади.

«Қутадғу билиг»нинг иккинчи қўл ёзма нусхаси 1896 йилда Қоҳирада топилди. Бу нусха (XV аср) араб ёзувида кўчирилган бўлиб, у Ҳирот нусхасидан бирмунча фарқ қилади. Текстдаги жузъий фарқлардан ташқари, Қоҳира нусхасида Ҳирот нусхасидаги айрим ўринлар йўқ.

«Қутадғу билиг»нинг учинчи нусхаси 1913 йилда Наманганда топилди ва 1914 йилда маълумот эълон қилинди. (Нусха наманганлик Муҳаммадҳожи Эшон Лолареш деган кишининг шахсий кутубхонасида шарқшунос олим А. З. Валидов томонидан топилган.) Бу нусха ҳам Қоҳира нусхаси каби араб ёзувида кўчирилган: «Қутадғу билиг»нинг Наманган нусхаси бошқа нусхаларга қараганда бирмунча мукаммалроқ бўлиб, Е. Э. Бертельснинг тахминича, у XIII асрнинг охири ёки XIV асрнинг бошларида кўчирилган бўлиши керак. Бу нодир нусха Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

«Қутадғу билиг»нинг биринчи нусхаси XIX асрнинг бошларида топилган бўлса ҳам, лекин уни ўрганиш ва нашр этиш ишн

---

[1] С. Е. Маловнинг фикрича, Юсуф Хос Ҳожиб аслида «Қутадғу билиг»ни араб ёзувида ёзган, кейин уни уйғур ёзуви билан кўчириб, Буғрахонга тақдим қилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

анча суст боради. Француз олими Жауберт Амадес 1823 йилда «Journal Asiatiqye» («Осиё журнали»)да «Қутадғу билиг»нинг Вена нусхаси ҳақида маълумот бериб, унинг бир қисмини босттиради. 1870 йилда эса венгр олими Г. Вамбери «Қутадғу билиг»нинг бир неча қисмини (асли, транскрипцияси, немисча таржимаси ва илова қилинган луғат билан бирга) нашр эттирди. «Қутадғу билиг»нинг «Вена» ва «Қоҳира» нусхаларини ўрганиш, уларни нашр этиш ва таржима қилишда хусусан атоқли рус туркшуноси академик В. В. Радлов узоқ ва унумли иш олиб борди. У «Қутадғу билиг» билан роса 20 йил (1890—1910) шуғулланди. В. В. Радлов 1890 йилда «Қутадғу билиг»нинг «Вена» нусхаси факсимилесини (айнан шакли, суратини) катта сўз боши билан тўлиқ нашр эттирди, 1891 йилда текстни манжур ёзуви асосидаги транскрипция билан босиб чиқарди; 1900—1910 йилларда эса «Вена» ва «Қоҳира» нусхаларини чоғиштириб, «Қутадғу билиг»ни қайта нашр эттирди. 1942—1943 йилларда «Қутадғу билиг»нинг учала нусхаси ҳам Истамбулда уч томда нашр этилди, кейинчалик эса илмий-танқидий тексти ҳам нашр этилди. Унинг айрим парчаларини проф. Фитрат «Ўзбек адабиёти намуналари» (1928) китобида нашр этди, достоннинг парчалари кейинги йилларда босилган хрестоматия ва антологиялардан, С. Е. Маловнинг «Қадимги турк ёзуви ёдгорликлари» («Памятники древнетюркской письменности», 1951) китобидан ўрин олди. Олим Қаюм Каримов достонни Наманган нусхаси асосида транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилидаги тавсифи билан бирга нашр этди (1971)[1] ва кенг китобхонлар учун унинг парчаларини кичик бир китобча сифатида тақдим этди (1971).

«Қутадғу билиг»ни ўрганиш ва уни илмий таҳлил этишда совет олимлари Е. Э. Бертельс, А. Валитова, С. Е. Малов, С. Муталлибов, Қ. Каримов ва бошқалар унумли хизмат қилдилар.

«Қутадғу билиг»нинг сюжети ва композидия тузилиши

«Қутадғу билиг»нинг прозаик муқаддимасида[2] таъкидланишича, достонда тўрт асосий масала қўйилган ва бу масалалар мажозий образлар қиёфасида мужассамлаштирилган:

«Оғир ул уза бино қилмиш турур: бир — адл, иккинчи — давлат учунчи — ақл, тўртунчи — қаноат, яна такма бирига туркча бир от бериб турур; адлқа Кунтуғди элиг от бериб, подшоқ ўрнига тутмиш, давлатқа Ойтўлди от бериб, вазир ўрнига тутмиш, ақлқа Ўгдулмиш от бериб, вазирнинг ўғли еринда тутмиш турар, қаноатқа Ўзғурмиш от бериб, қариндоши теб аймиш турур. Таки

[1] Биз, асосан, шу нашрдан фойдаландик.

[2] Бу муқаддима бирор котиб томонидан ёзилиб, «Қутадғу билиг»га киритилган бўлиши мумкин. Унинг мазмуни ва услуби шундан далолат беради. Баъзи С. Е. Малов муқаддима ҳам Юсуф Хос Ҳожиб томонидан ёзилган деб фараз қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

онлар аро мунозара саволи-жавоби кечар-тег сўзламиш турур. Уқиғли кўнгли очилиб, мусаннифқа эзгу дуо бирла ёд қилсун».

Яъни: (Бу китоб) шулар билан қадрлидир: бири — адл, иккинчиси — давлат, учинчиси ақл, тўртинчиси — қаноат. Яна (буларнинг) ҳар бирига туркча бир ном берибди. Адлга Кунтуғди элиг номини бериб, подшо лавозимида тутибди, давлатга Ойтўлди номини бериб, вазирнинг ўғли ўрнида тутибди, ақлга (эса) Ўгдулмиш номини бериб, вазирнинг ўғли ўрнида тутибди, қаноатга Ўзғурмиш номини бериб, (Ўгдулмишнинг) қариндоши деб айтибди. Шунингдек, улар орасида мунозара савол-жавоби бўлиб ўтгани тарзида ҳикоя қилибди. Ўқувчи кўнгли очилиб, мусаннифни эзгу дуолар билан ёд қилсин.

Достоннинг сюжети ва композицияси ҳам шунга мувофиқ тузилган.

«Қутадғу билиг» жами Наманган нусхасида 6500 байтга 13000 мисрага яқин бўлиб, у 73 фасл — бобга бўлинган. Ўн бир боби достоннинг муқаддимаси бўлиб, муқаддима худога, пайғамбарга ва тўрт халифага бағишланган традицион боблардан ташқари, ёз тавсифи ва Буғрахон мадҳи, 7 сайёра ва 12 бурж, тил одоби ва билимнинг фойдаси каби масалаларга бағишланган бобларни ўз ичига олади. Достоннинг асосий қисми 12-бобдан, Кунтуғди деган ҳукмдорнинг таърифи билан бошланади. Достонда қуйидаги воқеа ҳикоя қилинади:

Кунтуғди деган одил подшо бўлиб, унинг шон-шавкати ва шуҳрати яқин ва узоқ ўлкаларга ёйилган экан. Ойтўлди деган оқил бир киши унинг хизматига *кириш истаги* билан пойтахтга келибди. У мусофирликнинг азоб-уқубатларини чекибди ҳамда ёр-дўст, таниш-билиш орттирибди. Ойтўлди Кўсамиш (Истанилган) деган дўстига мусофир бўлиб Кунтуғди пойтахтига келишининг сабабларини сўзлаб берибди. Кўсамиш унга мадад бериб, Кунтуғдининг Хос Ҳожиби билан таништирибди. Ойтўлди Кунтуғдининг саройига бориб, унинг суҳбатида бўлибди. Ойтўлдини ёқтирган Кунтуғди уни саройга хизматга олибди. Ойтўлдининг мансаб-мартабаси кундан-кун зиёд бўлиб, охири у вазир қилиб тайинланибди. У саройда узоқ вақт хизмат қилиб, ақл-идроки ва тадбиркорлиги билан Кунтуғдини мамнун қилибди. Бироқ юрти ва оиласини соғиниб, Ойтўлди ҳукмдордан рухсат олиб, ўз юртига қайтибди ва бирмунча вақтдан кейин ўша ерда вафот этибди.

Ойтўлдининг Ўгдулмиш деган ўғли бор экан. У отасининг сўзига амал қилиб, Кунтуғдининг даргоҳига келиб, саройга хизматга кирибди. Ўгдулмиш отасининг изидан бориб, давлат ишларидаги фаолияти ва *дипломатияси билан* Кунтуғдини шод ва мамнун қилибди. Кунтуғди билан Ўгдулмиш ўртасида турли хил масалаларга доир суҳбат ва мунозаралар бўлибди. Оқил ва олим кишиларнинг давлат ишларига катта фойда келтираётганини кўрган Кунтуғди донишманд Ўзғурмишни (Ўдғурмиш ҳам ёзилади) саройга таклиф қилибди. Ўзғурмиш таркидунё қилиб, кишилар орасидан чиқиб кетган экан. У бир неча хат-хабар ва оқил Ўгдулмиш билан бўлган суҳбатларидан кейин Кунтуғдининг таклифини қабул қилиб, саройга келибди. Ўзғурмиш билан Кунтуғди давлат идора ишлари, ахлоқ-одоб ва бошқа масалалар бўйича суҳбат ва мунозаралар қилишибди. Ўзғурмиш Кунтуғдига кўп ўгит ва насиҳатлар беribди.

Достонда ҳикоя қилинган воқеаларнинг қисқача мазмуни ана шу.

Бу воқеалар достонда схематик тарзда тасвирланган бўлиб, у қўйилган масалаларни ёритиш ва ҳал этиш учун асос бўлолмайди. Масалалар воқеанинг ўзида, қаҳрамонларнинг саргузашти ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

фаолиятида эмас, балки турли хилдаги суҳбат ва мунозараларда баён этилади. Шунинг натижасида «Қутадғу билиг»да эпик тасвир масалаларни бир-бирига боғлаш ва ривожлантириш учун деярли бир восита бўлиб қолган, холос.

Шундай қилиб, «Қутадғу билиг»да қўйилган масалалар бевосита воқеанинг ўзида, қаҳрамонларнинг саргузаштида эмас, балки панд-насиҳат, суҳбат, мунозара ва савол-жавобларда ўз ифодасини топади. Бу ҳолат фақат «Қутадғу билиг»гагина эмас, балки бошқа кўпчилик дидактик-бадиий асарларга ҳам хосдир.

«Қутадғу билиг»нинг ҳар бир боби (ёки бўлими) махсус бир масалага бағишланади, боблар ғоявий мазмуни билан ўзаро боғланиб боради, бири иккинчисини тўлдиради, такомиллаштиради.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари

«Қутадғу билиг»нинг кўпчилик боблари XI аср қорахонийлар давридаги ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган. Достон автори бу бобларда давлат ва ҳокимият, ҳукмдор ва унинг сарой аҳллари, уларнинг бурч ва вазифалари, турли ижтимоий табақалар, уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли, сарой аҳлларининг феодал-клерикал ва меҳнаткаш табақаларга муносабати каби масалалар ҳақида фикр-мулоҳаза юритади. Юсуф Хос Ҳожибнинг бу фикр-мулоҳазалари уни, бир томондан, даврининг маълум прогрессив тенденцияларини илгари сурган донишманд мураббий ва сиёсатчи сифатида, иккинчи томондан, қорахонийлар саройига яқин турган ва феодалларнинг манфаатларини ифодалаган сарой амалдори сифатида гавдалантиради.

Ҳокимият ва ҳукмдор ҳақида

Юсуф Хос Ҳожибнинг давлат ҳокимияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари дастлаб бек — ҳукмдор қиёфасида мужассамлашади. Унинг фикрича, бек давлатнинг ягона ҳукмдори бўлиб, унинг амр-иродаси барча учун қонундир. Бек худонинг хоҳиши билан беклик мансабига эришган кишидир. Худо бирор кишини бек қилмоқчи бўлса, аввал унга беклик сифатлари ва фазилатларини ато қилар эмиш:

Баёт кимга берса бу баглик иши,
Берур ўг кўнгул кўр ул ишга туши.
Кими баг тўрутмак тиласа баёт,
Берур ашну қилқ янг уқуш юг қанот.

(Худо кимга беклик ишини ато қилса, унга доимо бу иш учун идрок, фаросат ва кўнгил беради. Худо кимни бек қилиб яратишни истаса, аввал унга қобилият, йўриқ ва уқувдан пар ва қанот беради.)

Кўрамизки, Юсуф Хос Ҳожиб феодал ҳукмдорни идеаллаштиради, уни илоҳийлаштиради. Бироқ у бу билан чегараланиб қолмайди, бекнинг сифат ва фазилатларини, унинг бурч ва вазифаларини конкретлаштиришга интилади: бек «худо ато қилган»

www.ziyouz.com kutubxonasi

олий мансаби билан фахрланиши, лекин, шу билан бирга ўз зиммасидаги катта ва масъулиятли вазифаларни шараф билан амалга ошириши керак; бу вазифалар мамлакатни идора этиш, унинг осойишталиги ва ободончилиги учун кураш, мамлакат иши учун фойдали бўлган қонун-қоидалар таъсис қилиш ва уларни амалга ошириш, илм-маърифат аҳлларини ҳимоя қилиш ва бошқалардан иборат. Бек оқил, донишманд, тадбиркор ва эзгу хулқли киши бўлсагина бу вазифаларни амалга ошира олади. Билимли ва сергак кишилар бекликка муносибдир —«биликлик карак баг ўқушлуғ удуғ». Бек билим ва ақл билан давлат ва эл-юртни бошқара олади:

Билик бирга баглар будун бошлади,
Уқуш бирла эл-кун ишин ишлади.
Баг оти билик бирла бағлиғ турур.
Билиг лом(и) катса баг оти қолур.

(Билим билан беклар халққа бошчилик қилади, заковат билан эл-юрт ишларини юритади.

Бег оти билиг билан боғлиқдир,
Билиг ломи кетса бек оти қолади[1].)

Агар бек илмли ва маърифатли бўлса, у олимлар ва донишмандлар қадрига етади, улар билан алоқада бўлиб, ўзига яқин тутади.

Шундай қилиб, Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича, бек ўз вақтини давлат ишлари билан, билими ва маърифатини ошириш билан ўтказмоғи лозим. Зинҳор у майхўрлик ва турли фисқ-фасодга берилмаслиги, улардан ҳазар қилиши керак. Зероки, бахт-саодат ҳам майхўрлик ва фисқ-фасоддан ҳазар қилади, улардан қочади.

Бўр ичмас карак баг фасод қилмаса,
Бу икки қилиқдин қочар қут баса.

(Бег ичимлик ичмайдиган, фасод қилмайдиган киши бўлиши керак.
Бу икки қилмишдан зинҳор қут — бахт қочади.)

Майхўрлик давлат ишларига путур етказади, турли ножўя хатти-ҳаракатларга сабаб бўлади.

Нача қилғу ишлар бўр ичса қолур,
Нача қилмоғу иш асурса калур.

(Қанчадан-қанча қилиниши лозим бўлган ишлар май ичгач, қолиб кетади,
Қанчадан-қанча ножўя ишлар кайф қилгач, содир бўлади.)

---

[1] *Билиг* (بيليك) сўзидан «лом» («ل»Iҳарфи) кетса, «бек» қолади. Бу ерда муаммо усули қўлланган, бек билиг — билим билан боғлаб берилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Феодал саройларида майхўрлик ва ишратпарастлик одатга айланиб қолган бир шароитда шоир томонидан айтилган бундай фикрлар, шубҳасиз, ижобий аҳамиятга эга эди.

Шу билан бирга, Юсуф Хос Ҳожиб феодал саройидаги низо-адоватларни ва тож-тахт талашларини ҳам қоралайди. У сўз ўйини билан: қарши (низо-адоват) қаршига (саройга) қаршидир, улардан бири бўлса, иккинчиси бўлмаслиги лозим, дейди:

Бу баглнг учун қарши қарши бўлур,
Икки кун қоришса, бирнси ўлур.

Шоир исёнчи феодалларни танқид қилиб, бекнинг қаҳр-газабн билан уларни огоҳлантиради,

Кўр арсланқа ўхшар бу баглар ўзи,
Бушурса касар бош, э билги яруқ.

(Беклар — бу юракли арслонга ўхшайди,
Уларни газабга келтирсанг, бош кесади, эй равшан фикрли киши.)

Юсуф Хос Ҳожиб бекнинг яхши хулқ-атвори, шубҳасиз, фойдали ва қимматлидир, бироқ қонун-қоида бундан ҳам афзалроқ ва улуғроқдир, деб таъкидлайди:

...Ади адгу баглик тақи адгурак,
Тўрў — ул они туз юритгу карак.
На қутлуғ бўлур ўз будуңқа киши,
Баги адгу бўлса юриса кўни.
На қутлуғ қут — ул арка адгу оти,
Бу адгу оти барди мангу қути.
На адгу бўлур баг ул адгу киши,
Кишилик била атса эл кун иши.

(Беклик — жуда эзгу, янада эзгуроги
Сиёсатдир, уни тўғри юритиш керак.
Замона — халқ учун нечоғли бахтли бўлар эди, (агар) киши(лар)нинг
Беги эзгу бўлса, тўғри йўл тутса.
Эзгу ном — (эр)киши учун қандай муқаддас бахт,
Бу эзгу ном мангулик, саодат бахш этади.
Бек нечоғли эзгуликларга эришади, агар у эзгу киши бўлиб,
Эл — халқ ишини одамгарчилик юзасидан бажарса.)

Шоир: бекнинг ўзигина давлат ишларини бошқара олмайди, Бунинг учун ёрдамчилар — сарой амалдорлари, ишнинг кўзини биладиган эр кишилар, донишманд, оқил ва кишиларга бош бўлган танланган одамлар керак дейди.

Шоир амалдорларнинг садоқатли, тадбирли ва ҳалол кишилар бўлиши кераклигига катта эътибор беради. У вазирдан тортиб ошпазга қадар сарой аҳлларининг ҳар бирини алоҳида-алоҳида таърифлайди, уларнинг сифати, бурчи ва вазифаларини кўрсатади ҳамда бекка ўгит бериб, буларга нисбатан, бир томондан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қаттиқ талабчан, иккинчи томондан, оталарча ғамхўр бўлиш лозим дейди. Масалан, у элчилар ҳақида бундай дейди:

...Ялавачдин этлур талим турлуг иш,
Ялавачдин ўтру калур кўрклуг иш.
Уқушлуғ карак каз ялавач ўруғ,
Билиглик карак сўзка билга йўруг.
Яна билса сўзнунг ичи ҳам тоши,
Этилса анинг ўтру бузмиш иши...
Багирсақ карак ҳам кўзи кўнгли тўқ,
Бутун чин қилиқи кўни бўлса-оқ...
Кўзи суқ киши ўзка арксиз бўлур,
Бу суқлар ялавачқа тангсиз бўлур...
Татиклик била бўлса арка билиг,
Тузу ишка тагрур бу билги алиг...
Битиса ўқиса ашитса сўзуг,
Анин ўтру билга қилур ўз ўзуг.
Қамуғ турлуг ардам бу билса тугал,
Бу ардам била ар мангиз қилса ал.
Китоблар ўқир ҳам билир арса сўз,
Уқар арса шеър ҳам қошар арса ўз.
Нужум билса тибб ҳам йўра билса туш,
Анинг йўрмиши-таг сўзи калса туш.
Билир арса сақиш яма ҳандаса,
Адад жазри қилса масоҳат баса...
Қамуғ тил билир арса очса тилиг,
Қамуғ хатни билса битиса алиг...

(...Турли хил ишлар элчи туфайлигина битади,
Хайрли ишлар элчилар туфайли содир бўлади.
Элчи жуда заковатли, хотиржам (бўлиши) керак,
Билимли, сўзга доно, тадбирли (бўлиши) керак.
Яна сўзнинг ичи ҳам ташини билса,
(Токи) унинг туфайли бузилган ишлар тузалса...
Садоқатли ҳамда кўзи тўқ (бўлиши) керак,
Ишончли, чин, қиладиган ишлари фақат тўғри (бўлиши) керак...
Кўзи суқ киши ўзига (нисбатан) иродасиз бўлади,
Бу суқлар элчи(лик)ка нолайиқ бўлади...
Кишида тетиклик билан билим бўлса,
Бу билими турли ишга қўл уришга имкон беради.
Тетиклик билан турли ёзувларни (китобларни) билса (ўрганса),
Ёзув (китоб) ўрганса, сўнг киши тетик бўлади.
Ёзса, ўқиса, сўз(лар)ни ашитса,
Шулар туфайли ўз-ўзини доно қилади.
Турли хил санъат-ҳунарларни тугал билса,
Шу санъат (ҳунар)лар билан киши юзини ёруғ қилса.
Китоблар ўқиса ҳамда сўз(лар)ни биладиган бўлса,
Шеър(лар)ни уқадиган бўлса, ҳам ўзи қўшадиган (ёзадиган) бўлса.
Нужум ва тибни билса ҳамда туш йўра билса,
Унинг таъбир қилганидек сўзлари тўғри келса,
Математика ҳамда геометрияни билса,
Сондан илдиз чиқарса, яна чегараларни аниқлашни билса...
Барча тилларни биладиган бўлса, тилини (сўзга) очса,
Турли хатларни билса, қўли (билан равон) ёзса...

Юсуф Хос Ҳожибнинг бек ва унинг сарой аҳли ҳақидаги фикр-мулоҳазалари феодал давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашга,

www.ziyouz.com kutubxonasi

нисбий осойишталик барқарор этиб, феодал хўжалик ва маданиятни ривожлантиришга қаратилган эди. Бинобарин, Юсуф Хос Ҳожибнинг фикр-мулоҳазалари, шубҳасиз, ўз даври учун прогрессив қимматга эга эди. Шоирнинг «элнинг ҳукмдорга», «ҳукмдорнинг элга» талаби ҳақидаги мулоҳазалари ҳам, феодал тенденциозлигига қарамай, хўжалик ва маданият тараққиёти, мамлакатнинг ободлиги ва осойишталиги жиҳатидан маълум ижобий аҳамиятга эга эди. Шоир ҳукмдорга мурожаат қилиб, бундай дейди (мазмуни):

Эй ҳукмдор, халқнинг сенда уч хил ҳақи бор, сен бу ҳақни тўла ва ўз жонингга жабр қилма. Бу ҳақнинг бири: пулнинг курсини кўтариш, унда олтин ва кумушнинг софлигини ошириш ва буни кузатиб туришдан иборатдир. Яна бири: эл учун ишончли, мустаҳкам ва тўғри қонунлар чиқар, буни эл сендан кутади. Учинчи: йўлларни қароқчилардан, хароб қилувчилардан тинч ва осойишталикда сақла.

Юқоридаги сўзлар қорахонийлар даврида ички ва ташқи савдонинг хийла ривожланганини кўрсатади. Шоирнинг «раият» тилидан ҳукмдорга қўйган икки талаби (пулнинг олтин-кумуш софлигини ошириш ва савдо йўлларини хавф-хатарсиз қилиш), албатта, бевосита меҳнаткаш табақаларнинг талаби бўлмай, балки кўпроқ савдо-сотиқ аҳлларининг талабидир.

Лекин шунга қарамай, бу талаб умумий тараққиёт жиҳатидан ижобий моҳият касб этади. Шоир бу уч талаб эвазига ҳукмдор халқдан уч нарса талаб этишга ҳақли дейди:

Эй элнинг сардори, халқнинг сенга бўлган шу талабларини бажарганингдан сўнг, ўзинг ҳам халқдан қуйидаги уч нарсани талаб қилишга ҳақли бўласан: бири — ҳар қандай ёрлиғ (қонун) чиқарсанг, уни ҳамма сўзсиз ва тез бажариши керак. Иккинчи — давлат солиқларини ўз вақтида сахийлик билан давлат хазинасига топшириб турсинлар. Учинчи — бутун халқ дўстингга-дўст, душманингга-душман бўлиши керак.

Бу талаблар, шубҳасиз, феодал ҳукмдорликни мустаҳкамлаш ва меҳнаткаш омманинг қарамлигини кучайтиришга қаратилган. Юсуф Хос Ҳожиб бек ва унинг амалдорлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини Кунтуғди, Ойтўлди, Ўгдулмиш ва Ўзғурмишлар қиёфасида мужассамлаштириб, уларни ўз даврининг сарой аҳлига бир намуна қилиб кўрсатишга интилади. Кунтуғди — адолатли ҳукмдор, донишманд ва эзгу хулқ-атворли киши. У ўз атрофига Ойтўлди, Ўгдулмиш ва Ўзғурмиш каби фазилатли одамларни тўплайди, улар билан кенгашади, маслаҳатлашади, мамлакатда тартиб-қоида ўрнатади, золимларга танбеҳ бериб, мазлумларни шод қилади. Унинг бундай фаолияти гўё зиддиятларга барҳам бериб, ҳатто қўй билан бўрини ҳам иноқлаштиради:

Элин этти, тузди, боюди будун,
Бўри қўй била сувлади ул ўдун.

(Элида тартиб ўрнатди, уни тузди, халқ бойиди, у даврда бўри қўй билан бирга сув ичди.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу билан шоир феодал жамиятнинг ижтимоий-синфий зиддиятларини инкор этади, муросасозлик позициясини илгари суради. Бу муросасозлик ҳукмронларни юмшоқ муомалали ва инсофли бўлишга, мазлумларни эса қарам ва тобе бўлишга чорловчи муросасозлик эди.

Юсуф Хос Ҳожиб бошқа образларни ҳам ижобий хислат ва фазилатлари билан таърифлайди. Булардан бири Ойтўлди. У донишманд ва яхши хулқли киши бўлиб, ўз фаолиятини давлат ишларига бағишлаш учун кўп машаққатлар чекиб, Куптуғди даргоҳига келади, унинг хизматига кириб, ҳалоллик ва содиқлик билан ишлайди. Ойтўлдини Куптуғдининг хизматига тавсия қилган Ҳожиб унинг фазилатларини шундай таъриф қилади:

Ҳожип кўрди Ойтўлди қилқи янги,
Аранда одинсиғ кишида ўнги.
Аюр: кўрмишим йўқ бу янглиғ кишни.
Билиглиг, уқушлуғ будунда башы.
Бу мундағ кишилар элигка карак,
Элигка керак нанг, кўр, элка карак...

(Ҳожиб Ойтўлдининг кулдини ва рафторини кўрди, у одамлардан бошқачароқ, кишилардан ўзгачароқ эди.)

(Ҳожиб) деди: Бу сифат кишини кўрган эмасман,
Билимли, заковатли, одамлар ичида сара кишини.
Бундай кишилар элиг учун жуда керакликдир,
Кўргин, элигга керак нарса — бу элга керак нарса.)

Ўгдулмиш ва Ўзғурмишлар ҳам худди шундай кишилардир. Ўгдулмиш отаси Ойтўлдининг иши ва фаолиятини давом эттиради. Ўзғурмиш, гарчи саройнинг бирор расмий лавозимини қабул қилмаса ҳам, ўгити ва маслаҳатлари билан давлат ишларига ёрдам беради. Шоир ўз фикр-мулоҳазаларини кўпроқ Ўзғурмиш тили билан ифодалайди. Ўзғурмиш бек ва унинг амалдорларини яхшиликка йўллайди, уларни кибр-ҳавога, мағрурликка берилмасликка ундайди, бева-бечорапарвар бўлишга чақиради.

Шоир бекларни инсофли, адолатли бўлишга даъват қилиб, жумладан, бундай дейди:

Бало куч яримда сан адгу қилин,
Будунуғ савундургил алгин тилин...
Тўру туэ юритгил будунқа кўнц,
Кунунг адгу бўлғай тириглик куни...
Будун қўй сони — ул баги қўйчиси,
Багирсоқ карак қўйқа қўй тутгучи...

(Бало, зўрлик ўрнига сен яхшилик қил,
Қўл ва тилинг (билан) халқни севинтиргил...
Халққа тўғри ва адолатли сиёсат юритгил,
Ўзингнинг ҳаёт кунларинг ҳам эзгу бўлади.
Халқ бир қўй каби, бек эса қўйчивонидир,
Қўй учун қўй боқувчи меҳрибон бўлиши керак.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундай ўринлар «Қутадғу билиг»нинг инсонпарварлик ва халқпарварлик қимматини оширади. Феодал ҳукмронларга ихлос ва эътибор билан қараган Юсуф Хос Ҳожиб ўз даври феодал ҳукмронларининг жабр-зулмини кўриб, қисман бўлса ҳам, уларни танқид қилишга, зулм-зўрликларидан ҳазар қилишга журъат этган эди:

Бу баглар ўт, ул ўтқа борма яғуқ!
Қали бардинг арса, куюрмак ануқ!
Ўсал бўлма, баглар куяр ўт турур!
Куяр ўтқа яқса, ангар ют турур!

(Бу беклар мисли бир оловдир, сен бу оловга яқин борма.
Агар борсанг, унинг куйдириши аниқ.
Ғофил бўлма, беклар бамисоли ёниб турган бир ўтдир,
Ким куяр ўтга яқинлашса, унга бало ёпишади.)

Шундай қилиб, Юсуф Хос Ҳожиб феодал ҳукмдорларни бирмунча идеаллаштиради, мамлакатнинг, эл-юртнинг ҳаёти ва тақдирини уларнинг хислати ва фаолиятига боғлайди, феодал ҳокимиятни мустаҳкамлашга, давлат бошлиғининг обрў-эътиборини кўтаришга ҳаракат қилади. Лекин, шу билан бирга, у бош-бошдоқликка қарши қатъий қонун-қоидалар жорий этишга интилади ва, изчил бўлмаса ҳам, феодал истибдодига нисбатан бирмунча танқидий ёндашади.

Ижтимоий табақалар ҳақида

«Қутадғу билиг» XI асрдаги қорахонийлар даврининг ижтимоий ҳаёти ҳақида кенг маълумот берувчи асардир. Унда Юсуф Хос Ҳожиб шаҳар ва қишлоқ халқини, ўтроқ ва кўчманчи аҳолини ижтимоий табақаларга ажратади, деҳқонлар, ҳунармандлар, чорвадорлар, савдогарлар, олимлар, элчилар, қўшин бошлиқлари, мунажжимлар, туш таъбир қилувчилар, табиблар ва бошқалар ҳақида сўзлаб, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли ҳамда ўзаро алоқаларини баён этади, бурч ва вазифаси, юриш-туриши ва хулқ-атвори ҳақида ўгит беради, турли касб-корларга, хусусан, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва чорвачиликка доир жуда бой сўз ва терминларни ишлатади.

Юсуф Хос Ҳожиб ижтимоий табақаларга ҳам давлат ҳокимиятига ёндашганидек, бир томондан, жамиятнинг тараққиёти, хўжаликнинг ривожи нуқтаи назаридан ёндашса, иккинчи томондан, феодал-тенденциоз манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашади.

Шоир жамиятнинг моддий бойликларини яратувчи деҳқонларни, ҳунармандларни ва чорвадорларни тақдирлайди, уларнинг жамият ҳаётидаги ролига катта баҳо беради. Масалан, деҳқонларни барча инсонга ҳам, жониворларга ҳам озиқ-овқат етиштириб берувчи кишилар, дейди:

...Қамуғ табранурка булардин осиғ,
Тузука тагир ем-ичимдин тотиғ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(...Ҳамма қимирлаган (жон)га булардан манфаат (бўлади),
Ҳаммасига ейим (ва) ичимдан ҳаловат етади.)

Худди шунингдек, Юсуф Хос Ҳожиб ҳунармандлар ҳақида сўзлар экан, улар «Жуда зарур кишилардир... темирчи, тикувчи, этикчи, сувчи, эгарчи, тошчи, ўқчи, камончиларнинг фойдаси катта. Уларни санай бериб сўзим узайиб кетди... Бу дунёга улар яхшилик келтирадилар. Улар жуда кўп ажойиб нарсаларни ишлайдилар»,— дейди. Чорвадорларни эса шоир қимиз, сут, жун, сузма, пишлоқ каби маҳсулотларни етиштириб берувчи кишилар сифатида тақдирлайди.

Модомики, деҳқонлар, ҳунармандлар ва чорвадорлар жамиятнинг моддий бойликларини ишлаб чиқарар эканлар, албатта, ҳукмрон доиралар улар билан яқиндан алоқада бўлиши, уларнинг меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлаши лозим. Ҳоким синфнинг ҳаётий манфаатлари ҳам шуни талаб қилади. Бинобарин, Юсуф Хос Ҳожиб меҳнаткаш табақалар ҳақида сўзлар экан, ҳукмрон доираларнинг улар билан қандай муносабатда бўлиши кераклиги масаласига алоҳида эътибор беради.

Деҳқонлар ҳақида:

Буларқа қатилгил, қаригил ўзунг,
Тилинг яқши сўзла, очуқ тут юзунг.

(Ўзинг булар билан аралашгин, қўшилгин,
Тилда яхши сўзла, юзингни очиқ тут.)

Ҳунармандлар ҳақида:

Караклик кишилар яма бу санга,
Яқин тут буларинг тўсулғой тонга.

(Булар ҳам сенга керакли кишилардир,
Буларни яқин тут, фойдаси тегади, (эй) баҳодир.)

Чорвадорлар ҳақида:

Қатилгил, қарилғил, ятур ҳам ичур,
Кўнилик узала тириклик кечур.
Наку қунса бергил, карак бўлса ол,
Кўни кўрдум ушбу қуту билмас ол.

(Аралашгин, қўшилгин, едир ҳам ичир,
Тўғрилик узра тириклик кечир.
Нима сўраса бергин, керак бўлса ол,
Чиндан кўрдим, ушбу одамлар ҳийла-найрангни билмайди(лар).

Лекин меҳнаткаш табақаларни моддий бойликларни яратувчи кўч сифатида таърифлаган Юсуф Хос Ҳожиб уларга изчил хайрихоҳлик муносабатида бўла олмайди, баъзан феодал аристократларча паст назар билан қарайди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қилиқсиз бўлурлар қора ом-будун,
Тўру йўқ, тўқу йўқ қатилмоқ ўдун.

(Қора авом халқ ахлоқдан узоқ [яъни содда ва тўғри] бўлади,
Аралашиш пайтида тартиб, қоидани билмайди.)

У ҳукмдорга мурожаат қилиб, ҳатто «қора халқ билан муносабатда бўлиб, ўзингни қора қилма» дейишгача боради:

Қора қилқи барча бўлур қоб қора,
Қора қилма ўзни кудазу тур-а.

(Қора (авом) хулқи мутлақо қора бўлади,
Ўзингни қора қилма, сақланиб тургин.)

Бироқ қора халқ билан алоқани узиб ҳам бўлмайди; шунга кўра, шоир айтади:

Ва лекин уларсиз яма бўлмас иш,
Тилин адгу сўзла ангар бўлма эги.

(Ва лекин уларсиз ҳам иш бўлмайди,
Тилинг билан яхши сўзла, уларга тенг бўлма.)

Юсуф Хос Ҳожиб бой ва камбағал бўлишни «тақдир» билан, «худонинг амр-иродаси» билан боғлайди, «табуғчи табуғчи турур бил гулук» («хизматкор хизматкорлигича қолаверади») деб, меҳнаткашларнинг эксплуататорларга тобелигини «қонуний» ва «абадий» бир нарса деб тушунтиради, меҳнаткашларни ўз фарзандларини гўдаклик чоғидан бошлаб ҳукмронларга тобелик руҳида тарбиялашга чақиради.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳукмрон ижтимоий табақаларни кўкларга кўтариб мақтайди, уларни идеаллаштиради. Масалан, ҳукмдорнинг ҳукмдор бўлишини худонинг амр-иродаси ва ҳукмронлик сифатларини ато қилиши билан боғлайди, сарой амалдорларини доно ва фозил кишилар деб таъриф қилади. Бошқа ҳукмрон табақалар ҳам деярли шу зайлда тавсифланади.

Лекин, шунга қарамай, Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳукмрон табақалар олдига қўйган қатор талаблари (ўқимишли бўлиш, илм-фан аҳлларига ҳомийлик қилиш, давлатнинг қонун-қоидаларига тўла амал қилиш, ҳалоллик ва бошқалар) ҳамда ўгитлари давлатни мустаҳкамлаш, бошбошдоқликка хотима бериш, ўзаро феодал урушларнинг олдини олиш, хўжаликни ва маданиятни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга эди. Масалан, Юсуф Хос Ҳожиб, гарчи савдогарларни кўкларга кўтариб мақтаса ва уларни худо томонидан «тижоратга яратилган» кишилар деб идеаллаштирса ҳам, савдогарлар ҳақидаги мулоҳазалари иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришда, шубҳасиз ижобий аҳамиятга эга эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хуллас, Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳар хил ижтимоий табақалар ҳақида баён қилган фикр-мулоҳазалари давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш, унинг мустақиллигини ҳимоя қилиш ва бошқа мамлакатлар билан дипломатик муносабатларни яхшилашга қаратилган бўлиши билан бирга, ахлоқий-таълимий жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлоқий-таълимий қарашлари

«Қутадғу билиг» *ахлоқий-таълимий асардир.* Унинг ахлоқ ва одоб масалаларига бағишланган махсус бобларидагина эмас, балки ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган бобларида ҳам Юсуф Хос Ҳожиб ўз ахлоқий-таълимий қарашларини ифодалайди, халқнинг турли табақаларига ўгит беради, уларга панд-насиҳат қилади. Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлоқий-таълимий фикрлари прогрессив аҳамиятга эга бўлиб, маданият ва *маърифатни равнақ топтиришга, олижаноб* инсоний хислатларни тарғиб қилишга қаратилган.

Илм-маърифат ҳақида

Юсуф Хос Ҳожиб XI асрнинг донишманди, илм-маърифатнинг жарчиси ҳамда ҳомийсидир. У илм-маърифатга саодатнинг калити деб қарайди, шунинг учун ҳам ўз достонини «Қутадғу билиг» деб атайди ҳамда унда илм-маърифатни тарғиб қилади, олимларни улуғлайди, давлат бошлиқларини, илм-фан аҳлларини саройга жалб этишга, улардан таълим олишга ва уларнинг маслаҳатлари билан иш кўришга чақиради.

Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича, ҳукмдор мамлакатни ўз қиличи ва сиёсати билан бошқарса, олимлар эл-юртни ақл ва доноиш билан бошқарадилар, унга йўл кўрсатадилар. Шунга кўра, шоир кишиларни подага, олимларни йўл бошловчига ўхшатади:

Булар ул сурук қўйқа аркач *соны*,
Қойуғ бошласа, сурса йўлча кўни.

(Булар қўй сурукн орасидаги серка кабидирлар,
(Токи) қўйни бошласа, тўғри йўл бўйлаб олиб борса.)

Илм — нур, олимлар машъалдорлардир:

Улар илми бўлди будунқа йўла,
Еруса йўла тунла озмас йўл-а.

(Уларнинг илми халққа машъал бўлди,
Машъал ёриса, тунда йўлдан адашилмайди.)

Бинобарин, олимларни севмоқ, уларга ҳурмат билан ёндашмоқ ва билимларини ўрганишга тиришмоқ зарур:

Уларни қатиғ сав, оғирла сўзин,
Билигларин ўгран, ўкуш ё изин.

(Уларни қаттиқ сев, сўзларини қадрла.
Кўпми ёки озми (уларнинг) билимларини ўрган.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юсуф Хос Ҳожиб, маърифатпарвар давлат бошлиқларигина мамлакат ишларини бошқаришга, эл-юртнинг орзу-тилакларини амалга оширишга қодирдирлар, бинобарин, давлат бошлиқлари илм-маърифат аҳллари билан яқиндан алоқада бўлишлари, улардан таълим олишлари ва уларнинг маслаҳатлари билан иш кўришлари зарурдир, дейди. Бунга шоир Кунтуғди билан донишманд Ўзғурмиш ўртасидаги муносабатни намуна қилиб кўрсатади. Донишманд Ўзғурмиш ҳақида хабар эшитган Кунтуғди тезда уни ўз саройига чорлайди, модомики, донишмандсан, ўз билиминг ва тажрибанг билан давлат ишларига ёрдам беришинг керак дейди:

Киши ики турлуг киши отанур;
Бири ўгратигли, бири ўгранур...
Экида нару борча йилқи сони,
Тиласа муни тут, тиласа они.

(Икки турли киши киши аталади:
Бири — ўргатувчи, бири — ўрганувчи.
Иккисидан бошқа барчаси йилқи тенгидир,
Истасанг буниси бўл, истасанг униси.)

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонида Ўрта Осиё олимларининг илмий ютуқлари ҳам маълум даражада ўз ифодасини топди. У, хусусан, астрономия ва медицина фанлари юзасидан кенгроқ мулоҳаза юритади. Достоннинг муқаддимасида етти планета (Секантир—Зуҳал — Сатурн, Ўнгай — Муштарий—Юпитер, Кўруд — Миррих — Марс, Яшиқ — Қуёш, Савит — Зуҳра — Венера, Орзу — Уторид — Меркурий, Ялчиқ — Ой) ва 12 бурж ҳақида алоҳида-алоҳида шеърий парчалар битади.

Юсуф Хос Ҳожиб, қадимги Греция ва Ўрта Осиёнинг машҳур олимлари каби, оламни тўрт унсур (элемент)дан—ўт, сув, ҳаво ва тупроқ ёки иссиқ, совуқ, ҳўл ва қуруқдан иборат деган фалсафий қарашни илгари суради. У инсоннинг сиҳати, ёши, овқати ва жисмоний тарбияси ҳақида ҳам қимматли мулоҳазаларни баён этади. Киши ёшига қараб ҳаракат қилмоғи, овқат турларини танламоғи, ўз организмини сув, жисмоний тарбия билан чиниқтириб бормоғи лозим. Бу нарса касалликларнинг олдини олади. Бемор ўз касалини фақат дори билангина эмас, балки парҳез тутиш билан ҳам шифолашга интилиши керак.

Юсуф Хос Ҳожибнинг фалсафий қарашлари, хусусан, унинг медицинага доир мулоҳазалари Абу Али ибн Синонинг илмий мероси таъсирида шаклланган бўлиши керак. Шоир «Тожи Ҳаким» номи остида Абу Али ибн Синони кўзда тутган бўлиши мумкин.

«Қутадғу билиг» автори ўзининг прогрессив илмий мулоҳазаларига қарамай, баъзан айрим хурофий урф-одатларни ҳам ёқлайди, дуо ва жодуларга ишонади. Бундан ташқари, шоир илм-маърифат равнақига, халққа маърифат етказишга тўсиқ бўлган феодал-клерикал реакцияни фош қилмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ахлоқ ва одоб ҳақида

«Қутадғу билиг» дидактик достони ахлоқ ва одобга доир қимматли панд-насиҳатларни ўз ичига олади. Достон автори тил одоби, севги ва садоқат, ростгўйлик ва ҳалоллик каби масалалар ҳақида ҳикматли сўзлар сўзлайди, майхўрлик ва мутакаббирликни танқид қилади, кишининг юриш-туриши, ўзини тутиши ҳақида ўгит беради. Булар достоннинг бутун мазмуни ва моҳиятига сингдирилади.

«Қутадғу билиг»нинг бир неча боби бевосита ахлоқ ва одоб масалаларига бағишланган. Шундай боблардан бири «Тил ардами» («Тил одоби») деб аталган 7- боб бўлиб, унда шоир ўқиш ва билим олишда тилнинг аҳамияти, қисқа ва мазмунли сўзлаш, тилга ортиқча эрк бермаслик ва бошқалар ҳақида ибратли ўгитлар беради:

Уқушқа билигка бу тилмачи тил,
Яруттачи арни йўрик тилни бил.
Кишиг тил оғирлар булур қут киши,
Кишиг тил ужузлар ярир ар баши.
Тил арслан турур, кўр эшикда ятур,
Ая авлуг орсиқ бошингни ятур.
Тилин эмгамиш эр наку тер эшит,
Бу сўз ишка тутгил ўзунга иш эт.
Мани эмгатур тил эзи ўг талим,
Бошим қасмасуни қасайин тилим.
Сўзунгни кўдазгил бошинг бормасун,
Тилингни кўдазгил тишинг синмасун...
Эсанлиқ тиласа санинг бу ўзунг,
Тилингда чиқарма яроғсиз сўзунг.
Билиб сўзласа сўз билигка сонур,
Билигсиз сўзи ўз бошини еюр.
Ўгуш сўзда ортуқ осиғ кўрмадим,
Яна сўзламишида осиғ булмадим.
Ўгуш сўзлама сўз бирар сўзла оз,
Туман сўз тугунин бу бир сўзда ёз.
Санга сўзладим ман сўзум, эй ўғул,
Санга барди бу панд ўзум, эй ўғул...

(Уқунга, билимга тилмоч — бу тил,
Кишини рўшноликка чиқарган равон тил деб билгин.
Кишини тил эъзозлайди, киши у туфайли бахтга эришади,
Кишини тил қадрсиз қилади, эр бошини ёради.
Тил ҳовлида [яъни қафасда] ётган арслон кабидир,
Эй, қафасдаги (маккор) ваҳший бошингни ейди.
Тили туфайли озор топган киши нима дейди, эшит,
Бу сўзга амал қилгин, ўз фойдангга ишлат:
Тил мени жуда кўп кулфатларга солади,
(У) бошимни кесмасин, (мен) тилимни кесайин.
Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин...
Сенинг ўзинг эсонлик тиласанг,
Тилингдан яроғсиз сўзингни чиқарма.
Билиб сўзласа, сўз донолик саналади,
Нодоннинг сўзи ўз бошини ейди.
Кўп сўзда ортиқ фойда кўрмадим,
Яна (кўп) сўзлашдан наф топмадим.
Сўзни кўп сўзлама, бир оз озроқ сўзла,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туман минг сўз тугуни (жумбоғи)ни шу бир сўзда еч.
Мен сўзимни сенга сўзладим, эй ўғил,
Бу пандни ўзим сенга бердим, эй ўғил.

Юсуф Хос Ҳожиб шоир сифатида бадиий сўзнинг қиммати ва таъсир кучини алоҳида таъкидлайди, ўз сўзини кўп ўринда «шоир тилидан» (донишмандлар тилидан) сўзлайди ва яхши сўзни ҳар қандай олтин-кумушдан ҳам ортиқроқ билади:

Кумуш қолса олтун манинг санга,
Они тутмағил сан бу, сўзга тенг-а:
Кумуш ишка тутса тугар олқинур,
Сўзум ишга тутса кумуш қизғонур.

(Мендан сенга кумуш, олтин қолса,
У(лар)ни сен бу сўзга тенг тутмагин.
Кумушни ишга солсанг тугайди, олқинади,
Сўзимни ишга тутсанг, (сен учун) кумуш қозонади.)

У уйланиш ва бола тарбияси ҳақидаги 53- бобда оила ва бола тарбиясининг мураккаб эканини таъкидлаб, болани ёшлик чоғидан бошлаб яхши хулқли қилиб етиштириш зарурлигини айтади. Зиёфатлар ва уларда иштирок этиш, ўзини тутиш одобига бағишланган 55- ва 56- бобларда сарой аҳлларига ўгит беради. Бошқа бобларда ҳам ахлоқ ва одобнинг турли масалалари тўғрисида фикр-мулоҳаза юритади.

Юсуф Хос Ҳожиб киши тезда туғилиб, тезда ўтиб кетувчи ҳис-туйғуга асир бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайди ҳамда севгини кўз билан эмас, балки кишининг қалби билан боғлайди. Чунки кўз кишининг ташқи қиёфасини кўра олса, қалб унинг бутун моҳиятини кўради.

...Савимиш юзин кўрса, кўзга тотиқ,
Кўнгул орзусин бўлса ўзга тотиқ...
Қамуғ нангга ўртук бўлур бақса кўз,
Кўнгулга йўқ ўртук муни қилғу кўз...

(...Сулув юзни кўрмоқ кўзга тотлиғ,
Кўнгул (ўз) орзу этганини кўрса, кўнгулнинг ўзига тотлиғ...
Кўз барча нарсага ҳам қараганида унинг (қарашининг) пардаси (чегараси) бор,
Лекин қалб учун (парда) чегара йўқ, унинг ўзи (ҳаммасини) билиб олади...

Шоир кишиларни ҳар бир ишда ақл-муҳокамага таянишга, ўзгаларга ғамхўр ва мушфиқ бўлишга, ҳар бир тадбирни ўз ўрни ва мавриди билан амалга оширишга чақиради. Бировларнинг ҳаёти ва тақдирига бефарқ қараб, уларни ўлимга ёки бошқа оғир жазоларга маҳкум этган ховлиқма ва эҳтиётсиз амалдорларни қоралайди. Бинобарин, шоир дадиллик ва ҳушёрликни таъриф қилади, кишиларни эҳтиёткорликка даъват этади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Наку тар эшитгил билиглиг тилин,
Ава қилмиш ишлар ўкунчи йилин.
Ава қилмиш ишлар нача йиг бўлур,
Ава бишмиш ошни яса иг бўлур.
Аваклик турур барча янгуқ иши,
Амуллуқ турур барча азгу иши.

(Билимли сўзини эшитгин, у нима дейди:
Шошилиб қилинган ишларнинг ўкинчи йилларга чўзилади.
Шошилиб қилинган ишлар нечоғли ярамас бўлади,
Шошиб пиширилган ошни истеъмол қилса, (киши) хаста бўлади.
Шошқалоқлик — барча адашган кишилар иши,
Эҳтиётқорлик — барча эзгу кишилар иши.)

Юсуф Хос Ҳожиб мансаби ва мол-давлати билан такаббурлашиб кетган зодагонларни танқид қилиб, бахт-толега ортиқ даражада берилиб кетмаслик керак, бахт келади ҳам, кетади ҳам деб уларни огоҳлантиради:

Қуванма қиви қутқа, қутлуғ киши,
Усанма ўзунг қутқа, атлиғ киши!
Оқар сув, йўриқ тил, бу қут турмади,
Ажун тазгинурлар, юриб тинмади.

(Эй) бахтли киши, бахт ва давлатга қувонма,
(Эй) номдор киши, бахт, давлат билан бўлиб ўзинг ғафлатда қолма.
Оқар сув, равон тил, бахт-давлат бу ерда турмайди,
Жаҳон кезувчилар юриб тинмайди.

Бироқ шоир бундай ўринларда мутакаббир феодал зодагонларни танқид қилиш ва уларни огоҳлантиришдан, баъзан, умуман, дунё «бебақо» деб, таркидунёчилик ва бадбинлик майлларига ҳам ўтиб кетади. Лекин айни чоқда унинг ишратпарастлик майлларига қарши сўзлари, шубҳасиз, фойдали эди. Ўзи ва ўзгалар учун фойдали бўлган ишлар билан шуғулланишни, илм-ҳунар олишни, турли тиллар ўрганишни, нард ва шахмат ўйинлари билан машғул бўлишни тавсия ва таъриф қилган шоир, умрни ишратпарастлик билан зое қилишга ва майхўрликка қарши курашади. У майхўрлик мамлакат ва ҳокимият ишларига зарар келтиради деб, бундай ўгит беради:

Ичкилик ичмаслик, ўзини яхши тутиб, куч-қувват тўплаш зарур. Билимдон одам майхўрлик орқасида нодон бўлади, у ҳолда билимсизнинг аҳволи нечук бўлишини ўзинг тасаввур қил. Ҳар қандай билимдон киши ҳам майхўрликка берилгач, ўз ишларини бузган, барбод берган бўлади. Ичкилик ичма, ичкилик ичиш орқасида эркакнинг қуввати кетади, ичкилик ичганлар телба ва жинни бўлажаклар. Бу чучук сув қорнингга кириши билан ичингдан шундай ёмон ва алангали сўзлар чиқадики, бу сўзлар ўзингни ўртайди, куйдиради.

Феодал ахлоққа танқидий муносабат ва унинг айрим иллатларини журъат ва ростгўйлик билан фош этиш Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлоқий-таълимий қарашлари қимматини оширади, унинг ҳаётий моҳиятини кучайтиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай қилиб, Юсуф Хос Ҳожиб феодал тенденциозлиги ва клерикал ақидалар заминида туғилган зиддиятларига қарамай, ўз даврининг прогрессив ахлоқий-таълимий қарашларини илгари сурган атоқли маърифатпарвар ва мураббий сифатида гавдаланади.

«Қутадғу билиг» ва халқ оғзаки ижоди

«Қутадғу билиг» халқ оғзаки ижоди традициялари таъсирида вужудга келган ёзма адабиётнинг илк йирик ёдгорликларидан биридир. Достоннинг мазмуни ҳам, унинг тили ва бадиий хусусиятлари ҳам шундан далолат беради. «Қутадғу билиг»даги айрим образлар, кўпгина халқ мақоллари ва таъбирлари, «Ўрхўн-Енисей» ёдгорликларида, «Девону луғотит турк»да кўрингани каби, Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон туркий халқларининг кейинги асрларда вужудга келган оғзаки ижодида ҳам давом этади, ривожланиб боради.

Юсуф Хос Ҳожиб феодал ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ғоясини илгари суради. Лекин, шунга қарамай, унинг адолатли ҳукмдор ҳақидаги орзуларида, Кунтуғди ва Ойтўлди каби образларида халқ оғзаки ижоди асарларида яратилган адолатли ҳукмдорлар образининг маълум даражада таъсири борлигини кўрамиз. Кунтуғди ва Ойтўлдилардаги адолатпарварлик каби хусусиятлар шу таъсирнинг ифодаси бўлса, уларнинг қаттиққўллик сиёсатига таянниши, меҳнаткаш табақаларга аристократик муносабати феодал тенденциозлиги ифодасидир.

Достон қаҳрамонларининг номи ҳам халқ ижоди традициялари билан боғланган. Ўзбек, уйғур, қозоқ, қирғиз ва бошқа туркий халқларда «кун» ва «ой» сўзлари билан бирга ишлатиладиган номлар кенг тарқалган ва халқ эпосидан ўрин олган. Бунга, жумладан, ўзбек халқ достонларидан «Ойсулув»даги Ойсулув ва унинг ўғли Кунботир, «Кунтуғмиш» достонининг бош қаҳрамони Кунтуғмиш, «Юсуф ва Аҳмад» достонидаги Кунхон ва Ойхон, «Ойгул» эртагидаги Ойгул, қаҳрамонларнинг номига қўшиб айтиладиган «ой» қўшимчаси («Алпомиш»даги Барчиной каби), «ой десанг ой, кун десанг кун» каби образли иборалар, «Ой бастина Ойбарча қиз, кун остида Кунакай қиз» каби мисраларни яратган қозоқ халқ оғзаки ижодидаги «Оймон-Шўлпон» достони, «Кунекей қиз» эртаги ва бошқа асарларнинг «Ой» ва «Кун» номлари билан аталиши; қирғиз халқ қаҳрамони Манаснинг «Кундан ва Ойдан пайдо бўлиши», «Манас»даги Ойчурек, Ойканиш, Тўлғоной образлари, қорақалпоқ халқ оғзаки ижодидаги Ойсанам («Ғариб Ошиқ»), Ойсулув («Қирқ қиз») ва бошқалар яққол мисол бўла олади. Ўзбекларда хотин-қизларнинг номига «ой» сўзини қўшиб айтиш ҳозир ҳам кенг қўлланилади. С. П. Толстовнинг фикрига кўра, «Кун» ва «Ой» билан боғлиқ номларнинг тарихий илдизи тотемларга бориб тақалади.

Шу билан бирга, Юсуф Хос Ҳожиб халқ ижодида вужудга келиб, кейинчалик «Шоҳнома» каби асарлардан ўрин олган Афро-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сиёб, Фаридун ва Нўширвон каби қаҳрамонларнинг номини ҳам тилга олиб, уларнинг сифатларини таъриф қилади ва ўз қаҳрамонларини улардан ўрнак олишга ундайди.

Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг»да жуда кўп халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларини ишлатади ва «туркча масал», «туркlар сўзи» деб уларнинг халқ оғзаки ижодидан олинганини очиқ-ойдин таъкидлайди. У мақол ва ҳикматли сўзларни баъзан айнан ва баъзан шеърий мисраларнинг поэтик талабига қараб ўзгартириб қўллайди. Мақол ва ҳикматли сўзлар достоннинг ғоявий мазмунини бойитади, бадиий қимматини оширади. Мисоллар:

Уқушқа, билигка бу тилмачи тил,
Яруттачи арни йўриқ тилни бил.
(Уқувга, билимга тилмоч — бу тил,
Кишини рўшноликка чиқарган равон тил деб билгин.)

Ади качки сўз-ул масалда калир,
Ота ўрни оти ўғулқа қолир.
(Масалда келадиган жуда эски таъбир бор:
Отанинг ўрни (ва) оти ўғилга қолади.)

Уқуш қайда бўлса, улуғлуқ бўлур,
Билиг кимда бўлса, бавуглук олур.
(Заковат қаерда бўлса, улуғлик бўлади,
Билим кимда бўлса, буюклик олади.)

* *
*

Уқуш-ул бурундуқ они ятса эр,
Тилакка тагир ул туман орзи ер.
(Билим гўё бир бошбоғ кабидур, агар киши унга эриша олса,
Тилакка етиб, туман орзуларга эришади.)

* *
*

Киши тил огирлар булур қут киши,
Кишиг тил ужуэлар ярир ар баши.
(Кишини тил эъзозлайди, киши (у туфайли) бахтга эришади,
Кишини тил қадрсиз қилади, эр бошини ёради.)

* *
*

Киши кўнгли тубсиз тангиз-таг турур,
Билиг юнжу сони тубинда ятур.
(Киши кўнгли тубсиз денгиз кабидур,
Билим инжу каби (унинг) тубида ётади).

* *
*

Қиличдан итикрак буларнинг тили.
(Тил қиличдан ҳам ўткирроқдир.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

Киши азгу отин кўр олқиш билур,
Отиқмиш асиз ўлса қарғиш бўлур.
(Киши эзгу ном билан олқиш олади, кўргин,
Ном чиқарган ёмон ўлса, қарғиш топади.)

* *
*

Билиглик сўзи ерга сув-так турур,
Оқитса соғуни ерда неъмат унур.
(Билимлининг сўзи ерга сувдек керакдир,
У ерга оқиб келса, ердан неъмат унади.)

* *
*

Уқуш кўрки — тил ул, бу тил кўрки — сўз,
Киши кўрки юз ул, бу юз кўрки — кўз,
(Заковат кўрки — сўздир, бу тилнинг кўрки — сўздир,
Кишининг кўрки юздир, бу юзнинг кўрки кўздир.)

* *
*

Билиг қадрини ҳам билиглик билир,
Гуҳар қадрини ҳам гуҳар-ўқ билир.
(Билимлининг қадрини ҳам билимли билади,
Гавҳар қадрини ҳам гавҳар (шунос)гина билади.)

* *
*

Сучуқ бу гириглик, очиғ бу ўлим,
Онунди қани эмди қачғу йўлум.
(Тириклик ширин, ўлим аччиқдир,
(Ўлим менга) қасд қилди, қани энди қочадиган йўлим.

* *
*

Очиғ сув-таг ул кўр бу дуня моли,
Нача ичса қонмаз ўлимаз тили.
(Бу дунё моли шўр сув кабидир, кўр,
Уни (киши) қанча ичса ҳам қонмайди, тили намланмайди.)

Йўла ул уқуш, кўр, қароғуқа кўз,
Ўлук танга жон ул, оғин тилга сўз.

(Ақл машъалдир, қара (у) кўрга — кўз, Ўлик танга — жон, соқовга тилдир.)

Уқушсиз киши — ул емишсиз йиғоч,
Емишсиз йиғочиғ неку қилсун оч?!

(Ақлсиз киши мевасиз дарахтдир,
Мевасиз дарахтни оч киши нима қилсин?!)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уқуш бўлди арка минг ардам баши.
(Ақл — эрга минг уқувнинг боши бўлди.)

Киминг ардами бўлса, оти юрир,
Қали бўлмаса ардам, отсиз қарир.

(Кимнинг уқуви бўлса, номи шуҳрат топади,
Кимнинг уқуви бўлмаса, унинг номи чиқмай қариб қолади.)

Уқушлуғ кишидин кишилик келур.
(Ақлли кишидан одамийлик келади.)

Билик билдинг арса тугал ўграниб,
Они ишлат әмди, кўр, имкон әдиб.

(Тугал билим олдингми,
Энди имконият топиб, уни амалда ишлатгин.)

Ўрунг сут била кирса адгу қилиқ,
Ўлум тутмоғинча овурмас йўриқ.

(Соф сут билан кирган яхши қилиқ, ўлгунча ҳам айнимайди.)

Қаринда турмиш қилинч ўгратик,
Ягиз ер қатипда кетар, әй тетик.

(Она қорнида пайдо бўлган қилиқ,
(Эй) тетик (киши), фақат қора ер остида йўқолади.)

Жигой қилса кимни кўзи суқлуқи,
Боютмас они бу ажун тўқлуқи.

(Кимни хасис кўзи камбағал қилган бўлса,
Дунё бойлиги уни бой қилолмайди.)

Ўғил-қиз соқинчи бу тубсиз тангиз.
(Ўғил-қиз ташвиши — бу тубсиз денгиз)

ва бошқалар.

Бу мақолларнинг айримлари, масалан, «Ардам боши тил» Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ҳам келтирилган. Шу билан бирга, «Қутадғу билиг»даги бир қатор мақоллар ўзгарган ёки янгиланган ҳолда ўзбек, уйғур, қирғиз, қозоқ, туркман халқлари ва бошқа халқларда шу кунга қадар яшаб келмоқда. Биз «Қутадғу билиг» мақолларига яқин турган ўзбек халқ мақолларидан бир неча мисол келтирамиз:

Билимлик киши ўзар,
Билимсиз киши тўзар.

(Ўқушлуғ кишига иши таб уқуш,
(Биликсиз кишига оти таб сўқуш.)

Илм — ақл чироғи.

(Йўла ул уқуш, кўр, қароғуқа кўз...)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тилини тийган бошини қутқарар,

Емон тил бошга битган бало.

(Қаро бош йиғиси қизил тил турур...)
Тилнинг кўрки — сўз,
Киши кўрки — кўз.

(Уқуш кўрки — тил ул, бу тил кўрки — сўз,
Киши кўрки — юз ул, бу юз кўрки — кўз.)

Тил — ақлнинг тарозуси.
(Уқушқа, билигка бу тилмачи тил.)

Кўп сўзлама, оз сўзла,
Оз сўзласанг ҳам соз сўзла.

(Укуш сўзлама сўз, бирор сўзла оз,
(Тумон сўз тугувнин бу бир сўзда ёз.)

Сут билан кирган мижоз, жон билан чиқар
(Уруич сут била кирса, адгу қилиқ.
Ўлум тутмоғинча овурмас йўриқ.)

ёки

(Қаринда турумиш қилинч ўгратик,
Яғиз ер қатинда кетар эй тетик)

ва бошқалар.

Бундан ташқари, шоир ўкшатишларда, халқ оғзаки ижодида бўлганидек, «от», «қўй-қўзи», «бўри» ва бошқа ҳайвонларни ҳамда турли хил қушларни тилга олади. Уларнинг сифатларини кишиларга кўчиради, уларга нисбат беради.

Шундай қилиб, Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг»да халқ оғзаки ижодининг бойликларидан, унинг ўзига хос хусусиятларидан фойдаланди ва бу билан достоннинг ғоявий-бадиий, қимматини хийла оширди. Бинобарин, у «Мен тарқоқ турк тили инжуларини тўпладим» дейишга ҳақли эди.

«Қутадғу билиг»нинг бадиий қиммати ва тили

«Қутадғу билиг» XI аср адабиётининг муҳим ёдгорлигидир. У туркий тилдаги ёзма адабиёт ҳали у қадар бой тажрибага эга бўлмаган бир даврда вужудга келди. Шоир форс-тожик тилида ижод этиш традицияси изидан бормади, балки катта журъат билан ўз она тилида йирик бадиий асар яратишга киришди ва уни муваффақият билан тугатди. У халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётининг тажриба ва традицияларидан фойдаланди, халқ ижодининг мақол ва ҳикматли сўз каби инжулари билан ўз асарини бойитди, форс-тожик тилидаги пандномалардан илҳомланди ва достонини Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си вазнида —мутақориб (қисман мутақориби мусаммани солим, асосан мутақориби мусаммани маҳзуф ва мутақориби мусаммани мақсур) вазнида бит-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари билан ўзбек, уйғур ва бошқа туркий халқларнинг классик адабиётида аруз вазни чуқур илдиз ота бошлади ва ёзма поэзиянинг етакчи вазни бўлиб қолди.

Гарчи «Қутадғу билиг»да эпик тасвир хийла заиф бўлса ҳам, лекин шоир лирик парчаларда, айрим тасвирий ўринларда истеъдодли санъаткор эканини кўрсата олган. Лирик шеърлардан айниқса баҳор тасвири ва қарилик айёми васфида битилган шеърлар мароқли чиққан. Булардан биринчисида шоир баҳор фаслининг дилрабо лавҳаларини, иккинчисида эса қарилик айёмининг мусибатларини усталик билан тасвирлайди. Масалан, баҳор лирикасида шоир баҳор шамоли, табиатнинг кўркамлашиши, хушбўй гул ва майсалар ҳақида бундай дейди:

Туғардин эса келди, ўнгдин йэли,
Ажун этгука очти уштмоқ йўли.
Яғиз ер йипор тўлди кофур кетиб,
Безанмак тилар дунё кўркин этиб.
Эринчик қишиғ сурди ёзқи эсин,
Яруқ ёз яна қурди давлат ёсин...

(Шарқдан илк (баҳор) насими эсиб келди,
Оламни безаш учун жаннат йўлини очди.
Кофур[1] кетиб, бўз ерга ипор тўлди,
Олам чиройли қилиб безанмоқ истайди.
Зерикарли қишни баҳор насими ҳайдади,
Мусаффо баҳор яна давлат ёйини қурди
(Ўз куч-кўркини намоён қила бошлади).

Бу мисралар «Девону луғотит турк»даги мавсум қўшиқларига жўр бўлиб кетади.

Юсуф Хос Ҳожиб ўхшатиш, сифатлаш, муболаға ва киноя каби бадиий тил воситаларига кам мурожаат қилади. Лекин, А. Валитова айтганидек, у кўпроқ чорвадорлар ҳаёти билан боғлиқ бир қатор оригинал образлар яратади, халқ оғзаки ижодида бўлгани каби, қаҳрамонларни, уларнинг хатти-ҳаракатлари ва хусусиятларини тасвирлашда от, қўй, бўри, ов қушлари ва бошқалардан, яйловлар ва чўллардан фойдаланади.

Мисоллар:

От ул бу киши кўнгли ортар бидир,
Они кад кудазгу эй қилқи қадир.

(Кишининг кўнгли (фаҳм-тушунчаси) отдир, (у) семиради ва озади.
Уни яхши парвариш қилиш керак, эй, руҳи қудратли одам.)

Булар ул сурук қўйқа аркач сони,
Қойуғ бошласа сурса йўлча кўни.

(Булар (олимлар) қўй подасига йўл бошловчилар бўлиб, қаёққа бошласалар ҳам, тўғри йўлга бошлайдилар.)

---

[1] *Кофур* — оқ рангли гул, камфара.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Арат бўлди баглар қаноти юки,
Қанотсиз қуш ужмаз, эй баглар баги.

(Оддий аскарлар бекнинг қаноти ва патларидир,
Эй беклар беги, қуш қанотсиз учолмайди.)

Наку тер эшиткил утажи сўзи,
Мунунг маъниси уқ, тирилгил, қўзи.

(Табибнинг нима деганини эшитгил.
Унинг маъносини уқиб ол ва шифо топ, қўзим.)

Билимсиз киши кўнгли қумтак турур,
Ўкуз кирса тўлмаз об ўтим унур

(Нодоннинг ақли қумга ўхшайди,
Агар унга дарё оқиб кирса ҳам тўлмайди)

ва бошқалар.

Бу оригинал образлар «Қутадғу билиг»нинг ҳаётий моҳиятини бойитади, бадиий қимматини оширади. Бироқ шу ижобий томонларига қарамай, «Қутадғу билиг» бадиий санъаткорлик жиҳатидан бир қатор нуқсонларга ҳам эга.

«Қутадғу билиг»да ҳикоя қилинган воқеа схематик характерда бўлиб, у достонда қўйилган масалаларни ривожлантириш ва ёритишда етакчи роль ўйнамайди; китобхон образларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишади-ю, бироқ уларнинг конкрет ҳаёти ва кураш йўлини, портрети ва ички кечинмалар дунёсини кўролмайди. Бу ҳолат достоннинг бадиий қимматига, унинг эстетик таъсир кучига анча путур етказган.

«Қутадғу билиг» XI асрдаги Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистондаги туркий халқлар ва қабилалар тилининг ёдгорлигидир. У «Девону луғотит турк»даги қадимги қўшиқлар ва айниқса «Ўрхўн-Енисей» ёдгорликлари тилидан хийла фарқ қилади ҳамда *туркий тилларнинг адабий тил сифатида тараққий этиш процессини* кўрсатади. «Қутадғу билиг»да биз кўпгина архаик сўзларнинг истеъмолдан чиқиб кетганини, бироқ «й» ва «з» товушлари ўрнида «д» товушини қўллаш каби архаик форманинг давом этиб келганини ҳамда энди арабча ва форс-тожикча сўзлар анча кўп ишлатила бошлаганини кўрамиз.

«Қутадғу билиг» халқ оғзаки ижоди заминида туркий халқлар ёзма адабиётининг тараққий эта бошлаганини ва достончиликда салмоқли муваффақиятга эришганини кўрсатади. Шу билан бирга, «Қутадғу билиг» XI аср қорахонийлар давридаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва маданиятни ўрганишда ҳам қимматли бир манбадир, қомусдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АҲМАД ЮГНАКИЙ

Аҳмад Югнакий истеъдодли шоир ва донишманд мураббийдир. Ундан сақланиб қолган ягона адабий мерос «Ҳибатул-ҳақойиқ»[1] бадиий сўз санъати ва адабий тилнинг жуда қимматли ҳамда нодир ёдгорлигидир.

Ҳаёти ва адабий фаолияти

Аҳмад Югнакийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ниҳоятда оз маълумот сақланиб қолган. Унинг ҳаёт йиллари, ижтимоий турмуши ва бошқалар маълум эмас. «Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг айрим мисралари ва унинг нусхаларига бошқалар томонидан ёзилган қайдлар шоирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида, бир оз бўлса ҳам, тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

«Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг текстида китобнинг ёзилган йили, жойи, ҳатто номи ҳам кўрсатилмайди. Фақат бир байтда шоир ўз номини тилга олади:

Адиб Аҳмад айттим адаб, панд сўзум,
Сўзум мунда қолур, борур бу ўзум.

«Адиб Аҳмад» сўзлари адиблик — шоирлик Аҳмад Югнакийнинг асосий машғулоти, касб-кори бўлганидан далолат беради. Достоннинг бир нусхасидаги Арслонхўжа Тархон (XV аср темурий амалдорларидан) қайдларида қуйидаги маълумотлар бор:

1. Адибнинг ери оти Югнак эрур,
Сафолик ажиб ер, кўнгуллар ёрур.

2. Атоси оти Маҳмуди Югнакий,
Адиб Аҳмад ўғли, йўқ ул ҳеч шаки.

3. Китобининг оти эрур Ҳибатул-
Ҳақойиқ — иборат арабдин ўшул.

4. Тамоми эрур кошғарий тил била,
Айитмиш Адиб риққати дил била.

5. Агар билса кошғар тилин ҳар киши,
Билур ул адибнинг не ким аймиши.

6. Киши тилни билса, билур маъносин,
Билурман деса, айб ўзи билмасин.

---

[1] «Ҳибатул-ҳақойиқ» айрим қўл ёзма ва нашрларда «Айбатул-ақойиқ» («Ҳ»нинг тушиб қолиш ҳодисаси қадимги туркий тилларга хосдир) ва «Атебатул-ҳақойиқ» тарзида ёзилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу қайдлардан шоирнинг номи Адиб Аҳмад, отасининг исми Маҳмуд, ватани Югнак[1], китобнинг номи «Ҳибатул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар армуғони») экани маълум бўлади.

Амир Сайфиддин деган киши шарафига айтилган иккинчи қайдда Адиб Аҳмад ҳақида бундай дейилади:

Адиблар адиби, фозиллар боши,
Гуҳартин сўз аймиш, этин сўз биши.

(Адиблар адиби, фозиллар боши гавҳардан сўз айтиб, гўзал сўзлар ўйлаб чиқарди.)

Уған раҳмат этсун бу соат анға,
Ярин қупса, бўлсун эранлар боши.

(Шу дамда худо уни раҳмат қилсин, тирилса мардларга бош бўлсин.)

Бу қайд Адиб Аҳмаднинг шуҳратли шоир ва фозил киши бўлганини кўрсатади.

Ниҳоят, номаълум шахс томонидан ёзилган қайдда шоирнинг кўзи ожиз бўлгани ва китобнинг 14 бобдан иборат эканлиги айтилади:

Туға кўрмас эрди адибнинг кўзи,
Тузатти бу ўн тўрт боб ичра сўзи.

Аҳмад Югнакий ҳақидаги маълумотлар шулардан иборат. Бироқ шоирнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» достони бу маълумотларни бирмунча тўлдиришга, достон авторининг яшаган даврини тахмин қилишга имкон беради.

«Ҳибатул-ҳақойиқ» достонининг топилиши ва ўрганилиши

Биринчи жаҳон уруши бошларида турк олими Нажиб Осим Истамбулдаги Аё-Суфия масжидининг кутубхонасида мўғул тилидаги расоил (рисолалар) тўпламига киритилган бир қўл ёзмани топди. Қўл ёзма туркий тилда бўлиб, у мўғулча хатлар тўпламига янглиш киритилган экан. Топилган қўл ёзма ҳали илм оламига маълум бўлмаган Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» достони бўлиб чиқди. Қўл ёзма ҳижрий 884 йилнинг 7 зулқаъда ойида (1480 йилнинг 30 январида) Истамбулда Абдураззоқ Бахший томонидан кўчирилган бўлиб, котиб XV асрда уйғур ёзуви кўпчиликка манзур бўлмагани учун, уйғур ёзуви билан кўчирилган текстга мисралардан кейин арабча транскрипцияда ва форс-тожик тилида айрим изоҳлар ҳам беради.

---

[1] Югнак (ёки Юғноқ) номли жой Фарғона водийсида ҳам, Туркистон ва Самарқанд атрофида ҳам бўлган. Лекин Аҳмад Югнакийнинг булардан қайси бирида таваллуд топгани аниқ эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кейинчалик достоннинг яна бир неча нусхаси, жумладан 1444/45 йилларда кўчирилган нусхаси топилди.

Нажиб Осим 1334 (1916) йилда «Ҳибатул-ҳақойиқ»ни 1480 йил нусхаси асосида усмонли турк тилига қилинган таржимаси билан бирга нашр этди, унга сўз боши ёзди, айрим шарҳлар берди, кичик грамматик очерк ва луғат тузди. Турк олими Рашид Арат Раҳмат 1951 йилда «Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг янги қиёсий нашрини оммалаштирди.

Совет олимларидан Е. Э. Бертельс, С. Е. Малов ва бошқалар «Ҳибатул-ҳақойиқ»ни ўрганиш ва уни ёритишда унумли хизмат қилди. (Чунончи, Е. Э. Бертельс достонни атрофлича таҳлил этиб, 1945 йилда ТошДУ илмий тўпламида катта мақола бостирган эди.) Достоннинг парчалари хрестоматия ва антологияларга киритилди. 1971 йилда алоҳида китобча сифатида Қ. Маҳмудов томонидан тайёрланган текст асосида босилди. Қ. Маҳмудов достоннинг танқидий текстини ҳам тайёрлади. Бу текст унинг лингвистик, текстологик тадқиқоти билан бирга нашр этилди: Қ. Маҳмудов Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида (кириш, фонетика, морфология, танқидий матн, транскрипция, шарҳ, луғат) (Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, Тошкент —1972).

«Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг нусхаларида достоннинг ёзилган йили ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмайди. Достоннинг ўзида ҳам бу ҳақда бирор ишорат йўқ. Аҳмад Югнакий ўз достонини Дод Испаҳсолор (Дод-сипаҳсолор) деган шахсга бағишлайди. Бироқ бу шахснинг кимлиги ва қачон ўтгани ҳам қатъий аниқланган эмас. Шуларга кўра, достоннинг ёзилган даврини фақат унинг тили ва услубига қараб тахмин қилиш мумкин. «Ҳибатул-ҳақойиқ»да архаик элементлар «Қутадғу билиг»дагига нисбатан бирмунча камроқ, арабча, форс-тожикча сўзлар эса кўпроқ ишлатилган. Бу «Ҳибатул-ҳақойиқ» «Қутадғу билиг»дан бирмунча кейин, XII асрда ёки XIII асрнинг бошларида яратилган, деб тахмин қилишга имкон беради.

Достоннинг тузилиши

«Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг 1480 йилда кўчирилган нусхасидаги номаълум шахс томонидан ёзилган қайдда достоннинг 14 бобдан иборат экани айтилган эди. Бироқ «Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг ўша 1480 йилда кўчирилган нусхаси 235 байт. У 11 бобдан ташкил топган. Котиб Абдураззоқ Бахший достонни унинг бирор қисқартилган вариантидан кўчирган ёки унинг 3 боби бошқа бобларга сингдирилган, сарлавҳаси тушиб қолган бўлиши мумкин.

Достоннинг биринчи боби (1—10-байтлар) худога, иккинчи боби (11—19-байтлар) пайғамбар ва тўрт халифага бағишланган. Учинчи боб (20—33-байтлар) Дод-сипаҳсолорга бағишланади. Афтидан, Дод-сипаҳсолор замонасининг йирик амалдорларидан бири бўлган, чунки достон автори уни бир неча ўринда

www.ziyouz.com kutubxonasi

«шоҳим» деб атайди. Шоир бу бобда Дод-сипаҳсолорни фуқаропарвар, саховатли ва адолатли киши деб мадҳ қилади, уни денгиз, ўзини эса бу денгизга фақат томчилар ҳадя қилувчи булутга ўхшатади. Тўртинчи боб (34—39-байтлар) китобнинг ёзилиш сабаби ҳақида бўлиб, шоир уни Дод-сипаҳсолорга бир ёдгорлик сифатида тақдим қилгани ва бу билан ўз хайрихоҳлигини ифодаламоқчи бўлганини таъкидлайди.

Дод-сипаҳсолор бек учун бу китоб,
Чиқортим очунда оти қолсу теп...
Билик эттим они шоҳимга ман-уқ.
Ҳаводорлиғимни тукал билсу теп.

Достоннинг 3—4-боблари Аҳмад Югнакийнинг Дод-сипаҳсолордан инъом ва эҳсон кутганини равшан кўрсатади. Достоннинг дастлабки тўрт боби унинг муқаддима қисми бўлиб, асосий қисм бешинчи бобдан бошланади. Боблар махсус сарлавҳалар билан берилиб, 5—8-боблар нав номи билан аталган ва махсус сира рақамлари билан берилган.

Бешинчи боб (40—62-байтлар) билим мақтови ва жоҳилликнинг зарарига, олтинчи боб (63—86-байтлар) тил одобига, еттинчи боб (87—110-байтлар) дунёнинг фонийлигига, саккизинчи боб сахийлик ва бахилликка, тўққизинчи ва ўнинчи боблар (176—226-байтлар) турли хил масалаларга бағишланган бўлиб, ўн биринчи боб (227—235-байтлар) китобнинг хотимасидир. Автор хотимада китобхонга мурожаат қилиб бундай дейди:

Битидим китоби мавоиз масал,
Ўқуса тотир тил емиштак асал...
Адиб Аҳмад айттим[1] адаб-панд сўзум,
Сўзум мунда қолур, борур бу ўзум.
Калур куз, кечар ёз, борур бу умур,
Тугатти умурни бу ёзим, кузум.
Онин уш чиқартим бу туркча китоб,
Карак қил теб, эй дўст, керак қил итоб.
Битидим бу тангсуқ туроф сўзларин,
Қоли борса ўзум отим қолсу теб.

(Ҳикматли сўз ва насиҳат китобини битдим, уни ким ўқиса, асал тотгандек бўлади. Мен, Адиб Аҳмад, одоб-панд сўзларини айтдим, сўзим қолади, ўзим (ўлиб) кетаман. Куз келади, ёз ўтади, умр ўтиб боради, бу ёз ва кузлар умримни тугатди. Шунинг учун мен бу туркча китобни яратдим, истасанг уни маъқулла, истасанг маломат қил. Ўзим (ўлиб) кетганда, номим қолсин деб, бу тансиқ сўзларни ёдгорлик учун битдим.)

Илм-маърифат масалалари

Аҳмад Югнакий Ўрта Осиё илм-фаннинг йирик ўчоқларидан бири бўлиб, оламшумул фан арбобларини етиштирган бир даврда яшади. У диний-мистик адабиётнинг намояндалари сингари инсоннинг илмий фаолияти ва қобилиятини қораламайди, мутакаллим-

[1] Критик текстда: отим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар каби дин-шариат догмаларини илм-фанга қарши кураш воситаси қилиб қўлламайди, балки у Юсуф Хос Ҳожиб каби илм-фанни ёқлайди, олимлар ва фозилларни улуғлайди, маърифатпарварликни тарғиб қилади, кишиларни илмли, маърифатли бўлишга чақиради, жоҳилликка қарши курашади.

Аҳмад Югнакий илм-маърифатни «Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг марказий масалаларидан бири қилиб қўйди, достоннинг асосий қисмини (5-боб —1-нав) худди шу масала билан бошлади, бошқа боблардаги ахлоқ-одоб масалаларини ҳам илм-маърифат ва олимлар донишмандлиги билан боғлади. Достон Аҳмад Югнакийни XII асрнинг донишманд маърифатпарвари ва илмнинг жарчиси сифатида гавдалантиради. Шоир олим билан жоҳилни бир-бирига қарама-қарши қўяди, олим илм билан бахт-саодат йўлини топса, жоҳил нодонлиги туфайли кўргуликларга гирифтор бўлади, илм ва олимни қадрлаш, илм ўрганишга тиришиш лозим дейди:

Биликтин оюрман сўзумга ула.
Биликликка, ё дўст, ўзунгни ула.
Билик бирла билинур саодат йўли,
Билик бил саодат йўлини бўла,
Баҳолиқ динор ул биликлик киши,
Бу жоҳил биликсиз — баҳосиз биши.
Биликлик биликсиз қачон тенг бўлур?
Биликлик тиши — эр, жоҳил эр — тиши.
Сўнгакка йилик -так эранга билик,
Эран кўрки — ақл, ул сунгакнинг — йилик.
Биликсиз — йиликсиз сўнгактак холи,
Йиликсиз сўнгакка сунулмас алик.
Билик билти бўлти эран белгулук,
Биликсиз тирикла йитук кўркулук.
Биликлик эр ўлти, оти ўлмату,
Биликсиз эсан эркан, оти ўлук...

(Билим тўғрисида сўзламоқдаман, сўзимни яхши тингла, билимдон кишиларга ўзингни боғла. Билим билан бахт-саодат йўллари ўрганилади, билим эгаллаб, саодат йўлини топ. Билимли киши қимматли олтиндир. Жоҳил, билимсиз кишилар арзимас қалбаки (ақча)дир. Билимли билан билимсиз қачон тенг бўлади? Билимли аёл эр (мард)дир, билимсиз эр аёл (заифа)дир. Суякка илик, эр кишига илм керак. Эрнинг кўрки ақл, суякнинг кўрки иликдир. Билимсиз иликсиз суякдек бўш — қуруқдир, иликсиз суякка эса қўл узатмайдилар. Эр киши билим ўрганиб, билгувчи бўлиб қолди, билимсиз тирикликда кўргуликлар ичида қолди. Билимли эр ўлса ҳам, оти ўлмайди, билимсиз киши ҳаёт чоғида ҳам унинг оти ўликдир.)

Аҳмад Югнакийнинг бу мулоҳазалари, шубҳасиз, прогрессив аҳамиятга эга. Бироқ у бахтни илм ва бахтсизликни жоҳиллик билан боғлаб, реакцион гуруҳларнинг илм-фанга ва илм-фан аҳлига қарши ваҳшиёна курашини танқид қилмади, нодонлик феодал-клерикал жамият тузумининг оқибати бўлиб, бу жамият кўпчиликни илм-маърифат бойликларидан маҳрум қилганини тушунмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ахлоқ-одоб масалалари

«Ҳибатул-ҳақойиқ» дидактик достон бўлиб, ахлоқ-одоб масалалари ундаги кўпчилик боблариниг тематик асосини ташкил этади. Шоир тил одоби, сахийлик, бахиллик, камтарлик, эзгулик ва бошқалар ҳақида худди Юсуф Хос Ҳожиб каби замонасининг пешқадам мураббийси сифатида фикр юритиб, кишиларга ўгит беради.

Рост, соғлом ва мазмунли сўзлашни, керак бўлганда, сир сақлай олишни мақтаб, лақмалик, ёлғон сўзлаш ва сергапликни қоралаган шоир тилни тийиш одобнинг боши дейди:

Эшитгил, биликлик наку теб аюр:
Адаблар башы тил кутазмак турур.
Тилинг бакта тутғил, тишинг снимасун,
Қоли чиқса бакта тишингни сиюр.
Сонип сўзлаган эр сўзи сўз соғи;
Ўкуш янгшаған тил эй олмас ёғи.
Сўзунг бўшлуғ эсма йиға тут тилинг,
Етар бошқа бир кун бу тил бўшлуғи.
Хирадлиқму, бўлур тили бўш киши?
Тилим бошни еди бу тил, сўз бўши...
Ики неиг бирикса бир эрда қоли,
Буканди ул эрга мурувват йўли:
Бир ул янгшир эрса кераксиз сўзин,
Икинч ялғон эрса ул эрнинг тили...

(Эшитгил, олимлар нима деб айтурлар: *адабларнинг боши тил сақлашдир.* Тилингни тий, токи тишингни сиидирмасин, агар тилингни тиймасанг, тишинг синади. Эр киши эҳтиёт билан соғлом сўзлайди, кўп гапирган лақма тил аёвсиз душмандир. Бекор сўз сўзлашдан сақлан, тилнинг бўшлиги *бир куни бошга етади. Тили бўш одам ақлли бўлармиди? Бу тилнинг бўшлиги киши* бошини ейди... Агар кишида икки нарса бирикса: у ўринсиз сўзлар билан лақмалик қилса, иккинчидан, унинг сўзлари ёлғон бўлса, у киши учун мурувват йўллари бекилади...)

Шоир кишиларни бировни аччиқ ва ёмон сўзлар билан ранжитмасликка чақириб, тилнинг яраси битмас ярадир дейди:

Ўчуктурма эрни тилин, бил, бу тил
Башақтурса, бутмас, бутар ўқ боши.

(Тилинг билан ўч ҳиссини қўзғама, бил, ўқ яраси битиб кетади-ю, лекин тил яраси битмайди.)

Шоир достоннинг тўртинчи навида сахийлик ва бахиллик ҳақида сўзлаб, ҳиммат ва сахийликни бахиллик ва зиқналикка қарама-қарши қўяди, бу масалаларга доир пандомиз мулоҳазаларини, қисман бўлса-да, бошқа бобларга ҳам сингдиради, бадиий тил воситаларидан, хусусан, ўхшатишлардан ва халқ мақоллари ҳамда таъбирларидан фойдаланади.

Ахи арни ўггил ўгар эрса сан,
Бахилга қатиғ ё ўқун кизлагил.

(Мақтамоқчи *бўлсанг, сахийларни мақта, бахилларга ўқ-ёйни тўғрила),*—

www.ziyouz.com kutubxonasi

деган шоир сахийлик таърифида айтади:

Қамуғ тил ахи эр саносин аюр,
Ахилиқ қамуғ айб кирини ююр.
Ахи бўл, санга сўз сўкунч келмасун,
Сўкунч келгу йўлини ахилиқ тиюр.
Эгилмас кўнгулни ахи эр эгар,
Тегилмас муродқа ахи эр тегар.

(Барча тилларда сахийнинг мадҳияси айтилади, сахийлик кишининг бутун кирини ювади. Сахий бўл, сенга ҳақорат сўзи тегмасин, сахийлик ҳақорат йўлини тўсади. Эгилмас кўнгилни сахий эгади, етилмас муродга сахий етади.)

Ҳиммат ва саховатни инсоннинг энг яхши фазилати сифатида таърифлаган Аҳмад Югнакий кишиларни қашшоқларга, муҳтожларга ва ситамдийдаларга қарамли ва мушфиқ бўлишга чақиради:

Яроғлиқ ошингни кишига едур,
Яроғ бўлсанг уфроғ ёлингни бутур.
Куч эмган текурма кишига қоли,
Агар текса эмгак кишидинг кутур.

(Яроқли (яхши) ошингни кишиларга едир, қодир бўлсанг, юпун-яланғочларни кийинтир. Зинҳор кишиларга зулм-машаққат етказма, агар шунга мубтало бўлган кишини кўрсанг, уни бу балодан қутқар.)

Аликларда қутлуғ берикли алик,
Олип бермаган ал алик қутсузи

(Берувчи қўл қўлларнинг қутлисидир, олиб бермаган қўл қўлларнинг қутсизидир),—

деган шоир, турли йўллар билан мол-дунё орттирган, бойлигидан на ўзи ва на бошқалар файз топмаган бахил ва зиқна кишиларни аччиқ танқид қилади:

Ҳарис тўймас очун нонгини терип,
Ҳарислик қаримас, идиси қарип.
Ҳарисликни қўюр ҳарис эр қачон?
Ўлуб йитса тупроқ ичига кирип.

(Ҳарис киши дунё молини йиғиб олса ҳам тўймайди, ҳарис киши қариса ҳам унинг ҳарислик одати қаримайди. Ҳарис киши ўлиб, тупроққа кўмилса ҳам ҳарисликдан воз кечмайди.)

Хабар бор берилса агар одами,
Икки қўл динорни ул ўн қўл қилур.

(Шундай нақл борки, агар (ҳарис) одамга икки дона динор берилса, у бунинг ўн динор бўлишини истайди.)

Бахил йиғди зар-сим ҳаромтин ўкуш,
Вабал кўтру борди, узала сўкуш.
Улуш бўлди моли кишилар аро,
Бахил олди андин сўкунчтин улуш.
Камуғ қозғоникли очун молини
Еюмади, борди, кўрунг ҳолини.

(Бахил ҳаромдан (ҳазар қилмай) кўп олтин-кумуш йиғади, ўзи ўлиб кетади, бироқ ҳақоратларга қолади. Ўзи ўлгандан сўнг молини бошқалар улашиб олади,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бахилга ҳақоратларгина улуш бўлиб қолади... Дунёнинг талай молини қўлга киритиб, емай-ичмай кетган кишининг ҳолини кўринг.)

Бахиллик ва зиқналикни қаттиқ танқид қилган шоир, бу иллатни таг-томири билан қирқиб ташлаш керак, деган хулосага келади:

Йимишсиз йиғоч-так карамсиз киши,
Йимишсиз йиғочни кесип ўртагил.

Аҳмад Югнакий бахиллик ва зиқналик билан бирга, яшаган муҳитининг айрим бошқа иллатларини ҳам танқид қилади, хушомадгўй ва тамагир кишиларни шафқатсизлик билан фош қилади, бечора ва йўқсилларга юрагидан ачинади.

Будун моллиқ элга уруб юзларин,
Тузу қул қилурлар озод ўзларин.
Ким ул молсиз эрса, ул эрни кўруб,
Юз уруб качарлар, юмуб кўзларин.

(Кишилар мол-мулки бор бўлган (одамнинг) қўлига юз тутадилар, бу билан эркларини йўқотиб, ўзларини қул қиладилар. Кимки молсиз бўлса, бундай молсиз кишини кўриб, юз ўгириб қочадилар, ундан кўз юмадилар.)

Ундай кишиларнинг дўстлиги ҳам қуруқ сўз ва ясамаликдан иборатдир:

Мажоз бўлди дўстлуқ, ҳақиқат қани?
Минг эр дўстда бири бўлунмас кўни!
Ўкушрак кишининг ичи ғадр эрур,
Кўни дўстунг эрса, тоши бил муни.

(Дўстлик мажоз бўлди, қани ҳақиқат? Минг кишининг ичида битта ҳам тўғри киши топилмайди. Кўп кишилар ичдан сотқиндир, дўстинг тўғри бўлиб кўринса ҳам, буни унинг сиртқи кўриниши деб бил.)

Шоир амалдорларни, зодагонларни марҳаматли ва шафқатли бўлишга чақиради, арзимас сабаб ёки бирор баҳона билан кишиларни ўлимга маҳкум қилиш ва жазолашга қарши исён қилади.

Бу бир айбдан ўтру бошин кесгучи,
Очунда тирилгу кишисиз қолур.

(Агар бир айб билан бош кесилса, дунёда бирор тирик одам қолмайди.)

Аҳмад Югнакий кўпни менсимаган мутакаббир ва баландпарвоз кишиларни қоралаб, камтарлик ва хуштавозеликни тарғиб қилади:

...Яна бир кераклик сўзум бор санга,
Аёйин ман ани, қулоқ тут манга!
Сўз улдур: такаббурни бошдин солип,
Тавозуъни барк тут, ёпуш, кет анга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Яна керак бир сўзим бор сенга, уни сенга айтмоқчиман, менга қулоқ сол! Бу сўз шундан иборат: мутакаббирликни бошингдан чиқар, хуштавозе бўл, шу хислатга етиш, унга томон бор.)

Улуғлуғқа тегсанг, янгилма ўзунг,
Қоли кийсанг атлас, унутма бўзунг.

(Улуғлиққа етсанг, енгилтак бўлма, атлас кийсанг агар, бўзингни унутма).

Шундай қилиб, Аҳмад Югнакий замонасининг прогрессив донишманди ва мураббийси сифатида ахлоқ-одоб масалалари бўйича қимматли ва ибратли фикрлар баён этди, халқчиллик тенденцияларини илгари суриб, феодал-клерикал муҳитнинг айрим иллатларини танқид қилди. Бироқ у ахлоқнинг ижтимоий-синфий моҳиятини, ярамас хислатларни туғдирган манбаларни идрок этолмади, ҳаёт иллатларини тузатиш чораларини дин ва шариатдан излади.

Дин ва шариат ҳақида

Аҳмад Югнакий ислом динини эътироф қилади ва уни идеаллаштиради, достонининг дастлабки миераларини худога, Муҳаммад пайғамбар ва тўрт халифага атаб, қуръон оятларини келтиради. Шоирнинг диний-хурофий тушунчалари достон муқаддимаси билан чегараланиб қолмайди, балки у боблардаги айрим масалаларнинг моҳиятига сингиб бориб, шоирнинг фикр-мулоҳазаларидаги зиддиятларни чуқурлаштиради. Йўқсил ва қашшоқ кишиларнинг турмушига ачиниб, ҳимматсиз давлатмандларни қоралаб, уларни мурувватли ва марҳаматли бўлишга ундаган шоир бойлик ва қашшоқликни худонинг «амр-иродаси», «тақдири азал» билан боғлайди:

Санга ранж, анга ганж берикли уғон,
Жазаъ қилма, ё ранж идиси туруп.

(Сенга ранж, унга ганж берувчи худонинг ўзидир, эй ранж чекувчи киши, сен (бунга қарши) нола-фиғон қилма.)

Шоир бу билан ҳам чекланиб қолмайди; у жафо чекувчиларни золимларга қарши бош кўтармасликка, балки уларга содиқ ва ва вафодор бўлишга даъват қилади:

Жифо қилдачингға ёнут қил вафо,
Оримас неча юса қон бирла қон.

(Кимки жафо қилса, сен бунинг эвазига вафо қил, қонни қон билан ювиб бўлмайди.)

У кишиларни художўйликка, тоат-ибодат қилишга, бандалик қоидаларига тўла содиқ бўлишга чақиради, ислом ғариб бўлди, худога тобелик мажозий бир нарсага айланиб қолди деб шикоят қилади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғариб эрди ислом, ғариб бўлди боз,
Ибодат риё бўлди, обид — мажоз.
Харобат ўрами бўлуб ободон,
Хароб бўлди масжид, бутун бенамоз.

(Ислом ғариб эди, у янада ғариб ўлди, ибодат риёга, бандалик мажозга айланди. Майхоналар кўчаси обод бўлди, масжидлар хароб, кишилар бенамоз бўлди.)

«Бу кун бор ёрин йўқ бу дунё нанги»—«Дунёнинг буюмлари бугун бор-у, эртага йўқ» деган шоир дунёни бир работга, ҳаётни карвонга ўхшатади:

Бу очун биликлик йизин излагил,
Роботқа тушукли тушар кўчкулук.
Унг орқиш ўзади қўпуб йўл тутиб,
Унги қўнмиш орқиш неча кўчкулук.

(Бу дунё бир қўниб кетадиган карвонсаройга ўхшайди, дарҳақиқат, саройга тушган одам тезда у ердан жилиши керак. Аввал карвон туриб йўл олади, ундан кейин бошқалар йўлга тушадилар.)

Аҳмад Югнакийнинг фикрича, «фоний дунё» заҳарли илонга ўхшайди, у роҳат кўриш учун эмас, балки азоб чекиш учун яратилган, унинг турли-туман аччиқ томонларига кўникиш, уларга сабр-чидам билан бардош бериш керак; бахт — роҳат эса тушдир, хаёл ёки қушнинг бир зумда учиб ўтишидир:

Ёзинги булут-так ё туш-так холи,
Дарангсиз кечар бахт ё қуш так учар.

...Ниқоб кўтрур очун, бирар юз очар,
Ёзар қўл қучар — так, яна тарк қочар.

(Бахт хаёл билан ёзги булут ё тушдек тез ўтиб кетади, ёки қушдек учади. Дунё ниқобини кўтариб, бир оз вақт юзини очиб кўрсатади, қўлларини ёзиб гўё бағрига олмоқчи бўлади-ю, тезда қочади.)

«Ҳибатул-ҳақойиқ»даги прогрессив қарашлар билан реакцион тушунчалар ўртасидаги кураш фақат Аҳмад Югнакийнинг дунёқарашидаги зиддиятлар ва унинг ички драмаси бўлмай, балки биринчи навбатда, достон яратилган давр қарама-қаршиликларининг инъикосидир. Достон Аҳмад Югнакийнинг мана шу қарама-қаршиликлар билан яшаганини, унинг реакцион қараш ва тушунчаларни бутунлай улоқтириб ташлашга ожиз бўлганини, лекин, шунга қарамай, илм-маърифат ва яхши хулқ-одобнинг жарчиси эканини кўрсатади.

Достоннинг бадиий хусусиятлари ва тили

«Ҳибатул-ҳақойиқ» автори бирор воқеани, саргузаштни ҳикоя қилиш вазифасини эмас, балки илм-маърифат, ахлоқ-одоб ва бошқа масалалар ҳақида мулоҳаза юритиб, кишиларга ўгит бериш вазифасини ўз олдига қўяди. Шунга кўра, «Ҳибатул-ҳақойиқ» дидактик достон бўлиб, бу унинг бадиий

www.ziyouz.com kutubxonasi

хусусиятлари ва услубини белгилайди. Гарчи достонда воқеавий сюжет бўлмаса ҳам, унинг боблари мазмуни ва моҳияти билан ўзаро узвий боғланиб, бир бутун композицион қурилишни вужудга келтиради. Автор достоннинг бобларида турли хил объект, хислат ва тушунчаларни муқояса қилиш ва уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш асосида улардан ҳар бирининг ўзига хос *ижобий ёки салбий томонини очади, яхшиларини эътироф* ва тарғиб қилади, ёмонларини қоралайди ва рад этади. Бу усул авторга достонда қўйилган масалаларни маълум конфликт фонида ёритиш ва якунлаш, мулоҳазалардан келиб чиқадиган ўгитнинг таъсирини кучайтириш ва асарнинг бадиий қимматини ошириш имконини беради. Маърифат билан жаҳолат, сахийлик билан бахиллик, тўғрилик билан эгрилик, хуштавозелик билан одобсизлик ва бошқалар мана шундай муқояса қилиш ва қарамақарши қўйиш усули билан ёритилади. Бироқ автор ҳамма вақт ҳам зиддиятларни изчиллик билан ёритиш ва ечишга эришолмайди; достоннинг лирик қаҳрамони — Аҳмад Югнакий қиёфасида, *бир томондан, маърифатпарвар ва халқчил кишини*, иккинчи томондан эса «тақдир»га кўникувчи кишини ва улар ўртасида зиддиятлар давом этганини кўрамиз.

Дидактик достон жанрига хос бўлган хусусиятлар асарнинг бадиий хусусиятлари доирасини хийла чеклаб қўяди, у автор олдига воқеавий сюжетни ҳикоя қилиш, темани персонажларнинг ҳаёт ва кураш йўлини тасвирлаш орқали ёритишни шарт қилиб қўймайди. Бироқ, шунга қарамай, Аҳмад Югнакий бадиий тил воситалари, халқ мақоллари ва таъбирларини қўллаш орқали асарнинг бадиийлигини хийла оширишга муваффақ бўлган.

«Ҳибатул-ҳақойиқ»да кўпроқ учрайдиган бадиий тил воситаларидан бири ўхшатишдир. Аҳмад Югнакий баъзан традицион ўхшатишларни такрор-такрор ишлатса ҳам, лекин у янги ва оригинал ўхшатишлар ҳам ярата олган. Достоннинг муқаддимасида автор Дод-сипаҳсолорни денгизга ва ўзини ёмғир томчисига ўхшатади. Бироқ бу томчи шундай томчики, у денгизга тушиб, садафдан қимматли дур ясайди. Билимли киши қимматбаҳо олтинга, жоҳил киши арзимас, қалбаки ақчага, билимли аёл эр кишига, билимсиз эр аёлга, билимли иликли суякка, билимсиз иликсиз суякка, карамсиз киши мевасиз дарахтга, *дунё карвонсаройга*, тўғри сўз асалга, ёлғон сўз оғизни ачитувчи пиёзга ўхшатилади ва ҳоказо.

Шоир асал — ари, харобот — ободон, минг — бир, атлас — бўз каби тазод приёмини; булут уялади, дунё (бир гўзал каби) ўз бетидан чодирини олади, яъни тонг отади каби метафораларни; *ула* — эшит ва *ула* — боғлангин, *эртагил* — сургин ва *эртагил* — *эр* дегин каби сўз ўйинларини усталик билан ишлатади. Шу билан бирга у такрир, аллитерация каби поэтик усулларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам қўллайди. Булар шеърий мисраларнинг мазмунини бойитиш ва унинг бадиий қимматини оширишга хизмат қилади.

«Ҳибатул-ҳақойиқ» ҳам, «Қутадғу билиг» сингари, арузнинг мутақориб баҳрида (фаулун фаулун фаулун фаул) яратилган. Аҳмад Юғнакий, асосан, бу баҳрнинг ҳижо тузилиши қоидасига риоя қилса ҳам, бироқ вазннинг равонлигини таъминлаш мақсадида баъзан ҳижоларнинг чўзиқлиги ва қисқалиги қоидаси доирасидан четга чиқиб, ҳижонинг формасигагина эмас, балки ўқилиши ва талаффузига ҳам кўпроқ эътибор беради. Шунга кўра у унли товуш билан тугалланган ҳижоларни баъзан аруз қоидасига қарама-қарши равишда чўзиқ ҳижолар ўрнида қўллайди, бошқа сўз билан айтганда, «имола» деб номланган усулни қўллайди.

«Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг муқаддима боблари ғазал йўлида қофияланган бўлиб, боблар халқ қўшиқларига хос «а-а-б-а» тўртлик тарзида қофияланган. Бироқ айрим ўринларда тўртлик қофияси бузилади. Бу ҳолат китобдан нусха кўчиришда котибларнинг эътиборсизлиги билан содир бўлганми ёки аслида шундай бўлганми — айтиш мушкул. Достонда «унун — урун» каби оч қофия ишлатиш, радифни қофия ўрнида қўллаш ҳоллари ҳам баъзан кўринади. Бироқ бу фактлар Аҳмад Юғнакий шеър тузилиши қоидаларини яхши эгалламаган деган хулосага олиб келмайди. Афтидан, шоир бундай ҳоллар мисраларнинг умумий моҳиятига путур етказмайди деб ўйлаган бўлса керак.

«Ҳибатул-ҳақойиқ» қадимги туркий адабий тилининг қимматли ёдгорлигидир. «Ҳибатул-ҳақойиқ»да «Қутадғу билиг»дагидек *қадим* (кийим), *келинки* (кейинги), *адоқ* (оёқ), *қўд* (қўй — «қўймоқ» феълидан) каби сўзлардаги «д» архаик элементи, *адиз* (баланд), *очун* — ажун (дунё), *акши* (карвон), *чиғай* (қашшоқ, гадо) каби архаик сўзлар сезиларли даражада учраса ҳам, лекин бу достоннинг тили «Қутадғу билиг»нинг тилига нисбатан кейинги адабий ёдгорликларнинг тилига хийла яқинроқдир. Бу ҳол эски туркий адабий тилининг турли шевалар ҳисобига ва маълум даражада форс-тожик ва арабча сўзларни ўзлаштириш йўли билан тараққий этиб борганини кўрсатади.

Халқ мақоллари ва таъбирлари достоннинг тилини ҳам, мазмунини ҳам бирмунча бойитади. Халқ мақолларига алоҳида эътибор берган шоир бундай деган эди:

Базадим китоби мавоиз, масал,
Боқиғли, ўқуғли осиғ олсу теп.

(Уқиган ва эшитганлар фойдалансин деб, китобимни насиҳат ва мақоллар билан безадим.)

У халқ мақолларини айнан ёки уларнинг мазмунини сақлаган ҳолда формасини шеърий мисраларга мувофиқлаштириб беради. Мисоллар:

www.ziyouz.com kutubxonasi

...Бу бир сўз ўзоғи ўрулмиш масал:
Куни бўл, кунилик қил, отин куни,
Куни тею билсун халойиқ сени.
Кунилик тўнин кий қўюб эгрилик,
Кидим, тўн тўлувси кунилик тўни.

(...Бу қадимги бир сўз мақол бўлиб кетган; тўғри бўл, тўғрилик қил, отинг тўғрилик бўлсин, халойиқ сени тўғри деб англасин. Тўғрилик тўнини кий, эгриликни ташла, кийим-тўнинг тўғрилик тўни бўлсин.)

Ўчуктурма эрни тилин, бил, бу тил,
Башақ турса, бутмас, бутар ўқ боши.

(Тилинг билан ўч ҳиссини қўзғама, бил: ўқ яраси битиб кетади-ю, тил яраси битмайди.)

Оримас неча юса қон бирла қон.
(Қонни қон билан ювиб (тозалаб) бўлмайди.)

Бундай мисралар халқнинг тўғрилик ҳақидаги донишмандона сўзлари, «Қилич яраси тузалади, тил яраси тузалмайди», «Қонни қон билан ювиб бўлмас» каби мақолларнинг мазмуни асосида яратилгандир.

Аҳмад Югнакий фикр-мулоҳазаларидаги зиддиятларига қарамай, ўз даврининг прогрессив шоири ва мутафаккири сифатида гавдаланади. У «Ҳибатул-ҳақойиқ» достони билан қадим туркий адабий тили ҳамда адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшди. Гарчи «Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг нусхалари у қадар кенг тарқалмаган бўлса ҳам, у Навоий каби буюк сўз санъаткорининг назаридан четда қолмаган эди. Навоий «Насоимул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадаси») асарида «Ҳибатул-ҳақойиқ»дан парча келтириб, шоирнинг кўзи ожиз бўлганини қайд этади. Шунингдек, Навоий Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамонга ёзган хатларидан бирида ҳам «Ҳибатул-ҳақойиқ»дан мисралар келтиради. Навоийга «Ҳибатул-ҳақойиқ»нинг таниш ва манзур бўлиши Аҳмад Югнакийнинг адабиёт тарихида муҳим ўрин тутганини, унинг ижодиёти ўзбек адабий тили ва адабиёти билан ҳам алоқадорлигини яна бир карра таъкидлайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АҲМАД ЯССАВИЙ

Аҳмад Яссавий тасаввуфнинг ва тасаввуф адабиётининг йирик вакили, яссавия (ёки жаҳрия) тариқатининг асосчисидир. Яссавия реакцион феодал-клерикал гуруҳларнинг дунёқарашини ифода этган, ислом динини, бадбинлик ва таркидунёчиликни тарғиб қилган, меҳнаткаш халқ оммасини муҳтожлик ва ҳуқуқсизликка кўникишга, эксплуататорларга қулдек тобе бўлишга чақирган энг реакцион тариқатдир. Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат» деб аталган шеърлари ва унинг издошларининг ижодиёти, асосан, худди шу мақсадга хизмат қилган эди.

Аҳмад Яссавийнинг шахси ҳақида

Ўтган ва ўтмаган «авлиё»лар, машойихлар ҳақида афсона ва ривоятлар яратиш дин ва тасаввуфни тарғиб этиш формаларидан бири эди. Аҳмад Яссавий ҳам афсона ва ривоятларга ўралиб кетган «авлиё», шайхдир. Унинг тўғрисида шу қадар кўп ва қисман бир-бирига зид афсона ва ривоятлар яратилганки, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Татаристон, Туркия ва бошқа ўлкаларда ўтмишда кенг шуҳрат топган бу шайхнинг шахсига доир тарихий ҳақиқатни аниқлаб олиш ниҳоятда мушкулдир.

Аҳмад Ясси (Туркистон)да руҳоний-шайх оиласида туғилди. Отаси Иброҳим Ясси ва Сайрамда узоқ йил шайхлик қилган ва кўп муридлари бўлган экан. Ривоятлар Шайх Иброҳимни унинг отаси Маҳмуд, бобоси Ифтихор ва бошқалар орқали Муҳаммад пайғамбарнинг қизи — Фотима наслига боғлайди. Аҳмад Яссавийнинг болалик йиллари Сайрамда ўтади. Гўдаклик чоғида отаси ўлиб, Арслонбоб деган эшоннинг қўлида қолади. Арслонбоб ўлгандан кейин Бухорога бориб, машҳур мутасаввиф Юсуф Ҳамадонийдан тасаввуф бўйича таълим олади. Юсуф Ҳамадонийнинг вафотидан кейин унинг ўрнига халифалик қилади, сўнг йирик бир мутасаввиф сифатида Туркистон музофотига қайтиб келади. Аҳмад Яссавийнинг шайхлик фаолияти авж олиб кетади. У ўзини карамоатли бир авлиё қилиб кўрсатади, ваъзхонлик қилади, кўплаб муридлар овлайди. Аҳмад Яссавийнинг шуҳрати ортади, унинг тўғрисида хилма-хил афсона ва ривоятлар пайдо бўлади, «Мадинада Муҳаммад, Туркистонда Хожа Аҳмад» деган овозалар тарқалади, турли жойлардан «пирга қўл бериш учун» кўплаб кишилар келади.

Ривоятларга кўра, Аҳмад Яссавий пайғамбардан ортиқ умр кўришни (Муҳаммад 63 ёшида вафот этган) гуноҳ деб билиб, 63 ёшида ертўлага — чиллахонага кирган эмиш, 60 кеча-кундуз рўза тутган эмиш, умрининг охирги йилларини ўша чиллахонада

www.ziyouz.com kutubxonasi

нуқул тоат-ибодат билан ўтказган эмиш. Айрим манбаларда, жумладан, Мавлоно Хусомиддин Сиғноқийнинг рисоласида Аҳмад Яссавий 130 йил умр кўрган деб маълумот берилади. Бу маълумотда муболаға бўлиши мумкин. Бироқ кўпчилик манбаларнинг кўрсатишича, Аҳмад Яссавий 1166(562) йилда вафот этган.

Шайх ва эшонларнинг мозори, қадамжой ва зиёратгоҳлар дин ва хурофотни тарғиб этиш, халқнинг онгини заҳарлаш жойи ва катта даромад манбаларидан бири эди. Шунинг учун ҳам феодал-клерикал гуруҳлар шайх ва эшонларга сағана ва мақбара ясашга катта эътибор берганлар, ҳатто аслида ўтмаган «авлиё» ва «машойих»ларга ҳам «ҳурмат» билан қараб, уларнинг мурдаси бўлмаган ерларга ҳам сағана ва мақбаралар бино қилганлар. Сайрам, Туркистон шаҳарларидаги ва уларнинг атрофидаги «муқаддас» мозор, қадамжой ва зиёратгоҳларнинг бир қанчаси Аҳмад Яссавий ва унинг аждодлари номига қўйилган. Сайрамнинг турли жойларида Аҳмад Яссавийнинг отаси Шайх Иброҳимнинг, онаси Қорасоч момонинг, ака-укалари Латиф ота ва Мустафоқули оталарнинг қабри бор. Аҳмад Яссавийнинг ўзи эса Яссида дафн қилинган. Жаҳонгир подшо Амир Темур 1395—1397 йилларда Аҳмад Яссавийнинг эски қабри ўрнига катта ва муҳташам мақбара қурдирган. Ривоятларга кўра, Олтин Ўрда хони Тўхтамиш Яссавий авлодининг мол-мулкини талаган экан, Тўхтамишни енгган Темур бу мол-мулкни ундириб олибди ва унинг эвазига бир катта мадраса қуришга буйруқ берибди, бироқ Темурнинг вафотидан кейин бу иш амалга ошмай қолибди. Бошқа феодал ҳукмдорлар ҳам Аҳмад Яссавий ва унинг мозорига эътиқод ва ихлос билан қараганлар. Масалан, Қўқон хони Амир Умархон 1819 йилда Туркистонни босиб олаётганида, Яссавий қабрини зиёрат қилади, худойиликка 70 қўй сўйдиради ва шайхларга инъом беради. Бу фактлар феодал давлатнинг теократик характерини яна бир карра равшан очиб беради. Феодал ҳукмдорлар шайх ва авлиёларга ихлос ва эътиқод қилиш билан, бир томондан, дин ва тасаввуфни тарғиб қилсалар, иккинчи томондан, ўз «подшоҳи исломлик» шон-шуҳратларини ҳам оширишга уринадилар. Чор қўшинлари Туркистонни босиб олган вақтда Яссавий мақбараси бирмунча хароб бўлди. Шунинг учун чор ҳукумати 1884 йилда мақбарани тиклаш ва уни сақлаш учун 15 000 сўм пул ажратди. Бу билан чоризм, бир томондан, феодал-клерикал гуруҳларнинг норозилигини бостиришга, иккинчи томондан, дин ва хурофотни кучайтириб, ўз сиёсий ҳукмронлигини мустаҳкамлаб олишга интилди[1].

[1] Аҳмад Яссавий мақбараси халқ меъморчилигининг ёдгорлигидир. Шунинг учун ҳам 1928 йилда давлат томонидан махсус маблағ ажратилиб, бу мақбаранинг шикаст-рехти тузатилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туркистонда Аҳмад Яссавийнинг мақбараси яқинида 1896 йилга қадар бир қабр бўлган ва у қабр Аҳмад Яссавийнинг қизи Жамолхоним қабри деб юритилган. Аҳмад Яссавийнинг бошқа қизи Гавҳар-Ҳуштари номига нисбат берилган иккинчи бир қабр эса ҳозир ҳам бор. Айрим маълумотларга кўра, Тошкентда (Госпитальная районида, бу ер эски Тошкентнинг марказий бир қисми бўлган) Аҳмад Яссавий ўғилларидан бирининг қабри бўлган экан.

Аҳмад Яссавий тўғрисидаги афсона ва ривоятлар ҳам феодал-клерикал гуруҳларнинг халқ оммасини эксплуатация қилиши ва унинг онгини заҳарлаши учун қўл келар эди. Шунинг учун ҳам ўтмишда Аҳмад Яссавий ҳақида жуда кўп афсона ва ривоятлар яратилган.

Шундай қилиб, Аҳмад Яссавий шахсига доир айрим маълумотлар бирмунча ишончли бўлса ҳам, бироқ уларнинг кўпи, бошқа шайх ва авлиёларга доир маълумотлар сингари, афсона ва ривоятлар билан қўшилиб кетган.

«Девони ҳикмат»

Аҳмад Яссавий, бошқа кўп мутасаввифлар каби, сўз санъатидан фойдаланиб, ислом ақидаларини, жаҳрия тариқатини тарғиб қилувчи шеърлар битди. Унинг шеърлари «Ҳикмат», шеърлар тўплами эса «Девони ҳикмат» номи билан юритилди.

«Девони ҳикмат»нинг яратилиш тарихи, унинг ким томонидан ва қачон тузилгани маълум эмас. Девоннинг энг эски нусхалари ҳам сақланиб қолмаган. Бизга маълум бўлган XV асрда кўчирилган тўртта ҳикматни ҳисобга олмаганда, қўл ёзмаларнинг энг қадимгилари XVII асрга мансубдир. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб «Девони ҳикмат»нинг босма нусхалари ҳам пайдо бўла бошлаган. У Тошкент, Қозон ва Истамбулда бир неча бор нашр этилган.

«Девони ҳикмат»нинг қўл ёзма нусхалари ҳам, босма нашрлари ҳам бир-биридан жуда фарқ қилади. Уларда шеърлар миқдори бир хил эмас, бирида бўлган кўпгина шеърлар иккинчи бирида йўқ, борлари эса ҳажми ва тексти жиҳатидан бир-биридан катта фарқ қилади. Шеърларда зикр этилган ном (ёки тахаллус) ҳам бир хил эмас. Масалан, «Девони ҳикмат»нинг шеърлар миқдори жиҳатидан энг катта нусхаси бўлган бешинчи Қозон нашрини олайлик. Унда 149 ҳикмат берилган бўлиб, улардан 109 ҳикмат бевосита Аҳмад Яссавийнинг номи билан боғлиқдир. Бу ҳикматларда Аҳмад Яссавий номи «Қул Хожа Аҳмад», «Хожа Аҳмад Яссавий», «Аҳмад ибн Иброҳим», «Султон Хожа Аҳмад Яссавий», «Яссавий мискин Аҳмад», «Мискин Яссавий» ва «Хожа Аҳмад» тарзида берилган, айрим ҳикматларда эса қисқагина «Аҳмад» ёки «Аҳмадий», «Қул Аҳмад» ёки «Мискин Аҳмад» номлари ишлатилган. Юқоридаги номлар билан келган айрим шеърлар бошқа китобларда, масалан, Сулаймон Боқирғонийнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Боқирғон китоби»да, Мулло Шамсиддин Ўзгандийнинг ҳикматларида ҳам учрайди. Бундан ташқари, «Девони ҳикмат» нусхаларига Қул Шариф, Мискин Ғариб, Қул Асад, Худойдод, Қул Нодирий, Қул Сайфиддин, Бобо Мочин, Мискин Қосим, Мискин Азим ва бошқа авторларнинг шеърлари ҳам киритилган. Айрим шеърларнинг автори умуман кўрсатилмаган.

Тил ва услуб жиҳатидан ҳам «Девони ҳикмат» нусхалари бир-биридан катта фарқ қилади. «Девони ҳикмат»нинг бирорта нусхаси ҳам Яссавий тилининг, XII аср ўзбек тилининг айнан асл ёдгорлиги бўла олмайди. Чунки Яссавий ҳикматлари оғиздан оғизга кўчиб, китобдан китобга ўтиб, ўз асл тилини аллақачонлар ўзгартириб юборган эди, унда қадимги тилнинг айрим архаик элементларигина сақланиб қолган. Шеърлар мазмун жиҳатидан ҳам фарқ этади, ҳатто баъзан зид келади. Бу эса профессор А. К. Боровков таъкидлаганидек, «Девони ҳикмат»даги шеърларнинг қайси бири бевосита Аҳмад Яссавийга мансуб эканини аниқлашни ғоятда мушкуллаштиради ва уларнинг аслини тасаввур этишга имкон бермайди[1]. Лекин, шунга қарамай, «Девони ҳикмат» шеърларининг кимга мансублиги ва уларнинг ўзгариб бориши ҳақида, мулоҳаза тарзида бўлса ҳам, қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. «Девони ҳикмат»даги шеърларнинг хилма-хил ўзгаришларга учраганига қарамай, девоннинг ғоявий негизини асосан Аҳмад Яссавий шеърлари ташкил этади. Бу фикр Аҳмад Яссавий номи турли шаклда зикр этилган шеърларга (албатта, ҳаммасига ҳам эмас) тааллуқлидир. Яссавий шеърларининг тили ва услуби ўзгариб борган бўлса ҳам, лекин уларнинг асосий ғоявий мазмуни сақланиб қолган.

2. «Девони ҳикмат» бевосита Аҳмад Яссавийнинг ўзи томонидан эмас, балки кейинроқ унинг мухлислари томонидан тузилган бўлиши керак. Агар «Девони ҳикмат»ни Аҳмад Яссавийнинг ўзи тузганда эди, девон шу даражада хилма-хил ўзгаришларга учрамаган бўлур эди.

3. Узоқ замонлар давомида «Девони ҳикмат»га турли хил ўзгаришлар киритилган. Бу ўзгаришлар шеърларнинг миқдори ва ҳажмига ҳам, уларнинг тил ва услубига ҳам тааллуқлидир. Яссавий ҳикматларининг тили ва услуби ўзгариб, кейинги даврларнинг тилига мувофиқлашиб борган, таҳрир қилинган. Яссавий ҳикматларига ўхшатма ёки тақлид тариқасида янги ҳикматлар яратилган, уларнинг кўпчилиги Яссавий номи билан аталган; «Девони ҳикмат»даги шеърлар алфавит сираси билан жойлаштирилиб, девонга «Дебоча» ҳам илова қилинган ва ҳоказо.

Яссавий ҳикматларининг ўзгариб борганини улардаги «Туғ-

[1] Қаранг: А. К. Боровков. Очерки по истории узбекского языка, I (Определение языка Хикматов Ахмада Ясеви), «Советское востоковедение», V, 1948.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қан ерим ул муборак Туркистон» каби кўпгина мисралар ҳам кўрсатади. Чунки илгари Яссий деб номланган шаҳар фақат XV асрнинг охирларидан бошлаб Туркистон деб юритилган.

4. «Девони ҳикмат»га Яссавий шеърлари ёки Яссавийга нисбат берилган шеърлардан ташқари, унинг шогирдлари ва мухлислари томонидан яратилган шеърлар ҳам киритиб турилган.

5. «Аҳмад» ёки «Аҳмадий» номи билан айтилган бир қатор шеърлар, проф. А. К. Боровков таъкидлаганидек, Аҳмад Яссавий шеърлари бўлмай, балки шу номдаги бошқа шоирнинг шеърлари бўлиши мумкин. «Аҳмад» ёки «Аҳмадий» номи билан келган кўпчилик шеърларнинг аруз вазнида бўлиши (Яссавий ҳикматлари асосан бармоқ вазнидадир), уларнинг тил ва услуб жиҳатидан XV аср адабиётига яқин туриши шуни кўрсатади. А. К. Боровковнинг фараз қилишича, «Девони ҳикмат»даги «Аҳмад» ёки «Аҳмадий» Камолиддин Иқонийнинг муриди шайх Саид Аҳмад (XV аср) бўлиши мумкин.

6. Модомики, «Девони ҳикмат» турли ўзгаришларга учраб, Аҳмад Яссавийнинг кўпдан-кўп шогирдлари, мухлислари ва мутасаввиф котиблар томонидан «таҳрир» қилинган, Яссавий ҳикматларига тақлид қилиб ёзилган ва мустақил битилган шеърлар билан тўлиб борган экан, у фақат Яссавийнинг бадиий ёдгорлиги бўлмай, балки яссавия-жаҳрия тариқатининг бир неча асрлик умумий адабиёт ёдгорлигидир. Тил ва услубнинг фарқ-тафовутлари ҳам, мавзу ва мазмундаги зиддиятлар ҳам (гарчи бундай зиддиятлар бир шахснинг ўзида ҳам содир бўлиши мумкин бўлса-да) шуни кўрсатади.

Дин ва тасаввуф — «Девони ҳикмат»нинг етакчи ғоявий негизи

Дин ва тасаввуф «Девони ҳикмат»нинг етакчи ғоявий негизидир. Биз илк тасаввуфнинг ислом динига нисбатан маълум оппозицияда бўлгани, бироқ Муҳаммад Ғазолийдан бошлаб унинг деярли тамомила ислом динига мослашиб, унга тобе бўлиб кетганини биламиз. Тасаввуфнинг яссавия-жаҳрия тариқати ҳам худди шундай эди. Буни, жумладан, «Девони ҳикмат»да равшан кўриш мумкин. Ундаги шеърларда дин билан тасаввуф шунчалик чатишиб кетганки, уларни маълум бир чегара билан ажратиш мумкин эмас. Зотан, шундай бўлиши ҳам табиий эди, чунки ислом дини ҳам, яссавия тариқати ҳам (ўзига хос айрим хусусиятларидан қатъи назар) бир синфнинг — ҳукмрон феодалларнинг дунёқараши ва манфаатларини ифодалайди.

Аҳмад Яссавий ислом динининг қонун-қоидалари ва урф-одатларининг йиғиндиси бўлган «шариат»ни, тасаввуф маслаги бўлган «тариқат»ни, ишқи илоҳийни —«маърифат»ни, худо ва унга эришмоқни — «ҳақиқат»ни зўр бериб тарғиб қилади. Шунга кўра ҳам, «Девони ҳикмат»га ёзилган дебочада «Эй дарвиш, билгил ва огоҳ бўлгилким, аввал калимаи шариат, иккинчи калимаи та-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риқат, учинчи калимаи маърифат, тўртинчи калимаи ҳақиқатни билмак керак. Сўфи бўлиб бу калималарни билмаса, сўфи эмас»,— дейилади ва бу тўрт «калима» (сўз)га «Қуръон»даги бевосита Муҳаммад пайғамбарга бағишланган оятлар орқали изоҳ берилади.

Аҳмад Яссавийнинг фикрича, «шариатсиз» «тариқат», «тариқатсиз» «маърифат», «маърифатсиз» «ҳақиқат» бўла олмайди; булардан ҳар бири иккинчи бири учун бир босқич бўлиб, уни тўлдиради, такомиллаштиради. Бу тўрт босқич киши ҳаёти ва фаолиятининг асл моҳиятини ташкил этар эмиш. Бинобарин, киши эртаю кеч тоат-ибодат қилиши, «Қуръон» ўқиши керак эмиш. Шунда у маърифат ҳосил қилар ва олим бўлар эмиш. «Девони ҳикмат»даги кўп шеърлар ва айниқса ундаги Муҳаммад пайғамбарга, халифа ва саҳобаларга бағишланган ҳамду санолар тоат-ибодат қилишга чақиради.

Аҳмад Яссавий кишиларни худога банда (тобе, қул), пайғамбарга уммат бўлиш ва тоат-ибодат қилишга чақириш билан, бошқача айтганда, дин ва шариатни тарғиб қилиш билан чегараланиб қолмайди. У зўр бериб тасаввуф тариқатини, хусусан, унинг мистицизм ва аскетизм ақидаларини тарғиб ва ташвиқ қилади. Унинг таълимотига кўра, киши бутун ҳаётини худога, илоҳий ишққа бағишлаши, ундан бўлак барча нарсани (худодан мосивони) рад этмоғи керак эмиш. Чунки ҳаётнинг моҳияти ҳам, яшамоқнинг мақсади ҳам худога —«ҳақиқат»га эришмоқдан иборат эмиш.

Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларида мистика билан аскетизм, «сирлар олами»га ғарқ бўлиш билан таркидунёчилик бир-бирига чатишиб кетади. Аҳмад Яссавий «Мавту қабла анта мавту» («ўлмасингиздан бурун ўлинг») деган тезисни илгари суради. Бу — киши бутун дунёдан, ўзлигидан, ҳаётнинг неъматларидан воз кечиши, ўзини ҳар жиҳатдан қийнаб, ўлимини яқинлаштириши керак, яъни тирик мурда бўлиши керак, деган сўздир. «Дунёни пучак пулга сотқум келур», — деган Аҳмад Яссавий: «Туфроқ бўлғил, олам сани босиб ўтсун», «Юз минг бало бошқа тушса, инграмагил», «Бало келса, тоқат қил», «Дунё учун ғам ема, ҳақдин ўзгани дема», — деб «насиҳатгўйлик» қилади.

Хўш, Яссавий «насиҳат»ларининг ижтимоий-синфий моҳияти ва мақсади нимадан иборат эди?

Яссавий «насиҳат»лари феодал-клерикал ҳукмронлигини мустаҳкамлашга, эксплуататорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган эди. Бу «насиҳат»лар меҳнаткаш оммани эксплуататорларга қулларча итоатда бўлишга, ҳар қандай жабр-зулмга кўниб ва кўникиб шукур қилишга ўргатар эди. У бунга амал қилмаган кишиларга дўзах қийноқлари билан даҳшат солар эди. Киши қанчалик кўп жабр-зулм кўрса, азоб-машаққат чекса, «У дунё»да шунчалик азиз ва бахтиёр бўлар эмиш. Бинобарин, киши «бир бетига урганга иккинчи бетини тутиб бериши» керак эмиш.

Хуллас, Аҳмад Яссавий бу «насиҳат»лари билан меҳнаткаш

www.ziyouz.com kutubxonasi

омманинг ижтимоий адолатсизликка қарши норозилик ҳаракатларини бўғиб ташлашга, «у дунё»нинг қийноқлари ёки ноз-неъматлари билан уларнинг онгини заҳарлашга интилар эди. Шу билан бирга, Аҳмад Яссавий «насиҳат»ларидаги бадбинлик ва тарки дунёчилик жамиятнинг ижтимоий тараққиётига, айниқса, маданият ва маърифатнинг юксалишига қарши, илм-маърифатни емириб ташлашга, нодонлик ва жаҳолатни тарғиб қилишга қаратилган эди.

Аҳмад Яссавийга нисбат берилган шеърларда —«Девони ҳикмат»да баъзан етакчи мавзу ва ғояга зид шеър ва алоҳида мисралар учрайди. Аммо бу «Девони ҳикмат»нинг етакчи моҳиятини ўзгартириб юборолмайди, мустасно ўрин тутади. Чунки:

1. Аҳмад Яссавий мазлумларга қарата: «Золим агар жафо қилса, олло дегил»; «Золим агар зулм айласа, менга йиғла, Ёшинг сочиб, менга сиғиниб, белинг боғла», — дер экан, у бу билан мазлумларни золимларга қарши бош кўтармасдан, худога ва ўзи каби «авлиё»ларга сиғинишга, ҳар қандай курашдан воз кечишга чақиради.

2. Меҳнаткаш омманинг бошига тушган барча жабр-ситам ва азоб-машаққатлар кишиларнинг дин ва шариат, қуллик ва тобелик йўлидан тойганлари учун худо томонидан юборилган жазо эмиш. Бунга феодал-клерикал гуруҳлар эмас, балки омманинг ўзи айбдор эмиш. «Худога яқин турган» Аҳмад Яссавийнинг ўзи эса:

«Ҳақиқатдин сўзлар айтдим, эшитмадинг,
Золимларни илгин узун қилдим мано»,—

деб, очиқдан-очиқ золимларни қўллайди, уларнинг «қўлини узун қилиб», жабр-ситамга кенг йўл очиб беради.

3. Золимларни «қоралаш» ва мазлумларга «мушфиқлик» дин ва тасаввуфни кенгроқ тарғиб қилиш ва кишиларни тузоққа илинтириш учун, умуман, дин-шариат намояндалари, жумладан мутасаввифлар томонидан қўлланилган мунофиқона бир восита эди. Диннинг муқаддас деб аталмиш китобларида, жумладан «Қуръон» да ҳам бундай «эзгу» ўринлар бор.

4. Золимларга қарши норозилик кайфиятлари ва мазлумларга мушфиқлик майлларини ифодаловчи айрим шеър ва шеърий парчалар бирмунча радикалроқ позицияда турган кишилар томонидан яратилиб, кейинчалик «Девони ҳикмат»га кириб кетган бўлиши ёки (агар улар ҳақиқатан Аҳмад Яссавийга мансуб бўлганида) Яссавий ижодида мустасно бир ўрин тутиши, ижоднинг маълум этапига хос бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси Аҳмад Яссавий шеърларининг асл нусхалари ёки қадимийроқ нусхалари топилиб, жиддий текстологик ишлар олиб борилгандагина равшанлашади. Ҳозирги мулоҳазаларда эса мавжуд қўл ёзма ва нашрларга асосланилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Девони ҳикмат»нинг шеърий тузилиши ва тили

Яссавий ҳикматлари бизга қадар айнан етиб келган эмас. Бинобарин, биз Яссавий ҳикматларининг бадиий хусусиятлари ва тили ҳақида эмас, балки хилма-хил ўзгариш ва янгиликлар киритилган «Девони ҳикмат»нинг бадиий хусусиятлари ва тили ҳақида фикр юрита оламиз.

«Девони ҳикмат»даги айрим шеърлар (масалан, Яссавий «саргузашт»лари, Муҳаммад пайғамбарга бағишланган шеърлар ва бошқалар) лиро-эпик характерга эга бўлса-да, аммо кўпчилик шеърлар лирик шеърлардир. Шунга кўра, «Девони ҳикмат, асосан, лирик тўпламдир. Лиро-эпик шеърларида дин ва тасаввуфни айрим «саргузашт» ва «ривоят»лар баёни билан тарғиб қилган Аҳмад Яссавий лирик шеърларида кўпроқ риторик ваъзхонлик усулини қўллайди.

«Девони ҳикмат»даги бир неча ғазални мустасно қилганда, девон мураббаъ шаклидаги шеърлардан ташкил топган. Бандлари тўрт мисрадан ташкил топган шеър тури ўзбек халқ оғзаки ижодида (айниқса қўшиқларда) ва ёзма адабиётда кенг тарқалган. Яссавий ва унинг издошлари, ўз диний ва тасаввуфий маслакларини хат-саводи бўлмаган халқ оммаси ўртасида кенгроқ тарқатиш мақсадида, атайин тўртлик — қўшиқ формасидан фойдаланганлар. Бандлари тўрт мисрадан иборат бўлган ҳикмат, асосан, «а-а-а-б» «в-в-в-б» тарзида қофияланади ва кўпинча биринчи банддаги тўртинчи мисра кейинги бандларда нақарот бўлиб келади. Арузда яратилган айрим шеърларни ҳисобга олмаганда, «Девони ҳикмат»даги барча шеърлар бармоқ вазнида ёзилган. «Девони ҳикмат»нинг кўпчилик шеърлари 7 ва 12 ҳижоли шеърлардир. Бу шеърлар маълум бир куйга мувофиқ яратилган. Улар шайхлар ва муридлар ҳамда саёқ қаландарлар томонидан куйланган, ваъзларда айтилган.

«Девони ҳикмат» шеърларининг поэтик жиҳатдан халқ қўшиқларига яқин бўлиши Яссавий ва унинг издошларининг халқ оммасига ҳамда унинг поэтик ижодиётига ихлоси ва эътиқодини кўрсатмайди. Яссавий ва унинг издошлари бу «ҳикмат»лар билан халқ оммасини жаҳолат асорати остида қолдиришга, халқнинг зулм-зўрликка нафрати ва ширин орзу-хаёлларини куйловчи ҳаётий ва жўшқин қўшиқларини суриб чиқариб, ўзларининг бадбин ва сўлғин «ҳикмат»ларини тарқатишга интиладилар.

Биз «Девони ҳикмат»нинг XII аср тилининг ёдгорлиги эмаслигини юқорида эслатиб ўтган эдик. У тилдан тилга, котибдан котибга ўтиб борар экан, П. М. Мелиоранский айтганидек, тил жиҳатидан «замонавийлашар» эди[1]. Шунинг учун ҳам турли даврда ва турли районларда кўчирилган «Девони ҳикмат»нинг тили бир-биридан жуда катта фарқ қилади. Биз «Девони ҳикмат»да

[1] P. Melioransky. Ahmed Jesewi, Enzuvl des Islam, I, 217-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

архаик элементларни ҳам, диалектал хусусиятларни ҳам, форс-тожик тилининг таъсирини ҳам кўрамиз. Девонда *ёзуқ* (гуноҳ), *учмох* (жаннат), *ариқ* (пок, тоза), *эмгак* (меҳнат) ва бошқа архаик сўзларнинг, *ёвуқ* (яқин), *илиг* (қўл) каби территориал диалектларга хос сўзларнинг, *бад* (ёмон), *кас* (киши), *бози* (ўйин, эрмак), *обу гил* (сув ва тупроқ) каби форс-тожик сўзлари ва «у» боғловчисининг ишлатилиши, девоннинг Истамбул ва Қозон босмаларида турк ва татар тили элементларининг учраши фикримизнинг исботидир.

Девонда қайта-қайта такрорланиб келган *арш, ваҳдоният, гуноҳ, дўзах, ёзуқ, зикр, маҳшар, охират, оят, пир, сирот, субҳон, фано, холиқ, қиёмат, ғайб, ҳадис, ҳақ* каби бевосита дин ва тасаввуфга доир сўз ҳамда терминларнинг жуда кўп ишлатилиши «Девони ҳикмат» тилининг жуда характерли хусусиятларидан биридир. Шу билан бирга, унда «Қуръон»дан олинган таъбир ва оятлар ҳам, пайғамбар, авлиё ва машойихларнинг номи ҳам жуда кўп қўлланилади, таъриф ва тавсиф қилинади. Буларнинг барчаси Яссавий ҳикматларининг етакчи ғоявий йўналиши билан, уларнинг асосий моҳияти билан боғлиқ эди.

Хуллас, «Девони ҳикмат» руҳонийлар ва мутасаввифлар томонидан зўр бериб тарғиб қилинди. У асрлар давомида халқ оммасининг онгини дин ва тасаввуф ақидалари билан заҳарлаб келди.

Яссавия ёки жаҳрия тариқати турли даврларда ва турли жойларда Аҳмад Яссавийнинг кўплаб шогирдлари ва мухлислари томонидан давом эттирилди. Сулаймон Боқирғоний, Бобо Мочин, Шамсиддин Ўзгандий, Худойдод, Қул Насимий, Убайдий ва бошқа реакцион шоирлар «Девони ҳикмат»нинг изидан бориб, мистика ва аскетизмни тарғиб қилувчи асарлар яратдилар.

Аҳмад Яссавийнинг шогирди ва издошларидан бири Сулаймон Боқирғонийдир. (1186 йилда Хоразмнинг Боқирғон қишлоғида вафот этган[1].) Сулаймон Боқирғонийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида жуда кўп афсона ва ривоятлар яратилган. Сулаймон Боқирғоний (у Ҳаким ота номи билан ҳам юритилган) Аҳмад Яссавийга эргашиб, реакцион шеърлар яратган (шеърлари «Боқирғон китоби» номи билан тўплам қилинган). «Боқирғон китоби»даги шеърлар ғояси, услуби ва тили жиҳатидан Аҳмад Яссавий шеърларига шунчалик яқин ва монандки, баъзан уларни бир-биридан ажратиш ҳам амри маҳолдир. Боқирғоний шеърлари оғиздан оғизга ўтиб борган, мутасаввифлар томонидан тарғиб қилинган, тил ва услуб жиҳатидан ўзгаришларга дуч келган, «Боқирғон китоби»га янги шеърлар ва мисралар қўшилиб борган («Боқирғон китоби» Қозонда 1877 йилда, кейин ўша ерда яна икки марта нашр этилади).

---

[1] Боқирғон қишлоғида унинг номи билан аталувчи мақбара ҳозир ҳам бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сулаймон Боқирғоний шеърлардан ташқари, «Охир замон китоби» ва «Биби Марям китоби» деб аталган икки достон ҳам яратган. Диний сафсаталардан иборат бўлган бу достонларида ҳам, у қулдек тобеликни тарғиб қилади, дўзах азоблари, қиёмат қойим бўлиши ҳақидаги афсоналар билан халқни даҳшатга солмоқчи бўлади. Сулаймон Боқирғонийнинг достонлари ҳам ўзгаришлар билан бизгача етиб келган.

Диний-мистик адабиёт ҳам, дин ва тасаввуфнинг ўзи каби, меҳнаткаш омманинг, инсон тафаккури ва маданият тараққиётининг ашаддий душмани эди. Меҳнаткаш оммани қулларча тобеликда сақлашдан, жаҳолат остида қолдиришдан манфаатдор бўлган феодал-клерикал доиралар Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийга ўхшаш мистик шоирларнинг асарларини зўр бериб тарғиб қилар, уларни авлиёлаштириб афсона ва ривоятлар яратар, хонақоҳларни ва «муқаддас» мозор ҳамда қадам жойларни кўпайтирар эдилар.

ХУЛОСАЛАР

X—XII асрларда Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаётда жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Бу даврда Ўрта Осиё шаҳарлари хийла кўркам ва обод бўлди, гўзал ва ҳашаматли бинолар қурилди, наққошлик, тасвирий санъат, хаттотлик, музика ва бошқалар ривожланди. Ўрта Осиё жаҳон илм-фанининг йирик ва марказий ўчоқларидан бирига айланди. Ўрта Осиё олимлари ўтмиш ватандошларининг, антик грек, ҳинд ва бошқа халқларнинг илм-фан ютуқларидан ижодий фойдаланиб, илм-фанни янги тараққиёт босқичига кўтардилар, оламшумул ихтиролар қилдилар, ўлмас асарлар яратдилар. Ўрта Осиё олимларининг илмий ютуқлари асрлар давомида ўз назарий ва амалий қимматини сақлаб қолди, Шарқ ва Ғарб ўлкаларида ҳам илм-фан тараққиётининг янги босқичларига бир замин бўлди. Уларнинг илмий мероси ҳозирга қадар ўзининг назарий ва тарихий-маърифий қимматини маълум даражада сақлаб келмоқда.

Ўрта Осиё халқларининг озодлик ҳаракати натижасида араб халифалиги ҳокимиятининг емирилиб кетиши, йирик маҳаллий феодал давлатларнинг вужудга келиши, маҳаллий халқларнинг ташкил топиш процессининг кучайиши, феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожи, қишлоқ хўжалиги, шаҳарлар ҳаёти, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо ҳамда турли халқлар билан маданий алоқаларнинг ўсиб бориши Ўрта Осиё халқлари маданиятининг тараққиётига манба бўлди.

Бироқ феодалларнинг ўзаро урушлари ва сулолалар ўртасидаги урушлар Ўрта Осиё хўжалиги ва маданияти тараққиётига катта путур етказиб харобалик ва вайроналиклар вужудга келтирди. Реакцион руҳонийлар ва мустабид феодаллар маданият, илм-фан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва санъат тараққиётига қарши жон-жаҳдлари билан курашдилар, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларини таъқиб қилдилар. Ислом дини ва тасаввуф кишиларнинг онгини заҳарлади, маданият ва маърифат тараққиёти йўлида тўғаноқ бўлди.

Хўжалик ва маданиятнинг равнақ топиши меҳнаткаш оммаининг моддий ва маънавий аҳволини яхшиламади. Деҳқонлар ва камбағал косиб-ҳунармандлар эксплуатация қилиндилар. Улар илм-фан ва маориф ютуқларидан маҳрум бўлиб, феодал-клерикал жаҳолат остида қолдилар.

X—XII асрлар Ўрта Осиё халқларининг адабий тили ва бадиий адабиётининг тараққиётида ҳам катта ва муҳим бир босқич бўлди. Бу даврда дарий адабий тили вужудга келди. У Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатларда бадиий адабиётнинг тили бўлиб қолди. Бу тилда бой ва ранг-баранг адабиёт вужудга келди, бу адабиёт жаҳон маданияти хазинасига бебаҳо дурдоналар қўшди, Рўдакий ва Фирдавсий, Носир Хисрав ва Умар Хайём, Хоқоний ва Низомий каби улкан сўз санъаткорлари етишди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги кўп ўхшашликлар, иқтисодий ва маданий алоқалар, деярли бир хил ва умумий бўлган адабий тил ҳамда бошқалар бу даврдаги тожик, эрон, озарбайжон ва бошқа халқларнинг бадиий адабиётини маълум даражада муштарак адабиётга айлантирди. Бир-бири билан адабий алоқа ва ҳамкорлик заминида етишган ёзувчилар ўз халқларининг китобхонларигагина эмас, балки бошқа халқларнинг китобхонларига ҳам манзур бўлиб, уларнинг классик ёзувчилари қаторидан ўрин олдилар. Форс-тожик тилидаги адабиёт икки адабий йўналиш ўртасидаги узлуксиз кураш ва тўқнашув процессида ўсди, такомиллашди. Прогрессив адабиёт диний-мистик адабиётга ва реакцион сарой адабиётига қарши курашда катта муваффақиятларга эришиб, даврининг илғор қарашлари ва интилишларининг ифодачиси бўлди, инсонпарварлик, халқпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларини илгари сурди, ажойиб бадиий образлар яратди. Форс-тожик тилидаги адабиёт асрлар давомида ўзбек халқига ҳам манзур бўлиб келмоқда. Бу адабиёт хазинасида ўзбек ёзувчилари томонидан яратилган адабий дурдоналар ҳам бор.

X—XII асрлар туркий адабий тилларининг, жумладан, эски ўзбек ва уйғур адабий тилининг вужудга келиш процессининг тезлашиб боришида ҳам катта бир босқич бўлди. Турли туркий қабилалар бир-бирига яқинлашиб боргани каби уларнинг тили ҳам бир-бирига яқинлашиб борди, йирикроқ тил группалари вужудга кела бошлади. Ўғуз, чигил, қипчоқ, уйғур ва бошқалар мана шулар жумласидандир. Шу негизда кейинроқ «чиғатой» (эски ўзбек) адабий тили деб аталган тил вужудга кела бошлади. Қабила тилларининг яқинлашуви ва муштарак адабий тилга томон тараққий этиб боришида қабилалар ўртасидаги иқтисодий-мада-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ний алоқаларнинг ва бадиий адабиётнинг, жумладан ёзма адабиётнинг роли катта эди. Маҳмуд Кошғарийнинг илмий асари «Девону луғотит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» ва Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» достонлари туркий адабий тилнинг равнақ топишига катта ҳисса бўлиб қўшилган эди. Бу асарлар, С. Е. Малов айтганидек, кўпчилик туркий тилларнинг қадимги тарихи учун умумий фон, умумий тарихий негиз бўлиб хизмат қилади[1]; «Қутадғу билиг» ва «Ҳибатул-ҳақойиқ» каби асарларнинг тили кейинги асрларда вужудга келган адабий асарлар ва тил ўзгаришлари орқали «турк» ёки «чиғатой» тили деб аталган XV—XVI асрлардаги ўзбек адабий тилига боғланади.

«Қутадғу билиг» ва «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарлари, ғоявий зиддиятларига қарамай, давлат ҳокимиятини қатъий тартиб-қоидалар асосида мустаҳкамлаш ғоясини илгари суриши, ахлоқ-одоб ва илм-маърифат ҳақидаги тараққийпарвар фикр-мулоҳазалари билан ўз даврининг прогрессив адабиётидир. Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийлар ижоди (уларнинг номлари билан боғлиқ бўлган асарлар) эса дин ва тасаввуфни тарғиб қилган, меҳнаткаш оммани қулдек тобеликка чақирган, тарки дунёчилик ва бадбинликни ташвиқ этган реакцион адабиёт эди.

---

[1] С. Е. Малов. Памятники древнетюркской письменности; Изд. АН СССР, М.-Л., 1951, стр. 3.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XIII АСРДАГИ ВА XIV АСР БОШЛАРИДАГИ АДАБИЁТ

Ўрта Осиё халқларининг XIII асрдаги ва XIV аср бошларидаги маданияти, санъати ва адабиёти ҳам, уларнинг хўжалик ҳаёти сингари, Чингизхон истилоси ва унинг даҳшатли оқибатлари билан боғлиқдир. Бинобарин, бу даврнинг маданияти ва адабиёти ҳақида сўз юритишдан олдин Чингизхон истилоси ва унинг оқибатлари билан қисқача танишиб чиқиш лозим.

Чингизхон истилоси ва унинг даҳшатли оқибатлари

XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида Ўрта Осиёда феодал тарқоқлиги анча кучайган эди. Қаттиқ курашлар натижасида XII асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган йирик Хоразм давлати Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200—1220) даврига келиб сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан заифлашиб кетди. Кўпгина вилоятлар Хоразмшоҳга расмангина қарам эди, сарой аҳллари ўртасида иттифоқ йўқ эди. Муҳаммад Хоразмшоҳга қарши феодал-ҳарбий оппозиция вужудга келган эди, бу оппозицияни ҳатто Хоразмшоҳнинг онаси Туркон Хотун ҳам қўллаб-қувватлар эди. Хоразмшоҳ билан халифа ўртасида ҳам кучли ихтилофлар бор эди. Сотқин Маҳмуд Ялавоч[1] каби жосуслар орқали Чингизхон Хоразм давлатининг ички аҳволини ва унинг заиф томонларини яхши билар эди, у кўпдан буён Ўрта Осиёга бостириб киришга тайёрланаётган эди. Чингизхоннинг Ўрта Осиёга бостириб кириши учун баҳона бўлган бир воқеа юз беради: Чингизнинг Хоразмга йўл олган 450 кишилик савдо карвони 1218 йилда Ўтрор шаҳрида таланади, савдогарлар қириб ташланади.

Чингизхон қўшини 1219 йилда Еттисув вилоятини босиб олиб, Мовароуннаҳр ва Хоразм чегараларига яқинлашиб қолган эди. Кичик феодал давлатлар Чингиз қўшинига қарши ўз кучларини бирлаштиролмадилар. Муҳаммад Хоразмшоҳ эса уларга бош бўлиш у ёқда турсин, балки донишманд Шаҳобиддин Хевақийнинг кучни йиғиб, Чингизнинг асосий қўшинига зарба бериш керак,

[1] *Ялавоч* — элчи. Асли хоразмлик бўлган Махмуд Чингиз томонидан Хоразмшоҳга элчи бўлиб келган эди. Шунинг учун ҳам у Маҳмуд Ялавоч деб аталган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

деган маслаҳатини назар-писанд қилмай, ўз қўшинларини турли вилоятларга бўлиб юборган эди. Буларнинг барчаси Чингизнинг ғалабасига қўл келади. Шунга қарамай халқ оммаси ўз шаҳар ва қишлоқларини Чингизнинг даҳшатли ҳужумидан мардона ҳимоя қилади. Тарихчи Жувайнийнинг маълумотига кўра, ўтрорликлар 6 ой давомида шаҳарни ўз қўлларида сақлаб қоладилар. Худди шунингдек, Чингиз қўшини Бухорога бостириб кирганда 400 ватанпарвар Бухоро аркида туриб 12 кун давомида қаттиқ жанг қилади. Шаҳар оқсоқолларининг хиёнатига қарамай, самарқандликлар ҳам Чингиз қўшинига қарши узоқ ва шиддатли жанг қиладилар, халқ қаҳрамони Темур Малик бошчилигида Хужанд (ҳозирги Ленинобод) аҳолиси катта қаҳрамонлик кўрсатади. Ўзини даврининг Искандари деб атаган калтабин Хоразмшоҳ 1220 йилдаёқ қочиб кетган эди (у Каспий денгизининг жануб томонидаги бир оролда касал бўлиб хор-зорликда ўлиб кетади). Чингиз қўшини қаттиқ жанглардан кейин Термизни олгач, Шарқнинг энг йирик ва энг обод шаҳарларидан бири бўлган Урганчга қараб йўл олади. Хоразмшоҳнинг валиаҳди Жалолиддинга сарой аъёнлари ва аскар бошлиқларининг кўп қисми бўйин эгмас эди. Бу аҳволда Урганчни мудофаа этишга кўзи етмаган Жалолиддин бир оз вақт Хоразм қўшинига ҳам бошчилик қилган Темур Малик билан бирга куч тўплаб, кейин ҳужумга ўтиш мақсадида Хуросонга қараб йўл олади. Чингиз қўшини Урганчни қаттиқ қамал қилади, душман тўғонни очиб юбориб, шаҳарни сув остида қолдиради, шаҳар хароб бўлади, минглаб кишилар, жумладан машҳур ватанпарвар шайх Нажмиддин Кубаро фожиали ҳалок бўлади. Жалолиддин Хуросон, Ҳинд дарёси атрофи ва бошқа жойларда Чингизхон қўшинига қарши қаттиқ жанглар олиб боради. Жалолиддин 1221 йилнинг охирида Ҳинд дарёси бўйида бўлган сўнгги жангда енгилади, оиласини душман қўлида қолдиришни истамай, онаси, хотини ва бошқаларни дарё қаърига ташлайди, ўзи эса сузиб Ҳиндистон тупроғига ўтади. У 1224 йилнинг бошига қадар Ҳиндистонда бўлади, кейин эса Закавказьега ўтиб, у ерда катта давлат қурмоқчи бўлади, қирғин урушлари олиб боради, грузинларни ва бошқа халқларни талон-тарож қилади (1231 йилда у Курдистон тоғларида ёлғизликда ҳалок бўлади). Чингиз қўшинига қарши узоқ йиллар давомида мардона кураш олиб борган Темур Малик эса мағлубиятдан кейин бир сиқим ватани тупроғини олиб Шом ва Арабистонда бир неча йил дарвеш бўлиб юради. Охири ватанига қайтади ва мўғул қўшини қўлига тушиб, ўлдирилади.

Шундай қилиб, феодал тарқоқлиги, давлат бошлиқларининг ноаҳиллиги ва айрим аристократ табақаларнинг хиёнати Чингизхоннинг Ўрта Осиёни босиб олишини хийла енгиллаштиради. Лекин мўғул истилочиларига қарши мардона курашган халқ оммаси руҳан мағлуб бўлмади, у босқинчиларга қарши озодлик кураши олиб борди. Бунинг ёрқин мисоли, жумладан, Бухоро ва унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

атрофида Маҳмуд Торобий раҳбарлигида 1238 йилда бўлиб ўтган шиддатли халқ қўзғолонидир.

Чингизхон тарихда ўтган энг даҳшатли ва энг ёвуз истилочилардан эди. У қадам босган ерига ўлим, офат ва харобалик келтирар эди. Чингиз қўшинлари «Хуросонда, Бухорода, Самарқандда, Балхда ва гуллаб турган бошқа шаҳарларда ваҳшийлик қилдилар. Санъат, бой кутубхоналар, юксак қишлоқ хўжалиги, саройлар ва масжидлар ер билан яксон бўлиб кетди»,— деган эди К. Маркс[1]. Мўғул босқинчилигини ўз кўзи билан кўрган тарихчи Ибн ал-Асир (1160—1234) қуйидагиларни ёзган эди: мўғул босқинчилари «ҳеч кимга раҳм қилмас эдилар, хотинларни, эркакларни, болаларни шафқатсизлик билан ўлдирар эдилар, ҳомиладор хотинларнинг қорнини ёриб, туғилмаган гўдакларнинг бошини кесар эдилар. Уларнинг дастидан омон қолган шаҳар йўқ. Улар ҳамма жойни хароб қилар эдилар, бирор нарсанинг олдидан ўтсалар уни талон-тарож қилар, кўзларига ёмон кўринган барча нарсани ёндирар эдилар». Тарихчи Рашидаддиннинг айтишига қараганда, Бухорони босиб олган Чингиз қўшинлари «шаҳарнинг омборхоналарини очиб, ғаллаларини ташиб олдилар. Битма қуръонлар сақланган сандиқларни отларига охур қилдилар...». Истилочилар суғориш иншоотларини вайрон қилиб ташлаган, кўприкларни бузган, уй-жойларга ўт қўйган эдилар. Мирхонднинг «Равзатус-сафо» («Софлик боғи») асаридаги маълумотга қараганда, улар Нишопур ва унинг атрофидагина бир йўла бир миллион 47 минг кишини қириб ташлаганлар. Чингиз истилоси Ўрта Осиё аҳолисини ниҳоятда камайтириб юборди, ишчи кучининг катта қисмини барбод қилди, кўп кишиларнинг турли ўлкаларга бошпана излаб қочиб кетишларига сабаб бўлди, хўжалик ва маданий ҳаётда жуда узоқ давом этган салбий из қолдирди. Ўрта Осиё Чингизнинг ўғли Чиғатойнинг ҳукмронлик даврида ҳам, ундан кейинги кўпгина ўн йилликлар ичида ҳам ўзини ўнгаролмади, истило ва истибдоднинг оғир жароҳатларини тузатолмади.

Чингиз мўғул халқининг ҳам иқтисодий-маданий тараққиётига катта талафот етказган эди. Унинг уруш-юришлари Мўғулистон аҳолисини камайтириб юборди, юз минглаб мўғулларнинг қирилиб, тарқалиб кетишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам мўғул халқи Чингизхонни лаънатлаб келган, бадиий адабиётда унинг салбий образини яратган.

Халқ оғзаки ижоди

Чингизхон истилосининг даҳшатли оқибатлари, халқнинг босқинчиларга қарши қаҳрамонларча кураши бадиий адабиётда, жумладан, халқ яратган оғзаки адабиёт асарларида ўз ифодасини топди. «Бўжи келди, бўжи келди, Чингиз билан Жўжи келди» деб Чингиз истилосига қарши қаҳр-ғазабини ифодалаган ўзбек халқи

[1] Архив Маркса и Энгельса, том V, Госполитиздат, 1938, 221-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

босқинчиларга қарши курашни тасвирловчи афсоналар, эртаклар яратди. Бироқ асрлар ўтиб улардан айримларигина бизгача сақланиб келди ёки катта ҳажмдаги бошқа асарларнинг таркибий қисмига айланиб кетди.

Мўғул босқинчиларига қарши халқ қаҳрамонлик курашини, ватан хоинларига қарши унинг нафратини яққол ифодаловчи асарлардан бири «Гулдурсун афсонаси»дир. Машҳур археолог С. П. Толстов қадимги Хоразм бўйлаб текшириш ишлари олиб борар экан, Қорақалпоғистон территориясидаги Гулдурсун харобасини ўрганиб, бу жойнинг номи билан қизиқади. Маҳаллий аҳоли мўғул (шунингдек, қалмоқ) истилочиларига қарши халқ қаҳрамонлик курашини ҳикоя қилувчи бир афсонани айтиб беради.

Гулистон деган обод шаҳар бўлган экан. Душман бу шаҳарни қамал қилибди. Донишманд кекса подшо аҳолини мудофаага сафарбар этибди. Аҳоли шаҳарни мардона ҳимоя қилибди, озиқ-овқат тугаб, очлик даҳшати бошланганда ҳам халқ қуролини ташламабди. Очлик душманни ҳам маҳв эта бошлабди. Шаҳар аҳолиси семизроқ бир неча сигирга сўнгги дон-дунини едириб, дарвозадан ташқарига чиқариб юборибди. Очликдан толиққан душман сигирларни сўйиб, уларнинг дон-дун билан боқилганини кўриб, «шаҳар халқининг озиқ-овқати кўп экан, очликдан ҳалок бўлмай, жўнаб қолайлик» деган қарорга келибди. Шунда подшонинг сигилтак қизи Гулдурсун хиёнат қилибди. У қалъа устида жангни кузатиб турганида, душманнинг аскар бошлиғини севиб қолибди. Эҳтироси устунлик қилиб, қайтиб кетишга қозирланаётган душманнинг аскар бошлиғига мактуб чиқариб, «сигир воқеаси ҳийладир, шаҳарда озиқ-овқат тугаган, бир кун сабр этсанг, таслим бўлади», дебди. Аҳоли очликдан толиқибди, кўп киши ўлибди, шаҳар таслим бўлибди. Гулдурсунни аскар бошлиғи олдига олиб келишган экан, у қизнинг қилмишидан хурсанд бўлса ҳам, лекин менга ҳам хиёнат қилиши мумкин деб, уни отнинг думига боғлаб, судратиб ўлдиртирибди. Шаҳар ер билан яксон қилинибди. Гулистондан асар қолмабди; шаҳарнинг харобага айланишига хоин Гулдурсун сабаб бўлганлиги учун, кишилар харобани Гулдурсун деб аташибди.

Бу афсонада чет эл босқинчиларига қарши мардона кураш, истилочилар ва ватан хоинларига қарши мислсиз нафрат-ғазаб ўз ёркин ифодасини топган[1].

Мўғул босқинчиларига қарши халқ қаҳрамонлик кураши бошқа қардош халқларнинг адабиётида ҳам, жумладан, рус халқининг Шелкан (Чўлхон) ҳақидаги ғазабли қўшиқларида, Серапион насиҳатномалари, «Евпатий Коловрат ҳақида қисса» ва бошқа асарларида ҳам ёркин ифодаланган.

Ўрта Осиё ва Синцзян туркий халқлари, хусусан, ўғуз ва қарлуқ-уйғур диалектининг қадимги ёдгорликларидан бўлган «Ўғузнома» ҳам қисман шу даврга тааллуқлидир. «Ўғузнома», фараз қилинишича, XIII асрда ёки XIV аср бошида китобат қи-

---

[1] Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асарида «Шопури зул Актоф» фаслида шунга монандроқ бир ҳикоя келтирилади. Унда отаси Тойир ва юртдошларига хиёнат қилиб, қўрғон дарвозасини Шопурга очиб берган, унга хотин бўлган, лекин «отайига вафо қилмаган менга вафо қилармидинг» деб Шопур томонидан ўлдирилган Малика воқеаси ҳикоя қилинади. Қаранг. Асарлар, XIV том, 214-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

линган. («Ўғузнома»нинг бизга қадар уйғур ёзувида етиб келган нусхаси, А. Шчербакнинг тахминича, XV асрда Еттисувда кўчирилган[1]. Унда қадим замонларда вужудга келган мифологик афсоналар билан бирга даҳшатли истило ва урушлар тасвирланади. Бу Чингиз истилосининг маълум инъикоси бўлиши мумкин. Асарнинг тилидаги мўғул элементлари ҳам шундан дарак беради. Эҳтимол, И. Маркварт шуларни кўзда тутиб, Ўғуз Чингиз бўлиши мумкин, деган бўлса керак. Биз Г. Н. Потанин ва А. М. Шчербакнинг Ўғуз мифик образдир деган фикрини қувватлаш билан бирга, «Ўғузнома»да XIII—XIV асрлардаги воқеалар ҳам маълум из қолдирган деб ҳисоблаймиз.

Ёзма адабиёт

Чингизхоннинг истилоси ёзма адабиётнинг тараққиётига ҳам салбий таъсир этди. Истилочилар нодир маданият ёдгорликларини, жумладан санъат ва адабиёт асарларини йўқ қилиб, емириб ташладилар. Мактаб ва мадрасаларнинг кўпи ер билан яксон қилинди, саводсизлик, жаҳолат пиҳоятда кучайиб кетди. Илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларининг бир қисми жангларда ҳалок бўлди, қириб ташланди, бир қисми асир қилинди. (Масалан, манбалардан маълум бўлишича, машҳур тиб олими Нажибуддин Абу Холид Самарқандий 1222 йилда Ҳиротда мўғул истилочиларига қарши жангда ҳалок бўлган.) Олимлар, санъаткорлар ва ёзувчиларнинг бир қисми эса бошпана излаб бошқа ўлкаларга кетишга мажбур бўлади. Бу даврда Ҳиндистон бирмунча осойишта, обод ва маданияти юксак ўлка эди. Аслида шаҳрисабзлик буюк шоир Хисрав Деҳлавий «Рў ба Ҳинд овардани соҳибдилон бечиз нест» («Қалби соф кишиларнинг Ҳиндистонга юз ўгириши бежиз эмас») деганидек, мўғул яғмосига гирифтор бўлган Ўрта Осиёнинг кўпгина олимлари, санъат ва адабиёт аҳллари Ҳиндистонга қараб йўл олади. Масалан, бухоролик шоир, адиб ва адабиётшунос Муҳаммад Авфий, тошкентлик шоир Бадриддин Чочий, наҳшаблик (Қашқадарё водийси) шоир Зиё Наҳшабий ва бошқалар Ҳиндистонга бориб, ўша ерда ижодий иш билан шуғулланадилар. Шунингдек, айрим олимлар, санъаткорлар ва ёзувчилар Эронга, Туркияга, Мисрга ва бошқа мамлакатларга борадилар. (Эрон мўғул истилосидан камроқ зарар кўрган ва хийла осойишта мамлакат эди, Туркия, Миср ва бошқа Яқин Шарқ мамлакатларига Чингизнинг қўли умуман бориб етмаган эди.) Жумладан, шоир Камол Хужандий, Носир Бухорий ва бошқалар Эронга бориб, ўша ерда турғун бўлиб қолган. Камол Хужандий кўпгина асарларини Эрон Озарбайжонининг пойтахти Табризда ижод этган эди.

Ўрта осиёлик олимлар ва ёзувчилар бошқа мамлакатларда туриб бўлса ҳам ўз халқларининг маданияти ва адабиёти тараққиётига хизмат қилдилар. Шу билан бирга, улар ўзларига иккин-

[1] Қаранг. А. М. Шчербак. Огуз-наме. Мухаббат-наме. Изд. вост. лит., Москва — 1959.

www.ziyouz.com kutubxonasi

чи ватан бўлиб қолган мамлакат халқлари маданияти равнақига ҳам катта ҳисса қўшдилар. Айрим олимлар ва ёзувчилар бир неча тилда ижод эта бошладилар. Масалан, асли балхлик бўлган Жалолиддин Румий Кичик Осиёга бориб, форс-тожик тилидагина эмас, балки турк тилида ҳам асарлар яратади. Ҳусомиддин Осимий форс-тожик тилида, туркий тилда ва араб тилида ижод этади (замондошлари унинг арабчаси фасиҳ, туркчаси саҳеҳ ва форсчаси малеҳ деб айтганлар). Муҳаммад ас-Самарқандий эса тўрт тилни — туркий тилни, форс-тожик, араб ва мўғул тилларини мукаммал билган. Бу даврда муламмаъ — ширу шакар (икки ёки ундан ортиқ тилда асар битиш) жанри тараққий этади. Масалан, шоир Пурбаҳои Жомий уч тилда — туркий тилда, форс-тожик ва мўғул тилларида қасида яратади. Туркий тилларни ўрганиш ва илмий асосда ёритишга қизиқиш кучаяди. Туркий тилларни тадқиқ этувчи бир неча қимматли илмий асарлар вужудга келади. Масалан, машҳур олим Абу Ҳайён (XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг бошлари) туркий тилларни ёритишга бағишланган тўрт асар, жумладан 1313 йилда Қоҳирада «Китобул-идрок лисонул-атрок» («Идрок ва туркий тиллар китоби») асарини яратган эди. (Бу асарида у қипчоқ диалектини текширади. Бошқа асарлари эса синтаксис, морфология, фонетика ва бошқаларга бағишланади.) XIII асрда ёки XIV аср бошларида автори номаълум бўлган «Китоби таржумони форсию туркию мўғули» деган асар вужудга келади. Турли диалектларга, сўз туркумларига ва бошқа масалаларга бағишланган бу асар, П. М. Мелиоранскийнинг фараз қилишича, Эрон Озарбайжонида яратилган.

Мўғуллар истилоси ва истибдоди диний реакциянинг янада кучайишига, тасаввуф тариқатларининг кенгроқ тарқалишига сабаб бўлди. Бу ҳол бадиий адабиётга, шубҳасиз, салбий таъсир этмай қолмас эди. Ёзувчиларнинг бир қисми диний-афсонавий темаларга берилиб кетади, мистика ва таркидунёчиликни тарғиб этади. Машҳур шоир Жалолиддин Румийнинг ўз ижодининг сўнгги босқичида мистикага берилиб кетишининг сабаби, биринчи навбатда, Чингиз истилоси ва истибдодининг даҳшатли оқибатлари эди. Шунингдек, тасаввуф реакцияси бошқа машҳур ёзувчиларнинг, жумладан Саъдий Шерозийнинг ижодида ҳам из қолдирган эди. Бу ҳолни эски ўзбек тилининг ўша даврдаги диалектларида яратилган асарларда ҳам кўриш мумкин. Бироқ диний реакция ва тасаввуфнинг кучайиши бадиий адабиётдаги дунёвий йўналишни бўғиб ташлай олмади. (Бунга Паҳлавон Маҳмуд ва Бадриддин Чочий каби забардаст ёзувчиларнинг ижоди яққол далил бўла олади.) Ҳатто диний-афсонавий сюжет асосида асар яратган ёзувчилар ижодида ҳам дунёвий йўналишга маълум тамойил равшан кўринади. Буни жумладан, 1233 йилда Али деган шоир томонидан ўғуз диалектида яратилган «Қиссаи Юсуф» достонида ҳам кўриш мумкин. Али Юсуф ва Зулайхо ҳақидаги ди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ний-афсонавий сюжетни ижодий қайта ишлаб, унга дунёвий руҳ беришга интилган ва бунга маълум даражада муваффақ ҳам бўлган эди. (Али достони 12 ҳижоли бармоқ вазнида битилган.)

Рабғузий

Носириддин Бурҳониддин ўғли Рабғузий XIII асрнинг охирлари ва XIV асрнинг бошларида яшаган. У Хоразмнинг Работи ўғуз деган жойидан бўлган[1]. Рабғузийнинг ҳаётига доир унинг «Қиссаи Рабғузий» асарининг муқаддимасидаги «Бу китобни тузган, тоат йўлида тизган, маъсият ёбонин кезган, оз озуқлиғ, кўп ёзуғлиғ Работ қозиси Бурҳониддин ўғли Носириддин» деган сўзларидан бўлак маълумот сақланиб қолмаган.

Носириддин Рабғузийдан бизга қадар ёлғиз «Қиссаи Рабғузий» асари сақланиб қолган[2]. Автор бу асарини бир йил заҳмат чекиб, 710 йилнинг ҳут ойида (1311 йилнинг март ойида) тугаллаган:

Уш тугаттим бу китобни, эй ёронлар, ер юзи,
Бир йил ичра кечти онинг ёй, қиши, ёз, кузи.
Ой қўпордум, ўзум уздум, сўзни туздум тунла мен —
Эрта турдум, хома урдум, эмганиб тун-кундузи.
Етти юз ўн эрди йилғаким битилди бу китоб,
Туғмиш эрди ул ўғурда Ҳут — саодат юлдузи.

«Қиссаи Рабғузий»нинг XV асрда кўчирилган бир нусхаси Лондонда Британия музейида, XVI асрга мансуб нусхаси Ленинградда ва кейинги асрларга доир бир неча қўл ёзма нусхаси Тошкентда ЎзССР Фанлар академиясининг Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Асар «Қиссасул-анбиёйи Рабғузий» номи билан 1859—1881 йилларда Қозонда беш марта нашр этилади. У Тошкент тошбосмахонасида ҳам босилган.

«Қиссаи Рабғузий» жами 72 қиссадан ташкил топган. Асарда кичик ҳажмли қисса-ҳикоялар билан бирга катта ҳажмдаги қиссалар ҳам бор. Шиис, Мусо, Солиҳ, Юсуф ва бошқалар ҳақидаги қиссалар ҳажм жиҳатидан анча катта бўлиб, улар бир неча фасл — бўлим қилиб тузилган. «Қиссаи Рабғузий»даги қиссаларнинг кўпи диний характерда бўлиб, Рабғузий уларнинг аксариятини «Қуръон» ва бошқа диний китоблардаги диний-афсонавий сюжет асосида яратади. Шунинг учун ҳам Рабғузий:

«Оёт-ахбор асли онинг, ўзи оз, оти қисас,
Бош оёққа текру кўрсанг туб паямбарлар сўзи»,—

деган эди. Рабғузий ислом динини тарғиб этиш, пайғамбарлар ҳақидаги афсонавий ҳикоялар билан кишиларнинг онгини заҳарлаш, «худога банда» ва «пайғамбарга уммат»лик эътиқодини кучайтириш мақсадини ўз олдига қўяди. Мусо, Нуҳ, Солиҳ — пай-

[1] *Рабғузий* сўзи ҳам «Работи ўғуз»нинг бирикувидан келиб чиққан.

[2] Асар Қозон босмасида ва кейинги хрестоматияларда «Қиссасул-анбиё» деб аталган бўлса ҳам, у аслида «Қиссаи Рабғузий» деб номланган. Рабғузийнинг ўзи бу ҳақда «Мақсад мунда пайғамбарлар қиссаси эрди: истакликка осон бўлсун деб, «Қиссаи Рабғузий» от қўйдим», дейди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғамбарлар, Ҳорут ва Морут — фаришталар, Қобил ва Ҳобил ҳақидаги ҳикоялар шулар жумласидандир.

Бироқ «Қиссаи Рабғузий»да бевосита диний эътиқодга алоқаси бўлмаган, ҳаёт воқеаларидан ёки турмуш тажрибасидан олиб ёзилган айрим ҳикоялар ҳам бор. Бундай ҳикоялар маълум маърифий, дидактик аҳамиятга эгадир. Хусусан, Луқмон номи билан боғлиқ бўлган ҳикоялар бу жиҳатдан характерлидир. Луқмон ҳақидаги ҳикояларни латифа деб ҳам юритиш мумкин, улар, афтидан, халқ оғзаки ижоди асосида вужудга келган. Мана шундай латифалардан бири:

«Бир куп Луқмон экин экмакка борур эрди, Хожаси айди: «Бугдой экгил». Луқмон борди, арпа экди. Хожаси айди: «Бугдой нечук экмадинг?» Луқмон айди: «Арпа эксам, ул бугдой бўлмазму?» Хожаси айди: «Ҳаргиз арпа экиб, бугдой бўлмади». Луқмони Ҳаким айди: «Бас, гуноҳ қилурсен, ул хайр ерин тутарму?»

Бу латифанинг сўнггида қиссадан ҳисса чиқарилиб, ёмон иш асло яхши ишнинг ўрнини босолмайди, дейилади ва инсофсиз, адолатсиз хожа қораланади. Бошқа бир латифада эса «Қўй этининг яхшиси ҳам тил тақи юрактурур, ямони ҳам тил тақи юрактурур» деган «қиссадан ҳисса» билан Рабғузий ичи қора, тили сохта кишиларни мажозий тарзда қоралаб, эзгулик ва тўғриликни тарғиб қилади.

Ғоявий мазмун турлича бўлган ҳикоялари Рабғузийнинг дунёқарашидаги зиддиятларни, бир томондан, унинг дин ҳомийси ва жарчиси эканини, иккинчи томондан, қисман бўлса ҳам, маърифатпарварлик ва мураббийлик майлларига эга бўлган шахс эканини кўрсатади. Рабғузий ижодидаги бундай қарама-қаршилик айни чоқда диний-мистик адабиёт билан дунёвий адабиёт ўртасидаги курашнинг ифодаси эди.

Рабғузий бадиий прозада маълум маҳоратга эришган ёзувчидир. У кичик ҳажмли ҳикояларда темани ечишга (унинг ғоявий ниятидан қатъи назар), турли образлар яратишга муваффақ бўлади. Катта ҳажмдаги прозаик асарларда ҳам усталик кўрсатади. Масалан, у Юсуф ҳақидаги қиссани ўз даврининг адабиёти савиясига кўра хийла пишиқ ишланган бир повесть даражасига кўтара олган эди.

Рабғузий қобилиятли шоир ҳам бўлган. У «Қиссаи Рабғузий»нинг ҳикоя, латифа ва қиссаларига ўзбек ва баъзан араб тилида ёзилган шеърий парчалар, ҳатто ғазаллар киритади. Рабғузий шоир сифатида айниқса табиат лавҳаларини, баҳор фаслини тасвирлашда ўз маҳоратини кўрсатади. Бунга Юсуф қиссасидаги ғазал равшан мисол бўла олади. Рабғузий акаларининг Юсуфни далага олиб чиқиши эпизодини баён этар экан, акалар тилидан «Эй ота! Ёз куни бўлди, бу Кун отлиғ султон Хут отлиғ қишлоқни қўюб, Ҳамал отлиғ яйлоқға ўғради. Одиз кўк йиғлар, яғиз ер

www.ziyouz.com kutubxonasi

кулар. Булут кўзларидин ёш оқса, ер юзинда кўк чимгонлар кулар. Усрук сабс иснаб тўяр...» деб, кейин шеърга — ғазалга кўчади:

Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам наврўзи,
Кечти Баҳман замҳарир қиш, қолмади, қори бузи.
Кун кела минг кўрки ортиб, турилур ўлмиш жаҳон,
Тонг пазирлаб нақши бирла безанур бу ер юзи...
Найшакарлар минбаринда тўти қуш мажлис тутар,
Қумри, булбул муқри бўлуб ун тузар тун-кундузи.
Бир яғиз ер кўк мингизлик яшнаюр майдон бўлиб,
Ўғрашур ойтек чечаклар теграсида юлдузи.
Ҳури айн учмоҳ ичинда енг солиб, таҳсин қилур,
Ёз уза мундоғ ғазални айди Носир Рабғузий.

Шунингдек, Рабғузий табиат лавҳаларини образларнинг руҳий кечинмалари билан узвий боғлаб тасвирлашда маълум маҳорат қозонган. Масалан, Зулайхонинг Юсуфни севиши баёнида у шундай мисраларни битади:

Сабо эсноюрда, йиғоч бонг солар,
Булут йиғлаюрда чечаклар кулар.
Бўстон ичинда кириб доимо
Сенинг бирла кўнглум овунмоқ тилар.

Юқорида келтирилган насрий ва шеърий парчалар Рабғузийнинг услуби хийла равон ва тили содда эканини кўрсатади. «Қиссаи Рабғузий» XIV аср ўзбек адабий тилини, ўғуз элементи кучли бўлган Хоразм диалектини ўрганишда муҳим манбалардан биридир.

Хуллас, «Қиссаи Рабғузий»нинг асосий тематикаси диний мазмунда бўлиб, ёзувчи ислом эътиқодини тарғиб этса ҳам, лекин ундаги дунёвий йўналиш, ҳаётий ҳикоялар ва шеърлар бадиий адабиётнинг равнақ топишига маълум ҳисса қўшган эди.

Паҳлавон Маҳмуд

Паҳлавон Маҳмуд XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг бошларида яшаб ижод этган мутафаккир — файласуф шоирдир. Маҳмуд ота-онаси Кўҳна Урганчдан Хевага кўчиб келаётганларида, 645 (1248) йилда Хева яқинида туғилади. Маҳмуд жисмоний жиҳатдан жуда бақувват йигит бўлиб етишади, полвонлик билан шуғулланади, Хоразмнинг кўп шаҳарлари ва Ҳиндистонга бориб кураш тушади, доим ғалаба қозонади. Шунинг учун у «Паҳлавон Маҳмуд» номи билан шуҳрат топади. Ҳикоя қилинишича, Паҳлавон Маҳмуд бир жангда Ҳиндистон шоҳи Рой Ропой Чўнани ўлимдан қутқариб қолади, бунинг эвазига қачонлардир Ҳиндистонга асир тушган хоразмликларни озод эттиради. Оташин ватанпарвар Хева яқинида Чингизхон қўшинига қарши жангларда ҳалок бўлган Хоразм аскарларининг қабри устига мақбара қурдиради.

Паҳлавон Маҳмуд шаҳарнинг косиб-ҳунармандлар табақасидан эди. Унинг асосий касби пўстиндўзлик, телпакдўзлик эди. Шу

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан бирга, Паҳлавон Маҳмуд илм-фан ва бадиий адабиёт билан шуғулланади. Умар Хайёмнинг изидан бориб, форс-тожик тилида кўп оригинал рубоийлар яратади: Шамсиддин Сомибекнинг «Қомусул-аълам» («Атоқли кишилар қомуси») ва Лутф Алибек Озарнинг «Оташкадаи Озарий» асарларидаги маълумотларга қараганда, у «Канзул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар хазинаси») номли бир маснавий ҳам яратган. Паҳлавон Маҳмуд 726 (1326) йилда[1] Хевада вафот этади. Шогирдлари уни Хевадаги пўстиндўзлик ишхонаси атрофига дафн этадилар. Кейинчалик унинг қабри устига муҳташам бир мақбара қурилади.

Паҳлавон Маҳмуднинг бизга қадар бир неча юз рубоийси етиб келган. Буларнинг бирмунчаси Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг гумбази атрофига битилган. Паҳлавон Маҳмуд истеъдодли файласуф шоирдир. У ҳаётининг сўнгги йилларида мистика ва бадбинлик майлларига берилиб кетган бўлса-да, аммо кўпчилик рубоийларида моддий борлиқнинг мангулиги ва инсон ҳамда табиат ҳақида фикр юритади, ахлоқ-одоб, ватан иштиёқи, севгининг завқ-шавқи ва бошқалар ҳақида сўзлайди, реакцион руҳонийларни фош этади. Бинобарин, уни Хоразм Хайёми деб атаймиз. Мана Паҳлавон Маҳмуднинг рубоийларидан бир неча намуналар:

Оташки аланга мезанад синаи мост,
Дарёки чу мавж мезанад дидаи мост.
Ин кўзагаронки кўзаҳо месозанд,
Аз хоки бародарони деринаи мост.

(Гуркираган олов — дилим йўлдоши,
Тўлқин урган дарё — кўзларим ёши,
Кўзагарлар ясаётган ҳар кўза —
Кўҳна дўстлар хоки — қўли ё боши.)

Се сад Кўҳи Қофро ба ҳавон судан,
Ба тоқи фалак бо хуни дил андудан,
Сад сол асири банди зиндон будан,
Беҳ з-он ки даме ҳамдами нодон будан.

(Уч юз Кўҳи Қофни келида туймоқ
Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ,
Ёшки бир аср зиндонда ётмоқ —
Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ.)

Эй дил, ту биё аз пайи жонона равем,
Лайли талабон ба ҳар хона равем,
Хайём сифат ва хамр мастем мудом,
Ба дўзах агар равем мастона равем.

(Кел, кўнгил, мен ахтарай жононани,
Кўча-кўю ҳар эшик, ҳар хонани,
Масту майхўрмиз мудом Хайём сифат,
Дўзах этгаймиш қабул мастонани.)

[1] Айрим манбаларда 1322 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳожики зи Каъба вазмино баргашта,
Морестки рафта аждаҳо баргашта,
Зинҳор фиреби ҳарамашро махуред,
К-ин хароб аз худо баргашта.

(Бу ҳожики аввал эди бир илон,
Ҳаждан келиб аждар бўлди беомон,
Харам-парам деса асло алданманг,
Уйинг куйгур, ўзи асли беимон.)[1]

Бу рубоийлар Паҳлавон Маҳмудни феодал-клерикал реакция ва жаҳолатга қарши курашган эркин фикрли шоир сифатида гавдалантиради. Бироқ феодал-клерикал доиралар Паҳлавон Маҳмуд *ижодиётининг асл моҳиятини сохталаштиришга, унинг шеърларига* илоҳий тус бериб, ўзини авлиё қилиб кўрсатишга уринганлар ва Паҳлавон Маҳмуд гумбазини «муқаддас зиёратгоҳ»га айлантириб, ундан даромад кўрганлар ва меҳнаткаш омманинг онгини бу «авлиё» ҳақидаги афсоналар билан заҳарлашга уринганлар.

Бадриддин Чочий

Мўғул яғмоси даврида бошпана излаб бошқа ўлкаларга кетиб, ўша ерларда турғун бўлиб қолган илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларидан бири Бадриддин Чочийдир. У 1285 йилда Чочда (Тошкентда) туғилади, йигитлик палласи ва таҳсил йиллари Самарқанд ва Бухорода ўтади. У 1332—1333 йилларда Маккадан қайтишда Деҳлига тушиб, ўша ерда қолиб кетган. Тўғулуқ Муҳаммад саройида хизмат қилади. «Қомусул-аълом»даги маълумотга қараганда, Бадриддин Чочий Мовароуннаҳрда яшаган чоғларида туркча (эски ўзбек тилида) шеърлар битган ва шуҳрат қозонган, у Ҳиндистонга келгандан кейин ўша даврда Ҳиндистондаги асосий адабий тиллардан бўлган форс-тожик тилида ижод этган. «Тазкираи Ҳусайний»да кўрсатилишича, Бадриддин Чочий 6 минг байтли лирик девон тузган. Бахтоворхоннинг «Меъротул-олам» («Оламнинг кўзгуси») асарида берилган маълумотга кўра, у 35 минг байтли «Шоҳнома» ҳам яратган. Афсуски, Бадриддин Чочийнинг «Шоҳнома»си ҳам, девонининг мукаммал нусхалари ҳам номаълум қолиб келмоқда. Унинг бизгача сақланиб қолган асари ўлимидан бир йил муқаддам, 744 йилда (1343—1344 йилларда) тузилган «Шарҳи қасоиди Бадри Чочий»дир. У 70 дан зиёд қасида, кўпгина рубоий, қитъа ва ғазалларни ўз ичига олади (нусхаларда бу шеърлар сони ва текстида тафовутлар бор). Бадриддин Чочий Садриддин Айнийнинг «Намунаи адабиёти тожик»да (Самарқанд — Москва, 1926 йил) таъкидлаб ўтишича, жуда мураккаб услубда шеър битган. Машҳур ҳинд олими, «Ғиёсул-луғат» китобининг автори Ғиёсиддин бинни Жалолиддин Мустафо 1256 (1840—1841) йилда Бадриддин Чочий асарларини китобхонларга етказиш мақсадида

[1] Тўхтасин Жалолов таржималари (Паҳлавон Маҳмуд, Рубоийлар, нашрга тайёрловчи Т. Жалилов, Тошкент, 1962).

www.ziyouz.com kutubxonasi

уларга шарҳ сифатида «Кашфул-асрор» («Сирларнинг очилиши») асарини ёзган.

Бадриддин Чочий буюк сўз санъаткоридир. Унинг шеърлари чуқур социал-фалсафий мазмуни, юксак бадиийлиги билан характерланади. Бунга, жумладан, қуйидаги икки рубоий ҳам далил бўла олади:

Дар ишқ ҳар он, ки сим камтар дорад,
Монанди бунафша пушти хамбар дорад,
Гул бо ду рухи сурху даҳони хандон,
Э-он аст ҳама, ки дар миён зар дорад.

(Ишқда кумуши (бойлиги) оз бўлган киши бинафшадек орқа чамбари бўлиб, бу қора чамбар олтин заррасидан йироқдир.) Гулнинг икки бети қизил[1] экани, оғзининг хандонлиги шунданки, унинг ўртасида зари (олтини) бордир.

Аз наргиси соҳират, ки беоб тар аст,
Чун лола дилам ғарқа ба хуни жигар аст.
Ба мо нашукуфк, эй дили гул, безар,
Оре, дили гул шукуфта бо бўи вараст.

(Сеҳрловчи наргис (кўзларинг) туфайли (кўзим) сувсиз кўлдир. Лоладек юрагим жигар қонига ғарқдир. Эй қалби гул, олтинсиз бизга (ҳеч бир) очилмадинг, ҳа, гулнинг дили — гунчаси олтин ҳиди билан очилади-да[1].)

Бадриддин Чочий мероси ҳали етарли ўрганилган эмас.

* * *

Шундай қилиб, Чингизхон истилоси ва мўғул хонлари истибдоди Ўрта Осиё халқларининг хўжалик ҳаёти ва маданиятига катта талафот етказган, кўп обод жойларни вайронага айлантирган, минг-минглаб кишиларни қириб ташлаган, кўпларни нажот истаб турли мамлакатларга бош олиб кетишга мажбур қилган эди. Лекин истилочилар Ўрта Осиё халқларининг озодлик курашини, уларнинг хўжалик ва маданиятда эришган тажриба ва традицияларини емириб ташлай олмадилар. Халқ истилочилар истибдодидан қутулиш учун ҳормай-толмай курашди, шаҳар ва қишлоқларни қайта тиклашга интилди, Чингиз ва чингизийларни, ватанфуруш хоинларни фош этиб бадиий асарлар яратди. Дин ва тасаввуфнинг қаттиқ реакцияси ва унинг бадиий адабиётга салбий таъсирига қарамай, пешқадам ёзувчилар янги, оригинал асарлар ижод қилдилар. Бу даврда қарлуқ, қипчоқ, ўғуз ва бошқа диалектлар бир-бирига яқинлашиб, бири иккинчисини бойитиб борди.

---

[1] Гулнинг олтинсимон чангига ишора.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XIV АСР ЎРТАЛАРИДАН XVII АСРГАЧА БЎЛГАН АДАБИЁТ

МАДАНИЙ ҲАЁТ

XIV аср ўрталаридан XVII асргача бўлган давр Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи маданияти, санъати ва адабиёти тарихий тараққиётининг янги ва сермаҳсул бир давридир. Бу даврда Ўрта Осиё халқлари илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, наққошлик, музика ва бошқа соҳаларда ҳамда бадиий адабиётда жуда катта муваффақиятларга эришдилар, улкан олимлар, санъаткорлар ва шоирларни етиштириб, жаҳон маданияти хазинасига катта ҳисса қўшадилар. Шу жиҳатларини кўзда тутиб тадқиқотчилар бу даврни Шарқ ренессанси — Уйғониш даври деб ҳам номлайдилар.

Аввалги даврларда бўлгани сингари, бу даврда ҳам маданият, санъат ва адабиёт феодал ўрта асрига хос бўлган даҳшатли курашлар, кескин зиддиятлар жараёнида тараққий этди. Бу даврда, бир томондан, феодал ишлаб чиқариш муносабатлари ўсди, иккинчи томондан, феодал тарқоқлик, ўзаро ва сулолавий урушлар хўжаликни тушкунликка судради. Давлат ҳокимиятини марказлаштиришга интилиш билан феодал сепаратизми — тарқоқ ҳокимиятчилик ўртасида қаттиқ кураш борди. Уруш ва тўқнашувлар халқ кучи билан барпо этилган йирик суғориш иншоотларини вайрон қилди. Феодал-клерикал ҳукмрон табақалар ҳадсиз молдавлатга эга бўлиб бордилар, меҳнаткаш халқ оммасининг моддий аҳволи тобора оғирлашиб кетди. Меҳнаткаш халқни ишлатиш билан муҳташам бинолар барпо этилди, халқнинг ўзи эса вайрона кулбаларда яшади ёки бошпанасиз қолди. Бир томондан, мактаб ва мадрасалар, иккинчи томондан, масжид ва хонақоҳлар бино этилди. Илм билан дин, маърифат билан жаҳолат, тафаккур билан бидъат ўртасида муросасиз кураш борди, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳллари таъқиб ва таҳдид остига олинди, даҳшатли фожиаларга гирифтор этилди. Меҳнаткаш халқ оммаси маданият ва маърифат ютуқларидан маҳрум қилинди. Феодал-клерикал жамиятнинг ҳоким мафкураси бўлган дин ижтимоий ҳаёт ва маданиятнинг барча соҳаларига ўз шарпасини солиб турди. Хулоса қилиб айтганда, бу даврда ижтимоий-синфий ва мафкуравий

www.ziyouz.com kutubxonasi

кураш, халқни ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш билан феодал-клерикал истибдод ва реакция ўртасидаги кураш янада чуқур илдиз отиб, кескинлашиб боради. Бундан ташқари, дунёвий феодаллар билан руҳонийлар ўртасида ҳам қаттиқ кураш боради (дунёвий феодаллар илм-фан, санъат ва бошқа соҳаларнинг ўсишидан манфаатдор эдилар, лекин руҳонийлар, маълум даражада дунёвий феодалларнинг ўзи ҳам, илм-фан, санъат ва бошқаларнинг ўсиши меҳнаткаш омманинг кўзини очади, уни истибдодга қарши курашга отлантиради, диндан, тобеликдан айнитади, деб хавфланар эдилар).

Буларнинг барчаси маданият, санъат ва адабиёт тараққиётининг хусусиятини, мафкуравий йўналишларнинг моҳиятини белгилар эди. Бинобарин, маданият тармоқлари ва бадиий адабиёт билан танишишдан олдин, қисқача бўлса ҳам, бу даврнинг тарихий шароити билан танишиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ўрта Осиё халқларининг мўғуллар истибдодига қарши озодлик ҳаракатлари тобора кенгайиб, кескин тус олади. Ниҳоят, «Сарбадорлар ҳаракати» деб аталган катта халқ ҳаракати бошланади. Бу ҳаракат тез орада бутун Мовароуннаҳрга ҳам тарқалади. Сарбадорлар ҳаракатининг асосий кучини деҳқонлар, шаҳар ҳунармандлари ва қуллар ташкил этар эди. Бироқ феодал-руҳоний табақаларнинг намояндалари халқ ҳаракатидан ўз манфаати учун фойдаланиш, ҳокимиятни ўз қўлларига киритиш мақсади билан сарбадорлар ҳаракатига суқилиб кирган ва раҳбарлик лавозимларини эгаллаб олган эдилар. Лекин улар узоқ вақтга қадар сарбадорлар ҳаракатининг жанговар руҳини ўзгартиролмаган эдилар. Сарбадорлар мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумни ўзгартириш, феодалларнинг мол-мулкини тортиб олиб, меҳнаткашларга бўлиб бериш, халқ манфаати ва иродасини ифодаловчи давлат тузиш учун курашар эдилар. Бу ҳаракатнинг жанговар руҳини «сарбадор» («бошимизни дорга тикдик») сўзининг ўзи ҳам ифодалар эди. Сарбадорлар кураш йўлидан чекинмай, мардона ҳаракат қиладилар. Бир вақт Хулогулар хонадонидан бўлган Тоғай Темурхон сарбадорларнинг раҳбари Хўжа Яҳёга таслим бўлишни талаб қилиб, тубандаги шеърий мактубни юборган эди:

Гардан бинеҳ жафойи замонро-у сар макаш,
Кори бузургро натавон дошт мухтасар.
Симурғвор чун натавон кард қасди Қоф,
Чун саъва хурд бошу фуру резболу пар.
Берун кун аз думоғ хаёли муҳолро,
То дар сари сарат нашавад сад ҳазор сар.

(Замонанинг жафосига бўйин эг, бош тортма, улуғларнинг ишини кичиклар уддалай олмайди. Симурғдек ўзингни катта фаҳмлаб Кўҳиқофга талпинма, саъвадек кичкина бўл ва қанот-патларингни тўк. Оғир хаёлни димоғингдан чиқар, йўқса бир сенинг бошинг устига юз мингларнинг боши қаланади.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу дўқ ва пўписалар Хўжа Яҳёнинг иродасини буколмади. У Тоғай Темурхонга қуйидагича кескин жавоб қайтарди:

Гардан чаро ниҳем жафои замонро?!
Рози чаро шавем ба ҳар кори мухтасар?!
Дарё-у кўҳро бигузорему бигузарем,
Симурғвор зери пар орем хушку тар.
Ё бомурод бар сари гардун ниҳем пой,
Ё мардвор дар сари ҳиммат кунем сар.

(Замонанинг жафосига нега бўйин эгайлик? Ҳар бир паст ишга нега рози бўлаверар эканмиз?! Дарё ва тоғларни ошиб ўтамиз, ўтказамиз, симурғдек ҳўл-қуруқ барчани қанотимиз остига оламиз. Ё муродга етиб, оламга устунлигимизни ўрнатамиз, ё бўлмаса ҳиммат йўлида мардона бошимизни қуйи соламиз, яъни дорга тутиб берамиз.)

Сарбадорлар Тоғай Темурхонни ўлдирадилар, Ғарбий Хуросонда пойтахти Сабзавор шаҳри бўлган ўз давлатларини вужудга келтирадилар (бу давлат 43 йил яшаб, 1381 йилда Темур давлатига қўшилиб кетади). Шунингдек, сарбадорлар 1365 йилда Самарқандни қўлга киритиб, бир оз вақт уни идора қиладилар.

Сарбадорлар ҳаракати феодал тузумини йўқотиб юборолмаган бўлса ҳам (у йўқотиб юборолмас ҳам эди), лекин у феодал истибдодига қарши қаратилган энг жанговар, демократик ҳаракатлардан бири эди. Бу ҳаракат прогрессив маданият, санъат ва адабиётда демократик мотивларнинг тараққий этишига, шубҳасиз, кучли ва самарали таъсир этган, бадиий адабиёт соҳасида эса сарбадорларнинг Ибн-Ямин каби истеъдодли шоирлари ҳам етишган эди.

Халқ оммасининг озодлик ҳаракатлари натижасида мўғул улусларининг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлиги **зил кетган эди. Бунинг** устига ички ихтилофлар натижасида Олтин Ўрда давлати ҳам инқирозга юз тутган эди. Феодал-ҳарбий аристократлар мамлакатнинг ички ва ташқи қийинчиликларидан фойдаланиб ҳокимиятни ўз қўлларига киритиб олиш учун кураш олиб борадилар. Узоқ ва қаттиқ давом этган курашлардан кейин Темур ўз рақибларини енгиб Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга киритади. Бир вақтлар оддий навкар бўлиб, ҳарбий ишларда кўрсатган шижоати билан мансаб-мартабаси ошган Кеш (Шаҳрисабз) атрофидаги барлос уруғидан чиққан Темур Мовароуннаҳр билан қаноатланмайди. У қилич ва қон сиёсати билан бир қатор ўлкаларни босиб олиб, Ўрта ер денгизидан Хитой чегарасига қадар чўзилган катта империя вужудга келтиради. У босиб олган ўлкаларда даҳшатли ва ваҳшиёна сиёсат юргизади. Исфаҳонда 70 минг калладан минора қурдиради. Кичик Осиёнинг Сивос шаҳрида 4 минг кишини тириклайин ерга кўмдиради, асир тушган 100 мингдан зиёд ҳиндини қириб ташлайди, мол-мулкларини талайди, беҳад кўп ўлжа ва асирларни Мовароуннаҳрга кўчириб олиб келади, асирларни қулга айлантиради. У пойтахти Самарқандда ҳамда Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда муҳташам бинолар қурдиради. Бу иморатларни қуришда **минглаб**

www.ziyouz.com kutubxonasi

маҳаллий меҳнаткашлар ва асир-қуллар эртаю кеч тинмай заҳмат чекар эди.

Темур ниҳоятда шуҳратпараст бир киши эди. У Шаҳрисабзда қурдирган Оқсаройга «Мин шакка фи валоятино ва карометино фанзур ило иморатино» («Агар бизнинг қувват ва шавкатимизга шубҳанг бўлса, иморатларимизга қара») сўзларини ўйдириб ёздирган эди. У Самарқанд атрофида барпо этилган бир неча қишлоқни Шарқнинг Дамашқ, Бағдод, Султония ва Шероз каби йирик пойтахтлари номи билан атаган ва бу билан у шаҳарларнинг барчаси менинг пойтахтим—Самарқандга нисбатан бир қишлоқдир демоқчи бўлган. К. Маркс айтганидек, Темурнинг сиёсати минглаб кишиларни, аёллар, болалар, эркаклар ва ёшларни қириш, қийнаш ва азоб бериш, бу билан ҳамма ёқда даҳшат туғдиришдан иборат эди. Бироқ шу билан бирга, у давлат ҳокимиятини мустаҳкамловчи қонун-қоидалар ҳам жорий қилди[1].

Темур империяси кўп ўлка ва халқларни зўрлик билан, қилич-қон сиёсати билан бир давлат ҳокимияти остига бирлаштирган конгломерат давлат эди. Бошқа конгломерат империялар узоқ умр кўролмагани каби Темур империяси ҳам узоқ умр кўролмади. Темур вафот этиши биланоқ (1405 йилда) унинг давлати парчаланиб кетди, кўп ўлкалар ундан ажралиб чиқдилар. Темурнинг ворисларига Хуросон ва Мовароуннаҳр қолди. Хуросон ва Мовароуннаҳр тож-тахти учун қаттиқ кураш бошланиб кетди. Узоқ давом этган қонли курашлардан кейин 1409 йилда тахтга Шоҳруҳ чиқди. Шоҳруҳ Хуросонни ўзига қолдириб, Мовароуннаҳрни ўғли Улуғбекка берди. Кўринишида темурийлар давлати икки ҳокимиятдан иборат бўлиб кўринса ҳам, лекин аслида унда шаҳзодаларнинг бир неча майда мустақил ҳокимликлари бор эди. 1447 йилда Шоҳруҳ вафот этади. 1449 йилда Улуғбек ёвузларча ўлдирилади. Тож-тахт талашлари яна кучаяди. Ниҳоят тож-тахт кураши 50-йилларнинг бошларида бирмунча пасаяди, Хуросон Абулқосим Бобирга (1451—1457), Мовароуннаҳр Абусаид мирзога (1452—1469) ўтади. Абулқосим Бобир вафотидан кейин Хуросон тахтини ҳам мустабид ва жоҳил Абусаид мирзо эгаллайди. Абусаид 1469 йилнинг бошларида Ғарбий Эронга ҳужум қилиб жангда мағлубиятга учраб, ҳалок бўлади. Кўп йиллар давомида тож-тахт учун курашиб келган Султон Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтини эгаллаб олади. У Навоий ва бошқа маърифатпарварларнинг фаолияти ва ташаббуси билан давлат ҳокимиятини бирмунча мустаҳкамлаб олади, ободончилик, илм-фан, санъат ва адабиёт ишларига эътибор бераради. Бироқ Ҳусайн Бойқаро давлати ҳам тож-тахт талашлари, реакцион сарой амалдорларининг фитнаси ва ишратпарастлиқлар натижасида таназзулга юз тутган эди. Самарқанд ҳокимлиги, Фар-

[1] Қаранг: Архив Маркса и Энгельса, т. VI, Госполитиздат, М., 1939, стр. 185.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғона ҳокимлиги ва бошқа темурий давлатлар ҳам тобора заифлашиб кетади, ўзаро феодал урушлар давом этади. Буларнинг барчаси темурийлар ҳокимиятини ҳалокатга судрайди, хўжалик ва маданият ишларига зарба беради, обод жойларни хароб қила бошлайди.

Шундай бир шароитда 1499 йилда Абулхайрхоннинг (1428—1468) набираси Муҳаммад Шайбоний (1451—1510) Мовароуннаҳрнинг марказий районларига ҳужум қила бошлайди. Ички низолар билан ўралашиб қолган темурийлар Шайбонийга қарши биргаликда кураш олиб боролмайди. Заҳириддин Бобирнинг темурийлар давлатини сақлаб қолиш учун олиб борган кўп йиллик кураши натижа бермайди. Темурийлар сулоласининг ҳукмронлиги тугаб, шайбонийлар сулоласининг ҳукмронлиги бошланади. Юз йилча ҳукм сурган шайбонийлар даврида феодал тарқоқлиги, ўзаро урушлар янада кучайиб кетади.

Темурийлар ҳамда шайбонийлар давридаги мулкдорлик усули давлат ҳокимиятини парчалаб юбориш учун курашнинг асосий омилларидан бири бўлди. Темурийлар ички жанжалларнинг кучайиб кетишидан қўрқиб, аскар бошлиқларига, амалдорларга ва нуфузли руҳонийларга катта-катта мулк ажратиб берар эдилар, суюрғол деб аталган бундай мулклар ҳар қандай солиқлардан озод қилинар эди ва ҳатто суюрғол эгаси ўзига тегишли бўлган жойдаги деҳқонлар ва ҳунармандлардан солиқ ҳам олар эди. Бундай имтиёзга эга бўлган мулкдорлар, сиёсий жиҳатдан ҳам мустақил бўлишга интилар, ўзаро феодал урушларни бошлаб юборар эдилар. Суюрғол эгаларидан ташқари, тархонлар ҳам катта мулкка эга бўлиб, солиқлардан хориж эдилар. Бобирнинг маълумотига қараганда Абдуали деган тархоннинг ўз саройи ва 3 минг навкари бўлган, у подшолардай яшаган. Нуфузли руҳонийларнинг мол-мулки эса янада ҳисобсиз бўлган. Жумладан, энг реакцион ва жоҳил руҳоний Хўжа Убайдулло Аҳрорнинг 1300 га яқин жойда мулки, корхоналари, минглаб қарам деҳқонлари бўлган, унинг карвонлари Шарқий Туркистон, Хуросон ва Яқин Шарқ мамлакатларига қатнаб турган. Тарихий манбаларнинг маълумотига қараганда, бу руҳоний шунча мол-мулк билан қаноатланмай, кишиларни қулдек ишлатиб, Самарқанд яқинидаги Талли Ғуломон деган жойдаги тепаликни текислатиб боғ қилдирган; шунда кишилар мунча машаққат чектиришга қандай ҳожат бор деб сўраганларида, у «тушимда тепа пастида пайғамбарни кўриб, уни кўтариб, шу тепага олиб чиққан эдим, шунинг учун обод қилдирдим» деб жавоб берган экан. «Рашаҳот» (Ас-Сафий), «Маноқиби Хўжа Аҳрор» (автори номаълум) ва бошқа асарларда Хўжа Аҳрорнинг ҳадсиз мол-давлати, унинг зулми ва маънавий разиллигини тасвирловчи кўп фактлар баён этилган. Феодал аристократларнинг қанчалик кўп давлат тўплаганини кўрсатиш учун яна бир факт келтирамиз. 1508 йилда Шайбоний Ҳиротга ҳужум қилганда, Зайниддин Восифий Шоҳ Вали деган амирнинг уйида экан. Шоҳ Вали қимматбаҳо бойликларини

www.ziyouz.com kutubxonasi

яширишга шошилиб, Восифийдан ёрдам сўраб уни хазинасига олиб кирган. «...хазинага кирдик,— дейди Восифий,— у ерда 10 сандиқ бор эди, сандиқларнинг қопқоғини очдик, 5 сандиқ кумуш танга, 2 сандиқ олтин пул, 1 сандиқ пичоқ, ханжар ва қиличнинг қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган сопи, 2 сандиқ забаржад, лаъл, ёқут, зумрад ва дур-марварид билан тўла эди...». Минг-минглаб меҳнаткашларни қулдек ишлатиш, уларнинг ер-сувини, ҳовли-жойини тортиб олиш йўли билан феодаллар мана шундай давлат тўплаган, айш-ишрат ва ҳузур-ҳаловат билан ҳаёт кечирган эдилар. Уларнинг айш-ишрати канда бўлмас, ҳарамларидан гўзал қиз-жувонлар қочиб қутулолмас эди. Майхона ва қиморхоналар ҳам, «байтул-лутф» деб аталган ишратхоналар ҳам шуларнинг бемаъни лаззат маскани эди.

Меҳнаткаш халқ оммаси эса хор-зорликда яшар, рўзғорини тебратишга қурби етмас эди. Деҳқонларнинг бир қисми озгина ерга эга бўлса, кўпи подшолик мулки, амир-амалдорлар ери ва вақфларда ниҳоятда оғир шартлар билан ишлар, хирож, жон пули, мироб пули ва яна турли-туман солиқлар билан хонавайрон бўлар эди. Деҳқонлар ер ишлари, бино қуриш, кўприк ясаш ва бошқаларда бепул ишлатилар эди. (Бу усул билан ишлатиш «бегор» деб аталган.) Шаҳарнинг косиб-ҳунармандлари ҳам деҳқонлардан яхши яшамас эдилар. Буларнинг барчаси катта халқ ғалаёнларини вужудга келтирар, бир қўзғолон алангаси сўнмасдан, иккинчи бири бошланар эди. Феодал ҳукмдорлар халқнинг ҳақли талабига дор ва қилич билан жавоб қайтарар, қўзғолончиларни ваҳшиёна усуллар билан, Восифий маълумотларига қараганда, қозиққа қоқиш, темирчи дами билан ичига дам бериш, бошини арралаб иккига ажратиш, терисини шилиш, қўлтиғидан осиб, оёғига оғир тошлар боғлаш ва бошқа усуллар билан ўлдирар эдилар.

XIV—XVI асрлардаги феодал жамияти мана шундай антагонистик зиддиятларга, феодал ички ихтилофларга, даҳшатли воқеаларга тўла бир жамият эди. Бироқ сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг, савдо-сотиқ ва ҳунармандчиликнинг нисбий ўсиши, бошқа ўлкалар билан иқтисодий-маданий алоқаларнинг жонланиши, йирик шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва бошқалар маданий ҳаётнинг тараққий этишига маълум замин тайёрлади. Илм-фан, санъат ва адабиёт аҳллари, феодал-клерикал реакциянинг даҳшатларига қарши курашиб, ажойиб илмий кашфиётлари, санъат ва адабиётга оид асарлари билан жаҳон маданияти хазинасига катта ҳисса қўшдилар.

* *
*

Чингизхон истилоси Ўрта Осиё халқларининг хўжалик ҳаёти ва маданиятига жуда катта талафот етказган эди. Бироқ у халқнинг ижодий кучларини, яратувчилик қудратини маҳв этолмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Халқ ўзининг хўжалик ҳаётини қайта тиклаш ва ривожлантиришга, вайрон этилган шаҳар-қишлоқларини қайта қуришга, маданият традицияларини ривожлантиришга ҳар қандай имкониятини сафарбар қилди. Бу ҳали Чингиз истилоси давом этаётган даврнинг ўзидаёқ бошланган эди. Буни қуйидаги фактдан равшан кўриш мумкин: Ҳирот шаҳри 1220 йилда мўғул истилочилари томонидан яксон қилинган, аҳолининг бир қисми ички Мўғулистонга олиб кетилган, қолгани қириб ташланган эди. Шу даҳшатли воқеалардан кўпчилиги ҳунарманд бўлган 40 киши яшириниб омон қолган экан. Булар Ҳиротга қайтиб келиб, уни тиклай бошлайдилар ва 15 йил заҳмат чекадилар. Угдайхон даврида Ҳирот ҳунармандларининг бир қисми қайтиб келгандан кейин шаҳар тез тикланиб боради. XIV аср ўрталарига келиб Ўрта Осиёда, айниқса Хоразмда хўжалик ва маданият жонланиб кетади. Хароб қилинган шаҳарлар ўрнига ёки атрофига янги шаҳарлар қурилади, суғориш иншоотлари тикланиб боради. Самарқанд, Бухоро ва Урганч каби шаҳарларда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва бошқалар тараққий этади. Шунинг учун ҳам 1339 йилда Урганчда бўлган араб сайёҳи Ибн Батута бу шаҳарни энг йирик ва энг гўзал «турк» шаҳарларидан бири деб таърифлаган эди. Хоразм карвон савдосининг плацдарми сифатида ҳам катта роль ўйнай бошлайди. Хоразм савдогарлари Шарқий Европа, Хитой ва бошқа мамлакатлар билан алоқа тутадилар, Хоразм молларининг шуҳрати кенг ёйилади. Шу билан бирга, Хоразм ўзбек адабий тили ва ўзбек адабиёти ривожида ҳам катта роль ўйнайди.

«Олтин Ўрда маданияти» деб номланган маданиятнинг вужудга келиши ва равнақ топишида Ўрта Осиё халқлари катта роль ўйнади. Олтин Ўрда территориясидаги аҳоли бир неча халқлардан ташкил топган эди. Олтин Ўрдада мўғуллар озчиликни ташкил этар ва улар аллақачонлар маҳаллий халқларнинг таъсирига берилиб, ҳатто ўз тиллари ва урф-одатларини йўқотиб, маҳаллий тил (кўпроқ туркий тил) ва урф-одатларни қабул қила бошлаган эдилар. «Ғолиб, — деган эди Ф. Энгельс, — истило қилган мамлакатдаги олий «иқтисодий ҳолатга» мослашишга мажбур бўлиб, бўйсундирган халқи уни ўзида ассимиляция қилади ва кўпинча, унга ҳатто ўз тилини қабул қилдиради»[1]. Энгельснинг бу сўзларини Қрим, Шимолий Кавказ, Хоразм, Булғор ва бошқа жойларда ўтроқлашиб қолган мўғулларга нисбатан тўла татбиқ этиш мумкин. Мўғул хонлари давлат идора ишларини туркий тилда олиб борадилар, шу тилда ўз ёрлиқларини ёзадилар.

Олтин Ўрда шаҳарларининг бунёдга келишида, уларнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида ҳам Ўрта Осиё, биринчи навбатда Хоразм жуда катта роль ўйнади. Боту саройи ва Берка саройида-

[1] Ф. Энгельс. Анти-Дюринг. К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. XIV, 1-ое изд., 185- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ги биноларни Урганч бинолари билан чоғиштирар эканмиз, Олтин Ўрда меъморчилигида Хоразм усталарининг услуби ва қўли равшан кўринади. Шунинг учун ҳам проф. С. П. Толстов: «Боту саройи, Берка саройи ва Олтин Ўрданинг бошқа шаҳарлари бир қанча жиҳатдан Хоразмда тўпланган... катта маданий мерос ҳисобига яшаган»[1],— деган эди. Шунингдек, хоразмликлар Олтин Ўрданинг сиёсий-дипломатик ишларида ҳам маълум ўрин тутганлар. Масалан, Хўжааддин Абдураҳмон ал-Хоразмий Олтин Ўрдада таржимон бўлган, Алоиддин Ойтуғди ал-Хоразмий Мисрда Ўзбекхоннинг элчиси бўлган. XIV аср ўзбек адабиётидаги бир қатор асарлар ҳам Олтин Ўрда территориясида яратилган эди. Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си, Қутбнинг «Хисрав ва Ширин»и, Сайфи Саройининг «Гулистон» таржимаси ва бошқалар шулар жумласидандир. Хуллас, «Олтин Ўрда» маданияти деб аталган маданиятда бошқа халқлар билан бирга ўзбек халқининг ҳам катта улуши ва роли бор.


Мўғуллар ҳукмронлиги емирилиб Ўрта Осиёда нисбатан йириқроқ феодал давлат пайдо бўлган даврда эса маданий ҳаёт бирмунча тез тараққий этиб борди ва катта муваффақиятларга эришди. Бу даврда Самарқанд, Ҳирот, Андижон, Балх ва Бухоро каби катта шаҳарлар йирик маданий марказга айланди. Бу шаҳарларда кўпгина олимлар, санъаткорлар ва ёзувчилар ижодий иш олиб бордилар. Самарқанднинг маданий тараққиётида айниқса Улуғбекнинг роли катта бўлди. Улуғбек феодал ҳукмдор эди, бироқ у маърифатпарварлиги билан бошқа феодал ҳукмдорлардан фарқ қилар эди. Самарқанддаги Бибихоним, Шоҳизинда, Улуғбек мадрасалари, Улуғбек расадхонаси, Гўри Амир ва бошқа бинолар халқ меъморчилигининг ажойиб обидалари сифатида вужудга келган эди. Самарқанд мадрасаларининг довруғи Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига кетган эди. Улуғбек ваҳшийларча ўлдирилгандан кейин (1449 йил) ҳам кўп кишилар, жумладан Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий Самарқандда таълим олган эдилар.

Бу даврдаги маданий марказлардан бири Ҳирот эди. Ҳирот аҳолисининг кўпчилигини ҳам, худди Самарқанддагидек, ўзбеклар ва форс-тожиклар ташкил қилар эди. Бу халқлар ҳамкорликда илм-фан, санъат ва адабиётнинг янги ва улкан асарларини яратдилар. Ҳиротнинг маданий марказ сифатида ривожланиши ва обод бўлишида айниқса Алишер Навоий катта роль ўйнади, у олимларни, санъат аҳлларини, шоирларни ўз атрофига тўплади, уларга ҳар томонлама ёрдам берди, ижодий ишларга илҳомлантирди. Навоий ўз маблағларини ҳам ободонлик ва маданият ишларига сарф қилар эди. Тарихчи Ҳофизи Абру Ҳирот шаҳрининг гўзаллиги ва ободонлигини таърифлаб бундай деган эди:

---

[1] С. П. Толстов. По следам древнехорезмийской цивилизации. М.-Л., 1948, стр. 318.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Қадимги Ҳирот

Гар касе пурсад з-ту к-аз шаҳрҳо хуштар кадом,
Гар жавоби рост хоҳи дод ўро, гў: Ҳирн.
Ин жаҳон чун баҳр дон, дар вай Хуросон чун садаф,
Дар миёни он садаф шаҳри Ҳирн чун гавҳари.

(Агар сендан қайси шаҳар яхши деб сўрасалар, рост жавоб бермоқчи бўлсанг, Ҳирот дегин. Бу жаҳонни бир денгиз, Хуросонни ундаги садаф, Ҳирот шаҳрини эса бу садаф ичидаги гавҳар деб билгин.)

Фарғона вилоятининг пойтахти Андижон Хитойга борадиган савдо йўлининг марказида эди. Андижон Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг иқтисодий ва маданий тараққиётида маълум ўрин тутгани каби, стратегик жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга эди. XV—XVI аср ўзбек адабий тилининг тараққиётида, Бобир айтганидек, Андижон шеваси катта роль ўйнайди. Маъмурий ва маданий марказ сифатида Бухоро ва Балх шаҳарлари ҳам машҳур эди.

Шундай қилиб, бу даврда, феодал-клерикал реакциянинг даҳшатлари ва ўзаро феодал урушларнинг оқибатларига қарамай, Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаётнинг тараққиётида катта ютуқларни қўлга киритди. Бироқ феодал-клерикал муҳит бу ютуқларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга тўсқинлик қилди, мустабид подшолар ва жоҳил руҳонийлар илм-фан ва санъат ёдгорликларини емириб ташлашга интилдилар, олимларни, санъаткорларни қувғин қилдилар, меҳнаткаш оммани маданият ютуқларидан маҳрум этдилар. Мактаб ва мадрасалар эшиги камбағалларнинг болалари учун ёпиқ эди, кўпдан-кўп халқ талантлари моддий муҳтожлик ва таъқиблар остида ғунчалигидаёқ сўлар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Илм-фан

IX—XII асрларда жаҳон илм-фани тараққиётида мислсиз катта роль ўйнаган Ўрта Осиё XIV—XVI асрларда ҳам табиий ва гуманитар фанлар соҳасида бир қанча буюк олимларни етиштирди, жаҳон фани тараққиётига янги ҳисса қўшди. Сунъий суғоришга асосланган хўжаликни ривожлантириш, кемасозлик, денгиз саёҳати ва бошқалар астрономия, геометрия, математика ва бошқа табиий фанларнинг тараққий этишини тақозо қилса, жамиятнинг маънавий эҳтиёжи гуманитар фанларнинг ўсишини талаб қилар эди. Илм-фаннинг ўсишидан феодал синфи катта моддий ва маънавий фойда кўрар эди. Шунинг учун ҳам дунёвий феодаллар илм-фанни ёқлар, айрим подшолар олимларни саройларига жалб қилар эдилар. Бироқ улар кўпинча бу позицияларини изчиллик билан давом эттирмас, руҳонийларга ён босар ва ҳатто «подшоҳи ислом» сифатида илм-фанга қарши курашни бошқарар, олимларни таъқиб остига олар эдилар. Бу зиддият феодал жамиятнинг ижтимоий моҳияти ва феодал давлатнинг теократик характери билан изоҳланади.

Табиий фанлардан айниқса астрономия фани юксалди. Астрономия фанининг ютуқлари, хусусан, XV асрнинг биринчи ярмида Самарқандда яшаб, тадқиқот ишларини олиб борган Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ва Али Қушчи каби буюк олимларнинг фаолияти билан боғлиқдир. Улуғбекнинг астрономик жадвали ва унинг раҳбарлигида бино қилинган расадхона ўша давр астрономия фани ютуқларининг чўққиси бўлиб, фаннинг кейинги тараққиётида чуқур из қолдирди.

Медицина соҳасида эса Ибн Синонинг таълимотини давом эттирган ва ривожлантирган Чағминий (XIV аср, у астроном ҳам бўлган), Фахриддин Хужандий (XVI аср), Султонали Хужандий (XVI аср), Юсуф Табиб (XVI аср) каби олимлар етишади.

Гуманитар фанлардан тарих, адабиётшунослик, тилшунослик ва бошқалар ўсади. Тарих фани соҳасида Темурнинг уруш-юришларини тасвирловчи «Зафарнома» асарининг автори Шарафиддин Али Яздий: «Зубдатут-таворих» («Тарихлар қаймоғи») асарини ёзган Ҳофизи Абру, «Матлаус-саъдайн» («Икки бахтнинг бошланмаси») асарини яратган Абдураззоқ Самарқандий, 7 жилдлик «Равзатус-сафо» («Софлик боғи») асарини битган Мирхонд, «Хулосатул-ахбор» («Хабарлар хулосаси»), «Ҳабибус-сияр» («Яхши хулқлар») асарининг автори Хондамир, «Бадоиъул-вақое» («Гўзал воқеалар») асарининг автори Зайниддин Восифий, «Бобирнома»ни ёзган Заҳириддин Бобир ва бошқалар етишади. Буларнинг асарлари ўтмиш ва ўз даврларининг тарихий воқеаларини баён этади. Бу тарих асарларида жуда бой фактик материал тўпланган. Бироқ уларнинг кўпчилиги қадим даврлар тарихини дин ва ривоятлар билан қориштиради, феодал ҳукмдорларнинг фаолиятига кенг ўрин беради; шунингдек, улар услуб жиҳатидан анча мураккаб ва оғирдир. Аммо бу жиҳатлардан Восифийнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Бадойиул-вақое» ва Бобирнинг «Бобирнома»си бошқа асарлардан ижобий фарқ қилади.

Адабиётшунослик соҳасида эса тазкиралар, аруз назарияси, қофия ва бошқаларга доир рисолалар яратилди. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий, Атоулло Ҳусайний, Кошифий ва Заҳириддин Бобир каби адабиётшунослар етишди. Тилшунослик бобида назарий тадқиқотлар олиб борилди, араб тили грамматикасига доир асарлар, луғатлар пайдо бўлди. Жумладан, Фазлуллоҳ Абулайс, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқалар мана шу соҳада самарали иш олиб борган олимлардандир.

Булардан ташқари, ахлоқ, музика, ҳарбий ишлар ва бошқаларга доир илмий асарлар ҳам яратилди.

Улуғбек

Улуғбек номи билан шуҳрат қозонган Муҳаммад Тарағай 1394 йил 22 мартда туғилди. У, темурийларнинг одатига кўра, бувиси — Темурнинг катта хотини Сароймулк тарбиясига топширилди. Улуғбекнинг отаси Шоҳруҳ мирзо катта ва бой кутубхона ташкил этган эди. У кутубхонада Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эрон, Греция ва бошқа мамлакатларда етишган буюк олимларнинг нодир асарлари ҳам сақланар эди. Зеҳнли Улуғбек кўп вақт китоб мутолааси билан шуғулланар, юлдузлар оламини ўрганишга қизиқар эди.

Темурнинг вафотидан кейин 4 йил давом этган тож-тахт курашлари натижасида ҳокимият Улуғбекнинг отаси Шоҳруҳ мирзо қўлига ўтади. Шоҳруҳ мирзо ўзи Хуросонда подшолик қилиб, пойтахти Самарқанд бўлган Мовароуннаҳрни Улуғбекка топширади. 15 яшар Улуғбек номидан Мовароуннаҳрни Шоҳ Малик идора қилар эди. Икки йилдан сўнг Улуғбек бевосита ўзи давлат ишларини бошқара бошлайди. У айрим исёнчи ҳокимларга қарши кураш олиб боради, Мўғулистонга юриш қилади. Бироқ Улуғбек бошқа темурий ҳукмдорлардан кўп фарқ қилар эди. У янги вилоятларни қўлга киритишга, давлатини кенгайтиришга эмас, балки кўпроқ ободончиликка, илм-фанга катта эътибор беради. Отаси Шоҳруҳ Ҳиротда ўз атрофига руҳонийларни тўплаб олган бўлса, Улуғбек илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларини тўплайди. Унинг даврида Темур ҳокимияти вақтида қурила бошлаган «Бибихоним» масжиди, «Гўри Амир» мақбараси ва «Шоҳизинда» бинолари ансамбли битказилади. Улуғбек «Чиҳл устун» («Қирқ устун»), «Боғи майдон» каби бир неча боғ барпо этади, Бухоро, Самарқанд, Ғиждувон ва бошқа жойларда мадрасалар қурдиради. Бу мадрасалар орасида ҳашами ва гўзаллиги жиҳатидан 1417—1420 йиллар ичида қурилган Самарқанд мадрасаси мумтоздир. Мадраса икки қаватли бўлиб, бурчакларидаги тўртта дарсхонанинг устида тўрт гумбаз ва тўрт минора қад кўтарган, мадрасанинг пештоғида юлдузлар олами акс эттирилган. Бу Улуғбекнинг астрономияга эътиқоди ва бўлажак мадраса таълимида астрономиянинг катта

www.ziyouz.com kutubxonasi



Улуғбек

ўрин эгаллашини ифодалар эди. Мадрасанинг биринчи машғулотларини машҳур олимлар Муҳаммад Хавофий ва Қозизода Румийлар ўтказган эди. Мадраса йирик илмий марказга айланади. Улуғбек Ғиёсиддин Жамшид, Абдуали, Биржандий, Мансур Коший, Марям Чалабий ва бошқа олимлар билан бирга мунтазам илмий иш олиб боради. Улуғбек шу олимларнинг ёрдами билан Самарқандда Обираҳмат суви ёнидаги тепаликда 1424 йилда катта расадхона — обсерватория қуради. Бу обсерватория, Бобирнинг маълумотига қараганда, уч қаватли жуда баланд ва муҳташам бино бўлган[1]. Бу обсерваториядаги асбоблар, жумладан асосий асбоб бўлган катта секстант, ўз аниқлиги билан XV асрнинг барча обсерваторияларидаги асбоблардан устун турар эди. Улуғбек бу обсерваторияда эртаю кеч кузатиш олиб боради, сайёралар оламининг сирларини аниқлайди, 1018 юлдузнинг ҳолат ва ҳаракатини ўрганиб чиқади, астрономия фанини янги тараққиёт поғонасига кўтаради. Улуғбек бир неча қимматли асарлар яратади. Бу асарларнинг марказида «Зичи Кўрагоний» ёки «Зичи Улуғбек» номи билан машҳур бўлган астрономик жадвал туради. Бу асар назарий — кириш қисм ва тўрт катта бобдан иборат. Биринчи бобда автор хитойлар, ҳиндилар, греклар, эроний лар ва бошқа халқларнинг календарлари ҳақида, иккинчи бобда амалий астрономия, учинчи бобда сайёралар назарияси ва тўртинчи бобда астрология ҳақида фикр юритади. Кўп йиллик кузатиш ва илмий текширишлар натижасида Улуғбек сайёралар оламини ўрганишда, йил, ҳафта ва кеча-кундузни белгилашда мисли сиз катта ютуқларга эришиб, ўзидан олдин ўтган Эротосфен, Гиппарх, Птоломей, ал-Баттоний, Ибн Юнус, Носириддин Тусий ва бошқа астрономларнинг бу соҳадаги муваффақиятларини орқада қолдирган эди. Улуғбек санъат ва адабиёт билан ҳам шуғулланар, санъат аҳллари ва шоирларга ҳомийлик қилар, Низомийнинг «Хамса»сини кўп мутолаа қилар эди. Маълумотларга кўра, Улуғбек мусиқа куйлари ҳам яратган, шеърлар битган.

---

[1] Обсерватория XVI асрда шайбонийлар томонидан вайрон қилиниб, кўмиб ташланади. Бу обсерваториянинг қолдиқларини археолог В. Л. Вяткин 1908 йилда очади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улуғбек XV—XVI аср олимлари, санъат ва адабиёт аҳлларининг юксак баҳоси ва тақдирига сазовор бўлган эди. Жумладан, Улуғбек ҳақида Абдураззоқ Самарқандий:

— Чун Улуғ мирзо дар илми ҳандаса,
Натавон ёфт дар ҳазорон мадраса

(геометрия илмида мингларча мадрасалардан ҳам Улуғбекдек олимни тополмайсан),—


деган бўлса, Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин»да бундай деган эди:

Темурхон наслидин Султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек.
Анинг абнои жинси бўлди барбод,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд,
Валек ул илм сори топти чун даст,
Кўзи олинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу навъ илми осмоний,
Ки андин ёзди «Зичи Кўрагоний».
Қиёматга деганда аҳли айём
Ёзарлар онинг аҳкомидин аҳком.

Бироқ Улуғбекка қарши реакцион феодал-клерикал доиранинг хуружи тобора авж ола бошлайди. Улуғбекнинг илм-фан билан шуғулланиши, унинг санъат ва адабиётга ихлоси, хотин-қизларга нисбатан гуманистик қарашлари ва бошқалар реакцион дин уламоларининг, Хўжа Аҳрор бошлиқ мутасаввифларнинг ғазабини қўзғайди. Улуғбек Бухоро мадрасасининг дарвозасига «Талабул илми фаризатўн ало кулли муслимўн ва муслиматўн» («Илмга интилиш бутун мусулмон эркак ва аёлларга фарздир») сўзларини ўйдириб ёздирган эди, у хотин-қизларнинг зиёфатларда иштирок этиши ва ўз санъатини намойиш қилишига ижобий қарар эди. Бу муҳтасиб Сайид Ошиқ каби кишиларнинг фитнасига бир баҳона бўлади. Масалан, Улуғбекнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаган Самарқанд шайхулисломи Исомиддиннинг бир зиёфатида хотин-қизлар ҳам қатнашиб, ашула айтишганида муҳтасиб Сайид Ошиқ: «Исломсиз шайхулислом, хотин-қизларнинг эркаклар билан бирга ўтириши ва ашула айтиши қайси мазҳабга мувофиқ келади», — деб дарғазаб бўлади. Улуғбекнинг кичик ўғли Абдулазизнинг суннат тўйида шароб истеъмол қилингани учун Сайид Ошиқ Улуғбекка: «Сен Муҳаммад динини барбод этдинг, кофирларнинг урф-одатларини жорий қилдинг», — деб фарёд кўтаради.

Реакцион оппозиция Улуғбекка қарши суиқасд қилишга тайёрлана бошлайди ва Улуғбекнинг мансабпараст ўғли Абдулатифни ўз

www.ziyouz.com kutubxonasi



Улуғбек мадрасаси
(Самарқанд)

томонига оғдириб олади. Реакцион уламолар Улуғбекни ўлдиришга фатво берадилар. Улуғбек 1449 йилнинг 27 октябрида, 56 ёшида ёвузларча ўлдирилади.

Астрономия фанини янги тараққиёт поғонасига кўтарган Улуғбек бу фаннинг кейинги тараққиётига ҳам самарали таъсир этди. Профессор Қориниёзовнинг аниқлашича, XVII—XVIII асрларда яратилган Шаҳобиддиннинг «Зичи Шоҳижаҳоний» ва Савой Жай — Сингнинг «Зичи Муҳаммад шоҳий» асарлари буни равшан кўрсатди. Улуғбек асарлари, унинг каталоги ер юзининг турли мамлакатларидаги олимларнинг диққатини ўзига жалб этиб келмоқда. Бу каталог 1665 йилда Оксфордда, 1767 ва 1843 йилларда Лондонда, каталогнинг астрономик жадвалларга оид муқаддимаси 1853 йилда Парижда, каталог 1917 йилда Америкада нашр этилади. Улуғбек жаҳоннинг буюк астрономлари қаторидан фахрли ўрин олади. XVII асрда Голландияда ишланган бир гравюра бунинг яққол далилидир. Бу аллегорик гравюрада турли даврларда ўтган астрономлар мажлиси тасвирланган. Мажлисни сайёралар маъбуди Урания бошқармоқда. Унинг ўнг томонида биринчи ўринда Улуғбек ўтирибди.

Совет ҳокимияти даврида Улуғбекнинг илмий меросини ўрганиш ва уни оммалаштиришда жуда кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда. Академик В. В. Бартольд томонидан 1915 йилда ёзиб тугатилган «Улуғбек ва унинг даври» монографияси 1918 йилда Петроградда нашр этилди. 1941 ва 1948 йилларда Улуғбек обсерваториясида археологик текшириш ишлари олиб борилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Т. Н. Қориниёзов Давлат мукофотига сазовор бўлган «Улуғбекнинг астрономик мактаби» монографик асарини яратди. 1928 йилда Китоб (Қашқадарё)

www.ziyouz.com kutubxonasi

районидаги обсерваторияга Улуғбек номи қўйилди. 1949 йилда Улуғбекнинг 500 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Санъат ва адабиётда Улуғбек образи яратилди. Мақсуд Шайхзода «Мирзо Улуғбек» трагедиясини яратди, ёзувчи Одил Ёқубов «Улуғбек хазинаси» романини ёзди ва ҳоказо.

Нафис китоб ва хаттотлик санъати

Ўтмишда босмахона йўқ эди. Китоб қўлда кўчирилар эди. Қўлда кўчирилган ҳар қандай китоб ҳам китобхонларнинг талабига жавоб беравермас эди. Китоб ўз мазмуни билангина эмас, балки шакли ва безалиши билан ҳам китобхонга манзур бўлиши, унинг диди ва талабига жавоб бериши, маълум эстетик завқ бағишлаши керак эди. Бинобарин, асар кўчириш — китобат қилиш санъатнинг маълум бир соҳасига айланган эди. Нафис китоб санъатининг нодир бир асари бўлиб қолар эди. Бу давр нафис китоб ва хаттотлик санъати тараққиётида янги бир босқич бўлиб, моҳир санъаткорларни етиштирган, ажойиб санъат асарларини яратган эди.

Нафис китоб яратиш жуда оғир ва мураккаб бир процесс, у бир неча хил мутахассисларнинг меҳнат фаолияти ва малакаси билан боғлиқдир. Бу процессда қоғозрез (қоғоз қуювчи), хаттот (каллиграф), мусаввир (рассом), лаввоҳ (лавҳа чизувчи), саҳҳоф (муқовачи) иштирок этади. Хаттот кўчириладиган асарнинг ҳажми, характери ва бўлажак китоб саҳифаларининг форматига қараб қоғозрезга қоғоз буюрар эди. Шундан кейин хаттот текстни кўчиришга киришар эди. У иллюстрация учун мусаввирга ўрин қолдирар, мусаввир иллюстрацияларни ишлар эди. Мусаввирдан кейин қўл ёзма лаввоҳ қўлига ўтар, у саҳифаларга нафис рамкалар ишлар, турли ранг билан зийнат берар, керакли ўринларга олтин ёки кумуш суви юргизар эди. Ниҳоят, қўл ёзма саҳҳоф қўлига ўтиб, у ҳам санъат ва маҳоратини ишга солиб, пишиқ ва нафис муқова билан қўл ёзмани китоб ҳолига келтирар эди. Бу ишларнинг барчаси маълум рецепт, режа ва қоида асосида бажарилар эди, турли даврларда ва турли жойларда яшаган усталар — санъаткорларнинг ўз усули ва услуби бўлар, бу усул ва услуб устоздан шогирдга ўтар, традициялар давом эттирилар ва ривожлантирилар эди.

Ўрта Осиё усталари, айниқса Самарқанд ва Бухоро усталари қоғоз ишлашда жуда катта шуҳрат қозонган эдилар. Уларнинг қоғозлари бошқа жойларнинг қоғозларидан пишиқ ва силлиқ эди. Ипак ва ярим ипакдан ишланган қоғозга ундан қилинган суюқ атала билан оҳор берилар, қоғоз сояда қуритилар ва бир неча бор оҳорланган қоғоз ниҳоятда силлиқ бўлар ва ялтирар эди. Қоғозрез усталик билан бутун қоғозга ёки унинг ҳошияларига ранг берарди, бу ранг айнимас, ҳатто асрлар давомида сақланиб қолар эди. Сиёҳ эса махсус рецепт асосида кўпинча хаттотнинг ўзи томонидан тайёрланарди, турли рангдаги ва турли сифатдаги сиёҳ тайёрлашда хилма-хил моддалар ишлатилар эди. Китобдан хуш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўй ҳид келиб турсин учун баъзан сиёҳга гулоб ёки анбар қўшилар эди. Мусаввирлар ишлатадиган бўёқлар ҳам ўзига хос рецепт асосида тайёрланар эди, олтин ва кумушни эритиб суюлтириш ва ундан фойдаланиш лаввоҳ ёки музаҳҳиб (олтин суви билан сурат солувчи ёки китобга безак берувчи)дан катта маҳорат талаб қилар эди. Саҳҳоф эса муқова учун махсус картон тайёрлар, танлаб чарм ишлатар ва муқованинг гўзал, нафис бўлишига катта эътибор берар эди.

Асар китобат қилишнинг муҳим ва узоқ давом этувчи процесси хаттотнинг меҳнати билан боғлиқ эди. Хаттотлик махсус касб, нозик ва ўзига хос санъат эди. Хаттот бўлиш учун узоқ вақт сабр-матонат ва иштиёқ билан хаттотликни машқ қилиш, заҳмат чекиш лозим эди. Хаттот мукаммал саводли, бадиий диди баланд, ижодкор киши бўлиши керак эди.

Бир неча санъаткорнинг мана шундай узоқ ва машаққатли меҳнати билан нафис китоб бунёдга келар эди. Шубҳасиз, бундай китоб кам яратилар, у ниҳоятда қиммат бўлар эди. Оддий китобхон бундай китобга эга бўлишни хаёлига ҳам келтиролмас эди. Нафис китоблар кўпинча шоҳлар, амир-амалдорлар ва бошқа давлатманд кишиларнинг буюртмаси билан ишланар ва махсус кутубхоналарда сақланар эди.

Нафис китоб ва хаттотлик санъати XIV асрда янги тараққиёт босқичига кўтарила бошлади. Машҳур хаттот Мир Али Табризий (1330—1404) настаълик деб номланган янги услубдаги хатни кашф қилди. Бу услуб хатти куфий, хатти шикаста, насх, сулс ва бошқа услубдаги хатлар ўрнини сиқиб қўйди. Настаълик услуби айниқса Султон Али бошлиқ Ҳирот хаттотлари фаолияти билан кенг тарқалди ва ўз такомилининг юксак босқичига кўтарилди. «Хатти Ҳиротий» деб номланган бу услуб бир қатор Шарқ ўлкаларида узоқ асрлар давомида етакчи услуб бўлиб қолди. XX аср бошларига қадар ҳам Бухоро хаттотлари шу услубни қўллар эдилар.

XIV—XVI асрларда бир қанча истеъдодли санъаткорлар — нафис китобларнинг ижодчилари: хаттотлар, мусаввирлар, лаввоҳлар ва саҳҳофлар етишди. Абдураҳмон Хоразмий, Султон Али Машҳадий, Султон Али Хандон, Мир Али Қилқалам, Ҳалвоий, Рафиқий ва бошқа хаттотлар, Мирак Наққош, Беҳзод, Шоҳ Музаффар ва бошқа мусаввирлар шулар жумласидандир. Шу билан бирга, бу санъат турлари ҳақида махсус асарлар, рисолалар ҳам яратилади. Масалан, Султон Али Машҳадий ва Дарвеш Муҳаммад Бухорий (XVI аср) хаттотлик ҳақида махсус асарлар яратганлар.

Султон Али «Қиблатул-кутоб («Котиблар қибласи») ва Султонул-хаттотин («Хаттотлар султони») деб аталган Султон Али 1432 йилда Машҳадда туғилди. У ёш чоғидан бошлаб ҳуснихатга қизиқади, эртаю кеч хат машқи билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

шуғулланади. Бу ҳақда унинг ўзи 1514 йилда 84 ёшида ёзган манзумасида бундай дейди:

Аз жавони ба хат буди майдам,
Ишқи хат ронди аз мижа сайлам,
Бар сари кўй кам қадам задаме,
То тавонистам қалам задаме...
Рўз то шом машқ мекардам,
На ғами хоб буду на хўрдам...

(Ёшликдан хатга майлим бор эди, хат ишқи мижжамдан сел оқизади. Кўчага кам қадам босар, имкони борича қалам чекар эдим... Кундузи ҳам, кечаси ҳам машқ қилар эдим, на уйқу ва на овқат ғамини ердим...)

Машҳур хаттот Азҳардан таълим олган Султон Али тез орада истеъдодли хаттот сифатида танила бошлайди. У 1461 йилда Низомийнинг «Махзанул-асрор» достонини, 1464 йилда Ҳофиз девонини ва 1465/66 йилларда Навоий девонини[1] кўчиради. Истеъдодли хаттот Ҳиротга келади ва Ҳусайн Бойқаро кутубхонасида ишлаб, Ҳирот хаттотларига раҳбарлик қилади[2]. У Ҳусайн Бойқаро ва Навоийнинг топшириқларига биноан иш олиб боради. Бобирнинг маълумотига қараганда, Султон Али Ҳусайн Бойқаро учун ҳар куни 30 байт ва Навоий учун 20 байт китоб кўчирар экан. У Низомий, Аттор, Ҳофиз, Саъдий, Хисрав Деҳлавий, Жомий, Навоий, Ҳусайн Бойқаро ва бошқа шоирларнинг асарларини кўчиради. Унинг кўпгина китоблари Беҳзод каби буюк санъаткорнинг нодир миниатюралари билан зийнатланади. Бизга қадар султон Али томонидан кўчирилган 50 дан зиёд китоб ва кўпгина қитъа (алоҳида парчалар) етиб келган. Булар мамлакатимиз кутубхоналарида (Тошкент, Ленинград ва бошқа шаҳарларда) ҳамда чет элда (Париж, Берлин, Қоҳира ва бошқа шаҳарларда) сақланади. Султон Али томонидан кўчирилган китоблар орасида Навоийнинг девонлари ва «Хамса»си ҳам бор.

Султон Али ўймакорлик санъатига ҳам моҳир бўлган. У Ҳусайн Бойқаронинг «Боғи Жаҳоноро» боғидаги иморатлар ва бошқа биноларнинг деворларига ўйиб текстлар ёзган, Ҳусайн Бойқаронинг қабр тошидаги текст ҳам Султон Али томонидан ўйиб битилган. Султон Али қобилиятли шоир ҳам бўлган. Навоий «Мажолисун-нафоис»да унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот бериб, истеъдодини таърифлар экан, шеърларидан мисол тариқасида қуйидаги байтни келтиради:

Гул дар баҳор з-он рухи гулгун намунаест.
Чун ашки ман, ки аз дили пурхун намунаест.

---

[1] Бу девон Навоий шеъриятининг мухлислари томонидан тузилган эди.
[2] Афтидан, Навоий Машҳадда яшаган йиллари Султон Али билан танишган ва кейинчалик уни Ҳиротга таклиф қилган бўлса керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Менинг кўз ёшим қонга тўла юрагимдан намуна бўлгашдек, баҳор гули унинг гулгун юзидан бир намунадир.)

Шунингдек, Сом Мирзо, Қози Аҳмад ва бошқа адабиётшунослар ҳам унинг шеърларидан айрим намуналар (қитъа, рубоий ва бошқалар) келтирадилар. Унинг айрим шеърлари ўз мазмуни ва моҳияти билан ижодий фаолиятининг етакчи соҳаси бўлган хаттотликка доирдир. Бу жиҳатдан айниқса қуйидаги мисралар жуда характерлидир:

Маро умр шасту се беш асту кам,
Ҳанўзам жавоп аст мушкин рақам...

(Менинг ёшим 63 дан ё бир оз ошди, ё бир оз камдир, бироқ ҳали ҳам мушкли хатим ёш-жувондир...)

Дар машқ тақсире макун пайваста, эй Султон Али!
Дар рўз кун машқи хафи, дар шом кун машқи жали.

(Эй Султон Али, сен машқда нуқсонга йўл қўйма, кундуз куни хафи — майда хат билан, кечаси жали — йирик хат билан шуғулланғин.)

Бундан ташқари, у ўз ҳаёти ва хаттотлик санъати ҳақида катта бир манзума ёзиб қолдирган.

Султон Али Машҳадий ҳаётининг сўнгги йилларини Машҳадда ўтказади ва ўша ерда 1520 йилда вафот этади.

Навоий, Хондамир, Бобир ва бошқа буюк қалам аҳллари томонидан истеъдодли санъаткор — хаттот сифатида тақдирланган Султон Али кўпгина шогирдлар етиштирди ва кейинги асрлардаги хаттотлик санъатига самарали таъсир кўрсатди.

Тасвирий санъат

Бу даврда, айниқса, XV асрда ва XVI асрнинг бошларида, тасвирий санъат ҳам катта муваффақиятларга эришди, Беҳзод, Мирак Наққош, Қосим Али, Маҳмуд Музаҳҳиб, Ҳожа Муҳаммад Наққош ва Шоҳ Музаффар каби истеъдодли рассомлар етишди. Бизгача сақланиб қолган тасвирий санъат ёдгорликлари ва турли ёзма манбалар Ўрта Осиё тасвирий санъатининг ўзига хос услубини, рассомлар ижодиётининг фантастик мавҳумликдан ҳаётийликка, реалистик тасвирга томон ривожланиб борганини равшан кўрсатади. Бу жиҳатдан айниқса Беҳзод бошлиқ Ҳирот рассомлари мактаби катта ютуқларни қўлга киритган ва кейинги асрлар тасвирий санъати ривожида чуқур из қолдирган эди.

Бизгача етиб келган тасвирий санъат ёдгорликларини уларнинг тематикаси ва тасвир объектига қараб, қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: портретлар, ҳаётий лавҳалар, пейзаж, биноларга солинган суратлар, бадиий асарларга ишланган расмлар ва бошқалар.

Сақланиб қолган портретлар орасида биз Жомий, Навоий, Абдулла Хотифий, Беҳзод, Ҳусайн Бойқаро, Бобир, Шайбонийхон

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва бошқа маданият ҳамда давлат арбоблари суратини кўрамиз. Бу суратларнинг авторлари кишиларнинг ташқи қиёфасини аниқроқ ва мукаммалроқ тасвирлашга интилганлар. Масалан, биз номаълум рассом томонидан ишланган шаҳзода Шоҳ Ғариб мирзо сурати билан Бобирнинг «Бобирнома»да бу шаҳзоданинг ташқи қиёфасини тасвирловчи сўзларини бир-бирига чоғиштириб қарасак, рассом сурати билан адир тасвирининг уйғунлигини кўрамиз. Шу билан бирга, рассомлар кишиларнинг портретини ишлашда уларнинг маънавий дунёсини очишга интилганлар. Бу жиҳатдан айниқса Навоий портретлари диққат-эътиборга лойиқ. Истамбулда сақланаётган ёш Навоий портретида рассом Али улуғ шоирнинг қиёфасини мукаммал тасвирлашга муваффақ бўлган: Навоий котиби билан бирга, шоир ижод оламига ғарқ бўлган, илҳом жўшиб келяпти, котиб янги сўз дурларини ёзиб олишга шайланган... Машҳур рассом Маҳмуд Музаҳҳиб кекса Навоий портретини чизади; шоир ҳассага таянган, унинг қомати бирмунча букчайган, қарашларида ҳам ҳорғинлик аломатлари, ҳам улуғворлик ва олижаноблик равшан кўриниб туради. Бироқ Ўрта Осиё рассомлари томонидан ишланган портретлар умуман айрим камчиликлардан, масалан, таносибнинг бузилиши ва чизиқларнинг ортиқ даражада бўрттирилиши ва бошқалардан холи эмас эди.

Ҳаёт лавҳаларига бағишланган тасвирий санъат асарлари ўз тематикаси ва мазмуни билан ҳам, услуби ва бадиийлиги билан ҳам ниҳоятда қимматлидир. Беҳзод ва бошқа санъаткорлар феодал муҳитининг бир қатор ҳаётий манзараларини моҳирлик билан тасвирлашга муваффақ бўлганлар. Масалан, Беҳзоднинг бино қурилишини тасвирловчи бир суратини олайлик. Суратда Темур давридаги бинолар қурилишининг даҳшатли манзараси тасвирланади: кўпдан-кўп усталар, ишчилар, арава ва филлар. Белига қилич осиб олган қурилиш бошлиғи узун калтаги билан бинокорларни савалаяпти, ўшқиряпти. Ваҳимага тушган кишилар жон аччиғи билан ишламоқда... Феодал ўтмишидаги муҳташам иморатларнинг кўпи шу зайлда бино бўлар эди.



Бино қурилиши

Номаълум бир рассом томонидан ишланган бир миниатюрада

www.ziyouz.com kutubxonasi



Феодал билан деҳқон



Камбағал от устида

(XVI аср) феодал жамиятнинг зиддиятлари, меҳнаткаш халқ оммасининг машаққатли ҳаёти, ҳуқуқсизлиги янада тўлароқ, мукаммалроқ ва реалистикроқ тасвирланган: зийнатланган катта ва семиз от устида ёш хўжайин — феодал, унинг рўпарасида хароб, ўласи от, отнинг эгаси мўйсафид деҳқон, бу деҳқон ёш хўжайиннинг оёғи остига чўккалаб, отининг туёғини ўпмоқда. Бу миниатюра ўз мазмуни ва моҳияти жиҳатидан катта бир бадиий полотнога — моҳирлик билан ёзилган эпик асарга тенглашади.

XV асрнинг бошқа бир миниатюрасида бу мазмун юмор орқали ифодаланган: номаълум автор хароб ва қирчанғи отни, унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi



Беҳзод

камбағал эгасини кулгили бир услубда тасвирлайди. Бу кулги енгил табассумдан от ва унинг эгасини шу аҳволга туширган муҳитга қарши аччиқ эзаҳархандага айланиб кетади. Миниатюра гўё халқ яратган ҳаётий латифаларнинг тасвирий санъатдаги ёрқин бир ифодаси бўлиб мужассамлашади.

Рассомлар табиат манзаралари, хусусан, баҳор фасли, боғлар ва тоғ-даралар тасвирида ҳам яхши натижаларга эришиб, янги-янги полотнолар яратадилар, баъзи бир иморатларни тасвирий суратлар (табиат лавҳалари, турли жониворлар ва бошқа шунинг сингари нарсаларнинг суратлари) билан безайдилар. Фирдавсий, Низомий, Хисрав Деҳлавий, Саъдий, Лутфий, Жомий, Навоий, Бобир ва бошқа машҳур сўз санъаткорларининг асарларига иллюстрациялар ишлайдилар. Бадиий асар хаттотларнинг ҳуснихати, рассомларнинг сурати, муқовасоз ва зарҳалчиларнинг санъати билан уйғунлашиб, ғоят кўркам бир тусга киради. Буларнинг барчаси санъат турлари билан бадиий адабиётнинг ўзаро узвий алоқада равнақ топганини, бири иккинчисига самарали таъсир этганини равшан кўрсатади.

Беҳзод

Камолиддин Беҳзод 1455 йилга яқин Ҳиротда туғилди. Ёш чоғида ота-онаси ўлади. Уни Ҳусайн Бойқаронинг китобдори (кутубхоналар бошлиғи) Мирак Наққош ўз тарбиясига олади. Камолиддин рассомлик санъатига қизиқади, қобилияти ва истеъдоди билан кишиларнинг эътиборини жалб этади, кўп ўтмай илм-фан, санъат ва адабиёт аҳллари орасидан ўзига муносиб ўрин олади. Илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларининг ҳомийси Алишер Навоий истеъдодли ёш рассомга алоҳида диққат-эътибор беради, унга ҳар томонлама ғамхўрлик қилади. Беҳзод 1510 йилларга қадар Ҳиротда яшаб, ижод этади. Кейин эса у Озарбайжонга — Табризга боради, сафавийларнинг пойтахт кутубхонаси ва санъаткорларига бошлиқ қилиб тайинланади. Камолиддин Беҳзод 1533—1537 йиллар ўртасида вафот этади.

«Монийи соний» (иккинчи Моний[1]) ва «Шарқ Рафаэли» деб номланган Камолиддин Беҳзод тасвирий санъатнинг улуғ намоян-

[1] *Моний* — афсонавий Хитой рассоми.

www.ziyouz.com kutubxonasi

дасидир. У рассомликда Ҳирот мактаби деб номланган янги бир ижодий услубнинг асосчиси бўлди ва устоз санъаткор сифатида Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон ва бошқа ўлкалар тасвирий санъатининг тараққиётига самарали таъсир этди. Машҳур тарихчи Хондамир «Ҳабибус-сияр» асарида унинг санъаткорлик маҳоратига баҳо бериб, бундай деган эди:

Мўйи қаламаш ин устоди
Жон дода ба сурати жамоди.

(Устозлиги туфайли унинг қалами — кистининг туклари тошга — жонсиз суратга жон бағишлар эди.)

Беҳзоднинг бошқа замондошлари, жумладан Навоий билан Бобир ҳам унинг истеъдодига юксак баҳо берадилар.

Беҳзод жуда кўп асарлар: портретлар, ҳаёт ва табиат лавҳалари, бадиий асарларга иллюстрациялар ва бошқалар яратган. Унинг санъаткорлик маҳоратини ва асарларининг таъсир кучини кўрсатиш учун Восифийнинг «Бадойиул-вақое» китобидан қуйидаги бир фактни келтирамиз:

Кунларнинг бирида Беҳзод янги ишлаган бир суратини Навоийнинг олдига олиб келади: ажойиб боғ, дарахтлар, дарахтлар шохида қушлар... гуллар қулф уриб очилиб ётибди, ариқларда зилол сувлар... Богда нуроний Алишер Навоий. У бир қўли билан ҳассага таянган, иккинчи қўлида бир товоқ, товоқда олтинлар. Навоийнинг атрофида илм-фан, санъат ва адабиёт аҳллари. Гўё Навоий уларнинг ижодий ишларидан шод бўлиб, бошларидан олтин сочмоқчи... Суратдан завқланган Навоий бундай байт айтади:

Наққош, ажаб сафҳа мунаққаш карди,
Эй вақти ту хуш, ки вақти мо хуш карди.

(Наққош, ажойиб саҳифани нақшлабсан, вақтинг хуш бўлсин, зероки, бизни хушвақт қилдинг.)

Беҳзод бу суратни олиб келганда Навоий Мавлоно Фасеҳиддин, Соҳиб Доро, Мавлоно Бурҳон ва Мавлоно Муҳаммад Бадахшийлар билан суҳбатлашиб ўтирган экан. Навоий улардан бу сурат ҳақидаги таассуротларини сўзлаб беришни сўрайди. Ширин ва ҳазиломиз суҳбат бошланади. Мавлоно Фасеҳиддин:

— Маҳдумлар, мен бу очилган гулларни кўришим билан қўл чўзиб, улардан бирини узиб, салламга қўндирмоқчи бўлдим,— дейди.

Соҳиб Доро:

— Менда ҳам шундай истак бор эди, аммо қўл чўзсам, дарахтлардаги қушлар ҳуркиб учиб кетмасин деб андиша қилдим,— дейди.

Мавлоно Бурҳон:

— Мен мулоҳаза билан қўлимни тортиб, тилимни тиймоқчиман, агар сўз қотсам, Мир (Навоий — *Н. М.*) ранжисалар, юзларини буриштириб, қошларини чимирсалар, суратдаги очиқ чеҳралари ўзгариб кетади,— дейди.

Мавлоно Муҳаммад Бадахший:

— Эй Мавлоно Бурҳон, агар беодоблик ва густоҳлик бўлмаганда эди, (суратдаги) Мирнинг қўлларидаги ҳассани олиб сенинг бошингга солар эдим,— дейди.

Навоий суҳбатни якунлаб:

— Азизлар яхши сўзлар айтишди. Агар Мавлоно Бурҳон дағаллик қилмаганларида, мен (суратда тасвирланган) товоқдаги олтинларни дўстларнинг бошидан сочмоқчи эдим,— дейди ва Беҳзодга бир от билан чопон инъом қилади, суҳбатдошларига либос кийгизади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Беҳзод ишлаган бир қатор суратлар (масалан, шоир Абдулло Хотифий, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон портретлари, Саъдийнинг «Бўстон» китоби ва Низомийнинг «Хамса»сига ишланган иллюстрациялар ва бошқалар) бизга қадар етиб келган, улар ўтмиш санъатининг нодир ёдгорликлари сифатида Тошкент, Ленинград, Лондон, Теҳрон, Кобул ва бошқа шаҳарларнинг музей ҳамда кутубхоналарида сақланмоқда. Беҳзод асрлар давомида ўз услуби ва анъанаси бўлган рассомлик мактабини вужудга келтирди. Султон Муҳаммад Камолиддин, Қосим Али, Шоҳ Музаффар, Маҳмуд Музаҳҳиб каби мусаввирлар унинг шогирдларидир.

Музика

XIV—XVI асрлар Ўрта Осиё халқларининг музика санъати тараққиётида янги ва маҳсулдор бир босқич бўлди. Дин ва хурофотнинг даҳшатли таъқиқи ва реакциясига қарамай Ўрта Осиё халқлари санъатнинг бу соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришдилар, янги куй ва қўшиқлар, чолғу асбоблари ва музика назариясига доир қимматли асарлар яратдилар.

Куй ва қўшиқ инсоннинг доимий ҳамроҳи, унинг шодлик ва қайғу йўлдошидир. Халқ куй ва қўшиқни севади, у шодлик кунларида ҳам, мусибат чоғларида ҳам унга мурожаат қилади, завқшавқ олади, юпанади, ором ва таскин топади. Куй ва қўшиқ, ўйин ва рақс, қизиқчилар ва қўғирчоқбозлар томошаси халқ сайлини, тўйини безайди, унга ҳусн беради. Тарих ва адабиёт асарлари, илмий китоблар ва хотиротлар халқ санъатининг бу тармоқлари ҳақида бизга қадар айрим маълумотларни сақлаб қолган. Масалан, Навоий «Мезонул-авзон»да халқ қўшиқларининг 8 тури (туюқ, чанги, туркий, орзуворий (ёки арузворий), муҳаббатнома, мустазод ва бошқалар) ҳақида маълумот беради, уларнинг вазн хусусиятларини тасвирлайди ҳамда кенг шуҳрат қозонганини айтади. Айрим миниатюралар, бадиий образлар ва бошқалар халқ рақс санъатининг ҳам равнақ топганини кўрсатади. Халқ куйлари ва қўшиқлари профессионал музика санъатининг тараққийсига самарали таъсир этади.

XIV—XVI асрларда жуда кўп профессионал музикачилар, бастакорлар ва ҳофизлар етишади. Абдуқодир Нойи, Қулмуҳаммад Шайхий, Ҳусайн Удий, Шоҳқули Ғижжакий, Мавлоно Қосим Раббоний, Дарвеш Аҳмад Қонуний, Хожа Юсуф Андижоний, Устод Шодий, Мавлоно Нажмиддин Кавкабий ва бошқалар шулар жумласидандир. Профессионал музикачилардан ташқари, Улуғбек, Навоий, Жомий ва Биноий каби шоирлар ҳам музика соҳаси билан шуғулланиб, унинг тараққиётига маълум ҳисса қўшадилар. Масалан, Улуғбек Билужий, Шодиёна, Ахлоқий, Табризий, Усули равон ва Улусий баҳри усулларини, Навоий «Исфаҳоний» ва бошқа куйларни ижод қилади. Жомий ва Биноий музика назариясига доир асар яратадилар. Навоий музика аҳлларига ҳам ғамхўрлик билан ёндошади, уларга моддий ва маънавий кўмак беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Музика санъати аҳлларининг фаолияти ва ижодкорлиги билан X—XII асрларда вужудга кела бошлаган дувоздаҳ мақом (ўн икки мақом) янги тараққиёт поғонасига кўтарилади, такомиллашади, янги куйлар билан бойийди. Дувоздаҳ мақом кўпгина куйлардан ташкил топган қуйидаги цикларни ўз ичига олади: Рост, Исфаҳон, Ироқ, Зирафкан, Бузрук, Ҳижоз, Буслик, Ушшоқ, Ҳусайний, Зангула, Наво, Раҳовий. Бу мақомларнинг ҳар бири икки асосий шўъба (қисм)дан иборат бўлиб, 24 шўъбани ташкил этади: Дугоҳ, Сегоҳ, Чоргоҳ, Панжгоҳ, Мухайяр, Ҳисор, Мубораки, Найрез, Нишопурак, Ройи Ироқ, Маглуб, Ракб, Баёт, Забул, Авж, Наврўзи хора; Маъмур, Аширон, Наврўзи сабо, Ҳумоюн, Нуҳуфт, Ғазал, Арабон ва Ажам.

Шу кунга қадар халқнинг севимли куйлари бўлиб келаётган шашмақом (олти мақом) дувоздаҳ мақом заминида шаклланиб боради. Унинг шаклланишида 1576 йилда вафот этган Мавлоно Нажмиддин Кавкабий катта роль ўйнайди. Шашмақом олти цикддаги мақомларни ўз ичига олади; Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқ. Бу мақомлардан ҳар бири уч бутоқдан ташкил топади: 1. Мушкилот. Мушкилот фақат чолғу асбоблари билангина ижро этилади. 2. Наср. Наср чолғу ва ашула билан ижро этилади. 3. Уфор. Уфор чолғу, ашула ва ўйин билан ижро этилади. Бутоқларнинг ҳар бири яна бир неча куйни ўз ичига олади. Масалан, Бузрук мақомининг Мушкилоти Тасниф, Таржиъ, Гардун, Мухаммас, Мухаммаси Насруллоҳи, Сақийли Салимий ва Сақийли Султон куйларини, шу мақомнинг Насри Сарахбор, бир неча Тарона, Талқини Узол, Насруллоҳи, Насри Узол, Сипориш, жами 15 куйни ўз ичига олади. Ёки Наво мақомининг Мушкилоти Тасниф, Таржиъ, Гардун, Нағма, Мухаммаси Наво, Мухаммаси Баёт, Мухаммаси Ҳусайний ва Сақийл куйларини, Насри яна 15 куйни ўз ичига олади ва ҳоказо. Бундан ташқари, Шашмақомнинг бутун мақомлар цикли билан эмас, балки алоҳида ижро этиладиган шўъбачалари ҳам бор. Масалан, Бузрук мақоми Савт сарвари (Талқин, Қашқарча, Соқийнома, Уфор), Мўғулча (Талқини Уфор), Дутор Ироқи (Талқин, Туширма, Талқин Уфор, Бебокча), Дилхирож (Талқин, Қашқарча, Уфор) ва Рок (туширмаси) шўъбачаларини; Наво мақоми Савти Наво (Талқин, Қашқарча, Соқийнома, Уфор), Наво мўғулчаси (Талқин Уфор), Каримқулбек мўғулчаси (Талқин, Нимчўпони, яна Талқин, Уфор) ва Наво Мустазоди (Талқин ва Уфор) шўъбачаларини ўз ичига олади ва ҳоказо. Шашмақом куйларини ижро этишда 24 усул бор. Масалан, Сарахбор — бумбак бумбак. Тасниф: Бакка бум Сумбак-бум; Гардун — бакка-бакка бака бумбак; Уфор — бум-бум бак бумбак ва бошқалар[1]. Бу усул воситаси билан машшоқлар ва ҳофизлар шогирдларига таълим берганлар, куйлар ёзув билан акс эттирилган[2].

Танбур, чанг, қонун, уд, барбат, рубоб, қўбуз, рўд, гижжак, шамома (мусиқор), чагона, кунгура, аргунун (қадимги грек чолғуси органон асосида вужудга келган) ва бошқалар асосий чолғу асбоблари бўлган. Бу чолғу асбоблари малакали усталар томонидан ясалган, усталар кўпинча тут ёғочини ишлатганлар, торни ипакдан қилганлар, чолғу асбобларини орнамент, қимматбаҳо тош ва бошқалар билан чиройли қилиб безаганлар.

Музика санъати ҳақида назарий асарлар ҳам яратилган. Бу жиҳатдан айниқса Жомий ва Биноий ёзган рисолалар аҳамиятли-

[1] Шашмақом цикларидаги куйларнинг сони ва номи XIX ва XX асрдаги Бухоро ва Самарқанд шашмақомчиларининг репертуари асосида берилди.

[2] Шашмақом ҳақида, жумладан, қаранг: Исҳоқ Ражабов. Мақомлар масаласига доир, Тошкент, 1963.

www.ziyouz.com kutubxonasi

дир. Шунингдек, мақомлар тарихини ўрганишда Озарбайжон музикашуноси Нуриддин Маротийнинг 1413 йилда ёзган «Мақсадул-адвор» («Музика илмининг мақсади») асари ҳамда XVII аср музикашуноси Дарвеш Али томонидан яратилган «Рисолаи мусиқий» асари қимматлидир. Дарвеш Али ўз асарида XIV—XVI асрларда ўтган музика аҳллари ҳақида кенг маълумот беради.

Дарвеш Али моҳир чангчи бўлган ва Имомқулихон (1611—1642) саройида хизмат қилган. Дарвеш Али рисоласи 12 мақом—бўлимдан иборат. Бу бўлимларда автор мақомлар, мақомларнинг шўъбалари, усуллар, машҳур музикачилар, чолғу асбоблари ва бошқалар ҳақида маълумот беради, фикр юритади. Рисола музика санъатини динга, мифларга, афсоналарга боғлаб таърифлаш тенденцияларига қарамай, ўтмиш музика маданиятини ўрганишда муҳим бир манбадир.

Музика санъатининг тараққиёти доим поэзиянинг тараққиёти билан узвий боғлиқдир. Поэзия музика тараққиётига самарали таъсир этганидек, музика ҳам поэзия тараққиётига самарали таъсир этади, куй билан шеър кўпинча бир-бирига йўлдош бўлиб келади, бастакор шоирнинг шеърига куй яратади, шоир бастакорнинг куйига мослаб шеър битади. Буни биз XIV—XVI аср ўзбек ва форс-тожик шоирлари асарлари, хусусан ғазаллари мисолида ҳам равшан кўрамиз. Масалан, шоир Хоразмий «Муҳаббатнома» асарида икки ғазалнинг Сифаҳон ва Ҳусайний куйларида айтилишини таъкидласа, Сайид Аҳмад «Таашшуқнома»даги 10 та ғазалнинг махсус куйларига; 1—2 ғазаллари Ироқ, 3- ғазал Наво, 4- ғазал Ҳусайний, 5- ғазал Рост, 6- ғазал Ушшоқ, 7- ғазал Сифаҳон, 8- ғазал Ҳовий, 9- ғазал Ниҳованд ва 10- ғазал Панжгоҳ куйларига мувофиқлигини таъкидлайди. Худди шунингдек Лутфий, Навоий ва бошқа шоирлар ҳам ўз асарларида жуда кўп куйларнинг номини зикр этадилар. Шоир Атоий эса кўпчилик шеърларини халқ қўшиқлари —«Туркий»нинг вазни асосида яратган эди. Бастакорлар кўпинча Навоий ва Жомий каби атоқли шоирларнинг шеърларига куй яратар, ҳофизлар овози куй ва шеърга янги жило берар эди.

Музика билан поэзия ўртасидаги алоқани ёритишда XV аср шоири Аҳмадийнинг «Созлар мунозараси» асари алоҳида диққатга сазовордир. Мажозий характерда ёзилган бу асарда созларнинг мунозараси ҳикоя қилинади: Танбура (танбур) ўз санъати билан мақтанади, Уд Танбурнинг мақтовларини рад этиб, ўзини таърифлашга киришади. Шу тариқа Танбур, Уд, Чанг, Қўбуз, Рубоб ва бошқа созлар ўзаро мунозаралашадилар. Ниҳоят, мунозарага Пири харобот (соқий) аралашиб: Танбур ва бошқа созларга насиҳат қилади, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос фазилати борлигини таъкидлайди. Бу мунозара музика санъати тараққиёти заминида туғилган эди. Шоир, бир томондан, барча созларнинг ўзига

www.ziyouz.com kutubxonasi

яраша сифати ва фазилати борлигини таъкидласа, иккинчи томондан, мажозий тарзда мақтанчоқ, худбин ва мутакаббир кишиларни қоралайдики, бу — мунозаранинг дидактик моҳияти ва ғоявий мақсадидир. Шундай қилиб, музика санъати ҳам XIV—XVI асрларда санъатнинг бошқа турлари ва поэзия билан узвий алоқада янги тараққиёт поғонасига кўтарилди, моҳир санъаткорлар — машшоқлар, бастакорлар ва ҳофизлар етишди, ўлмас санъат асарлари вужудга келди.

Бироқ феодал-клерикал муҳит, санъатнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби, музика санъатининг ҳам тараққиёти йўлига турли ғовлар солар, машшоқлар, бастакорлар ва ҳофизларни хўрлар, уларни дарбадарликка, моддий муҳтожликка маҳкум этар эди. Худбин ва жоҳил давлат бошлиқлари уларнинг бошига мудҳиш кунлар солар, уларни ваҳшийларча жазолар эди. Масалан, Темур саройининг машшоқларидан Қутб Найчи дорга осилади, Абдуқодир Найчи қатлга ҳукм қилинади, у зўрға ўлимдан омон қолиб, дарвеш бўлиб вилоятма-вилоят кезиб юришга мажбур бўлади. Дарвеш Али рисоласида айтилишича, Қутб дор остига бораётганида кўчадан ўтаётган бир боланинг қўлидан қоғозини олиб, най қилиб чалган, у чалган куй «Пешрави дор» номини олган экан. Машҳур ҳофиз Устод Шодий арзимас сабаб билан Сирдарёга чўктириб ўлдирилади. Бундай даҳшатли воқеалар тез-тез содир бўлиб турар, санъат аҳлларининг ижодий ишларига халақит берар, ҳаётларига хавф солар эди.

БАДИИЙ АДАБИЁТ

XIV аср ўрталаридан XVII асргача бўлган давр ўзбек адабиёти шаклланиши ва тараққиётининг жуда муҳим ҳамда сермаҳсул бир давридир. Бу даврда эски ўзбек адабий тилининг шаклланиш процесси асосан тугалланди, дунёвий адабиёт адабий ҳаётнинг етакчи йўналишига айланди, Қутб, Хоразмий, Сайфи Саройи, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Амирий, Яқиний, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобир, Муҳаммад Солиҳ, Мажлисий, Хожа ва ниҳоят, эски ўзбек адабий тилининг асосчиси, ўзбек классик адабиётининг чўққиси Алишер Навоий етишди. Ўзбек адабиёти ғоявий-тематик ва бадиий услуб жиҳатидан такомиллашди, янги поғонага кўтарилди, лирик ва эпик поэзиянинг ҳамда бадиий прозанинг нодир ва оригинал асарлари вужудга келди. Ёзма адабиёт билан халқ оғзаки адабиёти ўртасидаги алоқа ва ўзаро таъсир кучайди. Ўзбек адабиёти билан бошқа халқлар адабиёти ўртасидаги ўзаро алоқа ва ҳамкорлик кенг ва чуқур илдиз отди, ўзбек таржима адабиёти вужудга келди. Бадиий адабиётнинг ўсиши билан узвий боғланган ҳолда адабиётшунослик ҳам тараққий этди, қимматли илмий асарлар яратилди.

Феодал-клерикал жамиятга хос бўлган зиддиятлар бадиий адабиётда ҳам ўз ифодасини топди. Бадиий адабиёт мафкуравий ку-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рашнинг асосий воситаларидан бири эди. Диний-мистик адабиёт билан дунёвий адабиёт ўртасида, реакцион феодал-клерикал гуруҳларнинг дунёқарашини ифодалаган ёзувчилар билан кенг халқ оммаси манфаатларини ифодалаган ёзувчилар ўртасида қаттиқ кураш борди. Шу кураш процессида прогрессив адабиёт ўсди, такомиллашди.

Халқ оғзаки ижоди

Бизгача асл ҳолида ёки ўзгаришлар билан етиб келган адабий ёдгорликлар ҳамда турли манбалардаги (тарихий, бадиий, илмий ва хотиравий асарлардаги) маълумотлар ва ёзма адабиётнинг тараққиётига халқ оғзаки ижодининг самарали таъсирини кўрсатувчи факторлар бу давр ўзбек фольклорининг тараққиётида янги ва сермаҳсул бир давр бўлганини кўрсатади. Бу даврда халқ янги-янги достонлар, қиссалар, эртаклар, афсоналар, латифалар, қўшиқлар, мақоллар ва бошқа жанрларда асарлар яратган. Халқ илгари вужудга келган оғзаки адабиёт обидаларининг маълум қисмини ижодий қайта ишлаган, бу даврда кўплаб халқ шоирлари ва қизиқчилари етишган, қўғирчоқбозлар ўйини ва қизиқчиларнинг кулгили томошалари халқ сайллари ва байрамларга завқ-шавқ бағишлаган, косиб-ҳунармандларнинг устахонасида ёки очиқ ҳавода кишилар давра қуриб, янги қисса ва эртакларни тинглаганлар, улардан завқланганлар ёки ўйхаёлга чўмганлар, баъзи фольклор асарлари музика ва рақс билан бирга ижро этилган, халқ томошаси — халқ театри репертуари бойиб, такомиллашиб борган.

Осойишта ва фаровон ҳаёт ҳамда бахт-саодат орзуси, ижтимоий адолатсизликка қарши норозилик, золим ва жоҳил феодал ҳукмдорларни, амалдорларни ва руҳонийларни фош этиш, ўзаро феодал урушларни қоралаш ва бошқалар халқ оғзаки ижодининг ғоявий асосини ташкил этган. Халқ мифологик, фантастик-романтик ва мажозий образлар билан бирга тарихий шахсларнинг образларини ҳам яратган. Амир Темур, Хўжа Аҳрор, Улуғбек, Навоий ва бошқа образлар шулар жумласидандир. Амир Темур ва Хўжа Аҳрор салбий образларини яратиб, халқ уларни лаънатлаган ва фош этган бўлса, Улуғбек ва Навоий ижобий образлар бўлиб, халқ уларни инсоф ва адолат учун, илм ва маърифат учун курашувчи кишилар сифатида тавсиф этади.

Амир Темур ва Хўжа Аҳрор ҳақида яратилган кўпчилик латифалар, шубҳасиз, шу даврда вужудга келган ва тилдан-тилга ўтиб айрим ўзгаришларга дуч келган, уларнинг ёнига янгилари қўшилиб борган. Халқ ўз латифаларида Амир Темурга қарши ҳозиржавоб, қўрқмас ва донишманд Афанди образини яратди. (Афанди образи шу даврда камол топиб боради.) Мана шундай латифалардан бири:

Темурланг саёҳатдан қайтар экан, йўлда Афанди учраб сўрабди:
— Хўш, подшо! Саёҳатингиз қандай ўтди?
— Жуда яхши, — деб жавоб берди Темур. — Душанба куни бир қишлоққа

www.ziyouz.com kutubxonasi

тушган эдим, у ерда ёнғин бўлиб, кўп уйлар, одамлар куйиб кетди. Сешанба куни бошқа бир қишлоққа ўтдим, у ерда қутурган ит иккита одамни қопиб олган экан, одамлар қутурмасин деб, ит қопган одамларни ўтда куйдиртирдим, чоршанба куни бир қишлоққа ўтган эдим, сел келиб ҳамма ёқни сув босиб кетди, болалик бешиклар, сигирлар, қўйлар тоза оқди, кечгача буларни томоша қилдим. Пайшанба куни яна бир қишлоққа ўтдим, у ерда бир буқа занжирини узиб, бир неча одамни нобуд қилди. Жума куни бир қишлоққа ўтиб эдим, у ерда бир киши жинни бўлиб қолган экан, уни остириб юбордим. Шанба куни бир қишлоққа ўтдим, у ерда бировни том босиб қолди. Якшанба куни бошқа бир қишлоққа ўтсам, бир ёш жувон ўлиши дарахтга осиб қўйибди. Мана шундай қилиб, роса ҳам томошаларни кўрдим.

Темурнинг ҳикоясидан бадани музлаб кетган Афанди:

— Хайрият, бир ҳафта юриб қайтибсиз. Агар бир ой юрсангиз, пойқадамингиз ёқиб, ҳамма қишлоқлар хароб бўлиб кетар экан,— дебди.

Бу латифада жаҳонгир Темурнинг босган қадами ўлим, вайронлик ва харобалик келтирар эди деган тарихий ҳақиқат ўз ифодасини топган. Амир Темурни фош этувчи бундай латифалар кўп бўлиб, улар ҳозир ҳам халқ орасида айтиб юрилади.

Халқ латифаларида феодал ҳукмдорларгина эмас, балки дин ва шариат ниқоби остида меҳнаткашларни талаган қаллоб, ҳийлакор руҳонийлар ҳам фош этилади. Чунончи, бир латифада шундай ҳикоя қилинади:

Амир Темурнинг пири ўлади. Унинг тобутини мозорга олиб бораётганларида, Темур чўлоқ бўлгани учун орқада судралиб қолади. У Афандига одамларнинг тез юраётганидан шикоят қилади. Афанди истеҳзо билан:

— Пирингиз у дунёни кўп мақтар эди. Кишилар уни ўзи мақтаган жойга тезроқ олиб бориш учун шошилмоқда. Агар сиз пирингизга етиб олмоқчи бўлсангиз, сиз ҳам тобутга тушинг, сизни ҳам тезроқ элтишади,— деб жавоб беради.

Бу латифада халқнинг феодал ҳукмдорларга ва уларнинг манфаати учун хизмат қилган руҳонийларга қарши нафрат ва ғазаби ифодаланган. Беҳад мол-дунёга эга бўлган золим ва жоҳил Хўжа Аҳрор ҳақида ҳам халқ ҳажвий латифалар тўқиган. Масалан, бир латифада қуйидагилар ҳикоя қилинади:

Афанди (ёки Машраб) эшакка минib, фалон шаҳардан фалон шаҳарга йўл олибди. У йўл-йўлакай кўрингan мол-мулкларга «кимники?» деб сўраб борибди. Экин майдонлари, саройлар, тегирмонлар, обжувозлар, қўй-сигирлар — ҳаммаҳаммаси Хўжа Аҳрорники бўлиб чиқибди. Ғазабланган Афанди эшагидан тушибди-да, уни бир тепиб, «бор сен ҳам Хўжа Аҳрорники» дебди.

Халқ тарихда прогрессив роль ўйнаган тарихий шахсларни ижобий қаҳрамонлар сифатида тасвирлайди. Масалан, у «Толибул илм» ҳикоясида Улуғбекни адолатпарвар ва ҳақиқатгўй подшо сифатида гавдалантиради (бу ҳикоя ҳақида китобнинг «Хожа» бобида кенгроқ тўхталамиз). Ўзбек, туркман, тожик ва бошқа халқларнинг Навоийга бағишланган ва кўпчилиги, шубҳасиз, шу даврда вужудга келган эртак, афсона ва ҳикояларида Навоий тадбирли ва адолатли давлат арбоби, халқпарвар, маърифатпарвар, сахий ва ҳиммatли бир киши қилиб тасвирланади. Уларда кўпинча На-

www.ziyouz.com kutubxonasi

воий образи шоҳ Ҳусайн Бойқарога қарама-қарши қўйилади, Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги зиддиятлар бўрттириб берилади. «Зиёд Ботир» эртагида Ҳусайн Бойқаро маишатга берилган, ўз кайф-сафоси учун ҳар қандай жиноятни қилишга ҳам тайёр турган бир киши сифатида тасвирланади. Алишер Навоий ҳунарманд йигит Зиёд Ботирга кўмаклашиб, унинг ёри Қамбарни Ҳусайн Бойқаронинг зиндонидан озод қилади. Бошқа асарларда эса Навоий ақл-заковати билан рақибларини — мунофиқ вазирларни фош этади, турли муаммоларни ҳал қилади, кишиларни меҳнатсеварлик ва ҳалолликка йўллайди[1].

Тарихий шахсларнинг халқ томонидан яратилган бундай образлари, муболаға элементларига қарамай, тарихий ҳақиқатга мувофиқ келади. (Булар тарихнинг халқ онгидаги бадиий инъикоси сифатида вужудга келган эди.) Бироқ илдизи XVI асрга бориб тақалувчи «Шайбонийхон» достонида яратилган Бобир ва Шайбонийхон образлари бундан мустаснодир. Чунки бу достонда халқ тарихий Бобир ва Шайбоний образини яратиш вазифасини эмас, балки умуман одил ва золим подшо образини яратиш вазифасини ўз олдига қўйган, тарихдан чекинган, бадиий фантазияга мурожаат қилган. (Бу ҳақда биз китобнинг «Муҳаммад Солиҳ» бобида кенгроқ тўхтаб ўтамиз.)

Тилдан-тилга ўтиб келган асарлардан ташқари, биз ёзма манбалар —«Равзатус-сафо», «Бобирнома» ва «Бадойиул-вақоe» каби тарихий асарлар ва мемуарлар ҳамда «Муҳокаматул-луғатайн» ва «Мезонул-авзон» каби илмий асарлар орқали ҳам халқ оғзаки ижодининг турли жанрдаги асарлари билан танишамиз, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот оламиз.

Маълумки, халқ оғзаки ижоди билан ёзма адабиёт доим ўзаро алоқада бўлиб, бир-бирига таъсир этиб келади. Бу даврдаги ёзма адабиётнинг тараққиётида ҳам халқ оғзаки ижоди бой бир манба, ижодкорлик мактаби бўлиб хизмат қилди. Ёзма адабиёт намояндалари халқ асарларининг темаси ва ғоявий мотивларидан, сюжети ва образларидан, адабий услуб ва бадиий усулларидан, тил бойлиги ва поэтик формаларидан ижодий фойдаландилар, унинг тажрибаларидан таълим ва илҳом олдилар, халқ мақоллари ва таъбирлари билан ўз асарларига сайқал бердилар. Бу ҳол ёзма адабиётнинг прогрессив намояндалари ижодининг ҳаётга, халққа ва жамият тараққиёти талабларига яқинлашувига самарали таъсир этган эди. Бу айниқса Алишер Навоийнинг ижодида ҳаммадан кўра тўлароқ ва ёрқинроқ кўринади. Халқ оғзаки ижодидан кенг баҳраманд бўлган Навоий айни чоқда халқ оғзаки ижодининг тадқиқотчиларидан бири эди, у халқ ижодига эътиборсизлик билан қараган шоирларни қаттиқ танқид қилган эди[2].

[1] Қаранг: Доно Навоий, Тошкент, 1968.

[2] Қаранг: Н. Маллаев. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Тошкент, 1974.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Демак, биз бу даврнинг ёзма ёдгорликларини ўрганиш орқали ҳам халқ оғзаки ижоди билан, унинг ёзма адабиётга таъсири билан танишмиз.

Ёзма адабиёт

Бу даврдаги ўзбек ёзма адабиёти даставвал икки йўналиш, бир томондан, реакцион йўналиш — феодал-клерикал адабиёт билан, иккинчи томондан, прогрессив йўналиш — дунёвий адабиёт ўртасидаги кураш билан характерланади. Бу кураш бадиий ижод процессининг барча масалаларини: **табиат ҳодисалари ва жамият воқеаларига** муносабат, ижтимоий идеал ва эстетик тафаккур, ҳаёт ҳақиқати ва бадиий фантазия, тема ва ғоя, шакл ва мазмун, образ ва характер, ёзма адабиёт традициялари ва халқ оғзаки ижодига ёндашув ва бошқаларни қамраб олади.

Ўзбек дунёвий адабиёти ва унинг гуллаши

Хўжалик ҳаётининг ўсиши, маданиятнинг тараққийси, адабий ҳаётда аҳоли қатламларининг кенгроқ иштирок этиши, феодал-клерикал зулмга қарши халқ норозилигининг ўсиб бориши ва бошқалар прогрессив йўналишнинг — дунёвий адабиётнинг равнақ топишига самарали таъсир этди ва уни **адабий ҳаётнинг** етакчи йўналишига айлантирди.

Ўзбек дунёвий адабиёти икки тараққиёт босқичини босиб ўтди. **Биринчи босқичда у (шартли равишда XV** асрнинг ўрталарига **қадар) ғоявий-тематик жиҳатдан хийла маҳдуд** эди, маълум даражада **тараққийпарварлик майлларига эга** бўлган феодал табақаларнинг дунёқараши ва завқ-шавқига хийла боғлиқ эди. Дунёвий феодал хўжалик ва маданиятнинг ўсишидан ғоятда манфаатдор эди. У экин майдонини кенгайтиришга, сунъий суғоришни ривожлантиришга, ички ва ташқи савдони жонлантиришга, муҳташам бинолар барпо этишга интилар эди. Шунинг оқибатида у турли илмларга, дунёвий ишларга ижобий муносабатда бўлар, ўзини жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларининг ягона эгаси деб ҳисоблар, бойлик устига бойлик орттиришга, айш-ишрат суришга ҳаракат қилар эди. Турмуши фаровон, ҳаётдан мамнун дунёвий феодал учун бадбинлик ва таркидунёчилик майллари хийла ёт эди. Бинобарин, бадбинлик ва таркидунёчиликни тарғиб қилувчи диний-мистик адабиёт унинг маънавий эҳтиёжларига тўла жавоб беролмас, уни завқлантира олмас эди. Дунёвий феодалга ҳаётни, унинг завқ-шавқини куйловчи адабиёт керак эди.

Мана шу заминда вужудга келган дунёвий адабиёт илк чоғларида тематик-ғоявий жиҳатдан ниҳоятда маҳдуд эди, ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил масалалари, халқ турмуши ва унинг орзу-интилишларини куйлашдан бирмунча йироқ эди. Бироқ дунёвий адабиёт мана шундай тематик-ғоявий маҳдудлигига қарамай, ўзининг илк чоғларида ҳам сўз санъати тараққиётининг объектив қонунияти жиҳатидан прогрессив ҳодиса эди. Чунки у ўз моҳияти ва объектив аҳамияти билан реакцион диний-мистик адабиётга қа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рама-қарши эди. Диний-мистик адабиёт объектив борлиқни инкор этса, дунёвий адабиёт уни эътироф қилар, диний-мистик адабиёт таркидунёчилик ва бадбинликни тарғиб этса, дунёвий адабиёт ҳаётни севишни тарғиб қилар, диний-мистик адабиёт жаннат ва ҳурларни куйласа, дунёвий адабиёт ҳаётни ва ҳаёт маҳбубасини куйлар эди. Шунинг учун ҳам дунёвий адабиёт сўз санъатининг тараққиётида катта бир қадам бўлган эди. Дунёвий адабиёт сўз санъатини ҳаётга, уни халқ турмуши ва талабларига яқинлаштиришга маълум имконият берар эди. Ҳаётни эътироф этган дунёвий адабиётнинг тематик-ғоявий маҳдудлигини ёриб ўтиш, унга ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил масалаларини киритиш, шундай қилиб, бу адабиётнинг йўналиш нуқтасини ўзгартириб бориш мумкин эди. Дарҳақиқат, дунёвий адабиётда шаҳар аҳолиси қатламларининг кенгроқ иштирок этиши, ўзи мансуб бўлган феодал синфи дунёқараши доирасидан маълум даражада юқори кўтарилган пешқадам ёзувчиларнинг етишиб чиқиши билан дунёвий адабиёт такомиллашиб, унинг тематик-ғоявий доираси кенгайиб боради. XIV асрда ва XV асрнинг биринчи ярмида етишган Хоразмий, Хужандий, Сайфи Саройи, Дурбек, Ҳайдар Хоразмий, Амирий, Яқиний, Аҳмадий, Атоий, Туғилхожа, Мавлоно Имод Мавлавий, Мавлоно Қози Муҳсин, Мавлоно Исҳоқ; Саккокий ва ниҳоят Мавлоно Лутфий каби шоирлар дунёвий адабиётнинг тараққиётида мана шундай муҳим роль ўйнаган эдилар. Бу шоирлар лирикада инсоннинг инсонга бўлган соф ва самимий севгисини куйладилар, бадбин ва таркидунёчи шайх-зоҳидларни аччиқ танқид қилдилар, жаннатга қарши ҳаёт гулшани, ҳурга қарши ёр, кавсарга қарши шароб образларини яратдилар, Хизр ва Масиҳ каби диний-афсонавий образларнинг сифатларини ҳаёт маҳбубасига кўчириб, уни Хизр ва Масиҳлардан қудратлироқ қилиб тасвирладилар, халқ оғзаки ижодиёти, халқ қўшиқлари, унинг мақол ва таъбирларидан фойдаландилар. Шу билан бирга, улар алоҳида байт ёки мисраларда бўлса ҳам (бундай байт ёки мисралар кўпинча ишқий шеърга қистириб кетилади) яшаган муҳитларининг айрим иллатларини танқид қилиб, инсоф ва адолат ғоясини илгари сурдилар, вафо, садоқат, ҳиммат, саховат, марҳамат ва мурувват каби олижаноб инсоний фазилатларни тарғиб этдилар. Мунозара ва достон каби катта ҳажмли асарларида феодал зодагонларнинг мутакаббирлиги ва маиший бузуқлигини танқид қилдилар, ўзаро феодал урушларни қоралаб, марказлашган давлат учун кураш ғоясини илгари сурдилар, оригинал образлар яратдилар. Дунёвий адабиёт тобора халққа яқинлашиб, халқчиллашиб борди. Ўзбек дунёвий адабиётининг намояндалари ўзбек адабий тилининг ўсиши ва мустаҳкамланишига ҳам катта ҳисса қўшдилар, адабий тур ва жанрларнинг равнақ топишида катта роль ўйнадилар. Бу даврда ғазал, рубоий, қитъа, туюқ, қасида, ном, мунозара, достон ва бошқа жанрларда хилма-хил асарлар яратилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоир Хоразмий ўзбек адабиётида шеърий нома жанрининг асосчиси бўлди. У дунёвий севгини эвқ-шавқ билан куйлаб «Муҳаббатнома» асарини яратди. «Муҳаббатнома» XIV—XV аср ўзбек адабиёти тараққиётида чуқур из қолдирди.

«Муҳаббат жомидин ичсанг шаробе,
«Муҳаббатнома»га айтсанг жавобе»,—

деган шоир Хужандий XIV асрнинг иккинчи ярмида ёки XV аср бошларида машҳур «Латофатнома» асарини яратди. Ўн номадан иборат бу асарида Хужандий севгини тараннум этади, висол иштиёқи ва ҳижрон изтиробини тасвирлайди. Шу билан бирга у:

«Тилар бўлсанг жаҳон ичра аморат,
Фақирлар кўнглини қилгил иморат»

каби мисраларда фуқаропарварлик ғоясини илгари суради.

Шоир Сайид Аҳмад Хоразмий ва Хужандий традицияларини давом эттириб, 1436/37 йилларда «Таашшуқнома» («Ошиқлик мактуби») асарини яратди. Сайид Аҳмад темурий шаҳзодалардандир. Мироншоҳнинг ўғли Сайид Аҳмад бошқа темурий шаҳзодалардан фарқли ўлароқ давлат идора ишларидан четда туради (ёки шунга мажбур бўлади) ва шоирликни ўзига касб қилиб олади. Навоий «Мажолисун-нафоис»да Сайид Аҳмад ҳақида сўзлаб: «Салим табъ ва пок эеҳн киши эрди. Хийла машҳур назмлари бор. Ҳам ғазал, ҳам маснавий, ҳам туркий ва ҳам форсий ғазал таврида девони бор»,— дейди. Бироқ Сайид Аҳмаднинг девонлари топилган эмас, унинг бизга қадар сақланиб қолган ягона асари «Таашшуқнома»дир. Бу асар Сайид Аҳмаднинг хийла қобилиятли шоир бўлганини кўрсатади. У Хоразмий ва Хужандийдан фарқли ўлароқ, ҳар бир ғазалини маълум бир мақом билан боғлайди. Шоир иккинчи номанинг барча мисраларида тажнисли қофия (ол — қизил, ол — ола — кўз оласи, Муштари — Юпитер, муштари — харидор; бор — юк, бор — тасдиқ ва бошқалар) ишлатади. (Бу даврда ўзбек поэзиясида халқ тўртликлари заминида туюқ жанрининг вужудга келиши шоирни шунга илҳомлантирган бўлса керак.) «Таашшуқнома» ҳам «Латофатнома» каби ўн номадан ташкил топган. Шоир ўз асарини амакиси — Шоҳруҳ мирзога бағишлаб, ундан моддий ва маънавий ёрдам сўраган.

XV асрнинг биринчи ярмида етишган шоир Юсуф Амирий ҳам нома жанрида «Даҳнома» («Ўн нома») асарини яратади. У Хоразмий, Хужандий ва Сайид Аҳмаддан фарқли ўлароқ ўз асарида севги темасини маълум сюжет асосида ёритишга интилади. «Даҳнома»да, ошиқ образидан ташқари, бевосита маъшуқ образи ҳам яратилган. Ошиқ-маъшуқ бир-бирига мактуб йўллайдилар, учрашадилар ва ўзаро мунозара қиладилар (мунозара диалог шаклида берилган). Бу билан Юсуф Амирий нома жанрини достонларга яқинлаштириб, унга лиро-эпик тус беради. Амирийдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

бизга қадар бир лирик девон ҳамда «Банг ва Чоғир» мунозараси етиб келган[1]. Амирий девони ғазал, туюқ, қасида ва бошқа жанрларда битилган шеърларни ўз ичига олади. У лирик шеърларида ҳам севгини куйлайди, қасидаларини эса ҳомийси Бойсунғур ва Шоҳруҳ мирзоларга бағишлайди. Амирий насрда ёзган «Банг ва Чоғир»[2] мунозарасида мажозий тарзда мақтанчоқлик ва мутакаббирликни танқид қилади, ишратпарастликни қоралайди. Банг ва Чоғир ўз «сифат» ва «хосият»лари билан мақтаниб мунозара қиладилар, гоҳ бири, гоҳ иккинчиси «устун» келади. Охири ўртага бол тушиб, мухолифларни бир-биридан ажратади, иккинчи сўз билан айтганда, бол Бангни ҳам, Чоғирни ҳам енгади. Ёзувчи майга берилиб кетиш ҳам, бангилик ҳам кишига катта кулфат ва надомат келтиради деган ғояни илгари суради ҳамда ўз даври муҳтасибларининг майхўрларни таъқиб қилгани ҳолда, бангиларни тергамаганидан шикоят қилади.

«Банг ва Чоғир» ҳажвий услубдаги асардир. Ёзувчи Бангни сўфи[3] ва Чоғирни ёш йигит қиёфасида тасвирлайди. Буларнинг ўзи, бир томондан, кулгили аҳволда бўлса, иккинчи томондан, бир-бирини фош қилади. Ёзувчи мунозарада халқ ҳажвиясидан, унинг заҳархандали таъбир ва қарғишларидан фойдаланади, Ибн Сино, Ҳофиз, Хисрав Деҳлавий шеърларидан парчалар келтиради ва асарга ўз оригинал мисраларини киритади. «Банг ва Чоғир»нинг услуби хийла енгил, тили соддадир.

Юсуф Амирий ўз даврининг заковатли ёзувчиларидан бири бўлган. Навоий «Мажолисун-нафоис»да Юсуф Амирий ҳақида сўзлаб, «Турк эрди ва туркча шеъри яхши воқеъ бўлибдур» деса, Давлатшоҳ «Тазкиратуш-шуаро»да «Шоҳруҳ даврида катта шуҳрат қозонди» дейди.

Ўзбек поэзиясида мунозара жанрининг илдизлари туркий халқлар учун муштарак бўлган «Девону луғотит турк» ёдгорликларига, ундаги «Қиш ва Ёз мунозараси»га бориб тақалади. Халқ ижодида узоқ тарихга эга бўлган бу жанр XV аср ўзбек адабиётида хийла салмоқли ўрин тутиб, бу жанрда Юсуф Амирийдан ташқари, Аҳмадий ва Яқинийлар ҳам асар яратадилар ва халқ поэзиясидаги мунозара билан бирга, форс-тожик тилидаги мунозара жанри тажрибасидан, жумладан Асадий Тусийдан ижодий фойдаланадилар. Аввалги саҳифаларда таъкидлаганимиздек, шоир Аҳмадий «Созлар мунозара»сида мажозий тарзда худбин ва мақтанчоқ кишиларни танқид қилади. Яқиний эса «Ўқ ва Ёй»

---

[1] Амирий девонининг нусхаси Туркияда Дорилфунун кутубхонасида, «Дастнома» ҳамда «Банг ва Чоғир» нусхалари «Латофатнома» (XVI аср нусхаси) ва «Таашшуқнома» каби Лондонда Британия музейида сақланмоқда.

[2] *Чоғир* — май, шароб.

[3] Ёзувчининг Бангни сўфи қиёфасида тасвирлаши бежиз эмас эди. Майни ҳаром деб, майхўрларни таъқиб этган сўфиларнинг ўзи нашахўрлик қилар эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

насрий мунозарасида хушомадгўй ва мансабпараст кишиларни танқид қилиб, «...бу мунозарадин мақсуд улким, бу даврнинг кажтабъларининг қошинда ҳар ким ёдек эгри бўлса, ёнларидин йироқ бўлмас ва ҳар ким ўқтек рост бўлуб, туз юруса, Яқининдек йироқ тушар» деб темурий ҳукмдорлардан шикоят қилади ва Асий деган шоирнинг қуйидаги қитъасини келтиради:

Ҳар ки шуд рост андарин майдон,
Ҳар кужо рафт беҳузур уфтод.
Аз кажи шуд камон ба паҳлуйи шоҳ,
Тир аз рости ба дур уфтод.

(Кимки бу майдонда рост бўлса, қаерга борса ҳам беҳаловат бўлиб тушади. Ёй эгрилиги туфайли шоҳ ёнидан жой олди, ўқ эса ростликдан узоқларга бориб тушди.)

Яқиний мунозарага Ҳофиз, Хисрав Деҳлавий, Қосим Анвор, Юсуф Амирий, Атоий, Саккокий, Лутфий ва бошқа шоирларнинг ўқ ва ёй ҳақидаги шеърларидан парчалар келтиради, ўзи ҳам мисралар битади. «Ўқ ва Ёй», Амирийнинг «Банг ва Чоғир» мунозараси каби, услуби равон ва тили содда асардир.

Шоир Дурбек «Юсуф ва Зулайхо» достонида диний-афсонавий сюжетни қайта ишлаб, унга хийла дунёвий тус беришга муваффақ бўлади, бу оригинал достонида ўзаро феодал урушларни қоралайди, ўзаро феодал урушларнинг даҳшатли оқибатларини тасвирлаб реалистик манзаралар яратади.

Низомий ва унинг «Махзанул-асрор»идан илҳомланган шоир Ҳайдар Хоразмий лиро-эпик жанрнинг қимматли ёдгорлиги бўлган «Махзанул-асрор» достонини яратди.

Атоий севгининг ҳароратли куйчиси сифатида ажойиб ғазаллар битади, инсон ва унинг фаолиятини шарафлайди, таркидунёчи шайх-зоҳидларни аччиқ заҳарханда билан фош қилади. Халқ қўшиқларидан, айниқса «Туркий» деб аталган қўшиқлардан баҳраманд бўлган Атоий содда, самимий ва мусиқий ғазаллар битиб, шуҳрат қозонади.

Улуғбекнинг ҳимоясида камол топган шоир Саккокий жўшқин ғазаллар билан бирга, қасидалар ҳам битади, қасидаларида адолатли подшо учун кураш гоясини илгари суради ва маърифатпарвар давлат арбоби ҳамда буюк олим Улуғбекни шарафлайди.

Навоий «маликул-калом» («сўз подшоси») деб атаган Мавлоно Лутфий ўзбек адабиёти тарихида ғоят катта ўрин тутди. У истеъдодли шоир сифатида қимматли лирик ва эпик асарлар яратди. Ўзбек тилидаги асарлари билан ҳам, форс-тожик тилидаги асарлари билан ҳам кенг шуҳрат қозонди. Лутфий лирикаси ўз ҳаётийлиги, бадиий юксаклиги ва тил бойлиги билан характерланади. Лутфий халқ оғзаки адабиёти материалларидан ижодий фойдаланиб яратган «Гул ва Наврўз» достонида ошиқ-маъшуқларнинг саргузаштини, севги ва садоқатнинг қудратини тасвирлайди ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзаро феодал урушлар ва ихтилофларга қарши марказлашган давлат ва адолатли подшо учун кураш ғоясини илгари суради.

Қутб, Сайфи Саройи ва бошқа ёзувчилар эса Низомий ва Саъдий каби буюк санъаткорларнинг асарларини ўзбек тилига эркин таржима қилиб, халқлар ўртасидаги маданий-адабий алоқаларни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшдилар ҳамда ўзбек адабий тили ва адабиётининг равнақ топишида ҳам муҳим роль ўйнадилар.

Шубҳасиз, бу даврда етишган ўзбек дунёвий адабиёти намояндаларининг ижоди ғоявий-эстетик зиддиятлардан, ислом дини ҳукмрон мафкура бўлган муҳитнинг айрим реакцион унсурларидан холи эмас эди. Лекин, шунга қарамай, пешқадам ёзувчиларнинг ижодий фаолияти дунёвий адабиётнинг тобора ҳаётга яқинлашаётганини, унинг тематик-ғоявий маҳдуд доирани ёриб ўтиб, халқ манфаатларини ҳимоя қилишга томон ўсиб бораётганини кўрсатар эди. Бироқ дунёвий адабиёт намояндаларининг ҳаммаси ҳам шу йўлдан бормади ва боролмас ҳам эди. Дунёвий адабиёт намояндалари икки гуруҳга ажралиб кета бошладилар. Бир гуруҳ ёзувчилар биқиқ феодал дунёқараши доирасида қолиб кетадилар. Иккинчи гуруҳ ёзувчилар эса феодал синфи манфаатлари доирасини ёриб ўтиб халқ оммаси манфаатларини куйлай бошлайдилар.

Тор феодал-аристократик дунёқараш доирасидаги ёзувчилар, жамиятнинг бутун моддий ва маънавий бойликлари феодал синфи учундир, меҳнаткашлар шу синфга хизмат қилиши, унга қулларча тобе бўлиши, ҳаётнинг ноз-неъматларидан воз кечиши керак, деб ҳисоблар ва «феодал лаззатланиш» «фалсафа»сини илгари сурар эдилар. Бинобарин, бундай ёзувчилар айш-ишрат ва ҳузур-ҳаловатни куйлашдан ёки ўзаро феодал урушларни мақташ ва ҳукмдорларга хушомадгўйлик қилиб, уларни мадҳ этишдан нари ўтолмас эдилар. Айрим ёзувчилар (масалан, адабиёт билан ҳам шуғулланган баъзи шоҳлар, амирлар ва амалдорлар) бадиий ижодиётга шунчаки бир эрмак деб қарар эдилар. Бундай ёзувчиларнинг ижодиёти дунёвий адабиётнинг тараққиётига батамом зид эди. Чунки улар энди дунёвий адабиётнинг намояндаси эмас, балки реакцион сарой адабиётининг намояндаларига айланиб кетган эдилар. Дунёвий адабиётнинг тараққиёти ва истиқболи фақат дуний-мистик адабиётгагина эмас, балки реакцион сарой адабиётига ҳам қарши курашни тақозо қилар эди. Дунёвий адабиёт мана шу кураш процессида такомиллашиб, янги марраларга эриша бошлади.

XV асрнинг иккинчи ярмида ўзбек дунёвий адабиёти янги тараққиёт босқичига кўтарилди. У гуманизм, халқпарварлик ва маърифатпарварликнинг жарчисига айланди, дунё адабиёти хазинасига ўлмас обидалар қўшди. Ўзбек дунёвий адабиётининг янги тараққиёт босқичига — чўққисига кўтарилиши ҳаммадан аввал улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг фаолияти ва ижо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

диёти билан чамбарчас боғлиқдир. Навоий ижодиёти фақат дунёвий адабиётнинг эмас, балки гуманистик адабиётнинг буюк обидаларидир, Навоий гуманизмнинг доҳий куйчиларидандир.

Алишер Навоий бутун ҳаёти ва куч-қувватини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, илм-фан, санъат ва адабиётнинг тараққиётига бағишлади. У сўз санъатининг «Хазойинул-маоний», «Девони Фоний» ва «Хамса» каби буюк обидаларини яратди. Навоий ўз асарларида яшаган муҳитининг деярли барча муҳим масалаларини қамраб олди, гуманизм, халқпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларини ҳормай-толмай илгари сурди, монументал образлар яратди.

Алишер Навоий илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларининг буюк ҳомийси эди. У олимлар, санъаткорлар ва шоирларга моддий-маънавий ёрдам берар, илмий ва адабий суҳбатлар уюштирар, касбдошларининг хато ва камчиликларини холислик ва ғамхўрлик билан кўрсатар, уларни маҳсулдор ижодий ишларга илҳомлантирар эди. У сўз санъаткорларидан ҳаёт воқеаларини ростгўйлик билан тасвирлашни, китобхонга маънавий-эстетик озиқ беришни, унинг билими ва дидини такомиллаштиришни талаб қилар эди. У шаклбозликка берилган дидсиз ва истеъдодсиз нозимларни, хушомадгўй мадҳхонларни қаттиқ танқид қилиб, уларга қарши кураш олиб борган эди. Жумладан, у «Садди Искандарий»да мақтанчоқ, дидсиз, истеъдодсиз шоирларга қарши бундай деган эди:

Керак даҳр аҳлига ўн куп жадал,
Ки беш байтдин боғлағай бир ғазал.
Басе маснавигўйи нозук хаёл,
Ки назм аҳли ичра солиб қийлу қол,
Халойиққа юз ҳусни ноз айлагай,
Ки ўн йилда минг байт соз айлагай.
Чиқорғон замон ул навъ ойин савод,
Ки оламда йўқ бўйла рангин савод.
Саводига ҳар кимки кўз солибон,
Қаро шоми меҳнат аро қолибон.
Не вулматки, йўқ оби ҳайвон анга,
Қаю тунки, йўқ меҳри раҳшон анга.

Навоийнинг улуг замондоши, устоз санъаткор Абдураҳмон Жомий ҳам дидсиз, истеъдодсиз шоирларга қарши муросасиз кураш олиб борган эди. Чунончи, у «Силсилатуз-заҳаб» достонида ана шундай шоирлар ҳақида бундай деган эди:

Кист шоир кунун?! Яке мудбир,
Ки надонад зи жаҳл ҳир аз бир,
Накунад фарқ шеърро зи шаир,
Роҳати хулдро зи ранжи саир.
Ҳиммати ў хасису табъ лаим,
Ҳама офоқро ҳарифу надим.
Рўзу шаб кў ба кўю жой ба жой,
Медавад чун сагони сўхта пой.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Го кужо бу барад, ки як-ду-се кас,
Шуда жамъ аэ сари ҳавову ҳавас,
Карда тартиби айшро асбоб,
Аэ шаробу кабобу чангу рубоб,
Афганад хешро ба макру дуруғ,
Пеши он жамъ чун магар дардуғ,
Гашта з-ин гуна хиссату ибром,
Шеър мазмуму шонрон бадном...

(Энди шоир кимдир?! У шундай бир бадбахтки, жоҳиллиги туфайли «хир» дан «бир»ни фарқ этолмайдиган, яъни саводсиз кишидир. У шеърдан шанр (арпа)ни, жаннат роҳатидан жаҳаннам азобларини фарқ этолмайди. У паст ҳиммат ва табиатан разил киши бўлиб, бутун оламга ўзини улфат ва ҳамсуҳбат деб ҳисоблайди. Кеча-кундуз кўчама-кўча, жойма-жой оёғи куйган итдек санғиб юради. Қаерда бир иснн сезиб қолиб, бир-икки ёки уч кишининг ҳавас билан йиғилганини, шароб ва кабоб ҳозирлаганларини, чанг ва рубоб каби айш асбоблари муҳайё қилганларини билиб қолса, ёлғон-яшиқ ва макр-ҳийла билан худди қатиққа тушган пашшадай у ерда ҳозир бўлади... Бундай разиллик ва хиралик туфайли шеър нафратли ва шоир бадном бўлиб қолади.)

Навоий ва Жомий каби улуғ сўз санъаткорларининг эстетик қарашлари ва адабиёт аҳлларига раҳбарлик қилиб, истеъдодли шоирларни авайлаб тарбиялаши, жоҳил ва худбин шоирларни танқид қилиши бадиий адабиёт тараққиёти учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлиб, сўз санъатининг ғоявий-бадиий юксалиши, унда реализм тенденциялари ва, шу билан баробар, бадиий фантазиянинг ўсишига хизмат қилган эди.

Навоий ўзбек адабий тили тараққиёти учун курашнинг буюк яловбардори эди. Навоийга қадар ҳам ўзбек адабий тили ва адабиёти ўз тараққиётида катта муваффақиятларга эришган эди. Бироқ ўзбек адабий тили сўз санъати тараққиётида ҳали ўзининг етарли ўрнини эгаллаб олган эмас эди, ўзбек тилини камситиш тенденцияси анча кучли эди, ўзбек шоирларининг анча қисми ўз она тилида ижод этмай, форс-тожик тилида асар ёзишни афзал кўрар эди. Ваҳоланки, ўзбек китобхонларининг эҳтиёжи бу тилда кўплаб ғоявий-бадиий юксак асарлар яратишни тақозо қилар эди. Ўзбек адабий тили тараққиёти учун кураш катта маданий ва сиёсий аҳамиятга эга эди, у давлат мустақиллигини сақлаб қолишда маълум роль ўйнар эди. Шунинг учун ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро ўзбек шоирларини ўз она тилида ижод этишга даъват қилар, уларга маълум имтиёзлар беришга интилар эди. Ҳусайн Бойқаронинг бу ҳаракати, шубҳасиз, ижобий аҳамиятга эга эди. Бироқ эски ўзбек адабий тили тараққиёти учун курашда ҳеч ким Навоийчалик катта хизмат қилмаган ва бу тил учун кураш байроғини Навоийчалик баланд кўтара олмаган эди. Барча халқлар ва уларнинг тилларига доимо эҳтиром ва муҳаббат билан қараган, ўзи ҳам форс-тожик тилида асарлар яратиб, зуллисонайн сифатида шуҳрат топган Навоий халқ тилининг «яширин хазина»ларидан кенг фойдаланиб, ўзбек тилида «Хамса», «Хазойинул-маоний», «Лисонут-тайр», «Маҳбубул-қулуб», «Мажолисун-нафоис», «Ме-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зонул-авзон», «Муҳокаматул-луғатайн» каби ажойиб бадиий, илмий асарлар яратиб, бу тилнинг бойликлари ва нафислигини мужассамлаштирди, ўз асарлари билан ўзбек адабиёти аҳлларига намуна бўлди, у ўзбек шоирларини ўз она тилида ижод этишга чақирди, «Муҳокаматул-луғатайн» асари билан ўзбек тилининг бойлиги ва гўзаллигини, унинг форс-тожик тилидан қолишмаслигини, ўзига хос юксак хусусиятлари ва бадиий ижодкорлик учун кенг имкониятлари борлигини илмий жиҳатдан асослаб берди. Навоий ўзбек тилини камситиш тенденцияларига узил-кесил зарба берди.

Навоийнинг фаолияти ва ижодиёти у яшаган муҳитнинг айрим зиддиятларидан холи эмас эди. Бироқ шу зиддиятларга қарамай, ўрта асрнинг улуғ мутафаккири ва сўз санъаткори Навоий ўзбек адабиётини янги тараққиёт поғонасига олиб чиқди ва эски ўзбек адабий тилининг асосчиси бўлди. У ўз асарлари билан асрларга, авлодларга манзур бўлди.

Навоий ижодиёти ўзбек адабиётига, шу билан бирга, ўзбек халқи билан иқтисодий-маданий алоқада бўлган бошқа халқлар адабиёти тараққиётига самарали таъсир этди. Навоий жуда кўп сўз санъаткорларининг устози бўлди. XVI асрда етишган Бобир, Муҳаммад Солиҳ, Мажлисий ва Хожа каби ўзбек ёзувчилари Навоий ижодидан таълим олиб, унинг айрим традицияларини муваффақият билан давом эттирдилар ва ривожлантирдилар. Ҳассос шоир ва истеъдодли адиб Бобир лирик шеърлари билан бирга «Бобирнома» мемуарларини яратди. Муҳаммад Солиҳ тарихий воқеликка муносабат масаласида айрим тенденциоз майлларга берилганлигига қарамай ўзининг «Шайбонийнома» достонида ўзаро феодал урушларнинг даҳшатли оқибатларини реалистик тасвирлашга муваффақ бўлди; халқ оғзаки ижоди ва Лутфий ҳамда Навоий каби ёзувчиларнинг адабий традицияларидан баҳраманд бўлган Мажлисий «Қиссаи Сайфулмулук» достонини, Хожа лирик шеърлари ва ҳикояларини китобхонларга тақдим қилди. Бу ёзувчилардан ҳар бири ўзбек адабиёти тараққиётига ўзига хос ҳисса қўшди, ўзбек адабий тили такомилида маълум роль ўйнади.

Реакцион йўналиш — феодал-клерикал адабиёт

Жамият ҳаётида ва бадиий адабиётда реакцион роль ўйнаган феодал-клерикал адабиётнинг икки тармоғи бор: 1) диний-мистик адабиёт; 2) реакцион сарой-аристократ адабиёти.

Диний-мистик адабиёт дин ва тасаввуф билан узвий боғлиқдир. Ислом дини реакциясининг кучайиши, тасаввуфнинг, айниқса унинг нақшбандийлик тариқатининг кенг тарқалиши, «подшоҳи ислом»ларнинг мустабид руҳонийларни қўллаб-қувватлаши, янги-янги хонақоҳларнинг вужудга келиши диний-мистик адабиётни феодал-клерикал муҳитнинг ҳоким бир мафкуравий қуролига айлантирган эди. Темур Аҳмад Яссавийнинг қабри устига катта мақбара қурдирган, Абусаид мирзо Хўжа Аҳрорнинг мухлисига

www.ziyouz.com kutubxonasi

айланган, Шайбонийхон ва Убайдуллаҳонлар эса нақшбандий шайхларининг мухлислари бўлиб қолган эдилар. Феодал ҳукмдорлар диний ва диний-мистик асарларни кенг тарғиб қилиш учун бутун чораларни ишга солар эдилар. Кўплаб котиблар, хаттотлар «Қуръон» ва бошқа диний китобларни кўчириш билан шуғулланар, дин уламолари машойихларнинг асарлари ва ривоятларини йиғиб уларни «таҳрир» қилиб, қўшиб-тўқиб китобат этар, «авлиёлар» ҳақида тазкиралар тузар эдилар. Буларнинг барчаси масжид ва хонақоҳларда, мактаб ва мадрасаларда тарғиб қилинар эди.

Диний-мистик адабиёт намояндалари Аҳмад Яссавий ва Боқирғоний изидан бордилар. Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румий каби машҳур ёзувчиларнинг ижодидаги реакцион, мистик ақидалар изидан бордилар, бадбинлик ва тарки дунёчиликни тарғиб қилувчи асарлар яратдилар. Масалан, Ҳисом котиб (XIV аср) Фаридиддин Аттор достони асосида «Китоби Жумжума» асарини яратади. Ҳисом котиб бу асарида подшо Жумжума образи орқали бадбинлик ва тарки дунёчилик ғоясини илгари суради, унинг қаҳрамони Жумжума «фоний дунё»га эътиқод қўйганидан афсус-надомат чекиб, «охират»ни мадҳ этади. Маҳмуд ибн Али (XIV аср) эса қирқ ҳадис асосида «Наҳжул-фародис» («Жаннат боғининг йўли») асарини ёзади. XIV—XVI асрларда шунга яқин «Муҳаммадия» деган яна бир асар пайдо бўлади. Бу асарлар ўзбеклар, татарлар, туркманлар, турклар, қозоқлар ва бошқа туркий тиллар группасидаги тилларда сўзлашувчи халқлар ўртасида кенг тарқалиб, меҳнаткаш омманинг онгини дин, шариат ва тасаввуф догмалари билан заҳарлайди. Катта ҳажмдаги бу асарлардан ташқари, диний-мистик адабиёт намояндалари, масалан, Убайдий (Убайдуллахон) лирик шеърлари билан бирга Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийга тақлидан шеърлар битади.

Афсуски, диний-мистик адабиёт, дин ва тасаввуфнинг ўзи каби айрим тараққийпарвар ёзувчиларнинг ҳам ижодига салбий таъсир этиб, уларнинг асарларида бадбинлик ва мистика элементларини туғдирар эди.

Реакцион сарой-аристократ адабиётининг намояндалари феодал ишратпарастлигининг куйчиси ва сарой ҳукмдорларининг маддоҳи эдилар. Феодал ҳукмдорлар шон-шуҳрат орттириш мақсадида ўз саройларига адабиёт аҳлларини жалб қилар эдилар. Бир хил ёзувчилар ихлос ва эътиқод билан сарой доирасига борсалар, иккинчи бир хиллари моддий муҳтожлик ёки бошқа бирор сабаб билан шоҳлар ва амир-амалдорларнинг таклифини қабул қилишга мажбур бўлар эдилар. Сарой шоири қанчалик ҳақиқатдан кўз юмиб, мустабид феодал ҳукмдорларни мақтаса, бемаъни айш-ишратларни куйласа, шунчалик реакцион доираларнинг эътиборини қозонар эди. Хушомадгўйлик ва маддоҳликни истамаган шоирлар эса саройдан ҳайдалар, таъқиб этилар ёки жазола-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нар эди. Феодал саройи чинакам ижодкорликка, истеъдоднинг ўсиб гуллашига имкон бермас эди. (Улуғбек, Ҳусайний ва Бобир саройидаги адабий ҳаёт маълум даражада бундан мустаснодир.) Сарой муҳити бадиий ижодни тематик-ғоявий жиҳатдан маҳдуд қилиб қўяр, тематик-ғоявий маҳдудлик эса шаклбозлик ва тақлидчиликка олиб борар эди.

Шайбоний ва Убайдий каби хонлар сарой-аристократ адабиётининг намояндалари эди. Шайбоний кўпгина шеърларида урушларини мақтайди, ғалабалари билан кибрланади, халқ бошига солган кулфатларини «тангрининг амри» деб оқлашга интилади, минглаб кишиларни қириш, талон-торож этиш ҳисобига сурган ҳузур-ҳаловатини сурбетлик билан куйлайди:

«Тангри инояти била қавми Ҳазорани,
Андоқ қилайки тажриба бўлсун ҳазорға»,

«Қозу қазию кўзию қиз қимиз керак,
Эй мардумони шаҳри Ҳирий борчамиз керак».

Убайдий, бир томондан, Шайбоний каби, айрим лирик шеърларида нуқул ишратпарастликни куйласа, иккинчи томондан, Аҳмад Яссавийга эргашиб, бадбинлик ва тарки дунёчиликни тарғиб қилади. Убайдийнинг ижодиёти феодал-клерикал адабиётнинг икки тармоғининг ўзаро узвий боғланганини, уларнинг ҳар иккаласи ҳам феодал синфнинг дунёқараши ва манфаатини ифодалаганини равшан кўрсатади.

Шундай қилиб, феодал-клерикал адабиётнинг бир оёғи масжид ва хонақоҳда, иккинчи оёғи сарой ва базмхоналарда эди.

Адабий жанрлар

Бу даврда адабий хил ва жанрлар ҳам равнақ топди, аввалдан қўлланилиб келган адабий жанрлар такомиллашиб борди. Янги адабий жанрлар пайдо бўлди.

Лирика бадиий ижодиётининг етакчи хили эди. Айниқса ғазал жанри кенг тарқалган эди.

Навоий «Мажолисун-нафоис»да ўз даври шоирларини таърифлаб, уларнинг кўпи «барчадин дил осопроқ ва нишотафзороқ» «ғазал таврида» ўз асарларини яратганини таъкидлайди. Прогрессив шоирлар ижодиёти билан (ўзбек адабиётида айниқса Навоий) ғазал ғоявий-бадиий жиҳатдан такомиллашиб борди, унинг тематик доираси кенгайди, ғазалда ошиқ-маъшуқ, рақиб ва ринд традицион образларидан ташқари, шоҳлар (кўпроқ салбий), шайх ва зоҳидлар (сатирик) ва бошқа ижтимоий табақаларга мансуб бўлган кишиларнинг образлари ҳам яратилди, ҳажвий ғазаллар вужудга келди, воқеабанд (сюжетли) ғазаллар битиш бир традицияга айланди. Ғазал музика санъати билан узвий алоқада тараққий этди, ғазаллар куйга солинди. Бу ҳол унинг кенг халқ оммаси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сига мазмур бўлишида катта роль ўйнади. Абдураҳмон Жомий ғазалнинг мана шу хусусиятларини кўзда тутиб:

«Аз фунуни, шеъри фан беҳтарин омад ғазал,
Чун накў рўён, ки дар сурат беҳанд аз жинсу нис»

(«Шеърият фанининг энг яхшисидур ғазал,
Гўзаллар юзи инс-жинсдан хушдур ҳар маҳал»),—

деган бўлса, Алишер Навоий:

«Ғазал тарзиға аввал айлаб ситез,
Жаҳон ичра олдим улуғ рустхез»;

Муҳаммад Фузулий:

Ғазалдур сафо бахши аҳли назар,
Ғазалдур гули гулистони ҳунар»;

ва XVI аср шоири Сайфи Бухорий:

«Панж байтеки дилпазир бувад,
Беҳтар аз хамсатайн медонам»
(«Кўнгилга мақбул беш байтли шеърни
Икки «Хамса»дан ҳам авло биламан»),—

деган эди.

XIV—XVI аср шоирлари ижодида лириканинг мухаммас, рубоий ва қитъа жанрлари ҳам кенг қўлланилди. Мустақил (бир шоирнинг ўз мисраларидангина ташкил топган) мухаммас билан бирга тахмис формаси (ўзга бир шоирнинг ғазалига мухаммас боғлаш, ғазалнинг икки мисрасига уч мисрадан қўшиш асосида беш мисрали бандлар тузиш) ҳам кенг тарқалди. Форс-тожик тилидаги тахмислар кўпинча Ҳофиз, Камол Хужандий, Хисрав Деҳлавий ва Жомий каби шоирларнинг ғазалларига боғлаб битилса, ўзбек тилидаги тахмислар, кўпинча, Лутфий, Ҳусайний (Ҳусайн Бойқаро) ва Навоий ғазалларига боғлаб битилар эди. Баъзан шоирлар ўз ғазалларига тахмис ёзар эдилар. Ахлоқий-таълимий ва фалсафий масалаларни лирик тарзда ифодалашда кўпинча рубоий ва қитъа жанрларида шеърлар ёзилар эди.

Бу даврда ўзбек ва бошқа туркий халқлар адабиётининг оригинал жанри бўлган туюқ вужудга келди. Навоийнинг айтишига қараганда, туюқ халқ қўшиқларининг бир тури бўлиб, унинг қофиялари омоним (шаклдош) сўзлардан ёки сўз ўйини воситасида ясалган тажнислардан тузилган. Мана шундай шеърлар заминида ёзма адабиётда туюқ жанри вужудга келган. Туюқ тўрт мисрадан иборат бўлиб, рамали мусаддаси мақсур вазнида (фоилотун фоилотун фоилотун фоилон) яратилган ва а-а-б-а шаклида қофияланган. Турк адабиётида туюқ жанри биринчи марта XIV аср шоири Бурҳониддин Сивосий девонида учрайди. Ўзбек адабиётида туюқ жанрининг ажойиб намуналарини Амирий, Лутфий, Навоий ва Бобир каби атоқли шоирлар яратдилар. Бу шоирлар ўз туюқларида ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларидан, унинг омоним сўзлари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан кенг фойдаландилар ва турли усуллар билан тажнисли қофиялар қўлладилар.

Шу билан бирга, шоирлар мусаддас, мусамман, мустазод, таржиъбанд, таркиббанд, қасида, марсия, соқийнома, луғз (шеърий чистон) ва бошқа жанрларда ҳам асарлар яратдилар.

Бу давр бадиий адабиётида, хусусан, XV асрда кенг тарқалган жанрлардан яна бири муаммодир. «Муаммо»нинг луғавий маъноси «яширилган», «пинҳон этилган» бўлиб, одатда бир (баъзан икки) байтдан ташкил топган бундай шеърда бирор сўз (кўпинча кишиларнинг номи) яшириб берилар эди. «Яширин» сўз шоирнинг турли-туман ишоралари (маънодош ёки шаклдош сўзларни топиб олиш, бир тилдаги сўзнинг иккинчи бир тилдаги эквивалентини қўллаш, сўзлардаги маълум ҳарфларни тизиб янги сўз ясаш, абжад ҳисобини ишлатиб, рақамлар асосида сўз тузиш ва бошқа-бошқалар) асосида топилар эди. Мисоллар:

Навоий Самарқандда эканлигида, бир кун оёқ оғриғи билан ётган кекса шоир Алои Шошийни зиёрат қилиб, экспромт билан унинг номига қуйидаги муаммони тўқийди:

Дур бод аз ту дарду заҳмати по,
Душманатро бало насибу ано[1].

Бу муаммонинг иккинчи мисрасида «ало» (علا) сўзи берилган: «бало насибу ано». Шоирнинг ишораси билан «бало» сўзида «ба» (ўзбекча жўналиш келишиги қўшимчаси —«га»)ни қолдириб, ундан «ло» ни оламиз, «ано»—(عين)нинг биринчи ҳарфи «айн»—« ع »ни олиб, (чунки « عنا »нинг насиби — бошланиш ҳарфи « ع »дир), уни «ло»га қўшамиз (насиб қўшиш маъносида ҳамдир), бироқ « ع »ни « ﻻ » нинг олдига қўшамиз, чунки « ع » « ﻻ »га насиб — бошланма бўлиши керак. Шундай қилиб, « ع » га « ﻻ »ни қўшсак, « علا » келиб чиқади.

Навоий кетгандан кейин унинг кимлигини билиб олган Алои Шоший унинг номига муаммо битиб, ҳужрасига жўнатади:

Чашми ту маро диду манаш иск надидам,
Чун сер бубинам, эй ту инаст умедам[2].

Бу муаммода «Алишер» сўзи берилган. Араб тилида «кўз» «айн» бўлиб, бу сўздан « ع » ҳарфини ҳам англаш мумкин. «Маро» сўзи эса арабчада «ли»дир. Ишорага биноан « ع » билан « لى »ни қўшамиз, « على » бўлади, «сер» сўзининг ҳамшакли «шер»дир (муаммода зеру забарни ўзгартириш, олиб ташлаш ёки қўшиш мумкин), « على » га « شير » бириктирилса, « عليشير» келиб чиқади.

[1] Маъмуни: Сендан оёқ оғриғи ва заҳмати йироқ бўлсин, душманларингга бало ва машаққат насиб бўлсин.

[2] Маъмуни: Кўзинг мени кўрди, мен уни яхши кўролмадим, сендан умидим шуки, кўзларингни тўйгунча кўрсам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу икки мисол ҳам муаммонинг жуда мураккаб бир жанр эканини кўрсатади. Муаммо битиш ва муаммо ечиш атрофлича билимни, ҳозиржавоблик ва узоқ машқ қилишни талаб этар эди. XV асрда муаммо билан шуғулланиш ниҳоятда кенг тарқалган бўлиб, у гўё шоирлар ва китобхонлар учун бир имтиҳон вазифасини адо этар эди. Жомий ва Навоий каби буюк шоирлар ҳам бу жанр билан шуғулланиб, шуҳрат қозонган эдилар. Муаммо ҳақида Бодий Табризий, Шарафиддин Али Яздий, Жомий, Навоий ва бошқалар махсус рисолалар яратган эдилар.

Прогрессив шоирлар муаммо жанри орқали ўз тараққийпарварлик фикр-мулоҳазаларини илгари сурганлар, яшаган муҳитларининг айрим иллатларини танқид қилганлар. Масалан, Восифий муаммо йўли билан Кўчкунчихоннинг Самарқанддаги вазири Хожа Юсуфни қаттиқ фош қилади. У Хожа Юсуфга атаб «мадҳия» ёзади, бироқ «мадҳия»нинг ҳар бир байтидаги муаммода уни шармандаю шармисор қилиб ташлайди. Мана шу шеърдан икки байт келтирамиз:

Ҳаст дар силсилаи хоқоний
Муҳрдоре, ки надорад соний

Бу байтнинг зоҳирий (ташқи) мазмуни: «Хоқонлик силсиласи (тарихи)да у шундай муҳрдорки, унга ўхшаш иккинчи бир муҳрдор йўқдир; унинг муаммодаги мазмуни: у шундай «муҳрдор» «مهردار» ки, унинг «соний»си (яъни иккинчиси, бундан мақсад «معردار» сўзидаги иккинчи ҳарф «ه» йўқдир ва «مهردار» дан «ه»)ни олиб ташласак, «معردار»—«мурдор»—«ҳаром» қолади. Демак, шоир Хожа Юсуфни «муҳрдор» эмас, балки «мурдор»дир демоқчи бўлади.

Фахри офоқ бувад з-ў шуда фош
Мардумию караму ҳусни маош.

Бу байтнинг зоҳирий мазмуни: «Одамгарчилик, карам ва хушмуомалаликда уфқларнинг фахри у билан намоён бўлади», унинг муаммодаги мазмуни: «у туфайли уфқлар фахри фош бўлади», яъни «фахр»—«فخر» сўзидаги «ف» фош бўлиб йўқолиб кетади. «فخر»дан «ف» фош бўлиб чиқиб кетса «خر» («хар», демак, «хари офоқ»—«уфқлар эшаги») қолади. Демак, шоир Хожа Юсуф «уфқлар фахри» эмас, балки «уфқлар эшаги»дир демоқчи бўлади.

Бироқ дидсиз, истеъдодсиз аристократ шоирлар муаммога бир эрмак деб қараганлар, мазмунга мутлақо эътибор бермай, қандай бўлмасин «шаклдан шакл ясаш»га интилганлар. Айримлари шоирлик даъво қилганлари ҳолда, маза-матрасиз муаммодан бўлак ҳеч нарса ёзмаганлар. Бу ҳол бадиий адабиётни тараққиётга эмас, балки инқирозга олиб борар, унинг ижтимоий-эстетик қиммати-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни барбод этар эди. Муаммо истиқболи порлоқ жанр эмас эди. Бинобарин, XV асрдан кейин прогрессив шоирлар аҳён-аҳёндагина бу жанрга мурожаат қилар эдилар.

Таърих деб номланган жанр ҳам бир хусусияти билан муаммога ўхшайди. Муаммода одатда бирор ном яшириб берилса, таърихда бирор рақам яшириб берилар эди. Шоирлар айрим тарихий воқеаларга бағишлаб шеър битар, аммо одатдаги рақамларни шеърга киритиш ҳар қачон ҳам мумкин бўлавермас, бунга шеърнинг вазни имкон бермас эди. Бинобарин, шоирлар араб алифбесидаги ҳарфларнинг рақамидан: «абжад» ҳисобидан фойдаланиб, рўй берган воқеанинг йилини (рақамни) ҳарфлар орқали ифодалар эдилар. Бу кўпинча муаммога ўхшаш мураккаб усул ва ишоралар қўллашни талаб этар, йил бир жумбоққа айланар эди.

Араб алифбесидаги ҳарфларнинг рақами:
ا (а)—1; ب (б)—2; ج (ж — «жон» сўзининг биринчи ҳарфи)—3; د (д)—4; ه (ҳ)—5; و (в)—6; ز (з)—7; ح (ҳ)—8, ط (т)—9; ى (й)—10; ك (к)—20; ل (л)—30; م (м)—40; ن (н)—50; س (с)—60; ع (айн)—70; ف (ф)—80; ص (с)—90; ق (қ)—100; ر (р)—200; ش (ш)—300; ت (Т)—400; ض (с)—500; خ (х)—600; ذ (з)—700; ض (з)—800; ظ (з)—900; غ (г)—1000.

Таърихга мисоллар:

Навоий Паҳлавон Муҳаммаднинг вафотига атаб ёзган таърихида айтади:

«Агар пурсад касе соли вафоташ,
Бигўяш: «Баъди Махдуми ба як сол»

(«Агар ким унинг вафот йилини сўраса, «Махдум (Жомий) дан кейин бир йил» деб жавоб бергин»).

Байтдаги «Баъди Махдуми ба як сол» сўзларида унинг вафот этган йилини берадики, бу сўзларнинг абжад ҳисоби 899 (1493—1494) дир.

Навоий Мозандаронда қатл этилиб, калласи Ҳиротга олиб келинган золим амалдор Муҳаммад Амин ҳақидаги таърихида унинг вафот этган йилини қуйидаги байтда беради:

...Золимеро кушта сўйи шаҳр оварданд сар,
Он чи оварданд қатлашро ҳамон таърих буд.

(...Золимни ўлдириб бошини шаҳарга олиб келдилар, нимаики олиб келган бўлсалар, ўша унинг таърихидир.).

Байтдаги ишорага мувофиқ, золимнинг бошидан муддао «ظالیم»сўзидаги бош (биринчи) ҳарфлар «ظ»дир, «ظ»нинг рақами эса 900 дир. Демак, бу воқеа ҳижрий 900 йилда, мелодий

www.ziyouz.com kutubxonasi

1495 йилда содир бўлган экан. Таърих жанри ҳажм жиҳатидан ҳам, мисраларнинг қофияланиш тартиби жиҳатидан ҳам белгили қатъий бир қоидага эга эмас. Махсус таърих жанридаги асарлардан ташқари, таърих усули бошқа жанрлардаги асарларда (масалан, достонларда, мемуарларда ва бошқаларда) ҳам қўлланилган. Кўпинча ёзувчилар асарларининг ёзилган йилини таърих йўли билан баён этганлар. Муҳташам иморатларга у иморатларнинг бино бўлган йилини махсус текст — таърих билан ўйиб ёки нақш бериб ёзиш бир одатга айланган.

XIV аср ўрталаридан XVII асргача бўлган ўзбек адабиётида нома, мунозара, достон, ҳикоя, масал ва мемуар каби жанрлар ҳам тараққий этди. Нома жанри лирик турдан лиро-эпик турга қараб ўсиб борди, лирик ҳис-туйғу билан эпик баён жўр бўлди. Мунозара жанрида эса бир неча шеърий ва насрий мунозаралар яратилди, уларда мажозий образлар воситаси билан феодал-клерикал муҳитнинг айрим иллатлари фош этилди. Ўзбек достончилиги катта муваффақиятларга эришди. Ишқий-романтик («Юсуф ва Зулайхо», «Гул ва Наврўз» ва бошқалар), фалсафий-таълимий («Ҳайратул-аброр»), фалсафий («Лисонут-тайр») ва тарихий («Шайбонийнома») достонлар ва қаҳрамонлик («Садди Искандарий») достонлари вужудга келди. Навоийнинг «Хамса»си ўзбек ёзма адабиётида достончилик тараққиётининг чўққиси бўлди.[1] Ҳикоя, масал, мемуар жанрларида ҳам қимматли асарлар яратилди. Бунга Навоий достонларидаги ҳикоя ва масаллар, «Гулзор» ва «Мифтоҳул-адл» ҳикоялар тўплами, «Бобирнома» ва бошқалар ёрқин мисол бўла олади.

Шундай қилиб, ўзбек дунёвий адабиётининг тараққиёти турли адабий жанрларнинг равнақ топишида ҳам ўз ифодасини топди. Бадиий адабиётнинг ҳаётга яқинлашиб бориши, унинг тематик-ғоявий жиҳатдан ўсиши ҳамда халқ оғзаки ижодининг самарали таъсири ва бошқа халқларнинг адабий тажрибасидан ижодий фойдаланиш адабий жанрларнинг такомилида етакчи бўлди, янги адабий жанрларни вужудга келтирди. Ўзбек адабиётининг умумий тараққиётида прогрессив йўналиш бўлган дунёвий адабиёт адабий жанрларнинг равнақ топишида ҳам катта роль ўйнади. Реакцион йўналиш — феодал-клерикал адабиёт бўлса, адабий жанрларнинг ғоявий-бадиий қимматини заифлаштиришга, шакл-бозликни турли адабий жанрларнинг «етакчи хусусияти»га айлантиришга интилди.

Адабий алоқалар. Таржима адабиёт

Феодал-клерикал муҳитдаги ихтилофлар, хусусан истилочи ҳукмдорларнинг урушюришлари халқлар ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқаларга катта путур етказар эди. Бироқ кўп ўтмай

[1] Қаранг: Б. Валихўжаев. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан, ЎзССР, «Фан» нашриёти, Тошкент — 1974.

www.ziyouz.com kutubxonasi

халқлар яна бирodарлик муносабатларини қайта тиклар, иқтисодий ва маданий алоқаларини жонлантириб юборар, бирининг тажрибасидан иккинчиси баҳраманд бўлар, бирининг хўжалик ва маданий ҳаётда эришган муваффақияти билан иккинчиси шод ва мамнун бўлар эди. Феодал-клерикал муҳитдаги турли низолар ва ҳарбий тўқнашувларга қарамай, бу даврда Ўрта Осиё халқларининг ўзаро ҳамда Озарбайжон, Эрон, Арабистон, Россия, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа ўлка халқлари билан иқтисодий-маданий алоқалари хийла жонланди, тараққий этди. Халқлар ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқалар заминида адабиётларнинг ҳам ўзаро алоқаси ўсиб мустаҳкамланди. Буни ўзбек, тожик, озарбайжон, эрон, ҳинд ва бошқа халқлар адабиётлари мисолида равшан кўриш мумкин.

Бу халқлар бир-бирларининг адабий тажрибаларидан илҳомланиб, таълим оладилар, адабий традицияларини давом эттирадилар ва ривожлантирадилар. Рўдакий, Фирдавсий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Хоқоний, Низомий, Салмон Соважий, Хисрав Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз ва Камол Хужандий каби буюк Шарқ ёзувчилари ижоди ҳамон турли халқларга манзур бўлиб, китобхонларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этади. Буларнинг асарлари XIV—XVI асрлардаги Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразм, Эрон, Озарбайжон, Ҳиндистон ва бошқа ўлкаларнинг хаттотлари томонидан қайта-қайта кўчирилиб китобат қилинади, мусаввирларнинг суратлари билан зийнатланади, тазкираларда кенг ўрин олади. Уларнинг адабий традициялари давом эттирилади ва ривожлантирилади. Лутфий, Жомий, Навоий ва Фузулийга ўхшаш буюк санъаткорлар Саъдий ва Ҳофиз каби классик лирик шоирлар қаторидан ўрин олади. Низомий ва Хисрав Деҳлавий «Хамса»лари ёнига Навоийнинг «Хамса»си ва Жомийнинг «Ҳафт авранг»и қўшилади, мароғалик Ашраф Навоийнинг мақтовига сазовор бўлган «Хамса»ни яратади. Ўзбек шоири Дурбек, озарбайжон шоири Хатоий ва тожик шоири Жомий ўз оригинал «Юсуф ва Зулайхо»ларини яратадилар. «Лайли ва Мажнун» ҳинд шоири Хўжа Имомиддин Лоҳурий, тожик шоирлари Хотифий ва Ҳилолий, озарбайжон шоирлари Фузулий ва Ҳақирий ҳамда бошқа шоирларнинг қалами билан янги вариантларга эга бўлади ва ҳоказо.

Бир-бирларига замондош бўлган ёхуд олдинма-кейин ўтган ўзбек, тожик, эрон, озарбайжон ва бошқа халқлар ёзувчиларининг ижоди ўзаро ҳамкорлик алоқалари заминида ўсиб камол топади. Бу айниқса Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ўртасидаги дўстлик ва ижодий ҳамкорлик муносабатларида ёрқин намоён бўлади. Шунингдек, Лутфий ва Навоий каби атоқли ўзбек санъаткорлари озарбайжон адабиёти тажрибаларидан ҳам илҳомланиб, катта таълим олган эдилар. Шу билан бирга, Лутфий ва Навоий озарбайжон ёзувчиларига ҳам устоз бўлдилар. Навоийдан руҳлан-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган Фузулий озарбайжон адабий тили учун курашнинг улкан яловбардорларидан бири бўлди, лирикаси ҳамда «Лайли ва Мажнун» достонида Навоий традицияларини давом эттирди ва ривожлантирди. Шоир Кишварий эса Лутфий ва Навоий ижодидан кўп таълим олди. Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»идан баҳраманд бўлган XVI аср озарбайжон адабиётшуноси Содиқ Афшоир ўзбек тилида «Мажмаул-хавос» («Хос кишилар мажмуаси») тазкирасини тузди. Ўзбек шоирларининг номачилик жанридаги ютуқлари озарбайжон шоири Хатоийни «Даҳнома» асарини ёзишга, Амирий, Яқиний, Аҳмадий ва бошқаларнинг мунозаралари Фузулийни шу жанрда бир неча асар ёзишга илҳомлантирди. Турли халқларнинг шоирлари бир-бирларининг асарларига назира ёздилар, ғазалларига тахмис битдилар, тазмин[1] қилдилар.

Тил бобида ҳам турли халқлар ёзувчиларининг алоқа ва ҳамкорлиги равшан кўринади. Кўпгина ёзувчилар ўз тилларида ижод этиш билан бирга бошқа халқларнинг тилларида ҳам асарлар яратиб, китобхонларга манзур бўладилар. Масалан, ўзбек ёзувчиларининг кўпчилиги зуллисонайн сифатида ўзбек тилида ижод этиш билан бирга, форс-тожик тилида ҳам ёзар эдилар. Лутфий ва Навоий каби ўзбек шоирлари форс-тожик тилидаги адабиёт хазинасига катта ҳисса қўшдилар. Тожик шоири Биноий эса ўзбек тилида мароқли асарлар яратган эди. Улуғ озарбайжон шоири Фузулий озарбайжон, форс-тожик ва араб тилларида ижод этар эди.

Халқлар ўртасидаги адабий алоқаларнинг ўсиб мустаҳкамланишида айниқса Навоий бошлиқ Ҳирот адабий мактаби катта роль ўйнади. XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳирот шеърият шаҳри тусини олган эди. Бу шаҳарга Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмнинг турли жойларидан келган шоирлар қаторида Озарбайжон, Эрон, Ироқ ва бошқа ўлкалардан келган, Навоийнинг ҳомийлигида ижодий камолотга эришган шоирларни ҳам кўриш мумкин эди. Ўзбек ёзувчиларининг бир қисми бошқа мамлакатларда ҳам ижодий иш билан шуғулланардилар. Масалан, ўзбек адабиётининг бир неча ёдгорлиги Мисрда вужудга келган (Сайфи Сароийнинг «Гулистон» таржимаси) ва китобат қилинган («Қутадғу билиг»нинг Қоҳира нусхаси, Қутбнинг «Хисрав ва Ширин» достонининг Искандарияда кўчирилиши ва бошқалар).

Халқлар ўртасидаги адабий алоқаларнинг самараси сифатида таржима адабиёт вужудга келади. Шу даврда вужудга келган ўзбек таржима адабиёти адабий ҳаётнинг муҳим ва салмоқли бир тармоғига айланади. У XIV—XVI асрларда самарали натижаларга эришиб, катта тажриба тўплайди. Ўзбек ёзувчилари улкан сўз санъаткорларининг асарларини таржима қилиб, китоб-

[1] Бир ёзувчининг асарида иккинчи бир ёзувчи асаридан парча келтириши *тазмин* дейилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

хонларга тақдим этадилар. Шоир Қутб Низомийнинг «Хисрав ва Ширин»ини, Масъуд ибн Аҳмад Саъдийнинг «Бўстон» асарини, Сайфи Саройи унинг «Гулистон»ини ўзбек тилига таржима қилади. Шоир Лутфий эса Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си асосида қаҳрамонлик достони битади (бу асар сақланиб қолмаган) ва ҳоказо.

Таржима асарларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бироқ таржима асарлари оригиналнинг айнан таржимаси бўлмай, балки маълум даражада ижодий ишланган асарлардир.

Адабиётшунослик асарлари

Бадиий адабиётнинг тараққийси адабиётшунослик асарларининг вужудга келишини тақозо қилар эди. Адабиёт ёдгорликларини тўплаш, уларни китобат қилиш, шарҳлар битиш ва луғатлар тузиш, адабиёт назариясига доир масалаларни ёритиш, сўз санъати тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш илмий-маърифий аҳамиятгагина эга бўлиб қолмасдан, балки бадиий адабиётнинг амалиёти учун, адабиёт аҳллари ва китобхонлар учун жуда катта аҳамиятга эга эди.

Бу даврда бадиий адабиётда эришилган катта муваффақиятлар заминида адабиётшунослик ҳам маълум ютуқларни қўлга киритади. Бир неча буюк ёзувчиларнинг асарлари тўпланади, китобат қилинади. Масалан, XV асрнинг биринчи ярмида Фирдавсий «Шоҳнома»сининг чоғиштирма тексти тузилади, XV асрнинг иккинчи ярмида эса Хисрав Деҳлавийнинг лирик асарлари тўпланиб, тадвин (девон) қилинади. X—XV асрлар адабиёти бўйича янги тазкиралар тузилади. Сайфи Бухорий «Радоифул-ашъор» («Шеърларнинг радифлари») асарини яратади. Навоий асарлари асосида «Бадойиул-луғат» китоби вужудга келади. Аруз вазни, қофия, муаммо жанри ва бошқалар ҳақида бир неча асарлар пайдо бўлади. Сайбакнинг арузга доир икки рисоласи, Сайфи Бухорийнинг «Аруз» рисоласи, Камолиддин Ҳусайннинг муаммо ҳақидаги рисоласи, Жомийнинг муаммо ва қофия юзасидан яратган рисолалари, Навоийнинг «Мезонул-авзон», «Мажолисун-нафоис» ва «Рисолаи муаммо» асарлари, Бобирнинг аруз рисоласи, Ҳилолийнинг «Рисолаи қофия»си, Атоулло Ҳусайнийнинг «Бадоеъус-саноеъ» асари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бевосита адабиётшуносликка доир бўлган асарлардан ташқари, адабиёт тарихи ва назариясига доир маълумот ва фикр-мулоҳазалар бадиий асарларда (айниқса Навоий ва Жомий асарларида), тарих китоблари ва мемуарларда (Восифийнинг «Бадоийул-вақоеъ», Бобирнинг «Бобирнома» си ва бошқаларда) ҳам ўз ифодасини топади.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, адабиётшуносликнинг равнақ топишига катта ҳисса қўшган ва ўз даври адабиёти ҳамда кейинги босқичлар адабиёти тараққиёти учун маълум дастуриламал бўлиб хизмат қилган эди. Бироқ бу даврнинг адабиётшунослиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

адабий жараённинг айрим масалаларидагина баҳс қиларди, у эстетик догматизмнинг айрим иллатларидан қутулолмаган эди, бадиий асарлар айрим муаллифлар томонидан шаклий хусусиятларига қараб таҳлил қилинар эди. Ўтмишдаги адабиётшунослик асарлари ана шу ва бошқа нуқсонларига қарамай, адабиёт тарихи ва сўз санъатининг айрим назарий масалаларини ўрганишда ўзининг илмий-маърифий қимматини ҳозир ҳам сақлаб келмоқда.

Тазкиралар

IX асрда вужудга кела бошлаган тазкирачилик ўзига хос тараққиёт босқичларини кечиб ўтди. Босмахонанинг йўқлиги, қўл ёзма китобларнинг камлиги ва қимматлиги натижасида адабиёт муҳиблари турли шеърларни махсус дафтарга кўчириб олар, кичик-кичик тўпламлар тузар эдилар. Машҳур ёзувчиларнинг асарларидан намуна сифатида тузилган бундай илк тўпламларда биографик маълумотлар у ёқда турсин, кўпинча шоирларнинг номи ҳам қайд қилинмас эди, бунга эҳтиёж йўқ эди. Лекин вақт ўтиши билан тўпламларга ёзувчилар ва адабий намуналар кўпроқ кириб боради, шунинг натижасида ёзувчиларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот бериш, асарлари ҳақида мулоҳаза юритиш зарурияти туғилади. Мана шу зайлда вужудга келган тўпламлар илк тазкиралар эди.

Бизга қадар сақланиб қолган энг қадимги тазкиралардан бири XIII асрнинг биринчи чорагида Муҳаммад Авфий (асли бухоролик бўлиб, кейин Ҳиндистонда туриб қолган) томонидан яратилган «Лубобул-албоб» («Ўзакларнинг ўзаги») тазкирасидир. Бу тазкира форс-тожик тилида ижод этган IX—XII аср ёзувчиларининг асарларини ўз ичига олади. «Лубобул-албоб» маълум тарихий-адабий қимматга эга, бироқ Муҳаммад Авфий латифа ва афсоналарга берилиб кетиб, унда айрим чалкашлик ва хатоларга йўл қўяди.

XV аср тазкирачилик тараққиётида алоҳида бир босқич бўлди. Бу даврда бевосита тазкира сифатида икки асар яратилди: «Тазкиратуш-шуаро» (Давлатшоҳ Самарқандий) ва «Мажолисун-нафоис» (Алишер Навоий). Шу билан бирга, тазкирачиликнинг тараққийсида Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» асари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Чунки «Баҳористон»нинг 7-равзаси (боби) тазкира характеридадир[1].

Жомий 1486—1487 йилларда яратган ахлоқий-бадиий асари «Баҳористон»нинг 7-равзасини шеър ва шоирларга бағишлайди. У равзанинг бош қисмида бадиий сўз, вазн, қофия, радиф, бадиий тил воситалари ва бошқалар ҳақида фикр юритади ҳамда қасида, ғазал, маснавий, қитъа ва рубоий каби шеър турлари ҳақида маълумот беради. Шундан кейин автор шоирлар қисмига

[1] Биз Навоий бобида «Мажолисун-нафоис» ҳақида алоҳида тўхталмиз. Бу ўринда эса, қисқача бўлса ҳам, «Баҳористон»нинг 7-равзаси ва «Тазкиратуш-шуаро» билан танишиш кифоядир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтиб, X—XV асрларда ўтган Рўдакий, Дақиқий, Фирдавсий, Унсурий, Асжадий, Рашидаддин Ватвот, Хоқоний, Низомий, Саъдий, Ҳофиз ва Камол Хужандий каби ўттиздан зиёд машҳур шоирлар ҳақида маълумот беради, уларнинг асарларидан намуналар келтиради, ижодлари ҳақида фикр-мулоҳаза юритади. Гарчи Жомий айрим афсона ва ривоятларга кенг ўрин бериб, уларнинг тарихий ҳақиқатни бузувчи ва чалкаштирувчи ўринларини изоҳсиз қолдирса ҳам, лекин фактик маълумотлари билан, адабий-танқидий мулоҳазалари билан X—XV асрлар адабиётини ўрганишга катта ҳисса қўшган эди. Бу жиҳатдан қараганда, бағишлов тарзида ёзилган Навоий бўлими алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу бўлимда Жомий Навоийнинг фаолияти ва ижоди ҳақида фикр юритади, Навоийни тадбирли ва адолатли давлат арбоби сифатида тақдирлайди, сўз ўйини билан Алишерни «Алисер» («Яхши сифатлар») деб атайди ҳамда «...инсоф билан айтганда, қаердаки бу тоифа (фозиллар, олим ва шоирлар — *Н. М.*) нинг номи бўлса, у бу рўйхатнинг бошидир, қачонким бу тоифанинг номини ёзсалар, унинг номи китобнинг ибтидоси — бош саҳифасидир» дейди. Жомий Навоийнинг икки тилда яратган асарлари билан шуҳрат қозонгани, бироқ майли кўпроқ «туркий»да эканини хайрихоҳлик билан таъкидлаб, «...ўша тилда ундан кўп ва ундан яхшироқ ҳеч ким шеър айтган ва назм гавҳарларини тизган эмас» дейди.

Шундай қилиб, «Баҳористон»нинг 7-равзаси ўзига хос кичик бир тазкира бўлиб, X—XV асрлар адабиётини ўрганишда маълум адабий-тарихий қимматга эгадир.

«Баҳористон»дан бир оз кейин, 1488 йилда Давлатшоҳ Самарқандай «Тазкиратуш-шуаро» («Шоирлар тазкираси») асарини яратди. Амир Алоуддавла Исфароний ўғли Давлатшоҳ (1438—1491) бошқа мирзодалардан фарқли ўлароқ мансаб ва давлат кетидан қувмади, балки деҳқончилик билан кун кўриб, илм-фан, санъат ва адабиёт билан шуғулланди. Навоий «Мажолисун-нафоис»да таъкидлаганидек, «...Хуросон мулкининг асл мирзодалари орасида фазл ва дониш зевари била баҳраманд, фақир ва қаноат саодати билан сарбаланд» бўлди. У Навоийнинг таклифи ва маслаҳатлари билан тазкира тузишга киришди ва муваффақият билан бу ишни адо этди. Навоий Давлатшоҳнинг асари ҳақида сўзлар экан «...Султон соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро — *Н. М.*) отига «Тазкиратуш-шуаро отлиғ китоб битибдур ва бу тоифани (шоирларни — *Н. М.*) яхши жамъ қилибдур...» дейди.

«Тазкиратуш-шуаро» муқаддима, 7 табақот (боб) ва хотимадан иборат. Муқаддима Ҳусайн Бойқаро ва Навоий таърифи, шеър ва шуаро масаласи, муаллифнинг ҳасби ҳоли ҳамда 9 араб шоир зикридан ташкил топган. Давлатшоҳ санъатни севади, санъат ҳақида фикр юритувчи киши санъатшунос бўлиши керак деб, «Қадри зар заргар шиносад, қадри гавҳар гавҳарий» («Зар

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадрини заргар билур, гавҳарни — гавҳаршунос») деган машҳур мақолни келтиради. У шеърнинг мазмундорлиги ва бадиийлигига катта эътибор беради, усти ялтироқлик ва жимжимадорликни қоралайди ҳамда мажозий маънода бундай дейди:

Ҳусни ҳайвоний надорад эътибор,
Эй ахий, дар кўйи қассобон гузор

(Ҳайвоний ҳуснинг эътибори йўқ, эй биродар, қассоблар кўчасига бор, кўрасанки, улар ҳайвоннинг чиройлисини ҳам, хунугини ҳам бирдай сўйиб ташлайдилар.)

Бироқ Давлатшоҳ бу адабий-эстетик қарашларидан баъзан чекинади, шаклий мураккабликларга ортиқча эътибор ва баҳо бериб, мазмуннинг етакчилигини унутади, бадиий соддаликни менсимайди. Шунинг учун ҳам у Рўдакийнинг машҳур «Бўйи жўйи Мўлиён...» деб бошлаган содда, бироқ ниҳоятда мароқли шеърининг шуҳрати ва таъсир кучига шубҳа билан қарайди.

Табақотлар асосан хронологик принципда тузилган. Улардан Давлатшоҳ X—XV асрларда ўтган 150 га яқин шоир ҳақида сўз юритади, уларнинг асарларидан намуналар беради. Биринчи табақада Рўдакий, Асади Тусий, Унсурий, Асжадий, Фирдавсий, Фарруҳий, Низомий, Арузий Самарқандий, Амъак, Носир Хисрав ва бошқалар; иккинчи табақада Хоқоний, Анварий, Рашидаддин Ватвот, Сўзаний, Мужриддин Бойлагоний ва бошқалар; учинчи табақада Низомий Ганжавий, Саид Ҳиравий, Шамс Тусий ва бошқалар; тўртинчи табақада Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Шайх Саъдий, Хисрав Деҳлавий ва бошқалар; бешинчи табақада Салмон Соважий, Зоконий, Камол Хужандий ва бошқалар; олтинчи табақада Қосим Анвор, Исмат Бухорий, Али Яздий ва бошқалар; еттинчи табақада Шоҳи Сабзаворий, Мавлоно Жунуний ва бошқалар ўрин олган. Хотима қисмида яна олти шоир: Жомий, Навоий, Суҳайлий, Хўжа Афзал, Абдулло Марворид ва Осафий берилади[1].

«Тазкиратуш-шуаро» X—XV асрларда яшаб ижод этган форс-тожик тилидаги поэзия намояндаларига бағишланади. Бу даврда форс-тожик тилидаги поэзия Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, Озарбайжон, Ҳиндистон ва бошқа ўлкаларда катта муваффақиятларга эришиб, Рўдакий, Фирдавсий, Низомий, Хоқоний, Саъдий, Ҳофиз, Хисрав Деҳлавий ва Жомий каби буюк сўз санъаткорларини етиштирган эди. Тазкира автори уларга катта эътибор ва ўрин беради.

Тазкира хийла бой материал асосида яратилган. Унда шоирларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир қизиқарли фактик маълумотлар баён этилади, афсона ва ривоятлар ҳикоя қилинади, бадиий

[1] Кейинги икки табақа ва хотимадаги шоирлар Навоийнинг «Мажолисун нафоис» асаридан ҳам ўрин олган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

асарларидан кўп намуналар келтирилади. Тазкиранинг ифода усулуби ҳам диққатга сазовордир, у гўё бир бадиий асар каби маълум завқ бағишлайди. Буларнинг барчаси тазкиранинг адабий-тарихий ва эстетик қимматини оширади. «Тазкиратуш-шуаро» XV асрдаги адабиёт тарихини ва адабий-эстетик қарашларни ўрганишда жуда муҳим бир манбадир. Ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш жиҳатидан тазкира, хусусан, унинг Навоий ҳақидаги ўринлари диққатга сазовордир. (Давлатшоҳ Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятига доир қимматли маълумотлар беради, унинг асарларидан намуналар келтиради, «Туҳфатул-афкор» қасидасидан катта парча беради.)

«Тазкиратуш-шуаро» шу муваффақиятларига қарамай, айрим жиддий нуқсонлардан ҳам холи эмас. Тазкира автори бадиий асарлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баъзи бир шарҳлар билан деярли чегаралаб қўяди. У афсона ва ривоятларга танқидий ёндошмайди, тарихий ҳақиқат билан афсонани қориштириб юборади. Бундан ташқари, «Тазкиратуш-шуаро»да айрим фактик ноаниқликлар ҳам бор. Масалан, у Фахриддин Гургонийнинг (XI аср) «Вис ва Ромин» достонини Низомийга нисбат беради. Машҳур совет шарқшуноси Е. Э. Бертельс тазкиранинг шу камчиликларини кўзда тутиб, «Тазкиратуш-шуаро»дан танқидий фойдаланиш зарурлигини, ундаги маълумотларни бошқа манбалар билан чоғиштириш кераклигини таъкидлаган эди.

Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асари биринчи ўзбек тазкираси бўлиб, у XV аср адабиёти намояндаларига бағишланган. 450 дан зиёд ёзувчини қамраб олган бу тазкира фактик материалга бойлиги ва адабий-танқидий мулоҳазалари жиҳатидан бошқа тазкиралардан юқори туради.

Бу тазкиралар кейинги асрлардаги адабиётшунослик тараққиётига ҳам самарали таъсир этиб, Ҳасанхўжа Нисорий, Лутф Алибек Озар, Малеҳо, Возиҳ, Фазлий, Табибий ва бошқа авторларнинг тазкираларига маълум замин тайёрлаган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХОРАЗМИЙ

Ҳаёти ва адабий фаолияти

Хоразмий ўзбек дунёвий адабиётининг илк йирик намояндаларидан биридир. Хоразмийнинг ҳаёти ва адабий фаолияти ҳақида, қисқа бўлса ҳам, маълумот берувчи ягона манба унинг «Муҳаббатнома» асаридир. Шоир «Муҳаббатнома»нинг муқаддимаси ва қисман хотимасида ҳамда шу асарга илова қилган шеърий «Ҳикоят»ида ўз саргузаштлари ва адабий фаолияти ҳақида баъзи бир маълумотларни баён этади.

Шоирнинг номи бизга маълум эмас. «Хоразмий» эса шоирнинг тахаллуси бўлиб, бу тахаллус унинг хоразмлик эканини кўрсатади. Хоразмий XIV аср бошларида (ёки XIII аср охирида) туғилган. Хоразмий яшаб ижод этган давр Чингизхон истилосининг даҳшатли оқибатларидан кейин Ўрта Осиёда хўжалик ва маданий ҳаёт қайтадан бирмунча жонланиб, янги муваффақиятлар қўлга киритилаётган давр эди. Шоирнинг юрти Хоразм эса хўжалик ва маданий ҳаётда ўз аввалги мавқеини анчагина тиклаб олиб, қўшни ўлкалар билан савдо-сотиқ ишлари ҳамда маданий алоқасини маълум даражада изга солиб юборган эди. Хоразмийнинг ёшлик йиллари, ўқиш даври ва илк ижодий фаолияти Хоразмда ўтди. «Ҳикоят»да баён этилишича, Хоразмий бир неча Шарқ мамлакатларига саёҳат қилган, турли халқларнинг ҳаёти билан танишган ва оғир машаққатларни бошидан кечирган. Жумладан, унинг Шом сафари шундай бўлган эди:

Маро соле ки, сўйи Шом шуд рой,
Басе будам савора, бар сару пой.
Асо дар дасту кашфе зеркаш буд,
Ба ҳар ҳолеки будам низ хуш буд.
Яке обам ҳамедоду яке, нон,
Чу зулфи дилбарон заврақ парешон.
Таваккал кардам аз дарё гузаштам,
Зи сар то пой мулки Рум гаштам.
Ба Шомам бад аз он доданд дастур,
Гирифтам роҳи Шом аз мулки Тайфур.
Рафиқе доштам озодае буд,
Жавону поку сайидзодае буд...
Ба ҳам буд оби худ ширин агар шўр,
Сулаймоне шуда ҳамкосайи мўр...
Гаҳе бар гул, гаҳе бар хор будем,
Ҳаме дар пасу дар кўҳсор будем.

(Менда Шомга сафар қилиш фикри туғилиб, йўлга чиққан йили отлиқ ҳам бўлдим, яёв ҳам юрдим. Қўлимда ҳасса, оёғимда кавушим бор эди, қайҳолатда бўлмайин, вақтим хуш эди. Биров сув берар, биров нон берар эди, кема дилбарлар зулфидек паришон эди. Таваккал қилиб денгиздан ўтдим, Рум (Туркия)ни бошдан-охир кезиб чиқдим. Сўнгра Шомга йўлланма бердилар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тайфур мулкидан Шомга йўл олдим. Ўртоғим бор эди, ҳур киши эди, ёшу боқу сайидзода эди... Сулаймон чумолиларга ҳамтовоқ бўлгани сингари[1], сувимизни, шўр ёки ширинлигидан қатъи назар, баҳам кўрар эдик... Гоҳи гулга, гоҳи тиканакка дуч келдик, текислик ҳамда тоғликларда бўлдик...[2]

Бу саёҳат давомида бир карвон боши Хоразмийнинг ҳамроҳига ўринсиз дашном беради, йўловчи бир тарсо (христиан) эса уни ҳимоя қилиб, буларга ёрдамлашади.

Хоразмий Мовароуннаҳрда ҳам узоқ саёҳат қилади. Саёҳат вақтида у 1353 йилнинг охирларида Олтин Ўрда хони Жонибекнинг Сирдарё музофотидаги амалдорларидан бўлган Муҳаммадхожабек билан танишади. Муҳаммадхожа маърифатпарвар ва қобилиятли шоир бўлиб, у Хоразмийдан ўша қиш фаслида шу ерда қолиб, ўзбек тилида бир асар яратишни илтимос қилади. Форс-тожик тилидаги асарлари билан шуҳрат қозонган Хоразмий Муҳаммадхожанинг илтимосини мамнуният билан қабул қилади ва «Муҳаббатнома» асарини яратади. Шоир бу ҳақда «Баёни воқеин айтур»да шундай ҳикоя қилади:

Табассум қилди, айди: эй фалони,
Кетургил бизга лойиқ армуғони.
Кўнгул баҳрида кўп гавҳарларинг бор,
Очунда порсий дафтарларинг бор.
Муҳаббат нардини кўплардин уттунг,
Шаккартек тил била оламни туттунг.
Тиларменким бизинг тил бирла пайдо,
Китобе айласанг бу қиш қотимдо.
Ки уш елтек кечар айёми фоний,
Жаҳонда қолса биздин армуғони.
Қабул қилдим, ер ўптум, айдим: эй шоҳ,
Эшикинг тупроғи давлатли даргоҳ.
Кучум етмишча кўп хизмат қилойин,
Жаҳонға эйгу, отингни ёйин...

«Муҳаббатнома» ҳижрий 754 йилда (мелодий 1353 — 1354 йилларнинг қиш фаслида) Сирдарё атрофида яратилади:

Бу дафтарки бўлубтур, миср қанди,
Етти юз элли тўрт ичра туганди.
«Муҳаббатнома» сўзин мунда йиттим,
Қамугин Сир яқосинда биттим.

Шоир Хоразмийдан бизга қадар фақат «Муҳаббатнома» (унга илова қилинган «Ҳикоят» билан бирга)асари етиб келди. Бу

[1] Диний афсоналарга кўра, Сулаймон пайғамбар чумолиларнинг меҳмони бўлган эмиш.

[2] «Ҳикоят» Муинзода томонидан ўзбек тилига шеърий таржима ҳам қилинган (қаранг: Хоразмий. Муҳаббатнома. ЎзССР Давлат Бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1959, 62—64- бетлар).

www.ziyouz.com kutubxonasi

асар ўзбек дунёвий адабиётининг ишқ-севгини куйлаб шарафлаган илк йирик асарларидан бири бўлди. Гарчи Хоразмийнинг бошқа асарлари бизгача сақланиб қолмаган ёки номаълум бўлиб келаётган бўлса ҳам, Муҳаммадхожа тилидан айтилган «Муҳаббат нардини кўплардин уттунг» сўзлари унинг бошқа асарлари ҳам дунёвий севги масалаларига бағишланганини кўрсатади.

«Муҳаббатнома» нинг нусхалари, тузилиши ва жанр хусусиятлари

«Муҳаббатнома»нинг икки қўл ёзма нусхаси бор. Улардан бири уйғур ёзувида, иккинчиси араб ёзувида кўчирилган. Уйғур ёзувидаги қўл ёзма 1432 (835) йилда Язд шаҳрида, Мир Жамолиддин деган кишининг топшириғи билан, Боқи Мансур бахши номли котиб томонидан кўчирилган. 14 варақка битилган «Муҳаббатнома» бошқа асарлар («Сирожул-қулуб»— «Кўнгилларнинг нури», «Масала китоби»— «Масал-матал китоби», «Роҳатул-қулуб»— «Кўнгилларнинг роҳати» номли диний-ахлоқий асарлар ҳамда Лутфийнинг 4 ғазали, Қамар ўғли ва Мансур бахшиларнинг бир неча шеърлари) билан бирга кўчирилган. Бу қўл ёзма Британия музейида сақланмоқда. 1952 йилда СССР Фанлар Академияси Осиё халқлари институти бу қўл ёзманинг фотонусхасини олди. 1959 йилда текстнинг транскрипцияси нашр этилди[1]. «Муҳаббатнома» 1957 йилда Италияда ҳам босилди. Адабиётшунос С. Қосимов «Муҳаббатнома»ни тадқиқ этиб, диссертация ёзди, у тил жиҳатидан А. Шчербак, Э. Фозилов ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинди.

«Муҳаббатнома»нинг араб ёзувидаги нусхаси 1508 — 1509 йиллар (914 йил)да кўчирилган. Бу нусхага мустақил асар бўлган «Ҳикоят» илова қилинган. «Муҳаббатнома»дан олиниб антология ва хрестоматияларга киритилган парчалар ана шу қўл ёзманинг фотонусхасидан кўчирилган. «Муҳаббатнома»нинг тўла нусхаси эса 1959 йилда Ўзбекистон ССР Давлат Бадиий адабиёт нашриёти томонидан нашр этилди (нашрга Т. Жалолов тайёрлаган).

Бу икки қўл ёзма бир-биридан бирмунча фарқ қилади. Араб ёзувидаги нусхада асарнинг ҳажми каттароқ (унда форс-тожик тилидаги мисралар кўпроқ) бўлиб, айрим мисраларнинг ўрни, баъзи сўзларнинг ёзилишида фарқ бор. Уйғур нусхасида эса кейинги варақлар аралашиб кетган, айрим байтлар китобдаги бошқа асарлар орасига кириб қолган. Шунинг учун фақат шу икки қўл ёзма асосида, Шчербак айтганидек, бу нусхаларнинг қайси бири оригиналга яқин эканлигини аниқлаш жуда қийин[2].

---

[1] А. М. Щербак. Огузе-наме, Муҳаббат-наме. Изд-во Восточной литературы, Москва — 1959.

[2] К. Г. Залеманнинг маълумотига кўра, «Муҳаббатнома»нинг яна бир нусхаси Петербургда, Осиё музейи фондида бўлган. Лекин бу нусханинг тақдири ҳанузгача номаълум бўлиб келмоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биз бу китобда «Муҳаббатнома»нинг араб ёзувидаги нусхасидан фойдаландик. Бу нусха «Муҳаббатнома»га илова қилинган «Ҳикоят» билан бирга 473 байтдан иборатдир. «Муҳаббатнома» ҳамд, шоирнинг Муҳаммадхожа билан кўришганининг баёни, 3 ғазал (биттаси форс-тожик тилида), маснавий, «Муҳаммадхожабек мадҳи» ва «Васфул-ҳол»дан ташкил топган. Асарнинг асосий қисмини номалар ташкил этади. Шоир бошда асарини ўн нома қилиб ёзмоқчи бўлган экан, лекин охирида асарга яна бир нома қўшиб, уни ўн бир номадан иборат қилади:

Бу ерга етди сўз таъхир бўлди,
Бурун ўн дедим, у ўн бир бўлди.

Ўн бир номадан учтаси: 4-, 8- ва 11- номалар форс-тожик тилида бўлиб, қолган 8 нома ўзбек тилидадир. Кўпчилик номалар маснавий-номадан ташқари, ғазал ва кичик соқийномани ҳам ўз ичига олади. (Биринчи номадаги ғазал Хоразмийнинг ғазали бўлмай, балки Муҳаммадхожанинг ғазалидир.) Асарнинг хотимаси «Ғазал», «Муножоот», «Қитъа», «Хотиматул-китоб», «Ҳикоят» (мустақил асар) ва «Илтимосин айтур» қисмларидан иборат бўлиб, асар тексти бир фард билан тугайди.

Демак, «Муҳаббатнома» хилма-хил жанрлардан (нома, маснавий, ғазал, қитъа, мадҳия ва бошқалардан) ташкил топган асардир. Нома асарнинг етакчи жанри бўлиб, унда шоир севгилисининг ҳусн-жамолини тасвирлайди, висол иштиёқи ва ҳижрон изтиробини куйлайди ва кўпинча сабо орқали унга салом йўллайди. Маснавий шоирнинг соқийга мурожаат қилиб айтган шеъри бўлиб, уни соқийнома деб ҳам аташ мумкин. Бу кичик шеърда (кўпинча 3 байт) шоир соқийдан май сўрайди, ўз қайғу-аламини енгиллаштирмоқчи бўлади ва уни:

Сабрдин яхши йўқтур неша қилсам,
Бу йўлда сабр йўқ андеша қилсам

нақарати билан тугаллайди. Бу нақарот «Муҳаббатнома»нинг форс-тожик тилидаги маснавийларига илова қилинган. Хоразмий нома (ишқий шеърий мактуб) ва маснавий (соқийнома)жанрларида ҳам, қитъа ва бошқа лирик жанрларда ҳам ўз санъаткорлик маҳоратини кўрсата олган. Асар бир неча жанрдан таркиб топиши, мураккаб композицияси, ҳажмининг катталиги ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан лирик достонларга ўхшаб кетади. Шунга кўра, «Муҳаббатнома»ни шартли равишда лирик достон деб ҳам аташ мумкин.

«Муҳаббатнома»нинг («Ҳикоят» билан бирга) 317 байти ўзбек тилида, 156 байти форс-тожик тилида битилган бўлиб, асар ширу шакар усулида ёзилганга ўхшаб кетади. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Муҳаббатнома»нинг асосий тили ўзбек тилидир. Асарнинг катта қисмининг ўзбек тилида ёзилиши,

www.ziyouz.com kutubxonasi

барча сарлавҳаларнинг ўзбек тилида номланиши ва форс-тожик тилидаги номларни хотималовчи байт сифатида ҳам ўзбек тилидаги нақаротнинг келиши фикримизнинг далилидир. Мана, «Сақкизинчи номасин айтур»дан олинган «Маснавий»га эътибор қилинг:

Ало эй соқийи, навбода бар ҳез,
Ба ёрон кўҳна май дар коми жон рез.
Ки май сўзад маро жон аз табу тоб,
Магар биншинад ин оташ бад-он об.
Сабрдин яхши йўқтур пеша қилсам,
Бу йўлда сабр йўқ андеша қилсам.

(Бироқ, эй соқий, янги майдан кечгил, дўстлар жони, мақсади учун эски май қуйгилким, жоним ўт-оташда куймоқда, май бу ўт-оташни пастлатсин, ўчирсин...)

Ўзбек адабий тилининг равнақ топиши, унинг маданий ҳаётда кенгроқ ўрин эгаллай бориши, ўзбек китобхонларининг эҳтиёжи ва талаби форс-тожик тилидаги асарлари билан шуҳрат топган Хоразмийни ўз она тилида — ўзбек тилида ҳам ижод этишга, бу тилда «Муҳаббатнома»дек катта бадиий асар яратишга илҳомлантирди; у ўзбек классик адабиётида илк зуллисонайн (икки тилда ижод қилувчи) шоирлардан бири бўлиб етишди, форс-тожик адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшди, ўзбек адабиёти классикларидан бўлди.

Дунёвий севги темаси. Ёр ва ошиқ образи

«Муҳаббатнома» ўз номи билан ҳам ишқ-севги асаридир. «Муҳаббатнома»даги севги дунёвий моҳиятга эга бўлиб, у инсоннинг инсонга бўлган севгисини куйлайди, уни эътироф қилади, у инсонни таркидунё қилишга эмас, балки яшашга ва ҳаётнинг қадр-қимматини билишга чақиради. Шунинг учун ҳам дунёвий адабиёт намояндалари диний-мистик адабиётга, унинг таркидунёчилик ва бадбинлик мотивларига қарши курашда кўпроқ ишқ-севги темасига мурожаат қилдилар. Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си эса диний-мистик адабиётга қарши курашда дунёвий адабиётнинг йирик ютуқларидан бири сифатида вужудга келди.

Диний-мистик адабиёт «у дунё» учун ҳаётдан воз кечишга, жаннат ҳурлари висолига эришиш орзуси билан яшаб, ҳаёт маҳбубасидан юз ўгиришга чақирса, «Муҳаббатнома» ҳаётни, ҳаёт маҳбубасини куйлайди, уни жаннат ва жаннат ҳурларидан афзал қўяди:

Сочинг бир торина минг ҳур етмас,
Юзунгнинг нурина минг нур етмас,
Агар берса суюргаб ҳақ таоло,
Керакмас сенсизин фирдавси аъло.

Ёр (инсон) ҳур-парилардан ҳам кўркли бўлиб, ҳатто осмон фаришталари ҳам унга ошиқ бўладилар:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўнгулга жондин ортуқрак керак сен,
Парию ҳурдин ҳам кўрклурак сен.
Фаришта кўрса бўлғай сизга мойил,
Сизингтек кимда бор шаклу шамойил.

Шоир (ошиқ) жаннат ҳурлари деб ёридан воз кечмайди, у жаннатда ҳам ўз ёри билан бирга бўлишни истайди, ёрсиз жаннат унинг кўзига дўзах бўлиб кўринади:

Сумантек оразинг гулдур тикансиз,
Менга дўзах эрур — учмоқ сенсиз.

Ёрнинг ҳусн-жамоли оламга қуёшдек нур таратади:

Агар кун туғмаса ҳам, ёқту қўлғай
Юзунг нури бу дунйининг саройин.

Шунга кўра, қуёш хижолат бўлиб, бутун тун бўйи бетига чодир тортиб олади:

Зи шарми рўйи ту хуршиди ховар
Кашад дар сар зи шаб то субҳ чодар.

Биҳишт-лолазорнинг қизиллиги ҳам ёрнинг қизил чеҳраси туфайлидир — «Биҳиште лолазор аз гозайи туст...». Ёр Масиҳдек беморларга шифо, ўликларга жон бағишлайди (диний афсонага кўра, Масиҳ — Исо шундай қудратга эга эмиш). Шоир ёрни Масиҳга ўхшатиш билан диний-афсонавий тушунчани тарғиб қилмайди, балки Масиҳнинг «қудрати» ва «мўъжизакор»лигини оддий инсонга кўчириб, таркидунёчи шайх ва зоҳидлар «бахтсиз бир соя» деб қараган инсонни ҳимоя қилади, уни улуғлайди:

Қамуқ кўрклуклар узра подшосен,
Масиҳ анфослиқ, Юсуфлиқосен.

Ёр шунчалик кўркам ва дилрабоки, уни кўрган тарсо (бутпараст) ҳатто санам (бут)идан воз кечади:

Сени кўрса кечар тарсо санамдин,
Вужудқа келмади сендек адамдин.

Ёр фақат ҳусн-жамоли билангина эмас, балки ақли ва доноишмандлиги ҳамда билими билан ҳам гўзалдир:

Билик билмак ичинда жавҳарий сен,
Вале ҳусн ичра жавҳардин арийсен[1].

Бундай ёр ҳатто Афлотунни ҳам мафтун қилиб, унинг инонихтиёридан устун чиқади:

[1] *Арий* — юқори, юксак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гар Афлотун сенинг ишқингга тушса,
Берур елга қамуқ тадбиру ройин.

Вафо, одамгарчилик ва камбағалпарварлик фазилатлари ёрнинг ҳуснига ҳусн қўшади. Шунга кўра, шоир унга шундай мурожаат қилади:

Бўюнг сарву санубартек, белинг қил,
Вафо қилғон кишиларга вафо қил.

Чечак дерман юзунгизга қамар ҳам,
Халойиқ севганин холиқ севар ҳам.

Қачонким шод эсанг, ғамгина раҳм эт,
Агар султон эсанг, мискина раҳм эт.

Ёрнинг яхши сифатларини мақтаб ардоқлаган шоир унинг вафосизлик, шафқатсизлик ва илтифотсизлик каби хислатларига бефарқ қараб туролмайди, уни қаттиқ қоралаб, шикоят қилади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ўтмишнинг бошқа прогрессив ёзувчиларида бўлгани каби, Хоразмийнинг ёрдан шикоят қилиб айтган сўзлари кенгроқ ва чуқурроқ ижтимоий моҳиятга эга бўлиб, яшаган муҳитининг адолатсизлигига қарши маълум норозилик кайфиятларини ҳам ифодалайди. Буни қуйидаги мисралардан равшан кўриш мумкин:

Айит, *мендинким ул мискин эрур*, оҳ,
Қачон энгай гадонинг эвина шоҳ.

Бу мисралар форс-тожик тилидаги тўртинчи номада ҳам айнан берилган:

Ба Хоразмий кужо васлат расад, оҳ,
Кужо меҳмони дарвеш шуда аст шоҳ.

Бироқ ошиқ ҳижрон изтироби ва ёр илтифотсизлиги туфайли севгиси ва севгилисидан воз кечмайди, у вафо ва садоқатига содиқ бўлиб қолади:

Кўнгулга ўзганинг меҳрин ёвутман,
Йироқлик бирла мен сизни унутман.

Шоир умидсизликка тушмайди, ёрининг висолига эришиб, бахт-саодатга муяссар бўлишига ишонади:

Эрурман васлинга доим талабгор,
Нечаким тун узун бўлса, тонги бор.
Топилғай мақсудим топкунгда бори,
Саодат қилса Хоразмийга ёри.
Оғир уйқучи бахтим неча ётқай,
Висолинг машриқидин ҳам тонг отқай.

Шундай қилиб, Хоразмий «Муҳаббатнома»да дунёвий севгини куйлади, ҳусн-жамоли ва ақл-одоби билан кишини мафтун қилув-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чи ёрни таърифқилди, севгининг завқ-шавқини, висол шодлиги ва ҳижрон изтиробини ҳассослик билан тасвирлади. Вафосиз ва жафокор ёрни танқид қилиб, яшаган муҳитининг айрим иллатларига қарши норозилик кайфиятларини ифодалади, таркидунёчи шайхзоҳидларга қарши курашди. Бироқ у феодал-клерикал муҳитнинг инсон эркини топтагани, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилгани ва кўпинча ошиқ-маъшуқларнинг орзу-мақсадларини барбод қилиб, фожиали воқеаларга сабаб бўлгани ҳақида индамай ўтади. Хоразмий ижодидаги бу зиддиятлар у яшаган тарихий шароитнинг, феодал-сарой ҳаётининг таъсири ва оқибати эди.

Муҳаммадхожа мадҳи

«Муҳаббатнома»нинг ғоявий зиддиятлари Муҳаммадхожа мадҳи билан янада чуқурлашади. Хоразмийнинг маълумотига қараганда, Муҳаммадхожа беккина эмас, балки маърифатпарвар ва қобилиятли шоир ҳам бўлган. Бу, шубҳасиз, унинг ижобий томонидир. Бироқ Хоразмий ўз мадҳиясида Муҳаммадхожанинг шу хусусиятларини асос қилиб олиб мақтамайди. Балки уни феодал зодагон ва амалдор сифатида мадҳ қилиб, ўта муболағалар билан идеаллаштиришга интилади.

Қиличтек тил била туттум жаҳонни,
Қаноат мулки ичра подшомен.
Харобот ичра масжидда ерим бор,
Ким уш ҳам ринд мен, ҳам парсо мен.
Неча ҳашматли султон бўлса бўлсин,
Айтмон мол учун мадҳу сано мен,—

деган Хоразмий ўзига қарши бориб, Муҳаммадхожани иложи борича мақташ ва таърифлашга киришади. Муҳаммадхожа «саодат маъдани», «мамлакатнинг жони» сифатида тасвирланади, «Сулаймон салтанатининг улуғворлиги», «Масиҳнинг беморларга шифо, ўликларга ҳаёт бағишловчи нафаси», «Ҳотамнинг саховати», «Рустамнинг шижоати» ва бошқа-бошқа сифатлар Муҳаммадхожага кўчирилади, Муҳаммадхожа ҳатто улардан устун қўйилади ва ҳоказо. Тўғри, феодал-клерикал муҳит заминида вужудга келган прогрессив ёзувчиларнинг моддий муҳтожлиги, таъқиб ва таҳдидлар уларни феодал ҳукмронларни мадҳ этувчи асарлар яратишга ҳам мажбур қилар эди. Жумладан, шоир Хоразмийнинг Муҳаммадхожани мадҳ қилиши ҳам маълум даражада унинг моддий муҳтожлиги билан боғлиқдир. Шоир мадҳиясида:

Айтсун банда Хоразмий дуолар,
Карамдин ҳар замон қилғин атолар,—

деган эди. Бироқ Муҳаммадхожа мадҳиясининг вужудга келишини фақат шунинг ўзи билангина изоҳлаш тўғри бўлмайди. Чунки мадҳиянинг ғоявий мазмуни Хоразмийнинг дунёқарашидаги феодал-аристократик тушунчалар билан узвий равишда боғлиқдир. У

www.ziyouz.com kutubxonasi

подшолик ва қулликни табиий бир ҳол деб билади, кишиларни итоаткор ва вафодор бўлишга чақиради. Шу билан бирга, «Муҳаббатнома»да саройдаги феодал зодагонларнинг ишратпарастлиги ҳам ўз ифодасини топади. Ишратпарастлик феодал синфининг маънавий заифлиги, ҳаётнинг моҳияти айш суришдан иборат деб тушунишининг натижаси ҳам эди. Буни «Муҳаббатнома»нинг «Васфул-ҳол» қисмида кўриш мумкин. Шоир Муҳаммадхожага шундай мурожаат қилади:

Йигитсан, бода ичкил, нуқл ошоғил,
Бу кундин сўнг юз эллик йил ёшоғил...
Ким асру бевафодур бу замона,
Жаҳон қолмас кишига жовидона...

Маснавийларнинг охирида нақарот сифатида такрорланган:

Сабрдин яхши йўқтур пеша қилсам,
Бу йўлда сабр йўқ андеша қилсам

байти ҳам феодал-клерикал муҳитнинг маънавий қашшоқлиги оқибатида вужудга келган фаталистик тушунчадир.

Шундай қилиб, феодал-клерикал мафкура ва сарой муҳити дунёвий адабиётнинг истеъдодли намояндаси бўлган шоир Хоразмийнинг ижодига маълум даражада салбий таъсир қилиб, ундаги ғоявий қарама-қаршиликларни чуқурлаштирди, севги, садоқат, инсонпарварлик ва эзгу хулқ-одобни куйлаган шоир Хоразмий билан феодал зодагонларни кўкларга кўтариб мақтаган ҳамда фатализм каби реакцион кайфиятлар таъсирига берилган шоир Хоразмий ўртасида қаттиқ кураш борди. Бу кураш айни замонда икки адабий йўналиш, прогрессив адабиёт билан реакцион адабиёт ўртасидаги курашнинг бир шоир ижодида намоён бўлиши ҳам эди. Бу курашда прогрессив шоир Хоразмий ғолиб чиқди. У феодал ҳукмдорларни мадҳ этиш воситаси билан ҳам уларни яхшиликка йўллаш мумкин деб ўйлади, эл-юртни унутмади. Шунга кўра, у Муҳаммадхожани мадҳ эта туриб:

Улусқа раҳм этиб ғамхор бўлғил,
Ҳамеша шоду бархурдор бўлғил

мисраларини ҳам қистириб ўтади. Хоразмий умидсизлик кайфиятларининг асири бўлиб қолмади. У «фоний дунё»да айш суриш учун соқийга мурожаат қилибгина қолмади, балки ғам-аламлардан таскин топиш учун ҳам соқийга мурожаат этиб, май талаб қилди.

Кел, эй соқий, кетургил жоми Жамни[1],
Кишининг кўнглидин май юр ғамни.
Ким ошти кўкка оҳим эҳтироқи[2],
Куюрди кўнглуми дилбар фироқи.

[1] *Жам* — Жамшид. [2] *Эҳтироқ* — ёнмоқ, куймоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бинобарин, Муҳаммадхожа мадҳи ва шунга ўхшаш бошқа ўринлар «Муҳаббатнома» моҳиятининг етакчи томони эмас. «Муҳаббатнома» феодал-сарой мадҳияси бўлмай, у дунёвий севгининг, ёрнинг васфи ва ошиқнинг психологик кечинмаларининг ифодаси бўлиб, XIV асрда вужудга келган қимматли бадиий ёдгорликдир.

«Муҳаббатнома»нинг бадиий хусусиятлари ва тили

Хоразмий ёр васфи ва ошиқнинг психологик кечинмаларини санъаткорона тасвирлайди. Тасвир бир-бири билан узвий боғланиб, гармоник бирликни ташкил этади. Ёр ҳусн-жамоли ва эзгу хулқ-атвори билан ошиқни мафтун қилади, ёрнинг ҳусн-жамолига таҳсин ўқиган ошиқ унинг висолига ошиқади. Бироқ ёрнинг бевафолиги ва жабр-ситами ошиқнинг бағрини эзиб, уни ўртайди. Ёрнинг эзгу хулқ-атвори унинг ҳусн-жамолига мувофиқ ва муносиб келса, бевафолиги ва ситамкорлиги бунга зид келади. Шунинг оқибатида ошиқ билан ёр ўртасида қарама-қаршилик пайдо бўлади. Бу қарама-қаршилик асарнинг конфликтини ташкил этади. Бироқ конфликт ошиқ билан ёрнинг севги муносабатларини барбод қилмайди, уларга синов бўлади. Ошиқ сабр-бардош билан ёрининг висолига эришишга, «узун туннинг сўнггидан тонг бошланиши»га ишонади, умид умидсизликни, шодлик қайғуни енгади. Конфликтнинг шу хилда ижобий ечилиши Хоразмийнинг ҳаёт ва инсонга бўлган муҳаббатининг натижаси, дунёвий адабиётнинг оптимистик моҳиятининг ифодасидир.

Шоир ёр васфи ва ошиқ кечинмалари тасвирида жонлантириш, тазод, тажоҳули орифона (билиб билмасликка солиш) каби усуллардан, хилма-хил бадиий тил воситаларидан моҳирлик билан фойдаланади, оригинал образлар яратади, айрим традицион образларга янги тус беради. Ёрнинг юзи ойдан, қадди-қомати сарвдан, оғзи гулғунчадан, тиши гавҳардан ортиқ:

Очилса лаълингиз, шаккар сочилур,
Кўруб гулғунчанинг оғзи очилур.

Бўюнгтек сарв йўқ бўстон ичинда,
Юзунг нуридин ой нуқсон ичинда.

Табассум қилсангиз, шаккар уёлур,
Тишинг шижусидин гавҳар уёлур.

Қачонким тор оғзинг шаккарбор,
Сабо гулғунчанинг оғзини йиртор.

Шоир ўхшатишни метафора ва жонлантириш билан боғлаб бера олгани каби, кўпинча уни тажоҳули орифона усулида ҳам усталик билан ишлатади:

Шаккарму эрнингиз ё қанд, ё жон,
Уёлур лаълингиздин оби ҳайвон.
Лабаст он ё шаккар ё оби ҳайвон,
Суханҳоят ҳамма ширинтар аз жон.

(Лабми у ё шаккарми, ё обиҳайвон; сўзларинг жондан ҳам ширин.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

У бош билан оёқни, ҳаёт билан ўлимни бир-бирига зид ва айни замонда бир-бирига боғлиқ ҳолда бериб, тазод усулида ҳам моҳирлик кўрсатади:

Қаро менг ол янгоқингқа ярошур,
Бошим дойим адоқингқа ярошур.

Карашма бирла ошиқ ўлтурурсиз,
Сиз ўлтурган киши ўлгайму ҳаргиз.

Ўзбек тили бойликларидан яхши фойдалана олган шоир омоним сўзлар воситаси билан оригинал сўз ўйинлари (жинос санъати) ясайди:

Ошар елдин сенинг елганда **отинг**,
Қуёш ёнглиқ жаҳонни тутти **отинг**.

(*от* — ҳайвон; *от* — ном.)

Агар десам сени Рустам **ярорсен**,
Қиличинг бирла сафларни **ярорсен**.

(*ярорсен* — ярайсан; *ярорсен* — ёрасан.)

Муҳаббатин туғар минг турли **асрор**,
Кўнгул асрорини жон бирла **асрор**.

(*асрор* — сирлар, *асрор* — асрайди.)

Бўюнг сарву санубартек, белинг қил,
Вафо қилган кишиларга вафо **қил**.

(*қил* — сочнинг қили; *қил* — қилмоқ.)

Сени кўрган *рух*, ўзиндин ёт бўлур,
Рухунгни кўрса минг шаҳ мот бўлур.

(*рух* — юз, *рух* — шахмат рухи.)

Шоир ёр васфи тасвирида Юсуф, Ширин, Хисрав, Лайли ва Мажнунлар образидан ҳам фойдаланади:

Ўғон Юсуф жамолин сизга берди,
Муҳаббат кимиёсин бизга берди.
Сўзунг Ширин, ўзунг Хисравдин афзун,
Бўлур Лайли сенинг ҳуснунгга Мажнун.

Бундан ташқари, шоир ёрини Масиҳга, Юсуфга ва Хизрга ўхшатиб, диний-афсонавий тушунчаларга янги мазмун, дунёвий моҳият беради:

Шаккар эрнинг наботи Хизра ўхшар,
Аёғинг кимки ўпса, мангу ёшар.

Ёрнинг ҳусн-жамолидан мафтун бўлиб, ҳатто:

Севарман кўзни сизни кўрмак учун,
Юрурман ерда изни кўрмак учун,—

www.ziyouz.com kutubxonasi

деган шоир унинг жабр-ситамидан чеккан азоб-уқубатлари, ички кечинмалари тасвирида ҳам турли усул ва хилма-хил бадиий тил воситаларини усталик билан қўллайди, ёрига сабо орқали салом йўллаб, арзи ҳол қилади:

Саломим гулга элт, эй тонг насими,
Ким эрур ой — қули, ахтар — надими.
Саломимким кўнгул жонона айса,
Ёруғ кўзлар саводини битиса.
Саломимни текур ул дилситонга,
Раҳмсиз бевафо жону жаҳонга.
Саломимни текур ул кўрка бойга,
Ким уруғ чеҳраси минг таъна ойга...
Айтқил, эй сўзи ёлғон жафокор,
Қароқлари қароқчи, ўзи айёр.
Айит, эй меҳринг оз, ишванг фаровон,
Нетар ул оғизда мунча ялғон.
Айит, мендинким ул мискин уруғ оҳ,
Қачон энгай гадонинг эвина шоҳ.
Қачон қилғай кўзумни ёқту ул ой,
Эрур юзи қуёш тек оламорой...

Келтирилган мисоллар Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» мазмунига мувофиқ бадиий форма ярата олганини ва турли хил усул ҳамда бадиий тил воситаларидан фойдаланиб, асарнинг ғоявий-бадиий қимматини оширганини кўрсатади.

«Муҳаббатнома» арузнинг ҳазаж (ҳазажи мусаддаси мақсур— мафоилун, мафоилун, мафоил) баҳрида ёзилган; шоирнинг сўз бойлиги ва ўзбек тили талаффузига яхши эътибор бериши ҳамда айрим ғазалларнинг бевосита музика куйларига мувофиқ яратилиши шеърий мисраларни равон ва оҳангдор қилган. Зотан, «Муҳаббатнома» мисолида биз санъатнинг икки тури — поэзия ва музиканинг яқиндан боғланганини ва бири иккинчисининг равнақ топишига таъсир этганини кўрамиз. Хоразмий айрим ғазалларини «Ҳусайний», «Сифоҳон» каби мақомларда айтилишини таъкидлайди:

Ҳусайний пардаси узра тузуб соз,
Муғанний бу ғазални қилди оғоз.

Ироқий мутрибе хоҳам хушилҳон,
Ки хонд ин ғазалро дар Сифоҳон.

(Хушовоз ироқий ҳофизнинг бу ғазални Сифоҳон (Исфаҳон) куйида айтишини истайман.)

«Муҳаббатнома» турли жанрлардаги шеърий формаларни ўз ичига олади, шоир шу жанрларга хос қофия усулини тўла сақлайди, у радифдан ҳам усталик билан фойдаланади.

«Муҳаббатнома» XIV аср ўзбек адабий тилининг муҳим ёдгорликларидан биридир. У ўзбек адабий тили ва адабиёти тараққиё-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тига катта ҳисса бўлиб қўшилди, ўзбек адабий тили ва адабиётининг XV асрда янги тараққиёт поғонасига кўтарилишига замин тайёрлаган асарлардан бири бўлди. Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асарида ўзбек тилида катта холни ифодаловчи «менг» сўзи борлигини айтиб, «Муҳаббатнома»даги:

Анинг ким ол энгинда менг яратти,
Бўйи бирла сочини тенг яратти

мисраларини келтиради. Бу мисраларни Навоий бевосита «Муҳаббатнома»дан олганми ёки уларни ашулаларда эшитганми — буни билмаймиз. Бироқ, бундан қатъи назар, «Муҳаббатнома» мисраларининг «Муҳокаматул-луғатайн»да мисол тариқасида келтирилиши унинг тил жиҳатидан хийла бой эканини кўрсатади.

«Муҳаббатнома»нинг тилига хос айрим шева хусусиятлари (масалан, «ёқгу», «ёвиқ» каби сўзлар, жўналиш келишигининг «а» формаси ва бошқалар) ҳозирги кунгача Хоразм шевасида сақланиб келмоқда.

Ўзбек адабиёти тарихида «Муҳаббатнома»нинг ўрни

«Муҳаббатнома» ўзбек дунёвий адабиётининг илк йирик асарларидан биридир. Таркидунёчи шайх ва зоҳидларга қарши курашиб, ҳаётни эътироф қилган шоир, ўз даврининг фарзанди сифатида ишқ-севгини диний нуқтаи назардан ҳам асослашга интилиб:

Ушул кунким, сени холиқ яратти,
Сени дилбар, мени ошиқ яратти,—

деган эди. «Муҳаббатнома» бундай диний-илоҳий тушунчалари ҳамда феодал-аристократик қарашларига қарамай, ўз даврининг ижтимоий фикрлари ва сўз санъати тараққиётида прогрессив бир қадам бўлган эди. Бу асар ўзбек классик адабиётида дунёвий тематиканинг ривожланишига ҳисса бўлиб қўшилиши билан бирга, адабий жанрларнинг, айниқса номачиликнинг такомилида катта роль ўйнади.

Шоир:

Сенинг ишқингда Хоразмий йўқолди,
Ва лекин ер юзинда оти қолди.

Буни ким ишқ бирла бир ўқуғай,
Ҳақиқат оламин мунда билғай.

Эшитқон бу китобни ҳам битигай,
Тиларменким дуода ёд қилғай,—

деган эди. Хоразмий янглишмади. Унинг асари китобхонларга маъзур бўлди ва ўзбек классик адабиёти тараққиётида чуқур из қолдирди. Хужандийнинг XIV асрда ижод этган «Латофатнома»си,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Амирийнинг XV асрда яратган «Даҳнома»си ва Саидаҳмад ибн Мироншоҳнинг «Таашшуқнома»си бевосита «Муҳаббатнома»нинг самарали таъсири билан вужудга келган асарлардир. «Латофатнома» автори Хужандий «Муҳаббатнома» ва шоир Хоразмий ҳақида бундай деган эди:

Муҳаббат жомидин ичсанг шаробе,
«Муҳаббатнома»га айсанг жавобе.

...Хужандий, сўзларинг Хоразмий мискин
Эшитса: «Балли!»,— деб қилгайди таҳсин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚУТБ

Ўзбек дунёвий адабиётининг XIV асрда етишган истеъдодли намояндаси шоир Қутбнинг адабий меросидан бизга қадар фақат «Хисрав ва Ширин» достонигина етиб келган, холос. «Хисрав ва Ширин» улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий достонининг эркин таржимаси ва айни чоқда ўзбек эпик поэзиясининг йирик ёдгорлигидир. «Хисрав ва Ширин»нинг муваффақият билан таржима қилиниши ва оригиналга киритилган бир қатор янгиликлар (жумладан, муқаддимадаги оригинал лирик шеърлар) Қутбнинг кўп йиллик адабий тажриба эгаси бўлганини ва асарлари билан шуҳрат қозонганини кўрсатади. Бироқ бу асарлар бизга қадар етиб келмаган, улар ҳақида маълумот ҳам ёзиб қолдирилмаган.

«ХИСРАВ ВА ШИРИН»

Достоннинг қисқача мазмуни

Эронда Хурмуз деган кекса подшо бўлиб, унинг Хисрав деган ёлғиз ўғли бор экан. Шаҳзода Хисрав подшолик қоидаларини, сипоҳийликни ва турли илмларни ўрганибди. Хисравнинг маҳрамлари орасида Шопур деган жаҳонгашта бир рассом ҳам бўлган экан. Кунлардан бирида у Хисравга малика Меҳинбону ва унинг жияни гўзал Ширин ҳақида ҳикоя қилиб берибди. Шунда Хисрав Ширинга ғойибона ошиқ бўлиб, Шопурдан совчи бўлиб боришини илтимос қилибди. Шопур Арманистонга йўл олибди. У Ширин сайр қилиб юрадиган боғдаги бир дарахтга Хисравнинг суратини осиб қўйибди. Гўзал ва шижоатли йигитнинг суратини кўрган Ширин унга ошиқ бўлиб қолибди. Шопур пайт топиб, Ширинга Хисравнинг таърифини айтибди ва совға қилиб юборган узугини тақдим қилибди. Ширин Меҳинбонуга билдирмай, Хисрав томонига — Мадойинга, Хисрав эса ов баҳонаси билан Арманистонга қараб йўл олишибди. Ошиқ-маъшуқлар дийдор кўришиб, хушнуд бўлишибди. Бироқ Мадойиндан Хурмузнинг ўлгани ҳақида хабар келиб, Хисрав шошилинч суратда жўнашга мажбур бўлибди. Лекин узоқ қариндошларидан бўлган Баҳром Чўбиннинг қаршилигига дуч келиб, тахтни ололмай, яна Арманистонга қайтибди. Ширин тўйга шошилмасликни, олдин Эрон тахтини қўлга киритиб, у ерда тартиб ва осойишталик ўрнатишни Хисравга маслаҳат кўрибди. Хисрав ёрдам олиш учун Румга (Византияга) бориб, Рум Қайсаридан аскар олибди ва Қайсарнинг таклифини қабул қилиб, унинг қизи Марямга уйланиб қайтибди. Хисрав тахтга чиққан вақтда Меҳинбону вафот этиб, унинг тож-тахти Ширинга қолибди. Ширин мамлакатни адолат билан бошқара бошлабди: ободончилик ишларига катта эътибор бериб, Фарҳод номли устани ишлатиб, катта ариқ очдирибди. Фарҳод Ширинга хизмат қилиб юриб, уни қаттиқ севиб қолибди. Бундан рашк қилган Хисрав Фарҳодни йўқотиш пайига тушиб, унга Бесутун тоғини кесиб қўшиним қароргоҳига йўл очсанг, Ширин сенга бўлсин деб «шарт» қўйибди. Фарҳоднинг хавфли топшириқни муваффақият билан бажараётганини кўрган Хисрав унинг олдига бир маккор кампирни юбориб, Ширин ўлди деб хабар етказдирибди. Фарҳод алам-изтиробга чидай олмай ўзини ҳалок қилибди. Бу орада Марям ҳам ўлиб кетибди. Бироқ Хисрав исфаҳонлик Шакар номли гўзалга уйланибди. Кўп ўтмай Шакар ҳам дунёдан ўтибди. Энди Хисрав эс-ҳушини йиғиб олиб, Ширинга бўлган аввалги муҳаббатини яна ёлқинлатиб, ундан кечирим сўрабди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ширин ўз иродаси ва саботи билан Хисравни енгибди. Хисрав Ширинниинг кўрсатмалари билан мамлакатда тартиб ва адолат ўрната бошлабди, ободончилик ва фаровонликка катта эътибор берибди. Бироқ ошиқ-маъшуқларнинг фарогатли ҳаёти узоқ давом этмабди. Хисравнинг Марямдан туғилган ўғли Шеруя сарой амалдорлари билан бирга фитна уюштириб, Хисравни ўлдирибди. Отасининг қотили бўлган Шеруя Ширинга уйланмоқчи бўлибди. Лекин Ширин Хисравга бўлган севгисини оёқ ости қилмабди. Қўл остидаги қулларини озод этиб, бойликларини бечораларга улашиб берибди ва ўзини Хисравнинг қабри устида ҳалок қилибди.

Достоннинг образлари

Ширин

Достоннинг марказий образи Ириндир. У самимий ва садоқатли ёр, халқнинг осойишталиги ва мамлакатнинг ободончилиги учун курашувчи адолатпарвар ҳукмдор, тадбирли давлат арбоби. Шу билан бирга, у достоннинг иккинчи бош қаҳрамони Хисравни қайта тарбиялаган, уни комил киши даражасига кўтарган мураббиядир.

Ширин Хисравни самимий севади ва бу севгига умрбод содиқ бўлиб қолади. Севги йўлидаги қийинчиликлар, Хисравнинг бемаъни хатти-ҳаракатлари унинг иродасини ва кўнгил амрини енголмайди. Ўткинчи эҳтиросларунинг хулқ-атворига тамомила ётдир. У голиб чиқиш учун барча синовларга бардош беради. Ширин Хисравга инон-ихтиёрини топшириб қўймайди, унинг олдида тиз чўкмайди, унга ялиниб-ёлвормайди, балки Хисравнинг ишқ-муҳаббатда самимий бўлишини, оқибатли ва иродали бўлишини талаб этади ва бунга эришади. Ўз хатти-ҳаракатларининг нозўялигини тушуниб, қилмишларидан пушаймон бўлган, бекарорликдан қутулган Хисравни Ширин аввалгидан кўра ҳам янгидроқ севиб қолади. Ширин севги кайфиятларига берилиб кетиб, эл-юртни унутмайди, давлат ва ободончилик ишларидан четлашмайди. У Меҳинбону вафотидан кейин тахтга чиқиб, давлатга бош бўлганида ўз одиллиги билан бутун эл-юртни шод-хуррам қилади, мамлакатни сув билан таъминлаш ва ободончилик ишларида катта хизматлар кўрсатади:

...Меҳинбону элиниким билди Ширин,
Чавуқтирди халойиқ аро адлин.
Улус адли била шод бўлди,
Қамуғ элдонлар озод бўлди.
Зулумдин йиғди золимларнинг алин,
Тутуб мазлумларнинг ул олди додин.
Буюрди татғовуллар қўйди божин,
Суюрқаб олмади элдин хирожин...
Раиятлар қамуғ адлинда тинди,
Экинлар унди, ҳақдин раҳмат инди...
Қачонким ният эзгу қилса элхон,
Кўп ошиқ унар ул йил шўр ердан...[1]

---

[1] Парчалар Қутбнинг эркин таржимасидан олинди. Текст Э. Фозилов нашрга тайёрлаган «XIV аср Хоразм ёдномалари»даги «Хисраву Ширин» билан солиштирилди (Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти. Тошкент — 1973.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ширин ўз юртидагина эмас, балки Эронда ҳам адолат ва осойишталик ўрнатишда, ободончилик ишларини ривожлантиришда катта ташаббус кўрсатади. У Хисравни мамлакатни адолат билан бошқаришга, халққа ғамхўр бўлишга чақиради.

Хисрав

Хисрав достоннинг жуда мураккаб бир образидир. Бу образ қиёфасида биз икки Хисравни: бир томондан, ишқда беқарор, ишратпараст ва золим Хисравни; иккинчи томондан, садоқатли ошиқ ва адолатли подшо бўлган Хисравни кўрамиз. Икки Хисрав ўртасида узоқ вақт давомида қаттиқ кураш боради, унинг дам салбий, дам ижобий томонлари устун чиқади. У ишққа берилса, давлат ишларини унутади, давлат ишларига қараган вақтида эса ишққа бепарво бўлиб қолади.

Хисравнинг бир-бирига зид хусусиятлари унинг ёшлик чоғларидаёқ туғилган эди. У вазир Бузургумид раҳбарлигида олимлардан, мураббиялардан яхши таълим олиб, жисмоний чиниққан, ақлли ва билимли йигит бўлиб ўсади. Бироқ айш-ишрат унинг иродаси ва эс-ҳушини маҳв этади.

Хисрав Ширинни қаттиқ севиб қолган эди. Бироқ у ўз эҳтиросларига берилиб кетиб, гоҳ Марямга, гоҳ Шакарга маҳлиё бўлади. Ширинниng таъсири ва матонати билан ошиқ Хисрав беқарор Хисрав устидан ғолиб чиқади. Шундан кейин Хисрав Ширинга шунчалик меҳр-муҳаббат қўядики, ҳатто ўлими олдида ташналигига қарамай, ухлаб ётган Ширинни безовта қилишни хоҳламайди. Чунки у энди кишиларга бефарқ қаровчи худбин эмас, балки мушфиқ ва меҳрибон одамга — янги Хисравга айланган эди.

Шоҳ Хисрав қиёфасида ҳам катта ўзгаришлар рўй беради. У Ширинниng таъсири билан раиятпарвар ҳукмдорга айланиб, эл-юрт осойишталиги учун курашади. Бир вақтлар ўз рашки ва истибдоди туфайли Фарҳод каби мўъжизакор устани мунофиқона ҳалок қилган Хисрав энди кишиларнинг ҳаёти ва тақдирига ғамхўрлик билан ёндашади, қўл остидаги амалдорларига қон тўкманг, ёмон ишларга қўл урманг, фуқаро сиздан шикоят қилмасин, эл-юрт хароб бўлмасин, элга ситам қилувчиларга шафқатсиз жазо берилади деб йўл-йўриқ кўрсатади.

Шундай қилиб, Хисрав қайта тарбияланади. Низомий салбий Хисрав образи билан ўз давридаги феодал ҳукмдорларни танқид қилса, ижобий Хисрав образи билан уларни мана шу Хисравдан ибрат олишга чақиради. У ўгит ва панд-насиҳат билан феодал ҳукмдорларни адолатли қилиш мумкин деб ҳисоблайди.

Фарҳод

Фарҳод достоннинг бош қаҳрамони бўлмаса ҳам, лекин у воқеаларнинг ривожида, асарда қўйилган масалаларни ёритиш ва ҳал этишда катта ўрин тутади. Фарҳод меҳнаткаш ва ижодкор, олим ва донишманд, ошиқ ва ва-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фодор киши. Шопур сут оқувчи ариқ ва катта ҳовуз барпо қилмоқчи бўлган Ширинга Фарҳодни тавсия қилиб, унинг таърифида бундай дейди:

...Айитти мунда бор бир яхши устод,
Анинг оти эрур фарзона Фарҳод.
Билушур эрдим анинг бирла ошну,
Билур ул ҳандаса илмини эзгу.
Қачонким, тешасин илкига олғай,
Тош узра мендин ортуқ нақш қилғай...

Фарҳод кишиларнинг мушкулини осон қилиш, эл-юртни сув билан таъмин этиш учун белини боғлаб ишга киришади — мўъжизалар кўрсатади ва сал вақт ичида сут оқар ариқни ҳам, катта ҳовузни ҳам тайёр қилади. Кишиларнинг асрий орзуси, сувга эҳтиёжи ушалади. Ширин ва бутун эл-юрт Фарҳодни ардоқлайди, унга таҳсин ўқийди. Бироқ худбин ва шуҳратпараст Хисрав бу улуғ инсоннинг қадр-қимматига етмайди, унинг ҳаётига тузоқ қўяди.

Фарҳод — самимий ошиқ. Фарҳоднинг Ширинга бўлган севгиси унинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшади. У севгилисининг **хоҳиши билан мўъжизали ишларга шайланади.** Бироқ Фарҳод мураккаб **зиддиятларга ва даҳшатли тўсиқларга** дуч келади. У Ширининг *Хисравни севганини ва бу севгидан воз кечолмаслигини* билади. Лекин Ширинни унутолмайди, чунки у Хисравдек беқарор эмас. Фарҳод Хисрав билан тўқнашади. Аммо Хисравнинг дўқ-пўписалари Фарҳодни қўрқита олмайди. Хисрав билан бўлган мунозарада Фарҳод ғолиб чиқади.

Фарҳодни маънавий жиҳатдан енголмаган Хисрав уни жисман енгмоқчи бўлади: кўкка тирмашган Бесутун тоғларини кесиб йўл очишни Фарҳодга буюради. Фарҳод бу хавфли ишни муваффақият билан амалга оширади. Хисрав ваъдасига вафо қилмайди. У бир маккорани ишга солиб, Фарҳодни ҳалок қилади. Бироқ Фарҳоднинг ўлими унинг мағлубияти эмас, балки фожиаси эди; *Хисравнинг ғалабаси эса аслида унинг ожизлиги ва мағлубиятининг ифодаси эди.*

Меҳинбону Меҳинбону[1] (Шомира) адолатли идеал ҳукмдор образи, ақл ва донишмандликнинг тимсолидир. Меҳинбону Арманистон ўлкасини моҳирлик билан идора қилади. Мамлакатнинг обод бўлиши ва эл-юртнинг осойишталиги учун куч-қувватини аямайди.

Меҳинбону — меҳрибон ва мушфиқ аёл. У жияни Ширинниинг тарбияси ва тақдирига алоҳида эътибор беради. Ширин сарой-

[1] Э. Фозилов нашрида Мўҳин Бону.

www.ziyouz.com kutubxonasi

даги ўн оқила қиз билан бирга ўсади, турли илмларни ўрганади, Меҳинбонудан давлатни бошқариш ишлари бўйича таълим олади. Меҳинбону Ширин билан Хисрав ўртасидаги севгига бефарқ қараб қололмайди. У Ширинниинг бахт-саодатини истайди. Катта ҳаётий тажрибага эга бўлган Меҳинбону Хисравнинг ижобий ва салбий хислатларини Ширидан кўра равшанроқ ва тўлароқ кўради. У Ширинга насиҳат қилиб, уни эҳтиросга берилмасликка чақиради. Хисрав беқарорликдан қутулиб, садоқатли бўлса ва давлатни адолат билан бошқарсагина, Ширинга муносиб ошиқ бўла олади, деб ҳисоблайди.

Меҳинбону Ширин образини тўлдириб, уни мукаммаллаштирганн каби Ширин ҳам Меҳинбону образини тўлдиради, мукаммаллаштиради. Чунки Ширинниинг барча фазилатлари айни чоқда Меҳинбону тарбиясининг самараси эди. Меҳинбону образи Низомийнинг хотин-қизларга нисбатан гуманистик қарашларини янада мукаммаллаштиради.

Низомий Ширин образини яратишда севикли рафиқаси Офоқдан катта илҳом олган бўлса, ажойиб давлат арбоби Меҳинбону образини яратишда Грузиянинг машҳур аёл ҳукмдори Тамарадан илҳомланди.

Шопур Шопур (Қутбда: Шовур) уста рассом, олим ва шу билан бирга, беғараз ҳамда садоқатли дўстдир. У Хисрав ва Ширинниинг севгисига ҳомийлик қилади. Уларнинг мурод-мақсадларига эришишлари учун қўлидан келган ёрдамини аямайди, мушкул воқеалар ва кўнгилсиз ҳодисалар рўй берганда ҳам умидсизликка тушмайди, дўстлик аҳд-паймонидан қайтмайди. Шопурнинг бу фазилатлари ҳамма нарсадан ҳам ўз шахсий манфаатини устун қўювчи худбин, мунофиқ ва тамагир феодал-аристократларнинг кирдикорларига қарама-қарши қўйилади. Шопур образининг асосий қиммати ҳам ана шундадир.

Шеруя Шеруя феодал-аристократларнинг салбий хусусиятларини ўзида тўплаган, мол-дунё ва мансаб учун ҳар қандай ёвузликдан қайтмайдиган шуҳратпараст, худбин шаҳзодадир. У мамлакат ва эл-юртнинг бахт-саодати билан қизиқмайди, қандай бўлмасин, тож-тахтга эга бўлишга, айш-ишратда яшашга интилади. Шу мақсад билан ҳатто ўз отасига ҳам қотиллик қилади, зўрлик ва ҳийла-найранг билан тож-тахтни эгаллаб олади. Ишқ-муҳаббатдан бехабар бу шаҳзода Ширинга — ўгай онасига «ошиқлик» даъвосини қилади. Шеруя ва унинг атрофидаги исёнчи амалдорларнинг зулми билан мамлакат ва эл-юртнинг бошига яна оғир кунлар тушади, ободонлик ишлари барбод бўлади, Ширин ҳам, Хисрав ҳам ҳалок бўладилар. Худбинлик ва шуҳратпарастликнинг оқибати шунга олиб келади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Хисрав ва Ширин» таржимасининг яратилиши

Аввалги саҳифаларда биз мўғуллар истибдодининг Ўрта Осиё халқлари билан Кавказ, жумладан, Озарбайжон халқлари ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларга барҳам беролмаганини, хусусан, XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг бошларида бу алоқаларнинг яна ривожлана бошлаганини таъкидлаган эдик. Қутб томонидан улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин» достонининг форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилиниши мана шу алоқаларнинг муҳим ва салмоқли маҳсулидир.

Низомий Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин» достони хоразмлик шоир Қутбнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Қутб Низомий бадиий даҳосининг қудратини тақдирлади, «Хисрав ва Ширин» достонида қўйилган проблемаларнинг ўз актуаллиги ва қимматини сақлаб келаётганини тушунди ва бу достонни таржима қилиш фикрига келди. Бироқ моддий муҳтожлик бундай катта ва масъулиятли вазифани амалга оширишга имкон бермади. Шоир узоқ вақт ўз орзусини рўёбга чиқара олмай қаттиқ сиқилди. Ниҳоят, у моддий ёрдам сўраб сарой ҳукмдорларига мурожаат қилишга мажбур бўлди. У шу мақсад билан узоқ йўл босиб, кўп машаққат чекиб 30-йилларнинг бошларида Олтин Ўрда ҳукмдори Ўзбекхоннинг (1320—1340) ўғли ёш шаҳзода Тинибек (1340 йилда тахтга чиқиб 1341/42 йилларда ўз укаси Бердибек томонидан ўлдирилган) даргоҳига борди. Бу вақтда Тинибек Ўзбекхоннинг Оқ Ўрдадаги нойби эди. Унинг хотини, саройдаги бошқа мўғул хотинлари каби, давлат ишларида, хусусан, маданият ва ободончилик соҳасида катта роль ўйнар эди. Шунинг учун Қутб маликага ва унинг эри Тинибекка мурожаат қилиб, ўз муддаосини айтади. Булар шон-шуҳратларини ошириш ва ўзларига абадий ёдгорлик қолдириш учун Қутбни қабул қилиб, унга моддий ёрдам берадилар.

Афтидан, Қутб «Хисрав ва Ширин»ни Оқ Ўрданинг ўзида ижод қилган бўлса керак. Чунки малика мадҳида ёзилган шеърнинг қуйидаги байти шундан далолат беради:

Жамилахон мулки ул бахт улки,
Оқ Ўрду давлати ул тахт кўрки.

Қутб, бир томондан, Низомий достонининг асл моҳиятини сақлаб қолиш, иккинчи томондан, унга ўзгариш ва янгиликлар киритиш билан «Хисрав ва Ширин»ни XIV асрга жуда яқин бир бадиий асарга айлантириш вазифасини ўз олдига қўйган эди. Қутб бу вазифани муваффақият билан бажарди. У ўзбек китобхонларини Низомий достони билан таништирибгина қолмасдан, балки ўзбек адабий тили ва ўзбек классик адабиётининг, хусусан, эпик поэзиянинг равнақ топишига катта ҳисса қўшди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Хисрав ва Ширин»нинг қўл ёзма нусхаси

«Хисрав ва Ширин»нинг ягона қўл ёзма нусхасигина маълум. 1914 йилда Париж Миллий кутубхонасидан топилган бу нуска Олтин Ўрдадан олиб кетилган қўл ёзма асосида ҳижрий 785 йилда (мелодий 1383—1384 йилларда) Искандария (Миср)да қипчоқлик Берка Фақиҳ ибни Бароқаз ибни Қондуд ибни Эдгу томонидан кўчирилган. Берка Фақиҳ ўз аҳволи ва китобнинг кўчирилиш тарихи (йили) ҳақида бундай маълумот беради:

Мунинг бирла машҳур Мисрда ўзум,
Фақиҳ теб аюрлар, эй ики кўзум...
Югурман табуғда не бўлса кучун,
Гаҳи тўқ бўлурман, гаҳи кўп очуи...
Тарих етти юз йил саксон бешинда,
Сафар ойининг йигирми бешинда...

Достон қўл ёзмасининг Мисрга олиб кетилиши ва у ерда кўчирилиши унинг узоқ ўлкаларда ҳам шуҳрат қозонганини кўрсатади.

«Хисрав ва Ширин» қўл ёзмаси 120 варақ (240 бет) бўлиб, 4740 байтни ўз ичига олади: бундан 4685 байт бевосита Қутбнинг ўзиники бўлиб, қолгани котиб томонидан қўшилган иловаднр. Достон 91 бобдан иборат. Дастлабки боблар традицион «ҳамд», «наът» ва бошқаларни ҳамда «Шаҳзода Тинибеккон мадҳи», «Малика марҳума Хонмалик мадҳи...», «Китоб назм қилмоққа сабаб баён аюр» қисмларини ўз ичига олади. Достондаги асосий воқеа «Хисрав ва Ширин ҳикоятининг аввали» боби билан бошланади. Қолган барча боблар Хисрав билан Ширин саргузаштига доир воқеалар баёнига бағишланган бўлиб, ҳар бир боб достоннинг муҳим бир эпизодини, композицион ҳалқасини ташкил этади ва текст «Неча сўз хотиматул-китобда айтур» билан тугайди.

«Хисрав ва Ширин» таржимасининг ўзига хос хусусиятлари

Бир томондан, Низомий достонининг асл моҳиятини сақлаб қолиб, унинг ғоявий-бадиий юксаклигини ўзбек тилида санъаткорлик билан ифодалаш, иккинчи томондан, достонга XIV аср ҳаёти воқеликлари асосида айрим ўзгариш ва янгиликлар киритиш Қутб томонидан таржима қилинган «Хисрав ва Ширин» достонининг муҳим ва ўзига хос хусусиятларидир. Бинобарин, Қутб таржимаси маълум даражада авторлаштирилган эркин таржимадир.

«Хисрав ва Ширин» Қутб яшаган XIV асрда ҳам ўз қиммати ва актуаллигини сақлаб қолган эди. Қутб бу достонни таржима қилиш билан ўзбек китобхонларини Низомий ижоди билан таништиришнигина эмас, балки, шу билан бирга, феодал ҳукмдорларни инсоф ва адолатга чақириш, уларнинг эътиборини ободончилик ва илм-маърифат ишларига жалб этиш, даҳшатли феодал уруш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг олдини олиш, эзгу инсоний хислатларни тарғиб этиш, яшаган муҳитининг иллатларини танқид қилиш ҳамда ўзбек адабий тили ва эпик поэзиясини тараққий эттириш мақсадини ҳам кўзлаган эди. Таржимада оригиналнинг асл моҳияти сақлаб қолинганлиги ҳам худди шу мақсадга жавоб беради. Шунга кўра, Қутб Низомий достонининг сюжети ва композициясини, ғоявий мотивлари ва образларини оригиналдагидек тўла сақлаб қолади. Китобхон Қутб таржимасида Низомий санъаткорлигининг куч-қудратини, нафосатини тўла ҳис этади, Қутбнинг таржимонлик маҳорати ва санъатидан тўла қаноат ҳосил қилади. Қутб воқеалар тасвирида ҳам, портретлар, табиат лавҳалари, қаҳрамонларнинг ички руҳий кечинмалари баёнида ҳам Низомий достонининг мувофиқ таржимони эканини кўрсата билган. Қутб қаламига мансуб мисралар, Низомий мисралари каби, ўз бадиий нафосати билан кишини ҳайратда қолдиради. Фикримизнинг далили учун Ширин портретини ва Фарҳоднинг Бесутун тоғида ўзи чизган Ширин суратига қараб ёлворгани тасвирланган эпизодларни кўриб ўтайлик. Мана Ширин портрети тасвирланган эпизод:

...Садаф ичра тизилмиш тишлари дур,
Тишининг шўъласи дурга берур нур.
Ажойиброқ ики лаъли бадахшон,
Кўрарман бўлмиш ул дур узра галтон.
Қароқи жодуси кўрганни ўртар,
Емон кўзлук кўзин кун бирла ўртар.
Тилин тебратса ул, эл кўнглин овлар,
Сўзи афсун менгиз тилларни боғлар...

Ширин портрети тасвирида «юзи ширин, сўзи ширин, ўзи ҳам» сингари хилма-хил бадиий усул ва воситаларни ишлатган шоир унинг маънавий гўзаллигини, садоқатли ёр эканлигини ҳамда маърифатпарвар ҳукмдор сифатида олиб борган фаолиятини тасвирлашда ҳам хилма-хил бадиий лавҳалар, образлар ярата билган. Хисравнинг фармони билан Бесутун тоғида тош кесиб, йўл очаётган Фарҳод ҳижрон аламида ўртаниб, Ширин тасвирига қараб бундай дейди:

...Ким: «Э кўнглумга иг, игимга ҳам эм,
Бошимга муиг, яна бошимга марҳам.
Санинг ишқинг мени бу ишка солди,
Кетурди ушбу тош кесмакка солди.
Бу янглиг ранжим ортти, иш узади,
Қарорим қолмади, сабрум йиради.
Сан анда бир оғир гавҳар менгизлик,
Турурсан тошлар орасинда гизлик.
Уш андин ўтру мен бу тош кесарман,
Гуҳар илкимга киргай теб кусарман».
Бу сўзларни ўшул суратқа айтур.
Жавоб этмаз яна инграю қайтур...

Қутб байт ва мисраларнинг мумкин қадар оригиналга яқин бўлишига интилади, у кўп вақт Низомий мисраларини айнан (ёки деярли айнан) таржима қилишга эришади. Мисол:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Низомий:

Хаёлатро шабе дар хоб дидаст,
Аэ он шаб ақлу ҳуш аз вай рамидаст.

Қутб:

Хаёлингни неча тушида кўрмиш,
Ўшул кундин бери ақлин етурмиш.

Бу жиҳатдан қараганда Хисрав билан Фарҳод диалоги ҳам жуда характерлидир.

Низомий:

Нахустин бор гуфташ: к-аз кужои?
Бигуфт: аз дори мулки ошнои.
Бигуфт: онжо ба санъат дар чи кўшанд?
Бигуфт: андуҳ харанду жон фурўшанд.
Бигуфто: жон фурўши дар адаб нест.
Бигуфт: аз ишқ бозон ин ажаб нест...

Қутб:

Бурун сўрди: не ерликсан, тею сан?
Айиттиким: ошиқлар шаҳриданман.
Айитти: онда не санъат қилурлар?
Айитти: жон сотиб қазғу олурлар.
Айитти: жонни сотмоқлик хато ул,
Айитти: ишқ йўлида ҳам раво ул.

Шу билан бирга, Қутб Низомий мисраларининг мазмунини сақлагани ҳолда, улардаги айрим мураккаб ифодаларни содда ва равон ифодалар билан алмаштириб, китобхонга хийла енгиллик туғдиради. Масалан, у Низомийнинг:

Фасиҳа к-ў сухан чу об гуфти,
Сухан бо ў бо сутурлоб бигуфти

мураккаб ифодали байтини соддалаштириб:

Фасиҳиким равон сўз сўзлар эрди,
Сўзин андин уёлиб гезлар эрди,—

деб таржима қилади.

Шундай қилиб, Қутб достон таржимасининг мумкин қадар оригиналига яқин бўлишига ҳаракат қилади ва бунга эришади ҳам. Бироқ Қутб яшаган тарихий шароит, китобхонларнинг эҳтиёжи ундан «Хисрав ва Ширин»га айрим ўзгариш ва янгиликлар киритишни ҳам талаб қилар эди. Бунга амал қилган Қутб «Хисрав ва Ширин»га айрим ўзгариш ва янгиликлар киритади, оригиналга ижодий ёндашиб, уни эркин таржима қилади. Шунга кўра, у достоннинг муқаддимасида:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Низомий назми янглиғ туз сўзунгни,
Анин билгут хонингга бу ўзунгни...
Қозонтек қайнаб-ушқ савдо пишурдум,
Низомий болидин ҳалво пишурдум,—

деган эди.

Қутб «Хисрав ва Ширин»га қандай ўзгариш ва янгиликлар киритди?

Қутб «Хисрав ва Ширин»га Олтин Ўрда ҳаётига доир лавҳалар киритади, базм, ов, тўй, мотам ва бошқа маросимлар, феодал саройи ҳаёти, турли хил урф-одатлар тасвирини бериб, достонни ўз даврига яқинлаштиради, унга янги боблар қўшади; Низомий достонидаги XII аср ҳаётигагина тааллуқли бўлган айрим моментларни қисқартиради, баъзи бобларни чиқариб ташлайди ёки бир-бирига қўшиб юборади, уларни таҳрир қилади, ўзбек халқ мақоллари ва таъбирларини киритади, оригинал образлар ва бадиий тил воситалари яратади ва ҳоказо.

Олтин Ўрда аҳолисининг кўпчилик қисми чорвачилик ва овчилик билан шуғулланар эди. Бинобарин, Қутб таржимасида, Низомий достонидан фарқли ўлароқ, шаҳар ҳаёти билан бирга, чорвачилик ва овчилик ҳам кенг ўрин олади; таржимон достонни чорвачилар ва овчилар ҳаётига доир янги эпизодлар, лавҳалар ва деталлар билан бойитади. Масалан, Қутб достонида тасвирланишича, Хисрав биринчи марта Арманистонга келганида Меҳинбону уни ҳашаматли саройида эмас, балки далада, майсазор бир ерда кутиб олади ва зиёфат қилади (бу эпизод оригиналда йўқ). Қутб достонида қаҳрамонларнинг қилич-қалқон билан қуролланганлиги, уларнинг ҳар доим отда юриши ва зўр чавандоз эканликлари таърифланади. Низомий ов тасвирини эмас, балки ов ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ифодаласа, Қутб ов манзарасини, жумладан, лочин билан ов овлаш манзарасини батафсил тасвирлайди.

Қутб сарой тантаналари ва маросимлари, жумладан, сарой зиёфатлари тасвирида ҳам ўзи яшаган даврни кўзда тутиб, достоннинг оригиналидан бирмунча чекинади, унга ўзгаришлар ва янги деталлар киритади: Қутбда май қимизга ўхшаш бошқа бир ичимлик билан алмаштирилади, қўбуз асосий чолғу асбоби қилиб берилади, чолғучиларнинг ҳаммаси ҳам қўбузчилар деб юритилади, овқатлар хили ва номи ҳам ўзгартирилади ва ҳоказо.

Қутб Низомийнинг хотин-қизларга инсонпарварлик билан қарашини «Хисрав ва Ширин»нинг таржимасида ҳам мукаммал акс эттириш билан бирга, хотин-қизлар образини янги деталь ва янги сифатлар билан бирмунча бойитади. Унинг тасвирлашича, хотин-қизлар худди эркаклар каби қилич-қалқон осиб олган бўлиб, отда юришда улардан қолишмайдилар. Қутб Низомийдан фарқли ўлароқ, хотин-қизларнинг ташқи қиёфаси тасвирида уларнинг кийим-кечакларини ҳам батафсил таърифлайди. Қутб таржимаси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да Ширин образи, унинг севги ва садоқати, ободончилик соҳасидаги фаолияти, бир қадар бўлса ҳам, бойитилган ва такомиллаштирилган. Жумладан, Қутб Ширинниинг садоқатини ифодалаш мақсадида Хисравнинг ўлими муносабати билан унинг аза тутишини тўлароқ баён қилади. Муқаддимадаги Малика мадҳига бағишланган махсус боб эса Қутбнинг хотин-қизларга инсонпарварлик нуқтаи назаридан қараганини таъкидловчи ва, шу билан бирга, XIV аср Олтин Ўрда саройидаги хотин-қизларнинг давлат идора ишлари ва маданият соҳасида хийла актив роль ўйнаганларини кўрсатувчи лавҳа сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Қутб таржимасида Низомий достонидан фарқ қилувчи бошқа ўринлар ҳам учрайди. Масалан, Низомий Хисравнинг тахтга чиқиш манзарасини унинг мол-мулки, шон-шавкати таърифи билан бошласа, Қутб Хисравнинг адолати ва саховати каби фазилатларини тасвирлашдан бошлайди ва бу билан у Хисрав образидан кутилган асосий мақсадни янада кучайтириб таъкидлайди. Низомий достонида Баҳромнинг ўлими муносабати билан Хисравнинг 3 кун мотам тутишини ҳикоя қилувчи алоҳида бир боб берилган. Низомий бу бобда Хисрав шунчалик эзгу хусусиятли киши сифатида камол топиб бордики, ҳатто у ўз душмани вафотига ҳам мотам тутганлигини қайд этади. Қутб бу бобни ундан кейинги боб — Хисрав базми тасвирланган бобга қўшиб юбориб, Хисравнинг дабдабали базмларини тасвирлаш орқали феодал ҳукмдорларнинг маишатпарастлигини янада қаттиқроқ қоралашга интилади. Низомий базм тасвири бобини ўзининг шоҳона инъомларга интилмаслигини баён этиш билан тугатса, Қутб уни ўз даврида раҳм-шафқат, ҳамдамлик ва дўстлик йўқлигидан шикоят қилиш билан тамомлайди. (Таржиманинг ана шу ва бошқа хусусиятлари А. Тагиржановнинг диссертациясида (1946) батафсил ёритилган).

Низомий жамият аъзоларини бадавлат кишилар, муҳтожлар, дарвешлар, беморлар, ожизлар, қуллар ва қатлга ҳукм қилинган кишиларга ажратса, Қутб уларни беклар, баҳодирлар, бойлар, дарвешлар ва муҳтож кишиларга ажратиб, Низомийнинг таснифидан бирмунча чекинади.

Қутб «Хисрав ва Ширин» таржимасида достоннинг оригиналидаги айрим бобларни, масалан, достоннинг охирги қисмидаги «Чиҳил қисса аз «Калила ва Димна» («Калила ва Димна»дан қирқ қисса»), «Натижаи афсонаи Хисрав ва Ширин» («Хисрав ва Ширин афсонасининг натижаси»), «Меърожи Муҳаммад», «Дар насиҳати фарзанди худ Муҳаммад» («Ўз фарзандим Муҳаммадга насиҳат баёнида») ва бошқа бобларни бермайди. Афтидан, таржимон бу боблар достоннинг асосий воқеаси ва моҳияти билан бевосита боғлиқ бўлмагани учун уларни чиқариб юборган.

Қутб достонга айрим эпизод ва деталлар билан бирга янги боблар ҳам қўшди. Достоннинг муқаддимасидаги «Шаҳзода Тинибекхон мадҳи», «Малиха марҳума Хонмалик мадҳи» ва «Китоб

www.ziyouz.com kutubxonasi

назм қилмоққа сабаб баён аюр» боблари шулар жумласига киради. Бу боблар Қутб китоби учун зарурий боблар эди. У достонни Тинибек ва унинг хотинига бағишлар экан, уларни мадҳ этмай қололмас эди. Тинибек ва Малика мадҳига бағишланган бобларда Қутб уларни адолатли, инсофли ва маърифатли кишилар деб таъриф қилади, ўта муболағалар билан машҳур тарихий шахслар ёки афсонавий образларнинг сифатларини уларга кўчиради. Бу ўринда у сарой қасидачилигига хос услубни қўллайди. Масалан, у Тинибекхон мадҳида, жумладан, қуйидагиларни айтади:

Ожун ул кун юзи бирла мунаввар,
Ким андин дину давлат уш музтар.
Улус-эл эрклиги султони хони,
Жаҳон халқи тани ул танда жони...
Етти иқлим ичинда ҳоли бу замонда,
Тенгинг йўқ шаксиз ул барча жаҳонда...
Ейилди эзгу ишинг, тўлди офоқ,
Юзунг кўргуга олам халқи муштоқ...
Икки ожунни ҳақ бир хонга бермиш,
Бу ҳусну хулққим сан жонга бермиш.
Зиҳи хулқу зиҳи фаҳму зиҳи илм,
Зиҳи ақлу зиҳи табъу зиҳи ҳилм...
Зиҳи хонлиқ, зиҳи шафқат, зиҳи дод,
Дуо бор чинингда йўқ уш фарёд...
Қутб ҳам давлатингиз соясинда,
Еш ўғлонтек иноят доясинда...

Тинибекдан инъом ва ҳомийлик кутиб феодал-сарой қасидачилиги традициялари асосида бу муболағали мақтовларни битган Қутб, ўтмишнинг бошқа прогрессив ёзувчилари каби, ҳукмдорларни инсоф ва адолатга даъват этиш мақсадини ҳам кўзда тутган.

Қутб достон таржимасида оригиналнинг вазнини (ҳазаж) сақлаб қолган, фақат баъзи-баъзида бу вазндан чекинган (масалан, Алига *бағишланган боб мутақорибда битилган*). Қутб таржимасининг вазн парадигмаси — ритмик схемаси бундай:

Ни-зо-мий-наз	ми-янг-лиғ-туз	сўзунг-ни
А-нин-бил-гут	хо-шинг-га-бу	ўзунг-ни
А-жаб-шах-се	э-рур-бу-о	да-ми-зод
Бўлур-мўм-о	да-ми-ил-кин	да-шўлод.
V — — —	V — — —	V — —
Ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	фа-у-лун.

Достоннинг тили

«Хисрав ва Ширин» достони XIV аср ўзбек адабий тили ва Хоразм диалектининг муҳим ёдгорлигидир. XIV аср ўзбек адабий тили тараққиётида хусусан Хоразм диалекти муҳим роль ўйнади. Хоразм диалектида қипчоқ ва ўғуз элементлари кучли эди. Ўзбек тили фақат Мовароуннаҳрдагина эмас, балки Олтин Ўрдада ҳам давлат идора ишларида ва маданий ҳаётда катта ўрин тутар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай қилиб, биз «Хисрав ва Ширин» ва «Муҳаббатнома» каби асарлар мисолида ўзбек адабий тилининг «Қутадғу билиг» ва «Ҳибатул-ҳақойиқ» тилидан сезиларли даражада илгари кетганини халқ жонли тили асосида бойиб борганини, мўғул тили айрим элементларини қабул қилиб, уларни ўзига сингдирганини ва XV аср ўзбек адабий тилининг тараққиёти учун маълум замин тайёрлаганини кўрамиз.

«Хисрав ва Ширин»ни форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилиш таржимондан ўзбек тили бойлигини яхши билишни ва санъаткорлик маҳоратини талаб қилар эди. Ўзбек тили бойликларини, унинг ўзига хос хусусиятларини мукаммал эгаллаган Қутб бу катта ва масъулиятли вазифани муваффақият билан амалга оширди. У таржимада Низомий достонининг ғоявий-бадиий қимматини тўла акс эттиришга эришди. Гарчи достон оригиналининг тили таъсирида Қутб таржимасида форс-тожик тилидаги сўзлар бир қадар кўпроқ учраса ҳам, таржимон достонни хийла содда тил ва равон услуб билан таржима қилишга эриша олган. У Низомий мисраларини сўзма-сўз таржима қилмайди, балки унинг мазмуни ва моҳиятини ўзбек тилининг бойлиги ва ўзига хос қонун-қоидалари асосида ифодалайди, Низомий шеърларидаги айрим мураккаб ифодаларни содда ифодалар билан таржима қилади. Шу жиҳатдан қараганда, Қутб таржимаси «Хисрав ва Ширин»нинг Шайхий (XV аср) томонидан қилинган таржимасидан ҳам яхши чиққан, чунки Қутб Низомий мисраларининг мазмунига ҳам, таржима тилига ҳам катта эътибор берган. Шайхий эса Низомий мисраларининг мазмунини айнан сақлаб қолишга уриниб, кўп ҳолларда таржима тилига эътибор бермай қўяди, оригиналнинг тили таъсирига берилиб кетади. Буни қуйидаги бир мисолда равшан кўриш мумкин:

Низомий:

Агарчи фитнаи олам шуд он моҳ,
Чу олам фитна шуд бар сурати шоҳ.

Қутб:

Бу янглиғ фитна эркан бу жаҳонда,
Кўруб шоҳ сувратин ўрнатти жонда.

Шайхий:

Агарчи фитнаи оламдур ул моҳ,
Ва лекин қилди мафтун сурати шоҳ.

Қутб Низомий яратган образли сўзларни ҳарфма-ҳарф таржима қилмайди, балки уларнинг мазмуни ва моҳиятини беради ҳамда кўп ўринда уларни ўз янги ва оригинал образли сўзлари билан алмаштиради. У халқ мақоллари ва таъбирларидан фойдаланиб, достоннинг мазмуни, образлилиги ва тилини бойитади. Мисоллар:

Вале сархуш киши арслон тутар теб,
Масал бор: англамаз оғу ютар теб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оғизтек ўт темакдин қўймаз эрмиш,
Қарин тиш эти бирла тўймаз эрмиш.

Қазо кўрким яна бошимға келди,
Жароҳат узра қаро туз эқилди.

Қазон остинда ўт ул қайнамасму?!
Агар кўп қайнаса ош айнамазму?!

Масал айтур: бўри қуймотқаким, қўй,
Мен ўлтурдум, еди тилку, мени қўй.

Бўлур мўмдин юзук қилмоққа осон,
Вале билмазга олтундин йўқ имкон.

Бу мақол ва таъбирлардан айримлари баъзи бир ўзгаришлар билан шу кунга қадар қўлланилиб келмоқда. Масалан: «Англамай сўзлаган оғримай ўлар» («Англамаз оғу ютар теб»), «Ярага туз сепди» («Жароҳат узра қаро туз эқилди»), «Қаловин топса қор ёнар, қаловин топмаса қоқшол ўтин ҳам ёнмас» («Бўлур мўмдин юзук қилмоққа осон, вале билмазга олтундин йўқ имкон». Бу ўринда Қутб халқ мақолини айнан ишлатмай, балки унинг мазмунини байтга сингдириб берган бўлиши керак) ва бошқалар.

Шу билан бирга, Қутб:

«Чечак иидаб бу боғда қолди ўзум,
Чечак тек ушбу мунгда сўлди юзум»

каби халқ қўшиқларига хос содда ва жўшқин мисралар ҳам яратган.

* * *

Қутбнинг «Хисрав ва Ширин»и ўзбек халқи билан қардош озарбайжон халқининг иқтисодий ва маданий алоқалари заминида вужудга келди. У ўзбек китобхонларини улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг ижоди билан таништиришда катта ва муваффақиятли адабий тажриба бўлди. Ўзбек таржима адабиётидаги тўнғич асарлардан бири бўлган «Хисрав ва Ширин» ўзбек адабий тили ва ўзбек дунёвий адабиёти тараққиётига ҳам муҳим бир бойлик бўлиб қўшилди. Кейинги асрларда Низомий асарларини ўзбек тилига таржима қилиш традицияси давом этди ва ривожланди. Ҳайдар Хоразмий (XV аср) Низомийнинг «Махзанул-асрор» («Сирлар хазинаси») достонини ўзбек тилига эркин таржима қилган бўлса, Огаҳий (XIX аср) Низомийнинг «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») достонини насрий йўл билан таржима қилди. Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий эса Низомий ва бошқа хамсанависларнинг традицияларини таржима адабиётида эмас, балки оригинал ўзбек адабиётида мисли̇сиз катта муваффақият билан давом эттириб ривожлантирди ва жаҳон адабиётининг ўлмас обидаси «Хамса»ни яратди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

САЙФИ САРОЙИ

Ҳаёти ва фаолияти Сайфи Саройи XIV аср ўзбек дунёвий адабиётининг йирик намояндаларидан биридир. У лирик ва эпик шоир, ношир ва таржимон сифатида ўзбек дунёвий адабиёти ва ўзбек адабий тили тараққиётига муҳим ҳисса қўшди.

Сайфи Саройининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ниҳоятда оз маълумотга эгамиз. Сайфи Саройи XIV асрнинг 20-йиллари бошида туғилди. Унинг қуйидаги мисралари муҳим биографик маълумот беради:

Қамишли юрт маним тувғон элимди,
Билик ғурбатга келтурғон билимди.
Келиб ўлдим саройда шеър фидойи,
Саройнинг шоири, элнинг гадойи.

Демак, Сайфи «Қамишли юрт»да (бу ҳозирги Хоразм областининг Сариқамиш қишлоғи деб тахмин қилинади) туғилади, билим олмоқ учун ғурбатга — мусофирликка юз тутади, Саройга[1] келиб шеърият билан шуғулланади, шеърият фидойиси бўлади. Шоир тахаллусини ҳам Саройдан олади, Сайфи Саройи номи билан шуҳрат топади. «Саройнинг шоири, элнинг гадойи» мисраси шоир саройда ҳукмдорлар саройида бўлган деб фараз қилишга йўллайди. Муҳими шундаки, қаерда бўлмасин, шоир ўзини элнинг гадойи ҳисоблайди. Бу унинг фаолияти ва ижодиёти йўналишини, ғоявий-эстетик моҳиятини белгилайди. Сайфи Саройининг оригинал шеърияти ҳам, «Гулистон» таржимаси ҳам унинг халқпарвар ва маърифатпарвар ижодкор бўлганини кўрсатади.

Ўз даврининг етук шоирларидан бўлган Сайфи Саройи бадиий асарнинг оригиналлигига, мазмуни ва шаклининг уйғунлигига алоҳида эътибор берган, қобилиятсиз, дидсиз шоирларни қаттиқ танқид қилган:

Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ,
Кими булбул дурур сўзда, кими зоғ.
Кими тўти бекин чайнар шакарни,
Кими лафзи билан ўртар дурар[2]ни.
Кимнинг сўзлари мавзуну ширин,
Киминнинг лойиқи ташрифу таҳсин,
Кими ўзганинг ашъорин меним дер,
Кими ҳалво кибн шалғам чўбин ер.
Кими маъни қўюб, лафзин тузотур,
Кими вазнин бузуб, санъат кузотур.

---

[1] Сарой номи билан боғлиқ Олтин Ўрдада бир неча шаҳар бўлган. Сайфи Саройи шулардан қайси бирида бўлганлиги ҳозирча аниқ эмас.

[2] *Дурар* — дурлар; *Маж.*— дур каби сўзлар, шеърият.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аларнинг ўш бири Сайфи Саройи,
Жаҳон орифларининг хоки пойи.
Ани сен жумла шоир камтари бил,
Қамар юзга ҳамиша муштари бил[1].

(*«Фи авсофи шуаро»*)

Юқоридаги маснавий Сайфи Саройи адабий-эстетик қарашларининг маълум бир ифодасидир. Унинг шоирларни ижодиётларининг моҳиятига қараб гуруҳлаши, истеъдодли шоирларни мақтаб, шаклбозликка берилган шоирларни, шеър ўғриларйни танқид қилиши, шубҳасиз, ўз даври адабий ҳаёти ва эстетик тафаккурининг тараққиётига қўшган катта ҳиссаси эди.

Сайфи Саройи форс-тожик, араб ва яна бошқа тилларни мукаммал билган, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётини чуқур мутолаа қилган, классик ёзувчиларнинг анъана ва тажрибаларидан таълим олган. Шу билан бирга, у адабий муҳити, замондош қалам аҳли билан яқиндан алоқада бўлган, ижодий ҳамкорлик қилган. Бунга, жумладан, унинг Мавлоно Қози Муҳсин, Мавлоно Исҳоқ, Мавлоно Имод Мавлавий, Аҳмад Хожа ас-Саройи каби шоирлар билан ғазал мушоираси далил бўла олади.

Сайфи Саройи жуда оғир ва мураккаб бир муҳитда яшади. Ўзаро феодал урушлар, босқинчиликлар, жаҳолат реакцияси элюртнинг осойишталигини бузиб, кўп кишиларни бошпана излаб, узоқ-узоқларга йўл олишга мажбур қилган эди. Сайфи Саройи ҳам бир жойда муқим яшай олмади йигитлик палласида илм истаб мусофирликка юз тутган Сайфи Саройи энди бошпана излаб ғурбат чекди, эл-юртдан узоқ тушди. Бинобарин, у ҳасрат ва надомат билан айтган эди:

Ўсуб туфроғим узра найзалар, ман эвдин айрилдим,
Ватандин бенишон ўлдим-да, ўзга юртга эврилдим.
Нечун манга фалак жавр айлади, қандай гуноҳим бор,
Илоҳо айла кам жавринг, ман элга содиқ ул[2] эрдим,

Афтидан, Сайфи Саройи бир неча мамлакатларда бўлиб, умрининг охирларида Мисрга келиб, ўша ерда муқим бўлиб қолади. Мисрда Ўрта Осиёдан бошпана излаб келган кўп кишилар шу жумладан илм-фан аҳллари яшар эдилар. Улар ўз илмий-ижодий ишларини давом эттирадилар, туркий тилларга қизиқиш кучайиб, тадқиқот асарлари ва луғатлар яратилади, араб ва форс-тожик тилларидан айрим асарлар туркий тилларга таржима қилинади. Мисрда ўзбек ва бошқа туркий халқлар адабиётининг янги обидалари вужудга келади. Шоир Сайфи Саройи ҳам Мисрда ҳижрий 793 йилда (мелодий 1390/1391) улуғ форс-тожик адиби Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асарини таржима қилади. Бу таржима «Гу-

[1] Охирги мисрада сўз ўйини бор: *қамар юз* — қамар юзли (ёр), *муштари* — харидор, айни чоғда: *қамар* — ой, *Муштари* — юпитер.

[2] Ул — ўғил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

листони бит-туркий» деб номланади. Ҳижрий 796 йилда (мелодий 1394 йилда) «Суҳайл ва Гулдурсун» достонини яратади. Сайфи Саройи XIV асрнинг охирларида дунёдан ўтган бўлса керак. Кўп йиллар сарсон-саргардонликда умр кечирган Сайфи Саройининг ҳаёти Мисрда ҳам машаққатли ўтган. Бунга «Гулистон»даги айрим ўринлар, шунингдек, «Суҳайл ва Гулдурсун»даги:

«Илоҳо асрагин Сайфи Саройинг,
Халос айлаб зулмдин кенг саройинг»

каби мисралар далил бўла олади.

Яқинга қадар Сайфи Саройи мероси ягона бир қўл ёзма билан фан оламига, адабиёт мухлисларига маълум бўлиб келаётган эди. Бу Голландиянинг Лейден университети кутубхонасида №1355 инвентарь рақами билан сақланаётган қўл ёзма бўлиб, унда Сайфи Саройининг «Гулистони бит-туркий» асари, бир неча замондош шоирлари билан Сайфи Саройининг мушоираси, айрим қасида, ғазал, рубоий ва қитъалари берилган, ҳошияда халқ қўшиқларидан бир неча банд келтирилган. Яқинда адабиётшунос Насрулла Даврон 1398 йилда Мисрда Абул ибн Қодир деган маърифатпарвар шахс томонидан кўчирилган бир қўл ёзмани қўлга киритди. Унда Мавлоно Исҳоқ Хоразмий, Туғли Хожа ва бошқа шоирларнинг шеърлари билан бирга ҳали фан аҳлига маълум бўлмаган Аҳмад Урганжий номли шоирнинг лирик ва сатирик шеърларидан намуналар ҳамда Сайфи Саройининг икки байти, икки қитъаси ва 82 байтдан иборат «Суҳайл ва Гулдурсун» достони бор. Бу қўл ёзма Сайфи Саройи мероси-ни, ўзбек классик адабиёти бисотини ноёб асарлар билан бойитган ғоятда қимматли қўл ёзмадир[1].

Сайфи Саройининг фаолияти ва мероси ҳақида Фуод Кўпрулизода, Ҳифзи Тавфиқ, Ҳасан Ули, Тури Южеф, Фитрат, Ҳоди Зариф, А. Нажиб, Ж. Шарипов ва бошқаларнинг тадқиқот ва мақолаларида маълумот бор. 1954 йилда «Гулистони бит-туркий» Туркияда профессор Фаридун Нафис Узлукнинг сўз бошиси билан нашр этилди. Сайфи Саройи асарлари хрестоматия, кўп томлик ўзбек адабиёти ва бошқа китобларга киритилган. Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти 1968 йилда Сайфи Саройининг «Шеърлар. Гулистон» китобини нашр этди (Э. Фозилов нашрга тайёрлаган). Шунингдек, Сайфи Саройининг «Гулистони

[1] Қўл ёзма Фарғона область Ўзбекистон районидаги Ленин номли колхозининг пенсионери Камолхон Султоновнинг шахсий китоб жавонида сақланар экан. У Камолхон Султоновга ота-боболаридан қолган, бобокалони ҳажга борганда Мисрдан олиб келган экан. Қўл ёзма ҳозирда ЎзССР Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида сақланади (инв. № 435). «Суҳайл ва Гулдурсун» «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида босилди (1974, № 4, нашрга Насрулла Даврон тайёрлаган.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

бит-туркий» асари, шеърлари ва замондошлари билан мушоираси билан биргаликда, «XIV аср Хоразм ёдномалари» (Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, Тошкент — 1973)да босилди. Н. Даврон Сайфи Саройи меросини тадқиқ этиб, кандидатлик диссертациясини ёзди (1968).

Лирикаси

Сайфи Саройи истеъдодли лирик шоирдир. У ижодий фаолиятини лирика билан бошлади, Сайфи Саройи бутун умри давомида, шубҳасиз, катта лирик маҳсулот яратган, эҳтимол, у лирик асарларини тадвин қилган, девон яратган. Афсуски, Сайфи Саройининг тўла лирик бисоти сақланиб қолмаган ёки у ҳозиргача топилмай келади. «Гулистони бит-туркий» қўл ёзмаси, шунингдек «Суҳайл ва Гулдурсун» қўл ёзмаси орқали бизга Сайфи Саройи лирикасининг айрим намуналари маълум. Бу мерос ўндан зиёд ғазал, икки қасида, икки қитъа, икки байт шеърдан иборат. («Гулистон» қўл ёзмасига илова қилинган форс-тожик тилидаги 3 фалсафий рубоий ҳам Сайфи Саройи ижодига мансуб бўлиши мумкин). Мана шу намуналарнинг ўзиёқ Сайфи Саройининг истеъдодли шоир бўлганидан дарак беради. Сайфи Саройи лирикасининг етакчи хусусияти унинг дунёвий моҳияти, ҳаётийлигидир. Шоир диний-мистик бадбинлик ва фатализмга қарши ҳаётни, унинг хосияти ва завқ-шавқини куйлайди. Дунёвий адабиётнинг бошқа намояндалари каби Сайфи Саройи ҳам ҳаётга севгини, дунёвий майлларни севги мавзуи орқали ифодалайди. У севади ва севилишни истайди. Ёр ҳусну латофати, эзгу хулқ-атвори, маънавий поклиги билан уни мафтун этади, унга шодлик, қувноқлик, бахт-саодат ато қилади. Ёр фақат севги мавзуи доирасида қолиб кетмайди, балки у кенг моҳият касб этади. Ёр — умуман ҳаёт, дунёвий майллар рамзи. Шоирнинг — ошиқнинг ёрга муҳаббати — ҳаётга муҳаббатнинг ифодаси. Аммо ҳаёт мураккаб. Унинг иллатлари, жабр-зулми ҳам бор. Бу шоирда норозилик кайфиятларини туғдиради. У ёрнинг нозу истиғносидан арз қилиш орқали ҳаётнинг мана шундай ҳақсизликлари устидан ҳам шикоят қилади. Бироқ бу шикоят Сайфи Саройи лирикасида хийла маҳдуд бўлиб қолади, етакчи масала даражасига кўтарилолмай қолади.

Сайфи Саройи табиат муҳибидир. Унинг икки қасидаси асосан табиат васфига бағишланган, табиатнинг кўрки-жамоли, файзи-хосияти уларда ўз илиқ, самимий, содда ва ҳаётий ифодасини топган. Шу билан бирга, табиат Сайфи Саройининг ғазаллари ва бошқа жанрлардаги асарларида ҳам ўз лирик аксини топган, шоир мисраларини мазмун жиҳатидан ҳам, бадиийлик жиҳатидан ҳам бойитган.

Сайфи Саройи қасидаларидан бири бевосита табиат тасвири билан, тонг отиши, қуёш чиқиши тасвири билан бошланади, шоир ажойиб ва оригинал образлар, табиат лавҳаларини яратади, хилма-хил санъат — усул ва бадиий тил воситаларини ишлатади, байт-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан байтга ўтилар экан, табиат кўрки ва жилолари шоирнинг сеҳрловчи сўзлари орқали тобора кенгроқ намоён бўлади, китобхонни табиат таровати ва шеърият нафосати оламига ғарқ этади. Мана шу қасиданинг дастлабки мисралари:

Олтун қанотин очти эса субҳ сунқури[1],
Кўк кўлга ботти жумла кавокиб кабутари.
Исфандиёри Рум чиқиб тиктиса алам[2],
Бўлди кўруб ҳазимат они шом лашкари.
Тўкди қирмизи май қон ақитиб чарх тосина,
Туннунг юрак томирин очиб субҳ наштари...

Сайфи Саройи шеърлари ибратли фикр-мулоҳазалари, ўгити ва фалсафий мушоҳидалари билан ҳам қимматлидир. Шоир садоқат ва самимиятни, эзгулик ва хуштавозеликни таърифлайди, ҳаёт ва коинот сирларини билишга интилиб хаёл суради, фикр юритади. Эзгулик, яхшилик таърифи-тарғибига бағишланган бир қитъа билан танишайлик:

Ким келди эса жаҳонга, шак йўққи, кетар,
Оқил келибон бу ерда кўп хайр этар.
Сен эгулик[3] эт дағи тенгизга солғил,
Ёзида санга яқин бил ул хайр етар.

Сайфи Саройи замонасининг моҳир санъаткоридир. У бадиий сўз сирларини яхши идрок этган, шеърият қонун-қоидаларини мукаммал эгаллаган шоирдир. Бунга унинг замондошлари билан қилган мушоираси ҳам ёрқин далил бўла олади. «Гулистон» қўл ёзмасида 8 мушоира берилган. Бу Мавлоно Қози Муҳсин, Мавлоно Исҳоқ, Мавлоно Имод Мавлавий, Аҳмад Хожа ас-Саройи, Хоразмий, Абдулмажид, Туғлихожа ҳамда Ҳасан ўғлининг биттадан 8 ғазали ва уларнинг ҳар бирига Сайфи Саройи битган назира — жавоб ғазалларидир. Сайфи Саройи мушоира қилган шоирлар ҳақида деярли маълумотга эга эмасмиз[4]. Бироқ бу шоирлар, афтидан, бир даврани, адабий мактабни ташкил этган, ғоявий-эстетик жиҳатдан бир-бирига яқин турган, ижодий ҳамкорлик қилишган, улар бир неча туркий халқларга мансуб бўлган. «Гулистон» қўл ёзмасига киритилган мушоира уларнинг ижодий ҳамкорлигидан бир саҳифа бўлиб, бу мушоира Мисрда ўтган бўлиши мумкин.

---

[1] *Сунқур* — шунқор. [2] *Адам* — байроқ. [3] *Эгулик* — эзгулик. [4] Ҳасан ўғли озарбайжон шоири бўлиб, Давлатшоҳ Самарқандийнинг маълумотича, асли номи Шайх Изуддин Пури Ҳасан Исфараёний бўлиб, форс ва турк тилларида дилрабо шеърлар битган, форсча шеърларида Пури Ҳасан, туркийда Ҳасан ўғли тахаллусини қўллаган. Шоир Абдулмажид қримлик бўлган, Ибн Арабшоҳ уни 814 (1411—1412) йилда Қримда учратган, у Юсуф ва Зулайхо ҳақида «Мунисул-ушшоқ» достонини ёзган (қаранг: Э. Фозилов. Хоразм ёдномалари, 5- бет).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мушоирадаги барча шеърлар дунёвий севгини куйлайди, ҳаёт ва коинот мадҳи, табиат тасвири, ўгит ва ибратли сўзлар бу ғазаллар мазмуни, моҳиятини ташкил этади. Шоирлар турли санъат усуллари ва бадиий тил воситаларини қўллайдилар, сўз бойлигидан унумли фойдаланадилар. Яна муҳим бир хусусият шундаки, кўпгина ғазалларда (хусусан қофияда) сўз ўйини қилинган, омонимлар қўлланган. Бу ҳол худди шу даврда туркий халқлар ёзма адабиётида туюқ жанрининг вужудга келиши, халқ шеърияти таъсирида алоҳида шеърий форма сифатида шаклланиши жараёни ҳақида ҳам кенг тасаввур беради. Мана шундай мушоира ғазалларидан бири Мавлоно Имод Мавлавийнинг:

«Дилбарим нечага тегру мен қулун қинда тутар,
Мен қиличмуман, ажаб ким мени ул қинда тутар»

матлаъли ғазалига Сайфи Саройининг:

«Бу фалак нечун мени дойим қара қинда тутар,
Бу отим Сайф[1] ўлдуғучунми қара қинда тутар»

назираси, шунингдек Туғлихожанинг:

«Нигоро, кўз учи бирла боқинг мен ул қароқиға,
Кўзум ёши оқа тутшу тушубман бу қаро қинға»

маталаъли ғазалига Сайфи Саройининг:

«Менингдек нечалар ҳайрон ўшул жоду қароқинға,
Кўруб жисмин хижолатдин равон бўлди қаро қинға»

назираси мисол бўла олади.

Сайфи Саройи қофияга алоҳида эътибор берган. У мисралар охирида фикран ва ритман шеърни такомиллаштирувчи, мусиқийликни таъминловчи сўзларни қофия сифатида келтириш билан бирга ички қофия — қофияи мусажжада ҳам маҳорат кўрсатган. У Мавлоно Исҳоқ ғазалига битган назирасида «дилбар — манзар, шоҳид — зоҳид, манзур — ранжур, бил — йил, байрам ойидур — Сайфи Саройидур» сўзларини ички қофия қилиб келтирган, бу билан мазмунни бойитган, мисраларнинг мусиқийлигини оширган (Мавлоно Исҳоқ ғазалида ички қофия йўқ). Шунингдек, Сайфи Саройининг Ҳасан ўғли ғазалига жавобат битган:

«Топулмас ҳусн мулкинда санга тенг бир қамар-манзар,
На манзар, манзари шоҳид, на шоҳид, шоҳиди дилбар»

матлаъли ғазали ҳам санъаткорлик маҳорати жиҳатидан ўзбек дунёвий адабиётининг шу босқичдаги энг гўзал намуналаридан

[1] *Сайф (сайфи)* — қилич.

www.ziyouz.com kutubxonasi

биридир. Сайфи Саройининг бошқа шеърлари ҳам мазмун ва бадиий форма жиҳатидан мароқли ва нафисдир.

Биз бир неча шеър асосида Сайфи Саройи лирикасининг айрим хусусиятларини баён этдик. Шоир девонининг мавжуд эмаслиги, шубҳасиз, унинг лирикаси ҳақидаги мулоҳазаларни маҳдуд қилиб қўяди, уларга этюдлар тусини беради. Бироқ Сайфи Саройи ҳақидаги дастлабки тасаввуримизни унинг «Суҳайл ва Гулдурсун» достони ҳамда «Гулистон» таржимаси тўлдиради, бойитади.

«Суҳайл ва Гулдурсун»

«Суҳайл ва Гулдурсун» достони XIV аср ўзбек дунёвий адабиёти бисотига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Бу кичик достон дунёвий йўналиши, севги ва садоқатни, мардлик ва жасоратни куйлаши ҳамда тили ва бадиий услуби билан ўзбек дунёвий адабиёти тараққиётига, ўзбек адабий тили камолотига хизмат қилди.

Достонда тарихий воқеаларнинг, Темир ва Тўхтамиш жанглари ҳамда уларнинг оқибатининг маълум акс садоси бор. Бинобарин, достон:

Эмас афсона чин ушбу битилмиш,
Бу чин афсонатек ишқда етилмиш.
Айттим оғлабон даврим жафосин,
Бир эрнинг қиссаси, ахчи вафосин.
Темур Урганжа тортиб келди лашкар,
Кўруб кўз — кўр, бўлуб қолди қулоқ — кар.
Қўзутти жанг билан оламда тўфон,
Оқитти сув текин ер узра кўп қон.
Экинчи эврлари ёқилди ўтқа,
Бундай соврилди, тупроқ бўлди бўтқа...

сатрлари билан бошланади. Мана шу жангларда кўп киши асир олинади, асирлар қаторида Тўхтамишнинг ўғли Суҳайл ҳам бор экан. Суҳайл жуда баҳодир ҳамда гўзал йигит экан. Темурнинг қизи Гулдурсун уни севиб қолади. Чоҳга тушиб асир Суҳайлни қутқаради, икковлон қумли саҳрога йўл оладилар. Очлик ва сувсизлик уларни толиқтиради, Гулдурсун юролмай йиқилади. Суҳайл сув ва егулик излаб узоқдан кўринган қишлоққа йўл олади. Қайтиб келса, Гулдурсун ўлиб қолган бўлади. Бу фожиага чидай олмаган Суҳайл жасоратли ёри жасади устида:

Менга яхши букун ёр билан ўлмак,
На лозим ғам билан дунёда қолмак,—

деб ўзига пичоқ санчиб ўлдиради. Достоннинг фожиавий сюжети шундан иборат[1].

---

[1] Бу афсона, афтидан, турли вариантларда кенг тарқалган. Шулардан бири ҳозирги Челябинск область Темурланг станциясидаги Темурланг минораси билан боғлиқдир. Ҳикоя қилинишича, Темур билан Тўхтамиш жангида Тўхтамиш енгилиб, у кўп аскарлари ва ўғли билан асир тушади. Тўхтамиш ўғлининг баҳодирлигини эшитган Темурнинг қизи уни севиб қолиб, зиндондан қутқаради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Достон муқаддимадан кейин «Суҳайлнинг чоҳда ётмиши», «Суҳайлнинг туш кўрмиши», «Шоҳ қизи Гулдурсун Суҳайлни кўргони ва уни севиб қолгонин баёни», «Гулдурсуннинг чоҳга тушуб, Суҳайл билан сўзлашгони», «Суҳайл билан Гулдурсунни чоҳдан чиқиб қочганлари баёни» бўлимларини ўз ичига олади. Ҳар бир бўлим воқеанинг композицион ривожланишининг муҳим бир ҳалқасини ташкил этади. Охирги бўлим достоннинг ҳам кульминацияси, ҳам воқеанинг ечими — фожиавий хотимасидир.

Суҳайл ва Гулдурсун достоннинг бош қаҳрамонларидир. Севги ва садоқатда, мардлик ва жасоратда улар бир-биридан қолишмайди. Ирода ва қатъият уларнинг сифатига сифат қўшади. Суҳайл ва Гулдурсун фожиавий ҳалок бўлади. Аммо бу ҳалокат зулм ва зўрликка қарши исён, эрклик ва эзгуликка интилишнинг ифодаси эди. Гулдурсун ҳақида сўз борар экан, шоирнинг хотин-қизларга гуманистик муносабатини, унинг аёлларга феодал-клерикалча қараш анъаналарига қарши дадил ҳамла қилганини таъкидлаш лозим. Гулдурсун жасорати ва садоқатидан руҳланиб кетган Сайфи Саройи:

Хотин содиқ, ани севгил, азиз эр.
Ҳар огир ишда ҳам доим сени дер.
Анга дўст бўл, ани севгил, кўнгул бер,
Анинг сўз баҳридин гавҳарларин тер...—

дейди.

Сайфи Саройи яратган Гулдурсун образи «Гулдурсун» афсонасидаги Гулдурсун образига тамомила қарама-қаршидир. Афсонадаги Гулдурсун — хиёнатчи, ватанфуруш, иродасиз, ҳавои табиат қиз. Унинг ўлими шу хислатларининг оқибати. Сайфи Саройи яратган Гулдурсун эса мард, жасоратли ва садоқатли аёл. Унинг жасорати фақат севги туғёни бўлиб қолмай, балки адолатсизликка, ўзаро феодал урушларга нафрат ифодаси ҳамдир.

Суҳайл ва Гулдурсун Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидаги Меҳр ва Суҳайл (бешинчи ҳикоя)ни эслатади. Унда ҳам журъатли Меҳр Суҳайлни банддан озод этади. Бироқ Сайфи Саройи достони фожиа билан, Навоий ҳикояси Меҳр ва Суҳайлнинг Жобир устидан галаба қозониб, мурод-мақсадига етиши, анъанавий фольклор асарлари хотимаси билан тугалланади.

«Суҳайл ва Гулдурсун» гоявий мазмуни билангина эмас, бадиий хусусиятлари билан ҳам қимматлидир. Достонда қаҳрамонларнинг руҳий дунёси яхши очилган. Характерлар конфликт тўқнашувида камол топиб боради, чиниқади. Достонда табиат ман-

---

Қочиб кетаётган ошиқ-машуққа Темур аскарлари етиб келади. Тенгсиз жангда йигит ҳалок бўлади. Аламига чидай олмаган қиз ўзига ханжар санчиб ўлади. Ошиқ-маъшуқнинг мардона курашига тан берган Темур уларни кўмдириб, ўша ерда минора қурдиради. (Қаранг: Л. Палиевская. Темурланг минораси, «Узбекистон маданияти», 1971, 12 ноябрь).

www.ziyouz.com kutubxonasi

заралари ҳам ҳаётий тасвирланган. Асир тушган Суҳайлни зиндонга — чоҳга олиб бормоқдалар. Аммо мушфиқ кишилар унга далда бермоқчи, дардига кишилар ва қушлар шерик, табиат уни ўз кўрки ва файзи билан юпатмоқчи. Контраст воқеликнинг моҳиятини тўлароқ ва мукаммалроқ очишга хизмат қилади:

...Суҳайл ҳусни эрур Юсуфдин олий,
Этар мот олмани юзининг оли.
Бийик ардамлари бор, сўзи ширин,
Бўлур ошиқ ани кўрганда Ширин,
Вале жавр тоши ёғиб боши узра,
Этипти бошини хам қоши узра.
Уна йўқдур зулмкорларда парво,
Кима мунғойсин, этиб дарда даво?
Фақат ҳолини кўрганлар этур оҳ,
Учраб атрофда қушлар дардли ҳамроҳ.
Бўлуб мутриб гулистонларда булбул,
Қилур минг турли нағма бирла ғул-ғул,
Бошин эгмиш етиб олтун бошоқлар,
Бошоқларни экинчилар машоқлар...

Достонда халқ ижодиётининг маълум таъсири ҳам кўзга ташланади. Бу мисраларнинг равонлиги ва соддалиги, айрим халқ ибораларининг қўлланиши, «бошланма»лар ва бошқаларда, шу билан бирга, туш эпизодида («Суҳайлнинг туш кўриши») кўринади.

«Суҳайл ва Гулдурсун» арузнинг ҳазажи мусаддаси мақсур ваэнида (мафоийлун мафоийлун мафоъийл) битилган.

Хотин содиқ,	ани севгил,	азиз эр,
Ҳар оғир иш	да ҳам дойим	сени дер
V — — —	V — — —	V — —

«Гулистони бит-туркий»

Сайфи Саройи ҳижрий 793—мелодий 1390/91 йилларда Шайх Саъдийнинг машҳур «Гулистон» асарини ўзбек тилига таржима қилади:

Муддати ҳижрат еди[1] юз тўқсон уч,
Йил эдиким оз эди оламда куч.
Аввали шаввол эди ким, эй азиз,
Хат ўлди бу Гулистонномамиз.

Сайфи Саройи «Гулистон»ни таржима қилишга кириш воқеаси ҳақида маълумот бериб айтади: «Илк ёз кунларидан бир кун, бўстон ичинда, гуллар орасида бир неча зариф олимлар билан ўтуруб, иншо илминдан баҳс қилиб абёти ғариб ва ашъори ажиб ўқудум эса, ул олимларининг уллуси (улуғи) аруз илминдан бир мушкил байтнинг тақаттуъин савол этти. Филҳол жавобин эши-

[1] *Еди* — етти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиб, айтти: «Эй адиби ғариб, сенга бир мувофиқ насиҳатим бор, қабул қилсанг хайр бўлғай». Айттим: «Буюринг». Айтти: «Шайх Саъдий «Гулистон»ини туркий таржима қилсанг, бир соҳиб давлат эр отини ёдгоринг жаҳона қолсун деб». Шу суҳбатдан кейин Сайфи Саройи «Гулистон» таржимасига киришади, уни Миср султонининг Ҳожиби — хос беги Батхосбекка бағишлайди. Муаллиф — таржимон муқаддимада:

Бу Гулистон эйнати Батхосбек,
Ҳожибул-ҳужжоби султон, хос бек...
Бу Гулистон боғбони ул адиб,
Ким Саройи Сайф эрур назми ғариб,—

деб таъриф-тавсиф этади, 7-бобнинг хотимасида унинг таъриф-тавсифини давом эттириб, карамли, элпарвар деб улуғлайди. Шу тарзда «Гулистон» таржимаси бунёдга келади. Бу таржима ўзбек таржима адабиётининг илк намуналаридан бири бўлиб, у китобхонни Саъдий ижодиёти билан таништириши баробарида, ўзбек адабий тили ва ўзбек адабиёти тараққиётига ҳам салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий форс-тожик классик адабиётининг улуғ намояндаларидан биридир. У 1204—1208 йиллар орасида Шерозда туғилди, 1291/92 йилларда вафот этди. Саъдий дастлабки маълумотини Шерозда олди, кейин Бағдоднинг машҳур «Низомия» мадрасасида ўқиди. Мадраса таҳсилидан кейин Саъдий кўп йиллик узоқ сафарга жўнаб, Шарқнинг бир қанча мамлакатларини кезиб чиқди ва аҳли салиблар қўлига асир тушди, бирмунча вақтдан кейин ҳалаблик бир дўсти уни асирликдан озод этиб олди. «Бўстон» асари билан шуҳрат қозонган Саъдийни Форс вилоятининг ҳокими Абубакр ибн Саъдий Зангий ўз саройига таклиф қилади. Саъдий унга бағишлаб бир неча қасида ёзса ҳам, лекин саройга бормайди. Чунки у:

«Ба даст оҳаки тафта кардан хамир,
Беҳ аз даст бар сина пеши амир»

(Ўтдек оҳакни қўл билан қориб хамир қилмоқ амир олдида қўлни кўксига қовуштириб туришдан яхшироқ),— деб ҳисоблар эди. Саъдий бутун куч-қувватини бадиий ижодга бағишлади, ҳаёт тажрибаларини, сафар таассуротларини, орзу-армонларини бадиий асарларида мужассамлаштирди.

Саъдий улуғ шоир ва адибдир. XIV аср бошларида Бесутун номи билан машҳур бўлган Али бинни Аҳмад Абубакр деган киши томонидан тузилган Саъдий куллиёти «Шаш рисола» («Олти рисола»), «Гулистон», «Бўстон», «Қасойиди арабий» («Арабча қасидалар»), «Қасойиди форсий» («Форсча қасидалар»), тўртта ғазаллар девони, «Соҳибия» ёки «Соҳибнома», «Маснавиёт» («Маснавийлар»), «Қитъаот» («Қитъалар»), «Муламмаот» («Ширу шакарлар»), «Муфрадот» («Фардлар») ва бошқаларни ўз ичига олади.

Саъдий айниқса «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари ҳамда ғазаллари билан кенг шуҳрат қозонди. «Бўстон» шеърий ахлоқий-таълимий асар бўлиб, ўн бобга бўлинган. Бу боблар адолат (I), эҳсон (II), ишқ (III), тавозуъ (IV), ризо (V), қаноат (VI), тарбия (VII), шукр (VIII), тавба (IX) ва хотима (X) дан иборат. Саъдий бу асарида ахлоқий-таълимий қарашларини ибратли кичик ҳикоялар ва дидактик лирик шеърларда мужассамлантиради. Бу асар бир неча тилларга, жумладан ўзбек тилига ҳам таржима қилинган (Масъуд ибн Аҳмад, Огаҳий ва бошқалар томонидан).

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Гулистон» (1258) насрий ахлоқий-таълимий асар бўлиб, 8 бобга бўлинган. Боблар: подшоларнинг хислати (I), дарвешларнинг ахлоқи (II), қаноатнинг яхшилиги (III), хомушликнинг фойдаси (IV), ишқ ва ёшлик (V), нотавонлик ва қарилик (VI), тарбиянинг кучи (VII) ва суҳбат одоби (VIII). Ҳар бир бобда шу масалаларга мувофиқ кичик ҳажмли ибратли ҳикоялар келтирилади, шеърий парчаларда ёки ҳикматли сўзларда «қиссадан ҳисса» чиқарилади. Ёзувчи ўз асарида халқ оғзаки ижодидан кенг фойдаланади.

Саъдий Шерозий ўз ижодиёти билан Шарқ ва Ғарб халқлари адабиётига самарали таъсир этди. Унинг «Гулистон»идан илҳомланган Абдураҳмон Жомий «Баҳористон» асарини, Мажидиддин Хофий «Хористон» ва Ҳабиб Каюний Шерозий «Парешон» асарларини яратдилар. Навоий, Бобир, Мунис ва Фурқат каби ўзбек ёзувчилари Саъдийни устоз санъаткор сифатида таърифладилар, ундан ўргандилар, айрим ғазалларига назира ва тахмис битдилар. Вольтер, Лафонтен ва Гёте каби машҳур Европа ёзувчилари ҳам Саъдий ижоди билан танишиб, ундан маълум даражада баҳраманд бўлдилар. Масалан, Вольтер Саъдий асарларини француз тилига таржима қилган эди, Лафонтен ва Гёте эса унинг айрим ҳикоя ва ғазалларидан ижодий фойдаланган эдилар.

Сайфи Саройи буюк форс-тожик классиги Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асарини таржима қилиш билан Шарқнинг бу буюк мутафаккири ва адибининг ахлоқий-таълимий қарашларини тарғиб этиш, унинг ижодиёти билан ўзбек ва бошқа туркий халқларни таништириш мақсадини ўз олдига қўяди. У «Гулистон»нинг аслини деярли бутунлай сақлаб қолади ва оригиналнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини таржимада мужассамлаштириб беришга муваффақ бўлади. Бироқ, шу билан бирга, Сайфи Саройи оригиналдан маълум даражада чекинади, айрим парчаларни тушириб қолдиради, кўпчилик шеърларни ўзбек тилига таржима қилса ҳам баъзиларини аслича (форс-тожик ёки араб тилларида) қолдиради, бир неча мустақил — оригинал шеърлар киритади, баъзан Саъдий шеърларини ижодий қайта ишлайди, бир ўринда ўзбек шоири Хожа Исҳоқ Хоразмий шеъридан парча келтиради, ўзбек ва бошқа туркий халқларнинг оғзаки адабиёти намуналаридан фойдаланади. Бу ва бошқа жиҳатлари билан Сайфи Саройи томонидан таржима қилинган «Гулистон», қисман бўлса-да, авторлаштирилган таржима асари тусини олади. Сайфи Саройи «Гулистон»ни ўзбек тилининг асосан қипчоқ диалектида таржима қилган ва айни чоқда ўзбек адабий тилининг муштарак адабий тил сифатида тараққий этишига маълум ҳисса қўшган эди.

Таржимон «Гулистон» композицияси, унинг боблари тематика ва номланишини сақлаб қолиб, муқаддимада боблар феҳрастини беради:

Аввалги боб: салотин сийрати ичинда турур,
Иккинчи боб: фуқаро ахлоқи ичинда турур.
Учинчи боб: қаноат фазилати ичинда турур.
Тўртинчи боб: сукут фойдаси ичинда турур.
Бешинчи боб: ишқ дағи йигитлик сифати ичинда турур.
Олтинчи боб: қарилиқ дағи заифлиқ сифати ичинда турур.
Еттинчи боб: тарбият таъсири ичинда турур.
Саккизинчи боб: суҳбат адаблари ичинда турур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шайх Саъдий «Ҳунарга эга бўлган донишманд киши учун ҳаётда икки умр керак, токим бирида тажриба ҳосил қилсин, иккинчида шу тажриба асосида иш кўрсин» деган эди. Саъдийнинг ўзи буни бошидан кечирди. Ёшлик ва йигитлик йилларини саёҳат ва изланиш билан ўтказди, кексалик ва қарилик айёмида кечмиши ва ҳаёт тажрибаларини бадиий асарларида акс эттириб, ижодий ишга берилди. Бироқ икки умр ҳам яшаган муҳитининг зиддиятларини чуқур идрок этишга, унинг муаммоларини ҳал этишга кифоя қилмади. Саъдий муҳитининг зиддият ва муаммолари билан бирга яшади, панд-насиҳат билан ҳаёт иллатларини тугатиш мумкин деб ўйлади, баъзан эса фатализм ва бадбинлик майлларига берилди. «Хазон ели бўстонни қандай хароб қилса, адолатсизлик ҳам,— деган эди у,— дунёни шундай хароб қилади». Бироқ у шу адолатсизликни фош этишдан кўра, ахлоқ-одоб масалаларидаги ўз қарашларини тарғиб қилишга кўпроқ аҳамият берди, панд-насиҳат билан жамият ҳаётини яхшилаш мумкин деб ҳисоблади. Мана шу ғоявий мотивлар «Гулистони бит-туркий»да ҳам тўла берилган.

«Гулистон» айрим ғоявий зиддиятлари ва маҳдудлигига қарамай, феодал ўрта асри шароитида туғилган тараққийпарвар фикр-мулоҳазаларни, инсондўстлик, эзгулик, дўстлик, садоқат каби умумбашарий мотивларни илгари суради, муҳитининг айрим иллатларини дадиллик билан фош қилади, кишиларга ўгит, панд-насиҳат беради. Сайфи Саройи мана шу ғоявий мотивларни туркий халқлар орасида тарғиб қилиш билан Шайх Саъдийнинг овозига жўр бўлади.

«Гулистон»да мамлакатнинг ва эл-юртнинг тақдири биринчи навбатда подшонинг фаолияти ва унинг маънавий дунёси билан боғлаб талқин қилинади. Ҳукмдорларни адолатга йўллаш, одилларни таъриф-тавсиф этиш ва золимларни қоралаш «Гулистон»нинг муҳим ғоявий мотиви бўлиб, шу ғояни бадиий мужассамлаштирувчи кўпгина ҳикоя ва тамсиллар келтирилади, мақол ва ҳикматлар берилади:

Зулм қилса малик раиятқа,
Ложарам мамлакат хароб бўлур.

Ким зулм элин[1] узатса султон бўлурми, бўлмас,
Қўйларға қурт[2] ҳаргиз чўпон бўлурми, бўлмас.

Кетса жаҳон вилоятин тарк этиб ҳумой,
Бойқуш кўланкасига киши келмаги муҳол.

Сиғар бир ҳужрага ўн икки меҳмон,
Бир иқлима сиғишмас икки султон.

---

[1] *Эл, ал* — қўл. [2] *Қурт* — бўри.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саъдий ва Сайфи Саройи карам ва саховатни мақтаб, бахилликни қоралаб, кишиларни ҳимматли ва саховатли бўлишга чақирадилар, эзгулик ва шафқат-мурувватни таърифлайдилар. Бировларнинг юкини кўтариб, мушкулини осон этган эшакни мардумозорлардан авло билиб:

...Эшак ул одамийдин яхшироқ ким,
Қилур доим кишининг кўнглин озор,—

дейилади. «Гулистон»да овқат меъёри, ўзини тута билиш ва бошқа ахлоқ-одоб масалалари ҳақида ҳам қимматли ўгитлар бор.

Илм-маърифат ва олимларга эътиқод, эҳтиром масалалари «Гулистон»дан сезиларли ўрин олган. Илм-билим кишининг улуғ фазилати ва бойлиги. Киши ҳамма нарсани йўқотиши, ўғирлатиб қўйиши мумкин. Лекин илм-билим асло йўқолмайди. Аммо илми бўлиб унга амал қилмаса — у жоҳилдир:

Сўзунг бу дурур ким мен фалон олимман,
Чун йўқ амалинг яна ҳамон жоҳилсан.

«Гулистон» худбинлик, кибр-ҳаво, мақтанчоқлик ва насл-насаб ёки амал билан керилиш иллатларини ҳам қаттиқ қоралайди.

«Гулистон» ажойиб ҳикоялар мажмуасидир. «Гулистон» ҳикоялари ҳажм жиҳатидан жуда кичик, лекин мазмунан бой, ибратли ҳикоялардир. Бу ҳикоялар инсофсизлик ва адолатсизликни, нодонлик ва жаҳолатни қоралайди, олижаноб инсоний фазилатларни тарғиб этади. Уларда Нуширавон, Ҳотам, Маҳмуд, Аёз ва бошқа тарихий номлар билан юритилувчи образлар, ярим тарихий-ярим афсонавий шахслар образлари берилган. Нуширавон ҳақидаги ҳикоялардан бирида овга чиққан шоҳнинг овқат учун ҳақини тўлаб бир хонадондан туз олишини баён қилар экан, ҳикояни «қиссадан ҳисса» чиқариб, қуйидаги мисралар билан тугатади:

Раият боғининг султон олиб еса бир олмасин,
Юз ормудин[1] егай бир қул бирини илмайин тишка.
Буюрса беш юмуртқани олурға куч била султон,
Навкарлари тутуб санчар йигирма қозни бир шишка[2].

Луқмон ҳикоясида «адабни адабсиздан ўргандим», яъни адабсиз қилган ишни қилмадим, Ҳотам ҳикоясида қўл меҳнати билан топилган луқма ҳар қандай бойликдан улуғ дейилади, яна бир ҳикояда деҳқон кулбасига меҳмон бўлиб, уни сарафроз этган малик таърифи айтилади ва бошқалар. Бу ҳикоялар тематик жиҳатидан хилма-хил, улардаги образ ва характерлар ҳам ранг-ба-

[1] *Ормуд* — нок. [2] *Шиш* — сих.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ранг. Сайфи Саройи бу ҳикояларга ўзининг айрим ҳикояларини ҳам илова қилади. Бешинчи боб охирида келтирилган шеърий ҳикоя — манзума шулар жумласидандир. Таржимон кўп ҳолларда ҳикоя аввалида «Шайх Саъдий айтур...» деб уни эҳтиром билан ёдга олади.

Тил ва услуб жиҳатидан «Гулистони бит-туркий» Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» асарига, айрим ўринлари (хусусан, билимга тааллуқли ўринлар) билан «Қутадғу билиг»га яқин туради. «Гулистон»нинг баъзи ҳикоялари Навоий, Хожа ва бошқа адибларда ўзига хос вариантларда учрайди.

«Гулистон» таржимони Шайх Саъдий каби халқ ижодиётидан, унинг ҳикоя ва тамсиллари, ҳазил-мутоибаси, мақол ва иборалардан унумли фойдаланади, сатрларга халқ олқиши ёки қарғишини сингдириб беради. «Гулистон»да бой этнографик маълумотлар ҳам бор.

«Гулистон» таржимасидан бир неча мақол ва ҳикмат келтирамиз:

Ўғлон айтти: «Эй эранлар, ёт черикка ўт урунг,
Ё бориб аврат қумошин[1] кийиб, эвда ўтурунг.

Дўстлар эвин супурмагил, даги душман эшигин қоқмагил.

Мазаллат[2] билан тири юригинча,
Иллат билан ўлса яхшироқ.

Толеъсиз сайёд тенгизда балиқ тута билмас, даги ажалсиз балиқ қурқ ерда ўлмас,

Йилон захминдин ул душман батардур,
Ким ўзин дўст кўргузур музайян.

Ранж чекмайин ганж ҳосил бўлмас.

Исо эшакни Ҳижоза элтиб,
Кетурса яна ҳамон эшактур.

Ота меҳридан уста жаври яхши.

Мол умр роҳати учун дурур, даги умр мол жамъ этмак учун дегул.

Ичириб элга қошуқ бирла шўрба,
Чўмуч сопи билан кўзин чиқарма.

Бу ва бошқа мақол, ҳикматлар халқ донолиги бойлиги, халқ тили инжуларидир.

---

[1] *Аврат қумоши* — аёллар либоси.
[2] *Мазаллат* — хорлик, хўрлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Таржимон «Гулистони бит-туркий» муқаддимасида айтган эди:

Эй жаҳони илму устоди ҳунар,
Маърифатнинг манбаи соҳиб-назар.
Гул тиласа хотиринг тўли табақ,
Бу Гулистонимдин ўқи бир варақ.
Гул жамоли бир неча кунда кечар,
Бу Гулистон доимо кўнгул очар...

«Гулистон» асрлар давомида кўп халқларнинг, наслларнинг севимли китоби бўлиб келмоқда. Унинг кўпгина панд-насиҳатлари, ўгитлари ҳамон ўз қимматини сақлаб қолмоқда. Сайфи Саройи таржимаси билан бу асар туркий халқларга янада манзур бўлди, ўзбек адабиёти ва адабий тилининг, ўзбек насри ва таржима адабиётининг қимматли ёдгорлигига айланди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДУРБЕК

Дурбек ўзбек дунёвий адабиётининг йирик намояндаларидан биридир. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида деярли маълумот йўқ. Фаразан XIV асрнинг охири ва XV аср бошларида яшаб ижод этган шоир Дурбекдан бизга қадар ёлғиз «Юсуф ва Зулайхо» достони етиб келган, холос. Лекин шунга қарамай, «Юсуф ва Зулайхо» достонининг ўзи ҳам Дурбекнинг истеъдодли шоир бўлганини ва ўзбек дунёвий адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшганини кўрсатади.

«ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО»

Достоннинг яратилиш тарихи

«Юсуф ва Зулайхо»нинг муқаддимасида шоир достоннинг ёзилган йилини абжад ҳисоби билан кўрсатиб ўтади:

«Зод» эди тарих таки «ҳе»ю «дол»,
Муддати ҳижратдин ўтуб моҳу сол.

Бу байтдаги «зод» ذ (800), «ҳе»— ﻫ (8) ва «дол»— د (4) ҳарфларининг рақамини қўшсак, 812 чиқади. Демак, достон ҳижрий 812 йилда, мелодий 1409 йилда ёзилган бўлади[1]. Достон ёзилган давр Ўрта Осиё халқлари тарихида даҳшатли ўзаро феодал урушлар авж олган бир давр эди. Темур вафотидан кейин унинг империяси тез орада парчаланиб кетди, Темурнинг ўғиллари, набиралари ва кўп сонли амир-амалдорлар ўртасида тож-тахт талашлари кучайди, тож-тахт талашлари қонли тўқнашувларга айланиб, эл-юртнинг бошига оғир кулфатлар солди, халқ таланди, шаҳарлар қамал остида қолди. Мана шундай мудҳиш қамаллардан бири, Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаус-саъдайн» асаридаги маълумотига қараганда 1409 йилнинг ёз-куз фаслида Балхда рўй берган эди. 1389 йилда ҳиротликларнинг қўзғолонини бостириб, куртлар сулоласини тугатиб, Хуросон ҳокимлигини тузган Темур бу ҳокимликка Балх, Қундуз, Бадахшон, Хутталён ва Ҳисорни киритиб, уни учинчи ўғли Мироншоҳга суюргол қилиб берган эди. Узоқ давом этган курашлардан кейин Хуросон ҳокимлиги Шоҳруҳ қўлига ўтади. Бироқ Моваруннаҳрда ҳам, Хуросонда ҳам тему-

[1] Айрим нусхаларда «ҳе» — ﺣ эмас, «айни» — ﻉ (70) келган, у тақдирда достоннинг яратилган йили ҳижрий 874 (мелодий 1469/70) йил бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

рийларнинг тож-тахт кураши ҳамон давом этмоқда эди. Шундай курашлар оқибатида Хуросонга қарашли Балх шаҳри 3 ой қаттиқ қамал қилинади. Дурбек бутун Балх аҳолиси билан бирга бу қамалнинг оғир азобларини бошидан кечиради ва шу аҳволда «Юсуф ва Зулайхо» достонини яратади. Достоннинг муқаддимасида шоир Балх қамалини тасвирлаб, ўзаро феодал урушларнинг даҳшатли оқибатини моҳирлик билан кўрсатади:

...Қалъаи Балх ўлди чу дарвоза банд,
Пояйи зулм ўлди бағоят баланд.
Ҳукм била кирди улус ичкари,
Ҳосили умрин қўюбон ташқари,
Шаҳр чу дўзах киби зиндон эди,
Тошқори чун равзаи ризвон эди;
Тошқори эрур бори нозу наим,
Шаҳр ичида эрди азоби алим;
Тошқори эрди бари полизу боғ;
Шаҳр ичида эрди басе дарду доғ...
Ушбу қабал халқ уч ойи тамом,
Ер эдилар ғуссау ғам субҳу шом.

Бироқ қамал азобида қолган шоир китоб мутолаасини ва ижодий ишини тарк этмайди. «Кулбаи эҳзонда ватан» тутиб, «ғусса шароби» ичган шоирнинг диққат-эътиборини айниқса «аҳсанулқисас» (қиссаларнинг энг гўзали) деб юритилган «Юсуф ва Зулайхо» қиссаси ўзига жалб қилади:

Лек қисас ичра вале майли жон,
Қиссаи Юсуфта эди ул замон.
Ул эди, ул ҳолда маҳбуби дил,
Ул эдию қиссаи матлуби дил.
Бандаи бечораға шому саҳар
Қиссаи Юсуф эди андар назар.

Шарқ мамлакатларида жуда машҳур бўлган Юсуф ва Зулайхо ҳақидаги қиссаларнинг юзага келиши ва такомили узоқ тарихга эга. Афтидан, Юсуф қадимги яҳудий қабилаларидан бирининг худоси бўлган, кейинчалик у бир тарихий шахс — пайғамбарзода сифатида тасвир этилган. Эрамиздан кўп асрлар муқаддам Юсуф ҳақида турли афсона ва ривоятлар пайдо бўлади. Бу афсона ва ривоятлар қайта ишланиб «Таврот»га киритилади. Шу билан бирга, Юсуф ҳақидаги афсона ва ривоятлар бошқа Шарқ халқлари ўртасида ҳам кенг тарқала бошлайди, янги афсона ва ривоятлар пайдо бўлади. Юсуф ҳақидаги афсона ва ривоятлар қайта ишланиб, ислом динининг муқаддас китоби бўлган «Қуръон»га ҳам киритилади.

Бироқ «Юсуф ва Зулайхо» қиссаси диний китобларда қолиб кетмайди, у бадиий адабиётдан ҳам кенг ўрин олади, ривожланиб, такомиллашиб боради. Юсуф ва унинг севгилиси Зулайхо ҳақидаги афсона ва ривоятлар жуда кўп ёзувчиларнинг диққат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

эътиборини ўзига жалб этади, Юсуф ва Зулайхо ҳақида кўп асрлар давомида ўнлаб хилма-хил асарлар вужудга келади. Бу темада яратилган энг қадимги бадиий асарлардан бири Фирдавсий номига нисбат берилган «Юсуф ва Зулайхо» достонидир (маълумотларга кўра, Фирдавсийгача Абулмуайяд Балхий ва Бахтиёрий ҳам шу темада достон ёзганлар). Бу достондан бир оз кейин, XI аср бошларида бухоролик шоир Шаҳобиддин Амъак ҳам «Юсуф ва Зулайхо» достонини яратади. Афсуски, бу достон бизга қадар сақланиб қолмаган ёки номаълум бўлиб келмоқда. 1233 йилда эса шоир Али туркий — ўғуз тилида «Қиссаи Юсуф» достонини яратади. «Юсуф ва Зулайхо» Рабғузийни ҳам қизиқтиради ва 1309—1310 йилларда ёзган «Қиссаи Рабғузий» («Қиссасул-анбиё») асарига «Юсуф ва Зулайхо»ни махсус бир қисса қилиб киритади. XIV аср ўрталарида машҳур яҳудий шоири Шоҳин Шерозий «Ардашер ва Эстер» достони ҳамда бошқа асарлари билан бирга, форс-тожик тилида «Юсуф ва Зулайхо» достонини яратади.

Булардан ташқари, Дурбек достонига қадар Юсуф ва Зулайхо ҳақида яна бир неча асарлар ҳам вужудга келади. Дурбекка қадар етишган ўзбек шоирларининг лирик асарларида ҳам Юсуф ва Зулайхо номи тилга олинади, уларнинг таърифи берилади. Жумладан, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сида:

Эшитинг эрса Юсуфнинг жамолин,
Сени ҳусн ичра сад чандон яратти.
Ўғон Юсуф жамолин сизга берди,
Муҳаббат кимёсин бизга берди,—

дейилади. Бироқ Дурбекнинг бу асарлардан қайси бири билан таниш бўлгани бизга маълум эмас. У «Юсуф ва Зулайхо» достонининг муқаддимасида фақат форс-тожик тилидаги насрий бир қиссани тилга олади ҳамда ўз достони учун шу қиссани асос қилиб олганини таъкидлайди:

...Наср эди, бу қисса доғи форси,
Эрди анга жон кўзи назораси.
Бор эди кўнгулда бурундин бу азм,
Турки тили бирламу қилсам назм.
Ушбу маҳалда анга бонг магар,
Бўлди яна бир неча соҳиб назар.
Бандага дедилар, аларким бу дам,
Бўлғул ўшул қавлингга собит қадам.
Қўйма талаб устида табъингни суст,
Айла бу азмингни тамоми дуруст.
Қиссаи Юсуфни тамом айла назм,
Турк тили бирла қилиб азму жазм.
Қолгай охир сафҳасида ёдгор,
Сендин ўшал қисса ўтуб рўзгор.
Банда ўшал ҳолда қилдим шуру,
Шукр қилиб тенгрига айлаб ружу.
Олдим ўшал лаҳза давоту қалам,
Сафҳаи қоғоз уза урдим рақам...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу парча достоннинг манбаи ҳақида маълумот бериши билан бирга, Дурбекнинг кўп вақтлардан бери турк'— ўзбек тилида Юсуф ва Зулайхо ҳақида асар ёзиш орзусида бўлганини, унинг ижодига адабиёт мухлисларининг жуда қизиқиб келганини ва Балхда ўзбек адабий тилининг гуллаб-яшнаши учун кураш хийла кенг қулоч ёя бошлаганини кўрсатади. Афсуски, Дурбек форс-тожик тилидаги «Қиссаи Юсуф» ҳақида тўлароқ маълумот бермайди. Бинобарин, Дурбекнинг қайси «Қиссаи Юсуф»дан фойдаланганини аниқлаш ниҳоятда қийин. Форс-тожик тилида яратилган Юсуф ва Зулайхо темасидаги қадимги насрий қиссалардан ҳозирча фақат битта қисса маълум бўлиб, профессор Е. Э. Бертельснинг таъкидлашича[1], у Абдуллоҳ Ансорий (1006—1088) номига нотўғри нисбат берилган; бу қиссанинг ягона қўл ёзмаси Лондонда сақланмоқда. Шубҳасиз, Дурбек форс-тожик тилидаги насрий қиссадан ташқари, «Юсуф ва Зулайхо»нинг бошқа вариантлари билан ҳам танишган бўлиши мумкин. Бироқ шунга қарамай, Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» достони ўзбек классик адабиётининг оригинал бир асари сифатида вужудга келди ҳамда ўзбек дунёвий адабиёти ва адабий тили тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Буни достонда қўйилган масалаларнинг XV асрдаги конкрет ҳаётий шароит аспектида ёритилишидан, достоннинг шоир яшаган даврдаги жуда муҳим масалаларни қамраб олиши ва бадиий савиясидан яққол кўриш мумкин.

«Юсуф ва Зулайхо»нинг Тошкентда беш нусхаси (Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида — тўрт нусха, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида — бир нусха), Самарқандда икки нусхаси (Навоий номидаги СамДУ кутубхонаси ва Абдуҳамид Пўлодий қўлида) бор. Булар XVII—XIX асрларга мансуб. Туркиянинг Тўпқопи саройи кутубхонасида сақланаётган Ҳирот қўл ёзмаси 1516 йилда (ҳижрий 922), Париж Миллий кутубхонасидаги нусха эса 1563 йилда (ҳижрий 971) кўчирилган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти 1959 йилда Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» достонини босиб чиқарди. Достон тексти Ш. Шарафиддинов (Хуршид) томонидан Муҳаммад Саид бин Мирзо Аҳмад Бухорий 1615 (ҳижрий 1024) йилда кўчирган нусха асосида нашрга тайёрланган. Дурбек ҳақида С. Ҳайдаровнинг («Ўзбек дунёвий адабиёти тараққиётида Дурбекнинг роли», 1962) ва Ж. Лапасовнинг («Юсуф ва Зулайхо» достони морфологияси, 1971) кандидатлик диссертацияси ва бошқа тадқиқот ҳамда мақолалар бор.

[1] Е. Э. Бертельс. Узбекский поэт Дурбек и его поэма о Иосифе Прекрасном. Альманах «Дар». Ташкент — 1944.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кейинги йилларда айрим тадқиқот ва мақолаларда «Юсуф ва Зулайхо» ҳамда унинг муаллифи ҳақида мунозарали фикр-мулоҳазалар баён этилди[1]. Мунозара «Юсуф ва Зулайхо»нинг муаллифи, унинг ёзилган йили каби масалаларни ўз ичига олади. Мавжуд маълумотларнинг озлиги, достон нусхаларининг нисбатан кейинроқ кўчирилган бўлиши, уларнинг камлиги ҳамда ўзаро қиёсий тадқиқ қилинмагани айрим мунозарали масалаларни узил-кесил ҳал этишга имкон бермайди. Бинобарин, биз анъана бўйича «Дурбек» номи ва «1409» санасини сақлаб қолдик. Достонга Навоий номининг нисбат берилишига келсак, бу, Ф. Сулаймонова таъкидлаганидек, Эд. Блоше хатоси билан содир бўлган. У Париж Миллий кутубхонасидаги нусхани каталогга олар экан, халифа Али номини унга нисбат берилган «Шер» (арабча «али» сўзининг ўзи ҳам «шер»дир) сифатини қўшиб олиб ўқиб, «Алишер» чиқарган, достонни Алишер Навоийга нисбат берган.

Достоннинг голвий мотивлари ва образлари

«Юсуф ва Зулайхо» сиртдан қараганда қадимги Канъон (Фаластин) ва Миср воқеаларини, пайғамбар ва пайғамбарзодалар саргузаштини, «жаброил ва малоикалар мўъжизасини» ҳикоя қилаётгандай туюлади. Бироқ «Юсуф ва Зулайхо» дунёвийлашган асар бўлиб, у китобхонни кўпроқ XV аср Ўрта Осиё ҳаёти, подшолар ва подшозодаларнинг ўзаро тож-тахт кураши билан, ошиқ ва маъшуқанинг аламли саргузашти билан таништиради. Достон айрим диний-фанатик ақидаларига қарамай, китобхонни ҳаётни ва унинг ноз-неъматларини севишга, бахт-саодатга эришиш учун курашга, ҳар қандай қийинчиликларни сабр-матонат ва ақл-идрок билан енгишга йўллайди. Бу жиҳатдан «Юсуф ва Зулайхо», профессор Е. Э. Бертельс айтганидек, қадимги дунё воқеаларининг романтик тасвири орқали янги тарихий шароитнинг реал манзарасини чизган Уйғониш давридаги итальян рассомларининг асарларига ўхшайди.

Бинобарин, «Юсуф ва Зулайхо»нинг муқаддимасидаги Балх шаҳри қамали тасвирини достоннинг ўзига хос прологи, достон

---

[1] Б. Валихўжаев. Ўзбек халқ эпик адабиётида эпик поэзиянинг тараққиёти тарихидан, докторлик диссертацияси, қўл ёзма, 1967, 102—104-бетлар. Б. Валихўжаев. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, Тошкент — 1974, 50—54-бетлар; Яъқуб Воҳид Жузжоний. Амир Алишер Навоий Фоний. Кобул, 1346 ҳижрий, 100-бет; Ж. Лапасов. «Йўсуф-у Зулайха» достони морфологияси, қўл ёзма 1971; Ф. Сулаймонова. Навоийга нисбат берилган «Юсуф ва Зулайхо» достонининг Париж қўл ёзмаси ҳақида. Адабий мерос, манба ва тадқиқотлар, 3, ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент — 1973, 148—151-бетлар; Эргаш Фозилов, Жавкон Лапасов. Юсуфу Зулайхо достони ҳақида, Ўзбек тили ва адабиёти, № 1, 1974.

www.ziyouz.com kutubxonasi

воқеаларининг бир кўзгуси деб ҳисоблаш мумкин. Чунки ўзаро феодал урушлар, тож-тахт ва мансаб учун кураш «Юсуф ва Зулайхо» достонининг асосий мавзуи, етакчи конфликтидир. Балки эса феодалларининг мана шундай ўзаро ихтилофлари натижасида қамал қилинган эди.

Дурбек ўзаро феодал ихтилофларни, мамлакатни хароб ва халқни хонавайрон қилувчи ўзаро феодал урушларни қаттиқ қоралайди. Юсуф билан унинг акалари ўртасидаги хусумат мол-давлат ва мансаб талашиш натижасида пайдо бўлган эди. Юсуф ҳуснда ҳам, ақл-фаросатда ҳам акаларидан устун эди. У отасининг хизматини садоқат билан ўтар эди. Бинобарин, Яъқуб бошқа фарзандларига нисбатан Юсуфга янада кўпроқ меҳр-муҳаббат қўйган эди. Мансабпараст акалар Юсуф тож-тахт вориси бўлади деб ташвишга тушадилар ва унга адоват қила бошлайдилар. Рашк-адоват оға-инилик муносабатларини бузади, ака-укаларни бир-бирига душман қилиб қўяди. Акалари соф дил Юсуфни ҳалок қилиш пайига тушадилар. Улар мунофиқлик, макр-ҳийла ва разиллик йўлига ўтиб, Юсуфнинг бошига оғир кулфатлар соладилар.

Дурбек феодаллар ўртасидаги ихтилофларни Яман шоҳининг мунофиқона хатти-ҳаракатлари орқали ҳам қоралайди. Яман шоҳи Миср тахтини қўлга киритиш учун макр-ҳийла йўлига ўтиб, Миср шоҳининг косагули Соқийни ва дастурхончиси Хаббозни сотиб олади. Бироқ, Юсуф акаларининг мунофиқона хатти-ҳаракатлари уларнинг ўзларини шармандаю шармисор қилгани каби, Яман шоҳининг макр-ҳийла тузоғи ҳам барбод бўлади, яхшилик ёмонлик устидан ғалаба қозонади.

Дурбек мамлакат ва халқ тақдирини давлат бошлиқларининг хатти-ҳаракатига боғлайди. Дурбекнинг ўйлашича, золим ва жоҳил подшо мамлакатни хароб ва халқни хонавайрон қилади, адолатпарвар ва маърифатпарвар подшо эса мамлакатнинг ободлиги ва элнинг осойишталигини таъминлайди. Бинобарин, мамлакат бошлиғи адолатпарвар ва маърифатли киши бўлиши лозим. Дурбек Миср шоҳи Райённи ана шундай киши деб тасвирлайди. Достонда баён қилинишича, мамлакат даҳшатли қурғоқчилик хавфи остида қолганда кекса подшо Райён давлат ишларини бошқариш учун ўзидан кўра тадбирлироқ ва донишмандроқ бўлган Юсуфни тахтга кўтаради. Юсуф зиндондаги бандиларни озод эттиради, давлат ишларини тадбиркорлик ва донишмандлик билан бошқаради, эл-юрт Юсуфнинг адолат ва ҳимматидан ғоят шод бўлади, қурғоқчиликнинг даҳшатли машаққатларидан қутулади.

Адолатли подшо орзуси феодал ўрта асрига хос прогрессив ҳодиса, инсонпарварлик интилишларининг ифодаси эди.

«Юсуф ва Зулайхо» достонидаги яна бир марказий масала дунёвий севги, инсоннинг инсонга бўлган севгиси масаласидир. Инсон ҳамма нарсадан азиз ва мўътабардир. Севги эса ана шундай азиз ва мўътабар инсоннинг энг олижаноб фазилатларидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

биридир. У кишини тарбиялайди, уни камолотга етказади. Юсуф билан Зулайхонинг севгиси ҳам мана шундай севгидир. Юсуф билан Зулайхо бир-бирини самимий севади. Бироқ турли ихтилоф ва монеликлар натижасида бу ошиқ ва маъшуқа узоқ йиллар давомида мурод-мақсадига эриша олмайди. Улар кўп алам-изтиробларга гирифтор бўладилар, лекин аҳд-паймонларидан воз кечмайдилар. Юсуф ҳам, Зулайхо ҳам қарийди, аммо уларнинг севгиси қаримайди, бу севги уларга куч-қувват, ёшлик ва гўзаллик бағишлайди. Севишганлар сабр-матонат билан курашиб, ҳар қандай монеликни енгадилар; бу курашда улар чиниқадилар ва, ниҳоят, орзу-умидларига эришадилар:

Оҳ, не хушдурки чекиб интизор,
Етса ўз уммидина уммидвор.
Кимгаки бор ҳиммат ила эътимод,
Оқибатул-амр топар ул мурод...
Кимки талаб йўлида собит қадам
Бўлса, топар мақсадини ложарам...
Чекти Зулайхо била чун ранжи васл,
Топтилар охир хуш иков ганжи васл...

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Дурбек севгини кўпроқ Зулайхонинг саргузашти ва ички кечинмалари билан боғлаб тасвирлайди. Бу тасодифий эмас, албатта. Феодал жамияти хотин-қизларни хўрлаб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилар эди. Қизларининг тақдирини ота-оналари ҳал қилар эди. Кўнгилсиз никоҳ ва бахтсиз турмуш феодал муҳитнинг типик бир иллати эди. Бироқ, ўтмишнинг бошқа прогрессив арбоблари каби, Дурбек ҳам хотин-қизлар масаласига прогрессив нуқтаи назардан ёндашиб, айрим феодал-клерикал расм-одатларни танқид қилди.

Зулайхо — журъатли қиз. У ўз истаги билан турмуш қурмоқчи бўлади. Бироқ муроди ҳосил бўлмайди. Юсуфим деб ўйлагани бошқа киши бўлиб чиқади. Зулайхо шум толега кўникиб кетмайди, бу толега қарши исён кўтариб, маломатларга йўлиқади, бироқ севгисидан воз кечмайди. У турли-туман монеликларни енгиб ўтади ва, ниҳоят, орзуси ушалади. Зулайхо образи орқали Дурбек хотин-қизларнинг олижаноб фазилатларини, уларнинг матонати ва қатъиятини, иродаси ва курашини мужассамлаштиради.

«Юсуф ва Зулайхо» оптимистик достондир. Достондаги воқеалар тугуни, конфликтлари ижобий образларнинг ғалабаси билан, яхшиликнинг тантанаси билан ечилади. Воқеаларнинг ривожи ҳам, уларнинг ҳал этилиши ҳам инсонпарварлик ва халқпарварлик ғоялари билан узвий боғлиқдир. Бу жиҳатдан, айниқса, қул хотин ва унинг ўғли Башир воқеаси жуда характерлидир. Бу воқеа Яъқуб ва Юсуф саргузаштларига параллел саргузашт, ҳатто Яъқуб ва Юсуф саргузаштларининг тугуни ҳамда ечилиш манбаидир.

Яъқуб Юсуф туғилган вақтда болалик бир қул хотинни сотиб олган эди. У қул хотинни Юсуфга энага қилиб қолдириб, унинг ўғли Баширни Мисрга со-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиб юборади. Ўғлидан жудо бўлган она ғам-ҳасрат ва аламлар билан кўзи ожиз бўлиб қолади. «Тақдир» қул хотин ва унинг ўғли бошига қандай кулфатлар солган бўлса, Яъқуб ва унинг ўғли Юсуфнинг бошига ҳам шундай кулфатлар солади. Юсуф ҳам қул қилиниб Мисрга сотиб юборилади. Ўғлининг ҳижрон алами Яъқубнинг кўзларини кўр қилган эди. Энди Башир ва унинг муштипар онаси нажот топган тақдирдагина Яъқуб билан Юсуф ҳам нажот топади. Юсуф Баширни қулликдан озод қилади. У Башир орқали Канъонга, Яъқубга ўз кўйлагини бериб юборади. Бу кўйлак Яъқубнинг кўзини мунаввар қилиши керак эди. Бироқ Башир аввал онасини излаб топади, висол шодлиги онанинг кўзларини шамдай чароғон қилади. Сўнгра Башир Юсуфнинг кўйлагини Яъқубга элтиб беради. Яъқуб бу кўйлакни кўзларига суртади, унинг кўзлари мунаввар бўлади.

Шоир Яъқубнинг қул хотин ва унинг ўғлига қилган жабр-ситамини қоралайди. Бу билан шоир мазлумларга зулм қилган киши ўзи ҳам зулмга гирифтор бўлади, мазлумларни шод қилган киши бахтиёр бўлади деган ғояни илгари суради.

«Юсуф ва Зулайхо» достонининг бундан бошқа прогрессив ғоявий мотивлари ҳам бор. Лекин бу достон ўз даврининг ғоявий қарама-қаршиликлари заминида вужудга келган бўлиб, феодал муҳитнинг реакцион ва қолоқ фикр-қарашлари ҳамда эътиқодларидан холи эмас. Бу, хусусан, достондаги диний-хурофий тушунчалар илгари сурилган ўринларда ва фатализм эътиқоди изларида равшанроқ кўринади. Юсуф баъзан ислом динини тарғиб қилган, «кофир»ларни (жумладан, Зулайхони ҳам) мусулмонлаштирган киши сифатида гавдаланади, айрим воқеалар «илоҳий мўъжизалар» ва «жаброил» ҳамда «руҳул амин»лар иштирокида содир бўлади. Шоир киши ўз тақдири олдида ожиздир, «рўзи азал»да кишининг пешанасига нима ёзилган бўлса, ўша бўлади, киши фақат сабр билангина ўз муродига етади, дейди.

Феодал-клерикал муҳитда яшаган шоир ижодида бундай ўринларнинг бўлиши табиий бир ҳолдир. Бунинг устига, «Юсуф ва Зулайхо» ислом дини руҳида қайта ишланиб, «Қуръон»га ҳам киритилган эди. Бинобарин, Дурбек достонига «Қуръон» варианти маълум даражада таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Бироқ, шунга қарамай, «Юсуф ва Зулайхо» дунёвий адабиётга, ҳаётий воқеаларни тасвирлашга томон ўсиб борган достон сифатида қимматлидир.

Юсуф образи

Юсуф — достоннинг бош қаҳрамони. Унинг фаолияти ва саргузаштлари достонда тасвирланган воқеаларнинг асосини ташкил этади. Юсуф гўзал ва беозор йигит даражасидан тадбирли ва донишманд давлат арбоби даражасига кўтарилади. У жуда машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтади.

Юсуф қимматли, шафқатли ва марҳаматли киши. Лекин у қаҳр-ғазаб қилишни ҳам билади. Юсуф зиндон маҳбусларини озод қилади, подшолик тахтида одиллик билан иш олиб боради. Миср халқининг жонига оро кириб, уни даҳшатли қурғоқчилик офати-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан қутқариб қолади, канъонликларга ҳам ҳиммат ва саховат кўрсатади. Юсуф подшолик тахтига чиққанда мунофиқ акаларидан қасос олиши мумкин эди. Бироқ у бундай йўл тутмайди, акаларини ўз марҳамати билан ҳам шарманда қилмоқчи бўлади, қон-қариндошларнинг юзига оёқ қўймайди. Лекин акалари Ибн Ямин воқеаси муносабати билан янги хуруж бошлаб, уруш очмоқчи бўлганларида, Юсуфнинг ғазаби қайнайди ва истар-истамас акаларини жазолашга, бирмунча муддат уларни зиндон қилишга мажбур бўлади.

Юсуф садоқатли ошиқдир. У Зулайхони самимий севади, ҳижрон азобида ўртанади, ёрининг висолига ошиқади. Бироқ Юсуф ақл-идрокини, хулқ-одобини ҳис ва эҳтирос ихтиёрига топшириб қўймайди, хиёнат ва мунофиқлик йўлига кирмайди. Юсуф Зулайхони тушида кўриб, уни севиб қолган эди. Бироқ у ёри билан кечикиб дийдор кўришади, чунки Зулайхо Миср Азизига турмушга чиққан эди. Юсуф Зулайхонинг фожиасини тушуниб, унга ачинади, унинг севгисини билади ва қадрлайди, уни унутмайди. Ҳатто, унинг маломатига гирифтор бўлганда ҳам, ундан ғазабланмайди. Юсуф Зулайхо висолига эришиш вақти келажагига ишонар эди. Орадан йиллар, мусибатли саргузаштлар ўтади. Зулайхонинг эри ўлиб кетади. Зулайхо кексайган чоғида ҳам унинг қалбида Юсуфнинг ишқи жўш уради, севги дардида бағри ўртанади. Бу орада Юсуф ҳам мусибатлардан нажот топади. Бироқ ҳали унинг ҳамма орзулари ушалганича йўқ: у Зулайхонинг висолига эришган эмас. Юсуф Зулайхога уйланади, ошиқ ва маъшуқа мурод-мақсадига етади.

Бироқ Юсуф достонда ўзини тақдирнинг ихтиёрига ташлаб қўйган ожиз ва нотавон киши сифатида ҳам гавдаланади. Бу ожизлик ва нотавонлик, шоирнинг субъектив қарашидан қатъи назар, курашчан, паҳлавон шоҳ ва донишманд Юсуф учун эмас, балки «пайғамбарзода» Юсуф учун хос хусусиятдир. Қачон «мўъжиза»лар, «Жаброил» ва «руҳул аминлар» ишга тушса, Юсуф ожиз ва нотавон, ўз тақдирининг томошабини бўлиб қолади. Қачон Юсуф ишга киришса, курашга отланса, улар четга чиқади. Шунда Юсуф образининг дунёвий моҳияти тўлароқ ва мукаммалроқ намоён бўлади.

Зулайхо образи

Зулайхо садоқатли ёр ва эркин аёл образидир.

Зулайхо латофатли ва билимдон, жасоратли қиз:

Юзи қуёш эрди, вале безавол,
Борча фунун бобида соҳиб камол.

Зулайхо ўз тақдирини ота-онасининг ихтиёрига топшириб қўймайди, балки ўз хоҳиши билан, ўзига муносиб киши билан турмуш қуришни истайди. Тушида мафтун этган йигитга — Юсуфга бўлган севги сирини онасига ошкор қилади. Ота-онаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

унинг раъйини қайтармайди. Зулайхо Мисрга йўл олади. Аммо орзуси ушалмайди. Чунки у Юсуфга эмас, Миср Азизига дуч келади. Маъсума қиз нола-фиғон чекди, тақдирига лаънат ўқиди. Аммо ноилож қолиб, қонли кўз ёши билан Миср Азизига турмушга чиқишга розилик берди:

Тузди ўшал навҳасини зор-зор,
Деди:— умидим гулидин туғди хор,
Миср Азизи эмас, ул Юсуфим,
Ўт ичига солдим ўзимни-ўзим.
Буздим ото-оно уйини бори,
Эмди нетайин, боройин қай сори?..

Бироқ Зулайхо «тақдир»га кўникиб кетмайди, Миср Азизининг шон-шавкати ҳам, мол-давлати ҳам уни маҳлиё қилиб қўймайди. Зулайхо ўзини бахтсиз ва асира деб ҳисоблайди, шум «тақдир»га қарши исён кўтаради. Юсуфга бўлган меҳр-муҳаббати кундан-кунга зиёда бўлиб боради.

Зулайхонинг уринишлари натижа бермайди: Юсуфдан «сабр қилмоқ керак» деган сўздан бошқа тасалли кўрмайди. Ишқи туфайли Зулайхо таъна ва маломатлар остида қолади. Энди Юсуф унга шафқатсиз ва бағри тош бир киши бўлиб кўринади. Зулайхо Юсуфдан қасос олишга қарор қилади. Юсуф зиндонга солинади. Бироқ Зулайхо тезда қилмишидан пушаймон бўлиб, Юсуфнинг ҳажрида ўртанади.

Зулайхонинг бошига кўп кулфат ва мусибатлар тушади. Орадан қирқ йил ўтади. Зулайхо ҳамон Юсуфни бутун қалби билан севади. Энди Юсуф ҳам севгидан қайтолмайди, у Зулайхонинг висолига ошиқади, сабри тугайди. Бу орада Зулайхо ёшариб кетади. У Юсуфдан ўзини четга торта бошлайди. Бироқ бу севгидан тониш ёки ноз-карашма бўлмай, Юсуфнинг қилмишларига бир жавоб эди. Зулайхо қирқ йил сабр қилди, Юсуф ҳам энди сабр синовидан ўтиши керак.

Оғир ва узоқ синовларни бошидан кечирган икки ёр охири висол оғушида бахтиёр бўлади. Зулайхо саргузашти севги ва садоқат ғалабаси билан якунланади. Зулайхо ўрта асрнинг даҳшатли туни ситамларига гирифтор бўлади, лекин шунга қарамай, пировардида у бахт тонгига эришади. Бу достон оптимизмининг муҳим ва асосий ҳалқаларидан биридир.

Бошқа образлар

«Юсуф ва Зулайхо»да бош қаҳрамонлардан ташқари, яна бир қатор ижобий ва салбий образлар ҳам бор. Булар Яъқуб, ўн бир ака-ука, Мағриб шоҳи Таймус ва унинг хотини, Миср шоҳи Райён, Миср Азизи, Яман шоҳи, Хаббоз ва бошқалардир. Улардан ҳар бири достонда қўйилган масалаларни ёритиш, воқеалар ҳалқаси ва конфликтларни вужудга келтириш ҳамда ҳал этишда маълум ўрин тутади. Ижобий ва салбий образлар ўзига хос хусусиятлари билан гавдаланадилар. Шоир уларнинг маънавий қиёфаси ва ташқи портре-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тини, фаолияти ва хислатларини тасвирлайди, фантастик ва ҳаётий лавҳалар яратади.

Яъқуб

Яъқуб достонда пайғамбар ва шоҳ сифатида тасвирланса ҳам, лекин у воқеалар ривожида, асосан, ота сифатида муҳим роль ўйнайди. Яъқуб — меҳрибон ва мушфиқ ота. У фарзандларининг бахт-саодатини, аҳиллиги ва иноқлигини истайди. Ака-укалар ўртасида низо-адоват бўлмаслиги учун интилади, уларга насиҳат ва ўгит беради. Юсуфнинг бошига акалари кулфат солганини сезади. Бироқ уларга қарши шафқатсиз бўлолмайди, оталик меҳри голиб чиқади. Юсуфнинг ҳажри Яъқуб кўзини ожиз қилади, Ибн Яминнинг фироқи алам-мусибатини оширади. Юсуфнинг дарагини топиб шодланган отанинг кўзлари мунаввар бўлади, у ака-укаларни яраштириб, гина-адоватни тугатади. Бу жиҳатдан Яъқуб образи жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки феодал ўтмишда, жумладан, Дурбек яшаган даврда шаҳзода оға-инилар ўртасида тож-тахт учун қаттиқ кураш борар ва баъзан бошқа феодал ҳукмдорлар бу низо-адоватларни бартараф этиш, оға-иниларни аҳил қилиш ўрнига, ўз манфаати нуқтаи назаридан бирини ёқлаб, иккинчи бирига душманлик назари билан қарар, ихтилофларни чуқурлаштирар эдилар. Яъқуб мана шундай оталарга қарама-қарши қўйилади.

Оға-инилар

Достондаги воқеаларнинг асосий ва етакчи йўналишини Юсуф билан унинг акалари ўртасидаги зиддият ва кураш ташкил этади. Бу зиддият ва кураш достоннинг бош конфликтидир. Воқеалар тугуни шу конфликт билан бирга туғилади, бирга ривожланади ва ечилади. Акалари Юсуфнинг гўзаллиги ва донолигига ҳасад ва ғайрлик билан қарайдилар. Улар Юсуф ота тахтининг меросхўри бўлиб қолмасин деб, Юсуфга чоҳ қазишга киришадилар. Юсуф ва қариб қолган оталарининг бошига кулфат, мусибат соладилар. Мансабпараст акалар мунофиқлик, туҳмат ва хиёнатдан заррача ҳазар қилмайдилар. Улар Юсуфни Молики Тожирга сотар эканлар, унга бундай дейдилар:

Дедилар: — Э хожаи нек эътиқод,
Бандамиз эрур, ўзидур хонавод.
Уч кеча-кундуз қочиб эрди тамом,
Қилғон экандур бу чоҳ ичра мақом.
Эмдики топтуқ қилоли они банд,
Турфа гурезанда қул эрур лаванд.
Бизга керакмастур анинг ҳеч иши,
Борча сотармиз агар олса киши.
Илики эгри, ўзи қочқоқ эрур,
Борча ёмонлиқ ичида тоқ эрур...

Хусумат ва адоват Юсуфни қуллик азобларига гирифтор, Яъқубни эса ногирон қилади. Бироқ пировардида Юсуф бахтиёр, Яъқуб шод ва кўзи мунаввар бўлади. Акалар эса шармандаю шар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мисор ва қилмишларидан пушаймон бўладилар. Шоир Юсуф ака-ларининг тақдири мисолида тож-тахтпараст шаҳзодаларни ва, умуман, феодал зодагонларни қаттиқ огоҳлантиради.

Шоҳлар

«Юсуф ва Зулайхо»да бир неча шоҳ образи яратилган. Дурбек мамлакат ва халқнинг тақдирини подшоларнинг инсоф ва адолатига боғлар эди. Шоир «инсофли ва адолатли подшо» ҳақидаги орзуларини Мағриб шоҳи Таймус, Миср шоҳи Райён ва, хусусан, Юсуф образида мужассамлаштиради. Дурбек яшаган давр учун бундай образларнинг яратилиши ижобий аҳамиятга эга эди.

Яман шоҳи мунофиқ, ҳийлагар ва шуҳратпараст феодал образидир. Райённинг дастурхончиси Хаббоз эса тамагир, мансабпараст ва мол-давлат учун ҳар қандай разилликдан қайтмайдиган мунофиқ сарой амалдоридир.

Хотин-қизлар

Дурбек хотин-қизларга ўрта асрнинг пешқадам инсонпарвари сифатида ёндашади. У она ва энага образи орқали Зулайхо образини янада тўлдиради, такомиллаштиради. Зулайхо орзу-армонини ҳам, алам-ҳасратини ҳам ўзига ўхшаш муштипар онаси ва энагасига айтади, улар Зулайхонинг қайғусига шерик бўлиб, сўз билан ҳам, имкони борича амалий иш билан ҳам унга мадад берадилар.

Миср Азизи

Бу образ достондаги воқеаларнинг бир-бирига уланиши ва ривожланишида маълум роль ўйнаса ҳам, лекин у ижобий ёки салбий хислатлари билан мукаммал гавдаланмайди. У қўшимча, воситачи бир образ бўлиб қолади.

Достоннинг бадиий қиммати ва тили

«Юсуф ва Зулайхо» ғоявий мазмуни ва бадиий қиммати билан ўзбек дунёвий адабиётининг муҳим ёдгорликларидан биридир. Дурбекнинг санъаткорлиги аввало шундаки, у қадимги афсонавий сюжетга яшаган даврининг ҳаёт манзараларини, кишиларини ва айрим проблемаларини киритиб, оригинал достон ярата олди. Достон автори сюжет ва композицияда, образ ва характерлар яратишда, пейзаж ва портретда, бадиий усул ва тил воситаларида катта муваффақиятга эришди, халқ оғзаки ижоди тажрибаларидан моҳирлик билан фойдаланди, ўзбек адабий тилининг ривожига муносиб ҳиссасини қўшди.

«Юсуф ва Зулайхо» сюжети ва композицияси мураккаб бўлган асардир. Унда бир қатор воқеа ва саргузаштлар, кўпгина образлар берилади. Лекин шунга қарамай, достон жуда енгил ва қизиқиб ўқилади. Даҳшатли Балх қамали тасвири билан танишганда китобхон ўзини гўё бир зумда қадимги Канъонда саёҳат қилиб юргандек, гоҳ ҳаётий, гоҳ афсонавий воқеаларга дуч келгандек ҳис қилади. Ҳақиқат билан ҳаёл, ҳаёт билан афсона гўё ёнмаён тургандек ва баъзан бир-бирига аралашиб кетгандек кўринади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай бўлишига қарамай, китобхон достон замирида XV аср бошлари тарихини, ҳаёт лавҳаларини, қора кучлар билан ёруғликка интилувчи эзгу ниятли одамлар ўртасидаги тўқнашувларни кўради. Достоннинг муқаддимасидаги Балх қамали тасвири билан достон воқеаларининг узвий боғлиқлигини тушунади.

Достондаги асосий воқеа Юсуфнинг саргузаштидир. Бошқа воқеа ва саргузаштлар у билан узвий боғланиб боради, уни тўлдиради ва такомиллаштиради. Қул хотин ва Башир воқеаси эса достондаги асосий воқеани мазмун ва бадиий жиҳатдан бойитувчи параллел воқеа бўлиб қолади.

Юсуфнинг саргузашти унинг осойишта ва бахтиёр ҳаётини тасвирлаш билан бошланади. Бироқ бу осойишта ҳаёт узоққа чўзилмайди. Акаларининг Юсуфга қарши хусумати — асосий воқеанинг тугуни бошланади. Бу тугун мураккаблашиб боради, унга янги воқеа ва тугунлар қўшилади. Воқеалар замини кенгайиб, у Канъондан узоқ ва машаққатли йўлга, кейин Мисрга, Мағрибга, Яманга, яна Канъон ва Мисрга кўчади. Янги-янги воқеалар, можаролар содир бўлади, янги-янги кишилар пайдо бўлади. Бу воқеалар композициясини бир неча саргузаштлар чизиғи: Юсуф билан Яъқуб, Юсуф билан акалари; Яъқуб билан бошқа ўғиллари; Юсуф билан Ибн Ямин; Юсуф билан Зулайхо; Зулайхо билан Миср Азизи; Юсуф билан Райён ва бошқалар ташкил этади. Бу воқеалардан ҳар бирининг ўз тугуни, кульминацияси ва ечими бор. Юсуф билан Яъқуб воқеасининг тугуни Юсуфнинг ғойиб бўлишидан бошланади, Юсуфнинг азоб чекиши ва Яъқуб кўзининг ожиз бўлиб қолиши билан бу воқеа ўз кульминациясига кўтарилади. Тугун Юсуфнинг бахтиёр бўлиши ва Яъқуб кўзининг очилиши билан ечилади. Шундай қилиб, достондаги воқеалар гўё ҳар томонга шох отиб кетган дарахтга ўхшайди. Бироқ воқеалар дарахтининг илдизи ҳам, танаси ҳам Юсуф ва унинг саргузашти бўлиб қолаверади. Барча шохлар — воқеалар шу саргузаштдан ўсиб чиқади ёки унга келиб уланади.

Воқеалар ривожи билан бирга достондаги образлар ҳам кўпайиб боради, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, маънавий қиёфаси ўсади, ўзгаради. Дастлабки эпизодлар Яъқуб ва унинг ўғиллари иштироки билан чегараланиб қолади, кейин бирин-кетин Молики Тожир, Шоҳ Таймус, Зулайхо, Миср Азизи, Райён ва бошқаларнинг фаолияти, саргузашти бошланади. Буларнинг ҳар бири асосий воқеага нимадир қўшади, унинг мазмунини тўлдиради, янги вазият ва конфликтларни вужудга келтиради. Воқеалар ривожида Зулайхо пайдо бўлиши билан достон ишқий-саргузашт достони тусини олиб, барча кейинги воқеалар ривожида у Юсуф билан бирга бош қаҳрамон сифатида етакчи роль ўйнайди.

Достоннинг бошида гўзал ва ақлли, отаси ва акаларига ҳамда Ибн Яминга садоқатли йигит сифатида гавдаланган Юсуф қурашлар ва синовларда чекинади, ожизлик қилади, кейин эса ҳу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

жумга отланади, забардаст бўлиб етишади, ошиқ сифатида ҳам, давлат арбоби сифатида ҳам камол топади. Зулайхо ҳам кураш ва синовларда чиниқади. Бошқа образлар ҳам такомиллашиб боради. Шоир айрим образларни муштарак хусусиятлари билан бирга, ўзига хос хусусиятлари билан ҳам гавдалантиради. Масалан, ошиқ сифатида Юсуф билан Зулайхонинг муштарак хусусиятлари бор, лекин улар ўз саргузашти, маънавий қиёфаси ва ички кечинмалари билан индивидуаллаштирилган образлардир. Хаббоз билан Соқийни олайлик. Булар бошда Райёнга суиқасд уюштирмоқчи бўладилар, бироқ Соқий бундай мунофиқлик ва хиёнат йўлидан қайтади, хатосини тушунади ва бахтиёр бўлади, Хаббоз эса мунофиқлик ва хиёнатнинг қурбони бўлиб кетади. Подшоларнинг ҳар бири (Яъқуб, Таймус, Райён ва Яман шоҳи) ўзига хос хусусиятлари билан гавдаланади.

Дурбек қаҳрамонларининг портрети ва уларнинг руҳий кечинмалари тасвирига ҳам алоҳида эътибор беради. Масалан, Юсуф ва унинг оға-инилари таърифида бундай дейди:

Бир отодин ўн эдилар сар-басар,
Тенгри йўлида бориси раҳбар.
Бир онодин Юсуфу Ибни Ямин,
Икки қориндош эдилар, пок дин.
Юсуф эди ўртада чун шамъи жам,
Ўзгаси парвонау ул эрди шам.
Ўзгалари кавкабу ул моҳ эди,
Ўзгалари ходиму ул шоҳ эди.
Ўзгалари заррау ул офтоб,
Борча садаф, ул эди дурри хушоб.
Ўзгалари жисму ўшал жон эди,
Инсу малак юзига ҳайрон эди...

Муболаға ва ўхшатишларга тўла бўлган бу таъриф Юсуфнинг ҳусн-жамолда барча оға-инилари орасида тенги йўқлигини кўрсатади.

Худди шунингдек, шоир Зулайхонинг ҳам ҳусн-жамоли ҳамда билимдонлигини ўхшатиш ва муболағалар билан таърифлаб, бундай дейди:

...Бир қизи бор эрди, маҳи ҳовари,
Оразига шамсу қамар муштари.

Юзи қуёш эрди, вале безавол,
Борча фунун бобида соҳиб камол.

Ҳосили умри эди ул шоҳнинг,
Оти Зулайхо эди ул моҳиинг[1].

Қаҳрамонларнинг руҳий кечинмалари тасвири воқеаларнинг моҳиятини тўлароқ англашга, персонажларнинг маънавий қиёфаси

[1] Гулханий «Зарбулмасал»да Гунашбонуни тасвирлар экан, шунга монанд мисралар келтиради. Дурбек ҳам, Гулханий ҳам бу таъриф ва тасвирни халқ ижодидан олган бўлишлари керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан янада яқиндан танишишга ёрдам беради. Юсуфнинг чоҳдаги кечинмалари, онаси қабри устида қилган нола-фиғони, зиндондаги кайфияти, Зулайхонинг ҳижрон азоби ва бошқалар шулар жумласидандир. Юсуфнинг онаси қабри устида қилган нола-фиғони бошига оғир кулфатлар тушган гуноҳсиз, лекин ожиз йигитнинг дард-аламини тўлароқ очиб беради:

Деди: «Аё мушфиқу зебо онам!
Куйди бу бағд ичида мискин танам!
Гул била заҳжир эрур ҳамдамим,
Егай эдинг дунёда бўлсанг ғамим.
Ўғри киби эгнимадур эски шол,
Бу не аламдуру бу не дарду ҳол?!
Банда дебон сотдилар охир мени,
Бош кўтариб кўргил, оном, бандани.
Дарду аламдур менга бас бе адад,
Вақтидур эндики қилсанг мадад».

Юсуфга туҳмат ва маломат қилиб, уни зиндонга солдирган Зулайхо қилмишидан пушаймон бўлиб, ҳижрон аламида ўртанади, илож топиб Юсуфнинг овозини эшитиш билан ўзини овунтирмоқчи, банддан озод бўлган Юсуфни узоқдан бўлса ҳам кўриш билан таскин топмоқчи бўлади. Шу сингари ўринлар Зулайхони садоқатли ва ҳароратли севувчи сифатида гавдалантиради. Юсуф фироқида Яъқуб чеккан азоб-изтироблар тасвири орқали эса шоир уни ўз фарзандини севувчи жигарпора бир ота сифатида тасвирлайди.

Дурбек воқеалар баёни, манзаралар ва қаҳрамонларнинг саргузашти тасвирида турли хилдаги бадиий усуллардан фойдаланган. Дурбек айниқса қаршилантириш — контраст усулининг моҳир санъаткоридир. Достондаги воқеалар яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги зиддият ва курашларга асосланган. Шоир бу усул ёрдами билан бир-бирига қарама-қарши ҳодиса, ҳолат ва характерларни тўлароқ, жонлироқ қилиб тасвирлашга эришади. Агар шоир қамал қилинган Балх шаҳри тасвирининг ўзини бериб, шаҳарни унинг ташқариси билан чоғиштирмаганда, уларни бир-бирига қарама-қарши қўймаганда эди, қамал тасвири тўла чиқмас ва бунчалик таъсирли бўлмас эди. Юсуф билан акаларининг, Соқий билан Хаббознинг характери ҳам мана шу усул воситасида тўлароқ очилади. Шоир қаршилантириш усулидан пейзажда ҳам фойдаланади. Баҳор айёми, ҳамма ёқ чамандай кўркам. Бироқ Юсуф акаларининг шум ниятлари табиатнинг бу кўркига зид бўлиб тушади. Юсуфнинг кулфатлари мана шу баҳор айёмида бошланади. Баҳор фони Юсуф акаларининг мунофиқлигини ҳам, Юсуфнинг кулфатларини ҳам тўлароқ ва таъсирлироқ тасвирлашга ёрдам беради.

Дурбек «Юсуф ва Зулайхо» достонини яратишда фақат ёзма адабиётнинг эмас, балки халқ оғзаки ижодининг традиция ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

санъаткорлик маҳоратидан ҳам кенг фойдаланди. У сюжет ва композицияни халқ ижоди асарлари, айниқса халқ достони ва эртакларидагидек тузди, воқеа ичида воқеалар берди, уларни асосий воқеа чизиғи атрофига уюштирди. Шоир халқ ижодига хос мотивларни ўз достонига маҳорат билан киритди. Масалан, халқ асарларида туш кўриб бир-бирини севиб қолиш мотиви кўп учрайди. Бу мотив ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларидагина эмас, балки шаклар эпоси «Зариадр ва Одатида»даёқ кўринади. Юсуф ва Зулайхо ҳам бир-бирларини туш кўриб, севишиб қоладилар. Зулайхо Миср Азизига теккандан кейин ҳам у фақат Юсуфни севди, чунки у Юсуф ишқига аллақачонлар гирифтор бўлган эди.

«Юсуф ва Зулайхо» достонида, халқ оғзаки ижодида бўлгани каби, қаҳрамонлик мотивлари ҳам кенг ўрин олган. Бу жиҳатдан айниқса Юсуф билан акаларининг жанги, Юсуфнинг ёш ўғли Мешомнинг майдонга чиқиб, катта паҳлавонларни — амакилари Яҳудо ва Шамъунни енгиши жуда характерлидир.

«Юсуф ва Зулайхо»даги бошқа бир қатор фантастик тасвирий ўринлар ҳам халқ оғзаки ижодининг самарали таъсири билан вужудга келди. Халқ оғзаки ижоди асарларида эгри билан тўғрини, ҳақ билан ноҳақни ажрим қилувчи «асбоблар», «воситалар» берилади. Худди шунга ўхшаш, Юсуф ҳам гапирувчи жом орқали акаларининг ёлғонини фош қилади.

Дурбек халқ оғзаки ижоди мотивлари билан бирга халқ мақоллари ва таъбирларидан ҳам ўринли фойдаланиб, ўз достонининг ғоявий-бадиий қимматини оширади. Достонда халқ мақоллари ва таъбирлари асосида яратилган мисралар хийла кўп учрайди:

Гул тилаган хор жафосин чекар,
Кимки асал олса, ариси тегар.

Гарчи ушолганни уласа бўлур,
Лек ўшал ўрнина тугун қолур.

Эр кишининг сўзи керак бўлса бир,
Шоҳу ғани бўлса у, хоҳи фақир.

Сабр билан тенгру берур коми дил,
Сабр қилу сабр қилу сабр қил

ва бошқалар.

Хуллас, халқ оғзаки ижоди Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» достони учун маънавий ва бадиий манбалардан бири бўлди, унинг ғоявий-бадиий қимматини, халқчиллик руҳини оширди.

Юсуф ва Зулайхо арузнинг сариъ баҳрида (муфтаилун муфтаилун фоилун) ёзилган. У ўзбек классик адабиётидаги бошқа достонлар каби маснавий шаклида қофияланган.

«Юсуф ва Зулайхо» ўзбек адабий тили тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Дурбек форс-тожик тилида ижод қилиш традициясига эргашмади, балки ўз она тилининг ҳомийси ва жарчиси

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлди, бу тилда муваффақият билан йирик ва гўзал эпик достон яратди. Дурбек достонида форс-тожик тилининг маълум таъсири (лексика ва жумла тузилишида) бор, лекин шунга қарамай, достон XV аср бошларидаги халқ жонли тилига жуда яқиндир. Орадан беш ярим аср ўтган бўлишига қарамай, бу достон тили жиҳатидан ҳозирги кунниинг китобхони учун у қадар қийинчилик туғдирмайди.

Хотима

Дурбек «Юсуф ва Зулайхо» достони билан ўзбек дунёвий адабиётида янги бир саҳифа очди. Бу достон диний-мистик адабиётга қарши дунёвий адабиётнинг илк йирик муваффақиятларидан бири бўлди.

«Юсуф ва Зулайхо» Дурбекдан кейин ҳам ўзбек, тожик ва бошқа халқлар адабиётида қайта-қайта ишланди ва ҳар бир ёзувчи ўз даври эҳтиёжи ва дидига мувофиқ янги-янги достонлар яратди. Улуғ тожик шоири ва мутафаккири Абдураҳмон Жомий «Юсуф ва Зулайхо» достонини ёзди. Бу достонни атоқли шоир, тарихчи ва таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий (XIX аср) ўзбек тилига таржима қилди. Шоир Нозим Ҳиравий (XVII аср) «Юсуф ва Зулайхо» достонини яратди. Ўзбек ва тожик адабиётининг йирик намояндаларидан бўлган Ҳозиқ (XVIII — XIX асрлар) ҳам форс-тожик тилида «Юсуф ва Зулайхо» асарини яратди. Булардан ташқари, ўзбек ёзувчиларидан Андалиб ва Хиромий ҳам ўз «Юсуф ва Зулайхо»ларини яратдилар, шу мавзуда XIX аср шоири Олим Девона «Равзаи асрор» («Сирлар боғи») достонини ёзди[1]. Уйғур ёзувчиларидан Мулла Юсуф Ёркандий 1791 йилда «Юсуф ва Зулайхо» достонини битди.

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода 1915 йилда яратган «Қироат китоби»да «Юсуф ва Зулайхо»нинг сюжетини содда тил билан қисқача ҳикоя қилади.

Шундай қилиб, «Юсуф ва Зулайхо», бошқа халқлар адабиётида катта ўрин олгани каби, ўзбек адабиёти тарихида ҳам салмоқли ўрин тутди, унинг тараққиётига хизмат қилди.

---

[1] Қаранг: Б. Валихўжаев. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, Тошкент — 1974, 124—145- бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЙДАР ХОРАЗМИЙ

Ҳаётн ва фаолиятига доир

Ҳайдар Хоразмий XIV асрнинг охирлари ва XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган истеъдодли шоирдир. У лирикаси ва «Махзанул-асрор» достони билан ўзбек адабиёти ва адабий тилининг ривожига ҳисса қўшди, форс-тожик тилидаги шеърлари билан ҳам адабиёт аҳллари томонидан эътироф этилди.

Ҳайдар Хоразмийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ниҳоятда оз маълумот сақланиб қолган. Бу шоир ҳақида Навоий «Мажолисун-нафоис» ва «Муҳокаматул-луғатайн»да, Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкиратуш-шуаро»да баъзи бир маълумотлар берадилар, уни таърифлайдилар. Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да Ҳайдар Хоразмийни «хуш табъ» шоирлардан бири сифатида уни Амирий, Атоий, Яқиний, Саккокий ва бошқалар қаторида зикр этиб ўтади, «Мажолисун-нафоис»да «Султон Искандар Шерозий» фаслида туркигўй шоир сифатида тилга олиб, бир байт маснавийсидан («Махзанул-асрор»идан) мисол келтиради. «Султон Искандар Шерозий ҳам,— дейди Навоий,— (Темурга) набирадур. Салтанат такаммулини, дерларким, салотиндин ози онча қилмиш бўлғай. Етти ё секкиз йиллик салтанатида гўёки уч ганж топибдур. Мавлоно Ҳайдар туркигўй анинг модиҳи (мадҳчиси) экандурким, бу анинг маснавийсидин дурким:

Ҳиммат элидур, яди байзо деган,
Эр нафасидур дами Исо деган.

Султон Искандарни дерларким, табъи назмға мойил эрди ва бу туюқни андин нақл қилурларким:

«Тўлун ойға нисбат эттим ёруми,
Ул хижолатдин кам ўлди ёруми.
Тори мўюнгнинг закотин мен берай,
Ё Мисрни ё Ҳалабни ё Руми».

Навоийнинг бу маълумотлари Ҳайдар Хоразмийнинг Султон Искандар саройи билан алоқада бўлгани, туркигўй шоирлардан «хуш табъ» сифатида танилгани ва эътироф қилинганини кўрсатади.

Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкиратуш-шуаро»да Ҳайдар Хоразмий ҳақида бундай дейди: «Аз фузало ва шуаро Мавлоно Ҳайдар буда, ки дар турки ва форси ашъори малиҳу писандида дорад ва жавоби «Махзанул-асрор»и Шайх Низомий ба турки ба номи амирзода Искандар пардохта»— «Фузало ва шуародан Мавлоно Ҳайдар эдиким, туркий ва форсийда гўзал ва диққатга

www.ziyouz.com kutubxonasi

сазовор шеърлари бор ва Шайх Ҳизомийнинг «Махзанул-асрор»ига *жавоб битиб, уни амирзода Искандар номига атаган».*

Ҳайдар Хоразмий лирик мероси сақланиб қолмаган ёки номаълум қолиб келмоқда. Ундан бизга қадар Низомий Ганжавийнинг (1141 — 1209) «Панж ганжи»га кирган биринчи достони «Махзанул асрор»дан илҳомланиб ва унга жавобан битган шу номдаги достон етиб келган. Бу достондаги *айрим сатрлар шоирнинг биографияси ва ижодий фаолияти ҳақида* айрим маълумот ва ишоралар беради. Ҳайдар асли Хоразмдандир. Унинг Ҳайдар Хоразмий деб аталиши ҳам шу боисдан. У қачонлардир Форс вилоятига келган. Бирмунча вақт, Навоий ва Давлатшоҳ таъкидлаганларидек, Султон Искандар ҳузурида бўлган, унинг сарой шоири сифатида хизмат қилган. Султон Искандар бирмунча маърифатпарвар амирзодалардан бўлган, ўз атрофига, илм, санъат ва адабиёт аҳлларини тўплаган, ўзи ҳам шеърият билан шуғулланган. Ҳайдар Хоразмий фаразан 1409—1414 йиллар орасида «Махзанул асрор» достонини яратган. Мусофирлик машаққатларими ёки бирор ҳодисотми «Махзанул-асрор»да, жумладан унинг муқаддимасидаги «Мусаннифнинг ҳасби-ҳоли»да мунгли ва аламли мисраларни вужудга келтирган. Бир неча сатр:

Бир кеча ғам бирла эдим ҳамнафас,
Мушшу дамсозим ул эрдию бас.
Кўз ёшидин бода, бағридин кабоб,
Дарди дилим нуқлу, фиғоним рубоб...
Умр ўтуб, кўрмайин уйқуда туш,
Нолаларимдин уюмай қурту қуш.
Чархи фалак ташна бўлуб қонима,
Дуняйи дун қасд қилиб жонима.
Сабр биносини бакуллий бузуб,
Ҳосили йўқ умрдин уммид узуб...

Бироқ бу ва шунга монанд бошқа мисраларни конкретлаштириш, махраждан чиқариш имкониятига эга эмасмиз.

Ҳайдар Хоразмий адабий фаолиятининг давоми ва итмоми, унинг бошқа асарлари маълум эмас. Биз унинг адабий мероси ва ўзбек классик адабиётида тутган ўрни ҳақида фақат «Махзанул-асрор» достони ва адабиёт аҳлларининг маълумоти ҳамда баҳоси асосидагина фикр юрита оламиз.

«МАХЗАНУЛ-АСРОР»

Нусхалари ва ўрганилишига доир

«Махзанул-асрор»[1] фалсафий-таълимий достондир. У улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг шу номдаги достонидан илҳомланиб, баҳраманд бўлиб, унга жавоб тарзида битилган.

[1] Достонни Навоий ва Давлатшоҳ жанрига қараб маснавий (достон) деб юритиб, конкрет номини аташмаган. Айрим манбаларда, масалан, луғатларда

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Махзанул-асрор»нинг бир неча қўл ёзма нусхаси етиб келган. Улар Лондон, Париж, Вена, Қозон ва бошқа жойлардаги китоб фондларида сақланади ва шу жойларнинг номи билан бирга айтилади. Шулардан Лондон нусхаси деб аталган Британия музейида сақланаётган нусха 1508 — 1509 йилларда Ҳиротда кўчирилган.

«Махзанул-асрор» XIX асрда бир неча бор нашр этилган. Вена нусхасидан олиб унинг айрим парчаларини рус туркшуноси И. Н. Берёзин «Турк хрестоматияси»га (том I, Қозон, 1857) киритган эди. Қозон университетининг профессори И. О. Готвальд Қозон ва Вена нусхалари асосида уни 1858 йилда нашр этади. Эски уйғур ёзувида кўчирилган Париж нусхаси асосида унинг 9 қисмини француз шарқшуноси Паве де Куртейль 1882 йилда Парижда «Меърожнома» билан биргаликда оммалаштиради ва ҳоказо. Бу асар ва унинг муаллифи ҳақида Ч. Рьё, К. Броккельман, В. В. Радлов ва бошқа шарқшуносларнинг асарларида маълумот ва қайдлар бор.

«Махзанул-асрор» тил ёдгорлиги сифатида тилшунос олимларнинг, луғат муаллифларининг диққат-эътиборини жалб этган. Бу асар XVI асрда яратилган «Бадойиул-луғат», «Абушқа», XVIII асрда тузилган «Мабонул-луғат», шунингдек XIX аср олимлари Фатҳ Али Қожар ва Шайх Сулаймон Афандий луғатларидан сезиларли ўрин олган.

«Махзанул-асрор» бадиий ёдгорлик сифатида совет олимлари (Е. Э. Бертельс, Х. Зарифов, А. Абдуғафуров, Б. Валихўжаев, Э. Рустамов, Ж. Шарипов, А. Ҳайитметов ва бошқалар) томонидан ўрганилди. «Махзанул-асрор» ҳақида адабиётшунос Н. Абдуллаев махсус тадқиқот олиб бориб, унинг қиёсий текстини тузди, Низомий достони билан чоғиштириб таҳлил этиб, кандидатлик диссертациясини ёзди (1974).

Ҳайдар Хоразмий ва Низомий Ганжавий

Улуғ Озарбайжон шоири Низомий Ганжавий «Панж ганж»и билан Шарқ халқлари эпик поэзиясида янги давр бошлаб берди. Хамса ёзиш ёки Низомий «Хамса»сининг айрим достонларига жавоб ёзиш катта адабий анъанага айланди. Шу анъананинг меваси сифатида XIV асрда Қутбнинг эркин таржимаси «Хусрав ва Ширин» вужудга келган бўлса, XV асрнинг бош-

---

у «Махзани Ҳайдар», «Китоби махзанул-асрор» деб айтилади. Н. Абдуллаевнинг фикрича, достоннинг 3- бобидаги:

«Махзани асрор — бу рамз эрди, бил,
Нотиқа бу кўзғудин ўгронди тил»

байти уни «Махзанул-асрор» номи билан юритишга хизмат қилган. Шарқ халқлари адабиётида бир неча муаллифнинг ўз асарини бир ном билан аташи бир одат эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларида Ҳайдар Хоразмий Низомийнинг «Махзанул-асрор»ига жавобан шу номдаги достонини яратди. Низомийнинг улуғ ижодий даҳоси, унинг буюк санъати Ҳайдар Хоразмийни ўзига мафтун этди. Гўё кўз олдида Низомий гавдаланади, уни достон ёзишга ундайди, далда беради. У Низомий достони каби достон яратишни орзу қилди. Катта синовга киришди:

...Ақл тенгиз эрдию андеша кеш,
Ўртасида гавҳари маъни шиҳон.
Жон тиши бирла қазиб ул конни,
Қилдим узуб[1] гавс бу уммонни.
Ул киши қўйғай чу Низомий бу ганж,
Қазғана олғай гуҳари даст ранж.
Йўқ эса ҳар муфлиси бедастгоҳ,
Ҳеч топа билгайму бу махзанға роҳ...

У Низомийдан илҳом ва мадад олади, унинг тафаккури ва санъаткорлигидан баҳраманд бўлади. Шунинг учун ҳам Ҳайдар Хоразмий достон муқаддимасида айтган эди:

Менки пишурдим бу лазиз ошни,
Шайх Низомийдан олиб чошни.
Шайх Низомий дамидин жон топиб,
Маънисидин ярлуқу бурҳон топиб.

Ҳайдар Хоразмий ўзбек адабий тили тараққиёти учун курашган сўз санъаткорларидан биридир. У «Махзанул-асрор» достонини яратишга киришар экан, эски ўзбек тилининг бойликларидан кенг фойдаланиш, унинг қудрати ва кўркини намойиш қилиш вазифасини ўз олдига қўяди. Бинобарин, у ўзига хитобан:

Турки зуҳуридир очунда бу кун,
Бошла улуғ йир била туркона ун.
Рост қил оҳанги навоу ҳижоз,
Туз ётуғон бирла шудурғуни соз.
Турк сурудини тузук бирла туз,
Яхши аёлғу била кўкла қубуз,—

дейди. Ҳайдар Хоразмий ўз олдига икки катта вазифа қўйган эди: Низомий достонига жавобан достон ёзиш ва уни туркий — эски ўзбек тилида яратиш. У бу икки вазифани ҳам муваффақият билан адо этди.

Икки достон

Низомийнинг «Махзанул-асрор» достони фалсафий-таълимий достондир. У 59 бобдан ташкил топган бўлиб, 18 боби муқаддимадир. Достоннинг асосини 20 мақолат, 20 ҳикоя ташкил этади, достон хотима қисми билан тугалланади. Мақолатларда шоир яшаган даврининг муҳим ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий масалалари ҳақида фикр юрита-

[1] *Узуб* — юзиб, сузиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, ҳикматли ўгит беради, гуманизм ғояларини илгари суради, феодал-клерикал муҳитнинг бир қатор иллатларини танқид қилади. Мақолатлардан кейин шоир кичик ҳажмли бирор ҳикоя келтиради. Бу ҳикоялар мақолатлардаги масалаларни чуқурроқ ёритиш ва хулосалар чиқаришга ёрдам берадиган бир кўргазма вазифасини бажаради ёки навбатдаги мақолатга ўтиш учун бир восита — кўприк бўлиб хизмат қилади.

Мақолатларда шоир адолат, мамлакатни бошқариш ва халққа муносабат, золим подшолардан шикоят, меҳнат ва унинг фойдаси, кишиларга яхшилик қилиш ва қийинчиликлардан қўрқмаслик, рашк ва ҳасаднинг зарари, саховатнинг фойдаси, бахилликнинг ёмон оқибати ва бошқалар ҳақида даврининг улуғ мутафаккири сифатида фикр юритади. Низомий меҳнатни ҳаётнинг асоси, ҳалол турмушнинг калити деб ҳисоблайди. Шоир мамлакатнинг ободлиги ва халқ осойишталигини давлат бошлиқларининг фаолияти ва хатти-ҳаракатига боғлайди. Унинг фикрича, давлат бошлиқлари адолатли ва маърифатли кишилар бўлса, мамлакат ободлашади, эл-юрт фаровон ва осойишта яшайди. Шунга кўра, у давлат бошлиқларини адолатга чақиради, одил ва золим подшоҳлар ҳақида ҳикоялар келтиради. Анушировон ҳақидаги ҳикоя шулар жумласидандир.

Анушировон овга чиқади. Вазири билан бир хароба қишлоққа келади. Подшонинг диққатини сайраётган икки бойқуш жалб қилиб қолади. Подшо вазирдан: «Сен қушларнинг тилини биласан, улар нима деб сайраяпти?», деб сўраб қолади. Шунда вазир:

Бу қушлардан бири ўз қизини иккинчисига бермоқчи бўлиб, бунинг эвазига ундан шу қишлоққа ўхшаш бир неча хароба талаб қиляпти, иккинчи бойқуш унга жавобан: «Сен бу ҳақда асло ўйлаб ўтирма, «Агар подшоҳимиз шу бўладиган бўлса, кўп ўтмай бундай харобалар шунчалик кўпаядики, мен сенга юз минглаб бундай хароба қишлоқларни бераман деяпти»,— деб жавоб беради.

Бу гапдан қаттиқ хижолат бўлган Анушировон зулм қилмасликка, одил бўлишга қарор қилибди, ва, ниҳоят одил подшо бўлиб шуҳрат қозонибди. Бошқа ҳикоялар ҳам ҳажман кичик, лекин ғоятда мазмунли, мароқли ва ибратлидир. Уларни кўпинча шоир халқ ижоди материаллари асосида ишлайди. Мақол ва ҳикматли сўзлар, халқ иборалари, достон мазмуни ва бадиий моҳиятини оширади, тилини жилолайди. «Махзанул-асрор»нинг жуда кўп мисралари ҳикматли сўзлар каби янграйди. «Махзанул-асрор» арузнинг сареъ баҳрида ёзилган (муфтаилун муфтаилун фоилун).

Ҳайдар Хоразмийнинг «Махзанул-асрор»и ҳам Низомий достони каби фалсафий-таълимий асар бўлиб, жанр хусусиятлари, композицияси ва бошқа жиҳатлари билан Низомий достонига яқин

www.ziyouz.com kutubxonasi

туради. Вазн масаласига келсак, у ҳам Низомий достони каби сареъ баҳридадир (сареъи мусаддаси матвии макшуф). Ҳайдар Хоразмий достони Низомий достонидан хийла кичик бўлиб, у 615 байтни ўз ичига олади. Достон 23 бобдан ташкил топган. Шундан 7 боби муқаддима бўлиб, у худо, пайғамбар ва халифалар ҳақидаги анъанавий боблар ҳамда Султон Искандар мадҳидан иборат. Қолган 16 боби достоннинг асосий қисми. Бу боблар мавъиза (ўгит-насиҳат), мақолат ва ҳикоятлардир. Низомий достонидан фарқли ўлароқ, киритилган мавъиза ҳажм жиҳатидан жуда мўъжаз бўлиб, ҳикматли сўзлар тарзидадир. Мақолатлар тематик жиҳатдан хилма-хил бўлиб, мазмунан Низомий мақолатларига яқинлари ҳам, тамомила янгилари ҳам бор. Шунингдек, ҳикояларда айрим ўхшаш ва янги оригинал образлар бор.

«Махзанул-асрор» Ҳайдар Хоразмийни тараққийпарвар мураббий ва истеъдодли шоир сифатида гавдалантиради. Шоир ўзининг эстетик ва ахлоқий-таълимий қарашларини ҳикматли сўзлар даражасига кўтарилган мисраларда моҳирлик билан мужассамлаштиради. Ўз даври эстетик қарашларига маълум ҳисса қўшган Ҳайдар Хоразмий сўзга киши тафаккурини, унинг фазилати ёки нуқсонини ифодаловчи бир восита деб қарайди, сўзнинг маъноси билан шаклини узвий бирликда олади ҳамда мазмундор ва завқшавқ бағишловчи сўзни (бадиий сўзни), унинг қудратини таърифлайди, улуғлайди:

...Улки билур сўз гуҳари қийматин,
Сўзда топар сўзлагучининг отин.
Аҳли назар шевасини сўз билур,
Нури басар мевасини сўз билур...
Умр гаронмоя чу бўлғай талаф,
Сўз дуру сўз дунёда қолғай халаф...
Сўзда керак маънию маънида завқ,
Сўзлагучида сўз учун дарду шавқ.

Ҳайдар Хоразмий ахлоқ-одоб ҳақида тараққийпарварлик фикр-мулоҳазаларини илгари суради, олижаноб инсоний фазилатларни тарғиб қилади. У кишиларни яхши хулқ-одобга эга бўлишга, жамиятга фойда келтириш, мурувватли ва ҳимматли бўлишга чақиради, ҳимматсиз ва саховатсиз кишиларни қаттиқ қоралайди:

...Бой дагулдур дирами бор эса,
Фақр ғанийдур карами бор эса...
Ярим аёқ ошки топарсен насиб,
Ярмини берки есун бир ғариб.
Меъда тамуғиким эрур душманинг,
Қонмағусидур агар ичса қонинг.
Одам атанғонға мурувват керак,
Орифу омийға футувват керак.
Сарвдек озода бўлу росткор,
Ё ўрику олма бикин мевадор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нафъ текур барчаға ёмғир бикин,
Е тенгиз ўртасида жўмдур бикин.
Бордуру бермас, не едурур, не ер,
Ўзи бирла гўргаму элтур, не дер?!
Эр кишига ҳиммат агар бўлса ер,
Оқибатул-амр муродин топор,

У нон тепкилик, андишасизликни қаттиқ қоралайди. Жумладан, ўгит бериб:

Ошин ичиб, ўтини сўндирмангиз,
Суфра бошидин иясин сурмангиз,—

дейди.

Шоир тажрибага, катталарнинг ҳаёт йўли ва тажрибасидан ўрнак олиш, тегишли хулоса чиқаришга, ўз фаолиятига танқидий қараб, хато ва нуқсонларини тугатишга алоҳида эътибор беради, тажрибани мураббий деб ҳисоблайди:

Кимгаким иш бўлмаса пеш уфтод,
Ҳеч иши ҳеч иш била топмас кушод.
Тажрибасиз эрмудур, эй ҳамнафас,
Тажрибадур эрга мураббию бас.

Мураббий санъаткор кишиларни тўғри бўлишга, ҳалол ва инсофли бўлишга йўллайди:

Ростлиқ устинда тарозуни туз,
Ростлиқ асбобини сақла тўкуз...
Арратек эт базл кейин — илгари,
Теша бикин йўнма ўз-ўзунг сари.

Тўғри бўлиш ва рост сўзлаш кишининг энг аъло сифатидир. Киши ташқи қиёфаси, кийим-кечаги билан эмас, балки маънавий бойлиги, хулқу карами билан мақтовга сазовордир. Чунки:

Ҳар неча тўн бўлса тура упранур,
Упрамағон хулқу карам тўнидир.

Ҳайдар Хоразмий меҳнат ва меҳнат аҳлини улуғлайди, «Эр керак эмгак била топса ҳузур», «Эр киши эмгакта тетикроқ бўлур» деб меҳнатнинг файзи ва хосиятини таърифлайди, хусусан деҳқончиликка муҳаббат ғоясини илгари суради:

Тўкмаса деҳқон арақи пой, бил,
Емишининг фойдасин топмас эл.
Тарбияту саъй қилур боғбон,
Тоза бўлур, мева берур бўстон.

Шунингдек у косиб-ҳунармандларни ҳам ҳалол меҳнат қилувчи, меҳнати билан мўъжиза яратувчи, кишиларнинг эҳтиёжини таъминловчи, шу билан бирга, худди бир санъаткордек эл-юртга завқ-шавқ бағишловчи кишилар сифатида таърифлайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳайдар Хоразмий шеърий ҳикоянинг моҳир санъаткорларидан биридир. У кичик ҳажмли ҳикояларда катта ва муҳим бўлган бирор темани ёритишга, характерли образ ва портретлар яратишга муваффақ бўлади.

Ҳайдар Хоразмий ҳикояларида биз Ҳотами Той, Баҳлул, Маҳмуд Ғазнавий, Сулаймон, Ёқуб ва Юсуф каби анъанавий образларни, шу билан бирга, янги — ҳаётий образларни кўрамиз. Янги ҳаётий образлар жиҳатидан қараганда айниқса бева хотин ва савдогар — дўкондор ҳақидаги ҳикоя диққатга сазовордир. Ҳикояда шоир бир кичик воқеа орқали муҳитининг ҳаётий, реалистик манзарасини тасвирлашга, савдогарларнинг ҳаннотлиги ва инсофсизлигини фош этишга эришган. Бева хотин икки ҳафта машаққат чекиб яхши бўз тўқийди. Унинг бўзини дўкондор ёмон, дағал, сифатсиз, нурсиз деб ерга уриб, газидан ҳам юлиб қолиб, арзимаган пулга сотиб олади ва бошқа бўзларни ёқтирмаган харидорга ҳалиги хотиннинг бўзини мақтаб-таърифлаб катта пулга сотиб юборади. Шоир сўзи билан айтганда «қилни ёрувчи» бу савдогар «Унга кепак, сиркага сув қотғучи» юлғичлардан эди.

Бу ҳикоя воқеаси Кўфада содир бўлади. Эҳтимол, шоир ўзи гувоҳ бўлган воқеани ҳикояга асос қилиб олгандир. Ҳикоя қаттиқ социал контраст, конфликт асосига қурилган. Бева хотиннинг аҳволи эксплуатация ва ҳақсизлик ҳукмрон бўлган замоннинг даҳшатини кўз ўнгимизда гавдалантириб, мискинларга, бева-бечораларга нисбатан ачиниш туйғусини туғдиради. Мана хотиннинг нола-фиғон аралаш илтижоси:

Дедиким: Эй хожаи соҳиб карам,
Чархи фалак гардишидин ема ғам.
Тулману бечораи соҳиб аёл,
Ожизу мискину пароканда ҳол.
Саъй қилиб бердим ики ҳафта жон,
То санга келтурдум ани бу замон.
Бир сурук ўғлон ушоғим хору зор,
Йўлга боқиб, телмирадур интизор,
Ҳарне десанг, тенгрига солдим сени,
Ҳарне баҳо бўлса узотгил мени.

Бева хотиннинг аҳволи, зор-тавалоси дўкондор қалбини юмшатмайди. Балки у одатдагидек унинг бўзини арзон-гаровга олади:

Газ била ҳам келтуруб ул бўзни кам,
Берди анга хожа бир-икки дирам.

Қолган ҳикоялар ҳам ғоявий-бадиий мароқли бўлиб, улардаги образлар орқали адолат, инсоф, садоқат, ҳиммат ва бошқа олижаноб ғоя ва сифатлар тарғиб қилинади, шафқатсизлик, инсофсизлик, бахиллик, ҳимматсизлик каби хислатлар қаттиқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

танқид қилинади. Ҳикоялар Ҳайдар Хоразмийни кичик эпик жанр — ҳикоя ва тамсилнинг моҳир санъаткорларидан бири сифатида гавдалантиради.

Хотима

«Махзанул-асрор» ўзбек шеъриятида эпик адабий хилда асар яратиш бобида катта тажриба бўлди. У Қутбнинг «Хусрав ва Ширин»идан кейин Низомийнинг «Панж ганж»ини таржима қилиш ёки унга жавобан янги достонлар яратиш йўлида катта тажриба бўлди. Ҳайдар Хоразмий «Махзанул-асрор» билан, бир томондан, ўзбек ва озарбайжон адабиётининг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган бўлса, иккинчи томондан, ўзбек адабий тили ва ўзбек адабиёти тараққиётига муҳим ҳисса қўшиб, Навоий каби улуғ санъаткорнинг етишиб чиқишига маълум замин тайёрлаган шоирлардан бири бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АТОИЙ

Ҳаёти ва фаолияти

Атоий XV асрнинг биринчи ярмида етишган истеъдодли лирик шоирдир. Атоийнинг асл ва тўла номи, туғилган ва вафот этган йиллари аниқланган эмас. Шоирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида унинг ўз девони ва Алишер Навоийнинг айрим асарларида баъзи маълумотлар бор.

Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да мана бундай дейди:

«Мавлоно Атоий Балхда бўлур эрди. Исмоил ота фарзандларидиндур, дарвешваш ва хушхулқ, мунбасит[1] киши эрди. Ўз замонида шеъри атроқ[2] орасида кўп шуҳрат тутти. Бу матлаъ анингдурким:

Ул санамким сув яқосинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклукиндин сув била ютса бўлур.

Қофиясида айбғинаси бор. Аммо Мавлоно кўп туркона[3] айтур эрди. Қофия эҳтиёжиға муқайяд эмас эрди. Қабри Балх навоҳисидадур».

Юқорида номи зикр этилган Исмоил ота ҳақида Навоий «Насойимул-муҳаббат»да қуйидагиларни ёзади: «...Исмоил ота... зоҳиран Хўжа Аҳмад Яссавий... нинг Иброҳим ота отлиғ инисининг ўғлидир... Еши юзға яқин ва авлоди ўн етти ё ўн саккиз бор эрди. Авлоди орасидин Исҳоқ отани ўз қойим мақоми қилиб оламдан ўтубтур...» Ҳусайн Воиз Кошифий «Рашаҳот» асарида Исмоил отанинг Хузиёнда (Тошкент билан Сайрам ўртасидаги қадимги вилоят) туғилгани ва Аҳмад Яссавийнинг тасаввуф оқимини давом эттирувчилардан бўлганини айтади.

Ўз шажараси билан Аҳмад Яссавий авлодидан бўлган Атоий тасаввуф тарғиботчилари бўлган реакцион шайхлар — оталар изидан бормади, балки дунёвий ишлар билан шуғулланди, Навоий сўзи билан айтганда, «хушхулқ» ва «мунбасит» киши бўлиб етишди, «туркона» шеърлар битиб, «атроқ» орасида шуҳрат қозонди ва бадбин шайх-зоҳидларга қарши шафқатсиз курашди.

Атоий ўз даврининг етук олим ва фозилларидан биридир. Унинг шеърларида биз фаннинг турли соҳаларига доир хилма-хил маълумотларни, Искандар, Жамшид ва Кайковус каби ўнлаб тарихий номларни, турли географик атамаларни, кўпгина бадиий асарлар ва Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Вомиқ, Узро, Юсуф,

---

[1] *Мунбасит* — шод-хурсанд, ёзиқ чеҳрали. [2] *Атроқ* — туркий тилда сўзловчилар. [3] *Туркона* — содда, равон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зулайхо, Гул ва Наврўз каби қаҳрамонларнинг номини ва бошқаларни учратамиз. Ўзбек ва форс-тожик классик адабиёти билан яқиндан танишиб, унинг традиция ва тажрибаларидан таълим олган Атоий халқ поэзиясини, турли хил қиссаларни ҳам севиб ўрганди ва қиссахонларнинг йиғинларида қатнашди. Бунга, жумладан, унинг «Қиссасин» радифли шеъри далил бўла олади.

Илм-маърифат ва бадиий ижодиёт билан шуғулланган Атоий Балхдами, Ҳиротдами, қаерда яшамасин, «сарою коху айвон ҳожат эрмас» ва «тортма оту тўн учун бу тўққуз айвон миннатин» деб фақирона ҳаёт кечирди. Унинг

Айб этма агар қилса кўнгил нолау зори,
Васлинг ҳавасинда чу менинг зўру зарим йўқ

каби мисралари, шубҳасиз, ўз шахсий ҳаёти билан ҳам боғлиқдир. Бироқ шоирнинг қалби ва табиати бой, унинг ҳар қандай олтину дурлардан ҳам қимматлироқ ижоди — гўзал шеърлари бор. Шунга кўра, шоир бундай дейди:

Қулоқ солсанг Атоий сўзларига,
Нисор эткай санга бу дурри манзум.

Ҳаётни севган ва шодлик-қувноқлик излаган шоир золимларнинг зулмини, инсофсиз ва разил кишиларнинг жирканч кирдикорларини кўриб қаттиқ эзилади, қайғуради. Турли хил алам ва машаққатлар «файласуфу оқил» шоирни «мажнуни шайдо» ҳолига келтиради:

Туно кун бир файласуфу оқиле кўрган киши,
Илғой олмайдур бу кун Мажнуни шайдодин мени.

«Хуштур кишига бўлса муқим ўз ватанида»,— деган Атоий ғам-аламларини тарқатиш ва таскин топиш учун шаҳарма-шаҳар кезишга мажбур бўлади:

Чун сифлалар насиби бўлубтур Ҳироту Тун чун,
Кел, хирқа кий, Атоий, равон бўл Ҳироттин.

Бироқ кулфат ва машаққатлар жўшқин шоирнинг лирик сози ва овозини бўға олмади. У нафис ва дилрабо шеърлар битди, лирик девон яратиб қолдирди.

Атоий девони

Бизга Атоий девонининг ягона қўл ёзма нусхаси маълум, СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланаётган бу қўл ёзма нусха тахминан XVI асрда, сафавийлар даврида яшаган озарбайжонлик бирор котиб томонидан кўчирилган бўлса керак. Қўл ёзмада озарбайжонча талаффузга мослаб битилган айрим сўзлар («бохти»—«боқди», «душти»—«тушти» ва бошқалар) ҳамда қўл ёзманинг табризлик беклар беги Фатҳ Алихон кутубхонасида сақланган бўлиши шундан далолат беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу қўл ёзма Атоийнинг жами 260 ғазалини ўз ичига олади. Бироқ Атоий ғазалларининг сони бундан кўп бўлган бўлиши ва шоир лирик турнинг бошқа жанрларида ҳам шеърлар битиб, уларни девонга киритган бўлиши, лекин бу шеърлар бизгача етиб келган қўл ёзмага кирмаган бўлиши мумкин. Аммо шунга қарамай, девоннинг мавжуд қўл ёзмаси ҳам Атоийни ўзбек дунёвий лирикасининг истеъдодли ва заковатли йирик бир вакили сифатида гавдалантиради.

Атоий ғазалларида дунёвий севгини куйлайди, табиат кўрки ва инсоннинг фазилатларини таъриф ва тавсиф қилади, таркидунёчилик ва бадбинликка қарши курашади, хилма-хил бадиий лавҳалар ва образлар яратади, халқ оғзаки ижоди бойликларидан ва ёзма адабиёт тажрибаларидан фойдаланади, содда, равон, жўшқин ва нафис байтлар тизади.

Атоий лирикаси академик А. Н. Самойлович (Чагатайский поэт XIV века. Атаи. Записки коллегии востоковедов, П, вып. 2. Л. 1927), Э. Рустамов (Узбекская поэзия в первой половине XIV века, М., 1963) ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Ҳаёт ва севги лирикаси

Атоий объектив борлиқни эътироф қилади, коинот ва ҳаётни, инсон ва унинг шодлигини сеҳрли. Баҳор фасли, чаман саҳни, гул иси ва булбул хониши унга завқ-шавқ бағишлайди. У гўзал табиат қўйнида дўстлари билан бирга бўлишни, ёрнинг висолига ва лутф-эҳсонига мушарраф бўлишни истайди:

Кел, эй дилбар, ки бўстон вақти бўлди,
Гул очилди, гулистон вақти бўлди.
Қилай нола, боқиб гулдек юзунгга,
Чу булбулларға афғон вақти бўлди...
Ўқуб гул бахтини мажлисда ҳар дам,
Бўлуб сархуш, гул афшон вақти бўлди...
Муғанниларға булбуллар бикин зор,
Ҳазорон навъи илҳон вақти бўлди.
Бу дамким, гул қилур булбулға алтоф,
Атоийга ҳам эҳсон вақти бўлди.

Баҳор — кўрк ва чирой, туғилмоқ ва унмоқ фасли, у дилрабо фасл. Инсон эса буларнинг ҳаммасидан ҳам янада кўркли ва дилрабо. Ёр — севги, ҳаёт ва инсонга муҳаббатнинг тажассуми. Ёрсиз шоирга на баҳорнинг кўрки ва на унинг завқи-шавқи татийди:

Васлингиз умрум гулидур, шавқида мен андалиб,
Ёз фаслинда бўлур вақти хазон сизсиз манго.
Мен бу юз муштоқидурман, боғу бўстон ким бўлур?
Бўлмасун насрину лола, арғувон сизсиз манго.

Шоир лирикасида дунёвий севги етакчи тема бўлиб қолади, бошқа масалалар унга узвий боғланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Атоийнинг севги лирикасида уч асосий образ: ошиқ, ёр ва рақиб образлари яратилган. Ошиқ — шоирнинг ўзи. У ҳаётни, ҳаёт кўркини севади, ёрнинг ҳусн-жамолига мафтун бўлади, унинг висолига ошиқади. Ошиққа ҳур-парилар эмас, балки ҳаёт маҳбубаси керак. У ёр дудоғидан обиҳаёт топади:

Унуттирди Хизр обиҳаётин,
Ўшал ёқути шакарханд бизга.

Эй беким, валлоҳ, керакмас танда жон сизсиз манго,
Ҳам ҳаёти Хизру умри жовидон сизсиз манго.

Ошиқ ўз ёрига садоқатли ҳамда вафодор:

Кес бошимни, ерга сол, ётсун қаро зулфунг бикин,
Гар назар қилсам юзунгдин ўзга юзга қайрилиб.

Севги ошиқнинг бутун вужуди ва фикр-хаёлини эгаллаб олади, ҳатто уни забун ҳам қилади:

Бўюн сунсам ғамингга айб эмас, ким
Забун айлар муҳаббат шери нарни.

Севги зар-зўр билан эмас, балки самимият ва садоқат билан боғлиқ:

Ошиқ эрмас ул маҳваш, ким тилар зар бирла васл,
Ошиқ улдур, ким висолинг нақдин истар зоридин.

Севги мол-давлат ва мансаб-мартабага қарамайди. Шунга кўра, *ошиқ-шоир*:

Гадомен васлингга, не чора айлай,
Ки султонлар бу иш бечорасидур,—

дейди. Ёр осмон париларидан ҳам, жаннат ҳурларидан ҳам кўркли. Унинг хулқ-атвори ундан ҳам гўзал. У табиат ва ҳаётнинг ҳуснига ҳусн қўшади. Бинобарин, у чордевор зулматида қолиб кетиб, ғунчалигида хазон бўлмаслиги, заъфарондек сарғаймаслиги керак, у қуёшдек оламга зиё таратиши ва ҳусн-жамоли билан «аҳли замона хўблари»ни мафтун қилиши керак:

Кел, эй санам, ки бўлди яна навбаҳору ийд,
Ким хуштурур кишига висолу нигору ийд.
Бир лаҳза ол ниқоб юзунгдин қуёш бикин,
Жамъ айла анжуманда гулу лолазору ийд.
Кел, бениқоб чиққил уюнгдин том устина,
Аҳли замона хўбларини бир уёлдур!

Бу мисралар хотин-қизлар феодал-клерикал асорати остида қолган, эрк-ҳуқуқи поймол қилиниб хўрланган ва таҳқирланган бир шароитда, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёрига вафодор бўлган ошиқ ёрининг ҳам садоқатли ва вафодор бўлишини талаб қилади. Чунки:

Вафосиз дилрабодин тенгри безор,
Агар ҳусн ичра жаннат ҳури бўлса.

Ошиқ ёрнинг вафосизлиги ва марҳаматсизлигидан қаттиқ эзилади, унинг шикоят овози барала янграйди. Бу овозда ошиқнинг яшаган муҳитининг айрим иллатларига — ҳаддан ошган ситам, мунофиқлик, шафқатсизлик ва бошқаларга қарши норозилик кайфиятлари мужассамлашади. Ошиқ билан ёр ўртасига тўғаноқ бўлиб тушган рақиб, ошиқнинг ҳасратига ҳасрат, қайғусига қайғу қўшади. Бинобарин, шоир:

Ё ишқ балоси манга, ё жаври замона,
Ё ёр жафоси манга, ё ғуссайи ағёр,—

деб нолийди. Бироқ буларнинг барчаси ошиқ қалбидаги соф ва самимий севги ҳисларини барбод этолмайди, у ёрига содиқлигича қолади:

Атоийни қиёс этма ўзунгга,
Агар сен ўзга бўлдунг, ул ҳамондур.

«Васл нўши дунёда бўлмас, Атоий, нешсиз» деган шоир кексалик айёмига қадар ҳам севгининг завқ-шавқи ва дард-аламини куйлайди:

Ишқингда қаро бошим оқарди,
Бир боқмади кўз қароқи бирла.

Таркидунёчилик ва бадбинликка қарши кураш

Атоий севги лирикаси билан таркидунёчилик ва бадбинликка, шайх-зоҳидларга қарши шафқатсиз кураш олиб боради. Шайх-зоҳидлар жаннат учун бу дунёдан, ҳур учун ёрдан воз кечишни тарғиб қилар эканлар, Атоий инсон инсон билан қадимдан ҳамдамдир, севги инсоннинг аъло фазилатидир, деб ҳисоблайди:

«Ёр ғамин тарк эт, Атоий!»— дерсан, эй носиҳ, вале
Тарк этарму одаме ҳаргиз қадимий ҳамдамин?!

Атоий «жаннатнинг эски боғи» деб «юзи навбаҳор» ёрдан воз кечмайди:

Саъй этар зоҳид мени жаннатнинг эски боғина,
Мен борурменму юзунгдек навбаҳоримдин йироқ.

Бинобарин, у «ҳуру қусур, кавсару тўби»ларни зоҳиднинг ўзига ҳавола қилиб, дилбарининг висолига ошиқади:

Зоҳидо, ҳуру қусур кавсару тўби санго,
Бизга дилбар васлидур дунёву уқбодин мурод.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоир ҳаётнинг кўрки ва завқ-шавқини жаннатдан эмас, балки ҳаётнинг ўзидан излайди: ҳаёт жаннатдан гўзал бўлгани каби, ёр ва унинг кўрки жаннатнинг неъматлари ва ҳурларидан ҳам гўзалдир. Ёр юзидаги нор жаннат меваларидан лазиз ва тотлидир:

Кўрармен боғи жаннат мевасиндин,
Яноқинг норини юз қатла беҳроқ...

Шоир ёрнинг қад-қоматини, жаннатнинг тўби дарахтидан ҳам вебо ва кўрклидир, дейди:

Тўби йиғочи эски йиғочтур туман иллик,
Ўхшотман они, ким сенга, навбар етилибсен.

Еки:

Учмоқта юз қатла қиёмат бўлур эрди,
Тўбида агар бўлса, бу қомат била рафтор.

Ёрнинг *лаби жаннат кавсари шаробидан* ҳам *ширин* ва тотли бўлиб: у «лаб жоми майи сарқитини» топган ҳурлар ҳам жаннат кавсаридан воз кечадилар, дейди.

Атоийнинг айтишича, ҳатто ёр оғзи мўъжизасини кўрган Исо (Христос)[1] ҳам унга тан бериб, уялганидан кўкка қочиб яширинган:

Оғзингда муъжиз оятин Исо кўруб знёд,
Биздан қочиб ёшурунди кўк ичра уёттин.

Ҳусн-жамолда ёрга тенглашолмаган ҳурлар эса уялганларидан жаннатга қочиб кетганлар:

Ҳусн ичра қусурин билибон то дами маҳшар.
Ёшунди юзунг хижолатидин жаннат аро ҳур.

Модомики, мавжуд ҳаёт жаннатдан, ёр ҳуридан аъло ва афзал экан, биҳишт деган нарса ҳаёт ва ёрнинг ўзидир:

Атоийға биҳишти жовидондир,
Севар ёри била бир лаҳза дийдор.

Ёрсиз жаннатга бориш эса жаннатдан (ер юзидан) дўзахга бориш билан тенгдир:

Бўлса жаннатда Атоий сенсизин, қилғай фиғон,
Олдилар дўзахка деб, фирдавси аълодин йироқ.

---

[1] Диний афсоналарга кўра, Исо дами билан беморларга шифо берган ва ўликларга жон ато қилган эмиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоир «маҳшар»да ҳам тоату тақво билан эмас, балки ёр ишқи билан фахрланишга қарор беради:

Қилсалар маҳшарда эл тақвою тоат бирла фахр,
Мен сенинг ишқинг била қилғумдур ул дам ифтихор.

У ҳатто «дину имоним ҳам ёрим»дир деб айтишга, ҳайитни «намозу рўза» билан эмас, балки ёр қоши меҳробига дуо айтиш билан кутиб олмоқчиман,— дейишга журъат қилади:

Охир дам агар арз қил имон десалар, мен
«Имоним ўшал моҳ!» дегумдур, даги ўлгум.

Ийдгаҳга барча эл элтур намозу рўзасин,
Мен қошинг меҳробина элтай дуодин ийдлиқ.

У Каъба меҳробига ҳам ёрнинг қошу кўзини кўнглига келтириб сажда қилади:

Қилмағай сажда Атоий Каъбанинг меҳробина,
Бўлмоғунча кўнглида ул қошу кўзнинг нияти.

Ёрнинг ҳаётбахш фазилатлари ҳар қандай кишини ҳам мафтун этади, ҳатто муаззин ҳам унга берилиб кетиб, масжидини тарк қилади:

Кўргали қад-қоматингни йўл юрурда ноз ила,
Тарки масжид айлади, бўлди муаззин бе фалоҳ.

Фақат ҳайвон табиат, фаҳму ҳисдан маҳрум бўлган кишиларгина ёки жонсиз мавжудотгина севгисиз бўлади:

Ақли йўқ ҳайвондурур ё фаҳмиҳисси йўқ жамод.
Кимки ҳуснунгни кўруб бўлмаса ҳайронинг, бегим.

Шоир дунёнинг бахт-саодати ва ноз-неъматларини рад этган таркидунёчи шайх-зоҳидларни, ўзларини қонуншунос деб атаган фақиҳларни ва муфтиларни шундай кишилар жумласидан деб ҳисоблайди ва истеҳзо билан улардан кулади. Чунончи:

Бу кун васлингни тарк айлаб, тилар жаннатни зоҳидлар,
Берурлар насяға нақдин, бу не нодон халойиқтур?!

Ишқ рамзидин агар бир қилча фаҳм этса фақиҳ,
Тарк этар эрди қамуқ фатвою қилу қолни.

Бир қилча ишқ ҳолатидин топмади вуқуф,
Муфтийи мадраса, ки иши қилу қол эрур.

Шундай қилиб, Атоий севгини инсон ҳаёти ва фаолиятининг муҳим хусусияти ва шарти, ҳаётга бўлган муҳаббат ифодаси сифатида куйлайди. У кишиларнинг ақл-заковатини заҳарлаб, уларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

«у дунё» учун «бу дунё»дан воз кечишга даъват қилувчи шайх-зоҳидларга бефарқ қараб туролмайди, балки ўзининг тараққийпарварлик фикр-мушоҳадаси ва поэтик қобилияти билан уларга қарши курашади. Инсоннинг инсонга бўлган севгисини куйлаш бу курашнинг жуда ўткир воситаси эди, чунки шоир шайх-зоҳидларнинг «жаннат ва ҳурлар»ни мақташларига ҳаётнинг ва ҳаёт маҳбубасининг мақтовини қарши қўйиб, шу восита билан тарки-дунёчилик ва бадбинликнинг бемаънилигини фош қила олар эди.

Шу билан бирга, Атоий шайх-зоҳидларга қарши курашда ўзидан олдинги прогрессив шоирларнинг традицияларини давом эттириб, май образидан ҳам яхши фойдаланади ва уни ҳаётга муҳаббат, шодлик ҳамда қувноқликка интилишнинг рамзи сифатида қўллайди. Шоир зодагонлар томонидан «гадо» деб таҳқирланган кишиларнинг зодагонлардан кўра олий ҳиммат эканликларини таъкидлаб, шундай дейди:

Э саховат даъви қилғон жумла ному нанг учун,
Кел, даме майхонада кўргил гадолар ҳимматин.

Шоир ҳаётга муҳаббатни куйлар экан, жаннат ва дўзахга, тоат ва ибодатга нисбатан баъзан бир скептик сифатида ёндашиб, айрим антиклерикал кайфиятларни ҳам илгари суради. Бироқ шоирдаги бу кайфият динни инкор этиш заминида эмас, балки ҳаётга муҳаббатни рад қилувчи айрим диний-хурофий тушунчаларга ва, хусусан, реакцион тасаввуф қарашларига қарши кураш заминида туғилган эди. Шоир гарчи жаннат ва дўзахни инкор этмаса ҳам, шайх-зоҳидларнинг «у дунё» учун «бу дунё»дан воз кечиш таълимотига қарши кескин курашиш мақсадида, мавжуд дунёни жаннатга қарама-қарши қўйиб, инсон ҳаёти учун энг зарури ва афзали шу дунёдир, бинобарин, уни севмоқ ва қадрламоқ керак, дейди.

Ижтимоий норозилик мотивлари

Атоий девонида бевосита ижтимоий ҳаёт масалаларига бағишланган шеърлар бўлмаса ҳам, унинг севги лирикасида яшаган даврининг ижтимоий муносабатларига доир фикр-мулоҳазаларини акс эттирувчи алоҳида парчалар мавжуддир. Уларда шоир ҳукмрон синфнинг ҳаётий манфаатларига қарши фикр юритмайди, феодал эксплуатациясининг моҳиятини танқид қилмайди. Шунга қарамай, ўз даврининг маърифатпарвари ва пешқадам шоири сифатида баъзан подшоларнинг зулмидан, босқинчилик урушларидан, зодагонларнинг зулми ва кибр-ҳавосидан шикоят қилади ва мазлумларнинг муҳтожлиги ва ночорлигига ачинади. Бундай норозилик мотивлари ишқий лирик шеърнинг мазмунига моҳирлик билан сингдирилади, сўз гўё ёр ҳақида бораётгандек кўринади, лекин «ёрдан шикоят» замирида ижтимоий норозилик кайфият-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари ифодаланиб, «бевафо» ва «золим» сингари сўзлар шоҳ ёки султонга нисбат берилади.

Шоирнинг айтишича, ёр ошиқнинг кўз ёши ва нола-фарёдига раҳм-шафқат қилмайди, чунки бағри тош ёр шафқатсиз подшога ўхшайди:

Ёр чун фарёдинга етмас, таҳаммул қил кўнгул,
Додни кимдин тиларсен, подшо раҳм айламас!

Мутакаббир ёр ошиққа қайрилиб боқмайди, чунки у ҳусн султони, ошиқ эса бир гадодир:

Юз Атоийдек гадое ўлса, қайтиб боқмағай,
Бу димоғу кибр ким, ул ҳусн султониндадур.

Ёр шафқатсиз. У, золим ва босқинчи ҳукмдорларнинг қўшини эл-юртларни босиб олиб, кишиларни асир қилиб, мол-мулкларини тортиб олгани каби, кишиларнинг кўнглини бузади:

Ишқ мулкинда асир этган мўғул ўлжасидек,
Хаста кўнглумки Хито-Чин кўзлари яғмосидур.

Шоир ғариб ва мискин кишиларнинг аҳволига ачинади. У ошиқ (ўзи) ва рақиблар ўртасидаги зиддият ҳақида сўзлар экан, муҳтож ва йўқсул кишиларнинг аҳволидан шундай шикоят қилади:

Эшикта итларинг манго миннат қилурлар, оҳ,
Ҳеч кимса бўлмасин кишининг нону ошида,

Таънадин қовмас[1] Атоийни эшикидин рақиб,
Ҳеч гадое ит урса, эшикни қўюб кетмас, бегим.

Бироқ Атоий феодал зулми остида хонавайрон бўлган меҳнаткаш омманинг ижтимоий норозилик кайфияти ва исёнкорлик руҳини изчил ва тўла акс эттиролмади. Гарчи у киноя билан:

Ғариб[2] ёрур гадони сўрмоқ, э шоҳ,
Сўрарлар жумла олам муътабарин,—

деса ҳам, яна ҳукмрон табақаларнинг лутф-карами ва раҳм-шафқатига кўз тутиб:

Мен баси мискинмену сиз ҳусн ила асру ғани,
Айб эмас кўз тутса мискинлар тавонгардин мурод,—

дейди. Шоир ижодидаги бу зиддият у яшаган давр учун табиий бир ҳол эди.

[1] *Қовмас* — қувмас. [2] *Ғариб* — таажжуб, қизиқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Атоийнинг санъаткорлик маҳорати

Атоий ғазал жанрининг устоз санъаткорларидандир. У ғазалларида кишининг хилмахил ҳис-туйғуларини, ҳаёт завқи, севги шавқи, ҳижрон алами ва висол иштиёқини, таркидунёчиларга қарши ғазаб ва нафрат туйғуларини моҳирлик билан ифодалайди.

Атоийнинг кўпчилик ғазаллари, бошқа ўзбек классик шоирларинiки сингари, 7 байтли ғазаллардир. Атоийнинг ғазаллари орасида «Ул санамким сув яқосинда паритек ўлтурур», «Жамолинг васфини қилдим чаманда» ва «Бу ҳусну малоҳатки бизнинг ёрда бордур» каби бир неча воқеабанд ғазаллар ҳам бор.

Атоийнинг ғазаллари рамал, ҳазаж ва бошқа баҳрларда яратилган. Девонидаги 260 ғазалдан 109 таси, академик А. Самойлович таъкидлаганидек, рамали мусаммани мақсур (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) вазнида битилган. Бу баҳр ўзбек классик поэзиясида жуда кенг тарқалган бўлиб, «туркий» деб юритилган ўзбек халқ қўшиқлари шу баҳрда ижод қилинган. Бу ҳақда Алишер Навоий «Мезонул-авзон» асарида «яна сурудедуркким, ани «туркий» деб турлар ва ул ғоятдин ташқари дилписанд ва руҳафзо ва ниҳоятдан мутажовиз айш аҳлига судманд ва мажолис оро суруддур... ва ул доғи рамали мусаммани мақсур вазнида воқедур...»,— дейди.

Атоий қофия ва радифда ҳам хийла яхши натижаларга эришади. У айниқса «оч — суймоч — соч — қоч — қиймоч», «кеч-кеч — сеч-сеч» каби янги, равон ва мусиқий қофиялар яратишда муваффақият қозонади. Атоий қўллаган радифлар эса мисраларнинг мазмунини бойитиш ва чуқурлаштиришга ҳамда уларнинг равонлиги ва мусиқийлигига хизмат қилади. Бу жиҳатдан айниқса:

«Эй орази шамсу қамарим, нетти, не бўлди?
В-эй тишлари дурру гуҳарим, нетти, не бўлди?»

матлаъли ғазал диққатга сазовордир. Бу ғазалдаги «нетти, не бўлди?» радифи ички ҳис-туйғуларни тўлароқ ифодалашга ҳамда мисраларнинг бадиий соддалигини ва оҳангдорлигини кучайтиришга ёрдам беради.

Бироқ, Навоий таъкидлаганидек, Атоий баъзи ўринларда қофияга етарли эътибор бермайди, оч қофиялар ишлатади.

Атоий шеърларида турли хил бадиий усулларни, тасвирий воситаларни қўллаб, оригинал бадиий лавҳалар ва образлар яратади. Ҳаёт ва дунёвий севгининг жўшқин куйчиси бўлган Атоий реал ҳаётни «у дунё»га, ёрни ҳурга, ошиқни шайх ва зоҳидларга қарама-қарши қўйиб, булардан бирини эътироф қилади, улуғлайди, иккинчисини рад этади ёки аччиқ танқид қилади. Шоир бундай ўринларда контраст усулидан моҳирлик билан фойдаланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Сўрса малакулмавт: «Санга ҳур керак?»— деб,
«Йўқ-йўқ, менга дилхоҳ!»— дегумдур, даги ўлгум.

каби контраст усули билан яратилган мисраларда ҳаётийлик янада чуқурроқ ва жўшқинроқ ифодаланган. Шоир зулм-зўрликка қарши инсоф ва марҳаматни, бевафоликка қарши вафо ва садоқатни куйлар экан, яна контраст усулига мурожаат қилади. У ҳатто ҳазил-мутойиба тарзида айтилган мисраларда ҳам контраст усулини қўллаб, енгил кулгига бирмунча жиддийроқ тус беради.

Масалан:

Гаҳи, ки босса аёғин юзумга, нов ила дер:
«Аёғим оғриди, не бурё[1] эмиштуксен».

Юзига кўп тика боқсам, манга кулуб айтур:
«Атоий, не кўзи тўймас гадо эмиштуксен?!»

Атоий ёр портрети тасвирида ва ошиқнинг ички кечинмалари баёнида оригинал ўхшатиш, киноя, муболаға, тажоҳули орифона, лаф ва нашр каби турли тасвирий восита ва усуллар яратади.

Мисоллар.

Ухшатиш:

Кирпикинг новакларидин соқлонур кўнглум, вале,
Бир отиб, ёзмас нишонин икки айёринг кўруб.

Сенинг сиймин танингнинг ҳасратидин,
Кўзумнинг ёшини сиймоб-дерлар.

Киноя:

Йиғлаб юзунгуздан олайин зулф ниқобин,
Гул яхши очилмас кечалар ёғмаса ёмғур.

Бинафша қилса зулфунг бирла даъво,
Эгилди бўйни елдин, кўп еди кож.

Муболаға:

Қилни икки ёрмишу қилмиш азалда бир қалам,
Белингиз тасвирини қилғонда наққошинг, бегим.

Кўзларим дарёсидин ҳар дам хаёлинг кечкали,
Кирпикимнинг хасларидин боғламишмен солни.

Тажоҳули орифона:

Ёраб ул оразмудур ё лола аръар устина,
Ё шақойиқ баргидур сарви санубар устина?

[1] *Бурё* — бўйра.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эй бегим, ушбу юз, дегул, шамс била қамармудур?
Эй бегим, ушбу сўз, дегул, шаҳд била шакармудур?

Лаф ва нашр:

Жамолинг равзаи боғи жинондур,
Лабинг сарчашмаи руҳи равондур.
Сочинг сунбул, юзунг сарву санубар,
Кўзунг наргис, яноғинг арғувондур.
Белинг, оғзинг сўзи ҳар қайда бўлса,
Хаёли нозуку рамзе ниҳондур.

Қайсари Рум ой юзунг, мушкин сочинг хоқони Чин,
Шоҳи Ҳиндистон менгинг, султони Туркистон кўзунг.
Гарчи оҳуйи Хўтандур бехато билмон недин,
Чину Мочин лолазоринда қилур сайрон кўзунг.

Атоий омоним сўзлар ва турли бирикмалар воситаси билан чиройли сўз ўйинлари ясайди ва бундай шеърий парчалар ўзбек адабиётининг оригинал жанрларидан бири бўлган туюқларга хос хусусиятни намойиш қилади.

Мисоллар:

Десангким: «Жон сипар қилғил, Атойим!»
Турубмен ушмуноқ ўлдур, от ойим!..

Юзунгни, эй малоҳат хони, бир оч,
Тўя кўрсун сени бу мустаҳиқ оч.

Шоир сўз ўйинларидан ташқари, арабча ёзувдаги ҳарфларнинг шаклидан ҳам фойдаланиб, оригинал лавҳалар яратади. Чунончи:

Жими зулфунг, нун қошинг қасди жон айлаб эди,
Боқи бўлсун, лутф этиб кирди алиф қаддинг аро.

Бу байтда «жон» « جان » сўзи ҳарфларга бўлиниб, зулф «жим» « ج »га, қомат «алиф» « ا » га, қош «нун» « ن » га ўхшатилади ва шоир ёрнинг зулфи, қоши ҳамда қоматидан «жон» сўзини ясайди.

Мим оғзи била зулфи қадди лом алифидин,
Эй вой, нетай, хаста кўнгул қолди аламға.

Бу байтда шоир «хаста кўнгулнинг аламга қолиши» сабабини ёрнинг «мим»га ўхшаш оғзи (араб ёзувида «м» ҳарфи « م » шаклида ёзилиб, унинг тўғарак қисми жуда кичик бўлгани учун оғиз «мим» « م »га ўхшатилади), «лом»га ўхшаш зулфи (қайирма зулф «л» ҳарфининг арабча шакли — « ل » га ўхшатилади) ва «алиф»га ўхшаш қомати (араб ёзувида «а» ҳарфи « ا » шаклида бўлиб, қад-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қомат алифга ўхшатилади) деб изоҳлайди ва бу ҳарфларнинг шаклидан алам «ا» сўзини ясайди.

Ҳарфларнинг ёзилиш шакли асосида ўхшатишлар яратиш, шубҳасиз, каллиграфия санъати билан боғлиқ ҳолда вужудга келган.

Бироқ Атоий ғазаллари айрим бадиий нуқсонлардан ҳам холи эмас. Шоир бадиий образлар яратишда реал ҳаёт лавҳаларига кам мурожаат қилиб, абстракцияга берилиб кетади,айрим образлар ва лавҳалар деярли ўзгаришсиз ғазалдан ғазалга кўчиб боради, қоматни «тўби»га, тишни «дур»га ўхшатиш каби традицион тасвирий воситалар қайта-қайта қўлланилади ва ҳоказо.

Атоий ва халқ оғзаки ижоди

Атоийнинг адабий мероси унинг халқ оғзаки ижоди асарларини яхши билганини, уларни севгани ва ғоявий-бадиий бойликларидан самарали фойдаланганини кўрсатади. Атоий айрим ғазалларини бевосита халқ оғзаки ижоди таъсири остида яратди. Бунга, жумладан:

Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклукиндин сув била ютса бўлур

матлаъли ғазал ёрқин далил бўла олади. Бу ғазалда шоир халқ эртакларидаги «сув париси» образини яратади па халқ оғзаки ижодидаги «сув қизи»га ишора қилиб:

Эмди билдим рост эрмиш, балки кўрдим кўз била,
Улки дерлар сув қизи, гоҳи кўзга кўрунур,—

дейди.

Атоий айниқса халқ мақоллари ва халқ таъбирларига катта эътибор беради. У халқ донишмандлигининг ифодаси бўлган мақолларга мурожаат этиш билан ўз ғазалларининг мазмунини ҳам, тили ва бадиийлигини ҳам бойитади. Шоир халқ мақолларини айнан келтиради ёки уларнинг мазмунини сақлагани ҳолда формасини шеърий мисраларга мувофиқлаштиради, айрим ғазалларида бир эмас, бир неча мақоллар ишлатади.

Мисоллар:

Юз сори бўлди равон икки кўзимдин жўйбор,
Сарви дилжўюм не бўлди бир буён қилсанг гузор.

Сен ўшал султони ҳуснсен, ки бўстонлар аро,
Давлатингдин гул эшигин ел очибон ел ёпар.

Бўлди бағрим сув ғамингдин, яхшилик қил, сол суға,
Охир эй гул, хирманни, албатта, ҳар эккан ўрар.

Қилди жонимға мени ширин лабинг завқи бале,
Бу масалдурким, киши бол тутса, бармоғин ёлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Давлатингдин кўкка етти борча қулларнинг боши,
Ушбу не толеъдур, ойим, **бизга етсанг тонг отар?**

Оғзингизни ҳар неча сўрдум, тиладим, топмадим,
Гўйё бу сўз ғалатдурким, **тилаганлар топор.**

Зулфунгиздин гар Атоий бошқа кўрса на ажаб,
Ким, кўрармен, **бир синоғоини яна икки синор.**

Ғанимат тут жамолу ҳусн даврин,
Масалдурким, **яна бу дам топилмас.**

Рақибу зоҳид оҳимдин куярлар,
Бале, ўт куйдурур ҳар хушку тарни.

Севса агар Атоий рақибини ажаб эмас
Ким, **эгасин оғизлар, итига сўнгак солур.**

Лаълидин бағринг қонин ҳар дам Атоий сўрмаким,
Чун аримас ҳар нечаким, **ювсалар қон бирла қон.**

Васл нўши дунёда бўлмас, Атоий, **нешсиз**

ва бошқалар.

Атоий халқ қўшиқларининг соддалиги, равонлиги ва мусиқийлигидан ҳам илҳомланди, уни ўрганди. Унинг 260 ғазалидан 109 ғазалнинг «туркий» деб номланган халқ қўшиқлари вазнида яратилиши бунга ёрқин далилдир. Атоийнинг кўпгина ғазаллари халқ қўшиқларига хос бўлган жўшқинлик, соддалик ва равонлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунга кўра ҳам унинг айрим ғазаллари шу кунга қадар куйга солиб айтилмоқда.

Халқ оғзаки ижодининг Атоий ғазалларига таъсири ўзбек дунёвий адабиёти тараққиётининг энг муҳим манбаларидан, бой чашмаларидан бири халқ оғзаки ижоди эканини яна бир карра кўрсатади.

Ўзбек дунёвий адабиёти тараққиётида шоир Атоийнинг ўрни

Атоий ўзбек дунёвий адабиётининг Навоийга қадар етишган атоқли намояндаларидан биридир. У ўз бадиий ижодини реал ҳаётни, инсоннинг инсонга бўлган севгисини куйлашга бағишлади, ўрта аср реакциясининг энг чиркин иллатларидан бўлган таркидунёчилик ва бадбинликка қарши шафқатсиз курашди. Шоир севгининг завқ-шавқини, ёрнинг ҳусн-жамолини, ҳижрон аламларини нозик ва ранг-баранг лирик ҳис-туйғулар билан тасвир этди. У янги, оригинал образлар яратишга, «назм денгизининг тубига шўнғиб, шеърий дурлар» теришга интилди:

Назм баҳрина чўм, қаърина ет дуртек, Атоий,
Дарё юзина чун хасу хошок керактур.

Шоир бадиий маҳоратда яхши натижаларга эришиб, даврининг пешқадам санъаткорларидан бири бўлиб етишди ва Алишер Навоийнинг эътибори ва ижобий баҳосига мушарраф бўлди. Атоий

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўз шеърлари билан китобхонлар ва адабиёт аҳллари ўртасидагина эмас, балки созандалар ва ҳофизлар орасида ҳам шуҳрат қозонди. Шунга кўра ҳам у:

Гар ўқур хонанда мажлисда Атоий шеърини,
Зуҳра чанг қўбсор, қилур шамсу қамар эавқу чароқ,—

деган эди.

Атоий ўзидан олдинги атоқли сўз санъаткорлари билан ижодий мусобақа қилди ва маълум муваффақиятларга эришди.

Атоий деярли дунёвий севги темаси билан чегараланиб қолди, у баъзан яшаган муҳитининг ижтимоий воқеликлари ҳақида фикр юритса ҳам, уларни етакчи тема қилиб олмади. Бу Атоий ижодининг бадиий қимматига ҳам маълум даражада салбий таъсир этди. Бироқ, шунга қарамай, Атоий ижоди ўзбек дунёвий адабиётининг тараққиётида прогрессив ҳодиса бўлди ва Навоий каби улуғ санъаткорнинг етишувига маълум даражада замин тайёрлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

САККОКИЙ

Ҳаёти ва фаолияти Атоқли лирик шоир Саккокийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида жуда оз маълумот сақланиб қолган. Саккокийнинг ўз девони ва Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» ва «Хутбаи давовин» асарлари унинг яшаган даври, адабий фаолияти ва XV аср адабий ҳаётида тутган ўрни ҳақида бирмунча маълумот беради. Шу билан бирга, шоир Яқиний ўзининг «Ўқ ва ёй» мунозарасида Саккокийни «турк (ўзбек) шоирларининг мужтаҳиди (ғайратлиси)» деб таърифлайди.

Саккокий мовароуннаҳрликдир. У темурийларнинг пойтахт шаҳарларидан бўлган Самарқандда яшади ва ижод этди. Саккокий девонидаги:

Дашт әлидин Ҳожи Тархонға етушса бу ғазал,
Тарк этар қар байтига өсуда дунёсин Сарой

байти унинг бошқа ерларда ҳам бўлганини кўрсатади. Бироқ бу байтдаги Дашт эли Дашти Қипчоқми, Бухоро яқинидаги Даштакми, Самарқанд Даштаки болосими ёки бошқа бирор жойми — аниқ эмас.

Саккокий шоирнинг тахаллуси бўлиб, унинг асл номи маълум эмас. Саккокий сўзи «саккок» (пичоқчи) сўзидан олинган. Бинобарин, шоир ҳунарманд оилада туғилган деб фараз қилиш мумкин. Саккокий XIV асрнинг иккинчи ярмида, эҳтимол, XIV асрнинг охирги чорагида туғилган. Чунки унинг девонида ҳижрий 810 (1407 — 1408) йилда Амир Темурнинг набираси подшо Халил Султонга (1405—1409) бағишлаб ёзилган бир қасида бўлиб, унда:

Тариҳқа саккиз юз доғи ўн әрдию қадр ахшоми,
Бир ой туғулди дунёда ким мамлакатда хон әрур.

Бу қадр туни иззату қадр эмди даъво қилса ҳам,
Чун шоҳзода мақдами даъвосина бурҳон әрур.

Лаълу жавоҳир сочилар шаҳ хизматида, мен доғи
Келтурдим шу сўз гавҳарин ким ўз-ўзига кон әрур,—

деган мисралар бор. Шоир, шубҳасиз, бу қасидани маълум ижодий тажриба тўплаган чоғида, чамаси 30 ёшларида яратган бўлиши керак. Зероки, қасида лирик турнинг хийла мураккаб бир жанри бўлиб, одатда, у билан ҳаваскор шоир эмас, балки тажрибали шоир шуғулланар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саккокийнинг ижоди, хусусан, Улуғбек ҳукмдорлик қилган даврда (1409 — 1449) камол топди. Маълумки, Улуғбек маърифатпарвар подшо ва буюк олим бўлиб, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига ҳомийлик қилган. Унинг саройида бир қанча шоирлар тўпланган эди. Саккокий мана шу шоирлар жумласидан бўлиб, унинг ижодий фаолияти Улуғбек билан яқиндан боғлиқдир. Саккокий Улуғбекка бағишлаб қасидалар яратади, уни маърифатпарвар подшо сифатида шарафлайди ва бу билан Улуғбекнинг душманларига қарши курашади.

Саккокий Улуғбекка бағишлаб ёзган бир қасидасида фахр билан:

Фалак йиллар керак сайр этсаю келтирса илкига,
Менингдек шоири турку сенингдек шоҳи донони,—

деган эди.

Саккокий XV аср ўрталарида вафот этган. Навоий Самарқандда бўлган йилларида (1465 — 1469) Саккокийнинг мухлислари билан учрашгани ва суҳбатлашганини баён қилади.

Саккокий истеъдодли лирик шоирлардан биридир. У ўзбек ва форс-тожик адабиёти тажрибаларидан таълим олди, уларнинг традицияларини давом эттирди ва ривожлантирди, ўзбек классик адабиётига муносиб ҳисса қўшиб, кўпгина ғазаллар ва қасидалар яратди. Ғазалда санъаткорлик маҳоратини яхши эгаллаган Саккокий ўзбек қасидачилигининг асосчиларидан бири бўлди. Навоий «Хутбаи давовин»да ўзбек шоирларидан Саккокий ва Лутфийнинг китобхонларга манзур бўлиб, шуҳрат қозонгани ҳақида бундай дейди:

«Уйғур иборати фусаҳосиндин ва туркий алфозининг булағосиндин Мавлоно Саккокий ҳам Лутфийларким, бирининг ширин абётининг иштиҳори Туркистонда беғоят ва бирининг латиф ғазалиётининг интишори Ироқ ва Хуросонда бениҳоятдурур ва девонлари мавжуд бўлғай». Демак, Саккокий Туркистон, яъни Мовароуннаҳрда жуда шуҳрат қозонган шоирлардан бўлган. Унинг шеърлари, хусусан, Самарқанд китобхонларига манзур бўлган. Бироқ Саккокий ижодининг айрим мухлислари адабий рақобатчилик билан Лутфийга туҳмат қилганлар ва Лутфий Саккокий шеърларини ўзлаштириб, ўз номига нисбат берган деган овозалар тарқатганлар. Навоий бу бемаъни овозаларни рад этиб, «Мажолисун-нафоис»да бундай дейди:

«Мавлоно Саккокий — Мовароуннаҳрдиндур. Самарқанд аҳли анга кўп муътақид[1]дурлар ва бағоят таърифин қилурлар. Аммо фақир Самарқандда эрканда муаррифларидин ҳар неча тафаҳҳус қилдимким, анинг натоиж таъбидин бир нима англайин, таъриф қилғонларича нима зоҳир бўлмади.

[1] *Муътақид* — эътиқодли.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Борчадин қолсалар сўзлари будурким, Мавлоно Лутфийнинг борча яхши сўзи анингдурким, ўғурлаб, ўз отиға қилибдур. Ул ерларда бу навъ ўхшаши йўқ, мазасиз мукобаралар гоҳи воқиъ бўлур»... Навоий буюк адабиётшунос ва объектив мунаққиддир. У Саккокий ижодини ҳеч бир камситмайди. Бунга «Хутбаи давовин»даги маълумот ва баҳо кифоядир. Бироқ у адабиёт аҳллари ижодига ғараз билан қараш ҳодисаларига чидаб туролмас эди. Бинобарин, у айрим шеър мухлисларининг Саккокий ижодини муболағалар билан таъриф қилишларини маъқулламайди ва, хусусан, унинг таърифини ошираман деб, Абдураҳмон Жомий ва бошқа сўз усталари томонидан юксак баҳоланган ҳамда Навоийнинг ўзи «Маликул-калом» («Сўз подшоси») деб таърифлаган Лутфийга бемаънилик билан туҳмат қилинишини қаттиқ қоралайди.

Саккокий девони

Саккокий девонининг бир неча қўл ёзма нусхаси маълум. Жумладан, Лондонда, Британия музейида унинг тахминан XVI аср ўрталарида кўчирилган бир нусхаси ва Тошкентда, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида 1937 йилда Шоислом котиб томонидан қандайдир манба асосида кўчирилган нусхаси сақланмоқда. Бу нусхалар бир-биридан у қадар катта фарқ қилмайди. Бироқ улардан бирортаси ҳам Саккокий девонининг тўла ва мукаммал нусхаси эмас. Уларда Саккокий ғазалларининг фақат бир қисмигина берилган, холос.

Саккокий девони, ўз даврининг анъаналарига мувофиқ, худога бағишланган ҳамд ва наът билан бошланади. Кейин 10 қасида берилади: бир қасида — нақшбандий шайхларидан Хожа Муҳаммад Порсога, бир қасида — Халил Султонга, тўрт қасида — Мирзо Улуғбекка ва тўрт қасида — Арслонхўжа тархонга бағишланади. Қасидалардан кейин ғазаллар бошланади. Бироқ нусхаларда «алиф»дан тортиб «нун»га қадар бўлган ғазаллар йўқ. Девоннинг ғазаллар қисми радифи (ёки қофияси) «н» билан тугалланувчи икки ғазал билан бошланади. Шундан кейин ғазаллар алифбе тартибида давом этади. Бироқ унда «в» билан тугалланувчи ғазаллар йўқ. Девон « ى» — «й» ва «и» билан тугалланувчи 40 ғазал билан битади.

Шундай қилиб, Саккокийнинг лирик мероси тўла сақланиб қолмаган ёхуд девонининг мукаммал нусхалари ҳозирга қадар номаълум бўлиб келмоқда.

Саккокий ғазаллари

Ғазал Саккокий лирикасининг етакчи жанридир. Атоий ғазаллари каби, Саккокий ғазалларининг ҳам асосий темаси севгидир. Саккокий инсоннинг инсонга бўлган самимий севгисини куйлайди ва шарафлайди. Бу севги ҳаётга, унинг завқ-шавқи, табиат кўрки ва эзгу инсоний хислатларга бўлган меҳр-муҳаббат билан узвий боғланади. Шоир дунёвий севги темаси билан шайх ва зоҳидларга, уларнинг бад-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бинлик ва тарки дунёчилик интилишларига қарши курашади. У «жаннат» ва унинг ноз-неъматлари хаёли билан дунёнинг завқ-шавқидан, ҳаётнинг лаззатларидан воз кечган зоҳиддан истеҳзо билан кулиб:

Мен сенинг қадингга мойил, тўбиға зоҳид, бале,
Бўлур ўз андозасинча ҳар кишининг ҳиммати,—

дейди. Ҳаёт жаннатдан, ёр ҳурдан, сарв тўбидан, шароб кавсардан устун ва авлодир. Шайх-зоҳидлар дин ва тасаввуфга қанчалик эътиқод қилмасин, тоат-ибодатга қанчалик берилган кишилар бўлмасин, барибир ҳаёт, ёр ва севги уларни енгади, дейди:

Кўзунгни кўрса зоҳид йўлдин озғай,
Нечаким бўлса маҳкам дин ичинда.

Лабинг майи била усрук кўзунг кўруб зоҳид,
Кабоб қилди жигарнию ўрни — майхона.

Зоҳид кўзунг, қошинг кўруб юзин аюрди қибладин,
Қутулмади бу фитнадин ул неча тазвир айлади.

Зоҳидеким кўрди зулфунг куфрин, имондин кечиб,
Бўйнида тасбиҳини белига зуннор айлади.

Саккокий ғазалларида уч образ: ошиқ, ёр ва рақиб образлари яратилади. Ошиқ — шоирнинг ўзи. У самимий ва садоқатли киши. Ёрнинг висолига ошиқади, ҳижрон азоби билан ўртанади. Севгининг завқ-шавқи ва ёрининг лутф-иноятини орзу қилган ошиқ турли-туман монеликларга, алам-уқубатларга гирифтор бўлади. Бинобарин, машҳур лирик шоир Ҳофиз Шерозий:

Аё соқий, сунуб жоминг қил эҳсон, яшнасин диллар,
Кўринди аввал ишқ осону сўнгра тушди мушкиллар,[1]—

деганидек, Саккокий ҳам:

Ишқ ишин Саккокий аввал билмайин осон кўриб,
Охири ўз жонининг ишини душвор айлади,—

дейди.

Бироқ ошиқ монеликларга дучор бўлса ҳам, ишқдан чекинмайди, сабр-матонат билан ҳар қандай қийинчиликка қарши курашга шайланади. Фарҳод Ширин ишқида «кўҳкан» бўлса, у «жонкан» бўлишга аҳд қилади:

Агар Ширин учун Фарҳод ишқи кўҳкан бўлса,
Нетонг Саккокий ҳам, жоно йўлунгда жонкан бўлди.

---

[1] *Хуршид таржимасидан.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоирнинг тасвирида ёр — гўзал, латофатли ва дилрабо. Унинг ҳусн-жамоли ой ва қуёшдан, чаманзор гулларидан ҳам зиёда. Ёрнинг қоматига на сарв ва на тўби, на шамшод ва на санубар, унинг оғзига на писта ва на ғунча, лабига на лаъл ва на ёқут, кўзига на оҳу кўзи ва на наргис, зулфига на сунбул ва на райҳон тенглаша олади. Шу билан бирга, ёр ошиққа ҳаёт ва умид, шодлик ва қувноқлик бағишлайди, у беморга шифо, ўликка жон ато қилади.

Шоирнинг ўйлашича, ёр фақат ташқи гўзаллиги билангина эмас, балки маънавий чиройи билан ҳам ошиқни мафтун қилади, бироқ ёр раҳм-шафқат, лутф-карам, вафо ва садоқатда изчил эмас. У ошиққа жабр-ситам қилади, ваъдасига вафо қилмайди, кибр-ҳавога ва мутакаббирликка берилади; босқинчи лашкар мамлакатларни таласа, ёрнинг «зулф лашкари» жон мулкини ғорат (барбод) қилади, турраси (кокили) кўнгил шаҳрида ғавғо қўзғайди:

Турранг кўнгул шаҳринда кўп ошубу ғавғо қунқориб,
Жон мулкини ғорат қилур ҳар лаҳза зулфунг лашкари.

Шоирнинг айтишича, ошиқнинг дили ва ниятини тушуниб етмаган шафқатсиз ёр уни хўрлайди, жабрлайди:

...Ҳар гадонинг зоҳирин кўрсанг паришон зинҳор,
Сен ани хўр кўрмагил, маълум эмас нийяти.

Ошиқ ёрининг бу нуқсонлардан соқит бўлишини истайди ва унга мурожаат қилиб:

Билурсенким кечар дунёйи фони,
Қулунғға қилмагил жавру жафони.
Басе кўп ваъдалар қилдингу бординг,
Кел эмди ваъдаға қилғил вафони,—

дейди.

Шоирнинг ёрдан шикояти, шубҳасиз, чуқурроқ ва кенгроқ ижтимоий моҳиятга эга бўлиб, у феодал муҳитнинг айрим иллатларига қарши, қўшинларнинг таловчилиги, айрим зодагонларнинг мутакаббирлиги ва мунофиқлигига қарши норозилик кайфиятларини ифодалайди. Бу норозилик кайфиятлари рақибга қарши қаратилган мисраларда бирмунча кенгаяди ва чуқурлашади.

Шоирнинг тасвирида рақиб — одамгарчилик хислатларидан маҳрум бўлган, мунофиқ ва фитначи кишиларнинг мажозий образидир. У кишиларнинг иноқлигига рахна солади, уларнинг тотув муносабатларини бузади, иғво ва туҳмат қилади, дашном беради, таҳқир этади. Рақиб ит табиатдир:

Тишлар қопинга борсам эшикингга гадо теб, 8
Итликни магар қилди ул ўзина қабола.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёр унинг макр-ҳийласига алданмаслиги ва тузоғига гирифтор бўлмаслиги керак. Бинобарин, ошиқ ёрига мурожаат қилиб, шундай дейди:

...Тангрилиқ бўлғой рақибни мажлисингдин қовласанг,
Ҳайф эрур худ одамий сақ бирла бўлса ошной.
Сен бу кундин сўнг ҳукм қил, ўз мақомин сақласун,
Не қилар чангу чағона[1] орасида карраной[2].

Шундай қилиб, Саккокий ўз ғазалларида дунёвий севгини, вафо ва садоқатни, шодлик ва қувноқликни куйлайди, мунофиқлик ва разилликни, вафосизлик ва мутакаббирликни қоралайди. Саккокий ғазалларининг бу ғоявий мотивлари унинг қуйидаги ғазалида мужассамлашиб, гўё у шоирнинг қалби ва орзу-тилакларини ифодалайди:

Агар қошимда ўшал гулузор бўлса эди,
Ғаме йўқ эрди, ғамим гар ҳазор бўлса эди.

Жоним фидоси анинг, кошки бу таним
Оти туёқидин учқон ғубор бўлса эди.

Кўзим боғир қонидин юз нигор қилмас эди,
Агар кўнгулга мувофиқ нигор бўлса эди.

Бирор кўнгул ғамидин бўлса эди воқиф дўст,
Не қайғу, душман агар сад ҳазор бўлса эди.

Ўларда қолмагай эрди кўнгулда бу ҳасрат,
Рақиб ит бикин эшигина зор бўлса эди.

Жонимға саҳл эрур эрди, жафоси ёрнинг,
Агар кўнгул била ул ёр ёр бўлса эди.

Рақиб тишламас эрди сени, эй Саккокий,
Анинг итича сенга эътибор бўлса эди.

Саккокий ўзбек дунёвий адабиётига севги лирикасининг ғоявий мотивлари билангина эмас, балки, айни чоқда, санъаткорлик маҳорати билан ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Уста сўз санъаткорларидан таълим олган шоир ошиқнинг турли хилдаги ички кечинмаларини, унинг орзу-умиди ва норозилик кайфиятларини, шодлиги ва қайғусини, муҳаббати ва нафратини, ёрнинг ҳусн-латофати ва ноз-карашмасини, лутф-карами ва истиғносини, рақибнинг мунофиқлиги ва сурбетлигини тасвирлашда янги образлар, оригинал тасвирий воситалар яратишга интилади, тазод, таносуб, жонлантириш, лаф ва нашр каби усуллардан фойдаланади, ўхшатиш, муболаға, мажоз ва бошқа турдаги тасвирий воситаларга мурожаат қилади. Шоир айрим ўринларда бир эмас, бир неча адабий усул ва тасвирий воситаларни моҳирлик билан мужассам-

[1] *Чағона* (ёки санойил) — чолғу асбоби. [2] *Карраной* — карнай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаштиради, ҳаёт воқеликлари асосида янги, оригинал лавҳалар яратади. Мисолларга мурожаат қилайлик.

Алхимиклар «кимё тоши ёрдами билан оддий маъданларни тиллага айлантириш мумкин», деб ҳисоблар эдилар. Уларнинг эътиқодича, металл бўтага солиб эритилади ва унга кимё тоши солиниб, эриган металл олтинга айлантирилади. Саккокий шу эътиқоддан фойдаланиб, ёр фироғида изтироб чекиб, ранг-рўйи сарғайган ошиқ тилидан бундай дейди:

Фироқинг бўтаси ичра қонимни сизгурур ҳар дам,
Юзумни олтун этколи ғамингни кимё қилма.

Бу байтда фироқ — бўта, юз — металл, ғам — кимё тоши деб берилган.

Шоир Масиҳо (Исо) ҳақидаги диний афсоналардан фойдаланиб, ошиқ ва ёр муносабати баёнида тазод усулини қўллайди ва ҳаётий образ яратади:

Эй Масиҳодам бегим, бир дам бирла бергил шифо,
Шева бирла кўзларинг жонимни бемор айлади.

Ёр — Масиҳодам. Унинг шаҳло кўзи ошиқни бемор қилади, бироқ дами (сўзи) унга шифо беради. Демак, ёрнинг сўзи ҳаёт бағишловчидир.

Саккокий тазод усулида адабиётдаги традицион Масиҳ образи билан кифояланиб қолмайди, балки янги ва оригинал образлар яратади. Чунончи:

Юзунгни қилур тоза кўзум ёшию оҳим,
Гул тоза бўлур топса, бале обу ҳавони.

Саккокий ёмғир ва майин шабада гулни тозалаб, унинг тусини очгани каби, ошиқнинг кўз ёши ва оҳи ёр юзини тозароқ, гўзалроқ қилади, дейди. Бу байтда тазод (кўз ёши ва оҳ юзнинг тоза бўлишига хизмат қилади, ваҳоланки, булар бир-бирига зиддир) ва таносуб (ёмғир ва шабboданинг гул тусини очиши ошиқнинг кўз ёши ва оҳидан ёр юзининг тозароқ — гўзалроқ бўлишига параллел қўйилган) усули ишлатилган. Айни замонда бу байтда юз гулга, кўз ёши ёмғирга, оҳ — шабадага ўхшатилади.

Саккокий бошқа байтларда ҳам бир эмас, бир неча усул ва тасвирий воситалар қўллаб, мароқли лавҳа ва образлар яратади. Мисоллар:

Моваруннаҳр ичра қолдим, чунки икки ёнима,
Кўзларимнинг бири Сайҳун, бири Жайҳун айлади.

Сабо гултек юзингдин олмаса сунбул ниқобини,
Саҳарда тун кеча булбул недин мунча фиғон қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элтти оғзингдин ўғурлаб писта торлиқни,
Туз суйин қуйдилар онча, ондин иқрор айлади.

Саккокийтек оғзингни кўруб кони латофат,
Чоқ айлади гулғунча гирибон чаманинда.


Сабо зулфунгни тоғитти магар, холи хаёлимда:
Ёзилди аждар бўлди, ўролди Аҳриман бўлди.

Қачонким ғамзаси кўзлаб ўқин кирпики кезлоса,
Қора қошларидан пайдо бўлур ушшоқнинг ёси


ва бошқалар.

Саккокий лаф ва нашрнинг турли шаклларини моҳирлик билан ишлатиб, мисраларнинг мазмунини бойитади, уларнинг бадиий қимматини оширади. Бунга қуйидаги байтларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин:

Бўю юзу лаъл эрну хату ҳаддина туш йўқ,




Сарву гулу мул настарину ёсуман ичра.



Оғзинг, кўзингга писта**у бодом ўзини тутса тенг,**
Оғзини синдур пистанинг, ёр ўртадин бодомни.

Қуллуққа битик беруру юз шодлик айлар,



Зулфу хаттингга сунбулу райҳон чаманида.

Саккокий сўз ўйинига ҳам уста шоирлардандир. Унинг девонида ғазал ва қасида жанридан бошқа жанрлардаги шеърлар йўқ. Шоирнинг туюқ билан шуғулланган ёки шуғулланмаганини билмаймиз. Бироқ шуниси маълумки, Саккокий ғазалларида туюқ жанрига хос тажнисли қофия усулини муваффақият билан ишлата олган. Унинг «Ёқа келди» ғазалида «ёқа келди» ибораси бир неча мазмунда келган:

Гар ҳажринг ўти жону жигарга ёқа келди,
Жонимга не хуш шарбати васлинг ёқа келди.
Ҳажр ўти неча мажруҳ этиб бузди жигарни,
Васлинг бу шифо марҳами не хуш ёқа келди.
Девона бикин тишлаб эмас югра-юрурда,
Жон пора қилур ҳолда элимга ёқа келди...

Худди шунингдек, «Ол элга ойина, юз кўр бу расму ойинда» мисраси билан бошланувчи ғазалда ҳам оригинал сўз ўйинлари бор.

Саккокий «Масалдур: эшитган бу ганжу вайрона», «Пирлик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ка етгил давлату неъмат била» каби халқ мақоли, таъбири ва олқишлари билан ўз ғазалларининг мазмунини ҳам, тилини ҳам бойитади. Саккокий айниқса халқ қўшиқларига катта эътибор беради. Бир ғазалида:

Туркона ир ирлағунча онинг,
Куйдурди мени ялай-булоси,—

деган шоир кўп ғазалларини худди Атоий каби «туркий» халқ қўшиқлари вазнида — рамали мусаммани мақсурда битди.

Саккокий ғазалларининг кўпи, бошқа лирик шоирларда бўлганидек, 7 байтли ғазаллардир.

Саккокий ғазалларининг бу муваффақиятлари билан бирга, тематик-ғоявий маҳдудлигини, шоирнинг муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар билан яқиндан боғланмагани ва бадиий образ яратишда кўпроқ абстракцияга берилиб кетганини таъкидлаш лозим.

Саккокий — қасиданавис

Саккокий девонининг муҳим бир қисмини қасидалар ташкил этади. Қасида элементлари ўзбек классик адабиётида анча илгари пайдо бўлган бўлса ҳам, лекин қасида махсус адабий жанр сифатида ўзбек адабиётида XIV — XV асрда вужудга келди. Саккокий ўзбек қасидачилигининг асосчиларидан бири бўлди.

Қасида ўтмиш адабиётнинг сиёсий лирикасидир, чунки кўпчилик қасидалар давлат арбобларига ва сиёсий ёки ҳарбий воқеаларга бағишлаб ёзилган. Қасида аста-секин сарой аристократик адабиётининг жанрига айланиб борган. Қасиданавис бирор давлат арбобини ўта муболағалар билан мадҳ қилиб, унинг обрў-эътиборини оширишга интилган ва бунинг эвазига ундан инъом-эҳсон олган. Тарихий шахсларга ёки воқеаларга тенденциоз муносабатда бўлиш ўтмиш қасиданависларнинг асосий хусусияти бўлиб қолган. Бироқ шуни ҳам қайд қилиш лозимки, айрим тараққийпарвар шоирлар ҳам ё моддий муҳтожлик натижасида, ёки феодал зодагонларнинг топшириғи билан қасидалар яратганлар, уларда феодал ҳукмдорларни, амалдорларни муболағалар билан мадҳ қилганлар. Бироқ бундай қасидалардаги мақтовларни хушомадгўй ва маддоҳ сарой шоирлари қасидасидаги мақтовлар билан бир хил деб бўлмайди. Чунки:

1. Тараққийпарвар шоирлар феодал зодагонларни ўз хоҳиш ва ихтиёрлари билан мадҳ қилмай, бунга мажбур бўлганлар.

2. Тараққийпарвар шоирларнинг қасидасидаги мақтовларни феодал ҳукмронларга шартли равишда нисбат бериш мумкин. Зероки, аслида шоир бу мақтовга бир ўгит-насиҳат тусини берар, шу ўгит билан у феодал ҳукмдорларга таъсир этиб, уларни адолатли ва инсофли бўлишга ундар эди.

Қасидачиликка хос бўлган бу зиддиятлар ўзбек қасидачилигининг дастлабки намояндаларидан бўлган Саккокий ижодида ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

равшан кўринади. Саккокий феодал ҳукмдорлардан Халил Султон ва Мирзо Улуғбекка, нуфузли руҳоний ва амалдорлардан Хожа Муҳаммад Порсо ва Арслон Хожа Тархонга бағишлаб қасидалар ёзди. Саккокий ўз қасидаларида феодал ҳукмрон синфнинг манфаатларини ифодалайди, феодал зодагонларни ўта муболағалар билан кўкларга кўтариб мақтайди, уларнинг аслида ким бўлишидан қатъи назар, уларга нисбатан «адолатли», «халқпарвар», «саховатли», «ҳимматли», «шавкатли» каби сифатларни аямай ишлата беради, тарихий ёки афсонавий шахслар ҳамда бадиий образлардаги сифатларни уларга кўчиради ва ҳоказо.

Бироқ Саккокийнинг Улуғбекка бағишлаб ёзган қасидалари бундан мустаснодир. Саккокийнинг Улуғбекка бағишлаб ёзган қасидаларида муболағали мақтовларгина эмас, балки тарихий ҳақиқат ҳам бўлиб, бу тарихий ҳақиқат етакчи роль ўйнайди. Улуғбек бошқа феодал ҳукмдорлардан маърифатпарвар ва буюк олим сифатида ажралиб турар эди. Бинобарин, Саккокий мақтовларининг замирида ҳақиқат элементлари ҳам мавжуддир.

Саккокий Улуғбекка бағишланган қасидаларидан бирида халққа мурожаат қилиб:

Жаҳондин кетти ташвишу мабодийи амон келди,
Халойиқ, айш этинг бу кун, сурури жовидон келди.

Тан эрди бу улус барча, ашингтек жони бор ё йўқ,
Биҳамдиллоҳ, ўғон фазли била ул танга жон келди,—

дейди ҳамда Улуғбекни «Сулаймони замон», «Нўширавон», «Мусотек шубон», «атодин меҳрибон», «хуршиди замон» каби сифатлар билан мақтайди, уни ҳарбий ишларда, жангларда тенги йўқ киши сифатида таърифлайди ва қасиданинг хотимасини дуо билан тугатади. Шоир:

Салотин дунёда кўп келдию кечти, сенингтек бир,
Фалакнинг гар тили бўлса, айитсунким, қачон келди?—

дер экан, Улуғбекдек маърифатпарвар кишини шундай мадҳ этишга ҳақли эди. Шундай қилиб, Саккокийнинг Улуғбекка бағишланган қасидаларида тарихий ҳақиқат ҳам, ўта муболағa ҳам бор.

Саккокий:

Раият қўй эрур, Султон анга чўпон ё бўри,
Бўри ўлгаю қўй тинғай, чу Мусотек шубон келди,—

дер экан, подшоларни халққа нисбатан чўпон ёки бўри бўлган подшоларга ажратади, «бўри»ларни қоралаб, «чўпон»ларни ёқлайди ва Улуғбекни мана шундай чўпон подшо сифатида таърифлайди. Шоирнинг Улуғбекни идеаллаштиришидан қатъи назар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

унинг подшолар ҳақидаги фикри ўз даври учун прогрессив аҳамиятга эга эди. Улуғбек таърифи эса унга қарши курашаётган реакцион гуруҳларга қарши зарба эди.

Саккокийнинг Улуғбекка бағишлаган қасидаларининг қиммати ҳам шунда.

Шундай қилиб, Саккокий ўзбек классик лирикасининг Навоийга қадар етишган йирик намояндаларидан бири бўлиб, унинг ижоди, ғоявий-бадиий қарама-қаршиликларига қарамай, ўзбек дунёвий адабиётининг равнақ топишига маълум ҳисса қўшди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛУТФИЙ

Алишер Навоий томонидан «ўз замонининг маликул-каломи» деб баҳоланган Лутфий дунёвий адабиётнинг буюк намояндаларидан биридир. У ўзининг кўп йиллик адабий фаолиятини ўзбек дунёвий адабиётининг, ўзбек адабий тилининг тараққиётига бағишлади, нафис лирик шеърлар ва достонлар яратди. Зуллисонайн шоир Лутфий форс-тожик тилида ҳам бадиий юксак шеърлар битди. Лутфий ижодиёти ўз давридаёқ адабиёт аҳлларининг тақдири ва юксак баҳосига сазовор бўлган эди.

Ҳаёти ва фаолияти Лутфийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида Навоийнинг «Мажолисун-нафоис», «Муҳокаматул-луғатайн», «Маноқиби Паҳлавон Муҳаммад», «Хутбаи давовин» ва бошқа асарларида, шунингдек, Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш-шуаро», «Хондамирнинг «Ҳабибус-сияр», «Макоримул-ахлоқ», Абдулла Кобулийнинг «Тазкиратут-таворих», Шамсиддин Сомийнинг «Қомусул-аълом», Возиҳнинг «Мажмуаи манзум ва мансур» асарларида баъзи маълумот ва мулоҳазалар баён этилган. Бироқ манбалардаги маълумот ва мулоҳазалар, шунингдек, Лутфийнинг бизга қадар сақланиб қолган асарлари ҳам, унинг биографиясини тўла ёритиш имконини бермайди.

Барча манбаларда кўрсатилишича, тахаллуси Лутфий бўлган бу атоқли сўз санъаткори 1366 (ёки 1367) йилда Ҳирот чеккасидаги Деҳиканор деган жойда туғилган ва ўша ерда яшаб ижод этган. Шунинг учун у манбаларда Лутфийи Ҳирий деб юритилади ҳамда сабзаворлик, нишопурлик, кашмирлик, машҳадлик ва бошқа Лутфийлардан фарқ қилинади. Лутфий 99 йил умр кўриб, Хуросон ва Movarunnaҳрдаги турли тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлди, Темур империясининг вужудга келиши ва парчаланиб кетишини, ўзаро феодал урушлар ва уларнинг даҳшатли оқибатларини, халқнинг меъморчилик санъати билан бунёдга келган муҳташам бинолари, фан кашфиётлари ва санъат-адабиётнинг янги-янги нодир асарларини, жамиятнинг реакцион кучлари билан прогрессив кучлари ўртасидаги кескин курашларни кўрди. Афтидан, у сафарларда бўлиб, айрим Шарқ мамлакатларининг ҳаёти билан ҳам танишган бўлса керак. Лутфий бутун куч ва фаолиятини ўзбек адабий тили ва адабиёти тараққиётига, бадбинлик ва жаҳолатга қарши курашга, эзгу инсоний хислат ва фазилатларни тарғиб қилишга бағишлади, эл-юртнинг осойишталиги учун интилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Мажолисун-нафоис»да айтилишича, Мавлоно Лутфий «Йигитлигида улуми зоҳирий (дунёвий илмлар)ни такмил қилғондин сўнгра Мавлоно Шаҳобиддин Хиёбоний» қошида тасаввуф бўйича таълим олади. Бироқ, шунга қарамай, у тасаввуфга берилиб кетмайди, тасаввуфни тарғиб этган сўфи шоир бўлиб эмас, балки диний-мистик адабиётга қарши курашда борган сари гуллаб-яшнаётган дунёвий адабиётнинг забардаст намояндаси, устоз санъаткор бўлиб етишади.

Лутфий айрим темурий ҳукмдорларга атаб бир неча қасида ёзди, «Гул ва Наврўз» достонини темурийлардан бўлган Искандар мирзога бағишлади, бироқ:

Бу фоний дайр аро гар шодлиг истар эсанг, бўлғил,
Гадолиғ нонига хурсанду, бўлма шаҳга ҳожатманд,—

деган шоир феодал ҳукмдорлар саройидаги аристократ шоирлар доирасига кирмади, хушомадгўй ва маддоҳ шоирга айланмади. У мадҳияларида феодал ҳукмдорларни маърифатпарвар ва адолатпарвар бўлишга чақирди, Искандар мирзога бағишланган «Гул ва Наврўз» достонида эса ўзаро феодал урушларни қоралаб, марказлашган ҳокимият ва осойишталик учун кураш ғоясини илгари сурди.

Лутфий ўз асарларида ҳаёт ва севгини, баҳор ва шодликни, вафо ва садоқатни, маърифат ва осойишталикни, мардлик ва баҳодирликни куйлади, халқ оғзаки ижодининг бой чашмаларидан илҳом ва таълим олди, ўзбек адабий тилини халқнинг хилма-хил таъбир, мақол ва маталлари билан бойитди, Хоразмий, Сайфи Сароий, Камол Хужандий ва Ҳофиз Шерозий каби сўз санъаткорларининг традицияларини давом эттирди ва ривожлантирди; Навоий сўзи билан айтганда, у «форсий ва туркийда назири йўқ» шоир бўлди. Лутфий, ўзбек ва форс-тожик тилидаги нодир лирик шеърларидан ташқари, эпик достонлар ҳам яратди. У 1411 йилда «Гул ва Наврўз» ишқий-қаҳрамонлик достонини ёзди ҳамда машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг 1425 йилда форс-тожик тилида ёзиб тугатган «Зафарнома» номли тарих китоби асосида ўзбек тилида 10 минг байтдан зиёдроқ маснавий — достон битди.

Навоий ҳам, Навоийнинг замондошлари ҳам Лутфийнинг айниқса ўзбек тилидаги асарлари билан катта шуҳрат қозонганини таъкидлайдилар. Навоий Лутфийнинг «туркийда шуҳрати кўпрак эди» деса, тарихчи Хондамир «Мавлоно Лутфий сўз лутфида ягонаи даврон эди, ундан илгари ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан яхшироқ айта олмаган эди»; дейди. Хуросондан тортиб Ироққа қадар маълум ва машҳур бўлган Лутфийнинг шеърлари адабий суҳбатларга завқ ва шавқ бағишлар, уста сўз санъаткорларига манзур бўлар эди. Навоий XV асрнинг атоқли маърифатпарвари

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сайид Ҳасан Ардашернинг уйидаги адабий йиғинлардан бирида Лутфийнинг ғазаллари ўқиб муҳокама қилингани ва тақдирлангани ҳақида бундай маълумот беради: «...Туркигўй шуародин Мавлоно Лутфий... шеърларидан абёт ўқурлар эди ва бу матлаъни таъриф қилурлар эдиким:

Нозуклик ичра белича йўқ тори гисуйи,
Ўз ҳаддини билиб, белидин ўлтурур қуйи».

Лутфий устоз зуллисонайн шоирлардандир. У ўзбек тилидаги асарлари билангина эмас, балки форс-тожик тилидаги шеърлари билан ҳам китобхонларга, даврининг йирик сўз санъаткорларига манзур бўлади, Абдураҳмон Жомий билан ижодий ҳамкорлик қилади. Навоий «Мажолисун-нафоис»да Лутфийнинг форс-тожик тилидаги ижодкорлик маҳорати ва шуҳрати ҳақида қуйидагича сўзлайди: «...форсийда қасидагўй устодлардин кўпининг мушкул шеърларига жавоб айтибдур ва яхши айтибдур... охир умрида радифи «офтоб» шеъри(ни) айиттиким, замон шуароси борча татаббуъ қилдилар (эргашдилар); ҳеч қайси (шоир)матлаъни онча айта олмадилар ва ул матлаъ бу дурурким:

Э, ви зулфи шаб мисолат сояпарвар офтоб,
Шоми зулфатро бажойи моҳ дарбар офтоб[1].

Ва ўтар вақтида бу ғазал матлаини, тугатмайдур эрди, васият қилдиким, Ҳазрати Маҳдуми Нуран (Жомий) тугатиб, ўз девонларида битисунлар, ул ҳазрат ҳам тугатиб, ўз девонларида битидилар ва ул матлаъ будурким:

«Гар кори дили ошиқ ба кофири Чин афтад,
Беҳ з-онки ба бадхўи бемеҳри чунин афтад»[2].

Навоий Лутфий билан Абдураҳмон Жомий ўртасидаги дўстлик ва ижодий ҳамкорлик ҳақида «Насоимул-муҳаббат» асарида яна қизиқ бир фактни ҳикоя қилади: Лутфий «Тўқсон ёшидин тажовуз қилғондин ҳазрат Маҳдуми... Нуран (Жомий) отиға «Сухан» қасида айтиб келтуруб эрдики, замонининг хушгўйлари барча хўблуқға мусаллам тутдилар ва ул Ҳазрат (Жомий) даги инсоф бердилар ва онинг матлаи будур:

Зиҳи ҳадиси лабат қути руҳу жони сухан,
Гули рухат чаман оройи бўстони сухан[3].

Ул Ҳазрат шукргузорлик юзидин маъзарат изҳор қилиб дедиларким: «Бу шеърни силаси (инъоми) уҳдасидин биз чиқа олмай-

[1] Зулфинг тунга ўхшаш бўлиб, гўё қуёш (юзинг) унинг соясида парвариш топади. Қизғи шундаки, тунда ой бўлади, аммо зулфинг туни бағрида — қуёш.

[2] Ошиқлар дилининг иши шу сингари бемеҳр, бадфеълга тушгандан кўра, Чин кофирига тушгани яхшироқ.

[3] Лабингдан чиққан сўзлар сўзнинг озиғи, жони ва руҳидир, сўзнинг гули, сўз бўстонининг зеб-зийнатидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

миз, магар муқобалада ҳам қасидаи сизнинг отингизга айтқаймиз, сизни эски тўнингизни гадолик қилурмиз». Мавлоно (Лутфий) дедиларким: «Они сизга осон қилурмизким, сила бўлғай». Ул Ҳазрат узрхоҳлик била кисват (кийим)ни анга кийдурдилар».

Ўзбек ва форс-тожик адабиётининг тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган улуғ санъаткор, афтидан, ўтмишнинг бошқа маърифатпарварлари каби, турли қийинчиликларга, феодал-клерикал муҳитнинг сиқувларига дуч келган. Бунга унинг асарларидаги шикоят мотивлари ҳамда Ҳофиз Шерозийнинг:

Сухандонию хушхони намеварзанд дар Шероз,
Биё, Ҳофиз, ки то худро ба мулки дигар андозем

байтига ўхшаш:

Лутфий, Ҳирида қолмади шеърингга муштарий,
Аэми Ҳижоз қилки, мақоминг Ироқ эмиш

каби мисралари далил бўла олади. Бироқ бўғиқ феодал-клерикал муҳит оптимист шоирнинг руҳини сўндира олмади, у умрининг охирига қадар бутун куч-қувватини бадиий ижодга, тараққийпарвар орзу-армонларни куйлашга бағишлади.

Адабий мероси

Лутфий буюк лирик шоир ва «Гул ва Наврўз» ҳамда «Зафарнома» достонларининг авторидир. У ўзбек тилидаги лирик шеърларини девон қилиб тузган ва бу девон, Навоийнинг таъкидлашича, жуда машҳур бўлган. Лутфий девони бизга қадар турли даврларда (айниқса XIX—XX асрларда) кўчирилган кўп қўл ёзма нусхаларда етиб келди. Қўл ёзма нусхаларда шоир шеърларининг миқдори ҳам, уларнинг тексти ҳам бир-биридан фарқ қилади (уларда ғазаллар сони 200—280, тўртликлар 25—40 ўртасида). Лутфий девонининг ҳозирги кунда маълум бўлган энг эски ва мўътабар нусхаси 1511 йилда ҳиротлик Маҳмудбек деган котиб томонидан «Гул ва Наврўз» билан бир китоб қилиб кўчирилган нусхадир. Бу китоб Лондонда Британия музейида сақланади.

Лутфийнинг форс-тожик тилидаги шеърларидан тазкиралар ва бошқа манбалар орқали айрим сатрларгина етиб келган. Унинг форс-тожик тилидаги шеърларини девон қилиб тузган-тузмагани маълум эмас. «Гул ва Наврўз» достонининг айрим сатрлари Алоий Бинни Муҳибийнинг 1560 йилда тузган «Ал-луғатун-Навоият в-ал истишҳодатул-чиғатоият» («Навоий луғати ва чиғатой тили далиллари») китобида ҳамда ундан кейинроқ яратилган Шайх Сулаймон Афанди Бухорий ва Козимбек луғатларида келтирилади[1].

[1] Лутфийнинг Британия музейида сақланаётган девони ҳамда «Гул ва Наврўз» достонининг фотонусхаси асосида ЎзССР Давлат Бадиий адабиёт нашриёти, 1958, 1960 ҳамда 1965 йилларда Лутфийнинг танланган асарларини нашр эттирди (Лутфий, Девон. Гул ва Наврўз).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий маълумотига кўра, Лутфийнинг «Зафарнома» таржимаси ягона нусхада қолиб кетган ва «баёзга ёзмоғои учун шуҳрат топмаган». «Зафарнома»нинг ягона нусхаси сақланиб қолган-қолмаганлигини билмаймиз.

Шундай қилиб, улуғ шоирнинг бизга қадар етиб келган адабий мероси унинг ўзбекча девони ҳамда «Гул ва Наврўз» достонидир.

Лутфийнинг адабий мероси А. Самойлович (Чагатайские тюрки Лутфи. Доклады АН СССР, 1926), Ҳ. Зариф (Лутфий ва Навоий. «Улуғ ўзбек шоири» тўплами, 1948), С. Эркинов (Лутфий ва унинг «Гул ва Наврўз» достони, кандидатлик диссертацияси, 1958, С. Эркинов. Лутфий. Ҳаёти ва ижоди, ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1965), Э. Рустамов (Узбекская поэзия в первой половине XV века, М., 1963) ва бошқалар томонидан тадқиқ этилди.

ШЕЪРЛАР ДЕВОНИ

Лутфий ўзбек дунёвий лирикасининг Навоийга қадар етишган энг катта ва атоқли намояндасидир. Унинг девони ғазал, туюқ, қитъа, рубоий ва қасида жанридаги шеърларни ўз ичига олади. Ғазал ва туюқ Лутфий лирикасининг энг характерли жанрларидир.

Лутфий лирик шеърларида ҳаёт завқи ва табиат кўркини, севги шавқи ва висол иштиёқини куйлайди, бадбин ва жоҳил шайхзоҳидларни танқид қилади, айрим диний-хурофий урф-одатлардан кулади, разиллик, мунофиқлик ва жоҳилликни қоралаб, самимийлик, садоқат ва маърифатни улуғлайди. У ошиқ, маҳбуба ва рақиб образларини, уларнинг турли ҳолат ва кайфиятларини тасвирлаб, кишининг руҳий кечинмаларини моҳирлик билан очади, ранг-баранг бадиий усуллар қўллайди, халқ қўшиқларининг соддалиги ва равонлигидан, халқ юмори, халқ мақоли ва таъбирларидан усталик билан фойдаланиб, ёзма поэзияни халқ оғзаки ижодининг ниҳулари билан бойитади. Бу билан шоир лириканинг дунёвий моҳияти ва қимматини янада ривожлантиришга муваффақ бўлади.

Бироқ шунга қарамай, Лутфий ҳам, Атоий ва Саккокийлар каби, лирикада, асосан, дунёвий севги темаси билан чегараланиб қолади, айрим мисраларида даврининг ижтимоий-сиёсий масалалари ҳақида фикр юритса ҳам, лекин бу масалаларни шеърий ижодиётнинг етакчи объекти қилиб олмайди, баъзан эса тасаввуфнинг айрим бадбин ақидалари таъсирига берилиб кетади.

Ҳаёт ва севги лирикаси

Лутфий объектив борлиқни эътироф қилади. У ҳаётни ва ҳаётнинг гули бўлган инсонни самимий севади, шарафлайди. Ёз фасли ва ёр васли, атиргул иси ва булбул саси, машшоқлар сози ва ҳофизлар овози, бода кайфияти ва жўралар суҳбати уни мафтун этади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоир:

Ёз бўлди, керак ул бути айёр топилса,
Барча топилур, бизга керак ёр топилса.
Гул даврида ич боданиким, оқил эмастур
Ҳар ким, ки бу кун дунйида ҳушёр топилса

каби қувноқ, ўйноқи ва жозибадор мисралардан турли лирик шеърлар тизади. Шоирнинг муддаоси бадбинлик ва таркидунёчиликка қарши ҳаётнинг завқ-шавқини куйлаш, кишиларни шайх-зоҳидларнинг жаҳолати ва ҳийла-найранглари тузоғидан қутқаришдир. Шайх-зоҳидлар ҳаётни инкор этсалар, шоир уни эътироф қилади, шайх-зоҳидлар «фоний» дунёдан воз кечишни тарғиб қилсалар, у дунёни севишга чорлайди, шайх-зоҳидлар жаннат ҳурларига мафтун бўлсалар, у ҳаёт маҳбубасига таҳсин ўқийди. Лутфий динни инкор қилмайди, дўзах ва жаннатга шак келтирмайди. Бироқ *киши ҳаёт экан, нега у ўз ҳаётидан, ҳаётнинг кўрки* ва завқидан воз кечсин, деган мазмунда қуйидаги мисраларни тўқийди:

Бурқаъни кўтар, тенгри учун, эл сени кўрсун,
Бу ҳусну малоҳат яна қайси кун учундур?!

Шоир жаннат (учмоқ) учун ҳаётдан, ҳур учун ёрдан воз кечмайди, унга ёр ва дийдор ҳамма нарсадан афзалдир, чунки ёр кишига ҳаёт бағишлайди:

Келди эшикка, орзум юзунг дурур, кўргуз чиқиб,
Келгин, ки Лутфий ҳожати учмоқ эмас, дийдор эрур.

Чашми масту жом лаълин кўргай эрди Хизр, агар
Ичкай эрди бода, улким оби қайвон тортадур.

Севмоқ ва севилмоқ гуноҳ эмас, балки кишининг табиий эҳтиёжи ва гўзал табиати деб ҳисоблаган шоир айрим диний ақида ва тушунчаларга уларнинг аслига зид бўлган янги маъно беради:

Қутлуқ аёғинг ерга тегибдур, онинг учун,
Эл ерга қўюб бош, қилур барча ибодат.

Қибладин, ёраб, ўлар ҳолатда эврулсун юзум,
Гар сенинг қошингдин ўзга бўлса меҳробим менинг.

Шоир ўз ёрига қараб: сен ҳаж қилмоқчи бўлсанг, Каъбага бориб юрма, Каъба менинг кўнглум, уни зиёрат қилсанг кифоядир дейди:

Сен ҳусн ила бойсен, сенга чун фарз дурур ҳаж,
Қил тенгри учун каъбаи кўнглумни зиёрат.

Шундай қилиб, Лутфийнинг ишқий лирикаси чуқур ҳаётий моҳиятга эга бўлиб, у таркидунёчилик ва бадбинликка, айрим диний-хурофий тушунчаларга қарши қаратилгандир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лутфий дунёвий севгини, инсоннинг инсонга бўлган самимий севгисини куйлайди. «Дилбар жамоли васфида комил» бўлган шоир унинг латофати ва назокатини моҳирлик билан тасвирлади, ранг-баранг ва оригинал образлар яратди. Бироқ у ёрнинг ташқи кўринишигагина маҳлиё бўлиб кетмади, балки хулқ-атвори ва ақл-заковатининг ҳам ой юзи, шаҳло кўзи, сарв қомати ва париваш сурати каби гўзал бўлишини истади. Шоир мунису меҳрибон ёрига қалбидан салом йўллаб:

Ул менинг жони жаҳонимга салом,
Жондин ортуқ меҳрибонимга салом.
Бир замон холи эмасмен ёддин,
Мунисн жону равонимга салом,—

деса, бевафо ёрдан қаттиқ арз-шикоят қилади:

Бевафолиқ ичра равнақму бўлур?
Даъвии меҳр айласа ҳақму бўлур?
Бир соғинсанг бизни йилу ой керак,
Яхшиларнинг меҳри мундоқму бўлур?

Шоирнинг айтишича, ишқнинг шарти вафо ва садоқатдир, бевафо ёр ҳақиқий ёр бўлолмайди:

Кишиким, йўқтурур меҳру вафоси,
Агар хуршидтур, ондин не ҳосил?

Не кўнгли содда эрдур ишқ эликим,
Сенингтек бевафони ёр дерлар.

Бағри тош ёрдан меҳру вафо кўрмаган ошиқ шоир:

Турбатимнинг тошиға мундоқ битингким: «Лутфий қул —
Тош бағирлик ёр учун форсуда бўлғон хок эрур»,—

деб васият қилади. Бироқ у жабр-ситам кўрса ҳам, ишқидан воз кечмайди, ёрнинг хислати ўзгариши ва меҳрибон ҳамда мушфиқ бўлишига умид қилади:

Жавр этса, меҳр умиди тутармен ҳанузким,
Бир тавр қолмас одамининг хислату хўйи.

Шоир ижодида ёрдан шикоят қилиш оҳанглари аста-секин бошқа тусга кириб, ижтимоий ҳаётнинг айрим иллатларига қарши шикоят мотивлари кучайиб боради.

Шикоят мотивлари

Хўш, Лутфий ўзи яшаган муҳитининг қайси иллатларидан шикоят қилади? Бу шикоятнинг ғоявий мазмуни нимадан иборат?

Лутфий золим ҳукмдорлардан, мамлакатни хароб ва халқни хонавайрон қилувчи бемаъни ўзаро урушлардан, «нодон»ларнинг «доно»ларга жабр-ситам кўрсатишидан шикоят қилади, хасис ва ҳимматсиз давлатмандлардан ғазабланади, мискин ва бенаво кишиларнинг аҳволига ачинади. У, агар султон бедод (инсофсиз) бўлса, ўзгалардан дод (инсоф) кутиш амри маҳол, дейди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жон боринча қилмағай Лутфий фиғон бедоддин,
Дод ким берсун, қилур чун жавр султоним менинг.

Шоир темурий ҳукмдорларнинг вилоятларни босиб олиб, эл-юртни талон-торож қилган махсус қўшини —«қора черик»нинг зулмидан шикоят қилиб:

Бузди қаро черик била кўнглум вилоятин,
Ул кўзки, туркдардек иши таламоқ эмиш,—

дейди. Олимлар, шоирлар ва санъат аҳллари бошига тушган кулфат ва даҳшатларни кўрган шоир;

Йўқ турур ёлғиз бу Лутфий жониға жаври рақиб,
Қайда бир доно дурур ул жаври нодон тортадур,—

деб алам чекади.

Лутфий:

Айттимки: бу Лутфийға жафо қилма, вафо қил.
Айтурки: бизнинг даврда бу расм қолибтур,—

дейди ва бу шикоятларини маълум даражада умумлаштириб, жабр-жафо қилиш ўз замонасида бир одатга айланиб кетганини таъкидлайди.

Бироқ Лутфий лирикасидаги *шикоят мотивлари феодал муҳити* иллатлари моҳиятини фош этиш даражасига кўтарилмайди, ҳаёт фактлари асосида етарли даражада конкретлаштирилмай, хийла мавҳум ҳолда қолиб кетади. У инсоф ва адолатга чақириш ва *панд-насиҳат билан иллатларни тузатиш мумкин, деб ҳисоблайди.* Ҳукмдор одил бўлса, мамлакат маъмур бўлади, дейди:

Жон топти иморат қадингиз тузлуки била,
Маъмур бўлур адл ила ҳар қайда вилоят.

Лутфий шеърларидаги шикоят мотивлари, уларнинг пассив ва маҳдуд бўлишига қарамай, ўзбек дунёвий лирикасининг тематик-ғоявий такомилига, ўз даври ижтимоий фикрларининг ўсишига бир ҳисса бўлиб қўшилди.

Санъаткорлик маҳорати

Лутфий лирикаси Навоий ва Жомий каби улуғ сўз санъаткорларининг мақтовига сазовор бўлди, ўзбек, озарбайжон, тожик ва бошқа халқларнинг бир қатор ёзувчилари ундан ўрнак олдилар, у халқ орасида шуҳрат қозониб, севилиб куйланадиган бўлди.

Лутфий лирикасининг сеҳрловчи кучи нимада? Лутфий лирикасининг сеҳрловчи кучи унинг дунёвий (ҳаётий)лигида ва юксак санъаткорлик билан яратилганлигидадир. Лутфий лирикаси содда, равон ва мусиқий, тили бой ва ширали, бадиий усул ва воситалари хилма-хил ва оригинал, халқ ижодининг самарали таъсири билан камол топган лирикадир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лутфий ўзбек классик лирикаси жанрларининг, хусусан, ғазал ва туюқнинг ривожи ва такомили учун унумли хизмат қилди. У халқ қўшиқларига яқин:

Қон бўлди кўнгул фироқингиздин,
Жон куйди ҳам иштиёқингиздин

матлаъли ғазалга ўхшаш кўпгина жўшқин ва равон ғазаллар битди, «Зотингда ҳақ изҳори камолот қилибдур» каби воқеабанд ғазаллар яратди, деярли халқ мақолларидан иборат «Аёғинга тушар ҳар лаҳза гису» каби ғазалларини битди, «Дудоғинг маъдани жондур дедим, айтур: сенга не?» каби мушоира-ғазаллар ёзди.

Лутфий ғазаллари кўпроқ 5—7 байтлик ғазаллардир. У ғазалларида бир-бирига жўр, оҳангдор сўзларни қофия қилиш билан бирга, мисраларнинг мазмунини кучайтириш, таъкид йўли билан асосий масалага эътиборни кўпроқ жалб этиш ва шеърнинг равонлиги ҳамда мусиқийлигини ошириш учун кўп вақт бир ёки бир неча сўздан таркиб топган радифлардан ҳам усталик билан фойдаланади.

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур ичарим, хоҳ инон, хоҳ инонма

матлаъли ғазалда қўлланган «хоҳ инон, хоҳ инонма» радифи ошиқнинг севгилисига садоқати ва дард-аламини қатъий ва кескин ифодалашга,

Маҳвашим бир назар этсанг, не ниманг ўксугуси?
Банда сори гузар этсанг, не ниманг ўксугуси?

матлаъли ғазалда эса «не ниманг ўксугуси» радифи ошиқнинг ёрига қаратиб айтган истак-орзуси, илтижо ва илтимосини чуқурроқ ифодалашга хизмат қилади.

Лутфий ўзбек классик лирикасининг оригинал ва янги жанри бўлган туюқнинг ўзига хос хусусиятларини яхши эгаллаб олди, халқ аскияси ва халқ тили бойликларидан кенг фойдаланиб, 20 га яқин ажойиб туюқ яратди ва машҳур туюқчилардан бўлган шоир Амирийдан ҳам ўзиб кетди.

Лутфий ишқий лирик шеърларининг мазмунини ҳам, бадиий шаклини ҳам ҳаётий лавҳалар билан, реалистик элементлар билан бойитади, китобхонни феодал муҳитнинг айрим манзара ва урф-одатлари билан таништиради. Навоийнинг маълумотига кўра, Сайид Ҳасан Ардашернинг уйида ўқилиб таърифланган:

Нозуклик ичра белича йўқ тори гисуйи,
Ўз ҳаддини билиб белидин ўлтурур қуйи

байтида қизиқ ҳаётий лавҳа берилган. Шоир ёрининг белини таърифлаб, у сочидан ҳам нозикдир, бинобарин, сочи белидан қуйи

www.ziyouz.com kutubxonasi

тушиб турибди, чунки нозиклик гўзаллик меъёри бўлиб, ёрнинг гўзалликда сочидан ортиқ бўлган бели юқоридан ўрин олган, дейди. Бу байт феодал-аристократ доирадаги йиғилиш ва зиёфатлардаги ўтириш одатини эслатади. Мансаб ва мартабаси баланд кишилар юқорида — тўрда, бошқалар қуйида — пойгакда ўтирар эканлар. Қуйида ўтирувчилар «сафи наълайн» («кавушлилар сафи») деб юритилар экан[1].

Кўнглумни сенинг зулфунг олиб гезлади, билдим,
Ўғри киби эл ичра сарафканда дугулму?

байтида кўнгулни мафтун этган ёрнинг осилиб турган зулфи қўлга тушиб, бошини қуйи эгган ўғрига ўхшатилади.

Шаръ ичинда бўлса усрук сўзинга йўқ эътибор,
Қонима бергай тонуқлуқ икки айёринг сенинг

байтида, шариат қоидасига кўра, маст киши расман гувоҳликка ўтолмайди (бу қоидага, албатта, ҳар доим ҳам риоя қилинмаган), бироқ ёрнинг мастга ўхшаш ўйноқи шаҳло кўзлари менинг қонимга гувоҳ бўлмоқда, яъни менинг қотилим шу кўзларининг ўзидир, дейди.

Тилаб кўнгул сенинг оғзингни топмас,
Кичик учун магар ўйнар яшунмоқ

байтида шоир болаларнинг бекинмачоқ ўйини асосида қаётий бир лавҳа яратиб, ўхшатиш ва ўта муболаға (иффрот) қўллайди.

Бундай лавҳалар шеърнинг ҳаётий моҳиятини маълум даражада чуқурлаштиради.

Ҳаётийлик Лутфийнинг турли бадиий усуллар билан яратган кўп образлари учун ҳам хосдир. У кўпинча ёрнинг жамоли ва сифатларини традицион ёки афсонавий образларга қарама-қарши қўйиб, янги образлар яратади, бу образлар традицион ёки афсонавий образлар устидан «голиб» чиқади.

Бир неча мисол келтирамиз:

1. Исо фалакка ошти, чун бўлди лабинг жон бергувчи,
Шармандаликдин кетмаса, кўкта анга не бор эрур.

Диний афсоналарга кўра, Исо (Исус Христос) ўз нафаси билан беморларга шифо, ўликларга жон бағишлар эмиш, у илоҳий қудрат билан кўкка кўтарилган эмиш. Лутфий анчиқ кулги билан бу афсонани рад этади. Исодан ёрни устун қўяди. Зероки, ёрнинг лаби жон бағишловчи бўлиб қолганидан кейин, Исо шарман-

[1] Қаранг: Е. Э. Бертельс. Навои. Опыт творческой биографии. М., 1948, стр. 63—64.

www.ziyouz.com kutubxonasi

даликдан кўкка кўтарилди, бўлмаса кўкда у нима қилар эди, дейди.

2. Гул ўгранур ўхшар чаман оролиғ андин,
Бўстонда варақлари пароканда дугулму?
Жину малаку ҳур чаман ичра кўрунмас,
Юзунг ойидин барчаси шарманда дугулму?

Биринчи байтда гул чаманга зеб-зийнат беришни ёрдан ўрганган, дейилса, иккинчи байтда жин, малак ва ҳур ёрнинг ойга ўхшаш юзидан уялиб, чаманда кўринмайди, дейилади.

3. Юзунгдин лола ранг элтиб, уёлиб шаҳрга кирмас,
Анинг бўйнин киши боғлаб, кетурмоғунча саҳродин.

Ёрнинг қизил юзини лолага ўхшатиш традицион бир образ эди. Лутфий юқоридаги байтда бу традицион образга қарама-қарши равишда янги ва оригинал образ яратади: гўё лола ўз қизиллигини ёрнинг юзидан олиб, хижолатидан саҳрога чиқиб кетиб қолган, кишилар уни юлиб, даста қилиб олиб келмагунча, у ўз ихтиёри билан шаҳарга келмайди.

4. Кун тушта кўргали сени тушти заволга,
Ой тонгга қолди кеча боқиб ул жамолга.

Бу байтда жуда гўзал бадиий лавҳа яратилган: тун, қуёш botган, самода ой. Бу манзарани шоир усталик билан ёрининг ҳусн-жамолига боғлайди. Гўё қуёш ёрни тушида кўриш учун уйқуга кетган, кўкдаги ой эса ёрнинг ҳусн-жамолига боқиб тонг қолмоқда (ёки тонг оттирмоқда).

5. Қуёш ойдек юзунгнинг хижлатидин
Қочиб, тўртинчи кўк узра чиқибдур.

Шоир бу байтида ёр юзини ойга ва қуёшга ўхшатмайди, балки уни ой ва қуёшдан ҳам устун қўйиб, янги образ яратади. Бу образ, шубҳасиз, халқ оғзаки ижоди таъсирида яратилган. Ўзбек халқ эртакларидан бирида қуйидагилар ҳикоя қилинади: ер юзида Ой деган гўзал бўлиб, у ҳусн-жамолига беҳад мағрур экан. Бироқ бу мағрурликни Ширин деган қизнинг ҳусн-жамоли енгибди. Ширинниng довруғи ҳамма ёққа тарқалиб, Ой қаттиқ рашк қила бошлабди. У Ширин билан ўз ҳуснини торттирмоқчи бўлибди. Ҳар иккаласи ҳам тарози паллаларига тушибдилар. Лекин Ширинниng ҳусни чунон оғир келибдики, у Ойни чамбарак қилиб, кўкка учириб юборибди. Ой хижолат чекиб, кўкда қолиб кетибди.

6. Лабинг латофатидин баски фаҳм қилди уёт,
Ўлум қаро зулумот ичра кирди обиҳаёт.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу байтда шоир ёрнинг латиф лабини обиҳаётдан устун қўяди. Афсонага кўра, зулмат ичида кишига мангулик берувчи обиҳаёт деган сув бўлар эмиш. Лутфий бу афсонага қарши кишига мангуликни обиҳаёт эмас, балки ёрнинг лаби бағишлайди, обиҳаётнинг ўзи бунга тан бериб, уялганидан зулматга, ўлим зулматига кириб кетган дейди.

Кўрамизки, Лутфий ёрни Исо, ҳур ва малакларга қарама-қарши ҳамда улардан устун қўяди, ёрни обиҳаётдан ҳам шифобахш ва жонфизо, ой ва қуёшдан ҳам гўзал, чаман гуллари ва саҳро лолаларидан ҳам кўркли, шаҳду шакардан ҳам тотли деб таърифлайди, инсон ва унинг гўзаллиги билан ҳеч ким ва ҳеч нарса тенг келолмайди деган хулоса чиқаради.

Лутфий тажоҳули орифона, тазод, лаф ва нашр каби бадиий усулларни ҳам моҳирлик билан ишлатиб, янги-янги образлар, нафис лавҳалар яратади.

Мисоллар:

Ераб, ул дилбар малак ё ҳур, ёхуд жон эрур?
Ҳақ назар ондин кўтармас: халқ анга ҳайрон эрур.

Бу байтида шоир тажоҳули орифона усулини қўллаб, дилбарни малакка, ҳурга ва, ниҳоят, жонга ўхшатади, уни булардан қайси бири билан тенглаштиришга тааҳжубланади, аслида эса у дилбарни малак билан ҳам, ҳур билан ҳам тенг қўяди, бироқ, булар билан қаноатланмай, жон билан тенг тутишни мақбул кўради.

Кўнгулсиз этти кўзи, ваҳ, не бўлди, тенгри учун,
Дудоғидин мени бир сув уруб даво қилса?

Бу байтда тазод усули қўлланган. Ёрнинг кўзи ошиқни беҳуш қилади, бироқ дудоқ суви уни ҳушига келтиради. Беҳуш кишини сув пуркаб ҳушига келтирилишини кўз олдимизга келтирсак, бу тазоднинг қанчалик ҳаётий заминга асосланганини дарҳол англаймиз.

Лутфий лаф ва нашрнинг ҳар иккала шаклидан — лаф ва нашри мураттаб ҳамда лаф ва нашри ғайри мураттаб шаклларидан фойдаланади. Лаф ва нашри мураттаб:

Қошинг, ёрнинг, юзинг, э рашки ризвон,
↓ ↓ ↓
Ҳилолу кавсару боғи жинондур.

Лаф ва нашри ғайри мураттаб:

Кўргали тишинг билан ёрнингни Лутфийнинг кўзи,
|——————|
↓ ↓
Кирпуки устинда ҳардам дурру маржон кўрнадур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лутфий ўзбек адабий тилининг жанговар курашчиларидан биридир. У халқ жонли тилидан, унинг мақол ва таъбирларидан жуда кўп фойдаланиб, ўзбек адабий тилининг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшди. Хусусан, халқ мақоллари ва таъбирлари унинг шеърларининг мазмунини ҳам, бадиийлиги ва тилини ҳам бойитган катта бир манба бўлди. Шоир халқ мақоллари ва таъбирларини шеър тузилиши хусусиятларига қараб ё айнан, ёки қисман ўзгартирган ҳолда ишлатди, мақол ва халқ таъбирлари асосида турли-туман образлар, бадиий усуллар яратди.

Мисоллар:

Эл юзига боқсалар, ўлар мен:
«Хуршиднинг, нетай, ёшурса бўлмас».

(«Ойни этак билан ёпиб бўлмайди»)

Ерга кирсам кошки, чуни етмас ул ойға элик,
Мушкул аҳволи тушубдур: Ер қатиқу, кўк йироқ.

Дедимки: «Рақибимни қошингдин кўтар! Айтур:
Бир гул қаниким олида юз хор тошилмас.

(«Гул тикансиз бўлмас»)

**Сенсизнинг қилмай таҳаммул ҳолға қилсам, қилма айб,
Гар бу юк юкланса тоққа, келгай ойдин юз садо.**

(«Ғамимни тоғ ҳам кўтара олмайди»)

Назар аҳли кўруб нортек янгоқинг,
Масалан: **«Бир нору, минг бемор» дерлар**

Ҳаёт суйиға элтиб, сувсиз кетурди мени,
Дудоғингиз не бало ол кўргузди.

(«Дарёга олиб бориб, сувсиз келтирди»)

Сўрдунгки, неча бўлди девона сен қошимдин,
Девонадин сўрарсенким, неча бўлди ойға.

(«Девонадан ой боши сўрама»)

**Дилбар соғинмагон жиҳати бу фироқ эмиш,
«Кўнгли йироқ бўлса, кўнгулдин йироқ» эмиш.**

Йироқ солғунча ўлтур Лутфий қулни;
Масал бордурки: **«Ўлмоқдин тирилмоқ».**

Ою кун юзунг била лоф урсалар, йўқтур ажаб,
Оре, **лоф урмоқ йироқтин барчаға осон эрур.**

Аёғингға тушар ҳар лаҳза гису,
Масалдурким: **«Чироғ туби қоронғу».**

Тутармен кўзки, кўрсам оразингни,
Ки дерлар: «Оққон ориққа оқар су».

Юзунгни туттум ортуқ ою кундин,
«Кишининг кўзидур, оре, тарозу».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўзунг қонидин иймонмас, ажабдур,
Ки «қўрқар қайдаким қон кўрса ҳинду».

Тилар васлингни Лутфий, қил ижобат,
Ки айтурлар: «Тилоганни тилогу».

Шунингдек, Лутфий халқ юмори, қарғиши, эркалаши ва бошқалардан ҳам ўринли фойдаланди:

Лутфийни ким қарғади «Ёраб, балога учра!» деб
Ким, сенингтек тош бағирлик дилрабоға учради;

Қўймағил ҳардам рақибимни қошингдин, сур, бегим
Ким қўтур итнинг дамидин барчага нуқсон эрур;

Бу тўймағур кўвумга дурур кўрмагон киби,
Ойдек юзига нечаки, бу мубтало боқар.

Лутфийнинг ўнлаб халқ мақоллари ва таъбирларидан фойдаланиши у яшаган давр адабий ҳаётида жуда катта воқеа эди. Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»да Мирзаҳожи Сўғдий деган шоир ҳақида сўзлаб, «агарчи баъзи маҳалда ғариб нималар табъидин бош урар эрди, бу байтида хийла сўз ранги ва чошниси борким, байт:

«Ўхшатти қоматингни санубарга бонбон,
Бечора билмас эмиш алифдин таёғни».

Буғина масални яхши боғлағони учун умид улким, тенгри анга раҳмат қилмиш бўлғай» деб тақдирлаганини эсласак, Лутфийнинг халқ ижодига муҳаббати ва ундан кенг фойдаланганлигининг аҳамияти янада равшанлашади.

Лутфий *ёв, ёғи, хасм, душман; лаб, дудоқ, эрн* каби синоним сўзларни кўп қўллагани каби ўзбек тилидаги омоним ва полисемик сўзлардан ҳам кенг фойдаланди. У шу сўзлар воситаси билан чиройли сўз ўйинлари ясайди ҳамда халқ оғзаки ижоди заминида ўзбек классик адабиётида янги ва оригинал жанр сифатида вужудга келган туюқларнинг ажойиб намуналарини яратади. Чунончи:

Кўнглума ҳар ёнки боқсам, доғи бор,
Ҳар неча дардимни десам, доғи бор.
Қилча танга бори ишқинг ёр эди,
Бинэ бори бўлди фироқинг доғи бор.

Кечти умру тушмади ул ёр ила,
Қўрқарам кўнглум бу ғамдин ёрила,
Бу вафосизлиққи, сендин кўрмишам,
Эътиқодим қолмади ҳеч ёр ила.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биринчи туюқдаги *доғи* сўзи биринчи мисрада: *доғ* — «яра», иккинчи мисрада *яна* —«тағин» ва тўртинчи мисрада «тоғ» маъносида келса, иккинчи туюқдаги *ёрила* сўзи биринчи мисрада «ёр қўлга» (тушмади), иккинчи мисрада «ёрилмоқ» ва тўртинчи мисрада «ёр билан» маъносида ишлатилган.

Шеърнинг мусиқийлигига алоҳида эътибор берган Лутфий шеърият билан музикани узвий равишда бир-бирига боғлайди, ўз шеърларини халқ куйлари ва классик куйларга мослаб битади, турли куйларнинг номини тилга олади ва бу номлардан қуйидагича сўз ўйинлари ҳам ясайди:

Лутфий, Ҳирида қолмади шеърингга муштари[1],
Азми Ҳижоз қилки, мақоминг Ироқ эмиш.

(*Ҳижоз* ва *Ироқ* сўзлари ҳам ўлка, ҳам куйлар номини ифодалаган.)

Солди Туркистон элига Лутфийни кофир кўзунг,
Не мажоли борки қилғай «Рост» оҳанги «Ироқ»

(*Рост* ва *Ироқ* сўзлари куй маъносида ҳам ишлатилган.)

Лутфийнинг лирик поэзиядаги санъаткорлик маҳорати, шубҳасиз, юксакдир. Бироқ у ҳам ўз замонидаги бошқа шоирларда бўлган нуқсонлардан холи эмас эди. Шеърларининг тематик торлиги образлар галереясини кенгайтиришга имкон бермади, лирик ҳис-туйғунинг кўпроқ романтик тарзда ифодаланиши айрим мавҳум образларни вужудга келтирди. Шоир юзни ойга, қуёшга, гулга; киприкни ўққа, найзага ўхшатиш каби қайта-қайта такрорланган традицион образларни ҳам кўп ишлатди, тил бобида эса айрим ғализ ва ўта мураккаб ибораларни қўллади.

«ГУЛ ВА НАВРЎЗ» ДОСТОНИ

«Гул ва Наврўз» XV аср ўзбек дунёвий адабиёти тараққиётида муҳим ўрин тутган катта ва қимматли адабий ёдгорликдир. Лутфий «Гул ва Наврўз» ишқий-қаҳрамонлик достонида севги темасини феодал урушларга хотима бериш, маърифатпарвар ҳукмдор бошчилигида марказлашган ҳокимият вужудга келтириш учун кураш билан боғлайди, мардона кураши билан турлича даҳшатларни, ҳатто ўлимни ҳам енгиб мурод-мақсадига эришган, эл-юртни бемаъни урушлар гирдобидан қутқариб, осойишталикни барқарор этган Гул ва Наврўзнинг мураккаб саргузаштларини ҳикоя қилади.

---

[1] *Муштари* — харидор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Достоннинг яратилиш тарихи

Достоннинг хотимасидаги:

...Тарих секкиз юз ўн тўрт эрди ҳижрат
Ки нақш эттим бу манзури муҳаббат

байти унинг ҳижрий 814 йилда, мелодий 1411 йилда ёзиб тугатилганини кўрсатади. «Гул ва Наврўз» Темур империяси парчаланиб кетиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон тахти учун шаҳзодалар ва амир-амалдорлар ўртасида қонли курашлар авж олган бир вақтда вужудга келди. Давр нинг истеъдодли шоири ва маърифатпарвари Лутфий бемаъни ўзаро феодал урушлардан ва эл-юрт бошига тушган даҳшатли уқубатлардан қаттиқ ранжиди. Достоннинг муқаддимасидаги «Сабаби назми китоб» бобида айтилган:

...Ўшул кунларки вақтим эрди нохуш,
Тириклик номулойим умре нохуш,
Паришонлик била ақлим мушавваш,
Бузулғон бу кўнгилда минг туман ғаш.
На бир ҳамдамки ул ҳамсоз бўлғай,
На бир маҳрамки ул ҳамроз бўлғай,
Мусоҳиб нозанинларнинг фироқи,
Муосир, ҳамнишинлар иштиёқи,
Аёқ тутқучи банду ҳамдамим оҳ,
Аёқлик қон ютар шому саҳаргоҳ

каби рамзли мисраларнинг вужудга келиши бежиз эмас эди. Бу мисраларнинг маъноси, шоирнинг ўз давридаги ижтимоий-сиёсий воқеаларга муносабати ва орзу-армонлари достоннинг асосий қисмларида тўлароқ ва ёрқинроқ ифодаланади.

«Сабаби назми китоб»да айтилишича, Лутфий «Гул ва Наврўз» достонини Темурнинг набираларидан бўлган Искандар мирзонинг топшириғи билан ёзган. Искандар мирзо у вақтда Форс ва Исфаҳоннинг ҳокими бўлган. У маърифатпарварлиги билан бошқа Темурий шаҳзодалардан бирмунча фарқ қилган ҳамда қобилиятли шоир бўлган[1].

Наврўз Шарқ халқларининг, жумладан, Ўрта Осиё халқларининг жуда қадимги анъанавий байрамларидан биридир. Наврўз янги йил байрами, баҳор ва гул байрами. Табиатнинг уйғониши кишиларга завқ-шавқ бағишлайди, уларни меҳнат ва ижодга чорлайди. Наврўз ҳақида кишилар қўшиқ ва афсоналар яратадилар, уларни байрам шодиёнасида куйлайдилар, ҳикоя қиладилар. Аста-секин Наврўз ёзма адабиётдан ҳам кенг ўрин ола бошлайди. Чунончи, Умар Хайём «Наврўзнома» номли илмий насрий асарини, Хожа Кирмоний (1341 йилда вафот этган) «Наврўз ва Гул» достонини яратадилар. Котиби Чалабийнинг (XVIII аср) «Кашфуз-зунун» асаридаги маълумотга кўра, Абдураҳмон Жомий ҳам Мундий ҳам шу темада асар яратган. Наврўз темаси ўзбек халқ

[1] Машҳур астроном Ғиёсиддин Жамшид 1427 йилда ёзиб тугатган астрономик жадвалини Искандар мирзога бағишлаган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида ҳам узоқ тарихга эга. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» китобидаги халқ қўшиқларининг кўпи баҳор фасли таърифи ва мадҳиясига бағишланган. Ёзма адабиётда эса Лутфийга қадар ҳам лирик ва эпик асарларда баҳор — наврўз тасвири катта ўрин тутади. Атоийнинг

Чун юзунг кўрди, кўзум қилди ватанинг таркин,
Гулни чун Наврўз тонти, ёди Навшод айламас

байти ҳам ўзбек адабиётида Гул ва Наврўз сюжети мавжуд эканлигини кўрсатади. Эҳтимол, Атоий Лутфий достонини кўзда тутгандир. Бироқ шуниси аниқки, бизга қадар етиб келган ўзбек адабиёти намуналари орасида Наврўз темасида махсус битилган биринчи достон Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» достонидир. «Гул ва Наврўз» достонини яратишда Лутфийнинг қандай манбаларга таянганини аниқ билмаймиз, бироқ шуниси равшанки, Лутфий бу достонни яратишда кўпроқ халқ оғзаки ижодидан фойдаланган. Достоннинг ёзма адабиётдаги шу тема (ёки нюм)да яратилган бошқа достонлардан сезиларли даражада фарқ этиши, унда халқ оғзаки ижодига хос бўлган хусусиятларнинг сақланиб қолиши ҳамда муқаддимадаги

Буюрдиким: «Бу гул фаслинда дарҳол
«Гулу Наврўз»нинг афсонасин сол»

таъкиди ҳам шуни кўрсатади.

Шоир қайси бир адабий манбадан фойдаланган бўлмасин, у ўз достонига яшаган муҳитининг ҳаётий воқеаларини асос қилиб олди, даврининг муҳим ижтимоий-сиёсий масалалари ҳақида прогрессив киши сифатида фикр юритди ва ўзбек адабий тили ҳамда адабиёти тараққиётига янги бир туҳфа қўшди.

Достоннинг асосий мотивлари ва образлари

«Гул ва Наврўз»да навшоднинг шаҳзода Наврўз билан фарҳорлик малика Гулнинг саргузашти ҳикоя қилинади. Бу саргузашт ошиқ-маъшуқнинг севги саргузашти бўлиши билан бирга, турли хил ғаразликларни енгиб галаба қилган қаҳрамонларининг ва ўлкаларни ўзаро феодал урушлар офатидан қутқариб, марказлашган йирик ҳокимият вужудга келтирган тадбирли давлат арбобларининг саргузаштидир.

Навшоднинг кекса подшоси Фаррух ўғил кўради. Бола наврўзда туғилгани учун унга Наврўз деб ном берадилар. Наврўз бақувват, ақлли, илмли ва турли ишларда уқувли йигит бўлиб етишади. У Фарҳор ўлкасининг шоҳи Мушкиннинг қизи Гулни тушида кўриб, севиб қолади. Гул ҳам Наврўзни тушида кўриб, унинг ишқига гирифтор бўлади. Наврўз кўп саргузаштларни бошидан кечириб, охири Фарҳорга етиб келади. Бироқ Мушкин Гулни Хитой хоқонига тортиқ қилмоқчи бўлади. Ўзаро аҳдлашган Гул билан Наврўз Хитой чегарасига яқинлашганда қочиб кетадилар; таҳликали воқеаларни бошларидан кечириб, охири бир дарёга етиб келадилар. Даҳшатли тўлқин севгилиларни бир-биридан ажратади. Гул Аданга, Наврўз Яманга тушиб қолади. Қаҳрамон Гул Аданда, Нав-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рўз эса Яманда аскар бошлиғи қилиб тайинланадилар. Адан билан Яман ўртасида уруш бошланади. Якқама-якка жангда Гул Яманлик паҳлавон Баҳромни енгади. Жанг майдонига Наврўз чиқади. У ғолиб қаҳрамон — Гул билан олишуви керак. Бироқ Наврўз билан Гул бир-бирини таниб қолади, жангга шайланган паҳлавонлар бир-бирининг қучоғига отилади. Уруш ярашга, мусибат шодиёнага айланади.

Навшод, Фархор, Адан ва Яман шоҳлари кенгашадилар, тўрт давлатни бирлаштириб ягона давлат қилишга ва Наврўзни шоҳ қилиб кўтаришга қарор қиладилар. Наврўз адолатли ва маърифатпарвар подшо бўлади.

«Гул ва Наврўз»нинг етакчи темаси севгидир. Бу севги самимият, вафо ва садоқат, мардлик ва жасорат, эзгулик ва адолат каби олижаноб фазилатларни мужассамлаштирган, курашларда чиниққан севгидир. Гул ҳам, Наврўз ҳам севги ва курашда камол топади. Ҳеч қандай даҳшатли куч уларнинг азми ва иродасини бука олмайди, ўлим таҳликаси севги йўлидан чекинишга мажбур қилолмайди. Зероки:

Киши ким ишқ бирла ошнодур,
Анга ҳар дам фалакдин минг жафодур..,
Балодур сарбасар ишқи жаҳонсўз,
Ким ўртар мубталоларни шабу рўз.
Эр ўғликим қадам қўйса бу йўлда,
Қадам бошдин керакдур, жони қўлда.

Севги ошиқларга куч-қувват ва жасорат бағишлайди. Улар қотил Ялдойи Зангийни, ҳийлакор шайх Наждни, одамхўр девларни енгиб ғолиб чиқадилар, денгиз тўфони ҳам ишқ туғёнига бас келолмайди. Севги ўлимни даф этади, урушни мағлуб ва осойишталикни барқарор қилади.

Ф. Энгельс «...Миллий давлатлар ташкил қилишга интилишнинг тобора ойдинроқ ва онглироқ кўринаётган тенденцияси ўрта асрлардаги тараққиётнинг асосий омилларидан биридир»[1],— деган эди. Бу тенденция Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» достонида ҳам «ойдинроқ ва онглироқ» кўрина бошлайди. Лутфий ўзаро адоватда бўлган майда феодал давлатлар ўрнига йирик ва марказлашган давлат вужудга келишини, золим ва жоҳил подшо ўрнига адолатли ва маърифатпарвар ҳукмдор бўлишини орзу қилади. Бу орзу достоннинг муқаддимасидан тортиб хотимасига қадар унинг бутун моҳиятига сингдирилган. Шоир Навшод шоҳи Фаррухни адолатпарвар шоҳ сифатида таърифлаб, «Гул ва Наврўз» китобининг бошида:

...Ки Навшод элида бор эрди бир шоҳ,
Келурдин воқифу кечгандин огоҳ,
Оти Фаррух, ўзи фархунда ахтар,
Анинг ҳукмида ул иқлиму кишвар,
Қамуқ оламда адлу доди машҳур,
Черики бениҳоят, мулки маъмур,—

[1] К. Маркс и Ф. Энгельс, Соч., том XVI, часть I, стр. 444.

www.ziyouz.com kutubxonasi

дейди. Ўғил кўрган кекса подшо севиниб, эл-юртни шод-хуррам қилади, бандиларни зиндондан озод этади:

...Севунгандин отоси ганжин очти,
Неким қозғонғанин оламга сочти.
Улуқ тўйлар қилиб ишратлар этти,
Яротқон бирла кўп нийятлар этти.
Улуста мустаҳиқларни қилиб шод,
Ҳам ул дам бандиларни қилди озод.

Адолатпарварлик ва халқпарварлик Гул ва Наврўзнинг асосий хислатларидан бирига айланади, қаҳрамонларнинг фаолияти ва хислатига сингиб кетади. Гул ва Наврўз туфайли Адан ва Яман ўртасидаги уруш-ихтилоф бартараф бўлади, бир-бирига хусумат қилган икки подшо ярашади, икки ҳокимият бирлашади, кўп ўтмай унга Навшод ва Фархор ҳам қўшилади. Йирик ва марказлашган давлатга Наврўз шоҳ бўлади, у мамлакатни адолат билан бошқаради; эл-юрт уруш ва босқинчилардан халос бўлиб, осойишталик бошланади:

...Чопиштилар келиб тушлук — тўшиндин,
Улус фориғ бўлиб санчиш ишиндин...
Уруш, санчиш кўтарилди ародин,
Хусумат кетти икки подшодин.
Бу хушлуқдин бирикти икки иқлим,
Ародин қўпти хавфу қолмади бим.
Кечиб ҳижрон кечаси, ўтти зулмат,
Еруди субҳи васлу кетти ғурбат.
Саодат юзланиб, нақбат туганди,
Етилди давлату меҳнат туганди...
Жаҳонда кимниким кўрсанг, тарабсоз,
Улус хушвақту олам айшпардоз...
Барининг ўрнига Наврўз бўлди,
Муроду бахтики фируз бўлди...
Жаҳонда қўйди яхши расму ойин,
Тузатти дунйини сарто ба пойин...

Бу билан Лутфий темурий феодал ҳукмдорлари ўртасидаги ихтилофларнинг битишув йўли билан ҳал этилишини, ўзаро феодал урушларнинг тугатилиши ва давлат ҳокимиятининг марказлаштирилишини истар эди. Достоннинг муқаддимаси ва хотимасидаги Искандар мирзо мадҳи ҳам айнан шу мақсадга қаратилган. Шоир Искандар мирзони муболағалар билан мадҳ қилади, лекин уни, шунингдек, бошқа темурий ҳукмдорларни ҳам, Наврўздан ибрат олишга, ўзаро феодал уруш ва ихтилофларга хотима бериб, эл-юртда осойишталик барқарор этишга чақиради.

Лутфий икки ўлка ва халқнинг фарзанди бўлган Гул ва Наврўзнинг самимий севгиси ҳамда тўрт давлат ўртасида дўстлик, тотувлик муносабатлари ўрнатилиши мисолида халқлар дўстлиги ғоясини куйлайди. Инсонпарвар шоир феодал-клерикал муҳитнинг хотин-қизларни хўрлаши ва таҳқирлашига қарши уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади, ўз фазилатлари билан Наврўздан қо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лишмайдиган доно ва жасоратли қиз — Гул образини яратади. Шайх Нажди образи орқали мунофиқ ва ҳийлакор шайх-зоҳидларни фош қилади.

Наврўз образи

Наврўз — достоннинг бош қаҳрамони. Достондаги асосий воқеа Наврўзнинг туғилишидан бошланади ва у билан бирга ўсади, ривожланади. Наврўз ёш болалик чоғиданоқ яхши сифат ва фазилатлар орттира боради, у турли билимларни эгаллаб олади, ов, сипоҳийлик иши ва бошқалар билан шуғулланади:

...Кичик ёшдин қамуқ фанларни билди,
Кўпин ўз ақли бирла фаҳм қилди.
Не турди бир нафас, не урди бир дам,
Тамом ўргандп, билди барча ирдам.
Гаҳе қуш қушламоқ, гаҳ овламоқда,
Кийик немламоқ, арслон қувламоқда...

Бироқ Наврўз ҳали жамиятда ўз ўрнини топган эмас. У тажрибасиз, маҳдуд, фақат ўзини ва ўз атрофини кўра олади, саройдаги ишратлар уни маҳлиё қила бошлайди. Буларнинг барчаси унда мутакаббирлик ва худбинлик аломатларини туғдира бошлайди. У май косада ўз ҳусн-жамолини кўриб ўзига ошиқ бўлади. Лекин ҳақиқий севги уни худбинликнинг ҳалокатли йўлидан қутқариб олади. Наврўз тушида Гулни кўради. Гул унга:

Қиё боқди табассум бирла ул ҳур,
Дедиким: эй ўзи ўзина мағрур,—

деб таъна қилади ва ўз сифатлари ҳамда эл-юртини баён этади. Наврўзнинг қаршисида латофатли ва лобар қиз гавдаланади. Наврўз Гулга мафтун бўлади. У энди ўз ҳусн-жамолига; сарой ва ҳашаматларга маҳлиё бўлмайди. Унинг орзу ва мақсади Гулнинг висоли бўлиб қолади. Висол ғайрат ва курашни, матонат ва чидамни талаб этади. Наврўзни катта ва даҳшатли синовлар, таҳликали воқеалар кутади. Наврўз синовларнинг барчасига тайёр. У чекинмайди, умидсизликка тушмайди. Унга отаси ҳамроҳ қилиб қўшган Баҳман хиёнат қилади, якка ўзи тоғ ошади, дарё кечади, девлар манзилига келиб қолади, денгиз тўфонига гирифтор бўлади ва ҳоказо. Наврўз бу кураш ва синовларда чиниқади, самимий севги ва вафо уни жасоратли ботир ва паҳлавонга айлантиради, фазилатига фазилат қўшади. Эзгулик ва одамийлик унинг энг аъло сифати бўлиб қолади. Наврўз мискинларга мушфиқ, дардмандларга малҳам бўлади, адолатпарвар ва маърифатпарвар подшо бўлиб етишади, эл-юртни шод-хуррам қилади.

Гул образи

Достондаги воқеа ва масалаларнинг ривожи, ечилиши ва ҳал этилишида Наврўз қандай ўрин тутса, Гул ҳам шундай ўрин тутади. Гул — Фархор мамлакатининг маликаси. У ҳусн-жамолда тенги йўқ қиз. Гул феодал са-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ройининг бошқа тантиқ қизларидан катта фарқ қилади. У маликалиги ва ҳусн-жамолига маҳлиё бўлиб кетмайди. Унинг маънавий гўзаллиги ҳусн-жамолидан ҳам эиёда. У ақлли, одобли, фаросатли ва тадбирли қиз. У садоқатли ёр, ботир, шавкатли қўшин бошлиғи, *ҳар бир ишда камолотли*. Шоир Гул таърифида;

Надинким ўксам ортуқдур жамоли,
Ҳар ишким десамгиз бордур камоли,—

дейди.

Гул феодал-клерикал муҳитнинг хотин-қизларни хўрлаши ва уларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилишга қарши исён кўтаради. У хотин-қизлар фақат севилиши мумкин, улар севишга ҳақли эмас деган феодал-клерикал тушунчага асир бўлмайди, инон-ихтиёрини отасига топшириб қўймайди, у Наврўз билан Чин чегарасидан қочади. Гул Наврўзни самимият билан севади, унга умрбод содиқ бўлиб қолади. Гул азм-иродаси, жасорати ва фаҳм-идроки билан барча мудҳиш офатларни енгади, ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатиб, кишиларнинг ҳурмати ва таҳсинига сазовор бўлади. Гул денгиз тўлқинига учраб Наврўздан жудо бўлгач, Аданга бориш йўлида йиртқич арслонларга қирғин солиб, ғаввосларни ўлимдан қутқаради: у ғаввослар бошлиғи Жавҳарга хандақ қазишни буюради ва «тебранмай маҳкам туришни» талаб қилиб, арслонларга қарши мардона қўзғолон бошлайди. Аданликларга ўзини Чин шаҳзодаси деб таништан Гул (у кимлигини ошкор қилолмас эди) Яманнинг қўшин бошлиғи паҳлавон Баҳромга қарши *яккама-якка жангда мисли*сиз қаҳрамонлик кўрсатиб, уни мағлуб қилади.

Шундай қилиб, назокатли ва мулойим хулқ-атворли, мушфиқ ва меҳрибон Гул, халқ достонлари ва эртакларидаги жасоратли хотин-қизлар каби, душманга шафқатсиз, жангда мард, курашда ботир бўлиб етишади. Гул бу фазилатлари билан эл-юртга манзур бўлади, камол топади ва мурод-мақсадига эришади.

Бошқа образлар

«Гул ва Наврўз»да, бош қаҳрамонлардан ташқари, ўндан зиёд бошқа образлар ҳам бор. Булар Навшод мулкининг шоҳи Фаррух, Фархор ҳукмдори Шоҳи Мушкин, Яман хони Рафиъ, Адан хони Бадиъ, Наврўзнинг дўсти Булбул, Гулнинг энагаси Савсан, мунофиқ Баҳман, Шайх Нажди ва бошқалар бўлиб, уларнинг ҳар бири достондаги асосий воқеа ёки маълум эпизоднинг ривожида, конфликтларнинг туғилиши ёки ҳал этилишида маълум ўрин тутади, ўз яхши ёки ёмон хатти-ҳаракати, ижобий ёки салбий хислатлари билан намоён бўлади.

«Гул ва Наврўз»да тўрт ҳукмдорнинг образи берилган. Булардан Навшод шоҳи Фаррух эзгулиги ва адолатпарварлиги билан алоҳида ажралиб туради. У эл-юртнинг осойишталиги учун курашади, яхши фазилатлари билан шуҳрат топади. Фархор ҳукмдори

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоҳи Мушкин ҳам адолатпарвар. Булбул Наврўзга уни бундай таърифлайди:

...Ки Фарҳор элида бир хонимиз бор,
Шаҳи Мушкин деган султонимиз бор,
Эру(р) Жамшид уруғиндин нажоди,
Фаридундин ҳам ортуқ адлу доди,
Адимул-мисл эрур икки жаҳонда,
Тенги йўқтур замину ҳам замонда...

Бироқ Мушкин — жоҳил ота, у қизи Гулни «етти парда» ичида сақлайди ва унинг истак-орзуси билан ҳисоблашмай Чин хоқонига тортиқ қилади. Адан ва Яман хонлари эса эл-юртни хароб этувчи ўзаро урушлар қиладилар. Бироқ Гул ва Наврўзнинг самимий севгиси, ақл-иродаси ҳамда Фаррухнинг донишмандона ўгити ва таклифи подшолар ўртасидаги ихтилофларни бартараф қилади, Шоҳи Мушкин билан қизи Гул дийдор кўришади ва Шоҳи Мушкин қизининг тақдиридан ғоятда шодланади. Адан ва Яман шоҳлари ярашади, тўрт ўлка бирлашиб катта ва марказлашган давлат вужудга келади.

Достондаги воқеаларни шу хилда тамомлаш билан Лутфий мамлакат ва халқ тақдирини ҳукмдорларнинг хатти-ҳаракатига, шахсий хислатига боғлайди, адолатсиз подшоларнинг адолатли бўлиши, феодал ҳукмдорлар ўртасидаги низо-адоватларнинг дўстлик ва ҳамкорликка айланиши мумкин деган феодал ўрта асрига хос ғояни илгари суради.

Булбул дўстлик тимсолидир. У Наврўз билан танишиб, унинг севги сирини билган чоғидан бошлаб севгувчиларни мурод-мақсадига етказиш учун куч-қувватини аямайди. Наврўзга ҳам, Гулга ҳам садоқатли дўст бўлиб қолади, уларнинг қайғусига шерик бўлиб, шодликларидан қувонади.

Савсан, бир томондан, сарой муҳити ва феодал-клерикал ахлоқ таъсири билан Гулга ўринсиз маломатлар қилиб, уни тақдирга кўнишга, отасининг раъйига мувофиқ, хоқонга эрга чиқишга ундаса, иккинчи томондан, Гулнинг дард-аламига шерик бўлиб, унинг бахт-саодатли бўлишини истайди.

Бу сўзлар ҳақ-ҳуқуқи топталиб, чор девор ичида қон ютган маъсума аёлларнинг мунгли ноласи, айни замонда, Гул каби журъатли қизлар билан бирга, шум тақдирга қарши бош кўтарган мушфиқ оналарнинг нсёнкор овозидир.

Ёмонлик, разолат, зулм-зўрлик, мунофиқлик Баҳман, Шайх Нажди, Ялдойи занги каби салбий образларда мужассамлаштирилади. Баҳман Наврўзга хиёнат қилади, унга йўл бошловчи бўлиш ўрнига, бойликларини ўғирлаб, қочиб кетади. Ялдо Гул билан Наврўзни банди қилиб хоқонга юборади. Шайх-зоҳидлик ниқобига ўралган Нажди эса Гул билан Наврўзни макр-ҳийла билан ўз разил тузоғига илинтирмоқчи бўлади. Яхшилик билан ёмонлик,

www.ziyouz.com kutubxonasi

адолат билан разолат, ҳаёт билан ўлим ўртасида қаттиқ кураш боради, бу курашда яхшилик ёмонликни, адолат разолатни, ҳаёт ўлимни енгади, салбий образлар мағлуб бўладилар, ижобий образлар мурод-мақсадларига, бахт-саодатга эришадилар.

«Гул ва Наврўз» нинг бадиий хусусиятлари

Лирик шеърларида юксак санъаткорлик маҳоратини кўрсатган Лутфий «Гул ва Наврўз» достонида ҳам катта бадиий муваффақиятларга эришди. У халқ эпик поэзиясининг кўп асрлик тажрибалари ва ёзма адабиётнинг традицияларидан ижодий фойдаланди, ўзбек достончилигининг ривожига муносиб ҳисса қўшди.

«Гул ва Наврўз» мураккаб сюжетли достондир. У узоқ йиллар давомида турли ўлкаларда содир бўлган хилма-хил воқеаларни, оддий ҳаёт лавҳаларидан тортиб кишини фантазия оламига олиб кириб ҳайратда қолдирувчи воқеаларгача ҳикоя қилади. Асосий воқеа Навшод шоҳи Фаррухнинг ўғил кўриши — Наврўзнинг туғилишидан бошланади. Воқеа аста-секин ривожланиб, унинг доираси кенгаяди, турли-турли персонажлар ва уларнинг фаолияти билан боғланиб боради. Бироқ достондаги воқеаларнинг барчаси, ҳар бир эпизод, ҳар бир лавҳа Гул ва Наврўзнинг ишқий-қаҳрамонлик саргузаштини ёритишга хизмат қилади, шу саргузаштнинг маълум ҳалқасини ташкил этади ёки уни тўлдиради, такомиллаштиради. Бу нарса достоннинг изчил ва мукаммал композициясини вужудга келтиради.

Достоннинг темаси воқеаларнинг ривожи, турли конфликтларнинг пайдо бўлиши ва ечилиши билан ёритиб борилади. Яхшилик билан ёмонлик, ижобий образлар билан салбий образлар ўртасидаги кураш тобора мураккаблашиб боради. Висолга эришиш учун кўп кулфат ва машаққатни бошидан кечирган Гул билан Наврўз Адан ва Яман подшолари томонидан яккама-якка жанг майдонига қўйилади. Улар ё ўзаро феодал адоватларнинг қурбони бўлиши, ёки севги ўлимни — урушни енгиши керак. Воқеа асосий кульминацион нуқтага кўтарилади. Бироқ севгувчилар бир-бирини таниб олади, севги ўлимни ҳам, урушни ҳам енгади. Энди чигаллар осонлик билан ечила боради. Гул ва Наврўз висолга етадилар, Адан ва Яман хонлари ярашади, Фаррух ва Шоҳи Мушкин фарзандларининг дийдорини кўрадилар, тўрт ўлка бир давлат бўлиб бирлашади, осойишталик ўрнатилади, адолатпарвар Наврўз шоҳ бўлади.

«Гул ва Наврўз» образлари достондаги воқеанинг ўзи билан бирга ўсади, ривожланади. Шоир образларни уларнинг ўзига хос ҳаёт йўли ва индивидуал хислатлари билан гавдалантиради, маънавий дунёси ва ташқи қиёфасини усталик билан тасвирлайди. Бунга айниқса достоннинг бош қаҳрамонлари — Гул билан Наврўз яққол мисол бўла олади. Отасининг саройидаги ноз-неъмат ва кайф-сафолар ичида болалик ва илк йигитлик йилларини ўтказ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган Наврўз билан турли саргузаштларни бошдан кечирган, кураш ва синовларда чиниққан Наврўз бир-биридан кескин фарқ қилади. Гул ҳам худди шундай образдир.

Бир вақтлар Наврўзни сарой базмлари овутган бўлса, у Гулга ошиқ бўлгандан кейин бундай базмлар унга кўнгил хуши бўла олмайди. Шоир ошиқ Наврўзнинг ички кечинмаларини тасвирлаб, жумладан, бундай дейди:

...Нигорино мен ул бечорадурмен,
Ки ҳажринг жавридин оворадурмен.
Енар ўт ичра ўртаб хонлиғимни,
Қулунг бўлдим, қўюб султонлиғимни.
Агарчи шоҳ эдим, эмди гадомен,
Ғариблик дарди бирла мубталомен.
Ғарибу бекасу мискинман, эй жон!
Ғарибу ошиқу ғамгинман, эй жон!..
Тараҳҳум вақтидур, эй ёр, эй ёр!
Ғарибқа раҳм қил, зинҳор, зинҳор!..

Ҳижрон азоби билан бағри эзилган Гул Булбулдан Наврўзнинг ҳол-аҳволини сўрайди:

Анга сўрди: Нечукдур ул ғарибим,
Муҳибдин ёд этарму ул ҳабибим.
Сезибмудур бу дармонсиз балони,
Соғинурму бу мискин мубталони.
Фалакнинг жавридин ҳоли нечундур?
Бу мотам ичра аҳволи нечундур?
Рафиқи бормудур меҳнатдин ўзга?
Кўрарму ҳеч нима заҳматдин ўзга?..

Бу мисралар Гулнинг Наврўзга муносабатини ифодалаш билан бирга, Гулнинг ҳам, Наврўзнинг ҳам руҳий кечинмаларини тасвирлайди.

Шоир қаҳрамонларнинг руҳий кечинмаларини тасвирлашда пейзаждан, қаршилантириш каби турли бадиий усуллардан фойдаланади. Гул мажбуран Чинга жўнатилади. Жўнаш пайтида тун зулмати чекиниб, тонг ёриша бошлаган эди:

Чу боди субҳ бунёд этти парвоз,
Қаро қузғун ҳазимат қилди оғоз.
Фалакдин меҳри анвор бўлди толеъ,
Қоронғулуқни кўздин қилди рожеъ...

Бу тасвир табиат манзараси билан қаҳрамоннинг аҳволи ва кайфиятини қарама-қарши қўйиш, уни тўлароқ ва бўрттириброқ ифодалашга хизмат қилади. Тонг ёриша бошлаган эди, бироқ Гул учун тун, айрилиқ зулмати келган эди.

Наврўз Чинга йўл олиб, Гулнинг кетидан изма-из боради. Тун зулмат бўлгани учун севишганларнинг ҳам дили зимзиё:

...Жаҳон эрди анингтек тирау тор,
Ки не юлдуз, не ой эрди падидор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Булут кўкраб, яшин ёшнаб, эсиб ел,
Буратиб қор, ёғиб ёмғур этиб сел...

Бироқ шундай қоронғи ва даҳшатли тунда бирдан севишганларнинг дилида жасорат ва умид чироғи ёна бошлайди, ошиқ ва маъшуқа қочиб қутулишга қарор қиладилар:

«Яроғ улдур, ки отлансақ бу шабгир,
Қилиб бошдин-аёқ тунларни тағйир,
Қочиб Фарҳор иқлимидин ошсақ,
Бориб Навшод мулкини толошсақ»,
Ризо берди Гули Мушкин бу сўзга,
Бурунқи аҳдини қилмади ўзга...

Шоир Гул ва Наврўзнинг гўзал ташқи қиёфасини тасвирлаш билан уларнинг маънавий дунёсини бойитса, Баҳманнинг беўхшов қиёфаси, Шайх Наждининг дўзахга ўхшаш кўзи тасвири ва бошқалар билан салбий образларнинг разиллигини янада чуқурроқ очади. У изтироб чекаётган кишини чала сўйиб ташланган паррандага, жангни қора булут ёки даҳшатли қуюнга ўхшатиш каби содда ва гўзал бадиий воситалар яратади.

Лутфий «Гул ва Наврўз» достонида халқ оғзаки ижодининг бой чашмаларидан тўла баҳраманд бўлди. Буни, ҳаммадан аввал, достоннинг оптимистик руҳи, ундаги воқеаларнинг ижобий образлар ғалабаси билан тугалланиши, халқнинг осойишталик ва ободончиликка бўлган интилишининг куйланиши, шу билан бирга, достоннинг бадиий хусусиятлари ва тили равшан кўрсатади. Наврўз темасининг ўзиёқ халқ ижодига бориб тақалади. Шоир бу темани ёритишда халқ достонларининг сюжети ва композициясига монанд сюжет ва композиция яратди. У қаҳрамонларига Гул, Наврўз, Булбул ва бошқа номлар бериш билан ҳам халқ ижодига мурожаат қилди, Булбул ва Савсан образларига халқ асарларидагидек мажозий характер берди. Тасвирий ўринларда, айниқса, фантастик воқеалар тасвирида халқ санъаткорлигидан илҳомланди.

Шоир халқ мақоллари ва таъбирлари билан достоннинг мазмунини ҳам, тилини ҳам бойитди. Мисоллар:

Эр ўғликим қадам қўйса бу йўлда,
Қадам бошдин керакдур жони қўлда.

Чўлуган суни кўрмойин иноимас,
Неча су десалар сусоғи қонмас.

Исинурму киши ўтқа йироқдин?
Мени суйган нетар Навшод тахтин?

Отоси йиғлай-йиғлай ою қоёнди,
Ўғул ўйнай-кулай йўлға узонди.

Лутфий халқ юморидан ҳам илҳомланиб, қизиқ ва оригинал лавҳалар яратди. Масалан, у Шайх Наждининг барча ярамаслик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари устига ўлгудек хасис ва зиқна одам эканлигини таъкидлаб, шундай бир манзарани тасвирлайди:

...Эшикдин ўтру чиқди бир авоэил,
Муҳаққақ лойиқи тайра афоэил.
Иликларин тутуб эвга киюрди,
Бориб меҳмон учун суфра кетўрди.
Не суфра, арпа ўтмаки била сў,
Дегайсен жим эрур оғриққа дору.
Аранг қўйди эса тотмога фурсат,
Тотар-тотмасдан йиғди суфрани бат.

«Гул ва Наврўз»нинг тили содда ва мисралари равондир. Шоир достоннинг тилини халқ жонли тилидаги сўзлар билан бойитиб, ўзбек адабий тили тараққиётига катта ҳисса қўшди. «Гул ва Наврўз» XV аср ўзбек адабий тилининг қимматли ёдгорлигидир.

Лутфий «Гул ва Наврўз»ни ҳазаж баҳрида (мафоийлун, мафоийлун, мафоил) ёзди ва ўзбек тилининг талаффуз хусусиятларига мумкин қадар қаттиқроқ риоя қилишга интилди. «Гул ва Наврўз», классик адабиётнинг бошқа достонлари каби, маснавий йўлида қофияланган.

«Гул ва Наврўз» катта ғоявий-бадиий муваффақиятларига қарамай, XV аср муҳитига хос бўлган айрим зиддият ва нуқсонлардан ҳам холи эмас. Бу ҳол достонда қўйилган ижтимоий-сиёсий масалаларнинг идеалистик тарзда ёритилишида, подшопарастлик эътиқодида, деярли барча асосий қаҳрамонларнинг аристократ табақаларга мансуб бўлишида, айрим диний-хурофий тушунчаларда, тил ва тасвирдаги баъзи ғализликлар ва бошқаларда кўринади.

Ўзбек дунёвий адабиёти тараққиётида Лутфийнинг ўрни

Лутфий ўзининг кўп йиллик адабий фаолиятини ўзбек дунёвий адабиёти ва ўзбек адабий тили тараққиётига бағишлади. У даврининг атоқли сўз санъаткори бўлиб етишди. Диний-мистик адабиётга, таркидунёчилик ва бадбинлик эътиқодига қарши шафқатсиз кураш олиб борди, ҳаёт ва севгининг ҳассос куйчиси бўлди. У халқ оғзаки ижоди тажрибаларидан, ёзма адабиёт традицияларидан ижодий фойдаланди, Салмон Соважий ва Хужандий каби атоқли сўз санъаткорлари билан ижодий мусобақалашди. У бир шеърида «рангин шеъри Салмондан қолишмаслиги»ни таъкидлаган бўлса, иккинчи бир шеърида:

Лутфий каломи етса Самарқанд аҳлига
Амудан ўтмас эди Хужандий сафинаси,[1]—

деб фахрланади. Гарчи бунда маълум даражада фахрияга хос одатдагидек анъанавий муболаға бўлса ҳам, лекин Лутфий ўз

[1] *Сафина* — кема; *бу ўринда*: адабий асар маъносида ишлатилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шеърлари билан Хуросонда ҳам, Мовароуннаҳрда ҳам кенг шуҳрат топган эди.

Навоий Паҳлавон Муҳаммаднинг, қайси туркигўй шоир яхшироқ шеър битган ва улардан сен кимни кўпроқ хуш кўрасан, деган саволига: «Мавлоно Лутфий ҳоло мусаллamдурлар ва бу қавмнинг устоди ва маликул-каломидурлар» деб жавоб берган. Ўз даврининг «маликул-каломи» бўлган Лутфий ўзбек классик адабиёти тараққиётининг кейинги босқичларига ҳам самарали таъсир этди. Кўпгина шоирлар унинг ғазалларига назира ва мухаммас битдилар, достонларида (масалан, Мажлисий «Сайфулмулук»да) «Гул ва Наврўз»дан илҳомланиб, кўп нарса ўргандилар.

Лутфий асарлари совет китобхонларига манзурдир, унинг бир қатор ғазаллари шу кунга қадар куйга солиб айтилмоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АЛИШЕР НАВОИЙ

(1441—1501)

Ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоий жаҳон адабиётининг буюк санъаткорларидандир. Унинг номи ва мероси Гомер ва Данте, Рўдакий ва Фирдавсий, Низомий ва Шота Руставели, Саъдий ва Жомий, Шекспир ва Бальзак, Пушкин ва Толстой, Рабиндранат Тагор ва Лу Син каби улкан сўз санъаткорларининг номи ва меросидек ўлмасдир.

Навоий бутун фаолияти ва ижодиётини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, ўзаро феодал урушларнинг олдини олишга, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиётига бағишлади. У улуғ гуманист, донишманд, давлат арбоби, ўзбек адабий тилига асос солган ва ўзбек классик адабиётини янги тараққиёт поғонасига кўтарган буюк сўз санъаткори, истеъдодли энциклопедист олим бўлиб етишди, жуда қимматли асарлар яратди, даврининг маданий ҳаётига раҳбар, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига ҳомий, кўплаб шогирдлар етиштирган устоз бўлди.

Навоий: «Умидим улдурки ва хаёлимга андоқ келурки, сўзим мартабаси авждан қуйи энмагай ва бу ёзган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмағай», деган эди. Навоий янглишмади. Унинг орзулари айниқса бизнинг замонда рўёбга чиқди. Унинг асарларини қадрлаб, уларга юксак баҳо берувчи замон социалистик замон бўлди. Совет кишилари Навоийни севадилар ва ҳурмат қиладилар, унинг асарларидан таълим-тарбия ва эстетик завқ оладилар, Навоий ижодиётидаги феодал ўрта асри шароити вужудга келтирган зиддиятларнинг моҳияти ва сабабларини тушунадилар.

НАВОИЙНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ

Навоийнинг фаолияти ва меросини ўрганиш узоқ ва мураккаб тарихга эгадир. Бу тарих XV асрнинг ўзидан, Навоий замондошларининг асарларидан бошланади. Беш асрга яқин давр ичида Навоийнинг фаолияти ва меросини ўрганиш мураккаб тараққиёт босқичларини кечиб ўтди. Совет навоийшунослиги Навоийнинг фаолияти ва меросини ўрганишда янги ва юқори босқич бўлди. Совет навоийшунослиги қисқа бир давр ичида жуда катта ютуқларга эришди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш манбалари

Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда биринчи манба Навоийнинг ўз асарларидир. Навоийнинг деярли барча асарларида, хусусан, унинг «Муншаот», «Ваққия», «Хамсатул-мутаҳаййирин», «Хутбаи давовин», «Мажолисун-нафоис», «Муҳокаматул-луғатайн» каби асарларида унинг ҳаёти ва фаолиятига доир кўп ва қимматли фактлар, маълумотлар бор. Бу факт ва маълумотлар Навоийнинг шахсий ҳаёти, ижодий фаолияти, айрим асарларининг ёзилиш тарихи, ижодий режалари ва орзу-интилишлари, маданий ҳаёт ва ободончилик соҳасидаги хизматлари, халқнинг осойишталиги учун кураши, муҳрдор ва вазир сифатида қилган ишлари, дўстлари, ҳамкорлари, рақиблари ва душманлари билан бўлган муносабатларини ҳамда бошқа-бошқа масалаларни қамраб олади.

Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда унинг замондошлари томонидан яратилган асарлар ҳам жуда қимматли манбадир. Булар Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ» («Яхши хулқлар»), «Ҳабибус-сияр» («Суюкли хислатлар»), «Хулосатул-ахбор» («Воқеаларнинг хулосаси»,) Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш-шуаро» («Шоирлар тазкираси») асарлари, Бобирнинг «Бобирнома»си, Восифийнинг «Бадойиул-вақое» («Гўзал воқеалар») китоби ва бошқалардир. Шу билан бирга, Абдураҳмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо», «Хирадномаи Искандар» ва «Баҳористон» каби асарларида ҳамда бошқа авторларнинг китобларида Навоийнинг фаолияти ва ижодиётига доир муҳим маълумот, таъриф ва баҳолар берилган. Бу манбаларда фактик материал ва объектив фикр-мулоҳазалар билан бирга, баъзан Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг дўстлигини ортиқ даражада бўрттириб юбориш, уларнинг ўртасидаги ихтилофлардан кўз юмиш, Навоийнинг айрим фазилатларини илоҳийлаштириш каби камчиликлар ҳам бор. Бинобарин, Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини, XV аср тарихий воқеаларини ёритишда бу манбалардан танқидий фойдаланиш зарур.

Навоий кейинги асрларда яратилган барча тазкиралардан, бир қатор тарих китоблари ва мемуарлардан ҳам кенг ўрин олади. Лутф Алибек Оваринг «Оташкада», Сом Мирзонинг «Туҳфаи Сомий», Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Мажмаул-фусаҳо» («Гўзал сўз эгаларининг тўплами»), Фахрий; Ҳиравийнинг «Латофатнома», Мирзо Ҳайдар Дўғлатнинг «Тарихи Рашидий», Абдулмўминхоннинг «Томут-таворих» («Тарихлар тугали»)[1] асарлари ва бошқа-бошқалар шулар жумласидандир. Бу асарларда, Навоий

[1] Қаранг: А. Ҳайитметов. Ҳаётбахш чашма («Навоий ҳақида янги маълумотлар» мақоласи). Ғафур Ғулом номидаги Санъат ва адабиёт нашриёти, Тошкент — 1974.

www.ziyouz.com kutubxonasi

замондошларида бўлганидек, қимматли фактик материал ва объектив адабий-тарихий мулоҳазалар бор.



Алишер Навоий

Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда халқ оғзаки ижодида Навоий ҳақида яратилган асарлар ҳам аҳамиятлидир. Навоий ҳақида ўзбек, тожик, туркман ва бошқа халқларнинг оғзаки ижодида кўпгина эртак, афсона, ҳикоя ва латифалар яратилган. Уларда тарихий фактлар айнан баён қилинмаса ҳам, халқ тушунчасидаги Навоий образи яратилган. Навоийни самимий севган ва унинг асарларини ардоқлаган халқ уни доимо улуғ инсон, донишманд ва тадбирли давлат арбоби, истеъдодли олим, заковатли шоир, бева-бечораларнинг манфаатларини ҳимоя қилган халқ фарзанди, сахий, олижаноб киши сифатида тасаввур қилган. У шу асосда Навоий образини яратиб, унинг ҳақида хилма-хил асарлар ижод этган, Навоий халқ қаҳрамонига айланиб кетган. Агар кўпгина ёзма манбаларда Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги дўстлик алоқалари ортиқ даражада бўрттирилиб, уларнинг ўртасидаги ихтилофлар ҳатто тилга олинмаган бўлса, халқ ижодида Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги ихтилофлар асосий масалалардан бири қилиб олинган. Халқ ижодида, бир томондан, Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги зиддиятларни маълум даражада тарихий ҳақиқатга мувофиқ равишда акс эттирилса, иккинчи томондан, бу ихтилофлар аспектида, умуман, феодал жамиятдаги прогрессив кишилар билан реакцион кишилар ўртасидаги зиддиятлар тасвирланади.

Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги «Навоий ва йигит», «Навоий ва қирқ вазир», «Навоий ва Гули» ҳамда «Мирали ва Султон Суюн» («Мир Алишер ва Султон Ҳусайн») циклидаги туркман ҳикоялари ва бошқалар Навоийнинг ўлмас образини тўлароқ тасаввур этишга хизмат қилади.

Ўтмишда Навоийнинг ўрганилиши

Навоий ўзбек классик адабиётининг барча тараққиёт босқичларида устоз шоир ва халқнинг бениҳоя катта ҳурмати ва муҳаббатига сазовор бўлган сўз санъаткори бўлиб қолди. Бу улуғ санъаткорнинг асарлари турли даврларнинг хаттотлари томонидан зўр ҳафтиром ва муҳаббат билан кўчирилди, рассомларнинг нақш ва сў-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ратлари билан зийнатланди. XIX асрнинг 70-йилларида Ўзбекистонда босмахона пайдо бўлганидан кейин Навоийнинг «Хамса», «Чор девон», «Вақфия» ва бошқа асарлари бир неча бор нашр этилди. Навоийнинг айрим асарлари ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилди, ғазаллари куйга солинди, ҳикматли сўзлари мақолларга айланди, халқ унинг асарларидаги ўлмас қаҳрамонлардан илҳомланиб, Бекобод яқинидаги тоққа Фарҳод тоғ, сойга Ширин сой деб ном берди, халқ ижодчилари Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун ҳамда Дилоромлар ҳақида янги-янги асарлар яратдилар. Барча тараққийпарвар ўзбек шоирлари Навоийдан таълим олдилар, унинг традицияларини давом эттирдилар ва ривожлантирдилар. Жумладан, шоир Мунис бир шеърида:

«Сўз ичра Навоийки жаҳонгир турур,
Мунисга маоний йўлида пир турур»,—

деб уни ўзининг устози ҳисоблайди. Шоир Огаҳий эса:

«Огаҳий, ким топғай эрди сози назмингдин наво,
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидин санго»,—

дейди.

Навоийнинг асарларига назира битиш, ғазалларига мухаммас боғлаш бир одат бўлиб қолади. Ёзувчи Умар Боқий Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларининг қисқартирилган насрий вариантини ишлаб чиқади, Мир Махдум, «Ҳайратул-аброр»ни мустасно этганда, «Хамса» достонларининг насрий баёнини «Насри Хамсаи беназир» номи билан китобат қилади. Навоий асарлари бўйича луғатлар тузилади ёки луғатларда Навоий асарларининг тексти кенг ўрин олади. Форсча ва туркча луғатлардан ташқари, хоразмлик олим Муҳаммад Хоксорнинг ўзбек тилида ёзилган «Мунтаҳабул-луғот» («Танланган луғатлар», 1798 йил) китоби ана шундай луғатлардандир.

Бироқ буларнинг барчаси узоқ тарих учун, XVI—XIX асрларни ўз ичига олган 400 йиллик давр учун, ниҳоятда оз эди, чунки халқ оммасининг кўпчилик қисми Навоий асарларини бевосита ўқиш ва ўрганиш имкониятидан маҳрум эди. Навоийнинг фаолияти ва илмий-адабий мероси илмий асосда ўрганилмаган эди. Навоий асарларининг даврдан-даврга, китобдан-китобга ўтган текстига ўринсиз ўзгаришлар, хатолар ва «тузатишлар» кириб борар, лекин текстология ишлари деярли олиб борилмас эди. Реакцион феодал-клерикал доиралар эса Навоий асарларининг китобхонлар орасида тарқалиши ва ўрганилишига қарши тиш-тирноқлари билан кураш олиб борар, баъзилари Навоий ижодиётини сохталаштириб, Навоийни «шоҳнинг ихлосманд вазири», «илоҳий севги куйчиси» сифатида тасвирлаб, улуғ шоирнинг асарларини бузиб талқин қилар эдилар, феодал саройининг Адо (XIX аср) каби хушомадгўй шоирлари бемаъни мақтончоқлик билан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гар Навоийдин Адо сўзини ўткарса не тонг,
Шоҳ Умар афзалму ё Султон Ҳусайни Бойқаро,—

деб Навоийни камситишга интилар эдилар.

Буржуа миллатчилари ва пантуркистлар бўлса Навоийни сохталаштиришга, ўзбек халқини бу улуғ сўз санъаткорининг меросидан маҳрум этишга ҳаракат қилдилар.

Демак, ўтмишда Навоийнинг фаолияти ва мероси кам ўрганилдигина эмас, балки Навоийни ўрганишда соғлом ва ижодий тенденция билан бирга зарарли, илмга зид, Навоийни сохталаштиришга, унинг меросини барбод беришга қаратилган тенденция ҳам кучли эди.

* * *

Алишер Навоийнинг фаолияти ва ижодиёти халқлар ўртасидаги маданий ва адабий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилди. Халқлар дўстлиги ғоясини куйлаган улуғ шоир тожик, эрон, озарбайжон, ҳинд, араб ва бошқа халқларнинг адабиётини муҳаббат билан ўрганди ва, ўз навбатида, бой ижодиёти билан Шарқ халқлари адабиётининг тараққиётига самарали таъсир этди.

Навоий билан Жомийнинг дўстлиги, ҳамкорлиги ўзбек ва тожик халқларининг, бу икки халқ маданияти ва адабиётининг дўстлиги ва ҳамкорлигининг ёрқин намунасидир. Навоий билан Жомийнинг дастлаб устоз билан шогирд ўртасидаги алоқа сифатида вужудга келган ўзаро муносабати тезда икки халқнинг буюк шоири ва маданият арбоби ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликка айланди. Навоий Жомийдан сиёсий фаолиятида, маданият ва ободончилик ишларида ҳам, бадиий ижодда ҳам маслаҳатлар олди, Жомийнинг ижодидан таълим ва илҳом олди, унинг асарларига юксак баҳо берди ҳамда унга бағишлаб «Хамсатул-мутаҳаййирин» асарини яратди. Айни замонда Жомий ҳам Навоийнинг фаолияти ва ижодий ишларига зўр эътибор билан қаради ва юксак баҳо берди. Абдураҳмон Жомий Навоийдан маслаҳатлар олар ва ўзининг янги асарлари билан дастлаб уни таништирар эди. Шунинг учун Навоий «Хамса»сида буни таъкидлаб:

«Номағаким рақам этиб хомасин,
Кўрмади, мен кўрмайин, эл номасин»,—

дейди. «Муҳокаматул-луғатайн»да қайд қилинишича, Абдураҳмон Жомий янги ёзган асарларини Навоийга бериб: «Бу авроқни ол ва бошдин оёғига назар сол, хотирингға ҳар не айткудек сўз келса айт»,— дер ва Навоийнинг фикрларини самимият билан қабул қилар экан.

Навоийни ўқиш, ўрганиш ва ундан таълим олиш тобора ошиб боради. Навоий асарлари Шарқ ўлкаларининг кўп хаттотлари то-

www.ziyouz.com kutubxonasi

монидан қайта-қайта кўчирилади ва нодир китоблар фондига киради. Навоий асарларини яқиндан ўрганиш учун луғат китоблари тузила бошланади. Навоий ҳаётининг охирида ёки ўлимидан бир оз кейин унинг асарлари асосида «Бадойиул-луғат», кейинроқ эса «Луғати Навоий» яратилади. 1560 йилда Алоий бинни Муҳибий «Ал-луғатун-Навоият в-ал-истишҳодатул-чиғатоият» («Навоий луғати ва чиғатой тили далиллари») китобини тузади. XVIII асрда Мирзо Мадҳийхон тузган «Мабонул-луғат» («Луғат пойдевори»), XIX асрда Фатҳ Али Кожарий («Луғати атрокия»—«Турклар луғати») ҳамда Шайх Сулаймон Афандий Бухорий («Луғати чиғатойи ва турки усмоний») тузган луғатларда ва бошқаларда Навоий асарлари асосий сўзлик бўлиб хизмат қилади. Бу луғатларнинг кўпи форс-тожик тилида яратилган эди; Шайх Сулаймон Афандий эса турк тилида ёзган эди.

Навоийнинг айрим асарлари бошқа халқларнинг тилига таржима қилинади ва янги асарларнинг яратилишига асос бўлади. Масалан, «Мажолисун-нафоис» XVI асрдаёқ бир неча бор форс тилига таржима бўлади. 1531 йилда вафот этган турк шоири Ломий Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонини ихчам тарзда, баъзи ўзгаришлар киритиб турк тилига таржима қилади. Бу таржима 1965 йилда Огаҳ Сирри Левенд томонидан нашр этилган. Христофор Арманийнинг 1557 йилда итальян тилида Венецияда нашр этилган «Сарандиб шоҳи уч ёш ўғлонининг зиёрати» асарининг иккинчи қисмида Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидан Баҳром ва Дилором саргузашти ҳикоя қилинади. Шунингдек, XVII аср грузин шоири Цицишвили «Барамгуриани» («Баҳром Гўр») достонида Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидан, Баҳром ва Дилором қиссасидан баҳраманд бўлди. Навоий асарларини таржима қилиш кейин ҳам давом этади. Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам»и Фаноий томонидан турк тилига таржима қилинган, таржима 1782 йилда «Тарихи Фаноий» номи билан Венада босилган. Бу нашр Навоий асарларининг маълум бўлган биринчи нашридир. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» асари турк ва татар тилларига таржима қилинади.

Навоийнинг асарлари Шарқ халқларига яқиндан таниш ва манзур бўлиб боради. Навоий кўп халқларнинг классиклари қаторидан ўрин олади, халқларнинг эҳтиромн ва муҳаббатига сазовор бўлади, кўп шоирлар Навоийни ўзларига устоз ҳисоблайдилар, ундан таълим оладилар. Кўпгина тожик шоирлари, Фузулий, Кишварий, Мирзо Фатали Охундов, Али Акбар Собир каби озарбайжон ёзувчилари, Махтумқули ва Зелили каби туркман шоирлари, қозоқ ёзувчиси Абай, қорақалпоқ шоири Бердақ, Ажиниёз (Ҳожиниёз), татар шоирлари Абдулла Тўқай, Қаюм Носирий ва бошқа-бошқалар Навоийни ҳурмат билан тилга олиб, унга юксак баҳо берадилар, айрим асарларига назиралар битадилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоийдан таълим олган ва илҳомланган улуғ озарбайжон шоири Фузулий:

«Турку Ажаму Арабда айём,
Ҳар шоира вермишди бир ком,
Ўлмишди Навоийи сухандон,
Мансури шаҳаншаҳи Хуросон»,—

деган бўлса, Кишварий (XVI аср) «Навоий ҳимматидин Кишварий аҳли назар ўлди»,— дейди. Худди шунингдек, қозоқ адабиётининг Навоийдан таълим олган классиги Абай:

«Физули, Шамси, Сайхали,
Навоий, Саади, Фердауси,

Хожа — Хафиз — бу аммаси,
Мадат бер я шагири фарьяд»,

қорақалпоқ адабиётининг классиги Бердақ эса:

«Чор китобдан тура қочдим,
Навоийдан савод очтим.
Фузулийдан дурлар сочтим,
Дилбарларни излар эдим»,—

дейди. Шунингдек, ўзбек халқ оғзаки ижодида бўлгани каби, бошқа халқларнинг оғзаки адабиётида ҳам Навоий ҳақида ҳикоя ва латифалар яратилади, Навоий адолатпарвар, халқпарвар ва улуғ шоир сифатида тасвир қилинади.

Бу фактлар халқлар ўртасидаги маданий ва адабий алоқаларнинг узоқ тарихий илдизларга эга эканлигини кўрсатади.

* * *

Европаликлар XVI асрданоқ Навоий асарлари билан таниша бошлаган бўлса-да[1], лекин Навоийнинг фаолияти ва ижодиётини ўрганиш иши, асосан, XIX асрда бошланган эди.

XIX асрнинг биринчи ярмига келиб Алишер Навоий асарларининг текстини ҳам, у асарлар асосида ёзилган луғатларни ҳам нашр этишга киришилди. Француз шарқшуноси Катрмер 1841

[1] Табризлик арман ёзувчиси Христофор (XVI аср) «Сарандиб шоҳи уч ёш ўғлонининг зиёрати» асарини «Ҳашт биҳишт» (Хисрав Деҳлавий) ва «Сабъаи сайёр» (Навоий) ҳикоялари асосида яратган эди. Бу асар XVI асрда итальян тилига, кейин эса бир қатор европа тилларига таржима қилиниб нашр этилса ҳам, илм-фан аҳлларига Христофор асарининг иккинчи қисми Навоий достони асосида яратилгани номаълум эди. Сарандиб шоҳи ва шаҳзодалари ҳақида Европа адабиётида ҳам кўп асарлар ёзилган. Бу сюжет Вольтернинг «Задиг» ҳамда Марк Твеннинг «Том Сойер чет элда» китобидан ўрин олган. XVIII аср инглиз ёзувчиси Хорас Уолпол «Сарандиблик уч шаҳзода» ҳикоясини ёзган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

йилда босилган хрестоматиясига Навоийнинг икки асарини: «Муҳокаматул-луғатайн» ва «Тарихи мулуки Ажам»ни киритди. Бундан бир оз вақт кейин рус олими И. Н. Берёзин «Турк хрестоматияси» китобида Навоий асарларидан бир неча парча берди [1].

Навоийнинг фаолияти ва ижодиётини ўрганиш М. Никитскийнинг «Амир Низомиддин Алишер, унинг давлат ва адабиёт соҳасидаги аҳамияти» номли магистрлик диссертацияси билан (1856 йил) бошланди[2]. М. Никитский Хондамир, Давлатшоҳ ва Сом Мирзонинг асарларидан фойдаланиб, шарқшуносликда биринчи бўлиб Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини тўлароқ акс эттирган асар яратди. М. Никитский Навоийнинг сиёсий фаолиятига, маданият соҳасидаги ишлари ва ўзбек адабий тили тараққиётидаги ролига юқори баҳо беради, унинг истеъдодли олим ва шоир эканини таъкидлайди. Бироқ у Алишер Навоийнинг бадиий асарларини чуқур ўргана олмаганлиги учун «Навоий таржимон шоир» деган ғайри илмий хулосага келади.

М. Никитскийдан 5 йил кейин, 1861 йилда Истамбулдаги «Asiatique journal» («Осиё журнали»)да Франция консулхонасининг таржимони бўлиб хизмат қилган М. Белиннинг Навоий ҳаёти ва фаолиятига доир мақоласи босилиб чиқади. Унда Навоийнинг давлат идора ишлари ва маданий ҳаётдаги хизматларига ижобий баҳо берилади. Бироқ у ҳам Навоийнинг бадиий асарларини пухта ўрганмайди, ҳеч қандай асоссиз: «Навоий Хисрав Деҳлавий, Низомий ва Жомийларнинг таржимонидир»,— деб даъво қилади. Француз шарқшуноси Э. Блоше эса Навоий асарларининг бадиий қимматини камситади. Машҳур инглиз олими Ч. Риё (у Британия музейидаги қўл ёзмаларнинг шарҳли каталогини тузган), венгр олими А. Вамбери ҳам, айрим хато мулоҳазаларига қарамай, Алишер Навоийни тенгсиз шоир ва ўзбек адабий тилига асос солган киши сифатида таърифлаганлар.

Рус ва Ғарбий Европа шарқшунослари Навоийнинг фаолияти ва ижодиётини ўрганишда М. Никитский ва М. Белиндан кейин ҳам бирмунча иш олиб борадилар. Масалан, рус шарқшуноси В. Вельяминов-Зернов 1868 йилда Санкт-Петербургда XVI асрда тузилган «Ал-лугатун-Навоият в-ал-истишҳодатул-чигатоият» луғатини нашр эттиради. Француз шарқшуноси Павэ де Куртейль Навоий асарларидан фойдаланиб, луғат тузади. Рус шарқшуноси Н. И. Ильминский Навоийнинг «Муҳокаматул-лугатайн» асарини хийла чуқур ўрганиб, Навоийни ўз она тили — ўзбек адабий тили учун курашган қудратли киши сифатида таърифлайди. Бироқ

---

[1] Берёзин хрестоматиясида «Сайфулмулук» (Мажлисий) дан ҳам парчалар берилган бўлиб, хрестоматия автори «Сайфулмулук»ни Навоий достони деб ҳисоблаган.

[2] Бунгача Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида айрим дастлабки маълумотлар берилган, холос.

www.ziyouz.com kutubxonasi

рус шарқшунослари ҳам, Ғарбий Европа шарқшунослари ҳам Навоий фаолиятини унинг бадиий ижодиёти билан узвий боғлаган ҳолда ўрганмадилар, улар Алишер Навоийнинг сиёсий, илмий фаолиятини эътироф қилдилару, лекин унинг бадиий ижодиётини чуқур ёритолмадилар ва «Навоий — таржимон» деган ғайри илмий қарашни давом эттирдилар. (Масалан, Белиннинг фикрига таянган француз шарқшуноси Бува, инглиз шарқшуноси Э. Браун ва бошқалар ҳам шулар жумласидандир.) Афсуски, Навоий ҳақида биринчи манбалар асосида «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» деган қимматли асар яратган атоқли рус шарқшуноси академик В. В. Бартольд ҳам бундай ғайри илмий даъволардан холи бўлмади ва «Навоий тақлидчи шоир» деган хато фикрни такрорлади.

Шундай қилиб, рус ва Ғарбий Европа шарқшунослари ўтмишда Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти юзасидан материал тўплаш, уларни системага солиш, умумлаштириш, Навоий асарларини нашр этиш, Навоийнинг тил соҳасидаги хизматларини ўрганиш ва бошқалар бўйича маълум ютуқларга эришган бўлсалар ҳам, лекин уларнинг текшириш ишлари биография ва лингвистика масалалари билан чегараланиб қолди, Навоийнинг ижодиётини, хусусан, унинг бадиий асарларини илмий асосда ўрганиш билан узвий боғланган ҳолда олиб борилмади. Улар Навоийнинг бадиий ижодиётини сохталаштирдилар, унинг оригиналлигини инкор этдилар. Бундай ғайри илмий қарашлар ҳозир ҳам айрим реакцион чет эл олимлари томонидан давом эттирилмоқда.

Совет даврида Навоийни ўрганиш

Совет ҳокимияти йилларида Алишер Навоийнинг фаолияти ва илмий-адабий меросини ўрганишда янги давр бошланди. 1920 йилларда Навоий ҳақида бир неча мақола, 1926 йилда Бокуда «Навоий», 1928 йилда Ленинградда «Мир-Али-Шир» тўпламлари босилган бўлса-да (уларда жиддий хато ва зиддиятлар ҳам бор), лекин ҳали Навоийни сохталаштириш, меросни менсимаслик каби зарарли тенденциялар кучли эди. Совет навоийшунослиги 30-йилларда вужудга келди. Марксизм ва ленинизмга ёт бўлган қарашларга, группаларга қарши курашда тараққий этган, чиниққан совет адабиётшунослигининг сафи истеъдодли кадрлар билан тўлиб, мустаҳкамланиб борди. Ўзбек адабиётшунослари ва танқидчилари ўзбек совет адабиёти масалаларини, бу адабиётнинг вакиллари ижодини ўрганиш ва ёритиш билан бирга, ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётининг бойликларини текшириш ва ёритишда янги-янги муваффақиятларга эриша бошладилар. Ўзбек адабиёти бойликларини, жумладан, Алишер Навоийнинг меросини ўрганишга рус, озарбайжон, тожик, туркман ва бошқа халқларнинг адабиётшунослари ҳам ўз муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Иттифоқ ҳукумати улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг туғилганига 500 йил тўлишини 1941 йилда кенг ни-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Ўзбекистонда ва бутун Иттифоқда юбилейга тайёрлик ишлари қизиб кетди. Навоий асарлари, унинг достонлари, «Хамса»нинг қисқартирилган варианти (нашрга тайёрловчи С. Айний), «Чор девон», «Муҳокаматул-луғатайн», «Маҳбубул-қулуб» ва бошқалар нашр этилади. Навоий асарлари рус, украин, тожик, озарбайжон, қозоқ, туркман ва бошқа тилларга таржима қилина бошлайди. Ўзбекистон, Москва, Ленинград ва қардош республикаларнинг олимлари Навоийнинг даври, унинг ҳаёти ва фаолияти, илмий-адабий мероси ва бошқа халқларнинг адабиётига таъсири каби масалалар билан кенг ва мунтазам шуғуллана бошладилар. Матбуотда кўплаб мақолалар босила бошлади, газета ва журналлар Навоий асарларидан намуналар бериб, жамоатчиликни Навоийнинг ижодиёти билан таништирди.

1939 йилда йирик адабиётшунос Олим Шарафиддиновнинг «Алишер Навоий» деган илмий-оммабоп асари нашр этилади. Навоий юбилейи Комитетининг топшириғи билан И. Султонов О. Шарафиддиновнинг бу китобини қайта ишлаб, ўз таҳрири остида 1948 йилда нашр эттирди. Мазкур асар 1971 йилда янги нашрда босилади.

1940 йилда нашр этилган «Родоначальник узбекской литературы» тўплами Улуғ Ватан урушигача бўлган совет навоийшунослигининг муҳим ва катта ютуғи бўлди. Бу тўплам А. Боровков («Навоийнинг ҳаёти ва ижодиётини ўрганиш»), Е. Э. Бертельс («Лайли ва Мажнун»), Ҳамид Олимжон («Фарҳод ва Ширин» достони), Ҳ. Зариф («Рубоий»), О. Усмонов («Муҳокаматул-луғатайн»), М. Шайхзода («Навоий ва бизнинг замонамиз») ва бошқа олимларнинг мақолаларини ўз ичига олади. Ўша йили М. Шайхзоданинг «Гениал шоир» асари нашр этилади. Адабиётшунос В. Абдуллаев Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ва фаолияти ҳақида кандидатлик диссертациясини ёзди.

Бироқ Улуғ Ватан уруши даврида юбилей кечиктирилди. Даҳшатли уруш шароитида фронтдан узоқ Ўзбекистондагина эмас, балки Москвада ва қамалда қолган Ленинградда ҳам Навоий меросини ўрганиш жадаллик билан давом этди.

«Совет Иттифоқига қарши бошланган уруш,— дейди профессор Е. Э. Бертельс «Навоий» монографиясида,— Навоий юбилейини мўлжалланганидек ишонилиш имконини бермади. Ленинградлик шарқшунослар қамал ҳалқасида қолдилар. Бироқ шу оғир шароитда ҳам иш давом этди. Мен 1941 йилнинг декабрида Навоий ижодига бағишланган ва даҳшатли бомбардировка ҳамда артиллерия отишмалари остида ўтган йиғилишда сўзга чиққан эдим. Гарчи йиғилиш бинонинг юқори қаватида ўтиб, у ер ҳаводан келаётган оғир зарбалар билан тебраниб турса ҳам, йиғилиш қатнашчиларидан бирон киши зални ташлаб чиқиб кетмади ва йиғилиш охирига етказилди». Ленинград Давлат Эрмитажининг директори академик И. А. Орбели бошчилигида И. Ю. Крачковс-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кий, Е. Э. Бертельс, А. Н. Болдирев, А. Н. Кононов, Б. Б. Пиотровский, Б. Т. Руденко ва бошқа олимлар, олим ва шоир-таржимон Н. Ф. Лебедев, рассом М. Н. Мох, шоир-таржимон Вс. Рождественский ва бошқалар қуршовнинг энг оғир кунларида ҳам Навоий ва унинг мероси билан шуғулландилар[1].

1942 йилда бир қанча ленинградлик, москвалик ва киевлик шарқшунос олимлар Тошкентга эвакуация қилиндилар. Улар ўзбек халқининг азиз меҳмони бўлдилар. Бу олимлар ўзбек адабиётшуносларн билан ҳамкорликда иш олиб бордилар, ўз илмий тажрибалари билан ўртоқлашдилар ва ёш олимларга раҳбарлик қилдилар. Навоий меросини ўрганиш иши қизиб кетди. Навоий асарларининг илмий-танқидий текстини яратиш, унинг илмий ва бадиий асарларини ўрганиш, Навоий даврини текшириш ва бошқа масалалар бўйича талай ишлар қилинди, бир неча диссертациялар яратилди.

Ёзувчи ва санъаткорлар ҳам улуғ шоир ва мутафаккирнинг образини яратиш устида ишладилар. Ёзувчи Ойбек уруш йилларида ўзбек тарихий романининг ажойиб намунаси «Навоий» романини яратди.

Улуғ Ватан уруши совет халқининг шонли ғалабаси билан тугади. Энди кечиктирилган юбилейни ўтказиш учун имконият туғилди. Ўзбек халқи билан биргаликда барча қардош халқлар юбилейга қизғин тайёрландилар. Навоий асарларини оммалаштириш, таржима қилиш, ўрганиш, илмий ва илмий-оммабоп асарлар ижод қилиш, санъат ва адабиётда Навоий образини яратиш ва бошқалар бўйича катта ишлар қилинди. 1948 йилнинг май ойида бутун мамлакат Навоий юбилейини нишонлади.

С. Айний нашрга тайёрлаган «Хамса»нинг қисқартирилган, тузатишлар киритилган варианти иккинчи марта нашр этилди. Навоий танланган асарларининг 3 томи босилди, «Навоий замондошлари», «Бобирнома» (Бобир), «Макоримул-ахлоқ» (Хондамир) ва бошқа асарлар нашр этилди, Навоий лирикасининг намуналари, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» ва бошқа достонлари рус ҳамда бошқа қардош халқларнинг тилларига таржима қилинди.

Навоийнинг фаолияти ва меросини илмий ўрганиш соҳасида янгидан-янги ютуқларга эришилди. Тўпламлар, монографиялар, диссертациялар яратилди. СССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти 1941 йилда тайёрлаган «Алишер Навоий» номли мақолалар тўплами 1946 йилда босилиб чиқди. А. К. Боровков таҳрири остида чиққан бу тўплам А. Ю. Якубовскийнинг «Навоий даврининг ижтимоий ва маданий хусусиятлари», И. Ю. Крачковскийнинг «Араб адабиётидаги Лайли ва Мажнун қиссасининг илк тарихи», Е. Э. Бертельснинг «Навоий ва Низомий», А. К. Боровковнинг «Алишер Навоий — ўзбек адабий тилининг асосчиси», шунингдек, А. Н. Болдирев, А. А. Семёнов, А. М. Белницкий ва С. Л. Волиннинг мақолаларидан иборат. Ўзбекистон Фанлар академияси 1948 йилда Ойбек таҳрири остида ўзбек ва рус тилларида «Улуғ ўзбек шоири» номли иккита мақолалар тўпламини нашр

[1] Бу ҳақда қаранг: М. Муродов. Навоийшунослар жасорати. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, Тошкент — 1972.

www.ziyouz.com kutubxonasi

этди. Бу тўпламлар Я. Ғулом, Р. Набиев, М. Е. Массоннинг Навоий даврига, В. Абдуллаев, С. Айний, В. Зоҳидов, Ҳ. Зарифов, Ойбек ва Дейч ҳамда М. Шайхзоданинг Навоийнинг фаолияти ва ижодиётига бағишланган мақолаларини ўз ичига олади. 1948 йилда Навоийнинг ҳаёти, фаолияти ва ижодиётига бағишланган учта монографик асар — О. Шарафиддиновнинг «Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижодиёти», Е. Э. Бертельснинг «Навоий. Ижодий биография тажрибаси» ва С. Айнийнинг «Алишер Навоий» асарлари босилиб чиқди. Бошқа қардош халқларнинг тилларида ҳам Навоий ҳақида мақолалар, китоблар ва тўпламлар яратилди. Навоий ҳақида бир неча диссертациялар ёзилди; В. Зоҳидовнинг «Навоийнинг дунёқараши», А. Саъдийнинг «Навоий ижоди — ўзбек классик адабиётининг юқори босқичи» деган докторлик диссертациялари шулар жумласидандир.

Езувчилар ва санъат ходимлари ҳам Навоий юбилейини муносиб туҳфалар билан кутиб оладилар. Ўзбекистон Давлат нашриёти 1948 йилда шеър ва достонлардан иборат «Салом, Навоий» тўпламини босиб чиқарди. Уйгун билан Иззат Султанов «Навоий» драмасини яратдилар, шу драма асосида «Навоий» киносценарияси ёзилди. Ёзувчи Л. Бать «Ҳаёт бўстони» повестини, Вадецкий «Оддий инсон» романининг биринчи китобини ёзди. СССР халқ артисти Олим Хўжаев саҳнада, СССР халқ артисти Раззоқ Ҳамроев экранда зўр муваффақият билан Навоий образини яратдилар. Рассом Кайдалов Навоий портретини ишлади, Ўзбекистон халқ рассоми Искандар Икромов Навоий асарларини ажойиб нақшлар билан безади. Навоий достонлари асосида «Фарҳод ва Ширин» музикали драмасининг янги варианти, «Лайли ва Мажнун» операси, кейинроқ «Меҳр ва Суҳайл» балети ва «Дилором» операси яратилди.

Самарқанд Давлат университети, Ўзбек Давлат опера ва балет Катта театри, Ўзбекистон халқ кутубхонаси ва яна бир неча маданий муассасалар, ўқув юртлари, колхозлар Навоий номи билан аталадиган бўлди. Юбилей кунларида Тошкентнинг Навоий кўчасида бу улуг шоир ва мутафаккирнинг муҳташам ҳайкали очилди.

* *
*

50—60-йиллар совет навоийшунослигининг камолот босқичи бўлди. Бу босқич Навоий асарларини тўплаш, СССР ва чет эл фондларини ўрганиш, Навоий меросининг мукаммал библиографиясини тузиш, асарларининг нодир нусхаларини аниқлаш ва текшириш, текстологик тадқиқотлар олиб бориш, оммалаштириш ва қардош халқлар тилига таржима қилиш, Навоий меросининг проблематик масалаларини, унинг салафлари ва халаф (изчил)лари ижодиётини, адабий алоқа ва ўзаро адабий таъсир каби масалаларни ёритишда ниҳоятда сермаҳсул бир босқич бўлди. Навоий меросини ўрганиш ва ёритишда адабиётшунослар, санъатшунослар, тарихчилар, тилшунослар ва бошқа соҳа олимлари, Ўзбекистон билан биргаликда Москва, Ленинград ҳамда қардош республикаларнинг илм аҳллари унумли иш олиб бордилар. Хорижий олимлар ҳам маълум натижаларга эришдилар.

Навоий асарларининг энг мукаммал феҳрасти 50-йилларнинг охири ва 60-йилларнинг бошида тузилди. (Ҳ. Сулаймон. Навоий асарларининг манбалари ва нашрлари ҳақида. Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик, 1 том, 1963.) Унда Навоийнинг 32 асари рўйхати берилган. Китобхонларга биринчи бор Навоийнинг илк девонлари, «Девони Фоний», «Ситтан зарурия» («Олти зарурият») ва «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») тақдим этилди.

40-йилларда бошланган Навоий асарларининг илмий-танқидий текстини яратиш ишлари 50—60-йилларда жуда катта натижалар билан деярли якунланди. Порсо Шамсиев («Хамса»), Ҳамид Сулаймон («Хазойинул-маоний»), С. Ғаниева («Мажолисун-нафоис»), Ш. Эшонхўжаев («Лисонут-тайр»), Л. Халилов («Тарихи мулуки Ажам») ва бошқалар унумли хизмат қилдилар.

50—60-йиллар Навоий асарларини оммалаштиришда бениҳоя сермаҳсул бўлди. Хусусан, «Хамса», «Хазойинул-маоний» ва Навоий асарларининг ўн

www.ziyouz.com kutubxonasi

беш томлигининг нашр этилиши катта маданий ҳодисадир. 60-йилларнинг охирида Навоий асарларининг нашри сирасига факсимиле нашри ҳам қўшилди. (Девон. Москва, 1964, нашрга тайёрловчи Л. В. Дмитриева; Илк девон, Тошкент — 1968, нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон.)

Навоий асарлари, хусусан, лирикаси ва «Фарҳод ва Ширин»и кўп тилларга таржима қилинди. Навоий асарларининг русча ўн томлиги нашр этилди (1968—1971 йиллар, Навоий асарларини В. Державин, Л. Липкин, Л. Пеньковский, Н. Гребнев, С. Иванов, А. Рустамов ва бошқалар таржима қилган).

50—60-йилларда Навоийнинг дунёқараши, эстетикаси, санъаткорлик даҳоси, ижодий услуби, тили, ҳажвиёти, Навоий ва адабий алоқалар, Навоий ижодиётида традиция ва новаторлик, жанрлар инкишофи каби масалалар кенг ва атрофлича ўрганилди, бир неча монографик тадқиқотлар, илмий оммабоп асарлар, мақолалар тўплами оммалаштирилди, кўпгина диссертациялар ёзилди, библиографик кўрсаткичлар (Алишер Навоий. Библиография (1917—1966), тузувчилар: Н. Мирзаева, З. Полвонова, 1968), «Алишер Навоий қўл ёзма асарлари каталоги» (тузувчилар: Қ. Муниров, А. Носиров, 1970) тузилди. Шу йиллар мобайнида В. Зоҳидовнинг «Мир идей и образов Алишера Навои» (1961), Е. Исоқовнинг «Алишер Навоийнинг илк лирикаси» (1965), А. Ҳайитметовнинг «Навоий лирикаси» (1961), М. Шайхзоданинг «Устознинг санъатхонасида» мақолалар цикли («Шарқ юлдузи», 1965, № 10, 1966, № 5), А. Ҳайитметовнинг «Навоийнинг ижодий методи» (1963), А. Абдуғафуровнинг «Навоий сатираси» (1966), Навоий анъаналарининг давоми ва такомили ҳақида В. Абдуллаев, Б. Валихўжаев, Ҳ. Ёқубов, А. Қаюмов, Х. Расулев, Э. Иброҳимова, Р. Мажидий ва бошқаларнинг мақолалари оммалаштирилди.

Совет навоийшунослиги Навоий ва адабий алоқалар проблемасини ёритишда ҳам катта натижаларга эришди. Ўзбек ва қардош халқлар адабиётшуносларининг жуда кўп тадқиқотлари ва мақолалари босилди. Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти мазкур проблемага доир «Навоий ва адабий таъсир масалалари» (1968) тўпламини нашр этди. Э. Рустамов XV аср ўзбек ва бошқа халқларнинг адабий алоқаларини тадқиқ этиб, докторлик диссертациясини ёзди. Адабиёт музейининг «Адабий мерос» (I, 1968) тўплами ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг «Навоийга армугон» (1968) тўпламида навоийшуносликнинг бошқа масалалари билан бирга адабий алоқалар масаласи ҳам кенг ўрин олди. Навоий ижодиёти ва Ғарб адабиётини чоғиштириш соҳасида академик В. М. Жирмунский, академик Н. И. Конраднинг бир қатор мақолалари пайдо бўлади. Шу йиллар мобайнида Навоий мероси материаллари асосида кўпгина диссертациялар яратилди.

50—60-йилларда Ф. Абдуллаев, Л. Рустамов, Э. Фозилов, Х. Донёров ва бошқа тилшуносларнинг ҳам диққатга сазовор тадқиқотлари вужудга келди.

Алишер Навоий ҳақида бир неча илмий-оммабоп асарлар ҳам нашр этилди. Ойбекнинг «Навоий гулшани» (1967) мақолалар тўплами, унинг А. Дейч билан бирга ёзган «Алишер Навои» илмий-оммабоп очерки (рус тилида, 1968), Т. Жалоловнинг «Хамса» талқинлари» (1962), А. Ҳайитметовнинг «Навоий даҳоси» (1968), С. Ғаниеванинг «Алишер Навоий» (1969), С. Нарзуллаеванинг «Алишер Навоий» (1965), Н. Маллаевнинг «Гениал шоир ва мутафаккир» (1968), М. Қодировнинг «Алишер Навоий ва санъат» (1968) ва бошқалар шулар жумласидандир.

В. А. Абдуллаев «Навоий Самарқандда» (1968), И. Султон «Навоийнинг қалб дафтари» (1969) асарлари Навоий биографиясини янги маълумот ва фактлар билан бойитувчи асарлар сифатида қимматлидир.

50—60-йилларда санъат ва адабиётда Навоий образини яратишда ҳам унумли босқич бўлди. Ойбек Навоий ҳақида «Навоий ва Гули» (1968), «Алишернинг ёшлиги» (1975), Миркарим Осим «Зулмат ичида нур» ҳикоялари (1963), шоирларимиз «Навоийни куйлаймиз» (1968) тўпламини, Иноят Маҳсум «Навоий Астрободда» музикали драмасини, В. Саъдулла «Салтанат ларзада» шеърий-музикали драмасини яратди. Шунингдек, рассомлар, ҳайкалтарошлар, графиклар ва бошқа санъаткорлар Навоийга доир катта ижодий ишлар қилишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий асарларининг бадиий қўл ёзмалари, уларга ишланган миниатюра ва бошқаларни ўрганишда ҳам бирмунча ишлар қилинди. Темур ва темурийлар даври санъатини ўрганишда, хусусан, 1969 йилнинг сентябрида ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган симпозиум катта ҳодиса бўлди.

Навоий асарларини оммалаштириш, ҳаркалаш ва тадқиқ этишда хорижий олимлар ҳам маълум натижаларга эришдилар. Бу борада хусусан турк олими Огоҳ Сирри Левендиинг тўрт томлик тадқиқоти ва Навоий асарлари мажмуаси (1959), Афғонистонда «Анжўмане тариҳ» нашриёти Муҳаммад Яъқуб Воҳеди жузжоний ташаббуси билан нашр этган «Амир Алишер Навоий» китоби (1967), эрон олимлари томонидан оммалаштирилган «Девони Фоний» (1342 ҳ.), социалистик мамлакатларда таржима қилинган Навоий асарлари, Навоий ҳақидаги мақолалар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Буларнинг кўпи Алишер Навоийнинг 525 йил тўлиши юбилейига (1968) катта армуғон бўлди.

Навоийшунослик юбилейдан кейин ҳам катта самараларга эришмоқда. 1957 йилдан бери ҳар йили 9 февралда Навоийнинг туғилган кунини нишонлаш мақсадида илмий-традицион конференция ўтказилиб, Навоий меросини ўрганиш соҳасида қилинган йиллик ишларга якун ясалади. Юбилейдан кейинги йилларда навоийшунослик бир қатор янги тадқиқот ва асарлар билан бойиди. В. Зоҳидовнинг «Улуғ шоир ижодининг қалби» (1970), А. Ҳайитметовнинг асарлари ва «Ҳайратул аброр»нинг насрий тавсифи (1974), А. Абдуғофуровнинг «Навоий ижодида сатира», (1972), Содир Эркиновнинг «Навоий «Фарҳод ва Ширин»ни ва унинг қиёсий таҳлили» (1971), Н. Маллаевнинг «Навоий ижодининг халқчил негизи» (1973), «Алишер Навоий ва халқ ижодиёти» (1974) А. Қаюмовнинг «Садди Искандарий» (1975) асари, Навоий «Хамса»сининг рус тилидаги мукаммал Москва нашри ва бошқалар шулар жумласидандир.

ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ

Болалик чоғлари, Ўқиш йиллари

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилди. Унинг отаси Ғиёсиддин кичкина ва бир неча қариндошлари темурийлар саройига яқин турган амалдор аристократ, бувилари эса темурий шаҳзодаларнинг энаталари бўлган. Алишер гўдаклигида темурий шаҳзодалар билан бирга тарбияланди. Тўрт ёшида уни ўқишга бердилар. Зийрак ва қобилиятли Алишер мактабдаги бошқа болалардан ажралиб турар ва катталарнинг диққатини ўзига жалб қилар эди. Бироқ Ҳиротдаги ўқиш узоққа чўзилмади.

Шаҳзодалар ва амир-амалдорлар ўртасида тож-тахт учун бўлган кураш кучайиб бормоқда эди. Тож-тахт талашлари тўқнашувларга айланиб, мамлакатнинг хароб ва халқнинг янада хонавайрон бўлишига сабаб бўлар эди. Айниқса 1447 йилдан — Шоҳруҳ мирзо вафотидан кейин темурийларнинг тож-тахт талаши ниҳоятда кескинлашиб кетди. Хуросонда қизиб кетган ўзаро уруш-жанжаллар кўп кишиларни турли томонга кўчиб кетишга мажбур этди. Жумладан, Навоийлар оиласи Ироққа кўчиб, Тафт шаҳрида яшай бошлади. Тафтда машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий турар эди. Ёш Алишер бу олимнинг суҳбатида бўлди. Али Яздий ёш Алишернинг ақли ва фаҳм-фаросатидан ғоят хурсанд бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Орадан 2—3 йил ўтгандан кейин ўзаро феодал урушлар хийла пасайди ва Хуросонда бирмунча тинчлик бошланди. 1452 йилда Алишер оиласи Ҳиротга қайтиб келди. Ғиёсиддин Кичкина Абулқосим Бобир (1452—1457) саройида хизмат қила бошлади. Кўп ўтмай Абулқосим Бобир уни Сабзавор шаҳрига ҳоким қилиб тайинлади.

Навоий Ҳиротда қолди ва ўқишини давом эттирди. У адабий асарларни қунт билан ўқий бошлади. У Саъдийнинг (1184—1292) «Гулистон», «Бўстон» китобларини, айниқса Фаридиддин Аттор нинг (1230 йилга яқин вафот этган) «Мантиқут-тайр» («Қуш нутқи») асарини қайта-қайта ўқир ва ёд олар эди. Фаридиддин Аттор нинг бу асари ёш Алишерга ёмон таъсир қилди. Натижада у кишилардан четлашадиган ва ёлғизликни ёқтирадиган бўла бошлади. Бу ҳол унинг ота-онасини ташвишга солди. Улар боланинг ақлига зарар етмасин деб, хавфсирар эдилар. Алишернинг «Мантиқут-тайр»ни ўқиши ман қилинди. Лекин бу чора фойдасиз эди, чунки у бутун китобни ёдлаб олган эди.

Ота ва она Алишернинг ҳар томонлама билим олиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бердилар. Алишер замонасининг машҳур музикашуноси Хўжа Юсуф Бурҳондан музика ўргана бошлади ҳамда тарих, адабиёт, ҳуснихат ва бошқалар билан жиддий шуғуллана бошлади.

Алишер айниқса адабиётни севди. Оила муҳити болалигидаёқ унда адабиётга зўр ҳавас туғдирган эди. Алишернинг отаси маърифатпарвар киши ва санъат ҳамда адабиёт муҳибларидан эди. Алишернинг Абусаид мирзо томонидан қатл қилинган тоғалари Мир Сайид (тахаллуси Кобулий) ва Муҳаммад Али (тахаллуси Ғарибий) ҳам қобилиятли шоир бўлган эдилар. Навоий «Мажолисун-нафоис» асарида Кобулий ҳақида: «Яхши таъби бор эрди, туркчага майли кўпроқ эрди...», — деса, Ғарибий ҳақида: «Хушмуҳовара (хушсуҳбат) ва хушхулқ ва хуштабъ ва дардманд йигит эрди. Кўпроқ созларни яхши чолар эрди. Уни ва усули хўб эрди. Мусиқий илмидин ҳам хабардор эрди...», — дейди. Навоийлар уйида тез-тез шоирлар тўпланишиб, шеърлар ўқишар, адабиёт ва санъат ҳақида музокаралар қилар эдилар. Буларнинг ҳаммаси ёш Алишерда адабиётга зўр ҳавас уйғотган эди.

Алишер бадиий асарларни ўқиш ва ўрганиш билан кифояланиб қолмади. Унинг ўзи ҳам шеърлар ёза бошлади. Навоийнинг неча ёшидан бошлаб шеър ёзганини билмаймиз. Лекин шуниси маълумки, у 10—12 ёшларидаёқ бадиий завқи ва диди ҳамда илк шеърлари билан танилиб, катта санъаткорлар ва олимларнинг диққатини ўзига жалб қилган эди. Навоийнинг ўзи «Мажолисун-нафоис»да кекса шоир Миршоҳий билан хат ёзишганини сўзлайди: «...фақир агарчи ани кўрмадим, аммо анинг била фақир орасида эълом ва ирсол воқеъ бўлди...». Миршоҳий вафот этганда, Навоий 12 ёшда эди. 10—12 ёшли боланинг кекса шоир билан хат

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзишуви Алишернинг эўр қобилияти ва истеъдодидан хабар берар эди. Бунга қуйидаги бир воқеа ҳам равшан далил бўла олади:

Навоийнинг болалик чоғларида шоир Лутфий хийла қариб қолган эди. Навоий Лутфийни ўзининг устози ҳисобларди. Кекса Лутфий ёш Алишернинг истеъдодига қизиқди ва унга катта баҳо берди. Навоийнинг замондоши тарихчи Хондамирнинг хабар беришича, кунлардан бирида Лутфий Навоийдан ёзган янги шеърларидан ўқиб беришни сўраган. Навоий қуйидаги матлаъли ғазалини ўқиган:

Оразин ёпқоч кўзимдан сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш...

Бу ажойиб ғазалдан қаттиқ ҳаяжонланган Лутфий: «Агар мумкин бўлса эди, мен ўзимнинг форсий ва туркий тилларда айтган ўн-ўн икки минг шеъримни шу бир ғазалга алмашар эдим»,— деган.

Алишер отадан ёш етим қолди. У маърифатпарвар ҳукмдор Абулқосим Бобир қарамоғида тарбиялана бошлади ва 15 ёшида Султон Ҳусайн Бойқаро билан бирга Абулқосим Бобирнинг саройида хизмат қила бошлади. Абулқосим Бобир 1456 йилда Машҳадга жўнади. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ҳам Абулқосим Бобир билан Машҳадга бориб, ўша ерда ўқишни давом эттиришади. 1457 йилда Абулқосим Бобир вафот этади. Навоий Машҳадда қолиб ўқишини давом эттиради. Мансаб ва давлат орзусида юрган Ҳусайн мирзо Марвга бориб, тахтни эгаллаш учун куч тўплай бошлайди.

Машҳадда қолган Навоий мантиқ (логика), фалсафа, риёзиёт (математика) ва бошқа фанлар билан шуғулланди, Фирдавсий, Низомий, Хисрав Деҳлавий, Саъдий, Атоий, Лутфий ва бошқа ёзувчиларнинг асарларини қунт билан ўргана бошлади. Ўзбек ва форс-тожик тилларида бир қанча шеърлар битди. У икки тилда ҳам гўзал шеърлар ёзгани учун «зуллисонайн» (икки тил эгаси) номи билан шуҳрат қозонди. Ўзбек тилидаги шеърларида «Навоий» («нано» сўзидан), форс-тожик тилидаги шеърларида эса, асосан, «Фоний» («фано» сўзидан) ва баъзан «Навоий» тахаллусини қўллайди.

Навоий Машҳадда Сайид Ҳасан Ардашер ва Камол Турбатий каби даврининг машҳур шоирлари билан танишади. Навоий билан танишган маърифатпарвар кишилар унинг қобилиятига тан берар ва у билан умрбод дўстона муносабатда бўлиб қолар эдилар. Навоий «Мажолисун-нафоис»да Машҳадда рўй берган қизиқ бир воқеани ҳикоя қилади. Кунларнинг бирида Навоий бетоб бўлиб мусофирхонада ётган экан. Бир вақт бир неча киши Навоий ётган бинога кириб, мусофирларга хайр-садақа қилиб, бинонинг деворларидаги шеърларни ўқиб муҳокама қилибдилар. Улар бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

байтнинг мазмуни устида мунозаралашиб қолибдилар. Кексароқ бир киши ўз фикрини кўпчиликка маъқул қилади. Шунда Навоий мунозарага аралашиб, кекса кишига эътироз билдириб, бошқаларнинг фикри тўғри эканини айтади. Шундан кейин кекса киши хато қилганига иқрор бўлади, Навоий билан қилган суҳбатидан мамнун бўлади, Навоий Машҳадда турган вақтда, уни бир неча бор йўқлаб келади ва кейинчалик ҳам унга совға-саломлар юбориб туради. Бу киши ўз замонасининг машҳур шоирларидан Камол Турбатий эди.

Навоий билан айниқса Сайид Ҳасан Ардашер ўртасида яқин дўстлик пайдо бўлади. Сайид Ҳасан Навоийнинг истеъдодига юқори баҳо беради ва уни бадиий ижод соҳасидаги фаолиятини қунт билан давом эттиришга ундайди. Навоий бу маърифатпарвар одам ҳақида кейинчалик «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» деган биографик-адабий асар ёзади.

Навоий тахминан 18—19 ёшларида Абдураҳмон Жомий билан танишади. Навоийнинг билим савияси ва адабий қобилиятидан мамнун бўлган Жомий уни ҳам шогирд, ҳам фарзанд деб биларди. Кўп ўтмасдан шогирд ва устознинг муносабатлари икки улуғ шоир ва мутафаккирнинг дўстлиги ва ҳамкорлигига айланди.

Ҳиротдаги тож-тахт талашлари бирмунча пасайгандан кейин Навоий Ҳиротга қайтади. 1459 йилда Хуросон тахтини ҳам эгаллаган Абусаид энг жоҳил ва золим феодал ҳукмдорлардан эди. Шафқатсиз Абусаид жуда кўп кишиларни, ҳатто ўз қариндошларини, жумладан, Улуғбекнинг бир неча оила аъзоларини қатл қилди. Абусаид XV асрнинг энг реакцион руҳонийси Хўжа Аҳрор билан жуда яқин бўлиб, унинг кўрсатмаси билан иш қилар эди. Дин-шариат ниқоби остида чексиз ер ва ҳисобсиз мол-мулкни қўлга киритган Хўжа Аҳрор бир қанча даҳшатли воқеаларга, кўп кишиларнинг хонавайронлигига сабаб бўлган эди. Абусаид эл-юртни эзиб-талаши билан бирга илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларини таъқиб остига олади.

Абусаидга қарши халқ норозилиги кундан кунга кучайиб борморқда эди. Хуросонда Абусаидга қарши кўп қўзғолонлар кўтарилди. Хоразмда эса Абусаиднинг зулмидан безган халқ Абусаиднинг нойиби Қутлуғ Дарвешга қарши қўзғалиб, унинг ўғлини ўлдирди. Бадахшонда ҳам Абусаидга қарши катта қўзғолон бўлди.

Абусаид саройида бир оз вақт хизмат қилган Навоий тезда унинг сиёсатидан қаттиқ ғазаблана бошлади, эл-юртнинг мусибатли ҳаётига ачинди. Абусаиднинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлган Навоий кейинчалик Машҳаддаги дўсти Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида ўша даврдаги машаққатли ҳаётнинг ҳақиқий манзараларини тасвирлаб берди. Хондамир Навоийнинг Абусаидга қарши норозилиги ва ғазаб-нафратини ифодалаб, қуйидаги бир воқеани ҳикоя қилади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Султон Абусаид замонида бир куни шавкатли Амир (Навоий) Паҳлавон Муҳаммад билан Боғи Сафидда сайр қилиб юрган эди. Шу пайтда Паҳлавон Муҳаммаднинг танишларидан Юсуф номли бир киши учраб қолди, у вазирлардан шикоят қилиб, «улар сувимни зўрлик билан олдилар, мен бу воқеадан Абусаид мирзога арз қилгани келган эдим, бироқ соқчилар унинг олдига киришга қўймадилар, ваҳолонки, менинг аҳволим жуда ночор: ҳар куни ҳар кимдан бир оз нонни тиланчилик билан олиб, шу билан кун кечирмоқдаман»,— деди. Олий ҳазрат (Навоий) унга қараб (ачиниш билан) шу байтни ўқидилар.

Байт:

Гадоеки нон аз дари шоҳ жуст,
Бибояд зи оби худаш даст шуст.

(Подшо эшигидан нон излаган тиланчи ўз суви билан қўлини ювиб, қўлтигига урмоғи, яъни ҳамма нарсадан воз кечмоғи керак.)

Навоий кейинчалик «Садди Искандарий» («Искандар девори») достонида бу золим ва жоҳил ҳукмдор ҳақида сўзлаб, унинг ҳалокатига қўшиннинг норозилиги сабаб бўлди, деб кўрсатади: «Султон Абусаид... кўп мамлакатлар олди ва тиғ билан... элга ошуб солди ва лекин сипоҳиси (қўшини) рози эмас эркандин, уруш вақти барча қўзғалди ва ўзи аду (душман) аро таҳликага қолди».

Абусаид ҳам Навоийнинг норозилигини билар эди. Табиийки, Абулқосим Бобирнинг ўрнига Хуросон тахтига ҳам чиқиб олган Абусаид Бобирнинг яқин кишиларига, жумладан, Навоийга хайрихоҳ бўлолмас эди. Навоий Абусаидга қарши тож-тахт учун кураш олиб бораётган Ҳусайн Бойқаронинг мактабдоши ва дўсти эди. Навоийнинг тоғалари эса Абусаидга қарши кўтарилган бадахшонийлар ҳаракатини қўллаб-қувватлаган эдилар. Шуларга кўра, Абусаид Навоийни, Заҳириддин Бобир (1483—1530) сўзи билан айтганда, Ҳиротдан «ихрож» (сургун) қилди.

Навоий Самарқандда

Абусаид, афтидан, Навоийнинг отасидан қолган мол-мулкни мусодара қилдирган. Навоий қаттиқ моддий қийинчиликларга дуч келган. Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ» китобида Навоийнинг моддий қийинчиликлари ва шунга қарамай, баланд ҳимматлилиги ҳақида характерли бир воқеа ҳикоя қилинади.

«...Абусаид замонида жума куни, Ҳирот шаҳри ичидаги масжиди жомеъда жума намозини адо қилгандан кейин, хиёбонда сайр қилиш учун ўша томонга жўнадим. «Муфаррақ» кўчасига яқинлашганимда бош яланг ва оёқ яланг ҳолда ўтирган бир гадойни кўрдим.

У айтар эди:

— Аёлманд бир кишиман, бир неча оч-яланғоч болаларим бор, эртадан буён ўтириб тиланаман, ҳозиргача ҳеч ким бир пул бергани йўқ.

Ул ҳазрат (Навоий) айтдиларки, ўша вақтда ёнимда бир танга бор эди, ундан бошқа дунё молидан ҳеч нарсам йўқ эди. Ўз-ўзимга шундай дедим: майда ва йирик нарсаларни яратувчига таваккал қилиб, бу тангани шу дарвешга берсанг, токи, бола-чақаларининг бугунги овқатини тўғриласа, сенинг эса эрталик ризқингни худонинг ўзи етказар.

Ўша заҳотиёқ тангани унга бериб, ўтиб кетдим. Намозшомгача хиёбонда сайр қилиб юриб қайтгач, кўрдимки, ҳалиги дарвеш ўша жойда ўтириб, илгари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ги сўзларини айтиб тиланарди. Унинг ҳаддан ташқари ёлғончилиги ва тиланчиликдаги ўта ҳарислигидан таажжубландим. Аммо бу ишдан хабардор бўлганимни унга билдирмадим...».

Навоий шу аҳволда Самарқандга келди. Самарқандда ҳам дастлабки пайтларда моддий қийинчиликда яшади, лекин шунга қарамай, Самарқанд мадрасаларига қатнади, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳли билан яқинлашди, билим савияси, истеъдоди ва қобилияти билан тез орада обрў ва эътибор қозонди. Вафоий тахаллуси билан яхши шеърлар битган Самарқандининг маърифатпарвар ҳокими Аҳмад Ҳожибек, олим Фазлуллоҳ Абуллайс ва бошқалар Навоийга ҳомийлик қилиб, унга ҳар томонлама кўмаклаша бошлайдилар. Замонасининг машҳур олими Фазлуллоҳ Абуллайс Навоийга мударрислик қилади ва уни ўзига фарзанд деб ҳисоблайди.

Хондамир «Макоримул-ахлоқ»да Фазлуллоҳ Абуллайснинг Навоийга муносабати ҳақида: «...Хожа жаноблари Олий ҳазратнинг ўткир зеҳнли эканини ҳар вақт мақтар эди ва бошқа ўқувчилардан уни ортиқ кўрар эди», — дейди.

Самарқанд Ўрта Осиёнинг энг йирик маданий марказларидан бири эди. Самарқандда бир қанча атоқли олимлар, санъаткорлар ва Мирзо Ҳожи Сўғдий, Сайид Қутб Самарқандий, Юсуф Сафоий, Шайхим Суҳайлий каби шоирлар бор эди. Фарғона водийси, Тошкент, Бухоро, Ҳирот ва бошқа жойлардан кўп кишилар Самарқандга келиб, унинг машҳур мадрасаларида таҳсил олар, олимлари, санъаткорлари ва шоирлари билан ҳамкорлик қилар эдилар. Самарқанд Навоийнинг ҳам ҳаёти ва ижодида жуда катта роль ўйнади. Навоий бу шаҳарда ўз билимини мукаммаллаштирди, бадиий ижод соҳасидаги тажрибаларини бойитди. У Фазлуллоҳ Абуллайс ва Алоий Шоший дарсларида, адабиётнинг турли назарий масалаларига доир суҳбатларда ва мактабдошларининг шеърлари муҳокама қилинган мунозараларда актив қатнашди. У Самарқанд шоирларидан ёрдам олди, ўз навбатида, уларга ёрдамлашди. Жумладан, у Самарқандда андижонлик шоир Мавлоно Юсуфшоҳ (Бадиий) шеърларини ислоҳ қилгани ҳақида «Мажолисун-нафоис»да бундай дейди: «...фақир таҳсил учун Самарқандга борғонда Андижондин келди ва онда фақир била бўлур эди. Сиғари сиз (ёшлиги) жиҳатидан шеърида хомлиғ бўлса, ислоҳ қилинур эрди... Фақирдан ўзга киши анинг шеърида сўз айта олмас дерлар эрди...». Хондамир «Макоримул-ахлоқ»да Навоийнинг Самарқанд шоирлари билан ижодий ҳамкорлиги ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Навоий бошқа тилларни камситмагани ҳолда, ўзбек ёзувчиларини ўз она тилида бадиий асар яратишга ундади, уларга кўмаклашди. У Мирзобек, Мирзо Ҳожи Сўғдий, Аҳмад Ҳожибек, Ҳаётмий Қаландар Самарқандий каби шоирлар билан бирга Лут-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фий, Атоий, Саккокий ва бошқа ўзбек шоирларининг традицияларини муваффақият билан давом эттирди ва ривожлантирди.

Навоий Самарқандда Саккокий ва бошқа шоирларнинг бадиий мероси билан яқиндан танишди. Самарқанддаги маданий ёдгорликлар, айниқса Улуғбек обсерваторияси ва Улуғбек мадрасаси унда катта таассурот қолдирди. Навоий кейинчалик бу таассуротларини ўз асарларида, жумладан, «Хамса»сида ифодалади. У Самарқандда Мовароуннаҳрнинг географик ҳолатини ўргана бошлади. Сайҳун (Сирдарё), Жайҳун (Амударё) ва Кўҳак суви (Зарафшон) дарёларининг хўжаликнинг ривожи учун катта аҳамиятга эга эканини тушунди, дарёлардан деҳқончилик ишлари учун кенг фойдаланиш зарурияти устида фикр юритиб, мамлакатни сув билан *маъмур этишни орзу қилди*. У *Самарқанднинг меҳнаткаш* табақалари, жумладан, косиб-ҳунармандлари ҳаёти билан қизиқди, уларнинг яхши фазилати, хулқ-атвори ва меҳнат маҳоратидан мамнун бўлиб, уларни самимий мақтади.

Навоий Самарқандда, ўрни келганда, сиёсий ишларга ҳам аралашиб турди, айрим золим амалдорларни қоралади, ўлимга ҳукм қилинган гуноҳсиз кишиларнинг ҳаётини бир неча бор сақлаб қолди (Хондамир «Макоримул-ахлоқ»да Навоийнинг бу инсонпарварлик фазилатларини ёрқин ифода этувчи бир неча воқеани ҳикоя қилади).

Навоий Самарқанддаги ҳаётини умрбод эсида сақлаб қолди, самарқандлик дўстларини унутмади. У тарихчи Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ, Муҳаммад Олим Самарқандий ва музика устози Дарвиш Аҳмад Самарқандийларга ҳомийлик қилди. Абусаид ўғилларининг тож-тахт талаши кучайиб, Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек ва бошқалар шу курашларнинг қурбони бўладилар, Самарқандда реакция авж олади. Кўп олимлар, санъаткорлар ва шоирлар Самарқанддан Ҳиротга бориб, Навоийнинг ҳомийлигида ижодий ишларини давом эттирадилар. Жумладан, Улуғбек билан бирга ўқиган кекса олим Муҳаммад Олим Самарқандий Навоий даргоҳига бориб, Самарқанддаги ҳаётини тасвирлаб, «биз бахти қароларимиз» деб шеър битиб, Навоийдан кўмак ва ҳимоя тилайди. Худди шундайдек, Фазлуллоҳ Абуллайснинг ўғиллари — Хожа Хованд Абуллайсий ва Хожа Абулқосим Абуллайсий ҳамда Абумўминий каби ёшлар ҳам Ҳиротга бориб, Навоийнинг ҳимояси остида таълим-тарбия оладилар.

Шундай қилиб, Самарқанд Навоийнинг ҳаёти ва ижоди учун муҳим аҳамиятга эга бўлгани каби, Навоийнинг Самарқанддаги фаолияти Самарқанд маданий ҳаётининг равнақи ва, умуман, Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда илм-фан, санъат ва адабиётнинг тараққийси учун катта ҳисса қўшди.

Навоий Самарқандда 1469 йилга қадар турди. Тож-тахт орзусида юрган Ҳусайн Бойқаронинг Ҳирот тахтини эгаллаб олиши учун шу вақтларда қулай бир воқеа юз берди. 1468 йилнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

охирларида Абусаид Ғарбий Эронни эгаллаш учун жанг олиб боради. Жангда Абусаиднинг қўшини енгилиб, унинг ўзи ўлдирилади. Шу вақтда Ҳирот остоналарига яқинлашиб қолган Ҳусайн Бойқаро фурсатдан фойдаланиб, 1469 йилнинг бошларида Ҳиротга киради ва тахтни эгаллайди. Худди ўша йилнинг апрель ойида Навоий Ҳиротга қайтиб келади.

Сиёсий фаолияти. Маданият ва ободончилик соҳасидаги хизматлари

Алишер Навоийдек обрўли ва тадбирли кишиларга муҳтож бўлган Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг Ҳиротга қайтишидан мамнун бўлиб, уни саройга чақирди ва муҳрдорлик вазифасини топширди. Бу мансаб энг катта мансаблардан бири бўлиб, давлатнинг ҳар қандай ҳужжати муҳрдор орқали расмийлаштирилар, муҳрдор муҳр (печать) босар ва имзо чекар эди.

Навоий Ҳусайн Бойқаро давлатини мустаҳкамлашда ва мамлакатни майда қисмларга бўлиб юборишга интилаётган шаҳзода ва амир-амалдорларга қарши курашда катта иш кўрсатди. Ёдгор Муҳаммаднинг фитнасини фош қилиб, мамлакат ва халқнинг осойишталигига бутун кучни сарф қилди. Солиқларни халқдан орттириб олаётган баъзи бир амалдорлар Навоийнинг талаби билан ишдан четлаштирилди. Бу эса Навоийнинг халқ орасидаги обрўйини янада ошириб юборди.

Муҳрдорлик вазифаси Навоийнинг ижодий ишлар билан кўпроқ шуғулланишига имкон бермас эди. Шунинг учун у бу вазифадан истеъфо берди. Лекин Ҳусайн Бойқаро ўз давлат аппаратида Навоийдек тадбирли ва донишманд кишининг бўлишини зарур деб ҳисоблаб, орадан кўп вақт ўтар-ўтмас (1472 йилда), Навоийни амирлик (вазирлик) вазифасига тайинлади.

Навоийни мансаб ва шахсий шон-шавкат эмас, балки эл-юрт учун хизмат қилиш қизиқтирар эди. Шунга кўра, у мамлакатни хароб ва халқни хонавайрон қилувчи ўзаро феодал урушларнинг олдини олишга интилар, Ҳусайн Бойқаро билан унинг ўғиллари ўртасидаги низо-адоватларни бартараф қилишга ҳаракат қилар эди. Айниқса у ободончилик ва маданий ҳаёт соҳасида жуда катта хизматлар қилди.

Алишер Навоий ўз атрофига олимлар, ёзувчилар ва санъатнинг турли соҳаларидаги кишиларни жалб этди, уларга ҳар томонлама ёрдам берди. Навоий бу кишиларнинг кўпига ҳомийлик қилди, ижодий ишларига раҳбар бўлди, моддий ва маънавий кўмак берди. XV асрнинг атоқли тарихчиси Мирхонд Навоийнинг илм-фан аҳлларига ҳомийлигини кўрсатувчи қуйидаги фактни ҳикоя қилади:

«...Мен умримнинг биринчи ярмини тарих китобларини мутолаа қилишга сарф этдим. Баъзи мажлисларда тарихий воқеаларни ҳикоя қилганимда, эшитувчилар қизиқиб, диққат билан тинглар эдилар. Дўстларим тарихий воқеаларни жамлаб китоб шаклида ёзишимни илтимос қилдилар...»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мирхонд сўзини давом эттириб, моддий қийинчилиги туфайли узоқ вақт китоб ёзишга киришга олмагани, охири Навоийга мурожаат қилганини айтади. Навоий ундан содда, китобхонга осон тушуниладиган китоб ёзишни талаб қилади.

«Шундай бир тарих китоби тартиб қилинсинки, унинг иборалари мажоз, истиора, киноя ва бошқа мураккабликларга ўралмаган бўлсин, содда, ҳар ким ҳам тушуна оладиган, қисқа ва мўъжаз бўлсин. Китоб бир муқаддима, 7 қисм ва бир хотимани ўз ичига олсин, ҳар бир қисм мустақил бир китоб шаклида бўлсин, ўқувчи у қисмлардан бирини ўқиганда бошқа қисмларни варақлаб кўришга мажбур бўлмасин...»

«Мен бу хизмат учун лозим бўлган иш жойи, китоблар (манбалар) ва бошқа керакли нарсалар тўғрисида гап очганимда,— дейди Мирхонд,— у ўзи бино қилган «Ҳалосия» хонақоҳидаги ўзига махсус жонани бутун китоб ва асбоблари билан бирга менга топширди».

Машҳур рассом Беҳзод, хаттот Султон Али каби кишилар ҳам бевосита Навоийнинг ҳомийлигида камолга етган эдилар.

Навоий олим, санъаткор ва ёзувчилардан унумли ишлашни, ўз қобилият ва имкониятларидан тўғри фойдаланишни талаб қилар эди. У ижодий ишга бепарволик билан қаровчи, шошма-шошарлик билан юзаки иш қилувчи кишиларни ёқтирмас, уларга қаттиқ танбеҳ берар эди. У ҳам марҳаматли, ҳам талабчан устоз эди. Навоийнинг талабчанлиги ва ишга ниҳоятда масъулият билан қарашини кўрсатувчи бир факт билан танишайлик.

Осафий деган шоир ўз ижодий маҳоратини оширишга кўлинча ялқовлик қилар, ўз ишига бепарволик билан қарар эди. Навоий унинг бу камчиликларини қаттиқ танқид қилиб, унумли ва яхши ишлашга ундар эди. Бир кун Осафий Навоийнинг олдига келиб шундай деган:

— Устод, мен энди сиз айтгандек ижодга киришдим. Мана, масалан, кеча бозордан икки пулга шам олиб, кечқурун ишга ўтирдим ва шу шам ёниб тугагунча 200 мисра шеър ёздим.

Осафийнинг бу гапи Навоийга ёқмайди, чунки Осафий шошма-шошарлик билан шеър ёзиб, туссиз ва кучсиз мисралар яратган эди. Шунга кўра, Навоий Осафийга:— Демак, сиз ёзган ҳар юз мисра шеърнинг баҳоси бир пул экан-да,— дейди.

Навоий вазирлик вақтида ҳам, ундан кейин ҳам ободончиликка катта аҳамият берди. Подшолигининг дастлабки йилларида Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг ободончилик соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлади, давлат хазинасидан маблағ ажратди. Шу билан бирга, Навоий ободончилик ишларига ўз маблағини аямай сарф этди. Самарқандда жуда муҳтожликда яшаган Навоий Ҳиротга қайтганидан кейин, отасидан қолган мол-мулкка эга бўлди, Ҳусайн Бойқаро унга Ҳирот, Сабзавор ва бошқа жойлардан катта мулк ажратиб берди. Навоий бу мулкда ишловчи меҳнаткашларга ҳиммат ва марҳамат билан қарар, олиқ-солиқларни хийла енгиллаштирар, етим-есирларга, мусофирларга, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига инъом-эҳсон қилар эди. Бир навбат Ҳирот шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолига солинган юз минг

www.ziyouz.com kutubxonasi

динор қўшимча солиқни ўз маблағидан тўлаб, мазлум аҳолини ундан қутқарган ҳам эди.

Навоийнинг ташаббуси билан жуда кўп ва хилма-хил бинолар қурилди, боғлар барпо қилинди, ҳовуз ва ариқлар қазилди. (Буларнинг рўйхати ва тафсилотлари Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ» китобида ҳамда Навоийнинг «Вақфия» ва бошқа асарларида келтирилган.) Шулардан бири Халосия хонақоҳи бўлиб, Хондамирнинг маълумотича, у ерда мусофир ва қашшоқ кишиларга овқат тортилар ва ҳар йили 2000 га яқин пўстин, босма чакмон, кўйлак-лозим, тақия ва кавуш улашилар экан. Бундан ташқари, у Жамоатхона хонақоҳи, Сари Хиёбон, Ҳавзак, Чилдухтарон, Тарноб ва Панждеҳ каби бир неча ўнлаб работ, кўпгина мақбаралар, масжидлар қурдиради, бир неча ҳовузлар қаздиради, ариқлар очади. Сувсиз ерларга сув чиқариш ишига катта аҳамият берган Навоий Тус вилоятининг Чашмаи Гулист булоғидан Машҳадга сув келтириш учун ўн тош (70 *км* га яқин) келадиган ариқ қаздиришга киришади ва бошқалар. Навоий бинолар қуриш ва ҳовуз-ариқлар қазишда ишлаётган кишиларни турли йўллар билан рағбатлантирар, уларга зиёфат ва инъомлар берар, кўп вақт ўзи иш бошида туриб, этагини бар уриб, енг шимариб усталар ва мардикорлар билан бирга ишлар эди.

Алишер Навоийнинг сиёсий фаолияти ва маданий соҳадаги ишлари реакцион гуруҳларнинг кучли норозилигига сабаб бўлди. Улар давлат хазинасини ободончилик ишларига ва маданий ишларга сарф қилишни истамас эдилар. Улар ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқнинг манфаатларидан афзал кўрар эдилар. Реакцион гуруҳлар Навоийни сарой ишларидан четлаштиришга, Ҳусайн Бойқаронинг жиловини ўз қўлларига олишга интилар, Навоийга қарши бўҳтонлар ёғдирар, иғволар тўқир эдилар.

Навоийнинг вазирлик мансабида туриши учун ортиқ шароит қолмаган эди. У мамлакат ва халқ учун кўпроқ ижодий ишлар билан хизмат қилишга аҳд қилади ва 1476 йилда вазирлик мансабидан истеъфо беради. Навоий,—дейди Хондамир юқорида кўрсатилган асарида,—«...Бир соатлик адолат олтмиш йиллик ибодатдан афзал» деган сўзларга амал қилиб, амирлик тахтини ва ҳукумат маснадини ўзининг муборак қадами билан зийнатлади ва жабр-жафо рақамларини даврон саҳифасидан маҳв қилиб, адолат ва инсоф эшикларини инсониятга очиб қўйди. Яраланган давр жароҳатларига малҳам қўйиб, пур алам даҳр касалларига адолат шарбати билан шифо бахш қилди.

Бир неча йил «халқ ўртасида ҳукмронлик қилсангиз, адолат билан ҳукм юритинг» сўзларига амал қилиб:

Зи мансаб рўй дар бемансаби неҳ,
Ки аз ҳар мансаби бемансаби беҳ.

(Мансабдан мансабсизликка юз қўй, ҳар бир мансабдан кўра мансабсизлик яхши.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

деган байтнинг мазмунини хотирадан ўтказиб, амирлик мансабидан истеъфо берди...». Лекин, шунга қарамай, Навоий мамлакатнинг сиёсий ишларидан тамомила узоқлашмади. У Ҳусайн Бойқарони маърифатли подшо қилиш ниятидан воз кечмади, унга умид ва ишонч билан қаради. Навоий сарой доирасидаги низоларнинг олдини олиш, ободончилик йўлидаги тадбир ва режаларини давом эттириб, яна кўп хизмат қилди. Шунинг учун Навоий вазирликдан кетганидан кейин ҳам реакцион гуруҳ унга қарши фитна ва иғвони давом эттираверди.

Ўзбек адабий тили тараққиёти учун кураш. Лирик девонлар ва «Хамса»нинг яратилиши

Вазирлик мансабидан бўшаган Навоий қизғин ижодий ишга берилиб кетди. У ўзбек адабий тилини тараққий эттириш, бу тилда катта бадиий асарлар яратиш, уларда мамлакат ва халқ манфаатларига қаратилган энг актуал масалаларни ёритиш вазифаларини ўз олдига қўйган эди. Навоий ўзидан олдинги ёзувчиларнинг прогрессив традицияларини давом эттирди, ривожлантирди ва ажойиб бадиий асарлар яратди, ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарди. У ўзбек адабий тилини камситган, ўзбек ёзувчиларини мейсимаган ва ўзбек тилида гўзал бадиий асарлар яратиш мумкин эмас деб даъво қилган реакцион кишиларга қарши қаттиқ зарба берди, халқнинг жонли тилидан янада кенг ва унумли фойдаланиб, ўзбек адабий тилини бойитди ва равнақ топтирди.

Навоий кўпчилик асарларини ўзбек тилида ёзиб, бу тилнинг бадиий дурдоналар яратиш учун катта имкониятларга эга эканини кўрсатиб берди, ўзбек ёзувчилари олдига ўз она тилида ижод этиш вазифасини қўйди, уларга бу йўлда ҳар жиҳатдан ёрдам берди. Шу билан бирга, у форс-тожик тилини ҳам ўз она тилидек севди, бу тилда ҳам ажойиб асарлар яратди ва форс-тожик шоирларига катта эҳтиром билан ёндашди, улар билан ижодий ҳамкорлик қилди, араб тили ва унинг лексикаси билан шуғулланди.

Навоий дастлаб лирик шеърлари билан кенг шуҳрат қозона бошлади. 1465—66 йиллардаёқ Навоийнинг китобхонлари унинг шеърларини тўплаб, девон тузадилар. Навоийнинг ўзи эса 1470 йилнинг бошларида биринчи девони «Бадойиул-бидоя» («Бадиийлик ибтидоси»)ни тузди. Кейинроқ, 1476—1483 йиллар орасида, иккинчи девони «Наводируп-ниҳоя» («Беҳад нодирликлар»)ни яратди.

Лирик турда катта тажриба орттириб, шуҳрат қозонган Навоий, энди ўзбек тилида йирик эпик асарлар яратиш вазифасини ўз олдига қўйди. Вазирлик мансабидан истеъфо берганидан кейин «Хамса» ёзишга тайёрлана бошлади. У оз вақт давомида «Хамса» учун керакли барча материалларни тўплади. Низомий, Хисрав Деҳлавий ва бошқа шоирларнинг «Хамса»си ёки «Хамса» цикли бўйича яратган алоҳида достонларини, халқ оғзаки ижоди

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамда тарих асарларини мукаммал ўрганиб чиқди ва «Хамса» ёзиш фикрини Абдураҳмон Жомийга айтди. Жомий унинг мақсади ва режаларини маъқуллади, маслаҳатлар берди. Навоий 1483 йилда «Хамса»ни ёзишга киришди. У «Хамса»ни ёзиш учун жуда қисқа муддат — икки йилдан сал кўпроқ вақт сарф қилди. 1483 йилда «Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайратул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши»), 1484 йилда «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» («Етти сайёр»), 1485 йилда «Садди Искандарий» («Искандар девори») достонларини ёзди. Бу достонларида у даврининг жуда муҳим проблемаларини қўйди, ўрта асрнинг илғор мутафаккири сифатида прогрессив фикр-қарашларини илгари сурди, Фарҳод, Ширин, Лайли ва Мажнун каби ўлмас образларни яратди, сўз санъатининг хилма-хил ва ранг-баранг лавҳаларини мужассамлаштирди, ўзбек тилининг қудратини намойиш этди, Низомий ва Хисрав Деҳлавий билан ижодий мусобақада катта муваффақиятларга эришди.

Навоий «Хамса»сининг вужудга келиши ўзбек адабиёти тарихида жуда катта воқеа бўлиши билан бирга, у жаҳон адабиётининг ҳам ўлмас обидаларидан бири бўлди.

Умрни зойеъ этма, меҳнат қил,
Меҳнатни саодатинг калиди бил,—


деган шиорни майдонга ташлаган Алишер Навоий ўз вақти ва имкониятларидан ниҳоятда самарали фойдаланди. «Хамса»дан кейин яна кўпгина бадиий ва илмий асарлар яратиб, санъат ва адабиётнинг, илм-фаннинг тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Навоий Астрободда

Навоийнинг ободончилик соҳасидаги ишлари, бадиий ижодиёти, ёш олим ва санъаткорларга самимий ёрдами, халқнинг арз-додига қулоқ солиши унинг обрўйини ва шуҳратини оширмоқда эди. Бу ҳол Навоийнинг душманларини, хусусан, Мажидиддинни тобора қаттиқроқ тинчсизлантирмоқда эди. Ҳусайн Бойқаро ободончилик ва маданий соҳадаги ишлардан хийла четлашиб, айш-ишратга берилган эди. Саройдаги айш-ишратлар, феодал амалдорларнинг суиистеъмоли, исрофгарчиликлари давлатнинг моддий аҳволини оғирлаштирган эди. Бу аҳволдан ҳам реакцион гуруҳлар ўз мақсадлари йўлида фойдаланадилар. Навоийнинг талаби билан саройдан узоқлаштирилган Мажидиддин саройнинг бирор катта мансабини эгаллаш учун пайт пойлаб юрар эди. У ўз мақсадини амалга ошириш учун саройнинг молиявий танглигидан фойдаланди. У бир неча туман ақчага муҳтож бўлган Ҳусайн Бойқаронинг хазинасига бир йўла 2000 туман ақча келтириб топширди. Бундан мамнун бўлган Ҳусайн Бойқаро Мажидиддинни вазир қилиб тайинламоқчи бўлди. Бироқ Навоийнинг бу тадбирни маъқулламаслигидан бирмунча ташвишга тушди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоийнинг душманлари уни пойтахтдан узоқлаштиришни зўр бериб талаб қилмоқда эдилар. Ниҳоят, Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийни Астрободга ҳоким қилиб тайинлади. Бу билан у, биринчидан, Навоий душманларининг талабини қондирди; иккинчидан, Навоийнинг обрўйи ва тадбиркорлигидан фойдаланиб, мамлакатнинг муҳим чегара вилоятларидан бўлган Каспий денгизи бўйидаги Астрободда ўз позициясини мустаҳкамламоқчи бўлди.



Занжирбанд шер (Навоий ишлаган сурат)

Навоий 1487 йилда Астрободга жўнади ва у ерда давлат идора ишларида бирмунча тартиб ўрнатди. Халқдан ортиқча солиқлар ундираётган амалдорларни ишдан бўшатди. Астроболнинг ободончилигига катта аҳамият берди, у ердаги олимлар, санъаткорлар ва шоирлар билан яқин алоқа боғлади, уларнинг ижодий ишларига ёрдам берди, раҳбарлик қилди.

Навоий Ҳусайн Бойқарони инсофли ва маърифатли ҳукмдорга айлантириш ниятидан ҳали ҳам воз кечмаган эди. У Астроболдан Ҳусайн Бойқарога ва бошқа амалдорларга ёзган мактубларида уларни инсоф ва адолатга чақирар, давлат идора усулида мустаҳкам тартиб ўрнатиш ва айрим ислоҳотлар ўтказишга ундар эди. Масалан, у Ҳусайн Бойқарога ёзган мактубларидан бирида қуйидаги масалаларни қўйди:

«Қуллуқ арзадошт улким, бир неча сўз хотирга келиб эрди, арз қилмоғи вожиб кўрунди. Аввал улким, namozom қилинсаким, эрта уйғониб намоз қилинса...

Яна улким, аласаббоҳ ҳарамдин чиққач, девонда ўлтуруб додхоҳ сўрулса, доғи додхоҳ сўрарда ўзлук била машғуллуғ қилинса, агар бир маълумга бировдин зулме ўтган бўлса, золимга андоғ сиёсат қилинсаким, ўзга золимларга мужиби интибоҳ бўлса...

Яна улким, аркони давлатға ҳар ишким буюрулур, агар бутмоғи бир кун муяссардур, агар икки ё уч кун — андоқ муқаррар бўлсаким, бот бутардек иш ҳамул кун арз қилиб, жавоб олсалар. Кечроқ бутар ишни тонгла ё индин, ё миодидин ўткармасалар. Агар баъзи ҳукм йўсуни била миодидин ўтказиб, арзга еткурмасалар, аларға андоқ хитоб бўлсаким, ўз ишларидин ғофил бўлмасалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яна улким, умид улдурким, ҳақ таоло чоғирдин куллий таварик бергай...
Яна улким, мулк ва мол ишидин, бас додхоҳ ишидин фароғат ҳосил бўлса, маломат дафъи учун кутубхонаға кирилса, кутубхона аҳли билан машғуллуқ қилинса...
Яна улкам, шаҳ эҳтисоби амрида яхши эҳтимом қилинса, андоқким, шаробхона, байтул-лутф, қиморхона — буларға ўхшаш номашруъ умрни куллий манъ қилинса. Муҳтасиблар ҳафтада икки қатла бозор аҳлининг нархларидин вуқуф топсалар.
...Даги ҳар масжиднинг имомиға тайин қилсаларким, ул маҳалла аҳлининг ўғул ва ушоғига мактаб тутуб ўқутсалар...»

Бироқ Навоийнинг истаклари амалга ошмади. Ҳусайн Бойқаро ҳам, унинг саройидаги реакцион амалдорлар ҳам Навоийнинг халқпарварлик ва маърифатпарварлик маслаҳатларига қулоқ солмадилар. Сарой доирасидаги маиший бузуқлик, бошбошдоқлик кучайиб бормоқда эди. Навоий Астрободга жўнатилган бўлса ҳам, унинг душманлари тинчимадилар. Улар Астрободга жосуслар юбордилар ва Навоийни хоинлик билан заҳарлаб ўлдиришга ҳаракат қилдилар. Лекин Навоий енгилмади, маънан мағлуб бўлмади, балки у ўз душманларини кўпчилик олдида шарманда қилди.

Навоий Астрободда ортиқ қолишни истамади, у туғилиб ўсган шаҳри Ҳиротни, ёр-дўстларини, қаламкаш биродарларини соғинди, Ҳиротдаги ва, айниқса, сарой доирасидаги кўп воқеалардан ташвишга тушди, сиқилди. Хондамир юқоридаги асарида Навоийнинг Астроболдаги кайфиятларини ифодаловчи қуйидаги ҳазилomиз бир ҳикояни баён этади:

«Бир вақтлар Астробод шаҳри Амирнинг (Навоийнинг) адолатлари сояси да фаровон ва обод эди. Бир куни ҳавода турлича ўзгаришлар пайдо бўлди. Амир ўз қузурида бўлган баъзи бир вилоят катталарига қараб, бугун ҳавода қизиқ ўзгаришлар бўлди, деди. Астроболликлардан бири: Бу бизнинг шаҳримизнинг яхши хусусиятларидандир. Бу ерда бир кунда тўрт фаслнинг ҳавоси кўрилади,— деди.
Давлатли Олий Ҳазрат (Навоий): «Тўғри, — деди, — бу шаҳарда бир кун бир йилдек ўтар экан».

Пойтахтдаги бемаъни ишлар, жанжаллар эл-юртнинг осойишталиги ва ободончилик ишларига катта шикаст етказиб, Навоийни қаттиқ безовта қилади. У ғазалларидан бирида бундай дейди:

Кўнгил мулкин истар ободу бузар хайли фироқ,
То Навоий азми мулки Астробод айлади.

Навоий Ҳиротга қайтишни илтимос қилиб, Ҳусайн Бойқарога хатлар юборди, бироқ Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг талабини оқибатсиз қолдиради. Навоий ўз ўрнига Амир Бадриддинни қолдириб, Ҳиротга қайтди ва Ҳусайн Бойқародан Ҳиротда қолдиришни илтимос қилди. Лекин иккинчи куниёқ Астрободга қайтиб кетиш ҳақида Ҳусайн Бойқародан буйруқ олди. Навоий яна бир неча ой Астрободда турди. Навоийга қарши душманлари томонидан уюш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тирилган суиқасд фош бўлиб қолгандан кейингина Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг Ҳиротда қолиш ҳақидаги талабини қабул қилди.

Ҳаётининг сўнгги йиллари

Ҳиротга қайтиб келганидан кейин Навоий саройда бирор расмий мансабга эга бўлишни истамади. Лекин, шунга қарамай, у давлат идора ишларида қатнашди, кучайиб кетаётган тож-тахт талашларини бартараф қилишга, ота-бола ва ака-укалар ўртасидаги жанжалларни тинч йўл билан ҳал қилишга интилди. Навоий ва бошқа маърифатпарвар кишиларнинг эзўр бериб уринишларига қарамай, шоҳ ва унинг ўғиллари ҳамда бек ва амалдорларнинг мансаб ва бойлик орттириш учун кураши тобора кучайиб, ҳарбий тўқнашувларга айланиб бормоқда ва темурийлар давлати ҳалокатга юз тутмоқда эди. Сарой ва унинг атрофидаги аристократлар халқни талон-торож қилиб, давлат хазинасини ҳам, эл-юртнинг бойликларини ҳам совурдилар, майхўрлик ва қиморбозликка берилдилар, дабдабали зиёфатлар бериб, исрофгарчиликка йўл қўйдилар. (Восифийнинг «Бадойиул-вақое» асарида ва бошқа манбаларда буларни тасвирловчи кўпгина фактлар келтирилган.)

Подшо ва шаҳзодаларнинг тож-тахт талашиб ўзаро курашишлари, саройдаги ишратпарастлик ва адолатсизлик Навоийни қаттиқ эзар эди. Бунинг устига бирин-кетин Навоий учун бир қатор мусибатли воқеалар рўй берди. 1492 йилда Абдураҳмон Жомий вафот этди. Бу йўқотишдан Навоий қаттиқ қайғуради.

Навоийнинг укаси Дарвеш Али Балх ҳокими номидан шаҳарни бошқарар эди. У Мажидиддиннинг Навоийга қарши уюштирган иғволаридан қаттиқ ғазабланиб, Ҳусайн Бойқарога қарши исён кўтарди. Ҳусайн Бойқаро Мажидиддинни вазирликдан четлатишга мажбур бўлди. Мажидиддин Навоийга бўҳтон қилишни давом эттириб, Дарвеш Али исёнига Навоийнинг бевосита алоқаси бор, деб иғво қилди ва Ҳусайн Бойқарони бунга ишонтирди. Ҳусайн Бойқаро Балхга қўшин тортганда, Навоий у билан бирга боришга мажбур бўлди. Дарвеш Али исёни бостирилди. Навоийнинг исёнга алоқаси бўлмагани аниқланди. Ҳусайн Бойқаро Дарвеш Али билан ярашди, лекин ўз ваъдасидан қайтиб, кўп ўтмай, Дарвеш Алини зиндонга солди.

Мажидиддин вазирликдан бўшатилган бўлса ҳам, лекин унинг ўрнига Низомулмулк деган жоҳил амалдор тайинланган эди. Шоҳ саройидаги низо-адоват янада жиддийлашди. Ҳусайн Бойқаро маҳлик билан ўз хотини Хадичабегимнинг ва Низомулмулкнинг фитнасига учиб, Бадиуззамоннинг ўғли Мўмин мирзони ўлдиришга буйруқ берди. Бу ҳодиса Ҳусайн Бойқаро билан ўғли Бадиуззамон орасидаги келишмовчиликни янада кескинлаштирди. 1499 йилда Ҳусайн Бойқаро сарой иғволари таъсири билан Навоийнинг қариндоши ва севикли шогирди шоир Мирзаҳайдар Сабуҳийни ўлдиртирди. Бу воқеаларнинг ҳаммаси Навоийни руҳан азоблар ва сиҳатига ёмон таъсир қилар эди. Бироқ, шунга қарамай, у кенг

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўламда қизғин ижодий иш билан шуғулланди, ўз олдига қўйган ижодий планларини амалга оширa бошлади.

1488 — 1501 йиллар орасида Навоий бир қанча бадиий ва илмий асарлар ёзди. Ҳиротга қайтганидан кейин кўп ўтмай, «Тарихи мулуки Ажам» («Ажам шоҳлари тарихи») асарини ёзди. Бу асарида у тарихий манбалар билан бирга «Шоҳнома» каби бадиий асарлардан ҳам кенг фойдаланди, қадимги халқ афсоналарини қайта ишлади. Бу асар маълум тарихий ва бадиий қимматга эга. Навоий 1490 йилда шоир ва маърифатпарвар Сайид Ҳасан Ардашер ҳақида «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» биографик-бадиий асарини яратди, 1491 йил муаммо жанри ҳақида «Рисолаи муаммо»ни ёзди. Ўша йили «Мажолисун-нафоис» тазкирасини ёзишга киришди ва кейинчалик уни тўлдириб, таҳрир қилди. Бу асарида у 450 дан ортиқ XV аср шоирларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот бериб, уларнинг асарларидан парчалар келтиради. Навоий 1492 — 1494 йиллар орасида устози ва дўсти, улуғ тожик шоири ва мутафаккири Абдураҳмон Жомий ҳақида «Хамсатул мутаҳаййирин» («Беш ҳайрат») асарини яратди. Бу асар Жомийнинг фаолиятини, унинг Навоий билан дўстлиги ва ҳамкорлигини ҳамда умуман XV асрнинг иккинчи ярмидаги маданий ҳаётни ўрганишда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, у 1492 йилдан кейин Ҳусайн Бойқаро ва бошқаларга ёзган мактубларини «Муншаот» номи билан бир китоб қилди. У форс-тожик тилида битган мактубларини ҳам алоҳида китоб қилган. Бу мактублар Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг дунёқараши ҳамда XV асрнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганишда қимматли манба бўлиши билан бирга, XV аср ўзбек ва форс-тожик прозасининг ҳам ёдгорлигидир. 1492 йилдан кейин Навоий шеър тузилиши, аруз вазни ҳақида ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган «Мезонул-авзон («Вазнлар ўлчови») асарини яратди. XV асрнинг маърифатпарвари ва шоири Паҳлавон Муҳаммад ҳақида «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» биографик-бадиий асарини, 1496 йилда сўфилар ҳақида «Насоимул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадаси»)ни яратди. У 1491 — 1498 йиллар орасида аввалги икки шеърлар девони билан кейинги ёзган шеърларини қўшиб, тўрт девондан иборат машҳур «Хазойинул-маоний» («Маънолар хазинаси»)ни тузди. «Хазойинул-маоний» билан деярли бир вақтда, форс-тожик тилида яратган шеърларини тўплаб, «Девони Фоний»-ни тузди. 1498/99 йилларда «Лисонут-тайр» фалсафий достонини ёзиб, таркидунёчи шайх ва зоҳидларни фош этиб, ҳаётга, инсонга муҳаббат ғоясини илгари сурди. У шу асари билан деярли бир вақтда машҳур лингвистик асари «Муҳокаматул-луғатайн» («Икки тил ҳақида муҳокама») асарини яратди. «Муҳокаматул-луғатайн» Алишер Навоийнинг узоқ йиллар давомида ўзбек тилини илмий асосда текшириш ва бу тилда бадиий асарлар яратиш процессида орттирган тажрибаларининг якуни бўлди. Навоий 1500 йилда

www.ziyouz.com kutubxonasi

сўнгги йирик асари «Маҳбубул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани»)ни ёзди. Булардан ташқари, Навоий ўз даврининг иқтисодий-ижтимоий тузуми ва ўз мулклари ҳамда қурдирган иморатлари ҳақида маълумот берувчи «Вақфия» (1482 йил), диний ва ахлоқий масалаларга доир «Назмул-жавоҳир»— «Гавҳарлар тизмаси» (1485 йил), «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Анбиёлар ва ҳакимлар тарихи»), «Сирожул-муслимин»—«Мусулмонлик нури» (1488 йил) ва бошқа бир қанча асарлар ҳам яратди. Навоий яратган асарларнинг деярли ҳаммаси бизга қадар сақланиб қолган.

* * *

Навоий давлат идора ишлари, ободончилик, қурилиш ва бошқалар билан ўта банд бўлишига қарамай, ижодий режаларини бирин-кетин амалга ошира бориб, ниҳоятда бой ва буюк мерос қолдирди. Бироқ у мўлжаллаган айрим асарларини ёзишга фурсат тополмади, орзулари ушалмай қолди. Навоийнинг ўзи ёзмоқчи бўлган 3 асар ҳақида маълумот беради. Булар Юсуф ва Зулайхо, Навоийнинг шахсий севгиси ҳақидаги достонлар ва Ҳусайн Бойқаро фаолиятига бағишланган тарих китобидир. Афсуски, бу асарлар ҳам яратилмай қолди.

Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Юсуф қиссаси ҳақида мулоҳаза юритар экан, камина «...умр омон берса, турк тили била-ўқ кофири кавн варақи узра хомои мушкин шамомани сургай, бу қисса назмин ибтидо қилиб, интиҳосиға еткургай», яъни: умр омонлик берса, турк тили билан бор оқ варақларга мушкин хома (қора қалам) билан хушҳидларни суриб, бу қисса назмини бошлаб охирига еткургай,— деган эди.

Навоий шахсий севгиси ҳақида махсус асар ёзишни орзу қилган эди. У «Лисонут-тайр»даги «Шайх Санъон» қиссасининг хотимасида бундай деган эди:

Кел, Навоий, сўзни қоло хатм қил,
Ишқ аро изҳори дъъво қилмағил.
Бир неча кун умрдин топсам амон,
Шарҳи ишқим назм этай бир достон...

Бу асар ёзилганда, Навоий биографияси, хусусан унинг шахсий ҳаётининг очиқ қолган айрим саҳифалари тўлдирилиб, баъзи мунозарали масалаларни бартараф этган бўлар эди.

Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да Ҳусайн Бойқаро ҳақида алоҳида асар ёзмоқчи бўлганлигини шундай баён қилади:

Вале эмди азмим будурким: худой —
Агар бўлса умрумға муҳлат физой,
Чекиб турфа тарихингга хомани,
Қилиб нуктага тез ҳангомани,
Сифатингни аввалдан охиргача,
Хаёлоти махфи-ю зоҳиргача,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Валодат кунидан тутуб бу дам,
Борин шарҳ ила айлагайман рақам.

Афсуски, бу режа ҳам амалга ошмади.

Кейинги йилларда бир қатор олимлар айрим манба ва маълумотларга таяниб, Навоий «Сабъат абҳур» («Етти денгиз») номли арабча изоҳли луғат тузган деган фикрни илгари сурмоқдалар.

Турк олими Огаҳ Сирри Левенд 1956 йилда Туркиянинг Аясўфия, Сулаймония ва Нуруосмония кутубхоналарида «Сабъат абҳур» номли фанга маълум бўлмаган 6 қўл ёзма топади. У Аясўфия нусхасининг муқаддима ва хотима маълумотларига асосланиб, луғат Навоийга мансуб деган фикрга келади ва «Навоийнинг арабча сўзлиги» мақоласини оммалаштиради. (Türk dili araştirmalari yilligi, Анкара, 1956, 239—245). Бир йилдан кейин профессор Аҳмад Оташ «Алишер Навоийнинг арабча сўзлиги ҳақида» (Türk dili araştirmalari yilligi, Анкара, 1957, 179—186) мақоласида, бошқа манба ва маълумотларга суяниб, Огаҳ Сирри Левенднинг фикрини рад этди. Озарбайжон олими профессор Ҳамид Арасли бу мақолаларни қиёсий ўрганиб, «Сабъат абҳур» Навоийга мансуб деган қарорга келди (Ҳ. Арасли. Навоий меросини ўрганиш тарихидан. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1960, № 3). Афғон олими Воҳидй Жузжоний ва бошқалар ҳам шундай фикр юритадилар.

«Сабъат абҳур»ни тадқиқ қилган Ботирбек Ҳасанов, бу луғатнинг муаллифи ҳақида ўзининг кандидатлик диссертациясида (Тошкент, 1974) қуйидагиларни қайд қилади: Алишер Навоий араб тилини мукаммал ўрганиб, бу тилнинг лексикографиясига доир қимматли манбалардан бой материал тўплаб борган. У шу материалларни маълум тартибга солиб, шарҳли луғат тузмоқчи бўлган ва қисман ишга киришган ҳам. У бўлажак луғатга «Сабъат абҳур» деб ном қўйган ва унинг муқаддимасини ёзишга улгурган (бу муқаддима Аясўфия нусхасида бор). Муқаддима мусавда (қоралама)да қолиб кетган. Аммо «Сабъат абҳур» ҳақида Навоий ҳам, унинг замондошлари ҳам ҳеч қандай маълумот ёзиб қолдирмаганлар. Орадан 236 йил ўтгандан кейин, 1736 йилда шоир ва олим Аҳмад ибн Али Дамашқий Ал-Маниний (1678—1759) бу ишни ниҳоясига етказиб, «Сабъат абҳур»ни тузган, Навоий муқаддимасини сақлаб қолган. Бу ҳақда у «Сабъат абҳур» ўзи ёзган муқаддима ва хотимасида маълумот беради.

* *
*

Навоий қизғин ижодий ишлар билан банд бўлган бир вақтда Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлигининг таназзули кучайиб, шоҳ ва унинг фарзандлари ҳамда амир-амалдорлар ўртасидаги тож-тахт учун кураш кескинлашиб, ишратпарастлик авжига чиққан эди. Ҳусайн Бойқарога қарши гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда унинг ўғиллари исён кўтармоқда эдилар. Улуғ шоир ва мутафаккир буларнинг барчасидан қаттиқ алам чекади, афсус ва надомат қилади, тож-тахт талашларини ҳамон бартараф этишга интилади, бироқ бирор ижобий натижага эришолмайди ва бу курашларнинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини тушуниб етмайди. Шунга қарамай, у келажакка, яхши кунларга ишонч ва умид билан қарайди.

Ҳусайн Бойқаро исён кўтарган ўғли Муҳаммад Ҳусайн мирзога қарши 1500 йилнинг ёзида қўшин тортган эди. 28 декабрда Ҳусайн Бойқаронинг Муҳаммад Ҳусайнга қарши урушда ғалаба қозониб, у билан ярашгани ва Ҳиротга қайтиб келаётгани ҳақида

www.ziyouz.com kutubxonasi

хабар келади. Навоий бетоблигига қарамай, подшони кутиб олиш учун бошқалар билан бирга йўлга чиқади. Унинг бетоблиги кучаяди.

1501 йилнинг 3 январида Алишер Навоий вафот этди. Бутун Ҳирот қаттиқ мотам тутди. Мусибатли хабар тезда бутун Хуросонга, Мовароуннаҳрга ва бошқа жойларга бориб етди. Кўп шоирлар, тарихчилар Навоийнинг хотирасига бағишлаб асарлар ёздилар. Хондамир Навоий ўлимининг бутун мамлакат учун қандай оғир мусибат бўлганини тасвирлаб, шундай қитъа битган эди:

Аз мавти ў нашаст ба ҳар хона мотаме,
В-аз фавти ў бихест зи ҳар гўша шеване,

З-ин саҳмгин мусибату з-ин саҳмнок марг,
Оташ фитод дар дили ҳар сангу оҳане.

Таржимаси:

Ўлимидан ҳар бир уйга тушди мотам.
Мамлакатнинг ҳар бурчидан чиқди фиғон.
Темир юрак, тош юракли кишилар ҳам
Бу даҳшатли мусибатдан ютдилар қон.

НАВОИЙ ЛИРИКАСИ

Алишер Навоий улуғ лирик шоирдир. У Саъдий, Ҳофиз, Хисрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий каби машҳур шарқ лирик шоирларининг, Хоразмий, Сайфи Сароий, Атоий, Саккокий ва Лутфий каби ўзбек дунёвий адабиёти намояндаларининг энг яхши адабий традицияларини давом эттирди ва ривожлантирди, халқ поэтик ижодиётининг ғоявий-бадиий бойликларидан унумли фойдаланди. Бадиий адабиётнинг ҳаётга, жамият эҳтиёжларига хизмат қилиши учун курашган Навоий лирик поэзиянинг тематикаси, ғоявий мотивлари ва образлари системасини бойитди, такомиллаштирди. Ҳассос шоир лирик турнинг хилма-хил жанрларида ёзилган шеърларида инсоннинг мураккаб ҳис-туйғуси ва руҳий кечинмаларини, ҳаёт ва табиат ланҳаларини ғоят юксак санъаткорлик маҳорати билан бадиий мужассамлаштирди. Навоий лирикаси, унинг бошқа турдаги бадиий ижодиёти каби, реакцион диний-мистик адабиётга ва ғоявий-бадиий қашшоқ феодал-сарой адабиётига қарши курашда ўсиб, такомиллашиб борди. Ўзбек лирикасини янги тараққиёт поғонасига кўтарган Навоий зуллисонайн шоир сифатида форс-тожик тилидаги лирика хазинасига ҳам муҳим ҳисса қўшди, ўзбек, озарбайжон, туркман, тожик ва бошқа халқлар лирик поэзиясининг кейинги тараққиёт босқичларига самарали таъсир этди. Навоийнинг шеърларига назира битиш, мухаммас боғ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаш бир адабий традицияга айланди. Унинг кўпгина шеърлари шу кунга қадар халқ куйлари ва классик мақомларга жўр бўлиб келмоқда, композиторлар Навоий шеърлари асосида янги қўшиқлар яратмоқдалар.

Навоий жуда катта ва бой лирик хазина яратиб қолдирди. Бу лирик хазинанинг асосини 45 минг мисрага яқин ўзбек тилидаги шеърларини ўз ичига олган «Хазойинул-маоний» ва 12 минг мисрадан зиёд форс-тожик тилидаги шеърларини ўз ичига олган «Девони Фоний», форс-тожик тилидаги 6 фалсафий қасидадан иборат «Ситтаи зарурия» («Олти зарурият») ҳамда йил фасллари тасвирига бағишланган «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») қасидалари ташкил этади. Бундан ташқари, Навоийнинг достонларида лирик фрагментлар (лирик муқаддима, лирик чекиниш ва лирик хотима), «Назмул-жавоҳир», «Муншаот», «Вақфия», «Хамсатул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Муҳокаматул-луғатайн» ва «Мезонул-авзон» каби асарларида кўпгина мустақил байт, фард, рубоий, қитъа ва бошқа жанрлардаги шеърий дурдоналар бор.

«ҲАЗОЙИНУЛ-МАОНИЙ»

Навоийнинг илк девонлари

Алишер Навоий мактаб ёшидаёқ бадиий адабиёт билан шуғуллана бошлайди. Дастлаб бошқа шоирларнинг асарларига тақлид қилиб, машқ тарзида лирик мисралар битган Навоий кўп ўтмай мустақил суратда қалам тебрата бошлади. Унинг ҳаёт воқеалари ҳақидаги таассуротлари, ҳис-туйғуси, фикр-ўйи, завқи ва диди лирик мисраларда ифодаланди ва ёш шоир халқ орасида шуҳрат қозона бошлади. Бу ҳақда унинг ўзи «Бадойиул-бидоя» («Бадиийлик ибтидоси»)нинг «Дебоча»сида:

Кўнглумда не маъни ўлса эрди пайдо,
Тил айлар эди назм либосида адо,
Ул назмға жонни қилибон халқ фидо,
Солурлар эди гунбази гардунга садо,—

дейди.

Адабиёт муҳиблари Алишер Навоийдан девон тузишни илтимос қилганларида, у девон тузиш учун ҳали вақт эрта деб ҳисоблайди. Навоийнинг ниҳоятда олижаноб ва камтар киши эканлигини билган мухлислари унинг лирик асарларини йиғиб девон туза бошлайдилар. «...аммо халқ орасида,— дейди Навоий «Бадойиул-бидоя»нинг «Дебоча»сида,— минг байт, икки минг байт ортиқроқ ўксукроқким ўзлари жамъ қилиб эрдилар, бағоят машҳур

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб эрди»[1]. Шундай қилиб, Навоий шеърлари 1465 йилда биринчи марта китобхонлар томонидан девон қилиб тузилди.

Шоир янги-янги асарлар яратди, моҳир ва устоз сўз санъаткори бўлиб етишди. Унинг шеърларининг шуҳрати янада кенгроқ ёйилиб борар, китобхонларни мафтун қилар ва ҳофизларнинг овозига жўр бўлар эди. 1470—1476 йиллар орасида Навоий «Бадойиул-бидоя» девонини тузади. Бу шоирнинг ўзи тузган биринчи девон эди. «Бадойиул-бидоя» 842 шеърдан ташкил топган (585 ғазал, 3 мустазод, 4 мухаммас, 2 мусаддас, 3 таржиъбанд, 49 қитъа, 78 рубоий, 10 чистон, 52 муаммо, 10 туюқ, 46 фард) бўлиб, шоир «баъзи абётеким хомроқ ва баъзи ғазалиётеким нотамомроқ эрди, китобат шуюидин ва шуҳрат вуқуъидин ўзғалар орасидин хориж қилмоқлик мутааззир, балки муҳол кўрин»гани учун уларни ҳам девонга киритади. Лекин шунга қарамай, «Бадойиул-бидоя» XV аср адабий ҳаётида катта воқеа бўлган эди, у ўз тематикаси ва ғоявий-бадиий хусусиятлари билан олдинги шоирларнинг ҳам, Навоий замондошларининг ҳам кўпгина девонларидан фарқ қилар эди. Навоийнинг ўзи ҳам «Бадойиул-бидоя»га ёзган «Дебоча»сида бу фарқ-тафовутга эътиборни жалб этади. Жумладан, у «...гўйиё баъзи эл ашъор таҳсилидин ва давовин такмилидин ғараз мажозий ҳусн ва тавсифи ва мақсуди зоҳири хатту хол таърифидин ўзга нима англамайдурлар. Девон топилғайким, анда маърифатомез бир ғазал топилмағайким, анда мавъизатангез бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ усру беҳад заҳмат ва зойиъ машаққат тортилғон бўлғай. Ул жиҳатдин бу девонда ҳамд ва наът ва мавъизадин бошқа ҳар шўрангез ғазалдинким, истимоъ маҳвашларға мужиби саркашлик ва ғамкашларға мужиби мушавваш лиқ бўлғай, бирор-иккирор насиҳат оро ва мавъизат осо байт иртикоб қилиндиким, аларнинг ламаъи рухсори иффат бурқаъидин кўп ташқари ломиъ бўлмағай, то буларнинг вужуди хирманн ул барқ эҳроқидин бикул войиъ бўлмағай...» дейди. Демак, Навоий шеъриятнинг тематикаси ва ғоявий мотивлари доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Шу билан бирга, у, «Дебоча»да таъкидлаганидек, ўз замондошларидан фарқли ўлароқ, девонга фақат ғазалларнигина эмас, балки бошқа жанрлардаги шеърларни ҳам киритади ва ғазалнинг композицион мукаммаллигига алоҳида эътибор беради.

1476 — 1483 йиллар орасида Навоий иккинчи девони «Наводирун-ниҳоя» («Беҳад нодирликлар»)ни тузади. Бу девон 693 шеърдан (628 ғазал, 3 мустазод, 3 тажриъбанд, 5 қитъа, 46 рубоий, 1 луғз, 6 муаммо ва 1 туюқдан) ташкил топган. «Наводи-

---

[1] Шундай девонлардан бири 870 (1465—1466) йилда машҳур хаттот Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган бўлиб, у Ленинградда Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасида сақланмоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

рун-ниҳоя» Навоий адабий даҳосининг янги ва йирик бир маҳсули бўлди.

«Бадойиул-бидоя»нинг XV асрга мансуб нодир нусхалари Париж (1480/81 йиллар), Лондон (1482/83 йиллар), Боку (1484 йил) ва Тошкентда (1486 йил) сақланади. «Наводирун-ниҳоя»нинг эса ҳозирча ягона нусхаси маълум. XV асрнинг 80-йилларида кўчирилган бу нусха Тошкентда сақланади. (Нусхада «Наводирун-ниҳоя»нинг «Дебоча»си йўқ.)

«Бадойиул-бидоя» ва «Наводирун-ниҳоя» Навоийнинг лирик куллиёти —«Хазойинул-маоний»нинг вужудга келишига катта ва мустаҳкам замин бўлган эди.

«Хазойинул-маоний»нинг яратилиш тарихи, тузилиши ва таркиби

Ижодини лирикадан бошлаган Навоий қарилик айёмига қадар бу адабий турдан йироқлашмади. У достонлар, адабий-биографик ёки илмий асарлар яратиш билан банд бўлган чоғларида ҳам лирик тур билан шуғулланар, янги-янги шеърлар битар эди. Натижада икки девондан ташқари жуда кўп янги шеърлар тўпланиб қолади, бу шеърларнинг сони, Навоийнинг таъкидлашича, аввалги икки девондаги шеърларникидан кўпроқ эди, уларни тўплаб девон қилиш зарур эди. Навоий Абдураҳмон Жомий билан кенгашади, у барча шеърларини тўрт девон қилиб тузишни маслаҳат беради[1]. Бу маслаҳат Навоийнинг режаларига мувофиқ келади. Навоий Жомийнинг маслаҳатидан кейин зўр ғайрат билан ишга киришиб, шеърларини тўплайди, таҳрир қилади, Ҳусайн Бойқаронинг назаридан ўтказади. Шу зайлда у 1491 — 1498 йиллар орасида тўрт девонни ўз ичига олган машҳур лирик куллиёти «Хазойинул-маоний» («Маънолар хазинаси»)ни тузади[2].

Навоий йилнинг тўрт фаслига қиёс қилиб ўз умрини тўрт босқичга: ёшлик, йигитлик, ўрта ёшлик ва кексаликка бўлади ҳамда бу босқичларнинг чегарасини белгилайди: туфулият (ёшлик)— 7 — 8 ёшдан 20 ёшгача, шабоб (йигитлик)— 20 ёшдан 35 ёшгача, куҳулат (ўрта ёшлик)— 35 ёшдан 45 ёшгача ва кексалик 45 ёшдан 60 ёшгача. У «Хазойинул-маоний»нинг дебочасида ҳар бир девонини шу босқичлардан бирининг маҳсули деб атайди ва шунга мувофиқ уларга махсус номлар қўяди. Чунончи, унинг дебочада эътироф этишича, ҳар бир девон шоир ҳаётининг маълум босқичидаги самараси бўлиб, улар қатъий хронологик чегара билан ажратилган ва мазмун жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади.

---

[1] Яқин ва Ўрта Шарқ шоирларидан фақат Хисрав Деҳлавийгина тўрт йирик девон тузган, Навоийнинг маълумотига қараганда, унинг тўрт девони етиб келмаган, номаълум қолиб кетган.

[2] «Хазойинул-маоний» тўрт девондан ташкил топгани учун у XIX асрдан бошлаб «Чор девон» («Тўрт девон») номи билан ҳам юритилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бироқ илмий тадқиқотлар, хусусан, Ҳамид Сулаймоннинг Навоий лирикаси тексти асосида олиб борган текшириш ишлари «Ҳазойинул-маоний» девонлари хронологиясининг нисбий эканлигини, шоир ҳаётининг турли даврларида яратган шеърларини девонларга қатъий бир хронология асосида эмас, балки аралаш ҳолда тақсим қилганини кўрсатди. Айрим шеърлар (ёки шеърий парчалар) ўша шеърлар киритилган девоннинг номланишига — хронологиясига мутлақо мувофиқ келмайди. Масалан, номланишига мувофиқ, «Ғаройибус-сиғар»даги барча шеърлар шоирнинг ёшлик чоғларида ёзган шеърларини ўз ичига олиши керак эди. Бироқ биз «Ғаройибус-сиғар»да шундай байтларга ҳам дуч келамиз:

Кечти умрум нақди ғафлат бирла нодонлиғда ҳайф.
Қолғони сарф ўлди андуҳу пушаймонлиғда ҳайф.

Ешинг эллик бўлди юз қўйғил фано туфроғиға,
Ким шабоб айёми айшу беадаблиғ чоғи бас.

«Наводируш-шабоб»да эса қуйидаги парчаларни ўқиймиз:

Ёшим эллик бўлди юз ҳасрат есамким суди йўқ,
Ўзни майдин хуш тутай чун ўтти умрум хушроғи.

Менки эллик йил чекиб ғам, топмадим хушвақтлиқ,
Топқаменму умрнинг эмдики ўтмиш хушроғи.

Зулм ила бедодидин махлас не мумкин, эй кўнгул,
Чунки қувватлиғ йигитдур ёру мен ожиз қори.

Шунингдек, «Ғаройибус-сиғар»даги бир қатор шеърларда Ҳусайн Бойқаро номи подшо сифатида зикр этилади (Ҳусайн Бойқаро тахтга чиққанда Навоий 28 ёшда эди); «Наводируш-шабоб»га эса шоир Сайид Ҳасан Ардашер вафотига бағишлаб ёзган марсиясини киритади. (Сайид Ҳасан Ардашер 1488/89 йилда вафот этган бўлиб, бу даврда Навоий 47 — 48 ёшларда эди.) Бундай мисолларни кейинги икки девондан ҳам келтириш мумкин.

Бундан ташқари, тўртала девоннинг ҳажми бир-биридан катта фарқ қилмайди: биринчи девонда — 840 шеър (11437 мисра), иккинчида — 759 шеър (10847 мисра), учинчида 740 шеър (10840 мисра) ва тўртинчида — 793 шеър (11776 мисра) бор. Ваҳоланки, Навоийнинг ўзи кексалигида кўпроқ шеърлар битганини, кейинги ёзган шеърларининг сони аввалги икки девонидаги шеърлар сонидан хийла зиёд эканини таъкидлайди. Девонлардаги шеърларнинг жанрига қараб тақсимланишида ҳам маълум бир тартиб ва миқдорга риоя қилинган. «Ғаройибус-сиғар»га ва «Наводируш-шабоб»га 8 жанрдаги, «Бадойиул-васат» ва «Фавойидул-кибар»га 9 жанрдаги шеърлар киритилган, девонларнинг етакчи жанри бўлган ғазаллар эса баб-баравар тақсимланган, ҳар бир девонга 650 тадан ғазал киритилган ва ҳоказо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Буларнинг барчаси «Хазойинул-маоний» девонларининг хронологияси нисбий ва номланиши шартли эканини кўрсатади. «Муншаот»даги: «Бурунғи икки девон ашъори била сўнгра айтилғонларни қўшиб, *тартиб била* (курсив бизники — *Н. М.*) тўртға айрилди»,— сўзлари ҳам шу мулоҳазани қувватлайди.

Навоий девонларининг тўрт редакцияси асосида унинг ўзбек тилидаги шеърларининг асл хронологиясини белгилаш мумкин. Адабиёт ҳаваскорлари томонидан 1465/66 йилларда тузилган девон бир босқични ташкил этса, «Бадойиул-бидоя»даги янги шеърлар иккинчи босқични, «Наводирун-ниҳоя»даги шеърлар учинчи босқични ва «Хазойинул-маоний»даги аввалги икки девонда бўлмаган шеърлар тўртинчи босқични ташкил этади. Адабиётшунос Ҳамид Сулаймон шу усулда Навоийнинг ўзбек тилидаги шеърларининг асл хронологиясини, «Хазойинул-маоний» девонларидаги шеърларнинг *нисбий хронологиясини белгилаб*[1], қуйидаги таблицани тақдим қилади:

«Хазойинул-маоний» девонлари	Ўсмирлик шеърлари	Йигитлик шеърлари	Ўрта ёшлик шеърлари	Қексалик шеърлари	Тўрт девонда
I. «Ғаройибус-сиғар»	156	499	27	158	840
II. «Наводируш-шабоб»	—	166	237	356	759
III. «Бадойиул-васат»	132	75	106	427	740
IV. «Фавойидул-кибар»	146	115	87	445	793
Жами:	434	855	457	1386	3132[2]

Навоий «Хазойинул-маоний»га лирик турнинг 16 жанридаги шеърларини киритган; жанрларнинг девонлардаги тартиби ва шеърлар миқдори тубандагича:

1) Ғазал — 2600; 2) мустазод — 4; 3) мухаммас — 10; 4) мусаддас — 5; 5) мусамман — 1; 6) таржиъбанд — 4; 7) таркиббанд — 1; 8) маснавий — 1; 9) қасида — 1; 10) соқийнома — 1; 11) қитъа — 210; 12) рубоий — 133; 13) муаммо — 52; 14) чистон — 10; 15) туюқ — 13; 16) фард — 86. (Ҳар бир жанрдаги шеър қофияси ёки радифидаги тугалланувчи ҳарфга қараб, яна қатъий бир тартиб билан жойлаштирилган.)

Алишер Навоий девон тузиш анъаналарига, асосан, риоя қилди. Бироқ у тўртала девонини ҳам шеъриятнинг етакчи жанри бўлган

---

[1] Ҳ. Сулаймон таъкидлаганидек, кейинги тадқиқотлар ва, хусусан, XV асрга мансуб бўлган янги қўл ёзмаларни қўлга киритиш, шубҳасиз, Навоий шеърларининг хронологиясига маълум тузатиш ва аниқликлар киритади.

[2] Ҳамид Сулаймоннинг маълумотига қараганда, Навоийнинг аввалги девонларидаги 30 дан зиёд шеър «Хазойинул-маоний»га кирмай қолган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғазаллар билан бошлаб, бу анъаналар доирасидан ташқари чиқди (одатда, девон қасида жанридаги шеърлар билан бошланар эди).

Навоий девонлари, унинг бошқа асарлари каби, адабиёт, санъат ва илм-фан аҳлларининг диққат-эътиборини тезда ўзига жалб қилди, китобхонлар орасида шуҳрат қозонди. Фактлар Навоий девонларининг XV асрнинг ўзидаёқ Мовароуннаҳр ва Хуросондагина эмас, балки Эрон, Озарбайжон, Синцзян, Ҳиндистон, Миср, Туркия ва бошқа мамлакатларда ҳам кенг тарқалганини, кейинчалик эса Европа ва ҳатто Америка кутубхоналари фондига кириб борганини кўрсатади.

Навоий девонлари XV асрда Султон Али Машҳадий, Абдужамил котиб, Дарвеш Муҳаммад Тоқий, Муҳаммад бин Нур, Султон Муҳаммад Хандон каби машҳур хаттотлар томонидан қайта-қайта кўчирилганидек, кейинги асарларда ҳам моҳир хаттотлар томонидан янги нусхаларга кўчирилади (масалан, проф. А. Қаюмовнинг «Қўқон адабий муҳити» китобида келтирилишича, XIX аср бошларида Қўқон хони Муҳаммадалихоннинг фармони билан «Хазойинул-маоний» 300 нусхада кўчирилган). Кейинчалик эса у босмахоналарда ҳам кўп марта нашр этилади. Бироқ Навоий девонлари асрдан-асрга, китобдан-китобга ўтиб бориши билан ўз тузилиши, тартиби, ҳажми, тексти ва бошқа жиҳатлардан хилма-хил ўзгаришларга учрайди, «таҳрир» қилинади. Адабиётшунос Ҳамид Сулаймон Тошкент, Ленинград, Душанба, Боку, Париж, Лондон ва бошқа шаҳарларнинг кутубхона ва музейларида сақланаётган кўп сонли қўл ёзмаларни (уларнинг орасида XV—XVI асрларда кўчирилган нодир нусхалар ҳам бор) қиёсий ўрганиши натижасида «Хазойинул-маоний»нинг илмий-танқидий текстини ишлаб чиқди.

«Хазойинул-маоний»нинг тематик доираси ва ғоявий мотивлари

Алишер Навоийнинг лирик поэзия тараққиётидаги катта хизмати даставвал шундаки, у лириканинг тор тематик доирасини ёриб чиқиб, ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил масалаларини шеърларига тема қилиб олди, лирик поэзиянинг ғоявий мотивларини фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий масалалар билан бойитди, такомиллаштирди. Шунинг учун ҳам шоир лирик девонлар куллиётини «Хазойинул-маоний»— «Маънолар хазинаси» деб атаган эди.

Севги ва садоқат, висол иштиёқи ва ҳижрон изтироби, вафо ва дўстлик, шафқат ва марҳамат, ватанга ва халққа муҳаббат, гуманизм ва халқлар дўстлиги, инсоф ва адолат, меҳнат ва маърифат, одоб ва тавозе, ҳиммат ва саховат, ҳалоллик ва тўғрилик, май нашидаси ва табиат кўрки ҳамда зулм-истибдоддан нолиш, адолатсизлик ва инсофсизликни қоралаш, разолат ва жаҳолатни фош этиш, бадбин ёки ҳийлакор шайх-зоҳидларни танқид қилиш ва бошқалар Навоий лирикасидаги масалалар силсиласини ташкил

www.ziyouz.com kutubxonasi

этади. Бу масалалар тасвири ва талқинида улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий баъзан адашади, ҳаёт муаммолари олдида лол қолади, зиддиятларга йўлиқади, реакцион қарашлар таъсирига тушади. Масалан, у — подшоларнинг адолатсизлигини танқид қила туриб, яна уларнинг ўзидан адолат ва нажот кутади, реакцион шайх-зоҳидларни аччиқ сатира остига олади, лекин шу билан бирга, дин ва тасаввуфга (тасаввуфнинг нақшбандийлик тариқатига) катта ихлос ва эътиқод билан қарайди. Аммо шундай зиддиятларига қарамай, гуманизм ва халқпарварлик, инсоннинг бахт-саодати учун кураш ва унинг куч-қудрати ҳамда ақл-заковатига ишонч Навоий лирикасида ўзининг асосий ўрни ва етакчилик ролини сақлаб қолади, айрим зиддиятларни енгиб боради. Навоийнинг улуғлиги, унинг лирикасининг ҳаётийлиги ва маънавий юксаклиги ҳам шундадир.

В. Г. Белинский лирик поэзиянинг моҳияти ва спецификаси ҳақида сўзлаб, бундай деган эди:

«...Мавзу бу ерда ўз-ўзича қимматга эга эмас, ҳаммаси субъектнинг унга берган аҳамиятига боғлиқ, ҳамма нарса хаёл ва сезги билан мавзуга кирган руҳга боғлиқ»[1].

Шу жиҳатдан қараганда ҳар қандай лирик асарнинг бош қаҳрамони, субъект — шоирнинг ўзидир, ҳаёт, воқелик унинг руҳий кечинмалари, ҳис-туйғуси, фикри ва шуури орқали ифодаланади. «Хазойинул-маоний»нинг бош қаҳрамони Алишер Навоийдир. Навоийнинг лирик қаҳрамони XV асрнинг улуғ мутафаккир шоири, гуманисти, файласуфи ва мураббийси сифатида ўзининг илғор фикр-қарашлари, орзу-идеаллари, шодлиги, табассуми, сукунати, ҳаяжони, алам-изтироби, қаҳр-ғазаби ҳамда ғоявий зиддиятлари билан бирга гавдаланади, ҳис-туйғуси, руҳий кечинмалари билан китобхонни ўша аср ҳаёти, унинг зиддиятлари оламига олиб киради, ўрта аср зулмати ва жаҳолатига қарши гуманизм ва маърифат нурини таратган бир чақмоқ каби мужассамланади.

Навоийнинг лирик қаҳрамони айни чоғда ошиқ ва ринд ҳамдир. Бироқ бу лирик қаҳрамон ҳар қачон ҳам шоирнинг ўз кечмиш таассуротлари, ҳис-туйғуси ва тилакларини бевосита ифодалайвермайди, балки кўпинча шоирнинг қалби, руҳи ва ҳис-туйғусини ифодалаш учун бир восита бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, мутафаккир, файласуф ва мураббий лирик қаҳрамон бевосита Навоийнинг ўзидир деб ҳукм чиқарганимиз ҳолда, ошиқ ва ринд лирик қаҳрамон ҳақида эса бундай ҳукм чиқара олмаймиз.

Навоий лирикасида мутафаккир, файласуф, мураббий, ошиқ ва ринд образлари билан бирга ёр, рақиб, шайх, зоҳид, воиз, подшо каби лирик образлар ҳам бор. Булардан рақиб, шайх, зоҳид ва

[1] В. Г. Белинский. Танланган асарлар. Ўздавнашр, Тошкент — 1955, 184- бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

подшо (золим подшо) салбий образлар бўлиб, бу образлар яратилган шеърларда лиризм кўпинча юмор ва сатира билан қўшилиб, чатишиб кетади.

Ҳаёт ва инсон мадҳияси

Навоий лирикаси ҳаёт таронаси ва инсон мадҳиясидир. Навоий ҳаётни эътироф қилади, уни севади, инсонни шарафлайди ва улуғлайди. Зероки, оламнинг олам бўлиб яратилиши ҳам, асосан, ҳаёт гули бўлган инсон учундир:

Оламу одам фидонг ўлсунки борсен, эй ҳабиб,
Сен ғараз инсондин ар оламдин инсондур ғараз.

Бинобарин, инсон ҳаётини, ўзлигини, умрни севиши, қадрлаши керак:

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Ҳар неники севмак андин ортиқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

Реакцион дин ва тасаввуф аҳллари инсонни у дунё учун, жаннат ва равза учун ҳаётдан, ўзликдан воз кечишга тарғиб этсалар, Навоий инсонни ҳаётсиз, ҳаётни инсонсиз тасаввур қилолмайди, буларнинг ҳар иккисини бирликда кўради. Ҳаёт гулшан, боғ-бўстон бўлса, инсон шу гулшан ва боғ-бўстоннинг гули, самаридир. У шу гулшан ва боғ-бўстонда файз ва камол топиши керак. Бошқа бир гулшан ва боғ-бўстон бўлиши маълум эмас:

Даҳр боғинда неча кунким тириксен, айш қил,
Ким яна топмоғ эмас маълум бу бўстон киби.

Навоий жаннат ва равза тушунчаларини қатъиян инкор этиш даражасига кўтарилолмаса ҳам, ҳар қалай, уларнинг мавжудлигига бир шубҳа билан қарайди, ҳаёт гулшанини жаннат ва равзадан устун ва авло деб билади. Бу тараққийпарварона ва журъатли фикрлар унинг бутун лирикасида, хусусан, севги темасидаги асарларида ўсиб, такомиллашиб боради.

Инсоннинг ҳаёти абадий эмас. У туғилади, ўлади, ота-боболар ўрнини фарзандлар ва набиралар эгаллайди. Шундай экан, киши ҳаётдан тўла фойдаланиши, ҳар бир дақиқанинг қадр-қимматини билиши керак. Сўнгги пушаймон эса фойдасиздир:

Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзингни шод тут,
Елга етмак мумкин эрмастур чу суръат кўргузуб.

Бироқ инсон ҳаётининг моҳияти унинг қисқа ва узунлиги билан эмас, балки мазмуни билан белгиланади. Ҳаётдан мурод фақат айш-ишрат эмас. Ҳаётнинг мезони инсоннинг фаолияти, хатти-ҳаракати, сифати ва фазилатидир. Инсон ҳаётини ўзи учун ҳам, бутун жамият учун ҳам фойдали бўлган хизматга бағишла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ши, касб-ҳунар ўрганиши, маърифатли бўлиши, яхши фазилатларни эгаллаши керак. Шундагина у ўз инсоний бурчини адо этган комил инсон бўлади:

Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ,
Жаҳондин нотамом ўтмак биайни
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Инсон дунёдан ўтиб кетади, лекин эл-юртга яхшилик қилган комил кишининг оти боқий бўлиб қолади:

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилиқ била от[1].

Мутафаккир ва мураббий шоир кишиларни тўғри, ҳалол, ростгўй, саховатли, ҳимматли, марҳаматли, оқил ва одобли бўлишга чақиради, ёмон хислат ва одатларни қоралайди. Бу Навоийнинг бутун лирикаси, айниқса қитъа ва рубоий жанридаги шеърлари мазмунига узвий равишда сингиб кетган.

Навоий гуманизми халққа ҳамда ватанга бўлган чексиз муҳаббатда янада тўлароқ намоён бўлади. Худбин ва манфаатпараст кишиларга қарши «Хушроқ, эл бедодидин ўзумга бедод айласам» деган шоир:

Юз жафо қилса менга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам

каби мисралар орқали умумнинг манфаатларини шахсий манфаатдан юқори қўйиш ғоясини тарғиб этади. «Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш» деб бошланадиган машҳур рубоийсида ватанпарварлик ва эрксеварлик ғоясини барала куйлаган шоир мусофирлик чоғларида ёзган бошқа бир рубоийсида:

Ўлсам ясаманг мунда мазоримни менинг
Юклаб элтинг жисми фигоримни менинг.
Ўтру чиқориб аҳли диёримни менинг,
Кўйида қўюнг танни низоримни менинг,—

дейдиким, бу билан у ҳаётинигина эмас, балки қабрини ҳам диёри билан боғлаб, жасадининг диёри тупроғи қўйнидан жой топишини истайди.

Навоийнинг гуманизми бир эл ёки элат қобиғига ўралиб қолган маҳдуд гуманизм эмас. Навоий гуманизми инсон ва инсоният манфаатларини ифодалайди. У одамга унинг жинси ёки ирқи, элати ва диний эътиқодига қараб эмас, балки инсоний сифатларига қараб муносабатда бўлади.

---

[1] Бу икки мисра махсус бир муаммо бўлиб, унда «Саъд» сўзи яширинган. Муаммодаги ишорага кўра سعادت сўзидан ت («о» ва «т») олиб ташланса, سعد қолади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хотин-қизлар қаттиқ хўрланган, таҳқир этилган бир шароитда Навоий уларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бел боғлайди, уларни инсон, она ва рафиқа сифатида улуғлайди:

Яхши хотунлар сафоий зуҳдидин
Олам ичра гар ёруғлуқ бўлса фош,
Йўқ ажаб, чунким араб алфозида
Истилоҳ ичра муаннасдур қуёш

қитъасида хотин-қизларни қуёш билан тенглаштириб (араб тилида қуёш — шамс женский роддадир), уларни оламга нур тараталар дейди; бошқа бир қитъасида эса ақли расо ва одобли хотинларни ярамас эркаклардан афзал ва устун қўйиб:

Юз туман нопок эрдин яхшироқ,
Пок хотинлар аёгининг изи,—

дейди. Навоий лирик асарларидаги бу гуманистик ғояларини «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» каби достонларида такомиллаштириб, хотин-қизларнинг ажойиб образларини яратади.

Навоий турли ирққа ва диний эътиқодга мансуб бўлган халқларни самимият билан севади, ҳурмат қилади. Достонларида турли халқларнинг вакиллари образини яратган Навоий лирик шеърларида ҳам халқлар дўстлиги, биродарлиги ғоясини жўшқин лиризм шавқи билан тарғиб қилади:

Кўнгулни олса малоҳат била тафовут йўқ,
Хитоий ўлсину ё армани ва ё ҳинду.

Ҳусн чун жилва қилур, оқу қарода йўқ фарқ,
Кишига келса бало[1] — хоҳи хито, хоҳи ҳабаш.

Мен тилаб ҳусн, вале шоҳ тилаб аслу насаб,
Менга лўли била ҳинду, анга қўнғироту қиёт

каби оташин мисраларда у халқларни бир-биридан ажратувчи ташқи белгиларига эмас, балки уларни бир-бирига яқинлаштирувчи, тенгма-тенг қўювчи белгиларга эътиборни жалб этади ҳамда инсонни ирқи, элати, эътиқодига қараб, унга турлича муносабатда бўлиш реакцион тенденцияларига қарши курашади.

Навоийнинг ҳаёт ва инсон ҳақидаги фикр-қарашлари, шубҳасиз, ғоятда катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бироқ Навоий ҳаётни, инсон ва унинг хулқ-атворини жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизидан ажратиб қўяди, яшаган муҳити эиддиятлари ва иллатларининг синфий моҳиятини тушуполмай-

[1] *Бало* — бу ўринда ишқ изтироби маъносида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, панд-насиҳат, маърифат ва муроса йўли билан халқнинг моддий ва маънавий аҳволини яхшилаш, инсонни бахтиёр қилиш мумкин, деб ўйлайди.

Севги ва шодлик тароналари

Навоий — севги ва шодликнинг оташин ва жўшқин куйчиси. Севги Навоий лирикасининг, хусусан ғазалларининг етакчи темасидир. У:

Эй Навоий, ишқ атворини қифз айлай деган,
Барча ишни тарк этиб, қилсун бизнинг девонни ҳифз,—

дейишга тўла ҳақли эди, чунки унинг кўпчилик шеърлари севгига, севгининг моҳияти ва хосияти, ошиқ ва маъшуқа образлари, висол шавқи ва ҳижрон алами тасвирига бағишлангандир. Айни чоғда Навоийнинг севги лирикаси ошиқ ва маъшуқанинг ишқий кайфиятлари тасвири даражасидан юқори кўтарилиб, кенг ижтимоий-фалсафий моҳият касб этади. У севги темаси орқали ҳаётга, инсонга муҳаббатни куйлайди, бадбинлик ва таркидунёчиликка қарши курашади, яшаган муҳитининг айрим иллатларини фош этади, олижаноб инсоний фазилатларни тарғиб қилади.

Навоий куйлаган ва шарафлаган севги ҳаётий севги, инсоннинг инсонга бўлган севгисидир. Бу севги мутасаввифларнинг ишқий илоҳийсига, ҳаётдан воз кечиб, инсондан юз ўгириб, ҳурлар хаёлига оғишта бўлишига тамомила қарама-қаршидир[1]. Навоий севгининг ҳаётий моҳияти ва хосиятини қайта-қайта таъкидлайди ва инсоннинг инсонга бўлган севгисини тарғиб қилади:

Қилғай инсоният, ар кўз мардумиға тутса унс,
Эй Навоий, яхшидур инсонға инсондин анис.

Эй Навоий, ул пари ўлтурса ҳам оздур сени,
Кимки инсондур оning маҳбуби ҳам инсон керак.

Эй кўнгул, ҳуру пари васфин эшиттим гўйиё,
Ҳеч қойси одамилиғда эмас инсонча хўб.

Деди зоҳид: «Ул паридин ҳур умиди бирла кеч»,
Эй Навоий, бўлмағай бу ҳадғача нодонлиғим.

Дема бу оламда ул ой хўб ё жаннатда ҳур,
Кўрмамишмен андоғин, бори эрур мундоғи хўб.

Севги инсоннинг табиий хусусиятидир. У инсон ҳаётининг мазмунини бойитади, унга кўрк беради. Севги кишини камолотга етказади. Севгисиз ҳаёт файзсиз ва нурсиздир. Шунга кўра шоир:

---

[1] Навоийнинг айрим шеърларида, масалан, традицион ҳамд ва муножатларида ишқи илоҳийнинг баъзи элементлари кўринади, бироқ булар ўткинчи элементлардир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хизр умрию Скандар мулки топқон ёрсиз,
Оби ҳайвон ичса эаҳри бегумондир ким ичар.

Хуштурур жону жаҳон жонон била, жонон агар,
Бўлмаса, жон уйлаким ўлмас, жаҳон эиндон эрур,—

дейди.

Севги инсоннинг энг яхши **сифат** ва фазилатлари билан узвий боғлиқдир. Вафо, садоқат, **дўстлик**, ҳамдамлик, мушфиқлик, тўғрилик ва ҳалоллик унинг **шарти ва** бурчидир. Худбинлик, манфаатпарастлик, қалбакилик, **мунофиқлик** ва иккиюзламалик каби хислатлар севгига тамомила ётдир. Севги ирқ ва элат, дин ва эътиқод айирмаларига тобе бўлмайди, у мол-давлатга, мансаб-мартаба ва насл-насабга қарамайди. Севгини эўр ва эар билан ҳам қўлга киритиб бўлмайди. Севги йўлида шоҳ ҳам, гадо ҳам тенгдир, балки гадо авлороқдир:

Ишқ аро шоҳу гадо тенгдур, гадо балки фузун,
Гар гадолиғ айлар ўлса ишқнинг яғмосидин.

(Бу тезис айниқса Навоийнинг «Ишқ аро душвордир...» деб бошланувчи **ғазалида такомиллаштирилади.**)

Навоийнинг лирик қаҳрамони самимий ошиқдир. Унинг сев**гиси пок ва мусаффодир. У севгига бир ҳою ҳавас** деб эмас, балки **инсон ҳаётининг ажралмас йўлдоши, қалб ва** ироданинг амри, шарафли ва масъулиятли бурчи деб қарайди. Севги инсон учун катта синов ва имтиҳон ҳамдир. Навоийнинг лирик қаҳрамони севги синовига бардош берган иродали ва матонатли ошиқдир. Феодал-клерикал ахлоқ хотин-қизларни камситган, шариат эркакларнинг бир неча хотин олишига кенг йўл очиб берган бир шароитда Навоийнинг лирик қаҳрамони ёрини улуғлайди ва ардоқлайди, унинг ҳусн-жамоли ва ахлоқ-одобига мафтун бўлади, у бутун ҳаёти ва қалбини битта севикли ёрга бағишлайди. Мана ошиқнинг гўё қасамёд тарзида айтган бир ғазалининг мисралари:

Кўнглум ўртансин агар ғайриға парво айласа,
Ҳар кўнгул ҳам ким сенинг шавқингни пайдо айласа...
Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам чиқсун кўзум,
Ўзга бир кўз ҳамки ҳуснингни тамошо айласа.
Ғайр зикрин ошкора қилса лол ўлсун тилим,
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкора айласа...

Бу рашк ёки ҳасаднинг ифодаси эмас, балки садоқат ва самимиятнинг қатъий бир овозидир. Ошиқ учун ёр ҳаммадан ҳам авло ва мўътабар. На жаннат ва на кавсар, на ҳур ва на тўби ёрнинг, унинг маскани, лаби ва қад-қоматининг ўрнини боса олмайди. Ошиқ уларнинг ҳаммасини рад этади, жаннат, ҳур, кавсар ва тўби хаёлига гирифтор бўлиб, ҳаётдан ва ҳаёт маҳбубасидан воз кечган шайху зоҳидларни аччиқ заҳарханда билан фош қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Кўюнг борида қилмон жаннатқа гузар ҳаргиз» ва «Қайси тўби жилваси сарви хиромонингча бор» каби кўпгина ғазаллар ва бошқа жанрлардаги шеърлар шу ғояни тарғиб қилади.

Навоийнинг лирик қаҳрамони беқарор ошиқ эмас. Бироқ айни чоғда бу лирик қаҳрамон ўз инсоний ғурури ва ор-номусини оёқ ости ҳам қилмайди. У ёридан ҳам садоқатли, вафодор бўлишни талаб қилади:

Ёр улдурким тили, кўнгли онинг бўлса бир,
Ким тили ўзгаю кўнгли ўзга, ул ёр эмас,—

деган шоир бевафо ёрдан

Тилга келмон кўнглум ўтинким менга ул бағри тош,
Тил била ғам ер, кўнгил бирла вале ғамхор эмас.

Кўнгли ўзгадур, тили ўзга, не чора қилғомен,
Кўнглида юз фикру тил бирла бири изҳор эмас,—

деб қаттиқ шикоят қилади. Сабр-матонат, лутф ва карамнинг ҳам ўз чегараси бор. Ёр бевафолик ва шафқатсизликни ҳаддан оширса, унинг оёғи остига йиқилиб кўз ёши тўкишнинг ҳожати йўқ, ундай тили бошқаю дили бошқа меҳрсиз ёрдан воз кечиш керак:

...Чунки ул бизни унутмоғни соғинди, яхши иш,
Сен доғи кел бир нафас они соғинмоғни унут.

Севги таронаси ёрнинг ҳусн-жамоли, лутфу карами, висол завқи ва ҳижрон изтиробини куйлашдан жафокор ёрдан нолиш, шикоят қилишга ўтиб боради. Бироқ ёрдан шикоят тор ишқий ҳис-туйғуни ифодалаш доирасида қолиб кетмайди, балки у кенг ижтимоий моҳиятга эга бўлади. Шоир ёрдан шикоят қилиш усули билан, кўпинча, яшаган муҳитининг иллатларини фош этади, золим ёрни адолатсиз подшога, инсофсиз амалдорга, ҳимматсиз давлатмандга, шафқатсиз жаллодга ўхшатади:

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,
Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин

матлаъли ғазалнинг

Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин,
Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини эп,
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин

мисралари билан тугалланиши Навоий шикоятининг ижтимоий моҳиятини равшан кўрсатади. Бундай шеърлар Навоий яратган севги лирикасининг сезиларли қисмини ташкил этади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Бода қон, нағма фиғон, сур азо, айш бало,
Кўргасен жилва ағар айласа ишқ анжумани»,

«Ёр васлига қувондим, қовди кўйидин мени,
Эй Навоий, ҳеч киши давлатға мағрур ўлмасун»

тарзидаги байтларда эса ёрдан шикоятдан кўра ижтимоий адолатсизликка қарши норозилик кучлироқ садо беради. Ошиқ рақибнинг мунофиқлиги, худбинлиги ва макр-ҳийласи ҳақида сўзлар экан, бу шикоят янада кенгроқ ва чуқурроқ мазмунга эга бўлади.

Бироқ Навоийнинг севги лирикаси, ундаги шикоят оҳангларига қарамай, умидсизлик ва бадбинлик, ғам ва алам, ҳасрат ва надомат лирикаси эмас, балки ҳаёт ва шодлик, гўзаллик ва латофат, умидворлик ва ишонч таронасидир.

Ҳаётга муҳаббат ва шодлик, қувноқлик кайфиятлари май ва ринд образларида янада такомиллашиб боради. Биз Навоийнинг ҳаётига доир тарихий маълумотлардан унинг майга бутунлай мойил эмаслигини, майхўр ва ишратпараст кишиларни ёқтирмаганини, улардан қаттиқ нафратланганини биламиз. Навоий майхўр ва ишратпараст кишиларни фош этиб асарлар ҳам битган. Масалан, у «Ҳайратул-аброр»нинг махсус бир бобини майхўрликнинг зарарини ифодалашга бағишлаб, майпарастлик балосига йўлиққан кишиларнинг ҳажвий образини яратади. Хўш, шундай экан, нега Навоий майни таъриф ва тавсиф қилади, ринднарга ижобий баҳо беради, ҳатто ўзини «риндлар сархайли» («риндларнинг бошлиғи») деб атайди? Навоий, худди Умар Хайём, Ҳофиз Шерозий ва бошқа шоирлар каби, майни шодлик ва қувноқлик рамзи сифатида қўллайди, уни таркидунёчилик ва бадбинликка қарама-қарши қилиб қўяди. Руҳонийлар томонидан ҳаром деб ҳисобланган май ҳақида сўз юритиш уларнинг инсонни ҳаётнинг ноз-неъматларидан маҳрум қилиб жаннат ваъдалари билан алдашларига қарши курашда ўткир бир восита эди. Шунга кўра ҳам у:

Зоҳид санга ҳур, манга жонона керак,
Жаннат санга бўлсин, манга майхона керак,—

дейди. Навоий майни таърифлар экан, зинҳор, кишиларни майхўрлик ва ишратпарастликка даъват қилмайди, балки уларни ҳаётни севишга, умрни қадрлашга, шодлик ва қувноқликка чақиради. Навоийнинг фикрича, май ва майхонанинг хосияти даставвал шундаки, у кишиларни бадбинлик ва жаҳолатга етакловчи шайхнинг ваъзлари ва хонақоҳ бандидан қутқаради:

Бировки дайр сори зоҳир айлади ихлос,
Бурунғи нафъи буким хонақоҳдин ўлди халос.

Май мени қилди риёий порсолиқдин халос,
Порсолиқ йўқки ушбу худнамолиқдин халос..,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хонақоҳ, аҳли йўлуқса мастлиғдин тонимон,
Шукрким бўлдум аларға ошнолиғдин халос...

Эй Навоий, хонақоҳда топмадим жуз тафриқа,
Хум киби майхонанинг кунжида оромим керак.

Кўпинча «дайр пири» («майхона бошлиғи») сифатида тасвирланган ринд ҳаётни севади, инсонни қадрлайди, шодлик ва қувноқликни тарғиб қилади. Шу билан бирга, у шайх-зоҳидларни, золим ва мунофиқ кишиларни дадиллик билан фош этади. Бинобарин, Навоий риндни ҳурмат қилади, уни хонақоҳ шайхига қарама-қарши қўяди:

Хизмат эттим хонақоҳ шайхиға, қадрим билмади,
Дайр пири бандаси менким эрур бас ҳақшунос.

Навоий майга кишини ғам-аламдан хориж этувчи, таскин берувчи ва юпантирувчи бир нарса ҳам деб қарайди. Шунга кўра у ўзига хитоб қилиб:

Эй Навоий, ҳам замондин, ҳам замона аҳлидин
Ҳар замон ғам етса юзлан қулбаи хамморға,—

дейди. Шу ният билан майхонага қадам босган лирик қаҳрамон у ерда ҳам осойишталик ва шоду ҳуррамлик тополмайди, май ҳам, майхона ҳам унга ором бермайди. «Ғаройибус-сиғар»даги таржиъбанд соқийномада

«Харобот аро кирдим ошуфта ҳол,
Май истарга илгимда синғон сафол»

байтининг нақарот тарзида қўлланиши ҳам шу билан изоҳланади.

Ғазаб ва нафрат, ҳасрат ва надомат мотивлари

Алишер Навоий ҳаётнинг гўзал, инсоннинг бахт-саодатли бўлишини, халқнинг осойишта ва фаровон яшашини орзу қилар эди. Навоийнинг орзу-истаклари реал ҳаёт билан, муҳит билан тўқнаш келади, у ўз истакларига тамомила тескари манзарани, турли-туман иллатларни: шоҳларнинг эулми ва амалдорларнинг зўравонлигини, жоҳилларнинг нозу неъмат ичида, маърифат аҳлининг хору зорликда яшаётганини, давлатмандларнинг бахиллиги ва шайх-зоҳидларнинг макр-ҳийласини кўради, ўзи ҳам шу иллатлардан жабр-ситам, қайғу-алам чекади. Шунинг оқибатида шоир қувноқликдан сукутга, табассумдан қаҳр-ғазабга, эътироф-дан инкорга, насиҳатдан танқидга ўтиб боради, унинг ижодида шодлик тароналари ўрнини ғазаб ва нафрат, ҳасрат ва надомат мотивлари эгаллайди.

Эй Навоий, дардлиғ назмингни аҳли дард билур,
Дардсиз доги бўлур они ўқуғоч аҳли дард,—

www.ziyouz.com kutubxonasi

деган шоир муҳити ҳақида дард-аламли мисралар битади. Унинг «Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим», «Шоҳнинг мунглуғ мушаввашлар билан не нисбати», «Ул шайхки минбар уза афсунға берур тул», «Мени ишқдин манъ этар сода шайх», «Неча ёлғон сўзу музҳиқ ҳаракот, эй воиз» каби танқидий, сатирик шеърлари вужудга келади, ғазаб ва нафрат, ҳасрат ва надомат мотивлари кўпдан-кўп шеърлари таркибига кириб боради. Шоирнинг лирик рубобидан шикоят, ғазаб ва нафрат, ҳасрат ва надомат оҳанглари барала эшитила бошлайди:

Мунглуғ бошим остидаги тошимниму дей?
Тош устидаги ғариб бошимниму дей?!

Ҳасрат суйидин кўзумда ёшимниму дей?!
Ўлмакдин саъброқ маошимниму дей?!

Навоий лирикасида унинг шахсий ҳаёти ва фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган шикоят мотивлари ва ҳасрат-надомат кайфиятлари, шубҳасиз, сезиларли ўрин тутади. Унинг:

Эй муғанний, тут «Ироқ» оҳангию кўргуз «Ҳижоз»,
Ким Навоий хотири бўлмиш Хуросондин малул.

Эй Навоий, чун ватанда бир дами хуш турмогим
Мумкин эрмас, ихтиёр этмай жилони найлайин?

Эй Навоий, махлас тилар бўлсанг эл тил-оғзидин,
Назмдин ҳам тилни тийғил, насрдин ҳам юм оғиз.

Шаҳ ҳарамида, Навоий, неча топсанг эҳтиром,
Билгил ўз ҳаддингнию беҳад риоят қил адаб.

Тут гадолиғни, Навоий, муғтанам,
Шоҳлар оллинда бош индурма кўп

каби лирик мисралари шундан далолат беради. Бироқ Навоий лирикаси шахсий қайғу-алам, ҳасрат-надомат лирикаси эмас. Навоий лирикаси жуда кенг ва чуқур ижтимоий моҳиятга эгадир. Шоирнинг «менлиги» маҳдуд эмас, у доимо ўзини жамиятда, эл-юрт орасида кўради, ўзини кўпнинг бири деб ҳисоблайди. Бинобарин, Навоий лирикасида «мен» интим доирада қолиб кетмайди, балки у узвий равишда «биз»га (кўпга) ўтиб боради. Ўз муҳити ҳақида:

Жаҳонким зоҳир айлар лолау боғ,
Эрур ул боғ зиндон, лоласи доғ,—

деган шоир замон ва замон аҳли ҳақида дард-алам чекади:

Менга ишқ дарди эмас муҳлик бас,
Замон дарди, аҳли замон дарди ҳамдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоийнинг лирик қаҳрамони доимо халқ учун қайғуради, халқ, унинг шодлиги ва фаровонлиги учун курашади, халқ манфаатини ўз шахсий манфаатидан юқори қўяди, халқнинг шодлиги билан шод бўлиб, қайғусидан изтироб чекади. Бинобарин, у:

Салтанатдин бода ортуқдур манга юз қатлаким,
Хушроқ эл бедодидин ўзумга бедод айласам;

Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам,—

дейди.

Мамлакат ва халқ аҳволини подшоларнинг фаолияти ва хатти-ҳаракатларига боғлаб, одил шоҳни орзу қилган, адолатни тарғиб этиб, шоҳларни адолатпарварликка чақирган шоир «Кўп тафовут келди золим шоҳдин одилғача» деб, золим шоҳларни қаттиқ танқид остига олади, уларни эл-юртни хароб қилувчи, талон-торож этувчи кишилар сифатида айблайди:

Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо,
Ки ўтлар сочар қаҳри ҳангомида.
Анинг қоми бирла тирилмоқ эрур
Маош айламак аждаҳо комида.

Сен жафо қилғач кўнгул жон бирла тарким туттилар,
Бўлса шоҳ золим, эл ичра зулмға эрмиш ривож.

Навоий «Шоҳнинг мунглуғ мушаввашлар била не нисбати» деб бошланувчи ғазалида эса халққа жабр-ситам қилган золим, шафқатсиз, худбин, ишратпараст подшоларнинг реалистик тавсифини беради, уларнинг портретини чизади.

Навоий бадбин зоҳидларга, худбин ва ҳийлакор шайхларга, жоҳил ва мунофиқ воизларга қарши муросасиз кураш олиб боради, уларнинг кирдикорлари, феъл-атворларини шафқатсиз фош қилади, лирик ифодадан юморга, юмордан сатирага ўтиб, ҳажвий образлар яратади. Бу жиҳатдан Навоийнинг айниқса «Мени ишқдин манъ этар сода шайх», «Ул шайхки минбар уза афсунға берур тул» ва «Неча ёлғон сўзу музҳик ҳаракот, эй воиз» каби ҳажвий ғазаллари жуда характерлидир. «Мени ишқдин манъ этар сода шайх» ғазалида Навоий шайхларни ҳийлакорлик ва маккорликда айблайди, уларнинг қўлларидаги ҳассани риёкорлик денгизидаги тамагирлик кемасининг эшкагига, тасбеҳларини тузоқ ичидаги донга ўхшатади. «Ул шайхки минбар уза афсунға берур тул» ғазалида эса шайхларни шайтонга, муридларни девлар тўдасига ўхшатади ва:

Иблис сифат эл сори майл этма, Навоий,
То бўлмағасен зарқу риё қайдида мағлул

деган хулосага келади. «Неча ёлғон сўзу музҳиқ ҳаракот, эй воиз» ғазалида шоир

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кеча ичмак маю кундуз демак ичманг ани,
Кўз тут ўз ҳолинга тафзиҳини бот, эй воиз

каби мисраларда ваъзхон шайхларнинг макр-ҳийласи ва мунофиқлигини фош этиб ташлайди.

Хонақоҳлар макр-ҳийла ва мунофиқлик, нодонлик ва жаҳолат масканига айланган эди. Шунга кўра шоир хонақоҳни дўзахга, шайхларнинг ваъз-насиҳатларини дўзах азобига ўхшатади:

Навоий, хонақоҳ дўзахча бордур, шайх анга молик,
Не тонг гар андағи элга насиҳатдин азоб айлар.

Агар хонақоҳ эшиги ёпилса, илм-маърифат, инсоф ва адолат эшиклари ланг очилади деган хулосага келади:

Хонақоҳни боғладинг, эй шайху, қилдинг азми дайр,
Юз эшик очилди, гар боғланди эрса бир эшик.

Шайх-зоҳидларга, воизларга қарши ғазаб ва нафрат ўтини сочган шоир баъзан антиклерикал кайфиятларни ҳам ифодалаб, жаннат ва дўзахга, «у дунё»нинг роҳати ёки азобларига шубҳа билан қарайди. Бу жиҳатдан айниқса заҳарханда билан битилган қуйидаги қитъа характерлидир:

Қилиб мен анча исёнким, агар дўзах аро кирсам,
Менинг беҳад гуноҳим бирла дўзах сарбасар тўлғай.
Худоё, авф осонроқдурур, йўқса ғазаб қилсанг,
Магарким ўзга дўзах, ўзга ўт, ўзга азоб ўлғай.

Инсоний фазилатларни диний эътиқоддан кўра авлороқ деб билган шоир худпараст зоҳидларга қарши:

Ул санамға сажда қилсам, зоҳиди худбин не айб,
Бутпараст ўлмоқ кўп ортуғроққи бўлмоқ худпараст,—

дейди. Бироқ Навоийнинг антиклерикал кайфиятлари хийла маҳдуд бўлиб, улар шоир ижодида кўпинча айрим элементлар ҳолида қолиб кетади.

Навоий лирикасидаги ғазаб ва нафрат, ҳасрат ва надомат мотивлари, шубҳасиз, катта ижобий қимматга эга бўлиб, улар инсонга, халққа ва маърифатга бўлган чексиз муҳаббат заминида туғилган эди. Бироқ Навоий яшаган муҳитининг бир қатор иллатларини шафқатсиз танқид қилган бўлса ҳам, кўпгина муаммолар олдида лол бўлиб қолди. Бунинг устига нажот йўлини тополмаган шоир баъзан «тақдир» олдида ожиз бўлиб қолади, бадбинлик майлларига тушиб қолади. Аммо буларнинг барчаси Навоий лирик поэзиясининг ўткинчи мотивлари бўлиб, улар шоир ижодий даҳосининг етакчи йўналиш ва моҳиятига у қадар катта зарар етказмайди. Навоий айрим ғоявий зиддиятларни енгиб ўтиб, улуғ гуманист шоир, моҳир лирик сифатида мужассамлаша-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Навоий ижодининг, жумладан лирикасининг асрлар ва авлодларга манзур бўлиши, бадиий сўз санъатининг равнақига самарали таъсир этишининг сири ҳам шундадир.

Навоийнинг лирик маҳорати

Алишер Навоий устоз лирик шоирдир. У лирик поэзияни фақат тематика ва ғоявий мазмун жиҳатидангина эмас, балки бадиий жиҳатдан ҳам янги тараққиёт поғонасига кўтарди. Шакл ва мазмуннинг узвий бирлиги учун курашган Навоий ўз лирик шеърларининг мазмунига мос ва мувофиқ бадиий форма яратди. У лириканинг хилма-хил жанрларида шеърлар битди, бу жанрларнинг такомилига катта ҳисса қўшди, янги-янги образ ва характерлар, пейзаж ва портретлар яратди, реалистик тасвир тенденцияларини ривожлантирди, инсоннинг мураккаб ҳис-туйғусини, руҳий кечинмаларини моҳирлик билан ифодалаб, турли-турли адабий усул ва бадиий тил воситалари қўллади, халқ оғзаки поэтикаси инжуларидан ижодий фойдаланди. Лекин шу улкан муваффақиятлари билан бирга Навоийнинг лирик асарларида у яшаган давр поэзиясига хос бўлган айрим нуқсонлар: абстракт тасвир, мавҳум образ, ортиқча такрор ва бошқалар ҳам намоён бўлади.

«Хазойинул-маоний» жами 16 хил жанрда: ғазал, мустазод, мухаммас, мусаддас, мусамман, таржиъбанд, таркиббанд, маснавий, қасида, соқийнома, қитъа, рубоий, муаммо, чистон, туюқ ва фард жанрларида ёзилган шеърларни ўз ичига олади.

Ғазал жанри сон ва салмоқ жиҳатидан ҳам Навоий лирикасининг етакчи жанри бўлиб, «Хазойинул-маоний»нинг ҳар бир девонида 650 тадан ғазал берилган. «Ғазалда уч киши тавридур ул навъ» деб бошланувчи қитъасида Хисрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомийни ғазалнинг устози деб таърифлаган Навоий ҳақли равишда:

Навоий назмиға боқсанг эмастур
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи,—

деб таъкидлаган эди. Навоий ҳароратли ишқий ғазаллар билан бирга ижтимоий-сиёсий темаларда ҳам ғазаллар битди, шайх-зоҳидларни, воизларни фош қилувчи ҳажвий ғазаллар яратди, ошиқ, ёр, рақиб ва ринд образлари билан чегараланиб қолмади, образлар туркумига мутафаккир ва мураббий образларини ҳамда шоҳларни, шайх-зоҳид ва воизларни киритди. Ғазалнинг композицион мунтазамлигига алоҳида эътибор бериб, кўпгина воқеабанд ғазаллар ёзди, поэзия билан музика санъатининг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашга интилиб, аксар ғазалларини халқ куйи ва мақомларига мослаб ижод этди. Навоий ғазалларининг кўпи 7 байтдан иборатдир.

Навоийнинг мухаммас, мусаддас, мустазод ва мусамман жанридаги шеърлари (уларнинг миқдори кўп эмас) ўз ғоявий-ба-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дий хусусиятлари билан унинг ғазалларига яқин туради. Навоий Лутфий ва Ҳусайнийнинг айрим ғазалларига мухаммас ва мусаддас боғлаши билан бирга ўзининг «Очмағай эрдинг жамолинг олам аро кошки» ғазалини тахмис қилади, «Эй рафиқ» радифли ғазалига мусаддас боғлайди.

Навоий фард, рубоий ва қитъаларида фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий фикрларини бир хулоса ёки ўгит тарзида баён этади, мисраларни ҳикматли сўзлар даражасига кўтаради, киноя йўли билан муаммолар, юмор билан чистонлар битади ва туюқнинг ажойиб намуналарини яратади. Шоир бирон каттароқ ҳодиса, воқеа муносабати билан вужудга келган мураккаброқ ҳис-туйғуларини ифодалашда лирик турнинг йирик ҳажмдаги жанрларига мурожаат этиб, қасида, соқийнома, маснавий, таржиъбанд ва таркиббандлар битади. Ҳусайн Бойқаронинг тахтга чиқиши муносабати билан уни қутлаб ва инсоф-адолат билан давлатни бошқаришга йўллаб ёзилган қасида, Сайид Ҳасан Ардашерга битилган шеърий мактуб — маснавий ва бошқалар шулар жумласидандир. Булардан энг каттаси «Фавойидул-кибар»га киритилган соқийнома бўлиб, у 458 байтдан ташкил топган.

Навоий лирикаси ҳаёт ва инсон ҳақидаги лирикадир. Шоир умуман тема ва ғоявий мақсаднинг қўйилиши жиҳатидангина эмас, балки барча образлар, лавҳалар, тасвир воситалари ва бошқалар билан ҳам лирик поэзияни ҳаётга, инсоннинг қалби ва ҳиссиётига янада яқинлаштиради. У бадиий тасвирда болаларнинг ўйинидан шоҳларнинг сиёсатига қадар, оддий маиший ҳаёт деталларидан табиат ҳодисаларига қадар — барчасига мурожаат этади, янги образ ва лавҳалар яратади. Бу билан Навоий лирик поэзиянинг реалистик тенденцияларини кучайтириш ва такомиллаштиришга муваффақ бўлади. Мисоллар:

Жонда қўйғоч нақди ишқин қилди кўнглумни ҳалок,
Ўлтурур маҳрамни султон, ганж пинҳон айлагач.

Ишқий бир ғазалдан олинган бу байтда шоир ошиқ билан ёр муносабатини, ошиқнинг изтиробини, ёрнинг шафқатсизлигини феодал муҳитининг, подшолар ва, умуман, давлатмандларнинг даҳшатли бир одати орқали тўлароқ, чуқурроқ ва таъсирлироқ ифодалашга эришади. Подшолар ва умуман давлатманд кишилар ўз бойликларини ҳаммадан яширишга интилар эдилар. Улар ўзларига қарам бўлган бирор кишини, кўпинча қул ёки маҳрамни ишлатиб, бойликларини ер остига кўмдирар, лекин бир куни келиб бу сир очилиб қолмасин деб, у қул ёки маҳрамни ўлдирар эдилар. Бу реалистик деталь билан Навоий, бир томондан, ошиқнинг алам-қайғули кайфиятини ифодаласа, иккинчи томондан, феодал-аристократ муҳитнинг даҳшатли зулмига қарши исён кўтаради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўкди қон гулгун либосин кийгач ул хўблар маҳи,
Қон тўкар эрмиш қизил тўн кийса бешак шоҳлар.

Бу байтдаги иккинчи мисрага алоҳида эътибор беринг: подшолар уруш бошлаганда ёхуд оқибати фожиага олиб келувчи бирон шум ниятни ўйлаганда, одатда, қизил либос кияр эдилар.

Шаҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиш нетонг,
Ростравлар арсадин гар тутсалар рухдек қироқ.

Шоир подшо саройидаги амир-амалдорлар ҳам, подшонинг ўзи каби эгри, ярамас кишилардир, тўғри кишилар эса подшодан узоқ турадилар деган ғояни шахматдаги фигураларнинг ўрни ва юриш тартиби орқали ифодалайди.

Қоши кўнглум ўғрисидур роқиъ ўлмоғлиғ не суд,
Ўғри бош солғоч қуйи, бордур далили эътироф.

Бу байтда ёрнинг қайрилма қоши кўнглимни ўғирлади, ёр қошининг қайрилма эканлиги кўнглини ўғирлаганига далилдир, чунки ўғри ўғрилигини эътироф қилса, бошини қуйи солади, қомати эгилади деган реалистик бир лавҳа тасвирланади.

Оразин кўрдум ниҳон, эшк айлади сирримни фош,
Ёшурун қолмас ўғурлуқ уй аро ким бўлса ёш.

(Иккинчи мисрада «Болалик уйда сир бўлмас» мақоли ифодаланган.)

Орзуйи васлидин ранжур эрур мунглиғ кўнгул,
Қут учун тазвир ила бемор бўлғондек гадо.

(Тиланчи киши хайр-садақа олиш учун баъзан ҳийла билан ўзини бемор қилиб кўрсатади.)

Ишқинг ўти шуъласин муфрит тилар Мажнун кўнгул,
Уйлаким девоналар доим тилар қилмоқ олов.

(Ақлидан озган кишилар, одатда, ўтга ўч бўлади, ўзини ўтга ташлайди.)

Кўзларинг оз журм учун қилса итоб эрмас ажаб,
Бор муайянким, бўлур беморлар нозик мижоз.

(Одатда, бемор кишининг таъби нозик, ўзи инжиқ бўлади.)

Ғам Навоийнинг кўзин қилмиш булутким заъфдин,
Истар оғзиға томизғайлар момуғ бирла суни.

(Одатда, оғир бемор бўлган кишининг оғзига пахта билан сув томизадилар.)

Тўкди захмимдин бағир қонини ҳижрон нолиши,
Уйлаким сиқмоқ била эл сув оқизғай нордин.

(Анорни сиқиб сувини олиш одатига эътибор қилинг.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оразинг чин нақши, мушки ҳарён хол эрур,
Ҳинд эликим Чинға келмиш мушк савдо қилғали.

(Ҳиндистонликлар мушк сотиб олиш учун Чинга — Хитойга борар эканлар, шоир юзни хитойликка, холни ҳиндистонликка ўхшатади.)

Васли аро кўрдим, тенг эмиш бўйию сочи,
Тун кун тенг экан воҳир ўлур бўлди чу наврўз.

Совуғ оҳимдин ёруғлиқ оз, вале кўп тийралик,
Қишда ул янглиғки тун бўлғай узун кун қисқариб.

Ғофил ўлма, назардин итса аду,
Шамъ ўчургонда, ел кўрунурми?!

Дур тишингдин донаи сабрим қилур бебар десам,
Кулуб айтурким, экиннинг офатидур жалалар.

Қарилар хотири нозикдир, эй тифл,
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густоҳ.

Унуттингмуки, атфол ўйнағонда,
Синар оз майл кўргондин қуруқ шох.

Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Биз «Хазойинул-маоний»да алоҳида байтларгина эмас, балки «Кўз ёшим ғалтон борур ул ораси дилжў сори», «Зулфунг очилиб ораси дилжў била ўйнар», «Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач» каби ғазалларнинг бошдан-охирига қадар реалистик лавҳа ва образлар асосига қурилганини кўрамиз. Бундан ташқари, Навоий бир қатор традицион образларни қайта ишлаб, уларнинг реалистик моҳиятини кучайтиради, Хизр ва Масиҳга ўхшаш диний ёки хаёлий образлардан ижодий фойдаланиб, уларнинг асл моҳиятига зид бўлган янги образлар яратади. Масалан:

Эй хату жонбахш лаълингдин Хизру Масиҳ,
Балки бу икки уётдин ниҳон Хизру Масиҳ.

Бу байтда шоир, бир томондан, ёрнинг хати (қош-киприклари) ва лаъли (лаби)ни Хизр ҳамда Масиҳга ўхшатса, иккинчи томондан, ёрнинг хати ва лаълини Хизрга ҳам, Масиҳга ҳам қарама-қарши қўяди, инсонга ҳаёт бағишлашда ёр билан тенглаша олмаган Хизр ҳам, Масиҳ ҳам унтда қолиб гойиб бўлиб кетди, дейди. Шундай қилиб, шоир яратган ёр образи Хизрни ҳам, Масиҳни ҳам енгади, ҳаёт афсона устидан ғалаба қозонади.

Бундай ҳаётий лавҳалар, тасвир ва образлар поэзиянинг ҳаётга яқинлашиб боришига катта ҳисса қўшган ва реализм тенденцияларининг тараққиётида катта роль ўйнаган эди.

Навоий лирикасида асотирий — мифологик, афсонавий образлар ҳам кўп учрайди. Жумладан унинг «Кўк бинафшазорини анжум наргисзор этар» ғазали космогоник мифология тушунча ва тасвири асосида яратилган бўлиб, шоир ҳижрон туни ва ошиқнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳазин ҳамда ҳаяжонли ички дунёсини тасвирлашда Зуҳра (Венера), Миррих (Марс), Муштарий (Юпитер) ва бошқа сайёралар ҳақидаги мисралардан катта санъаткорлик билан фойдаланган.

Навоий бадиий тасвир ва тавсифнинг моҳир санъаткоридир. Шоир лирик ҳиссиётни тўлароқ ва мукаммалроқ ифодалаш, асарнинг композицион изчиллигини, мантиқий ва шеърий тафаккурнинг узвий бирлигини таъминлаш ва оригинал образлар яратишда, тадриж, тазод, таносуб, ҳусни таълил, тажоҳули орифона, лозим ва малзум, лаф ва нашр каби турли адабий санъат — усуллардан, сифатлаш, оддий ўхшатиш ва кетма-кет ўхшатиш (ташбиҳи мусалсал), оддий муболаға ва ўта муболаға (ифрот), киноя, истиора ва бошқа бадиий тил воситаларидан моҳирлик билан фойдаланади. У кўпинча бир эмас, бир неча адабий усул ва бадиий тил воситасини бир шеър, бир образ ва лавҳада мужассамлаштириб боради.

Чунончи, Навоий тадриж усулининг моҳир устасидир. У шу усул воситаси билан кўпгина воқеабанд ғазаллар яратади, лирик ҳиссиёт ифодаси билан объект тасвирини бир-бирига узвий боғлайди, бир қатор образлар яратиб, уларни марказий — етакчи образ атрофига тўплайди. «Ёрдин айру кўнгил мулкедурур султони йўқ», «Хилъатин айлабмудур ул шўхи сиймин тан қаро», «Заврақ ичра ул қуёш сайр айламас Жайҳун аро», «Сочти тердин гул уза ул сарви гул рухсор сув», «Ваъда айлаб васл жисми нотавоним ўртама», «Оҳким ғамингда гунбази ахзарни куйдурур», «Қилғали хилъатин ул сарви гул андом қизил», «Ҳаво хуш эрдию, олимда бир қадаҳ майи ноб», «Кирди симобий либос ичра яна ул гул узор» каби кўпгина ғазаллар шу усул асосида яратилган. Бу шеърлардан биз «Ёрдин айру...» ғазали билан танишайлик:

Ердин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ,
Мулкум султони йўқ жисмедурурким жони йўқ.
Жисмдин жонсиз не ҳосил, эй мусулмонларким, ул
Бир қаро туфроғдекдурким, гулу райҳони йўқ.
Бир қаро туфроғким, йўқтур гулу райҳон анга,
Ул қоронғу кечадекдурким, маҳи тобони йўқ.
Ул қоронғу кечаким йўқтур маҳи тобон анга,
Зулматедурким, анинг сарчашмаи ҳайвони йўқ.
Зулматеким чашмаи ҳайвони онинг бўлмағай,
Дўзахедурким, ёнида равзаи ризвони йўқ.
Дўзахийким равзаи ризвондин ўлғай ноумид.
Бир хуморийдурким, анда мастлиғ имкони йўқ.
Эй Навоий, бор анга мундоқ уқубатларки бор,
Ҳажрдин дарди ва лекин васлдин дармони йўқ.

Бу ғазал ҳижрон темасида ёзилган бўлиб, шоир барча образларни, ўхшатиш ва ўхшатилмишларни марказий образ — «ёрдан айру кўнгул» образи такомилига қаратади. Шу йўл билан шоир ҳижрон даҳшатини, ҳижрон алам-изтиробига гирифтор бўлган

www.ziyouz.com kutubxonasi

ошиқнинг аҳволи ва кайфиятини тўлароқ ва таъсирлироқ қилиб ифодалашга муваффақ бўлади. Бу ғазалнинг композиция тузилиши ва образлар силсиласини қуйидаги схемаларда равшанроқ кўриш мумкин:




Навоий ҳаёт зиддиятларини, бир-бирига қарама-қарши бўлган манзара ва ҳодисаларни, воқеа ва образларни, ҳис ва туйғуларни тасвирлашда кўпинча тазод (қаршилантириш) усулини қўллайди ва бу усул воситаси билан мақсад-муддаонинг, субъектив ҳис ва шуур билан тасвир объектининг ички моҳиятини тўлароқ ва мукаммалроқ ёритишга эришади. Унинг «Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади», «Навбаҳор ўлдию айшим гулбуни очилмади», «Кўнглума ёр истабон меҳнат келурни билмадим», «Қон ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим» каби ғазаллари шу усулда яратилган. Бундан ташқари, Навоий жуда кўп шеърлари таркибига тазод усулини киритиб, у шеърларнинг ғоявий-бадиий қимматини янада оширишга муваффақ бўлади.

Тазод усули талабига кўра, бир-бирига қарама-қарши бўлган икки қутб (образ, тушунча, жисм, жараён ва бошқалар)нинг би-

[1] Афсонага кўра, оби ҳаёт поёнсиз зулматда бўлар экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi



ри иккинчисини рад этиши ёки инкор қилиши лозим. Лекин айни чоғда кўпинча бир-бирини рад этувчи ёки инкор қилувчи икки қутб ўртасида қандайдир ички ёки ташқи алоқа ҳам бўлади; улардан бири иккинчисини келтириб чиқаради. Навоий тазоднинг бу специфик хусусиятларига тўла амал қилиб, оригинал лавҳа ва образлар яратади. Мисоллар:

Жаҳонки, оҳим била тийрадур, эмас мумкин —
Бу шом рафъи юзунг субҳи бўлмайин мавжуд.

Бу байтда субҳ шомга қарама-қарши қўйиляпти. Бироқ шомга ҳам, субҳга ҳам ёр сабабчи, чунки унинг ҳажри шомни бунёд этса (*ошиқ ҳижрон аламида оҳ чекавериб оламни қоронғу қилган*), унинг юзи (юз қуёшга ўхшатилади) субҳни бунёд этади.

Шакар лаблар табассум қилганин кўргач кўнгул берма,
Ки бедилларни аччиқ йиғлатур охир шу шаккарханд.

Бу байтда аччиқ шакарга, йиғламоқ табассумга қарама-қарши қўйилади.

Гарчи қотил кўзидин ўлса тирик,
Тирилур нўши лабидин ҳам ўлук.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу байтда кўз лабга, ўлмоқ тирилмоққа қарама-қарши қўйилади, ошиқни ўлдирадиган ҳам, тирилтирадиган ҳам ёрнинг ўзи деган фикр баён қилинади.

Нетиб ўлмайки сабрим **оздин-озу** шавқ кўптин-кўп,
Ул ойнинг ҳусни кўптин-кўп, **вафоси** оздин-оз эрмиш.

Бу байтда сабр билан шавқ, ҳусн билан вафо, оз билан кўп бир-бирига қарама-қарши қўйилган.

Навоий ҳис-туйғуни мукаммалроқ ифодалаш, тасвир объектининг моҳиятини тўлароқ очиш ва образни бўрттириш учун ҳусни таълил (чиройли хато), тажоҳули орифона (билиб билмасликка солиш), лозим ва малзум каби адабий усулларни ҳам кенг қўллайди. Шоир байтдан-байтга, шеърдан-шеърга ўтиб борар экан, янги-янги ва оригинал бадиий тил воситалари яратади, сўз ўйинлари ва ҳарфларнинг ёзилиш шаклидан мароқли бадиий фигуралар ясайди, кўпинча улар биргаликда келиб, бир образда мужассамлашади. Навоий табиат лавҳаларини моҳирлик билан тасвирлайди. У кўпинча баҳор мавсумига мурожаат қилади, баҳор тасвири фонида шодлик ва қувноқликни ҳам, қайғу-аламни ҳам моҳирлик билан ифодалайди, лавҳадан портретга, портретдан лавҳага ўтиб боради. Бу жиҳатдан Навоийнинг хусусан «Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар наврўз ила байрам», «Навбаҳор ўлдию мен ҳажрида, соқий, май тут» каби ғазаллари характерлидир.

Ёзма поэзиянинг тажриба ва традицияларидан ижодий фойдаланган Навоий халқ оғзаки адабиётига ҳам катта эътибор ва муҳаббат билан ёндошди, халқ шеърларининг соддалиги ва самимийлигидан, равонлиги ва мусиқийлигидан илҳомланиб, худди Лутфий яратган шеърлардек, «Бизнинг шайдо кўнгул бечора бўлмиш», «Кўзунг не бало қаро бўлубтур», «Базм аро гар йўқ май била даф» ва «Не кун ўлғайки, нигорим келгай»га ўхшаш кўпгина, содда, енгил ва равон ғазаллар битди. Шу билан бирга, Навоий халқ асарларидаги образлардан, бадиий тасвир воситаларидан ҳам фойдаланди, халқ мақоллари, маталлари ва таъбирлари билан шеърларининг мазмунини бойитди, бадиий қимматини оширди. Навоий шеърларини, хусусан, ғазалларини ўқир экансиз, қуйидагига ўхшаш кўплаб мақол ва халқ таъбирларини учратасиз:

Мутриб била ис кўнгли очилсун Навоийнинг,
Ким мен фироқдин десам, ул дер «ироқ»дин.

Тўкуб май муҳтасиб, мен йиғладим лекин ул усрукка:
Сув келтирмак ҳамону кўза синдурмак ҳамон эрмиш.

Ишқинг ўтинки ёшурдум эл аро ёйди рақиб,
Ким иситмани ниҳон тутса қилур марг аён.

Бўрк ўрнида бош элтур, нақд ўрнига жон олур,
Атфоли ғаминг ичра бас турфа ўюнлардур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Етти жон оғзимаким чиқмас уйидин ул ҳур,
Чиқмоғон жонға умид — ушбу масалдур машҳур.

Хўблар тийғи етишмастин бурун бу зор ўлар,
Чин эмишким бўлса кўп қассоб, қўй мурдор ўлар.

Борибон аҳбобу мен ғафлат асири бўлмоғум,
Уйладурким ит уюб қолдию кўчти корвон.

Ул қуёштин меҳру мендин тийралик, ваҳ истарам,
Ер ёрилса, ерга кирсам инфиолимдин ғаҳе.

Эй Навоий, олам аҳлидин вафо қилдинг тамаъ,
Мен эдим сенинг киби, мен янглиғ ўлгунг сен доғи.

Шунингдек, Навоий бир фардида:

Белу оғзидин, дедиларким, дегил афсонае.
Бошладим филҳолким, «Бир бор эди, бир йўқ эди»,—

дер экан, халқ эртакларининг традицион бошланмасидан усталик билан фойдаланиб, ёрнинг оғзи шу қадар кичик, бели шу қадар нозикки, унинг борлигини ҳам, йўқлигини ҳам билиб бўлмайди, дейди.

Навоий шеър тузилиши бобида, вазн, қофия, радиф ва бошқаларда ҳам мислсиз санъаткорлик маҳоратини кўрсатди. У ҳазаж, ражаз, рамал, мунсариҳ, музориъ, мужтасс, сариъ, ҳафиф, мутақориб, мутадорик ва бошқа баҳрларнинг хилма-хил вазнларида шеърлар битди, ўзбек поэзиясининг вазн турларини бойитди. У одатдаги қофиядан ташқари, қофиятайн (жуфт қофия), ички қофия ва тарсеъ усулларини ҳам қўллади, бир ёки бир неча сўздан ташкил топган радифлар қўллаб, таъкид ва такрир орқали шеър мазмунининг етакчи нуқтасига эътиборни тўлароқ жалб этиш ва мисраларни равон ҳамда оҳангдор қилишга эришди.

Мазмуни билан ҳам, бадиий формаси билан ҳам ажойиб ва латиф шеърлар яратган шоир

Эй Навоий, олтуну шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориғ, яшил,—

деб фахрланишга тўла ҳақли эди. Навоий ўзбек классик лирикасини янги тараққиёт поғонасига кўтарди. Навоий шеърлари халқ орасида кенг шуҳрат қозонди[1]. Шоир ўз лирикасига замондош қалам аҳлларининг муносабатини фахр билан таъкидлаб:

[1] Восифийнинг маълумотига кўра, Навоийнинг «Дин офати бир муғбачаи моҳлиқодур майхорою бебок» деб бошланувчи ғазалига бастакор Абдулло Марворид бир куй яратган экан, ашула бутун Ҳиротда кенг тарқалиб, шеър ва куйнинг таъсиридан кишилар ёқаларини йиртар эканлар. Бу маълумот муболаға билан айтилганига қарамай, Навоийнинг шуҳрати ва Навоий шеъриятининг таъсир кучини кўрсатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эй Навоий, қилғали табъ аҳли жинси шеър назм,
Назминг ўлди барчасиға қофия, балки радиф,—

деган эди.

Навоий ўз замондошлари ижодигагина эмас, балки ўзидан кейинги шоирлар ижодига, ўзбек, озарбайжон, тожик, турк, туркман, қозоқ, татар ва бошқа халқларнинг сўз санъаткорлари ижодига ҳам самарали таъсир этди. Навоий шеърлари маълум эстетик-тарбиявий қимматини сақлаб келмоқда, унинг ғазаллари куйларга жўр бўлиб келмоқда, шоирларимиз Навоийнинг санъаткорлик маҳоратидан илҳомланмоқдалар ва таълим олмоқдалар.

Маснавий (Сайид Ҳасан Ардашерга ёзилган шеърий мактуб)

«Маснавий» сўзи ўтмиш адабиётда, бир томондан, достонларга нисбатан, иккинчи томондан, ҳар икки мисраси ўзаро қофияланиб борган ҳар қандай шеърий асарга нисбатан қўлланилар эди. «Ҳазойинул-маоний»нинг биринчи девони — «Ғаройибус-сиғар»га кирган маснавий Алишер Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубидир[1]. Мутақориб баҳрида (фаулўн фаулўн фаўл) битилиб, 256 мисрадан ташкил топган бу шеърий мактубини Навоий мустабид подшо Абусаид даврида, 1460 йилларнинг ўрталарида Самарқандда яратган ва ўша пайтларда Ҳиротдан узоқда (эҳтимол Машҳадда) бўлган Сайид Ҳасан Ардашерга йўллаган эди (кейинчалик Навоий бу асарни маълум даражада таҳрир қилган ва «Ҳазойинул-маоний»га киритган).

Сайид Ҳасан Ардашерга ёзилган шеърий мактубни композициясига қараб шартли равишда, муқаддима, Сайид Ҳасаннинг таърифи ва тавсифи, мамлакат аҳволи тасвири ва муаллифнинг ҳасби ҳоли ҳамда хотима қисмларига ажратиш мумкин. Ҳажм жиҳатидан хийла катта бўлган бу асарини Навоий традицион муқаддима — ҳамд билан бошлайди. Сайид Ҳасан Ардашернинг таърифи ва тавсифига ўтар экан, унинг саховати, маърифати ва бошқа фазилатларини улуғлайди.

Сайид Ҳасан Ардашер (1415/16 — 1488/89) XV асрнинг фозил ва маърифатпарвар кишиларидан бири бўлиб, Бойсунғур ва бошқа темурийлар саройида хизмат қилган эди. У илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига ҳомийлик қилар, зуллисонайн шоир сифатида икки тилда (ўзбек ва форс-тожик тилларида) жозибали шеърлар битар эди. Навоий «Мажолисун-нафоис»да уни таърифлар экан, «...бу фақир турк ва сорт орасида ондин тамомроқ киши кўрмайдур мен» деган эди. «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» асарида эса унинг ҳаёти ва фаолиятини, фазилати ва

[1] Бу асарида Навоий ўз ҳол-аҳволини баён этгани учун айрим адабиётшунослар (масалан, Олим Шарафиддинов) уни «Ҳасби-ҳол» деб ҳам номлагайлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

хислатларини яна кенгроқ ва тўлароқ баён этади. Жумладан, у «аммо адаб ва ҳилм ва тавозуъ ва ҳаё зотларига анингдек ғолиб эрмишким, бу мужмал мазкур бўлғон фазойилдинки, тафсили: сарф ва наҳв ва луғат ва арабият ва мантиқ ва фиқҳ ва ҳадис ва тафсирдур ва сойир таснифот, мисли: шеър ва муаммо ва таърих ва нужум ва адвор ва мусиқий бўлғай, агар баъзи мажолисда сўз ўтса эркандур, бовужуди улки, мажлис аҳлининг кўпидин яхшироқ билур эркандурлар, ҳам ҳаё ва адаб жиҳатидин, ҳам бировга илзом ва ҳижолат етмасун деб, кўп сўз айтмас эрмишлар, балки кўп мажолисда такаллум ҳам қилмас эрмишлар»,— дейди. Навоий 14 — 15 ёшларида — 1455/56 йилларда Сайид Ҳасан Ардашер билан танишади. Сайид Ҳасан истеъдодли Алишерга жуда катта меҳр қўяди, унга ҳомийлик қилади. Булар бир ота-боладек бўлиб қоладилар. «Алар тариқ ва равиши бу фақирни андоқ шефта қилдиким,— дейди Навоий «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер»да,— бир кун алар мулозаматиға етмасам эрди, сабру тоқатим қолмас эрди ва алар ҳам келиб аҳвол сўрарлар эрди: «Ташвише бўлмамиш бўлғайким, бу кун сендин хабар топа олмадик...» Навоий ҳам доимо унга бир фарзанддек муносабатда бўлар эди. «Ва аларнинг фавти замонида,— дейди Навоий,— бу фақир шаҳрда йўқ эрдим. Подшоҳ ҳукми била бир сари бориб эрдим. Келгандин сўнгра, чун соҳиб азо фақир эрдим, таъзият қоидасин бажо келтуруб, шаҳрнинг шимоли ҳаддида тоғ этагида алар учун ҳазира ясадимким, «Жўйи нав» суви анинг ичидин ўтар, бағоят бийик ва хуш ҳаво ердур...»

Навоий билан Сайид Ҳасан ўртасида мана шундай яқин, дўстона ва самимий муносабат бор эди. Абусаид ҳукмронлик қилган йилларда Навоий ҳар томонлама кўп азият чекди. Абусаид унинг Бобир таъбири билан айтганда, Ҳиротдан ихрож қилди ёки кетишга мажбур этди. Навоий даҳшатли реакциянинг хуружларига қарамай, Улуғбек даври маданияти традицияларини маълум даражада сақлаб қолган Самарқандга келган ва замонасининг Фазлуллоҳ Абуллайсий каби забардаст олимларидан иштиёқ билан таълим олишга киришган эди. Бироқ Абусаиднинг зулми ва жаҳолати Ҳирот ва Хуросонгагина эмас, балки Самарқанд ва бутун Мовароуннаҳрга ҳам ёйилиб келмоқда, эл-юртнинг хонавайронлигини оширмоқда, илм-фан ва санъат-адабиёт аҳлларининг осойишталигини бузиб, ижодий ишларига раҳна солмоқда, кўп кишиларни турли томонга бош олиб кетишга мажбур қилмоқда эди. Буларнинг барчаси Навоийни қаттиқ алам-изтиробга солади.

Аён бўлғай олингда ҳангомае,
Битимак манга фарз эди номае.
Санга ҳолатимни аён айламак,
Бу азмим вужуҳин баён айламак,—

www.ziyouz.com kutubxonasi

деган шоир қўлига қалам олиб, мамлакат аҳволи ва ўз кайфиятларини ифодалаб, Сайид Ҳасан Ардашерга шеърий мактуб ёзишга киришади.

Бу шеърий мактуб Алишер Навоийнинг реалистик тенденциялари яққол намоён бўлган энг муҳим асарларидан биридир. Шоир мактубда бадиий тасвирнинг муболаға ва бўрттириш усулини кенг қўллайди. Бироқ бу нарса асарнинг реалистик моҳиятини инкор этмайди, балки ҳаётни тўлароқ ва мукаммалроқ ёритишга хизмат қилади. Шоир ўз муҳитидаги ҳаётнинг даҳшатли манзараларини китобхоннинг кўз ўнгида гавдалантиришга муяссар бўлади:

...Не мулку не эл, эмди таҳрир этай,
Алар ҳолатин васф бир-бир этай.
Дема мулкким, ваҳшат обод зишт,
Тамуғ билгуруб, ғойиб ўлғоч биҳишт.
Тамошосини кимки бунёд этиб,
Сифоҳону Рай мулкидин ёд этиб
Ҳисори аноу тааб маҳбаси.
Сияҳ чоҳдин тийрароқдур баси.
Иморатида ганждин йўқ асар,
Хизона хароба бўлуб сар-басар.
Масжидда тоат била нур йўқ,
Ҳаммомқда нон расми дастур йўқ.
Ҳам авқофни садр амлок этиб,
Валс кўпрагин май учун ток этиб
Ҳам эл манзилин шаҳ катакдек бузуб,
Товуғ ўрнига чуға ўлтурғузуб...

Навоий сўзи билан айтганда, Хуросон элидан «вафо, сахо ва мурувват» кетган, бу уч нарсанинг ўрнини «нифоқ, бухл (бахиллик) ва ҳасад» эгаллаган эди. Амалдорлар арзимас баҳона билан кишиларни ўлдириб юборар, ўғри-мутаҳҳамларни, безориларни қўллаб-қувватлар эдилар, порахўрлик ва тамагирлик уларнинг одати бўлиб қолган эди.

...Қаро пул учун айлабон қатл фан,
Ўлуктин тамаъ айлаб, аммо кафан...
Не вайронада эски танобе билиб,
Йилон соғиниб, ганж даъви қилиб...
Улим келса бир зори бедил сари,
Мадад айлабон лек қотил сари...

Зулм ва зўрлик мамлакат осойишталигини бузиб, кишиларни тўзиб турли жойларга бош олиб кетишга мажбур этади:

Ҳирот аҳлин элтиб ҳаводис ели,
Эсиб дай елидек Самарқанд эли.

Навоий ҳам шулар жумласидан эди.

Сафар тушти олимға беихтиёр,
Қазо амрида элга не ихтиёр?—

деган Навоий мусофирчиликда янада кўпроқ алам-изтироб чекади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Менга бу эл ичра не бир ҳамдаме,
Ки бир дам иковлон дейишсак ғаме...
Не бир ҳужраким, ком топқай кўнгул,
Даме анда ором топқай кўнгул...

Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактуби XV асрдаги ижтимоий ҳаётнинг қимматли бир ҳужжати ва ўзбек классик адабиётининг янги ҳамда нодир асаридир. Бу асар нома жанри тараққиётида ҳам катта воқеа бўлган эди. «Муҳаббатнома» ва «Таашшуқнома» каби асарлар, асосан, ишқий-интим кайфиятларнинг бадиий ифодаси бўлса, Навоийнинг шеърий мактуби — номаси ижтимоий-фалсафий моҳиятга эгадир. Аввалги номаларда романтик тенденциялар етакчи роль ўйнаган бўлса, Навоий асарида реалистик тенденция етакчи ўрин олади. Навоий бу шеърий мактубида инсонни шарафлайди, унинг тили, тафаккури ва ижодий қобилиятини улуғлайди, назм ва шеърият устозлари ҳақида фикр юритади. Жумладан у сўз ҳақида:

Кўнгул дуржи ичра гуҳар сўздурур,
Башар гулшанида самар сўздурур,—

дейди.

Буларнинг барчаси асарнинг ҳаётий моҳиятини, унинг фалсафий-эстетик қимматини янада оширади.

Навоийнинг Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактуби лиро-эпик асар бўлиб, у Навоий ижодиётининг эпик поэзияга томон тараққий этиб боришида катта бир қадам эди.

«ДЕВОНИ ФОНИЙ»

Алишер Навоий забардаст зуллисонайн шоирдир. Форс-тожик тили Навоийнинг иккинчи она тили эди. Навоийнинг бадиий ижодиёти шу тилда бошланган ва шоир умрининг охирига қадар ўзбек тилидаги асарлари билан бир қаторда форс-тожик тилида ҳам шеърлар битиб, бу тилдаги адабиёт хазинасига катта ҳисса қўшган ва китобхонларга манзур бўлган эди.

Навоийнинг форс-тожик тилидаги бадиий ижодиётининг улкан самараси унинг «Девони Фоний» деб номланган лирик тўпламидир. Навоий бу тўпламини ҳаётининг сўнгги йилларида (эҳтимол, «Хазойинул-маоний» билан бир вақтда) тузган эди. У «Муҳокаматул-луғатайн»да ўз асарларини таъриф ва тавсиф қилар экан, «Девони Фоний» ҳақида бундай дейди:

«Яна форсий ғазалиёт девони Хожа Ҳофиз тавридаким, жамъи сухан адолат ва назм пийролар назарида мустаҳсан ва матбуъдир, тартиб беribменки, олти мингдан абёти адади кўпракдурким, кўпрак ул ҳазрат шеъриға татаббуъ воқеъ бўлубдур. Ва баъзи ҳазрати Шайх Муслиҳиддин Саъдий... ғазал таври мухтариидур. Ва баъзи Мир Хисравға ким ишқ оташкадасининг шуъла

www.ziyouz.com kutubxonasi

ангезидур ва дард ғарибхонасининг ашкрези. Ва баъзи ҳазрати Махдум нуранға (Жомийга — *Н. М.*) ким, камол авжининг меҳри ломиидур. Ва мазкур бўлғон азизлар ҳолатининг жамиики, бу девон халойиқ орасида шойиъдур ва рўзғор аҳлининг табълари ул сари рожиъ ва анда кўп турлик дилкаш адолар ва дилпазир маънолар воқиъдурки, тафсили бу фақирдин муносиб эмас. Ва анда ҳар навъ назм аснофидин мисли муқаттаот ва рубоиёт ва маснавий ва таърих ва луғз ва ул жумладин беш юзга яқин муаммоким, кўпи ҳазрати Махдум — нуран муборак назариға етиб дурким, хомамдин рўзгор сафҳасига ёзилибдур ва қаламим лайл ва наҳор авроқида нақш қилибдур».

Фоний девонининг мукаммалроқ нусхалари Париж, Теҳрон ва Истамбул кутубхоналарида бўлиб, у нусхалар бир-биридан унчалик фарқ қилмайди. Париж нусхасига кўра, «Девони Фоний» «Дебоча», 6 қасида, 554 ғазал, 1 мусаддас, 1 марсия — таркиббанд, 72 қитъа, 73 рубоий, 16 таърих, 373 муаммо, 9 луғз — жами 1131 шеър ёки 6197 байтдан ташкил топган. Демак, «Девони Фоний» жанр тури жиҳатидан «Хазойинул-маоний» каби бой бўлиб, бу девоннинг ҳам етакчи жанри ғазалдир. «Девони Фоний» шеърларининг кўпчилиги Навоий асарлари ўн беш томлигининг 5-томи (икки китоб) сифатида босилди. (Уни Париж нусхаси асосида Ҳамид Сулаймон нашрга тайёрлаган.)

«Девони Фоний» тематикаси ва ғоявий мотивлари билан «Хазойинул-маоний»га ҳамоҳангдир. «Девони Фоний» шеърларида ҳам Навоий соф ва самимий севгини, дўстлик, садоқат, тўғрилик, ҳалоллик каби фазилатларни куйлайди, таркидунёчи зоҳид ва риёкор шайхларни, мунофиқлик, худбинлик, бахиллик, тамагирлик каби хислатларни аччиқ танқид қилади. Инсоннинг мураккаб ва зиддиятли ҳис-туйғусини, қалби ва шуурини ҳароратли лирик мисраларда ифодалайди. Моҳир санъаткор оригинал образлар, янги шеърий лавҳалар ва поэтик шакллар яратади.

«Девони Фоний»даги кўпгина ғазаллар Хисрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий ва бошқа машҳур лирикларнинг шеърларига ўхшатма тарзида яратилган. Уларга шоир «татаббуъ (ўхшатма) ва «тавр» (йўл-усул) сўзларини сарлавҳада қайд этади. Бундай шеърларда у гўё буюк устозлар билан ижодий мусобақалашади, уларнинг шеърлари билан басма-бас келадиган янги шеърлар битади. Бошқа шеърларини «Мухтараъ» (ихтироъ) деб таъкидлайди. Навоийнинг «Татаббуъ» шеърлари ҳам, «Мухтараъ»лари ҳам классик лирик поэзиянинг ғоявий-бадиий мумтоз намуналаридир.

Навоийнинг форс-тожик тилидаги шеърларининг савияси ва унинг санъаткорлик маҳорати ҳақида равшанроқ тасаввурга эга бўлиш учун унинг «Оламе хоҳам...» ғазали ва «Туҳфатул-афкор» («Фикрлар совғаси») қасидаси билан танишиш мақсадга мувофиқдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Оламе хоҳам...»

Алишер Навоий ўзининг эзгу орзу-интилишларини адолатли подшо бошлиқ марказлашган давлат ҳокимияти орқали амалга ошириш мумкин деб ўйлар ва шунга интилар эди. Бу ўрта асрлардаги кўпчилик мутафаккирларга хос прогрессив моҳиятга молик қараш эди. Лекин буюк мутафаккирларнинг орзу-ниятлари адолатли подшо бошлиқ марказлашган давлат ҳокимияти учун кураш ғояси доирасидан юқори кўтарилиб, ўзига хос ижтимоий идеални вужудга келтирган эди. Буюк гуманистлар ўз ижтимоий идеалларини ифодалаб, бахт ўлкаси, бахтиёрлар диёри ҳақида хаёл сурганлар. Бундай утопия турли халқлар тарихи ва турли даврларда ўзига хос моҳиятга эга бўлган. Бироқ инсонпарварлик, инсоннинг бахт-саодатини орзу қилиш уларнинг барчаси учун муштарак хусусиятдир. Ижтимоий идеал утопияси Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тафаккури тарихида ҳам салмоқли ўрин тутади. Бунинг куртакларини жумладан «Авеста»да, ундаги Ахура Мазда, Зардушт, Каюмарс, Йима ҳақидаги миф ва мадҳияларда, турли гот (қўшиқ)ларда кўриш мумкин. Меҳнаткаш халқ оммасининг эксплуататорларга қарши кураши, осойишталик ва фаровонлик учун интилиши ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг, бахт ҳақидаги утопиянинг тараққийсига замин бўлди, унга актив таъсир этди. Маздакчилар, ахийлар, сарбадорлар каби машҳур халқ ҳаракатлари шундай моҳиятга ва аҳамиятга эгадир. Ижтимоий идеал утопияси Форобийнинг «Фазилатли шаҳар аҳолисининг фикр-қарашлари...» асарида, Низомий Ганжавийнинг «Искандарнома» ва Абдураҳмон Жомийнинг «Хирадномаи Искандар» достонларида, бошқа мутафаккирларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Бундай утопик идеал Алишер Навоий ижодиёти руҳига ҳам сингиб кетган.

Яшаган муҳитидан сиқилган, эзилган, ундан етарли қаноат ҳосил қилолмаган Навоий баъзан «адолатли ҳукмдор» ғоясидан чекинади, замонни тузатиш ва яхшилаш амри маҳол ва ғайри имкон деган хулосага келади. Шу жиҳатдан қараганда «Олам хоҳам...» ғазали жуда характерлидир. Тўққиз байтдан иборат бу ғазални композиция жиҳатидан шартли равишда уч қисмга бўлиш мумкин: I—IV, V—VIII ва, ниҳоят, хотималовчи IX байт. Дастлабки тўрт байт билан танишайлик:

Оламе хоҳам, ки навбад мардуми олам дар ӯ,
К-аз жафои мардуми олам набошад ғамдар ӯ.
Не ба рӯз ашки асиронаш намоян сайли қатл,
Не ба шаб э-оҳи ғарибон кисвати мотамдар ӯ.
Не эи бедоди фалак дар вай диле бо садилам,
Не эи шамшери ситам сад захми бемарҳам, дар ӯ.
Н-аз парирӯён дар ӯ хайли ҳама ноодами,
Не ҳазорон дев аз жинси бани одам дар ӯ.

(Бир олам истайманки, унда шу олам халқи бўлмаса, бу олам мардумининг жафосидан ғам бўлмаса. На унинг кундузида асирлар қўз ёшидан қатл сели кўринсин ва на кечасида ғариблар оҳидан мотам либоси бўлсин. На унда фалак

www.ziyouz.com kutubxonasi

зулмидан юз аламли бир кўнгил ва ҳа ситам қиличидан малҳамсиз дил яраси бўлсин. На унда одамгарчилиги йўқ парилардан бир тўда ва на одам жинсидан мингларча деви бўлсин.)

Шоир янги олам, янги кишилар истайди! Бу унинг идеали, келажакка парвози. У мавжуд олам билан, муҳити кишиларининг жафосидан ғам чекиш, кундуз куни асирлар кўзидан қатл сели каби қонли кўз ёшининг оқиши, ғариблар оҳи, мотам либоси, юз аламли кўнгил, ситам қиличи ва унинг зарбидан марҳамсиз дил яраси, одамгарчилиги йўқ парига ўхшаш гўзаллар, одам жинсига монанд девлар билан муроса қилолмайди. Буларнинг барчаси бўлмаслиги керак. Демак, шоир ўзи яшаган муҳитни рад этади. Ҳаёт ҳақиқати билан шоирнинг идеали ўртасида қаттиқ кураш боради. Юқоридаги мисралар шоирнинг ўзбек тилидаги

...Йўқ фароғат даҳр ароким, шомдин сочин ёйиб,
Ёғдуруб ашкин, тутар ҳолингга ҳар тун мотами.
Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,
Ҳақ магарким, ком учун бошдин яратқай олами

мисраларига жўр бўлиб кетади.

Ғазалнинг иккинчи қисмида шоир исён ва ҳамладан «чекинади», соқий ва майхонага мурожаат этади, муҳитнинг ғам-аламларидан таскин топмоқчи бўлади:

Чун маҳол аст ин ҳавас, эй дил, сўи майхона рав,
Ки-он, ки бошад ҳар сафоли кўҳна жоми Жам дар ў.

(Эй дил, мазкур ҳавасларинг рўёбга чиқмаса, майхонага бор, чунки ундаги ҳар кўҳна сафол Жамшиднинг жоми бўлади.)

Ғазалнинг иккинчи қисмидаги бу «чекинищ» ғоявий «чекиниш» эмас, балки бир оний ҳиссий «чекиниш»дир. Биринчи қисмдаги исён ва ҳамла «чекинищ»ни енгади. Шоир ғазални қуйидаги байти билан якунлайди:

Фонӣ, дар вазъи гардун пур макун андеша, э-он, кий,
Нуктае навбад, ки навбад бар хирад мубҳам дар ў.

(Эй Фоний, олам вазиятини кўп ўйлама, унда ақл ҳал қилмаган ҳеч бир муаммо йўқдир.)

Демак, хотима байт бу ғазални оптимистик руҳда якунлайди, шоир биринчи қисмда ифодалаган орзуларнинг қачон бўлмасин ушалишига, жамият муаммоларининг ҳал бўлишига ишонади. Бу инсонга, унинг ақл-заковати ва истиқболига ишончдир. Ғазалнинг сўнгги байти «Фарҳод ва Ширин»да Фарҳод тилидан айтилган қуйидаги мисраларга жўр бўлиб кетади:

Деди: Ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.

Улум ичра манга то бўлди мадхал,
Топилмас мушкиле мен қилмаган ҳал.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай қилиб, «Оламе хоҳам...» ғазали Навоийнинг ижтимоий идеалини ифодаловчи, исёнкор ва эрксевар руҳи билан Хайём, Носир Хисрав ва Ҳофиз шеърларига ҳамоҳанг ғазал сифатида қимматлидир.

«Туҳфатул-афкор» қасидаси

Навоий қасида жанрининг ҳам моҳир усталаридан биридир. У қасидачиликда Анварий, Хоқоний, Салмон Соважий ва бошқа буюк қасиданависларнинг анъаналарини катта муваффақият билан давом эттиради, ривожлантиради. Навоий қасидаларида ҳам буюк мутафаккир, мислсиз сўз санъаткори сифатида гавдаланади. У қасидаларида муҳитининг муҳим масала ва муаммоларини мавзу қилиб олади, фалсафий фикр-мушоҳидаларини ифодалайди, ҳаёт ва табиат лавҳаларини чизади.

Навоий-Фоний форс-тожик тилидаги қасидаларини икки туркумга жам этган: «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») ва «Ситтаи зарурия» («Олти зарурият»). «Фусули арбаа» тўрт фаслнинг моҳияти, манзараси ва уларнинг ўзига хослигини ажойиб файласуф-шоир ва рассомнинг сўзлари билан бадиий мужассамлантирган қасидалардир. Бу қасидалари ҳақида Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да: «Яна зоҳир шуароси тариқида ҳам тўрт қасидаки, «Фусули арбаа»[1]га мавсумдир ва анда тўрт фасл — ҳарорат ва бурудат ва рутубат ва ёбусати кайфияти маълум. Хомам рақам қилибдурки, тўрт фасл тўрт фасл хосияти асаридек рубъи маскунга ёйилибдур»,— деган эди.

«Ситтаи зарурия»[2] 6 қасидадан иборат: «Руҳул-қудс» («Муқаддас руҳ»), «Айнул-ҳаёт» («Ҳаёт чашмаси»), «Туҳфатул-афкор» («Фикрлар совғаси»), «Қутул-қулуб» («Қалбларнинг озуқаси»), «Минҳотул-нажот» («Нажот йўли») ва «Насимул-хулд» («Жаннат насими»). Бу қасидалар фалсафий ҳам диний-ахлоқий қасидалардир. Улар Анварий, Хисрав Деҳлавий, Хоқоний, Шервоний, Абдураҳмон Жомий ва бошқа буюк қасиданависларнинг қасидаларига татаббуъ сифатида яратилган. Уларда Навоий устоз қасиданависларнинг анъаналарини давом эттириб қолмай, яшаган даврининг ҳаёти ва муаммоларини ижтимоий-фалсафий мушоҳидаларини, дин ва тасаввуф ҳақидаги қарашларини акс эттиради, шу билан сеҳрли санъаткорлик қаламини намойиш этади.

«Туҳфатул-афкор» Навоийнинг Абдураҳмон Жомийга бағишлаган фалсафий қасидасидир. Бу қасиданинг ўзига хос яратилиш

---

[1] «Фусули арбаа»ни «Девони Фоний»нинг Париж нусхасидан топиб аниқлаган Ҳамид Сулаймон уни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг «Навоийга армуғон» («Фан», 1968) илмий тўпламида оммалаштирди.

[2] «Ситтаи зарурия» ҳам Ҳамид Сулаймонов томонидан нашрга тайёрланган (Адабий мерос, I, «Фан», 1968).

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарихи бор. Бир вақт Навоий Жомий ҳузурида бўлганида, Хисрав Деҳлавийнинг «Дарёи аброр» («Яхши кишилар дарёси») қасидаси ҳақида сўз боради; Навоий у қасидани таърифлаб юксак баҳо беради. Орадан бирмунча вақт ўтади. Навоий 1476 йилда Марвга жўнаш олдида Абдураҳмон Жомийнинг олдига бориб, у билан хайрлашади. Жомий Навоий қўлига ўроғлиқ бир қоғоз тутқизади. У йўлда от устида кетаётиб қоғозни очиб ўқийди; Жомий «Дарёи аброр»га гўзал бир ўхшатма—«Лужжатул-асрор» («Сирлар денгизининг туби») қасидасини битган экан. Бундан илҳомланган Навоий ҳам ўхшатма қасида битиш фикрига тушади. У йўл-йўлакай қасиданинг матлаъини (бошланмасини) яратиб, фикр олишиш мақсадида уни чопар орқали Жомийга жўнатади. Жомий матлаъни ёқтиради, Навоийнинг қасида яратиш ҳақидаги фикрини маъқуллайди. Навоий йўлда 100 байтдан иборат қасидани тугатади ва Марвда қарор топиши биланоқ, уни кўчириб Жомийга юборади. Қасидадан ғоятда мамнун бўлган Жомий Навоийни қутлаб мактуб ёзади, унга бир бўрк ва рўмол совға қилади. Қасида китобхонлар орасида шуҳрат қозонади. Навоийнинг «Хамсатул-мутаҳаййирин»ида ҳикоя қилинишича, «Туҳфатул-афкор»нинг яратилиш тарихи шундай бўлган экан.

Қасида деярли феодал-сарой адабиётининг бир жанрига айланиб қолган эди. Подшоларга, амир-амалдорларга бағишлаб қасида ёзиш, уларни кўкларга кўтариб мақташ, идеаллаштириш традиция бўлиб қолган эди. Лекин «Туҳфатул-афкор» ана шундай қасидалардан тубдан фарқ қилади. «Туҳфатул-афкор» даврининг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларига бағишланган фалсафий қасидадир. Бу қасидада Навоий адолат ва зулм, одил подшо ва золим подшо, яхшилик ва ёмонлик ҳақида фикр юритади. Золим подшоларни, ҳар қандай ёмонликни аччиқ танқид остига олади, адолат ва яхшиликни, инсоф ва одобни тарғиб қилади. Шоир чуқур фалсафий фикрларини ажойиб санъаткорлик маҳорати билан бадиий мужассамлаштиради, мисраларни ҳикматли сўзлар даражасига кўтаради, оригинал образлар, бадиий тил воситалари яратади.[1]

Қасида подшолар тасвири билан бошланади. Дастлабки мисраларнинг ўзидаёқ шоир китобхонни фикрлар оламининг ич-ичига олиб киради, чуқур фалсафий фикрлар жозибали мусиқий мисраларда намоён бўлади:

---

[1] «Туҳфатул-афкор»дан кейин Навоий шу асарнинг вазни ва қофиясида Ҳусайн Бойқарога атаб бир қасида ёзади. Дарвешлар таърифига бағишланган бу қасиданинг фақат матлаъигина маълум бўлиб, тўла тексти ҳали топилган эмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оташин лаъле ки тожи хисравонро зевар аст,
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.
Шаҳ, ки ёд аз марг н-орад, з-ўст вайронии мулк
Хисрави беоқибат хусри билоду кишвар аст.
Қайди зинат мусқити фарру шукуҳи хисравист,
Шери занжири зи шери беша камсавлаттар аст.
Лозими шоҳи набошад холи аз дарди саре,
«Кўси шаҳ холию бонги ғулғулаш дарди сар аст».

(Подшолар тожини зийнатловчи ўтга ўхшаш лаъл уларнинг бошидаги хом хаёлни пиширувчи чўғдир. Ўлимини ўйламаган шоҳ туфайли мамлакат вайрон бўлади, ўз ишининг оқибатини ўйламаган андишасиз подшо шаҳар ва вилоят бошига битган зиёндир. Зийнат занжири подшолик шавкати ва салобатини барбод қилади, ҳа, занжирланган шер ҳам ўрмондаги шердан камсавлатроқ бўлади-ку, ахир. Подшолик мартабаси кишиларни бош оғриқ қилишдан холи бўлолмайди. «Шоҳ ноғорасининг ичи бўшу, лекин шовқини бош оғритади».)

Навоий «Туҳфатул-афкор»да ҳам, бошқа асарларидаги сингари, подшоларни икки гуруҳга — одил ва золим подшоларга ажратади:

Золиму одил на яксонанд дар таъмири мулк,
Хук дигар дар шиёри мулку деҳқон дигар аст.

(Мамлакатнинг обод бўлишида, бинолар қурилишида золим билан одил бир эмасдир, ҳа, шудгорда тўнғизнинг иши бошқа-ю, деҳқоннинг иши бошқадир.)

Шоир подшоларни одил, инсофли ва қаноатли бўлишга чақириб Хисрав Деҳлавийнинг «Дарёи аброр» қасидасидан «Ҳарки қонеъ шуд ба хушку тар шаҳи баҳру бар аст» («Ҳўлу қуруққа қаноат қилган киши қуруқлик ва денгизнинг шоҳидир») мисрасини тазмин қилади[1]. Шу билан бирга, у кишиларни тўғри, беозор, мушфиқ, ҳимматли, ҳалол-покиза бўлишга йўллайди:

Бегуноҳро сохтаи озурда аз теғи забон —
Нотавон кардан раги беранжро аз наштар аст...
Аҳли ҳимматро зи ноҳамвории гардун чи бок?
Сайри анжумро чи ғам к-андар замин жўю жар аст?..

(Гуноҳсиз кишига тил тиғи билан озор бериш — соғ томирни ништар билан ишдан чиқаришдир. Ҳимматли кишиларга осмон гумбазининг текис эмаслигидан не хавф? Сайр этувчи юлдузлар ерда жарлик ва дарёлар борлигидан нега ғам чексин?..)

Навоий бу фалсафий қасидасида маккор шайх-зоҳидларни фош қилади, оғир меҳнат юки остида жабр-жафо чеккан кишиларнинг аҳволига ачинади. Хуллас, Навоий «Туҳфатул-афкор» қасидасида жуда катта ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий масалаларни даврининг улуғ мутафаккири ва гуманисти сифатида бадиий мужассамлаштиради. Шунга кўра ҳам шоир бу асарини «Фикрлар

[1] Бошқа бир ёзувчининг асаридан парча олиб, уни ўз асари таркибига киритиш ўтмиш адабиётида *тазмин* деб юритилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

совғаси» деб атаган эди. У қасидани тугатар экан, Жомийга мурожаат қилиб, бундай деган эди:

«Туҳфатул-афкор» агар созам лақаб инро равост,
Туҳфа чун наздат зи баҳри фикратам ин гавҳар аст.

(Бу асарга «Туҳфатул-афкор» деб ном қўйиш раводир, чунки у фикрларим денгизидан олиниб, сенга туҳфа қилинган гавҳарлардир.)

Навоий мазмунга бой бўлган бу асарига муносиб бадиий форма ярата олган. Бу жиҳатдан айниқса «Туҳфатул-афкор»даги оригинал ўхшатишлар диққатга сазовордир. Подшолар тожини зийнатлаган лаъл — уларнинг бошидаги хом хаёлни пиширувчи чўғдир; зийнат банди-занжирига гирифтор бўлган подшо — занжирланган шердир; золим подшо — тўнғиз, одил подшо — деҳқондир ва бошқалар. Шу билан бирга, Навоий қасидада муаммо жанрига хос усулдан ҳам ўринли фойдаланиб, асарнинг ғоявий-бадиий қимматини янада оширишга муваффақ бўлади. Навоий золим подшо мамлакатни хароб қилади, деган ғояни «Хисрави беоқибат хусри билоду кишвар аст» («Оқибатсиз подшо шаҳарлару вилоят учун зиён-зарардир») мисрасида муаммо усули билан ҳам ифодалайди. «Хисрав» сўзи арабча ёзувда خسرو шаклида бўлиб, ундан охирги ҳарф — «в» (و) олиб ташланса (чунки «Хисрави беоқибат»дан муаммо усулида сўнгсиз — сўнгги ҳарфисиз — оқибатсиз «Хисрав» кўзда тутилади), «хуср» خسر — қолади, «хуср»нинг маъноси эса зиён-зарардир. Демак, оқибатсиз «хисрав» (подшо) «хуср» (зиён-зарар)дир. Иккинчи бир ўринда шоир қашшоқликнинг оғир машаққатларини муаммо усули билан образли қилиб қуйидагича тасвирлайди:

Меҳнати ифлоси муфлис дар гарони Қоф дон,
«Қоф» шуд чун «фоқа» беҳад гашт в-ин мушкилтар аст.

(Ҳаддан ошган қашшоқлик меҳнат-машаққати Қоф тоғидек оғирдир. «Фоқа» — *қашшоқлик* сўзи ҳадсиз — охирги ҳарфисиз қолиб, тескарисига ўқилса, «Қоф» чиқадиким, бу мушкулдир.)

Арабча ёзувда «фоқа» « فاقه » шаклида бўлиб, охирги ҳарфи олиб ташланса, « فاق » қолади, « فاق » тескарисига ўқилса, « قاف» чиқади.

Шундай қилиб, Хисрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийнинг қасидаларидан илҳомланган Навоий XV аср адабиётида ғоявий-бадиий юксак янги бир асарини — «Туҳфатул афкор» қасидасини яратган эди.

Алишер Навоийнинг санъаткорлик маҳорати унинг Абдураҳмон Жомий вафотига ёзган таркиббанд шаклидаги марсиясида ҳам равшан кўринади. Бу марсияда Навоий, бир томондан, «Оламеро ба сўйи олами дигар бурдан» («Бир оламни (яъни Жомийнинг ўзи бир олам эди) бошқа бир оламга олиб кетдилар») каби мисра-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларда марҳумнинг улуғвор портретини чизса, иккинчи томондан, жудолик қайғу-ҳасратларини шу даражада чуқур лиризм билан ифодалайдики, Садриддин Айний таъкидлаганидек, бу марсияни ўқиганда, орадан бир неча аср ўтган бўлишига қарамай, у кишини ҳаяжонга солмай қўймайди.

НАВОИЙНИНГ ЭПИК АСАРЛАРИ

Алишер Навоий улкан лирик шоиргина бўлиб қолмай, балки шу билан бирга, буюк эпик шоир — достоннавис ҳамдир. Лирик поэзияда катта тажриба тўплаб Мовароуннаҳр, Хуросон ва бошқа ўлкаларда кенг шуҳрат қозонган Навоий эпик асарлари билан мислсиз катта муваффақиятларга эришди. У 1482—1485 йилларда «Хамса»ни, 1499 йилда эса «Лисонут-тайр» фалсафий достонини яратди. Навоий «Хамса»си ўзбек классик адабиётининг чўққиси ва жаҳон адабиётининг ўлмас обидаларидан бири бўлди. Унинг «Лисонут-тайр»и XV аср тараққийпарвар фалсафий фикрларининг бадиий тажассуми бўлди.

«ХАМСА»

Хамсачилик традицияси

Хамсачилик Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётида узоқ ва мураккаб тарихга эга бўлган бир адабий традициядир. Бу традиция улуғ озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавийнинг (1141—1209) адабий фаолияти билан бошланди. Низомийнинг «Хамса»си фақат озарбайжон адабиётидагина эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқ ўлкалари адабиётида ҳам янги боб очди. Низомийдан кейин хамса яратиш кучли бир адабий традицияга айланади. Хамса яратиш учун беш достон ёзишнинг ўзи кифоя қилмас эди. Бу достонлар номи, жанри, вазни, сюжети, образлари ва композицияси билан Низомийнинг достонларига монанд бўлиши ва айни замонда Низомий «Хамса»сининг такрори ёки тақлидий нусхаси эмас, балки янги, оригинал хамса бўлиши, бошқача айтганда, сўз санъати тараққиётида янги бир қадам, янги поғона бўлиши керак эди. Бу жуда мураккаб ва талабчан традиция эди. Бинобарин, ўнлаб шоирлар хамса яратган бўлсалар ҳам, уларнинг кўпчилиги бу соҳада муваффақият қозонолмади, Низомий билан ижодий олишувга бардош беролмади. Фақат уч шоиргина улуғ хамсанавис бўлиб, Низомий қаторидан ўрин олишга муяссар бўлди. Булар улуғ ҳинд шоири Хисрав Деҳлавий (1253—1325), улуғ форс-тожик шоири Абдураҳмон Жомий (1414—1492) ва улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хисрав Деҳлавий «Матлаул-анвор» («Нурларнинг бошланмаси»), «Ширин ва Хисрав», «Мажнун ва Лайли», «Ҳашт биҳишт» («Саккиз жаннат») ва «Оинаи Искандарий» достонларини яратди. Хисрав Деҳлавий Низомийдан ижодий таълим олди. «Хамса» достонларига қатор ўзгаришлар киритди, уларни ўз даври ҳаёти ва эҳтиёжларига яқинлаштирди. Бироқ унинг айрим ўзгаришлари у қадар муваффақиятли чиқмади. Лекин, шунга қарамай, Хисрав Деҳлавий «Хамса»си ўзининг сеҳрловчи санъаткорлик қудрати билан китобхонлар орасида кенг шуҳрат қозониб, асрлар ва авлодларга манзур бўлди, Низомий «Хамса»си каби юксак баҳоланди.

Хамсачилик традицияси XV асрда янада кенг тус олди. У алоҳида шоирлар учун ҳам, маълум халқлар ва даврлар адабиёти учун ҳам катта имтиҳон бўлди. Навоий «Мажолисун-нафоис»да бир неча шоирларнинг хамсага ёки унинг айрим достонларига эргашиб асарлар яратганини кўрсатади. Чунончи, Мавлоно Ашраф «Хамса» ёза бошлаган, лекин уни тугата олмаган; Али Оҳий «Хамса»га хос бир неча достон битган; Мавлоно Котибий «Хамса» ёзишга киришган, лекин уни тугата олмаган; Мавлоно Фасеҳ Румий Низомийнинг «Махзанул-асрор»ига эргашиб достон яратган; Хожа Ҳасан Хизр шоҳ «Лайли ва Мажнун»га жавобан «Зайд ва Зайнаб» достонини ёзган; Мавлоно Абдулло «Хамса»нинг «Лайли ва Мажнун», «Хисрав ва Ширин» ва «Ҳафт пайкар»ига эргашиб достонлар яратган ҳамда «Искандарнома»га жавобан «Зафарнома» ёзган; Хожа Имод «Лайли ва Мажнун» достонини битган; аммо бу шоирларнинг бирортаси мукаммал хамса яратишга, Низомий ва Хисрав Деҳлавийларнинг қаторидан ўрин олишга муяссар бўла олмади. Лекин XV асрда бирданига икки буюк хамсанавис етишди. Булардан бири Абдураҳмон Жомий бўлса, иккинчиси Алишер Навоий эди.

Навоий «Хамса»си — хамсачилик тараққиётида янги босқич

XV аср ўзбек классик адабиёти олдига бир қатор катта ва масъулиятли вазифаларни қўйди. Шулардан бири ўзбек тилида хамса яратиш эди. Ўзбек китобхонларининг ортиб бораётган эҳтиёжи, ўзбек адабий тили ва ўзбек адабиётининг тараққийси ҳамда истиқболи шуни талаб қилар эди. Бундай катта ва масъулиятли ишга фақат Навоийгина киришди. У, ёзувчи халққа унинг ўз тилида, унга манзур бўладиган асар яратиши лозим, деб ҳисоблади. Бинобарин, у «Лайли ва Мажнун»нинг хотимасида Низомий ва Хисрав Деҳлавийни таърифлаб, турк (ўзбек) тилида «Хамса» ёзишининг сабаби ҳақида бундай деган эди:

...Гар нукталари жаҳонни тутти,
Ғавғолари инсу жонни тутти.
Чун форсий эрди нукта шавқи,
Озроқ эди анда турк завқи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ул тил била назм бўлди малфуз,
Ким форсий англар ўлди маҳзуз.
Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.
Ким шуҳрати жаҳонга тўлгай,
Турк элига доғи баҳра бўлгай.
Невчунки бу кун жаҳонда атрок,
Кўптур, хуштабъу соф идрок.

Хамса яратиш Навоий учун ҳам, умуман, ўзбек классик адабиёти ва унинг истиқболи учун ҳам катта ва масъулиятли имтиҳон бўлди. Навоий «Хамса»си уч юз йиллик тажриба ва традицияга эга бўлган хамсачилик тараққиётида янги ва йирик адабий ҳодиса бўлди.

Навоий устоз хамсанависларнинг юксак санъаткорлигини эътироф қилади ва шарафлайди, уларнинг адабий тажрибаларидан таълим олади. Достонларининг муқаддима қисмида Низомий ва Хисрав Деҳлавийга ҳамда ўзи билан деярли бир вақтда хамса яратган Абдураҳмон Жомийга бағишлаб махсус боблар ёзиб, уларни улуғлайди.

У:

Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,
Қўлдаса Хисрав била Жомий қўлум,—

деб улардан мадад тилайди. Бироқ Навоий хамсанавис салафларининг достонларини такрорлашга ёки уларга кўр-кўрона тақлид қилишга интилмайди. У ўз олдига янги ва оригинал хамса яратиш вазифасини қўяди. Буни Навоий «Хамса»нинг бир неча ўрнида очиқ-ойдин таъкидлайди. Жумладан, у «Фарҳод ва Ширин»нинг муқаддимасида бундай дейди:

...Ани назм этки тарҳи тоза бўлгай,
Улусқа майли беандоза бўлгай.
Йўқ эрса назм қилғонни халойиқ,
Мукаррар айламак сендин не лойиқ?
Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак,
Йўликим, эл югурмиштур югурмак.
Биравким бир чаманда сойир эрди,
Нечаким гул очилғон кўрди, терди.
Ҳамул ерда эмас гул истамак хўб,
Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп.

Хамсанавис салафларининг ижодий ютуқларини эътироф қилган ва шарафлаган Навоий уларнинг достонларидаги нуқсонларга бефарқ қарамайди. У салафларининг жузъий камчиликларини эмас, балки жиддийроқ камчиликларини топади ва холисона танқид қилади. Масалан, у Низомий ва Хисрав Деҳлавийнинг достонларида Хисравнинг ижобий образ сифатида талқин ва таъриф этилишига қўшилмайди. Бинобарин, у «Фарҳод ва Ширин»нинг муқаддимасида бундай дейди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Вале чекканлар ушбу жомдин роҳ
Саросар бўлдилар Хисравға маддоҳ.
Ки мулки андоқу ойини мундоқ,
Сипоҳи андоқу тамкини мундоқ...

Навоий «Сабъаи сайёр»нинг муқаддимасида Низомий ва Хисрав Деҳлавийларнинг Баҳром образи, унинг саргузаштларининг берилиши ҳақида ҳам шундай танқидий мулоҳаза юритади.

Навоий «Хамса»ни яратишда тарихий манбалардан ва, хусусан, халқ оғзаки ижоди бойликларидан: халқ афсоналари, эртаклари, қўшиқлари, мақол ва ҳикматли сўзлари ҳамда халқ асарларининг бадиий услубидан моҳирлик билан фойдаланди. Шоир «Фарҳод ва Ширин»да «Иқболи саодат» тилидан ўзига хитоб қилиб:

...Агарчи назми дилкаш тушса масмуъ,
Анинг афсонаси ҳам бўлса матбуъ,
Бурун жамъ эт, неким бўлғай таворих,
Борида иста бу фархунда тарих,
Топилғай шояд андоғ бир неча сўз,
Сўз айтур элга ул ён тушмагай кўз...—

дейди.

Навоий жуда оғир ва жуда масъулиятли ишга киришади. У Яқин ва Ўрта Шарқ ўлкаларида устоз сўз санъаткори сифатида шуҳрат топган Низомий ва Хисрав Деҳлавий билан ижодий баҳслашади. Бу жуда катта билим ва юксак адабий дидни, истеъдод ва қобилиятни талаб этар эди. Шунинг учун ҳам Навоий «Фарҳод ва Ширин»да:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасиға панжа урмоқ...
Керак шер оллида ҳам шери жанги,
Агар шер ўлмаса, бори паланги,—

дейди. Демак, Низомий — шеъриятнинг шери. У билан баслашиш учун шер, жуда бўлмаса йўлбарс бўлиш лозим эди. Навоий шер билан тенглашган шер бўлди. У оғир ва масъулиятли вазифани муваффақият ва шараф билан бажарди. Ниҳоятда қисқа бир муддатда, икки йилдан зиёдроқ вақт ичида, 51 минг мисрадан ортиқ беш достонни яратди. У 1483 йилда «Ҳайратул-аброр» фалсафий-таълимий достонини, 1484 йилда «Фарҳод ва Ширин» ишқий-қаҳрамонлик достонини, «Лайли ва Мажнун» ишқий-романтик достонини ва «Сабъаи сайёр» ишқий-саргузашт достонини ҳамда 1485 йилда «Садди Искандарий» қаҳрамонлик достонини яратди[1].

[1] Навоий «Хамса»сининг кўп нодир нусхалари, шу жумладан, Навоий ҳаёт давридаёқ Ҳиротнинг машҳур хаттотлари — Абдулжамил котиб ва Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган нусхалар бизга қадар етиб келган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий «Хамса»си аввалги хамсалар билан тенглашибгина қолмай, балки улардан ўзиб ҳам кетди. Бинобарин, Навоий ҳақ-ли равишда:

Низомий олса Бардаъ бирла Ганжа,
Қадам Рум аҳлиға ҳам қилса ранжа;
Чекиб Хисрав доғи тиғи забонни,
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни.
Яна Жомий Ажамда урса навбат,
Арабда доғи чолса кўси шавкат.
Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.
Олибмен тахти фармонимда осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табрез,
Ки қилмишдур найи килким шакаррез.
Кўнгул бермиш сўзумга турк жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам..,—

деган эди.

Навоий «Хамса»си XV асрнинг ўзидаёқ атоқли сўз санъат-корларининг юксак баҳоси ва тақдирига сазовор бўлган эди. Абдурахмон Жомий «Хирадномаи Искандар»нинг хотимасида Навоийнинг «Хамса»си ҳақида бундай деган эди:

...Бу бешларга аввал бошлаб уриб панжа,
Хуш хабарлар келтурганнинг юрти Ганжа;
Лекин туркий тилда келди бу нақш ажаб[1],
Бу сўз Даман жодусида боғлагай лаб.
Осмондин мақтов ёғсин у қаламга,
У қаламдан келди гўзал сўз оламга.
Кечирсинлар форси тилда дур терганлар,
Дари тилда[2] назм инжусин келтурганлар.
Агар ул ҳам назмин ёзса дари тилда,
Қолмас эди сўз айтишга куч ҳеч элда...
Бошқа тилда нукталарни сўйлади ул,
Ақл учун етукликка қолмади йўл.
Сенинг юксак табинг билан сўз устоди,
Қаламингнинг калиди-ла сўз кушоди.
Сўз юзининг порлоқлиги ўчган эди,
Хазина ҳам юкин боғлаб кўчган эди.
Сўзамоллик майдонига сен сурдинг от,
Қайта бошдан сўзнинг юзи порлади бот.
Сенинг ақлу фикринг билан сафо топди,
Э Навоий, лутфинг билан наво топди.

(Ғафур Ғулом таржимаси)

[1] Навоий «Хамса»си демоқчи.
[2] *Дарий тили* — форс-тожик тили.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«ҲАЙРАТУЛ-АБРОР»

Жанр хусусияти ва композицион тузилиши

«Ҳайратул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши») жанр хусусияти ва композиция тузилиши жиҳатидан «Хамса»нинг бошқа достонларидан тубдан фарқ қилади. «Ҳайратул-аброр» фалсафий-таълимий достондир. Навоий бу асарида фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларини баён этиш, кишиларга таълим ва ўгит бериш мақсадини ўз олдига қўяди. Одатда, бундай достонда тема бирор воқеани ҳикоя қилиш асосида эмас, балки ёзувчи фикр-мулоҳазаларининг баёни асосида ёритилади. Бу ҳолат «Ҳайратул-аброр»нинг жанрига хос иккинчи бир хусусиятни вужудга келтиради: лирик ифодани, тавсиф ва таърифни асосий ва етакчи ифода усулига, эпик тасвирни эса қўшимча ва ёрдамчи усулга айлантиради. «Ҳайратул-аброр»да ҳаёт, воқелик шоирнинг эпик баёни ҳикояси орқали эмас, балки унинг фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғуси ва таъриф-тавсифи орқали ёритилади. Шу маънода «Ҳайратул-аброр» лирик-тавсифий достондир. Бироқ бу ҳолат унда эпик тасвирни — ҳикоя ва масалларни мустасно қилиб қўймайди. Зероки, В. Г. Белинский айтганидек, поэзиянинг уч хили «Мустақил элементлар сифатида, айрим-айрим мавжуд бўлса ҳам, лекин алоҳида асарларда кўриниш бериб, улар бир-бирларидан кескин чегаралар билан ажралмайди. Аксинча, улар кўпинча аралаш ҳолда учрайди...»[1]

«Ҳайратул-аброр»нинг бундай жанр хусусияти унинг композицион тузилишини ҳам белгилайди. «Ҳайратул-аброр»нинг ҳар бир боби махсус бир масалага бағишланади. 7976 мисрадан ташкил топган «Ҳайратул-аброр» 64 бобга бўлинган. Булардан 21 боби муқаддима, 40 боби — 20 мақолат ва 20 ҳикоя ҳамда масал, сўнгги уч боби эса достоннинг хотимасидир. Достоннинг асосини 20 мақолат ташкил этади, ҳикоя ва масаллар эса илова тарзида берилади.

«Ҳайратул-аброр»нинг уч композиция силсиласи (занжири) бор: а) достоннинг умумий композицияси; б) мақолатларнинг композицияси; в) ҳикоя ва масаллар композицияси.

«Ҳайратул-аброр» ғоявий мазмуни, бобларнинг ўзаро ғоявий боғланиб бориши, биридан иккинчи бирининг келиб чиқиши, такомиллашуви ва, хусусан, бош қаҳрамон шоир ва мутафаккир Навоий образи билан умумий, ягона композиция силсиласига эгадир. Шу жиҳатдан қараганда, ҳатто достоннинг традицион муқаддимаси бўлган ҳамд, муножот ва наътлар унинг асосий боблари — мақолатлари билан маълум даражада узвий боғланади, чунки уларда ҳам достоннинг мақолатларида етакчи бўлган гуманизм, халқпарварлик, маърифатпарварлик ва дидактик мушоҳада куртаклари

[1] В. Г. Белинский. Танланган асарлар. Ўздавнашр, Т., 1955, 151-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бор. Мисол учун тўртинчи муножотнинг қуйидаги мисраларини олайлик:

Лутфу карам ганжини неткунг дурур?
Кимга атову карам эткунг дурур?
Бир неча муҳтожу асиру гадо,
Юзлари силлийи гунаҳдин қаро...
Хон анга ёйғилки эрур муштаҳи,
Тўқ эмас, ар эса бўлур мумтаҳи...
Ансаб анга луқмаки ул оч эрур,
Авли анга тўнки яланғоч эрур...

Бу мисраларда Навоий бева-бечораларнинг, оч-яланғочларнинг аҳволига ачиниб, улар ҳаётининг фаровон бўлишини орзу қилади. Низомий, Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ҳамда сўз ва кўнгил таърифига доир муқаддима боблар эса достоннинг асосий қисми билан бевосита ва узвий боғланади. Мақолатлар ўз ички композициясига эга бўлиб, уларга илова қилинган мустақил композицияли ҳикоя ва масаллар мақолатларнинг, шу билан бирга, достоннинг умумий композициясини тўлдиради ва такомиллаштиради.

«Ҳайратул-аброр» мутафаккир, донишманд ва мураббий шоирнинг достонидир. Бу достонда Навоийнинг турли-туман масалаларга доир фикр-мулоҳазалари баён этилган. Достонда ёритилган масалаларни шартли равишда уч туркумга ажратиш мумкин: 1. Фалсафий масалалар; 2. Ижтимоий-сиёсий масалалар; 3. Ахлоқий-таълимий масалалар.

Фалсафий масалалар Объектив борлиқ ва илоҳиёт, инсон ва унинг ўзлиги, дин, тасаввуф ва бошқа масалалар Навоий фалсафий қарашларининг асосини ташкил этади. Бу масалалар «Ҳайратул-аброр»да ҳам маълум даражада ўз ифодасини топган.

Навоий феодал ўрта асрида, ислом дини ҳоким мафкура бўлган бир шароитда яшади. Шунга кўра Навоийнинг фалсафий қарашлари ниҳоятда мураккаб ва хийла зиддиятлидир. Навоий, айрим материалистик элементларига қарамай, табиат ва жамият ҳодисаларини идеалистларча мушоҳада этади, худо ва динни эътироф қилади. Лекин шунга қарамай, у ўзининг гуманизми, оқилона мушоҳадаси ва халқпарварлик тенденцияси билан яшаган муҳитидаги фалсафий қарашлар савиясидан юқори кўтарилади, тараққийпарвар улуғ мутафаккир сифатида гавдаланади.

Навоийнинг фикрича, илоҳиёт — худо бутун борлиқнинг ягона мояси — субстанциясидир; дастлаб ёлғиз худонинг ўзидан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарса бўлмаган; худо ҳадсиз куч-қудрат ва имкониятларга эга бўлган; сўнгра худо ўз куч-қудрати ва имкониятларини намойиш қилиб бутун борлиқни яратган; бу борлиқ худди бир ойна (миръот) бўлиб, унда илоҳиёт зуҳур этган:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Не бўлиб аввалда бидоят санга,
Не келиб охирда ниҳоят санга.
Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг,
Борчаға холиқ, бориға айн ўзунг...

Шундай қилиб, Навоий, бир томондан, объектив борлиқни эътироф қилади, иккинчи томондан, уни илоҳийлаштиради. Бундай дунёқараш фалсафада *пантеизм* деб юритилади. Навоий пантеизми объектив борлиқни илоҳийлаштиришга, идеалистик моҳиятига қарамай, мавжуд оламга, хусусан, инсонга самимий муҳаббат билан ёндашуви, инсон ва унинг фаолиятига оптимистик қараши жиҳатидан прогрессив аҳамиятга эга эди. Навоий объектив борлиқни инкор этувчи мистикларга ва уни рад қилувчи аскетларга қарши объектив борлиқни эътироф қилибгина қолмай, балки уни севишга, уни яхшилашга, инсоннинг бахт-саодати учун курашга интилар ва кишиларни шунга йўллар эди.

Навоийнинг фикрича, худо оламни яратар экан, биринчи навбатда инсонни кўзда тутади. Инсон бутун борлиқнинг кўрки ва шарафидир:

Мунча ғаройибки мисол айладинг,
Борчани миръоти жамол айладинг.
Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди.
Конию ҳайвони, агар худ набот,
Ҳар бири бир гавҳари олий сифот.
Борчасини гарчи латиф айладинг,
Борчадин инсонни шариф айладинг.

Инсоннинг бахт-саодати учун, унинг камолоти учун кураш «Ҳайратул-аброр»нинг асосий етакчи ғоясидир.

Навоий «Лисонут-тайр» фалсафий достонида объектив борлиқ ва илоҳиёт масаласини айниқса кенг ёритади. Бу асарда шоирнинг фикр-қарашлари ривожланган ва такомиллашган.

Навоий динни эътироф этади, ислом ва шариат шартларини таъриф ва тавсиф қилади, тасаввуфнинг Баҳоваддин нақшбанд ва Хўжа Аҳрор каби йирик намояндаларини мадҳ қилади. Навоийдек феодал ўрта асри мутафаккири учун бу табиий бир ҳол эди. Бироқ Навоийнинг дин ва тасаввуфнинг ижтимоий-синфий моҳиятини чуқур англаб ололмаганини, хусусан, па дин ва на тасаввуф унинг ижоди учун асосий, етакчи фактор бўлмаганини унутмаслик керак. Навоийнинг дин ва тасаввуф реакциясига танқидий ёндашиши, хусусан, жоҳил, инсофсиз ва ҳийлакор дин-шариат пешволарини, шайх-зоҳидларни фош этиши эса ғоятда ижобий аҳамиятга эга эди. Навоий инсонни эзиб-таловчи, уни жаҳолат ва нодонлик гирдобига етакловчи, жаннат ваъдалари билан авраб, дўзах қийноқлари билан даҳшатга солувчи руҳонийларни, мутасаввуфларни қаттиқ қоралайди, ҳажв қамчиси билан савалайди. Бу жиҳатдан айниқса «Ҳайратул-аброр»нинг тўртинчи мақолати — «Хирқапўш шайхлар...» диққатга сазовордир. Навоий бу мақолатда

www.ziyouz.com kutubxonasi

хирқапўш шайхларнинг ташқи қиёфасини ҳам, феъл-атворини ҳам усталик билан тасвирлаб, уларни шармандаю шармисор қилади. Чунончи:

Шайх хирқасининг ипи макр риштаси бўлса, елкасидаги бахялар наҳс юлдузи, чойшаби ёлғон тонг, ҳассаси ҳийлакорлик уйининг устуни, тамаъгирлик кемасининг эшкаги... соқоли кишини кулдиради; у эчкидек эгри ёғочга чиқса-да, бироқ эчки (ўйинда) ўғрини тутиб беради, шайх эса ўзи ўғри. Шайх банги, қора дори унинг ёнидан аримайди. Сирти тозадек, ичи ифлос, тоши озода, ичи ахлатхона... кўйлагига мушк сепган, лекин қалбида ит ўлиб сасиган... у зикр тушиб филдек депсинади, нафс олдида қафасдаги ҳайвондек хору залил. Бундай кишига дўзах ўти ҳам ҳайф. Бироқ шу ҳолида у ўзини хизру пайғамбар деб кўрсатади... хонақоҳи фисқ-фасод маскани. У мурид овлайди, бирини хилватнишин қилса, яна бирини зўрлик билан узлатга чекинтиради. Муридлари ҳам ўзидек нодон ва алдамчи, воқеачи унга ёлғон тушини сўзлайди, шайх эса уни ёлғон сўзлар билан таъбир қилиб беради... Афсуски, бундай шайхлар обрў-эътибор қозониб, ҳатто шоҳларни ҳам авраб мурид қиладилар, инъом ва туҳфага, мол-мулкка эга бўладилар[1]. Хуллас:

Бу эл эрур борча ямондин ямон,
Кимки йўқ андин ямон, андин ямон.

Навоий бундай ҳийлакор шайх-зоҳидлар билан бирга таркидунёчи, бадбин шайх-зоҳидларни ҳам фош қилади, улар хомхаёл билан ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам хароб қиладилар, дейди.

Хонақоҳлар тобора кўпайиб борган, шайхларнинг таъсири ортган феодал жамияти шароитида Навоийнинг шайх-зоҳидларни дадиллик билан кескин фош этиши ғоят катта прогрессив аҳамиятга эга эди. Навоий кишиларни хонақоҳлар тузоғидан қутқазишга интилар ва ҳийлакор, бадбин шайх-зоҳидларга қарши уларнинг ғазаб ва нафратини кучайтирар эди.

Ижтимоий-сиёсий масалалар

Навоий, бошқа асарларидаги каби, «Ҳайратул-аброр»да ҳам яшаган даврининг ижтимоий-сиёсий масалаларига кенг ўрин беради. У XV асрнинг реалистик ҳаёт лавҳаларини тасвирлайди, феодал-клерикал муҳитнинг айрим иллатларини дадиллик билан танқид қилади, халқнинг орзу-армонларини куйлайди, турли ижтимоий табақаларни таъриф ва тавсиф этади, уларни бир-бирига чоғиштиради, қарама-қарши ёки параллел қўяди, бирларини олқишлайди, бирларини танқид қилади, бирларини фазл-камолотларини оширишга, бирларини хато ва хатарли йўлдан, турли нуқсонлардан қутулиб, тўғри йўлга тушишга ундайди. Шоир уларнинг шакл-шамойилини, афт-башарасини, кийим-кечагини, феъл-атворини, мақсад ва муддаосини, завқи ёки ғазабини ёритишда санъаткорлик маҳоратини ишга солади, муболаға ва ўхшатиш, киноя ва истиора, тазод ва тадриж каби адабий усул ва бадиий тил воситаларидан фойдаланади.

Тўғри, Навоий ижтимоий-сиёсий ҳаёт воқеаларининг таҳлили ва таърифида жамиятнинг моддий ҳаёт шароитларини, ишлаб чи-

[1] Парчанинг насрий баёни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қариш муносабатларини асос қилиб олмайди, жамият аъзоларини синфларга эмас, балки «яхши» ва «ёмон»га ажратади, феодал-клерикал муҳит иллатларининг илдизи ва уни бартараф этиш йўлларини тополмайди. Навоий яшаган муҳит унинг тафаккурини тарихий жиҳатдан чеклаб қўйган эди, ундаги заифлик ва зиддиятлар муҳитнинг заифлиги ва зиддиятларининг инъикоси эди. Бироқ энг муҳими шундаки, Навоий ижтимоий-сиёсий ҳаёт воқеликларини улуғ инсонпарвар ва пешқадам маърифатпарвар мутафаккир сифатида, эл-юрт манфаатини ҳимоя қилиш асосида ёритишга интилади. Бу билан у XV аср қобиғида қолиб кетмайди, балки ундан кейинги даврларга мансуб ва манзур киши бўлиб қолади.

«Ҳайратул-аброр»даги:

«Одамий эрсанг, демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами»

байти Навоийнинг бутун фаолияти ва ижодиёти учун етакчи шиор бўлиб қолади. Навоий инсонни севади, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва бахт-саодати учун курашади. Навоий севган инсон ярамас хислат ва иллатлардан мусаффо, фозил ва комил инсондир. У меҳнаткаш, ижодкор, ўз касб-корини, лавозимини мукаммал эгаллаган, меҳнати ва заковати, фаолияти ва интилиши билан ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам манфаат етказувчи инсондир. Навоий бошқаларнинг ҳам ана шундай инсон бўлишини истайди.

Бироқ Навоий яшаган муҳит турли-туман зиддиятлар билан, ҳақсизликлар билан тўлиб-тошган эди, зулм ва жаҳолат, худбинлик ва маишатпарастлик, хусумат ва адоват авж олган эди, меҳнат аҳли оч-яланғоч, маърифат намояндалари хор-зор, жоҳил ва золим кишилар ҳурмат ва иззатда эдилар. Шоирнинг орзу-армонлари яшаган муҳитининг иллатларига тўқнаш келиб, унинг аламли, қайғули мисраларини вужудга келтиради. Бироқ шоир чекинмайди, у ўша иллатларни ҳужумкорлик билан танқид қилишга киришади, ҳаётни, муҳитни тузатиш, яхшилаш йўлларини излай бошлайди.

Жисмоний меҳнат аҳллари — деҳқонлар, чорвачилар ва косиб-ҳунармандларгина эмас, балки илм-маърифат аҳлларининг ҳам аҳволи мушкул эди. Мадраса талабаларининг аҳволи янада аянчли ва мунгли эди. Навоий мусофир талабаларнинг аҳволини қуйидагича реалистик тасвирлайди:

Зулм дурур ушбуки бир потавон,
Илм тилаб шаҳридин ўлғай равон.
Айни фалокатдин аёғи яланг,
Тўни йўқидин тани доғи яланг...
Халқ кўпу йўқ бир ёри анинг,
Кўздин учуб шаҳру диёри анинг.
Кўча кўпу эв кўпу бозор ҳам,
Билмайин улким, қаён урғай қадам...
Сайр этиб оқшомғача бетўшае,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чун бўлуб оқшом тутубон гўшае.
Заъф ила ҳуши ўзига келмайин,
Тонгғача уйқу кўзига келмайин...
Не топилиб кундуз анинг маскани,
Не билиниб кеча анинг маъмани...
Бўйла ғаму меҳнати даврон чекиб,
Ўну ўн беш йил югуриб, жон чекиб,
Баъзи ўлуб, баъзи итиб ҳар тараф,
Баъзи этиб доиясин бартараф...
Эврулубон доираи моҳу сол,
Зоҳир ўлуб бир-ики соҳиб камол...

Лекин не-не машаққатлар билан ўқиб олим бўлган кишиларнинг аҳволи ва истиқболи унинг талабалик давридан деярли фарқ қилмас эди.

Сарой аҳллари, амир-амалдорлар, қози ва муфтилар эса зулм-зўрлик билан мол-дунё орттирар, айш-ишрат, ҳузур-ҳаловат билан ҳаёт кечирар эдилар. Мана золим ва жоҳил феодал ҳукмдорнинг саройи манзараси, сарой аҳлларининг кирдикори ва фаолияти:

...Базмлар муҳайё бўлган жаннат боғидек у қасрларнинг зийнати нимадан вужудга келган?.. Пардаларининг ипи элнинг жонидан, лаъли ва қизил бўёғи улуснинг қонидан. Қуёш тусли нақшлар эл моли билан зарланган, элнинг дуру лаъли билан гавҳарланган. Ғиштини масжидни бузиб олиб келган, тошини элнинг қабристонидан келтирган... Шоҳ, шундай жойда шоҳона айш-ишрат сурасан... ярим тунгача шундай айш-ишрат қурасан. Бу аҳволингга қадаҳ қон йиғлайди, шамъ куйиб, кўз ёши тўкади (шамнинг эриб оқиши), хўроз кўкка фиғон қилади (тонг отиб, хўроз қичқиради)... Базмдаги қария ҳам, йигит ҳам — ҳар бири бир телба итга айланади... маст-аластликдан чарчаб ўликка ўхшаб йиқилиб ётиб қолади. Тонг отади. Бироқ шоҳ ва унинг амалдорлари уйқуда. Уйқу кўзларидан узоқлашгач, ҳар бири бир зулм билан машғул бўлади. Ўзларининг айш-ишратларини қуриш учун элга ситам қиладилар. Яна айш-ишрат асбоби муҳайё бўлиб, яна базм бошланади... бу ёмонлик ҳар куни тунгача давом этади, тонгга қадар ғафлат ҳоким бўлади...

Қози таърифи:

Шоҳиди одил анга ёлғон тонуқ,
Туҳмат этарга дирам олғон тонуқ...
Ноҳақ учун ёзиб узун можаро,
Ўз юзидек сафҳани айлаб қаро,
Борча хиёнатни диёнат билиб,
Борча диёнатда хиёнат қилиб...
Хўша узумким, киши ришват деса,
Куйдурубон боғни жаннат эса...

Муфти қозидан қолишмайди. Ўзига фойдали бўлса, ҳар қандай ноҳақ ишга фотиҳа, туҳматга фатво беради. Девсифат девон омили — солиқ йиғувчи амалдор қаерга бориб тушса, у ернинг тинчлигини бузади, деҳқонларнинг уй-жойини оёқ ости қилиб, фисқ билан шуғулланади, мол-жонига қасд қилади:

Бири яна омили девон бўлуб,
Дев анинг аъмолида ҳайрон бўлуб,
Чарх этиб исм амалдор анга,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баҳра қилиб ушбу амал дор анга...
Қайси вилоятғаки азм айлабон,
Эл ҳараму боғида базм айлабон...
Чаҳдағи тухум арпасин оти еб,
Уйда товуғларни сурук тоти еб.
Ҳосил ўшул уйга бало дорибон,
Қайси бало, балки вабо дорибон...

Хуллас, мансабдорларнинг иши ел каби совурмоқ, ўт каби куйдирмоқдир... Одати — қатл этиш, ҳар бир туки — ўлим томиридир... улар итдан ҳам тубанроқдир...

Шу тариқа Навоий яшаган муҳитининг ижтимоий-сиёсий воқеликларини ростгўйлик билан тасвирлайди, иллатларини ошкор этади, реалистик танқидий манзаралар, портретлар яратади. Бироқ у муҳитининг кескин контрастлари, зўлму қабоҳатларининг асл сабабларини тополмайди, феодал жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизларини сақлаган ҳолда бу жамиятни тузатиш, унинг иллатларини йўқотиш мумкин, деб ўйлайди. Бунга у кишиларнинг хулқ-атворини тарбиялаш ва адолатли подшо бошлиқ марказлашган давлат вужудга келтириш орқали эришиш мумкин деб ҳисоблайди. «Ҳайратул-аброр»нинг учинчи боби бўлган «Салотин бобида...» махсус шу масалага бағишланади, бошқа бобларда ҳам бу масала катта ўрин тутади.

Навоийнинг фикрича, худо шоҳликни насиб қилган киши ҳам аслида оддий бир бандадир. Давлат бошлиги одил, оқил, ориф ва эл-юртга ғамхўр бўлиши лозим:

Бўлди раият галаву сен шубон,
Ул шажари мусмиру сен боғбон.
Қўйни шубон асрамаса ою йил,
Оч бўри туъмасидур бори бил.
Бўрини доғи ғаладин дур қил,
Сув берибон боғни маъмур қил...

Навоийнинг айтишича, подшо ва унинг амир-амалдорлари икки турли: «яхши» (одил, ориф) ва «ёмон» (золим, жоҳил) бўлиши мумкин. Одил ва ориф подшоларни, амир-амалдорларни мақтаган, тўғрироғи, шундай кишиларни орзу қилган Навоий золим ва жоҳил подшоларни, амир-амалдорларни қаттиқ танқид қилади, қоралайди. Мамлакат ва халқнинг тақдирини уларнинг фаолияти ва хатти-ҳаракатига боғлайди:

Шоҳки иш адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ мулкни обод этар.
Кофири одил ани обод этиб,
Мўъмини золим ани барбод этиб...

Навоий золим ва жоҳил подшолар зулм-жаҳолат йўлидан қайтишлари ва одил бўлишлари мумкин, деб ўйлайди. Овга чиқиб, деҳқоннинг хароба кулбасига меҳмон бўлган подшо Баҳром бу харобаликнинг сабабини сўраганда, деҳқон шундай жавоб беради:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Деди: бурун яхши эди ҳолимиз,
Зулм хароб айлади аҳволимиз.
Шоҳ улус ҳолидин огоҳ эмас,
Жуз маю мутриб анга дилхоҳ эмас.
Хайли очибон тамаъ оғзини кенг,
Айладилар мулкни ер бирла тенг.

Деҳқоннинг сўзлари Баҳромнинг кўзини очади, у маст-аластликдан, айш-ишратдан воз кечади, адолат билан мамлакат ишларини бошқаради. У қишлоқ обод ва боғ-бўстон бир жойга айланади. Навоийнинг амалий мақсади ҳам мана шу эди. Навоий яшаган даврда ўзаро феодал ихтилофлар, реакция мамлакатнинг сиёсий ҳокимиятини заифлаштириб, иқтисодий ва маданий ҳаётга катта зарар келтирмоқда эди. Давлат бошлиғи Ҳусайн Бойқаро айш-ишрат ва сарой фитна-найрангларига гирифтор бўлиб бормоқда эди. Навоий мамлакатнинг сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш, хўжалиги ва маданиятини тараққий эттириш учун ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида катта ишлар қилган Ҳусайн Бойқарони айш-ишрат ва сарой фитналари гирдобидан олиб чиқишга интилар ва унинг фаолиятига катта умид билан қарар эди. Навоий шу истак-орзу билан «Ҳайратул-аброр»да Ҳусайн Бойқарони мадҳ этибгина қолмай, балки «Шоҳ Ғозий» ҳикоясида унинг идеаллаштирилган образини ҳам яратади. Ҳикояда айтилишича, Шоҳ Ғозий тахтга чиқиб:

Адл эшигин элга кушод айлади,
Тахт уза ўлтирдию дод айлади.
Тузди бузуқларни иморат била,
Зулмни дафъ этти адолат била...

Кунларнинг бирида бир бева кампир «сен менинг ўғлимни жангда ўлдириб юбординг, сенда қон ҳақим бор» деб, шоҳ Ғозий олдига арзга келади. Шоҳ билан кампир қози олдига борадилар. Қози «кампир қонга қон олмоқчи бўлса, подшони ўлдириши ё бўлмаса шоҳ уни рози қилиши керак» деб ҳукм чиқаради. Шоҳ бўйнига сиртмоқ солиб, кампирнинг қўлига қилич беради, оёғи остига танга тўкади ва:

Деди: «Қасос айласанг, оллингда бош,
Сиймни ол, гар ғаразингдур маош.
Мен эдим ул амрда бисхтиёр,
Ҳар не сен этсанг манга не ихтиёр».

Кампир шоҳнинг одиллигини кўриб, хурсанд бўлади, унинг қонидан кечиб, олтин-кумушни олиб, «Золи зар» («Тилла кампир») деб ном чиқаради. Навоий Ҳусайн Бойқаронинг ва бошқа подшоларнинг шундай бўлишини орзу қилар эди. Ҳикоядаги қози ҳам, подшо образи каби, идеаллаштирилган образдир.

Шундай қилиб, Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари тарихий чекланган, хийла зиддиятли бўлса ҳам, гуманизм тенден-

www.ziyouz.com kutubxonasi

цияларига, халқпарварликка асосланганлиги ҳамда амалий мақсадларни кўзлаганлиги билан аҳамиятлидир.

Ахлоқий-таълимий масалалар

Донишманд мураббий Алишер Навоий «Ҳайратул-аброр»нинг бир неча бобини бевосита ахлоқ-одоб ва таълим-тарбия масалаларига бағишлайди. У ҳикматомуз сўзлар билан яхши хулқ-одобни, меҳнатсеварлик ва бошқа эзгу хислатларни тарғиб этади, ярамас одат ва хислатларни шафқатсиз танқид қилади.

Бешинчи мақолат карам ва саховатга бағишланган. Навоий бу мақолатга сахийлик билан бахилликни бир-бирига қарама-қарши қўяди, улардан ҳар бирининг моҳиятини очиб беради. Саховат инсоннинг энг яхши сифати ва фазилатидир. Бироқ саховатнинг ҳам ўз шартлари бор. Сахий киши эҳтиёжмандларга кўмаклашиши, саховат бегараз, беминнат бўлиши керак. Сахийман деб тўкиб-сочиш ҳам яхши эмас, бу исрофгарликдир:

Нақдни доғи гулдек совурмағил,
Ғунча киби доғи гириҳ урмағил.

Кишиларнинг саховатига кўз тикишдан кўра ўз қўл кучи билан кун кўриш улуғроқ ва олижаноброқдир. Навоий бу фикрини тўлароқ ифодалаш учун Ҳотами Той ҳикоясини келтиради. Ҳотамдан, сен ўзингдек бошқа бирор ҳимматли кишини кўрганмисан? деб сўраганларида, у бундай ҳикоя қилади: кунлардан бирида катта зиёфат олдидан далага чиқиб айланиб юрганимда чўпхас йиғиб бозорга бораётган қомати букчайган бир мўйсафидни кўрдим. Унга: Ҳотами Тойнинг уйига бориб, ноз-неъматидан баҳраманд бўлсангиз, бу машаққатли меҳнатни сизга ким қўйибди десам, мўйсафид бундай жавоб қилди:

«...Сен доғи чеккил бу тикан меҳнатин,
Тортмағил Ҳотами Той миннатин.
Бир дирам олмоқ, чекибон даст ранж,
Яхшироқ андинки, биров берса ганж».

Ҳотам ҳикоясини:

«Улки бу янглиғ сўзи мавзун эди,
Мендан анинг ҳиммати афзун эди»

сўзлари билан тугатади.

«Ҳайратул-аброр»нинг олтинчи мақолати одоб масалаларига бағишланади. Навоий бу мақолатида кишилар билан муносабат ва муомала мезони, ўзини тута билиш, бола тарбияси ва бошқалар ҳақида қимматли фикр-мулоҳазаларини баён этади. Одоб билан тавозе бир бутунликни ташкил этади. Киши ҳар бир кишининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

аҳволига яраша муомала қилиши, катталарга хизмат, кичикларга шафқат этиши лозим:

Ҳар кишининг таврига лойиқ керак,
Сурати ҳолига мувофиқ керак.
Кимки улуғроқ, анга хизмат керак,
Улки кичикроқ, анга шафқат керак.

Навоий бола тарбияси, уни ўстириш, ўқитиш ва балоғатга етказиш ҳақида кенг тўхтайди. Шу билан бирга, у болаларга мурожаат қилиб, шундай насиҳат қилади:

Бошни фидо айла ато бошига,
Жисмни қил садқа ано қошига...
Тун-кунингга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш...

Мураббий шоир ўзини тута билмаслик, ўринсиз кулги ва бошқа хилдаги салбий хислатларни ҳам қаттиқ қоралайди.

Навоий «Ҳайратул-аброр»нинг еттинчи мақолатида қаноат ва меҳнатни таърифлайди, таом емоқ, кийим киймоқ ва бошқа масалалар ҳақида қимматли фикрлар юритади, насиҳатлар қилади. Жумладан, у бундай дейди:

...Кимса неча зебу тамаъдин йироқ,
Зимнида осойиш эрур яхшироқ.
Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори бил.
Олтун исирғаки қулоқ оғритур,
Зарҳал этукдурки, аёғ оғритур.
Нукта дурин бил қулоқ оройиши,
Кенг этук ўлди оёқ осойиши...

Мақолатга илова қилинган «Қаноатли ва тамагир» ҳикоясида Навоий «хомтамаъ даҳрда ранжур эрур» ғоясини илгари суради.

«Ҳайратул-аброр»нинг саккизинчи мақолатида Навоий вафо ва садоқатни таъриф ва тавсиф қилади, кишиларни ҳамжиҳат бўлишга, бир-бирига қовушишга чақиради. Чунки:

...Йўқ ҳунари ёлғуз эса юз киши,
Қайда киши сонида ёлғуз киши.
Фард киши даврда топмас наво,
Ёлғуз овучдин ким эшитмиш садо?..
Тоқ киши айши уйин бил нигун,
Уйга қанон ҳомил ўлур бир сутун?

Шоир вафо ва севгини узвий равишда бир-бирига боғлайди. Севгисиз ҳаёт йўқ, вафо эса севгининг шартидир, дейди:

Бас кишига умр хуши ёр эмиш,
Умр деган ёри вафодор эмиш.
Ёрки, ойини вафо йўқ анга,
Шамъ кибидурки, зиё йўқ анга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мақолатнинг охирида шоир ўз муҳитидан, инсофсиз кишилардан шикоят қилади. Вафо ва садоқатнинг моҳияти ва хосиятини кучайтириб кўрсатиш учун вафодорлиги туфайли Амир Темурнинг қатлидан омон қолган ҳиндистонлик икки вафодор ёр ҳақида ҳикоя келтиради.

Ростлик ва тўғрилик темасига бағишланган ўнинчи мақолатда Навоий хилма-хил ўхшатишлар ёрдами билан ростгўйлик ва тўғриликнинг фойдаси, ёлғон сўзлаш ва эгриликнинг зарарини баён этади.

Шоир мақолатга ёлғон сўзлаши оқибатида овчининг тузоғига тушган дуррож (тустовуққа ўхшаш қуш) ҳақида «Шер билан Дуррож» масалини ҳикоя қилади.

«Ҳайратул-аброр»нинг ўн биринчи бобида Навоий илмга ва илм-фан аҳлига юксак баҳо бериб, кишиларни илм олишга, олимларни иззат-ҳурмат қилишга чақиради ва:

Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди, амал айлагил,—

деб илмни амалий фаолият билан боғлайди ҳамда илмни ўз шахсий манфаатига хизмат эттирувчи кишилардан ғазабланиб:

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзини халқни тумроҳ этар,
Олим агар жоҳ учун ўлса валил,
Илми анинг жаҳлига бўлғай далил,—

дейди.

Мақолатдан кейин «Имом Фахр Розий била Султон Муҳаммад хоразмшоҳ» ҳақидаги ҳикоя келтирилади. Бу ҳикояда айтилишича, султоннинг ҳаммомда ювина туриб: у дунёда олим қандай мартабада бўлади-ю, шоҳ қандай мартабада бўлади, деган сўроғига, олим: у дунё бамисоли ҳаммомдир, сен тож-тахтинг ва кийим-кечагингни олиб боролмайсан, менинг илмим эса ўзим билан қолади, деб жавоб бериб, уни енгади.

Ўн учинчи мақолатни Навоий элга манфаат етказиш масалаларига бағишлайди. Ҳақиқий одам эл-юртга фойда етказиши, қўл кучи ё маблағи билан, ширин сўзи ва маслаҳати билан мадад бериши лозим. Шу билан бундай киши ўзгаларгагина эмас, балки айни чоғда ўзига ҳам фойда келтирган бўлади:

Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки бу нафъ ўзунгга кўпракдурур.

Аксинча, агар киши ўзгаларга ёмонлик қилса, бу билан у, биринчи навбатда, ўзига ёмонлик қилган бўлади:

Улки зарар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўрилган бобларда кишининг яхши ва ёмон сифати, хислати ва одатини бир-бирига қарама-қарши қўйиб, бирини ёқлаб тарғиб қилган, иккинчи бирини қоралаб рад этган Навоий кейинги бир неча мақолатни ярамас ва жирканч сифат, хислат ва одатни, бемаъни хулқ-атворни фош этишга бағишлайди; ўн бешинчи мақолатда майхўрлик ва майхўрларни, ўн олтинчи мақолатда худбинлик ва худбинларни аччиқ танқид қилади, уларнинг афт-башараларини ҳам, ички дунёсини ҳам фош этади.

Мураббий, шоир Навоийнинг ярамас одат ва хулқ-атворни шафқатсиз қоралаши, олижаноб инсоний фазилатларни ҳормай-толмай тарғиб этиши, донишмандона ўгитлари, шубҳасиз, катта прогрессив аҳамиятга эгадир. Навоийнинг бир қатор ахлоқий-таълимий қарашлари ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини сақлаб келмоқда.

Бироқ, афсуски, Навоий ахлоқнинг синфий моҳиятини, ярамас хулқ-атвор синфий қарама-қаршиликка асосланган жамиятнинг, жумладан, феодал-клерикал муҳитнинг маҳсули эканини тушунмас, тўғрироғи, Навоий яшаган давр бунга имкон бермас эди.

«Ҳайратул-аброр» даги образлар

«Ҳайратул-аброр»даги образлар системаси достоннинг жанр хусусиятлари ва композицион тузилиши билан боғлиқ. Таъкидлаб ўтилганидек, «Ҳайратул-аброр»да қўйилган масалаларни бирон воқеани ҳикоя қилиш орқали ёритилмайди. Шу жиҳатдан қараганда у «Хамса»нинг бошқа достонларидан тубдан фарқ қилади. «Ҳайратул-аброр»нинг спецификаси унда катта эпик образлар яратиш имконини бермайди. Лекин шунга қарамай, «Ҳайратул-аброр»да жуда кўп ва хилма-хил образлар, турли ижтимоий табақаларга мансуб бўлган, турли характердаги ижобий ва салбий, ҳажвий ва мажозий образлар бор. Бу образларни достондаги масалаларнинг ривожлантиришда, асарнинг композициясида қанмасалаларнинг ривожланишида, асарнинг, композициясида қанбош қаҳрамони. 2. Мақолатлардаги тавсифий образлар — портрет ва характерлар. 3. Ҳикоя ва масаллардаги эпик образлар.

Достоннинг бош қаҳрамони — Навоийнинг ўзи. Асарнинг муқаддимасидан тортиб хотимасига қадар шоир образи китобхоннинг доимий ҳамроҳидир. Ҳатто ҳикояларда бир неча дақиқагина «чекинган» бу образ тезда шу ҳикоянинг хотимасида, лирик мисраларда, соқийга қарата айтган сўзлари ёки қиссадан ҳисса чиқариши билан яна намоён бўлади, китобхонни янги-янги масалалар, ўй-фикрлар, зиддиятлар, курашлар оламига олиб киради. Китобхон бу образнинг саргузашти, ташқи қиёфаси ёки бошқа жиҳатлари билан танишолмайди, лекин доимо унинг қалби ва шуури, ҳис-туйғуси, шодлиги ва ғазаби билан бирга бўлади, ҳамма нарсани у орқали билиб олади, тушунади, ўйлайди, якун ясайди. Навоий бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан гавдаланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоир мақолатларда маълум бир ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий масала ҳақида юритган фикр-мулоҳазаларини конкретлаштириш мақсадида тавсифий образлар — портрет ва характерлар яратади. Бундай образлар қўйилган масалани ҳар томонлама тўлароқ очишга хизмат қилади, асарнинг бадиий қимматини, услубини бойитади. «Салотин» мақолатидаги золим шоҳлар, «Хирқапўш шайхлар» мақолатидаги риёкор шайхлар ва бадбин зоҳидлар, «Илм сипеҳри» мақолатидаги мусофир талабалар, «Қалам аҳли» мақолатидаги жоҳил амалдорлар, «Жаҳл майининг дурдкашлари» мақолатидаги майхўрлар, «Ҳуднамолар» мақолатидаги худбин ва мутакаббир амалдорлар образи ва бошқалар шулар жумласидандир.

Биз булардан иккита ҳажвий тавсифий образ билан танишайлик. Навоий ўн олтинчи мақолатда мутакаббир ва золим феодал амалдор образини тавсифлаб, унинг портрети ва характерини типиклаштиради, унинг шакл-шамойили, кийим-кечаги, юриш-туриши, фикр-ўйи, феъл-атвори ва бошқа-бошқа томонларини тасвирлайди, сатира ва юмордан кенг фойдаланади.

Амалдор ўзини ботир, отини Рахш, Рахшгина эмас, балки яшин деб билади. Рустамни ҳам назар-писанд қилмайди. Гўё унинг боши кўкдан тўрт энлик қуйи, холос. Аслида у зулмда йўлбарсдек йиртқичдир. У ўзини қоплон деб билади ва ит ети билан тамадди қилади, кибр-ҳаво унинг қоши устида ажинлар пайдо қилган... Бўйнида тавқи бор, ҳатто кўчадаги дайди ит ҳам унга, бўйнингга занжир тушибди-ку, деб таъна қилади, эсроки, унинг бўйнидаги тавқ лаънат тавқидир. Зулмда у Заҳҳоқдир, икки илони ҳалқа бўлиб ётибди... Мўйлови икки томонга шохлаб чиққан тузоқдир, бу тузоқ нафсу ҳаво қушларини ўз домига туширади. Оғзидан битта ҳам баъмани сўз чиқмайди, чакаги эса лоф уришдан чарчамайди... жиғасининг патини бойқушнинг бошидан юлиб олғану, унга товуснинг тожи деб ном қўйган ...Бўркининг учини ичига буккан, бу гўё ҳирсу ҳавас қушларига бир ошён бўлган. Агар тўни ипакдан бўлмаса, кўнгли ҳазин бўлади, ипаги Чин ипаги бўлмаса, қошлари устида чин (ажин) пайдо бўлади... нозу ҳавас билан катондан кўйлак қилган... Белбоғи ипак, тўни олтин билан зийнатланган, этигининг нағали заррҳал, эгари олтин, жибилгири гавҳар билан зийнатланган...

Бу — образнинг ташқи қиёфаси. Маънавий олами эса бундан ҳам қабиҳдир. Бу образ феодал-клерикал муҳитдаги бекларнинг, амалдорларнинг реалистик, бадиий умумлаштирилган типик образидир. Навоий «Ҳайратул-аброр»нинг ўн бешинчи мақолатида майхўрликнинг зарари ва бемаънилигини ҳар томонлама фош этиб, майхўрлик балосига мубтало бўлган кишининг кулгили портрети ва жирканч аҳволини тасвирлайди.

Шоир майхўрга мурожаат қилади:

Қачонгача жаҳолат жомини ичасан, ғурурланасан, фисқ-фужур қиласан, ўлимни, паймонанг тўлишини ҳам ўйламайсан... кўчада бир телбадек кўринишинг билан болалар бошингга тош ёғдиради, манглайинг тошга тегиб ёрилади, саллангнинг печи бузилади, кишиларга қопоғон итдек ҳамла қиласан... Гоҳ йиқилиб, гоҳ туриб, тўғри келган жойга қўл ташлайсан... қусуғинг соқолингни булғайди... ит келиб ялаб уни пок қилади. Мастлигинг тарқалгач, яна бода ича бошлайсан. Бошингдаги дасторингни, белингдаги ақчангни тополмайсан. Ўлик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан кафан тамаъ қилувчи ўғрилар тўнингни ечиб олган бўлади. Қини қолиб, пичоғингдан айриласан, оёғингда бир пой кавушинг қолиб, иккинчисини йўқотасан. Этагинг лой, олдинг шилта, олдингда кўл... уйингни излайсану узун, бепоён кўчадан ўзгани тополмайсан. Аъзойи баданинг қақшаб титрайди, оғзинг бемаза там беради... бошинг айланган, ҳушинг йўқолган...

Шоир бу тасвирини шундай хулосаловчи мисралар билан тугатади:

Ҳар кишиким қилса бу сувдин тараб,
Ҳона сиёҳ ўлмоғи эрмас ажаб.
Сув демагил оники бир ўт эрур,
Ким етти кўк хирманини куйдирур...

Навоий мақолатлардаги масалаларни тўлароқ ёритиш, фикр-мулоҳазаларини янада конкретлаштириш учун бир кўргазма — намуна сифатида мақолатларга ҳикоялар илова қилади. Шоир лирик ифодадан тавсифий баённга, тавсифий баёндан эпик воқеага ўтади. Кичик ҳажмли ҳикояда бирор саргузаштни сўзлайди, ортиқча тафсилотга берилмайди, саргузашт кўпинча бир эпизоддан иборат бўлиб қолади. Воқеа кураш ва конфликтлар билан ечилади, шу кураш ва конфликт фонида турли характердаги образлар яратилади, улар тугалланган образ даражасига кўтарилади. Шоҳ Ғозий, Ҳотам, Мўйсафид, Фахриддин Розий ва бошқалар шундай образлардир.

«Ҳайратул-аброр» нинг бадиий хусусиятлари

«Ҳайратул-аброр» фалсафий-дидактик достоннинг мислсиз ажойиб бир намунасидир. Навоий бу достонида фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларини юксак санъаткорлик маҳорати билан мужассамлаштиради.

«Ойни ёруг, чархни демак баланд,
Табъи баланд элга эмас дилписанд»,—

деб сўз санъаткорлари олдига китобхонлар эҳтиёжига мукаммал жавоб берувчи, уларнинг фикри, диди ва завқини ўстирувчи асарлар яратиш талабини қўйган Навоий «Ҳайратул-аброр»да шу талабга тўла амал қилади.

Навоий лирик ифодани тавсиф билан, тавсифни эпик баён билан узвий боғлайди. Бу усул асарнинг мазмунини тўлдириб, ривожлантириб боради ҳамда унинг бадиий қимматини оширади. Шоир ранг-баранг тавсифий ва эпик образлар яратади, буларнинг ҳаммаси бош қаҳрамон — Навоий образи, унинг тафаккури ва ҳис-туйғулари билан бир катта бадиий полотнога айланади. Шоир достондаги барча масалаларни контраст усули воситаси билан ёритади. Адолат зулмга, ҳиммат бахилликка, қаноат тамагирликка, вафо вафосизликка, илм жаҳолатга, тўғрилик эгриликка қарама-қарши қўйилади ва ҳоказо. Фикр-мулоҳазаларгина эмас, балки образлар ҳам шу зайлда бир-бирига қарама-қарши

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйилади. Шоир контраст (тазод) усули билан бирга тадриж (ривожлантириш), таносуб (параллелизм) ва бошқа усуллардан, сўзларнинг ва ҳарфларнинг ёзилиш шаклларидан ҳам кенг фойдаланади ва бу билан мазмунни тўлдиради, бойитади. Масалан, у қаноатни улуғлашга ва подшоларни бировларнинг мол-мулки ва аҳли аёлига қасд қилмасликка чақириш учун қуйидагича сўз ўйини ясайди:

...Шоҳ ул эмаским, бошига қўйди тож,
Шоҳ ани билким, йўқ анга эҳтиёж...
Шоҳ бошининг шарафи тож эмас,
Англа анн шоҳки, муҳтож эмас.
Шоҳ агар ул бўлсаки, муҳтождур,
Ҳарф ила муҳтожда ҳам тождур.
Шоҳ десанг кимда кўруб тожни,
Шоҳ дегил бу важҳ ила муҳтожни.

(Тожига қараб кишини шоҳ деб ҳисоблама, агар тож билангина киши шоҳ бўлар экан, у чоғда муҳтожни ҳам шоҳ дегин, чунки «муҳтож» сўзида ҳам «тож» бор.)

Навоий бошқа асарларида бўлгани каби, «Ҳайратул-аброр»да ҳам бадиий тил воситаларидан кенг фойдаланади. Достоннинг деярли ҳар бир байтида янги-янги бадиий образлар яратади. Шоир айниқса ўхшатишни кўп қўллайди. Ўхшатиш маълум бир фикр-тушунчани тасдиқ этиш учун ҳам, рад қилиш учун ҳам ишлатилади. Қуйида биз таносуб ва ўхшатиш асосида яратилган бир парчани кўрайлик. Шоир ўринсиз (хушомад мақсадида) қилинган ҳимматни рад этиб:

...Ҳам *йиборур лаъл Бадахшон сари,*
Ҳам кетурур, зирани Кирмон сари.
Хизрга етгач тутар оби ҳаёт,
Миср шакар резиға ҳабби набот.
Шамъни кундуз ёритур беадад,
Меҳр зиёсиға берай деб мадад.
Мушкни ҳар кеча сочар бедаранг,
Тун сочиға бермак учун бўю ранг...
Ўйла булутдекки қуруқ боғ уза,
Ёғмай ўтуб, супни тўкар тоғ уза...—

дейди. «Ҳайратул-аброр»нинг кўпгина байтлари чуқур мазмундорлиги ва бадиий мукаммаллиги билан ҳикматли сўз даражасига кўтарилган, айрим саҳифалар гўё бутунлай ҳикматли сўзлар тизмасидан вужудга келган. Мана йигирманчи мақолатдаги шундай байтлар:

Лутфу карам гарчи эрур дилпазир,
Қаҳру сиёсат ҳам эрур ногузир...
Неча маразға гар эрур суд қанд,
Нечага ҳам заҳр эрур судманд.
Маддаким, бермаса марҳам кушод,
Ништар-ўқ айлар анга дафъи фасод.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бармоқ учи бирла чу чиқмас тикан,
Игна била қутулур андин бадан.
Кимники инсон десанг, инсон эмас,
Шаклда бир, феълда яксон эмас.
Нахл сифат шам ила муз шўшаси,
Мунинг ўт, онинг сув эрур хўшаси.
Кимники айлай дер эсанг маҳраминг,
Кўп синамай айламагил ҳамдаминг...

Бу ҳикматли сўзлар халқ мақолларига жуда ўхшаш. Айрим мақоллар Навоийнинг ҳикматли сўзларига айланиб кетганидек, шубҳасиз, Навоийнинг айрим ҳикматли сўзлари ҳам халқ мақолларига айланиб кетган. «Ҳайратул-аброр»да:

«Тор ини сичқонға солиб эрди ғам,
Қуйруқиға боғлади ғирбол ҳам»

(«Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига»)

каби шу кунгача сақланиб келаётган мақоллар ҳам бор.

Навоий «Ҳайратул-аброр»да фақат халқ мақолларидангина эмас, балки халқ ижодининг бошқа жанрлари ва усулларидан ҳам кенг баҳраманд бўлган. Масалан, «Ҳайратул-аброр»даги «Ҳотами Той», «Шер билан Дуррож», «Искандар» ва бошқа ҳикоя ҳамда масаллар халқ ижоди материаллари асосида яратилган. Навоий халқ ижодига хос сажъ усулини қўллаб, бобларнинг сарлавҳасини қофияли наср усулида битади. Халқ ижодини, жумладан, халқ қўшиқларини бутун қалби билан севган Навоий «Ҳайратул-аброр»да:

Турк суруди била солиб қўлум,
Қилсам анда ҳай тулугум, ҳай тулум,—

деб бежиз айтмаган эди. У халқ оғзаки ижодидан узоқ бўлган, халқ асарларини менсимаган ёзувчиларни қаттиқ танқид қилади.

«Ҳайратул-аброр» арузнинг сариъ баҳрида (муфтаилўн муфтаилўн фоилўн) ёзилган, у маснавий йўлида қофияланган.

«ФАРҲОД ВА ШИРИН»

«Хисрав ва Ширин» дан «Фарҳод ва Ширин»га

«Фарҳод ва Ширин севги ва вафо, дўстлик ва садоқат, меҳнат ва ижодкорлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик достонидир. Олижаноб инсоний фазилатларни, умумбашарий орзу-интилишларни тараннум этган бу асар ўзбек классик адабиётининг янги ва улкан асари бўлиши билан бирга, Ўрта Шарқ халқлари адабий традициялари тараққиётида ҳам янги ҳодиса, катта бир босқич бўлди. Навоий хамсачилик традициясидан мустаҳкам ўрин олган «Хисрав ва Ширин» ўрнига янги тема ва проблемалар, янги мазмун ва ғоялар, янги образ ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

характерларнинг бадиий тажассуми бўлган «Фарҳод ва Ширин» достонини яратди.

Хисрав ва Ширин образлари маълум тарихий илдизга эга бўлиб, Хисрав машҳур сосоний подшоларидан бўлган Ануширвоннинг набираси Хисрав Парвездир. Хисрав Парвез 590 йилда тахтга чиққан ва 628 йилда, ўз ўғли Шеруянинг буйруғи билан, қатл қилинган эди. Эрон, Византия, Сурия тарихий хроникаларида, X аср араб тарихчиси Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий асари ва бошқа манбаларда берилган маълумотларга кўра, Ширин ҳам тарихий шахс бўлиб, у Хисравнинг энг севикли хотини экан. Арман қизи ёки оромийлардан бўлган гўзал Ширин феодал зодагонларнинг хонадонидан эмас экан. Шунинг учун феодал-аристократик доира Ширинга паст назар билан қараб, уни Хисравга номуносиб деб ҳисоблар экан. Бу ҳолат феодал-сарой иғволарини янада кучайтириб юборган экан.

Мана шу тарихий воқеалар заминида турли-турли афсона ва ривоятлар вужудга келиб, Хисрав ва Ширин саргузашти, уларнинг севгиси афсонавий тус ола бошлайди, янги-янги афсона ва ривоятлар тўқила бошлайди. Бу афсона ва ривоятларнинг бирмунчаси «Қасри Ширин ва Бесутун» номи билан шуҳрат топади. Машҳур араб сайёҳи Ёқут (1179—1229) Ширин ҳақида анчагина ривоятлар эшитганини, уларнинг кўпи Доро I томонидан Бесутун тоғ қоясига ўйиб ёздирилган ёдгорликлар эканини ҳикоя қилади. (Бесутундаги аҳмонийлар қасрининг харобалари шу кунга қадар «Қасри Ширин» номи билан юритилади.)

Шунингдек, Фарҳод ва Меҳинбону ҳақида ҳам турли маълумот ва ривоятлар бор. Айрим манбалар Фарҳодни тарих билан, Бесутун тоғ қояси билан боғлайди. Ривоятларга кўра Фарҳод қояга Ширин, Хисрав ва от Шабдиз тасвирини ишлаган экан. Фарҳод образи дастлаб фольклорда вужудга келди, ёзма адабиётда такомиллашди. Меҳинбону образининг излари қадимги Сурия тарихи, Сурия — Мидия афсоналарига бориб тақалади. У Сурия хроника ва ривоятларида Семирамида, арман афсоналарида Шамирам деб номланади. Низомийда Шомира — Меҳинбону (улуғ соҳиба). Тарихий хроникалар ва хусусан афсона ҳамда ривоятлар ёзма адабиётда Хисрав ва Ширин образларининг вужудга келишига маълум бир замин бўлади. Ёзма адабиётда биринчи бор Абулқосим Фирдавсий Хисрав ва Ширин образини қайта ишлайди.

Фирдавсий «Хисрав ва Ширин»да сосонийлар сулоласи расмий хроникаларидаги маълумотни асос қилиб олади. Шоҳ ва Маликанинг севги саргузашти ва фожиали тақдирини тасвирлаб, Хисравни шавкатли шоҳ ва ошиқ, Ширинни садоқатли ёр сифатида гавдалантиради, Шеруяни худбин шаҳзода ва падаркуш сифатида фош этади.

Хисрав ва Ширин темасини Фирдавсийдан икки аср кейин улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий қайта ишлайди. Низо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мий «Хисрав ва Ширин» достонини ёзишга киришар экан, ўз олдига тамомила янги вазифа ва мақсад, янги масала ва муаммолар қўяди, уни ўзи яшаган XII аср ҳаётига, озарбайжон муҳитига яқинлаштиради. У сосонийлар сулоласи расмий хроника материалларига эмас, балки кўпроқ халқ оғзаки ижодий материалларига таянади, улардан ижодий фойдаланади. Низомий севги ва садоқат мавзуини асос қилиб олиш, уни янги планда тасвирлаш билан бирга, достонда мамлакатни адолат билан бошқариш, халқнинг осойишталиги ва фаровонлиги учун кураш, меҳнат ва ижодкорлик каби масалаларга ҳам кенг ўрин беради. У достоннинг сюжети ва композициясини ҳам, образлари ва характерларини ҳам тамомила янгича ишлаб чиқади. Низомий достонининг марказий образи Ширин бўлиб қолади. Ширин вафодор ёр бўлиши билан бирга адолатли давлат арбоби ҳамдир. У сабр-бардоши ва мустаҳкам иродаси билан севгида беқарор бўлган Хисравни садоқатли ошиққа, ишратпараст, худбин подшо Хисравни адолатли подшога айлантиради. Хисрав қайта тарбияланади. Низомий достон воқеалари доирасини кенгайтиради, унга Византия ва Кавказдаги воқеаларни, Меҳинбону, Фарҳод, Шопур ва бошқа образларни киритади. Булардан айниқса Фарҳод образи достоннинг ғоявий-бадиий қимматини тўлдиради, такомиллаштиради.

Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» достони жуда кенг шуҳрат қозонади. Хисрав ва Ширин темасида достон яратиш Ўрта Шарқ халқлари адабиётида бир традиция бўлиб қолади. Низомийдан бир аср кейин машҳур ҳинд шоири Хисрав Деҳлавий «Ширин ва Хисрав» номи билан «Хамса»сининг иккинчи достонини яратади. Хисрав Деҳлавий Низомий достонининг сюжети ва композициясини асосан сақлаб қолади. Бироқ у Хисравнинг шон-шавкати ва қаҳрамонлигига кўпроқ эътибор бериб, Ширин образини бирмунча бўшаштириб қўяди. Деҳлавий достонида Хисрав Ширинниинг таъсири ва тадбирлари билан янги кишига айланмайди, балки Ширинга уйланганидан кейин ортиқ даражада айш-ишратга берилиб, давлат ва мамлакат ишларидан йироқлашади. Бу ҳолат достоннинг ғоявий мазмунига катта путур етказади. Лекин шуларга қарамай, Хисрав Деҳлавий достони ўз бадиий соддалиги ва жозибадорлиги билан кенг шуҳрат топади.

XIV асрда Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» достонини шоир Қутб ўзбек тилига эркин таржима қилади. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони муқаддимасида маълумот беришича, XV аср ўрталарида вафот этган шоир Ашраф ва яна номаълум бир шоир ҳам достон ёзган эканлар:

Бу майдонга чу Ашраф сурди маркаб,
Бу сўзни ўзга навъ этти мураттаб.
Яна бўлғон экан бу нома марқум,
Вале роқим эмастур яхши маълум.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тадқиқотларда Навоий таъкидлаган «Яхши маълум бўлмаган рақиб» Ориф Ардабилий деган фикр илгари сурилади[1]. Ориф Ардабилийнинг форс тилида битилган «Фарҳоднома» достони икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида Фарҳод билан Гулистон деган қизнинг, иккинчи қисмида Фарҳод билан Ширинниинг севги саргузаштлари ҳикоя қилинади.

Хисрав ва Ширин темасида яратилган достонлардан Фирдавсий, Низомий, Хисрав Деҳлавий, Ашраф ва «номаълум шоир»нинг достонлари Навоийга маълум бўлган, албатта[2]. Навоий халқ томонидан шу темада яратилган афсона ва ривоятларни ҳам, шубҳасиз, яхши билган.

Навоий ўз салафларининг истеъдоди ва ижодий ютуқларига доимо юксак баҳо беради. Лекин, шу билан бирга, уларнинг асарларидаги камчиликларни холисона танқид қилади. Хусусан, Навоий салафлари томонидан Хисравнинг ижобий қаҳрамон сифатида таъриф ва тавсиф этилишига қаттиқ эътироз билдиради. Навоий салафларининг изидан боролмайди. Унингча, ишқда беқарор, худбин ва маишатпараст Хисрав мақтовга сазовор эмас; Хисрав қилмишларига яраша жазоланиши, унинг тимсолида золим ва худбин подшолар шафқатсиз фош этилиши лозим; Хисрав ва хисравларга қарши инсоннинг энг олий фазилатларини жам этган янги, комил кишилар образини, хисравлар дунёсига қарши инсониятнинг асрий орзу-армонларини ифодалаган янги дунёни яратиш керак.

Шунинг учун ҳам Навоий тамомила янги достон яратишга киришади. Унинг «Фарҳод ва Ширин» достони давр ининг, инсон фаолиятининг хилма-хил масалаларини қамраб олган, ўрта аср гуманизмининг энг илғор қарашлари ва орзу-интилишларини ифодалаган бир достон сифатида вужудга келади.

Навоий севги, садоқат, меҳнатсеварлик, ижодкорлик, дўстлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик ҳақидаги фикр-ўйлари ва орзу-интилишларини, хусусан, достонининг бош қаҳрамони Фарҳод образида мужассамлаштиради.

Ганж жон мусҳафидин икки оят,
Дебон Фарҳоду Ширинидин ҳикоят.

деган шоир ўз достонига «Фарҳод ва Ширин» номини беради.

---

[1] Қаранг: Мухтасир Азарбаiчан эдабиййати тарихи, Баку, 1948, 117—118-бетлар;
Н. Г. Арасли. Ариф Ардабили и его поэма «Фархаднамс». Автореферат канд. дис., Баки, 1969.
С. Эркинов. Навоий «Фарҳод ва Ширин» ва унинг қиёсий таҳлили. Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, Тошкент — 1971.

[2] Навоий Қутб таржимаси билан таниш бўлмаса керак. Агар у Қутб таржимасини билганида, шубҳасиз уни зикр этар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Фарҳод ва Ширин» образлари

Фарҳод

Маълумки, Абулқосим Фирдавсий «Хисрав ва Ширин» достонини расмий хроника материаллари ва афсона ҳамда ривоятлар асосида яратиб, сосоний Хисрав Парвезнинг шон-шавкатини улуғлаган эди. Унинг достонида кейинги достонларда мавжуд бўлган бошқа бир қатор образлар (Меҳинбону, Шопур ва бошқалар) каби Фарҳод образи ҳам йўқ эди. Вақт ўтиши билан «Хисрав ва Ширин» достони халққа, халқнинг орзу-интилишларига яқинлашиб боради, шу заминда Фарҳод образи шакллана бошлайди. Турли халқларнинг бир қанча афсона ва ривоятларида ҳамда ёзма адабиёт намояндаларининг асарларида Фарҳод номининг зикр этилиши бу образнинг хийла қадимий традицияларга эга эканини кўрсатади. Шубҳасиз, Низомий «Хисрав ва Ширин» достонини ёзишга киришар экан, мана шундай афсона ва ривоятлардан ҳам фойдаланади. У биринчи бўлиб ёзма адабиётга Фарҳод образини киритади. Бу образ достоннинг ғоявий-бадиий қимматини, халқчиллигини оширади. Бироқ Низомий достонида бу образ бош қаҳрамон даражасига кўтарилмайди.

Навоий достонида эса тамомила бошқача манзарани кўрамиз. Навоий достони деярли Фарҳоднинг туғилишини тасвирлаш билан бошланиб, Фарҳоднинг вафоти билан тугалланади. Навоий Фарҳоднинг бутун ҳаёти ва кураш йўлларини ҳикоя қилади. Барча масалалар Фарҳоднинг ҳаёти ва фаолияти заминида туғилади ёки Фарҳодга келиб боғланади. Бинобарин, Фарҳод мукаммал эпик образ даражасига кўтарилади. Бунинг натижасида асар шеърий романга ўхшаб кетади.

Фарҳод болалик чоғидаёқ ижобий хислатларга эга бўлади. У жуда ақлли, зеҳнли бола бўлиб ўсади. Фарҳод эўр ҳавас билан ўқийди, табииёт, математика, логика ва бошқа фанларни ўрганади, кўп ўтмай бир қатор илмларни эгаллаб, ўз қобилият ва малакаларини оширади:

Агар бир қатла кўрди ҳар сабақни,
Яна очмоқ йўқ эрди ул варақни.
Не сўзниким, ўқиб кўнглига ёзиб,
Дема кўнглики, жон лавҳига қозиб
Ўқиб ўтмак, ўқиб ўтмак шиори,
Қолиб ёдида, сафҳа-сафҳа бори...
Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм.

Фарҳод ақлий тарбия билангина чекланиб қолмасдан, жисмоний ва ҳарбий машқлар билан ҳам шуғулланиб, чиниқа бошлайди. Сувда сузиш, чавандозлик, қиличбозлик ва бошқалар унинг кундалик машғулоти бўлиб қолади. 10 ёшида унда 20 яшар йигитнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

куч-қуввати бўлади. У ўзининг ақли ва жисмоний куч-қуввати, маҳорати билан кишиларни ҳайратда қолдиради.

Фарҳод — ниҳоятда камтар киши. Шаҳзодалик, отасининг молдавлати уни маҳлиё қилмайди. У ўзини оддий кишиларнинг бири деб ҳисоблайди ва мазлум халқни чин кўнгилдан севади, Фарҳод мазлумларнинг дардига малҳам бўлишга интилар, умумнинг манфаатини ўз манфаатидан устун қўяр эди:

Бироқким зор йиглаб, йиглаб ул зор,
Топиб кўнгли эл озоридин озор.
Чиқариб сўзлуғ сўз бошидин дуд,
Совуқ оҳ айлаб оҳин оташ олуд.
Бўлиб эл андуҳидин кўнгли ғамнок,
Яқо чокни кўриб, кўксин қилиб чок.

Шунинг учун халқ Фарҳодни севади, унинг дард-аламидан қайғуради, шодлиги билан қувонади.

Фарҳод вояга етган сари ўз ишларидан қаноатланмайдиган бўла бошлайди. У қандайдир улуғ ишларга бош бўлиш, кишиларнинг бахти йўлида кўпроқ хизмат қилишга интилади. Хоқон Фарҳодни хурсанд қилиш учун йилнинг тўрт фаслига мос тўрт қаср қурдира бошлайди. Фарҳод бу қасрлар унинг ўзига қурилаётганини учун эмас, балки усталарнинг ҳунари ва санъатини ўрганиш учун қурилиш ишини кузатади ва бинокорликни ўрганиш вазифасини ўз олдига қўяди. Меъмор Боний, наққош Моний ва тош йўнувчи Қоран билан дўстлашади. У усталарнинг ҳунарини иштиёқ билан кузатиб, яхши ўрганиб олади:

...Анингдек қилди хора йўнмоғин вирд,
Ки юз Қоран қошида бўлғай шогирд.
Қилиб бир дамда онча иш ниҳони,
Ки қилғай ўзгалар бир йилда они...
Қаю суратки Моний қилди тимсол,
Анга Фарҳод очди чеҳра филҳол.
Бу ишни доғи оз фурсатда қилди,
Анингдек ким кераклик эрди, билди.

Хоқон ўғлига тож-тахтини ҳам таклиф қилади. Лекин Фарҳодни тож-тахт қизиқтирмас эди. У шунча илм-ҳунарли бўлишига қарамай, ўзини етарли тажриба ва малакага эга деб ҳисобламас, давлатни идора этиш учун катта тажриба ва тадбиркорлик лозим деб билар эди. Бу билан Навоий ўз давридаги ҳудбин ва тож-тахтпараст шаҳзодаларни қаттиқ қоралаб, уларни Фарҳоддан ибрат олишга йўллайди. Навоийнинг Фарҳодни шаҳзода қилиб беришдан асл мақсади ҳам шу эди[1].

Шундай қилиб, Фарҳод дастлаб билимли, ҳунарли, ижодкор киши бўлиб етишади. У илм ва ҳунарни ҳаёт билан боғлайди. Киши

---

[1] Низомий достонида Фарҳод Хитойда ўқиб таълим олган уста сифатида берилса, Хисрав Деҳлавий достонида хоқоннинг ўғли сифатида тасвирланиб, у усталик ҳунарини ман этган отасидан аразлаб Хитойдан чиқиб кетади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўз илми ва ҳунарини омманинг манфаатига хизмат эттириши лозим деб ҳисоблайди. Бу хусусан Фарҳоднинг Арманистондаги фаолиятида равшан кўринади. Фарҳод Ширинни излаб Арманияга[1] боради. У тоғда канал қазиш учун ниҳоятда қийналиб ишлаётган мингларча кишиларни кўрар экан:

«Ҳунарни асрабон неткумдур охир,
Олиб туфроққаму кеткумдур охир!»,

деб уларга ёрдам беради, уларга бош бўлиб ишлаб, мўъжизалар кўрсатади. Фарҳод билими ва ҳунарини ишга солиб, мингларча кишиларнинг меҳнати ва машаққатини енгиллаштиради. Фарҳоднинг меҳнат фаолияти ва қобилияти айниқса ҳовуз қазиш ва канал очиш ишларида камол топади.

Сув проблемаси достоннинг марказий масалаларидан бирига айланади. Маълумки, ўзбек халқи сув учун асрлар давомида қаттиқ кураш олиб борган, халқ кучи билан бир қатор суғориш иншоотлари вужудга келтирилган бўлса ҳам, лекин феодал тузум қишлоқ хўжалигини сув билан етарли таъминлашга имкон бермас эди. Ўзаро феодал урушлар эса суғориш иншоотларини вайрон этиб, сув танқислигини тобора кучайтирар эди. Сув танқислиги XV асрда, Навоий яшаган даврда, жуда кучли эди. Халқнинг сув учун қийналаётганини кўрган Навоий уни сув билан таъминлашни истар, лекин бу истагини амалга оширолмас эди. Навоий халқнинг сув билан таъминланадиган вақт келишига ишонади. Фарҳод бошчилигида катта ҳовуз қазилади, канал очилади. Ариқ — каналга «Наҳрул-ҳаёт» («Ҳаёт дарёси»), ҳовузга «Баҳрун-нажот» («Нажот денгизи») деб ном қўйилади:

Ариққа қўйдилар «Наҳрул-ҳаёт» исм,
Фалакваш ҳавзига «Баҳрун-нажот» исм.

Бу номлар ҳам Навоийнинг сув масаласига қанчалик катта аҳамият берганини кўрсатади: сув — ҳаёт, сув — нажот. Шунинг учун ҳам ариқ ва ҳовузнинг тайёр бўлиши халқ байрами, халқ тантанасига айланиб кетади.

Демак, меҳнат ва ижодкорлик «Фарҳод ва Ширин»нинг марказий масалаларидан биридир. Шунинг учун ҳам Навоий достонини иккинчи бир ном билан «Меҳнатнома» деб ҳам атайди:

Зарурагким, солиб бир ўзгача тарҳ,
Бу «Меҳнатнома»ни қилғум дурур шарҳ.

Фарҳоддек меҳнатсевар ва ижодкор, комил инсон образини яратган Навоийнинг ўзи ҳам ундан илҳомланиб, қаламининг Фарҳод тешаси каби ўткир ва унумли бўлишини орзу қилади:

Бу кон ишқида тешанг хора рез эт,
Ани Фарҳод тоши бирла тез эт.

[1] Навоий Арманистонни «Армания» шаклида қўллаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий Фарҳоднинг меҳнат ва ижодкорликда эришган муваффақиятларининг асосий боиси унинг илми, ақли ва иродаси деб ҳисоблайди. Фарҳод ақл ва тафаккур кучига баҳо берар экан:

Деди: ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.
Улум ичра манго то бўлди мадхал,
Топилмас мушкуле мен қилмаган ҳал,—

дейди.

Фарҳод халқпарвар ва ватанпарвар инсондир. У доимо юртнинг ободонлиги ва халқнинг фаровонлиги учун курашади. Ўзи бинокорлик қилади, тог-тош кесади, инсоннинг ҳар қандай душманларига (фантастик ёвуз кучларга ҳам) қарши курашади. У Ширинни севиш билан бирга, Ширинниng юрти ва элини ҳам севади. Арманистонни ёвуз Хисравнинг ҳужумидан мардона ҳимоя қилади. Фарҳодни куч билан енголмаган Хисрав уни макр-ҳийла билан асир олади. Лекин бу Фарҳодни маҳв этолмайди, унинг иродасини буколмайди, севги ва ҳаққоният учун кураш йўлидан чекинтиролмайди. Фарҳод ҳамон дадил ва мағрур. Мана Хисрав билан унинг мунозараси:

Деди: недур сенга оламда пеша?
Деди: ишқ ичра мажнунлуқ ҳамеша...
Дедиким: ишқинга кўнглунг ўрундур?
Деди: кўнглумда жондек ёшурундур...
Деди: кўнглунг фидо қилса жафоси?
Деди: жонимни ҳам айлай фидоси...
Деди: у ишқдин инкор қилғил!
Деди: бу сўздин истиғфор қилғил!..
Дедиким: шаҳға бўлма ширкат андеш!
Деди: ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш!..

Фарҳоднинг кескин ва қатъий жавоблари мутакаббир ва худбин Хисравни руҳан мағлуб қилади.

Фарҳод ўз юртидан узоқда, душманнинг макр ва ҳийла тузоғида ҳалок бўлади. Лекин у охирги нафасигача ҳам адолатнинг тантана қилишига ишонади. У дўстлари билан гойибона хайрлашар экан, уларга Хисравни енгиб, адолат ўрнатишни васият қилади. Хисрав ҳам, ўлим ҳам унинг орзу-армонларини енголмайди.

Навоий Фарҳод образини реалистик ва романтик деталлар билан бойитади, такомиллаштиради. У жамиятда Фарҳодни ва Фарҳоддек кишиларни кўришни орзу қилади, шундай кишиларнинг етишишига комил ишонч билан қарайди.

Ширин

Ширин ўз характери ва фазилатлари билан Фарҳод қаторидан ўрин олган, унга ҳар жиҳатдан муносиб бўлган олижаноб инсон образидир. Бу образ сиймосида ҳам Навоий энг эзгу орзу-армонларини мужассамлаштиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ширин маърифатпарвар холаси Меҳинбону тарбиясида илмли, ақлли ва иффатли бир қиз бўлиб етишади. У мамлакатнинг ободончилиги, сув билан таъминланиши учун курашади. Меҳинбону билан бирга канал қазиш, сув чиқариш каби катта ишларга бош бўлади. Ширин Фарҳод сиймосида инсоннинг бахти учун курашувчи ажойиб шахсни кўради. Фарҳоднинг қаҳрамонликлари, ижодкорлиги Ширинни мафтун этади. У тоғ-тошларни кесиб ариқ ўтказган Фарҳодни самимий тақдирлайди. Ширин феодал саройининг тантиқ, арзанда ва ҳою ҳавасларга берилган қизларидан эмас. Уни мол-давлат ва ясан-тусанлар эмас, балки инсоннинг бахти учун хизмат қилувчи орзулар қизиқтиради. Ширин чин инсон бўлишни ва чин инсонни севишни буюк фазилат деб билади. Уни шаҳзода Фарҳод эмас, балки инсон Фарҳод мафтун этади (у Фарҳоднинг насл-насабини билмас ҳам эди). Ширин золим Хисравнинг «ошиқона» таклифини:

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур,—

деб рад этади.

Ширин — садоқатли ёр. У энг даҳшатли дамларда ҳам Фарҳодга вафодор бўлиб қолади, иродаси бўшашмайди.

Ширин Хисравнинг ёвуз ниятини билар эди. У мамлакатнинг Хисрав қўлига ўтиши ва халқнинг таланишини истамас эди. Шунинг учун ҳам Ширин жон-жаҳди билан Хисравга қарши курашади. Лекин Хисравнинг қўли баланд келади, у макр-ҳийла билан Фарҳодни асир қилиб, мамлакатни хавф остида қолдиради. Ширин учун икки йўл қолади: ё ҳаёт, ё ўлим. Ширин сўнггисини қабул қилади. Бу Ширинининг маънавий ғалабаси эди, чунки золим ва мунофиқ Хисравга бўйин эгиб тирик қолгунча, чин инсонликка ва Фарҳодга содиқ қолиб ўлган авлодир.

Ширин образи узоқ тадрижий такомил босқичларини кечиб ўтди. Фирдавсий яратган Ширин образи учун тарихий хроникалар ва дастлабки афсона-ривоятлардаги Ширин прообраз бўлди. Фирдавсийнинг Ширини садоқатли ёр, тадбирли аёл ва эл-юртга мушфиқ инсон образидир. Низомийга келиб Ширин тамомила янги моҳият касб этди. Низомий бу образни яратишда расмий хроникал маълумотлар доирасини ёриб ўтди, у янги-янги афсона ва ривоятлардан фойдаланди, кенг бадиий фантазия асосида янги Ширин образини яратди. Низомий достонида Ширин етакчи, бош қаҳрамон даражасига кўтарилди, шоир энг гўзал орзу-интилишларини шу образ қиёфасида мужассамлаштирди. Ширин садоқатли, иродали ёр бўлиши билан бирга, тадбирли мураббия, одил ва доноишманд давлат арбоби ҳамдир.

Навоий яратган Ширин ўз фазилатлари билан Низомийнинг Ширинига жуда яқин туради. Бироқ Навоий ўз достонининг янги

www.ziyouz.com kutubxonasi

режаси ва вазифалари нуқтаи назаридан бу образни ҳам қайта ишлайди, янги Ширин яратади. Низомий достонида Ширинниинг характери билан Хисравнинг характери ўртасида маълум конфликт бор. Бироқ Ширин Хисравни севади. Хисрав бу севгига муносиб кишига айланиши керак. Ширин матонати ва иродаси билан, ақл-тадбири билан Хисравни қайта тарбиялайди, конфликт орадан кўтарилади. Навоий достонида эса севишганлар — Фарҳод билан Ширин ўртасида ҳеч қандай конфликт йўқ, уларнинг феъл-атвори, фаолияти ва орзу-мақсади бир. Ширин билан Хисрав эса бир-бирига тамомила зид, ёт кишилардир. Фарҳод Хисравга қанчалик душман бўлса, Ширин ҳам шундай душмандир. Фарҳод билан Ширин бошқа дунёю, Хисрав билан Шеруя бошқа дунё. Буларнинг ўртасида қаттиқ ва муросасиз кураш боради. Бу курашда чекиниш йўқ: ё ҳаёт, ёки ўлим. Ширин образининг моҳияти ва характерини ҳам мана шу кураш белгилайди. Натижада Ширин образи янада актив, янада шижоатли бир аёл сифатида гавдаланади.

Аёлларни қаттиқ зулм остида тутган, хўрлаган, инсонлик ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилган феодал тузуми шароитида Навоийнинг Ширидек комила, оқила ва фозила аёл образини яратиши гуманизмнинг ўрта асрдаги қудратли овози, феодал-клерикал жаҳолат ва урф-одатларга қарши шиддатли ҳамласи эди. Ширин образининг ва бу образ орқали Навоий ифодалаган идеалнинг асосий қиммати ҳам шундадир.

Меҳинбону

Навоийнинг хотин-қизларга нисбатан гуманистик қарашлари Меҳинбону образи билан янада мукаммаллашади. Феодал тузуми ва реакцион ислом дини хотин-қизларни ҳар тарафлама камситиб, қуллик, жаҳолат ва нодонликда сақлаб келган бир замонда Навоий хотин-қизларнинг илмли ва ҳунарли бўлишларинигина эмас, балки йирик давлат арбоби бўлишларини ҳам орзу қилади. У ана шу орзуси туфайли идеал ҳукмдор Меҳинбону образини яратади. Меҳинбону — адолатли ҳукмдор, у мамлакатнинг ободлиги ва халқнинг осойишталиги учун курашади. Ариқ ва ҳовуз қазиш ишига раҳбарлик қилади. Жияни Ширинниинг тарбиясига катта аҳамият беради. Меҳинбону — илм-маърифат ҳомийси. У кишиларнинг илмли бўлишига ҳар томонлама кўмаклашади, олимларни қадрлайди, ҳурмат қилади. Унинг саройидаги ўн қиз илм ва ҳунарда ажойиб кишилар бўлиб етишади:

...Бу фанларда булар бир-бирдан аҳсан,
Юз ул фанлик аро ҳар қайси якфан,
Дилорому Дилорою Дилосо,
Гуландому Суманбўю Сумансо,
Паричеҳру Паризоду Париваш,
Парипайкар — зиҳи ўн исми дилкаш.

Меҳинбону кишиларнинг яхши мақсад, орзу-интилишларини қўллайди, уларга мадад беради. Фарҳод сиймосида улуғ бир инсон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни, садоқатли ёр, меҳнаткаш, ижодкор ва қаҳрамонни кўрган Меҳинбону уни самимият билан ҳурмат қилади, унга оналарча меҳр қўяди. У Фарҳод ва Ширинниинг соф муҳаббатини қизғин ҳимоя қилади.

Меҳинбону мамлакатни, халқни, Фарҳод ва Ширинларнинг орзусини разил Хисравнинг даҳшатли ҳужумидан мудофаа этишда жасорат ва тадбир билан иш тутади. Ноилож қолганидан кейингина Хисрав билан келишишга мажбур бўлади. Акс ҳолда, Хисрав эл-юрт бошига яна янги-янги офатлар келтирар эди, Меҳинбону билан Хисрав бир-бирига тамомила қарама-қарши кишилардир. Аёллардан чиққан ҳукмдор Меҳинбону мамлакатни обод ва халқни фаровон қилиш учун курашса, эрлардан чиққан ҳукмдор Хисрав мамлакатни хароб қилади, халқни эзиб талайди. Бу билан Навоий, бир томондан, одил ва золим подшо ҳақидаги қарашларини ифодаласа, иккинчи томондан, хотин-қизларга паст назар билан қараш тенденцияларига зарба бериб, кишининг яхши ёки ёмон бўлиши асло унинг эркак ёки аёллигида эмас, дейди. Бу фикр ғоят зўр прогрессив аҳамиятга эга эди.

Ёзма адабиётда Меҳинбону образини биринчи бўлиб Низомий яратган. Бу образни яратишда у Кавказ халқларининг афсона ва ривоятларидан ижодий фойдаланган. Меҳинбону образи адолатли ва маърифатпарвар подшо сифатида тасвирланади. Бу образ, худди Ширин образи каби, Низомий достонини XII аср муҳитига, Кавказ ҳаётига янада яқинлаштиради. Низомийдан кейин Меҳинбону образи «Хамса»ларнинг (ёки «Хисрав ва Ширин», «Фарҳод ва Ширин» номи билан яратилган алоҳида достонларнинг) традицион образига айланади. Меҳинбону образининг янгича моҳияти, хусусан, унинг Фарҳодга бўлган оналарча меҳри ва Хисравга қарши кураши, нафрати фонида ойдинлашади.

Шопур

«Фарҳод ва Ширин»нинг муҳим ижобий образларидан бири Шопурдир. У комил бир инсон, истеъдодли санъаткор — рассом ва сайёҳдир. Шопур — соф дил ва самимий киши. У дўстлик ва содиқликнинг тенги йўқ тимсоли. Достонда дўстлик ва садоқат Шопурнинг етакчи фазилати сифатида тасвир этилади. Фарҳод Шопур ва унинг ҳамроҳларини денгизда қароқчилардан қутқазган эди. Шундан бошлаб Шопур Фарҳодга дўст тутинади, Фарҳодни мурод-мақсадига етказиш, бахтиёр қилиш учун куч-қувватини аямайди. У Фарҳодни Арманистонга олиб боради, унинг ҳамма ишларига яқиндан ёрдам беради. У Фарҳоднинг севиклиси Ирингга ҳам содиқ дўст бўлиб қолади. Шопур тоғ қазишда Фарҳодга ёрдамлашиб қандай жонбозлик кўрсатган бўлса, Арманистонни Хисравнинг ҳужумидан мудофаа этишда ҳам шундай жонбозлик кўрсатади.

Шопур Фарҳоднинг васиятини бажариб, унинг кўкалдоши Баҳром билан бирга Хисравнинг ўғли Шеруяга қарши курашиб, уни енгади, Арманистонда адолат ва осойишталик ўрнатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий халқлар дўстлиги ғоясининг улуғ куйчисидир. У халқлар дўстлиги ғоясини «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам марказий масалалардан бири қилиб қўяди. Бу ғоя айниқса достоннинг уч ижобий образи — Фарҳод, Ширин ва Шопур образларида ёрқин ифодаланади. Хитойлик йигит Фарҳод арман қизи Ширинни севади. Эронлик Шопур бу севгига ҳомийлик қилади. Уларнинг фаолияти, дунёқараши, орзу-интилиши бир-бири билан чамбарчас боғланган.

Низомийдан бошлаб Шопур образи ҳам хамсачиликда традицион образга айланган эди. Навоий достонида Шопурнинг фаолияти Фарҳод фаолияти билан узвий боғланади (Низомийда эса у Хисравнинг тарбиячиси, дўсти ва ҳомийсидир). Бу ҳолат Шопур образига янги сифат ва хислатлар бағишлаб, уни Фарҳод қаторидан ўрин тутган, халқ учун фидокор, зулм ва зўрликка қарши курашувчи жанговар бир кишига айлантиради. Шундай қилиб, Навоий достонида Шопур образи ҳам такомиллашади, достон воқеаларининг ривожи ва ечимида актив роль ўйнайди.

Шопур, Гамлетнинг садоқатли дўсти Горацио каби, жаҳон адабиёти тарихида дўстлик ва садоқатнинг бир символи бўлган ўлмас образлардандир.

Бошқа ижобий образлар

«Фарҳод ва Ширин»да яна бир неча ижобий образлар бор. Булардан ҳар бири достон сюжетининг, унда қўйилган масалаларнинг ривожида маълум ўрин тутади, достоннинг бадиий қимматини оширади. Хоқон, вазир Мулкоро, Баҳром, олим Суҳайло ва бошқалар шундай образлардир.

Низомий достонида хоқон образи йўқ. Амир Хисрав Деҳлавий эса Фарҳодни Хитой хоқонининг ўғли қилиб олади, у хоқон ҳақида асосан Фарҳоднинг Ширинга ўз саргузаштини ҳикоя қилиб бериши эпизодида сўзлайди. Фарҳод меъморчиликка қизиқади, хоқон шаҳзодага бу касб билан шуғулланишни ман этади, Фарҳод норози бўлиб юртидан чиқиб кетади ва охири Арманистонга келиб қолади. Навоий достонида эса хоқон муҳим бир образдир. У асар воқеаларининг ривожида салмоқли ўрин тутади. Хоқон одил, маърифатпарвар ҳукмдор ва мушфиқ, меҳрибон падар сифатида тасвирланади. Унинг мол-мулк ва шон-шавкатда камчилиги йўқ, лекин фарзандсиз. Ниҳоят, хоқон фарзанд ҳам кўради. Элюртга тўй-томоша бериб, аҳолини уч йиллик хирождан озод этади:

Олиб кишвар элининг эҳтиёжин,
Бағишлаб элга уч йиллик хирожин.

У Фарҳоднинг ҳар томонлама тарбия олишига катта эътибор беради. Нури дийдасини шод қилиш учун қасрлар қурдиради, ҳатто тож-тахтини унга таклиф қилади. Бу билан у, бир томондан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўзи очиғида муносиб валиаҳд етказиб, уни давлатни бошқариш ишига тайёрламоқчи бўлса, иккинчи томондан, ўйчанлик ва ғамгинликдан йироқлаштирмоқчи бўлади. Хоқон Фарҳодни одил бўлишга ва элнинг маслаҳати билан иш кўришга йўллайди:

Неким элнинг салоҳидир, они қил,
Менинг будур салоҳим, эмди сен бил.

Фарҳоднинг одоб билан айтган оқилона сўзлари хоқонга манзур бўлади, у ўғлини тахтга чиқишга ортиқ қистамайди. Хоқон Фарҳодни донишмандлар ўлкаси Юнонга олиб боради, ўғлини ҳакимлар маслаҳати билан иш қилишга ундайди.

Хоқон образи билан Навоий адолатли ва маърифатпарвар подшо ғоясини илгари суради. У аҳил, иттифоқ ота-бола образи орқали тож-тахт талашиб юрган Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғилларига ўгит ҳам беради.

Баҳром достонда адолат символи сифатида тасвирланган. Баҳром мард, ботир ва адолатпарвар шахс. У ёшликдаги дўсти Фарҳодни унутмайди, уни излаб Арманистонга келади. Фарҳод билан Ширинниng ўлими уни қаттиқ қайғуртиради. Баҳром ўз олдига Арманистонни озод этиш вазифасини қўяди. У Шеруяни енгади. Арманистоннинг хароб қилинган жойларини қайта тиклайди. Мамлакатда осойишталик ўрнатади. Баҳром образи достонни оптимистик руҳда хотималаш учун хизмат қилади. Бу образни яратишдан Навоийнинг асл мақсади ҳам шу эди.

«Фарҳод ва Ширин»даги муҳим ижобий образлардан яна бири олим Суҳайлодир. Суҳайло 500 йил умр кўрган, горда маскан тутган «замонасининг Суқротидир». Халқ эртакларидагидек фантастик тарзда тасвир этилган бу образнинг замирида реалистик ҳақиқат, мақсад бор. Маълумки, Навоий илм-фанни юксак қадрлар, унинг куч-қудратига катта баҳо берар эди[1]. Унингча, турли хил мушкулотларни олимларсиз ҳал этиш мумкин эмас. Давлат арбоблари ҳар бир масалада олимлар билан кенгашишлари, уларга таянишлари керак. Суҳайло ҳам шундай олимлардан. У маслаҳатга келган хоқон ва Фарҳодга «келажакнинг калити»ни топширади. Унинг кўрсатмалари асосида Фарҳод Искандар тилсимини очади, аждарни ўлдиради, Аҳраманни енгади ва Чинга қайтиб, кўзгуда Ширинни, ўз келажагини кўради.

Салбий образлар

«Фарҳод ва Ширин»да яхшилик билан ёмонлик, маърифат билан жаҳолат, қаҳрамонлик билан мунофиқлик, адолат билан разолат ўртасида узлуксиз кураш боради. Яхшиликни ва яхшилик кучларини Фарҳод, Ширин, Меҳинбону ва Шопур каби образлар сиймосида мужассамлаштирган Навоий Хисрав, Шеруя, Бузург Уммид ва бошқа салбий образлар орқали инсон учун офат келтирувчи ёвуз кучларни тас-

[1] Навоийнинг Улуғбекка берган баҳоси ва таърифини эсланг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

вирлайди. Булар ҳар қандай яхшилик, чин инсоний фазилат ва улуғ мақсадларнинг ашаддий душмани, ўз шахсий манфаати йўлида ҳеч қандай қабоҳат ва разолатдан қайтмайдиган кишилардир. Уларнинг зулми билан обод жойлар вайрон бўлади, тинчлик ўрнини уруш ва жанжал эгаллайди, мамлакат бойлиги таланади, гуноҳсиз кишиларнинг боши кесилади. Навоий Хисрав, Шеруя, Бузург Уммид ва бошқа салбий образларда ўз давридаги реакцион феодал аристократларнинг хатти-ҳаракатларини, зулм-зўрликларини кўрсатади. У айниқса ўзаро феодал урушларни ва темурийлар ўртасидаги тож-тахт талашларини қаттиқ қоралайди, темурий шоҳ ва шаҳзодаларнинг маиший бузуқлиги ва жоҳиллигини қаттиқ танқид қилади. Бинобарин, бу образлар реалистик моҳиятга эга бўлиб, XV аср ҳаёти учун типик образлардир.

Хисрав

Хисрав — худбин, золим, жоҳил подшо. Унинг бутун қилмиши халқни талаб бойлик орттиришга, кайф-сафо суришга қаратилган. У Ширинниng гўзаллигини эшитиб «ошиқ» бўлади, уни хотин қилиб олиш баҳонаси билан Арманистонни эгалламоқчи, халқнинг мол-мулкини талон-торож қилмоқчи бўлади. Фарҳод тили билан айтганда, у «севги» сўзини ҳам бошқалардан эшитиб олган. Бу «ошиқ» подшо ўзининг ёвуз ниятларини қурол кучи билан амалга оширмоқчи бўлади. Қурол кор қилмагач, макр-ҳийлани ишга солади. Эронда халққа қаттиқ жабр қилган Хисрав Арманистонда янада қаттиқроқ зулм қила бошлайди, кўп обод жойларни хароб қилади, кишиларни қириб ташлайди. Бироқ бу золим мақсадига эриша олмайди. Бу ёвуз иккинчи бир ёвузнинг, ўз ўғли Шеруянинг қўли билан ҳалок қилинади.

Шундай қилиб, Хисравни салбий образ сифатида тасвирлаш ва уни фош этиш достоннинг реалистик моҳиятини чуқурлаштиради, практик аҳамиятини оширади, чунки Навоий Хисрав образи орқали феодал ҳукмдорларнинг, жумладан, темурийларнинг бир қатор салбий томонларини қаттиқ танқид қилади.

Шеруя

Шеруя ўз жоҳиллиги, инсофсизлиги ва разиллиги билан отаси Хисравдан қолишмайди. У худбин, мансабпараст ва балхулқ. Шеруя Ширинга ошиқлик ниқоби остида (унда чин севги йўқ эди) ўз отасини ўлдиради. Аслида унинг мақсади отасининг тож-тахтини эгаллаш ва Арманистонни қўлга киритиш эди. Аммо у мақсадига эришолмайди. Баҳромнинг одил ҳужумига тоб беролмай енгилиб, шармандаю шармисор бўлади.

Навоийнинг Хисрав билан Шеруя ўртасидаги фожиали низога катта эътибор бериши бежиз эмас эди. Бундай низолар Навоий яшаган давр учун ҳам хос эди (Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғиллари ўртасидаги низолар). Навоий шоҳ ва шаҳзодалар ўртасидаги низоларни қоралайди, уларни яхши сифат ва хислатларни эгаллашга, аҳил, иттифоқ бўлишга чақиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хисрав ўз атрофига айёр, қаллоб ва хиёнатчи кишиларни тўплаб олган эди. Унинг вазири Бузург Уммид, Маккор, Ялмоғиз кампир ва бошқалар шулар жумласидандир[1].

Достонда Фарҳод ва Ширин каби ижобий қаҳрамонлар Хисрав бошлиқ ёвуз кучларнинг зулм-зўрлиги, макр-ҳийласи билан ҳалок бўладилар. Лекин қачон бўлмасин, адолатнинг ғалаба қозонишига ишонган Навоий достонни оптимистик руҳда — Шеруянинг мағлуб этилиши, Арманистонда адолат ва осойишталик ўрнатилиши билан тугатади.

«Фарҳод ва Ширин»нинг бадиий хусусиятлари

«Фарҳод ва Ширин» эпик достондир. Бош қаҳрамон Фарҳоднинг саргузашти, ҳаёт ва кураш йўли достоннинг асосини, ундаги воқеаларнинг манбаи ва йўналиш нуқтасини ташкил этади. Барча воқеалар, кураш ва тўқнашувлар, образлар шу саргузашт заминида пайдо бўлади ёки унга келиб боғланади, достоннинг сюжети ва композицияси мураккаблашиб боради.

Кўринишда, достон оддий ҳаёт воқелиги билан бошланади, фарзанди йўқ хоқон ўғил кўради. Болага Фарҳод деб ном қўядилар. Шоир Фарҳод сўзини муаммо йўли билан изоҳлаш орқали қаҳрамонининг сифатлари ва кураш йўлларига ишора қилади:

Жамолидин кўрингач фарри шоҳи,
Бу фардин ёруди маҳ то ба моҳи.
Қўюб юз ҳиммату иқболу давлат,
Ҳам ул фар соясидин топди зийнат,
Бу жавҳарларға чун иснод топти,
Мураккаб айлагач Фарҳод топти...
Анга фарзона Фарҳод исм қўйди,
Ҳуруфи маъхазин беш қисм қўйди.
Фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард,
Бирар ҳарф ибтидодин айлабон фард[2].

Фарҳоднинг гўдаклиги ва болалик айёми билан, эртаклардагидек паҳлавонлиги, куч-қуввати, фаҳм-фаросати ва ақл-заковати билан танишиб, унга меҳр қўйган китобхон бу «фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард»нинг нималигига тобора қизиқади, севикли қаҳрамонининг тақдиридан хавотирланади. Лекин шоир китобхонни бирданига саргузаштлар оламига олиб кирмайди. Фарҳод ўқий-

[1] Навоий достонида Фарҳодга гул искатиб уни беҳуш қилган маккор (эркак) ва «Ширин ўлди» деган ёлғон овоза билан Фарҳодни ҳалок этган кампир образлари берилган. «Фарҳод ва Ширин» саҳна асарида эса бу икки образ бирлаштирилиб, унга Ёсуман деб ном қўйилган.

[2] Бу парчада Фарҳод сўзига икки хил изоҳ берилган: а) «Фарҳод» сўзи «фарри шоҳи» («шоҳлик нури») дан «фар» فر «ҳиммат» هیمت «иқбол» اقبال ва «давлат» دولت сўзларининг биринчи ҳарфини олиб, бирбирига қўшишдан ҳосил бўлган فرهاد — فر + ه + ا + د.

б) «Фарҳод» сўзи «фироқ» فراق, «рашк» رشك, «ҳажр» هجر «оҳ» اه, «дард» درد сўзларининг биринчи ҳарфлари қўшилишидан فرهاد — ف + ر + ه + ا + د таркиб топган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, ҳунар ўрганади. Бироқ у ғамгин, бу ғамгинлик кундан кунга кучайиб боради. Қасрлар ҳам, отасининг тож-тахтини таклиф этиши ҳам ундаги ғамгинликни тарқатолмайди. Фарҳод алланималарга интилади, алланималарни орзу қилади. Лекин унинг бу интилиши, орзуси ҳали равшан эмас. Ниҳоят, Фарҳод отасининг хазинасида сирли ойнадаги ёзувни кўриб, Юнонистонга (Грецияга) жўнайди, аждарни, Аҳраманни енгади, Искандар тилсимини очади. Юртига қайтиб, у тилсим очилган ойнада тоғ-тош кесиб сув очаётган кишиларни, меҳнат ва ижод мўъжизаларини кўрсатаётган йигитни (ўзини) ва гўзал қизни (Ширинни) кўради, унга ошиқ бўлади. Достоннинг тугуни шу ўриндан бошланади. Фарҳод образининг реалистик моҳияти ривожланиб боради. У аждар, Аҳраман каби афсонавий кучларга қарши курашувчи қаҳрамондан, тоғ-чўлда тер тўкиб сув очган, Хисравдек золим ва жоҳил подшоларга қарши мардона курашган қаҳрамонга айланиб боради. Достонда янги-янги воқеа ва курашлар пайдо бўлади, воқеалар саҳнасига янги-янги образлар кириб боради. Бу воқеалар Фарҳод ва Шопур, Фарҳод ва Ширин, Фарҳод ва Меҳинбону, Фарҳод ва Хисрав, Фарҳод ва Баҳром; Ширин ва Меҳинбону, Ширин ва Фарҳод, Ширин ва Хисрав; Меҳинбону ва Ширин, Меҳинбону ва Фарҳод, Меҳинбону ва Хисрав; Хисрав ва Ширин, Хисрав ва Меҳинбону, Хисрав ва Фарҳод, Хисрав ва Шеруя; Шеруя ва Хисрав, Шеруя ва Ширин, Шеруя ва Баҳром композиция чизиқларида ривожланади, бу композиция чизиқларининг барчаси бир-бирига уланиб достоннинг ягона — монолит композициясини вужудга келтиради. Достоннинг ҳар боби (жами 53 боб) шу композициянинг муҳим бир ҳалқасини ташкил этади.

Фарҳод бошлиқ ижобий образлар билан Хисрав бошлиқ салбий образлар — инсоннинг дўстлари билан унинг душманлари, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш достоннинг конфликтидир. Бу конфликтнинг, айни чоғда достон тугунининг кульминацияси Фарҳод билан Хисрав мунозарасидир. Фарҳод ва Ширин ҳалок бўлади, лекин достон тугуни уларнинг маънавий ғалабаси билан — Баҳром ва Шопурларнинг Шеруяни енгиб, адолат ва осойишталик барқарор этиши билан очилади.

«Фарҳод ва Ширин»да кўпгина лирик парчалар — лирик муқаддима, лирик чекиниш ва лирик хотималар ҳам бор. Бу лирик парчалар воқеанинг мазмунига тоғлий хулоса ясайди, шоирнинг ўз қаҳрамонларига бўлган муносабатини, унинг ички руҳий кечинмалари ва хоҳиш-истакларини ифодалайди ҳамда эпизодларни бир-бирига боғлайди.

Навоий образларни тайёр ҳолда бермайди. Фарҳод ва Ширин образлари воқеанинг ўзи билан бирга, кураш ва тўқнашувларда, изланиш ва синовларда ўсиб, камол топиб боради. Бу, биринчи навбатда, достоннинг бош қаҳрамони Фарҳод образига тааллуқлидир. Ҳар бир образ ўз индивидуал жиҳатлари билан, дунёқараши,

www.ziyouz.com kutubxonasi

мақсади, кишиларга муносабати, хулқ-атвори ва ташқи қиёфаси билан тўла намоён бўлади. Фарҳод ғайрати, ижодкорлиги, журъати, самимийлиги, мустаҳкам иродаси ва шунингдек келишган ташқи қиёфаси, бақувватлиги билан; Ширин гўзал хулқи, садоқати, қатъияти ва латофати билан; бошқа ижобий образлар ҳам ўзларининг яхши фазилат ва хислатлари билан гавдаланиб, китобхонларнинг муҳаббатига сазовор бўладилар. Салбий образлар эса золимлик, жоҳиллик, худбинлик ва маккорлик каби жирканч томонлари билан китобхоннинг нафрат ва ғазабини уйғотади. Хисравнинг қўпол, беўхшов ташқи қиёфаси унинг золимлигини янада тўлароқ тасвирлашга ёрдам беради.

Навоий яратган образлар ички руҳий кечинмалари билан ҳам китобхоннинг кўз ўнгида мукаммал гавдаланади. Бунга, хусусан, кўзгуда Ширинни кўрган Фарҳоднинг ҳолати, Ширинниинг Фарҳодга ёзган дард-аламли мактуби ва бошқалар ёрқин мисол бўла олади. Кичик бир эпизод келтирайлик. Меҳинбону меҳнат мўъжизалари кўрсатган Фарҳоднинг бошидан дуру лаъл сочдиради. Бироқ Ширин кўринмагани учун булар Фарҳодга татимайди, аксинча, дуру лаъл унинг бошига ёғдирилган тошдек туюлади:

Анинг ҳар гомиға айлаб нисоре,
Сочиб бошиға нақди бешуморе.
Синуқ бошиға бўлмоқ лаълу дур пош,
Кўрунуб ҳажр аро ёққан киби тош...

Навоий қаҳрамонларнинг тилига ҳам катта эътибор беради. Қаҳрамонлар тилидаги ўзига хос хусусиятлар уларнинг маънавий қиёфасини ёритишга ёрдам беради. Масалан, Фарҳод билан Хисравнинг мунозарасини эслайлик. Фарҳоднинг ифода услуби, фикрини очиқ-ойдин ва қатъий баён этиши унинг мустаҳкам иродаси, мардлиги ва донолигини кўрсатиб турса, Хисравнинг ифода услуби, айниқса буйруқомиз дағдағали сўзлари унинг фикрий ожизлиги, нодонлиги ва худбинлигини англаб олишга ёрдам беради. Ширинниинг Фарҳодга ёзган мактубида унинг ўз севгилисига бўлган яхши нияти, шафқати, мурувватн, самимияти ва садоқати очиқ ифодаланиб турибди.

Навоий бадиий тасвир устасидир. У киши образларинигина эмас, балки ҳаётнинг турли лавҳалари ва табиат манзараларини ҳам катта маҳорат билан тасвирлайди. Масалан, қиш фасли тасвирланган қуйидаги парчани кўрайлик:

Совурди чун шажар баргини сарсар,
Су(в)нинг сиймобини дай қилди мармар.
Ҳаво доғи булутдин кийди синжоб,
Булут доғи ҳавога сочди сиймоб.
Дай устоди нечунким заргари Чин,
Зилол атфоли лавҳин қилди сиймин.
Булутдин ким томиб ҳар қатраи су(в),
Бурудатдин ёғиб оламга инжу...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мазмуни:

Қаттиқ шамол дарахт(лар) баргини совурди, қиш симобдек ҳаракатдаги сувни муэлатди. Ҳаво булутдан синжоб (олмахонга ўхшаш бир хил ҳайвон терисидан тикилган пўстин) кийди; булут ҳавога қор (симоб) сочди. Қиш устаси, Чин заргари кумушдан тахт ясагандек, сув (муз)дан тахт ясади. Булутдан томган ҳар томчи сув совуқдан инжу бўлиб оламга ёғилди...

Шоир тасвирий ўринларда бадиий фантазияни ишга солади, халқ оғзаки ижодидаги тасвирий усуллардан илҳом олади. Масалан, Фарҳоднинг аждарга қарши кураши, Аҳраманни енгиши, Искандар тилсимини очиши, денгизда қароқчиларга қарши курашуви ва бошқа эпизодлар бадиий тасвир жиҳатидан халқ эртаклари ва афсоналарига жуда ўхшаб кетади. Қасрларнинг кўриниши, тоғда ариқ қазиш, Фарҳоднинг Хисрав билан жанги ва бошқа эпизодлар ҳам тасвирий жиҳатдан мароқли бўлиб, китобхоннинг кўз ўнгида жонли манзарадек гавдаланади.

Навоий тазод, мумтанеъ ва жонлантириш каби бадиий усулларнинг, ўхшатиш, муболаға ва мажоз каби бадиий тил воситаларининг ранг-баранг ва ажойиб намуналарини яратади, кўпинча бир неча бадиий усул ва тил воситаларини бир образ ёки лавҳада мужассамлаштиради, фалсафий фикр, ҳаётий лавҳа ёки романтик орзу ажойиб ва нафис бадиий либос кияди. Мисоллар:

Кўзида сув ва лекин кўнглида ўт,
Бўлиб ҳар сори боқмоқдин кўзи тўрт.

(Фарҳод каналга сув очишга жўнамоқда, кишилар кўп, лекин Ширин кўринмайди. Сув очишга кетаётган Фарҳоднинг кўзида сув, кўнглида ўт. Бир-бирига зид бўлган сув билан ўтни бирга бериш тазод усулидир. «Кўзи тўрт» эса халқ орасида кенг тарқалган таъбирдир. Тазод ҳам, бу таъбир ҳам Фарҳоднинг ҳолатини, унинг руҳий кечинмаларини тўлароқ ифодалашга хизмат этади.)

Анга роқиб ҳамиша ул париваш,
Бўлуб ул дев пайкар ҳам парикаш.

(Ширинниng оти таърифида шоир у отни девга, Ширинни эса парига ўхшатади. Қадимги афсонавий тушунчаларга кўра, қаерда пари бўлса, ўша ерда дев бўлиши, ёхуд қаерда дев бўлса, ўша ерда пари бўлиши табиийдир. Шу тушунча асосида қўлланилган адабий усул ўтмиш адабиётшунослигида лозим ва малзум усули деб аталган.)

Мумкин бўлмаган нарсани мумкин деб тасвирлаш *мумтанеъ усули* дейилади. Масалан, қуйидаги байтнинг иккинчи мисрасида «Суви келмаган ариқда қўл ювдим» дейилади:

Ариққим мудзиға юз ганж бердим,
Су(в)и келмай илик ондин юб ярдим.

...Чу ул маҳд ичра кирди сарви гулрў,
Кўрарким элтмиш меҳмонни уйқу.
Менингдек уйқуни ким кўрди жовид,
Ки уйғонмай, етиб бошиға хуршид?

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Фарҳод ўлган. Уни кўргани Ширин келади. Сарвқомат, гул юзли Ширин қараса, меҳмонни уйқу эълтибди. Фарҳод — меҳмон, чунки у мусофирликда. Шу билан бирга, мусулмон эътиқодига кўра, инсон дунёда бир меҳмондир. Фарҳод гўё уйқуда ётибди. Ухлаб ётган кишининг устига қуёш тушганда, у уйғониб кетади. Ширин — қуёш. Лекин бу қуёш Фарҳод устида пайдо бўлганда, нега у уйғонмади? Чунки Фарҳод абадий уйқуда эди.)

Кўриб турибмизки, шу тўрт мисранинг ўзида қанча чуқур фалсафий фикр, ҳаётий лавҳа ва гўзал образлар бор.

Тун. Қаттиқ ёмғир ёғади. Ёмғирдан кейин:

Ясаб чун ул су(в)дин айлаб таваққум,
Янги ой кемасин кирмакка анжум.

(Ҳаво очилади. Юлдузлар ва янги ой кўринади. Кўк гўё бир денгиз. Шунча ёмғирдан кейин сув денгизининг пайдо бўлиши табиий-да. Юлдузлар бу сувда оқиб ёки чўкиб кетмайлик деб ойдан кема ясаб, унга тушиб олмоқчи (янги ой кема шаклига монанд.)

Шажар гар бўлмаса товуси боғи(й),
Недин товусдек ўлди оёғи?
Магар англаб ўзига уйқу чоғин,
Пари ичра ўгурлаб бир оёғин.

(Дарахт — боғ товуси. У шоху барглари, кўрки билан товусга ўхшайди. Агар шундай бўлмаса, нега унинг танаси товуснинг оёғига ўхшайди? Аммо товуснинг оёғи иккита-ку, дарахтнинг танаси битта. Ҳа, товус ухлаганда бир оёғини патининг орасига яширади, дарахтнинг танаси шу ҳолатга ўхшайди.)

Кетурдилар бу хинги бодпаймой,
Равон минди шафақ гулгунида ой.

(Ширинниг қизғиш тусли отга миниши шафақ устида ой кўринишига, от шафаққа, Ширин ойга ўхшатилади.)

Кесиб ҳар тешаси қилғоч хароши,
Фалак фили юкидек пора тоши.

(Фарҳод қазиган тошнинг ҳар парчаси фалак филига ортилган юкка ўхшайди.)

Анингдек тешадин сакраб ушоқ тош,
Ки нозир бир йиғочдин қочуруб бош.

(Фарҳод тешасидан отилган тош ушоқлари шундай узоққа учадики, унинг ишини бир ёғоч — 7 *км* га яқин жойдан туриб кузатувчи киши, бошимга тош келиб тушмасин деб, ўзини панага олади.)

Хуллас, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони ҳам, Низомий ва Хисрав Деҳлавий достони каби, ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида (мафоилўн мафоилўн фаулўн) ёзилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Фарҳод ва Ширин» нинг халқ вариантлари

«Фарҳод ва Ширин» халқ орасида кенг тарқалган асарлардандир. Унинг афсона ва ривоят, эртак ва достон вариантлари бор. Булар сюжети ва композицияси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади, лекин ғоявий мазмуни билан жуда яқин туради. Сув учун, халқнинг осойишталиги ва фаровонлиги учун кураш, самимий севги ва садоқат «Фарҳод ва Ширин» вариантларининг асосий моҳияти ва лейтмотивини ташкил этади. Уларнинг кўпчилигида меҳнаткаш ва ижодкор Фарҳод золим ва айёр Хисравга қарши қўйилади.

«Фарҳод ва Ширин»нинг қайси варианти қачон вужудга келганини аниқлаш қийин. Бироқ шуниси аниқки, «Фарҳод ва Ширин» кўп асрлар мобайнида яшаб келган, такомиллашган асарлардандир. Унинг қадимги вариантларидан бири XII—XIII асрларда марказий Қорақумда бино бўлган Девқалъа номи билан боғлиқдир[1].

Шунингдек, бундан бошқа кўп жойлар ҳам Фарҳод ва Ширин номлари билан аталади: Бекобод районида Ширинсой, Фарҳодтоғ, Хисрав қудуғи; Шеробод районида Ширин даҳмаси; Бойсун районида Бибиширин қишлоғи ва бошқалар. Шуларнинг ҳар бири билан боғлиқ бўлган турли бадиий асарлар бор. Уларда ё Сирдарё, ёки Амударё (баъзан умуман Дарё) сувларини чўлга чиқариш учун кураш ҳикоя қилинади.

Ўзбек халқ эртакларидан бирида ҳикоя қилинишича, Фарҳод бир камбағалнинг ўғли экан. Отаси ўлиб, унга бир кетмон, бир сандиқ мерос қолибди. Фарҳод сандиқни очиб қараса, унда бир кўзгу бор экан. Кўзгуга қараб гўзал бир қизни кўрибди ва беҳуш бўлиб йиқилибди. Ўртоғи Шопур келиб, уни ўзига келтирибди. Фарҳод билан Шопур бу гўзал қизни излаб йўлга тушишибди, улар жуда кўп юриб, охири Бекободга келибдилар. Бекобод хароб бир жой экан; у ернинг аҳолиси машаққат чекиб, тоғ-тош кесиб, Сирдарё сувини чўлга оқизиш тараддудида экан. Фарҳод отасидан қолган кетмон билан ишга тушиб, мўъжизалар кўрсатибди. Фарҳоднинг овозаси Бекобод ҳукмдори Гулчеҳра ва унинг жияни Ширинга бориб етибди. Фарҳод кўзгуда кўрган гўзалнинг ўзини кўрибди. Фарҳод шарафига зиёфат берибдилар.

Ширинниинг ҳуси-жамоли таърифини эшитган Эрон шоҳи Хисрав совчи юборибди. Гулчеҳра Ширин ҳали ёш деб рад жавоби берган экан, Хисрав ғазабланиб, Бекободга қўшин тортибди. Бироқ Фарҳоднинг тоғдан қулатган тошлари Хисрав қўшинини тўзғитиб юбориб, катта шикаст етказибди. Шунда Хисрав вазирининг маслаҳати билан қийла йўлига ўтибди: Мирзачўлга ким сув чиқарса, Ширин ўшанга тегсин, дебди. Фарҳод зўр бериб ишини давом эттирибди. Хисрав Мирзачўлга бўйра ёдирибди. Бўйралар товланиб сувдек мавж беribди. Ширин ноилож Хисравнинг таклифига кўнибди. Лекин тоғ отгандан кейин алданганини билган Ширин кўз ёши тўкиб Фарҳод томон йўл олибди. Хисравнинг қийласини эшитган Фарҳод ҳам Ширинниинг ёнига жўнабди. Ўртада Сирдарё оқиб ётган экан. Ошиқ-маъшуқ икки томонда қолибди. Шунда Фарҳод Ширинга қўлини чўзган экан, у тоққа айланиб қолибди. Ширин кўз ёши тўка бериб, сойга айланибди. Ўшандан бери кишилар тоғни Фарҳодтоғ, сойни Ширинсой деб атар эканлар.

---

[1] Қаранг: С. П. Толстов, Древний Хорезм, Москва, 1948.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошқа ўзбек халқ эртакларининг мазмуни ҳам шу вариантга ўхшайди. Бироқ уларнинг хотимасида Хисравнинг ҳийласини ёшитган Фарҳод ўзини ҳалок этади, Фарҳоднинг ўлимига чидай олмаган Ширин ҳам ўзини ўлдиради[1].

Халқ орасида «Фарҳод ва Ширин»нинг булардан бошқа яна турли вариантлари: эртаклар, афсоналар ва достонлар бор. Фарҳод ва Ширин номлари халқ қўшиқларидан, бахшиларнинг термаларидан ҳам кенг ўрин олади[2].

Буларнинг барчаси «Фарҳод ва Ширин»нинг халқ оммаси орасида қанчалик кенг илдиз ёйгани ва унинг севикли достонга айланганини кўрсатади. Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонини яратишда салафлари достони билан кифояланмай, тарих асарларига, айниқса халқ оғзаки ижодига ҳам катта эътибор берган эди. У халқ оғзаки ижодини ранг-баранг гулларга бой бепоён чаман, дурларга кон тубсиз денгиз деб ҳисоблар эди:

Биравким бир чаманда сойир эрди,
Нечаким гул очилғон кўрди, терди.
Ҳамул ерда эмас гул истамак хўб,
Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп...
Ки бу баҳр ичра ким поён анга йўқ,
Етишмак қаъриға имкон анга йўқ.
Етишкан эл неча дур олғон эрмиш,
Не олий қадр дурлар қолғон эрмиш.
Ки чун мен зори бесармоя еттим,
Териб бу дилрабоға зевар эттим...

Биз Навоийнинг қайси афсона ва ривоятлардан, халқ эртакларидан фойдаланганини билмаймиз. Бироқ шуниси равшанки, у халқ оғзаки ижодидан кенг фойдаланди. Шу билан бирга, улуғ шоир халқ оғзаки ижодига самарали таъсир этди. Шубҳа йўқки, бир қатор афсона ва эртаклар Навоий достони асосида вужудга келган. Биз юқорида танишиб ўтган ўзбек халқ эртаги ва шу билан бирга озарбайжон эртагида ҳам Навоий достони билан ўхшашлик ва ҳамоҳанглик яққол кўзга ташланади. Машҳур халқ шоири Фозил Йўлдош ўғли эса бевосита Навоий достони асосида «Фарҳод ва Ширин»нинг фольклор вариантини яратади. Бу вариантда,

---

[1] Озарбайжон, турк ва бошқа халқларда ҳам «Фарҳод ва Ширин»нинг турли вариантлари мавжуд.

[2] XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида «Фарҳод ва Ширин» вариантлари А. Кушакевич, Н. Ляпунова, Н. Волинский ва бошқалар томонидан ёзиб олинади. Н. Волинский вариантида «Фарҳод ва Ширин» янгича хотималанади. Туркистон Россияга қўшилади. Мирзачўлга сув чиқарилади. Фарҳод ва Ширинлар тирилиб, қабрдан туриб, бир-бирининг қучоғига отилади. Сув ва дўстлик Мирзачўлгагина эмас, балки ўлик Фарҳод ва Ширинларга ҳам жон бағишлайди. Бу халқнинг ўтмишдаги асрий орзуси эди.

«Фарҳод ва Ширин»нинг турли вариантлари Назармат Эгамназаров (1939 йил), М. Афзалов (1944 йил), М. Алавия (1945) ва бошқалар томонидан ҳам ёзиб олинади. Шулардан Фозил Йўлдош достони нашр этилади (1968).

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўп халқ асарларида бўлганидек, Фарҳод ва Ширин ҳалок бўлмайди, балки мурод-мақсадига эришади.

«Фарҳод ва Ширин»нинг халқ вариантларидан ташқари, китобий вариантлари ҳам бор. Умар Боқий (XIX аср) «Фарҳод ва Ширин» нинг қисқа насрий вариантини тузиб чиқади. Шоир Маҳзун (XIX аср) ҳам «Фарҳод ва Ширин» қиссасини ёзган. Мир Махдум эса «Насри хамсаи беназир» номи билан «Хамса»нинг насрий баёнини китоб қилиб нашрга тайёрлади (Тошкент, 1908).

«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН»

«Лайли ва Мажнун»нинг тарихига доир

«Лайли ва Мажнун» жаҳон адабиётида севги ҳақида яратилган энг ғамгин қиссалардан биридир. У ўнлаб ёзувчилар ва халқ ижодчилари томонидан қайта-қайта ишланиб, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари орасида ниҳоятда кенг тарқалган.

«Лайли ва Мажнун» кўп асрлик мураккаб тарихга эга. Унинг куртаклари, академик И. Ю. Крачковский таъкидлаганидек[1], VII асрнинг иккинчи ярмига бориб тақалади. Айрим араб манбаларининг маълумотига кўра, Мажнун тарихий шахс бўлиб, у Бани Омир қабиласидан чиққан, унинг асл номи Қайс ибн Мулавваҳ (ёки Қайс ибн Муод) бўлган[2]. Қайс ўз қабиладоши Лайли деган қизни севган[3], ўз севгиси ва ҳижрон аламлари ҳақида мунгли шеърлар битган. Бундай маълумот, жумладан, ибн Қутайбанинг (889 йилда вафот этган) «Китобуш-шеър ва шуаро» асарида ҳам келтирилади. Лекин бошқа бир қатор манбалар бу маълумотларни рад этади. Масалан, 764 йилда вафот этган араб олими Авон ибн-Ҳаким ал-Қалбий ҳам, 819 йилда вафот этган араб тарихчиси Ҳишом ал-Қалбий ҳам Мажнун тарихий шахс эмас, унинг номи мажозийдир, шеърлар эса ўз яқин қариндошларидан бирининг қизига ошиқ бўлган умавийлар хонадонига мансуб бир йигитнинг шеърлари бўлиб, у ўз номини ошкор этмаслик учун Мажнун тахаллусини қўллаган, дейишади. Шундай қилиб, Мажнуннинг тарихий шахслиги масаласи мунозарали бўлиб қолади. Лекин VII асрнинг иккинчи ярмидаёқ араб поэзиясида Мажнун тахаллуси зикр этилган кўпгина мунгли шеърлар вужудга келади,

---

[1] И. Ю. Крачковский. Ранняя история повести о Меджнуне и Лейле в арабской литературе. («Алишер Навои». сб. статей. Изд. АН СССР, М.-Л., 1946).

[2] Баъзи манбалардан унинг номи Маҳдий ибн Муод, ал-Буҳтурий ибн-ал-Жаъд ва бошқалар деб кўрсатилади.

[3] Баъзи маълумотларга қараганда, Лайли тарихий шахсдир. Машҳур тожик шоири ва мутафаккири Носир Хисрав (XI аср) «Сафарнома» асарида ҳикоя қилишича, у Арабистонда бўлган чоғида, Тоиф яқинида кишилар унга Лайли яшаган қўрғоннинг харобаларини кўрсатган эканлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бундай шеърлар тобора кўпайиб боради, тўпламларга киритилади. Аммо Мажнун номи зикр этилган шеърларнинг барчаси ҳам ёлғиз бир кишиники эмас эди. Араб олимлари ал-Жоҳиз (IX аср) ва 908 йилда вафот этган ибн ал-Муътазнинг айтишича, кишилар Лайли номи билан боғлиқ бўлган барча шеърларни Мажнун номига нисбат бераверганлар. XII асрда Абу Бакр ал-Волибий деган киши Мажнун номига нисбат берилган шеърларни девон қилиб тузади, уларга шарҳлар беради ҳамда шеърларни Мажнун ҳақидаги ривоятларнинг сюжетига киритади.

Демак, Мажнуннинг тарихий шахслиги масаласи мунозарали бўлгани каби, Мажнун номига нисбат берилган шеърларнинг автори масаласи ҳам мунозаралидир. Бироқ шуниси аниқки, мана шу шеърлар заминида Мажнун ҳақида ривоятлар пайдо бўла бошлаган эди. Агар VIII аср бошларида Мажнун ҳақидаги ана шундай айрим ривоятлар пайдо бўлган ва улар ҳали у қадар кенг тарқалмаган бўлса, IX асрга келиб бундай ривоятлар кўпайиб, кенг тарқалиб боради, X асрда эса Мажнун номи, Мажнун шеърлари ва ривоятлари фақат Арабистондагина эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқнинг бошқа ўлкаларида ҳам кенг шуҳрат топади. Ривоятлар турли китоблардан ўрин олади, Мажнун номи шоирларнинг шеърларида тез-тез зикр этилади. Мажнун ҳақида бизгача сақланиб қолган ривоятлар тарқоқ эпизодлардан иборат бўлиб, изчил ва мукаммал сюжет ва композицияга эга эмас эди.

Мажнун номи билан боғлиқ шеърлар турли ривоятларнинг вужудга келишига асос бўлган бўлса, ривоятлар ёзма адабиётда Лайли ва Мажнун ҳақида йирик полотноларнинг пайдо бўлишига замин тайёрлайди. Лайли ва Мажнун ҳақида биринчи марта 1188 йилда улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий достон яратди. Низомий қалами билан «Лайли ва Мажнун» қиссаси ғоявий-бадиий юксак ва мукаммал бадиий асар даражасига кўтарилади, ҳамсачиликнинг традицион достони бўлиб қолади.

Низомий «Лайли ва Мажнун» достонини яратишда араб ривоятлари билан чекланиб қолмади. У Лайли ва Мажнунлар қиссасини ўз даврига яқинлаштирди, феодал-клерикал муҳитнинг ярамас урф-одатларини, шахс эркининг поймол этилишини қаттиқ танқид қилди. Лайли ва Мажнунларнинг мусибатли саргузашти ва фожиали тақдирини тасвирлаш орқали ўз замонасидаги мудҳиш жабр-ситамларга қарши исён кўтарди.

Низомий «Лайли ва Мажнун» қиссасига янги ҳаёт бағишлади. Унинг достони тез шуҳрат қозонди, XII асрнинг ўзидаёқ унга эргашиб шоирлар достонлар яратадилар. (Бироқ у достонлар сақланиб қолмаган.) «Лайли ва Мажнун» хамсачилик традициясида мустаҳкам ўрин олди. Низомийдан кейин улуғ ҳинд шоири — хамсанавис Амир Хисрав Деҳлавий 1298/99 йилларда «Мажнун ва Лайли» достонини яратди. Хисрав Деҳлавий Низомий достонининг мазмуни ва композицион йўналишини асосан сақлаб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бироқ у достонга бир қатор ўзгаришлар киритди. Хисрав Деҳлавийнинг Мажнунга Навфал қизининг никоҳ қилиниши эпизодини киритиши (Мажнун отасининг раъйини қайтаролмай, бу никоҳга кўнган бўлса ҳам, лекин гўшангага кирмай, саҳарлаб тоққа қочиб кетади), Лайли ва Мажнуннинг даштда, ҳайвонлар ва ҳатто ўсимликлар ҳимоясида бутун тунни ўтказиши ва бошқалар воқеалар ривожига ижобий таъсир этади. Хисрав Деҳлавий достони билан «Лайли ва Мажнун» хамсачилик традициясидан янада мустаҳкамроқ ўрин олди ва кенгроқ шуҳрат қозонди.

«Лайли ва Мажнун» Навоий қаламида

«Лайли ва Мажнун»нинг тадрижий такомилида Навоий достони янги ва улкан воқеа бўлди. Навоий араб ривоятлари, Низомий ва Хисрав Деҳлавийлар достони ҳамда Ашрафнинг бизгача сақланиб қолмаган «Лайли ва Мажнун»и билан яқиндан таниш эди. У «Лайли ва Мажнун» достонини яратишга киришар экан, маълум адабий традициялардан воз кечолмасди, албатта. Навоий олдида мана шу адабий традициялардан ижодий фойдаланиш ва шу асосда даврининг янги ва муҳим талаб ҳамда эҳтиёжларига жавоб бериш вазифаси турар эди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи достонининг хотимасида буидай дейди:

Мен хастаки бу рақамни чектим,
Таҳрири учун қаламни чектим.
Ёзмоқта бу ишқи жовидона,
Мақсудум эмас эди фасона,
Мазмунига бўлди руҳ майли,
Афсона эди анинг туфайли.
Лекин чу рақамга келди мазмун,
Афсона анга либоси мавзун...
Гар нукталари жаҳонни тутти,
Ғавғолари инсу жонни тутти[1].
Чун форсий эрди нукта шавқи,
Озроқ эди анда турк завқи...
Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят,
Ким шуҳрати чун жаҳонга тўлғай,
Турк элига доги баҳра бўлғай..

Бу парчада Навоий икки масалага: биринчидан, «афсона» ва «мазмун»га, яъни асарнинг қобиғи ва мағзи, ички моҳияти масаласига, иккинчидан, тил масаласига эътибор қилади.

Навоий ўз достонида Лайли ва Мажнун ҳақидаги афсона ва ривоятлардан фойдаланади. Бироқ унинг мақсади «афсона» сўзлаш эмас, балки «мазмун» баён этишдир. Афсона асарнинг қобиғи, унинг «мавзун либоси»дир. Ҳаёт, Навоий яшаган муҳит масалалари асарнинг мазмуни, асл моҳиятидир. Сиртдан қараганда, достондаги воқеалар қачонлардир араб саҳроларида бўлиб ўтгандек

[1] Низомий Ганжавий ва Хисрав Деҳлавийлар ҳақида фикр юритяпти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

туюлади. Бу адабий традициялар заминида вужудга келган ва асарнинг романтик ҳикоявий колоритини кучайтирувчи шартли элементлардир. Моҳият эътибори билан эса Лайли ва Мажнун ҳам, уларнинг аламли, фожиали саргузаштлари ҳам феодал-клерикал муҳит билан, Навоий яшаган замин ва замон билан узвий боғлиқдир.

Феодал-клерикал муҳит инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини топтаган, даҳшатли қонун-қоида ва урф-одатларни жорий қилган эди. Кишилар инсоний хислатлари билан эмас, балки насл-насаби, мол-мулки ва мансаби билан баҳоланар эди. Айниқса хотин-қизларнинг аҳволи ва тақдири мудҳиш эди. Феодал-клерикал зодагонлар уларни одам қаторига қўшмас эдилар. Қиз бола эрга чиққунича отасининг, кейин эса тамоман эрининг измида бўлар эди. У ўқиш ва ишлаш ҳуқуқидан маҳрум эди, рўзғор чўриси, паранжи асираси ва чордевор тутқуни эди. Никоҳ никоҳланувчиларнинг хоҳиши билан эмас, балки ота-онанинг амри-иродаси билан бўлар эди. Ота-она кимга лозим кўрса, қизини ўшанга узатар эди. Ёш-ёш қизлар, кўпинча, қалин эвазига бир неча кундош устига берилар эди. Улар ғунчалик вақтидаёқ хор-зорликда сўлиб хазон бўлар эдилар. Масалан, истеъдодли шоира Робиа қулни севгани учун қотил акаси томонидан ҳаммомга қамаб ўлдирилган эди. Шодимулк билан Халил мирзо фожиаси ҳам ана шундай даҳшатли манзаралардан бири эди. Амир Темурнинг набираси Халил мирзо самарқандлик бир косибнинг қизи шоира Шодимулк билан севишиб қолганда, Темур набирасининг косиб қизига уйланишига рухсат бермайди. Шодимулк севгисини куйлаб аламли ғазаллар битади. Халил мирзо сургунда ўлиб кетади. Шодимулк унинг қабри устида ўзига ханжар санчиб ҳалок бўлади. Ахир Шодимулк фожиаси XV аср Лайлисининг фожиаси эмасми!

Демак, Навоий «Лайли ва Мажнун» достонини яшаган даврининг ҳаётий талаблари асосида яратган эди. Шоир Лайли ва Мажнуннинг фожиаси билан яшаган муҳитининг даҳшатли қонун-қоидаларига, урф-одатларига қарши исён кўтаради. Шу билан бирга, бу достон инсонни, унинг ҳақ-ҳуқуқини, самимий севгисини ҳимоя қилишга, кишиларнинг шахсий ва оилавий бахт-саодатлари учун курашга чақирувчи кучли садо эди.

Навоий «Лайли ва Мажнун» устида ишлар экан, достоннинг ҳаётий моҳиятини тўлдириш ва такомиллаштиришга, Лайли ва Мажнуннинг фожиасини чуқурроқ ёритишга интилади, сюжет ва композицияга, образларнинг характерига бир қатор ўзгаришлар ва янгиликлар киритади. Навоий Лайли билан Мажнуннинг мактабда бирга ўқиши ва улар ўртасида муҳаббатнинг пайдо бўлишини янги реалистик деталлар билан бойитади. У қаҳрамонларнинг руҳий кечинмаларига катта эътибор беради. Мажнуннинг саҳрога, тоққа қочиб кетиши эпизодларини такомиллаштириши ҳамда унинг тушга ишониши эпизодларини киритиши билан даҳшатли қувғин

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва таъна тоши остида қолган кишининг руҳий аҳволини тўлароқ ёритишга эришади. У Лайли образини ҳам хийла такомиллаштиради, уни активлаштиради. Масалан, Лайли ибн Саломга никоҳланиш олдидан заҳарли ханжар тайёрлаб қўйган ва Мажнунга содиқ қолиб, ўлишга аҳд қилган эди. Навоий, Хисрав Деҳлавий достонида бўлгани каби Мажнуннинг Навфал қизи билан никоҳ қилиниши эпизодини беради. Бироқ у бу эпизодни бошқача планда ривожлантириб, достоннинг ғоявий-бадиий қимматини янада оширади. Навоий достонида Навфалнинг қизи севган йигитидан айрилган.

Мажнун билан Лайли саргузашти бир-бирига монанд. Мажнун қизни қолдириб, Лайлини истаб йўлга чиқади. Лайли хафақон касали тутиб қолган Ибн Саломни қолдириб, Мажнунни истаб йўлга чиқади. Келинни ташлаб чиққан Мажнун билан куёвни ташлаб чиққан Лайли саҳрода учрашадилар.

Навоий достонга Лайлига қабиладош бўлган Зайд образини ҳам киритади[1]. Бундан ташқари, Навоий «Лайли ва Мажнун»га яна кўп ўзгариш ва янгиликлар киритади. У маиший ҳаёт лавҳалари, маросимлар, расм-русум, урф-одатлар ва бошқаларни XV аср ҳаёти нуқтаи назаридан тасвирлайди. Кичик тасвирий ўринларда ҳам ўзи яшаган замин ва замондан фойдаланишга интилади. (Масалан, бир ўринда Лайлининг кўз ёшини Жайҳун дарёси (Амударё)га ўхшатади.) Буларнинг барчаси Навоий достонининг оригинал қимматини, миллий колоритини оширишга хизмат қилади. Навоий қалами билан «Лайли ва Мажнун» мукаммал шеърий роман даражасига кўтарилади.

Лайли ва Мажнун ҳақидаги афсона ва ривоятлар, шунингдек, Низомий ва Хисрав Деҳлавийнинг достонлари туркий халқларга, жумладан ўзбекларга қисман маълум бўлса-да, лекин уларнинг кўпчилиги бу асарлардан баҳраманд бўлиш имкониятига эга эмас эди. Улар учун ўз тилида достон яратиш лозим эди. Давр, китобхонлар, ўзбек адабиёти ва адабий тилининг тараққиёти шуни тақозо қилар эди. Навоийгача ўтган ўзбек ёзувчилари ўз шеърларида Лайли ва Мажнуннинг лирик образини тасвирлаган бўлсалар, Навоий биринчи бўлиб ўзбек тилида ва, умуман, туркий тилларда «Лайли ва Мажнун» достонини, Лайли ва Мажнунларнинг мукаммал эпик образини яратди. Шундай қилиб, Навоий ўз олдига қўйган икки масалани — ҳаётий мазмун ва тил масаласини катта муваффақият билан ҳал этди, «Лайли ва Мажнун»нинг тарихий такомилида янги давр бошлаб берди.

«Лайли ва Мажнун» образлари

«Лайли ва Мажнун» бир-бирига қарама-қарши бўлган кишиларнинг, икки хил эътиқод, интилиш ва хислатнинг тўқнашуви

[1] Низомий достонининг кейинги асрларга мансуб бўлган қўл ёзма нусхаларида Зайд образи бор. Бу, Е. Э. Бертельснинг фикрича, котиблар томонидан кейин киритилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

асосига қурилган достондир. Достонда севги билан ҳирс, садоқат билан мунофиқлик, номус билан орсизлик, хайрихоҳлик билан худбинлик, мушфиқлик билан зўравонлик, адолат билан адолатсизлик, олижаноблик билан қабоҳат ўртасида қаттиқ кураш боради. Бу кураш севги темасида, Лайли ва Мажнуннинг ишқий-фожиавий саргузаштида, ижобий образлар билан салбий образларнинг қиёфаси, уларнинг хатти-ҳаракати ва феъл-атворида мужассамлашади.

Қайс (Мажнун) Қайс — достоннинг бош қаҳрамони. У самимий ошиқ, истеъдодли шоир ва олижаноб табиатли инсон. Феодал эксплуатацияга асосланган ваҳшиёна қоида ва урф-одатлар, Лайлининг отасидек худбин ва зўравон кишилар унинг бошига кулфат ва мусибат тошларини ёғдириб, фожиали ўлимга маҳкум этадилар. Бироқ Қайснинг фожиали ўлими унинг маънавий мағлубияти эмас, чунки у замонасининг ваҳшиёна қоидаларига, Лайлининг отасидек худбин ва зўравон кишиларга тобе бўлмайди, пок севгисидан воз кечмайди. Қайснинг ўлими унинг фожиали тақдирига сабаб бўлган муҳитга, у муҳитдаги ҳукмронларга ва қонун-қоидаларга қарши бир исён эди.

Достонда бош қаҳрамон Қайснинг туғилишидан бошлаб, унинг ҳалокатига қадар бўлган саргузаштлари бирма-бир ҳикоя қилинади. Қайс кекса бир қабила бошлиғининг ёлғиз ўғли. У гўдаклик чоғида ҳусни билан ҳам, ақл-фаросати билан ҳам кишиларни мафтун қилади. 4—5 ёшларида Қайсни мактабга берадилар. У ўқиш иштиёқи ва зеҳн-қобилияти билан ҳамсабоқларидан ажралиб туради ва тез орада яхши билимдон киши бўлиб етишади. Қайснинг болалик чоғлари Фарҳоднинг болалик йилларини эслатади. Аммо бу икки қаҳрамоннинг кейинги, аниқроғи, асосий ҳаёт йўли ва фаолияти бир-биридан тубдан фарқ қилади. Навоий Фарҳодни ошиқ, ижодкор, қаҳрамон ва жанговар курашчи сифатида тасвирлайди, ўзининг орзу-идеалларини шу образ сиймосида мужассамлаштиради. «Лайли ва Мажнун» достонида эса у бошқачароқ вазифа ва мақсадни, Лайли ва Мажнуннинг фожиаси билан шахс эркини, инсоннинг севги ва садоқат каби олижаноб фазилатларини поймол этган феодал ўрта асрининг даҳшатли қонун-қоидаларини, урф-одатларини қоралаш вазифасини ўз олдига қўяди. Бинобарин, у Қайс образини тамомила бошқача планда ривожлантиради. Қайснинг бутун ҳаёти ва фаолияти Лайлига бўлган севгига бағишланган. У севги билан бирга камол топади, севги йўлида жабр-ситам чекади ва шу йўлда фожиали ҳалок бўлади.

Қайс мактабдоши, каттароқ қабила бошлиғининг қизи Лайли билан севишиб қолган эди. Лайли билан Қайс — бир-бирига муносиб ёр. Лекин улар замонасининг даҳшатли қоида-одатлари туфайли юрак сирларини пинҳон тутишга мажбур бўладилар. Чунки:

Бўлғай иккисиға хавфи жон ҳам,
Бўлғай талаф икки нотавон ҳам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бироқ севги туғёнини ортиқ пинҳон тутиш мумкин эмас. Севги Қайснинг қалби ва эс-ҳушини тамомила маҳв этади. У, қандай бўлмасин, Лайлининг дийдорини кўришга интилади, Лайли сўзини тилидан туширмайди. Фаҳм-фаросатли, мушфиқ кишилар Қайснинг қалбини тушунадилар, унга ачинадилар ва мурод-мақсадига етказиш учун кўмак беришга интиладилар. Бироқ севгининг завқ-шавқидан бехабар, бағри тош кишилар Қайснинг бу аҳволидан куладилар, уни «Мажнун» (жинни) деб атайдилар:

Лайли, Лайли дебон чекиб ун,
Эл деб: Мажнундур, ушбу Мажнун.

Қайснинг фазилатларини билган Лайлининг отаси дастлаб унга ачинади. У Қайс таърифида бундай дейди:

...Ақли комил, каломи маъқул,
Бор эрди менга ҳам асру мақбул.

Бироқ у Қайснинг ўз қизига ошиқ эканини билиб, батамом ўзгариб кетади, ғазаби жўш уради. Ўзидан кўра кичикроқ қабила бошлиғининг ўғлига, эл орасида «гап-сўз» бўлган Қайсга қизини беришдан ор-номус қилади, севишганларнинг бошига даҳшатли кунлар солади. У Лайлини мактабдан чиқариб олиб, чордевор ичига қамайди, Қайснинг оёғига кишан солдиради. Бироқ бу худбин ва жоҳил муштумзўрнинг шафқатсиз тадбирлари севишганларнинг қалбини енголмайди. Лайли чор девор ичида ҳам Қайс деб қонли кўз ёши тўкади, Қайс кишанни узиб, чўл-саҳрога кетиб, Лайлининг хаёли ва ишқи билан яшайди. Лайлининг отасидан мурувват кўрмаган Мажнуннинг мушфиқ отаси Қайсни севги уқубатларидан қутқариш учун Ҳажга олиб боради. Лекин бу ҳам кор қилмайди. Лайлига меҳр-муҳаббати жўш урган Қайс Ҳажда шундай тиловат қилади:

«...Бу ишқ ўтиким баён қилурмен,
Муҳлик ғамини аён қилурмен.
Демонки мени тарабга хос эт
Ехуд ғами ишқдин халос эт.
Дерменки манга бу ўтни ҳар дам,
Афзун қилу, қилма заррае кам...
Бўйнум уза, «айн»ин айлагил тавқ,
«Шин»ин қил ичимга шуълаи шавқ.
«Қоф»ин манга айла кўҳи андуҳ.
Кўнглумга ғамини кўҳ то кўҳ.
Уч нуқтасини шарора айла,
Иккисини икки хора айла...[1]
Дерлар манга: «Ишқни унутғил,

[1] Бу мисраларда қўштирноқ ичидаги сўзлар арабча ёзувдаги «ишқ» — « عشق » сўзининг таркибидаги ҳарфларнинг номи, беш нуқта эса шу сўзнинг нуқталаридир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лайли ғамидин канора тутғил»,
Олло-олло, бу не сўз ўлғай,
Ул қавмға тенгри узр қўлғай...
Онсиз мени бир дам этма мавжуд,
Будумни қил онсиз ўлса нобуд».

Қайснинг севги йўлидан қайтиши мумкин эмас. Севги унинг ҳаёти, ҳатто ҳаётидан ҳам авло. Таъна тошлари ва дашномлар авж олганда, Қайс учун фақат бир йўл қолади: «ваҳшатлик элдин улфат риштасин узиб, ваҳшийлар билан дўстлашади». Қайс яшаган муҳитининг зўравонларини ваҳший ҳайвонлардан ҳам ваҳшийроқ деб ҳисоблайди. Бу унинг феодал истибдодига қарши лаънатловчи айбномаси — исёни эди.

Таъналар, азоб-изтироблар Қайснинг руҳий ҳолатига, шубҳасиз, салбий таъсир этади. Бироқ у яхши сифат ва фазилатларини барбод қилмайди. У ҳамон севгисига содиқ, кишиларга мушфиқ. Шоирлик истеъдоди эса яна камол топади:

Лайли ғамидин қилиб тафаккур,
Юз байту ғазал деб ўйлаким дур.
Ҳам қофияси анинг сифоти,
Ҳам барча радифи онинг оти...
Ул назм илаким тузуб навое,
Солиб улус ичра ҳой-ҳое.
Пажмурдаға жон мулосиқ айлаб,
Афсурдани зору ошиқ айлаб.

Қайс ана шу фазилатлари билан Навфалнинг ҳурмати ва эътиқодини қозонади. Қайсни Лайли билан қовуштириш имкони қолмагандан кейин Навфал уни ҳам ўғил, ҳам куёв қилиб, қизини беришга қарор қилади. Қайс отаси ва Навфалнинг раъйини қайтаролмай, бунга розилик беради. Бироқ бу мушкулотга қандай қилиб бўлса ҳам чора топишга интилади. Унинг бахтига Навфалнинг қизи бошқа бир йигит билан севишган экан. Қайснинг Лайлига ошиқлигини билган ва унинг мушкул муаммо олдида турганини кўрган қиз унга:

Чун кишвари ишқнинг шоҳисен,
Ишқ аҳли ўтининг огоҳисен,—

деб ўз севги сирини айтиб беради.

Қизнинг сўзлари, бир томондан, мушкулотдан нажот топгани учун Қайсни шодлантирса, иккинчи томондан, унда висол кунларини ўзи ва Лайли каби ташналик билан кутаётган қиз ва йигит аҳволига нисбатан ачиниш, қайғуриш ҳисларини уйғотади. Қайс Навфалнинг қизига бахт-толе тилайди, уни севгисига янада садоқатлироқ бўлишга чорлайди ва узр сўраб кетади.

Ўзи истамаган ҳолда шундай аҳволга тушиб қолган Қайс Лайлининг ҳам бошига шундай, балки бундан ҳам оғирроқ аҳвол тушганини, уни зўрлаб Ибн Саломга никоҳ қилганларини тушунади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бинобарин, у Лайлидан ўпкаламайди, гина қилмайди, балки унга ёзган хатида таскин беришга интилади. Қайс ўзини унутган дамларида ҳам Лайлини унутмайди. Ҳатто ўлим ҳам уни Лайлидан ажратолмайди. Бўғиқ муҳит Лайлини ҳам, Қайсни ҳам ҳалок этади. Ҳаётда бир-бирига эришолмаган бу икки севишганнинг мурдаси бир тобутга қўйилади:

Бир наъшқа солдилар иковин,
Жонсиз келину ўлик куёвин.
Кирди ики жисм бир кафанга,
Йўқ, йўқ, ики руҳ бир баданга.

Лайли

Лайли — ташқи қиёфаси билан ҳам, маънавий дунёси ва хулқ-атвори билан ҳам ниҳоятда гўзал қиз. У давлатманд хонадонда ўсган бўлишига қарамай, ҳою ҳавасга берилган ва тантиқ қизлардан эмас. У ҳаётга эзгу орзу-ниятлар билан қарайди. Ғайрат билан ўқийди, билим олади. Лайли фазилатлари билан ўзи яшаган муҳит савиясидан юқори кўтарилади. У кишини мол-дунёси, насаби ва мансаби билан эмас, балки инсоний хислатлари билан баҳолайди, мазлумларга мушфиқлик қилади, бечораларга чора излайди.

Лайли — вафодор ёр. Севги унинг маънавий дунёсини янада бойитади. У ҳисси билангина эмас, балки ўй-фикри ва ақл-заковати билан ҳам Қайсга боғланган. У севгини бир умрга биргалик, ҳамдамлик деб билади. Отасининг зулм-даҳшати ҳам, Ибн Саломнинг молу давлати ва шону шавкати ҳам уни Қайсга бўлган муҳаббати йўлидан қайтаролмайди. Ибн Саломга бўйин эгиб яшашдан кўра, ўлимни авло кўради.

Лайли — мазлума қиз. Унинг инон-ихтиёри ўзида эмас, муҳит унинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилган. Лайли ўзига ўхшаш бошқа қизлардек орзу-армонларидан воз кечиши, отасининг амри билан Ибн Саломга тегиши, уй чўриси бўлиши керак. Лекин Лайли бунга кўнмайди. У муҳитининг машъум қоида ва одатларига қарши боради. Лайли яшаган муҳитда қиз бола севиш ҳуқуқидан маҳрум эди, у фақат севилиши мумкин. Лекин Лайли Қайсни севади. У ўзига ўхшаш ақлли, заковатли ва одобли йигитнинг севгисига севги билан жавоб беришни ўзининг инсоний бурчи деб билади, унинг қалби шунга чорлайди. Аммо севги сир тутилиши лозим. Лайли ҳаммага ҳам юрак дардини очолмайди. У фақат меҳрибон онаси ва энагаси билан ҳасратлашиши мумкин. Улар ҳам аёл-ку, уларнинг ҳам ҳаёти Лайлиникидан енгил бўлмагандир. Бироқ она ҳам, энага ҳам мазлума. Уларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Лайли буни билади. Лекин барибир кўнглида борини айтиши керак. Инсон инсон билан ҳамдамлашиши керак. Лайли шу ягона имкониятдан фойдаланади.

Қайсга жуда оғир. Аммо Лайлига янада оғирроқ. Қайс — эркак. У жуда бўлмаганда тоғ-саҳрога жўнаб, «ваҳший кишилар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг» дийдори ва қабиҳ сўзларидан йироқлашади. Табиат, оз бўлса ҳам, унга ором ва таскин бахш этади. Лайли эса чордевор ичидан чиқолмайди. Бинобарин, у Қайсга:

...Сенинг неча ким ғамингға йўқ маҳл,
Чун әр кишисен бу саҳл әрур, саҳл.
Ҳар сори урай десанг танингни,
Тутқучи тикандур этагингни.
Этак доғи пойбандинг әрмас,
Даври зиҳи ҳам камандинг әрмас.
Мискин мани зору пойбаста,
Йўқ, йўққи заифи пошикаста.
Не майли сукун, не ҳадди рафтор,
Юз қайди бало аро гирифтор.
Бўлмоқ юз алам ўлида маҳбус
Бирён, яна бирён ўлди момус.
Әр мажлиси аро роҳ әрур зеб,
Хотун кишига салоҳ әрур зеб...—

деб ёзганида, батамом ҳақли эди.

Лайли — олижаноб инсон. У шунча азоб-машаққат, алам-изтироб чекса ҳам, кўзига ўзи эмас, Қайс кўринади. Ўзи ғам-қайғу юки остида эзилади-ю, лекин Қайсни ғам-қайғудан қутқаришга интилади, жуда бўлмаса, сўзи билан уни юпатишга ҳаракат қилади.

Лайли Қайсга шу даражада хайрихоҳки, ҳатто у Қайснинг Навфал қизига уйлантирилганини эшитиб, ўкиниш, таъна қилиш у ёқда турсин, балки унга қалбидан бахт тилайди. Лайли ўлими олдида ҳам Қайсни унутмайди, онаси билан видолашар экан, уни Қайсга онадек меҳрибон бўлишга чорлайди ва:

Фарзанддек айлаб анга асбоб,
Фарзандинг ила айла ани ҳамхоб,—

деб васият қилади.

Лайлининг фожиаси ҳақ-ҳуқуқи поймол қилинган минг-минглаб лайлиларнинг фожиаси эди. Навоий Лайли фожиасини тасвирлаш билан бу фожиага сабаб бўлган қонун-қоида ва урф-одатларга қарши исён кўтаради, шахс эркини, севгини, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилади.

Навфал

Достондаги воқеаларнинг ривожида, ғоявий-бадиий такомилида муҳим ўрин тутган ижобий образлардан бири Навфалдир. Навфал — баҳодир ва олижаноб одам. У ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган, Навоий сўзи билан айтганда, «ишқ кўрган», «ғам дашти аро югурган» киши. Навфал кечмиш кунларини унутолмайди, у ҳаёт тажрибасидан тўғри хулоса чиқариб, ситамкаш ва жабрдийда кишиларга кўмаклашишни ўзига бир одат қилиб олган. Даштда ов қилиб юрганида, иттифоқо у Қайсни учратади. Унинг ҳол-аҳволидан огоҳ бўлади, билими, заковати ва шоирлик истеъдодидан мамнун бўлади, бахтсиз севги

www.ziyouz.com kutubxonasi

саргузаштидан қайғуради. Навфал Қайсни шу аҳволда қолдириб кетолмайди. Навфал Қайсга ҳомийлик ва сарварлик қилади. Дастлаб Лайлининг отасига мурожаат қилади. Қайснинг фазилатларини холисона таърифлаб, уни ҳам фарзанд, ҳам куёв қилишга ундайди. Лайлининг отасидан рад жавобини олган Навфал севишганларни жанг билан бўлса ҳам мурод-мақсадига еткаэмоқчи бўлади. Бироқ Қайснинг илтимоси билан жангни тўхтатишга мажбур бўлади. Бошқа чора қолмайди. Қайсни кишилар орасига қайтариш, уни янги бахт билан хушнуд этиш керак.

Фарзанд қилай сени ўзумга,
Миннатни қўяй ёруғ юзумга,—

деган Навфал уни ўзига куёв ҳам қилмоқчи бўлади. Бироқ у қизининг бошқа бир йигит билан севишганини билмас экан, бундан воқиф бўлган Навфал қизи ва йигитга бахт тилайди, Қайс ва унинг қариндошларидан узр сўрайди. Олижаноблик шуни талаб этади. Навфалнинг бошқача йўл тутиши мумкин эмас.

Достонда яна бир неча ижобий образлар яратилган. Қайснинг ота ва онаси шулар жумласидандир. Қайснинг отаси, бир томондан, «бечора улусқа чорасиз», «меҳнатнавоз» бўлса, иккинчи томондан, оқил ва мушфиқ падар. У Қайснинг тарбиясига, ўқиб билим олиши ва келажагига катта аҳамият беради. Ошиқлик дардида ўртанган ўғлининг орзусини ушатишга интилади. Бироқ зулм ва зўрлик олдида ноилож қолади. Қайснинг онаси ҳам шундай олижаноб аёл. Аммо ота-она ўғилларининг муроди ҳосил бўлишини кўролмай, алам-ҳасратда дунёдан ўтиб кетадилар.

Лайлининг онаси ҳам, энагаси ҳам меҳрибон аёллардир. Улар Лайлини кўз қорачиғидай севадилар, унинг бахт-толеини тилайдилар. Бироқ улар муштумзўр ва худбин отанинг раъйини қайтаролмайдилар. Чордеворда Лайли билан бирга қонли кўз ёши тўкишдан ўзга чора тополмайдилар. Бу образлар феодал ўтмишдаги хотин-қизларнинг оғир аҳволини янада равшанроқ ёритади ва улуғ мутафаккир Навоийнинг хотин-қизларга бўлган хайрихоҳлик қарашлари мазмунини янада бойитади.

Зайд ва Чўпон образлари ҳам қалби пок, кишиларга яхшилик қилишни ўз инсоний бурчи ва шарафи деб ҳисоблаган халқ фарзандлари образидир.

Навфалнинг қизи эса ўз севгиси ва номус-орини ҳимоя қилган садоқатли ёр ва журъатли қиздир.

Лайлининг отаси

Лайлининг отаси феодал истибдодининг типик намояндасидир. У ҳуқуқи чекланмаган мустабид ҳукмдор, мол-давлати ва шон-шавкати билан мағрур феодал, ўз шахсий манфаати йўлида ҳеч қандай разилликдан қайтмайдиган худбин, муштумзўр. У на инсоф ва на адолатни, на севги ва на садоқатни, на шафқат ва на ҳимматни билади. Ҳар бир масалани зўравонлик билан, даҳшат билан ўз фойдасига ҳал этмоқчи,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаммани қулдек итоаткор қилмоқчи бўлади. У Қайс отасининг оқилона мактубига жавобан бундай дейди:

Билмангму шукуҳи савлатимни,
Аъроб аро молу шавкатимни?
Ҳам ўғлунга, ҳам сенга билурмен,
Ким ҳар не қилай десам қилурмен.
Лекин санга бу тағофул ўлмиш,
Ғафлат юзидин тажоҳул ўлмиш.
Қил забтин анинг чу бўлдунг огоҳ,
Мундан нориким, наузу биллоҳ!
Бўлса яна бўйла амр зоҳир,
Аввал ани айлагумдур охир.
Сўнгра санга доғу қаҳр сургум,
Хайлингни бу даштдин итургум.

Лайлининг отаси — босқинчи, эл-юрт бошига мусибат солувчи ҳукмдор. У ўз оиласида ҳам мустабид. Хотини ҳам, бошқалар ҳам унинг раъйига қарши боролмайди. У қизи Лайлига бир буюм деб қарайди. Уни чордеворга қамаб, қон қақшатиб, мол-давлат эвазига Ибн Саломга никоҳлаб бермоқчи бўлади. Бу худбин ва шуҳратпараст қотилликдан ҳам қайтмайди. У агар Навфал жангда ғалаба қозонса,

Ўқ игнасидин тикай либосин,
Ханжар суйидин эзай хиносин.
Туфроққа солай қадди ниҳолин,
Ерга киюрай қоши ҳилолин,—

деб Лайлини ўлдиришга аҳд қилади. Бу қотил Лайлининг ғунчалигидаёқ ўлиб кетишига ҳам, Қайснинг «Мажнун» бўлиши ва фожиали ўлимига ҳам, Қайс ота-онасининг фарзанд доғида қон ютиб, мурод-мақсадларига эришолмай ўлиб кетишларига ҳам сабабчи бўлади. Бироқ у Лайли ва Қайсни жисман ҳалок қилади-ю, маънан маҳв этолмайди. Севги ундан устун чиқади.

Ибн Салом

Ибн Салом ор-номусдан, шафқат ва адолатдан заррача асар бўлмаган мустабид ва жуда бадавлат феодалдир. У эртаю кеч айш-ишрат қуради, кишиларга озор бериш билан роҳатланади. Ибн Салом «Лайли ва Мажнун»нинг хотимасида Навоий томонидан:

...Ким зарқу риёву шўр бирла,
Ошиқ этар ўзни зўр бирла.
Ишқи ўти бўлмас элга жозиб,
Андоққи, зиёда субҳи козиб,—

деб таърифланган сохта ошиқлардан биридир. У севгининг нималигини ҳам, висол завқи ва ҳижрон изтиробини ҳам билмайди. Бир лаҳзада ўчиб қолувчи эҳтирос учқунини севги деб тушунади. Бировларнинг орзу-армонини оёқ ости қилиш, бахтини барбод бериш билан шум муддаосига эришмоқчи бўлади. У Лайлининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

қалбини ўзига мойил этолмайди. Бироқ Ибн Салом Лайлининг отасига манзур бўлади, чунки Лайлининг отасига Ибн Саломнинг мол-давлати керак. Шунга кўра, золим ота «ойни аждаҳога» бермоқчи бўлади. Бироқ Лайлини бу аждаҳо дамидан қутқариб қолиш керак. Аждаҳо ўз заҳри билан ўзи заҳарлансин. Майпараст Ибн Салом никоҳ айёмида ичкиликка берилиб кетади, заҳарланиб шарманда бўлади, касали тутади. Лайли ундан қутулади:

...Ул бўлди ҳаётидин чу маҳжур,
Мотамға мубаддал ўлди ул сур...
Ҳам ул кеча айрилиштилар бот,
Ўз бўлмайин ўлдилар яна ёт.

«Лайли ва Мажнун»да психологик тасвир

«Лайли ва Мажнун» санъатча юксак асардир. Навоий қалами билан «Лайли ва Мажнун» қиссаси сюжет ва композиция, образ ва характерлар, тавсиф ва тасвир жиҳатидан янада такомиллашади, унинг бадиий-эстетик қиммати ошади.

Навоий достони 38 бобдан иборат. Ҳар бир боб сажъ йўли билан ёзилган махсус сарлавҳа билан бошланади. Сарлавҳа бобнинг мазмунини бир пролог сифатида баён этиш билан бирга, бадиий жиҳатдан диққатга сазовордир. Масалан, шоир достоннинг XVII бобида Қайснинг Лайлидан жудо бўлиши, ҳажр изтироби ва унинг саҳрога кетиб, селдек кўз ёши тўкишини тасвирлайди. Шу бобга у «Мажнуннинг фироқ чоғида танўр ичидаги ўтдек тоби ва ҳажр бандида тузоққа тушган қушдек изтироби ва ҳаким фусунидин жунунининг туғёни ва табиб парҳезидин иситмасининг ғалаёни ва ўз заҳр комлиғиға тўккан талх-талх шўробаси ва бу шўробадин комида аччиқ-аччиқ хунобаси ва кўнгли ўтидин темур банди сув бўлғони ва сувдек саҳро азми қилиб ашки суйидин водилар тўлғони» деб сарлавҳа қўяди. Боблар узвий равишда бир-бирига боғланиб боради, воқеалар силсиласини вужудга келтиради. Шу билан бирга, образларининг маънавий қиёфаси ва индивидуал хислатлари равшанлашиб, бўртиб боради. Шоир турли бадиий усул ва тасвирий воситалардан кенг фойдаланади, ҳассос рассом каби табиатнинг хилма-хил лавҳаларини чизади ва ҳоказо. Булар «Лайли ва Мажнун»нинг бадиий хусусиятлари ва компонентлари «Хамса»даги бошқа достонларнинг бадиий хусусият ва компонентлари каби жуда бой ва хилма-хил эканлигини кўрсатади. Бироқ «Хамса»нинг бошқа достонларидан фарқли ўлароқ, «Лайли ва Мажнун»нинг асосий ва етакчи бадиий хусусияти психологик тасвирдир, чунки шоир феодал муҳит даҳшатларини Лайли ва Мажнуннинг алам-изтиробли ҳаёт йўли ва фожиали ўлими, уларнинг руҳий кечинмалари орқали очиб ташлайди. Бинобарин, достон хотимасида шоирнинг:

Сўнгин нечаким узоттим охир,
Йиғлай-йиғлай туготтим охир,—

дейиши бежиз эмас эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Лайли ва Мажнун» достони Қайснинг туғилиши тасвиридан бошланади, унда Қайс ва Лайлининг ёшлик йиллари тасвирланади. Қайс ҳам, Лайли ҳам ақл-фаросатли, шод-қувноқ ёшлардир. Бироқ уларнинг бахтли ёшлик айёми узоққа бормайди. Бир-бирини сидқи дил билан севган Қайс ва Лайлининг бошига оғир ва мусибатли кунлар кела бошлайди. Висол ўрнини ҳижрон, шодлик ўрнини қайғу, кулги ўрнини оҳу фиғон, табассум ўрнини қонли кўз ёши эгаллайди. Саҳифадан саҳифага ўтилар экан, шоир китобхонни қаҳрамонларининг психологик кечинмалари дунёси ичига олиб киради. Шу зайлда психологик тасвир асосий ва етакчи восита бўла боради, бадиий тасвирнинг бошқа турлари ва компонентлари унинг атрофига уюшиб боради.

Баҳор айёми. Қайс билан Лайли учрашиб, севишиб қоладилар. Қайс ва Лайли ҳаётининг ҳам баҳор айёми. Севги гунчаси гуллаши ва ҳосил бермоғи керак. Бироқ табиат ўз йўли билан боради-ю, Лайли ва Қайс бошқа йўлга тушиб қолади. Уларнинг севги гунчаси қулф уриб очилмайди, баҳор мавсуми тугамай, ҳазон eли бошланади. Севгувчиларнинг йўлига тўсиқлар туша бошлайди. Уларни дийдор кўришишдан маҳрум қиладилар. Севгувчиларнинг қалби дард-аламга тўлиб, ранги рўйи заъфардек сарғаяди.

Лайлининг дийдорини кўришдан маҳрум бўлган Қайс булбулга қараб:

...Сен аҳли висолсен, дам урма,
Ҳажр аҳли қошида нукта сурма!
Мискин ману дардманди мажруҳ,
Топмай тан аро нишонаи руҳ,—

деб булбулнинг бахтиёр, ўзининг бахтсиз эканини айтади. Ҳатто Қайс ўзини Лайлининг ҳовлисидаги итдан ҳам бахтсизроқ ҳисоблайди.

Қайсни чўлу биёбон сайридан ҳам маҳрум қиладилар, унинг оёқларига кишан соладилар. Ишқ, ҳижрон ўти билан куйган ошиқ кишанда. Ваҳоланки, гуноҳкорни ўтга ташлаб куйдирганларида унинг оёқ-қўлини банддан озод қиладилар.

...Ўт ичра бировни ки солурлар,
Бандини оёгидин олурлар.
Ўт банд ила бўлди жилвагоҳим,
Мундоқму азим эмиш гуноҳим?!

Йўқ, Қайс гуноҳкор эмас, севги гуноҳ эмас, севги — ҳаётнинг кўрки, садоқат — инсон фазилати. Қайснинг аҳволига ҳатто паррандалар, ўсимликлар раҳм-шафқат қилиб ачинади-ю, лекин Лайлининг инсонлик ҳисларидан маҳрум ёвуз отаси қизига ҳам, Қайсга ҳам йиртқичларча муносабатда бўлади.

Бечора Лайли ҳатто йиғи билан тасалли олиш имкониятидан ҳам маҳрум. У бировлар олдида кўз ёши тўколмайди. Бу мумкин эмас. Уй холи қолганда, муштипар қиз ўз ҳолига наво айтади:

Дебким: «Недур, эй сипеҳри золим,
Солмоқ бу шикасталикка ҳолим.
Нахлимғаки эрди зеридастинг,
Не эрди шикаст уза шикастинг?
Нахлики ушоттинг они осон,
Туфроқ ила қадди бўлди яксон.
Тортиб яна тешаи жафони,
Юз пора не эрди қилмоқ они?..
Фарёдки ўлгудек ғамим бор,
Тонг йўқ, гар ўзумга мотамим бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жабр-ситам, азоб-изтироб қаддан ошади. Чордевор ичида Лайли, тоғу саҳрода Қайс не-не машаққатларга йўлиқмайди, қанчадан-қанча қонли кўз ёши тўкиб, фарёди фалакка чиқмайди! Лекин севгидан чекиниш йўқ. Қайснинг Лайлига ихлоси ва эътиқоди шу қадар зўр эдики, Лайлилар кўчиб кетгандан кейин уларнинг эски манзилида қолган ит ҳам Лайли манзилида яшагани, унга посбонлик қилгани учун Қайсга жуда қимматли ва азиз бўлади. Қайс тоғ-саҳрода девонасифат бўлиб ўзини унутади-ю, лекин Лайлини унутмайди. «Буғдой каби қоврилган, сомон каби соврилган» Лайли ҳам бир лаҳза бўлса-да, Қайсни унутолмайди. Ниҳоят, «куёв»ни қолдириб йўлга тушган Лайли билан «келин»ни қолдириб келган Қайс саҳрода учрашадилар. Бу охирги учрашув. Қоронғи, зулмат тун. Бироқ севишганларнинг қалби чароғон. Бутун коинот Қайс билан Лайлини олқишлайди, уларни қўриқлайди. Қанча-қанча машаққатлардан кейин бир неча соатлик висол бахтига муяссар бўлган Лайли билан Қайсга халақит бермаслик учун бутун борлиқ хомуш туради:

...Ўргамчи шабоққа жулни тирмаб,
Тумшуғини ришта бирла чирмаб,
Хуффошки сайри давр топиб,
Оламға қаноти парда ёпиб.
Юзига тушиб бўри қулоғи,
Андин ёпилиб кўзи чароғи.
Ногоҳ уку чекмагай дебон ун,
Тумшуғи этиб кўзуни чобун.
Қўйчи итин уйқу деви босиб,
Қўйлар юнги ришгасидин осиб...

Жонлантириш усули билан битилган бу табиат тасвири севишганларнинг висол шодлигини, уларнинг қалби ва руҳини тўлароқ англаб олишга хизмат қилади. Навоийнинг қаршилантириш, таносуб ва бошқа усуллари ҳам қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини тўлароқ ифодалашга, қўйилган темани атрофлича ёритишга мос тушади. Шоир, бадиий тил воситаларини ҳам шу мақсадда қўллайди. Масалан, у:

Бир-бирини кўргач икки дилхоҳ,
Чектилар оғингдек оташин оҳ,
Ким ўтларидин жаҳон ёрушти,
Хирманларига бу шуъла тушти,—

дер экан, ҳижрон уқубатларига гирифтор бўлган икки дилхоҳнинг қалби ва дардини муболаға билан тўлароқ очади. Навоий, кўпинча, бир неча бадиий усул ва тасвир воситаларини бир масала ва образ атрофига уюштиради. Лайлининг қабиладошини кўрган Қайс:

Йиғлаб деди: «Эй рафиқи мажруҳ!
Нетгай сенга айласам фидо руҳ?
Жоним баданинг шифоси бўлсун!
Бошим қадаминг фидоси бўлсун.

Кейинги байтда ҳам таносуб *(жон → бадан = бош → қадам)*, ҳам тазод *(бош — қадам)*, ҳам тарсеъ *(жоним — бошим, баданинг — қадаминг, шифоси — фидоси, бўлсун — бўлсун)* бор. Лайли қабиласидан бўлган бир чўпонни учратганда эса:

Мажнун тобонига қўйди бошин,
Наъл этти этукларига қошин,—

дейди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу байтда ҳам тазод *(бош — тобон)*, ҳам лозим-мазлум *(бош — қош)*, ҳам гўзал ўхшатиш *(қош — наъл)* бор. Айни чоғда бу икки парчада бадиий компонентлар Қайснинг ички кечинмаларини очишга хизмат қилади. Табиат лавҳаларини рассомдек чизган Навоий айрим фаслларга символик маъно беради, уларни асардаги воқеликнинг мос бир фони қилиб олади: Қайс билан Лайли баҳор фаслида севишиб қоладилар, уларнинг ҳар иккаласи ҳам табиат сўлғин тус олган куз фаслида ҳалок бўладилар.

Навоий бошқа образларнинг, айниқса Қайс билан Лайлининг ғамида адо бўлган Қайснинг ота-онаси, Лайлининг онаси ва энаси психологик кечинмаларини ҳам моҳирлик билан тасвирлайди. Масалан, Лайлининг вафоти муносабати билан онаси чеккан нола шу қадар моҳирлик билан ишланган, реалистик деталлар билан бойитилганки, у кишини ларзага солади.

Навоий достони, Низомий ва Хисрав Деҳлавийлар достони каби, ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи макфуф вазнида (мафъулу мафоилўн фаулўн) ёзилган, маснавий йўлида қофияланган.

«Лайли ва Мажнун» беш асрдан бери китобхонларнинг севимли китоби бўлиб келмоқда. У ўзбек халқи орасидагина эмас, балки озарбайжон, туркман, турк, татар ва бошқа халқлар орасида ҳам кенг шуҳрат топган. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун»и кўп шоирларни шундай асар ёзишга илҳомлантирди ва уларнинг ижодига самарали таъсир этди. Улуғ озарбайжон шоири Фузулий (1498—1556) «Лайли ва Мажнун» номли оригинал достонини яратар экан, Навоийдан устоз сифатида баҳраманд бўлди. Шоир Мадалихон (XIX аср) ҳам ёзиб тугалламаган «Лайли ва Мажнун»ида Навоийдан илҳомланган эди. Умар Боқий «Фарҳод ва Ширин»нинг насрий вариантини ишлаб чиққани каби, «Лайли ва Мажнун»нинг ҳам насрий вариантини яратади. Халқ шоирлари Навоий достони асосида «Лайли ва Мажнун»нинг фольклор вариантини яратадилар. «Лайли ва Мажнун» достони асосида яратилган саҳна асарлари кўп йиллардан бери муваффақият билан томошабинларга намойиш этилмоқда.

«САБЪАИ САЙЁР»

«Лайли ва Мажнун»ни ёзиб бўлганидан кейин Навоий жадаллик билан «Хамса»нинг тўртинчи достонини яратишга киришди, қарийб тўрт ой ижодий меҳнат қилиб, 1484 йилда бу янги достонини ёзиб тугаллади ва унга «Сабъаи сайёр» («Етти сайёра») деб ном берди:

Бўлди чун бу рақам иши тайёр,
Қўйдум отини «Сабъаи сайёр».

«Сабъаи сайёр» ишқий-саргузашт достондир. У ўз композицияси билан «Хамса»нинг бошқа достонларидан тубдан фарқ қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Сабъаи сайёр» халқ оғзаки ижоди (хусусан, эртаклар)да бўлганидек, «ҳикоя ичида ҳикоя» усулида яратилган. Достон Баҳром ва Дилором ҳақидаги қолипловчи ҳикоя ва шу ҳикоянинг композицион силсиласига боғланган етти мустақил ҳикоядан иборат.

Баҳром ва Дилором ҳикояси

«Сабъаи сайёр»нинг қолипловчи ҳикояси бўлган Баҳром ва Дилором ҳикояси ошиқ ва маъшуқанинг севги саргузаштларига бағишланган бўлиб, у бир неча асрлик тарихга эга. Баҳром Гўрга доир адабий традициялар тараққиётида янги бир улкан қадам эди. Навоий ҳикояси ҳақида мулоҳаза юритишдан аввал, қисқача бўлса ҳам, мана шу адабий традициялар билан танишиб чиқайлик.

Сосонийлар сулоласида Варахран V (418—438) деган бир подшо ўтган эди («Варахран» дарий тилида «Баҳром» деб олинган). У гўр — қулон (ёввойи эшак) овига ўч бўлгани учун Баҳром Гўр номи билан шуҳрат топган экан. Баҳром Гўр ҳақида Эронда ҳам, у билан қўшни бўлган ўлкаларда ҳам турли-туман афсона ва ривоятлар пайдо бўлади, у шон-шавкатли подшо, моҳир овчи ва ишратпараст киши сифатида тасвир этилади. Баҳром Гўр ҳақидаги афсона ва ривоятлар «Худойнамак» ва «Шоҳнома»лардан ўрин олади[1].

Афсона ва ривоятлардан ҳамда ёзма манбалардан ижодий фойдаланган Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»да Баҳром Гўр ҳақида достон яратади. Бу ёзма адабиётда Баҳром ҳақида ёзилган биринчи достон эди. Фирдавсий ўз достонида Баҳромнинг шоҳлиги тарихи ва унинг номи билан боғлиқ бўлган бир қатор афсона ва ривоятларни ҳикоя қилади. Фирдавсий Баҳромни, бир томондан, шавкатли, адолатли подшо, ватанпарвар баҳодир, паҳлавон ва моҳир овчи сифатида, иккинчи томондан, айш-ишратга, эҳтиросга берилиб кетган худбин ва қаҳр-ғазаби даҳшатли киши сифатида тасвирлайди.

---

[1] Айрим олимлар, масалан, И. А. Орбели (Бехрам и Азаде, Л., 1934) Баҳромнинг бадиий образ сифатида кенг шуҳрат топишини Варахран сўзининг момақалдироқ ва жанг маъбуди бўлган Вертрагна сўзига ҳамоҳанглиги билан боғлиқ, Варахран билан Вертрагна қадимий ривоят ва афсоналарда бир-бирига қўшилиб, мужассамлашиб кетган деб кўрсатади. Вертрагна, И. А. Орбели ва Е. Э. Бертельс (Навои. М.— Л., 1948, 194-бет) таъкидлаганидек, Кавказ халқлари орасида ҳам кенг тарқалган, унинг номи арман паҳлавони Ваханга ва грузин қаҳрамони Вахтанга образларида сақланиб қолган.

Навоий «Сабъаи сайёр»да космогоник мифологиядан кенг фойдаланган. У Баҳромни Миррих (Марс)га, Дилоромни Зуҳра (Венера)га ўхшатади. Миррих қаҳрамонлик ва жангу муҳориба маъбуди, Зуҳра гўзаллик ва санъат маъбудаси — ҳомийси ҳисобланган. «Сабъаи сайёр»даги етти қаср, уларнинг туси, етти ҳикоя ҳам қадимги «илми нужум» ва космогоник мифология билан боғлиқдир (Қаранг: Н. Маллаев, Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1974).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фирдавсий достонида Баҳромнинг саргузаштларини ҳикоя қилувчи қолипловчи ҳикоянинг ва шу ҳикоя рамкасига киритилган бошқа ҳикояларнинг ҳам бош қаҳрамони Баҳромнинг ўзидир.

Фирдавсийдан кейин Баҳром Гўр ҳақида Низомий Ганжавий достон яратди. Низомийдан бошлаб Баҳром хамсачиликнинг традицион бир образига айланиб қолди. Биз «X—XII асрлар адабиёти» қисмида танишиб ўтганимиздек, Низомийнинг «Ҳафт пайкар» достони Баҳром ва Фитна ҳақидаги қолипловчи ҳикоя, етти гўзал ҳикояси ва етти маҳбус саргузаштидан иборат. Низомий Баҳром ва Фитна ҳақидаги қолипловчи ҳикояни яратишда Фирдавсий достонидан ижодий баҳраманд бўлди. Бироқ Низомий ўз олдига янги ижодий вазифалар қўйган эди. У қолипловчи ҳикоянинг марказий масаласи қилиб давлат бошлиғи ва мамлакатни бошқариш масаласини қўяди, адолатли ҳукмдор учун кураш ғоясини илгари суради.

Фирдавсий достони бутун «Шоҳнома»нинг ягона вазни бўлган мутақорибда ёзилган бўлса, Низомий бу саргузашт достонини ҳафиф баҳрида (фоилотўн мафоилўн фаълўн) ёзади. Низомийдан кейин барча хамсанавислар Баҳром Гўр ҳақидаги достонларини шу вазнда яратадилар.

Низомийдан кейин Хисрав Деҳлавий Баҳром Гўр ҳақида «Ҳашт биҳишт» («Саккиз жаннат») достонини яратди. Хисрав Деҳлавий достонида ҳам Баҳромнинг саргузаштини тасвирловчи қолипловчи ҳикоя ва етти маликанинг ҳикояси бор. (Хисрав Деҳлавий бу ҳикояларни жамлаб, достонини «Ҳашт биҳишт» деб номлаган.) Хисрав Деҳлавий Баҳром ҳақидаги Низомий ҳикоясининг фабуласини, Баҳром ва унинг севикли канизаги образига хос хусусиятларни асосан сақлаб қолади. «Ҳашт биҳишт» автори ҳикояни Баҳромнинг тахтга чиқишидан бошлаб, унгача бўлган воқеаларни тушириб қолдиради. Хисрав Деҳлавий Баҳром саргузаштларини хийла қисқартиради, воқеани соддалаштиради, айрим муҳим ўзгариш ва янгиликлар киритади.

Хисрав Деҳлавийнинг Баҳром саргузашти рамкасига киритилган етти ҳикояси тамомила янги ҳикоялар бўлиб, уларда шоир ҳинд фольклори материалларидан кенг фойдаланган. Бу ҳикоялар оптимистик руҳда ёзилганлиги билан ажралиб туради.

Навоий эслатиб ўтган хамсанавис Ашрафнинг бошқа достонлари каби, унинг «Ҳафт пайкар»и ҳам бизгача сақланмаган ёки ҳозирга қадар номаълум қолиб келмоқда.

Шундай қилиб, Навоийга қадар бадиий адабиётда Баҳром Гўрга оид катта ижодий тажриба тўпланган, адабий традиция вужудга келган ва у маълум такомил босқичларини кечиб ўтган эди. Навоий буларнинг барчасини мукаммал ўрганиб чиқади, салафларининг ютуқ ва айрим камчиликларини аниқлаб олади, ўз достонининг янги вазифа ва режаларини белгилаб олади. Хамсачилик традицияси Навоийнинг зиммасига маълум мажбурият юклайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У «Хамса»нинг тўртинчи достонини Баҳром темасига бағишлайди, салафлари сингари Баҳром ҳикоясини қолипловчи ҳикоя қилиб олиб, унинг ичига ҳафтанинг етти кунида етти тусдаги етти қасрда айтилган етти ҳикояни киритади, достонини ҳафиф баҳрида яратади ва ҳоказо. Бироқ доимо адабий традициялларга ижодий ёндашган, давр ва китобхонларининг янги эҳтиёжларини биринчи планга қўйган, оригиналлик ва новаторликка интилган Навоий, шубҳасиз, адабий традициялар доирасида қолиб кетолмас эди. У салафларининг ижодий ютуқларидан таълим олиш билан бирга, уларнинг асарларидаги қусурлардан холи бўлишга ҳаракат қилди. Салафларининг санъаткорлик маҳоратига юксак баҳо бериб, уларни тақдирлаган ва ҳатто:

Менки шогирди бебизоат мен,
Ул иковга мутеи тоат мен,—

деган Навоий, уларнинг камчиликларини ҳам холисона танқид қилади. У Низомий ва Деҳлавий достонларидаги асосан Баҳром образи билан боғлиқ бўлган икки камчиликка эътиборни жалб этади:

Бири бу ким, йўқ анда мояи дард,
Қилдилар ишқ сўзидим[1] ани фард...
Яна бири буки, анда баъзи иш
Зоҳиран номуносабат тушмиш.
Бўйла туҳматки айш учун Баҳром
Ясади етти қаср сургали ком.
Етти иқлим шоҳидин етти қиз,
Ҳар бири лутфу ҳусни ғоятсиз,
Етти қасри ичига келтурди,
Ком ҳар кун бири била сурди.
Турфа буким чу бўлди бодапараст,
Қилди оқшомға тегру ўзни маст,
Уйқу комин олурға мастона,
Шўхларға буюрди афсона.
Бу ажабким алар даги дедилар,
Қиссахон қизлари магар эдилар:
Тонгдин оқшомға тегру пайдар-пай,
Улки ичар қадаҳ тўла-тўла май,
Анга ҳуд ғафлат ўлди даъбу сифат,
Уйқусига фасона не ҳожат?
Бўлса ҳам ақл манъ қилмасму?
Қисса айтур киши топилмасму?..

Демак, Навоийнинг фикрича, Низомий ва Деҳлавий достонларида, биринчидан, Баҳром «мояи дард» ва «ишқ сўзидин» маҳрумдир, иккинчидан, унинг етти қаср қуриши, етти қасрда ишрат суриши ва афсона тинглашида ҳақиқатга мувофиқ келмайдиган

[1] «Сўз» бу ерда тожикча «сўхтан» («куймоқ», «ёнмоқ») сўзидан олинган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўринлар бор: Баҳром айш суриш учун етти қаср қуради, етти шоҳнинг қизига уйланади. Бу уни ҳақиқий севгидан янада йироқлаштиради. Бунинг устига у маст-аласт бўлиб, ухлай олмайди, хотинларидан афсона тинглайди. Ваҳоланки, маст-аласт киши ўзини билмай ётади, унинг афсона тинглашига ҳожат қолмайди. Мабодо афсона тинглагиси келиб қолса, бошқа «қисса айтур киши топилмасму?». Бинобарин, шундай нуқсонларга эга бўлган Баҳромни тавсиф этиш ва, хусусан, уни мадҳ қилиш номуносибдир:

...Ким мунингдек икки ваҳиди замон,
Ҳар бири ўз вақтида фариди замон.
Бўйла нодон учун ёзиб авсоф,
Анга қилғайлар ўзларин вассоф.
Мадҳини беҳисоб ёзғайлар,
Балки мавзун китоб ёзғайлар...

Навоий ўз достонида бу икки нуқсонга ҳам йўл қўймайди. У достонни мукаммал ишқий-саргузашт достон даражасига кўтаради, Баҳромни «мояи дард» ва «ишқ сўзи»га гирифтор бўлган киши сифатида тасвирлайди. Шоҳлик худбинлиги жўш уриб, Дилоромни кимсасиз чўл-биёбонда қолдирган Баҳром тезда ўз қилмишидан пушаймон бўлади, ҳижрон азобига тоб беролмайди. Аъёнлар ва ҳакимлар чора излаб, етти қаср қурдирадилар ва Баҳромни етти шоҳнинг қизига уйлантирадилар. Бироқ булар фойда бермайди. Кундузи ороми, кечаси уйқуси йўқ. Баҳромни юпатиш учун жаҳонгашта етти мусофирни чорлаб, афсона айттирадилар. Ниҳоят, етти мусофирнинг ҳикояси туфайли Баҳром яна Дилорошининг висолига муяссар бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Навоий, бир томондан, Низомий ва Хисрав Деҳлавийнинг юқорида айтилган нуқсонларини таъкидлаш билан, уларнинг ижодий даҳосини ва Баҳром Гўр ҳақидаги достонларининг фазилатини ҳеч бир камситмаганидек, иккинчи томондан, бу нуқсонларни тугатиш билан кифояланиб қолмоқчи ҳам эмас эди. У янги, оригинал достон яратиш вазифасини ўз олдига қўйган эди:

...Бу сабабдин бу хуш фасона аро,
Балки бу хуш наво тарона аро
Йўқ эди ҳеч чорау тадбир,
Ким бирор ерда бўлмағай тағйир,—

деган Навоий янги ва оригинал достон яратишга муваффақ бўлди. У Баҳром ва Дилором ҳикоясини деярли янги планда қайтадан ишлаб чиқди, Баҳромнинг саргузаштларини асарнинг марказий темаси бўлган севги проблемасига тўла мувофиқлаштирди, образларни янгича талқин қилди, достонга Моний ва Чин савдогари образларини киритди, бу ҳикояни ва умуман достоннинг компози-

www.ziyouz.com kutubxonasi

циясини такомиллаштирди, халқ оғзаки ижоди материаллари асосида тамомила янги етти ҳикоя яратди ва ҳоказо. Бу билан Навоий достоннинг ғоявий-бадиий қимматини ва ҳаётий, реалистик моҳиятини янада оширди.

Баҳром

Баҳром — қолипловчи ҳикоянинг бош қаҳрамони. У шоҳ ва ошиқ. Баҳром зиддиятли характерга эга бўлган мураккаб образдир. Навоий бу образ қиёфасида бир-бирига қарама-қарши икки шахсни: одил подшо ҳамда вафодор ошиқни, ўз ҳузур-ҳаловати ва шахсий кайфиятларига берилиб, эл-юртнинг аҳволи ва давлат ишларидан четлашган, ўз эҳтиросларига асир бўлган шуҳратпараст подшо ва худбин ошиқни тасвирлайди. Биринчи Баҳромни қутлайди, шарафлайди, иккинчи Баҳромни қоралайди, уни фожиали ўлимга маҳкум этади.

Навоийнинг Баҳром ва Дилором ҳикояси ўз сюжети билан Хисрав Деҳлавий достонига яқин турса, образларининг характери жиҳатидан (айниқса шоҳ Баҳром) Низомий достонига яқин туради. Навоий ҳам, Хисрав Деҳлавий каби, қолипловчи ҳикоядаги воқеани Баҳромнинг тахтга чиқишидан бошлайди[1]. Баҳром мамлакатни адолат билан бошқаради, уни обод ва элни шод-хуррам қилади:

Ҳар не вайрон қилиб эди бедод,
Дод ила қилди барчасин обод...

Бироқ Баҳром бу фазилатларини узоқ сақлаб қололмайди. У тез орада айш-ишратга, овга берилиб кетади, ақл-ирода жиловини ҳис ва эҳтирос қўлига топшириб қўяди.

Овда рассом Моний билан учрашиб, Дилоромнинг суратини кўрган Баҳром унга ошиқи беқарор бўлиб қолади. Баҳром хоқондан оладиган бир йиллик хирожини Хитой савдогарига тўлаб, Дилоромнинг висолига эришади. Баҳром Дилоромни бутун қалби билан севади. Бироқ у шоҳлик билан ошиқликни уйғунлаштира олмайди.

Шундай қилиб, айш-ишрат ва худбинлик шоҳ Баҳромнинг ижобий хислатларини енгиб борди. Бу ҳатто ошиқ Баҳромга ҳам салбий таъсир этди. У худбинлиги туфайли овда севикли ёри Дилоромни чўл-биёбонга, ўлим қаърига ташлаб кетди. Бироқ севги туғёни тезда ғалаба қилди. Баҳром Дилоромни излади, ундан дарак тополмади. Ҳижрон азоби унинг юрак-бағрини эзди, аъёнлар ва ҳакимларнинг тадбирлари ҳам кор қилмади. Баҳром етти кунда етти афсона эшитди. У ўзига ибрат бўла оладиган Суҳайл,

[1] «Бир деганни икки демак хуш эмас. Сўз чу такрор топти дилкаш эмас»,— деган Навоий, Хисрав Деҳлавий каби, Баҳромнинг бунгача бўлган саргузаштларини бир неча мисрада баён этиш билан кифояланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ахий, Масъуд, Жуна ва Фаррух каби ажойиб кишиларнинг саргузашти, олижаноб фазилати, хислати билан танишди. Баҳром улардан ибрат олиши керак эди. Бироқ у шундай қилмади. Дилоромнинг висолига иккинчи марта муяссар бўлгандан кейин Баҳром яна айш-ишратга, овга берилиб кетди. У тузалмас дарду иллатга гирифтор бўлган эди. Бундай киши давлат бошида ортиқ қолмаслиги керак. Биринчи жазо (Дилоромдан жудолик)дан тегишли хулоса чиқара олмаган Баҳромни энди ҳалокатга маҳкум этиш керак. Баҳром сарой аҳли, қўшин ва Дилором билан катта овга чиқади. Лак-лак ҳайвонлар, қушлар қириб ташланади, қон ариқ бўлиб оқади. Бу овлоқ бир вақтлар ботқоқ ер экан. Кўп қон тўкилиши ва қаттиқ ёмғир ёғиши билан ернинг устки қатлами юмшаб, ботқоқлик очилади. Натижада Баҳромни ҳам, унинг ҳамроҳларини ҳам, халқ таъбири билан айтганда, ер ютади. Бу билан Навоий Баҳромнинг ҳалокатини янада даҳшатлироқ ва ҳаққонийроқ қилиб тасвирлайди. (Низомий достонида Баҳром ғорда, Хисрав Деҳлавий достонида чоҳда ғойиб бўлади.)

Баҳром образи жуда муҳим ҳаётий, сиёсий-тарбиявий аҳамиятга эга. Навоий Баҳром образини ўз даврининг ҳаёт шароитлари, воқеликлари нуқтаи назаридан яратади[1]. Навоий ижобий Баҳром (Баҳром шоҳлигининг дастлабки даври) образи орқали ўз давридаги ҳукмдорларни мамлакатни инсоф ва адолат билан бошқаришга йўлласа, салбий Баҳром образи орқали темурий шоҳ ва шаҳзодаларга хос бўлган худбинлик, ишратпарастлик, асабийлик каби хислатларни аччиқ танқид қилади[2]. Баҳром айрим жиҳатлари билан Ҳусайн Бойқарони эслатади.

Навоий Баҳромнинг саргузашти ва, хусусан, унинг фожиали тақдири билан Ҳусайн Бойқарони ҳам, бошқа темурий шоҳ ва шаҳзодаларни ҳам огоҳлантирмоқчи, уларни машъум йўлдан қайтармоқчи бўлади. Шоир ҳикоядаги фикр-мулоҳазалари ва панднасиҳатлари билан кифояланмай, асл мақсадини янада ошкор баён этиш учун достонининг хотимасига «туш» эпизодини илова қилади. Бу эпизодда тасвирланишича, Навоий тушида Баҳромни кўрган эмиш. Баҳром унга ўз саргузаштларини эслатиб ўтади, сўнгра Ҳусайн Бойқаро ҳақида гапириб, унинг салтанати, ҳарбий шижоати, ободончилик ишларидаги фаолияти ва бошқа жиҳатларини таърифлайди. Шундан кейин у ўзининг айрим хатти-ҳара-

---

[1] Низомий ва Хисрав Деҳлавийнинг камчиликлари ҳақида сўзлаб, «Бўлса тарих аларға гар матлуб, Анда сўз боғламоқ эмасдур хуб»,— деган Навоий тамомила ижодий тўқима образ яратиш вазифасини ўз олдига қўйган эди.

[2] Бу Навоийнинг достондан кутган етакчи мақсади эди. У адолатли идеал ҳукмдор образини Баҳромда эмас (гарчи унинг дастлабки фаолиятида бунинг куртаклари кўринса-да), балки «Садди Искандарий»да Искандар образида, «Сабъаи сайёр»да Фаррух, Жуна, Суҳайл каби образларда мужассамлаштиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

катлари ва феъл-атворидаги нуқсонлар (ишратпарастлик, худбинлик ва бошқалар)дан афсус-надомат чекиб, Ҳусайн Бойқарода ҳам шундай нуқсонлар борлигини айтади ва унга насиҳат қилади:

...Ул даҳи айш сори мойилдур,
Нағмау савт бирла хушдилдур...
Шоҳлар ичра манга эрур монанд,
Де олурмен: эрур манга фарзанд...
Эмди шоҳингга де саломимни,
Сўнгра мундоқ етур паёмимни:
Ки жаҳон кимсага вафо қилмас,
Шаҳлиғ таркига киро қилмас,
Шаҳки минг йил онинг ҳаётидур,
Ғараз ўлганда яхши отидур.

Мислсиз катта журъат билан айтилган бу сўзлар Навоийнинг достондан кузатган асосий амалий мақсади эди. «Туш» эпизоди фақат Баҳром образинингина эмас, балки бутун достоннинг ҳам реалистик қимматини оширади. Баҳром образи камолотининг асосий моҳияти ҳам шундадир[1].

Дилором

«Сабъаи сайёр»нинг муҳим образларидан бири Дилоромдир. Дилором ҳусн-латофатда **тенги йўқ аёл, истеъдодли санъаткордир. Дилоромнинг** олижаноб **қалби, мусаффо хулқ-атвори унинг ҳуснига ҳуси қўшади.** Дилором — садоқатли ёр. У Баҳромни **сидқи дил билан севади,** севгисига бир умр содиқ қолади.

Бироқ Дилором — эрксиз, тутқун аёл. У гўдаклик чоғидаёқ Хитойдаги икки хоннинг уруши туфайли асира бўлади. Бу асирани Хожага — савдогарга сотадилар. Дилоромнинг булбулдек овози, музикага майли ва истеъдоди ҳаммани мафтун қила бошлайди. Дилором устоз санъаткорлардан таълим олади. Бефарзанд Хожа аввал уни фарзанд қилиб нури дийдасидек асраса, Дилоромга харидорлар кўпайгандан кейин, уни катта пулга сотмоқчи бўлади. Ниҳоят, Хитой хоқонининг Баҳромга тўлайдиган бир йиллик **хироҳи бадалига уни Баҳромга сотади.** Бинобарин, Дилором:

Мен кишиси сиёҳбахти ланм,
Ҳам сиёҳбахту ҳам сиёҳ калим, —

дейишга тўла ҳақли эди. Тўғри, Баҳром Дилоромни самимият билан севади, уни ардоқлайди. Бироқ Дилоромнинг бошига машъум кунлар солган ҳам мана шу Баҳромнинг ўзи бўлади. Шоҳлик худбинлиги ва қаҳр-ғазаби ошиқликнинг лутфу карамини, шафқату марҳаматини енгиб қўяди: Дилором «ов маҳорати — машқнинг самараси» дегани учун, Баҳром уни сочи билан қўл-оёғини боғлаб,

[1] Навоий «Ҳайратул-аброр» ва «Садди Искандарий»да ҳам Баҳром Гўр ҳақида ҳикоялар битган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

кимсасиз чўл-биёбонга — ўлим қаърига ташлаб кетади. Дилоромни гоҳ фарзанд, гоҳ канизак ўрнида билган Хожа уни соғиниб, Эронга йўл олганда, иттифоқо чўлда бир қора нарсани кўриб қолади; унга яқинлашиб қараса, ўлиги-тириги номаълум Дилором экан. Дилоромни шоҳи кафанга ўраб, Хоразмга йўл олади. Дилором ҳушига келгандан кейин ўзини гуноҳкор ҳисоблаб, Баҳром даргоҳига қайтмоқчи, ундан узр сўрамоқчи бўлади. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган Хожа бунга эътироз билдиради:

Шаҳки бир сўз учун тўкар қонинг,
Яна қилмоқ недур фидо жонинг?
Шоҳ бир шуълаи фурузондур,
Ҳар кишига етишса сўзондур.
Ўт аро ихтиёр ила сурмак:
Баҳра бермас бағайри куйдурмак.
Қочмоқ андин савоб эрур бу дам,
Неча андин йироқ — офат кам.

Хожанинг бу сўзлари айни ҳақиқат эди. (Бу сўзлар Навоийнинг Хожа тилидан айтган ўз сўзларидир!) Дилором Хоразмда қолади. Унинг овози ва сози бутун Хоразмда шуҳрат топади. Хоразмшоҳ унга уйланмоқчи бўлади. Хоразмшоҳ Дилором билан Хожанинг эътирозига қарамай, зўрлик билан уни саройга олиб боради. Бироқ Баҳромга содиқ бўлган Дилором сози ва овози билан шоҳни ҳам, саройдагиларни ҳам ухлатиб, саройдан қочади. Бу ҳол бир неча бор такрорлангач, шоҳ Хожани ота ва Дилоромни сингил деб ҳисоблашга мажбур бўлади. Жума куни еттинчи қасрда Хоразмдан келган мусофирдан Дилоромнинг тақдирини эшитган Баҳром Дилоромни ўз даргоҳига олиб келади. Яна Дилоромнинг шодлик кунлари бошланади. Лекин бу узоққа бормайди. Ўша катта ов куни, шоҳ Баҳромнинг айби билан, бошқалар қатори Дилоромни ҳам ер ютади. Дилоромнинг тақдири мана шундай даҳшатли тугайди.

Навоий, салафлари каби, Дилоромнинг ҳусн-латофати, санъати ва маънавий гўзаллигини таърифлаш билан феодал ўрта асрининг реакцион қараш ва урф-одатларига қарши чиқиб, хотин-қизларга нисбатан гуманизм ғояларини илгари суриб, уларнинг шаъни ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Шу билан бирга, Навоий Дилоромнинг кулфатли ҳаёт йўлига (унинг асира бўлиши, Хожанинг уни гоҳ фарзанд, гоҳ канизак тутиши, унинг сотилиши, Баҳромнинг қаҳрига йўлиқиши ва бошқалар), машъум фожиасига кенгроқ ўрин бериб, бу образнинг реалистик моҳияти ва қимматини оширишга муваффақ бўлади. Дилоромнинг фожиаси минглаб Дилоромларнинг фожиаси эди. Дилоромнинг ўз тақдирига пассив қараши, унинг итоаткорлик кайфияти (ўзини айбли ҳисоблаб, Баҳром даргоҳига қайтмоқчи бўлиши) ва бошқа заиф томонлари у яшаган муҳитнинг оқибати эди (феодал зулми ва ҳақсизликка қарши исёнкорлик руҳини эса Навоий «Сабъаи сайёр» ҳикоялари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

даги Маллунинг қизи ва Меҳр образларида мужассамлаштиради. Бу образлар шоирнинг кўпроқ фантастик тафаккури ва романтик қалами билан бунёд бўлган образлардир).

Баҳром ва Дилором ҳикоясида бир неча бошқа образлар ҳам бор. Улар ёрдамчи образлар бўлиб, баъзан уларнинг фаолияти ҳикоядаги воқеаларнинг ривожи учун восита сифатида хизмат қилади. Моний ва Хитой савдогари шундай образлардандир. (Савдогарнинг Дилоромга муносабатидаги зиддият: бир томондан, унга оталарча меҳри, иккинчи томондан, уни бир канизак сифатида сотиб юбориши — шу тоифадаги кишиларнинг маънавиятига хос зиддиятдир.)

Шундай қилиб, «Сабъаи сайёр»нинг қолипловчи ҳикояси Баҳром Гўр адабий традициялари ривожида қўйилган янги ва катта бир қадам бўлиб, у Баҳром Гўр ҳикоясини ҳаётга янада яқинлаштиради, уни реалистик тенденциялар (гарчи чекланган бўлса-да) билан бойитиб, ғоявий-бадиий қимматини янада оширади.

Етти ҳикоя

«Сабъаи сайёр»нинг ғоявий-бадиий тўқимасида етти ҳикоя ниҳоятда кенг ва катта ўрин тутади. Шунга кўра ҳам Навоий:

Лутф бу назм аро бағоятдур,
Ғараз аммо етти ҳикоятдур,—

деган эди.

Навоий қасрлар туси ва кунлар сирасини айнан Низомий ва Хисрав Деҳлавий достонларидагидек сақлаб қолади:

Биринчи ҳикоя — шанба куни (Сатурн — Кайвон куни) — қора қасрда;
Иккинчи ҳикоя — якшанба куни (Қуёш куни) — сариқ қасрда;
Учинчи ҳикоя — душанба куни (Ой куни) — яшил қасрда;
Тўртинчи ҳикоя — сешанба куни (Марс — Миррих — Баҳром куни) — гулгун қасрда;
Бешинчи ҳикоя — чоршанба куни (Меркурий — Аторуд куни) — нилуфар қасрда;
Олтинчи ҳикоя — пайшанба куни (Юпитер — Муштарий куни) — сандал тусли қасрда;
Еттинчи ҳикоя — жума куни (Венера — Зуҳра куни) — оқ қасрда.

Етти сайёр тилидан айтилган Навоий ҳикоялари тамомила янги ҳикоялар бўлиб, улар халқ оғзаки ижоди материаллари асосида яратилган. Улар севги ва вафо, дўстлик ва садоқат, ҳиммат ва саховат, мардлик ва қаҳрамонлик, донишмандлик ва ижодкорлик каби хислатларга бағишланади. Уларда реал ҳаёт лавҳаларидан тортиб фантастик манзараларга қадар, оддий турмуш воқеаларидан тортиб кишини эсанкиратувчи хаёлий саргузаштлар ҳам бор. Шоирнинг кенг фантазияси Мовароуннаҳр, Хуросон, Ажам, Ҳиндистон, Сарандиб, Миср, Румо, Яман ўлкаларига ва бошқа-бошқа ўлкаларга, поёнсиз саҳроларга, тўлқинли денгизларга, сеҳрли жазираларга парвоз қилади, турли ўлка, эътиқод, ижтимоий гу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

руҳ ва касб-корга мансуб кишилар образини, хилма-хил характерларни яратади. Барча ҳикоялар кескин конфликт асосига қурилади, конфликтларнинг моҳияти турлича, бироқ уларнинг марказида ҳаммасига хос бўлган етакчи конфликт — яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш туради. Халқ оғзаки ижоди асарларида бўлганидек, ҳикоялардаги конфликт яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалаба қозониши билан ҳал бўлади, китобхоннинг кўз ўнгида ёвуз кучларни, денгиз тўлқинларини, тилсимларни енгиб чиқувчи ботирлар, паҳлавонлар, олижаноб кишилар образи гавдаланади. Шоир ҳар бир ҳикоянинг мазмуни билан шартли ташқи белгиларни (қасрларнинг туси, ҳикоячи ва тингловчининг либоси ва бошқаларни) бир-бирига уйғунлаштиради, уларни бир-бири билан боғлайди.

Биринчи ҳикоя Шанба. Қора қаср. Ҳижрон дарди билан қалби эзилган Баҳром қора либосда. У қора либос кийган ҳинд гўзали билан мушкин[1] май ичади. Бироқ мушкин май унинг қайғусини тарқатолмайди. Бутун куни зимзиё тундек ўтиб, кеч киради, шом қоронғиси чўкади. Баҳром уйқусиз. Эҳтимол, афсона кор қилар деб, бир мусофирни чорлаб келадилар. Қора либос кийган ҳиндистонлик мусофир шаҳзода Фаррух ва сахий Ахийнинг бошидан ўтган қора кунларни ҳикоя қилади.

Бу ҳикояда уч асосий образ берилган: Фаррух, Ахий, Гулчеҳра. Фаррух — шаҳзода. Бироқ у мансабга, шоҳона ишратга берилган шаҳзодалардан эмас. Фаррух худди Фарҳод каби ёшлик чоғидан бошлаб илм-фанга, турли ҳунарларга берилиб кетади, олижаноб фазилатларга эга бўлади. Отаси тахтини таклиф қилганда, Фаррух уни одоб ва донолик билан рад этади. Фаррух — мард, иродали, шафқатли йигит. У инсоф ва адолат йўлида ўз шахсий манфаатларини қурбон қилишга тайёр танти киши. Фаррух жуда кўп машаққатлар чекиб, тушида кўрган гўзалнинг висолига эришади. Бироқ бу гўзал Ахийдек олиҳиммат бир кишининг хотини бўлиб чиқади. Фаррух олижаноблик қилади, ақли ва иродаси унинг эҳтиросини енгади. У Гулчеҳрани эсон-омон Ахийга қайтаради. Ахийнинг оғир кунларида унга мададкор бўлади. Фаррух эл-юртнинг фаровонлиги учун курашади, у, Ахий сингари, бева-бечораларга, мусофирларга мушфиқлик қилади ва ҳожатига чора топади. (Фаррух кўп яхши хислатлари билан Баҳромга қарама-қарши қўйилади.)

Ахий — сахий ва олижаноб одам. Кишиларга раҳм-шафқат қилиш, моддий ва маънавий кўмак бериш унинг ҳаётий мақсади ва идеалидир. У шу сифатлари билан шуҳрат топади, шу сифатлари билан оғир кунларда нажот топади. Навоий Ахийнинг сахийлигини бўрттириб, Фаррухни бахтиёр қилиш учун у ҳатто ўз хотини

[1] *Мушк* — қора рангли хушҳид модда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гулчеҳрани унга никоҳлаб берди, деб тасвирлайди (бироқ шоир усталик билан Гулчеҳранинг номусини, оиланинг номусини сақлаб қолади).

Гулчеҳра вафодор, садоқатли, ақлли ва иффатли аёлдир.

Ҳикоянинг сюжети қизиқарли, ситуацияси фавқулодда ва композицияси мураккабдир. Фаррух тушида кўрган гўзал Ахийнинг хотини бўлиб чиқиши ҳикоянинг кульминация нуқтаси бўлиб, бу мураккаб тугун равонлик билан ечилади. Ҳикоя севги ва садоқатнинг, одамгарчилик ва олижанобликнинг ғалабаси билан тугайди.

Иккинчи ҳикоя Якшанба. Сариқ қаср. Зарбоф кийимлар кийган Баҳром сариқ либос кийган румлик гўзал билан олтин қадаҳда сариқ май ичиб, зўрға кунни кеч қилади. Румлик мусофирни олиб келадилар. У румлик Зайд Заҳҳоб (Зайд заргар) деган кишининг саргузаштини ҳикоя қилади.

Ҳикоянинг бош қаҳрамони Зайд Заҳҳобдир. У илмли, ҳикматли, уста ҳунарманд, ижодкор, шу билан бирга, турли мушкулларни осонлик билан ҳал этувчи, қийинчиликларни енгувчи тадбирли киши. Навоий Зайд Заҳҳобнинг бу сифатларини қутлайди. Бироқ Зайд Заҳҳоб — айш-ишратга берилган, хиёнатчи ва ҳийлакор киши. Навоий унинг бу хислатларини қаттиқ қоралайди. Подшоларга илм ва ҳунар аҳлларидан фойдаланишни, мамлакатни уларнинг ёрдами билан бошқаришни тарғиб қилган Навоий айни чоғда бундай кишиларнинг ҳам айрим иллатлари бўлиши мумкин деб, давлат бошлиқларини эҳтиёткорликка чақиради. Шу билан бирга, Навоий подшолар саройидаги ғийбат ва хусуматни, худбин ва фирибгар руҳонийларнинг хатти-ҳаракатларини қаттиқ танқид қилади. Бу ҳикояда олтин ва олтинга ўчлик балоси ҳақида гапирилади.

Учинчи ҳикоя Душанба. Яшил қаср. Яшил либос кийган Баҳром яшил либос кийган шаҳрисабзлик[1] гўзал билан яшил қадаҳда май ичиб, кунни кеч қилади. Шаҳрисабзлик мусофирни олиб келадилар. У саъд[2] ҳақида ҳикоя айтади.

Саъд ҳикояси сюжети ва композицияси билан ҳам, образлари ва ғоявий мотивлари билан ҳам халқ қаҳрамонлик эртакларига жуда яқин туради. Саъд оғир шартларни, даҳшатли тўсиқларни енгиб, синовдан ўтиб, севгилисининг висолига эришган жасоратли ботир йигитдир. У ҳаётнинг ва инсон толеининг ашаддий душмани бўлган кучларни маҳв этади, тилсимларни очади, донишмандниг мушкул саволларига ақл ва фаросат билан жавоб беради. Шу билан бирга, у Шаҳрисабз шоҳининг бегуноҳ кишилар қонини тўки-

[1] *Шаҳрисабз* «яшил шаҳар» демакдир.
[2] *Саъд* «бахт» демакдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

шига чек қўяди. Қаҳрамонлик ва журъат даҳшат ва разолатни, тадбир ва тафаккур ҳийла ва жаҳолатни енгади.

Ҳикоядаги дев Қатрон ва жодугар Зол ёмонликнинг мажозий образидир, мўйсафид (Паляқус ҳаким) эса, фикр-қарашларидаги айрим мистик элементларига қарамай, ақл ва тафаккурнинг тажассумидир.

Тўртинчи ҳикоя Сешанба. Гулгун қаср. Гулгун либос кийган Баҳром шафақ ранг кийим кийган гўзал билан ёқутфом соғарда лаъл ранг май ичиб, кунни кеч қилади. Қасрга ҳиндистонлик бир мусофирни чорлаб келадилар. У шоҳ Жуна ва сахий Масъуд ҳақида ҳикоя сўзлайди.

Жуна адолатли, ҳимматли ва саховатли идеал подшодир. У ҳикоядаги воқеаларнинг ривожи ва конфликтнинг ҳал бўлишида етакчи ўрин тутади. Жуна туфайли Масъуд Жайпур ва Маллунинг таҳдидидан омон қолади. Масъуд билан қиз бахтиёр бўлади, Жайпур ва Маллу қилмишларига яраша жазоланиб, вилоятга Масъуддек одил ва олиҳиммат киши ҳоким қилиб тайинланади. Навоий шоҳларнинг Жунадек, уларнинг вилоят ҳокимларини Масъуддек кишилар бўлишини, ҳукмрон доираларнинг Жуна ва Масъудлардан ибрат олишларини истар эди. Масъуд — олиҳиммат ва қалби пок киши. Маллунинг қизи эса адолатсизлик ва инсофсизликка қарши исён кўтарган жасоратли қиздир. Воқеа ва конфликтнинг ечимида у жуда муҳим роль ўйнайди. Деҳқон шижоати ва тўғрилиги билан характерланади. Жайпур ва Маллу эса тахтпараст, худбин ва инсофсиз давлат бошлиқларининг бирмунча типиклаштирилган образларидир.

Ҳикояда саховат билан бахиллик, инсоф билан инсофсизлик, тўғрилик билан мунофиқлик ўртасида қаттиқ кураш боради.

«Хушдурур боғи коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули»,—

деган Навоий бу ҳикояни ҳам ҳаётнинг, яхшиликнинг ғалабаси билан оптимистик руҳда хотималайди.

Бешинчи ҳикоя Чоршанба куни. Мовий қаср. Баҳром мовий кийимда. У нилуфар либос кийган гўзал билан бирга фирузагун жомда май ичиб, кунни кеч қилади. Қасрга бешинчи иқлим йўлидан келган мусофирни олиб кирадилар. У Меҳр ва Суҳайл ҳақида ҳикоя сўзлайди.

Бешинчи ҳикоя ўзининг ғоявий-бадиий қиммати билан «Сабъаи сайёр»нинг энг яхши ҳикояларидандир. Унда бир-бирига қарама-қарши бўлган икки олам: севги, садоқат, инсоф, адолат, мардлик ва қаҳрамонлик олами, яъни Меҳр ва Суҳайллар олами билан разолат, адолатсизлик, мунофиқлик ва макр-ҳийла олами, яъни Жобирлар олами ўртасида қаттиқ кураш боради. Бу курашда яхшилик ёмонликни, адолат разолатни, ботирлик мунофиқликни енгади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳикоянинг марказий қаҳрамони Меҳрдир. У мураккаб конфликтнинг, чигаллашиб кетган тугуннинг ечилишида етакчи роль ўйнайди. Меҳр — вафодор ёр. Қароқчи Жобир унинг иродасини енголмайди, мурод-мақсадига эришолмайди. Меҳр чора ахтаради, унинг азму иродаси ва тадбири билан Суҳайл ҳам, асир оталар ҳам, барча бандилар ҳам нажот топадилар, йўлда хавф-хатар қолмайди.

Хотин-қизлар хўрланган, таҳқир этилган муҳитда Меҳрдек бир қиз образининг яратилиши ўрта аср зулматида гуманизмнинг, бадиий тафаккурнинг сўнмас зиёси эди.

Суҳайл — Меҳрнинг меҳр-муҳаббатига муносиб йигит. У халқ эртакларидагидек ўтда куймас, сувда чўкмас, қилич кесмас қаҳрамонлардан. Суҳайл кучининг оз бўлишига қарамай, Жобир қароқчиларига қарши ботирларча жанг қилади. Ҳалол кураш билан Суҳайлни енгишга кўзи етмаган Жобир макр-ҳийлага ўтиб, кемани тешади, шундагина у ҳалок бўлаётган кеманинг мард курашчисини асир олади. Бироқ Суҳайл маънан мағлуб бўлмайди. Суҳайл севгилисининг тадбири билан зиндондан қутулади ва Жобирга пешвоз чиқиб:

Сен агар зоҳир этгинг итликни,
Мен санга кўргузай йигитликни,—

деб жангга киради, Жобирни шармандаю шармисор қилиб енгади.

Ҳикояда икки шоҳ — Нуъмон ва Навдар образлари яратилган. Булар ижобий образлардир. Навоий уларнинг адолати, саховати ва шижоатини таърифлаб мақтайди. Бироқ Навдар образида Баҳромга хос сифатларни ҳам тасвирлаб, бир томондан, ҳикояни композиция жиҳатидан қолипловчи ҳикоя билан янада боғласа (Баҳромдек овга ўчлиги туфайли Навдар Жобирга асир тушади), иккинчи томондан, подшо қўшинга таяниши, у билан ҳамжиҳатликда иш тутиши керак, деган ғояни илгари суради:

Шаҳ тилар бўлса шоҳлиқ қилмоқ,
Сипоҳидин керакмас айрилмоқ.
Шаҳни дерлар сипоҳ бирлан шоҳ,
Шоҳ эмасдур, йўқ эрса анда сипоҳ.
Шаҳга хайл ўлса фатҳ аниинг ишидур,
Бир киши Рустам ўлса, бир кишидур...
Борса шатранж шоҳининг сипоҳи,
Кўрки, борму ҳисоб ичинда шоҳи.

Жобир барча ёмонликнинг, разолатнинг тимсолидир. У маҳв этилиши керак. Уни ақл ва тадбир, жасорат ва мардлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик маҳв этади.

Навоий яшаган даврда савдо йўлларида турли қароқчилар тўдаси карвонларга, йўловчиларга ҳужум қилиб, уларни талар эди. Шу жиҳатдан қараганда, бу ҳикоянинг амалий аҳамияти янада

www.ziyouz.com kutubxonasi

катта бўлиб, у савдо-сотиқ йўлларининг тинчлиги учун кураш масаласини ҳам илгари суради.

Олтинчи ҳикоя Пайшанба. Сандал тусли қаср. Сандал тусли либос кийган Баҳром сандал либос кийган ва сандалнинг хуш ҳиди анқиб турган гўзали билан бирга сандал ранг май ичиб, кунни кеч қилади. Олтинчи иқлим йўлидан келган мусофирни чорлайдилар. У Муқбил ва Мудбир ҳақида ҳикоя айтади.

Бу фантастик ҳикоя-эртакда бир-бирига тамомила қарама-қарши бўлган икки образ — икки характер яратилган. Муқбил — қалби соф, тўғри, садоқатли ва хушфеъл йигит. Бироқ у хийла пассив киши. Муқбил бахтга эришиш учун актив кураш олиб бормайди, балки «тақдир» унинг яхши хислатлари эвазига бахт «ато» қилади. Бу ҳолат ҳикояда фатализм элементларини келтириб чиқармай қолмас эди. Ҳикояда халқнинг «ёлғон гапирган ёрилиб ўлсин» таъбири Мудбир образи ва унинг тақдирида мужассамлашган. Ҳикоя, фаталистик элементларига қарамай, ахлоқ-одоб софлигини тарғиб этишда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Воқеаларни ривожлантириш, образ яратиш ва, хусусан, бадиий тасвир (орол, чашма, денгиз ва бошқалар тасвири)да Навоий халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланган.

Еттинчи ҳикоя Жума. Оқ қаср. Оқ либос кийган Баҳром оқ либосли гўзал билан биллур жомда оқ май ичиб кунни ўтказади. Кеч киради. Хоразмлик мусофирни чорлаб келадилар. У ўз саргузашти ва Дилором ҳақида ҳикоя қилади.

Бу ҳикоя, бир томондан, Хоразм машшоғининг, иккинчи томондан, Дилоромнинг саргузаштларини ўз ичига олади. Эртакларга хос романтик тасвирига қарамай, машшоқнинг саргузашти ва унинг тақдирида чуқур реалистик моҳият бор. Феодал саройи атрофига жалб этилган санъат аҳллари бир оз вақт обрў-эътибор, эҳсон ва инъом кўрсалар ҳам, кўпинча уларнинг тақдири фожиали бўлар, саройдан қувилиб, куни дарбадарликка қолар эди. Хоразм машшоғи ҳам шундай санъат аҳлларидан биридир (унинг фожиасига Дилором сабаб эмас, балки бир воситадир, холос). Салафларидан фарқли ўлароқ, Навоий достоннинг композициясини янада такомиллаштириш учун қолипловчи ҳикоянинг давомини еттинчи мусофир ҳикоясидан келтириб чиқаради, бу билан у ҳикояларнинг қолипловчи ҳикоя билан узвий алоқасини мустаҳкамлайди.

Биринчи ҳикояни Баҳром қора қасрда, қора либосда тинглаган эди. Чунки у Дилоромидан ажралган, ҳижрон зулматига гирифтор бўлган эди. Еттинчи ҳикояни эса у оқ қасрда оқ либосда тинглайди. Бу ҳикоя висол умидидан дарак бериб, Баҳромнинг қалбини равшан қилади. Бироқ Баҳром ўзининг аччиқ тажрибасидан хулоса чиқармаганидек, етти сайёрнинг ажойиб ҳикояларидан ҳам ибрат олмайди. Баҳром бедаво касалга йўлиққан эди. Бинобарин,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий уни ўлимга маҳкум этади, унинг ҳалокати билан бошқаларнинг кўзини очмоқчи бўлади.

Шундай қилиб, «Сабъаи сайёр» Баҳром Гўр ҳақидаги такомиллашган янги ҳикоя ҳамда халқ оғзаки ижоди материаллари асосида яратилган хилма-хил воқеа ва саргузаштларни, образ ва характерларни ўз ичига олган ажойиб етти ҳикоядан иборатдир.

Шоир достонини:

Халққа зеби торак айла ани!
Ўқуғонға муборак айла ани!
Етти афлокни анга ёр эт!
Етти иқлим элин харидор эт!

мисралари билан тугатган эди. У янглишмади, орзусига етди.

Навоийнинг бу достони ҳам, унинг бошқа асарлари каби, китобхонларга манзур бўлиб келмоқда. Бу достон Ўрта Осиё, Кавказ халқлари, Туркия, Эрон ва бошқа мамлакат халқлари орасида ҳам шуҳрат топган, у қадим замонлардаёқ грузин тилига эркин таржима қилинган, бошқа халқлар адабиётида ҳам маълум из қолдирган эди. Навоийнинг бу достони ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёти тараққиётига самарали таъсир этди.

«Сабъаи сайёр» Совет ҳокимияти йилларида кенг халқ оммасига янада яқиндан маълум ва манзур бўлди. Навоий достонининг бешинчи ҳикояси асосида «Меҳр ва Суҳайл» балети яратилган бўлса, драматург Комил Яшин Баҳром ва Дилором ҳикояси мотивларидан фойдаланиб (янгича композиция ва янгича образлар талқини билан), «Дилором» операсининг либреттосини яратди.

«САДДИ ИСКАНДАРИЙ»

«Садди Искандарий» («Искандар девори») қаҳрамонлик эпопеяси Навоий ижтимоий-сиёсий қарашларининг ёрқин кўзгусидир. Адолатли ва маърифатпарвар подшо бошчилигидаги марказлашган давлат учун кураш «Садди Искандарий» достонининг асосий ғоявий мотивидир. Лирик асарларида, «Ҳайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Сабъаи сайёр» достонларида бу масалага алоҳида эътибор бериб, ижобий ва салбий подшолар образини яратган Навоий «Садди Искандарий»да адолатли ва маърифатпарвар подшонинг мукаммал қиёфасини кўрсатиш, ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашлари ва идеалларини бадиий мужассамлаштириш вазифасини ўз олдига қўяди.

Искандар номи остида, одатда, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида Искандари Зулқарнайн, Искандари Румий ёки Искандар Мақдон деб юритилган Александр Македонский тасаввур қилинади[1]. Бироқ Навоий қаҳрамони билан тарихий Искандар ўртасида

[1] Александр номи Шарқда шунга монандроқ бўлган «Искандар» сўзи билан юритилган, «Румий» ва «Мақдон» Искандарнинг ватанини ифодаласа,

www.ziyouz.com kutubxonasi

айрим ўхшаш элементлар бўлса-да, Навоий Искандари мутлақо тарихий Искандар — Александр Македонский образи эмас. Искандар Навоий орзу қилган адолатли ва маърифатпарвар идеал подшонинг хаёлдаги романтик образидир. Бу масалани тўлароқ ва мукаммалроқ ёритишдан аввал Александр Македонский ва унинг бадиий адабиётда традицион бир образга айланиши ҳақида қисқача бўлса ҳам сўзлашга тўғри келади[1].

Александр Македонский ва бадиий адабиёт

Александр Македонский (356—323 йиллар) қадимги дунёнинг машҳур лашкарбошиси ва давлат арбобидир.

Александр Македонский вафотидан кейин кўп ўтмай унинг ҳаёти ва ҳарбий юришлари ҳақида Клитарх ва Онескрит бир асар яратганлар. Бу асар грек ёзувчиси Плутархнинг (46—126) Александр Македонский ҳақидаги йирик биографик асарига асос бўлди. Александр Македонский ҳақида яратилган тарихий-биографик асарлар билан деярли бир вақтда турли афсона ва ривоятлар пайдо бўла бошлади. Дастлабки афсона ва ривоятлар унинг юришларида қатнашган аскарлари томонидан яратилган деб тахмин қилинади. Грек тарихчиси Аррианнинг (95—175) маълумотига кўра, Александр Македонский аскарларининг маълум қисмини ватанига қайтариб юбораётганида, уларга: «Боринглар, форслар ва мидиёнларни, бақтрияликлар ва шакларни енгган, Каспий денгизига қадар (бўлган территорияда) яшовчи парфиёнларни, хоразмийларни ва гирканларни бўйсундирган... шоҳингиз ҳақида ҳикоя қилингиз»,— деган экан. Бироқ ҳикоячилар тарихий фактлардан кўра фантазияга, уйдирмага кўпроқ берилиб кетиб, турли афсона ва ривоятлар тўқиганлар.

Эрамизнинг I асри арафасида Александр Македонский ҳақида унинг тарихий қиёфасини батамом ўзгартириб юборган бир роман вужудга келади. Бу роман Александрнинг сарой врачи ва тарихчиси Каллисфен (370—324) томонидан яратилган деб ҳисобланар эди

Бироқ олимлар аллақачон бу романнинг Каллисфенга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини исбот этганлар. Шунинг учун ҳам у «Псевдо Каллисфен» («Сохта Каллисфен») номи билан юритилади. «Псевдо Каллисфен»да Александр Филиппнинг ўғли эмас, балки бир Миср коҳинининг фарзанди қилиб берилади. Гўё фиръавнлар авлодидан бўлган бир коҳин Мисрдан Македонияга қочиб борган, Филиппнинг хотини Олимпияни сеҳрлаб ўзига мойил қилган,

---

«Зулқарнайн» («Икки шохли») Искандарни илоҳийлаштириш заминида унга нисбат берилган сифатдир. Шох жуда қадим замонларда Яқин Шарқда илоҳий қудратнинг символи бўлиб, худолар (ёки шоҳлар) шохли қилиб тасаввур этилган. «Зулқарнайн» сўзининг Искандарга нисбатан берилиши ҳақида ёзма ёдгорликларда ва халқ ижодида турлича талқин ҳамда афсона ва ривоятлар бор.

[1] Бу масала Е. Э. Бертельснинг «Роман об Александре» (Москва, 1948) асарида батафсил ёритилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олимпия қоҳиндан бир ўғил (Александр) кўрган эмиш. «Псевдо Каллисфен» қадим замонлардаёқ паҳлавий, сурия, арман, латин ва бошқа тилларга таржима қилинган, латинча таржимаси асосида унинг инглизча, французча, немисча версиялари вужудга келган, таржималарда унга турли-туман ўзгариш ва янгиликлар киритилган эди.

Маълумки, Александр Македонский аҳмонийлар сулоласининг ҳукмронлигини емириб ташлаган, зардуштийлик динига қарши шиддатли кураш олиб борган эди. Бинобарин, у Эрон аристократиясининг, айниқса зардуштий коҳинларининг хотирасида жуда ёмон из қолдиради. Улар Александрни ёмонликнинг, қоронғиликнинг тимсоли бўлган Аҳриман билан боғлаб тасвир эта бошлайдилар. Тарих китобларида ҳам у босқинчи подшо сифатида берилади. Бироқ Александр Македонский шахсига бундай муносабатни давом эттириш аристократ табақаларнинг сиёсий эътиқодига мувофиқ келмас эди. Уларнинг талқинига кўра, фақат Эрон шаҳаншоҳлари насл-насабидан бўлган кишигина Эрон тахтига чиқа олади, бу илоҳий қудратнинг амридир, унга ҳеч қандай куч раҳна сололмайди. Бинобарин, бу зиддиятни бартараф этиш зарур эди. «Псевдо Каллисфен»да Александрни мисрлик деб тасвирлаш, афтидан, бу зиддиятни бартараф этишга маълум бир йўлланма бўлиб хизмат қилган. Сарой тарихчилари Александр Македонскийни асли эронлик деб, уни Доро II нинг ўғли қилиб кўрсата бошлайдилар. «Худойнамак»дан кейин бу традиция мустаҳкамланади, расмий тус олади. Мана шу заминда Доро II нинг ўғли Искандар — Александр Македонский ҳақида турли афсона ва ривоятлар пайдо бўлиб, улар тарихий асарлар ва ёзма адабиётга кириб боради.

Искандарнинг ярим тарихий, ярим афсонавий саргузаштларини ҳикоя қилувчи ривоятлар билан бирга, Искандар ҳақида кичик-кичик ибратли ҳикоялар ҳам вужудга келади. Уларда Искандар Арастунинг маслаҳати билан иш тутган донишманд, халқпарвар, олижаноб киши сифатида тасвирланади. Бундай ҳикоялардан баъзи бирлари, масалан, «Искандар ва Девона», «Искандар ва хоқон» ва бошқалар Искандар образи яратилган достонларда ҳам келтирилади. Искандар образи лирик асарларда ҳам ўз ифодасини топа бошлайди.

Туркий халқларда ҳам Искандар ҳақида турли-туман афсона ва ривоятлар пайдо бўла боради. Машҳур олим Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги айрим қайд ва изоҳлар шундан далолат беради. Маҳмуд Кошғарий халқ этимологиясига асосланиб, айрим географик номлар ва сўзларнинг келиб чиқишини Искандар номи билан боғлаб изоҳлайди, у ҳақда яратилган баъзи бир афсона ва ривоятларнинг (ёки парчаларнинг) қисқача мазмунини баён этади.

Кейинги асрларга мансуб бўлган ўзбек адабий ёдгорликларидан Рабғузийнинг «Қиссасул-анбиё» асарида (XIV аср) Искандар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақидаги афсона ва ривоятлар хийла кенг ўрин тутади. Рабғузий Искандарнинг уруш-юришлари, сад барпо этиши, оби ҳаёт излаб зулматга кириши ва бошқаларни ҳикоя қилади. У қадимий афсона-ривоятлардан ҳам, «Қуръон»дан ҳам фойдаланади, Искандарни исломнинг ҳомийси қилиб кўрсатишга алоҳида эътибор беради.

Ўзбек халқи орасида ҳам, бошқа халқларда бўлгани каби, Искандар ҳақидаги афсона ва ривоятлар ҳозирга қадар яшаб келмоқда. Уларда Искандар ё золим подшо, ёки одил подшо сифатида тасвирланади. Масалан, Хоразм халқ эртаги «Искандари Зулқарнайн»да Искандар одил подшо ва лашкарбоши сифатида берилиб, унинг Дороп (Доро)га қарши жанги ва ғалабаси ҳикоя қилинади. «Шохли Искандар» номли халқ эртагида эса у золим ва қотил сифатида тасвирланади. Бироқ бу эртакларнинг қачон пайдо бўлгани, улардан қайси бири Навоийга таниш бўлгани ҳозиргача ўрганилган ва аниқланган эмас. Лекин шуниси маълумки, халқ ижодига катта эътибор билан қараган Навоий оғзаки адабиётдаги Искандар билан яқиндан таниш эди.

Шундай қилиб, замонлар ўтиши билан Искандар ҳақида турли-туман асарлар яратила боради ва Искандар тарихий заминдан тобора узоқлашиб, бадиий тўқима образга айланиб қолади. Искандарни ё одил, ёки золим подшо сифатида тасвирлаш, уни жаҳонгир, файласуф ва пайғамбар сифатида талқин этиш адабий традиция тусини олади.

* *
*

X асрдан бошлаб Искандар образи ёзма эпик поэзиянинг традицион образи сифатида такомиллашиб боради. X асрнинг улуғ санъаткори Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»да Искандар ҳақида махсус достон яратган эди. У ўз достонида асосан «Худойнамак» материалларига, турли ривоят ва афсоналарга ҳамда, қисман бўлса-да, «Псевдо Каллисфен» романига таянади. Фирдавсий достонининг асосини Искандарнинг қаҳрамонлик (кўпроқ фантастик) саргузаштлари ташкил этади. Фирдавсий Искандарнинг Дорога қарши жанги, Ҳиндистон, Миср, Хитой ва бошқа мамлакатларга юриши, зулматга кириши, ғов қуриб, яъжуж ва маъжужларнинг йўлини тўсиши, турли даҳшатли ҳайвонларга қарши жанги ва бошқаларни ҳикоя қилади. Фирдавсийнинг Искандари, профессор Е. Э. Бертельс таъкидлаганидек, шавкатли ва шижоатли подшо. У мустабид подшо образи бўлмагани каби, адолатли подшонинг идеал образи ҳам эмас. У «Шоҳнома»даги бошқа бир қатор сосоний подшолардан кескин фарқ қилмайди. Гарчи унинг Дорога қарши жанги, яъжуж-маъжужларга қарши ғов қуриши адолат мотивлари билан боғланса-да, лекин кўпчилик уруш ва юришларининг сабаби ҳам, оқибат-натижаси ҳам очилмай қолади. Гўё унинг фантастик саргузаштлари қаҳрамонликнинг бир синови бўлиб қо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лади, холос. Бинобарин, Искандарнинг қаҳрамонлиги маҳдуд, баъзан эса абстракт қаҳрамонликдир.

Низомийнинг «Искандарнома»си билан Искандар образи Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётида янги тараққиёт поғонасига кўтарилади ва хамсачиликнинг традицион образи бўлиб қолади. Низомий Искандар образида адолатли идеал подшо қиёфасини мужассамлаштириш вазифасини ўз олдига қўяди. У тарихий-хроникал асарлардан, халқ оғзаки ижодидан кенг фойдаланади. Бироқ Низомий фантастик саргузаштларни камайтириб, Искандарнинг фаолиятини ва Искандар образининг ички моҳиятини тўлароқ ва мукаммалроқ ёритишга интилади. Шоир Искандар образини, тўғрироғи, бу образдан кутилган мақсадни ўз замонаси ва замини билан боғлайди.

Низомийдан тахминан 100 йил кейин, 1300—1301 йилларда, улуғ ҳинд шоири Амир Хисрав Деҳлавий «Ойинаи Искандарий» («Искандар кўзгуси») достонини яратди. Низомийнинг Искандар ҳақидаги тарихий-афсонавий манбалардан мукаммал фойдаланганини қайд этган Хисрав Деҳлавий ўз достони сюжетида асосан «Искандарнома» воқеаларига таянди. Лекин, шу билан бирга, у «Искандарнома» материалларидан хийла эркин фойдаланиб, достонига бир қатор янги ҳикоя ва тамсиллар киритди. Хисрав Деҳлавий Искандар достонининг композициясини хийла мукаммаллаштирди. «Ойинаи Искандарий»нинг тили анча содда, услуби равондир. Достоннинг яна бошқа фазилатлари ҳам бор. Бироқ, шуларга қарамай, Хисрав Деҳлавий кўп жиҳатдан Низомий даражасига ета олмайди, у Искандар образини, достоннинг ғоявий мотивларини янги тараққиёт поғонасига кўтара олмади, чунки Хисрав Деҳлавий сарой шоири бўлиб, у ўзининг ижтимоий мавқеи билан ҳам, ижтимоий-сиёсий эътиқоди билан ҳам Низомийдан катта фарқ қилар эди.

Хуллас, Искандар образи узоқ асрлар давомида мураккаб такомил босқичини кечиб ўтиб, хамсачиликнинг традицион образига айланди. Навоий Искандари мана шу адабий традициялар тараққиётида янги ва улкан ҳодиса бўлди.

Искандар — адолатли ва маърифатпарвар идеал подшо образи

Алишер Навоий хамсачилик традициясидан келиб чиқиб, Искандарни бешинчи достонининг бош қаҳрамони қилиб олади. Навоий Искандар образини яратар экан, кўпгина тарих китобларини (жумладан, ўзи таъкидлаганидек, XIII аср тарихчиси Носириддин Байзавийнинг «Низомут-таворихи»и («Тарихларнинг низомномаси»)ни, бадиий асарларни, афсона ва ривоятларни ва, хусусан, хамсанавис салафларининг достонларини яхши ўрганиб чиқади, ўз асари учун материал тўплайди. Алишер Навоийни тарихий Искандар эмас, балки бадиий адабиётда традицион бир образга айланган Искандар кўпроқ қизиқтирар эди. Навоий Искандарнинг тарихи билан қанчалик таниш бўлишидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

қатъи назар, Искандар прообрази асосида ўз олдига қўйган вазифа ва мақсадларни, шубҳасиз, ҳал қилолмас эди. Искандаргина эмас, балки бошқа бирон подшо ҳам Навоий идеалларига тўла мувофиқ келмас эди. Навоий бунга қадар ўтган подшолар образини эмас, балки ўз тасаввуридаги, бундан кейин подшо бўлиши мумкин ва зарур бўлган подшо образини яратиши керак эди; Навоий подшо жамиятдаги иллатларни бартараф қилиб, адолат ва маърифат, осойишталик ва фаровонлик қарор топтириши, бошқалар бу подшодан ибрат олиши лозим деб ўйларди. Бу ижодий вазифани бажаришга тарихий шахслар ёки тарихий фактлар эмас, балки бадиий фантазиянинг куч-қудратигина кенг имкон берар эди. Бу борада эса (Искандар образи заминида) маълум адабий тажриба ва традиция вужудга келган эди. Хамсанавислар, айниқса Низомий Ганжавий, Искандар тимсолида шундай образ яратишда катта муваффақиятларга эришган эдилар. Навоий янги тарихий шароитда яшагани, ўз олдига янги ғоявий-эстетик вазифалар қўйганлиги учун мавжуд адабий тажриба ва традициялар доирасида қолиб кетолмас эди. Бор материалларни танлаш, саралаш ва уларни ижодий қайта ишлаш, янги материаллар киритиш, Искандар образини, аниқроғи, бу образдан кузатилган амалий мақсадни XV аср ҳаётига яқинлаштириш, подшо ва халқ, подшо ва сарой аҳли, подшо ва қўшиқ, подшо ва илм-маърифат аҳли каби масалаларни ёритиш, хулоса қилиб айтганда, Искандар образини янги тараққиёт погонасига кўтариш керак эди. Навоий мана шундай катта ва масъулиятли ижодий ишга киришди ва уни муваффақият билан адо этди.

Навоийга қадар Искандар образи уч планда: шоҳ, олим ва пайғамбар сифатида талқин қилинар эди. Навоий Искандарни шоҳ ва олим сифатида талқин этди ҳамда салафларидан (Низомийдан ҳам) фарқли ўлароқ, шоҳ ва олим образини бир-бирига узвий боғлади, унинг яхши фазилатларини бўрттириб тасвирлади. У Искандарнинг олимларга муносабати, улар билан ҳамкорлигига катта эътибор ва ўрин берди. Навоий Искандарнинг саргузаштларига доир воқеалар доирасини белгилаб, чегаралаб олди. Гарчи у Искандарнинг ўнлаб ўлкаларга юриш қилишини, афсонавий саргузаштларини, денгиз саёҳати ва оби ҳаёт излашини достоннинг XXIII бобида ярим тарихий-ярим афсонавий маълумотлар ҳамда бадиий ёдгорликлар асосида санаб ўтса ҳам, Искандарнинг ҳаёти ва фаолияти силсиласини бир неча йирик эпизод асосида тузади. Навоийнинг ўзи таъкидлаганидек, Искандарнинг барча «саргузашт»ларини баён қилиш учун «Шоҳнома»дек катта бир асар ҳам кифоя қилмас эди. Зотан, афсонавий саргузаштларга берилиб кетишнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Навоийнинг достондан кузатган мақсади афсона сўзлаш эмас, балки адолатли ва маърифатпарвар идеал подшо образини яратиб, шу асосда ўз давридаги ижтимоий-сиёсий проблемаларни ёритиш эди. Бинобарин, Навоий саргузашт эпизодларни бирмунча камайтирди, улардан ҳар бирининг моҳия-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тини, ижтимоий-фалсафий мазмунини чуқурлаштирди. Бу Навоийнинг катта санъаткорлик маҳорати эди.

Искандарнинг туғилиши, ёшлик йиллари, таълим-тарбияси, Файлақуснинг вафоти ва Искандарнинг тахтга чиқиши, унинг Доро билан тўқнашуви, Эронни эгаллаб олиб, у ерда адолат ўрнатиши, Кашмирга юриш қилиб золим Маллуни енгиши, Ҳинд шоҳи ва Чин хоқони билан дўстона битишуви, Мағрибда ваҳшийларга қарши жанги, Қирвон ўлкасида яъжуж ва маъжужларнинг йўлини тўсиш учун сад барпо этиши ҳамда денгиз саёҳати Искандар саргузаштларининг асосини ташкил этади.

Навоий Искандар образини тайёр ҳолда бермайди, уни воқеалар ривожи билан бирга поғонама-поғона ўстириб, такомиллаштириб боради. (Бу жиҳатдан қараганда, Навоий Искандари Хисрав Деҳлавий Искандаридан тубдан фарқ қилади ва Низомий қаҳрамонига яқин туради.) Навоий шаҳзода Искандар образига, унинг ғўдаклик йиллари, таълим-тарбияси ва балоғатга етишига катта эътибор беради. Шаҳзода тож-тахт ва мол-давлатга эмас, балки илм-фанга, олижаноб инсоний фазилатларни эгаллашга интилади. У Арастунинг отаси Нақуможис қўлида яхши таълим-тарбия олади, ақл-заковати ва куч-қуввати билан ҳаммани худди Фарҳоддек ҳайратда қолдиради. Файлақус вафот этади. Валиаҳд Искандар тахтга чиқиши керак. Бироқ у тахтга чиқишга ошиқмайди. Унинг фикрича, давлатни бошқариш ҳой-ҳавас эмас, балки ниҳоятда оғир ва масъулиятли вазифа, у катта тажриба ва билимни талаб этади. Бинобарин, Искандар халққа мурожаат қилиб:

...Вале мен эрурман бағоят ҳақир,
Доғи салтанат амри беҳад хатир.
Бу ишга керактур тавоно киши,
Эмас мен киби нотавоно иши...
Не бор шаҳлик айларга ният манга,
Не айлай десам қобилият манга...
Чу мен айладим ажзим изҳорини,
Бу андешадин кўнглим озорини.
Сиз эмди ўзунгузга шоҳе топинг,
Бу кишварга кишварпаноҳе топинг,—

дейди. (Отаси Фарҳодга тахтини таклиф қилганда, унинг отасига берган жавобини эсланг.) Шу пайтда Навоий шаҳзода Искандарни мол-давлат, мансаб-мартаба ва айш-ишратга берилиб кетган худбин ва айёр шаҳзодаларга қарши қўяди. Навоий яшаган муҳитни, темурий шаҳзодаларнинг айш-ишратга ва тож-тахт талашига берилиб кетганини кўзда тутсак, шаҳзода Искандар образининг моҳияти ва амалий аҳамияти янада ойдинлашади.

Искандар тож-тахтни рад этади. Бироқ эл-юрт камтарин ва ақл-заковатли Искандарни тахтга муносиб деб ҳисоблар эди. У эл-юртнинг раъйига қараб тахтга чиқади, мамлакатда инсоф ва адолат ўрнатади, халқнинг осойишталиги ва фаровонлиги учун, обо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дончилик ва илм-маърифат учун бел боғлайди. У тахтга чиқиш маросимига йиғилган халойиққа мурожаат қилиб бундай дейди:

Ки берди манга додгарлик холоҳ,
Бор эрса халойиқ аро додхоҳ,
Келиб олима арзи ҳол айласун,
Ўз аҳволини қийлу қол айласун!
Қошимда сўзин арз айлар замон,
Мени бир ўзи янглиғ этсун гумон...
Аён айласун реши дарду ғамин,
Ёқай дод бермак била марҳамин.

Халқ арз-ҳол қила бошлайди. Искандар ваъдасига амал қилади. Эл-юртни икки йиллик хирождан озод этади, золим амалдорларни мансабдан четлаштиради ва жазолайди, бозорларнинг нархнавоси, тош-тарозуси ва бошқалар устидан қаттиқ назорат ўрнатади, ҳаннотлик ва кўзбўямачиликка хотима беради. Искандар отасининг ҳукмронлиги даврида рўй берган барча ҳақсизликларга чек қўяди. Унинг адолати туфайли эл-юрт фаровон бўлади:

Бу янглиғ чу оз вақт тузди русум,
Ғаний бўлдилар адлидин аҳли Рум.

Искандар инсофли ва адолатли подшо ҳамда нажоткордир. У ўз халқигагина эмас, балки бошқа ўлкаларнинг халқларига ҳам инсоф ва адолат билан муносабатда бўлади, уларни золимларнинг зулми ва турли даҳшатлардан қутқаради, ободонлик, фаровонлик ва осойишталик учун курашади.

Мустабид Дорога бир қатор ўлкалар қарам эди. У ўлкалар, жумладан, Рум ҳам Дорога катта хирож тўлар эди. Тахтга чиққан Искандар хирож тўлашни тўхтатиб қўяди. Ғазабланган Доро уруш бошлайди. Искандарнинг жангга қарши жанг қилишдан ўзга чораси йўқ эди. Жангнинг иккинчи куни Доронинг амалдорлари Дорога қарши суиқасд қиладилар. Яраланиб ётган Доро Искандардан тавбасига таяниб, афв сўрайди. Олижаноб Искандар уни кечиради. Доронинг уч васиятини (суиқасдчиларни жазолаш, қариндош-уруғига азият етказмаслик ва қизи Равшанакка уйланишни) қабул қилади. Эрон тахти Искандарга ўтади. Искандар Эронда ҳам адолат ва осойишталик ўрнатади, асирларни озод қилади, аҳолига турли имтиёзлар беради. Доронинг жабр-ситамидан нажот топган Эрон халқи Искандардан хурсанд бўлади. Искандар Дорога қарам бўлиб келган ўлкаларда ҳам адолат ва осойишталик ўрнатишни, золим подшоларни тож-тахтдан даф этишни истар эди. Шу мақсадда у Дорога қарам бўлган ўлкаларга хат билан мурожаат қилади. Искандарнинг таклифини Кашмир, Ҳинд ва Чин ҳукмдорларидан бошқа ҳамма подшолар қабул қилади. Искандар юриш қилишга мажбур бўлади. У Кашмирга қараб йўл олади, Ҳирот ва Самарқандни бино қилади (Навоий, бошқа шоирларда бўлганидек, Искандарни Ўрта Осиё билан боғлаб тасвирлаш мақсадида уни

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳирот ва Самарқандни бино этган деб кўрсатади). Кашмир шоҳи Маллу ниҳоятда золим ва мустабид эди. У Искандарнинг Кашмирга йўл олганини эшитиб, сеҳргарлик билан ўт ва шамолни яшириб, ўзи бола-чақаси билан темир қўрғонга кириб олади. Искандарнинг доимий ҳамроҳлари ва маслаҳатчилари бўлган олимлар портловчи моддалар ишлатиб, қўрғонни забт этадилар. Ўлим олдида ётган Маллу тавбасига таянади. Искандар уни афв этади, Маллунинг васиятига кўра унинг қизи Меҳрнозга уйланади, ўғли Фирузни Кашмирга подшо қилади. Кашмирда ҳам адолат ва осойишталик барқарор бўлади. Кашмир воқеалари бошқаларга ўрнак бўлади. Тадбирли Ҳинд шоҳи совға-салом билан Искандарни кутиб олади. Искандар Ҳинд элини икки йиллик хирождан озод этади. У қиш фаслини Ҳиндистоннинг Нигор деган ажойиб ўрмонида ўтказиб, кейин Чинга қараб йўл олади. Олимлар Искандарга уруш бошламай туришни маслаҳат берадилар. Тадбирли Хитой хоқони элчи қиёфасида Искандарнинг қароргоҳига келиб, у билан ошкора сўзлашади. Икки ўртада ҳеч қандай ихтилоф қолмайди. Шундай қилиб, Кашмирни мустасно қилганда, Искандар Дорога қарам бўлган ўлкаларда ҳеч қандай урушсиз, қон тўкишсиз адолат ва осойишталик ўрнатишга муваффақ бўлади.

Искандар инсониятга зарар келтирувчи ҳар қандай кучларга қарши курашади. У ватанига қайтаётиб, Мағриб ўлкасида ит катталигида бўлган чумолисимон ҳайвонларга дуч келади. Улар одамхўр ваҳшийларнинг посбонлари экан. Искандар қўшини билан ваҳшийлар ўртасида жанг бошланади. Ваҳшийлар бошлиғи яккама-якка жангга киши талаб қилади; Искандар йигитлари майдонга тушишга ботинолмайдилар. Шунда Чин хоқони тортиқ қилган канизак эркакча либос кийиб, бетига ниқоб ташлаган ҳолда майдонга киради ва ваҳшийни енгади. Шундан кейин Искандар қўшини Қирвон ўлкасига келади. Ўлка ниҳоятда хароб бўлиб, аҳоли ваҳший яъжуж ва маъжужларнинг яғмосидан мусибат чекар экан. Искандар Қоф тоғи этагида яшовчи яъжуж ва маъжужларнинг йўлини тўсиб сад — девор қурдиради. Бу девор адолат ва осойишталик девори эди. Уни бино қилишда турли мамлакатларнинг халқлари, жумладан, румликлар, мовароуннаҳрликлар, форслар, хитойлар, ҳиндулар, руслар, французлар ва бошқалар қатнашади. Ҳалқлар дўстлиги ва иттифоқлиги инсониятнинг ашаддий душмани тимсоли бўлган яъжуж ва маъжужларни маҳв этади. Искандар ўзининг одилона ва оқилона сиёсати билан халқлар дўстлигини мустаҳкамлайди. Искандар қўшинининг сафи турли халқларнинг фарзандлари билан тўлиб, ўсиб боради. Бу қўшинда жанговар рус аскарлари ҳам бор эди:

Жувонғорида эрди Бартосу Рус,
Фалак хингидек барча тунду шамус.
Алар жавшани барча қолқондуруқ,
Синон қўлларида нечукким суруқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Искандар истеъдодли олим, илм-маърифатнинг жарчиси ва ҳомийси эди. Ёшлигида Нақуможиседан таълим олган Искандар умр бўйи Арасту ва Афлотун каби олимлар билан бирга бўлади, уларнинг маслаҳати билан иш тутади, илмий фаолиятларига ҳомийлик қилади. Чин хоқони ҳадя қилган ойинаи Чиндан илҳомланган Искандар олимларни янги илмий ихтироларга руҳлантиради. Афлотун ва Суқрот бошчилигидаги олимлар юлдузлар оламини текширувчи сутурлобни, Арасту ва Буқрот раҳбарлигидаги олимлар, ер юзидаги турли ҳодисаларни кўрсатиб берувчи ойинаи жаҳоннамони кашф қиладилар. Искандарнинг ташаббуси билан ўлкаларнинг табиий ва географик хусусиятлари ўрганилади, жойларда масофа кўрсатувчи белгилар ўрнатилади.

Ер юзи мамлакатларида адолат ва осойишталик ўрнатган Искандар Румга қайтади. У Румни онаси Бону ва олимларга топшириб, денгиз сирларини билиш учун узоқ сафарга жўнайди. Муҳит денгизига етиб боради, шиша сандиққа тушиб, денгиз ажойиботларини кўради. Сафардан қайтишида касал бўлади. Онасига хат ёзиб, қайғурмасликни, олимлар билан биргаликда мамлакатни бошқаришни васият қилади. Искандар ҳамроҳларидан ўлганимда бир қўлимни тобутнинг сиртига чиқариб қўйинг, деб сўрайди. Бу билан у, Искандар жаҳонни эгаллаган бўлса ҳам, дунёдан бўш қўли билан кетмоқда, демоқчи эди[1]. Искандар ўлади. Бироқ у ўз мақсадларига эришади, дунёда адолат ўрнатади. Унинг номи боқий бўлиб қолади.

Навоий Искандардек подшони, бутун ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг бахт-саодати учун курашга бағишлаган подшони орзу қилар эди. У Искандар образи билан ўз давридаги феодал ҳукмдорларига таъсир этиб, уларни Искандардан ибрат олишга чақирмоқчи бўлади. Навоийнинг бу нияти унинг инсонга чексиз муҳаббати заминида вужудга келган бўлиб, у гуманизмнинг ўрта аср шароитидаги ёрқин ифодаси эди. Бироқ Искандар образи романтик образ бўлиб, унинг хаёлдан ҳақиқатга айланиши мумкин эмас эди.

Олимлар образи

Навоий «Садди Искандарий»да бир қанча олимлар образини яратади. Булар Нақуможис (Никомахос, достонда Арастунинг отаси), Арасту (Аристотель), Филотун-Афлотун (Платон), Суқрот (Сократ), Асқалинус (Искилинус), Буқрот (Гиппократ), Хурмус (Гермес) ва Файсағурс (Пифагор)лардир. Қадим замонлардан бошлаб антик грек олимлари ва файласуфлари, айниқса Аристотель, Платон, Сократ, Гиппократ ва бошқалар Яқин ва Ўрта Шарқ халқларига ҳам яхши маълум эди, уларнинг кўпгина асарлари араб тилига таржима қилинган ва Ўрта Осиё ҳамда бошқа мамлакатларнинг олимлари томонидан шарҳланган, таҳлил қилинган ва айримлари ижодий

[1] Бу эпизод «Ҳайратул-аброр»да махсус ҳикоя сифатида келтирилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қайта ишланган эди. Аристотель, Платон ва бошқалар ҳақида афсона ва ривоятлар, бадиий асарлар пайдо бўлган эди. Шубҳасиз, Навоий буларнинг кўпи билан мукаммал таниш эди. Бироқ Навоий «Садди Искандарий»да грек олимлари ва файласуфларининг тарихий образларини яратиш ёки уларнинг илмий фаолияти ҳақида маълумот бериш, ижтимоий-фалсафий қарашларини ёритиш мақсадини ўз олдига қўймайди. Уларнинг тилидан баён этилган фикр-мулоҳазалар Навоийнинг ўз фикр-мулоҳазаларидир.

Олимлар достондаги воқеаларда, достоннинг ғоявий мотивлари ривожида жуда катта ўрин тутадилар, достоннинг бош қаҳрамони Искандар образини тўлдирадилар, такомиллаштирадилар. Нақуможис — Искандарнинг мураббийси ва устози. Арасту ва бошқа олимлар — унинг ажралмас ҳамроҳи ва маслаҳатдоши. Искандар ҳар бир масалада олимлар билан кенгашади, оқилона фикр-мулоҳазаларига амал қилади, уларнинг кўмаги билан муаммоларни ҳал этади, хавф-хатарни енгади. Шу зайлда, «Садди Искандарий» даги олимлар ўз илмий фаолиятлари қобиғига ўралиб қолмай, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашадилар, илм ва тафаккурнинг ҳаётий, амалий натижалари учун курашадилар. Навоий илм-маърифат аҳлларининг шундай бўлишини истар, орзу қилар эди.

Давлат бошлиқлари илм-маърифат аҳлларининг, донишмандларнинг кенгаши ва маслаҳати билан иш олиб бориши лозим деган ғояни илгари сурган Навоий бир қатор ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий масалаларни олимлар тилидан баён этади. Бу кўпроқ Искандарнинг саволи ва Арастунинг жавоби тарзида берилади[1]. Савол-жавоб адолат ва унинг натижаси, келишмовчилик ва унинг оқибати, ақл-фаросат ва ирода, қиш фаслининг фазилати, баҳор фаслининг файзи ва бошқа масалаларни қамраб олади. Искандарнинг:

...Шаҳиким эрур адлнинг жозими,
Не ишлар экин адлнинг лозими?,—

деган саволига Арасту бундай жавоб беради:

...Шаҳиким анга адл бунёд ўлур,
Натижа буким, мулки обод ўлур.
Чу мулки ўлди обод, халқи ғаний,
Яқиндурки, маъмур ўлур маҳзани.
Чу маҳзанни бу навъ маъмур этар,
Сипоҳийга бешак мавожиб етар.
Сипоҳий қачон шаҳға толиб келур,
Адусиға, шак йўққи, ғолиб келур...
Яна улки чун адли зоҳир дурур,
Бори қавм ила хайли шокир дурур.
Сипоҳийси гар тиғ урар беадад,
Раият дуо бирла айлар мадад...

[1] 75-бобда Искандарнинг саволига Суқрот, 80-бобда эса Луқмон жавоб беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Достоннинг хотимасида етти олим тилидан айтилган сўзлар бу фикр-мулоҳазаларни тўлдиради, такомиллаштиради: подшо элга мушфиқ ва марҳаматли бўлиши (Арасту); сипоҳни лутфи билан шод, раиятни адли билан обод қилиши (Филотун); улуснинг осойишталиги учун курашмоғи (Суқрот); ярамас кишиларга нисбатан сиёсат қўллаши, қаттиққўл бўлиши (Буқрот); оғзи, сўзи, кўнгли ва кўзи пок (Файсоғурс); ҳимматли ва саховатли бўлиши керак (Ҳурмус). Асқалинус эса бундай дейди:

Яна Асқалинус иршодидур.
Ки: «Ободгар элга шоҳ додидур,
Қаю шаҳки йўқ адл ила дод анга,
Улус бирла мулк ўлмас обод анга.
Чу шаҳ зулм сори узотти илик,
Очилди улуғ зулм уйига эшик...
Агар шаҳға иш лутфу гар кин эрур,
Элига ҳамул шева ойин эрур...»

Ер куррасининг ҳолати, етти денгиз, сутурлоб, сайёралар ва бошқа масалалар юзасидан ҳам Навоий ўз даврининг илмий ютуқлари ва фаразлари асосида фикр юритади.

Шундай қилиб, Навоий олимлар образи билан, бир томондан, илм-маърифатни тарғиб қилиб, олимларни мамлакат ва халқ ҳаёти учун фойдали ишлар билан шуғулланишга йўлласа, иккинчи томондан, феодал ҳукмдорларни илм-фан аҳлларига ҳомий бўлишга, уларнинг маслаҳати билан эл-юртни идора қилишга чақиради.

Низомийнинг «Искандарнома» ва Жомийнинг «Хирадномаи Искандар» достонида подшоси бўлмаган бахтиёр кишилар ўлкаси эпизоди тасвирланади. Бу эпизодда ифодаланган ғоя Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккурининг ривожланишида ғоятда катта аҳамиятга эга эди (бу ғоянинг илдизлари Форобийда бор). Навоийнинг гуманистик тафаккури, шубҳасиз, бу ғояга мойил ва оҳангдош эди. Бироқ темурийлар саройига яқин турган, бир неча йил бу саройнинг расмий лавозимларида хизмат қилган Навоий, табиийки, бундай эпизодни беролмас, подшосиз давлат ҳақида ошкор сўз очолмас эди.

Хотин-қизлар образи

Навоий «Садди Искандарий»да олижаноб фазилатларни ўзида мужассамлаштирган Бону ва Луъбати Чин[1] каби ажойиб хотин-қизлар образини яратади.

Бону мушфиқ ва меҳрибон она бўлиш билан бирга, тадбирли, тажрибали давлат арбоби ва заковатли олима ҳамдир. Бону Искандарнинг адолат ва осойишталик йўлидаги хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди, олимларнинг илмий фаолиятига ҳомий-

[1] Искандарга Чин хоқони тортиқ қилган канизак ниҳоятда гўзал бўлгани учун уни «Луъбати Чин» («Чин қўғирчоғи») деб юритилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик қилади. Бону образи, хусусан, асарнинг хотимасида ёрқинроқ намоён бўлади. Искандар вафот этади. Фарзандидан жудо бўлган қари она қаттиқ алам-изтироб ичида

Ўкурсам эди оқ сочимни ёйиб,
Келиб гоҳ ўзумга, гаҳи устойиб...

деб фарёд чекади, нола-фиғон қилади. Бироқ фарёд чекиб, нола-фиғон қилиш фойдасиз. Сабр-бардош керак. Таъзияга келган етти олим Бонунинг фазилатларини таърифлаб, уни сабр-бардош қилишга чақирадилар. Она таскин топади. Олимлар билан бирга Искандарнинг ишларини давом эттириб, адолат билан Румни бошқаради. Бону образи ўз сифат ва фазилатлари билан «Фарҳод ва Ширин»даги Меҳинбону образига яқин ва уйғундир.

Луъбати Чин мисли сиз жасоратли қиз. Искандарнинг йигитлари Мағрибда ваҳшийлар бошлиғи билан яккама-якка жанг қилишга ботинолмай турганда, ниқобланган Луъбати Чин майдонга киради, жасорати, чаққонлиги ва куч-қуввати билан ваҳшийлар бошлиғини енгади. Шу билан у Искандар қўшинини мағлубият ва шармандаликдан қутқариб қолади. (Низомий достонида Луъбати Чин ваҳшийларга асир тушади, уни Искандар аскарлари озод этади. Навоий эса бу образнинг воқеалар ривожидаги ролини, унинг жасорати ва баҳодирлигини бўрттириб тасвирлайди. Низомий достонида Искандар Луъбати Чинга ҳам уйланади. Навоий буни ортиқча ҳисоблаб, тушириб қолдиради.) Луъбати Чин халқ эртаклари ва достонларидаги қаҳрамон хотин-қизлар образига уйғундир.

Бону ва Луъбати Чин каби образлар орқали Навоий хотин-қизлар ҳақидаги гуманистик қарашларини янада бойитади, такомиллаштиради.

* *
*

«Садди Искандарий»да, юқоридаги образлардан ташқари, яна бир қатор ижобий ва салбий образлар бор. Тадбиркорлиги ва фаҳм-фаросати билан даҳшатли урушнинг олдини олган Ҳинд шоҳи ва Чин хоқони, бир қанча ўлкаларни талаган мустабид Доро, ҳудбин ва золим Кашмир подшоси Маллу ва бошқалар шулар жумласидандир. Чумолисимон ҳайвонлар, ваҳшийлар ва бошқалар эса ёмонликнинг, зулмат ва даҳшатнинг символидир. Инсон, унинг ақл-идроки ва куч-қудрати буларнинг барчасини маҳв этиши, енгиши керак. Искандар бошлиқ яхшилик кучлари бунинг уддасидан чиқади. Бу Навоийнинг инсонга, унинг ақли ва қудратига, келажагига бўлган умид ва ишончининг жўшқин ифодаси эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Садди Искандарий» нинг композицияси ва бадиий хусусиятлари

«Садди Искандарий» «Хамса»даги энг катта достондир. У 7215 байт (14430 мисра)дан ташкил топган. Достон 89 бўлимдан иборат. «Садди Искандарий» ўз композицияси билан «Хамса»даги бошқа достонлардан ҳам, хамсанависларнинг шу темадаги достонларидан ҳам тубдан фарқ қилади. Достон муқаддима, асосий қисм ва хотимадан иборат. Дастлабки 14 боб достоннинг муқаддимасидир. Муқаддимани моҳият эътибори билан бир-бирига яқин турган ва узвий боғланган 4 қисмга бўлиш мумкин: 1) ҳамд, муножот, наът, меърож; 2) хамса такмилида, сўз таърифида, Низомий, Хисрав Деҳлавий ва Жомий таърифида; 3) Ҳусайн Бойқаро ва Бадиуззамон мадҳи; 4) тарих илми ва қадимги Эрон шоҳларининг 4 табақоти[1].

XV бўлимдан достоннинг асосий қисми бошланади. XV бўлимда Навоий Искандарнинг туғилиши ва ёшлик йилларини тасвирлайди (бу бўлим Искандар саргузаштларининг ўзига хос бир дебочасидир). XVI бўлимда подшо ва донишманд Искандар саргузаштлари баёнига ўтилади, шу бўлимдан бошлаб достон композицияси тамомила янги негизга, янги принципга эга бўлади, достоннинг ҳар тўрт бўлими мазмунан узвий боғланган алоҳида боб ҳисобланади. Достоннинг тематик-ғоявий моҳиятини мукаммал ёритиш учун Искандарнинг саргузаштларинигина тасвирлаш кифоя қилмайди. Ҳар бир эпизодни, Искандарнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини, унинг сифат ва фазилатларини назарий жиҳатдан асослаш, маълум бир замин яратиш керак бўлади. Бинобарин, Навоий Искандарнинг саргузаштига доир бирор эпизодни ҳикоя қилишдан аввал бобга 3 бўлим (назарий муқаддима, ҳикоя ва Искандарнинг саволига Арастунинг жавоби) киритади. Шу зайлда достонни ташкил этган 64 бўлим 16 бобни ҳосил қилади. Масалан, Навоий Искандарнинг тахтга чиқиши эпизоди тасвиридан (XIX бўлим) олдин ҳиммат (XVI бўлим), Искандар билан гадо ҳикояси (XVII бўлим) ва Искандар билан Арастунинг савол-жавоби (XVIII бўлим) бўлимларини беради. Тўртала бўлимнинг ҳам темаси бир бўлиб, ҳиммат масаласига бағишланади.

Кейинги боб Искандар билан Доро ўртасидаги можароларга бағишланади. XXIII бўлимда Искандарнинг Дорога хирож тўламай қўйиши, унинг ҳақлиги, Доронинг ноҳақлиги баён этилади. Адолат таърифи (XX бўлим), Маҳмуд ҳикояси (XXI бўлим) ва адолатнинг натижаси ҳақида Искандар саволига Арастунинг жавоби (XXII бўлим) Искандар билан Доро можароларининг моҳия-

[1] Навоий ярим тарихий, ярим афсонавий манбалар асосида қадимги Эрон шоҳларини 4 табақотга бўлади: Пешдодийлар, Каёнийлар, Ашконийлар ва Сосонийлар. (Пешдодийлар ва Каёнийлар афсонавий сулолалар бўлиб, Ашконийлар — аршакий парфиёнлардир). Навоий Искандар иккинчи табақотдан сўнг ўтди дейди (аслида Искандар Сосонийлар даврида ўтган).

www.ziyouz.com kutubxonasi

тини англашга, Искандарнинг позициясини қувватлаш ва Доронинг истибдодини қоралашга хизмат қилади. Навбатдаги боб Искандар билан Доро ўртасидаги ихтилофларнинг ҳарбий тўқнашувга айланиб кетишини, Искандарнинг ғалабаси ва Доронинг мағлубиятини тасвирлайди. Шу бобнинг биринчи бўлимида (XXIV бўлим) шоир мухолафат (ўзаро келишмовчилик)ни қаттиқ қоралайди, феодал ҳукмдорлар ўртасидаги ихтилофлар туфайли вужудга келган ўзаро урушлар ва уларнинг даҳшатли оқибатларини кўрсатади:

...Бу гўё жаҳон ичра тўфон эрур,
Ки андин жаҳон аҳли вайрон эрур,
Не тўфон, бало баҳри чайқолмоғи,
Жаҳон аҳли сув остиға қолмоғи...
Адоватқа боғлаб камар икки шоҳ,
Жаҳон аҳлини айлаб икки сипоҳ...
Ато бир тараф гар эрур, филмасал,
Яна жониб ўғулға маҳал.
Иккисига кин ўти солғай ғазаб,
Ул ўт қон ичарга қилиб ташна лаб.
Ато жон бериб, ўғлин ўлтургали,
Ўғул ҳам анга тиғи кин сургали.
Қариндош топса қариндошини,
Дамо-дам тилаб кесгали бошини.
Тушуб ошноларга бегоналиқ,
Кетиб ҳамишиналарга ҳамхоналиқ...

Шоир XXIV бўлимдаги мулоҳазаларини XXV бўлимдаги ҳикояда мужассамлаштириб, Чингизхон билан Хоразмшоҳ ўртасидаги ихтилофларни тасвирлайди. Модомики, ихтилоф шундай оқибатларга олиб келар экан, у тақдирда Искандар билан Доро ўртасидаги ихтилофларга қандай баҳо бериш керак? Бу саволга XXVI бўлимда Арасту жавоб бериб, илм-фан аҳллари умуман низо-адоватни рад этадилар, низо-адоватни тинч йўл билан бартараф этиб бўлмаса, у тақдирда адолатни қурол кучи билан ҳимоя қилишга ижобий қарайдилар, деб жавоб беради. Бу билан Искандарнинг Дорога қарши кураши оқланади.

Бошқа боблар ҳам шу тарзда қурилган.

Навоий мушоҳада, мунозара, ҳикоя ва катта эпик ривояни бирбирига уйғунлаштиради, сўз санъатининг турли усулларини бир асарда мужассамлаштиради. «Садди Искандарий»нинг композиция усули достончилик тараққиётида катта, янги қадам эди. Тўғри, Хисрав Деҳлавий ҳам «Ойинаи Искандарий» бобларини уч бўлимга (назарий бўлим, ҳикоя ва саргузашт бўлимларига) ажратади. Бироқ «Ойинаи Искандарий»даги бўлимлар ўзаро узвий боғланмаган ва моҳият эътибори билан тарқоқ эди.

Навоий боблар охиридаги лирик хотимани ҳам такомиллаштиради. Низомий «Искандарнома»нинг «Шарафнома» қисмида соқийга, «Иқболнома» қисмида мутрибга мурожаат қилади. Хисрав Деҳлавий эса ҳар бир лирик хотимада ҳам соқийга, ҳам мутрибга

www.ziyouz.com kutubxonasi

мурожаат қилади. Алишер Навоий соқий ва мутриб ёнига ўзини ҳам қўшиб, ўзига мурожаат қилиш билан бобдаги воқеа ёки проблемага бевосита ўз муносабатини ифодалаб, хулоса чиқаради.

«Садди Искандарий» кескин конфликт, кураш ва тўқнашувлар асосига қурилган достондир. Достоннинг деярли ҳар бир боби ўзига хос конфликтга эга. Бироқ достоннинг барча конфликтларни жамловчи умумий конфликти ҳам бор. Бу адолат билан зулм, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги курашдир. Бу кураш назарий муқаддимада ҳам, ҳикояда ҳам, Искандар билан Арастунинг савол-жавоби ва саргузашт эпизодида ҳам ўз ифодасини топади. Барча йирик эпик асарларда бўлгани каби, бу асардаги конфликт ҳам бир неча бор кульминация нуқтасига кўтарилади. Қирвон ўлкасида яъжуж ва маъжужларга қарши кураш — конфликтнинг чўққиси. Бу конфликт турли ўлка фарзандларининг Искандар бошчилигида сад қуриши билан ечилади, инсоният зулмат ва даҳшат ҳамласидан абадий нажот топади (достоннинг «Садди Искандарий» деб номланишига сабаб шудир). Достон қаҳрамонлари конфликтда, кураш ва тўқнашувларда ўсиб, такомиллашиб борадилар. (Бу, биринчи навбатда, достоннинг бош қаҳрамони Искандарга тааллуқлидир.) Шоир образларнинг ички кечинмалари (Искандарга аза тутган Бону ёки Равшанакка рашк билан ўртанган Меҳрноз) ва ташқи қиёфаларини (Луъбати Чин, Меҳрноз ва бошқалар) моҳирлик билан тасвирлайди.

Навоий «Садди Искандарий»да реал ҳаёт лавҳаларини, табиат манзараларини қанчалик моҳирлик билан тасвирласа, фантастик манзараларни, афсонавий маҳлуқларни, ғаройиб воқеаларни ҳам шунчалик катта санъаткорлик билан чизади. Мағриб ва Қирвон тасвири, у ердаги воқеалар, денгиз сафари ва ажойиботлари шулар жумласидандир. Бундай тасвирий ўринларда, шубҳасиз, Навоий халқ оғзаки ижодидан, айниқса эртаклардан илҳомланган. «Садди Искандарий»да реалистик тасвир билан бадиий фантазия кўпинча бир-бири билан узвий боғланиб боради, шоир романтик тасвирдан реалистик хулоса чиқаради. Масалан, яъжуж ва маъжужларга қарши кураш романтик тасвир билан берилган, лекин шоир бундан реалистик хулоса чиқариб, агар кишилар аҳил-иттифоқ бўлса, зулм ва зулмат йўлларини ўтиб бўлмас ғов билан тўсиши мумкин деган фикрга келади. Ёки денгиз тасвирини олайлик. Бу тасвир қанчалик фантастик бўлмасин, унинг моҳиятида инсоннинг ақл-заковати табиат сирларини кашф қилишга қодирдир, деган реал мақсад ва ишонч бор.

«Садди Искандарий», XV аср муҳити заминида туғилган ғоявий зиддиятларига қарамай, ўз моҳияти билан халқчил асардир, чунки унинг замирида халқнинг бахт-саодати, осойишталиги ва фаровонлиги учун кураш ғояси ётади. Авторнинг халқ оғзаки ижодидан илҳомланиши, унинг бойликларидан ижодий фойдаланиши эса достоннинг халқчиллик моҳиятини янада оширади. Фантас-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тик тасвирий ўринларда халқ ижоди услубидан баҳраманд бўлган Навоий достондаги «Искандар ва гадо ҳикояти», «Мажнун ҳикояти», «Икки рафиқ ҳикояти», «Булбул ҳикояти», «Кабутар ҳикояти» ва бошқаларни халқ ижоди (ёки халқ ижоди асосида яратилган ёзма адабиёт) материаллари асосида бунёд этади. Шу билан бирга, Навоий халқ қўшиқлари, мақоллари ва таъбирларидан ҳам унумли фойдаланади. Масалан, у Искандарнинг Равшанак ва Меҳрнозга уйланиши маросимини тасвирлар экан, қуйидаги ўланни келтиради:

Муғанний тузуб чинга вазнида чанг,
Наво чекки, ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг!

Десанг сенки: жон қардошим ёр-ёр!
Мен айтайки: мунглуғ бошим ёр-ёр!..

У қуйидаги мисраларда халқ мақоллари ва таъбирларини ишлатади:

Биҳамдиллаҳ, ул гул топиб рангбў,
Бир оққан ариққа яна оқти су(в).

Ҳамул гўй отилғач қочиб як-баяк,
Масалдурки: «Минг қарғага бир кесак».

Қачон сочса туфроққа буғдой бирав,
Йўқ имконким ул арпа қилғай дарав.

Ва гар арпа ҳам сочса бўлмоққа тўқ,
Анга буғдой ўрмоғинг имкони йўқ.

Тааммул била ком пайдо бўлур,
Таҳаммул била ғўра ҳалво бўлур.

Не хуш дебдур ул дардманди фироқ,
Ки: «Оз бахт кўп ҳусндин яхшироқ».

Улус чеҳраи олам афрўзидин,
«Билур йил келишин наврўзидин».

Шунингдек, Навоий:

Мижгизлари гул-гул, мижгалари хор,
Қобоғлари кенг-кенг, оғизлари тор

каби халқ шеърларидек ҳароратли, жўшқин ва бадиий содда мисралар ҳам яратган.

«Садди Искандарий» қаҳрамонлик достонининг традицион вазни бўлган мутақорибда (фаулўн фаулўн фаулўн фаул) ёзилган.

* *
*

«Садди Искандарий» Навоий яшаган даврининг энг муҳим масалаларига бағишланган достондир. Достоннинг бош қаҳрамони Искандар романтик образ бўлса ҳам, достонда қўйилган ижти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моий-сиёсий масалалар романтик тарзда ҳал этилса ҳам, достон жуда катта ҳаётий-реалистик қимматга эгадир, чунки унда ўзаро феодал урушлар қораланиб, марказлашган давлат учун, осойишталик ва адолат учун кураш — XV асрнинг энг илғор, халқчил интилиш ва орзулари ифодаланган. Романтик образ ва романтик тасаввур ҳам ана шу заминда туғилган эди. Навоий Искандар ҳақидаги достонни бевосита XV асрнинг ҳаётий воқеалари, шарт-шароити, урф-одати ва бошқалар билан бойитади, унинг замонавий қимматини оширади. Масалан, у подшо халқ ва қўшиннинг ишончини, муҳаббатини қозонмаса, уни ҳалокат кутади, деган ғояни ифодалар экан, темурий подшолардан Абусаид мирзо ҳақида ҳикоя келтиради: Абусаид мирзо кўп мулк олди, олтин-кумуш йиғди, бироқ эли ҳам, қўшини ҳам ундан рози эмас эди. Бинобарин, уруш чоғида қўшин уни қўллаб-қувватламади. Абусаид жанг майдонида ҳалок бўлди.

Достонда тасвирланган ўзаро феодал урушларнинг даҳшати, ҳарбий қуролларнинг турлари, Искандарнинг хазина ишларида қаттиқ тартиб ўрнатиши ва ҳоказоларга эътибор қилсак, буларнинг Навоий замонаси учун қанчалик аҳамиятли эканини кўрамиз. Худди шунингдек, Искандарнинг тўйи, Бонунинг мотам тутиши ва бошқа урф-одат, расм-русумлар ҳам Навоий замонасини, ўзбек халқининг маиший ҳаёти манзараларини эслатади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Достон маърифий ва илмий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Унда биз турли халқ, элат ва қабилаларнинг номини, қуроллар номини, Рум, Мағриб, Зангибор, Фаранг, Қрим, Андалуз, Миср, Искандария, Ироқи Ажам, Ироқи Араб, Шом, Ҳалаб, Макка, Форс, Хоразм, Дашти қипчоқ, Ос, Рус, Черкас, Гуржа, Фарҳор, Мовароуннаҳр, Самарқанд, Ҳирот, Сипоҳон, Рай, Мурғоб Руд, Гажрот, Марв, Чаҳчарон ва яна бир қанча географик атамаларни учратамиз. Достонда ўзбек халқ этнографиясини ўргашиш учун ҳам кўпгина қимматли материаллар бор.

Хуллас, ёзма ва оғзаки манбалардан, адабий традициялардан ижодий фойдаланган Навоий яшаган даврининг энг муҳим масалалари юзасидан гуманистик фикр-идрокнинг ажойиб бадиий тажассуми бўлган оригинал достон — «Садди Искандарий»ни яратиб, «Хамса»га доир катта ва масъулиятли ишини зўр муваффақият билан адо этган эди.

Хотима

Навоий «Садди Искандарий»нинг хотимасида бутун «Хамса»сига ажойиб ва мукаммал бир якун ясаганки, бу якун «Хамса» ҳақидаги баҳсимизнинг ҳам энг мувофиқ якуни бўлади деб ўйлаймиз.

Катта ижодий тажриба тўплаган Навоий бешинчи достони «Садди Искандарий»нинг ҳам юксак баҳоланишига ишонади. Асар авторнинг ўзига ёқади. Бироқ Навоий адабиёт аҳллари, китобхонлар уни қандай кутиб олар ва қандай мулоҳаза юритар экан, ту-

www.ziyouz.com kutubxonasi

галланган «Хамса» қандай умумий баҳога лойиқ бўлар экан, деб ўйлайди ва у бошқа адабиёт аҳллари ва китобхонларга етиб боргунга қадар энг мўътабар адиб ва устоз санъаткорнинг достон ҳақида мулоҳазаларини билмоқчи бўлади. Бу мўътабар адиб ва устоз санъаткор Абдураҳмон Жомий эди. Навоий «Хамса» ёзиш нияти ва орзуларини илгари унга айтиб, фикр-мулоҳазаларини олган, бошқа достонларини унинг муҳокамасига тақдим қилган эди. У якунловчи баҳони ҳам Жомийдан олишни истайди ва унинг ҳузурига боради.

«Хамса»ни унга узатади. Жомий мамнуният билан бир қўлини Навоийнинг елкасига ташлаб, иккинчи қўли билан «Хамса»ни варақлай бошлайди. Шунда Навоий ажойиб хаёл оламига ғарқ бўлади.

Навоий гўзал бир чаманда. У чаманда шодлик ва мамнуният билан кезиб юрар экан, узоқда суҳбатлашиб ўтирган бир тўда кишилар давраси намоён бўлади. Даврадагилардан бир киши Навоий томонга юриб кела бошлайди, у Навоий билан саломлашиб, уни даврага таклиф қилади. Бу киши буюк Хисрав Деҳлавийнинг шогирди атоқли шоир Ҳасан Деҳлавий экан. Даврада Ҳасан Деҳлавий Навоийни суҳбат аҳли билан таништиради: тўрда ўтирган Низомий Ганжавий, унинг ўнг томонида Хисрав Деҳлавий, чап томонида Абдураҳмон Жомий, икки томонда Фирдавсий, Унсурий, Саноий, Хоқоний, Анворий, Саъдий ва бошқа сўз усталари. Навоийни кўриш билан ҳамма ўрнидан туради, унинг бир қўлидан Хисрав Деҳлавий, иккинчи қўлидан Абдураҳмон Жомий тутиб, Низомий ёнига ўтқизадилар. Низомий ҳол-аҳвол сўрагандан кейин, Навоий «Хамса»сини таърифлаб, юксак баҳолайди. Қизғин суҳбат боради.

Навоий хаёл оламидан қайтганда, Жомий ҳамон завқ-шавқ билан «Хамса»ни варақлар эди. У охирги саҳифани варақлар экан, мислсиз шодлик ва мамнунлик билан Навоийга таҳсин ўқийди.

Навоий буюк сўз санъаткорлари, хамсанавислар билан ижодий баҳслашган, катта синовда мислсиз муваффақиятларга эришган эди. Навоий адабиёт тарихида Фирдавсий, Низомий, Хисрав Деҳлавий ва Жомий каби доҳий санъаткорлар қаторидан жой олди.

«ЛИСОНУТ-ТАЙР»

Алишер Навоий умрининг охирларида, 1499 йилда «Лисонут-тайр» («Қуш тили») достонини яратди. «Лисонут-тайр» мураккаб фалсафий достон бўлиб, унда Навоий мажозий образлар ва уларнинг рамзли саргузаштлари орқали объектив борлиқ ва илоҳиёт ҳақидаги қарашларини баён этади, шу билан бирга у реал ҳаёт лавҳаларини, кишиларнинг хатти-ҳаракати, феъл-атворидаги ижобий ва салбий хусусиятларни тасвирлайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Лисонут-тайр» ўрта аср фалсафий қарашлари тараққиётида маълум даражада ижобий ўрин тутган асар бўлиши билан бирга, ўзбек классик адабиёти ва ўзбек адабий тилининг муҳим ёдгорликларидан биридир.

Пантеизм — «Лисонут-тайр»нинг фалсафий асоси

Навоий жуда мураккаб тарихий шароитда, ўша шароитнинг хилма-хил зиддиятлари билан бирга яшади. Инсоннинг бахт-саодати учун курашида, табиат ва жамият ҳодисалари ҳақидаги фикр-қарашларида у баъзан даврининг тор тарихий чегараларини ёриб ўтди, баъзан эса даврининг муаммолари олдида ожиз қолди, муҳитининг зиддиятлари сабаби ва моҳиятини тушунолмади, жавоб истаб, йўл ахтариб турли хил таълимотларга, фалсафий қарашларга мурожаат қилди, бироқ етарли қаноат ҳосил қилмади.

Навоий ислом динини эътироф қилади ва унга суянади. Бироқ Навоий табиат ва жамият ҳодисалари тўғрисидаги айрим масалаларда ислом динининг ақидалари доирасидан четга чиқади, ўз давридан хийла юқори кўтарилади. Мана шундай масалалардан бири объектив борлиқ ва илоҳиёт масаласидир.

Ислом динининг таълимотига кўра, бутун оламнинг, борлиқнинг яратувчиси худодир; бутун коинот унинг амри-иродаси билан боғлиқ; йўқни бор қилувчи ҳам, борни йўқ қилувчи ҳам худонинг ўзидир.

Навоийнинг объектив борлиқ ва илоҳиёт ҳақидаги қарашлари ислом дини таълимотидан хийла фарқ қилади ва ҳатто баъзи бир жиҳатлари билан унга зид келади. Шу билан бирга, Навоийнинг бу борадаги қарашлари тасаввуфнинг мистик таълимоти ва аскетизмга тамомила қарама-қаршидир. Навоийнинг пантеизми ўзининг оптимистик моҳияти ва ўз даврига нисбатан прогрессив характердалиги билан тасаввуфнинг пантеистик таълимотидан фарқ қилади.

Навоийнинг фикрича, дастлаб фақат худонинг ўзи бўлган, холос, у вақтда на коинот бўлган ва на мавжудот; худо ҳали «ўзи ўзида» эди, унда бутун коинот ва мавжудотнинг мисли̇з потенциал имкониятлари бўлса ҳам, бу имкониятлар табиат, конкрет борлиқ шаклида намоён бўлмаган эди, худо ўзидан, ўз потенциал имкониятларидан бутун оламни, коинот ва мавжудотни яратди, у конкрет борлиқ шаклида намоён бўлди; бинобарин, бутун олам, мавжудот ягона моя, илоҳий субстанциянинг кўриниши — тазоҳиридир; худо оламдан ташқари эмас, балки шу оламнинг ўзида, унинг ҳар бир заррасида мавжуддир, дунё гўё бир ойна — миръотдир, унда кўринувчи бутун борлиқ худодан, худонинг инъикосидан иборатдир.

Навоийнинг қарашича, худонинг мана шундай тазоҳири сифатида вужудга келган борлиқнинг кўрки инсондир; зотан, оламнинг вужудга келишидан мақсад ҳам даставвал мана шу инсондир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий «Лисонут-тайр»нинг муқаддимасида бу ҳақда шундай фикр юритади:

Офаринишдан қилиб инсон ғараз,
Они айлаб халқ[1] ичинда беиваз.
Кўнглин онинг маҳзани ирфон қилиб,
Ул тилисм ичра ўзин пинҳон қилиб,
Рози махфий ганж ўлуб бу турфа жисм,
Сунъидин ул ганж ҳифзига тилисм...

Шундай қилиб, Навоий объектив борлиқни илоҳийлаштиради, унга илоҳиётнинг тазоҳири деб қарайди. Объектив борлиқ ва илоҳиёт ҳақида бундай фикр юритиш идеалистик дунёқарашнинг бир кўриниши — пантеизмдир. Бироқ Навоий пантеизми ўз даври учун маълум прогрессив аҳамиятга эга эди. Навоий пантеизми реакцион шайхлар ва зоҳидлар томонидан тарғиб қилинган мистицизм ва аскетизмга қарши қаратилган эди. Мистицизм, бу олам қандайдир сирлар оламидир ва ғайри табиий кучларнинг бир соясидир; инсоннинг яшамоғи бахтсизлик, ўлмоғи бахтдир, у ўз ўлими билан «ал-ҳақ»қа қовушади деб таълим берса, аскетизм тарки дунёчиликни, «фоний дунё»дан воз кечишни тарғиб қилса, Навоий пантеизми оламга илоҳиётнинг тазоҳири деб қарайди, инсонни шарафлайди, уни дунёдан воз кечишга эмас, балки яшашга, бахтли, саодатли бўлишга чақиради. Дунёдан воз кечишнинг оқибат мақсади «худога қовушиш» бўлса, «худога қовушмоқ» учун инсоннинг ўзлигидан, дунёдан воз кечишига ҳожат йўқ; чунки инсон худонинг зуҳридир; буни англамаслик кишини бахтсизликка, ҳалокатга олиб борадиган нодонликдир,— дейди[2].

Демак, Навоий пантеизми ҳаётдан воз кечишни эмас, балки ҳаётни севиш ва уни қадрлашни тарғиб қилади, инсонпарварликка асосланади. Мана шу руҳдаги пантеизм «Лисонут-тайр»нинг фалсафий асосини ташкил этади.

«Лисонут-тайр»нинг сюжети ва персонажларининг мажозийлиги

Навоийнинг пантеистик қарашлари ислом динни таълимотига ҳамда тасаввуфнинг мистик ва бадбин қарашларига зид эди. Навоий ўз қарашларини очиқ-ойдин баён этолмас эди. Бинобарин, у мажоз усулидан, рамзлардан фойдаланади, достоннинг сюжетини ҳам, унинг персонажларини ҳам шу асосда яратади. Бундан ташқари, Навоий турли хил воқеаларни ҳикоя қилар экан, бошқа асарларидан фарқли ўлароқ, айрим ўринларда «қиссадан ҳисса» чиқармайди, персонажларнинг фаолияти ва хулқ-атворига баҳо бермайди, буларнинг барчасини у ки-

---

[1] *Халқ*—бу ўринда: яратилган, мавжуд нарсалар маъносида.

[2] Навоий «Садди Искандарий»да бу масалага бағишлаб бир ҳикоя келтиради: Бир гала балиқ сувда яшаб турибди, сув изламайди. Улар кўп машаққатларга гирифтор бўлади: даҳшатли гирдобга тушиб, наҳангга ем бўлади. Шундагина ўз хатосини тушуниб, қаттиқ пушаймон бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тобхоннинг ўзига ҳавола қилади («Лисонут-тайр»нинг турлича талқин қилинишининг сабабларидан бири ҳам шундадир).

«Лисонут-тайр» 176 кичик бобдан иборат. Бу боблар алоҳида эпизодларни, савол-жавобларни ва кичик ҳажмли ҳикоя ёки масалларни ўз ичига олади. Достонда Ҳудҳуд бошлиқ турли қушларнинг Симурғни излашлари ҳикоя қилинади. Бу, достоннинг қолипловчи ҳикояси — масали бўлиб, шу ҳикоянинг ичида жуда кўп масал ва ҳикоялар, мунозаралар берилади. Достонни, шартли равишда «Муқаддима», Симурғ таърифи, Симурғни излаш йўлида, Водийлар таъриф-тавсифи, Муножотлар қисми ва «Хотима»га ажратиш мумкин.

Кунларнинг бирида турли хил қушлар йиғилиб, базм-суҳбат қилмоқчи, сўнг ҳар қайсиси ўз манзилига қайтмоқчи бўлади. Бироқ йиғилишда ўз мавқеига қараб, тартиб-қоида билан ўтириш бўлмагани учун, қушлар ўрин талашиб, жанжаллашиб кетадилар. Шунда улар, агар оқил ва одил бир бошлиғимиз — подшоҳимиз бўлганда, орамизда можаро бўлмас эди, дейдилар.

Бу можародан Ҳудҳуд фойдаланиб қолади. У қушларнинг оқил ва одил подшоси Симурғдир,— деб, уни таърифлаб кетади:

...Сизга шоҳе бор бешибҳу мисол,
Васфини айтурда юз минг нутқ лол,
Барча олам қушларига шоҳ ул,
Ҳолингиздин мўба-мў огоҳ ул.
Ул яқин сизгаву сиз ондин йироқ,
Васл анга ойин, вале сизга фироқ...
Ҳар киши бўлса тирик ондин йироқ,
Ул тирикликдин ўлум кўп яхшироқ...

Симурғдан хабар топган қушлар яраниб, унинг олдига бориш учун йўлга тушадилар. (Қуръа ташланиб, Ҳудҳуд пешво — йўл бошловчи бўлади.) Бу йўл азоб ва машаққат йўли эди. Қушлар узоқ учадилар, чарчайдилар, ҳар бири ўз манзили, кундалик ҳаёти ва одатини қўмсайди. Уларнинг орасида норозилик кучайиб боради. Охири қушлар орқага қайтиб кетиш фикрига тушадилар. Бироқ Ҳудҳуд қушларнинг эътирозини рад қилади, турли афсона ва ҳикоялар сўзлайди. Масалан, булбул гулга муҳаббатини айтса, Ҳудҳуд гул абадий эмас, сенинг ишқинг чин бўлолмайди; Товус ўз ҳусни билан боғларни зийнатлашини айтса, Ҳудҳуд «ташқи ҳусн»ни рад этади; Кабутар одамларга ўрганганини айтса, Ҳудҳуд уларни қоралайди; Қарчиғай қушларнинг шоҳи эканини айтса, Ҳудҳуд уни бемаъниликда айблайди ва ҳоказо.

Ҳудҳуд қушларни йўлни давом эттиришга кўндиради. У қушларнинг Симурғга етишиш учун нима қилиш лозим? деган саволига, ўзликдан воз кечиш ва ҳар қандай азоб-машаққатларга кўникиш лозим деб, севгилиси (худо) васлига эришишда ўзи учун азиз бўлган барча нарсадан воз кечган Шайх Санъон ҳақидаги ҳикояни сўзлайди. Ҳудҳуд бошлиқ қушлар Симурғни излаш йўлини давом эттирадилар. Симурғни излаб топиш учун 7 босқичдан ўтиш лозим эди: 1. Талаб водийси. 2. Ишқ водийси. 3. Маърифат водийси. 4. Истисно (эҳтиёжсизлик) водийси. 5. Таваҳҳуд (яккаланиш) водийси. 6. Ҳайрат водийси. 7. Фақру фано (йўқ бўлмоқ — ўлмоқ) водийси. Бу водийлар реакцион тасаввуф таълимотининг ифодаси, тарки дунёчи шайх ва зоҳидларнинг тариқати эди.

Қушлар не-не машаққатлар билан йўлни давом эттирадилар, уларнинг баъзиси ўлади, баъзиси дармондан кетади. Қушлар яна эътироз билдирадилар. Ҳудҳуд улар билан суҳбатлашиб, эътирозларини рад қилади, ваъз айтади, ҳикоя сўзлайди. Ниҳоят, қушларнинг кўпи ҳалок бўлиб, 30 қуш қолади. Энди

www.ziyouz.com kutubxonasi

бу ўттиз қуш Симурғни излаш фикридан тамомила воз кечади, чунки уларнинг ўзи Симурғ — ўттиз қуш (س — 30, مرغ — қуш):

...Кўрдилар ўзни қаёнким тушди кўз,
Олло-олло, не ажойибдур бу сўз,
Ким қилиб Симурғ ўттуз қуш ҳавас,
Ўзларин кўрдилар ул Симурғ, бас.

Шундай қилиб, қушларнинг Симурғни излаши беҳуда эди. Уларнинг ўзи ўша Симурғнинг зарраси, унинг зуҳури эди. Навоий буни сўз ўйини воситаси билан якунлайди. Бу якун достоннинг фалсафий-ғоявий якуни ҳам эди.

Достоннинг сюжети мажозий бўлгани каби, унинг персонажлари ҳам мажозийдир. Симурғ — худо, Ҳудҳуд — шайх, муршид, қушлар — кишилардир. Навоий Симурғни тўла эътироф қилади, уни комил, энг олий борлиқ деб ҳисоблайди. Бироқ у худони оламдан ташқарида эмас, балки шу оламнинг ўзида, бутун коинот ва мавжудотда мужассамлашган, ҳар бир кимса ва ҳар бир нарсада зуҳур этган олий моя — субстанция деб тушунади. Бинобарин, ўзликдан (бу ўзликда худо зуҳур этган) воз кечиш — ўлиш билан худога қовушаман дейиш бемаъниликдир,— дейди Навоий.

Навоий Ҳудҳудни очиқдан-очиқ салбий образ сифатида таърифламайди, уни қоралаб ҳам ўтирмайди. Лекин шунга қарамай, достондаги воқеалар, Ҳудҳуднинг фаолияти, қушларнинг фожиали саргузашти унинг кўпроқ салбий образ эканлигидан далолат беради. Чунки қушларни ўзлигидан воз кечишга чақирган, уларни ҳалокат йўлига бошлаган ва кўпларининг нобуд бўлиб кетишига сабабчи бўлган мана шу Ҳудҳуддир. Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Ҳудҳуд хийла мураккаб, зиддиятли бир образдир. Ҳудҳуднинг сўзларида, унинг ҳикояларида айрим ижобий фикр ва ўгитлар ҳам бор. Масалан, Навоий унинг тилидан шундай сатрларни тизади:

Шаҳға ҳиммат паст агар берди худо,
Ҳушроқ ондин ҳиммати олий гадо...
Минг адад қўй бирла муздуру шубон
Муздолиб қўйларга бўлмиш посбон.
Чун бўридин қўйга етса тумтароқ,
Ул шубонидин онда бир ит яхшироқ...

Автор бундай ўринларда Ҳудҳуд образидан шартли восита сифатида фойдаланган бўлиши мумкин.

Қушлар кишилардир. Навоий уларнинг мавжудлигини ва ҳаётий моҳиятини эътироф қилади. Уларни ўзлигидан, ҳаётдан воз кечишга чақирмайди, балки ўзлигини англашга, ўз ҳаётини севишга ундайди. Шоир қушларнинг Ҳудҳудга қарши айтган эътирозларини қувватлайди, уларнинг ҳалокатли йўлга кириб боришидан қайғуради, бошларига тушган фалокатларга ачинади. Ниҳоят, 30 қушни сақлаб қолади. Бу 30 фақат шартли равишда 30 дир,

www.ziyouz.com kutubxonasi

аслида эса бутун қушларнинг — кишиликнинг рамзидир. Демак, кишилар яшамоғи, кишилик такомиллашмоғи керак.

«Лисонут-тайр» ҳикоялари

«Лисонут-тайр»да кўпгина ҳикоялар ҳам бор. Буларнинг баъзиларида тарихий ёки афсонавий шайхлар ва авлиёларнинг «саргузашти» ҳикоя қилинади (масалан, Шайх Санъон ҳикояси, Нажмиддин Кубаро ҳикояси), баъзилари эса таркидунё қилиш, тоат-ибодат каби масалаларга бағишланади (масалан, тупроқни олтинга айлантирувчи пир ҳикояси, Муқбил ва Мудбир ҳикояси ва бошқалар). Булар диний-мистик характердаги ҳикоялардир. Лекин «Лисонут-тайр»да реалистик мазмундаги реал ҳаёт масалаларини, турли хил кишиларни, уларнинг фаолияти ва феъл-атворини тасвир этувчи ҳикоялар ҳам бор. Уларда Навоий бадбинлик ва таркидунёчиликни, айёрлик ва фирибгарликни, тамагирлик ва текинхўрликни, нодонлик ва жоҳилликни, хуллас, яшаган муҳитининг бир қатор иллатларини қаттиқ танқид қилади, сатира ва юмордан фойдаланади. Гўзал подшо, ахлоқсиз ва хаёлпараст қаландар, қаллоб заргар, уқувсиз боғбон, тўймас полвон ва бошқалар ҳақидаги ҳикоялар шулар жумласидандир. Навоийнинг бу ҳикоялари унинг кичик эпик жанрда ҳам катта бадиий маҳорат эгаси эканини кўрсатади.

«Лисонут-тайр»даги ҳикоялардан бирида айтилишича, бир куни Ҳиротда бир девор қулаб тушади. Ҳодиса рўй берган жойда кишилар тўпланади. Уларнинг орасида бир дарвеш ҳам бор экан. Дарвеш ер билан яксон бўлган деворга қараб, нола-фарёд кўтаради. Таажжубланган кишилар дарвешдан бунинг сабабини сўрайдилар. Дарвеш кўпдан бери бу деворни кузатиб боргани, унинг қийшайиб кетгани ва, ниҳоят, бугун ағдарилганини айтиб, бу деворнинг мақсади ер билан текис бўлиш, деворликдан чиқиш эди, у ўз мақсадига эришди; лекин менинг жоним, қалбим бўла туриб нега ҳанузгача мақсадимга эриша олмайман, яъни ўлмайман, дейди.

Навоий бу ҳикояда ҳаётнинг мазмуни ва моҳиятини тушунмаган, ўзлигидан воз кечишни бахт деб ҳисоблаган дарвешдан истеҳзо билан кулади.

Яна бир ҳикояда таркидунёчилик ниқобига бурканган маишатпараст, бадахлоқ ва хаёлпараст дарвешлар, қаландарлар ҳажв қилинади, уларнинг кирдикорлари фош этилади.

Навоий тамагирлик ва текинхўрликни қаттиқ қоралаб, шундай нуқсонлари туфайли ҳалок бўлиб кетган «беғайрат», «девона» ва баднафс «полвон» ҳақида мароқли ҳикоялар келтиради.

Навоий «Лисонут-тайр» ҳикояларида ҳам, худди бошқа асарларидаги сингари, қаллоблик ва ҳийлагарликни, нодонлик ва жоҳилликни танқид қилади. Масалан, бир ҳикояда оддий тош ва шишаларни асл тош деб сотиб юрган, лекин охири сири фош бўлиб қатл қилинган қаллоб заргар саргузаштини, яна бир ҳикояда ўз касбини яхши билмай, жоҳиллиги туфайли ҳалок бўлган боғбон саргузаштини баён этади.

Бу ҳикоялар феодал муҳитнинг айрим иллатларини фош этувчи ҳаётий ҳикоялардир. Улар ҳаётдан воз кечишни эмас, балки ҳаёт-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни севишни, яхши хислат ва фазилатга эга бўлишни, ўзи учун ҳам, ўзгалар учун ҳам фойдали бўлган ишлар билан шуғулланишни тарғиб қилувчи ҳикоялардир. Булардан кўпи Ҳудҳуд тилидан айтилса-да, лекин уларнинг Ҳудҳуднинг мистик қарашлари билан боғлиқлиги йўқ. Мисол учун боғбон ҳикоясини олайлик. Ҳудҳуд бу ҳикояни Қумрининг эътирозига қарши сўзлайди (Қумри Ҳудҳудга боғни севиши ва ундан воз кеча олмаслигини айтган эди). Бироқ ҳикоя Ҳудҳуднинг кутганига қарама-қарши «чиқиб қолади». Аслида Ҳудҳуд бу ҳикоя билан боққа нафрат уйғотиши лозим эди. Аммо ҳикоя боққа эмас, балки боғбонлик касбини эгаллай олмаган кишиларга қарши нафрат уйғотади. Ҳудҳуд кўзлаган мақсадга мувофиқ, боғбоннинг ўлими ҳикоянинг ечимигина бўлиб қолмасдан, балки унинг асл моҳиятини ҳам ташкил этиши, боғ даҳшатли ва ҳалокатли бир жойдир деган хулосага олиб келиши лозим эди. Бироқ боғбоннинг ўлими ҳикоянинг асосини ташкил этмайди, у ҳикоя мавзуининг ечими ҳам эмас, балки унинг шартли бир тугалланмаси, холос. Боғбоннинг «фожиаси» ҳам боғ даҳшатли ва ҳалокатли бир жой деган хулосага олиб келмайди. Навоийнинг мақсади ўз касб-ҳунарини эгалламаган кишиларни танқид қилишдир. Бинобарин, ҳикоянинг ечими унинг шартли тугалланмаси — боғбоннинг ўлимидан аввал ҳал бўлиб кетади.

Ҳудҳуд тилидан айтилган бошқа бир қатор ҳикоялар ҳам ўз ғоявий йўналиши ва мазмуни билан шунга яқиндир.

«Лисонут-тайр» нинг бадиий хусусиятлари

«Лисонут-тайр» ўзбек классик адабиётида эпик турнинг янги жанрдаги намунаси — фалсафий достондир. Шоир ўз фалсафий қарашларини мажозий образлар — қушлар орқали ифодалайди. Шунинг учун ҳам у «Муҳокаматул-луғатайн»да: «Чун «Лисонут-тайр» алҳони била тараннум тузубмен, қуш тили ишорати била ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузубмен»,— деган эди.

«Лисонут-тайр» сюжети ва композицияси мураккаб достондир. Ҳудҳуд бошлиқ турли қушларнинг Симурғни излаш саргузаштлари достоннинг асосий воқеасини ҳамда қолипловчи ҳикоясини ташкил этади. Муқаддимада тасвирланган қушларнинг йиғини эпизоди достоннинг экспозицияси бўлиб, воқеанинг тугуни Ҳудҳуднинг таърифи ва ташвиқи билан қушларнинг Симурғни излашга қарор қилишидан бошланади. Экспозицияда қушларнинг ўрин талашуви конфликт бўлган бўлса, энди Симурғни излаш аҳди билан бу аҳддан воз кечиш, мистицизм билан оптимистик руҳдаги пантеизм ўртасидаги кураш достоннинг етакчи конфликти бўлиб қолади. Воқеа шу конфликт асосида ривожланиб, мураккаблашади, у қушларнинг эътирози ва Ҳудҳуднинг бу эътирозга жавоби эпизодларида ўз кульминация нуқтасига кўтарилади, гоҳ пасаяди, гоҳ кучаяди ва, ниҳоят, 30 қушнинг Ҳудҳуд бошлаган йўлдан воз кечиб, «ўзимиз Симурғмиз» деган қарорга келиши билан воқеа ечилади, конфликт ҳал бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қолипловчи ҳикояда Симурғ, Ҳудҳуд, Тўти, Булбул, Қумри, Кабутар, Қарчиғай ва Ҳумо каби мажозий образлар яратилган. Симурғ — худонинг рамзи. У достонда бевосита иштирок этмайди, бироқ бутун воқеа шу образ билан боғланади. Бошқа қушлар эса достондаги воқеанинг бевосита иштирокчиларидир. Уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1. Ҳудҳуд. 2. Барча бошқа қушлар. Ҳудҳуд —«фақру фано» йўлига бошловчи шайх — муршид. Бошқа қушлар — оддий кишилар. Ҳудҳуд билан бошқа қушлар орасида ўзаро алоқа ҳам, зиддият ҳам бор. Алоқа аста-секин заифлашиб боради, зиддият кучаяди ва кескинлашади. Қушлар бошда Ҳудҳудга ишонадилар, кўп ўтмай ундан, у бошлаган йўлдан норози бўла бошлайди ва, ниҳоят, «фақру фано» йўлидан воз кечиб, ундан ўз алоқаларини-узил-кесил узадилар. Шоир қушларнинг портрети ва характерини мана шу аспектда яратади ва ёритади. Шу билан бирга, у ҳар бир қушни унинг ўзига хос сифати, ҳаёти ва табиати билан бирга тасвирлайди, бошқача қилиб айтганда, қушларнинг «қушлиги»ни ҳам сақлаб қолади. Бу шоирнинг мажозий образлар яратиш ва уларни индивидуаллаштиришдаги катта маҳорати эди.

«Лисонут-тайр»да қолипловчи ҳикоя рамкасига жойлашган кўпгина кичик ҳикоялар ҳам бор. Бу ҳикоячалар қолипловчи ҳикоядан келиб чиққан бирор масалани ёритиш ва конкретлаштириш учун иллюстрация вазифасини бажаради. Айни чоғда улар мустақил ҳикоячалар бўлиб, ҳар бирининг ўз тема ва мақсади, мустақил сюжети ва композицияси, образлари бор. Бу ҳикояларда шоир кичик бир воқеа тасвири билан катта масалани ечади, ибратли хулосалар чиқаради. Уларда образлар индивидуаллаштирилади (қаландар, боғбон, заргар, полвон ва бошқалар).

Қолипловчи ҳикояда қушларнинг табиий қиёфасини усталик билан тасвир этган ва уларнинг айниқса Ҳудҳудга қарши сўзлаган эътирозлари орқали ички кечинмаларини моҳирлик билан очган Навоий мустақил ҳикояларда ҳам образларнинг портрети ва ички кечинмаларига алоҳида эътибор беради. Бу, хусусан, ҳажм жиҳатидан нисбатан каттароқ бўлган «Шайх Санъон ва Мажнунул-ҳақ» каби ҳикояларда равшан кўринади. Шайх Санъон Шарқда машҳур бўлган образлардандир (айрим маълумотларга кўра Шайх Санъон тарихий шахс бўлиб, XI—XII асрларда ўтган). Шайх Санъоннинг психологик кечинмаларини усталик билан баён этган Навоий, уни ўзига мафтун қилган тарсо гўзали — христиан қиз портретини ҳам моҳирлик билан тасвирлайди.

Навоий «Лисонут-тайр» асарида ҳам халқ ижодидан илҳомланади, халқ асарларининг сюжети, услуби, халқ таъбирлари, юмори ва бошқалардан ижодий фойдаланади. Шу жиҳатдан қараганда, «Лисонут-тайр»даги халқ латифаси асосида яратилган Мажнунулҳақ ҳикояси жуда характерлидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳикоя қилинишича, ўзини худо йўлига бағишлаган бир девона бўлган экан. Кишилар уни Мажнунул-ҳақ (худо йўлидаги девона) деб атаган эканлар. У баҳор фасли ўз масканини ўзгартирмоқчи бўлиб йўлга чиқибди. Лоғар эшагида бирмунча йўл босган экан, кеч кириб, бирдан қаттиқ ёмғир ёғибди. Мажнун бир вайронага кириб, паноҳ топибди. Аммо эшаги очиқ ҳавода қолибди. Ҳориб ухлаб ётган Мажнуннинг устига чакка ўтиб уйғонибди. Ёмғир тингандан кейин Мажнун ташқарига чиқса, эшаги йўқ. Шунда у ғазабланиб:

Ким сенга маркабни топшурдим бу дам,
Яхши асрадингму, не қилдинг карам?...

Асрамоқдин маркабим ор айладинг,
Тийра тунда нопадидор айладинг,—

дебди. Шундан сўнг чақмоқ чақнаб, атроф ёришибди. Мажнун эшагининг ўтлаб юрганини кўриб, хижолат бўлибди ва худога бундай дебди:

— К-ей менинг жисмим аро жоним худо,
Балки юз жоним санга бўлсун фидо!
Гарчи ул дам маркабимга боқмадинг,
Ғойиб айлаб, бўйниға йип тоқмадинг.
Менга юзланди бу дам ошуфталик,
Қаҳрдин қилдим санга олуфталик.
Чунки эшакни топшуруб эрдим санга,
Они топшурмоқ керак эрди манга.
Асрамоқда чунки тақсир айладинг,
Тунд кўргач, манга тадбир айладинг.
Чора айлаб, чақмоғингни чоқибон,
Кўз ёритур машъалингни ёқибон,
Кўзума они намудор айладинг,
Дар маҳал бу лутф изҳор айладинг.
Тундлуққа гарчи ман эрдим муҳиқ,
Сен ҳам эрмишсан ҳарифи бас мудиқ...
Деганимдин бемадор эттинг мени,
Қилғонимдин шармсор эттинг мени...

Бу юмористик парчада Мажнунул-ҳақ худога қарши қаратилган дашноми учун осий бўлган киши сифатида эмас, балки худо билан басма-бас келган бир шаккок сифатида, халқ қаҳрамони Афанди сифатида гавдаланади. Шоир Мажнунул-ҳақни қораламайди, балки:

Телба роэи гарчи номаъқул эди,
Чун муҳаббатдин эди мақбул эди,

деб уни ёқлайди.

Бу ҳикояга асос бўлган сюжетнинг бошқача вариантлари шу кунга қадар ҳам халқ латифаси сифатида яшаб келмоқда. «Лисонут-тайр»да:

«Эр кирар эр сониға ҳиммат била,
Эр эмас фахр айлаган зийнат била»,
«Эрга хулқу феъл эрур эбу жамол,
Янги заркаш хилласидур эски шол»,
«Дами бўлса вафо андин йироқ,
Ит вафо бобида андин яхшироқ»

каби ҳикматлар бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Лисонут-тайр» рамал баҳрида (рамали мусаддаси маҳзуф — фоилотўн фоилотўн фоилўн) ёзилган. У, классик адабиётдаги бошқа достонлар каби, маснавий йўлида қофияланган.

«Лисонут-тайр» тил ва услуб жиҳатидан Навоийнинг бошқа достонларига нисбатан хийла енгил ва соддадир; чунки Навоий мазмунан жуда мураккаб бўлган бу достоннинг тили ва услуби соддароқ ва равонроқ бўлишига алоҳида эътибор беради.

«Лисонут-тайр» ва «Мантиқут-тайр»

Биз Навоийнинг ёшлик чоғида Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут-тайр» («Қуш нутқи») достонини берилиб ўқигани ва бу достон ёш Алишерга салбий таъсир қилиб, уни кишилардан четлашишга, яккалик ва хаёлпарастликка судрай бошлаганини кўриб ўтган эдик.

Навоий ҳаётининг сўнгги йилларида яна «Мантиқут-тайр»га қизиқади, уни таржима қилишга, тўғриси, унга ўхшаш бир достон яратишга интилади. Ниҳоят, 60 ёшга қадам қўйганида бу ишга киришади.

Хўш, бу икки достоннинг бир-бири билан қандай алоқаси бор? «Лисонут-тайр» «Мантиқут-тайр»нинг таржимасими? Навоий Атторнинг мистик фалсафий концепциясини тарғиб қиладими?

Бу икки достоннинг бир-бирига ўхшаш (ҳатто бир хил) томонлари кўп, бироқ, шу билан бирга, бу икки достоннинг фалсафий концепцияси бир-бирига зиддир. XII асрнинг мистик шоири Фаридиддин Аттор «Мантиқут-тайр»да бутун борлиқ, жумладан қушлар (кишилар) худонинг соясидир, улар ўзликларидан воз кечиб, тасаввуфнинг 7 босқичини босиб ўтиб, фақру фано бўлгандагина ҳақиқатга — худога эришадилар, деган ғояни илгари суради.

Аттор:

Сурати мурғони олам сарба-сар,
Сояйи ўст бидон, эй бехабар

(Олам қушларининг шакли бир бошдан унинг (Симурғнинг) соясидир, буни, эй бехабар, билгил),

деб тасаввуфнинг пантеистик қарашини ифода этган бўлса ҳам, бироқ бу пантеизм ҳаётни эътироф қилиш ва уни севишга эмас, балки уни инкор этишга чақиради. Навоий эса бутун борлиққа илоҳиётнинг зуҳури, унинг «ҳикмат билан тўла» инъикоси деб қарайди, ўзлигини англашга, ҳаётни севишга чақиради.

Шундай қилиб, икки асарнинг фалсафий концепцияси ҳам, ўз олдига қўйган мақсади ҳам бошқа-бошқа эди. Мана шу концепция ва мақсад икки асарда бир-биридан фарқ қилувчи ва бир-бирига зид бўлган ўринларни, хусусиятларни вужудга келтиради.

Навоий Аттор достонидаги қолипловчи ҳикояни ва яна бир неча мустақил ҳикояларни олади, уларнинг сюжети ва образларини деярли сақлаб қолади. Бироқ буларни ўз фалсафий концепциясига

www.ziyouz.com kutubxonasi

мувофиқлаштиришга, уларга янгиликлар киритишга ва шу билан асарнинг руҳини ўзгартиришга интилади. Навоий «Мантиқут-тайр»нинг муқаддимасидаги бадбинлик ва таркидунёчиликни тарғиб қилувчи лирик парчани ташлаб ўтади. Аттор достонида қушлар тўғридан-тўғри Симурғни излаш йўлига тушсалар, Навоий достонида қушлар ўрин талашиб жанжаллашганидан кейин Симурғни излаш йўлига тушадилар. Бу эпизод Навоий достонининг реалистик моҳиятини кучайтиради, уни яшаган муҳитига янада яқинлаштиради. Аттор достонида қушлар эътирозининг Ҳудҳуд томонидан рад қилиниши очиқдан-очиқ қувватланади. Навоий гарчи қушларнинг эътирози тўғри эди, деб ошкор айтмаса ҳам, асарнинг руҳи шундай бир хулосага олиб келади. Навоий «Лисонут-тайр»га реал ҳаёт масалаларини тасвир этувчи, ижтимоий-тарбиявий жиҳатдан прогрессив аҳамиятга эга бўлган кўп ҳикоялар киритади. «Лисонут-тайр»даги 63 ҳикоядан фақат 12 тасигина «Мантиқут-тайр»дан олинган, қолганлари эса халқ оғзаки ижодидан, баъзилари «Қуръон», «Ҳадис», «Тазкиратул-авлиё» ва бошқа диний китоблардан олинган ва айримлари бевосита шоирнинг ўз ҳаётий тажрибаси материаллари асосида вужудга келган янги ҳикоялардир. Реалистик характердаги ҳикоялар «Лисонут-тайр» билан «Мантиқут-тайр» ўртасидаги тафовут ва зиддиятларни янада кучайтиради, «Лисонут-тайр»нинг ҳаётий моҳияти ва қимматини янада оширади. Бу икки достонда яна бошқа тафовут ва ўзига хос хусусиятлар ҳам бор.

Юқоридаги факт ва мулоҳазалар «Лисонут-тайр» достонининг «Мантиқут-тайр»нинг таржимаси эмаслигини ва бу икки асарнинг фалсафий концепция ва мақсад жиҳатидан бир-бирига зид эканини кўрсатади. Бироқ Навоий табиат ва илоҳиёт ҳақидаги фалсафий концепциясини ошкор баён этолмас эди. Фаридиддин Аттор XV асрда ҳам жуда катта шуҳрат ва эътиборга эга эди. Дунёқарашидаги зиддиятларига қарамай, ҳатто Навоийнинг ўзи ҳам унга эҳтиром ва эътиқод билан қарар эди. Мана шуларга кўра, Навоий «Мантиқут-тайр»дан фойдаланди ва ўз достонини унинг таржимаси деб атади. Аслида эса «Лисонут-тайр» билан «Мантиқут-тайр» кўпроқ шакл жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлиб, моҳият эътибори билан бошқа-бошқа асарлардир.

Хотима

Навоий «Лисонут-тайр»да табиат ва илоҳиёт ҳақидаги қарашларига якун ясайди. Мистик элементлари ва айрим бадбинлик майлларига қарамай, Навоий бу асарида инсонни севиш ва унинг бахт-саодати учун кураш гоясини илгари суради. Достоннинг хотимасидаги Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳида уни адолатга чақириб айтилган:

Адл бўстонида юз хайли туюр
Кўрмасунлар зулм тошидин футур

каби мисралар ҳам шуни кўрсатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«МАҲБУБУЛ-ҚУЛУБ»

«Маҳбубул-қулуб»— Навоийнинг сўнгги йирик асари

«Маҳбубул-қулуб» 1500 йилда яратилди. Навоий бу асарида ҳаётдан олган тажрибаларига, таассуротларига, ўзининг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларига якун ясаш, турли ижтимоий табақа ва гуруҳларни тасниф ва таъриф қилиб, уларнинг бурчи ҳамда вазифаларини ёритиш, айримларининг фаолияти, хатти-ҳаракати ва хулқ-атворидаги иллатларни фош этиш, уларни яхшиликка йўллаш мақсадини ўз олдига қўяди. Бу асар, Навоийнинг кузатган мақсадига кўра, ижтимоий-сиёсий масалалар ва ахлоқ-одоб бўйича бир дастуруламал бўлиши, ҳаётни тузатиш ва яхшилашга хизмат қилиши лозим эди.

Навоий жуда мураккаб ва зиддиятли ҳаёт ва кураш йўлини босиб ўтди. Инсоннинг бахт-саодати учун, эл-юртнинг осойишталиги ва фаровонлиги учун, маданият ва маърифатнинг тараққийси учун ҳормай-толмай кураш олиб борган Навоий баъзан ўз орзу-интилишларига эришди, баъзан турли-туман тўсиқларга, зиддиятларга дуч келиб, алам ва кулфат чекди, муҳитнинг муаммо ва қарама-қаршиликлари билан бирга яшади, бу муаммо ва қарама-қаршиликлардан айримларининг моҳияти ва сабабларини тушунди, айримлари олдида ожиз бўлиб қолди. «Маҳбубул-қулуб» нинг муқаддимасида:

Гаҳе топтим фалакдин нотавонлиғ,
Гаҳе кўрдум замондин комронлиғ,
Басе иссиғ-совуғ кўрдум замонда,
Басе аччиғ-чучук тоттим жаҳонда,—

дейди.

Навоий ўзининг мураккаб ҳаёти ва кураш йўлини таърифлаб ҳамда бу асарининг яратилиш сабаби ва мақсадларини таъкидлаб, яна шундай дейди:

«Бу муқаддимотдин мақсуд бу ким, ҳар кўйда югурубмен ва олам аҳлидин ҳар навъ элга ўзумни еткурубмен ва яхши-ямоннинг афъолин билибмен ва ямону яхши хислатларни тажриба қилибмен. Хайр ва шарларидин нўш ва неш кўксумга етибдур. Ва лаим ва карим заҳм ва марҳамим кўнглум дарк этибдур. Замон аҳлидин баъзи асҳоб ва даврон хайлидин баъзи аҳбобки, бу ҳоллардин хабарсиз ва кўнгуллари бу хайру шардин асарсиздур... бу навъ асҳоб ва аҳбобқа интибоҳ қилмоқ ва аларни бу навъ ҳолатдин огоҳ қилмоқ вожиб кўрундики, ҳар тоифа хисолидин вуқуфлари ва ҳар табақа аҳволидин шуурлари бўлғайки, муносиб эл хизматиға шитоб қилғайлар ва номуносиб эл суҳбатидин ижтиноб вожиб билгайлар ва бори эл била маҳфий розларидин сўз демагайлар ва шаётин-инс макру фиребидин бози емагайлар ва ҳар навъ эл суҳбат ва хусусиятики, аларға ҳавас бўлғай, бу фақирнинг тажрибаси аларға бас бўлғай. Чун бу мақолотларнинг қулубқа маҳбублиғи маълум бўлди, онга «Маҳбубул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани» — *Н. М.*) от қўюлди».

www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

«Маҳбубул-қулуб»нинг қадимги қўл ёзма нусхалари жуда оз. Илм-фанда маълум бўлган қўл ёзма нусхалардан учтаси XVI асрга, қолганлари эса XVIII—XIX асрларга мансубдир. «Маҳбубул-қулуб»нинг 1565/66 йилларда (ҳижрий 973 йилда) кўчирилган нусхаси Париж Миллий кутубхонасида, XVI асрда кўчирилган деб фараз қилинган мукаммал бир нусхаси СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида, 1595/96 йилларда (ҳижрий 1004 йилда) кўчирилган нусхаси Ленинградда, Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасида сақланади. «Маҳбубул-қулуб» Бухоро тошбосмахонасида ва Истамбулда, 1939 йилда Тошкентда нашр этилди. СССР Фанлар Академиясининг нашриёти 1048 йилда А. Кононов томонидан тайёрланган «Маҳбубул-қулуб»нинг чоғиштирма текстини араб ёзувида босиб чиқарди.

«Маҳбубул-қулуб»— фалсафий ва ахлоқий-таълимий асар

«Маҳбубул-қулуб» фалсафий ва ахлоқий-таълимий асардир. Унда Навоий XV асрдаги ижтимоий табақа ва гуруҳларни тасниф ва таъриф қилади, ўз ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларини баён этади, панд ва танбеҳ беради. Шу жиҳатдан қараганда, «Маҳбубул-қулуб» Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Носир Хисравнинг «Саодатнома» ва «Рўшнойинома», Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» асарлари типидаги ўзига хос бир насиҳатномадир.

«Маҳбубул-қулуб», унда қўйилган масалаларнинг характерига қараб, 3 қисмга бўлинган:

«Аввалги қисм — халойиқ аҳволи ва афъоли ва ақволининг кайфияти»— халойиқнинг аҳволи ва феъл-атвори ҳамда сўзларининг кайфияти.

«Иккинчи қисм — ҳамида афъол ва замима хисол хосиятида»— яхши қилиқлар ва ёмон хислатлар хусусияти.

«Учинчи қисм — ҳамида натижаси ва замима хисол хосиятида»— яхшиликнинг натижаси ва ёмон хислатларнинг оқибати.

* *
*

«Маҳбубул-қулуб»нинг биринчи қисми турли ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг таснифи ва таърифига бағишланган. 40 фасл (бўлим)дан иборат бўлган бу қисм XV асрнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида кенг маълумот беради ва Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, орзу-идеаллари билан мукаммал таништиради.

Навоий ижтимоий табақа ва гуруҳларни тавсифлар ва таърифлар экан, эл-юрт манфаатини, давлат ҳокимиятининг мустаҳкам

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва барқарор бўлишини, иқтисодий маданий тараққиёт истиқболларини кўзда тутишга интилади. Бинобарин, у айрим гуруҳларни ёки баъзи бир хатти-ҳаракат ва хислатларни омонсиз танқид қилади, халқпарварлик ва маърифатпарварлик каби ғояларни қизғин тарғиб этади. Бироқ Навоий жамият аъзоларининг таснифи ва таърифида уларнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабатларини асос қилиб олмайди, жамият аъзоларини моддий заминдан ажратиб қўяди, идеалист мутафаккир сифатида иш кўради. У жамият аъзоларини синфларга эмас, балки «яхши» ва «ёмон» кишиларга, гуруҳларга ажратади. Шунинг оқибатида Навоий яшаган жамиятининг синфий моҳияти ва синфий қарама-қаршиликларини тўла очиб беролмайди. У яшаган муҳитининг айрим иллат ва зиддиятларини танқид қилса-да, уларни иқтисодий-ижтимоий муносабатларни ўзгартириш асосида эмас, балки маърифат билан, хулқ-атворни тарбиялаш, панд-насиҳат ва ўгит йўли билан тугатиш мумкин деб, бир рационалист сифатида гавдаланади. Навоий халқ оммасини, хусусан, яшаган жамиятининг моддий бойликларини яратиб берувчи асосий куч бўлган деҳқонларни самимият билан севади, уларнинг осойишталиги ва саодатини истайди. Бироқ у халқ оммасининг жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий ва етакчи куч эканини тушуниб ололмайди, жамиятнинг тараққиёти ва истиқболини ҳукмрон доираларнинг фаолиятига боғлаб қўяди. Ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг таснифи-таърифидаги бу зиддият ва камчиликлар Навоий яшаган муҳитнинг зиддиятлари ва тарихий чекланганлигининг инъикоси эди. Лекин шунга қарамай, улуғ инсонпарвар ва мутафаккир Алишер Навоий феодал муҳитнинг, эксплуататор ҳукмрон доираларнинг айрим иллатларини танқид қилиши, меҳнаткаш оммага бўлган муҳаббати ва хайрихоҳлиги ҳамда халқпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларини ҳормай тарғиб қилиши билан ўрта асрлардаги фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлар тарихида ғоят прогрессив роль ўйнади. Унинг «Маҳбубул-қулуб»и мана шу қарашларнинг тараққиётига янги ва салмоқли туҳфа бўлиб қўшилди.

Подшо ва амалдорлар ҳақида

Навоий адолатли ва маърифатпарвар подшо бошлиқ марказлашган давлат ҳокимияти учун кураш ғоясини илгари сурди. Бу ғоя айниқса темурийлар давлати таназзулга юз тутиб, мамлакат майда ва тарқоқ ҳокимликларга бўлиниб кетаётган бир шароитда прогрессив қимматга молик эди. Навоийнинг тушунишича, мамлакат сиёсий ҳокимиятининг мустаҳкамлиги ҳам, иқтисодий ва маданий тараққиёти, эл-юртнинг осойишталиги ҳам аввало ҳукмдорнинг ўзига, унинг шахсий фаолияти ва шахсий хислатларига боғлиқдир; бироқ ҳукмдорларнинг ҳаммаси ҳам бир хил эмас; уларнинг «яхши»лари ҳам, «ёмон»лари ҳам бор. Навоий «яхши» ҳукмдорларни таъриф қилади, мақтайди, «ёмон» ҳукмдорларни қаттиқ танқид қилади, қоралайди. Унинг фикрича, одил ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

оқил ҳукмдор туфайли мамлакат обод, эл-юрт шод ва фаровон бўлади, у «қуёш била абри баҳордек қаро туфроқдин гуллар очар ва мулк аҳли бошиға дурлар сочар», фақирларнинг хуррамлиги, мусофирлар йўлининг бехатарлиги, мактаб болаларининг қувноқлиги, қўзиларнинг бўри ҳавфидан омонлиги — ҳамма-ҳаммаси ҳукмдорнинг адолати ва маърифатидандир. Мана шундай ҳукмдорни орзу қилган Навоий уни «золим ва жоҳил ва фосиқ» подшоларга қарама-қарши қўйиб, «одил подшо кўзгу ва бу онинг учасидур, ул ёруғ субҳ, бу онинг кечасидур» дейди. Золим подшоларни қуйидагича тасвирлайди:

«Зулм онинг кўнглига марғуб ва фисқ онинг хотириға маҳбуб. Мулук бузуғлуғидин замириға жамият ва улус паришонлиғидин хотириға амният. Ободлар онинг зулмидин вайрона, кабутар тоқчалари чуғзқа ошёна. Бода сели чун базмида туғён қилиб, ул сел мулук маъмурларин вайрон қилиб... қон тўкмак онга пеша, кимки жони бор онга андеша... ҳаёт суйин оғу деса мусаллам тутмоғон гунаҳкор ва қуёш нурин қоронғу деса таҳсин қилмоғон тийра рўзғор... Чин дер элга жон хатари, хайрға далолат қилғучиға ўлум зарари. Ҳақ онинг қошида ботил, хирадманд анинг ақидасида жоҳил...»

Навоий фақат подшоларни эмас, барча сарой аҳлларини, амалдорларни ҳам «яхши» ва «ёмон»га бўлади. Навоийнинг ўйлашича, подшо қандай бўлса, унинг қўл остидаги кишилар ҳам шундай бўлади, «Агар шоҳ адолат шиор, улуси шиорида ҳам адолат бор, агар ул зулмпеша, эли ҳам зулмдин беандеша... Ул оччиғ, бу оччиғ, ул чучук, бу чучук»дир, подшо золим фиръавн бўлса, унинг вазири, шубҳасиз, Ҳомон (қадимги Мисрдаги даҳшатли золим вазир) бўлади. Автор золим вазир ва сарой амалдорларини «булар жумласи чаёнлар, халойиққа еткурурда зиёнлар, килклари нуки ақраб неши, раият жониға ул неш ташвиши» деб тасвирлаб, «умид улки бошлари ажал тоши била ёнчилғай», деб уларга ўлим тилайди.

Гарчи Навоийнинг бундай тасвирлари феодал ҳукмдорларнинг ижтимоий-синфий қиёфасини тўла ва мукаммал ёритиб беролмасада, лекин унинг золим ҳукмдорларни танқид қилиши ва адолатли подшони орзу этиши ўз даври учун прогрессив аҳамиятга эга эди, чунки Навоий бу билан XV асрнинг сиёсий ҳаётидаги айрим иллатларни фош этар ва халқпарварлик ғояларини илгари сурар эди.

Қўшин ҳақида

Навоий қўшинга мамлакатнинг ички ва ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилувчи бир куч деб қарар, мунтазам қўшинни мустаҳкамлаш ва унинг жанговарлик руҳини ошириш лозим деб ҳисоблар, садоқатли, мардона ва фидокор аскар бошлиқларини ва жангчиларни таърифлар ва мақтар эди. «Маҳбубул-қулуб»да Навоий қўшиннинг барча тури ва ҳар хил лавозимдаги ҳарбийларни таъриф ва тавсиф қилмайди, балки ясоғлиқ, қора черик, навкар, асас, шаҳна ва бошқалар ҳақида фикр юритиш билан чекланади. Ясоғлиқ ва қора черик махсус аскарий қисм бўлиб, у босқин қилиш, эл-юртларни талаш ва хонавайрон қилиш билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

шуғулланар эди. Навоий ясоғлиқ ва қора черикни «яъжуж ва маъжуж хайлиға шерик», «ишлари талай олғонни таламоқ ёт мулкда чугурткадек сабза ва яфроғни яламоқ...», «одамисизликда махлуқотдин мумтоз, ҳайвонлиқлари кўп ва мардумлиқлари оз» деб қаттиқ қоралайди. Ясоғлиқ ва қора черик ҳақидаги мулоҳазалари Алишер Навоийнинг эл-юртларнинг ҳақ-ҳуқуқи ва осойишталигини ҳикоя қилган улуғ гуманист эканини яна бир карра кўрсатади. Аскарлар садоқатли, мардона ва жанговар бўлиши зарур деб ҳисоблаган Навоий навкарлар фаслида ўз шахсий манфаати учун ҳарбий бурчига хиёнат қилган, душман томонига ўтиб кетган навкарларни «ҳаромнамак», «эрлик сонидин нари... ва йигитлик доирасидин ташқари» деб танқид қилади. Навоий шаҳна ва асас (посбон ва тунги қўриқчилар)га ижобий баҳо беради, уларнинг ўғрилар ва безориларга қарши кураш ва жазо чораларини амалга оширишдаги ролини таъкидлайди. Шу билан бирга, у шаҳна ва асаснинг вазифаси хийла кўнгилсиз вазифадир, яхшиси, кишилар жиноят қилмоқдан йироқ бўлсинлар ва шаҳна, асас қўлига, банду зиндонга гирифтор бўлмасинлар, дейди. Бироқ Навоий жинояткорликни тугатиш ва кишиларнинг хулқ-атворини тарбиялаш жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий-ижтимоий тузуми билан боғлиқ эканини тушуниб етолмайди.

Дин-шариат ва тасаввуф аҳллари ҳақида

Навоий дин ва шариатни эътироф қилади, тасаввуфнинг XV асрда анча кенг ёйилган тариқати нақшбандийликка эътиқод билан қарайди. Унинг фикрича, дин-шариат пешволари, шайхлар ва сўфилар диннинг асосларини тарғиб қилишлари ва шариатнинг қонун-қоидаларини ҳимоя этишлари ҳамда кишиларнинг хулқ-атворини тарбиялашлари ва ўз фазилатлари билан ҳаммага намуна бўлишлари керак.

У дин-шариат пешволарини, тасаввуф аҳлларини ҳам «яхши» ва «ёмон»га ажратади, бирини мақтайди, иккинчисини танқид қилади, айримларининг хатти-ҳаракат ва хислатларини юқори қўяди, айримларини қоралайди. Дин-шариат пешволарининг, тасаввуф аҳлларининг бурч ва вазифаларини баён этади.

Масалан, у «Ноқобил садрлар зикрида» фаслида садр «уламога дастёр», «машойихга коргузор» бўлиши лозим дейди ва илмсиз, саводсиз, майхўр ҳамда товламачи садрларни «садрликка ноқобил» кишилар деб қоралайди. Навоий жоҳил, майхўр, порахўр ва бадхулқ қозиларни танқид қилиб «омий қозики май ичкай ўлтургулукдур ва дўзах ўтиға етмасдин бурун куйдургулукдур, қозийи ришвахўр ислом ҳисориға раҳнагар, улки ришват бериб қуззот ола олғай, ришват олиб ҳам шаръини буза олғай...» дейди. Худди шунингдек, у «бир дирам учун юз ноҳақни ҳақ этувчи ва оз карам учун кўп «ло» (йўқ)ни «наъм» (ҳа) биткучи»; «бир сабат узум учун бир боғни куйдурмакдин ғами йўқ ва бир ботмон буғдой учун бир хирмонни (совурмоқдин) алами йўқ», муфтиларни «ҳийла

www.ziyouz.com kutubxonasi

била фатво тузувчи», «қалам нуки била шариат юзини бузувчи», «динни дунёга сотувчи» кишилар деб айблайди ва:

«Фатвода чу бўлди музд чун «ло»у «наъм»,
Қилмоқ керак ул қаламзан илкини қалам»

(Ўз фойдасига қараб фатвода «ҳа» ё «йўқ» битгувчи кишининг қўлини кесиб ташламоқ керак),

деб ҳукм чиқаради. Навоий жоҳил ва ҳийлакор воизларни, риёкор шайхларни, сохта дарвешларни ҳам шафқатсиз фош қилади.

Шундай қилиб, Навоий дин ва шариатни, нақшбандийлик тариқатини эътироф этиб, ҳимоя қилади. Бироқ, шунга қарамай, Навоийнинг руҳонийлар ва тасаввуф аҳллари ҳақидаги танқидий мулоҳазалари, уларнинг қиёфасини реалистик асосда тасвирлашга интилиши ғоят прогрессив аҳамиятга эга бўлиб, халқ оммасининг мунофиқ, риёкор ва товламачи руҳонийларга, шайх ва дарвешларга қарши нафрат ва ғазабини оширишга хизмат қилар эди.

Савдогарлар ва олибсотарлар ҳақида

«Маҳбубул-қулуб»да ташқи савдо билан шуғулланувчи савдогарлар ва олибсотарлар алоҳида-алоҳида ижтимоий гуруҳлар сифатида таъриф ва тавсиф қилинади. Навоий ташқи савдо билан шуғулланувчи савдогарларни жаҳонгашта, донишманд, дов юрак кишилар деб мақтайди, бироқ савдогарлар фойда топишни асл мақсад қилиб қўймасликлари, мол-дунёга берилиб кетмасликлари, хасис ва зиқна бўлмасликлари кераклигини, уларнинг қалби ҳам, қўли ҳам очиқ бўлиши лозимлигини уқтиради. Олибсотарлар ҳақида эса Навоий тамомила салбий фикр юритади ва уларни қаттиқ фош қилади.

«Элга зиён — онинг суди, ўнғай олиб оғир сотмоқ — онинг мақсуди; олурда катонни бўз деб, сотарда бўз васфида катондин ортуқ сўз деб; шолни турқа ўрнига ўткара олур бўлса, таъхири йўқ, бўрёни зарбофт терида сота олур бўлса, тақсири йўқ: дўконида борча мато мавжуд, ғайри инсоф»,—

деб олибсотарларга характеристика берган Навоий:

«Бу хайл одам эмаслар яхши боқсанг,
Эрур судинг алардин гар йироқсанг»,—

деган хулоса чиқаради.

Худди шунингдек, Навоий ўз касб-ҳунаридан кўра чайқовчиликка кўпроқ берилиб кетган алдамчи, фирибгар ва ҳаннот «савдогар косиблар»ни танқид қилиб, «савдогар косиб тенгрига хоин ва ваъдага козиб. Бирга арзирни юзга сотмоқдин аларга минг мубоҳот, мингга тегарни юзга олмоқдин аларга йўқ бир зарра уёт. Ростлик била савдо аларга эиёнкорлик ва ваъдага вафо аларга бадкирдорлик...» дейди. У ваъдабоз, мақтанчоқ ҳунармандларни ҳам қоралайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоийнинг ташқи савдо билан шуғулланувчи савдогарлар, чайқовчи фирибгарлар ҳақидаги мулоҳазалари ташқи савдо ишларини ривожлантиришга ва ички бозордаги ҳаннотлик ва кўзбўямачиликни тугатишга қаратилган эди.

Деҳқонлар ҳақида

Меҳнат аҳлларини самимият билан севган ва қадрлаган Навоий деҳқонларга жамиятнинг асосий моддий бойликларини яратувчи куч деб қарайди, уларнинг меҳнатдўстлигини, ҳалоллиги ва тўғрилигини мақтайди. Деҳқоннинг меҳнатидан ҳамма тирик жон баҳра олади, деҳқон ҳаммага ризқ берувчидир.

«Деҳқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар... Қўши икки ҳам зўр паҳлавон, юкига бўюн сунуб олида равон, иш қилурда ҳамдам ва ҳамқадам... Олам маъмурлиғи алардин, олам аҳли масрурлиғи алардин, ҳар қаёнки қилсалар ҳаракот, элга ҳам қут (овқат) еткурур ҳам баракот.

Деҳқонки тузлук била дона сочар, ҳақ бирига етти юз эшигин очар. Сочқон донаси кўкаргунча, ўруб хирман қилиб маҳсулин кўтаргунча, қурту қуш андин баҳраманд, дашт ваҳшийлари анинг била хурсанд. Мўрлар уйи андин обод, гўрлар хотири анинг била шод. Кабутарларға андин мастлиқ, тўрғайларга андин нишот ҳамдастлиқ. Ўроқчиға андин рўзи, бошоқчининг ёруб андин кўзи.

Барзагарға андин ком ҳосил, пуштакашға андин мурод восил. Гадо андин тўқ, кадхудо тўқлуғи ҳам андин-ўқ. Мусофирға андин таом, мужовирға андин ком. Этмакчи танури андин қизиқ, аллоф бозори андин иссиқ. Фуқаро ризқи андин вофий, ғурабо қути андин кофий. Зоҳидга андин ҳузури тоат, обидга андин лофи қаноат. Сойил харитасида (тиланчи тўрвасида) андин муҳайё иқтон (парча-пурчалар), шоҳ хизонасида андин баҳру кон матои.

Деҳқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдур, ўзга ишлари таърифи маҳолдур.

Боғи жаннатдин намудор, полизида руҳ қути надидор. Ашжорининг ҳар бири чархи ахзар, ул шажар ва раёҳин ва фавоқиҳи нужум ва ахтар...».

Навоий деҳқонларга нисбатан шундай зўр меҳр-муҳаббат билан ёндашганлиги ва уларга катта баҳо берганлигига қарамай, деҳқонлар оммасининг қаттиқ эксплуатация қилинганини, улар хилма-хил олиқ-солиқлар билан хонавайрон этилганини ва моддий муҳтожликда, ҳуқуқсизликда яшаганини кўрсатмайди.

Илм-маърифат, санъат ва адабиёт аҳллари ҳақида

Навоий «Маҳбубул-қулуб»да ҳам, худди бошқа асарларидаги сингари, илм-маърифат, санъат ва адабиёт масалаларига, маориф ва маданият аҳлларига кенг ўрин беради. «Маҳбубул-қулуб»нинг бир неча фасли маориф, илм-фан ва санъат-адабиёт аҳлларига бағишланган. Бу фасллардa Навоий донишманд ва мураббий, улкан маданият арбоби сифатида илм-фан, санъат ва адабиётнинг аҳамиятини тарғиб қилади, малакали, иқтидорли ўқитувчиларни, олимларни, котибларни, шоир ва санъаткорларни мақтайди, уларни ҳурмат қилишга ва қадрлашга чақиради. Шу билан бирга, у маориф, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларининг бурч ва вазифаларини талқин этади, улардан ўз соҳасини яхши эгаллаб олмаган, зиммасига юкланган ишга юзаки қарайдиган, молдунё тўплаш ёки мансаб-мартабага эришиш талвасасига тушиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолган кишиларни шафқатсиз танқид қилади. Навоийнинг уқтиришича, ўқиш ҳам, ўқитиш ҳам оғир ва масъулиятли иш; у қунт, ҳавас ва меҳнатни талаб этади. Болаларни саводли ва билимли қилмоқ учун ўқитувчи кўп заҳмат ва машаққат чекади, бинобарин, ҳатто биргина ҳарфни ўргатган кишини ҳам доимо иззат-эҳтиром қилмоқ керак, уни унутмаслик лозим:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Шу билан бирга, Навоий ўз давридаги мактабдорларни танқид қилиб, «кўпрагида табъи ғазилати ва тамаъ иллати падидор...», дейди.

Навоий мударрислар таърифида:

«Мударриснинг керакки ғарази мансаб бўлмаса ва билмас илмни айтурға муртакиб бўлмаса, ҳуднамолиғ учун дарс ҳавзасин тузмаса ва худситонлиғ учун такаллум ва ғавғо кўргузмаса. Жаҳлдин дастори бошида улуғ ва алоқаси узун бўлмаса ва мубоҳот учун мадраса айвони бошқа анга ўрун бўлмаса...»,

дейди.

Котиблар фаслида хушхат ва саводли котибларни мақтайди, бадхат ва чаласавод котибларни қоралайди. «Хушнавис котиб,— дейди Навоий,— сўзга оройиш берур ва сўзлагувчига ва кўзлагувчига осойиш еткурур...»

Ўз касбини яхши эгаллаган, билимдон, беморларга меҳрибон ва хушмуомала табибларни мақтаб, уларни беморни обиҳаётга олиб борувчи Хизр ва ўликка жон бағишловчи Исога ўхшатган Навоий нодон ва жоҳил табиблар ҳақида:

«...Ва лекин омий табибким, эрур шогирди жаллод, ул тиғ била, бу заҳр била қилғувчи бедод, Ул мундин яхшироқдур — беиштибоҳки, анинг қатили гунаҳкордур ва мунинг бегунаҳ...

Байт:

Ҳозиқи табиби тушгўй тан ранжиға шифодур,
Омию тунду бадхўйи эл жониға балодур»,—

дейди.

Навоий шеърга ва шоирларга юксак баҳо беради, шоирларни тоифаларга ажратади, Аттор, Жалолиддин Румий, Хисрав Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий ва бошқа машҳур шоирларни улуғлайди ҳамда баландпарвоз, қобилиятсиз шоирларни танқид қилиб:

«...юз машаққат била бир байтким боғлашгурғайлар, даъвий овозасин етти фалакдин ошурғайлар. Сўзларида не ҳақойиқ ва маориф нўшидин ҳаловат ва назмларида не шавқ ва ишқ ўтидин ҳарорат. Не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўзу дардлари шуъла афкан. Баъзидин агар гоҳи бирар яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ямон даъви зоҳир бўлурки, ул ҳам зоеъ бўлур...»,

дейди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Мутриб ва муғанний» фаслида Навоий музика ва қўшиққа катта эътибор ва баҳо беради, турли хил созларни таърифлайди. Айни чоғда у ўз санъатини пулга сотувчи санъат аҳлларини танқид қилади. Шунингдек, у лофчи ва гиёванд қиссасоз ва қиссахонларни ҳам қоралайди.

Илм-фан ютуқларидан, жумладан Улуғбекнинг астрономия соҳасидаги ихтироларидан ғоят мамнун бўлган Навоий илмга хилоф ва хурофот тушунчаларига асосланган мунажжимликни қатъий рад этади. У мунажжимлардан истеҳзо билан кулиб, «ўз илгина бир анор бўлса, билмаски, неча парда, неча хонаси бор ва ҳар парда ва хонасида неча донаси бор, ул дона аччиғмудур ё... чучукмудур...». Шундай кишиларнинг «самовий сирларни кашф» этиши ва ер юзидаги ҳодисаларни «каромат» қилиши бемаънилик ва қабиқликдир, дейди.

Илм-маърифат ва санъат-адабиёт аҳллари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари Алишер Навоийни буюк олим, маданият ҳомийси ва донишманд мураббий сифатида гавдалантиради. Бироқ рационалист Навоий илм-маърифат ва санъат-адабиётнинг равнақи учун феодал жамият тузумининг гов эканини, маърифатпарварликнинг ўзи билан ҳаёт иллатларини тугатиш мумкин эмаслигини тушуниб ета олмайди.

«Маҳбубул-қулуб»да, юқоридагилардан ташқари, яна бир қатор бошқа ижтимоий гуруҳлар, чунончи аёллар, қушчи ва сайёдлар, тиланчилар, безорилар, майхўрлар ва бошқалар ҳам таъриф ва тавсиф этилади.

Навоий лофчи ва мақтанчоқ қушчи ва овчиларни, қаландарларни, кишиларнинг молу жонига қасд қилувчи безориларни, эс-ҳушини, ор-номусини майга қурбон қилган майхўрларни аччиқ танқид қилиб, уларнинг ҳақиқий башарасини фош этади.

Ахлоқ-одоб масалалари

«Маҳбубул-қулуб» ўзига хос бир насиҳатномадир. Ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг таърифида қимматли ахлоқий-таълимий фикрларни илгари сурган Навоий «Маҳбубул-қулуб»нинг иккинчи қисмидаги айрим бобларни ва бутун учинчи қисмини ахлоқ-одоб масалаларига бағишлайди.

«Маҳбубул-қулуб»нинг иккинчи қисми ўн фасл (боб)дан: тавба, зуҳд, таваккал, қаноат, сабр, тавозу ва одоб, шарҳ (шариат), таважжуҳ (назар солиш), ризо ва ишқдан иборат бўлиб, булардан икки боб: тавозу ва одоб ҳамда ишқ бевосита ахлоқ-одоб масалаларини ифодалайди, қолган боблар эса дин ва фатализмга қаратилиб, уларда ҳам (масалан, қаноат ва сабр бобларида) ахлоқ-одобга доир баъзи ўринлар бор. «Маҳбубул-қулуб»нинг учинчи қисми кичик-кичик танбеҳлардан, ҳикоялардан, мақол ва ҳикматли сўзлардан ташкил топган.

Одоб ва тавозуни кишининг олижаноб фазилати деб баҳолаган Навоий «одоб кичик ёшлиғларни улуғлар дуосига сазовор этар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва ул дуо бургути била умрдин бархурдор», «одоб-тавозу дўстлуқ кўзгусиға жило берур ва икки жонибдин ёруғлуқ еткурур...» дейди ва одоб-тавозуси туфайли бахтиёр бўлган Муқбил ва одобсизлиги оқибатида бахтсизликларга йўлиққан Мудбир ҳақида ҳикоя келтиради (бу ҳикоя ўз ғоявий мазмуни билан «Сабъаи сайёр»нинг 6-ҳикоясига яқин турса-да, бироқ сюжети билан ундан батамом фарқ қилади).

Севги ва садоқатнинг оташин куйчиси Навоий «Маҳбубул-қулуб»да севги ва садоқат масалаларига катта эътибор беради. У севгини «ахтаредур дурахшанда ва башарият кўзи нуру зиёси андин ва гавҳаредур рахшанда, инсоният тожининг зебу баҳоси андин» деб таърифлайди. У ажойиб ошиқлар сифатида Фарҳод ва Мажнун номини зикр этади, Хисрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийни севгининг ҳароратли куйчиси деб баҳолайди ҳамда ишқ мажози бўлган «Шабистон савдоси девонларидан бири парвони ва гулистон ҳавоси ношикебларидин бири андалиби девона»лар ҳақида сўзлайди.

Навоий ишқни уч қисм (тур)га ажратади: 1. Авом ишқи (оддий кишилар ишқи). 2. Хавос ишқи (хос кишилар ишқи). 3. Сиддиқ ишқи («ҳақ, рост сўзли» кишилар ишқи). «Авом ишқи»да Навоий бир-бирини севиб қолган, муддаоси фақат бирга бўлишга қаратилган ва никоҳ билан мурод-мақсади ҳосил бўлувчи кишиларнинг ишқини кўзда тутади. Унинг таърифича, хавос севгиси «пок кўзни пок назар билан пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин қўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳро олмоқ» дир ва

«Сўзки маънисида ишқ ўти нишони бўлмағай,
Бир таҳарруксиз бадан онглаки, жони бўлмағай».

Мана шундай севгининг ҳароратли куйчиси бўлган Навоий, «Маҳбубул-қулуб»нинг 3-қисмида сохта ошиқлардан истеҳзо билан кулиб:

«Кишни ўзни ясаган бирла бўлурму ошиқ,
Субҳи колиб ёрумас, ўйлаки субҳи содиқ»,—

дейди. Унинчи турдаги севги дунёдан ва реал ҳаётнинг бутун неъматларидан воз кечган. Навоийнинг фикри ва таъбирича, олам ва инсоннинг худонинг зуҳури эканини тушунмай, бутун орзу мақсадини у дунёга, худога қовушишга қаратган кишиларнинг севгиси бўлиб, «агар ҳаводис ели сипеҳр гулшани авроқин учурса, аларға андин хабар йўқ ва анжум гулбаргларин ҳар сори совурса аларға андин асар йўқ»дир.

Навоий севгининг ижтимоий моҳиятини мукаммал ёритмаган бўлса ҳам, лекин уни инсоннинг олижаноб фазилатлари билан боғлаши ҳамда «ишқи илоҳий» туфайли дунёдан воз кечган бадбин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларни танқид қилиши, шубҳасиз, катта ижобий аҳамиятга эга эди.

Бошқа бобларда Навоий ислом дини ва шариатни ҳамда «тақдирга ишонч»ни тарғиб этса-да, лекин уларда ҳам ижобий моҳиятга эга бўлган ижтимоий-ахлоқий фикрларни ёритади. Масалан, қаноат бобида «Қонеъ дарвешнинг қуруқ нони томеъ шоҳнинг Хитойи хонидин хуброқдур ва фориғ фақирандешнинг ёвғон умочи олғучи ғанининг наботий куложидин марғуброқ», деса сабр бобида матонатни таърифлаб:

«Кимки бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,
Бахт анинг нешини нўшу хорини гул айлади»,—

Навоий «Маҳбубул-қулуб»нинг III қисмида саховат ва ҳиммат, мурувват ва вафо, тил одоби ва бошқа масалалар ҳақида сўзлайди, танбеҳлар, мақол ва ҳикматли сўзлар келтиради. У саховат ва ҳимматни таърифлаб, бахиллик ва худбинликни қоралаб бундай дейди:

«Саховат инсоният боғининг борвар шажаридур (мевали дарахтидир), балки ул шажарнинг муфид самаридур (фойдали мевасидир). Одамийлиқ кишварининг баҳри мавжвари, балки ул мавж баҳрининг симин гавҳари. Саховатсиз киши — ёғинсиз абри баҳор ва ройиҳасиз (ҳидсиз) мушки тотор. Мевасиз йиғоч ҳамону ўтун ҳамон ва ёғинсиз булут ҳамону тутун ҳамон... Исроф сахо эмас... ёруғ кунда шамъи кофурий ёққонни ақлдин бегона дерлар. Мубоҳот (мақтаниш — *Н. М.*) учун бермак худнамолиқ ва анинг била ўзин сахий демак беҳаёлиқ. Улки эл кўрмагунча бермас — лаимдур, сахий эмас. Тилаб берганни ҳам саходин йироқ бил; ибром (қисташ) бергандин бермаганни яхшироқ бил. Бирта ўтмакни икки бўлуб, ярмин бир очға берганни сахий де; ўзи емай барини муҳтожқа берганни ахий де».

Вафо ва мурувватни ҳам Навоий инсоннинг олижаноб фазилати ва сифати деб таърифлайди ва яшаган муҳитидан шикоят қилиб:

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим,
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим,—

дейди.

Тилни «кўнгул хазинасининг қулфи» ва сўзни шу «хазинанинг калиди» деб таърифлаган Навоий тил одобига катта эътибор бериб, кишиларни қисқа ва мазмунли, ўринли ва мантиқли сўзлашга чақиради, сергап, лақма ва тилига ортиқча эрк берганларни қоралайди. Шу билан бирга, у мақтанчоқ ва кибр-ҳавога берилган кишиларни ҳам аччиқ танқид қилади.

Навоий кишиларга танбеҳ бериб, «мазлумға бахшойиш кўргузки, золимдин осойиш кўргайсен, зеридастларға нафь еткур, агар тиласангки зеридастлардин зарар кўрмагайсен», ўзингни «салотин (султонлар) даргоҳидин йироқ ва хавоқин (хоқонлар) базмгоҳидин қироқ тут», дейди ва йигитликни «умр гулшанининг баҳори... ҳаёт шабистонининг наҳори» деб таърифлаб, ёшларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

яхши хулқ-одобли бўлишга, илм-ҳунар ўрганиш ва катталарнинг тажрибасини эгаллаб олишга чақиради. «Маҳбубул-қулуб»да яна бир қатор ахлоқий-таълимий масалалар бўйича қимматли ўгитлар, панд-насиҳатлар бор.

Мақол ва ҳикматли сўзлар

Халқ оғзаки ижодининг донишманди Навоий «Маҳбубул-қулуб»да ҳам бу ижоднинг бебаҳо бойликларидан, айниқса халқ мақолларидан кенг фойдаланди ва ўзи халқ мақоллари тахлитида кўпгина ҳикматли сўзлар яратдики, уларнинг кўпчилиги мақолга айланиб кетган. Бинобарин, мақол халқ ҳаёти, унинг тажрибаси ва донишмандлигининг ифодасидир. Навоий «Маҳбубул-қулуб»да айниқса ахлоқ-одоб масалаларига доир мақолларга кўпроқ мурожаат қилади. У мақоллар ёки ҳикматли сўзлар орқали маълум бир масала ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини якунлайди, уларга хулоса ясайди. Мақол ва ҳикматли сўзлар «Маҳбубул-қулуб»нинг мазмунини, ғоявий қимматини бойитиш билан бирга, унинг бадиий аҳамиятини ҳам оширади, тилини янада ширали қилади. Мана, ана шундай мақол ва ҳикматли сўзларнинг намуналари:

Худписанд — нохирадманд.
Кўп деган кўп енгилур, кўп еган кўп йиқилур.
Кўп демак сўзга мағрурлуқ ва кўп емак нафсга маъмурлуғ.
Саховат нисоният боғининг бормар шажаридур, балки ул шажарнинг муфид самаридур.
Саховатсиз киши — ёғинсиз абри баҳор.
Бахил биҳиштқа кирмас, агар сайиди қурайший бўлсун ва сахий томуғқа бормас, агарчи бандаи хабаши бўлсун.
Карам ва мурувват ато ва анодурлар, вафою ҳаё икки ҳамзод фарзанд.
Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.
Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз.
Ҳар кимки сўзи ёлғон, ёлғони зоҳир бўлғоч уёлғон.
Кўнгул махзанининг қулфи тил ва ул махзаннинг калидин сўз бил.
Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар.
Душман ғуруридин ғам ема, маддоҳ хушомадин чин дема.
Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва донишдур.
Хуб йиртуқ тўн билан ҳам хуб, гул ямоғлиғ чопони била маҳбуб.
Илм ўқуб амал қилмағон — кориз қозиб тухм солмоғонга ўхшар ё тухм солиб маҳсулидин баҳра олмоғонга.
Фосиқ бори миллатда нодондур.
Билмаганини сўраб ўрганган олим ва орланиб сўрамоғон ўзига золим.
Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.
Яхшилиқ қила олмасанг, ёмонлик ҳам бори қилма.
Ўт иши қовурмоқ ва ел иши совурмоқ.
Сувнинг мазаси муз била, ошнинг таъми туз била.
Сиҳат тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема.
Яхши либос танға оройиш, яхши қўлдош жонга осойиш.
Фосиқдин ҳаё тилама, золимдин вафо тилама.
Итдин кийикка ва мушукдин кабутарга шафқат маҳолдур.
Бефойда сўзни кўп айтма, фойдалиқ сўзни кўп эшитурдин қайтма.
Чин сўзни ёлғонга чулғама, чин айта олур тилни ёлғонга булғама.
Айтур сўзни айт, айтмас сўздин қайт

ва бошқалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Маҳбубул-қулуб» халқ оғзаки ижодиёти, айниқса, энг оммабоп бўлган мақол жанрини ўрганишда муҳим манбадир. Бу асардаги кўпгина мақоллар ё айнан, ёки қисман ўзгарган ҳолда ҳозирги кунга қадар ишлатилиб келмоқда. Навоийнинг «Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва донишдур», «Билмаганни сўраб ўрганган олим ва орланиб сўрамоғон ўзига золим» каби ҳикматли сўзлари эса мақолга айланиб кетди.

«Маҳбубул-қулуб» нинг бадиий қиммати

«Маҳбубул-қулуб» XV аср ўзбек бадиий прозасининг муҳим ёдгорлигидир. Гарчи «Маҳбубул-қулуб»да воқеавий сюжет ва асарнинг бадиий тўқимасини вужудга келтирувчи қаҳрамонлар образи бўлмаса ҳам, лекин унда бадиийликнинг бир қатор муҳим компонентлари ва хусусиятлари мавжуддир. Навоий ўз фалсафий ва ахлоқий-таълимий қарашларини бадиий услуб билан ифодалашга интилади, характер ва портретлар яратади, ҳажвдан, контраст, чоғиштирув ва бошқа усуллардан фойдаланади. Турли хилдаги бадиий тил воситаларини ишлатади, асарини шеърий парчалар, кичик ҳикоялар, мақол ва ҳикматли сўзлар билан безайди, халқ ижодига хос сажъ — қофияли проза усулини қўллайди. Буларнинг барчаси «Маҳбубул-қулуб» авторини буюк мутафаккир сифатидагина эмас, балки ҳассос адиб сифатида ҳам гавдалантиради.

«Маҳбубул-қулуб»ни ўқир экансиз, кўз ўнгимизда XV асрнинг золим ва фосиқ ҳукмронлари, адолатсиз қозилари, тамагир муфтилари, фирибгар ва ҳаннот чайқовчилари ва бошқа ижтимоий табақалари ўз характери ва маънавий қиёфаси билан намоён бўлади. Ёзувчи буларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятлари билан гавдалантиради. У ҳажвий иборалар, контраст, чоғиштирув ва бошқа усуллар ҳамда бадиий тил воситалари билан тасвир объектининг моҳиятини чуқурроқ очиш ва мантиқий хулосалар чиқаришга, таъриф ва тавсифини янада конкретлаштиришга эришади. Масалан, у адолатли ҳукмдор билан золим ҳукмдорни бир-бирига қарама-қарши қўяр экан, «одил подшо кўзгу ва бу онинг учасидур, ул ёруқ субҳ, бу онинг кечасидур» дейди, жоҳил табибни жаллодга тенглаштиради ва ҳийлакор, алдамчи мунажжимларни фош этиб, уларнинг «самовий сирларни кашф» этишларини ҳажв қилади, золим подшони фиръавнга, вазирни Ҳомонга, қора черикни яъжуж ва маъжужга ҳамда чигирткага ўхшатади. Шу билан бирга, Навоий хулқ-одоб масалаларини ҳам бадиий тасвир йўли билан, турли усул ва бадиий тил воситаларидан фойдаланиш билан ифодалайди.

«Маҳбубул-қулуб»да бир неча кичик ҳажмли ҳикоялар ҳам бор. Бу ҳикоялар асарда қўйилган бирор масалани ёритишда бир кўргазма сифатида хизмат қилади. Масалан, одоб-тавозунинг фойдаси ва худбинлик ҳамда мутакаббирликнинг зарари тўғрисида Муқбил ва Мудбир ҳақидаги ҳикоя келтирилиб, унда бир-бири-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га қарама-қарши бўлган икки образ, икки характер яратилган. Ҳикоялар ҳажмининг ихчамлиги, анча содда услуби ва равонлиги билан характерланади. Уларнинг ҳар бири мустақил сюжет ва композицияга эга бўлиб, ғоявий мазмуни билан асарнинг умумий композицияси тўқимасига узвий равишда кириб боради.

«Маҳбубул-қулуб»даги шеърий парчалар ва мақоллар қўйилган масалаларга, мулоҳазаларга якун ясаш, «қиссадан ҳисса чиқариш» вазифасини бажаради. Масалан, Навоий жоҳиллар ҳақида сўзлар экан, ўз мулоҳазаларини «жоҳилликдан бесаодатроқ нима бор» мақоли билан хулосалайди.

Халқ эртакларида, достонларнинг прозаик қисмларида сажъ — қофияланган проза усули қўлланилади. Бу усул асарга маълум оҳанг, мусиқийлик бағишлаб, унинг ўқилишини равонлаштиради ва таъсир кучини оширади. Навоий «Маҳбубул-қулуб»да халқ ижодкорлигининг мана шу усулидан муваффақият билан фойдаланиб, асарнинг бадиий қимматини янада оширади. Масалан: «Деҳқонки дона *сочар*, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин *очар*... Қўши икки ҳам зўр *паҳлавон*, юкига бўюн сунуб олида *равон*, иш қилурда *ҳамдам* ва *ҳамқадам*, деҳқон аларни сурарда андоқки *Одам*. Олам *маъмурлиги алардин*, олам аҳли *масрурлиғи алардин*...»

Бинобарин, булар шеърий санъаткорликда буюк истеъдоди билан шуҳрат қозонган Алишер Навоийнинг адиб сифатида ҳам катта маҳоратга эга эканини кўрсатади. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, «Маҳбубул-қулуб» тили ва услуби жиҳатидан Навоийнинг бошқа асарларига нисбатан хийла мураккаб ва оғирдир. Бу, бир томондан, Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб»ни юқори савияли китобхонларни кўзда тутиб ёзганлиги билан, иккинчи томондан, проза соҳасида ўзбек классик адабиётининг ҳали етарли тажриба ва традицияга эга эмаслиги билан изоҳланади.

Хулоса

«Маҳбубул-қулуб» Навоий меросининг муҳим ва қимматли ёдгорликларидан биридир. Бу асар XV аср ижтимоий ҳаёти, турли табақалар ва гуруҳларнинг аҳволи ҳамда буюк мутафаккирнинг фалсафий ва ахлоқий-таълимий қарашлари билан таништиради. Навоий бу асарида гуманизм, халқпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларини илгари суради, инсоннинг бахт-саодати учун курашади. Бироқ, шу билан бирга, «Маҳбубул-қулуб» Алишер Навоийнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларидаги турли зиддиятларнинг умрининг охирига қадар давом этиб келганини, айрим муаммоларга шоир ҳам, у яшаган замон ҳам жавоб бера олмаганини кўрсатади.

«Маҳбубул-қулуб» ўзбек прозасининг, ўзбек адабий тилининг XV асрдаги нодир ёдгорликларидан биридир. Бу асар ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиётига самарали таъсир этди. Масалан, машҳур татар ёзувчиси ва мутафаккири Қаюм Носирий 1884 йил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да ёзган «Фавоқиҳул-жаласа» («Мажлисдошларнинг мевалари») асарида «Маҳбубул-қулуб»дан кенг фойдаланади ва айрим ижтимоий масалаларни Навоийнинг шу асаридан парчалар келтириш билан изоҳлайди.

НАВОИЙ—АДАБИЁТШУНОС

Алишер Навоий улуғ сўз санъаткори бўлиш билан бирга, ўз даврининг атоқли адабиётшуноси ва эстетик тафаккур тараққиётининг йирик намояндаларидан бири ҳамдир. Навоийнинг адабиётшунослик фаолияти, адабий-эстетик қарашлари унинг бадиий ижодкорлиги билан, XV аср адабий ҳаёти билан узвий боғлиқдир. Навоий сўз санъатининг турли масалаларига доир фикр-қарашлари билан ҳам, адабиёт ёдгорликлари ва замондошларининг асарларига доир мулоҳазалари билан ҳам бадиий адабиётнинг равнақи учун, унинг ҳаёт эҳтиёжларига жавоб бериши, инсоннинг бахт-саодатига хизмат қилиши учун курашди. Навоийнинг бадиий ижодиёти унинг адабий-назарий қарашлари ва эстетик идеалининг ёрқин тажассумидир. Ўз даври адабий ҳаёти ва адабий-эстетик қарашлари тараққиётида бениҳоя катта роль ўйнаган Навоий кейинги асрлар адабиёти ва адабий-эстетик тафаккурининг равнақ топишига ҳам самарали таъсир этди.

Алишер Навоий адабиётшуносликка доир махсус уч асар — «Мажолисун-нафоис», «Мезонул-авзон» ва «Муфрадот» («Рисолаи муаммо») асарларини яратди. XV аср адабий ҳаётининг маълум бир кўзгуси бўлган «Мажолисун-нафоис»да Навоий 450 дан ортиқ шоирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар берди, уларнинг ижоди ҳақида баҳс юритди, конкрет мисоллар асосида асарларининг ютуқ ва камчиликларини кўрсатди. «Мезонул-авзон» эса адабиёт назариясига доир асар бўлиб, унда Навоий аруз вазни ҳақида баҳс юритиб, аруз назариясини бойитди ва такомиллаштирди. «Муфрадот» муаммо жанрига бағишланган асар бўлиб, бу асарида Навоий бой фактик материал асосида муаммо жанрининг хусусиятлари ва қоидаларини ёритди.

XV аср адабиётшунослигининг муҳим ёдгорлиги бўлган бу асарлар ҳозирга қадар ўз илмий қимматини сақлаб келмоқда.

Навоий бадиий адабиётнинг ҳомийси ва жуда кўп қаламкашларнинг устози, мураббийси эди. У адабиёт аҳллари билан турли суҳбат ва мунозаралар уюштирар, уларнинг ижодий ишларига йўл-йўриқлар берар, асарларидаги хато ва камчиликларни тузатар, сўз санъатининг назарий масалаларини доим бадиий ижод процесси билан боғлар эди. Навоий бадиий, адабий-биографик ва бошқа турдаги асарларида ҳам сўз санъатининг хилма-хил масалалари: адабиёт ва ҳаёт, адабиёт ва тил, шакл ва мазмун, адабий анъаналар, ёзма адабиёт ва халқ оғзаки ижоди, адабий жанрлар ва бошқалар ҳақида мулоҳаза юритади, турли адабий ҳодиса-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар ҳақида маълумот беради, сўз санъаткорлари ҳақида баҳс этади.

Навоийнинг адабий-назарий қарашлари ва эстетикаси унинг дунёқарашининг узвий бир ҳалқасидир. Бинобарин, Навоийнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашларида бўлганидек, унинг адабий-назарий қарашлари ва эстетикасида ҳам ижобий — тараққийпарвар тенденциялар билан бирга идеалистик тафаккурнинг айрим салбий ёки маҳдуд тенденциялари ҳам равшан кўринади.

Навоийнинг тушунишича, бадиий адабиёт маънавий маданиятнинг муҳим бир соҳасидир, у жамият ҳаётида катта роль ўйнайди; санъаткор ҳаётга, инсоннинг маънавий эҳтиёжига, жамиятдаги иллатларни тугатишга, инсоф ва адолатнинг барқарор бўлишига хизмат қилиши, энг яхши инсоний хислат ва фазилатларни тарғиб этиши, китобхонларнинг онги, ҳисси ва дидига ижобий таъсир қилиши керак. Ўз бурчини ҳалоллик ва заҳматкашлик билан адо этган истеъдодли сўз санъаткорларини қадрлаган, уларнинг ижодига юксак баҳо берган Навоий худбин, дидсиз ва қобилиятсиз шоирларни, сўзларни зўрма-зўраки тизиб, маза-матрасиз мисралар битган ҳовлиқма ва мақтанчоқ нозимларни қаттиқ танқид қилади. Жумладан, у «Ҳайратул-аброр»да ана шундай шоирлар ҳақида бундай деган эди:

...Турфа буким, шеър қўюб отиши,
Еткурубон кўкка мубоҳотини.
Турфароқ улким, тониримни билиб,
Ҳақдан уялмай, манга эоҳир қилиб.
Ваҳки манга жилвагар айлар чоғи,
Истабон эҳсон доғи, таҳсин доғи...

Бадиий адабиётнинг ифода қуроли тилдир. Ёзувчи тилни мукаммал эгаллаб олиши, халқ жонли тили бойликларидан кенг фойдаланиши, ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллаши, адабий тил тараққиёти учун ҳормай-толмай хизмат қилиши керак.

Донау дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил,—

деган Алишер Навоий моҳир сўз устаси ва ўзбек адабий тилининг буюк яловбардори эди.

Навоий шакл билан мазмунни, сўзнинг шакли билан унинг маъносини диалектик бирликда олади, маъно ва мазмунни сўзнинг етакчи асоси деб билади:

Чун ғараз сўздин эрур маъни анга,
Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.

Навоий яшаган даврда сўз санъатининг асосий ва етакчи тури поэзия бўлиб, бадиий проза у қадар равнақ топмаган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий ҳам, бошқа замондошлари каби, назмни насрдан юқори қўяр, шеърий формага катта эътибор берар эди. Бироқ у шеъриятнинг ҳам асосини мазмун ташкил этади, шеър мазмуни билан ҳам, шакли билан ҳам гўзал бўлиши керак деб ҳисоблайди:

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур.
Назмки маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хуб эмас.
Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,
Зимнида маъни доғи дилкаш анга.

Шунинг учун ҳам Навоий маъно ва мазмуннинг етакчилигини инкор этиб, қуруқ шаклбозликка берилиб кетган, сўзни суиистеъмол этувчи шоирларни шафқатсиз фош этади.

Навоийнинг уқтиришича, санъаткорлик маҳоратини ошириш қунт ва иштиёқ билан китоб мутолаа қилишни, устоз сўз санъаткорларининг асарларини ўқиш ва ўрганишни, уларнинг ижодий тажрибасидан ибрат олишни талаб этади; бироқ бу нарса тақлидчиликка, ўзгаларнинг асарларига кўр-кўрона эргашишга айланмаслиги керак; ҳар бир шоирнинг шеъри мустақил садо бериши, шоир янги-янги асарлар, образлар яратиши, сўз санъатининг равнақига муносиб ҳисса қўшиши лозим. Навоийнинг бадиий асарлари адабий традицияларга ижодий ёндашиш ва оригинал ижодкорликнинг мислсиз намунаси бўлган эди.

Алишер Навоий халқнинг маънавий бойликларига, айниқса халқ оғзаки ижодига катта эътибор беради. Халқ оғзаки ижоди дуру гавҳарларга тўла поёнсиз ва тубсиз денгиздир:

...Ки бу баҳр ичраким поён анга йўқ,
Етишмак қаърига имкон анга йўқ.
Етишган эл неча дур олғон эрмиш,
Не олий қадр дурлар қолғон эрмиш...

Халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланган ва айни чоғда унга самарали таъсир этган Навоий халқ оғзаки ижодини менсимаган, ундан бебаҳра қолган шоирларни қаттиқ танқид қилади.

Навоий турли адабий жанрларни таъриф ва тавсиф этади, ғазал, қитъа, рубоий ва туюқ каби лирик жанрларга, шу билан бирга,

Лекин ул барчадан доғи хуби,
Бордурур маснавийнинг услуби,

деб достончиликка алоҳида эътибор беради, шоирларни турли адабий формалардан фойдаланишга чақиради. У поэтика, бадиий тил воситалари ва бошқа масалалар ҳақида ҳам қимматли фикр-мулоҳазалар юритади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«МАЖОЛИСУН-НАФОИС»

Яратилиш тарихи ва сабаблари

Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасини биринчи марта 1491 йилда тузди. У, «Мажолисун-нафоис»нинг илмий-танқидий текстини тузган С. Ғаниева таъкидлаганидек, «Мажолисун-нафоис»га жуда кўп янгилик ва қўшимчалар (яна юздан зиёд шоирлар, адабий фактлар, шеърий парчалар ва бошқалар) киритиб, 1497—1498 йилларда унинг иккинчи, қайта ишланган нусхасини яратди, айрим биографик ноаниқликларни бартараф қилди.

«Мажолисун-нафоис» тазкирачиликда янги ва жуда қимматли асар сифатида вужудга келди ҳамда ўзбек тазкирачилигига асос бўлди. Бизга Давлатшоҳ Самарқандий («Тазкиратуш-шуаро») ва Абдураҳмон Жомийнинг («Баҳористон»нинг 7-равзаси) тазкира яратганлари маълум. Бу тазкиралар адабиёт тарихини ўрганишга кўп ёрдам берди. Шунга қарамай, «Мажолисун-нафоис» каби янги бир тазкиранинг вужудга келишига катта эҳтиёж ва зарурият бор эди. Навоий «Мажолисун-нафоис»нинг муқаддимасида бу тазкирани ўзига замондош бўлган шоирларнинг номини абадийлаштириш мақсадида тузганини таъкидлайди.

«Мажолисун-нафоис»гача бўлган тазкиралар форс-тожик тилида яратилиб, шу адабиёт намояндаларига бағишланар эди. Ўзбек классик адабиётининг тобора тараққий этиб бориши, XV асрда Амирий, Яқиний, Атоий, Саккокий ва, ниҳоят, Лутфий каби кўп атоқли шоирларнинг етишуви ўзбек адабиёти намояндаларининг тазкираларда зикр этилишини ва уларга муносиб ўрин берилишини талаб қилар эди. Бу талабни Навоий «Мажолисун-нафоис»да амалга оширди. Ўзбек адабий тилининг равнақ топиши бу тилда фақат бадиий асарлар яратишнигина эмас, балки илмий асарлар, жумладан адабиётшуносликка доир асарлар яратишни ҳам тақозо қилар эди. Ана шу эҳтиёжлар заминида Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» тазкираси вужудга келди.

«Мажолисун-нафоис»нинг муқаддимасида Навоий бу китобнинг таркибий қисми ва номи ҳақида «...чун бу мақсудға етилди, они саккиз қисм этилди ва ҳар қисми бир мажлисға мансум бўлди ва мажмуиға «Мажолисун-нафоис» от қўйилди» дейди. «Мажолисун-нафоис» («Гўзал мажлислар»)да шоирлар хронологияга (I, II, III), территорияга (IV), касб-кори ва мансабига (V, VI, VII, VIII) қараб саккиз мажлисга — бобга тақсимланган. «Мажолисун-нафоис»да 459 шоир: I мажлисда — 46, II мажлисда — 91, III мажлисда — 175, IV мажлисда — 72, V мажлисда — 21, VI мажлисда — 31, VII мажлисда 22 шоир ва VIII мажлисда Ҳусайн Бойқаро зикр этилган.

«Мажолисун-нафоис»нинг умумий композицион тузилиш принципидан ташқари, ундаги мажлисларнинг ўзида яна маълум ички тартиб бор. Даврининг традициясига кўра, Навоий «Мажолисун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нафоис»ни «табаррук қилмоқ учун» шайхлардан «Хожа Қосим Анвор зикри билан» бошлаганини таъкидлайди. Қосим Анвордан кейин унинг шогирдлари Мир Маҳдум, Ҳофизи Саъд берилади, кейин иккита хоразмлик шоир (Вафоий Хоразмий, Мавлоно Ҳусайн Хоразмий), булардан сўнг бир қатор моваройннаҳрлик ва хуросонлик шоирлар зикр этилади.

Бу ҳолат маълум даражада шоирларнинг ҳаёти ва фаолиятини системага солишга, уларнинг хулқ-атвори ва бадиий ижодиётидаги бир-бирига яқин хусусиятларни билиб олишга ёрдам беради.

«Мажолисун-нафоис»— адабий-танқидий асар

Навоий «Мажолисун-нафоис»да XV асрдаги адабий ҳаёт манзарасини тасвирлайди ва уни маълум даражада таҳлил қилади. Автор ўз тазкирасида XV асрдаги барча шоирлар фаолиятини акс эттиришга интилади. У адабиёт майдонида энди-гина кўрина бошлаган шоирларни ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Бунга қуйидаги мисоллар далил бўла олади:

«Мавлоно Сифотий эмди пайдо бўлғонлардиндур, фақир ҳануз ани кўрмайдурмен, аммо шеърин эшитибмен»;

«Мавлоно Асирий ҳам эмди пайдо бўлғон хуштабъ йигитлардиндур...» ва бошқалар. Жомий ҳам, Давлатшоҳ ҳам ўз тазкираларида асосан адабиёт тарихчиси сифатида гавдаланади. Навоий эса «Мажолисун-нафоис»да ёзувчиларнинг ижоди ва адабий ҳодисаларга кўпроқ адабий танқидчи сифатида ёндашиб, фикр-мулоҳаза юритади. Бу икки нарса билан изоҳланади:

1. Жомий ва Давлатшоҳ асосан ўтмишдаги ёзувчилар ҳақида маълумот беради. Навоий эса ўзига замондош бўлган адабиёт аҳллари ҳақида сўзлайди.

2. Жомий ва Давлатшоҳнинг асарларида ёзувчиларнинг асарлари юзасидан таҳлилий ва адабий-танқидий мулоҳазалар кам. Бунинг устига, уларда айрим тарихий фактлар билан афсона ва ривоятлар аралашиб, қоришиб кетади. Навоий эса фактик материалларнигина баён қилади ҳамда ёзувчилар ҳақида кенгроқ ва изчилроқ адабий-танқидий мулоҳаза юритади. Бу хусусиятлар «Мажолисун-нафоис»нинг адабий-тарихий қимматини янада оширади.

Адабий ҳаёт ҳақида

«Мажолисун-нафоис»да XV асрдаги адабий ҳаёт, айрим адабий тенденция ва традициялар, поэзия билан санъатнинг бошқа турлари ўртасидаги муносабатга доир муҳим факт ва маълумотлар бор.

«Мажолисун-нафоис»да 459 шоирнинг зикр этилиши XV асрда поэзия билан шуғулланувчи кишилар хийла кўпайганини кўрсатади. Поэзия билан косиблар, ҳунармандлар, усталар, наққошлар, созандалар, ҳофизлар, олимлар, шоҳлар ва амир-амалдорлар ҳам шуғулланган. Булар турли хил ғоявий-эстетик позициядаги кишилар бўлиб, ораларида поэзиянинг равнақига ҳисса қўшган шоирлар билан бирга, дидсиз, истеъдодсиз ва поэзияга шунчаки бир «изҳори фазилат» ёки «ермак» деб қараб, шаклбозлик кети-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан қувиб, маза-матрасиз шеърлар битган кишилар ҳам бўлган. Навоий мана шундай истеъдодсиз ва дидсиз шоирларни «Мажолисун-нафоис»да қаттиқ қоралайди.

«Мажолисун-нафоис»да шаҳар аҳолисининг турли табақалари орасидан етишган шоирлар зикр этилади. Қуйи табақалардан чиққан шоирларнинг кўпи қаттиқ моддий ва маънавий қийинчиликларга дуч келиб шоирлик даражасига етган кишилардир. Бироқ «Мажолисун-нафоис»да деҳқонлар орасидан чиққан шоирларни кўрмаймиз. Бу ҳолат деҳқонларнинг мактаб ва маорифдан, хатсавод чиқариш имкониятларидан тамомила маҳрум бўлганликларини, феодал-клерикал муҳитнинг даҳшатли жаҳолатини равшан кўрсатади. Лекин, шунга қарамай, феодал-клерикал тузум қишлоқ аҳолисининг бадиий ижодкорлигини бўғиб ташлай олмади. Қишлоқ аҳолиси янги-янги оғзаки бадиий асарлар вужудга келтирди, унинг овози шаҳарларда ҳам кенг янгради, бу овозга шаҳар аҳолиси жўр бўлиб, оғзаки адабиётга ўз ҳиссасини қўшди, прогрессив ёзувчилар халқ оғзаки ижодидан илҳомландилар ва таълим олдилар.

Феодал-клерикал муҳит хотин-қизларни қаттиқ хўрлаган, уларнинг ижодий қобилият ва интилишларини бўғиб ташлаган эди. Лекин, шунга қарамай, хотин-қизлардан баъзилари даҳшатли ғовларни енгиб, санъат ва адабиёт майдонига чиқиб олар эдилар. XV асрда ҳам Бедилий ва Меҳри Ҳиротий каби шоиралар етишган эди. Навоий «Мажолисун-нафоис»да шоир Шайхзода Ансорий ҳақида сўзлар экан, «андоқ зоҳир бўлурким, волидаси» (онаси) ҳам хуштабъдурур ва «Бедилий» тахаллус қилур...» деб Бедилийнинг истеъдодли шоиралигини таъкидласа, Мавлоно Сулаймоний бобида Ҳофиз ғазалига назира тариқасида ёзилган ва Мавлоно Сулаймонийники деб ҳисобланган шеър ҳақида «Ва машҳури мундоқдурурким, бу абъёт Мавлоно Ҳаким табибнинг хотини Меҳринингдур» дейди. Кўп мусибатларни бошидан кечирган Меҳри Ҳиротий Бедилий каби истеъдодли шоира бўлиб, рубоий ва ғазалларида феодал-клерикал зулм ва жаҳолатга қарши норозилик кайфиятларини ифодалаган. Феодал-клерикал муҳит илм-фан ва санъат-адабиёт аҳлларининг фаолиятига қарши турли хил ғовларни вужудга келтирар, моддий ва маънавий қийинчиликларни келтириб чиқарар эди. «Мажолисун-нафоис» бир қанча шоирларнинг моддий муҳтожликларга, таъқиб ва таҳдидларга дучор бўлганликларини кўрсатади. Масалан, шоир Мир Муфлисий қашшоқлик ва муҳтожликда яшаган. «Мажолисун-нафоис»да келтирилган байтда у ўз муҳтожлиги ҳақида бундай дейди:

Халқ гўяд Муфлисий девона шуд,
Ложарам девонаги аз муфлисист

(халқ Муфлисий девона бўлди дейди, бироқ девоналик [тиланчилик] муфлислик [қашшоқлик — фақирлик] туфайлидир).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий «Мажолисун-нафоис»да айрим шоирларнинг таъқиб қилингани ёки жазоланганини қаттиқ ачиниш билан сўзлайди. Масалан, Бадахшон қўзғолончиларидан бўлган шоир Шоҳ Бадахшон ва унинг ўғли шоир ибн Лаълий Абу Саид мирзо томонидан қатл қилинади; бир ғазали учун шоир Мавлоно Ҳусайн Хоразмий Шоҳруҳ мирзо томонидан Хуросонга чақиртирилиб, қаттиқ сўроқ қилинади; Мавлоно Жаннатий Ҳусайн Бойқаронинг таъқибига йўлиқади; уни Навоий ҳимоя қилиб қолади; шоир Хожа Афзал, вазир Мажидиддиннинг иғвоси туфайли, Ҳиротдан қочиб кетади. «Мажидиддин Муҳаммад бузуғлиғидаким,— дейди Навоий Хожа Афзал ҳақида,— аҳволиға футур етмаган киши қолмади, ани подшоҳға андоқ ёмон кўргуздиким, заруратдин жало (ватанини тарк этиш) ихтиёр қилди». Айрим шоирлар моддий муҳтожлик туфайли ёки зодагонларнинг тазйиқи билан феодал ҳукмдорларга мадҳхонлик қилишга мажбур бўлар эдилар.

XV асрда лирика асосий адабий тур эди. Бу турнинг кенг тарқалган жанри ғазал эди. Шоирлар янги ғазаллар яратиш билан бирга, ўтмиш шоирларининг ғазалларига назиралар битар, янги образлар яратиб, салафларидан ўзиб кетишга интилар эдилар. Шу билан бирга, XV аср шоирлари лириканинг рубоий, қитъа, муаммо, туюқ, қасида ва бошқа жанрларида кўп асарлар яратдилар. «Мажолисун-нафоис»да шоирларнинг лирик турдаги муваффақиятлари ҳам, камчиликлари ҳам кўп ўринда конкрет мисоллар билан ёритилади.

XV асрда хамсачилик традицияси ҳам ривожланади. Навоий «Мажолисун-нафоис»да Мавлоно Ашраф, Али Оҳий, Мавлоно Котибий, Мавлоно Фасеҳ Румий, Хожа Ҳасан Хизршоҳ, Мавлоно Абдулло, Хожа Имод ва бошқа шоирларнинг «Хамса»га ёки унинг алоҳида достонларига тақлидан асарлар яратганлари ҳақида маълумот беради.

Булардан ташқари, «Мажолисун-нафоис»да турли хилдаги адабиётшунослик асарлари яратилгани, ўтмишдаги ёзувчиларнинг асарларини тўплаш ва китоб қилиб тузиш ишлари бирмунча жонлангани, турли хилдаги адабий йиғилишлар, мунозаралар ва бошқалар ҳақида ҳам маълумот берилади. Бу маълумотлар XV асрдаги адабий ҳаёт манзараларини тўлароқ тасаввур этишга хизмат қилади.

Биографик ва автобиографик маълумотлар

Тазкирада ёзувчиларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида тўла ва изчил маълумот бериш одат эмас эди. Тазкира авторлари ёзувчининг ҳаёти ва фаолиятига доир бир ёки бир неча муҳим фактни баён этиш, машҳур ривоят ёки афсоналарни ҳикоя қилиш билан кифояланар эдилар. XV аср ёзувчилари ҳақида ёзилган «Мажолисун-нафоис»да эса кенг ва тўла биографик маълумот беришнинг ҳожати ҳам йўқ эди, чунки «Мажолисун-нафоис»даги ёзувчилар XV аср китобхонларининг замондошлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб, китобхонлар уларнинг ҳаёти ва фаолияти билан озми-кўпми таниш эдилар. Лекин, шунга қарамай, «Мажолисун-нафоис»да ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодига доир айрим қимматли маълумотлар ҳам бор.

Навоий кўпинча ёзувчининг ҳаёти ва ижоди учун жуда характерли бўлган масалалар ҳақида маълумот беришга интилади. У ёзувчиларнинг касб-кори, туғилган ёки вафот этган жойи, таҳсили, адабий фаолияти, асарлари ва бошқа масалалар ҳақида сўзлайди. Автор Қосим Анвор, Паҳлавон Муҳаммад, Мавлоно Котибий, Мавлоно Лутфий, Атоий, Мавлоно Ҳусайн Хоразмий ва бошқа ёзувчилар ҳақида бирмунча тўлароқ маълумот беради. Масалан, Қосим Анвор ҳақида сўзлар экан, унинг Озарбайжоннинг Сароб деган қишлоғида туғилгани, йигитлигида Садриддин Ардабилий деган шайхга мурид бўлиб, тасаввуфдан таълим олгани, кейин Хуросонга келгани ва у ердан сургун қилиниб, Самарқанд ва Балхда яшагани, яна Ҳиротга қайтгани, шеърлари девон қилингани ва «Анисул-ошиқин» («Ошиқлар дўсти») номли кичик достон яратгани, шуҳрати ва 835 (1431/32) йилда вафот этиб, Жом вилоятининг Харжурд деган жойида дафн қилингани ва бошқалар ҳақида сўзлайди. Мавлоно Лутфий ҳақида эса унинг Мавлоно Шаҳобиддин Хиёбонийдан тасаввуф бўйича таълим олгани, дунёвий илмлар билан шуғулланган, 99 йил умр кўргани, «форсий ва туркийда назири йўқ» шоир экани, девони машҳур бўлгани, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си асосида 10 мингдан ортиқ байтли достон яратгани, Абдураҳмон Жомий билан ижодий ҳамкорлик қилгани ва бошқаларни сўзлайди. «Мажолисун-нафоис» да бир қанча бошқа шоирлар ҳақида ҳам шундай маълумотлар берилади.

Бироқ Навоий 459 шоирнинг ҳаммаси ҳақида ҳам кенг ва тўла маълумот беролмас эди, зотан, юқорида айтганимиздек, XV аср китобхони учун бунинг ҳожати ҳам йўқ эди. Навоий кўп шоирлар ҳақида қизиқарли бирор эпизодни ёки детални баён қилиш билан кифояланади. Масалан, Мавлоно Абдуқаҳҳор кимёгарлик билан шуғулланиб, олов пуфлайвериб, кўр бўлиб қолган; Мавлоно Муқбилий оёғига мараз чиқиб, ланг бўлиб қолган; Мавлоно Доий Сарахсда шайх Луқмон мозорида шайхлик қилиб, баъзан «сотиғ-савдо» билан шуғулланган; Мирмумтоз мустақил мутолаа ва машғулот орқали яхши билим олган; «кеча тонг откунча ва кундуз оқшом бўлгунча иши мутолаа» бўлган, шахматда донг чиқарган Мавлоно Котибий вабо билан ўлган, у ўлими олдидан қуйидаги мисраларни битган:

Зи оташи қаҳри вабо гардид ногаҳон хароб
Астробод, ки хокаш бувад хушбўтар аз мушк.
Андар ў аз пиру барно ҳеч кас боқий намонд,
Оташ андар беша чун афтад на тар монад, на хушк.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Тупроғи мушкдан ҳам хушбўйроқ бўлган Астробод вабонинг олови қаҳридан бирданига хароб бўлди. У ерда ёш ва қаридан ҳеч ким қолмади, чунки ўрмонга ўт тушса, ҳўл-қуруқ баравар ёнади.)

Бадиий сўз санъатининг тарбиявий ролига юксак баҳо берган Навоий ёзувчи ўз феъл-атвори билан бошқаларга ўрнак бўлиши лозим, деб ҳисоблар эди. У «Мажолисун-нафоис»да ёзувчиларнинг хулқ-атворига ҳам катта эътибор беради. Бир қатор ёзувчиларнинг камтарлик, хушмуомалалик, ҳиммат каби олижаноб фазилатларини мамнуният билан таъкидлаган Навоий айрим ёзувчиларнинг ёмон хулқ-атворларини қаттиқ қоралайди. Масалан, Мавлоно Соҳиб Балхий тамагир бўлиб, фозиллар олдида обрў-эътибори йўқ эди; Хожа Абу Исҳоқ — бадхўй ва мутакаббир бўлган; Мавлоно Садр Котибийни «чоғир (май) мағлуб қилган»; Мавлоно Хуррамий «одамийликдан асари» бўлмаган, Мавлоно Анисий ўзга шоирларнинг шеърини ўғирлаб, ўз номига битган; кейинчалик тахаллусини Оҳий деб ўзгартирган шоир Наргисий ҳам шундай киши бўлган ва бошқалар.

«Мажолисун-нафоис» Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда ҳам муҳим автобиографик манбадир. Бу асар орқали биз Навоийнинг 3—4 ёшларида Қосим Анворнинг шеърларидан ёд олгани, 10—12 ёшларида кекса шоир Мир Шоҳий билан хат ёзишгани, Тафтда кекса олим Шарафиддин Али Яздий билан учрашгани, Улойи Шоший билан муаммо айтишгани, Дарвеш Мансурдан аруз ўрганган, Хожа Юсуф Бурҳондан музикадан таълим олгани, Фазлуллоҳ Абу Лайсдан Самарқандда икки йил сабоқ тинглагани, Машҳадда Хожа Ҳасан Ардашер билан дўстлашгани, Хожа Ҳасан Хизршоҳга унинг беморлик чоғида кўмаклашгани, Мавлоно Қабулийнинг васиятига кўра, унинг дафн этилишига кетадиган харажатларни тўлагани, тоғалари Кобулий ва Ғарибийнинг Абусаид томонидан қатл қилингани, Мавлоно Шарбатий каби истеъдодли шогирдлар етиштиргани, Мавлоно Жожармийнинг бир рубоийсини ёддан «Мажолисун-нафоис»га киритгани ва бошқа-бошқа муҳим автобиографик факт ва маълумотлар билан танишамиз.

«Мажолисун-нафоис»нинг яна муҳим биографик қиммати шундаки, тазкира автори барча маълумотларнинг аниқ бўлишига интилади. У айрим маълумотларнинг тахминий эканини ёки қатъий аниқ эмаслигини эътироф қилади. Масалан, «Мавлоно Кавкабий — мунажжим йигитдурур ва ўз фанига муносиб тахаллус ихтиёр қилибдур, фақир андоқ хаёл қилурменким, ани кўрмаймен, баъзи ёронлар дерларким, кўрубсен, хотирга келмади...», «Мавлоно Ҳақирий... гўё Ҳириликдурур» ва бошқалар.

Шундай қилиб, «Мажолисун-нафоис» XV аср адабиёт аҳлларининг, жумладан, Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар берувчи бир манбадир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Адабий-танқидий мулоҳазалар ва бадиий намуналар

Навоий «Мажолисун-нафоис»да бадиий асарларни таҳлил қилиш вазифасини ўз олдига қўймайди. Зотан, тазкирачилик традицияси буни талаб ҳам қилмас эди. Лекин, шунга қарамай, «Мажолисун-нафоис»даги муҳим адабий-танқидий мулоҳазалар XV аср адабиётини, унинг бир қатор намояндалари ижодини ёритишга ёрдам қилади. Тазкира автори кўпгина шоирларнинг бадиий адабиётда тутган ўрнини кўрсатишга, уларнинг бадиий ижодиётини баҳолашга ва асарлари учун хос бўлган хусусиятларни ёритишга интилади. Бироқ у баъзан айрим ёзувчилар ижодининг маълум бир томонини ёки маълум бир асарини, ҳатто маълум бир парчасини кўзда тутиб фикр юритади. Айрим ўринларда эса баъзи ёзувчилар ҳақида маълумот беради-ю, лекин уларнинг ижоди ҳақида фикр юритмайди ёки учинчи бир кишининг мулоҳазасини баён этиш билан кифояланади, чунки адабиёт аҳллари ҳақида объектив ва ҳаққоний фикр юритиш шуни тақозо қилар эди. Навоий 459 шоирнинг барча асарларини тўплаш ва ўрганишга улгура олмаган эди. Зотан, Навоий яшаган шароитда буни амалга ошириш ҳам амри маҳол эди (матбуот ва босмахона бўлмаганини эсланг). Навоий не-не машаққатлар билан айрим ёзувчиларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот тўплагани, асарларидан намуналар йиққанини «Мажолисун-нафоис»нинг бир неча ўрнида қайд қилади.

Юқоридаги фикрларни конкретлаштириш учун мисолларга мурожаат қилайлик.

«Мавлоно Лутфий... ўз замонининг маликул каломи эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпрак эрди...», «Мавлоно Котибий ўз замонининг беназири эрди. Ҳар навъ шеърғаким майл кўргузди, анга маонийи ғариба кўп юзланди, батахсис, қасоидда балки ихтиролар ҳам қилди ва кўпи яхши келди ва маснавийлари ҳам... бор. Аммо ғазалиёт ва қасоид девони машҳурроқ ва яхшироқ воқе бўлубтур...». «Мавлоно Бақоий... Аммо фақир ҳаргиз андин муаммоеки, нимаға ярагай эшитмадим. Сўнгра шеър айта бошлади. Аммо ғариб хаёллар қилур, аммо таркибни реш боғлар. Дерларки, тирандозлик фанида соҳиб вуқуфдур, биз билмасбиз», «Қози Муҳаммадул-имомий... Назмға ҳам гоҳи машғул бўлур эрди. Ва ашъори Ҳирот шаҳри орасида бор», «Мавлоно Жунунийй... шеъри ёмон эрмас эканду...», «Нур Саидбек... табъининг не миқдор қувват ва латофати бор эканин шеъридин билса бўлур. Ўқугон билгай...».

Навоий баъзан шоирларнинг шеърларидан парча келтириб, шу парчанинг ўзи билан уларга баҳо беради. Масалан: «Мавлоно Али Оҳий — Машҳаддиндур, «Хамса» муқобаласида неча маснавий айтибдур. Чун муқобалаға келтурса бўлмас, гўёки ул жиҳатдан шуҳрат тутмайдур. «Хаёл ва висол» китобида бир байт бор, магарким мулҳими ғайб ўз шеъри бобида анинг тилига солғондурким:

Шеъре, ки бувад зи нукта сода,
Монад ҳама умр як савода.

(Агар шеър маъно нозиклигидан холи бўлса, у бир умр қоралик бўлиб қолади.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу мисоллар ҳассос олим Навоийнинг шоирлар ижодига баҳо беришда мумкин қадар принципиал ва объектив бўлишга интилганини, шоирлар ижодини ҳам, китобхонларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам қунт билан кузатиб, ўрганиб борганини кўрсатади.

Навоий поэзия билан шуғулланган темурийлар ҳақида сўзлаганда, баъзан уларга бирмунча тенденциоз муносабатда бўлади, тўғриси, XV аср шароити ва Навоийнинг вазияти уни шунга мажбур этар эди. Бироқ, шунга қарамай, Навоий темурий шаҳзодаларнинг бадиий ижодига ҳам, уларнинг шахсига ҳам имкони борича объектив баҳо беришга интилади. Масалан, у Абобакр мирзо ҳақида «...чун табъида назм чошниси бор эрмиш» деса, Султон Искандар ҳақида «...дерларким, табъи назмға мойил эрди...» дейди. Абдуллатиф мирзонинг шахсий сифатлари ҳақида: «Савдойи мизож ва васвасий табъ ва девонасор киши эрди. Мундун ўзга даги ғариб бадфеълликлари бор эрдиким, зикридин беҳибожлик лозим келур. Ўтар дунё маслаҳати учун донишманд ва қари ва подшо отасин (Улуғбекни) ўлтурди...» деб уни қаттиқ қоралайди.

«Мажолисун-нафоис»нинг 8-мажлиси Ҳусайн Бойқарога бағишланган. Ҳусайн Бойқаро ўз замонасининг истеъдодли шоирларидан бири эди. Унинг лирик шеърлари ва назиралари бадиий жиҳатдан мароқли чиққан. Навоий «Мажолисун-нафоис»да Ҳусайн Бойқаронинг шеърлари ҳақида мулоҳаза юритиб, уларга ижобий баҳо беради. Ҳусайн Бойқаро шеъриятининг ғоявий-тематик чекланганини таъкидламайди, танқидий муносабатда бўлмайди.

Навоий шеърнинг ғоявий мазмунига ҳам, бадиийлигига ҳам катта эътибор беради. У шеърдаги жузъий нуқсонларни ҳам танқид қилади. «Мажолисун-нафоис»да Камол Турбатий, Мавлоно Абдусамад Бадахший, Мавлоно Аёзий ва бошқалар зикрида айтилган мулоҳазалар Навоийнинг ҳассос санъатшунослигини яна да ражшанроқ кўрсатади. Навоий шоир Атоий ижодига юксак баҳо беради. Лекин унинг:

«Ул санамким сув яқосинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклукиндин сув била ютса бўлур»

байтида «ўлтурур» сўзи билан «бўлур» сўзини қофия қилгани учун қофиясида «айбғинаси бор» деб таъкидлайди.

Навоий «Мажолисун-нафоис»да шоирларнинг халқ ижодига муносабатига ҳам алоҳида эътибор беради. Чунончи, у Мавлоно Муҳаммад Неъматободий, Мавлоно Бу Али, Ҳофиз Шарбатийлар зикрида халқ юморига хос эпизодларга кенг тўхталиб ўтади.

Навоий «Мажолисун-нафоис»да шоирларнинг ижоди учун жуда характерли бўлган асарлардан намуналар келтиради. Мавлоно

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаммад Муаммоий муаммо жанрида шуҳрат қозонган. Биноварин, Навоий бу шоирнинг муаммоларидан мисол келтиради. Ҳазилмутойибалари билан танилган Сайид Козимийдан қуйидаги ҳажвий байтни намуна сифатида беради:

Шукри худоки қозийи шаҳри Ҳирот наям,
Дар силки одам сифатонам, харе наям.

(Худога шукурки, Ҳирот шаҳрининг қозиси эмасман, одамшавандалар қаторидаману, эшак эмасман.)

Қобилиятли шоир Саид Абдуллоҳ Астрободийнинг хўчонлик бир кишининг садрга бир эшакни пора бериб, қози бўлгани ҳақида яратган қитъаси машҳур бўлган. Навоий шу қитъани келтиради:

Ҳамегашт дар шаҳр шахсе зи Хусон,
Ки қози шавад, садр рози намешуд.
Бидодаш харе ришвау гашт қози,
Агар хар намебуд, қози намешуд.

(Хўчондан келган бир киши қози бўлмоқ учун шаҳарда айланиб юрарди, бироқ садр унинг қози бўлишига рози эмасди. Охирида бир эшакни садрга пора бериб, қози бўлди; ҳақиқатан, эшак бўлмаса [сўз ўйинига эътибор беринг] эди, қози бўлмас эди.)

Дунёвий адабиётнинг атоқли вакили Навоий «Мажолисун-нафоис»да кўпинча шоирларнинг шайх-зоҳидларга, таркидунёчилик ва бадбинликка қарши қаратилган шеърларидан намуна беришга интилади. Бу билан ҳам у диний-мистик адабиётга қарши курашини давом эттиради.

Тазкирачилик тараққиётида «Мажолисун-нафоис»нинг ўрни

«Мажолисун-нафоис» XV аср адабий ҳаётининг муҳим бир ҳужжатидир[1]. Бу асар ўз давридаги адабий ҳаётни маълум даражада ёритиб бериш билан бирга, сўз санъатининг тараққиётига ҳам хизмат қилди. Адабиёт аҳлларини ва китобхонларни кўп ёзувчиларнинг ижодий фаолияти, уларнинг ютуқлари ва камчиликлари билан таништирди. У кейинги асрларга XV аср адабиёти ва адабий-танқидий қарашларининг бир ёдгорлиги бўлиб қолди ва тазкирачилик тараққиётига самарали таъсир этди. Бу асар XVI асрдаёқ Фахрий бин Султон Муҳаммад Амирий, Муҳаммад Қазвиний ва ниҳо-

[1] «Мажолисун-нафоис»нинг XV аср охири ва XVI аср бошларида кўчирилган бир неча нусхаси бизгача етиб келган. Унинг 1498 йилда кўчирилган нусхаси Венада, 1527 йилда кўчирилган нусхаси Парижда, 1538—1539 йилларда кўчирилган нусхаси Бокуда, XVI аср ўрталарига мансуб нусхаси Ленинградда, XV аср охири ёки XVI аср бошларида кўчирилган нусхаси (биринчи варианти) Тошкентда сақланади. Кейинги асрларга мансуб нусхалар эса анча кўпдир. Булар ичида 1842—1843 йилларда кўчирилган мукаммал ва нодир нусха ҳам бор (бу нусха Тошкентда Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади).

www.ziyouz.com kutubxonasi

пурлик Шоҳали Абдуали томонидан уч марта форс тилига таржима қилинди. XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошида ўтган озарбайжонлик адабиётшунос Содиқбек китобдор «Мажолисун-нафоис»дан илҳомланиб ва фойдаланиб Навоий тилида — ўзбек тилида «Тазкираи мажмаул-хавос»ни тузди. Ўзбек тазкирачилигининг тўнғич асари бўлган «Мажолисун-нафоис» ўзбек тилида бир қатор тазкира ёки мажмуа ва баёзларнинг вужудга келишига йўл очди ва бир намуна бўлиб хизмат қилди.

Кейинги асрларда ўзбек ва тожик тилларида бир қанча янги тазкиралар вужудга келди. Малеҳонинг «Музаккирул-асҳоб» («Суҳбатдошлар зикри»), Ҳасан Нисорийнинг «Музаккирул-аҳбоб» («Дўстларнинг зикри»), Возиҳнинг «Туҳфатул-аҳбоб» («Дўстларнинг туҳфаси»), Фазлийнинг «Мажмуаи шоирон» («Шоирлар тўплами») асарлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу тазкираларнинг ўзига хос яхши томонлари ҳам, нуқсонлари ҳам бор. Улар ўз давридаги адабиёт тарихини ўрганишда маълум аҳамиятга моликдир. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, феодал саройи доирасида вужудга келган тазкира ва мажмуаларда ёзувчиларга тенденциоз муносабатда бўлиш авж олиб кетади. Жумладан, Фазлий ўз тўпламида саройнинг маддоҳ шоирларини кўкка кўтариб мақтайди, Гулханий ва Махмур каби халқчил ёзувчиларни (уларнинг истеъдодига тан берса-да) камситади, уларга туҳматлар қилади. Бундан ташқари, сарой аҳлларининг кибр-ҳавоси, мақтанчоқлиги, хушомадгўйлиги тўпламлардаги шеърларда ҳам, шарҳларда ҳам кенг ўрин ола бошлайди. Масалан, Фазлий:

«Манам Фазлийи номвар дар замон,
Низомии аср худам дар суҳан.
Ба гуфтор дорам зи Жомий нишон,
Ба ашъори турки Навоий баён»

(Мен замоннинг номи кетган Фазлийсиман, сўзда ўз асримнинг Низомийсиман. Сўзламоқда Жомийдан нишонаман, туркий шеър баёним Навоий баёнидекдур),

деса, Адо:

«Гар Навоийдан Адо сўзини ўткарса не тонг,
Шоҳ Умар афзалму ё Султон Ҳусайни Бойқаро»,—

деб кеккаяди.

Фазлий ва Адоларнинг бундай мутакаббирона сўзларига қарши Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»идан унинг камтарлигини кўрсатувчи бир-икки мисол келтирсак, улуғ шоир ва мутафаккирнинг олижаноблиги янада равшанроқ намоён бўлади. Шоир Суҳайлий,— дейди Навоий,— «аввалдин охиригача фақир билан илтифот ва имтиҳод кўп учун, мундин ортиқ таъриф қилилса, ўзимни таъриф қилғондек бўлурдин қўрқиб, ихтисор қилилди»; Мавлоно Бурҳониддин «...бу фақирга подшоҳ муҳр таклифи қилғонда тарихе айтиб эрдиким, бағоят хўб воқе бўлуб эрди. Аммо

www.ziyouz.com kutubxonasi

чун фақирнинг таърифики, нафсул-амрда воқедур, лозим келур эрди, битилмади».

Хуллас, «Мажолисун-нафоис» XV аср адабиётини, Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини ўрганиш ва ёритишда ўтмиш адабиётшунослигининг қимматли ёдгорлиги бўлиб келмоқда.

«МЕЗОНУЛ-АВЗОН»

«Мезонул-авзон» ўтмиш адабиётшунослигининг муҳим ёдгорликларидан бири бўлиб, у шеър тузилишига, классик поэзиянинг асосий вазн тури бўлган арузга бағишланган асардир.

«Мезонул-авзон» нинг яратилиш тарихи ва унга бўлган эҳтиёж

Аруз поэзиянинг мураккаб бир вазн туридир. Аруз вазни араб поэзияси, форс-тожик тилидаги поэзия, ўзбек, озарбайжон, турк, туркман ва бошқа туркий халқлар поэзиясида узоқ тараққиёт тарихини босиб ўтди. Бу вазн турли халқлар поэзиясида умумий принцип ва хусусиятларга эга бўлиши билан бирга, бу халқлардан ҳар қайсисининг поэзиясида ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Ўтмиш адабиётшунослигида «арузи арабий», «арузи форсий» ва «арузи туркий» терминларининг қўлланишига сабаб шу эди.

Аруз вазнининг ўзига хос хусусиятлари, унинг турли халқлар шеъриятидаги вариантлари ва хилланишлари бу вазннинг назарий масалаларини ёритиш зарурияти келтириб чиқаради. Араб адабиётшуноси Халил ибн Аҳмад биринчи бўлиб аруз назарияси ҳақида асар ёзди.

Халил ибн Аҳмаддан кейин форс-тожик тилида арузга доир бир неча асарлар яратилди. Шамс Қайснинг «Ал-мўъжам»[1], Рашидаддин Ватвотнинг «Ҳадойиқус-сеҳр» («Сеҳр боғлари»), Хожа Наср Тусийнинг «Меъёрул-ашъор» («Шеърлар меъёри»), Салмон Соважийнинг рисоласи ва бошқа рисолалар вужудга келди. Буларнинг ҳаммаси поэзиянинг бир неча асрлик тажрибаси асосида аруз назариясининг равнақ топишига катта ҳисса қўшди. Бироқ бу асарлар XV аср адабиёт аҳлларининг эҳтиёжига тўла жавоб беролмас эди. Шунга кўра XV асрда арузга доир бир неча янги асарлар яратилди. Дарвеш Мансур аруз ҳақида икки асар яратди, Абдураҳмон Жомий ҳам «Аруз» рисоласини ёзади. Бироқ, булардан қатъи назар, «Мезонул-авзон» каби янги ва оригинал бир асарнинг вужудга келишига катта эҳтиёж бор эди. Бу эҳтиёж қуйидагилардан иборат эди:

1. Аруз ҳақидаги асарлар, араб тилидаги ва форс-тожик тилидаги поэзиянинг вазнига хос барча масалаларни тугал қамраб олмаган эди. Аруз назариясини араб тилидаги ва форс-тожик тилидаги поэзиянинг тажрибалари асосида янада тўлдириш ва му-

[1] *Мўъжам* — араб ёзувидаги ҳарфларнинг диакритик белгиси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

каммаллаштириш лозим эди. Ёшлик палласида Дарвеш Мансурдан аруз бўйича таълим олган, Халил ибн Аҳмад, Шамс Қайс, Хожа Наср Тусий, Салмон Соважий ва Абдураҳмон Жомийларнинг арузга доир асарларини мукаммал ўрганган Алишер Навоий шу вазифани бажариш мақсадини ўз олдига қўяди. У «Мезонул-авзон»да «...ва неча қоида ва дойира ва вазнким, ҳеч арузда, мисли фан возеъи Халил ибни Аҳмад ва илм устоди Шамс Қайс кутубида ва Хожа Наср Тусийнинг «Меъёрул-ашъор»ида, балки Ҳазрати Маҳдумий... Нуран (Жомий) «Аруз»ларида йўқ эрдиким, бу фақир бу фан усулидан истихрож қилиб эрдим, бу китобға изофа қилдим»,— дейди.

2. Аруз назариясига доир китобларда туркий поэзиянинг вазни масалалари махсус ўрганилмаган ва ёритилмаган эди. Ваҳоланки, туркий поэзияда бу вазн узоқ тарихга ва катта тажрибага эга эди. XI асрдаёқ арузнинг мутақориб баҳрида Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достони каби катта асар вужудга келган эди. Туркий поэзиядаги арузнинг 4 — 5 асрлик тажрибасини ўрганиш адабиёт тарихини ёритишга хизмат қилиш билан бирга, бу адабиётнинг тараққиёти ва истиқболи учун ҳам ниҳоятда зарур эди. Бу вазифа араб ва форс-тожик тилидаги поэзия тажрибалари асосида аруз назариясини тўлдириш ва бойитишга нисбатан ҳам муҳимроқ эди. Бу катта, масъулиятли ва шарафли вазифани биринчи бўлиб Алишер Навоий мисли̇з катта муваффақият билан амалга оширди. «Чун турк (ўзбек) алфози била назм воқеъ бўлубтур,— дейди Навоий,— анга зобитае ва қонуне йўқ эркандур. Ва ул фан ривожи учун киши аруз фанида китобе ё рисолае битмайдур... Бу сабабдин илм зобитасиға қалам сурулди».

3. XV асрда аруз назариясига доир бир неча асар бўлса-да, лекин адабий ҳаёт арузга доир мукаммалроқ ва китобхонларга ҳам, шоирларга ҳам манзур янги бир асар вужудга келишини талаб қилар эди. Китобхонларгина эмас, балки кўпгина шоирлар ҳам бу мураккаб вазннинг барча масала ва баҳрларини билмас эдилар. Навоий «Мезонул-авзон»да характерли бир фактни ҳикоя қилади: Ҳусайн Бойқаро Амир Хисрав Деҳлавийнинг 18 минг байтдан иборат шеърларини йиғдириб девон туздиради. Хисрав Деҳлавий шеърларининг вазни хилма-хил ва хийла мураккаб эди. Китобхонлар ва ҳатто баъзи шоирлар Хисрав Деҳлавий шеърларида қўлланилган кўпгина аруз баҳрларини аниқлаб ололмайдилар. Шунинг учун Ҳусайн Бойқаронинг топшириғи билан арузшунослар Хисрав Деҳлавийнинг ҳар бир шеъри устига шу шеърнинг вазнини ёзиб чиқадилар. Шундан кейин девон тузишда ҳар бир шеърнинг вазнини қайд этиб қўйиш Навоий замондошлари учун одат бўлиб қолади. Навоийнинг ўзи ҳам «Хазойинул-маоний»да шундай қилади. Бу факт аруз назариясини кенгроқ тарғиб қилиш ва ҳаммабоп мукаммал асар яратиш заруратини кўрсатар эди. «Мезонул-авзон» мана шундай асар бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. «Мезонул-авзон»га қадар аруз назариясига доир яратилган асар ё араб, ёки форс-тожик тилида эди. Ўзбек адабиёти аҳлларининг ҳаммаси ҳам бу асарлардан тўла фойдалана олмас эдилар. Уларга ўз она тилида аруз ҳақида мукаммал бир қўлланма яратиш зарур эди. Ўзбек адабиёти ва адабий тилининг тараққиёти шуни талаб қилар эди. «Мезонул-авзон» бу талабга ҳам мукаммал жавоб бўлди.

«Мезонул-авзон»нинг ёзилган йили аниқ маълум эмас. Бироқ унинг 1492 йилдан кейин, «Хазойинул-маоний» тузилгандан сўнг яратилгани аниқ, чунки китоб автори Жомийни марҳум деб тилга олади ва «Хазойинул-маоний»ни тузиб, ундаги шеърлар устига вазнини қайд қилиб қўйганини таъкидлайди. Демак, «Мезонул-авзон» Навоийнинг умрининг охирларида яратган асарларидан биридир. Асар шеър тузилишига, вазнига доир бўлгани учун автор уни «Мезонул-авзон» («Вазнлар ўлчови») деб атаган.

«Мезонул-авзон»нинг қўл ёзма нусхалари Навоийнинг бошқа асарларининг қўл ёзма нусхаларига қараганда камроқ тарқалган, чунки у кенг китобхонларга бағишланган бадиий асар бўлмай, балки махсус илмий асардир. «Мезонул-авзон»нинг мамлакатимиз кутубхоналарида бир неча қўл ёзма нусхалари сақланмоқда. Бу нусхаларнинг кўпи XIX асрга мансубдир. «Мезонул-авзон»нинг нусхаларини чоғиштириб ўрганиш асосида адабиётшунос И. Султонов бу асарнинг илмий-танқидий текстини ишлаб чиқди.

«Мезонул-авзон»да арузга доир умумий маълумот

Навоий «Мезонул-авзон» асари билан аруз назариясига доир мукаммал бир қўлланма яратиш вазифасини ўз олдига қўяди. Бинобарин, у тўғридан-тўғри аруз назариясига қўшган янгиликларига, ўзбек поэзиясининг вазн хусусиятларини текшириш ва ёритишга ўтмасдан, балки китобхонларга қулай бўлсин учун, аруз ҳақида, қисқача бўлса ҳам, умумий маълумот беришни лозим кўради. «Мезонул-авзон»даги маълумотлар аруз терминининг келиб чиқиши, рукнлар, асллар, баҳрлар ва баҳрлар доираси, тақтиъ ва бошқа масалаларни ўз ичига олади.

Аруз терминининг келиб чиқиши ҳақида турли хил фикрлар бўлган. Жумладан, бу терминни аруз назариясига асос солган Халил ибни Аҳмаднинг юртига яқин Аруз деган водийнинг номи билан боғлаганлар. Бу ҳақда Навоий шундай дейди:

«Бас собит бўлдиким, аруз фани шариф фандур. Ва буким, ул илмни невчун «аруз» дейдилар, мухталиф аҳвол бор. Ва ул будурким, Халил ибни Аҳмад... бу фаннинг вазиидур, чун араб эрмиш ва анинг яқинида бир водий эрмишки, ани «Аруз» дерлар эрмиш ва ул водийда аъроб уйларин тикиб, жилва бериб, баҳоға киюрурлар эмиш. Ва уйни араб «байт»дер. Чун байтларни бу фан била мезон қилиб, мавзунини номавзундин аюрурлар, гўёки қиймат ва баҳси маълум бўлур, бу муносабат била «аруз» дебтурлар...». Афтидан, Аруз водийси хушҳаво ва хушманзара жой

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган, кишилар у ерда ашула айтиб, шеърхонлик қилганлар. Аруз водийси поэзия манзилига айланган. Бинобарин, шеърнинг ритмик асоси бўлган вазн шу водийнинг номи билан аталган. Шунингдек, шеърнинг икки мисраси бир шеърий уй ҳисобланиб, икки мисра «байт»— «уй» номи билан юритила бошлаган.

Аруз вазнида мисралардаги ритмик бўлаклар рукн (сутун) деб юритилади, чунки уй (байт)нинг сутуни бўлгани каби, шеърий уй-байтнинг ҳам сутунлари бўлиши керак. Шеърий байтнинг сутуни эса рукидир. Рукн ундош ҳарфлар ва алифнинг миқдорига, уларнинг мутаҳаррик (ҳаракатли), яъни «зер», «забар» ёки «пеш»ли бўлишига[1] ёки сокин (ҳаракатсиз), яъни «зер», «забар» ёки «пеш»сиз бўлишига қараб 3 гуруҳга бўлинади: сабаб, ватад ва фосила.

Рукнлар ҳижоларнинг сони ва чўзиқ ёки қисқалигига қараб 8 аслга бўлинади ва ҳар бири махсус ном билан аталади. Бу асларни арузда қабул қилинган «фаала» (ҳаракат этмоқ) масдари асосидаги формула билан кўрсатилганда, қуйидагича бўлади:

1. Фаъулун (فعولن). 2. Фоъилун (فاعلن). 3. Мафоъийлун (مفاعيلن). 4. Мустафъилун (مستفعلن). 5. Фоъилотун (فاعلاتن). 6. Мафоъилатун (مفاعلتن). 7. Мутафоъилун (متفاعلن). 8. Мафъулоту (مفعولات). Асллар вужудга кел-

ган шакллар — шохобчалар «фуруъ» деб юритилади. Масалан, мафоъилуннинг ўн бир «зиҳофот»и ва шунга мувофиқ ўн бир «фуруъ»и бор: мафоъилун, мафоъийлу, мафъулун, мафъулу, фоъилун, фаулун, мафоъийл, фаъўл, фаъул, фоъ, фаъ. Бу фуруъларнинг ҳар бири яна махсус номлар билан аталади. Масалан, маъфоъилун — мақбуз, маъфоъийлу — макфуф, мафъулун — ахрам, мафъулу — ахраб ва бошқалар.

Шеърий мисралар мана шу асларнинг маълум миқдори ва маълум бир тартиб билан ҳосил бўлади. Рукнларнинг аслга мувофиқлиги тақтиъ[2], деб юритилади. Мисол:

Хастаеким, бастае ул зулф эрур,
Уйла йўқ девонае фарзонае.

Тақтиъи: *Хастаеким* — фоилотун — *бастае ул* — фоилотун,— *зулф эрур* — фоилун.

Уйла йўқ де — фоилотун — *вонае фар* — фоилотун — *зонае* — фоилун. Биринчи мисранинг аввалги қисми «садр», сўнгги қисми «аруз», иккинчи мисранинг аввалги қисми — «ибтидо», сўнгги қисми «зарб», буларнинг орасидаги қисми «ҳашв» дейилади. Байтларнинг тақтиъида ўзгариш бўлмаса, «солим» деб аталади.

Арузнинг бир-бирига яқин вазн туркумлари бўлиб, бу туркумлар баҳр деб юритилади. Арузда 19 баҳр бор: тавил, мадид, басит, вофир,комил,ҳазаж, ражаз, рамал, мунсареҳ, музореъ, муқтазаб, мужтасс, сареъ; жадид, қарийб, хафиф, мушокил, мутақориб, мутадорик. Баҳрлар байтдаги рукнларнинг миқдори билан бирга айтилади. Масалан, рамали мурабба—тўрт рукнли рамал, рамали мусаддас — олти рукнли рамал, рамали мусамман—саккиз рукнли рамал ва бошқалар. Баҳрларнинг ҳар бири бир неча хил вазнларга бўлинади ва улар моҳиятига қараб махсус ном билан юритилади. Масалан: рамали мусаммани солим. Мисол:

---

[1] Ундош ҳарфлар ёки алифнинг ости ва устига унли товушларни ифодалаш учун белги қўйилиши (фатҳа, замма, касра) ёки белги қўйилмаса ҳам, уларнинг ости ёки устида шу белгилар бор деб тасаввур этилиши.

[2] *Тақтиъ* — парадигма.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Келки, ишқингдин кўнгулда йўқтурур сабру қарорим,
Бошима еткур қадамким, ҳаддан ошти интизорим.

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун.

Рамали мусаммани махбуни мақтуъ. Мисол:

Олам ичра манга ул ҳури малак сиймо бас,
Бу қачон бўлса муяссар қадаҳи саҳбо бас.

Фоилотун фаилотун фоилотун фаълун.

Рамали мусаддаси солим. Мисол:

Эй жамолингдин хижил хуршиди анвар,
Қоматингдин мунфаил сарву санавбар.

Фоилотун фоилотун фоилотун.

Рамали мусаддаси мақсур. Мисол:

Гулшанингдин елдек, эй раъно ниҳол,
Мен ямон бордим, вале сен яхши қол.

Фоилотун фоилотун фоилон.

Рамали мураббаи солим. Мисол:

Келгил, эй рухсори зебо
Ким бўлубмен ношикебо.

Фоилотун фоилотун
Фоилотун фоилотун.

Рамали мураббаи махбун. Мисол:

Манга ҳажрингдин алам кўп,
Санамо, қилма ситам кўп.

Фаилотун фаилотун
Фаилотун фаилотун.

Баҳрлар бир-бирига яқинлиги ва айрим умумий хусусиятларига қараб группаланган ва маълум доираларга тўпланган дир. «Мезонул-авзон»га қадар қуйидаги беш доира: Муъталифа, Мухталифа, Мунтазиа, Муттафиқа ва Муштабиҳа доиралари тузилган эди.

Навоий арузнинг умумий масалалари ҳақида мисоллар билан қисқа, лекин аниқ маълумот бериб, **«Мезонул-авзон»ни** аруз назариясига доир муҳим ва машҳур бир қўлланмага айлантирган эди.

«Мезонул-авзон»да аруз назариясининг ривожлантирилиши

Навоий арузнинг маълум қоида, хусусият, тури ва туркумлари ҳақида маълумот бериш билан кифояланиб қолмайди. Шу билан бирга, у арузга қўшимча ва янгиликлар киритади. У икки йўл билан: 1) араб ва форс-тожик поэзиясида қўлланиб келган аруз системасига қўшимчалар киритиш; 2) ўзбек ёзма поэзияси ва халқ поэтик ижодининг бир неча асрлик тажрибаларини текшириб, унинг вазн хусусиятларини ёритиш, умумлаштириш ҳамда уларни араб ва форс-тожик

www.ziyouz.com kutubxonasi

поэзиясининг вазни билан таққослаб, арузни янги факт ва қоидалар билан бойитиш йўли билан аруз назариясини такомиллаштиради. Навоийнинг қўшимчалари ва янгиликлари арузнинг деярли барча масалаларини қамраб олади.

Навоий араб ва форс-тожик поэзиясининг вазни билан ўзбек поэзиясининг вазнини деярли ҳар доим таққослаб боради, уларнинг ўртасидаги умумий ва яқин хусусиятларни ҳам, фарқ ва тафовутларни ҳам таъкидлаб, мисоллар билан ёритиб боради. Масалан, у рукн бобида араб, форс-тожик поэзияси ва туркий поэзиянинг қатъий ва умумий бир принципда эканини қайд қилади. Асллар бобида эса 8 асл мавжуд эканини айтиб, булардан 5 таси форс-тожик поэзиясида ва туркий поэзияда қўлланилишини таъкидлайди ва ўз даври адабий ҳаётининг эҳтиёжларини кўзда тутиб, зиҳофот ва фуруъ бобида мана шу 5 аслни таҳлил қилади. Худди шунингдек, у 19 баҳрнинг қайси бири араб ва қайси бири форс-тожик поэзиясида ҳамда туркий поэзияда татбиқ қилиниши ҳақида муфассал тўхтаб ўтирмайди ҳамда «тавил», «мадид», «басит», «вофир» ва «комил» баҳрлари ҳақида сўзлаб: «Ва Ажам шуаросиға бу беш баҳрдаким, мазкур бўлди, назм оз воқиъ бўлмиш бўлғай»,— дейди.

Навоий «Мезонул-авзон»да аруз баҳрлари юзасидан тузилган доираларни ҳам тўлдиради ва янги доиралар яратади. Масалан, у араб поэзиясига хос «тавил», «мадид» ва «басит» баҳрлари асосида тузилган, лекин форс-тожик тилидаги кейинги асарларга кирмаган «Доираи муштабиҳа»ни «Мезонул-авзон»га киритади. «Аммо тавил ва мадид ва басит баҳри,— дейди Навоий,— араб шуаросининг махсусидир, алар арузларида доираға киюрубдурлар ва ажам шуароси анга машғул бўлмайдурлар, аларни дағи бу доираға киюруб, бу мухтасарға дохил қилилдиким, ул доиradин орий бўлмағай ва ани «Доираи муштабиҳа» деб турлар». Ҳассос ва донишманд олим узоқ кузатиш ва чуқур текширишлари асосида иккита тамомила янги доира: «Доираи мужтамиа» ва «Доираи мухталита»ни яратади. У «Доираи мужтамиа»нинг вужудга келиши ҳақида бундай дейди:

«...Бу мазкур бўлғон тўққуз асл баҳрнинг солиминики, зиҳофот духулидин саломат қолмиш бўлғайлар, бир доираи азимада жамъ қилиб, ҳар бирининг ўрниға алоҳида мисол келтуруб, тўққузтасини яна бир мисрадин ҳам истихрож қилиб, ул доирани «Доираи мужтамиа» («Жам этилган доира») дейилди ва бу доира расми замон зурафосидин баъзининг хаёлиға келиб эрди, аммо фақир анга тартиб бердим...» «Доираи мухталита»нинг вужудга келиши ҳақида эса бундай дейди:

«Ва комил баҳри била вофир баҳрида чун назм кам воқиъ бўлубтур, агар солим ва матбуъ баҳрлардур, аммо доирасиға оз таарруз қилибдурлар, ул икки баҳрға дағи доира қўйилди ва анинг отин «Доираи мухталита» дейилди...»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий «Мезонул-авзон»га 9 та янги вазн ва шеърий форма киритиб, уларни тавсиф қилади. Уларнинг кўпчилиги ўзбек халқ поэтик ижодига мансуб бўлган вазн ва шеърий формалардир. Навоий уларнинг халқ орасида юритилган номларини келтиради, номи йўқларини эса аруздаги вазнлардан қайси бирига тўғри келса, шу вазн номи билан атайди: «...яна бир неча вазнки,— дейди Навоий,— баъзини Ажам шуароси мутааххирлари айтибдурлар ва баъзи бу замонда назм топибдур ва ҳеч арузға (китобга) дохили бўлмайдур, агарчи филҳақиқат аруз буҳуриға (баҳрларига) дохилдурлар, ишорате алар сори қилмоқ холи аз муносабате эрмас эрди». Булар қуйидагилар:

1. Ҳар мисраси 8 рукнли рамали махбун. Мисол тариқасида Хожа Исмат Бухорийнинг қуйидаги байти келтирилади:

Қомату зулфу кўзу қошу хат ила холи лабинг дурки, аларга,
эмас, эй шўхи ситамгар,

Фаилотун фаилотун фаилотун фаилотун фаилотун
фаилотун фаилотун фаилотун

Сарв ила сунбулу наргис янги ою қуёшу сабзаи жаннат кураи
нофау гулбарг аро шаккар.

**Фаилотун фаилотун фаилотун фаилотун фаилотун
фаилотун фаилотун фаилотун.**

Қолганлари халқ қўшиқларига хос вазн ва шеърий формалардир.

(«Яна турк улуси, батахсис Чиғатой халқи (ўзбеклар) аро шойиъ авзондурким, алар сурудларин ул вазн била ясаб, мажолисда айтурлар».)

2. Туюқ (туюғ). Туюқнинг таърифи ва вазни ҳақида шундай дейилади:

«...Бириси «туюғ»турким, икки байтқа муқаррардур ва саъй қилурларким, тажнис айтилғай ва ул вазн рамали мусаддаси мақсурдур, мундоққим:

Ё раб, ул шаҳду шакар ё лабмудур?
Ё магар шаҳду шакар ёлабмудур?

Фоилотун фоилотун фоилон

Жонима пайваста новак отқоли,
Ғамза ўқин қошиға ёлабмудур?

Фоилотун фоилотун фоилон.

3. Қўшиқ. Вазни — мадиди мусаммани солим. Мисол:

Ваҳки, ул ой ҳасрати, дарду доғи фурқати,
Ҳам ёруб жонимға ўт, ҳам ҳаётим офати,

Фоилотун фоилун фоилотун фоилун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Қўшиқ. Вазни —рамали мусаммани маҳфуз (бу қўшиқ юқоридаги қўшиқ заминида вужудга келган. Ҳофизлар ва созандалар орасида жуда шуҳрат қозонган).

Мисол:

Сабзан хаттинг саводи лаъли хандон устина,
Хизр гўё соя солмиш обиҳайвон устина.

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун.

5. Чинга (чанги). Тўйларда айтиладиган қўшиқ. Бу қўшиқнинг таърифи ва тавсифида шундай дейилади:

«...Яна «чинга»дурким, турк улуси зуфоф ва қиз кўчурур тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур бағоят муассир ва икки навъдур. Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилурким, мунсариҳи матвийи мавқуф баҳридур ва «ёр-ёр» лафзини радиф ўрнига мазкур қилурлар, андоқдурким:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,
Ким дамидин тушти ўт жоним аро, ёр-ёр,

Муфтаилун фоилон муфтаилун фоилон».

6. Муҳаббатнома. Бу қўшиқнинг вазни — ҳазажи мусаддаси мақсур.

Мисол:

Мани оғзинг учун шайдо қилибсен,
Манга йўқ қайғуни пайдо қилибсен.

Мафоийлун мафоийлун мафоийл.

7. Мустазод. Бу қўшиқнинг вазни — ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф бўлиб, ҳар бир мисрадан кейин шу вазннинг икки рукни билан қўшимча мисра келади, шу йўл билан куйга мослашади.

Мисол:

Эй ҳуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли
Мафъулу мафоийлу мафоийлу мафъулун

Мазҳар санга ашё
мафъулу фаулун

Сен лутф билан кавну макон ичра мавли
Олам санга мавло.

8. Орзудорий[1]. Бу қўшиқ кўпинча ҳазажи мусаммани солим, баъзан рамали мусаммани маҳзуф вазнида келади.

[1] Навоий асарлари ўн беш томлигида Орзудорий «арузворий» бўлиб кетган (14-том, 181-бет).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мисоллар:

Сақоҳум раббуҳум хамри дудоғинг кавсариндандур,
Бу майни ичтукунг нуқли ҳадисинг шаккариндандур.
Мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун,
(Ҳазажи мусаммани солим.)
Давлати васл илтимоси не ҳикоятдур манго,
Буки ёдинг бирла жон берсам кифоятдур манго.

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун.
(Рамали мусаммани маҳзуф.)

9. «Туркий»: «...Яна сурдедурким, ани «туркий» дебтурлар, бу лафз анга алам бўлубтур ва ул ғоятдин ташқори дилписанд ва руҳафзо ва ниҳоятдин мутажовиз айш аҳлиға судманд ва мажолис оро суруддур... ва ул доғи рамали мусаммани мақсур вазнида воқедур, андоқким, байт;

Эй саодат матлаи ул орази моҳинг сенинг,
Аҳли бийниш қиблагоҳи хоки даргоҳинг сенинг,

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилон».

Юқоридаги вазнлар ва шеърий жанрлар Навоийнинг халқ оғзаки ижодига зўр муҳаббат ва эҳтиром билан қараганини, турли хилдаги халқ асарларини қунт билан кузатиб, ўрганиб боргани-ни кўрсатади. Халқ оғзаки ижодидан илҳом ва таълим олган улуғ шоир халқнинг ижодини менсимаган ёки ундан бехабар бўлган шоирларни хуш кўрмас, уларни қаттиқ танқид қилар эди. Жумладан, у «Ҳайратул-аброр»да бундай деган эди:

Онгламайин сўзда туюқ баҳрини,
Қайси туюқ, балки қўшуқ баҳрини.
Лафзлари бемаза, таркиби суст,
Носара маънию адо подуруст.

Навоий халқ оғзаки ижодидан баҳраманд бўлибгина қолмади, балки халқ оғзаки ижодининг бойликларини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини текширди ва илмий асосда ёритди. Жумладан, у халқ қўшиқларининг вазн хусусиятларини текшириб аруз назариясини бойитди.

Навоий халқ поэзиясида аруздан бошқа вазнлар ҳам борлигини таъкидлайди. У, шубҳасиз, халқ поэзиясининг етакчи вазни бўлган «бармоқ» вазнини кўзда тутади. Бироқ асар аруз назариясига бағишланганидан бу вазн ҳақида кенг мулоҳаза юритмайди.

Шундай қилиб, Навоий ўзбек, форс-тожик ва араб поэзиясининг тажрибалари асосида аруз назариясига муҳим қўшимча ва янгиликлар киритиб, арузни янада такомиллаштиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Мезонул-авзон» нинг аҳамияти

«Мезонул-авзон» аруз вазни соҳасида яратилган жуда қимматли асар бўлиб, ўз давридаёқ юқори баҳо олган ва тақдирланган эди. Машҳур тарихчи Хондамир «Макоримул-ахлоқ»да Навоий асарларини таърифлар экан, «Мезонул-авзон» ҳақида бундай дейди:

«Эҳсонлар эгаларидан энг гўзалининг таснифларидан тағин бири «Рисолаи мезонул-авзон»дир. Бу китоб туркий тилда аруз фани ҳақида ёзилган бўлиб, Олий Ҳазратнинг чуқур ва нозик шеърлар тўқишда жуда кўп истеъдодли ва ортиқ даражада маҳорати бор эканлиги мана шу китобдан аниқ маълум бўлади. Чунки у ўтмишдаги олимлар ва шоирларнинг сезгилари нури тушмаган бир қанча мақбул баҳр қўшуб, аруз доирасига киритган».

Навоий «Мезонул-авзон»нинг хотимасида: «Илтимос бу фан аҳлидин улким, ҳар ерда саҳв ва хатое воқеъ бўлмиш бўлса, эътироз била ўтмагайлар ва ислоҳ қалами била тузатгайлар»,— деган эди. Бобирнинг айтишига қараганда, Навоий «Мезонул-авзон»да рубоий вазнлари бобида тўрт ўринда жузъий хато қилган. Лекин бу хатолар «Мезонул-авзон»нинг қимматига путур етказмайди. Навоий ўз олдига қўйган вазифасини мислсиз катта муваффақият билан амалга оширган эди.

«Мезонул-авзон» аруз ҳақидаги назарий асар бўлиши билан бирга, поэзиянинг, хусусан, ўзбек поэзиясининг тараққиётида катта амалий аҳамият касб этди. «Мезонул-авзон» автори биринчи бўлиб ўзбек поэзиясининг вазн масалаларини текширди, кузатишларини чуқур илмий асосда умумлаштирди, ўзбек поэзиясида арузнинг турли баҳрларида ҳам асарлар яратилганини мисоллар билан кўрсатди, ўзбек шоирлари ва китобхонларига уларнинг ўз она тилида қимматли қўлланма яратди.

«Мезонул-авзон» ўзбек ва форс-тожик адабиёти тарихи ҳамда бу адабиётларнинг назарий масалаларини ўрганишда ҳанузгача ўз қимматини сақлаб келмоқда.

НАВОИЙ — ЭСКИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ АСОСЧИСИ

Ўзбек адабий тилининг равнақи учун кураш улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий фаолиятининг узвий ва муҳим бир қисми бўлди. У халққа унинг ўз тилида ғоявий-бадиий юксак асарлар яратиш, халқ тилининг туганмас манбаларидан кенг фойдаланиш, унинг бойлиги ва нафислигини намойиш этиш учун курашди, ўзбек ёзувчиларини ўз она тилини яхши билиб ва эгаллаб олишга, уни қадрлашга, шу тилда китобхонларга манзур бўладиган асарлар яратишга чақирди, ўзбек тилини камситувчиларга қарши шаф-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қатсиз кураш олиб борди. Навоий ўзбек адабий тили тараққиёти учун курашнинг ижтимоий-маданий ҳаётдаги аҳамиятига, унинг сиёсий ролига катта эътибор берди. У ўзбек адабий тили халқнинг маънавий эҳтиёжинигина қондириб қолмай, балки, шу билан бирга, давлат сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва уни парчаланиб кетишдан сақлаб қолишда ҳам муҳим роль ўйнайди деб ҳисоблади. Навоий ўзбек адабий тилининг равнақи учун олиб борган кўп йиллик курашини, адабий тил ва бадиий адабиёт соҳасидаги бой тажрибаларини назарий жиҳатдан ёритиб ва якунлаб, тилшунослик фанининг нодир асари бўлган «Муҳокаматул-луғатайн»ни яратди.

* *
*

Ўзбек адабий тили XV асрда янги тараққиёт поғонасига кўтарилди. Бу тилнинг тараққий этишида айниқса бадиий адабиёт етакчи роль ўйнай бошлади. Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Муқимий, Яқиний, Амирий, Гадоий ва ниҳоят, Лутфий каби истеъдодли шоирлар ўзбек дунёвий адабиётини равнақ топтириш билан бирга, ўзбек адабий тилининг тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Бироқ ҳали ҳам ўзбек китобхонлари ғоявий-бадиий юксак асарларга жуда ташна эдилар, форс-тожик тилидаги адабиётнинг буюк намояндаларига басма-бас келувчи ёзувчилар ниҳоятда оз эди. Шунга кўра ҳам Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да:

Хулогухон замонидин султони соҳибқирон Темур Кўрагон замонидин фарзанди халафи Шоҳрух Султоннинг замонининг охиригача турк тили била шуаро пайдо бўлдилар... Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атоий ва Муқимий ва Яқиний ва Амири ва Гадоийдеклар. Ва форсий мазкур бўлғон шуаро муқобаласида киши пайдо бўлмади, бир Мавлоно Лутфийдин ўзга ким, бир неча матлаълари бор ким, табъ аҳли қошида ўқуса бўлур,— деган эди.

Ёзувчилар ҳали ўзбек тилининг бойликлари ва унинг имкониятларидан кенг ва мукаммал фойдалана олмаган эдилар, бу тилнинг хазиналари яширин қолиб келмоқда эди. «Бу алфоз ва иборатда,— дейди Навоий,— бу навъ дақойиқ кўпдур ким, бу кунга дегинча ҳеч киши ҳақиқатига мулоҳаза қилмагон жиҳатдин бу яшурун қолибдур... Ва филҳақиқат, агар киши яхши мулоҳаза ва тааммул қилса, чун бу лафзда вусъат (кенглик) ва майдонида мунча фусҳат (очиқлик) топилур...». Бироқ бу тилнинг бойликлари ва имкониятларидан фойдаланиш қаттиқ заҳмат чекишни, тажриба тўплаб бориб, мушкулларни енгишни талаб қилар эди. Гўё бу тил бир хазина бўлса, Навоий таъбири билан айтганда, унинг атрофида «илон»лар ва «тикан»лар бор эди. Ёзувчилар мана шу «илон» ва «тикан» заҳмидан чўчиб, хазинага кирмас эдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Форс-тожик тилидаги адабиёт эса ўзбек адабиётига нисбатан хийла узоқроқ тарихга ва бойроқ тажрибага эга эди. Бу тилда ҳатто қофия-луғат китоблари ҳам яратилган эди. Бинобарин, форс-тожик тилида ўрта-миёна асар ижод этиш бирмунча енгилроқ ва осонроқ эди. Мана шу сабабларга кўра кўпгина ўзбек ёзувчилари ўз она тилида ёзмай, форс-тожик тилида ижод этар эдилар.

«Бас, бу ҳайсиятлардан андоқ маълум бўлурким,— деб таъкидлайди Навоий — бу тилда (ўзбек тилида) ғариб алфоз ва адо кўпдур. Муни хуш оянда *тертиб ва рабоянда таркиб била боғламоғининг душворлиғи бор.* Мубтадий табъи ул назмни душворлиғ била боғламоқдин куфт топиб, мутанаффир бўлур ва осонроқ сари майл қилур. Чун неча қатла бу навъ воқеъ бўлди, табъи хўй қилди. Чун табъи муътод бўлди, ўз муътодин қўюб ғайри муътодғаким, мушкулроқ ҳам бўлғай, майл қилмоғи мутааззирдур».

Ваҳоланки, халқ билан унинг ўз тилида сўзлашиш зарур эди. Ўзбек китобхонларининг бир қисми форс-тожик тилидаги адабиётдан баҳраманд бўлса ҳам, кўпчилиги ундан фойдалана олмас эди, ўзбек китобхонлари ўз она тилида кўплаб юксак бадиий асарлар вужудга келишини истар эди. Китобхонларнинг эҳтиёжи ва ҳақли талабларини тўғри ва мукаммал тушунган, унга амал қилган Навоий, жумладан, «Ҳайратул-аброр»да:

Форси эл топти чу хурсандлиқ,
Турки доғи топса барумандлиқ,—

деган эди. Шунга кўра ҳам Навоий ўзбек ёзувчиларини ўз она тилини мукаммал билиш ва эгаллашга, унинг хазиналарини очиш ва бадиий асарларда моҳирлик билан мужассамлаштиришга чақирар, уларга ҳар томонлама ёрдам, маслаҳат ва йўл-йўриқлар берар эди. Ҳусайн Бойқаро ҳам ўзбек адабий тилининг истиқболига яқиндан қизиқар, ўзбек ёзувчиларини шу тилда ижод этишга чорлар ва уларни рағбатлантирар эди. Бу ҳақда Навоий: «... Ва илтифот ва эҳтимом юзисидин баъзи маънолар топиб, назм қилурға ҳукмлар ҳам жори бўлди ва сўз услубиға таъйинлар ва адосиға таълимлар ҳам изҳори бўлди»,— дейди.

Ўзбек адабий тилининг тараққиёти учун курашган Навоий бошқа тилларни, жумладан форс-тожик тилини камситмайди, ёзувчиларнинг бу тилда ижод этишларини рад қилмайди, ўзи ҳам бу тилда ажойиб асарлар яратади. «Муҳокаматул-луғатайн»да ёзувчиларнинг ўз тилига ва ўзга тилларга муносабати ҳақида Навоий бундай деган эди:

«Андин сўнграким, турк (эски ўзбек) тилининг жомеияти мунча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу ҳалқ орасидин бўлғон табъ аҳли салоҳият ва табъларин ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга *буюрмасалар эрди.* Ва *агар* иккаласи тил (ўзбек ва форс-тожик тили) била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпроқ айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболаға қилсалар, иккаласи тил била тенг айтсалар эрди. Бу эҳтимолға худ йўл берса бўлмаским, турк улусининг *хуштабълари мажмуи сорт тили била назм атқайлар ва билкул турк тили била* айтмағайлар, балки кўпи айта олмағайлар...».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоий ўз она тилини менсимаган ёзувчиларни, ўзбек тили «дағал» тил, бу тилда нафис бадиий асарлар яратиб бўлмайди деб даъво қилган кишиларни шафқатсиз танқид қилди. У ўзбек адабий тилининг равнақи учун курашни даврнинг, жамиятнинг, халқнинг иши деб ҳисоблади. Бинобарин, Навоий «Садди Искандарий»да:

Сенга онча ҳақ лутфи воқеъдурур,
Ки то турк алфозин шойеъдурур,
Бу тил бирла то назм эрур халқ иши,
Яқин қилмамиш халқ сендек киши,—

деган эди.

Халқ иши учун курашган улуғ шоир ва мутафаккир ўзбек адабий тилининг яловбардори бўлди, бу тилдаги ажойиб асарлари билан шуҳрат топди, бутун ўлкани эгаллаб олди:

Турки назмида чу тортиб мен алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам.

(«Лисонут-тайр»)

* *
*

Ўзбек адабий тилининг яловбардори бўлган Навоий илмий асарларни араб тилида ва бадиий асарларни форс-тожик тилида ёзиш традициясига қарши кескин кураш олиб борди, у ўзбек тилининг хазиналарини очиб, бу тилнинг ҳам бадиий, ҳам илмий асарлар яратиш учун бой ва тўла имкониятларга эга эканини намойиш қилиб, сўз санъатининг «Хазойинул-маоний», «Хамса» ва «Лисонут-тайр» каби ўлмас обидаларини, «Мажолисун-нафоис», «Мезонул-авзон» ва «Муҳокаматул-луғатайн» каби қимматли илмий асарларини яратди. У бадиий адабиётнинг ўз даврида мавжуд бўлган деярли барча тур ва жанрларида, лирикада фарддан қасидага қадар, эпосда фалсафий-таълимий достондан қаҳрамонлик достонига қадар, поэзияда ва у даврда жуда кам ривожланган прозада ҳамда илм-фаннинг тарихшунослик, адабиётшунослик ва тилшунослик соҳаларида ўз асарларини ўзбек тилида яратди. Давлат ҳужжатлари ва хатларни форс-тожик тилидан қолишмайдиган даражада ўзбек тилида ҳам ёзиш мумкин деб ҳисоблаган Навоий «Муншаот»да уларнинг намуналарини беради:

«...ва муқобалада форсий алфознинг дилпазир иншолари мавжуд ва дилписанд мактуб домлолари маъбуд. То хаёлга андоқ келдиким, турк алфозининг доғи руқъалари ҳамул мисол била айтилғай ва бу тил номаларин ҳам ўшул минвол била сабт этилғай»,

дейди.

Шундай қилиб, форс-тожик тилида қайси тур, қайси жанр ва қайси услубда асарлар яратилган бўлса, Навоий шуларнинг ҳам-

www.ziyouz.com kutubxonasi

масида ўзбек тилида янги, оригинал асарлар битди, форс-тожик қаламкашлари билан ижодий мусобақалашди, бу мусобақада катта муваффақиятларга эришиб, ўзбек тилининг сўз бойликларини намойиш этди. Бинобарин, у «Мезонул-авзон»да:

«...Ажам шуароси ва фурс фусаҳоси ҳар қайси услубдаким, сўз арусиға жилва ва намойиш бериб эрдилар, турк тили била қалам сурдум ва ҳар нечук қоидадаким, маъни абкориға зийнат ва оройиш кўргузуб эрдилар, чиғатой лафзи билан рақам урдум, Андоқким, то бу мазкур бўлғон тил ва лафз биносидур, ҳеч нозимға бу даст бермайдур ва ҳеч роқимға бу муяссар бўлмайдур»,—

деган эди.

Навоий асарларида ўзбек тилининг лексик бойликларидан, синоним ва омонимларидан, халқ таъбири, мақол ва маталларидан, фразеологик, идеоматик бирикмаларидан, жумла тузилишидан кенг фойдаланди, буларни маълум қолипга, системага солишга интилди. Шунинг учун ҳам Навоий эски ўзбек адабий тилининг асосчиси бўлди, устоз сифатида ўзбек ёзувчиларига халқ тили бойликларидан фойдаланиш йўлларини кўрсатиб берди.

Хўш, Навоий тили қайси негизда вужудга келди, унга қайси диалект ёки шева асос бўлди?

Навоий яшаган даврда арлот, барлос, тархон, сулдуз, қиёт, қўнғирот, жалойир ва яна бир қатор бошқа ўзбек қабила ва уруғлари бўлиб, буларнинг тиллари бир-биридан озми-кўпми фарқ қилар эди, территориал диалектлар мавжуд эди. Масалан, Навоий «Мажолисун-нафоис»да шоир Ҳусайн Хоразмий ҳақида сўзлар экан, «Хоразмча турк тили била» ёзар эди дейди. Феодал тарқоқлик, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги зиддият, давлат ҳокимиятининг парчаланиши ва бошқалар диалект ва шева-лаҳжалар ўртасидаги фарқ-тавофутларни тугатишга тўсқинлик қилар эди. Адабий тил учун кураш ўз навбатида мана шу диалект ва шевалаҳжаларни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилиши лозим эди. Бобирнинг «Бобирнома»да айтишича, Навоий ўз асарлари учун Андижон тилини асос қилиб олган. «Андижон элининг лафзи,—дейди. Бобир,— қалам бирла росттур, они учун ким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким, Ҳиримда нашъунамо топибтур бу тил била тур».

Лекин шу билан бирга, қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

1. Н. Ильминский айтганидек, Навоий асарларининг тили билан Андижон аҳолисининг тили (жонли тили) айнан бир бўлган эмас, албатта. Навоий асарларида араб ва форс-тожик сўзлари, иборалари кўп учрайдики, шубҳасиз, халқ жонли тилида бошқа тиллардан кирган сўз ва иборалар бу даражада бўлмаган.

2. Навоий Андижон диалекти билан бирга Мовароуннаҳрнинг бошқа территориал диалектларидан, айниқса Хуросон ўзбеклари диалектларидан, умуман, қорлуқ, қипчоқ ва ўғуз диалектларидан ҳам кенг фойдаланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3. Навоийнинг тили ўзбек адабий тили тараққиётининг янги бир босқичидир. Ўзбек тили ҳам, бошқа тиллар каби, ўзга тиллар билан чатишди, аралашди. Бу чатишув ва аралашув ўзбек тили тараққиётида чуқур из қолдирди. Бинобарин, биз Навоий асарларида араб, форс-тожик, уйғур ва бошқа тилларнинг кўп элементларини учратамиз.

Навоий ўз асарларида даврининг жуда катта ва мураккаб масалаларини тема қилиб олди. Бу масалаларни ёритишда, йирик бадиий полотнолар ва хилма-хил образлар яратишда у дарҳол асарларини содда, оммабоп тилда ёзиши, араб ва форс-тожик тили таъсиридан чекиниши мушкул эди. Ўзбек адабий тили ва адабиёти тажрибалари ҳали бунга имкон бермас эди. Гап арабча ва форс-тожикча сўзларни суриб чиқариш, уларни ўзбекча сўзлар билан алмаштириш устида эмас, балки, биринчи навбатда, асарларни ўзбек тилида ёзиш ва бу тилнинг бойликларидан кенг, мукаммал фойдаланиш устида борар эди. Масаланинг бу томони ҳал этилса, тилнинг соддалиги ва равонлиги учун кураш ҳам қулай ва енгил бўлар эди. Ўз даври анъаналарига амал қилган Навоий кўпчилик асарларини арабча ном билан атади, уларда кўплаб арабча, форс-тожикча сўз ва иборалар ишлатди. Лекин шуларга қарамай, у ўзбек тилининг очилмаган хазиналарини очди, бу тилнинг бойликлари ва имкониятларидан ҳаммадан кўра кенгроқ ва чуқурроқ фойдаланди, бу тилда, Бобир таъбири билан айтганда, барчадан «кўп ва хуб» ёзди, ўзи «Фарҳод ва Ширин»да айтганидек, қалами билан кўп ўлка ва халқларни эгаллаб олди.

Навоий асарлари ўз замонасидаёқ Жомий, Давлатшоҳ ва Бобир каби машҳур адабиёт аҳллари томонидан юксак баҳоланди ва тақдирланди. Навоий ўзбек ёзувчиларига ўз она тилида ижод этиш ва бу тилнинг бойликларидан, ўзига хос хусусиятларидан фойдаланишда кенг ва тўғри йўл очиб берди. Навоий асарлари вужудга келгандан кейин энди ҳеч ким ўзбек тилини камситишга, уни бадиий ижод учун номувофиқ тил дейишга ботина олмас эди.

«МУҲОКАМАТУЛ-ЛУҒАТАЙН»

Навоий «Муҳокаматул-лугатайн»ни 1499 йилнинг декабрида ёзиб тугатади. Бу асарида у турк (эски ўзбек) тили билан сарт (форс-тожик) тилини бир-бирига чоғиштириш асосида, турк тилининг ҳам бой тил эканлигини ва бадиий асарлар яратиш учун кенг имкониятлари борлигини исбот қилиш, илмий-назарий жиҳатдан ёритиш вазифасини ўз олдига қўяди.

«Муҳокаматул-луғатайн» ўтмишда бир неча марта нашр қилинган. Бу китоб Катрмер, Белен, Вамбери ва Ильминский каби шарқшуносларнинг диққатини ўзига жалб этган. Бироқ Навоийнинг бадиий асарлари оригиналлигини инкор этган бу шарқшу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нослар «Муҳокаматул-луғатайн»нинг қимматига ҳам етарли баҳо беролмадилар. Пантуркистлар ва буржуа миллатчилари эса Навоийдан, унинг «Муҳокаматул-луғатайн» асаридан ўз реакцион қарашларини тарғиб этишда фойдаланишга уриндилар. «Муҳокаматул-луғатайн» фақат совет давридагина кенг оммалаштирилди ва чуқур илмий асосда ўрганилди.

Тил ва тафаккур ҳақида

Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да тил ва тафаккурнинг умумий масалалари тўғрисида ҳам фикр юритади. Унинг тил ва тафаккур ҳақидаги фикр-мулоҳазаларида илғор, рационалистик тушунчалар ҳам, ўрта аср схоластик фалсафий қарашлари ҳам бор.

Навоийнинг тушунишича, тил ижтимоий ҳодисадир. Тил инсонни ҳайвондан ажратувчи «гавҳари шариф»дир. Тил тафаккурнинг ифода қуролидир. Кишининг кўнгли (фикри) дарёдир, сўз эса — дур, сўзловчи ғаввосдир. Дур турли хилда бўлгани каби, сўз ҳам ҳар хил бўлади. Яхши сўз кишига жон бахш этади, ёмон сўз кишини ҳалок этишгача олиб боради. Тил маърифат ва адабиёт қуроли ҳамдир. Сўз сўзлашдан мақсад маъно ифодалашдир: «Аммо чун алфоз ва иборатдин мурод маънидир ва мазкур махлуқотдин мақсуд инсондур ва ул мазҳари маоний ва баён, сўз анинг сўзидадир ва такаллум анинг каломида борур». Бинобарин, «маъни адосида алфоз тилга келур ва ул алфоздин маъни фаҳм бўлур». Демак, Навоий тил билан тафаккурни бир-биридан ажратмайди, балки уларни узвий бирликда олади. У маънони бирламчи, шаклни иккиламчи деб ҳисоблайди, маънога сўзнинг жони деб баҳо беради.

Навоий тилни қотиб қолган, ўзгармас бир нарса деб ҳисобламайди. Тил ўсади, ривожланади, у ҳар доим жамиятнинг эҳтиёжига мувофиқлашиб боради, тиллар ўзаро алоқада бўлади, бир-бири билан чатишади.

Тил ва тафаккур масалаларидаги бу ижобий фикр-мулоҳазаларига қарамай, Навоийда ўрта аср схоластик фалсафаси ва ислом ақидалари ҳам чуқур из қолдирган. Навоий кишининг нутқ қобилиятини худога, турли тилларнинг пайдо бўлишини Нуҳ пайғамбар ва унинг ўғилларига боғлайди. У «Муҳокаматул-луғатайн»да бундай дейди:

«Мундин сўнгра уч навъ тилдурким, асл ва мўътабардур ва ул тиллар иборати гавҳари била қойилининг адосига зевар ва ҳар қайсининг фуруъи бағоят кўптур. Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншандурки, Нуҳ пайғамбар... уч ўғлигаким, Ёфас ва Сом ва Ҳомдур етишур. Ва бу мужмал тафсили будурки, Нуҳ... тўфон ташвиридин нажот ва анинг маҳлакасидин ҳаёт топти, олам маъмурасида башар жинсидин осор ва инсон навъидин намудор қолмайдур эрди, Ёфасники, таворих аҳли Абут-турк битирлар, Хито мулкига йиборди ва Сомники, Абул-фурс битирлар, Эрон ва Турон мамоликининг васатида волий қилди ва Ҳомники, Абул-ҳинд дебдурлар Ҳиндистон билодига узатти. Ва бу уч пайғамбарзода авлод ва атбои мазкур бўлғон мамоликда ёйилдилар ва қалин бўлдилар...»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоийнинг фикрича, араб тили бундан мустаснодир, у «каломи илоҳийдур», ҳамма тиллардан гўзалроқ ва бойроқдир, чунки худонинг каломи бўлган «Қуръон» ва пайғамбар ҳадиси, авлиёлар ва машойихлар сўзи шу тилда яратилган. Ислом дини ҳукмрон мафкура бўлган бир шароитда XV аср мутафаккири Навоийнинг «Қуръон» тили бўлган араб тилига диний нуқтаи назардан ёндашиб, уни барча тиллардан юқори қўйиши ажабланарли бир ҳодиса эмас эди.

Навоий ўзбек адабий тили ва адабиёти тараққиётига, тилшунослик фанининг равнақ топишига тил ва тафаккур ҳақидаги ўрта аср схоластик ва диний қарашлари билан эмас, балки радикал ва тараққийпарвар фикрлари билан, конкрет факт ва мисоллар асосида «турк» ва «сарт» тилларини ўзаро чоғиштириб илмий хулосалар чиқариши билан ғоят катта хизмат қилди.

Турк (эски ўзбек) ва сарт (форс-тожик) тилларини чоғиштириш

«Форс-тожик тилигина бой ва нафисдир, ўзбек тили қашшоқ ва қўполдир» деган ғайриилмий тенденцияларни узил-кесил тор-мор этиш, ўзбек ёзувчиларини ўз она тилида ижод қилишга рағбатлантириш ўзбек тилини **форс-тожик тили** билан чоғиштиришни, бу тилнинг бойлиги ва **ўзига хос хусусиятларини илмий асосда** ёритишни талаб қилар эди. **Бинобарин, икки тилни ўзаро чоғиштириш «Муҳокаматул-луғатайн» («Икки тилнинг муҳокамаси»)нинг негизи** бўлди. Навоий бу асарида конкрет тил ҳодисалари асосида икки тилнинг луғат бойлиги, сўз ясалиши, фонетик таркиби, стилистикаси ва бошқа хусусиятларини ўзаро чоғиштириб, бойлиги ва бадиий имкониятлари жиҳатидан ўзбек тилининг форс-тожик тилидан қолишмаслигини исбот қилади ҳамда ўзбек тили сўз бойлиги ва бошқа айрим хусусиятлари билан форс-тожик тилига қараганда бир қатор устунликларга ҳам эгадир, деган хулосага келади.

Навоий тилнинг луғат бойлигига алоҳида аҳамият беради. У икки тилни бир-бирига чоғиштирар экан, форс-тожик тилида эквивалентн бўлмаган кўпгина ўзбек сўзларига эътибор қилади. Бу жиҳатдан, айниқса, «Муҳокаматул-луғатайн»да келтирилган юзта феъл-шифшитин диққатга сазовордир. Навоий *қувормоқ, қуруқшамоқ, ушармак, жийжашмак, ўнғайлмоқ, чекримак, дўмсаймоқ, умунмоқ, ўсанмоқ* каби сўзларни санаб ўтар экан, «Бу юз лафздурки, ғариб мақосид адосида таъйин қилибдурларки, ҳеч қайси учун сарт тилида лафз ясамайдурлар», дейди. Навоий келтирган феъллар ҳолат ва ҳаракатни конкретроқ ифодалаш, уларни дифференциация қилиш имкониятини беради. Масалан, *йиғламсинмоқ, инграмоқ, синграмоқ, ўкурмак, инчкирмоқ* сўзлари *йиғламоқнинг* алоҳида-алоҳида кўринишларини ифодалайди. Бироқ форс-тожик тилида йиғламоқнинг барча кўринишлари бир хилдаги *гиря кардан* сўзи билан ифодаланади. Еки ўзбек тилидаги *ичмоқ, сипқар-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқ, томшимоқ сўзлари форс-тожик тилида *нўшидан* сўзи билангина ифодаланади ва бошқалар.

Навоий бошқа сўз туркумлари, айниқса от сўз туркуми юзасидан ҳам шундай мисоллар келтиради. Масалан, форс-тожик тилида *ого* ҳам, *ини* ҳам, *буродар* сўзи билан, *эгачи* ҳам, *сингил* ҳам, *хоҳар* сўзи билан айтилади, отнинг эгари *зин* дейилса ҳам, *жибилғир, тўқум, торлиғ, тўқа, қушқун* каби асбоблари туркий сўзлар билан юритилади. Навоий турли ҳайвон ва қушларнинг ички дифференциал номи ҳам форс-тожик тилида жуда оз эканини, ўзбек тилида эса бундай номларнинг кўплигини кўрсатади.

Навоий омоним ва полисемик сўзлар ўзбек тилида форс-тожик тилидагига нисбатан хийла кўп эканини, бундай сўзлар туюқ жанрида шеърлар битиш учун кенгроқ имконият беришини «Муҳокаматул-луғатайн»да от, *ит, ўт, бор, соғин, туз* ва *кўк* сўзлари мисолида алоҳида таъкидлаб ўтади.

Навоий сўз ясалиши масалалари ҳақида ҳам тўхталиб, ўзбек тилининг янги сўз ясаш имконияти ва усулларини мисоллар асосида изоҳлайди. Масалан, ўзбек тилида *шин(ш)* ҳарфи билан *чопишмоқ, топишмоқ* каби сўзлар, *чи* воситасида *кўрчи, сувчи, қушчи* каби сўзлар, *лом(л)* қўшиш билан *ясол, қабол* каби сўзлар вужудга келади, дейди ва ҳоказо.

Навоий ўзбек тилининг фонетик хусусиятлари ва стилистикаси ҳақида ҳам конкрет мисоллар асосида фикр юритади.

Навоийнинг икки тилни ўзаро чоғиштириши бу икки тилнинг барча (ёки кўпчилик) масалаларини қамраб олмайди ва ололмас ҳам эди, чунки «Муҳокаматул-луғатайн»нинг ўз олдига қўйган мақсади буни талаб этмас эди. Бинобарин, Навоий икки тилнинг луғат бойлиги ҳақида сўзлар экан, форс-тожик тилида эквивалентн бўлмаган ўзбекча сўзларни мисол тариқасида келтириш билан кифояланади, лекин ҳар иккала тилда қўлланиладиган арабча сўзлар ҳақида ёки форс-тожик тилидан ўзбек тилига кирган сўзлар ҳақида гапирмайди. Бу билан Навоий ўзбек тилида ишлатиладиган «арабча» ёки «форсча-тожикча» сўзларни инкор этмайди. У, жумладан «туркий» ва «сарт» тилида сўзловчи халқларнинг ва бу халқлар тилининг ўзаро алоқаси ҳақида: «Ҳар миқдорки, бу бирининг у бири била омезиш ва гуфту гузори бор, ул бирининг ҳам бу бири била ҳамонча такаллум ва гуфтори бор»,— деган эди. Бироқ ўзбек тилининг бойлигини кўрсатиш, уни камситишга хотима бериш ўзбек тилининг сўз бойлиги жиҳатидан кенг имкониятларга эга эканини, унинг форс-тожик тилига таъсирини ёритишни талаб қилар эди. Бу маълум даражада икки тилни чоғиштиришнинг бошқа масалаларига ҳам тааллуқлидир.

Навоий икки тилни бир-бирига чоғиштиришда баъзан тенденциозлик майлларини ўзида зоҳир қилади, айрим мулоҳазаларида янглишади; «турк сартдин тез фаҳмроқ ва баланд идрокроқ» каби сўзлари, айрим ўринларда «туркий» жонли тилидан мисол олиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

уни «сарт» адабий тили лексиконига муқояса қилиши ва XV аср ўзбек тилидаги унлиларнинг сингармоник алмашиниши ёки диалектал ўзгаришларини тил бойлиги деб ҳисоблаши унинг мана шу хилдаги нуқсонларидир. Бироқ булар «Муҳокаматул-луғатайн»да етакчи эмас, ўткинчи мулоҳазалардир.

Навоий ўзбек тилининг бойликлари ва ўзига хос хусусиятларини ёритар экан, у форс-тожик тилини камситиш ёки унга ётсираш йўлидан бормайди. Маълумки, Навоий ўзининг адабий фаолиятини форс-тожик тилидаги шеърлари билан бошлаган ва «зуллисонайн» шоир сифатида умрининг охирига қадар бу тилда ҳам ғоявий-бадиий юксак асарлар яратган эди. Форс-тожик тили Навоийнинг иккинчи она тили эди. Унинг форс-тожик тилидаги асарлари китобхонларга ўзбек тилидаги асарлари каби яқиндан манзур бўлган ва Жомийдек устоз сўз санъаткорининг таҳсинига эришган эди. Навоийнинг икки тил ҳақидаги фикр-мулоҳазалари холисона ва объектив фикр-мулоҳазалардир. Буни Навоийнинг ўзи ҳам таъкидлаб: «Бу сўзлардан хасм мундоқ билмасун ва муддаий бу навъ гумон қилмасунки, менинг таъбим турк алфозиға мулойим тушган учун таърифида муболаға изҳор қилурмен, ва форсий иборатқа муносабатим озроқ учун инкор ва нафйиға исрор кўргузурмен...»,— деган эди.

Навоий ўзбек тилининг бойлиги ва ўзига хос хусусиятларини кенгроқ ва тўлароқ ёритар экан, у бу тилнинг бадиий асарлар яратиш учун кенг имкониятларга эга эканини исбот қилиш, ўзбек ёзувчиларини ўз она тилида ижод этишга ва бу тилнинг хазиналаридан тўла фойдаланишга рағбатлантириш мақсадини ўз олдига қўйган эди.

«Муҳокаматул-луғатайн» ва бадиий адабиёт

«Муҳокаматул-луғатайн» тилшуносликка доир асаргина бўлиб қолмай, балки шу билан бирга, ўзбек классик адабиётининг тараққий этиш процесси ва унинг истиқболини ёритувчи бир асар ҳамдир. Адабий тил билан бадиий адабиёт ўзаро узвий боғлиқдир. Адабий тил бадиий адабиётнинг равнақ топишига хизмат қилгани каби, бадиий адабиёт ҳам адабий тил тараққиётида актив роль ўйнайди. Ёзувчи тилни, унинг бойликлари ва имкониятларини мукаммал билиши ва ундан моҳирлик билан фойдалана олиши керак. Шундагина у гўзал ва жозибали асар яратади, адабий тилнинг равнақ топишига ҳисса қўшади. Навоий адабий тил ва бадиий адабиёт масалаларига шу нуқтаи назардан ёндашади. У тилшуносликка доир фикр-мулоҳазаларини адабиёт фактлари билан ёритади, асослайди, бадиий адабиётнинг тараққиёти ва истиқболини тилга, унинг бойлиги ва имкониятларига боғлайди.

Навоий ўзбек тилининг сўз бойлиги ёки фонетик ва стилистик хусусиятлари ҳақида баҳс очар экан, дарҳол адабиёт фактларига мурожаат қилади. Ўзбек тилидаги сўз бойликлари, унинг ўзига хос фонетик ва стилистик хусусиятлари предмет, ҳолат ёки

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаракатни конкретроқ, аниқроқ ифодалашга хизмат қилишини исбот этади. Масалан, у ўзбек тилидаги *сипқармоқ* ва *томшимоқ* сўзлари мисолида бундай дейди:

«Шуаро акобиридинқи, баъзи «май» таърифида муболаға қилибдурлар, ва бу мўътаддин беҳ амредурки, май ичмоқ қавоидида сўз кўп суруп, заррофат ниҳоятсиз зоҳир қилурлар. Бирн «сипқармоқ» лафзидурки, муболаға мундин ўтмас. Туркча назмда бу матлаъ бордурким:

Байт:

Соқиё, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин борай,
Шарт буким, ҳар неча тутсанг, лабо-лаб сипқорай.

Оё! Бу сипқорай лафзи мазмунига етганда, форсий шеърда не илож қилғайлар. Ва «томшимоқ»ки, ғоят завқдан бот ичмас ва лаззат топа-топа, оз-оз ичар. Бу ғариб маъни адосида туркчада бу матлаъ бордурки:

Байт:

Соқий чу ичиб, менга тутар қўш:
Томший-томший ани қилай нўш».

Йиғламоқнинг турли кўринишини ифодаловчи *бўхсамоқ*, *йиғламсинмоқ*, *инграмоқ*, *синграмоқ*, *сиқтамоқ*, *ўкурмак*, *инчкирмоқ* сўзларини қуйидаги адабий парчалар мисолида уларнинг дифференциал моҳиятини очиб беради:

Ҳажру андуҳида **бўхсабмен**, била олман нетай,
Май иложимдур кўпуб дайри фаноға азм этай.

Зоҳид ишқин десаки, қилғай фош.
Йиғламсинуру кўзига келмас ёш.

Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,
Кечалар гаҳ **инграмакдур** одатим, гаҳ **синграмак**.

Ул ойки, кула-кула қироғлатти мени,
Йиғлатти демайки, **сиқтатти** мени..

Ишим тоғ узра ҳарён ашк селобини сурмакдур,
Фироқ ошубидин ҳардам булут янглиғ **ўкурмакдур**.

Чарх зулмидаки, бўғзумни қириб йиғлармен,
Игирур чарх (киби) **инчкириб** йиғлармен.

Худди шунингдек, Навоий бир-биридан фарқ қилувчи *қимсаниш* ва *қизғаниш* сўзлари ҳамда форс-тожик тилида эквиваленти бўлмаган *чуқур*, *телмурмак*, *қабоғ*, *менг* каби сўзлар баёнида адабий парчаларга мурожаат қилади.

Навоий ўзбек тилидаги омоним ва полисемик сўзлар ҳақида фикр юритар экан, бундай сўзларнинг иштирокида яратиладиган туюқ жанрини тавсифлаб, мисоллар келтиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Яна шеърда барча табъ аҳли қошида равшан ва мажмуъ фусаҳо оллида мубарҳандурки, тажнис ва ийҳом бағоят куллийдур. Ва бу фарҳунда иборат ва хужаста алфоз ва ишоратда форсийдин кўпроқ тажнис омез лафз ва ийҳом анлез нукта борки, назмға мужиби зеб ва зийнат ва боиси такаллуф ва санъатдур. Масалан, «от» лафзики, бир маъниси аламдур, яна бир маъниси маркабдур ва яна бир маъниси амрдурки, тошни ё ўқни от, деб буюрғайлар. Бу тажнисда мундоқ дейилибдурким:

Байт:

Чун парию ҳурдур отинг, бегим,
Сурҳат ичра дев әрур отинг, бегим.
Ҳар хадангеким, улус ондин қочар,
Нотавон жоним сори отинг, бегим.

Ва бу икки байтки, тажниси томдур, ҳам турк шуароси хоссасидурки, сортда йўқтур ва муни «туюғ» дерлар. Ва мунинг таърифин «Мезонул-авзон» отлиғ арузға битилибдур, анда қилилибдур.

Яна «ит» лафзи ва анда доғи бу навъ уч маъни бор, андоқки:

Байт:

Э рақиб, ўзни анга тутсанг ҳам ит (ایت — *ит*)
Бизга раҳм айлаб анинг кўйидин ит (ات — *воз кеч*)
Гарча бор дўзахча ишқинг шуъласи,
Бизни ўз илгинг била ул сори ит».(ایت — *элт*)

Навоий бу мисоллар аспектида, бир томондан, ўзбек тилининг бойликлари ва ўзига хос хусусиятларини ёритса, иккинчи томондан, бу тилнинг бадиий адабиёт тили сифатида маълум традиция ва тажрибага эга эканини кўрсатади. Бу билан у ўзбек тилини камситувчиларга қарши шиддатли зарба беради, ўзбек ёзувчиларини ўз она тилини мукаммал билиш ва ундан моҳирлик билан фойдаланишга чақиради, адабий парчаларни уларга бир намуна сифатида тақдим қилади.

Бинобарин, «Муҳокаматул-луғатайн» ўзбек адабиёти традиция ва тажрибалари заминида вужудга келган ва бу адабиётнинг тараққиёти ҳамда истиқболи учун хизмат қилган бир асардир. Тарихий шароитнинг турлича бўлишига қарамай, 1549 йилда латин тили ўрнига адабий тил сифатида француз тилини қўллаш шиори билан чиққан Дю-Белле француз адабий тили тараққиётида, М. В. Ломоносов ўлмас асарлари ва тилшунослик қарашлари билан рус адабий тилининг равнақ топишида қандай катта хизмат қилган бўлсалар, Алишер Навоий ҳам ўзбек адабий тили ва ўзбек тилшунослиги тараққиётида шундай хизмат қилган эди.

Навоийнинг бадиий асарлари эса ўзбек адабий тилининг туганмас бойлиги ва ўзбек классик адабиётининг чўққиси бўлди. Бинобарин, Навоий ҳақли равишда бир фахриясида бундай деган эди:

Мен ул менки то турк бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидур.
Фалак кўрмади мен каби нодире,
Низомий каби назм аро қодире.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХОТИМА

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг фаолияти ва ижодиёти халқ ва ватанга, инсоният ва маърифатга хизмат қилишнинг ажойиб бир намунасидир. Алишер Навоий ўзаро феодал урушларни бартараф этиш учун, мамлакатнинг обод бўлиши ва халқнинг осойишталиги учун фидокорлик билан курашди, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига ҳомийлик ва раҳбарлик қилди. У ўзбек адабий тили учун курашнинг жанговар яловбардори бўлди, ўзбек адабиётини янги тараққиёт поғонасига олиб чиқди, илм-фаннинг турли соҳаларига доир нодир асарлар яратди.

Навоий жаҳон адабиётининг улуғ намояндаларидан биридир. У ўлмас асарлари билан жуда кўп халқларга манзур бўлиб, уларнинг классик санъаткорлари қаторидан ўрин олди ва бадиий адабиёт тараққиётига самарали таъсир этди.

Навоий ўрта асрнинг даҳшатли реакциясига дуч келди, феодал-клерикал муҳит унинг дунёқарашида айрим жиддий зиддиятларни вужудга келтирди. Бироқ у халқ ва ватан учун, инсон ва унинг бахт-саодати учун кураш йўлидан чекинмади, гуманизм ва маърифатпарварликнинг оташин жарчиси бўлди, қачон бўлмасин инсониятнинг зулм-зўрликдан, нодонлик ва жаҳолатдан халос бўлишига, адолат ва маърифатнинг тантана қилишига комил ишонч билан қаради.

Навоий мероси тарихий-маърифий, шу билан бирга, жуда катта ижтимоий-тарбиявий ва эстетик аҳамиятга эгадир. Гуманизм, халқлар дўстлиги, осойишталик ва биродарлик учун кураш ғоясини ҳормай-толмай куйлаган Навоий коммунистик жамият қураётган улуғ совет кишилари билан, тинчлик, демократия ва социализм учун курашаётган барча тараққийпарвар кишилар билан ҳар доим биргадир; у мангу барҳаётдир.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг 1968 йилда Навоийнинг 525 йиллик юбилейи муносабати билан йўллаган табрикномасида бундай дейилган эди: «Жаҳон маданниятининг энг яхши дурдоналарига мансуб бўлган Алишер Навоийнинг қудратли ҳаётбахш шеърияти барча совет кишиларининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг бойлиги бўлиб қолди. Барча мамлакатларнинг халқлари беш асрдан зиёд вақт ўтгандан кейин Алишер Навоийнинг юбилейини нишонлар эканлар, улуғ инсонпарварнинг ижодий меросига чуқур ҳурмат-эҳтиром билан қараётганликларини билдирмоқдалар. Алишер Навоийнинг олижаноб идеаллари ва илҳомбахш асарлари тинчлик ва инсоният тараққиёти учун курашдаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда».

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБИР

(1483—1530)

Заҳириддин Муҳаммад Бобир атоқли давлат арбоби, саркарда, шу билан бирга, истеъдодли шоир, адиб, донишманд тарихчи, заковатли олим ва таржимондир.

Бобир жуда мураккаб ҳаёт, кураш ва ижодий фаолият йўлини кечиб ўтди. У инқирозга юз тутган темурийлар давлатини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, Ўрта Осиёда марказлашган йирик давлат вужудга келтириш учун узоқ ва қаттиқ кураш олиб борди. Бироқ тарихий шароит бунга имкон бермади. Шайбонийхондан қаттиқ шикаст еган Бобир Афғонистонга қараб йўл олди. У Афғонистонни, кейинчалик эса Ҳиндистонни эгаллаб олди ва катта империяни вужудга келтирди. Бобирнинг ҳаракатлари тарихий тараққиётнинг объектив қонунияти жиҳатидан прогрессив аҳамиятга эга эди. У хўжалик ва маданиятнинг тараққиёти учун нисбатан қулай шарт-шароит вужудга келтирувчи йирик ва марказлашган давлат учун курашди; у асос солган империя Афғонистон ва Ҳиндистоннинг сиёсий-иқтисодий ва маданий тараққиёти учун бирмунча прогрессив роль ўйнади.

Бобир йирик маданият арбобидир. У мамлакатдаги ўзаро феодал курашларга ва ўзининг кўп урушларда бўлганлигига қарамай, болалик чоғларидаёқ форс ва араб тилларини мукаммал ўрганади, адабиёт, тарих, тилшунослик, адабиётшунослик, музика ва бошқа соҳалар билан шуғулланади. Ҳар томонлама кенг ва чуқур билимга эга бўлган маданиятли ва маърифатпарвар бир киши бўлиб етишади. Бобир адабиёт, санъат, тарих ва илм-фаннинг турли соҳаларида жуда қимматли асарлар яратади. Унинг лирик девонлари, «Бобирнома»си, арузга доир рисоласи, «Хатти Бобирий», «Ҳарб иши», «Мусиқий илми» ва бошқа асарлари шулар жумласидандир. Бу асарлар ўзбек адабий тили, адабиёти ва илм-фаннинг равнақ топишига бебаҳо ҳисса қўшди.

Бобирнинг илмий-адабий мероси ҳозир ҳам ўзининг маълум тарихий-маърифий, илмий ва эстетик қимматини сақлаб келмоқда. Унинг «Бобирнома»си жаҳон маданиятининг нодир ёдгорликларидан биридир.

ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ

Фарғона вилоятининг ёш вориси

Заҳириддин Муҳаммад Бобир 1483 йилнинг 14 февралида Фарғона вилоятининг пойтахти Андижонда туғилди. Унинг отаси Умаршайх мирзо темурийлардан бўлиб, Фарғона вилоятида ҳокимлик қилар эди. Умаршайх мирзо темурийлар ўртасида тож-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тахт учун кураш кескинлашган даврда ҳокимлик қилди ва бу курашларда актив иштирок этди.

Бобир юқори савияли муаллим ва мураббийлар томонидан тарбияланди. Ёш Бобир тез орада хатсаводини чиқариб, илм-фан, адабиёт ва тарих билан шуғуллана бошлайди. У кўп вақт ҳарбий машқ ва ов билан ҳам машғул бўлади. Ўз қобилияти билан катталарни ҳайратда қолдиради.



Заҳриддин Муҳаммад Бобир

1494 йилда Умаршайх мирзога қарши унинг ўз акаси — Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад мирзо ва Тошкент ҳокими Маҳмудхон (Умаршайхнинг қайнағаси ва Султон Аҳмаднинг куёви) қўшин тортиб, Фарғонага юриш қиладилар. Бу вақтда Умаршайх мирзо Андижоннинг ғарб томонида, жар ёқасида бино бўлган Ахси қўрғонида эди. Тасодифан Умаршайх мирзо кабутархоналари билан бирга жарга қулаб кетиб, ҳалок бўлади. «Умаршайх мирзоға бу воқеа даст берганда,— дейди Бобир,— мен Андижонда чаҳорбоғда эдим. Сешанба куни рамазон ойининг бешида бу хабар Андижонға келди...» Умаршайх мирзодан уч ўғил ва беш қиз қолди. Ўғилларининг каттаси 12 ёшга қадам қўйган Заҳириддин Муҳаммад Бобир бўлиб, у Фарғона вилояти тахтининг вориси эди. Шунинг учун тахтга Бобир чиқди. Унга отасининг яқин бекларидан аввал шайх Мазидбекни, у ўлгандан кейин Бобоқули Бобо Алибекни бек атка» (отахон бек — регент) қилиб тайинлайдилар. Бобир бек атка ҳамда оқила ва тадбирли онаси Нигорхонимнинг раҳбарлиги ва кўмагида қўшинни қайта тузади, шаҳарлар ва қўрғонларни мустаҳкамлайди, душманнинг ҳужумини моҳирлик билан қайтариб, уни чекинишга мажбур қилади. Қўшини тўзиган ва катта талафот кўрган Султон Аҳмад сулҳ тузиб, Самарқандга қайтишга мажбур бўлади. Бу жанг ёш Бобирнинг биринчи ва катта ғалабаси эди.

Самарқанд тахти ва Мовароуннаҳр учун кураш Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрни эгаллаб олиши

Фарғонада ҳокимиятни қўлга олган Бобир ўз ҳукмронлиги доирасини кенгайтиришга, Мовароуннаҳрда йирик бир давлат вужудга келтиришга интилади. Унинг диққатини ҳаммадан аввал катта бобоси Амир Темурнинг пойтахти Самарқанд ўзига жалб қила-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Самарқанд билан Бухоро ҳукмдорлари ўртасидаги ихтилофлар Бобирнинг бу шаҳарни қўлга киритиб олиши учун бирмунча қулайлик туғдирган эди. Бобир Самарқандни 1498 йилда, 15 ёшида эгаллаб олди. Бироқ Самарқанднинг ички вазияти Бобирнинг кутганича бўлиб чиқмади. Ўзаро феодал урушлар ва ҳаддан ошган олиқ-солиқлар натижасида шаҳар ниҳоятда қашшоқланган эди. Бунинг устига Бобирнинг Фарғонадаги айрим беклари фитна ва хиёнат йўлига ўтиб оладилар. Андижон хавф остида қолади. Самарқандда атиги 100 кун ҳукмронлик қилган Бобир Андижондан маҳрум бўлмаслик учун у ерга қараб йўл олади. Бобир Хўжандга етганда Андижоннинг Жаҳонгир мирзо қўлига ўтганини эшитади. Бу орада Самарқандни Бобирнинг амакиваччаси Султон Али мирзо эгаллаб қўяди.

Шундан икки йил ўтгандан кейингина Бобир Андижонни қўлга киритди, сўнгра у бутун эътиборини янгидан Самарқандга қаратиб, уни олиш мақсадида қўшин тортиб, Шаҳрисабзга етиб келди. Бироқ бу вақтда кўпдан бери Мовароуннаҳрнинг марказий вилоятларини қўлга киритиш учун интилиб келаётган Шайбоний Самарқандга яқинлашиб қолган эди. Айрим амалдорлар ва нуфузли дарвешлар Самарқанд ҳокими Султон Али мирзога хиёнат қила бошлайдилар. Танг аҳволда қолган Султон Али мирзо онасининг маслаҳати билан Шайбонийга таслим бўлади. Шундай қилиб, Темурнинг қадимги пойтахти Самарқанд 1500 йилда Шайбонийхон қўлига ўтади. Бироқ Шайбонийхон Самарқандда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олишга улгурмайди. У амирларидан бирини Самарқандга доруға (ҳоким) тайинлаб, 500—600 кишидан иборат гарнизон қолдиради-да, Самарқанддан чиқиб кетиб, уруш ва юришларини давом эттиради. Шаҳардаги бир қатор амалдорлар ва нуфузли уламолар Самарқанднинг Шайбонийхон қўлига ўтишидан норози эдилар. Улар Шайбонийхонга қарши фитна тайёрлаб, Бобирни Самарқандни эгаллаб олишга чорлайдилар. Бобир юриш қилиб, ортиқча қаршиликсиз шаҳарни қўлга киритади.

Шайбонийхон бу вақтда шаҳар яқинидаги Конигилда эди. У Конигилдаги қўшини билан Самарқандни олишга кўзи етмай, кучини мустаҳкамлаб олиш учун Туркистонга жўнайди. 1501 йилнинг апрелида Зарафшон дарёси бўйида, Сарипул қишлоғи яқинида (Самарқанд яқинида) Бобир қўшини билан Шайбоний қўшини ўртасида қаттиқ жанг бўлади. Бобир ёрдамчи кучларнинг келишини кутмай, жангга кирган эди. У қаттиқ шикаст еб, қолган-қутган қўшини билан Самарқандга чекинади. Шайбоний Самарқандни қамал қилади. Қамал тўрт ой давом этади. Шаҳарда қаҳатчилик ва қимматчилик авж олади. «Муҳосара айёми мумтад бўлди. Элга бисёр танқислиқ бўлди. Анга еттиким, фақир ва мискин ит этини, эшак этини йия кириштилар. Отқа бўғуз кам ёфт бўлди. Дарахтларнинг баргини отқа берурлар эди. Анда тажриба бўлдиким, бори яфроқлардин тут яфроғи ва қора йиғоч

www.ziyouz.com kutubxonasi

яфроғи отқа созворроқ эмиш. Баъзи қуруқ йиғочларни ранда қилиб, тарошасини сувга ибитиб отга берурлар эди...» («Бобирнома»). Озиқ-овқатнинг нархи ҳаддан ошиб кетади, оч аҳоли ғалла омборларини талай бошлайди, айрим кишилар шаҳардан қочиб кетадилар, қўшиннинг интизоми бўшашади. Шу аҳволда Самарқандда қолиш мумкин эмас эди. Шайбонийхон сулҳ шартини ўртага солган эди. Ноилож қолган Бобир сулҳ баҳонаси билан шаҳардан чиқиб кетади ва Андижонга қараб йўл олади. Бироқ Андижонга киролмай, анча вақт сарсон-саргардон бўлиб, баъзан отлиқ, баъзан яёв ва ҳатто оёқ яланг Ўратепа, Масчоҳ, Даҳкат, Оҳангарон, Пискент ва бошқа жойларда сарсон бўлиб юради. Ниҳоят, Тошкентга — мўғул хонларидан бўлган тоғаси Маҳмудхоннинг даргоҳига йўл олади. Вилоятидан, навкарларининг кўпидан ажралган Бобир Тошкентда кўп алам-изтироб чекади.

Бобир тоғаси Маҳмудхоннинг ёрдами билан Андижонни яна қўлга киритмоқчи бўлади. Бироқ бу ҳам натижасиз чиқади. Маҳмудхон енгилиб, Шайбонийхонга асир тушади. Бобир Мўғулистоннинг шимоли-шарқий томонига қараб қочади. Шайбонийхон Тошкентни ҳам қўлга киритиб олади.

Бобир бирмунча вақтдан кейин Фарғона водийсига қайтиб келади, тўрт ой Андижонда туради. Бироқ Мовароуннаҳрда йирик ва мустаҳкам ҳокимият вужудга келтиришга кўзи етмай, «токай бу Фарғона вилоятида саргардон бўлиб турмоқ керак, бир тарафға талаб қилойин» деб, 1504 йилда 300 дан зиёдроқ йигити билан Афғонистонга қараб юради.

Бобирнинг Афғонистондаги ҳокимияти

Шу юришда Бобир йўл-йўлакай афғон қабилаларини енгиб ўзига бўйсундириб борди, баъзан афғон қабилаларини талади, кўп кишиларни қириб ташлади. Айрим афғон беклари ўз навкарлари билан Бобир қўшинига келиб қўшилдилар. Бобир урушсиз ва таловсиз Кобулни эгаллади. У Кобулнинг ерлик аҳолисига зиён-заҳмат етказмасдан уларни мол-мулклари билан Юрттепага кўчиришни буюради. Бобир Ғазна вилоятини ҳам урушсиз қўлга киритади.

Бу вақтда Шайбонийхон Хуросонни босиб олишга тайёрланаётган эди. Бу ҳол Ҳусайн Бойқарони ҳам ташвишга солган эди. У 1503 йилда Бадиуззамонга Шайбонийга қарши юриш қилишга буйруқ беради. Бадиуззамон 20 минг киши билан Амударёнинг ўнг қирғоғига ўтиб, Ҳисор, Хатлон, Қундуз, Бадахшон ва бошқа вилоят ҳокимларининг ёрдамини кутади. Бироқ улар Бадиуззамонга мадад бермайдилар. Ҳусайн Бойқаронинг ўзи ҳам ўғлига ёрдам бериш ўрнига, унга Балхга қайтишни буюради. Бироқ 1505—1506 йилларга келиб вазият хийла жиддийлашади. Ҳусайн Бойқаро Шайбонийхонга қарши қаттиқроқ зарба беришга шайланади. У ўғилларини, бекларни ва Бобирни кенгашга чақиради. Бобир Ҳусайн Бойқаронинг бундай ташаббусини кўпдан бери

www.ziyouz.com kutubxonasi

кутаётган ва унга катта умид боғлаган эди. «Ушбу маҳалларда,— дейди Бобир,— Султон Ҳусайн мирзо Муҳаммад Шайбонийхоннинг дафъиға азм-жазм қилиб, тамом ўғлонларини тилатти, мени дағи... тилаб эди. Хуросон жонибини азимат қилмоқ бизга неча жиҳатдин лозим бўлди. Бири буким, Султон Ҳусайн мирзодек Темурбек ўруниға ўлтурғон улуғ подшоҳ йиғноқ қилиб, атроф ва жавонибдин ўғлонларини ва бекларни тилатиб, Шайбонийхондек ғанимнинг устига озим бўлғонда, эл оёқ била борғонда, биз бош била борғойбиз, эл таёқ била борғонда — биз тош била борғойбиз».

1506 йилнинг январида Бадиуззамон Мурғоб томонга қараб йўл олди, кекса ва бемор Ҳусайн Бойқаро ҳам йўлга чиқди. Бироқ кучлар бирлаша олмади. 1505 йилнинг майида Ҳусайн Бойқаро вафот этди. Унинг давлати тахтига бирданига икки ўғли: Бадиуззамон ва Музаффар Ҳусайн подшо қилиб кўтарилди. Шайбонийхон Ҳиротга элчи юбориб, уларнинг бўйсунишларини талаб қилди. Бадиуззамон ва Музаффар Ҳусайн бу таклифни рад қилиб жангга тайёрлана бошладилар. Шайбонийхон Балхни қамал қилди. 1506 йилнинг кузидан Бадиуззамон ва Музаффар Ҳусайн Балхга йўл олдилар, уларга бошқа темурий беклар ва Кобулдан Бобир келиб қўшилди. Бироқ қўшин Балхга етиб боргунча, очликдан толиққан шаҳар Шайбонийга таслим бўлган эди. Шайбоний уруш ҳаракати доирасини кенгайтиришга ботинолмай, Мовароуннаҳрга қайтди. Бироқ темурийлар бу қулай фурсатдан ҳам фойдалана олмадилар. 1507 йил май ойида Шайбоний катта куч билан Хуросонга кириб борди. Ҳирот остоналарида темурийларнинг қўшини енгилди. Бадиуззамон Қандаҳорга, Музаффар Ҳусайн Астрободга қочди. Шайбоний Ҳиротни, темурийларнинг қадимги иккинчи пойтахтини ҳам эгаллаб олди. Шайбоний қўшини шаҳарни икки кун талади. Хуросоннинг бошқа вилоятлари ҳам аста-секин Шайбоний томонидан босиб олинди.

Шундан сўнг Шайбонийхон Эронни босиб олиш ҳаракатига киришди. Бироқ у шоҳ Исмоилдан қаттиқ шикаст еб, чекина бошлади ва 1510 йилда Марвда қамалда қолиб, қўшини енгилди ва ўзи ҳалок бўлди. Шоҳ Исмоил Хуросонни ва Афғонистоннинг шимолий қисмини ҳам эгаллаб олди. 1512 йилда Бобир Амударёни кечиб, Ҳисорга қараб йўл олди. У Ҳисор, Кўлоб, Қундуз ва Бадахшонни эгаллади. Бобир Мовароуннаҳрга қайтиб келмоқчи ва у ерда ўз ҳокимиятини тикламоқчи эди. У вассал бўлишга розилик бериб шоҳ Исмоилдан ёрдам сўради. Бобир 1512 йилда шоҳ Исмоилдан ёрдам олиб, Самарқандга юриш қилди ва Самарқандни учинчи марта эгаллаб олди. У Эрон қўшини бошлиқларига катта инъомлар бериб, Эрон қўшинининг ўз ватанига қайтиб кетишига рухсат берди. Бу фурсатдан фойдаланган Шайбоний сулоласидан бўлган Убайдулла Султон ва Муҳаммад Темур Султон 1513 йилнинг бошларида катта қўшин билан Бобирга қарши юриш

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошладилар. Бобир 50 минг киши билан жангга киришди, бироқ енгилиб, Ҳисорга қочди. Самарқанд яна шайбонийлар қўлига ўтди. Шоҳ Исмоил мадад учун Бобирга Нажми соний (иккинчи юлдуз) лақаби билан шуҳрат қозонган саркарда Аҳмад раҳбарлигида қўшин юборди. Бу қўшинга йўл-йўлакай Хуросоннинг ёрдамчи отрядлари қўшилди. Бобир билан Нажми соний Термиз атрофида учрашдилар, Нажми соний қўшини Қаршига юрди. Шаҳар уч кун қамал қилинди ва босиб олинди. Нажми соний айрим аскар бошлиқларининг норозилигига қарамай, бутун шаҳар аҳолисини қириб ташлашга буйруқ берди. Ҳарбий тўқнашувлар сунийлик ва шиийлик ихтилофлари билан қўшилиб кетди. Нажми сонийга қарши халқ нафрати жўш урди, Бобир ҳам унинг қирғин қилиш сиёсатидан ғазабланди. Нажми соний Бухоро томонга юриб, Ғиждувонни қамал қилди. Шунда Шайбонийлар қўшини қўққисдан ҳужум қилиб, Эрон қўшинини мағлуб этди, Нажми соний ўлдирилди, унинг қолган-қутган аскарлари Эронга қочиб кетдилар. Шундан сўнг Бобир билан шоҳ Исмоил ўртасидаги иттифоқ ва алоқа ҳам узилди. Бобир шайбонийлар қўшинига қарши курашни давом эттирди, лекин ғалаба қозонишга кўзи етмай, Кобулга қайтди. Шундай қилиб, унинг Мовароуннаҳрда темурийлар ҳукмронлигини тиклаб, йирик ва мустаҳкам давлат вужудга келтириш учун бўлган кейинги уринишлари ҳам барбод бўлди.

Бобир Афғонистонда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олди. У Афғонистоннинг хўжалиги ва маданиятига катта эътибор берди, у ерда ариқ ва каналлар очди, чорбоғлар солди, йўл ва кўприклар қурди, мактаб ва мадрасалар бино қилди, бухоро олуси, найшакар ва бошқа хил дарахт кўчатларини келтириб экгирди. Бобир маҳаллий аҳолининг диний эътиқодларига, урф-одатларига эркинлик берди, ерлик амалдорларни иззат-ҳурмат қилди. Буларнинг барчаси Бобирнинг шон-шуҳратини ошириб юборди.

Ҳиндистонга юриш ва «Буюк мўғул» империясининг вужудга келиши

Бобир ўз давлатини жануб томонга кенгайтириш, Ҳиндистонни эгаллаб олиш ҳаракатини бошлаб юборди. Аввалари Бобир Шимолий Ҳиндистонга бир неча бор ҳужум қилди, 1525 йилда эса Ҳиндистонга катта юриш бошлади. Ҳиндистоннинг ички вазияти — феодал тарқоқлиги Бобирнинг ғалабасини хийла енгиллаштирган эди.

Бобир 1525 йилда бутун Панжоб вилоятини эгаллаб, Деҳлига юриш бошлади. Деҳли султонлиги Ҳиндистоннинг бошқа давлатларига қараганда бирмунча каттароқ ва бақувватроқ давлат эди. У ерда афғон сулоласига мансуб бўлган Иброҳим Лўдий султонлик қилар эди. Иброҳим Лўдийнинг ҳарбий кучи Бобирникига қараганда бир неча бор кўп эди. Бироқ Бобир ажойиб ҳарбий санъати, «тўлғама» деб номланган тактикаси билан Иброҳим Лўдийга қаттиқ шикаст бера бошлади. У қўшини олдида жўшқин нутқ сўзлаб, ё ғози (ғолиб), ё шаҳид бўлиш ҳақида ҳарбий онт ичди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

аскарларининг руҳини кўтарди, катта замбаракларни ишга солди ва отлиқлардан моҳирлик билан фойдаланди. 1526 йилнинг 21 апрелида Понипатда Бобир қўшини билан Иброҳим Лўдий қўшини ўртасида қаттиқ ва ҳал этувчи жанг бўлди. Иброҳим Лўдий енгилди. 27 апрелда Деҳлида Бобир номига хутба ўқилди. Бобирнинг бу ғалабасидан кейин баъзи ҳинд ва афғон феодаллари иттифоқ тузиб, Читора ҳокими Рано Санго раҳбарлигида Бобирга қарши бош кўтардилар. Рано Санго жангларда чиниққан, 80 марта яраланган, бир кўзи кўр ва бир оёғидан жудо бўлган довюрак саркарда эди. Икки ўртада даҳшатли жанг бошланади. Ниҳоят, жанг 1527 йилнинг 16 мартида Бобирнинг ғалабаси билан тугайди. Маркс «Ҳиндистон тарихига доир хронологик ёзишмалар» асарида Сикри атрофидаги жангни Бобирнинг катта ғалабаси деб баҳолайди.[1] Рано Санго устидан ғалаба қозониш билан Бобир Ҳиндистонда узил-кесил ўз ҳокимиятини ўрнатган эди. Шундай қилиб, Бобир Амударёдан то Бенгалияга қадар, Ҳималайдан Гвалиоргача бўлган катта территорияда йирик бир давлат — империя вужудга келтирган эди. Бу империяни европаликлар «Буюк мўғул» империяси деб атай бошладилар, чунки улар темурийларни Чингизхон авлоди деб ҳисоблар эдилар.

Бобир давлатининг асосий қисми Шимолий Ҳиндистон бўлди, чунки бу ерда бирмунча мустаҳкам ва марказлашган ҳокимият вужудга келтирилган эди. Афғонистонда эса феодал тарқоқлиги ва ўзаро ихтилофлар ҳали ҳам кучли эди. Бобир умрининг охирига қадар Ҳиндистонда қолди. Унинг айрим беклари ва аскар бошлиқлари Афғонистонга қайтиб кетган эдилар.

Кўп йиллик оғир ва даҳшатли жанглар, туғилиб ўсган эл-юртидан йироқлашиш ва яқин дўстларининг Афғонистон ва Мовароуннаҳрга қайтиб кетиши, шубҳасиз, Бобирни қаттиқ эзади. Бобир ватанини қўмсайди, ёр-дўстларини соғинади. Кунларнинг бирида унга Фарғонадан қовун келтирганларида, у қовунни сўйиб туриб, аччиқ-аччиқ йиғлайди. Бунинг устига сиҳати ҳам ёмонлашади. У «Бобирнома»даги рубоийларидан бирида бу ҳақда шундай дейди:

Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,
Кўздин ўчадур уйқу чу ахшам бўладур,
Ҳар иккаласи ғамим била сабримдек,
Борғон сайи[2] бу ортадур, ул кам бўладур.

Бобир Афғонистон ва Мовароуннаҳрдаги дўстлари, ёр-биродарлари билан муттасил алоқада бўлиб туради, уларга ўзининг янги асарларини ва совға-саломларини юборади. Лекин у умрининг охирига қадар ватанига қайтиш орзусидан айрила олмайди.

Бобир Ҳиндистонни қаттиққўллик билан, қон тўкиш билан

[1] К. Маркс. Хронологические выписки по истории Индии (664—1855 гг.), М., 1947, стр. 23.
[2] *Сайи* = сайин (сари).

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлга киритди. Минглаб кишиларни қириб ташлади, калладан миноралар ясади. Бироқ Бобир асос солган давлат Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий тараққиётида ғоят катта прогрессив роль ўйнади. Катта ва марказлашган давлатнинг вужудга келиши Ҳиндистоннинг тараққиёти учун анча кенг имконият туғдирди. Бобир Ҳиндистоннинг хўжалик ҳаётига, маданияти ва ободончилигига катта эътибор берди. У ариқ ва каналлар очтирди, сувсиз ерларга сув чиқариб, экин майдонини кенгайтирди, боғлар барпо қилдирди, турли бинолар қурдирди. У Ҳиндистондаги хилма-хил қабила ва халқларнинг урф-одат ва расм-қоидаларига қараб иш кўра бошлади. Атрофига олим ва фозил кишиларни тўплади. Ҳинд олимларидан Шайхорани ўзига вазир ва маслаҳатчи қилиб тайинлади. Машҳур тарихчи Хондамир ва бошқа айрим шоирлар, фозиллар Ҳусайн Бойқаронинг вафотидан кейин Бобирнинг даргоҳига бордилар. Унинг саройида кўпгина олимлар ва шоирлар тўпланди. Бобир атрофидаги беклар ва фозил кишилар билан кенгашиб иш қилар эди. У ўғилларига ҳам шуни маслаҳат кўрарди. Ҳумоюнга ёзган хатларидан бирида: «...иш кўрган раъй ва тадбирлик беклар билан кенгашиб, аларнинг сўзи билан амал қилғайсан. Агар менинг ризомни тиларсен, хилватнишинлиқни ва эл била кам ихтилотликни бартараф қилғил. Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошингга чарлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўз — унга қараб бергайсан», — деган эди.

Бобир 1530 йилнинг 26 декабрида Аградa ўзи обод қилган Зарафшон чорбоғида вафот этди. Бобирнинг васиятига мувофиқ, чевараси Шоҳижаҳон 1533 йилда унинг хокини Кобулга (шаҳарнинг четига) кўчириб, мақбара қурдирди. Ф. Энгельс XIX асрдаги Кобулни кўзда тутиб, «Кобулнинг энг асосий ёдгорлиги император Бобир мақбарасидир» деб ёзган эди. Бу мақбара жойлашган зиёратгоҳ «Боғи Бобир» деб аталади.

Бобир асос солган давлат Ҳиндистоннинг Англия томонидан босиб олинишига қадар давом этди. Бобирнинг ворислари — бобирий подшолар Ҳиндистоннинг сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш, хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришда катта ижобий роль ўйнадилар. Улар маҳаллий халқлар билан тобора яқинлашиб, чатишиб кетдилар. Ҳиндистоннинг хўжалиги ва маданияти айниқса машҳур подшо Акбар даврида (1556—1605) тез ўсиб ривожланди. Акбар Бобирнинг набираси бўлиб, жуда тадбиркор, донишманд ва маърифатпарвар киши эди. У, К. Маркс таъкидлаганидек, ҳиндлардан олинадиган ғайридинлик солиғи — жузъяни бекор қилади, айрим қабилаларнинг вафот этган эркак билан тирик бева хотинни бирга куйдириш одатини ман қилади, бошқа турдаги маҳаллий дин ва урф-одатларга холис қарайди, Деҳли шаҳрини

[1] К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч. том 14, М., 1959, стр. 290.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўша даврнинг обод шаҳарларидан бирига айлантиради. Бобир ва бобирийлар даврида Ҳиндистонда туркий тилдаги адабиёт ҳам вужудга келади, Байрамхон (XVI аср) каби шоирлар етишади.

Бобир ва бобирийлар Ҳиндистон тарихида прогрессив роль ўйнадилар. Бинобарин, ҳинд халқи уларнинг фаолияти ва хизматини тақдирлайди. Ҳиндистоннинг бош министри марҳум Жавоҳарлал Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида Бобир ва унинг набираси Акбар ҳақида бундай ёзади:

«Бобир дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ бўлиб, кўп яхши фазилатларга эга бўлган...

Саркарда сифатида у Ҳиндистоннинг кенг территориясини ўзи ўзига бўйсундирган, лекин у бу ютуқларидан ҳам каттароқ ғалабани қўлга киритишни, яъни одамларнинг ақлини ва қалбини забт қилишни ўйлар эди...

Унинг саройида ҳар хил диний эътиқоддаги, янги фикр-мулоҳазаларни изҳор қиладиган ёки янгиликлар очган одамларни учратиш мумкин эди. Ҳатто у барчани қаноатлантирадиган умумий синтетик дин барпо қилишга ҳам уринган. Шимолий Ҳиндистондаги ҳинду ва мусулмонларнинг бир-бирига бўлган маданий таъсирлари ҳам унинг даврида бирмунча олдинга силжиган. Акбарнинг ўзи, сўзсиз, ҳиндулар орасида қанчалик машҳур бўлса, мусулмонлар ўртасида ҳам шунчалик машҳур бўлган. Мўғул сулоласи худди ҳинд сулоласи каби мустаҳкамланган».

Бобирийлар даврида Ҳиндистоннинг турли мамлакатлар билан чунончи, Ўрта Осиё ва Россия билан савдо ҳамда дипломатик алоқалари ривожланиб борган.

Мана шуларга кўра, Ҳиндистон халқлари ўз мамлакатларини бобирийлар сулоласини ҳимоя қилиб, инглиз империалистларига қарши қаттиқ кураш олиб борган эдилар. Ҳиндистоннинг Англия мустамлакасига айланиши Ҳиндистон тарихи ва тараққиёти учун даҳшатли воқеа бўлган эди.

«Бироқ ҳеч шубҳасизки,— дейди К. Маркс,— Ҳиндистоннинг британияликлар томонидан чеккан кулфатлари Ҳиндистоннинг илгари кўрган барча кулфатларига қарағанда ўз моҳияти билан бошқачароқ ва бениҳоя чуқурроқдир»[1].

Буюк шоир, адиб, тарихчи ва олим

Заҳириддин Муҳаммад Бобир фақат йирик давлат арбоби ва моҳир лашкарбошигина бўлиб қолмай, балки, шу билан бирга, буюк шоир, адиб, тарихчи ва олимдир. «Бобирнома»ни инглиз тилига таржима қилган Эрскин Бобирни бундай таърифлаган эди: «...саховатлилиги, мардлиги, талантлилиги, фанга, санъатга муҳаббати

[1] К. Маркс и Ф. Энгельс, Сочинения, издание второе, том 9, М., 1957, стр. 131.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан олиб қараганда, Осиёдаги подшолар ичида Бобирга тенг келадиган бирорта подшоҳ тополмаймиз».

Бобир 12 ёшидан бошлаб умрининг охирига қадар деярли узлуксиз уруш ва юришлар билан банд бўлди. Лекин, шунга қарамай, у кенг ва чуқур билим олган ҳамда ажойиб истеъдоди билан даврининг йирик маданият арбобларидан бири бўлиб етишган эди. У қаерда бўлмасин, доимо илм-фан, санъат ва адабиёт аҳллари билан яқиндан алоқа тутар, уларга ҳомийлик қилар ва турли илмий-адабий суҳбатлар ҳамда мунозаралар уюштирар эди.

Бобир 16—17 ёшларидан бошлаб бадиий ижодиёт билан шуғулланади. У «Бобирнома»да 905—906 (1499—1500) йиллар воқеаси ҳақида сўзлар экан, «ул фурсатларда бирор иккирор байт айтур эрдим, вале ғазал тугатмайдур эдим» дейди. Бобир ўзбек классик адабиётининг, айниқса Алишер Навоийнинг бой адабий меросини ҳамда форс-тожик адабиёти устоз санъаткорларининг адабий тажрибаларини ўрганади, ўзбек ва форс-тожик тилларида янги, оригинал шеърлар яратади, иккита девон тузиб, бирида ўзбек тилидаги, иккинчисида форс-тожик тилидаги шеърларини тўплайди. (Бу шеърларнинг айримлари «Бобирнома»да ҳам бор.) Бобир лирикаси ғоявий-бадиий эиддиятларига қарамай, ўз ҳаётийлиги, тараққийпарварона фикрларни ифодалаши, бадиий соддалиги, жўшқинлиги ва тил бойлиги билан ўзбек дунёвий адабиётининг тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Бобирнинг энг йирик ва энг ажойиб асари, уни бутун дунёга танитган, Европа шарқшунослари, жумладан Вамбери томонидан Юлий Цезарнинг комментариялари билан бир қаторга қўйилган китоби «Бобирнома»дир. «Бобирнома» тарихий-бадиий асардир. «Бобирнома» тарихий манба бўлиши билан бирга, ўзбек прозасининг қимматли ёдгорлигидир. Шу билан бирга, «Бобирнома» география, этнография, табииёт, халқ медицинаси ва бошқа илмий соҳалар бўйича ҳам қимматли маълумотлар берувчи асардир. У ўзбек адабий тилининг муҳим ёдгорлигидир.

Араб алифбесининг ўзбек тили ва талаффуз хусусиятларига у қадар мувофиқ эмаслигини кўрган Бобир 1503—1504 йилларда «Хатти Бобирий» деб аталган алифбе яратди. Гарчи бу алифбе ҳаётда татбиқ қилинмаган бўлса ҳам, унинг вужудга келиши ва алифбени тилга мувофиқлаштириш ғоясининг туғилиши катта прогрессив ҳодиса ва эўр журъат эди. Чунки феодал-клерикал муҳитда араб алифбесини ўзгартириш руҳонийлар томонидан ислом динига қарши чиқиш деб баҳоланар эди. «Хатти Бобирий»нинг муҳим томони шундаки, унда унлилар «зер-забар» тарзидаги белгилар билан эмас, балки махсус ҳарфлар шаклида берилган.

Бобир илм-фаннинг турли соҳаларига доир бир неча қимматли асарлар яратди. Мана шундай асарлардан бири арузга доир рисоласи бўлиб, бу рисола «Бобирнома»га қўшилган иловада «Му-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фассал» деб номланган. Рисоланинг ёзилган йили қатъий аниқланган эмас, чамаси у 1525 йилларда яратилган. Рисола аруз илмига доир қимматли асар бўлиб, аруз назариясини бойитади ва тўлдиради. Асар икки йирик бобдан иборат бўлиб, биринчиси рукн ясовчи ҳижолар ва уларнинг навлари, рукнлар ва зиҳофлар, баҳрлар ва доираларга, иккинчиси вазн ва тақтеъ масалаларига бағишланган. Бобир рисолада 21 баҳрдаги 537 вазн ҳақида маълумот беради, мулоҳаза юритади. У аруз баҳрларининг 9 доирасини келтириб, тавсиф этади ва ўзи ҳазажи мақбуз билан рамали мақфуф асосида «Мужталибаи мухтариа» деган янги бир доира тузганлиги ҳақида маълумот беради. Баъзи масалаларда салафлари билан мунозаралашиб, арузнинг айрим масалаларига аниқлик киритади. Аруз ҳодисаларини талқин этишда муаллиф форс-тожик ва туркий (асосан ўзбек) шеъриятидан мисоллар — далиллар келтиради. У айниқса туркий шеърият вазнини тадқиқ ва таҳлил қилишга кўпроқ эътибор беради. Туркий арузни араб ва форс-тожик арузи билан қиёс этиб, 8 рукндан ясалган 44 зиҳоф ва уларнинг фарълари ҳақида муфассал тўхтайди, уларнинг ясалиш усули ва қоидаларини баён этади. У халқ шеърияти — тархоний, туркий, қўшуқ, ўланг (ўлан), туюқ ва унинг турлари ҳақида маълумот беради. Асарда X—XVI асрда ўтган 60 дан зиёд шоирнинг шеърларидан парчалар келтирилган. Улардан айримлари бошқа манбаларда кам учрайди ёки учрамайди. Шу жиҳатдан қараганда, рисола туркий ва форс-тожик адабиётини ўрганишда қимматли бир манбадир.

Арузга доир ушбу рисоланинг бизгача етиб келган (ёки маълум бўлган) нусхаси 1561 йилда Ҳожи Муҳаммад Самарқандий томонидан кўчирилган бўлиб, 1308 инвентарь рақами билан Париждаги Миллий кутубхонада сақланади. Бу асар ҳақида дастлаб француз олими Е. Блоше ўз каталогида маълумот берган эди. Кейинроқ турк олими Фуод Кўпрулизода, В. И. Асланов, А. М. Шчербак, М. Ҳамроев ва бошқалар маълумот бериб, айрим парчаларини оммалаштирдилар. Асар биринчи бор тўла факсимилеси ва ҳозирги графикадаги транслитерацияси билан Тошкентда 1971 йилда «Мухтасар» номи билан нашр этилди (нашрга тайёрловчи — Саидбек Ҳасан, масъул муҳаррир Ҳамид Сулаймон). Айни чоғда туркшунос И. В. Стеблева ҳам рисоланинг факсимилесини Москвада нашр эттирди. Рисола ҳақида Саидбек Ҳасан тадқиқоти (кандидатлик диссертацияси) ва бир неча мақола яратилди.

Бобир музика соҳасида ҳам унумли иш қилди. У чоргоҳ савтларидан бирини ижод этди ва музикага доир «Мусиқий илми» деган рисола яратди. Моҳир саркарда Бобир «Ҳарб иши» номли асар яратган. Бироқ унинг музикага доир асари ҳам, ҳарбий санъатга доир асари ҳам сақланиб қолмаган ёки ҳалига қадар номаълум қолиб келмоқда.

Бобир, бадиий ва илмий асарларидан ташқари, диний-тасав-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вуфий асарлар ҳам яратган. У ўғли Ҳумоюнга атаб мусулмонлик қоидалари, олиқ-солиқ масалалари ва шариат ҳақида 1521 йилда «Мубаййин» («Баён этилган») номли ҳуқуқшуносликка доир шеърий асар ёзади. Бу асарни у ўғли Ҳумоюн ва бошқаларга бир қўлланма сифатида яратади. Мазкур асар Ҳиндистон солиқ нормаларини белгилашда муҳим роль ўйнади. Бу асар 1905 йилда Тошкентда Ғулом Ҳасан тошбосмахонасида «Мубаййинул-ислом» номи билан нашр этилади. Бобир нақшбандий шайхларидан бўлган Хўжа Убайдулла Аҳрорга жуда эътиқод қилар эди. У 1528 йилда Хўжа Убайдулла Аҳрорнинг «Волидия» рисоласини форстожик тилидан ўзбек тилига шеър билан таржима қилади. (Бу таржима 1912 йилда Истамбулда «Миллий татаббуълар мажмуаси»да босилган.)

Бобир фаолияти ва меросини ўрганиш

Бобирнинг фаолияти ҳамда меросини ўрганишда турли соҳа олимлари — тарихчилар, филологлар, географлар ва бошқалар катта натижаларга эришдилар. Унинг асарлари нашр этилди, таржима қилинди, тадқиқотлар ва илмий-оммабоп асарлар яратилди. Бобир асарларига ишланган миниатюралар босилди, Бобир анъаналарини давом эттирган Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома»си таржима қилиниб оммалаштирилди ва ҳоказо. Фаннинг бобиршунослик деб аташ мумкин бўлган махсус соҳаси вужудга келди.

Бобир фаолияти ва мероси билан Европа шарқшунослари (Витсен, Джон Лейден, В. Эрскин, Р. М. Каленот, Паве де Куртейл, Денисон Росс, А. Бевериж хоним, Лен Пуль, Э. Холден, В. Х. Мореланд ва бошқалар), рус олимлари (Н. И. Ильминский, Н. И. Пантусов, С. И. Поляков, Н. И. Веселовский, В. В. Вяткин, А. Самойлович, В. Бартольд ва бошқалар), афғон олимлари (Аҳмад Али Коҳзод, Абдулҳай Ҳабибий, Гулчин Маоний ва бошқалар), ҳинд олимлари (Зокир Ҳусайн, Нурул Ҳасан, С. А. Шармн, Р. П. Трипатхи, П. Саран, Канунга ва бошқалар) шуғулландилар.

Бобир фаолияти ва меросини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва оммалаштиришда совет ҳокимияти даврида бизнинг мамлакатимизда унумли ишлар қилинди, катта муваффақиятларга эришилди. Бобир асарлари қайта-қайта нашр этилди, хрестоматия, антология ва бошқа тўпламлардан ўрин олди, таржима қилинди, тадқиқотлар яратилди, илмий-оммабоп асарлар, мақолалар ёзилди. Бобир мактаб ва олий ўқув юртлари программаларидан кенг ўрин олди. 1958 йилда Бобирнинг туғилганига 475 йил тўлиши муносабати билан юбилей ўтказилди.

Бобирнинг фаолияти ва меросини ўрганиш, XV—XVI асрлар тарихини ёритишда Бобир асарларидан фойдаланишда С. Азимжонова, А. М. Беленицкий, А. Н. Болдирёв, Н. В. Миклухо-Маклай, Н. Молчанов, Р. Набиев, П. И. Петров, А. А. Семёнов, А. Ю. Якубовский, Я. Ғуломов каби тарихшунос олимларнинг,

www.ziyouz.com kutubxonasi

географ Ҳ. Ҳасанов ва бошқаларнинг хизмати тақдирга сазовор.

Бобир фаолиятини, унинг меросини тадқиқ этиш ва оммалаштиришда филолог олимларнинг ҳам катта улуши бор. Бобир ҳақида дастлабки йирикроқ филологик тадқиқот Ҳ. Ёқубовнинг «Бобир» номли рисоласи (1941) бўлиб, муаллиф биринчи манбалар асосида Бобирнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритиб, унинг лирик мероси ва «Бобирнома» асарини батафсил таҳлил қилган эди. Кейинроқ Бобир ҳақида В. Зоҳидов, С. Алиев, А. Қаюмов, С. Жамолов ва бошқа адабиётшуносларнинг тадқиқот ишлари ва илмий-оммабоп мақолалари вужудга келди. Бобир лирикаси ҳақида С. Алиев (1948), «Бобирнома»нинг бадиий хусусиятлари ҳақида С. Жамоловнинг (1961) диссертациялари ёзилди. Бобирнинг тили масалалари ҳақида ҳам бир неча тадқиқотлар, илмий-оммабоп асарлар пайдо бўлди. Г. Ф. Благованинг «Бобирнома» тилининг морфологиясига доир» (1954), Х. Назарованинг бир қатор илмий мақолалари, «Заҳириддин Муҳаммад Бобир асарлари учун луғат» (1972) китоби, «Бобир ва ўзбек адабий тили» рисоласи (1972) ва бошқалар шулар жумласидандир.

БОБИР ЛИРИКАСИ

Девони ҳақида маълумот

Бобирнинг ўзбекча девонининг икки қўл ёзма нусхаси борлиги маълум. Булардан бири Парижда, иккинчиси Ҳиндистонда сақланади. Профессор А. Самойлович шу икки қўл ёзма нусха ва «Бобирнома»даги шеърлар асосида 1917 йилда Петроградда Бобир шеърларини нашр эттирди. Инглиз шарқшуноси Денисон Росс 1910 йилда Калькуттада Бобирнинг Ҳиндистонда ижод этган шеърларини тўплаб инглиз тилига таржима қилиб, нашр этди. Бобирнинг айрим шеърлари 1931 йилда Истамбулдаги «Миллий татаббуълар мажмуаси»да ҳам босилди. Бобирнинг баъзи шеърлари ўтмишда Европа тилларига (инглиз, француз ва бошқа тилларга) таржима қилинди. Совет ҳокимияти йилларида Бобир шеърлари қайта-қайта нашр этилди, хрестоматияларга, турли тўпламларга киритилди ва бир неча марта танланган асарлар тарзида босилиб чиқди (нашрга С. Азимжонова, А. Қаюмов тайёрлаган). 1943 ва 1957 йилларда Бобир шеърларининг русча таржимаси нашр этилди.

Бобир девони лирик турнинг ҳар хил жанрларида ёзилган шеърларни: ғазал, рубоий, туюқ, маснавий, қитъа, фард ва бошқаларни ўз ичига олади. Унда биз, оддий ғазаллардан ташқари, ғазали мусажжаъ (марказий рукнлари қофиядош бўлган ғазал), қитъа ғазал (биринчи байти қофиясиз бўлган ғазал), ғазали ҳусни матлаъ (матлаъдан кейинги байтнинг ҳар иккала мисраси матлаъга қофиядош бўлган ғазал), қўшалоқ вазнли ва қўшалоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

қофияли ғазал, рубоий тарона (тўртала мисраси ҳам қофиядош бўлган рубоий), оддий туюқдан ташқари, қўшалоқ тажнисли туюқ, тажниссиз туюқ ҳамда тажнисли қитъа, тажнисли фард, қофияли фард ва қофиясиз фард шаклларини ҳам кўрамиз. Ғазал, рубоий ва туюқ Бобир лирикасининг энг характерли жанрларидир.

Бобир арузнинг ҳафиф, рубоий, ражаз, рамаз, рамал, сареъ, тавил, мутақориб, мужтасс, музореъ, мунсареҳ ва ҳазаж баҳрларидан ҳамда бу баҳрларнинг 25 турдаги ички хилларидан фойдаланади.

Бобир девони унинг асосан ўзбек тилидаги шеърларидан ташкил топган. Бироқ шу билан бирга, унда форс-тожик тилида ёзилган бир неча шеър ҳам бор. Бобир ўз она тилига бўлган муҳаббатини камтарлик билан алоҳида қайд этиб:

Эрурман турк ошиқ, кош билсам форсий қони.
Десам ҳолимни билса, форсийдан дилбарим они,—

деган эди. Лекин Бобир форс-тожик адабий тилини ҳам мукаммал билар эди. Бунга унинг форс-тожик тилидаги шеърлари яққол далил бўла олади.

Ҳаётга муҳаббат ва қувноқлик, ёр ва диёр севгиси, ҳижрон ва ғурбат дарди, бадбинлик ва таркидунёчилик устидан кулиш, яхши хулқ-одоб ва маърифат тарғиби, ғалабалар нашидаси ва мағлубият алами, «тақдир»дан нолиш ва унга тобе бўлиш, афсус ва надомат ва бошқалар — Бобир лирикасининг тематик доираси мана шулардан иборат. Мураккаб ва зиддиятли ҳаёт ва кураш йўлини босиб ўтган, турли хил фазилатларга ҳам, салбий хислатларга ҳам эга бўлган шоир — Бобирнинг ўзи бу лириканинг марказий қаҳрамонидир.

Бобир лирикаси тили ва услуби жиҳатидан ниҳоятда содда ва равондир. У жўшқин ва мусиқий мисраларида ҳаётий, оригинал образлар яратади, халқ тили ва унинг оғзаки ижоди бойликларидан унумли ва ўринли фойдаланиб, шеърларининг тилини бой ва ранг-баранг қилишга эришади.

Бобир Лутфий ва Навоий, Хайём ва Ҳофиз каби устоз санъаткорларнинг бир қатор традицияларини давом эттиради ва ривожлантиради, назиралар ва мухаммаслар яратади.

Ҳаёт, севги ва шодлик куйчиси

Бобир ҳаёт, севги ва шодлик куйчисидир. Реал ҳаётни эътироф қилган шоир ҳаётнинг ғам-алам ва қайғу-ҳасрат билан эмас, балки бахт-саодат, шодлик ва қувноқлик билан ўтишини истайди, у севгига инсон ҳаётининг табиий бир хоссаси деб қарайди, ҳижрондан изтироб чекади, ёр висолига ошиқади. Мана унинг лирикаси учун жуда характерли бўлган бир ғазал:

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.
Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,
Кимга бу нашъа муяссар бўлса, бордур давлати.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ишқ дардин чекиб ҳар кимки топса васли ёр,
Ул замон бўлғай унут, юз йилғи ҳижрон шиддати.
Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,
То билингай ҳар кишининг табъи бирла ҳолати.
Гар бу уч ишни топсанг ул уч вақт ила,
Мундин ортуқ бўлмағай, Бобир, жаҳоннинг ишрати.

Кўрамизки, шоир «ёз фасли» билан «боданинг кайфияти»ни, «ёр васли» билан «ишқ дарди»ни, «дўстларнинг суҳбати» билан «шеър баҳсини» куйлайди. У бемаъни ишратбозликни, маст-аластмайхўрликни эмас, балки дилкаш, хушчақчақ ва бамаъни мажлисларни, дўстлар суҳбатини истайди ва таъриф қилади.

Ҳаёт лаззати ва шодликни эпикурона куйлаган шоир севгини ҳаёт ва шодликнинг манбаи, муҳим ҳалқаларидан бири деб ҳисоблайди. Ернинг кўрки ва фазилатлари билан хуршид (қуёш) ҳам, шакар ҳам, гул ҳам, сарв ҳам, жаннатул-маъво ҳам, тўби дарахти ҳам, Хизир суви ва Масиҳнинг сўзлари ҳам тенглаша олмайди. Ошиқ шоир ёрни бутун қалби билан севади, унга самимий эҳтиром кўрсатади ва камтарлик билан ўзини севги бобида забун ва маъшуқа олдида ожиз деб билади:

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуълассену ул шуълаға мен қулдурмен.
Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,
Шоҳмен элга, вале сенга қулдурмен.

Ошиқ ёридан лутфу карам, вафо ва садоқат кутади, бироқ ундан нозу ишва, жабру жафо кўради:

Меҳру вафони ағёр кўп кўрди сендин, эй ёр,
Жабру жафони бисёр қилдинг манга ҳавола.
Ҳажрингда, э парирў, кўзумдин учти уйқу,
Ҳар кеча тонгға текру ишимдир нола.

Лекин шунга қарамай, ошиқ севгисидан, ёридан воз кечмайди, сабр-матонат ва вафо ҳамда садоқати билан мурод-мақсадига эришишга аҳд қилади. Ёрининг илтифотсизлигини эса яшаган муҳитининг ижтимоий тартиб-қоидалари билан оқламоқчи бўлади. Ёр — шоҳ, ошиқ — қул, модомики шоҳ қулга эътиборсизлик қилар экан, Бобирнинг фикрича, бунинг таажжубланадиган ўрни йўқ.

Шоир бир ўринда:

Жафоу жавр агар қилса, Бобиро, нетасен,
Не ихтиёр менга, ҳар не қилса султондир,—

дейди.

Бобир ҳаётни, севги ва шодликни куйлаб, кўпгина хайёмона жўшқин шеърлар битди.

Маърифатпарвар ва мураббий шоир

Илм-маърифатни қадрлаган ва унга ҳомийлик қилган шоир илм ўз-ўзидан бунёд бўлмайди, киши фақат ҳавас ва иштиёқ билангина илмга эга бўла олади, дейди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак.
Мен толиби илму толиби илм йўқ,
Мен бормен илм толиби, илм керак.

Шоир ўзи ва ўзгаларга қаратиб:

Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,
Бу беш кун учун ўзунгни асру тутма,—

дейди. Яхши хулқ-атвор, кишиларга яхшилик қилиш эзгу хислат ва олижаноб фазилатдир:

Хулқингни рост этгил ҳар сориғаки борсанг,
«Аҳсанта» дер бори эл, гар яхши от чиқорсанг.
Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Бобир халқнинг «қилмиш қидирмиш» деган гапига амал қилиб, яхши киши яхшилик, ёмон киши ёмонлик кўради мазмунидаги мисраларни битади:

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур.

Ватан иштиёқи

Бобирнинг кўпгина шеърлари бевосита унинг кураши ва сиёсати, ғалабаси ва мағлубиятининг поэтик ифодасидир. Шоирнинг лирикасидаги ватан иштиёқи, ғарибликнинг ҳасрат ва надомат мотивлари ҳам бевосита унинг мураккаб ҳаёти ва кураш йўли, шодиёна ва аламли саргузаштлари билан боғлиқ.

Бобир темурийлар сулоласининг ҳукмронлигини ҳалокатдан қутқариб қолмоқчи бўлди, бироқ бунга эришолмади. У Мовароуннаҳрда йирик ва мустаҳкам давлат вужудга келтирмоқчи бўлди, бироқ орзу-умидлари барбод бўлди. Уни қаноатлантирмаган кичик Фарғона ҳокимияти ҳам қўлдан кетиб, у сарсон-саргардон бўлди. Мана шу оғир кунларида ёзган бир маснавийсида Бобир шундай мисраларни битади:

Бир кеча хотирим мушавваш эрди,
Кўзда сув, кўнглум ичра оташ эрди.
Даҳр ишидин фиғон қилур эрдим,
Хотиримни ёмон қилур эрдим...
Давлат ўтрусига мени солдинг,
Ғафлат уйқусига мени солдинг...
Ота тахтида фориғ ўлтурдим,
Бал отам кўрмаганни мен кўрдим.
Олти ой ичра олти тахт олдим,
Етти иқлима балки кўз солдим.
Дедим: эмди муродима етдим,
Билмадимки, ғалат хаёл эттим...
Яна маҳруми хонумон қилдинг,
Яна овораи жаҳон қилдинг...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бобир қайта-қайта курашга кирди, ўзига далда берди, ғалабага умид қилди. У Шайбонийхонга қарши курашда катта шикаст кўриб, чекинишга мажбур бўлган, шаҳар ва вилоятларни қўлдан бой берган чоғида ҳам умид-орзуларидан воз кечмай:

Душманники даҳр забардаст қилур,
Накбат[1] майидин бир неча кун маст қилур,
Ғам емаки еткурса бошини кўкка,
Охир яна ер киби они паст қилур,—

деган эди. Бироқ Бобир Шайбонийга қарши курашда ғалаба қозонишга ожизлик қилди, ҳалокат ёқасига яқинлашиб қолган темурийлар салтанатини қутқариб қололмади. У чор-ночор Моваройнаҳрдан воз кечишга мажбур бўлди:

Кўнгли тилаган муродға етса киши,
Е барча муродларни тарк этса киши.
Бу икки муяссар ўлмаса оламда,
Бошни олиб бир сориға кетса киши,—

деган Бобир «кўнгли тилаган муродға» етолмаганидан «бошини олиб бир сориға кетишга» мажбур бўлди.

Бобир Афғонистон ва Ҳиндистонни эгаллаб, катта империя қурди. Бироқ у умрининг охирига қадар туғилиб ўсган юртидан — диёридан кўнгил узолмади, ватанига қайтиш фикридан кечолмади. У Афғонистондалигида ёр-дўстларига ёзган бир рубоий-номасида:

Беқайдмену хароби сим эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен.
Кобулда иқомат қилди Бобир дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен,—

деган эди. Бироқ Бобирнинг ватанига қайтиш орзуси ушалмади. У юртидан узоқда қолиб кетди, давлати ва салтанати уни умр бўйи чет элга боғлаб қўйди. Биноборин, у:

Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур,—

деган эди. Бобир чет элда ўзини, бир томондан, катта давлатнинг ҳукмдори, иккинчи томондан, ёр-диёридан жудо бўлган бир ғариб, мусофир киши деб ҳис қилади. У давлатидан воз кечолмайди, юртидан кўнгил узолмайди. Юртида эканлигида унинг катта ва мустаҳкам давлати йўқ эди, катта ва мустаҳкам давлатга эга бўлганида эса юрти йўқ эди. Давлат ва салтанат, бойлик ва ҳашамат Бобир қалбидаги ватан иштиёқини енголмайди, уни қайғу ва ҳасрат чулғаб олади, у шу давлати ва салтанатини ўз диёрида барпо этолмаганига афсус-надомат чекади. Мана шу кайфиятлар-

[1] *Накбат* — бадбахтлик, хорлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг ифодаси сифатида унинг бир қатор мунгли ва аламли шеърлари вужудга келади. Қуйидаги рубоий шулар жумласидандир:

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатда севунмас эмиш, албатта киши.

Шоир ватанини кўпинча севимли бир «ёр» образи каби тасвир қилади, ёрни диёрга, ёр ҳажрини диёр фироғига тенг қўяди, бу икки образни — «ёр» билан «диёр»ни кетма-кет тизади ёки бири орқали иккинчисини ифодалайди, диёрсиз ёрни, ёрсиз диёрни кўз олдига келтира олмайди. Ёридан жабр, диёридан жафо кўради, шунга қарамай ёрини соғинади, диёрини қўмсайди:

Диёру ёрдин Бобир жафоу жавр кўп кўрди,
Хуш улким ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса.
Кўпдан бериким ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.

Шундай қилиб, Бобир ижодида «ёр» образи янги моҳиятга эга бўлиб, у «диёр» образининг бир синонимига, нисбати ва рамзига айланади.

Бобир юртини қолдириб чет элга кетишини бир «хатолик», «юз қаролиқ» деб билади, бу ишидан қаттиқ пушаймон бўлади:

Толеъ йўққи, жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишниким айладим, хатолиғ бўлди.
Уз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Бироқ у Мовароуннаҳрдаги мағлубиятларининг конкрет ижтимоий-сиёсий сабабларини тушуна олмади. У мағлубиятини ҳам, Афғонистон ва Ҳиндистонга йўл олиши ва бу ўлкаларни эгаллаб, у ерларда қолиб кетишини ҳам «тақдирнинг иши» деб тушунди:

Дема Бобирга нетарсен бош олиб кетмакни,
Тенгрининг хости мундоқ эса мен нетгаймен.

Тақдирдур ул ёну бу ён солғучи, йўқса,
Кимга ҳаваси Санбалу Татйир қилибтур...

Демак, Бобир диёрини — ватанини иштиёқ билан севади. Бироқ тож-тахт унинг диёрига бўлган севгисини хийла чеклаб, маҳдуд қилиб қўяди. Шоирнинг ватанига бўлган муҳаббати кенг халқ оммасига бўлган муҳаббат билан, уларнинг осойишталиги ва саодати учун кураш билан боғланмай қолади. Шоир ғурбатдан ҳасрат ва надомат чекади, бироқ бу ғурбатни «тақдир»дан деб билиб, фатализм эътиқодига берилиб кетади.

Антиклерикал кайфиятлар

Бобир айрим руҳонийларнинг, зуҳд-тақво аҳлларининг мунофиқона хатти-ҳаракатларига, макр-ҳийлаларига бефарқ қараб қолмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У Афғонистонда ҳийла билан бир қабрни тебратувчи ва шу йўл билан кишиларни алдаб-авраб назр-ниёз олувчи шайхларни фош қилади, жазолайди. Ҳаёт ва шодлик куйчиси, маърифатпарвар шоир айрим диний-хурофий урф-одатларни ёқтирмайди, уларга истеҳзо билан қарайди, зоҳидликдан эса қаттиқ нафратланади. Буларнинг барчаси унинг ижодида, жумладан, лирикасида айрим антиклерикал кайфиятларни вужудга келтирадиким, бу «подшоҳи ислом»ликка зид бир ҳолат эди. Жумладан, у рўза тутиш, намоз ўқиш, жаннат роҳати ва дўзах даҳшатига бефарқ, ҳатто баъзан, истеҳзо билан қарайди:

Келди рамазону мен тақи бодапараст,
Ийд ўлдию зикри май қилурман пайваст.
Не рўзау не намоз йиллар, ойлар,
Тун-кун маю маъжун била девонау маст.

Зоҳидо дўзах ўтидин мени не қўрқутасен,
Ҳажр ўти қошинда кўрмасмен ани учқунча.

Ҳаёт ва шодлик муҳиби бўлган Бобир айниқса зоҳидларнинг бадбинлиги ва таркидунёчилигидан қаттиқ ғазабланади. У ҳаётни, шодлик ва севгини зуҳдга қарама-қарши қўяди. Зуҳд «тийралик» (қоронғилик) келтирса, ишқ ёруғлик келтиради:

Тийрадурур зуҳд дамидин кўнгул,
Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак.

Ёки:

Зуҳд кетти, эса карам қилди,
Ишқ келдию муҳтарам қилди.

Шоир зоҳидларнинг тавба-тазарру қилиш, ҳаёт шодлиги ва неъматларидан воз кечиш чақириқларига қарши:

Мен киму зуҳду тавба ким, зоҳид,
Неча андешаи маҳол қилур.
Тавба ишин буюрма Бобирға
Ким бу ишни ўшал ўсол қилур!—

деб дангал ва кескин жавоб қайтаради.

Бироқ антиклерикал мотивлар Бобир лирикасида айрим элементлар сифатида қолиб кетди, шоир тасаввуф аҳлларига қарши изчиллик билан танқидий муносабатда бўлолмади. У ҳаётининг сўнгги йилларида хийла тақводорликка берилиб кетди. Буларнинг барчаси унинг ижодиётида тақводорликни тарғиб қилувчи бадбинлик майлларини ҳам вужудга келтирган эди. Шоир форс-тожик тилида ёзган бир рубоийсида бундай деган эди:

Дарвешонро агар на аз хешонем,
Лек аз дилу жон муътақиди эшонем.
Дураст, магў шоҳи аз дарвеши,
Шоҳем, вале бандаи дарвешонем.

www.ziyouz.com kutubxonasi

(Дарвешларнинг қариндошларидан бўлмасак ҳам, лекин дилу жонимиз билан уларнинг эътиқодчиларимиз. Шоҳликни дарвешликдан йироқ деб айтмагил, шоҳмиз, лекин дарвешлар бандасимиз.)

Бобир лирикасининг асосий тематик-ғоявий масалалари доираси шулардан иборат. Бу масалалар баёни ва талқинидаги жиддий зиддиятларига қарамай, Бобир лирикаси ўзбек классик адабиётининг равнақ топишига, ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққийсига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Бобирнинг поэтик маҳорати

Бобир Лутфий ва Навоий каби буюк сўз санъаткорларининг поэтик маҳоратидан таълим олиб, уларнинг традицияларини давом эттирган ва ривожлантирган устоз шоирлардан биридир. Бобир турли хилдаги бадиий мураккабликлар ва шаклбозликка қарши шеъриятнинг бадиий соддалиги учун курашди. У образларининг самимийлиги ва табиийлиги билан кишини ҳайратда қолдирувчи, бадиий содда, равон, мусиқий, тили бой ва рангдор шеърлар яратди. Унинг шеърларида ўй ва фикр, ҳис ва туйғу, тасвир ва тавсиф, сўз ва мусиқийлик бир-бири билан узвий боғланиб боради. Шоир кишининг хилма-хил ички кечинмаларини, унинг шодлиги ва қайғусини, орзуси ва армонини, толеи ва тақдирини ўзига хос бадиий бўёқлар билан тасвирлайди. Китобхоннинг кўз ўнгида жонли образ ва портретлар яратади, табиат лавҳалари ва турли манзараларни худди бир рассомдай чизади. У тасвир объектига мувофиқ сўз танлайди, турли хилдаги ҳис-туйғуларга мувофиқ вазн қўллайди, ички қофиялардан, сўз ўйинларидан, интонация ва товуш товланишидан моҳирлик билан фойдаланади. Бобирнинг:

«Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сўрорим бор»;

«Кўнглумни чу ул пари олибтур,
Девона бўлурға не қолибтур»;

«Сабо, ул гул ҳарамиға гузар қил,
Менинг ҳолимдин ул гулга хабар қил»

каби мисралари ниҳоятда содда, равон ва мусиқийдир.

Маълумки, Бобир жуда мураккаб ҳаёт ва кураш йўлини босиб ўтди. Бу йўл унинг ижодиётида турли услуб ва формада ўз ифодасини топди. Агар «Бобирнома» Бобирнинг ҳаёти ва фаолияти, кураши ва саргузаштларининг йилномаси бўлса, лирика унинг юраги, ҳис ва туйғуси, ўй ва орзуси, сукути ва ҳаяжони китобидир. Моҳир шоир буларнинг барчасини лирик шеърларида фавқулодда содда услуб билан, ниҳоятда равон ва равшан, табиий ва ҳароратли қилиб тасвирлайди. Натижада биз ғолиб ва мағрур, шод ва қувноқ, умидли ва истиқболли Бобир образи билан ҳам, мағлуб ва хомуш, аламли ва ҳасратли, умидсиз ва истиқболсиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бобир образи билан ҳам, бу образнинг маънавий қиёфаси ва қалби билан ҳам яқиндан танишамиз. Мана мағлубиятга учраб, сарсон-саргардон бўлган, нима қилар ва қайга борарини билмай умидсиз бир вазиятда қолган шоҳ ва шоирнинг фикр-ўйи, ҳис-туйғусининг поэтик ифодаси:

Бу ғамда менки ишим фикрини не навъ этайин,
Не ерда сокин ўлай, не қилай, қаён кетайин.
Не дайрдин эшигим очилур, не масжитдин,
Неча эшикдин эшикка гадо киби етайин.

Жаҳон эли била гуфту шунид қилмасмен,
Неча сўзумни дейин, неча қаттиқ эшитайин.
Дема не бўлди ишинг, фикр қилғил, эй Бобир,
Не бўлса ул бўлур эркин ишим, не фикр этайин.

Лирик шеърларида Бобир фақат сиёсий фаолияти заминида вужудга келган кайфиятлари билангина эмас, балки ошиқ, маърифатпарвар ва мураббий бир инсон сифатидаги фикр-туйғулари билан ҳам мужассамлашади.

Бобир — ошиқ. Ҳассос шоир ёрнинг ҳусн-жамоли ва хулқ-атвори таърифи ва тавсифида бир-биридан гўзал образлар, иборалар топади. У севги билан шод ва бахтиёр бўлишни истайди. Ёрнинг висолига ошиқади, унинг меҳри ва лутфига умид тутади. Бироқ фироқ уни жабрлайди, ҳижрон ўртайди, ёрнинг илтифотсизлиги бағрини эзади. Ошиқ зорланади, арз-ҳол ва шикоят қилади. Ишқ туфайли «жисми хосдек» бўлган ошиқ ёридан шикоят қилиб:

Бўлубтур ишқинг ичра гарчи хасдек жисми Бобирнинг,
Вале не фойдаким хасча чоғлиқ кўзга илмайсен,—

дейди. Ҳижрон ғами ошиқнинг оҳ тутунини кўкка кўтариб, кўз ёшини селоб қилиб оқизади, натижада «йўл балчиқ», «кеча қоронғу» бўлиб, ошиқ ёрига томон йўл ололмайди:

Ҳажрингда бу тун кўнгулда қайғу эрди,
Васлингга етишмадим жиҳат бу эрди:
Оҳим тутуни бирла кўзумнинг ёшидин,
Йўл балчиқ эди, кеча қоронғу эрди.

Хат-хабар ҳам ошиқ юрагини тўла очиб ифодалай олмайди. Бинобарин, у кабутарга мурожаат қилиб:

Кабутар, элтасен хаттим, не бўлғай гар қабул этсанг,
Кўнгулни боғласам ул нома янглиғ пару болингга,—

дейди.

Маърифатпарварлик фикрлари ва орзу-интилишлари, ахлоқий-таълимий қарашлари ва бошқалар лирик қаҳрамон Бобир образини янада мукаммаллаштиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бобир параллелизм, тазод, лаф ва нашр, ўхшатиш, муболаға ва бошқа турдаги усул ва бадиий тил воситалари орқали темани, образни, ҳолат ва ҳис-туйғуни мукаммалроқ ёритишга эришади. Бир неча мисол келтирайлик:

Параллелизм:

Бобир, ҳаргиз қулоқ шеърингға ул гул солмади,
Гулга не парвоки юз фарёд қилса андалиб.

Бу байтда ошиқ булбулга, ёр гулга ўхшатилади ҳамда ошиғу ёр гулу булбулга параллел қўйилади.

Тазод:


Ўлтурур гарчи мени гуфторинг,
Тиргузур ул лаби шакарборинг.

Бу байтда лаб гуфтор (сўзлаш)га қарама-қарши қўйилган, ваҳоланки, буларнинг ҳар иккаласи бир-бири билан боғлиқдир; ёрнинг сўзи ўлдиради, бироқ шакар лаби тирилтиради.

Лаф ва нашр:


Қадду хаттинг била кўзу юзунг, эй сарви симин тан,
Бири сарву бири райҳон, бири наргис, бири гулшан.

Бу байтда лаф ва нашри мураттаб (тартиб билан келган лаф ва нашр) ишлатилган.



Ҳадису лаълу рафторинг жамолингдин әрур ҳардам,
Тилим гўё, сўзум рангин, кўнгул хуррам, кўзум равшан.


Бу байтда ҳам лаф ва нашри мураттаб ишлатилган. Шоир тилининг гўёлиги, сўзининг рангинлиги, кўнглининг хуррамлиги ва кўзининг равшанлигини ёрнинг ҳадиси (сўзи), лаъли (лаби), рафтори ва жамолига боғлайди.



Оғзию икки зулфию қадди бўлмаса менга,
Райҳону сарву гунча кўрардин маҳолдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу байтда лаф ва нашри номураттаб — тартибсиз лаф ва нашр ишлатилган, чунки ўхшатиш ва ўхшатилмишлар сираси сақланмаган.



Ўхшатиш:

Ул пари ишқида, Бобир, кўнглум андоқ телбадур,
Ким сочи занжиридур, чоҳи зақан[1] зиндонидур.

Муболағa:

Сел эмасдур ер юзин тутқон кўзумнинг ёшидур,
Раъд эмасдур кўкка чирмашқон кўнгул афғонидур.

Киноя:

Тутдум сочини юзин кўрай деб,
Тун узуну мен ғариб гумроҳ.

Шоир ёрнинг юзини кўрмоқчи бўлиб, унинг юзини тўсиб турган сочини ушлайди, бироқ ёрнинг узун қора сочи узоқ қоронғи тунни пайдо қилиб, ошиқни гумроҳ қилади ва бошқалар.

Бобир халқ мақоллари ва таъбирларидан, халқ тилининг лексик бойликларидан, омоним, синоним сўзлардан ва бошқалардан моҳирлик билан фойдаланиб, шеърларининг мазмуни ва бадиийлигини бойитади. Масалан, у:

«Бобир, бўлиб турур икки кўзум йўлида тўрт,
Келса не бўлди, қошимга бир-бир манга-манга».

«Даъвийи ишқ этиб ғайр Бобирни айб қилма,
Ким мен эдим санингдек, сен бўлғайсен манингдек»

каби мисраларида халқ мақоли ва таъбирларидан фойдаланиб, ошиқнинг аҳволи ва дардини тўлароқ ва чиройлироқ тасвирлашга эришади. Халқ тили бойликларини, халқ оғзаки ижодини, халқнинг аскиячилик маҳоратини яхши ўрганган ва эгаллаган

[1] *Чоҳи зақан* (ёки *чоҳи занах*) — бақбақа чуқурчаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бобир Амирий, Лутфий ва Навоий каби уста туюқчи бўлиб етишади. У омоним ва полисемик сўзлардан ҳамда сўз ўйинларидан усталик билан фойдаланиб, янги, оригинал туюқлар яратади. Мисоллар:

Улки ҳар кўзи ғизоли Чиндурур, (*Чин* — Хитой)
Қошида пайваста онинг чиндурур, (*чин* — пешана тириши)
Чунки кўп ёлғон айтти ул манга,
Гар десам ёлғончи они чиндурур. (*чин* — рост)

Қаддимни фироқ меҳнати ё қилди (*ё қилди* — ёйдек эгди)
Кўнглум ғаму андуҳ ўтиға ёқилди. (*ёқилди* — куйди)
Ҳолимни сабоға айтиб эрдим, эй гул,
Билмон, санга шарҳ қилмади ё қилди. (*ё қилди* — ёки қилди)

Бобир туюқларидагина эмас, балки бошқа жанрлардаги шеърларида ҳам чиройли сўз ўйинлари ясайди. Мисоллар:

Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглумда ғам ҳар сў (سو — тараф).
Оқар сувнинг фироқидин кўзимдин ҳардам оқар сув (سو — сув).

То **оқ** юзунг йироқ тушти,
Икки кўзум ичра **оқ** тушти.

Бу дунёдин фараҳ йўқтур мени маҳзунға **жононсиз,**
Жаҳондин ким десун биллоҳ керакмас манга **жон онсиз.**

Ул ёр агар ёшурса **юз**, оҳ,
Агёрға гар кўрунса **юз** вой.

Кўзумдин **ёшиниб**, эй баҳри алтоф,
Кўзумнинг **ёшини** дарё қилибсен.

(Эй лутфлар денгизи — ёр, сен кўзимдан яшириниб, кўзимнинг ёшини дарё қилибсан.)

Сочинг шикастидан бордур шикаста кўнгуллар,
Кўнгуллар очилур, очилса ул қаро сочинг.

Гар **чин** десангиз кўзи анинг оҳуйи **Чиндур,**
Хаттини **хато** қилмасангиз мушки **Хитодур.**

(*Чин* — рост тўғри; *Чин* — Хитой; *Хато* ва *Хито* арабча ёзувда бир хил шаклга эга бўлиб, *Хито* — Хитойдир.)

Бобир мисраларнинг равонлиги ва оҳангдорлигини кучайтириш учун ички қофия усулидан ҳам моҳирлик билан фойдаланади. У бир ёки бир неча сўздан ташкил топган радифларни қўллаб, сўзларнинг такрори билан, бир томондан, таъкидлаш орқали шеърдан кузатилган мазмун ва муддаони кучайтирса, иккинчи томондан, мисраларни янада равон ва мусиқий қилади.

Ички қофияга мисоллар:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қаро зулфунг **фироқида** паришон **рўзгорим** бор,
Юзунгнинг **иштиёқида** не сабру **қарорим** бор.
Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин **қон равон** қилди,
Нега ҳолим **ёмон** қилди, мен андин бир **сўрорим** бор.

Эй юзи **насрин**, қомати **шамшод**,
Неча **қилурсен** жонима **бедод**.
Сен киби пуркор, шеваси бисёр,
Билмади, эй ёр, ҳеч киши ёд.

Радифга мисол:

Ул аҳд ила паймон **қани, эй ёр, не бўлди**,
Ул лутф ила эҳсон **қани, эй ёр, не бўлди?!**

Бобир устоз сўз санъаткорларининг шеърларидан илҳомланиб, уларнинг шеърларига ўхшатма ва назиралар ёзади ҳамда улар билан ижодий мусобақалашади. У Лутфийнинг:

«Неча жонима жафо қилурсен?
Вақт ўлди агар вафо қилурсен»

матлаъли ғазалидан илҳомланиб:

**«Ғайрға неча вафо қилғайсен,
Жонима неча жафо қилғайсен»**

матлаъли ғазалини битган бўлса, Навоий шеърларига ўхшатма ва назира тарзида:

«Кўрмагай эрдим жамоли олам оре кошки,
Бўлмағай эрдим бори оламға расво кошки,

«Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму?
Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси қолдиму?»,

«Ё қошинг янглиғ эгилган жисми зоримниму дей,
Ё сочингдек тийра бўлғон рўзгоримниму дей».

**«Қайси бир озорин айтай жонима ағёрнинг,
Қайси бир оғритқонин кўнглумни дей дилдорнинг»**

ғазалларини ва бошқаларни ёзади.

Бобир бир фахриясида, агар Ҳофиз ва Салмон Соважий каби буюк шоирлар тирик бўлганда эди, менинг шеърларимни тақдирлар, уларнинг юксаклигини эътироф қилар эдилар, дейди:

Ироқу Форса гар етса сенинг шеъринг, эй Бобир,
Ани ҳифз этгуси Ҳофиз, мусаллам тутқуси Салмон.

Бобир шеърлари ғоявий зиддият ва нуқсонлардан холи бўлмагани каби, бадиий услуб ва тил жиҳатидан ҳам айрим нуқсонлардан холи эмас. Шоир баъзан тасвир объекти **ва образни** мав-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳумлаштириб юборади, бир хилдаги образ ва бадиий тил воситаларини қайта-қайта такрорлайди, айрим ғализ ва ўта мураккаб ифодаларни ишлатади, қофияда (айниқса ички қофияда) оч қофияларга йўл беради ва ҳоказо. Айрим шеърлари эса шоирнинг мисраларнинг бадиийлиги ва тилига етарли эътибор бермаганини, шошилганини кўрсатади. Шоир анъанавий камтарлик руҳида:

Ҳар ердаким гул бўлса, тикан бўлса, не тонг,
Ҳар қандаки май дурдидин бўлса не тонг.
Шеъримда агар ҳазл, агар жид, кечурунг.
Яхши борида агар ёмон бўлса не тонг,—

деган эди. Гўё бу мисралар юқорида таъкидланган қусурлар эътирофидек туйилади.

«БОБИРНОМА»

«Бобирнома»нинг яратилиши

«Бобирнома» мемуарлар (эсдаликлар) тўпламидир. Бу тарихий-бадиий асар 1494—1529 йиллардаги воқеаларни, Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда рўй берган ва кўпида бевосита Бобирнинг ўзи иштирок этган ўзаро феодал урушларни ўз ичига олади. Афтидан, Бобир сиёсий фаолиятининг дастлабки йилларидан бошлаб ўз саргузаштлари ва турли хил тарихий воқеаларни хотира дафтарида акс эттириб борган ва кейинчалик мана шу хотира дафтари «Бобирнома»ни яратишга асос бўлиб хизмат қилган. Бобирнинг «Бобирнома»ни қачон ёзишга киришгани маълум эмас. Бироқ асарнинг айрим ўринлари унинг кўпроқ қисми Ҳиндистонда ёзилгани ёки қайта таҳрир қилинганини кўрсатади. Масалан, «Бобирнома» автори 909 (1503—1504) йил Афғонистон воқеалари ҳақида сўзлар экан, Ҳиндистонда Иброҳим Лўдийни енгганини ҳам гапиради. Бу — Бобирнинг 909 йил воқеаларини Ҳиндистонда ёзгани ёки аввалги ёзганларини таҳрир қилганини кўрсатади. Бобир бу асарини умрининг охирларида, 1529—1530 йилларда тугатади.

Бобирнинг ўз сўзи ва унинг қизи Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома»даги маълумотларига қараганда, «Бобирнома» дастлаб «Воқеанома» деб аталган. Буни Бобир ўзининг бир рубоийсида эслатиб ўтади:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум,
Ҳар ким бу «Вақое»ни ўқур, билгайким,
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.

Бундан ташқари, у бир ўринда Хўжа Калонга «Воқеанома»ни юборганини ҳам эслатади. Гулбаданбегим эса: «Ҳумоюннома»да Кобул ҳокимияти ҳақида сўзлар экан, «Фирдавс маконнинг (Бобирнинг — Н. М.) «Воқеанома» китобида бунга далил бўлувчи фикрлар кўп айтилган...»,— дейди. «Бобирнома»ни кўчирган ко-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиблардан бири эса, уни «Бобирия» номи билан атайди. «Бобирнома»нинг айрим таржималарида ҳам унга турлича ном берилади. Асар кейинчалик асосан «Бобирнома» номи билан юритилади ва шу ном билан кенг шуҳрат қозонади.

«Бобирнома»нинг нусхалари ва таржималари

«Бобирнома»нинг ўндан зиёд қўл ёзма нусхаси маълум. «Бобирнома»нинг Бобирнинг ҳаёт давридаёқ кўчирилган икки нусхаси ҳақида маълумотлар бўлсада, бироқ уларнинг қаерда сақланаётгани маълум эмас. «Бобирнома»нинг XVII—XVIII асрларда кўчирилган нусхалари Ленинград, Калькутта, Агра, Ҳайдаробод, Манчестер, Лондон, Эдинбург ва бошқа жойларда сақланади.

«Бобирнома» 1857 йилда Қозонда туркшунос рус олими Н. Ильминский томонидан нашр этилади. 1905 йилда Лондонда инглиз олимаси А. Бевериж хоним «Бобирнома»нинг Ҳайдарободда топилган бир қўл ёзмасининг факсимилесини цинкографияда нашр эттиради. «Бобирнома» кейинчалик Туркияда ҳам нашр этилади. Совет даврида «Бобирнома»нинг айрим қисмлари турли хрестоматия ва тўпламларга киритилди ҳамда 1948—1949 йилларда икки китоб ҳолида тўла нашр этилди (нашрга П. Шамсиев, С. Мирзаев тайёрлаган). 1960 йилда эса чоғиштириш ва тузатишлар асосида қайта нашр этилди. (П. Шамсиев тайёрлаган, унга проф. В. Зоҳидовнинг Бобирнинг фаолияти ва мероси ҳақида ёзган катта мақоласи сўз боши сифатида тақдим этилган). 1965—66 йилларда Бобир асарларининг уч томлиги босилди.

«Бобирнома» бир неча тилларга таржима қилинган. Акбаршоҳ даврида (1586 йилда) «Бобирнома» форс тилига таржима қилиниб, унга ажойиб миниатюралар ишланган. Бу миниатюраларда Беҳзод рассомлик мактабининг анъаналари равшан кўринади (миниатюралар 1969 йилда Ҳамид Сулаймон томонидан нашр этилди). Бу таржиманинг нусхалари оз бўлиб, улар «Тузуки Бобирий», «Воқеоти Бобирий» номи билан турли мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланади. «Бобирнома»нинг номаълум бир қўл ёзмадан олинган парчалари 1705 йилда Витсен томонидан голланд тилига таржима қилиниб, Амстердамда босилади. Бу таржимага «Татарлар мамлакатининг шарқий ҳам шимолий қисмининг жуғрофий таърифи» деб ном берилган. Джон Лейден билан В. Эрскин «Бобирнома»нинг ўзбекча ва форсча нусхаларини солиштириб, уни инглиз тилига таржима қилишган ва 1826 йилда Лондонда нашр эттиришган. Бу таржима 1921 йилда Уайт Кинг томонидан тўлдирилиб ва тузатилиб қайтадан нашр этилади. А. Кейзер «Бобирнома»нинг инглизча таржимаси асосида уни қисқартирган ҳолда немис тилига таржима қилади ва бу таржима 1828 йилда Лейпцигда босилади. Р. М. Калдекот «Бобирнома»нинг форсча таржимаси асосида уни қисқартириб инглиз тилига таржима қилади ва 1844 йилда Лондонда бостиради. Француз олими Паве де Куртейл «Бобирнома»ни француз тилига тўла таржима қилади. Бу таржима 1871 йилда Парижда нашр этилади. Октябрь революциясигача «Бобирнома»нинг айрим қисмлари Н. И. Пантусов, С. И. Поляков, В. Вяткин ва бошқалар томонидан рус тилига таржима қилинган эди. Совет даврида эса «Бобирнома» М. Салье томонидан рус тилига тўла таржима қилинди ва икки марта нашр этилди.

«Бобирнома»— тарихий манба

«Бобирнома» нодир тарихий асар, қимматли манбадир. Унда XV асрнинг охиридан XVI асрнинг 30-йилларига қадар рўй берган тарихий воқеалар акс эттирилади. Асар 1494 йил воқеаси тасвири билан, Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад мирзонинг Фарғонага ҳужуми, Умаршайх мирзонинг ҳалок бўлиши ва 12 ёшга қадам қўйган Бобирнинг тахтга чиқиши баёни билан бошланади. «Бобирнома»да воқеалар доираси кенгайиб, чуқурлашиб, мураккаб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашиб боради. Автор Мовароуннаҳрдаги, кейинроқ Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистондаги воқеаларни баён қилади. Кўз ўнгимизда ўзаро феодал урушлар ва уларнинг даҳшатли оқибатлари, шаҳар ва қишлоқларнинг талон-торож қилиниши, минг-минглаб гуноҳсиз кишиларнинг қириб ташланиши, каллалардан қурилган миноралар, очлик ва муҳтожлик манзаралари намоён бўлади. Темурийлар ва уларнинг кўплаб амир-амалдорлари ўртасидаги тожтахт талашлари кескинлашиб, қонли урушларни кўпайтиради. Мамлакат тобора майда парчаларга бўлиниб кетади, ер-сув халқдан тортиб олинади, суюрғоллар кўпайиб бориб, давлат ҳокимиятининг даромад манбалари қисқариб кетади, темурийлар ўзаро ихтилофлар гирдобида қолиб, айш-ишратга берилиб кетадилар. Бобирнинг Мовароуннаҳрда йирик ва мустаҳкам давлат вужудга келтириш учун интилишлари барбод бўлади; Шайбонийхоннинг шиддатли ҳужумлари билан аввал Мовароуннаҳрдаги, кейин эса Хуросондаги темурийлар сулоласининг салтанати емирилади, Бобир Афғонистонни, кейин Ҳиндистонни эгаллаб олади ва катта империяни вужудга келтиради. Мана шу воқеалар «Бобирнома»да хронологик изчиллик билан баён этилади ва китоб автори ҳар қайси йил воқеаларини алоҳида бир боб сифатида, маълум сарлавҳа остида батафсил ҳикоя қилади. Бироқ «Бобирнома»нинг мавжуд ҳамма нусхаларида 910, 915—924, 927—931 йиллардаги воқеалар, яъни 16 йиллик воқеалар йўқ бўлиб, айрим йиллардаги, масалан, 925 йилдаги воқеалар чала, номукаммал баён этилади. Айрим майда воқеаларга, кичик деталларга қадар баён этишга интилган Бобир бир неча йиллик тарихий воқеаларни четлаб ўтмаган, албатта. Афтидан, «Бобирнома»нинг ҳали мукаммал нусхалари кўпаймасдан, у қандайдир сабабга кўра айрим қисмлари йўқолиб кетган. Лекин, шунга қарамай, «Бобирнома» XV аср охири ва XVI аср бошларидаги Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихининг энг мукаммал ва энг ишончли манбаидир.

«Бобирнома»нинг тарихий манба сифатидаги афзалликлари нимадан иборат?

Фактик материалларнинг кўплиги, бойлиги, аниқлиги ва тўлалиги, тарихий воқеаларнинг асосан объектив, беғараз ва ростгўйлик билан баён этилиши, хронологик изчиллик, ифоданинг соддалиги ва равонлиги «Бобирнома»нинг тарихий манба сифатидаги афзалликларини ташкил этади. Шу жиҳатдан қараганда, «Бобирнома» ўтмишнинг кўпгина тарих китоблари ва мемуарларидан устун туради. Кўпчилик тарих китобларида тарихий фактлар афсона ва ривоятлар билан, диний ҳадис ва хурофий сафсаталар билан қоришиб кетар эди. «Бобирнома»да эса бундай эмас. Унинг асосини бевосита тарихий воқеалар, фактлар ташкил этади. Кўпчилик тарих китобларида тарихий воқеалар тенденциоз равишда, бировларни мақтаб кўкка кўтариш, иккинчи бировларни камситиб кўрсатиш руҳида баён этилар эди. «Бобирнома»да эса тарихий воқеа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар асосан объектив баён этилади. Кўпчилик тарих китобларида воқеалар мураккаб услуб ва ғализ тил билан баён этилар ва шу орқали «бадиийлаштирилар» эди. «Бобирнома» эса содда услуб, равон, ширали ва бой тил билан ёзилган, жонли манзаралар, портрет ва характерлар, оригинал бадиий тил воситалари билан бадиийлаштирилган асардир. Мана шу афзалликлари билан «Бобирнома» узоқ замонлардан бери тарихчиларнинг ва бошқа олимларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб, юксак баҳоланиб келмоқда. «Бобирнома» XV—XVI аср тарихий ҳодисалари билан танишиш ва уларни умумлаштириш, Шарқ феодал жамиятининг хусусиятларини белгилаш ва ёритишда жуда кўп характерли фактлар, маълумотлар беради.

Лекин «Бобирнома»нинг шу ижобий томонларига қарамай, унинг нуқсонлари ҳам бор. Бобир тарихий воқеаларни феодал синфининг дунёқараши нуқтаи назаридан ёритади, у кўпроқ феодал ҳукмдорларнинг саргузашти ва сиёсатини баён этишга берилиб кетади, ижтимоий масалалар, халқ оммасининг турмуш шароити ва бошқалар ҳақида кўпинча йўл-йўлакай сўзлайди. Буларнинг барчаси бу тарихий манбадан танқидий фойдаланиш зарурлигини тақозо қилади.

«Бобирнома»— прозаик асар

«Бобирнома» тарих китобигина бўлиб қолмай, балки у ўзбек прозасининг нодир бир ёдгорлиги ҳамдир. «Бобирнома»нинг асосий тасвир объекти тарихий воқеалардир. Бироқ Бобир тарихий воқеаларни санаб ўтиш ёки улар ҳақида маълумот бериш билан чекланмайди, балки у тарихий воқеаларнинг манзарасини, тарихий шахсларнинг портрети ва характерини, табиат лавҳаларини чизиб беради, мароқли ва жозибали бадиий услуб билан турли хил саргузаштларни, ривоят ва латифаларни ҳикоя қилади, халқ юмори, халқ мақоллари ва таъбирлари билан, шеърий парчалар билан ўз асарини безайди, турли хилдаги бадиий усул ва тил воситаларидан фойдаланади. «Бобирнома»даги воқеалар турли ситуация ва конфликтлар билан ривожланиб боради, воқеалар бир бутун композиция: экспозиция, кульминация ва ечим атрофига уюшади, воқеалар уларнинг кўпида бевосита ёки билвосита иштирок этган Бобирнинг ўз образи орқали бир-бири билан уланади, ўзига хос сюжет чизиғини яратади. Шунинг учун ҳам «Бобирнома» жуда енгил ўқилади, китобхонни ўзига жалб ва мафтун этади. Машҳур рус шарқшуноси академик В. В. Бартольд «Бобирнома»ни «туркча проза»нинг энг яхши асарларидан бири деб баҳолаган эди.

Жойлар ва табиат лавҳалари тасвири

Бобир бирор тарихий воқеани ҳикоя қилишга киришар экан, кўпинча, аввал воқеанинг ўрнини батафсил тасвирлайди, воқеада иштирок этувчи кишиларнинг афт-башарасидан тортиб феъл-атвори ва хатти-ҳаракатига қадар таърифлайди, сўнг воқеанинг баёнига киришади. Баъзан воқеа давомида чекиниш қилиб, жой ёки ман-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зарани тасвирлайди. Шу хилда, китобхоннинг кўз ўнгида XV — XVI асрлардаги Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистон ўлкалари, улардаги ўнлаб шаҳар ва қишлоқларнинг манзараси, топографияси, об-ҳавоси, ўсимликлар дунёси, аҳолиси, халқ ва қабилаларнинг урф-одати ва бошқа-бошқа томонлари мужассамланади. «Бобирнома» автори бундай ўринларда истеъдодли адиб ва шоир сифатидагина эмас, балки билимдон ва кузатувчан бир олим, географ, табиатшунос, этнограф, тилшунос, санъатшунос сифатида гавдаланади. У айрим кичик деталларга ҳам катта эътибор беради, реалистик лавҳалар яратади ва ҳассос рассом сифатида табиатнинг хилма-хил манзараларини чизади. Андижон, Марғилон, Ўш, Хужанд, Кобул, Ғазна, Ҳирот ва бошқа шаҳарлар тасвири худди шундай манзаралардир. Жойлар тасвири «Бобирнома»да тарихий воқеаларни, кишиларнинг саргузашти, ҳаёти ва фаолиятини баён этишда бир экспозиция вазифасини бажаради. Масалан, Бобир 1494 йил воқеаларини, Умаршайх мирзонинг ҳалокати ва ўзининг тахтга чиқиб амакисининг қўшинини чекинишга мажбур этганини сўзлашдан аввал Фарғона вилояти ва унинг етти шаҳрини тасвирлайди. Мана шу тасвирнинг бош қисми билан танишайлик:

«Фарғона вилояти бешинчи иқлимдиндур. Маъмуранинг канорасида воқеъ бўлубтур. Шарқи Қошғар, ғарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар... Мухтасар вилояттур, ошлиқ ва меваси фаровон, Гирдо-гирди тоғ воқеъ бўлубтур. Ғарби тарафидаким, Самарқанд ва Хужанд бўлғай, тоғ йўқтур. Ушбу жонибтин ўзга ҳеч жонибтин қиш ёғи кела олмас. Сайҳун дарёсиким, Хужанд суйиға машҳурдур, шарқ ва шимоли тарафидин келиб, бу вилоятнинг ичи бирла ўтуб, ғарб сори оқар, Хужанднинг шимоли Фанокатнинг жануби тарафидинким, ҳоло Шоҳрухияға машҳурдур, ўтуб яна шимолға майл қилиб, Туркистон сори борур. Туркистондин хили қуйироқ бу дарё тамом қумға сингар, ҳеч дарёға қотилмас[1].

Етти пора қасабаси бор, беши Сайҳун суйининг жануб тарафида, икки шимол жонибида. Жанубий тарафдаги қасаблар(дан) бири Андижондурким, васатта воқеъ бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш (Шаҳрисабз) қўрғонидин сўнгра мундин улуғроқ қўрғон йўқтур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида воқеъ бўлубтур. Тўққуз тарнов сув кирар. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас. Қалъанинг гирдо-гирди хандақнинг тош ёни сангрезалиқ шоҳроҳ тушубтур. Қалъанинг гирдо-гирди тамом маҳаллотдур. Бу маҳаллот бирла қалъаға восила ушбу хандақтур ва ёқаси доғи шоҳроҳтур. Ови қуши доғи кўп бўлур, қирғовулни ускунасини тўрт киши еб тугата олмайдур. Эли турктур. Шаҳр ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била ростдур.

Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур.

Элининг орасида ҳуси хили бордур. Юсуф Хожаким мусиқийда машҳурдир, Андижонийдур. Ҳавосининг уфунати бор. Кузлар эл безгак кўп бўлур...»

[1] Бобир ҳам, бошқа авторлар ҳам у даврда Сирдарё бирор катта сувга қуйилмай, қумга сингиб кетади, деб маълумот берадилар. Демак, Сирдарёнинг оқими кейинчалик ўзгариб кетиб, у Оролга қуйиладиган бўлган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошқа шаҳар, қишлоқ, вилоят ва ўлкалар тасвири ҳам шундай бой, хилма-хил маълумот берадиган жозибадор, содда ва равон тасвирдир.

Бобир табиий манзаралари бир-биридан фарқ қилувчи ва ўзига хос бўлган вилоят ва ўлкаларда бўлди. У турли жойларни тасвирлар экан, мана шу табиат манзараларига ҳам катта эътибор беради, уларнинг нозик нуқталарини топа олади ва худди бир рассомдай жонли полотнолар, пейзажлар чизади. Масалан, у 1503 — 1504 йил воқеалари ҳақида сўзлаётганда, Афғонистондаги Оби Истода (Кўлмак сув) деган жойнинг табиий манзараларини шундай усталик билан тасвирлаганки, китобхонда моҳир бир рассом ишлаган бой ва рангдор пейзаж сурати қандай таассурот қолдирса, бу тасвир ҳам худди шундай таассурот қолдиради.

Бобир табиат стихиялари ва уларнинг оқибатларини ҳам, баъзи муҳим деталлари билан бирга, реалистик қалами билан тасвирлайди. (Масалан, 1505 — 1506 йиллар воқеаси баёнида Қандаҳор яқинида бўлган зилзила ва унинг оқибатлари тасвири.)

Бобир жанг майдонларини, турли хил йиғилишларни, йўл ҳодисалари ва бошқаларни ҳам мароқ билан тасвирлайди, ҳикоя қилади. У тасвирий эпизодларни моҳирлик билан асосий воқеа — тарихий воқеалар атрофига уюштиради, воқеалар баёни давомида усталик билан «чекиниш» ясаб, тасвирий эпизодларга ўтиб боради ва яна воқеага қайтади.

Тарихий шахслар тасвири

«Бобирнома»да бир неча юз тарихий шахслар, уларнинг фаолияти ва саргузаштлари тасвир этилади. Булар шоҳлар, вилоят ҳокимлари, амир-амалдорлар, аскар бошлиқлари, дин ва шариат намояндалари, аскарлар, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳллари, деҳқонлар, ҳунармандлар, қуллар ва бошқа ижтимоий гуруҳдаги лавозим ва касб-кордаги кишилардир. Бобир буларнинг тасвирланаётган воқеалардаги ролига қараб бирлари ҳақида кенг ва батафсил сўзлайди, иккинчи бирлари ҳақида қисқа маълумот беради, бошқа бирларини бирон муносабат билан тилга олади ёки эслаб ўтади. У воқеаларнинг ривожида муҳимроқ ўрин тутган Умаршайх мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Султон Аҳмад мирзо, Хисравшоҳ каби тарихий шахсларнинг фаолияти ва саргузаштларини баён этиш билан бирга, уларнинг шакл-шамойили, насл-насаби, маънавий қиёфаси, хислати, хулқ-атвори, кишиларга муносабати, маданий савияси ва бошқа жиҳатларни ҳам тасвирлайди, хилма-хил бадиий портретлар, характерлар яратади. Бундай персонажлар бевосита тарихий роман ёки қиссалардаги қаҳрамонларга ўхшаб кетади. Бобир уларнинг таърифи ва тавсифини бир жойга тўплаб, мужассамлаштириб беради, бу билан китобхонни тарихий шахс билан таништиради, шундан кейин воқеалар баёнини давом эттиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бобир бир қатор бошқа тарихий шахслар ҳақида бундай батафсил маълумот бермаса ҳам, уларнинг фаолияти, хатти-ҳаракати ва хулқ-атворидаги энг муҳим хусусиятларни топиб сўзлайди, уларнинг портрет ва характерининг айрим томонларини тасвирлайди. Аҳмад Ҳожибек, Дарвеш Муҳаммад Тархон, Улуғбек, Алишер Навоий, Султон Али Машҳадий, Беҳзод ва бошқалар шундай тарихий персонажлардир. «Бобирнома»да бирон муносабат билан тилга олинган ёки эслаб ўтилган кўпдан-кўп бошқа кишиларнинг фаолияти ва хислатидаги айрим муҳим ёки қизиқарли факт ҳам баён қилинади.

«Бобирнома»даги персонажлар ижтимоий-синфий мавқеи, дунёқараши, маслаги, эътиқоди, хатти-ҳаракати, хулқ-атвори ва бошқа жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаш ёки бир-биридан фарқ этувчи ва ҳатто бир-бирига қарама-қарши бўлган кишилардир. Бобир буларнинг барчасига эътибор беради, кўпинча персонажларнинг ўзига хос, индивидуал, такрорланмас хусусиятларини топиб олади, уларни, тарихий ҳақиқатга тўла риоя қилгани ҳолда, бўрттириб тасвирлайди, конкретлаштиради ва баъзан бадиий умумлаштиришга муваффақ бўлиб, хийла типиклашган характерлар яратади.

Бобир тарихий шахсларга, айрим мустаснолардан қатъи назар, изчиллик билан объектив муносабатда бўлади, улар ҳақида тўғри ва холис маълумот беришга интилади, уларнинг фаолияти ва хислатидаги зиддиятларни ростгўйлик билан очиб беради. Кўпинча тарихий шахсларга мамлакат тараққиёти, ободончилик, илм-фан, санъат ва адабиётнинг ривожи нуқтаи назаридан баҳо беришни принцип қилиб олади. Шу жиҳатдан у тарихий шахсларнинг бирини қутлайди, иккинчи биридан ўпкалайди, яна биридан ғазабланади, ижобий томонларини маъқуллайди, салбий томонларини қоралайди. Бу хусусиятлар «Бобирнома»нинг ҳам тарихий, ҳам бадиий қимматини, ҳам маърифий аҳамиятини оширади.

Айрим мисоллар билан танишайлик. Бобирнинг отаси Умаршайх мирзонинг таърифи ва тавсифини кўрайлик. Бобир Умаршайх мирзонинг ҳалокати ҳақида сўзлагандан кейин, китобхонни бу шахс билан кенгроқ ва тўлароқ таништиришга ўтади.

«Валодат ва насаби» Секкиз юз олтмишда Самарқандда эди. Султон Абусаид мирзонинг тўртунчи ўғли эди...

Шакл ва шамойили: паст бўйлуқ, бўлма соқоллиқ, қўба юзлук, танбал киши эди. Тўнни бисёр тор кияр эди, андоғким, боғ боғлатурда қорнини ичига тортиб боғлатур эди, боғ боғлағондин сўнг ўзини қўя берса, бисёр бўлур эдиким, боғлари узулур эди. Киймоқта ва емоқта бетакаллуф эди, дасторни дасторпеч чирмар эди. Ул замонда дасторлар тамом чорпеч эди, печин чирмаб, алоқа қўяр эдилар. Ёзлар ғайри девонда аксар мўғулий бўрк кияр эди.

Ахлоқ ва атвори: ҳанафий мазҳаблиқ, покиза эътиқодлик киши эди. беш вақт намозни тарк қилмас эди... Ҳазрат Хожа Убайдуллоға иродати бор эрди, суҳбатларига бисёр мушарраф бўлиб эди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Равон саводи бор эди. «Хамсатайн» ва маснавий китобларни ва тарихларни ўқуб эди. Аксар «Шоҳнома» ўқур эди. Табъ назми бор эди, вале шеърга парво қилмас эди...

Бисёр саховати бор эрди. Хулқи доғи саховатича бор эрди, хушхулқ ва ҳарроф ва фасеҳ ва ширин забон киши эрди, шужоъ ва мардона киши эди. Икки мартаба ўзи жамъи йигитлардин ўзуб қилич тегурди... Ўқни ўрта чоғлиқ отар эди, бисёр зарб мушти бор эди, анинг муштидин йигит йиқилмоғон йўқтур. Мулкгирлик дағдағаси жиҳатидан хили ярашлар урушқа ва дўстлиқлар душманлиққа мубаддал бўлур эди.

Бурунлар кўп ичар эди, сўнгралар ҳафтада бир-икки қатла суҳбат тутар эди, хушсуҳбат киши эди. Тақриб била хўб абет ўқур эди... Ҳамиша нард ўйнар эди, гоҳи қимор ҳам қилур эди...»

Султон Ҳусайн Бойқаро эса салтанати, шон-шавкати, маиший ҳаёти, сарой аҳллари, санъат ва адабиётга бўлган ихлоси ва истеъдоди ҳамда бошқа жиҳатлари билан Умаршайх мирзодан катта фарқ қилади. Бироқ мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ихтилофлар, ўғиллари ва бошқа амир-амалдорларнинг тож-тахт талашлари бу салтанатни тобора ҳалокатга яқинлаштириб бормоқда. Ички ихтилофлар гирдобида қолган ва айш-ишратга берилиб кетган Ҳусайн Бойқаро кичик-кичик темурий давлатларнинг кучини Шайбонийхонга қарши курашга бирлаштира олмайди.

Бобир жуда кўп беклар ва амир-амалдорларнинг фаолияти, хатти-ҳаракатлари ва кирдикорлари ҳақида сўзлайди. Булардан бири мустабид ва бадахлоқ Хисравшоҳдир. Ҳисор аҳолиси унинг зулми зўридан хонавайрон бўлади, бу муштумзўр бек ва унинг амалдорлари, навкарлари босқинчилик ва ишратбозликда ҳаддидан ошадилар. Бобир унинг кирдикорларини тасвирлар экан: «...Ҳар ким Хисравшоҳнинг бу афъолини эшитса, лаънат қилсун. Бу афъолини эшитиб, лаънат қилмағон ҳам сазовори лаънат бўлсун...»,— дейди.

Улуғбекни буюк донишманд сифатида таърифлаган Бобир, унинг падаркуш ўғли Абдулатифни қаттиқ лаънатлаб, «бу беш кунлик ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шаҳид қилди» деб ҳукмронлиги 5 — 6 ойдан нари ўтмаган бу қотил ҳақида Низомий Ганжавийнинг қуйидаги фардини келтиради:

Падаркуш подшоҳро нашояд,
Агар шояд, ба шаш моҳаш напояд.

(Падаркуш подшоликка муносиб эмас, агар подшо бўлиб қолса ҳам, 5—6 ойдан нарига ўтмайди.)

«Бобирнома»да тасвирланган Узун Ҳасан, Аҳмад Танбал, Вали, Али Дўст ва бошқалар ҳам Хисравшоҳ ва Абдулатифлардан қолишмайдилар. Бобир булардан ҳар бирининг бемаъни хатти-ҳаракати ва фитна-фасодини конкрет фактлар асосида очиб ташлайди.

«Бобирнома»да илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига ҳам катта ўрин берилган. Бобир Навоий, Жомий, Биноий, Муҳаммад Солиҳ, Ҳилолий, Сайфи Бухорий, Мир Ҳусайн Муаммоий, Шай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

хим Суҳайлий, Юсуф Бадеий, Аҳмад Ҳожибек, Беҳзод, Султон Али, Ҳожа Абдулло Марворий, Шоҳ Музаффар, Ғулом Шодий, Ҳусайн Удий каби бир қатор шоирлар ва санъаткорлар ҳақида маълумот беради, уларни мақтайди, асарларидан намуналар келтиради, баъзан ҳаёти, фаолияти ёки шахсий сифатлари ҳақида қизиқарли фактлар сўзлайди. «Бобирнома» бу кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда, уларнинг маданий ҳаётдаги ўрнини белгилашда жуда аҳамиятлидир. Масалан, Бобир улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳақида «Алишербек назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хуб айтқон эмас»,— деб ёзади, Навоийнинг асарларини таърифлайди, унинг илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига ҳомийлигини алоҳида қайд қилиб: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг (Навоийнинг) тарбият ва тақвияти билан мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда (рассомликда) бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машҳур ва маъруф бўлдилар»,— дейди. Навоийнинг бинокорлик соҳасидаги фаолиятини таъкидлаб: «Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай»,— дейди ҳамда Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро билан унинг ўғиллари ўртасидаги ихтилофларни бартараф қилишда донишмандлик ва тадбиркорлик билан олиб борган ишларини баён этади. Бобир Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийлар доирасидаги кўп санъат ва адабиёт аҳлларини таъриф ва тавсиф қилади. Уларнинг муваффақиятларини кўрсатиш билан бирга, айрим камчиликларини таъкидлайди. Масалан, Беҳзод ҳақида сўзлар экан: «Мусаввирлардин Беҳзод эди, мусаввирлик ишини бисёр нозук қилди. Вале сақолсиз элнинг чеҳрасини ёмон очадур. Ғабғабини кўп улуғ тортадур. Сақоллик кишини яхши чеҳрали, кушойлик қиладур»,— дейди.

Бобир бир қатор тарихий персонажларнинг бирор муҳим хусусияти ёки хислатини тасвирлаш билан ҳам китобхоннинг кўз ўнгида турли кишиларни гавдалантиришга эришади. Масалан, у Муллозода Мулло Усмон ҳақида сўзлаб, «Улуғбек мирзо замонида ўн тўрт ёшида дарс айтқони учун, Муллои Модарзод дерлар экандурлар... Андин манқулдур: дер эмиш, киши бир ниманиким эшитти, яна нечук унутар. Қавий ҳофизаси бор экандур» деб, ёш тиришқоқ ва хотираси ўткир бир олимни гавдалантиради; «...агар икки ҳариф учраса, бири била шатранж ўйнаб, яна бирининг этагини тутиб ўлтурур экандурким, кетмагай деб» уста ва ишқибоз шахматчи Мир Мумтозни тасвирлайди; шунингдек, икки қўллаб, балки бутун вужуди билан шахмат ўйновчи Зуннунни; Ўш тасвирида тоғ тарафдин оқувчи бир ариқ ҳақида сўзлар экан, «Ўш авбошининг зарофати будурким, ҳар ким анда уйқуласа, ул

www.ziyouz.com kutubxonasi

жўйдан сув қуярлар» деб Ўшнинг ҳазилкаш, шўх йигитларини гавдалантиради ва бошқалар.

«Бобирнома»да, гарчи тўлароқ таъриф ва тавсиф қилинмаса ҳам, минглаб қашшоқ ва муҳтож деҳқонлар, қуллар, асирлар ва бошқа гуруҳ кишилар ҳақида сўзланади. Бобирнинг буларга бўлган шахсий муносабатидан қатъи назар, унинг мемуарлари хонавайрон бўлган деҳқон хўжаликларини, инсоний ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум этилган ситамкаш қулларни, эрки бўғиб ташланган асирларни уларни қуршаб олган муҳит билан бирга гавдалантиради. Масалан, Бобир Ҳиндистонда қилган урушлари ҳақида сўзлар экан, мағлуб бўлиши аниқ бўлиб қолган бир тўда ҳинд аскарларининг асир тушишдан кўра ўлимни афзал билгани, бири қилич кўтариб, бошқалари бирин-кетин бўйнини тутиб берган ва ҳаммалари мардона ҳалок бўлганини сўзлайди ва бошқалар.

Шундай қилиб, «Бобирнома»да турли тоифа ва турли қиёфадаги қанчадан-қанча кишиларнинг ҳаёти ва фаолияти баён этилган. Бобир бу кишиларни шунчалик ҳаётий, аниқ ва равшан тасвирлаганки, «Бобирнома»ни ўқиётганимизда, инглиз олими Эльфинстон айтганидек, «биз уларнинг орасида яшагандек бўламиз ва уларнинг характерларини билиб олганимиздек, афт-башараларини ҳам кўра ва била оламиз...»

Бобир — «Бобирнома»нинг бош қаҳрамони

«Бобирнома»даги тарихий персонажлар айрим йиллардаги воқеалар, турли эпизодлар билан боғланган кишилардир. Асарнинг марказий ва етакчи фигураси эса Бобирнинг ўзидир. Бобир асарнинг муқаддимасидан тортиб хотимасига қадар китобхон билан доимий ҳамроҳ бўлиб боради. У тарихнавис сифатидагина эмас, балки аксар воқеаларнинг бевосита ёки бавосита иштирокчиси сифатида гавдаланади, воқеалар унинг фаолияти ва саргузаштлари атрофига уюшиб, асарга бир бутун композиция бағишлайди. Бобир бошқа тарихий шахсларнинг шакл-шамойили, хулқ-атвори, насл-насаби ва ҳоказолар билан алоҳида-алоҳида таништириб боради. Бироқ «Бобирнома»да Бобирнинг ўзи ҳақида шу вайлдаги махсус маълумотлар йўқ. Китобхон уни бутун асар давомида кўриб, кузатиб боради, у бутун ҳаёт йўли, иш-амаллари, кишиларга ва воқеаларга муносабати, дунёқараши, завқи ва диди, шодлиги ва қайғуси, ғалабаси ва мағлубияти, олқиши ва ранжиши, салтанати ва дарбадарлиги, қаттиққўллик сиёсати ва мушфиқлиги, ғазаби ва марҳамати, роҳати ва қўл остидаги йигитлари билан очин-тўқин, отлиқ ва яёв, оёқ яланг ва кулбасиз кечирган кунлари, билими ва донишмандлиги, кузатувчанлиги ва мушоҳадаси ва бошқа-бошқалар билан мужассамлашади, у гўё бир тарихий романнинг бош қаҳрамони сифатида гавдаланади. Бироқ фарқ шундаки, тарихий романда ёзувчи қаҳрамон образини яратар экан, у тарихий шахс билан боғлиқ бўлган ҳамма фактларни ҳам олиб, уларни айнан акс эттиравер-

www.ziyouz.com kutubxonasi

майди, балки ўз олдига қўйган мақсади ва вазифасига мувофиқ равишда фактларни танлайди, уларни ижодий қайта ишлаб олади, бадиий фантазиядан фойдаланади. «Бобирнома»да эса Бобирнинг ҳаёти ва фаолиятига оид фактлар айнан берилади. «Бобирнома»нинг жанр хусусияти, унинг мемуарлиги шуни тақозо қилади.

«Бобирнома»нинг бош қаҳрамони жуда мураккаб бир шахс. У сиёсий арбоб, лашкарбоши, олим, шоир ва донишманд, унинг фаолияти ва дунёқараши турли-туман зиддиятлар билан тўла.

Сиёсий жиҳатдан мустаҳкам марказлашган давлат қуриш учун курашган Бобир бир неча вилоят ва мавзуларни ўғилларига, бек ва амалдорларига бўлиб беради, тўғриси, шунга мажбур бўлади. У ўлкаларни қўлга киритиш ва уларни бошқаришда қаттиққўллик сиёсатини олиб боради. Жангдан бўйин товлаган йигитларининг бурнини тешади, жазолайди, неча минглаб афғонларни ва ҳиндиларни қириб ташлайди, калладан миноралар қуради ва ҳоказо. Бироқ биз «Бобирнома»да мана шу қаттиққўл ва даҳшатли подшо Бобирга зид бўлган олижаноб, марҳаматли ва мушфиқ Бобирни ҳам кўрамиз. Бобир кўплаб афғон асирларини, ҳинди тутқунларни озод қилади, ҳатто ашаддий душмани Аҳмад Танбалнинг асир тушган иниси ва унинг аскарларини кечириб юборади, босқинчилардан, муштумзўрлардан ғазабланади, уларни жазога тортади. «...Сайидим Али Дарбоннинг бир ўбдон навкари бировнинг бир кўза ёғини тортиб олғон учун,— дейди Бобир,— эшикка келтуруб таёқлаттим, таёқ остида-ўқ жони чиқти». Мустабид Хисравшоҳдан ғазабланган Бобир, унинг ўзи ҳам, бек ва навкарлари ҳам золим ва фосиқ эдилар, дейди ҳамда хотинини Хисравшоҳнинг навкари зўрлик билан олиб кетган кишининг арзига Хисравшоҳнинг берган жавобидан нафратланади. У мушфиқ ва инсонпарвар киши сифатида қуйидаги мисраларни келтиради:

Ҳазар кун зи дарди дарунҳои реш,
Ки реши дарун оқибат сар канад.
Баҳам бар мазан то тавони диле,
Ки оҳи жаҳоне баҳам барзанад.

(Ички яралар дардидан ҳазар қил! Чунки ички яра охири юзага чиқади. Қўлдан келганича ҳеч дилга озор берма! Дилдан чиққан бир оҳ бир жаҳонни барбод қилади.)

Шу равишда кишиларга муносабатда шоҳ Бобир билан инсонпарвар Бобир ўртасида қаттиқ кураш боради, гоҳи биринчиси, гоҳи иккинчиси устун чиқади, шоҳлик унинг инсонпарварлигига кўланка солиб туради.

Бобир феодал ҳукмдорларга танқидий ёндашади. Жумладан, у Ҳусайн Бойқаронинг катта ва донишманд темурий подшолардан эканини айтиш билан бирга, унинг ва сарой аҳлларининг айш-ишратга берилиб кетганини, Бойқаро билан ўғиллари ўртасидаги ноаҳилликни қоралайди, темурийларнинг Шайбонийхонга қарши

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирлашиб кураш олиб боролмаганидан ранжийди. У тож-тахт талашлари туфайли феодал ҳукмронларнинг иттифоқ эмаслигини эътироф қилиб, Шайх Саъдийнинг қуйидаги мисраларини келтиради:

Даҳ дарвеш дар гилеме бихусбанд,
Ду подшоҳ дар иқлиме нагунжанд.

(Ўн дарвеш бир гиламга сиғиб ухлайди, аммо икки подшо бир иқлимга сиғмайди.)

Бобир моҳир лашкарбоши, дов юрак баҳодир эди. У кўп уруш ва юришларда катта ҳарбий тажриба тўплаган, вазиятни тез пайқаб олувчи, стратегик планларини усталик билан амалга оширувчи, қўшин ва қуролдан яхши фойдаланувчи, рақибларининг заиф томонларини сезгирлик билан аниқлаб олувчи, ғалабадан эсанкирамаганидек, мушкул ҳолларда ўзини йўқотмайдиган саркарда эди. У кўп вақт қўшинининг олдинги сафида боради, хавф-хатарни писанд қилмайди, навкарларига ўзи намуна кўрсатади, уларга далда беради, бирга машаққат чекади.

XIX аср рус шарқшуносларидан Н. И. Веселовский: «Айтиш мумкинки, Бобир ботирлигининг чеки бўлмаган: унинг бутун ҳаёти, жасорати мисоллар билан тўлиб-тошиб ётибди. Ахир у Шайбонийнинг 15 минглик аскари турган Самарқандга ўзининг бор-йўғи икки юз кишилик отряди билан ҳужум қилишга журъат этган эди; фақат журъат этибгина қолмади, балки уларни қалъадан ҳайдаб ҳам чиқарди. Бобир империясининг асосланишини айтмайсизми! Бобир Иброҳим Лўдий қўлидан қудратли Ҳиндистонни ҳеч бир арзимас қурол ёрдамида тортиб олган»,— дейди.

Бобир ботир ва паҳлавон саркарда бўлиши билан бирга, нозик ҳисли, юмшоқ табиатли, кўнгли бўш киши эди. Одамларидан бирортаси ўлса, қаттиқ қайғурар, ўпкаси тўлиб йиғлар, узоқ муддат кўз ёшини тўхтатолмас, агар бирор киши касал бўлиб қолса, унинг атрофида парвона бўлар, дори-дармон ахтарар эди. Бобир — меҳрибон ва ғамхўр падар: фарзандларининг ҳар бирини жонидан ҳам азиз кўради. Қизи Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома»да айтишича, Ҳумоюн бетоб бўлиб қолганда, Бобир «...худоё, агар жон ўрнига жон бериш мумкин бўлса, менки Бобирман, умри-жонимни Ҳумоюнга бағишлайман»,— деб нола қилар, ўзи ўлим тўшагида ётганида, лаҳза ўтмай ўғли Ҳиндолни сўрар, унинг келишига интизор бўлар экан. У ўғилларини ҳамжиҳат бўлишга, бир-бирига меҳрибон ва садоқатли бўлишга ундар, уларга насиҳатлар қилар эди.

Бобир айш-ишратни яхши кўради, майхўрлик қилади, маъжун[1] ейди, овга чиқади. Бироқ у айш-ишратни ўзига мақсад қилиб олмайди, орзу-интилишларини маишатбозликка қурбон қилмайди,

[1] *Маъжун* — кайф берувчи гиёҳ билан асалнинг аралашмаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

базмларида одоб ва тартиб-қоидага қаттиқ риоя қилади, бадмастликка йўл қўймайди, ўзини тутолмаган кишиларни иккинчи марта суҳбатларга яқин йўлатмайди. Ҳаётининг сўнгги йилларида майхўрликдан батамом воз кечади. Бу ҳақда у бундай дейди:

Хуш қилиб ўзни бу кечмакликдин,
Тавба қилдим чоғир ичмакликдин.
Олтуну нуқра суроҳию аёғ,
Мажлис олоти тамомин ул чоғ,
Ҳозир айлаб борини синдурдум,
Тарк этиб майни кўнгул тиндурдум.

Бобир хўжалик, ободончилик, илм-фан, санъат ва адабиётга жуда катта эътибор беради. У ариқлар очтиради, ҳовузлар қаздиради, экин майдонларини хийла кенгайтиради, турли боғлар ва бинолар барпо қилдиради, доимо илм-фан, санъат ва адабиёт аҳллари билан яқин алоқада бўлади, билимини такомиллаштиради. У шодиёна чоғларида ҳам, аламли кезларида ҳам хилма-хил шеърлар битади. Ҳозиржавоблиги ва ҳазил-мутойбалари, халқ юмори ва мақолларини мукаммал билиши билан суҳбатдошларини мамнун қилади, илмий ва адабий асарларни мутолаа қилади, таҳлил этади ва холислик билан уларга баҳо беради.

Француз олими Лен-Пуль Бобир ҳақида шундай деган эди: «Бобирнинг биографик асар ва адабиёт борасида тутган ўрни унинг дадил саргузаштлари ва фаолияти билан, буларни ҳикоя қилган ажойиб мемуарлари билан белгиланади. Бобир жангчи бўлишига қарамасдан, нозик адабий завққа эга бўлган ва турмушни танқидий идрок этган киши эди. У маданий тил ҳисобланган форс тилида ва ўз она тилиси турк (ўзбек) тилида асарлар ёзган ўқимишли шоир эди. Туркча ёзганда хоҳ прозада бўлсин, хоҳ поэзияда бўлсин, соф ва содда услубнинг устаси эди... унинг мемуарлари бир аскарнинг ҳарбий юриш ва чекинишлари ҳақидаги оддий кундалик дафтар эмас; уларда шарқ адабиётини жуда яхши билган, нозик ва билимдон кузатувчи, одамларни тез ўрганувчи, улар ҳақида дадил ҳукм юритувчи бўлган бир кишининг ва табиат муҳибининг дунё ҳақидаги шахсий таассуротлари ва нозик фикрлари берилган.

Унинг ўз портретини чизишдаги самимийлиги, фазилат ва нуқсонларини ҳам тасвирлаши, очиқ кўнгиллилиги, ҳаққонийлиги ва ажойиб ҳазилкашлик туйғуси унинг гўзал мемуарларининг эътиборини янада оширади».

«Бобирнома»нинг илмий-маърифий аҳамияти

«Бобирнома» энциклопедик асардир. Унда тарихий воқеалар билан бирга, табииёт, география, топография, адабиётшунослик, тилшунослик, этнографияга ва фаннинг бошқа соҳаларига доир жуда қимматли факт ва маълумотлар берилган. Бобир тоғ ва даралар, кўл ва дарёлар, хилма-хил ўсимлик ва ҳайвонлар, жойларнинг ер ости бойлиги, халқларнинг урф-одати, тили, санъати ва адабиёти, айрим сўзларнинг этимологияси ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқа-бошқалар билан қизиқади, буларнинг барчасини эринмай кузатади, ўрганади, турли касбдаги кишилардан, кексалардан маълумот тўплайди. Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистон фақат сиёсий тарихи билангина эмас, балки табиати, илм-фани, санъат-адабиёти ва бошқа жиҳатлари билан «Бобирнома»да бирмунча тўла ва мукаммал тасвирланади. Масалан, у Ҳиндистонни тасвирлар экан, унинг географик ўрни, чегаралари, шаҳар ва кентлари, вилоятлари, элининг касб-кори, урф-одати, кийим-кечаги, эътиқоди, дарё ва тоғлари, иқлими, ер ости бойликлари, фил, карк, говмеши саҳройи, нилагов, кўтаҳпой, кийик, маймун ва бошқа ҳайвонлари; товус, тўти, шорак, лўжа, дуррож, пулпакор, чалсий, шом, ҳарчал, чарз, сорс ва бошқа қушлари; шери обий, хуки обий, карёл каби сув ҳайвонлари, балиқлари; анба, кайла анбули (ҳиндистон хурмоси), маҳва, кирни, жомин, гумрук, қадҳам, бадҳал, бийр, каруванда, панёла, чурунчи, норгил, норунж, лимона (лимон) каби мевалари, хилма-хил гуллари, йил фасллари ва ҳафта кунларининг номи, «рати», «машо», «тонг» деб аталган оғирлик ўлчовлари ва бошқа-бошқалар ҳақида сўзлайди. Бошқа ўлка ва вилоятлар ҳақида ҳам шундай хилма-хил ва кенг маълумотлар бор. Бобир ўнлаб олимлар, санъаткорлар ва шоирлар ҳақида ҳам маълумот беради, уларнинг асарларини таърифлайди, ижодий фазилатларини мақтайди, камчиликларини холисона танқид қилади. Шу жиҳатдан «Бобирнома» XV—XVI асрларнинг маданияти тарихини ўрганишда қимматли бир манбадир.

Бобир айрим номлар ва сўзларнинг этимологияси ҳақида ҳам хабар беради. Масалан, Хужанд билан Конибодом орасидаги Ҳодарвеш деган дашт ҳақида сўзлар экан, «дерларким, бир неча дарвеш бу бодияда тунд елга йўлуқуб, бир-бирини тополмай, «Ҳо дарвеш, ҳо дарвеш» дея-дея ҳалок бўлубтурлар, андин бери бу бодияни Ҳодарвеш дерлар» деса, Сирдарё ёқасидаги дарёнинг торроқ бир еридан бир така сакраб сувдан ўтгани учун у ерни «Такасекирган» деб атаганлар дейди. Андижон атрофида ўсадиган бир ўт бўта-бўта бўлиб ўсиб чиққани учун буни бўтка ўти деб атаганларини айтади ва бошқа этимологик маълумотлар беради.

«Бобирнома»да шу даражада кўп турли-туман маълумотлар борки, фаннинг деярли барча соҳаларидаги мутахассислар бу асардан баҳраманд бўла оладилар.

Шундай қилиб, «Бобирнома» тарихий ва бадиий асаргина бўлиб қолмасдан, балки илмий бир асар, ўзига хос энциклопедиядир.

«Бобирнома»нинг тили

Заҳириддин Муҳаммад Бобир ўзбек адабий тилининг буюк донишманди ва ҳомийларидан биридир. У Навоийдан кейин ўзбек адабий тилининг тараққиётида жуда катта роль ўйнади, халқ жонли тилининг бойликларини чуқур ўрганиб ва эгаллаб олди, адабий тилни халқ жонли тилига яқинлаштириш учун ҳормай-толмай курашди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бобир кўпинча ўз аскарлари ва оддий кишилар орасида бўлди. Бу ҳол эса Бобир тил бойлигининг ошишига ва тилининг бирмунча содда бўлишига олиб келди.

«Бобирнома» ўзбек адабий тилининг жуда муҳим ёдгорликларидан биридир. Бу асар орқали биз XV аср охири ва XVI аср бошларидаги ўзбек адабий тили ҳамда унинг ўша даврдаги асосий шеваларидан бўлган Андижон шеваси ҳақида кенг ва мукаммал тасаввурга эга бўламиз. «Бобирнома»нинг тили шу даражада бойки, бу асар асосида XV—XVI аср ўзбек тилининг мукаммал луғатини яратиш мумкин. Бобир адабий тилда ишлатилмаган ёки ундан мустаҳкам ўрин олмаган жуда кўп сўзларни адабий тилга киритади ва улардан ўринли фойдаланади. Бобир она тилининг луғат бойлигига ҳамда халқ мақоллари ва таъбирларига катта эътибор беради. «Қопудағини қопмаса, қариғунча қайғурур», «Кўзларини туз тутти», «Душман не демас, тушга не кирмас» каби халқ мақоллари ва таъбирлари ҳамда «Чумчуқ безгак бўлғон эмиш» каби халқ юмори «Бобирнома»нинг мазмунини ҳам, тилини ҳам бойитади. Форс-тожик тилини мукаммал билган ва бу тилда ажойиб шеърлар яратган Бобир «Бобирнома»да форс-тожик тилидаги «Деҳ кужову дарахтон кужо» («Қишлоқ қайдаю дарахтлар қайда»), «Узраш бадтар аз гуноҳ» («Узри гуноҳидан ёмонроқ»), «Сафи мағлубро ҳавле басандаст» («Енгилган сафга бир қўрқиш кифоядир»), «Он гузарро об бурд» («Ул кўчани сув олиб кетди»— «У толлар кесилиб кетди»), «Зикри номиро ҳакимон умри сони гуфтаанд» («Шуҳрат билан эсланишни ҳакимлар иккинчи умр деганлар»), «Марг бо ёрон сураст» («Дўстлар билан бирга бўлиб ўлмоқ тўйдир»), «Аз инжо ронда ва азон жо монда» («Бу ердан сурилиб, у ердан жудо бўлиб қолган») каби мақолларни ҳам қўллайди.

Ифоданинг ихчамлиги, соддалиги ва равонлиги «Бобирнома» тилининг жуда муҳим хусусиятидир. Бобир оз сўз билан кенг фикрни баён этишга, сўзларни танлаб ишлатишга ҳам ортиқча сўзларни қалаштирмасликка интилади, синоним, омоним ва антоним сўзлардан кенг ва ўринли фойдаланади. Бобир кўпинча содда гап формасини қўллайди, унинг қўшма гаплари, тузилиш жиҳатидан содда бўлиб, осонлик билан таркибий қисмларга бўлинади. «Бобирнома»нинг тилига хос бўлган бу хусусиятларни, жумладан, қуйидаги парчада равшан кўриш мумкин:

Фарғонанинг «етти пора қасабаси бор; беши Сайҳун суйининг жануби тарафида, икки шимоли жонубида. Жанубий тарафидағи қасабалар бири Андижондурким, вассатта воқеъ бўлубтур. Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм бўлмас. Андижоннинг нашпотисидан яхшироқ нашпоти бўлмас. Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш қўрғонидин сўнгра мундин улуғроқ қўрғон йўқтур. Уч дарвозаси бор. Арки

www.ziyouz.com kutubxonasi

жануб тарафида воқеъ бўлубтур. Тўққиз тарвов сув кирар. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас...» Ҳозирги замон китобхони бу парчани «қасаба»— шаҳарча, «васат»— ўрталиқ, «вофир»— мўл-кўл сўзларини луғатдан қараб олиб бемалол ва мукаммал тушуна олади. Бу Бобирнинг тил донишманди бўлганини ва тил бойликларидан, жонли тилнинг хусусиятларидан моҳирлик билан фойдаланганини ҳамда ўзбек бадиий прозаси етарли тажрибага эга бўлмаган бир даврда проза тилида катта муваффақият қозонганини кўрсатади.

Бобир тилни мукаммал билишни, нфоданинг содда, равон ва ихчам бўлишини ўзгалардан ҳам талаб қилар эди. У ўғли Ҳумоюнга ёзган хатларидан бирида унга бир муаллим сифатида насиҳат ва маслаҳат бериб, бундай деган эди:

...Хатингни худ ташвиш била ўқуса бўладур, вале асру муғлақтур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хили рост эмас, «илтифот»ни то «ﻠ» била битибсен. «Кулунж»ни «ё»— «ﻲ» била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур. Ғолибо хат битирда коҳиллиғинг ҳам ушбу жиҳаттиндур. Такаллуф қилай дейсен, ул жиҳаттин муғлак бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити; ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғучиға».

Бобир ўзининг лирикаси билан ҳам, «Бобирнома» асари билан ҳам ўзбек адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшди. Бобирнинг «Бобирномаси»дан илҳомланган қизи Гулбаданбегим форс-тожик тилида «Ҳумоюннома» асарини яратди. XVII асрда Абулғозий Баҳодир томонидан ёзилган «Шажари турк» ва «Шажари тарокима»да ҳам «Бобирнома» традицияларининг таъсири равшан кўринади. Совет адабиётида Бобир образи яратилди — (Ойбек, Б. Бойқобилов).

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУҲАММАД СОЛИҲ

(1455—1535)

Муҳаммад Солиҳ ўзбек адабиётининг улкан намояндаларидан биридир. Навоий ва Бобир каби атоқли сўз санъаткорлари томонидан истеъдодли шоир сифатида таърифланган Муҳаммад Солиҳнинг ўзбек ва форс-тожик тилида яратган шеърларидан айрим парчаларгина сақланиб қолган, холос. Унинг эпик ижоди — «Шайбонийнома» эса бизга қадар тўла етиб келди. Ўзбек классик адабиётида биринчи тарихий достон бўлган «Шайбонийнома», айрим тенденциоз хусусиятларига қарамай, икки сулола: темурийлар билан шайбонийлар ўртасидаги урушларнинг даҳшатли манзараларини тасвирлаши, бадиий услуби ва тили билан ўтмиш адабиётнинг қимматли бир ёдгорлигидир.

Ҳаёти ва фаолияти

Муҳаммад Солиҳ 1455 йилда Хоразмда туғилди. Унинг бобоси Амир Шоҳ Малик Улуғбекнинг васийси ва тарбиячиси бўлиб, Темур ва Улуғбек саройларида катта обрўга эга бўлган амирлардан эди. Отаси Нур Саидбек эса Улуғбек, Ўғуи мирзо ва Абусаид мирзо саройларидаги эътиборли арбоблардан бири бўлиб, кейинчалик Абусаид мирзога қарашли бўлган Хоразмда анча вақт ҳокимлик қилган.

Тожу тахтни эгаллаш учун узоқ йиллар давомида Абусаид мирзога қарши кураш олиб борган Ҳусайн Бойқаро 1467 йилда Хоразмга ҳужум қилади. Мудофаа чораларини яхши ташкил этолмаган Хоразм амирлари Ҳусайн Бойқаронинг ҳужумига бардош беролмай, қочиб кетадилар. Бундан ғазабланган Абусаид мирзо, тарихчи Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаус-саъдайн» («Икки бахтнинг бошланмаси») асарида ҳикоя қилишича, «Ҳамма амирлар Хоразм вилоятига жўнасинлар... гуноҳи аён бўлган ҳар бир кишига сазо ва жазо берилсин...», деб буйруқ қилади. Шу жумладан, Амир Нур Саид ҳам жанг кунлари парвосизлик қилгани учун гуноҳкор саналган эди. Амирлар, олий фармонга биноан, Хоразмга жўнаб, аҳволни батафсил биладилар: «Хоразм аскарларининг сони кўп бўлишига қарамай, зафарпаноҳ Мирзо Султон Ҳусайннинг ҳужумига бардош беролмай, бирданига қочиб қолган экан... Амир Пирдарвеш Кучин... Амир Нур Саидни тутиб олиб, уни отга миндириб, шамол тезлигида Ҳиротга юборди. Унинг бутун моллари ва важҳларини талон-торож эттирди. Амир Нур Саид раббиал-аввалнинг 20-сида Ҳиротга етди ва уни Ихтиёриддин қалъасига қамадилар... Жаноб шайх (Абдураҳмон Жомий) амир Нур Саиднинг гуноҳини тиладилар. Ҳазрати Хилофатпаноҳ (Жомий)нинг илтимосини қондирди...»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нур Саид Ҳиротда аввал хийла моддий муҳтожлик тортади. Ҳатто бир от беришни сўраб Абусаид мирзога мурожаат қилади. Лекин орадан кўп ўтмай, Абдураззоқ Самарқандийнинг айтишига қараганда, Нур Саид «яна катта амирлар қаторидан ўрин олади...».

1469 йилда Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтига чиқади. Абусаид мирзонинг бир қанча яқин амир ва беклари жазога тортилади. Шу вақтларда Марв шаҳрида бўлган Нур Саид ҳам қатл қилинади. Муҳаммад Солиҳ отасининг фожиали саргузашти ва ўзининг ёшлик чоғларини эслаб, кейинчалик «Шайбонийнома»да бундай деган эди:

...Лақаби Солиҳу ўзи солиҳ,
Нур Саид ўғли Муҳаммад Солиҳ.
Мундоқ айтурки, худодин тақдир
Чун отам ишига берди тағйир:
Чиқди Хоразм диёри қўлидин,
Хевақу Кот ҳисори қўлидин.
Тушти андин гузори Марв сори,
Анда соврулди эв(у) эли бори.
Айлади нўш шаҳодат жоми,
Анга неш ўлди саодат жоми.
Мени гардун ситами қилди етим,
Айлади кишвари ғам ичра муқим...

Муҳаммад Солиҳ оила бошига тушган кулфатларга қарамай, қунт ва ҳавас билан ўқийди, Абдураҳмон Жомийдан таҳсил олади, араб ва форс-тожик тилларини ўрганади, тарих, адабиёт, ҳуснихат ва бошқалар билан шуғулланади, шеър ёзишни машқ қилади. Шу билан бирга, у гоҳ Хуросонда, гоҳ Самарқандда темурий ҳукмдорларнинг саройида мулозимлик қилади.

Муҳаммад Солиҳ отасининг фожиали тақдири туфайли темурий ҳукмдорларга кек сақлар эди. Темурий шаҳзодалар ва амир-амалдорлар ўртасидаги низо-адоват, саройлардаги ишратбозликлар унинг ғазабини янада кучайтиради. Муҳаммад Солиҳ 1499 йилда Мулло Абдураҳим деган амалдорнинг маслаҳати билан темурийлар саройини тарк этиб, Шайбонийхон томонига ўтади. Темурийлар даргоҳида хизмат қилган амир-амалдорлар, шоир ва олимларни ўз томонига оғдириб олишдан манфаатдор бўлган Шайбонийхон Муҳаммад Солиҳни яхши қабул қилади ва ўз саройида «амирул-умаро» («амирлар амири»), «маликуш-шуаро» («шоирлар бошлиғи») мартабасига кўтаради. Муҳаммад Солиҳ Шайбонийхоннинг давлат идора ишлари ва ҳарбий юришларида актив иштирок этади. Шайбонийхон 1500 (905) йилда Бухорони эгаллаб Самарқандга юриш қилаётганида, Муҳаммад Солиҳни Бухорода ўз ўрнига қолдиради. Муҳаммад Солиҳ бир оз вақт Қундуз шаҳрида ҳам бўлади. У Шайбонийхоннинг укаси Султон Маҳмуднинг вафотидан кейин (1504 йил) Шайбонийхондан рухсат олиб Бухорога қайтади. Шайбоний 1504—1505 йилларда Хоразмга юриш бошлайди. Шайбоний қўшини Бухородан чиқиб Қоракўлга етганда Чоржўй ҳоки-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ми Амир Ёрали Шайбонийни совғалар билан қарши олиб, унга таслим бўлади. Шайбонийхон Чоржўйга Муҳаммад Солиҳни доруға (шаҳар ҳокими) қилиб қолдиради. Муҳаммад Солиҳ Чоржўйда бирмунча тартиб ўрнатиб олгандан кейин Шайбонийхоннинг изидан Хоразмга жўнайди. Хоразм ҳокими Чин Сўфи Ҳусайн Бойқародан мадад сўрайди. Шу орада Ҳусайн Бойқаро Шайбонийхоннинг эътиборини Хоразмдан четга тортиш учун, Қундуз, Чоржўй ва бошқа жойларга қўшин юборади. Муҳаммад Солиҳ Чоржўйга қайтади, қалъани мустаҳкамлайди, аскарларини жангга тайёрлайди. Темурийлар элчи юбориб, Муҳаммад Солиҳни ўз томонларига ўтказмоқчи бўладилар. Бироқ у:

Мен дедим: «Сизга жавобим ўқтур,
Мундин ўзга басе сўзум йўқтур.
Жаврингиздин отам ўлди, нетайин?
Бошима қайғу ўкулди, нетайин?
Мен отам қони учун отланаман,
Мен ўзим жони(м) учун қотланаман...»,—

деб жавоб беради.

Муҳаммад Солиҳ 1505 йилнинг охири ёки 1506 йилнинг бошида Несо (Ашхобод яқинида) шаҳрига доруға қилиб тайинланади. Афтидан, у 1510—1511 йилларгача Несо шаҳрида яшаган, Шайбонийхоннинг вафотидан кейин эса Бухорога қайтиб, умрининг охирига қадар ўша ерда истиқомат қилган. Лутф Али ибн Оқохон Озарнинг «Оташкада» асарида кўрсатилишича, Муҳаммад Солиҳ ҳижрий 941, мелодий 1535 йилда Бухорода вафот этади. Ҳасанхўжа Нисорий «Музаккирул-аҳбоб»да Муҳаммад Солиҳнинг Мирзо Улуғбек исмли ўғли бўлгани ва унинг истеъдодли шоир эканини айтиб, унинг:

«Эй хуш ул кунларки, кўнглим васлидин хушҳол эди; 5
Ахтарим фархундау бахтим ҳумоюн фол эди»

байтини келтиради. Муҳаммад Солиҳнинг оилавий ҳаётига доир бошқа маълумотлар сақланиб қолмаган.

Шундай қилиб, Муҳаммад Солиҳ темурийлар сулоласининг инқирози ва емирилиши, шайбонийлар сулоласининг вужудга келиши ва дастлабки ҳукмронлиги йилларида яшади, ижод қилди. Унинг ҳаёти ва фаолияти, бадиий ижоди, айниқса «Шайбонийнома» достони мана шу икки сулола ўртасидаги кураш ва тўқнашувлар билан, бу кураш ва тўқнашувларнинг оқибати билан яқиндан боғлиқдир.

Адабий мероси

Муҳаммад Солиҳ лирик ва эпик шоирдир. Манбалар Муҳаммад Солиҳнинг бадиий ижодиётдаги «зуллисонайнлик» традициясини муваффақият билан давом эттирган, ўзбек ва форс-тожик тилларидаги шеърлари билан китобхонларга, адабиёт аҳлларига манзур бўлганини кўрсатади. Бироқ, афсуски, Муҳаммад Солиҳнинг лирик шеърлар тўпламы

www.ziyouz.com kutubxonasi

бизга қадар сақланиб қолмаган ёки ҳозирга қадар номаълум бўлиб келмоқда. Биз бу истеъдодли шоирнинг айрим лирик парчалари билан «Мажолисун-нафоис», «Бадоеул-вақое», «Бобирнома», «Туҳфаи Сомий», «Оташкада» ва бошқа манбалар орқали таниша оламиз. Муҳаммад Солиҳнинг бир неча мустақил лирик шеърлари «Шайбонийнома» достонида ҳам бор.

Навоий «Мажолисун-нафоис»да Муҳаммад Солиҳ ҳақида бундай дейди:

«Муҳаммад Солиҳ — исми муносабати билан Солиҳ тахаллус қилур. Нур Саидбек ўғли дурурким, кўп вақтлар Чаҳоржўй навоҳисидан Адоқ навоҳисиға дегинча аморат (амирлик — *Н. М.*) қилди ва Султон Абусаид мирзо эшигида, Улуғбек ва Жўғи мирзо эшигида соҳиб ихтиёр ва жумлатул-мулк эрди. Аммо бағоят бадфеъл — бадхулқ киши эрди. Ўзи мулойим йигитдур. Атворининг отаси атвориға нисбати йўқтур. Анга ҳам ғариб саҳве туштиким, Султон Соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро — *Н. М.*) қуллуғидин ғайбат ихтиёр қилди. Баъзи дедиларким, бехудлуқ оламида ёмон мусоҳиблар ани ёмон йўлға тутубтурлар[1]. Табъида хели диққат ва чошни бор. Хатқа ҳам қобилияти кўпдур. Бу матла анингдурким:

Наям ошифта, гар пўшид кокул моҳи тобонаш,
Чи ғам аз тийрагийи шаб, чу бошад субҳи поёнаш»[2].

Юқорида келтирилган байт Муҳаммад Солиҳнинг моҳир санъаткорлигига бир далилдир. Бу байтда ҳароратли севги, ёрнинг висолига эришиш иштиёқи ва бунга ишонч ҳисси ташбиҳи том (тўла ўхшатиш) усули билан ифодаланган: *кокул* — тун, *юз* — тонг.

Заҳириддин Муҳаммад Бобир ҳам «Бобирнома»да Муҳаммад Солиҳга «Чошнилик ғазаллари бор, агарчи ҳамворлиғи чошнисича йўқтур, туркий шеъри ҳам бор. Ёмон айтмайдур...» деб баҳо беради ва бир неча ўринда унинг шеърларидан парчалар келтиради ҳамда бир байтига татаббуъ қилади.

Манбалардаги бу оз сонли шеърий инжулар «Шайбонийнома»даги лирик шеърлар билан биргаликда Муҳаммад Солиҳни уста лирик шоир сифатида гавдалантиради. У лирикада, гарчи асосан традицион мавзулар доирасида қолган бўлса ҳам, ўз оригинал адабий услубини ярата олган, турли хил бадиий усул ва тил воситаларидан моҳирлик билан фойдаланган, янги-янги образлар, лавҳалар яратган.

Бироқ Муҳаммад Солиҳнинг адабиёт тарихидаги ролини унинг бир неча мисраларигина сақланиб қолган лирикаси эмас, балки ҳозиргача тўла сақланиб қолган «Шайбонийнома» достонидан белгилаб оламиз. Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома»ни 1506 йилда ёзиб тугатади. Унинг бу достондан кейин яна қандай асарлар

[1] Навоий Мулло Абдураҳим каби кишиларни кўзда тутса керак.

[2] Байтнинг мазмуни: Кокили ёрқин ой (дай юзи) ни ёпиб турган экан, паришон эмасман; охири тонг бўлганидан кейин туннинг қоронғилигидан нима ғам?

www.ziyouz.com kutubxonasi

(лирик шеърлардан ташқари) яратгани маълум эмас. Шарқшунос Г. Вамбери «Бухоро ёки Мовароуннаҳр тарихи» асарида Муҳаммад Солиҳ «Лайли ва Мажнун» тахлитида бир маснавий яратган деб айтади. Бироқ бошқа манбаларда бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ. Эҳтимол, Г. Вамбери «Ноз ва Ниёз» манзумасининг 1524—1525 йилларда вафот этган автори Солиҳ исмли бошқа бир шоирни ёки 1566—1567 йилларда вафот этган Солиҳ Ибн Жалолни («Лайли ва Мажнун» номли достон авторини) Муҳаммад Солиҳ деб ўйлагандир. Ҳар ҳолда, Муҳаммад Солиҳнинг асосий адабий мероси «Шайбонийнома» бўлиб қолмоқда.

Шуни ҳам уқтириб ўтиш лозимки, Шайбонийхон ҳақида Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома»сидан бошқа яна бир неча асар ҳам яратилган эди. Бу асарларнинг кўпи бевосита Шайбонийнинг ўз топшириғи билан вужудга келган эди. Шундай асарлардан бири Мулло Шодийнинг 76 бобдан иборат «Фатҳномаи хоний» («Хоннинг ғалаба китоби») достонидир. Унда Шайбонийнинг туғилишидан тортиб 1501 йилгача (Самарқанднинг Шайбоний томонидан иккинчи марта истило қилинишигача) бўлган воқеалар баён этилади.

Шайбоний саройида бир неча йил хизмат қилган Биноий ҳам «Шайбонийнома» ва «Футуҳоти хоний» («Хоннинг ғалабалари») деган иккита тарихий асар ёзган[1]. Бу асарлар Шайбонийнинг болалик чоғларидан тортиб 1502 йилгача бўлган саргузаштларини ҳикоя қилади.

Тарихчи Рўзбеҳон Шайбонийнинг 913—914 (1508—1509) йилларидаги уруш-юришларини тасвирлаб, «Меҳмонномаи Бухоро»[2] асарини ёзади. Бу асарда тарихий воқеалардан ташқари, Шайбонийнинг диний маросимларда, баҳсларда иштирок этиши ҳам ҳикоя қилинади.

Булардан бошқа, ўзбек тилида номаълум бир автор ҳам Шайбоний ҳақида асар ёзган. Унда автор туркий халқларнинг қадим замонлардан бошлаб Шайбоний вафотига қадар бўлган тарихи ҳақида сўзлайди. Аммо асарнинг дастлабки қисмларида тарихий воқеалар эмас, балки афсона ва ривоятлар ҳикоя қилинади[3].

Юқоридаги асарларда, гарчи бой фактик материал берилса ҳам, лекин тарихий воқеалар феодал синфи манфаатлари нуқтаи назаридан ёритилади ва сулолаларнинг тож-тахт курашлари тенденциоз тарзда тасвирланиб, Шайбонийхон идеаллаштириб юборилади.

[1] Афтидан, Биноий аввал «Шайбонийнома»ни ёзади, кейин шу асарни қайта ишлаб, кенгайтириб «Футуҳоти хоний»ни яратади.

[2] Рўзбеҳоннинг айтишига қараганда, асарнинг асл номи «Сафарномаи Бухоро» бўлиб, Шайбонийхон унинг номини «Меҳмонномаи Бухоро» деб ўзгартирган.

[3] И. Берёзин уни асли ва русча таржимаси билан бирга «Шайбониада» деб атаб, Қозонда нашр эттиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«ШАЙБОНИЙНОМА»

«Шайбонийнома» нинг нусхалари

«Шайбонийнома»нинг 1510—1511 йилларда Қосим деган котиб томонидан кўчирилган энг эски қўл ёзма нусхаси Венада сақланади. Настаълиқ хати билан ёзилган бу нусха 218 варақ бўлиб, унда жанг ва зиёфат манзараларини тасвирловчи 9 та миниатюра ҳам келтирилади. Мана шу қўл ёзма нусха асосида Г. Вамбери 1885 йилда Венада достоннинг асл текстини ва унинг немис тилига қилинган таржимасини нашр эттирган эди. 1904 йилда эса шу қўл ёзма асосида машҳур рус туркшуноси П. М. Мелиоранский Петербургда «Шайбонийнома»нинг асл текстини нашр эттириб, Вамбери нашридаги камчиликларни тузатади ва ўша нусхадаги икки миниатюрани ҳам китобга киритади. Кейинчалик бу асарнинг айрим боблари, парчалари турли хрестоматия ва тўпламлардан ўрин олади, 1961 йилда эса бу асар Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти томонидан тўла босиб чиқарилади.

Муҳаммад Солиҳ ва унинг ижоди А. Иброҳимов томонидан тадқиқ этилиб, кандидатлик диссертацияси ёзилган (1950 й.)

«Шайбонийнома»— тарихий достон

«Шайбонийнома» Шайбонийхонга бағишланган достон бўлиб, унинг темурийларга қарши олиб борган уруш ва юришларини тасвирлайди.

Достон 8902 мисрадан иборат бўлиб, 76 бобга бўлинган. Булардан 16 боб достоннинг муқаддимасидир: I—III боблар диний-традицион характердаги боблар бўлиб, IV боб сўз таърифи, V—XIV боблар Шайбонийхоннинг таърифи ва тавсифига бағишланган, XV бобда «Китоб назмининг сабаби» баён этилади, XVI боб Мулло Абдураҳимга аталади. Достоннинг асосий қисми XVII бобдан бошланади. Бу бобларда 1499/1500—1505/1506 йилларда рўй берган тарихий воқеалар хронологик изчиллик билан акс эттирилади; икки сулола — темурийлар билан шайбонийлар ўртасидаги урушлар ва бу урушларнинг оқибати достон сюжетининг асосини ташкил этади. Бу қонли курашларнинг шоҳиди ва иштирокчиси бўлган Муҳаммад Солиҳ ўз кўзи билан кўрган, ўзи қатнашган воқеаларни ҳикоя қилади. Шунга кўра, у бундай дейди:

Ҳар не кўрдим черигида бир-бир,
Борчасин назм ила қилдим таҳрир.

Достонда Шайбонийхоннинг 1499—1500 йилларда Туркистондан Самарқандга қўшин тортиб келиши, Самарқандни босиб олиш учун дастлабки уринишларининг барбод бўлиши ва чекиниши, Бухоро вилоятининг ҳокими Боқи Тархон ва унинг қўшини Даббусий қўрғонида (ҳозирги Зиёвуддин яқинида) қамал қилиб, Бухорони босиб олиши, Қоракўл, Қарши, Ғузор ва бошқа жойлардаги аҳолининг қўзғолонларини қаттиққўллик билан бостириши, Самарқандни олти ой қамал қилиши, Бобирнинг Самарқандни ташлаб чиқишга мажбур бўлиши, Шайбонийхоннинг Самарқандни, кейинроқ Андижон, Тошкент, Ҳисор, Бадахшон ва бошқа вилоятларни забт этиши бирма-бир баён этилади. Достон 1504—1506 йилларда Шайбонийхоннинг Хоразмга юриши, уни эгаллаб олиб, ғалаба билан Бухорога қайтиши тасвири билан тугайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Шайбонийнома»ни жангнома деб аташ ҳам мумкин. Бироқ у «Або Муслим» ва «Жамшид» типидаги традицион жангномалардан тубдан фарқ қилади, чунки бу асарларда афсонавий воқеалар ҳикоя қилиниб, уларда кишилардан ташқари девлар, жинлар, парилар ҳам иштирок этади, диний «каромат» ва «мўъжизалар» сўзланади. «Шайбонийнома»да эса шоир кўз ўнгида бўлиб ўтган тарихий воқеаларгина баён қилинади. Шу билан бирга «Шайбонийнома» Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» асари типидаги қаҳрамонлик достонларидан ҳам ўзига хос хусусиятлари билан принципиал фарқ қилади: «Садди Искандарий»да тарихий воқеаларни ва тарихий шахсларнинг фаолиятини тасвирлаш вазифаси қўйилмайди. «Шайбонийнома»да эса, шоирнинг тутган позициясидан қатъи назар, тарихий воқеа ва тарихий шахслар тасвирланади.

Бинобарин, «Шайбонийнома» ўзбек адабиёти тарихида жангноманинг янги туридир, у биринчи тарихий достондир.

Тарихий шахслар қиёфаси

«Шайбонийнома»нинг персонажлари тарихий шахслардир. «Шайбонийнома»да икки сулола ўртасидаги тож-тахт курашлари тасвирлангани учун, унинг персонажлари ҳам асосан шу икки сулоланинг намояндаларидир. Достонда, бир томондан, Шайбоний ва унинг ҳамкорлари: Султон Маҳмуд, Темур Султон, Жонвафобий ва бошқалар, иккинчи томондан, Бобир, Ҳусайн Бойқаро, Боқи Тархон, Султон Али, Бадиуззамон ва бошқа темурий ҳукмдорлар кўринади. Шоир бу образларни уларнинг ўзаро феодал курашлардаги фаолияти, тарихий воқеалар ривожида тутган ўрни ва, қисман бўлса-да, шахсий ҳаёти, феъл-атвори тасвирида гавдалантиради. Бироқ Муҳаммад Солиҳ тарихий шахсларга ҳамиша ҳам объектив муносабатда бўлавермайди, у тенденциозлик кайфиятларига берилади, темурийларни мумкин қадар қоралашга, Шайбоний ва унинг ҳамкорларини идеаллаштиришга интилади. Лекин, шунга қарамай, у тарихий фактларни баён этар экан, истар-истамас, Шайбонийхон ва унинг ҳамкорларининг золимлигини, ахлоқий ва маиший бузуқликларини фош қилиб қўяди.

«Шайбонийнома»да ўзаро урушлар туфайли даҳшатли азобларга гирифтор бўлган дарғазаб шаҳар ва қишлоқ аҳолиси — халқ образи ҳам берилган. Шоир халқ бошига тушган кулфат, харобалик ва вайроналиклардан қайғуради, бироқ бу мусибатларнинг барчасини «тақдир» билан боғлайди, Шайбонийга қаршилик кўрсатган аҳолини қоралайди.

«Шайбонийнома»да шоирнинг ўз образи ҳам бор. У тарихнавис — нозим, воқеалар иштирокчиси сифатида, ғоявий қарама-қаршиликлари билан бирга гавдаланади. Айниқса лирик ўринлар шоир шахсиятидаги қарама-қаршиликларни янада чуқурроқ ва тўлароқ очиб беради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шайбонийхон образи

Муҳаммад Шайбоний (1451—1510) Дашти Қипчоқда кўчманчи ўзбекларнинг йирик давлатини вужудга келтирган Абулхайрхоннинг набирасидир. Абулхайр ўлгандан кейин унинг тож-тахтини эгаллаш учун бошланган курашлар чоғида Шайбоний (шоҳ Будоғнинг ўғли) Бухорога қочиб келади. Бухоро ҳокими Абдулали Тархон уни яхши қабул қилади. Шайбоний бир неча йил Бухорода ўқийди ҳамда бобосининг давлатини тиклаш мақсадида Туркистон атрофига қайтиб келади. Бироқ етарли ҳарбий куч тўплай олмайди. Кейинчалик Темурийлар давлатининг инқирозидан фойдаланиб, Мовароуннаҳрнинг ички районларига (Самарқанд, Бухоро ва бошқа жойларга) бостириб кира бошлайди. У айниқса Бобирга қарши узоқ ва қаттиқ кураш олиб боради. Шайбоний қонли курашлар билан Мовароуннаҳр ҳокимиятини қўлга киритади, узоқ тайёрлик ва кўп уринишлардан кейин 1507 йилда Хуросонни эгаллайди, сўнгра Эронни ҳам истило қилмоқчи бўлади. Бироқ Эрон шоҳи Исмоил 1510 йилда Марв яқинида уни 17 минг кишидан иборат қўшини билан бирга қамал қилиб, мағлубиятга учратади ва Шайбонийни ўлдиради.

Шундай қилиб, Шайбоний бутун умрини тож-тахт учун бўлган курашларда ўтказган типик феодал ҳукмдордир. Шу билан бирга у лашкарбоши ва шоир ҳам эди, у ўз сулоласи манфаатлари учун илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларини, қисман бўлса-да, ўз саройи атрофига жалб этади, темурийлар саройини тарк қилиб келган Муҳаммад Солиҳ, Биноий каби шоирларни ўз ҳимояси остига олади.

Муҳаммад Солиҳ Шайбонийнинг бутун ҳаёти ва курашини ҳикоя қилиб ўтирмайди. У муқаддимада Шайбонийнинг саргузашти ҳақида қисқа маълумот бергандан кейин, достоннинг асосий бобларида унинг 1499—1506 йиллардаги фаолиятини, темурийларга қарши олиб борган курашини батафсил сўзлайди. Шайбонийни адолатли, маърифатли ва халқпарвар подшо деб кўкларга кўтариб мақтайди, уни идеаллаштиради.

Муҳаммад Солиҳ Шайбонийни «тенгрининг ердаги сояси» деб атайди, унинг ҳар бир тадбирини мамнуният билан қутлайди, унинг ҳар бир зафарини дин ва шариатнинг зафари деб таърифлайди, унга янги ғалабалар тилайди. Шайбонийни «Жамшиди даврон», «Сулаймони замон» деб атаб, уни Искандар, халифа Ҳайдар ва бошқалар билан тенглаштиради. Илм-фанда у гўё ўз асрининг Ибн Синосидир, у ўз ҳикматлари билан ҳар қандай мушкулни ҳам ҳал этишга қодирдир, унинг касб-ҳунарда тенги йўқ; адабиёт соҳасидаги уқуви ва истеъдоди эса янада зиёдроқдир. У, Муҳаммад Солиҳнинг фикрича, бошқа хонлар каби мажлис қурмайди, айш-ишрат сурмайди ва ҳоказо.

Муҳаммад Солиҳ мадҳияхонлик руҳидаги ўз таъриф ва тавсифлари билан Шайбонийхонни идеаллаштириб, унинг обрў-эътиборини

www.ziyouz.com kutubxonasi

борини оширишга, янги сулоланинг ҳокимиятини мустаҳкамлашга интилган.

Бироқ Муҳаммад Солиҳ объектив тарихий ҳақиқатни четлаб кетолмайди. У кечмиш воқеаларни ҳикоя қилар экан, истар-истамас, Шайбонийхон ва унинг қўшинининг босқинчилигини, эл-юртни талон-торож қилишини, маънавий-ахлоқий ярамас хатти-ҳаракатларини фош қилиб қўяди.

Икки сулоланинг тож-тахт учун кураши натижасида кўп шаҳар ва қишлоқлар хароб бўлади, минглаб кишилар қирилиб кетади, даҳшатли очлик ва оммавий касаллик вужудга келади. Буларнинг барчасига темурийлар каби шайбонийлар ҳам баб-баробар айбдор эдилар. Китобхон ўзаро феодал урушларнинг даҳшатли оқибатларини кўрар экан, шоирнинг талқинидан қатъи назар, Шайбоний ва унинг хатти-ҳаракатларидан ғазабланмай қолмайди. Шоир Шайбонийнинг шаҳар ва қишлоқларга бостириб киришини тасвирлаб:

«Ҳеч ким қолмади ул вақт қуруқ,
Йўқ эрди молу қиз олурға сўруқ»,

ёки:

«Боттилар молға лашкар борча,
Бўлдилар бой-тавонгар борча»,—

дейди.

«Молу қиз олиш»дан Шайбонийхоннинг ўзи ҳам четда қолмайди. У Боқи Тархонни енгиб, Бухорони қўлга киритганида, 12 яшар норасида қизни хотинлари қаторига қўшиб олади. Шайбоний Хоникахон ва Аложахонларни ҳийла-найранг билан енгиб, асир олар экан, уларнинг хотин-қизлари шаънига ҳақоратли сўзлар айтади.

Шайбонийхонни

«Ўзга хонлар каби мажлис қурмас,
Айшу ишрат соридин дам урмас.
Бода ичмоқ сори бўлмас мойил,
Бир замон ишидин бўлмас ғофил»,—

деб таърифлаган Муҳаммад Солиҳ, истар-истамас, уни айш-ишратга берилиб кетган хон сифатида ҳам тасвирлайди.

Муҳаммад Солиҳ Шайбонийхоннинг хатти-ҳаракатларини баъзи бир тарих китобларининг авторларига қараганда анча объектив баён этади. Масалан, 1501 йилда Самарқанднинг олиниши ва Султонали мирзонинг фожиасини олайлик. Шайбонийхоннинг Самарқандни босиб олишида унга Султонали мирзонинг онаси Зуҳрабегимнинг енгилтаклиги қўл келган эди. Зуҳрабегим, агар Шайбонийхон мени ўз никоҳига олса, Самарқанд дарвозасини очиб бераман деб, Шайбонийхонга элчи юборган ва бу қарорига ўғлини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам рози қилган эди. Шунда Шайбоний ҳам ўзини Зуҳрабегимга «ошиғи беқарор» қилиб кўрсатади. Шайбонийхон Зуҳрабегимга «ишқ-муҳаббат изҳор қилиб», Самарқандни қўлга киритади, сўнгра кўп ўтмай Султонали мирзони ўлимга ҳукм қилади, унинг онасини бировга хотинликка бериб юборади.

Шоир Зуҳрабегимнинг енгилтаклигидан ғазабланиб, уни лаънатлайди. Бироқ шоир Шайбонийхоннинг қилмишидан ғазабланганини ошкор айтолмайди, уни лаънатлай олмайди, гўё у буни китобхоннинг ўзига ҳавола қилади.

Бу воқеа Хондамирнинг «Ҳабибус-сияр» асарида ва «Бобирнома»да ҳам шу зайлда ҳикоя қилинади. Бироқ Шодийнинг «Фатҳномаи хоний» асарида тарихий ҳақиқат бузиб берилади. Унинг айтишича, гўё Султонали мирзо Шайбонийга ўз ихтиёри билан тобе бўлади, Шайбоний уни иззат-эҳтиром қилади. Султоналини ғийбат қилган амалдорларни қойийди, Султонали амалдорларнинг суиқасди билан ўлади. Бундан Шайбоний қаттиқ афсусланади. Номаълум авторнинг ўзбекча насрий «Шайбонийнома»сида эса Шайбонийхон:

«...Андин сўнг Самарқанд устига бориб, Боғи Майдонга нузул қилдилар. Ва Султонали мирзоға насиҳат қилиб юбордиларким, Самарқандни яхшилик била солиб чиқ! Ул хоннинг насиҳатини қабул қилмайдирур. Тўққиз ой қамалдин сўнг Султонали мирзо ожиз бўлиб, кўринишга чиқди ва ҳазрати Хон Самарқандни фатҳ қилиб, Султонали мирзонинг онасини никоҳ қилиб олдилар. Неча кундан сўнг Султонали мирзо мастлигида Кўҳакдин йиқилиб ўлибдир...»,—

дейилади.

Шундай қилиб, Муҳаммад Солиҳ, бир томондан, достоннинг бош қаҳрамони Шайбонийхонни муболағали мақтовлар билан идеаллаштиради, тарихий ҳақиқатдан узоқлашади, иккинчи томондан, унинг фаолиятини объектив фактлар асосида тасвирлаб, тарихий ҳақиқатга, реализм тенденцияларига яқинлашади. Бу чиндан ҳам шоирнинг субъектив нияти билан объектив воқелик ўртасидаги зиддиятнинг, шу билан бирга, унинг ижтимоий-сиёсий қарашидаги ички қарама-қаршиликларнинг ифодаси эди.

Темурийлар образи

Шайбонийлар билан темурийлар ўртасидаги тож-тахт курашлари «Шайбонийнома» достонининг асосий ва етакчи конфликтидир. Достон автори шу конфликт аспектида бир неча темурий ҳукмдорнинг эпизодик образини яратади ҳамда инқирозга юз тутган темурийлар салтанати ҳақида фикр юритади. У темурийлар салтанатининг инқирозини тасвирлайди, темурийларнинг ўзаро ихтилофларини, тож-тахт талашишларини ва маънавий тубанликларини тўғри танқид қилади. Достоннинг муқаддимасида шоир темурийлар ҳақида сўзлар экан:

...Бу жамоатки кўрарсан ҳоло,
Тана-тирно била бошлаб ғавғо,
Ичадурлар кеча-кундуз бода,
Дину имон соридин озода.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир-бири бирла мухолиф борча,
Бир-биридин тақи ҳойиф борча.
Атодин бордур ўғул нохушнуд,
Атони ўғул этой дер кобуд.
Ато ҳам бордур ўғулдин безор,
Ўлтурур ўғлини йиғлатиб зор...
Қайдаким чодирини тикти нифоқ —
Қолмас ул *теграда осори вифоқ*.
Мулк илгидин чиқару тахт ила тож,
Тахту тож аҳлин этарлар ихрож,—

дейди. Дарҳақиқат, тож-тахт талашлари ва ишратпарастлик темурийлар салтанатининг ҳалокатини янада яқинлаштирган эди. Ички курашлар, зиддиятлар гирдобида қолган темурийлар Шайбонийхонга қарши курашда бир ёқадан бош чиқариб, ўз кучларини бирлаштира олмаган эдилар. Кўп йиллар давомида Шайбонийхонга қарши Заҳириддин Муҳаммад Бобиргина деярли яккама-якка жанг олиб борган эди.

Муҳаммад Солиҳ темурийларнинг бир-бирига нисбатан адоват ҳамда хусуматини Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғиллари мисолида ҳаққоният билан очиб ташлайди. Шайбонийхон Хоразмни босиб олгандан кейин Ҳусайн Бойқаро ўз тож-тахти қўлдан кетиб қолиш эҳтимолидан ҳадиксираб, темурий ҳукмдорларни ва шаҳзодаларни йиғиб, душманга қарши биргаликда кураш олиб боришга қарор қилади. Бироқ темурийлар ўзаро зиддиятларини енголмайдилар, маишатбозликдан қутула олмайдилар:

...Ул кун ичку билан ўткордилар,
Маст ўлиб мажлисидин бордилар...

Муҳаммад Солиҳ темурийларни шу хилда қоралаганда, шубҳасиз, ҳақли эди. Бироқ, шуни ҳам уқтириш лозимки, у бу айбномани Шайбонийхонни идеаллаштиришга бир восита қилиб қўяди. Шайбонийхоннинг тахтга чиқишини қонуний бир ҳодиса деб таърифлайди, уни «элга иноятлар қилувчи» «Маҳдии замон» деб атайди:

Дедилар борча манга донолар,
Ким: «Адам бўлғусидур мирэолар,
Давлати оли Темур[1] кетгусидур,
Навбат ўзга кишига етгусидур.
Ул киши бордур Шайбонийхон,
Хони Шайбондуру Маҳдии замон,
Ҳоли онинг ери Туркистондур,
Ўзбек элига муаззам хондур...
Иттифоқ анда-у дину имон.
Зарби шамшеру намозу қуръон,
Мулк ул олмаса, ким олғусидур?
Борча офоқ анго қолғусидур.

[1] *Оли Темур* — Темур хонадони, Темур авлоди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундан ташқари, Муҳаммад Солиҳ темурийларга, айниқса Бобирга ҳаддан ортиқ тенденциоз муносабатда бўлади. У Бобирни мумкин қадар қоралашга, салбий ҳолда кўрсатишга интилиб, унинг фаолиятидаги ижобий томонларни эътироф қилмайди. Унинг тасвирида Бобир золим ва жоҳил бир киши сифатида гавдаланади. Муҳаммад Солиҳ Бобирнинг Самарқандни эгаллаб олишини баён қилар экан:

Чу Самарқандни олди Бобир,
Халқ аро тафриқа солди Бобир.
Ҳусн майдонига золим кирди,
Зулм бозорига равнақ берди...

дейди. У Бобирга нисбатан тенденциоз кайфиятда бўлгани туфайли, Бобирнинг Самарқандни олишига хийла хайрихоҳлик билан қараган шаҳар аҳолисини ҳақорат қилишгача бориб етади:

...Ушбу сўзлар била ул нодон эл,
Қойси нодонки бўлак ҳайвон эл,
Шартлар айладилар мустаҳкам,
Қилдилар қалъаларини маҳкам...

Шундай қилиб, Муҳаммад Солиҳ, бир томондан, темурийлар салтанатининг инқирози ва ҳалокатини тўғри тасвирлашга интилса, иккинчи томондан, тенденциозлик кайфиятларига берилиб, тарихий ҳақиқатни сохталаштиради.

Халқ образи. Феодал урушлар оқибатининг тасвири

Икки сулоланинг тож-тахт кураши феодал-клерикал эксплуатация остида эзилиб ётган меҳнаткаш аҳолини янада қаттиқроқ хонавайрон қилган эди. Даҳшатли урушларда кўпгина шаҳар ва қишлоқлар хароб этилган, элнинг мол-мулки талон-торож қилинган, йигитларнинг қони беҳуда тўкилиб, қизларнинг номуси таҳқирланган, ота-оналар зор-зор йиғлаган, қон қақшатилган эди.

«Шайбонийнома»да халқ образи мана шу урушлар ва уларнинг оқибати аспектида тасвирланади; шоир икки сулола ўртасидаги уруш ва унинг оқибатларига «тақдирнинг иши» деб қараши ҳамда Шайбонийхонга ён босиши, уни оқлаши ва феодал-клерикал эътиқодларига қарамай, халқ оммасининг феодал босқинчиларга бўлган нафрат ва ғазабини, унинг ватанпарварлик ва қаҳрамонлик руҳини, ўзаро урушларнинг даҳшатли лавҳаларини тасвирлайди, жой-жойи билан мазлум ва жабрдийдалар ҳолига ачинади. Бу билан Муҳаммад Солиҳ ўзбек классик адабиётида реализм тенденциялари ривожига катта ҳисса қўшади.

Халқ оммаси, жумладан Самарқанд аҳолиси темурийлар ҳукмронлиги даврида кўп жафо чеккан эди. Бинобарин, Муҳаммад Солиҳ:

Неча йил мунча балолар бор эди,
Анга анвои жафолар бор эди,—

www.ziyouz.com kutubxonasi

дейди. Бироқ аҳоли бошқа бир подшонинг келиши билан ўз аҳволи яхшиланмаслигини, икки сулоланинг тож-тахт талаши ўзига фақат очлик, харобалик ва ўлим келтиришини билар эди. Шунинг учун аҳоли Самарқандни мардона мудофаа қилишга отланади:

Олишиб қалъани биз соқлоғоли,
Солишиб биз қалъани соқлоғоли.
Итларимизгача ҳосил сўёли,
Ит эти ейирға кўнгул қўёли.
Ангоча соқлоғоли қўрғонни,
Жонига еткуроли ул хонни.

Бошқа шаҳарлар аҳолиси ҳам самарқандликлар каби, Шайбонийхон қўшинига қарши мардона курашга отланиб, қўрғонларини қаттиқ мудофаа қилади. Дўқ-пўписалар ғазабкор ва исёнкор халқнинг руҳини сўндиролмайди. Султон Маҳмуднинг Қоракўл аҳолисига сурбетларча айтган баландпарвоз сўзларига қарши аҳоли:

Дедилар: «Ҳар на қилурсиз, қилингиз!
Урушур бўлсангиз, эмди келингиз!..
Биз бошимизни кўрубмиз онда,
Йўқтурур ҳеч ишимиз жонда.
Кўчамиз маҳкам эрур, қўрғон ҳам,
Ола олмас ани султон, хон ҳам»,—

дейди ва мудофаа жангига отланади. Бироқ халқ оммаси икки сулоланинг тож-тахт урушлари олдини ололмайди, Шайбонийхоннинг ҳужумларини даф этолмайди, у темурийларнинг жабр-зулмидан нажот топмай туриб, шайбонийларнинг босқини ва талонига гирифтор бўлади.

Шайбоний:

Бизга йўқ ҳеч тарафдин ташвиш,
Қабомоқдин басе йўқ яхшироқ иш,—

деб шаҳар ва қўрғонларни қамал қилиш, алоқа йўлларини кесиб қўйиш, аҳолини озиқ-овқатсиз, сувсиз қолдириб дармонсизлантириш тактикасини қўллайди. Жумладан, у Самарқандни 6 ой, Қарши ва Андижонни 2 ой қамал қилади. Қамал кўпинча авжи пишиқчилик маҳалига тўғри келар эди. Халқ йил бўйи пешона тери тўкиб етиштирган ҳосилини йиғиб ололмай, жонини сақлаб қолиш учун, шаҳар ва қўрғонларга чекинишга мажбур бўлар, тез орада озиқ-овқати тугаб, очлик ва қаҳатчилик ва ўлат бошланар, минг-минглаб кишилар қирилиб кетар эди.

Шайбонийнинг Самарқандни қамал қилиши ҳам пишиқчилик вақтида бошланган эди. Аҳоли дала-даштни ташлаб шаҳарга чекинади, Шайбоний қўшини бутун уй-жой, экин-тикинни эгаллаб ола-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, шаҳар ичидаги аҳоли очликдан қирила бошлайди. Бу манзарани Муҳаммад Солиҳ қуйидагича тасвирлайди:

...Ташқари меваю ошлиқ бисёр,
Ҳар на лашкарга керак, бор-тайёр...
Ташқари боғлар ичра анҳор,
Ичкари сувсиз улус йиғлаб зор...
Ҳазрати хон черики хурраму шод,
Фикру андуҳ сўзидин озод.
Боғлар ичра қилиб айшу ишрот,
Тушубон сабзасидин сабз бисот.
Мевалардин тузуб асбоби фароғ,
Жаннате ҳар бирисига бир боғ...
Ташқари мева чу бисёр ўлди,
Ичкари халқ дилафкор ўлди.
Ташқари мева саросар пишти,
Ичкари очлиғидин эл шишти...
Олти ой чекти бу қўрғон қаболи,
Бўлмади ҳеч тарафдин холи.

Мазлум халқ шаҳардан чиқиб, ўз экин-тикинига ўғирликка киришга мажбур бўлади. Кузнинг ҳосилидан маҳрум бўлган эл шиддатли қишнинг ҳужумига дуч келади:

Чун Самарқанд бу навъ бўлди хароб,
Бўлди кўп қаҳат бўлурга асбоб.
Куз бу навъ эрди улуснинг ҳоли,
Езға шаҳар ўлди улусдин холи.
Қиш қаттиқ келдию кўп ёғди қор,
Ўлди очу ёлонғоч эл бисёр...

Шоирнинг тасвирлашича, бу даҳшатлардан гўё кўк ҳам алам чекади, у «мўлдур-мўлдур» кўз ёшини оқизиб, кўча-кўйда ётган ўликларни ювади, сўнгра қор ёғиб, гўё уларни кафанга ўрайди:

Аввало бир неча ёғди ёмғур,
Томди кўкнинг ёши мўлдур-мўлдур.
Ёғди ёмғур сўнгидин мунча қор
Ким, ўлукларга қилиб меҳр изҳор.

Фақат Самарқанд аҳолиси эмас, балки қамал қилинган бошқа жойларнинг аҳолиси ҳам шундай даҳшатга йўлиқади. Чунончи, Урганч қўрғони қамал қилинганда, кишилар очликдан ўлмаслик учун эшак, ит, ҳаттоки одам этини ейишга ҳам мажбур бўлганлар:

Эшаку ит эди дору бўлди,
Давр қўрғонда бу тавр эврулди...
Едилар ёшгина ўғлонларни,
Жуъдин[1] қутқорибон жонларни.

Қамалда қолган Қарши аҳолиси қаҳатчилик ва очлик устига ўлат балосига ҳам гирифтор бўлган эди:

[1] *Жуъ* — очлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ташқари элга ғаниmат тушти,
Ичкари элга ўлат ёпушти.
Гоҳ уч юз киши ўлди бир кун.
Гоҳ ўн кент эли ўлди бир кун...
Ики ойким қабол эрди онда,
Оз киши қолди ўшул қўрғонда.
Қолгани ҳам бори бемор эдилар,
Гуссау ғам қўлида зор эдилар...

Қамал билан эл-юртни толиқтириб, шаҳар ва қўрғонларни босиб олган Шайбоний қўшини аҳолининг бошига янги-янги даҳшатлар солади, минглаб гуноҳсиз кишилар ўрта асрнинг энг даҳшатли қийноқлари билан ўлдирилади.

Шу даврнинг бошқа тарихий ёдгорликлари ҳам Шайбонийхоннинг тинч аҳолига мислсиз зулм кўрсатганини ҳикоя қилади. Жумладан, Шодий «Фатҳномаи хоний»да Шайбонийхоннинг Даббус қалъасини босиб олиб, ёш-қари демай кўплаб кишиларни қириб юборганини айтади.

Шайбонийхон қамал ва ўлдиришлар билан чекланиб қолмайди. У эл-юртнинг мол-мулкини талон-торож қилади, кишиларнинг хотини ва қизини тортиб олиб, уларнинг шаънига иснод келтиради. Хондамир «Ҳабибус-сияр»да Шайбонийнинг Бухорони босиб олишини сўзлар экан, «Шайбонийхон ҳукм қилдики, қўшинлар у вилоят аҳолисининг бутун молларини талон-торож қилсинлар...» дейди. Шайбонийхон қўшинининг талончилиги «Шайбонийнома»да ҳам фактлар асосида кенг тасвир қилинади. Минглаб ҳисорликларни қириб ташлаган Шайбонийхон қўшини халқни талашга киришади. Ҳисор аҳолиси мол-мулкидан ва ўғил-қизидан жудо қилинади:

Қойси қизни топа олмай ҳайрон,
Қойси хотуни била саргардон,
Қойси инисиндин айрилғон эди,
Оҳу фарёду фиғон қилғон эди...
Қиз: «Оно» деб чекибон вовайлоҳ,
Ано: «Қиз» деб қилибон нолаю оҳ...

Хуллас, Шайбоний қўшини:

Олдилар ўлжа оло олғунча,
Солдилар қўлни соло олғунча.

«Тангрининг сояси» Шайбонийхоннинг босқинчилик фаолияти халқнинг бошига шундай машъум кунларни солган эди. Шоир буларнинг барчасини бирма-бир чизиб кўрсатади. Аммо кўп ўринларда у халқни «динсизликда» ва «исёнкорликда» айблайди, феодалларнинг халққа келтирган ҳамма мусибатларини, қонларнинг дарё бўлиб оққанини ва ҳоказоларни «тангрининг иродаси» билан бўлган иш деб тушунтиришга интилади. Масалан, Самарқанд қамалининг оқибатларини тасвирлаб:

Тенгри ул қавмни андоқ қилди,
Ким алар бошия бу кун келди,—

www.ziyouz.com kutubxonasi

дейди. Бу билан у Шайбонийхонни оқлаб қолмоқчи, уни ҳимоя қилмоқчи бўлади.

Шундай қилиб, Муҳаммад Солиҳ икки сулоланинг тож-тахт уруши аспектида халқ ҳаётини, халқнинг моддий ва маънавий аҳволини, халқнинг босқинчилик урушларига қарши норозилиги, ғазаби ва нафратини, унинг ватанпарварлик ва қаҳрамонлик ҳистуйғуларини, ўзаро феодал урушларнинг халқ бошига келтирган уқубатларини ростгўйлик билан тасвирлашга интилади, бироқ у бунда изчиллик кўрсата олмайди, феодал аристократик тенденциячиликка берилиб кетади.

Муҳаммад Солиҳнинг сиёсий эътиқоди

Муҳаммад Солиҳ феодал-клерикал муҳитнинг фарзанди, феодал-аристократ табақанинг намояндасидир. Бинобарин, унинг дунёқараши, жумладан, сиёсий эътиқоди яшаган муҳитининг ижтимоий-сиёсий хусусиятлари билан, унинг ўз ижтимоий мавқеи билан изоҳланади.

Муҳаммад Солиҳ жамият ҳодисаларини идеалистик нуқтаи назардан идрок этади. «Йўқсиллик» ва «бойлик»ни, тож-тахтни, ҳатто ўзаро урушларни «худонинг амр-иродаси»га, «тақдири азал»га боғлайди. Унинг фикрича, подшо «худонинг сояси»дир. Модомики шундай экан, худо томонидан яратилган барча бойликларнинг ҳам эгаси мана шу «худонинг сояси» — подшодир; подшо сиёсий ҳоким бўлиш билан бирга, дин ва шариатнинг ҳам ҳомийсидир. Бинобарин, Муҳаммад Солиҳ феодал-теократик тузумни ҳимоя қилади, бундай тузумни абадий, ўзгармас бир нарса деб ҳисоблайди.

Бироқ, шунга қарамай, Муҳаммад Солиҳнинг феодал тузум ҳақидаги мулоҳазаларида ўз даври учун радикал аҳамиятга эга бўлган элементлар ҳам йўқ эмас. У Навоийнинг подшо ва халқ ҳақидаги айрим фикр-қарашларини давом эттириб, подшо халққа ғамхўр, унинг осойишталиги учун курашувчи киши бўлиши лозим, дейди:

Шоҳ улдурки, еса эл ғамини,
Доим ўзига деса эл ғамини.
Истамай ўзининг оройишини,
Истагай халқнинг осойишини,
Нафс учун айламаса султонлиқ,
Қилмаса аҳли ҳаводек хонлиқ...
Арсайи мулкни ёбон билса,
Элни — қўй, ўзини — чўпон билса.
Қўйини ўтға, сувға еткурса,
Оруғини ўзига келтурса
Кундузи ўтло(т)са аларни хушҳол,
Қилмаса бўрига зору помол...
Ўғридин бўлса нигоҳдор кеча,
Бўлмаса ўғри била ёр кеча...

Муҳаммад Солиҳнинг фикрича, давлатни бошқариш ва эл-юртнинг осойишталигини ҳимоя этиш учун давлат бошлиқлари, подшо ва унинг амир-амалдорлари аҳил бўлиши, бир ёқадан бош чиқар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моғи керак, низо-адоват давлатни ҳалокатга олиб боради, аҳиллик эса уни мустаҳкамлайди, ривожлантиради, кўп ноаҳил кишидан озроқ аҳил, иттифоқ киши яхшироқ:

Минг киши муттафиқ этса ишини,
Босар, албатта, бу юз минг кишини,

Шоир тож-тахт учун уруш очувчи ва шу билан элнинг қаҳр-ғазабини уйғотувчи феодал ҳукмдорларни лаънатлайди:

Анга лаънатки, қилиб мулк талаб,
Эл бузулмоқлиғиға бўлса сабаб.

Муҳаммад Солиҳнинг давлат ва давлат бошлиқлари ҳақидаги бу мулоҳазалари унинг маълум даражадаги инсонпарварлик ва халқпарварлик интилишлари заминида вужудга келган эди. Бу мулоҳазалар унинг орзу ва идеаллари эди.

Темурийларга тамомила салбий муносабатда бўлган Муҳаммад Солиҳ улардан бу орзу ва идеалларнинг амалга ошишини кутмас эди. У Шайбонийхонга катта умид билан қарар эди, лекин унинг умиди пучга чиқди. Шунинг учун Шайбонийни шоир ўз асарининг баъзи ерида кўкларга кўтариб мақтаса, идеаллаштирса, баъзи ерида ғайри ихтиёрий суратда уни босқинчи ва золим ҳукмдор сифатида гавдалантиради. Муҳаммад Солиҳ Шайбонийхонни адолатли ва халқпарвар ҳукмдор сифатида гавдалантирмоқчи бўлди. Лекин у бунинг уддасидан чиқолмас эди, чунки у хаёлида бошқа Шайбонийхонни, ҳақиқий ҳаётда эса бошқа Шайбонийхонни кўрди. Хаёлидаги Шайбонийхонни мақтади ва идеаллаштирди, ҳақиқий ҳаётдаги Шайбонийхонни эса, қисман бўлса ҳам, фош қилди. Муҳаммад Солиҳнинг Шайбонийхонни адолатли ва халқпарвар ҳукмдор сифатида гавдалантира олмаганлиги, аслида, унинг катта ижодий ютуғи, реалистик тенденцияларининг ғалабаси эди. Муҳаммад Солиҳ мана шу ижодий ютуғи, реалистик тенденциялари билан, қарама-қарши фикр-мулоҳазаларига қарамай, ўзбек адабиёти тарихидан муносиб ўрин олди.

«Шайбонийнома»нинг бадиийлиги ва тили

«Шайбонийнома» мавзуи ва мазмуни ҳамда бадиий хусусиятлари ва тили билан ўзбек классик адабиёти тараққиётида янги, муҳим ҳодиса бўлди. «Шайбонийнома» ўзбек достончилигининг янги жанрида — тарихий достончиликда тўнғич асардир. У фантастик воқеа ёки романтик саргузаштларни эмас, балки конкрет тарихий воқеаларни ҳикоя қилади, ундаги қаҳрамонлар мана шу тарихий воқеаларнинг ривожида маълум ўрин тутган кишилардир. Шоир 1499—1506 йилларда рўй берган воқеаларни — икки сулоланинг сиёсий ҳокимият учун курашини хронологик изчиллик билан тасвирлаб, достоннинг композицион бирлиги ва мукаммаллигига эришади. Воқеалар доираси кенгайиб, мураккаб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашиб боради; китобхон Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида, тоғ-чўллари ва боғ-роғларида рўй берган воқеалар билан танишади, икки сулолянинг ўзаро кураши воқеалар ривожининг етакчи чизиғи бўлиб қолаверади. Асар қаҳрамонлари мана шу воқеалар билан бирга гавдаланадилар, уларнинг саргузашти ва хатти-ҳаракати воқеалар занжирининг узвий ҳалқаларини ташкил этади, уларнинг маънавий қиёфаси шу аспектда ўзига хос хусусиятлари билан мужассамлашади.

«Шайбонийнома» ўзбек классик адабиёти реалистик тенденцияларини ривожлантиришда қимматли ҳисса бўлиб қўшилган асарлардан биридир. Муҳаммад Солиҳ ўрни билан тарихий фактларни хийла объективлик, ростгўйлик билан тасвирлайди. Шунинг натижасида кўп ўринларда фактлар тасвири билан шоирнинг ижтимоий-сиёсий эътиқоди, сулолалар курашига тенденциоз муносабатда бўлиши ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар вужудга келади. Шоир Шайбонийхонни адолатли ва халқпарвар подшо сифатида тасвирламоқчи бўлади, бироқ фактлар уни тож-тахт учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган типик феодал ҳукмдор сифатида гавдалантиради. Буларнинг барчаси «Шайбонийнома»да реализм тенденцияларини вужудга келтиради. Реализм тенденциялари достон бадиий услубининг энг муҳим хусусиятларидан бирига айланади. Реализм тенденциялари фактларнинг мазмунидагина эмас, балки уларни баён этиш ва ифодалашнинг бадиий усулларида, бадиий тил воситаларида, хуллас, мазмун билан шаклнинг бирлигида равшан намоён бўлади.

Шу жиҳатдан қараганда, «Шайбонийнома»нинг энг муҳим бадиий усулларидан бири қаршилантиришдир. Бу усул воқеалар, образлар ва характерларнинг моҳиятини, уларнинг конфликтини очишга хизмат қилади Шоир шу усул билан феодал урушларнинг даҳшатли оқибатларини, айниқса қамал қилинган шаҳар ва қўрғонларнинг аҳволини тўлароқ ва мукаммалроқ ёритишга эришади. Мисоллар: Бухоро қамали тасвири (тасвир Шайбоний сўзи билан бошланади):

...Мевалар еттию ғам кетти бари,
Бир-бири сўнгидин етти бари...
Соҳиби[1] жилвада бўстон ичида,
Қон ютуб соҳиби[2] қўрғон ичида...
Нор ранг олгоч нористонға,
Тушти ўт ғуссасидин қўрғонға.
Ташқари обилар[3] ўлғач хушбўй,
Бўлдилар шаҳр эли обирўй.
Ташқари боғлар ичра анҳор,
Ичкари сувсиз улус йиғлаб зор...

[1] *Соҳиби* — узум. [2] *Соҳиби* — эгаси.
[3] *Оби* — беҳи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Самарқанд қамали тасвири:

...Ташқари мева чу бисёр ўлди,
Ичкари халқ дилафкор ўлди.
Ташқари мева саросар пишти,
Ичкари очлиғидин эл шишти.

Қарши қамали тасвири:

...Ташқари сабзаю саҳрою баҳор,
Ичкари жибаю дарду дили зор...
Ташқари айшу нишоту суҳбат,
Ичкари меҳнату ранжу заҳмат.
Ташқари элга умеди жовид.
Ичкари эл бори жондин ноумид.
Ташқари элга ғанимат тушти,
Ичкари элга ўлат ёпушти...
Ики ойким қабол эрди онда,
Оз киши қолди ўшул қўрғонда.

Бу лавҳаларда мудофаа билан ҳужум, қамал қилинган шаҳар ва қўрғонларнинг ичи билан уларнинг ташқариси, қамал қилинган кишилар билан қамал қилувчилар, қамал қилинган кишиларнинг оҳ-ноласи билан қамал қилувчиларнинг айш-фароғати, очлик билан тўқлик, қайғу билан шодлик, мусибат билан хурсандлик, умид билан ноумидлик бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Шоир қаршилантириш усулида бадиий тил воситалари ва сўз ўйинларидан моҳирлик билан фойдаланади: соҳиби (узум) бўстонда жилва қилади, бироқ соҳиби (боғ эгаси) қўрғонда қон ютади; анорзорда анор қизил тус олади, бироқ ғам-ғуссадан қўрғонга анор рангидек ўт тушади, ташқарида беҳи хуш ҳидини таратади, бироқ ичкарида кишиларнинг ранг-рўйи беҳидек сарғаяди.

Шоир ўзаро феодал урушларнинг даҳшатли оқибатларини пейзаж тасвири орқали ҳам санъаткорлик билан тасвирлайди. Бунга айниқса қамал қилинган Самарқанд қишининг тасвири яққол мисол бўла олади.

Муҳаммад Солиҳ традицион бадиий тил воситаларига камдан-кам мурожаат қилади, у достондаги воқеаларнинг мазмуни ва кишиларнинг характерига мос янги лавҳалар, янги бадиий тил воситалари яратишга интилади ва кўпинча бунга эришади ҳам. Мисоллар.

Жонлантириш:

Совуқ айлаб эрди Сирга таъсир,
Тўнгиб эрди топо олмай тадбир.

Бўлди бисёр узум бирла қовун,
Ҳар бири дебди: «Менинг бирла овун»,

Жонлантириш ва муболаға:

Бош қўюб иккаласи бир ерда,
Юз туман кўҳу камар ҳар ерда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар бирининг боши гардунга етиб,
Ҳар бирининг қўли Жайҳунга етиб.

Қофнинг тоғи алар оллида паст,
Йўлида ер деганинг бир кафи даст.

Тарсе:

Тўзиб Эриб	эрди эрди	навкари жигари	Бобирнинг, Бобирнинг
Хорлиқлар Зорлиғлар	била била	ўстум кўрдум	бисёр, бисёр,

Анафора (такрор):

Қойси оқ рахтга урди ўзни,
Ўткариб ҳинд элига сўзни.

Қойси дебойи мунаққаш тонти,
Қойси ғоли била мафраш топти.
Қойси хуржун била харжи олди.
Ўзи тушуб, они ўтға солди...

Ўхшатиш:

Мавжзан бўлди тенгиздек лашкар,
Тутқудек мавжи онинг баҳру бар.

Барча зиндон аро ётқон кишидек,
Балки зор ўлгану қотқон кишидек.

(Самарқанд қамали.)

Бор эди сўзи онинг нодонлардек,
Қилиғи ёшгина ўғлонлардек.

(Бухоро ҳокими Боқи Тархон тасвири.)

Бор эди шаҳар аро Шайхул-ислом,
Сўзлари борча соқолидек хом.

(Самарқанд Шайхул-исломи Абулмакорим тасвири.)

Сирринн халқ аро очти Вали,
Бир қуруқ бошин олиб қочти Вали.

Қочти бошини олиб ул кўрнамак,
Ит сўнгакни олиб қочқонтак.

(Ҳисор ҳокими Хисрав шоҳнинг иниси Валибекнинг мағлубияти ҳақида.)

Тош киби музлаб эди ул дарё,
Йўқ эди ҳеч нам анда асло.

(Сирдарё тасвири.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сифатлаш:

Заъфароний бўлубон чеҳралари,
Қуруқ ўтдек бўлубон сабзалари.

Бошида бор эди кешлик қалпоқ,
Жумрубон ёпуруб эрди қулоқ.

Истиора:

Ул саҳар хон эли андоқки хурўс,
Чиқтилар томға хон урғач кўс.
Танбал аҳли ётибон эвлар аро,
Мокиёндек эдилар навҳасаро.

(Андижоннинг олиниши тасвири.)

Бир сори йўлини дарё тутти,
Сувга тушганни балиғлар ютди.

Мажоз:

Отиб урдум бирисининг қўлиға,
Йибориб они отамнинг йўлиға.

Чун саҳар кавкабаси қилди зуҳур,
Ёзди анбар варақиға кофур.

Дема, хон лашкари тутти Сирни,
Яна бир Сир кесиб ўтти Сирни.

Шоир персонажларнинг характерини ҳажв, ҳазил-мутоиба воситаси билан ҳам ёритишга интилади ва бундай ўринларда у кўпинча аскияга, халқ таъбирларига мурожаат қилади. Масалан, у Бухородаги бир мулкдорнинг хасислигини тасвирлаб:

...Юкидин тушса эди бир олма,
Қўлига дер эди: они солма.
Бенавое агар ўлса бемор,
Тиласа хизматидин бирта нор,
Юз хашунат қилур эрди оғоз,
Бўлур эрди ғазаби дуру дароз.
Боғ аро мева чоғи бу эди ҳол,
Эвга кирганда не бўлғай аҳвол?!—

дейди.

«Шайбонийнома» аруэнинг «рамали мусаддаси маҳбуни маҳзуф» (фоилотун фоилотун фоилун) баҳрида яратилган. Достонда мана шу етакчи баҳр билан бирга, «рамали мусаддаси маҳбуни мақтуъ» (фоилотун фоилотун фаълун) баҳри ҳам ишлатилган. Шу билан бирга, шоир ўзининг турли баҳрларда яратган айрим ғазалларини ҳамда Шайбонийхоннинг ўз ғазалини тўлалигича ва бир ғазалининг матлаини берадики, достонда бир неча баҳрнинг бўли-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ши унинг оҳангдорлигини бирмунча кучайтиради. «Шайбонийнома» ўзбек классик адабиётидаги барча достонлар каби маснавий усулида қофияланади. Шоир кўпгина байтларида радифларни ҳам кенг қўллайди.

«Шайбонийнома» ўзбек адабий тилининг ҳам муҳим бир ёдгорлигидир. Бу асар орқали биз ўзбек адабий тилининг XVI аср бошларидаги тараққиёти билан, ўтроқ ўзбеклар ва кўчманчи ўзбеклар тилининг ўзаро чатишув процесси кучайганлиги билан танишамиз. Шоир ўз достонига кўчманчи ўзбекларнинг тилига хос бўлган айрим хусусиятларни, жумладан, баъзи шевалардаги «ж» лаш хусусиятини киритади. Муҳаммад Солиҳ Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тили тараққиёти учун кураш йўлини давом эттирган шоирлардан бири бўлиб, у жонли тилдан янада кенгроқ фойдаланди, бу билан адабий тилни жонли тилга яқинлаштиришга маълум ҳисса қўшди. У ўзбек тилининг сўз бойликлари ва грамматик хусусиятларидан кўп фойдаланди, маиший ҳаётга, ҳарбий техникага ва бошқа соҳаларга доир кўпгина сўзларни ўзбек адабий тилига киритди. У истеъмолдан чиқа бошлаган *ўғоғо* (бобо), *обоға* (амак), *қобқо* (дарвоза), *черик* (қўшин), *ёғи* (душман) каби сўзларни ҳам ишлатди. *Хасм, жов, аъдо, ёғи, душман, мухолиф; улус, халқ, эл, раият* каби синоним сўзларни қўллади, омоним сўзлар ва сўз ўйинлари воситаси билан қуйидагиларга ўхшаш чиройли сўз ўйинларини яратди:

Хон деди:— Бу сенга бўлсин, **Боқи**,
Тенгридин бизга Бухоро **боқи**.
Тилабон ўзларига **доруға**, (*доруға* — ҳоким)
Ким тилаб топмадилар доруға, (*доруға* — дорига)
Ҳар не кечиб демагайлар **Сирдир**,
Киши билмас бу не янглиғ **сирдир**.

Реализм тенденциялари, сўз бойлиги, жонли тилдан кўпроқ фойдаланиш ва грамматик формаларнинг барқарорлигига интилиш «Шайбонийнома» тилини содда ва бой тил даражасига кўтаради.

«Шайбонийнома», бу муваффақиятларига қарамай, бадиийлик ва тил жиҳатидан бирмунча нуқсонларга ҳам эгадир. Шоирнинг феодал-аристократик тенденциозлиги, айрим тарихий воқеаларни нотўғри баҳолаши достондаги реализм тенденцияларининг изчил бўлишига ва такомиллашишига қаттиқ халақит беради. Шоир бундай ўринларда тарихий воқеаларни реалистик тасвирласа ҳам, лекин реалистик бўлмаган хулосалар чиқаради. Шунинг оқибатида у қаҳрамонларининг характерини мукаммал оча олмайди. «Сулаймони замон», «Жамшиди даврон» каби босма қолипга айланиб кетган сифатлашлар қаҳрамонларни янада мавҳумлаштириб юборади. Шоир образларнинг портрети ва ички кечинмаларини тўлароқ тасвирлашга етарли эътибор бермайди. Достондаги ортиқча қайтариқлар ва енгил-елпи ишланган мисралар унинг бадиий қимматига хийла путур етказган. Шоир адабий тилни жонли тил бойликлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

асосида тараққий эттиришга интилишига қарамай, баъзан ўзбекча сўзларни ишлатиш мумкин бўлган ўринларда ҳам арабча ва форсча сўзларни қўллайди, баъзан эса шеърий жумлаларнинг грамматик жиҳатдан мукаммал бўлишига бепарво қарайди, вазн ёки қофияни мослаштириш мақсадида сўзларнинг бир неча талаффуз формаларини ишлатаверади (*ани, они* каби). Бу ҳол адабий тилнинг ягона талаффуз нормаларига томон ривожланишига халақит берарди, албатта.

«Шайбонийнома» нинг маърифий аҳамияти

«Шайбонийнома» маърифий жиҳатдан ҳам қимматли асардир. Шоир тарихий воқеаларни ҳикоя қилишда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, аҳолининг касб-кори, маиший турмуши, урф-одати, шаҳар ва қалъаларнинг топографияси, жойларнинг географик ва табиий хусусиятлари, ҳайвонот ва ўсимликлар олами, ҳарбий техника ва жанг тактикаси ҳамда бошқалар ҳақида ҳам маълумот беради. Шу билан бирга, у бизни кўпгина терминлар, номлар, атамалар билан таништиради: ҳарбий қуроллар — *соғит, дубулға, монғлойлиқ, зонубанд* ва бошқалар; жангчиларнинг қўним жойлари — *пешхона, саропарда, бавaржихона, шомиёна* ва бошқалар; от-уловлар — *қамос, ежиши, убчин* ва бошқалар; май идишлари — *кўраки, машраба* ва бошқалар; маталар — *тожа, яздий, алоча* ва бошқалар; *палос — дебо, ғоли, мафраш, намади, шатранжий* ва бошқалар; қабила ва уруғлар — *буркут, манғқит* (манғит), *найман, дўрман, ўшун, жалойир, қорлиқ, сулдуз, нукуз* ва бошқалар. Бундан ташқари, «Шайбонийнома»да ўнлаб ўсимликлар, мевалар ва уларнинг турлари, қушлар ҳамда *Адоқ, Алванд, Андаҳуд, Ашкамиш, Варзоб, Қовиркон, Кўҳак, Тойсун, Тойқон* каби жуда кўп географик атамалар тилга олинади. Буларнинг барчаси XV асрнинг охири ва XVI аср бошлари ҳаётини, этнографиясини, ҳарбий техникаси ва бошқаларини ўрганишга ёрдам беради.

Муҳаммад Солиҳ ўзбек классик адабиётининг йирик ва истеъдодли намояндаларидан биридир. Унинг «Шайбонийнома» достони, ғоявий-бадиий зиддиятларига қарамай, ўзбек адабиётида тарихий жанрнинг, реализм тенденцияларининг ва адабий тилнинг тараққийсига катта ҳисса бўлиб қўшилган достондир. Бу достон ҳозирги кунда ҳам маълум тарихий-маърифий ва адабий-эстетик қимматини сақлаб келмоқда.

ХАЛҚ ДОСТОНИ —«ШАЙБОНИЙХОН» ҲАҚИДА

Ўзбек халқ достонлари орасида «Шайбонийхон» номли бир достон ҳам бор. Бу достонни фольклорист Ҳоди Зарифов машҳур халқ шоири Пўлкан (1874—1941) дан ёзиб олиб, 1928 йилда нашр эттиради. Достон икки қисмдан: «Шайбонийхон саргузашти» ва «Хуршидой саргузашти»дан иборат. Достоннинг асосини унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

биринчи қисми ташкил этади, иккинчи қисми эса аслида мустақил халқ ижоди бўлган машҳур «Хуршидой» эртагининг вариантларидан биридир. Хуршидой саргузашти гўё Шайбонийхоннинг ҳукмронлиги даврида рўй берган эмиш, кўп мусибатлардан кейин эркакча либос кийиб, ўз отасининг уйига хизматкор бўлиб ёлланган ва Шайбонийхонни зиёфатга чақирган эмиш. Сўнгра у шу зиёфатда кўпнинг олдида ўз саргузаштларини бир эртакдай ҳикоя қилиб, мунофиқ руҳоний ва сотқин вазирни фош қилганмиш. Мана шуларга кўра, бу эртак «Шайбонийхон» достонига илова қилинган.

Достоннинг асоси бўлган биринчи қисмда қуйидагилар ҳикоя қилинади:

Шайбоний Бобирнинг амалдорларидан бири экан. Бир вақт Шайбоний Бобирнинг Жўравой деган вазири билан жанжаллашиб, уни урибди. Жўравой Бобирга арз қилган экан, Бобир Шайбонийни дорга осишга ҳукм қилибди. Бироқ Бобирнинг Тўрабой деган бошқа вазири орага тушиб, бу ҳукмни Шайбонийни Самарқанддан бадарға қилиш билан алмаштирибди. Шайбоний сарсонлик-саргардонлик йўлига тушибди, чўл кезибди, Сирдарё бўйидаги тўқайга келиб, бир айиқни ўлдирибди, унинг терисини орқасига ёпиниб, айиқ бошининг терисидан чоруқ қилиб, Сирдарёдан ўтиб, Тўрғай, Чолкор, Ўрун-бурун (Оренбург) ва «Раси эли» (Россия)ни кезиб, икки ой деганда нўғайлар юртига, Қозонга келибди. Эрбой деган нўғайникига қўноқ бўлибди, лекин кимлигини айтмабди. Айиқнинг терисини, ёмон кунда ярар деб чопонига яшириб қўйган 90 та гавҳарни сотиб, Эрбой ва унинг дўстлари шарафига зиёфат берибди. Шайбонийни бошлиқ — «камбағал бобо» сайлабдилар. Унинг обрў-эътибори ошиб, йигитларининг сони 5000 га етибди. Эрбойни ва Тўрабой деган яна бошқа бир дўстини ўзига вазир қилибди. Шайбоний Бобирга қарши юришга тайёрланиб, нўғайларни, ўзбекларни, қозоқларни қўшинига киришга чақирибди. Катта қўшин билан йўлга тушиб, Тошкентни олиб, Самарқандга яқинлашиб қолибди. Бобир Шайбонийга қарши Жўравой бошчилигида қўшин юборибди. Бироқ ер қаъридан ҳар замон-ҳар замон Бобирни қочиб кетишга чорловчи овоз чиқар экан. Шу вақтда элчи келиб, Шайбоний Сиёб ёқасига келишни, ўша ерда ошиқ ташлаб, тахтнинг кимга бўлишини ҳал этишни таклиф қилди, дебди. Бобирнинг ошиғи ёнбошига тушибди, Шайбоний ошиғи уммо (бурни билан) турибди. Шаҳар Шайбонийга ўтибди. Шаҳарни жангсиз қўлдан бой берган Бобир Самарқанд атрофидаги Шайбонийнинг қўшинига қўққисдан ҳужум қилган экан, барибир бўлмабди, Бобир енгилиб, Шайбоний ҳукмрон бўлибди.

Бу достоннинг қачон яратилгани маълум эмас. Гарчи унинг илдизлари XVI асрга бориб тақалса ҳам, лекин достон кейинги даврларда қайта-қайта ишланган, турли ўзгариш ва янгиликлар киритилган бўлиши шубҳасиз. Достонда маълум тарихий фактлар бор. Бу Шайбоний билан Бобир ўртасидаги урушлар, Шайбонийнинг Тошкентни, Самарқандни эгаллаб олиши, унинг ярашув шартини ўртага қўйиши, Бобирнинг қочиб кетишидан иборат. Бироқ бу достонда тарихий фактлардан кўра, ижодий тўқима кўпроқдир. Халқ ўзаро феодал урушларни қоралаш, халқпарвар, адолатли ва қаҳрамон подшо образини яратиш вазифасини ўз олдига қўйган. У Шайбонийхонни ижобий образ қилиб олади, уни қийинчиликларни енгиб, ўзбек қабилаларини бирлаштириб, Бобирга қарши курашиб, уни енган тадбирли ва адолатли подшо сифатида тас-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вирлайди. Бинобарин, бу достондаги Шайбоний образи, айрим тарихийлик элементларига қарамай, тарихий Шайбонийхон образи бўлмай, балки феодал ўрта аср шароитида халқ орзу қилган идеал ҳукмдор образидир. Достонда халқ тарихий Бобир образини яратиш вазифасини ўз олдига қўйган эмас. Унда Бобир, тарихий ҳақиқатдан қатъи назар, золим подшоларнинг бир тимсоли сифатида тасвирланади.

Шундай қилиб, «Шайбонийхон» тарихий фактларни ҳикоя қилувчи достон сифатида эмас, балки халқнинг орзу-интилишларини (бу орзу-интилишлар чекланган эди) баён этувчи асар сифатида характерлидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАЖЛИСИЙ

Мажлисий XV асрнинг охирлари ва XVI асрнинг биринчи ярмида ўтган истеъдодли шоирдир. Унинг халқ оғзаки адабиёти материаллари асосида яратган «Қиссаи Сайфулмулук» достони XVI аср бошларидаги ўзбек адабиётининг қимматли ёдгорликларидан биридир.

Ҳаёти ва адабий фаолияти

Мажлисийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида Ҳасанхўжа Нисорийнинг «Музаккирул-аҳбоб» («Дўстларни эслатувчи») тазкирасида баъзи маълумотлар берилган. Мана шу маълумотларга кўра, Мажлисий асли хоразмлик бўлиб, кейинроқ Бухорога кўчиб борган. Убайдуллахон ва унинг ўғли Абдулазизхонлар саройида хизмат қилган. «Мавлоно Мажлисий,— дейди Ҳасанхўжа Нисорий,— надим ва мажлисоро киши эди... сўз гўйини балоғат чавгони билан олур эди. Яхши ашъори ва марғуб сўзлари бор. Қасидалари кўп, яхши ва латиф ғазаллари бор».

Мажлисийнинг шеърлари Бобирга ҳам манзур бўлган. Бироқ, Ҳасанхўжа Нисорийнинг маълумотига кўра, Бобир билан Мажлисий орасида бир англашилмовчилик рўй бериб, уларнинг алоқалари тамомила узилиб қолади. Воқеа бундай бўлган экан:

«Мажлисий,— дейди Ҳасанхўжа Нисорий,— Бобир подшоҳга бир қасида ёзиб, мажлисида ўқиб беribдир, Бобир етти минг танга инъом қилиш фикрига келибдир. Бир ҳажвий тўртликким, бир сабабе била айтилибдир, Бобирнинг хотирига келиб сўрабдирким: «Муҳаммад Солиҳ бу шеърни нима учун ёзгандир?». Мажлисийнинг кўнглига келибдурким, «подшоҳга маъқул бўлганга ўхшайди», бинобарин, у «Бу рубоийни мен битганман, саҳв билан Муҳаммад Солиҳ номига шуҳрат топибдур» дебди. Бобирнинг кайфияти ўзгариб, қатлга ҳукм қилмоқчи бўлибди, аммо афв томонини олиб, «Етти минг тангаким, шеърнинг сийласига қарор қилиб ардим, хун баҳосига ушлаб қолинсин!..» дебди.

Мажлисийни мажлисдан қувлабди».

Мазкур рубоий Восифийнинг «Бадоеул-вақое» китобида келтирилган Муҳаммад Солиҳнинг темурийларнинг Шайбонийдан дакки ейиши муносабати билан битган қуйидаги рубоийси бўлса керак:

Мискин чиғатойки, кундузи тундир онга,
Аҳволи паришону қаро тундир онга.
Мағрур бўлиб сиғмас эди ер юзига,
Сичқон тушуги эмди минг олтиндир снга.

Мажлисийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳозирча бундан бўлак маълумот йўқ. Шунингдек, унинг шеърлари ҳам бизга қадар

www.ziyouz.com kutubxonasi

сақланиб қолмаган ёхуд ҳозирга қадар номаълум бўлиб келмоқда. Мажлисийнинг адабий меросидан бизгача етиб келган ягона асар унинг «Қиссаи Сайфулмулук» достонидир. Биз шоирнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини мана шу достони билан белгилаймиз.

«ҚИССАИ САЙФУЛМУЛУК»

Достоннинг яратилиш тарихи ва айрим нусхалари

Мажлисий «Қиссаи Сайфулмулук»нинг муқаддимасида достонининг ёзилиш тарихи ва унинг манбалари ҳақида баъзи маълумотларни беради. Шу маълумотларга кўра, шоир достонини йигитлик айёмида, бадиий ижодда маълум тажриба тўплаган даврида яратган. Мажлисий билан Бобир ўртасида содир бўлган воқеани кўзда тутиб, «Қиссаи Сайфулмулук»ни XVI аср бошларида ёзилган ва шоирни XV асрнинг тўртинчи чорагида туғилган деб фараз қилиш мумкин.

Мажлисий «Қиссаи Сайфулмулук»ни ўз бошига қандайдир кулфатлар тушган, дўстларидан йироқлашиб мусофирлик машаққатларини чеккан бир шароитда бунёдга келтирганини достоннинг муқаддимасида таъкидлаб ўтади.

Ўтмиш адабиётда бадиий асарнинг ижод қилинишига «туш»ни, «ёр»нинг, «пир»нинг ёки «нуроний мўйсафид»нинг «топшириғи»ни сабаб қилиб кўрсатиш бир адабий усул сифатида қўлланилган. Мажлисий ҳам «Шоирнинг сўзга киргони» бобида шу усулдан фойдаланади:

...Тушумда кавкаби толеъ тулуъи,
Бўлуб пайдо манга бўлди ружуъи...
...Ки ногоҳ бир куни жонон йўлуқти,
Бу мискин бандага султон йўлуқти.
Кўрушти жон келиб бу жисм бирла,
Ки сўрди бандани бу исм бирла...
Йигитлик вақти эрди, сўз манда,
Бор эрди бир «Гулу Наврўз» манда...
Тута бердим, очиб кўрди ани ёр,
Ўқиди-ю очилди боғ-гулзор...
Чиқарди қўйнидан бир достоне,
На достон бўлгай ул бир бўстоне...
Вале ул форсию наср эрди,
Тақи бу даҳрда ҳам қаср эрди.
Дедиким: «Мажлисий, бекор турма,
Ки мен шоирдурман деб лоф урма.
Агар бордур ҳунар илгингда кўрсат,
Ки бу дафтарни туркий тилга тузат».
Буюрдиким: «Гулу Наврўз» назмин
Анга мезон қилибон назм қилғин...
Бу сўзнинг ҳурматин баржой қилдим,
Юроким шавқ тиғи бирла тилдим...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Демак, Мажлисий ўз достонида форс-тожик тилидаги «Қиссаи Сайфулмулук»нинг насрий вариантидан бир манба сифатида фойдаланди ҳамда машҳур ўзбек классик шоири Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» достонидан илҳомланди ва ўрганди. Шу билан бирга, Мажлисийнинг «Қиссаи Сайфулмулук» достони ўзбек классик адабиётининг янги ва оригинал бир достони сифатида вужудга келди. Шоирнинг ўзи ҳам буни таъкидлаб:

Бағир қонини ҳам ерга томузуб,
Қалам чашмасидин сувлар оқузуб.
Қуруқ ерда гулистон сабз қилдим,
Ки ошиқларға бўстон сабз қилдим,—

деган эди. «Қиссаи Сайфулмулук» халққа манзур бўлган, унинг севимли асари сифатида «Халқ китоблари» қаторидан ўрин олган достонлардан биридир. Мажлисий «Қиссаи Сайфулмулук»ни яратишда «Минг бир кеча»дан, халқ оғзаки ижодидан кенг фойдаланди ва айни замонда халқ шоирлари ҳам Мажлисий достони асосида «Қиссаи Сайфулмулук»нинг фольклор вариантларини яратиб, куйлаб келдилар. «Қиссаи Сайфулмулук» ўзбек халқи орасида кенг шуҳрат топгани каби, татар, туркман, қозоқ ва бошқалар орасида ҳам шуҳрат қозонган. «Қиссаи Сайфулмулук» қўл ёзма ва босма нусхаларда китобхонлар орасида кенг тарқалган. У биринчи марта 1883 йилда Қозонда нашр этилади. Китобга эҳтиёж кўп бўлганидан бўлса керак, у 15 йилдан кейин, 1898 йилда яна ўша ерда иккинчи марта нашр қилинади. 1916 йилда эса достон «Қиссаи шаҳзода Сайфулмулук ҳикояти» номи остида «Лайли ва Мажнун», «Шаҳзода Карам ва Аслхон» асарлари билан бирга Тошкентда Порцев босмахонасида нашр қилинади. «Қиссаи Сайфулмулук»нинг мукаммалроқ нашри 1883 йилги Қозон нашри бўлиб, унинг умумий ҳажми 4000 мисрадан ортиқроқдир. 1916 йилда Тошкент нашрида достоннинг тексти бирмунча қисқартирилган ва кўпгина эпизодлар насрий баён тарзида берилган. Достоннинг қўл ёзма нусхалари эса турли даврларда кўчирилган бўлиб, уларнинг ҳажми ҳам, тексти ҳам бир-биридан кўп фарқ қилади. Достон қисқартирилган ҳолда хрестоматияларга киритилди, 1959 йилда алоҳида китоб сифатида босилди ва рус тилига таржима қилинди (таржимон Владимир Липко).

Достоннинг ғоявий мотивлари ва образлари

«Қиссаи Сайфулмулук» ишқий-саргузашт достондир. Унда Миср подшоҳи Осим ибн Саф Сафвоннинг ўғил кўриши, болага Сайфулмулук ном қўйиши, вазир Ҳомиднинг ҳам ўғил кўриши, унга Соид деб ном берилиши, бу икки боланинг кўкалдош бўлиши, уларнинг фавқулодда ҳодисаларга тўла мураккаб саргузашти, Сайфулмулукнинг Фатина шоҳи Шаҳбол қизи Бадеулжамолга, Соиднинг Бадеулжамолнинг эмикдоши Сарандил (Сарандип — Шри-Ланка) шоҳи қизи Рабиалмулукка уйланиши,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сайфулмулукнинг одил подшо, Соднинг вазир бўлиши ҳикоя қилинади.

Достоннинг етакчи темаси бўлган севги қаҳрамонларнинг мураккаб саргузаштларида мужассамлашади, вафо ва садоқат, дўстлик ва аҳиллик, мардлик ва қаҳрамонлик каби фазилатлар билан бирга камол топади. Шоир ярим ҳаётий, ярим афсонавий воқеалар баёнида соф ва самимий севгини, севгувчиларнинг олижаноб фазилатларини куйлайди. Севгувчилар даҳшатли кураш ва оғир синовларни бошдан кечирадилар, ҳаёт йўлларида учраган ҳар қандай тўсиқ ва қийинчиликларга қарши курашадилар, кишиларнинг бахти-шодлигига чанг солган ёвуз кучларни енгадилар.

Достоннинг бош қаҳрамони Сайфулмулукдир. У самимий ва садоқатли ошиқ, жасоратли ва фидокор қаҳрамон. Сайфулмулук ишқ йўлида бахт-саодатга эришиш учун курашга ва ғалабага шайланган оддий бир инсон сифатида гавдаланади. Чунки:

Кишига ишқ агар ҳамроҳ бўлса,
Гадодир ул агарчи шоҳ бўлса.
Ки бўлмас ишқда не куфру имон,
Не сабр анда, не кофир, не мусулмон...

Сайфулмулук севгининг «муаззам дарёси»да жавлон урган эр йигитдир:

...Вале ошиқ керакким бўлса содиқ,
Шаҳаншоҳдек муҳаббат бирла ошиқ.
Фироқ оғуси анға шаҳду шарбат,
Ғаму қайғуси анга айшу ишрат.
Эрур чун ишқ дарёйи муаззам,
Кира олмас анга ҳар қайси одам.
Муҳаббат баҳри ошиқнинг еридур,
Анга кирган таки эрнинг эридур.

Сайфулмулук мақсад йўлида жонини ҳам фидо қилишга тайёр. Ҳеч қандай тўсиқ ва даҳшат унинг иродасини буколмайди. У қатъият билан:

Агар юз минг бало чиқса илакдин,
Юз ўгурман таки ушбу тилакдин,—

дейди. У денгизнинг ҳалокатли тўлқинига, азим тоғларга ва бепоён биёбонларга, ваҳшийларнинг қаҳр-ғазабига, маймунлар тузоғига, йўлбарс ҳамласига, аждар дамига, девнинг сеҳрли манзили ва зиндонига дуч келади. Бироқ буларнинг ҳеч қайсиси Сайфулмулукни маҳв этолмайди. Ирода, мардлик, жасорат, ақл ва тадбир унга мадад беради, ҳалокатлардан қутқариб қолади.

Сайфулмулукнинг чеккан меҳнат машаққатлари зойе кетмайди, у ёрининг висолига эришади, орзулари ушалади. Шоир Сайфулмулук саргузаштини оптимистик руҳда тугаллар экан, лирик хотимада бундай дейди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

На хуш кундур ўшал кун ғам тугона,
Жафокашлар вафо кўриб қувона.
Буюрсин кўзи, кўкси дилбарининг,
Бори кўрсин вафосин дилбарининг.
Нечукким шоҳ кўрди ёр вафосин,
Вале чекти ажойиб кўп жафосин.
Жафо чекмай кишига роҳат ўлмас,
Агар куймас ўтунға жўш бўлмас.
Чу деҳқон чекмаса жабру жафосин,
Емишларнинг киши кўрмас вафосин.
Жаҳонда жабрлар ошиқ учундир,
Вале билгил, алар лойиқ учундир.
Саодатдур мувофиқ ёри содиқ,
Муносиб бўлса хушдур икки ошиқ.

Сайфулмулук ошиқ ва қаҳрамонгина бўлиб қолмай, балки у айни замонда одобли фарзанд ва мушфиқ инсон, садоқатли дўст ва жасоратли нажоткордир. Сайфулмулук ота-онасини самимий ҳурмат қилади, уларга азият етказмасликка интилади, оғир дамларида ҳам, бахтли кунларида ҳам уларни унутмайди. Шу билан бирга, у бошқаларнинг ота-оналарига ҳам одоб билан муносабатда бўлади, уларга бир фарзанддек хизмат қилади.

Сайфулмулук дўсти ва кўкалдоши Соидни чин қалбидан севади, унинг хизматларини унутмайди, фироқида ғам-алам ютади.

Сайфулмулук Соидни топади. Бу унинг қувончига қувонч, бахтига бахт қўшади. Кўкалдошлар биргаликда Мисрнинг давлат ишларини бошқара бошлайдилар.

Эзгу ниятли Сайфулмулук денгизда уни қутқариб олган қушнинг болаларини аждарнинг ҳамласидан сақлаб қолади. У бир неча йил девнинг сеҳрли масканида банди бўлиб ётган Рабиалмулукни озод қилади, унга ака тутинади ва ака-сингиллик аҳдларини ҳалоллик ва содиқлик билан амалга оширади.

Соид садоқатли дўст, шу билан бирга, жасоратли қаҳрамондир.

Достонда Миср шоҳи Осим, Яман шоҳи Бадеуласр, Фатина шоҳи Шаҳбол ва Сарандип шоҳи образлари берилган. Буларнинг ҳар бири достондаги воқеаларнинг ривожи ва ечимида ўзига хос ўрин тутади, ўз хатти-ҳаракати ва хислатлари билан намоён бўлади. Лекин шу билан бирга, уларнинг муштарак хусусиятлари ҳам бор. Бу образлар орқали шоир подшоларни адолатли бўлишга, оталарни эса фарзандларининг яхши орзу-тилакларига тилакдош, уларнинг бахт-саодатига кўмаклашувчи мушфиқ ота бўлишга чақиради.

Мажлисий «Қиссаи Сайфулмулук»да бир неча хотин-қизларнинг образларини яратди: Рабиалмулук, Бадеулжамол ва оналар. Шоир хотин-қизларга даврининг пешқадам инсонпарвари ва маърифатпарвари сифатида ёндашади, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моя қилади. Мажлисий яратган хотин-қизлар образи тўғрилик, ҳалоллик, самимият, қатъият, журъат, садоқат ва бошқа ижобий хислатлари билан намоён бўладилар.

Рабиалмулук — эрксиз қиз. У сеҳр билан девнинг бандига гирифтор бўлган. Бироқ қиз нажот топишдан умидини узмайди. Сайфулмулукни кўрган Рабиалмулукнинг қалбида нажот умиди янада ортади. Рабиалмулук Сайфулмулук билан бирга девга қарши курашга отланади. У банд-зиндондан нажот топиб, бахтиёр бўлади.

Рабиалмулук садоқатли дўст ҳамдир. Сайфулмулук билан Соид қандай дўст бўлса, у ҳам Бадеулжамол билан худди шундай дўстдир. Бу икки қиз билан икки йигит бир-бирига муносиб, саргузашти ўзаро ўхшаш, бахт-толеи бир-бири билан боғланган параллел образлардир.

Шоир, муҳаббат ҳар икки томон (қиз билан йигит)нинг раъйи ва интилиши билан вужудга келади ва амалга ошади, агар қизнинг майл-ихтиёри бўлмаса, у ҳолда ошиқ мақсадга эришолмайди дейди:

Агар маъшуқ майли йўқ, билингиз,
Ета олмас анга ошиқ ҳаргиз.

Бу фикр Бадеулжамол образида тўлароқ очилади. Рабиалмулук Бадеулжамолга Сайфулмулукнинг ишқи ҳақида сўзлаб беради. Бадеулжамол кўп йиллардан кейин дугонасини кўрган бўлса ҳам, унинг бу сўзидан аччиқланади. Бунга у ҳақли, чунки Бадеулжамол ҳали Сайфулмулукни кўрмаган ва уни синамаган. Бинобарин, у йигитни кўрмай-нетмай, кўнгил қўя олмайди. У Сайфулмулукни кўриб, унинг севгиси чин ва самимий эканига қаноат ҳосил қилгандан кейингина унга кўнгил қўяди:

Чун кўрди шаҳнинг ишқи ҳақиқат,
Қилибон шарт, боғлади муҳаббат.
Муҳаббат бирла ичти шарбати аҳд,
Бир-бирига суюди шаккару шаҳд.

Достонда севги масаласининг шу тарзда қўйилиши ва ҳал этилиши хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқи поймол қилинган, улар ўз истаклари билан турмуш қуролмаган феодал муҳитида ғоят прогрессив аҳамиятга эга эди.

Достондаги оналар: Сайфулмулукнинг онаси Жамила, Соид ва Рабиалмулукнинг оналари ҳамда Бадеулжамолнинг энагаси ижобий образлар бўлиб, улар кўпроқ фарзандларига бўлган беҳад оналик меҳр-муҳаббати ва эзгу орзу-ниятлари билан гавдаланадилар.

Бутун достон давомида яхшилик билан ёмонлик, ижобий образлар билан салбий образлар ўртасида қаттиқ кураш боради. Бу курашда яхшилик ёмонлик устидан, ижобий образлар разолат ва қабоҳатнинг символик тажассуми бўлган девлар, ваҳшийлар ва

www.ziyouz.com kutubxonasi

йиртқичлар устидан ғалаба қозонади. Инсон, унинг иродаси ва кураши, бахт ва шодликнинг энг ашаддий душмани бўлган девларни, уларнинг бошлиғи Қулзум шоҳини маҳв қилади:

Бўлиб мағлуб девлар охири кор,
Иликка тушти Қулзум шоҳи ночор...

Шундай қилиб, инсоннинг ақл-иродаси ва куч-қудратига бўлган ишонч достон оптимизмининг негизини ташкил этади.

Лекин, «Қиссаи Сайфулмулук» шу муваффақиятларига қарамай, феодал-клерикал дунёқарашнинг иллатларидан холи эмас. Сайфулмулук ва бошқа ижобий образларнинг фаолияти бевосита омма билан, унинг мақсад ва манфаатлари билан яқиндан боғланиб бормайди. Бунинг устига шоир диний-мистик ва фаталистик эътиқод таъсирига тушади. Сайфулмулукнинг ишқи ва саргузаштларини «худонинг амр-иродаси» ва «тақдир» билан боғлайди. Айрим ижобий образлар, хусусан Бадеулжамол, хийла пассив қилиб тасвирланади. Бадеулжамол достоннинг сўнгги эпизодларидагина кўринади ва у воқеалар тугуннинг ечимида у қадар ҳал қилувчи роль ўйнамайди. Агар, халқ асарларидаги каби, Бадеулжамол жасоратли қиз сифатида тасвирланса, Қулзум шоҳининг бандига гирифтор бўлган Сайфулмулукни отаси Шаҳбол эмас, балки унинг ўзи қутқарса, достоннинг ғоявий-бадиий қиммати янада ошган бўлур эди. Достон ғоявий мазмунининг бундан бошқа нуқсонлари ҳам бор.

Достоннинг бадиий хусусиятлари ва тили

Ёзма адабиётга ва халқ оғзаки ижодига хос услубнинг бир-бири билан узвий боғланиб бориши ва бирикиши «Қиссаи Сайфулмулук»нинг етакчи бадиий хусусиятидир. Бу хусусият достоннинг сюжети ва композициясига ҳам, унда чизилган портретлар ва образларга ҳам, достоннинг бадиий тасвир воситалари ва тилига ҳам бевосита тааллуқлидир.

«Қиссаи Сайфулмулук», кўп халқ эртакларида бўлганидек, «Ҳикоя ичида ҳикоя» услуби билан ёзилган. «Султон Маҳмуд воқеаси» қолипловчи ҳикоя бўлиб, асосий воқеа Сайфулмулукнинг саргузаштларидир. Бу саргузашт бир неча бобни ўз ичига олади, ҳар бир боб алоҳида эпизодни ташкил қилади, ҳикоялар «ровийнинг сўзи» билан бошланади. Шоирнинг воқеа ва қаҳрамонларга муносабати, таассурот ва хулосалари лирик муқаддима, лирик чекиниш ва лирик хотималарда ифодаланади.

Воқеалар тугуни Сайфулмулукнинг отаси совға қилган инъом тўнда Бадеулжамолнинг суратини кўриб ошиқ бўлиши билан бошланади. Воқеалар тугуни тобора мураккаблашади, асосий тугунга қўшимча тугунлар қўшилиб боради. Китобхоннинг кўз ўнгида хилма-хил ҳодисалар, ҳаяжонлантирувчи воқеалар, романтик манзаралар, янги-янги образлар пайдо бўлади. Сайфулмулук билан Бадеулжамолнинг севги саргузаштига Соид ва Рабиалмулук саргузашти параллел бўлиб қолади. Икки кўкалдошнинг тақдири икки

www.ziyouz.com kutubxonasi

эмикдош қизнинг тақдирига уланади. Асосий тугун девлар манзилида Сайфулмулукнинг Рабиалмулукни учратуви эпизодида ўз кульминация нуқтасига кўтарилади ва шу эпизоднинг ўзида тугуннинг ечимига замин пайдо бўлади. Асосий тугуннинг ечилиши олдида янги чигал пайдо бўлиб, Сайфулмулук Қулзум шоҳига банди бўлиб қолади. Бироқ бу чигал — сўнгги чигал ва сўнгги синов. У тез ҳал бўлиши керак, чунки асосий чигаллар ечилган ва қаҳрамонлар кўп синовларни бошидан кечирган. Сайфулмулук энди якка эмас. Унга нажот берувчи кишилар ва кучлар бор. Сайфулмулук нажот топади ва ёмонлик кучларининг таянчи бўлган дев — Қулзум шоҳи маҳв қилинади.

Достондаги воқеаларнинг ривожи билан бирга ундаги қаҳрамонлар, хусусан, бош қаҳрамон Сайфулмулук ҳам ўсиб, камол топиб боради. Сайфулмулук саройнинг эрка ва азиз шаҳзодасидан самимий ошиқ, жасоратли паҳлавон, нажоткор қаҳрамон ва тадбирли давлат бошлиғи даражасига кўтарилади. Бошқа қаҳрамонлар ҳам ўсиб, чиниқиб борадилар. Шоир қаҳрамонларнинг саргузашти, уларнинг портрети ва ички кечинмалари, ҳаракати ва ҳолати, шодлиги ва қайғуси, қудрати ва ожизлиги тасвирида хилма-хил бадиий бўёқлардан усталик билан фойдаланади. Масалан, тўй эпизодини олайлик. Осим Сайфулмулукка сеҳрли тўн тақдим қилади. Тўндаги гўзал (Бадеулжамол) Сайфулмулукни ошиқи беқарор қилади.

Мажлисий Сайфулмулукнинг ички кечинмаларини кучлироқ қилиб тасвирлаш учун жонлантириш усулидан жуда яхши фойдаланган. Сайфулмулук ишқ ўтида ўртаниб, бундай дейди:

Сенинг ишқинг ўтида май урар жўш,
Бўлур сарви сиҳи фикрингда беҳуш.
Суроҳи[1] ҳасратингда қон йиғлар,
Куяр шамъу тақи ҳайрон йиғлар.
Менинг оллимда чанг бўлди дуто хам,
Қилур нолиш менинг ҳолима еб ғам.
Фиғон айлар рубоби ёд қилур,
Урар кўксигаю фарёд қилур.
Узотиб бўйнини бечора танбур,
Менинг ҳолимға йиғлар, нолишин кўр.
Куяр оҳимға уду ҳам мусиқор,
Бўлуб дардимға қонун кўксин йиртор.
Тамоми созлар бўлиб ҳаводор,
Бари юзум кўруб ҳолимга йиғлор.

Шоир Сайфулмулук ва бошқа қаҳрамонларнинг ички кечинма ва руҳий ҳолатини муваффақият билан тасвирлайди.

Мажлисий табиат манзаралари ва лавҳаларини яхши тасвирлаган уста шоирлардан биридир. У Сайфулмулук ва Соид учун

[1] *Суроҳи* — қадаҳ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қурилган боғ, кўшк тасвирида, денгиз ва денгиз тўлқинлари, маймунлар ороли, дев маскани ва бошқа эпизодларда бой фантазиядан, ранг-баранг бадиий усул ва бадиий тил воситаларидан фойдаланади. У ёзма адабиётнинг ва халқ оғзаки ижодининг тажрибаларидан таълим олади. Жумладан, «Қиссаи Сайфулмулук»даги тўн воқеаси ва Бадеулжамол тасвири, Сайфулмулукка кўшк қурилиши, Сайфулмулукнинг денгиз саёҳати ва қаҳрамонликлари тасвирида «Фарҳод ва Ширин» (Навоий)нинг таъсири равшан кўриниб туради. Халқ оғзаки ижодининг таъсири эса бундан ҳам кучлироқ бўлиб, у достоннинг сюжети ва композициясида, конфликтнинг ижобий қаҳрамонлар ғалабаси билан ечилишида, образлар, тасвирий ўринлар ва бошқаларда ёрқин кўринади. Шоир халқ юморидан ҳам, унинг мақол ва таъбирларидан ҳам кенг фойдаланади. Халқ юмори айниқса «Занги духтар» портрети тасвирида усталик билан қўлланган. «Занги духтар» бирор ўлка ёки халқнинг қизи эмас, балки фантастик образ, ёмонлик ва зулмат тимсолидир. Унинг ташқи қиёфаси эса феодал саройининг ясан-тусанларга, упа-эликларга берилган енгил табиат аёлларини эслатади:

...Юзига суртубон ул упа деб гач,
Қаро зулфин қаро юзга қўюб каж.
Қазон қаросидин қошига тортиб,
Қалин гач бирла юзин оқортиб.
Қаро арғамчидин солиб чу сочбоғ,
Солиб ночоғ бўйнига ани чоғ.
Қилиб бир-икки қасқонни билаузук,
Солиб неча қизил соғурдин узук.
Чу филнинг туйноғидек туйноғина,
Қизил суртуб бўяди мисли хина.
Юрур бўлса, юрур тева юрушин,
Кулур бўлса, кулур айиқ кулушин...

У ташқи қиёфаси билангина эмас, балки феъл-атвори, зулми ва жафокорлиги билан ҳам китобхонда ўзига нисбатан нафрат ва ғазаб ҳиссини қўзғатади. Сайфулмулук унинг «севги»сини рад қилганда, у Сайфулмулукни оғир азоб ва қийноқларга гирифтор этади.

Достондаги:

«Эр ўғликим қадам қўйса чу йўлға,
Қадам йўлда керакдур, бош қўлда».
«Жаҳонда неш кўрмай, нўш бўлмас,
Муродни топмайин ошиқ қувонмас».
«Жафо чекмай кишига роҳат ўлмас,
Агар куймас, ўтунға жўш бўлмас,
Чу деҳқон чекмаса жабру жафосин,
Емишларнинг киши кўрмас вафосин»,
«Шаҳарлар тилини боғласа бўлур,
Арзагўйлар тилини нетса бўлур»,
«Ул охир боғлади бағриға бир тош»

www.ziyouz.com kutubxonasi

каби халқ мақоллари ва таъбирлари асосида тузилган мисралар достоннинг мазмунини бойитади, унинг бадиийлигини оширади, халқчиллик тенденцияларини ривожлантиради.

«Қиссаи Сайфулмулук» классик адабиётдаги барча достонлар каби маснавий (жуфт қофия) йўлида қофияланган. Мажлисий достоннинг муқаддимасида таъкидлаганидек, «Қиссаи Сайфулмулук» учун «Гул ва Наврўз» вазнини мезон қилиб олиб, уни ҳазаж баҳрида (мафоийлун мафоийлун фаулун) ёзди.

Эр ўгликим	қадам қўйса	чу йўлға
Қадам йўлда	керакдур бош	(и) қўлда
Мафоийлун	мафоийлун	фаулун

«Қиссаи Сайфулмулук» XVI аср ўзбек адабий тилининг муҳим ёдгорликларидан биридир. Шоир:

Ориқ[1] туркий тилинга назм этибмен,
Ўқуғил завқ ила мавзун қилибмен,—

деб достонини соф туркий — ўзбек тилида ёзганини таъкидлайди. Бундан Мажлисий форсча-тожикча ва арабча сўзларни ишлатмаган, деган фикр келиб чиқмайди, албатта. Мажлисий достонида аллақачон ўзбек тилига ўзлашиб кетган кўпгина форсча-тожикча ва арабча сўзлар, баъзан форс-тожик тилига хос грамматик шакллар ҳам қўлланилади. Лекин Мажлисий халқ жонли тилидан кенг фойдаланади ва достонини содда, равон тилда яратиб, ўзбек адабий тилининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. «Қиссаи Сайфулмулук»да Хоразм лаҳжасининг излари ҳам равшан кўринади. Жумладан, шоир *таҳя* (дўппи), *илик* (қўл), *қати* (қоши), *қопуқ* (дарвоза), *тақи* (яна), *юзук* (узук) сўзларини ва *этоли* (этайин), *биоли* (билайин) каби феъл формаларини ишлатади.

Хотима

«Қиссаи Сайфулмулук» ўзбек классик адабиётининг гўзал достонларидан биридир.

Достон муқаддимасида:

Эшитинг ўқуюн бир яхши қисса,
Ажойиб қиссаи пур дарду ғусса,—

деган шоир «пур дарду ғусса» қиссасини оптимистик руҳда хулосалайди ва достоннинг кўп авлодларга манзур бўлишини орзу қилади.

Шоир китобхонга мурожаат этиб:

---

[1] *Ориқ* — соф, тоза.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Китобим мунису дилбандим эрур,
Анинг ҳар байти бир фарзандим эрур.
Азизимдур, тақи сен ҳам азиз тут,
Ўқуғил, завқ ила яхши қулоқ тут.
Қилиб ангизлар кўп базм қилдим,
Ўқуғил, ошиқона назм қилдим...
Ғараз будурки, сўз дунёда қолғай,
Ўқуб ошиқлар андин баҳра олғай...

дейди. Шоир янглишмади. Унинг севги китоби бир неча аср мобайнида ўзбек, татар, туркман, қозоқ ва бошқа халқларнинг китобхонларига манзур бўлиб келмоқда. Ўзбек классик адабиёти «Қиссаи Сайфулмулук»дан кейин халқ оғзаки ижоди асосида вужудга келган «Гулу булбул» (Салоҳий), «Ҳафт гулшан» (Нодир), «Баҳром ва Гуландом» (Сайқалий) каби кўплаб янги достонлар билан, «халқ китоблари» қаторидан ўрин олган асарлар билан бойиди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХОЖА

Хожа XVI асрда етишган истеъдодли шоир ва адибдир. Хожа моҳир ҳикоянавис сифатида ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутади.

Ҳаёти ва фаолияти ҳақида

Хожанинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида жуда оз маълумот бор. Унинг туғилган ва вафот этган йиллари маълум эмас. Пошохўжа Абдулваҳобхўжа ўғли йирик руҳоний оиласида дунёга келди. Унинг Хуросон сайидларидан бўлган ота-боболари садрлик ва шайхулисломлик мансабларида хизмат қилган эканлар. Пошохўжанинг ўзи ҳам Балх ҳокими Жонибекнинг ўғли Қистонқоранинг (1556 йилда вафот этган) саройида шайхулисломлик қилган.

Пошохўжа руҳоний оилада туғилиб, диний руҳда тарбияланганлигига қарамай, дунёвий билимлар билан, санъат ва адабиёт билан ҳам кенг машғул бўлди, ўз даврининг атоқли донишмандларидан ва сўз санъаткорларидан бири бўлиб етишди. У форс-тожик ва араб тилларини мукаммал эгаллаб олди, тарих китобларини, ўзбек ва форс-тожик адабиётини, хусусан, Низомий, Саъдий ва Навоий асарларини қунт билан ўрганди, халқ оғзаки ижоди, халқ эртаклари ва ҳикоялари билан анча қизиқди. Лирик ва эпик асарлар ёзди, ўз бадиий асарларида Хожа тахаллусини қўллади ва шу ном билан шуҳрат топди. У ўзининг шоирлик қобилиятига баҳо олиш мақсадида айрим асарларини Заҳириддин Муҳаммад Бобирга юборди.

Адабий мероси

Хожанинг адабий мероси лирик ва эпик турдаги асарлардан иборат. Унинг лирикаси девон шаклида сақланиб қолмаган, бизга айрим шеърий намуналаригина етиб келган, холос. Шунга қарамай, бу намуналар Хожанинг хийла иқтидорли бир лирик шоир бўлганини кўрсатади. Хожа бошқа жанрлардаги асарларида бўлгани каби, қитъа, рубоий ва бошқа жанрларда ёзган лирик шеърларида ҳам кўпинча ахлоқ-одоб масалалари ҳақида фикр юритади, китобхонларга панд-насиҳат қилади. Ғазалларида эса ҳарорат билан дунёвий севгини, висолнинг шавқ-завқини куйлайди ва ҳижроннинг алам-изтиробидан зорланади.

Хожа феодал жамиятнинг негизларини танқид қилмайди, у ўзи мансуб бўлган феодал синфининг манфаатларини ҳимоя этади. Бироқ шунга қарамай, у шеърларида ҳам, ҳикояларида ҳам «раият-парварлик», «адолатпарварлик» каби ғояларни илгари суриб, маълум даражада бўлса-да, феодал синфи қарашлари доирасидан ташқари чиқади, феодал-клерикал ахлоқнинг айрим иллатларини танқид қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Халқ,— дейди шоир,— бир мевали дарахтдир, уни парвариш қилсанг, мева оласан. Давлат бошлиқлари ҳам шундай бўлмоғи лозим.

Раият эрур мевалик бир ёғоч,
Сув берсанг анга, мева берур санга.
Солур мевасинию бўлур баргрез,
Хазон елидек қилса анга жафо.

У камбағалпарварлик ва мушфиқлик ғоясини ифодалаб:

Сойилдин эвурма юз, дахи эҳсон қил,
Дардига табиблар каби дармон қил,
Олам аро ҳар на мушкиле тушса санга,
Лутф айлаю мушкил ишларин осон қил,—

дейди. Шунингдек, Хожа мақтанчоқ ва баландпарвоз кишиларга қариши:

Норунж суйи базм ичида мул бўлмас,
Ҳар шўра ниҳол қобили гул бўлмас.
Юз минг йил агар фароғ ила тутса мақом,
Ҳаргиз чаман ичра зоғ булбул бўлмас,—

дейди.

Яшаган муҳитининг айрим иллатларини ва зодагонларнинг баъзи бир салбий хислатларини танқид қилган шоир бир масналарийсида халқнинг «дўст ачитиб сўзлар, душман кулдириб» деган мақоли зайлида кишиларга ўгит бериб, айтади:

Кимки санинг айбинг айтур санга,
Шафқат ила лутфу карам қил анга.
Дўстунг улдур, ани таққиқ бил,
Ҳар на деса сўзини тасдиқ қил...
Рост сўз ар табъинга келса ёмон,
Дема ёмон, ким эрур ул нўши жон.

Хожанинг юқоридаги шеърлари, шубҳасиз, XVI аср ўзбек лирикасининг ғоявий-бадиий етук шеърлари сирасига киради.

Хожа Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» достонига ўхшатма тарзида «Мақсадул-анвор» («Нурларнинг мақсади») деган достон яратган, деган маълумот бўлса ҳам, лекин ҳали бу достон топилган эмас.

Хожа адабий меросининг катта ва муҳим қисми унинг ҳикояларидир. У 1539—40 йилларда «Гулзор» номли ҳикоялар тўпламини яратади. Шайх Муслиҳиддин Саъдийнинг «Гулистон» ва Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» китобларига ўхшаган бу ибратли ҳикоялар тўпламини Хожа Жонибекнинг ўғли Қистонқора султонга бағишлайди. «Гулзор» давлатни бошқариш, халқ билан қандай муносабатда бўлиш, инсоф ва адолат ҳамда ахлоқ ва одоб каби масалаларга бағишланган ҳикоялар тўпламидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўтмиш ўзбек адабиёти ёдгорликлари орасида «Мифтоҳул-адл» («Одиллик калити») номли ҳикоялар тўплами ҳам бор. Хожанинг «Гулзор» асари ана шу «Мифтоҳул-адл»га ўхшаб кетади. Бироқ «Мифтоҳул-адл» тўпламининг ўзида автор номи кўрсатилмаганидек, бошқа манбаларда ҳам бу тўплам ва унинг автори ҳақида маълумот йўқ. Адабиётшуносликда бу тўплам XIV асрга мансуб деб фараз қилинар эди. Бироқ кейинги йилларда тадқиқотчилар уни XVI асрга тааллуқли деб ҳисобламоқдалар. Профессор В. Зоҳидов «Мифтоҳул-адл» XVI асрга мансубдир, у Хожанинг асари бўлиши, «Мифтоҳул-адл» билан «Гулзор» асли бир китобнинг икки қисми бўлиши мумкин деб фараз қилади[1]. (Хожа ижоди ҳақида М. Мирзааҳмедова кандидатлик диссертацияси ёзган — 1966).

В. Зоҳидов таъкидлаганидек, «Мифтоҳул-адл»га доир мунозарали масалалар, хусусан унинг автори масаласи, ҳали узил-кесил ҳал этилмаган бўлса-да, «Мифтоҳул-адл» билан «Гулзор» ўртасида яқинликни кўзда тутиб, бу икки асарнинг ҳикояларини бирга ўрганамиз.

«Мифтоҳул-адл» ва «Гулзор» ҳикоялари

«Мифтоҳул-адл» ва «Гулзор» кичик-кичик ҳикоялар тўпламидир. Ислом дини ва шариатни тарғиб қилувчи бир неча ҳикояни мустасно қилганда, «Мифтоҳул-адл» ва «Гулзор»даги ҳикояларнинг кўпчилиги дунёвий масалаларга: давлатни бошқариш, подшо ва раият (халқ), подшо ва сарой аҳли, ободончилик ва осойишталик, маърифат ва ахлоқ-одоб каби масалаларга бағишланган. Диний темадаги ҳикоялар «Қуръон» ва бошқа диний китоблардаги материаллар асосида тузилган бўлса, дунёвий ҳикояларнинг кўпчилиги халқ оғзаки ижоди бойликлари, Муҳаммад Авфийнинг (XIII аср) «Жомеул-ҳикоят» каби ҳикоя тўпламларидан ҳамда шу манбалардан илҳомланган ўзга сўз санъаткорларининг асарларидан ижодий фойдаланиш асосида яратилган.

«Мифтоҳул-адл» ва «Гулзор»даги ҳикоялар дидактик ҳикоялардир. Автор уларда бирор кичик воқеани ҳикоя қилиш орқали китобхонларга панд-насиҳат қилади, уларга ўгит беради, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий масалаларга доир хулосалар чиқаради. У панд-насиҳат қилиш ва ўгит бериш йўли билан адолат ва осойишталик ўрнатиш, золим подшо ва амалдорларни жиловлаш, давлатни қатъий қонун-қоидалар асосида бошқариш, кишиларнинг хулқ-атворидаги камчиликларни, турли ижтимоий табақалар орасидаги зиддиятларни бартараф этиш мумкин деб ўйлайди. Лекин, шунга қарамай, ҳикоялар автори феодал-клерикал муҳитнинг даҳшатли ҳаёт манзараларини ростгўйлик билан тасвирлайди, ҳукмрон синфнинг айрим иллатларини танқид қилади, феодал

[1] Қаранг: В. Зоҳидов. Ўзбек адабиёти тарихидан. ЎзССР Давлат Бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент — 1961.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрта асри учун прогрессив аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-сиёсий қарашларни илгари суради ҳамда тўғрилик, ростгўйлик, садоқат ва марҳамат каби олижаноб инсоний фазилатларни тарғиб этади.

«Мифтоҳул-адл» ва «Гулзор»да хилма-хил образ ва характерлар яратилган. Улар турли ижтимоий табақаларга мансуб бўлган кишилар: шоҳлар, вазирлар, амалдорлар, руҳонийлар, олимлар, ҳунармандлар, деҳқонлар, чўпонлар, дарвешлар, ўғрилар, безорилар ва бошқалардир. Бир ижтимоий табақага мансуб бўлган кишилар муштарак ва индивидуал хусусиятлари билан гавдалантирилади. Ёзувчининг тушунишича, бир ижтимоий табақага мансуб бўлган киши турлича характерда бўлиши, ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Шунга кўра, у одил ва золим подшолар, донишманд ва мунофиқ вазирлар, садоқатли ва худбин амалдорлар, виждонли ва безори сипоҳийлар образини яратади. Кўпинча бундай кишиларнинг салбий образларида ёзувчи уларга хос бўлган реалистик хислатларни бадиий умумлаштириб берса, ижобий образларнинг фаолияти ва қиёфасида адолатли подшо, донишманд вазир ҳақидаги орзу-тилакларини мужассамлаштиради. Деҳқон ва чўпон каби меҳнаткаш табақа намояндалари ҳалол, тўғри, ақлли, иродали ва ор-номусли кишилар сифатида тасвирланади. Бу хусусиятлари билан «Мифтоҳул-адл» ва «Гулзор» ҳикоялари янада халқ оғзаки ижодига яқинлашади.

Ҳикоялардаги айрим образлар, масалан, Искандар, Нўширвон, Султон Маҳмуд, Султон Маликшоҳ ва бошқалар тарихий шахсларнинг номи билан аталса-да, бироқ улар бу тарихий шахсларнинг образи эмас, балки бадиий-фантастик образлардир. Улар оғзаки ва ёзма адабиётда аллақачонлар мана шундай бадиий-фантастик образларга, кўпинча орзу ва хаёлдаги одил ва маърифатпарвар подшоларнинг идеал образига айланиб кетган эдилар. Уларда тарихий шахслардан деярли фақат бир номгина қолган эди, холос. Бинобарин, у тарихий шахслар бадиий асарлардаги образларнинг прототиплари бўла олмайдилар. «Мифтоҳул-адл» ва «Гулзор» ҳикояларида Нуҳ ва Даққи Юнус каби диний-афсонавий образлар ҳам яратилган.

«Мифтоҳул-адл» ва «Гулзор» ҳикоялари тематикаси ва ғоявий мазмуни билангина эмас, балки бадиий хусусиятлари ва тили билан ҳам ўзбек классик адабиётининг, бу адабиётда нисбатан камроқ ривожланган бадиий насрнинг энг яхши ёдгорликларидандир. Ҳикоялар кичик-кичик ва жуда ихчам бўлиб, ёзувчи уларда катта бир темани, муҳим бир проблемани хийла кенг ва мукаммал ифодалайди. Тема бирор эпизод, кўпинча саргузашт характеридаги бирор воқеа баёнида ёритилади. Ёзувчи айрим кичик деталларни тасвир қилишга берилиб кетмай, темаининг моҳиятини очувчи етакчи нуқтани асос қилиб олади. Ҳикоя шу нуқта билан бошланади ёки у тез орада воқеанинг ривожланиб боришида вужудга келади ва етакчи бўлиб қолади. Ҳикоялар халқ ижоди асарларида бўлга-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нидек, кўпинча, «айтурларким» сўзи билан бошланади, охирида «қиссадан ҳисса» чиқарилади. «Қиссадан ҳисса» кўпинча, қитъа, рубоий, байт ва бошқа шеърий шаклларда берилади. Образларнинг маънавий қиёфаси уларнинг фаолиятида, саргузаштларида очилади. Характерлар ўзига хос етакчи хусусиятлар билан индивидуаллаштирилади. Ёзувчи бир-бирига зид бўлган характерлар тасвири ва тавсифида кўпинча қаршилантириш усулидан фойдаланади. Конфликт яхшиликнинг, ижобий образларнинг ғалабаси билан ечилади.

Ҳикояларнинг услуби жуда содда. Уларда ортиқча «санъатпардозлик» ва ғализлик йўқ. Жумлалар кўпинча содда гаплардан тузилган. Сўзлар танлаб ишлатилган. Автор халқ жонли тилидан, хусусан унинг мақол ва таъбирларидан кенг фойдаланган.

Халқ оғзаки ижодининг таъсири «Мифтоҳул-адл» ва «Гулзор» ҳикояларининг ғоявий мазмунини ҳамда бадиий услуби ва тилини бойитган, такомиллаштирган.

Энди биз «Мифтоҳул-адл» ва «Гулзор» тўпламларидаги айрим ҳикояларга шартли номлар қўйиб, улар билан танишиб чиқайлик.

Ажойиб вилоят Искандар Зулқарнайн бир вилоятга борибди. У ерда суру-суру қўйлар бўлиб, чўпони йўқ экан, мевалари пишиб ётган боғлар бор-у, боғбони йўқ экан, мол-маталарга тўла дўконлар бор-у, қоровули йўқ экан. Искандар бу вилоятнинг тартиб-қоидаларидан ниҳоятда таажжубланибди. Шунда у вилоятнинг подшоҳи: «Бизнинг орамизда бирор киши муфлис (қашшоқ) бўлса, баримиз йиғилиб, мол жам қилиб, ул кишини мол ва амвол билан ҳамда жамиятда ўзларимиз бирлан тенг қилурмиз...— дебди. Искандар бу вилоятнинг тартиб-қоидаларидан ғоят шод ва мамнун бўлибди.

Бу ҳикоянинг мазмуни бизга Форобий мероси, Низомий Ганжавий ва Жомийнинг Искандарга оид достонлари орқали танишдир. Ҳикоя автори, дунёқарашидаги жиддий зиддиятларга қарамай, адолатли жамият ва бахтиёрлар ўлкаси ҳақидаги фантазияни давом эттиради, кишилар ўртасидаги зиддиятларнинг бартараф этилишини, осойишталик ва фаровонликнинг барқарор бўлишини орзу қилади. Бироқ у буларнинг барчасига адолатли ҳукмдор орқали эришиш мумкин деб ўйлайди. Шунга кўра, кўпчилик ҳикояларда адолатли идеал ҳукмдор образи яратилади, халқпарварлик ва адолатпарварлик ғояси илгари сурилади.

Бир соатлик адолатнинг қиммати Бир подшоҳ ҳажга бормоқчи бўлибди. Бироқ донишманд вазири бунга эътироз билдириб, сиз ҳажга борсангиз, эл-юрт иши қолиб кетади, бебошлик рўй беради, дебди. Ниҳоят, подшо бир неча бор ҳажга борган кишининг бир ҳаж савобини сотиб олишга қарор қилибди. Бир ҳожининг ҳаж савобини ўн минг қизил танга бериб сотиб олмоқчи бўлган экан, ҳожи «эй подшоҳим, бир ҳаж не бўлғай, йигирма ҳажимнинг савобини сенга берайин, сен бир соат адл қилғоннинг савобини манга берсанг»,— дебди. Подшо: «Бир соат адл қилғоннинг савоби на бўлур?»— деган экан, у; «Бир соат адл қилғоннинг савоби одамларнинг ва фаришталарнинг ва ҳурларнинг ибодатидан ортуқ турур»,— деб жавоб берибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Авторнинг ўйлашича, бир соатлик адолатнинг баҳоси ана шундай юксак экан, чунки подшо бир соатлик адли билан ҳам қанча-қанча мискинларга адолат, шафқат қилмоғи, гуноҳсиз кишиларни жаллоднинг тиғи ва дорнинг тагидан олиб қолмоғи, золимларнинг жазосини бермоғи мумкин.

Бу ғоя, жумладан, «Нўширвон ва Ҳаким» ҳикоясида ҳам ифодаланган.

Нўширвон беклари ва ҳакимларини йиғиб, халқ билан қандай муносабатда бўлиш ҳақида кенгашганида, беклар олиқ-солиқни кўпайтириб, қўшинни мустаҳкамлаш керак, дейдилар. Донишманд Абузаржумҳур эса, бу хато йўлдир, бу йўл эл-юртни ҳам, давлатни ҳам хонавайронликка олиб боради, дейди. Унинг таклифи билан беклар бир жойга, унинг ўзи бошқа бир жойга овга чиқадилар ва шикорларини подшога келтириб берадилар. Беклар биринчи куни кўп ов овлайдилар, бироқ иккинчи куни овсиз қайтадилар, чунки биринчи кундаги даҳшатли ов ҳайвонлар ва қушларни тўзғитиб, қўрқитиб қўйган эди. Донишманд эса оз бўлса ҳам, ҳар куни ов билан қайтади. Подшо унинг олиқ-солиқни кўпайтиришга қарши эътирози тўғри эканини эътироф қилиб, адолат билан иш кўради.

Бу ҳикоя қуйидаги маснавий билан тугайди:

Раиятни тадбир ила ром қил,
Адолат саридида ором қил.
Раиятга адл ила қилсанг маош,
Кам ўлмас сахо суфраси ичра ош.
Чиқорғил раиятни ғам чоҳидин —
Ёнмоғойсен онинг дуди оҳидин.
Ситамкаш агар оҳ чекса саҳар,
Куяр оҳининг ўтидин баҳру бар.
Эшик ёпма мазлумнинг юзига,
Кўзунг оч, қулоқ сол онинг сўзиға...

Ёзувчи мамлакат ва халқ тақдирини подшога, унинг сарой аҳлларига боғлайди. Подшонинг халққа посбон ва чўпондек меҳрибон бўлишини истайди.

Шу ғоя асосида у адолатли ва адолатсиз подшолар, вазирлар, амалдорлар образини яратади, «посбон» ва «чўпон»ларни мақтайди, улуғлайди, «бўри»ларни қаттиқ қоралайди, бирларини жазолайди, бирларини қайта тарбиялайди.

Султон Маҳмуд, вазир ва икки бойқуш

Султон Маҳмуд Ғазнавий золим, унинг вазири Хўжа Ҳасан доно ва одил экан. Улар кунлардан бир куни овга чиқишибди. Вазир шаҳарнинг четида сайраётган икки бойқушни кўриб оҳ тортибди. Йиғлабди. Бундан таажжубланган Султонга у: «Ул бир бойқуш бул бойқушга айтатурким, иккимиз қуда бўлайлик, қизингни манинг ўғлумға бергил, таки қолин не тилар бўлсанг берайин, дер. Ул айтатурур: манинг қизимнинг қолинига ўн минг бузуғ уй керакдур. У айтатурур: агар Султон Маҳмуд тирик бўлса, бир йилдан сўнг юз минг уй десанг ҳам берайин, деди. Ман шул сўзға йиғладим»,— дейди, Султон: «Ман шунингдек золимтурурманким, манинг зулмимдин бир йилда юз минг уй хароб бўлур?!— деганда, вазир: «андоқ эрмиш» дейди. Шунда Султон: «не қилмоқ керак?», деб сўраса, вазир: «Адл қилмоқ керак ва таки зулм қилмоқдин тавба қилмоқ керак...»,— деб жавоб беради. Султон Маҳмуд

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилган ишларига тавба қилади, адолат билан давлатни бошқаради, «кечалар дарвешларнинг либосин кийиб, эшикдин эшикка юрур эрди: қайда бир тул хотун ё бир мискин бўлса, анга эҳсон қилур эрди».

Бу ҳикояда зулмга қарши адолатпарварлик ғояси илгари сурилади. Ёзувчининг фикрича, панд-насиҳат ва ўгит билан золимларни одил қилиш мумкин. Султон Маҳмуд шундай ҳукмдор сифатида гавдалантирилади. Бошда у золим, мамлакатни хароб қилувчи ҳукмрон бўлади. Бойқушларнинг суҳбатидан ўзининг қанчалик золимлигини билган Султон Маҳмуд доно ва одил вазири Хўжа Ҳасаннинг маслаҳати билан қилмишларидан пушаймон бўлиб, одил ва халқпарвар ҳукмронга айланади. Хўжа Ҳасан, ҳикояда таърифланишича, «бисёр оқил ва доно ва одил» вазир. Унинг Султон Маҳмудни тавба қилиш ва одил бўлишга чақириши ёзувчининг чақириғидир. Ёзувчи вазирни султонга қарама-қарши қўяр ва унинг воситаси билан золим султонни одил султонга «айлантирар» экан, вазирлар ва бошқа сарой аъёнлари адолатли кишилар бўлса, улар ҳатто Султон Маҳмуддек золимни ҳам одиллик ва халқпарварликка йўллашлари мумкин деган фикрни илгари суради. Ҳикоядаги бойқушлар образи мажозий образлардир. Бойқуш — халқ тушунчасида бахтсизлик ва харобаликнинг рамзи. Зулм халқни хонавайрон қилади, мамлакатни хароб этиб, бойқушлар ошёнига айлантиради. Адолат эса халқни фаровон ва мамлакатни обод этиб, бойқушлар ошёнини тугатади.

Шундай қилиб, ёзувчи панд-насиҳат орқали, донишманд ва тадбирли давлат арбобларининг ҳаракати билан зулмнинг, харобаликнинг олдини олиш мумкин деган хулосага келади. Ваҳоланки, зулм ва адолатсизлик феодал жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузуми шароитида табиий нарса бўлган бир ҳол эди. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузумини ўзгартирмай туриб, адолат ўрнатиш мумкин эмас эди. Лекин, шунга қарамай, ёзувчининг зулмни қоралаши, адолат ғоясини (бу ғоя ёзувчида тор, чекланган эди) тарғиб қилиши прогрессив аҳамиятга эга эди.

Ҳикоя ниҳоятда кичик. Унда бирор ортиқча деталь, ортиқча бирор сўз ҳам йўқ. Тема кичик бир эпизодик воқеада, персонажларнинг суҳбати, диалоги орқали очилади. Ҳикоянинг композицияси изчил, мукаммал. Бойқушлар суҳбати билан композиция кульминация нуқтасига кўтарилади ва Султон Маҳмуднинг одил бўлиши билан ечилади. Ҳикоянинг тили бой. Бу тўпламлардаги бошқа ҳикоялар ҳам худди шундай содда ва равон бўлиб, ҳозир ҳам уларнинг ўқилиши ва тушунилиши осондир.

Шунга ўхшаш ҳикоя Низомий Ганжавийнинг «Махзанул-асрор» достонида ҳам бор эди. (Бу Нўширвоннинг овга чиқишини тасвирловчи ҳикоядир.) Ўз илдизи билан халқ оғзаки ижодига бориб тақалувчи «Икки бойқуш» ҳикояси бир неча ном билан кенг тарқалган, турли асарлардан ўрин олган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нўширвон ва бева хотин

Нўширвон одил подшо бўлган экан. У бир амалдорини Озарбайжонга бек қилиб юборибди. Бошда адолат билан иш тутган бек кўп ўтмай эл-юртга жабр-ситам қилиб, мол-мулкини кўпайтирибди, ҳатто бир бева хотиннинг бутун бор-йўғи бўлган бир парча ерини ҳам тортиб олиб, боғига қўшибди. Ноилож қолган хотин Мадойинга бориб, Нўширвонга арз-шикоят қилибди. Нўширвон шикоятни текшириш учун Озарбайжонга одам юборибди. Бева хотиннинг сўзи тасдиқланибди. Нўширвон бекнинг терисини шилиб олиб, этини итларга беришга, олган мол-мулкини эгаларига қайтариб, қолган давлатини мискинларга улашишга ҳукм қилибди. Шу билан бирга, у барча бекларига қаратиб, кимки бировнинг мол-мулкини тортиб олган бўлса, икки ой муҳлат ичида эгасига қайтариб берсин, бўлмаса бу бекнинг куни бошига тушади дебди. Беклар подшонинг буйруғига амал қилибдилар. Шундан кейин подшо, тахтимдан дарвозага қадар занжир тортиб, қўнғироқ ўрнатилсин, токим кишилар бемалол арз-доди борлигини билдирсинлар, дебди. Орадан бир неча кун ўтибди. Қўнғироқ чалинибди. Мулозимлар чиқиб кўрса, бир қари эшак занжирга ишқаланаётган экан. Эшакни ҳайдаб юборишибди. Буни эшитган Нўширвон мулозимларини койибди, эшакнинг эгасини аниқлаб, унинг икки ён қўшнисини чақиртирибди. Қўшниларнинг сўзидан эгаси эшакни кўп йиллар қаттиқ ишлатгани, у қариб ишга лаёқатсиз бўлиб қолганидан кейин, қарамай қўйгани маълум бўлибди. Нўширвон: эшакнинг эгаси «бу эшакка ҳар кунда икки ботмон ем берсун ва таки бир ахтахона ясасун ётмоқига»,— деб ҳукм чиқарибди.

Ҳикояда адолат ғояси илгари сурилади. Бу ғоя, бошқа бир неча ҳикояларда бўлгани каби, Нўширвон образида мужассамлаштирилади. Нўширвон — адолатли идеал ҳукмдор. У эл-юртнинг осойишталиги ва фаровонлиги учун курашади, фақир-фуқаронинг ҳақини ҳимоя қилади, уларнинг арз-додини адолат билан ҳал этади, золимларнинг жазосини беради. У шунчалик одилки, ҳатто, ишга яроқсиз бўлиб қолган бир ожиз ҳайвонга — эшакка ҳам ғамхўрлик қилади. Ўтмишда кишилар шундай ҳукмдорнинг бўлишини орзу қилиб, ўз орзуларини турли хилдаги бадиий образларда ифодалар эдилар. Нўширвон образи ҳам мана шундай образлардан бири сифатида вужудга келган эди.

Озарбайжон беги ҳикоядаги салбий образдир. У ўзининг шахсий манфаатларига берилиб кетган, эл-юртни талон-торож қилган ва ҳатто бир бева хотиннинг бутун ҳаёт манбаи бўлган озгина ерини ҳам тортиб олган муштумзўрдир. Бу образда феодал амалдорларнинг типик хусусиятлари бирмунча мужассамлаштирилган. Шунга кўра, бу образ бадиий умумлаштирилган реалистик тенденциядаги образдир.

Бева хотин қиёфасида биз йўқсил, қашшоқ ва журъатли меҳнаткаш халқ вакилини кўрамиз. Унинг бутун бор-бисоти мерос қолган бир парча ери. Еридан у кунига тўртта нон топади, холос. Бу «нонларнинг бирин бериб шамъ олур эрди ва бирин бериб ўтун бирла сув олур эрди. Ноннинг ўзгасини ўз маошига сарф қилур эрди. Бу тариқа бирла рўзгорин кечурун юрур эрди». Бироқ золим бек буни ҳам кўп кўради, хотинни еридан маҳрум қилади. Фақат Нўширвоннинг адолатигина унинг жонига оро киради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳикоянинг асосий сюжет ва композиция қисмини бек, бева хотин ва Нўширвон воқеаси ташкил этади. Кейинги эпизодлар эса шу воқеанинг иловасидир. Бу илова асосий воқеанинг ғоявий мазмунини тўлдириши билан бирга, ҳикоянинг бадиий қимматини ҳам орттиради. Бу жиҳатдан айниқса «эшак воқеаси» эпизоди жуда характерли бўлиб, у «қиссадан ҳисса» чиқаришга хизмат қилади.

«Мифтоҳул-адл» ва «Гулзор»да ўз моҳияти билан «Нўширвон ва бева хотин» ҳикоясига жуда яқин бўлган яна бир неча ҳикоя бор. («Султон Маҳмуд ва Дарвеш», «Султон Маҳмуд ва кампир», «Баҳром ва чўпон» ва бошқалар.)

Султон Маҳмуд, толибул илм ва қози

Бу ҳикоя, халқ эртакларида бўлганидек, «ҳикоя ичида ҳикоя» усулида яратилган. Ҳикоянинг асосини Султон Маҳмуд, толибул илм ва қози воқеаси ташкил этади. Унда қозини қаттиқроқ фош қилиш учун яна мустақил сюжетли бир неча ҳикоячча келтирилади.

Султон Маҳмудга бир толибул илм (мадраса ўқувчиси) шундай арз қилади: отам ўлди, кўп мол қолди. Туркистонга бориб ўқимоқчи бўлдим, минг дона қизил тиллани ипак кисса (халтача)га солиб муҳрлаб, ишончли киши деб қозига қолдириб кетдим. Қайтиб келиб, киссани олдим, кисса бутун, муҳр бузилмаган. Бироқ очсам, олтин йўқ, нуқул мис чақа. Қозига арз қилсам, фойда бермади. Адолат қилинг.

Султон, қозига онт ичирамиз, бошқа чора йўқ, дейди. Толибул илм, агар шундай қилинса, лайлак воқеасига ўхшаш иш бўлар эди деб, қуйидагиларни ҳикоя қилади: илонлар лайлак билан келишиб, унга ҳар куни биттадан илон беришга ваъдалашибди. Лайлак кўнибди, биттадан ортиқ илон емасликка онт ичибди. Бироқ кўп ўтмай лайлак онтини бузибди. Бундан шикоят қилган илонларга у: менинг онтим бўладими, мен масжиддан минорага, минорадан масжидга қўнаман, ҳар қандай гуноҳим бўлса, ювилиб кетади, дебди.

Толибул илмнинг доно сўзларидан таъсирланган Султон муаммони ҳал этиш учун муҳлат олибди. У киссани қози ёриб олтинини олмадимикан деган хаёл билан, овга кетиши олдида тўшагининг бир ерини ёриб кетибди. Овдан қайтиб келса, тўшак бус-бутун. Хизматкор бир тўқувчи устани олиб келиб, тўшакнинг ёруғини аввалгисидек қилиб тўқиттирганини айтибди. Султон устани чақириб олибди. Уста қозининг бир киссани ёриб, олтин ўрнига мис чақа жойлаб, уни аввалгисидек қилиб тўқиттирганини сўзлаб берибди. Султон пул зарб қилувчи усталарни ҳам чақиртириб олибди. Улар қозига мис чақа зарб қилиб берганларини эътироф қилибдилар. Қози сўроқ қилинибди. У қилган гуноҳидан тонибди. Шунда Султон усталарни юзлаштириб, қозининг хиёнатини бўйнига қўйибди. Қози дорга осилибди.

Асосий воқеа шу билан тугайди. Бироқ автор золим ва мунофиқ қозиларни қаттиқроқ фош қилиш учун асосий воқеага иккита кичик ҳикоя илова қилади. Султон Маҳмуд толибул илмни қози тайинламоқчи бўлади. Толибул илм бу таклифни рад этиб, қози бўлишни истамаслигининг сабабини икки ҳикоя билан баён этади.

Озарбайжонда,— дейди толибул илм,— қози бемор ётар эди. Устозим билан аҳвол сўрагани кирдик. Қози устозимдан рози-ризолик сўради. Устоз: сиз ўлмайсиз, чунки имон келтиряпсиз,— деди. Дарҳақиқат, қози тузалиб турди. Лекин бир куни оти ҳуркиб йиқилиб кетиб, қози имон келтиролмай ўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Куфа шаҳрида бир киши Али олдига келиб, еридан уч йилдан бери ҳосил ололмаётганини арз қилиб, маслаҳат сўрабди. Али бир парча қоғозга нимадир ёзиб, уни еринг нинг ўртасига кўмиб қўйгин, дебди. У киши шундай қилибди, еридан яхши ҳосил унибди. У «бу хат не эркон деб ул ердин очиб ул хатни олиб ўқиди, эрса, ёзилмишким, эй ер, бу йил ҳам ҳосил бермасанг, бир золимқози ўлган бўлса, ўлукини келтуруб санинг ўртонгга кўмарман, деган хат эркан. Эмди мундоқ маълум бўлдиким, қозиларни ер ҳам қабул қилмас эркан...»

Толибул илм кейинги ҳикояни тугатар экан, «бир золим қозининг ҳукмхонасининг эшикидин ўтса, қули озод бўлмағай. Тақи айтибдурларким, ит ҳар тунда айтур эрмиш: олло таолога шукурким, мани қози қилмай, ит қилибтурур»,— дейди.

«Султон Маҳмуд, толибул илм ва қози» ҳикояси бошдан-охир золим, мунофиқ ва хиёнатчи қозиларни фош этишга қаратилган. Асосий воқеа ҳам, илова қилинган ҳикоячалар ҳам шунга хизмат қилади. Қози толибул илмнинг омонатига хиёнат қилади. У хиёнатидан тонади, онт ичишдан қайтмайди. Онт ичиш ҳам, шариат ҳам унинг қўлида, бирини иккинчи бири билан тўғрилаб юбораверади. Шу жиҳатдан у онтини бузиб, илонларга қирғин солган мунофиқ лайлакка ўхшайди. Лайлак минорада гуноҳ қилиб, масжидга қўниб гуноҳини «пок» этгани каби, қози ҳам гуноҳини шариат ҳийласи билан ювиб юбораверади. Ёзувчининг айтишича, бундай қозилар имонсиз, диёнатсиз кишилардир, шунга кўра улар тил тортмай, калима қайтаролмай ўлиб кетишлари керак, уларга «гўр» азоби ҳам қотиғдир». Қора ер ҳам золим қозидан ҳазар қилади, ит итлигига хурсанд бўлиб, қози бўлмаганига шукур қилади.

Толибул илм бошлаб қозиларга ишонч ва эътиқод билан қарайди. Бироқ ҳаёт, билим ва тажриба унинг қозиларга бўлган муносабатини ўзгартиради. Толибул илм фақат қозини фош қилувчи киши сифатида эмас, балки бир донишманд сифатида ҳам гавдаланади. Унинг донишмандона сўзлари ёзувчининг ўз сўзларидир.

Бу ҳикояда ҳам Султон Маҳмуд адолатли подшо сифатида тасвирланади.

Ҳикоянинг темаси ўз даври учун жуда муҳим эди. Ўзларини дин-шариат пешволари ва адолат ҳомийлари деб юритган қозилар, аслида порахўр, мунофиқ, хиёнатчи, ҳийлакор ва товламачи кишилар эди. Уларнинг бетидан ниқобларини олиб ташлаб, кирдикорларини фош этиш зарур эди. Ҳикоя мана шу мақсадга қаратилади. Унда ёзувчи моҳирлик билан қозиларнинг бадиий умумлаштирилган реалистик салбий образини яратади.

Автор «Султон Маҳмуд, толибул илм ва қози» сатирик ҳикоясида ҳам халқ оғзаки ижоди бойликларидан фойдаланади. Унинг ўзи: «Тақи золим қозининг сўзи кўпдир, аммо эмди мухтасар қилдук»,— дер экан, халқ оғзаки ижодига таянгани ва ундан материал танлаб олганини таъкидлайди. Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»сида ҳам золим қозиларни фош қилувчи бир неча ҳикоя бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улардан бири «Султон Маҳмуд, толибул илм ва қози» ҳикоясидаги асосий воқеага айнан ўхшашдир. Хожа шу ҳикоядан фойдаланганми-йўқми, бундан қатъи назар, «Сиёсатнома»даги ҳикоянинг ҳам, Хожа ҳикоясининг ҳам манбаи бирдир. Бу манба — халқ оғзаки ижодидир. Хожанинг маҳорати шундаки, у қози ҳикоясининг композициясига усталик билан яна бир неча кичик ҳикояни киритиб, унга сингдириб юборади. Бу билан ҳикоянинг ғоявий-бадиий қимматини янада оширади.

Восифийнинг «Бадоеул-вақое» асарида ҳам мазмунан «Султон Маҳмуд, толибул илм ва қози» ҳикоясига яқин бўлган бир неча ҳикоя келтирилади, «Бадоеул-вақое»даги ҳикояларнинг бош қаҳрамони Улуғбекдир. Бу ҳикояларда Улуғбек одил, донишманд ва тадбирли подшо сифатида гавдаланади. У кишиларнинг арз-додига етиб, хиёнатчиларни ва муттаҳамларни жазолайди. Шундай ҳикоялардан бирида Улуғбекка арз қилиб келган бир киши бировга муҳрланган ҳамёнга солиб минг тилла омонат қолдирганини, қайтиб олса, муҳр бузилмагани, лекин ҳамёнда тўққиз юз тилла қолганини айтади. Улуғбек уч кун муҳлат олади. Эртаси куни болишининг бир ерини йиртиб қўяди. Қайтиб келса, болиши бус-бутун. Канизак болиш ҳодисасини эрига айтган, эри уни бир тўқувчи устага олиб бориб, азалгидек қилиб чатитган экан. Шу билан юз тилланинг ҳам қандай қилиб йўқолиб кетгани маълум бўлибди. Улуғбек ҳукм қилиб, у кишининг юз тилласини ундириб берибди.

Улуғбек номи билан боғланган бу ҳикоялар, бир томондан, феодал ўтмишда хиёнат, мунофиқлик, қаллоблик ва ҳийла кенг тарқалганини кўрсатса, иккинчи томондан Улуғбекнинг адолатли, донишманд подшо сифатида традицион бир образ бўлиб қолганини кўрсатади.

Шайх ва мурид

«Мифтоҳул-адл» ва «Гулзор»да ижтимоий-сиёсий темадаги ҳикоялар билан бирга кўпгина ахлоқий-таълимий ҳикоялар ҳам бор. Шундай ҳикоялардан бири «Шайх ва мурид»дир.

Бир мурид шайхнинг олдига келиб, ўзининг кўп гуноҳ қилганини айтади ва шайхдан тавба ва инобат беришни сўрайди. Шайх, сенинг кўнглинг бир ҳовуздир, унга беш ариғдан сув киради, сен лойқа сув билан ҳовузни ифлос қилибсан, шу ариғлар суви йўлини боғласанг, ҳовуз тоза бўлади, «бир ариғ — кўзингнинг йўлидирким, мусулмонларнинг аҳли — аёлига хиёнат бирлан боқмағайсан, Яна бир ариғ — оғзингнинг йўлидирким, андин ёмон, ҳаром нималарни емағайсан. Яна бир ариғ — илик — қўлларингдурким, кишини ноҳақ уруб, молларини олмағайсан. Яна бир ариғ — оёқларингнинг йўлидурким, анинг бирлан номашруъ йўлларга бормағайсан, мисли бўзахона ва шаробхона ва мафсақа. Яна бир ариғ — қулоқларинг йўлидурким, ғийбат сўзларни эшитмағайсан», дейди. Мурид буларни қабул қилади, кўнгил ҳовузи пок бўлади.

Ҳикоядаги шайх тасаввуф таълимотини тарғиб қилувчи сўфи—пирлардан бўлмай, балки донишманд ва адолатпарвар бир мураббийдир. Шайх муршид йўл кўрсатувчидир. Бу ҳикоядаги шайх

www.ziyouz.com kutubxonasi

таркидунёчилик ва бадбинлик йўлини эмас, балки ҳалоллик, поклик ва одоб йўлини кўрсатувчи муршиддир. Муршид, киши сўзда тавба қилиш билан гуноҳдан пок бўлмайди, балки ўзининг хатти-ҳаракати ва хулқ-атворини яхшилаганидан кейингина пок бўлади, деган ғояни илгари суради. Муршиднинг сўзлари ҳикоя авторининг сўзларидир.

Чумчуқ ҳикояси Бир киши бир чумчуқни қафасда сақлар экан. Чумчуқ тилга кириб, мени озод қилсанг, сенга фойдали уч насиҳат айтаман, дебди. У киши кўнибди. Чумчуқ насиҳатларини айтибди: «Аввал улким, ҳар нимарса қўлингдин чиқса, анинг учун қайғу емағил. Ва яна маҳол сўзни асло қабул қилмағил. Эмди мани йиборғил, яна бирин айтурман». У киши чумчуқни бўшатиб юборибди. Чумчуқ бир дарахтнинг шохига қўниб, менинг қорнимда йигирма мисқол лаъл бор эди, сен нодонлик билан мени қўлингдан чиқардинг дебди. У киши пушаймон бўлиб, изтироб чекибди. Чумчуқ «Ҳоло санга насиҳат қилмадуммиким, нимарса қўлингдин чиқса, онинг учун қайғурмағил!.. Яна бу ким, ман ўзим йигирма мисқол эрмасманким, йигирма мисқол лаъл манинг қорнимга на турлуқ сиғар?» дебди. Чумчуқ у кишининг кафасдан бўшатиб юборгани эвазига «бу яғочнинг тубида бир кўзача танга бортурур»,— дебди.

У киши дарахтнинг тубини ковласа, бир кўзача танга чиқибди, киши шодхуррам бўлибди.

Ҳикоя «қиссадан ҳисса» чиқарувчи:

Икки иш қўймас бани одамда даҳр ичра мажол,
Бир таассуф ўткон ишка, бир доги амримаҳол.
Одам эрсанг кўп таассуф ема ўтган иш учун,
Демагил сўзни маҳолу чекмағил андин малол

мисралари билан тугайди.

Халқнинг «Ўтган ишга ўксинма», «Дема маҳол, чекма малол» мақоллари бу ҳикоянинг, ундаги «қиссадан ҳисса»нинг мазмунига сингдирилган. Учинчи насиҳат эса бевосита ҳикоядаги воқеанинг ўзида ифодаланган. Чумчуқни қафасга солган киши уни бўшатиб юборади, чумчуққа яхшилик қилади. Чумчуқ бунинг эвазига уни пулдор қилади. Бундан «яхшилик қилсанг, яхшилик кўрасан» деган насиҳат келиб чиқади. Ҳикояда бу уч насиҳат билан бирга эркинлик ғояси ҳам илгари сурилади. Чумчуқ қафасдан озод қилинади. Бу чумчуққа ҳам, уни озод қилган кишига ҳам яхши. Агар чумчуқ қафасда қолиб кетса, у киши насиҳатлардан ҳам, бир кўзача тангадан ҳам маҳрум бўлар эди. Шунга кўра ҳам чумчуқ: «Эй киши, мани бу қафасға солиб сақлабсан, соқлоғондин санға ҳеч бир фойда йўқдир. Агар мани озод қилсанг, санға уч насиҳат берайким, ондин санға кўп фойдалар бўлғай»,— дейди. Чумчуқ икки нәсиҳатни айтади, учинчисини бўшатилгандан кейин айтмоқчи бўлади. Чунки, бир томондан, чумчуқнинг озод бўлиб олиши керак (қафас эгаси учинчи насиҳатдан кейин уни бўшатмаслиги мумкин), иккинчи томондан, у кишини синаб, аввалги насиҳатлардан қандай хулоса чиқариб олганини аниқлаш лозим. Шундан кейингина чумчуқ учинчи пандини айтади. Бу насиҳатнинг аслини «ях-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шилик қилсанг, яхшилик кўрасан» сўзи ташкил этади. Бироқ автор чумчуқнинг олижаноблиги ва насиҳатнинг моҳиятини тўлароқ очиш учун уни бир кўзача танга воқеаси билан ифодалайди. Насиҳатнинг ўзи эса аслида ҳар қандай кўзачаю тангалардан юксакдир.

Сулаймон ва обиҳаёт Бир киши Сулаймонга обиҳаёт (ҳаёт суви) келтирибди. Сулаймон кишиларни, ҳайвонларни ва қушларни йиғиб сувни ичиш-ичмаслик ҳақида кенгашибди. Кенгашга фақат бутимор деган қуш келмаган экан. Бутиморни чорлаш учун Сулаймон от юборибди. Бутимор келмабди. Сулаймон итни юборибди. Бутимор келибди. Сулаймоннинг таажжубига бутимор: «От вафо даштида ўт ўтлоғон эрмасдур ва ит вафо даргоҳидин кеткон эрмас», — дебди. Обиҳаёт масаласида эса у, агар бу сув барча ёр-дўстларингга, қариндошларингга етса, ичсанг бўлади, бўлмаса бефойда, чунки ҳамма ўлиб кетаверади, ёлғиз ўзинг қоласан, бундай ҳаётнинг маъниси борми дебди. Бу гап Сулаймонга маъқул тушибди. У обиҳаётдан воз кечибди.

Ҳикоя унинг ғоявий мазмунига якун ясовчи қуйидаги қитъа билан тугайди:

Тириклик ёру дилдор ила хуштур,
Тирикликни нетарсан бўлмаса ёр?!
Ўлук сонида кўр, тема тириктур —
Кишиким, йўқ анга ёри вафодор.
Киши ёлғуз жаҳонда бўлмади шод,
Нечаким бўлса оламда намудор...

Шундай қилиб, бу ҳикояда худбинлик ва шахсий манфаатпарастликка қарши ҳамжиҳатлик ва аҳиллик ғояси илгари сурилади. Сулаймон ўзбошимчалик билан иш кўрмайди, у ҳамма билан кенгашади, яхши маслаҳатни қабул қилади, шахсий манфаатига берилиб кетмайди, ёр-дўстларсиз, биродарларсиз ҳаётни ўлимдан ҳам ёмон деб ҳисоблайди. Ҳикояда бутимор тилидан айтилган «ит вафо даргоҳидан кетган эрмас» сўзи ҳам бежиз эмас. У ҳикоянинг ечими учун бир манба бўлиб хизмат қилади. Бутимор халқ донишмандининг мажозий образидир.

Искандар ва донишманд мўйсафид Искандар Зулқарнайн қўшини билан зулматга кириш олдида, ҳеч ким ўзи билан қари кишини олиб келмасин, дебди. Бир йигитнинг қари отаси ўғлидан ажралиб қолишни истамабди. Йигит ноилож қолиб отасини сандиққа яшириб, бирга олиб жўнабди. Зулматга яқинлашганда, Искандар унга киришга кирармиз, бироқ қандай қайтиб чиқамиз, бирор мўйсафид йўқми маслаҳат берса, деб суриштирибди. Жарчилар жар солиб қидиришга тушибдилар. Йигит: Искандар менинг гуноҳимни кечирсин, мен отамни яшириб олиб келганман дебди. Мўйсафид, қулунларни бир ерга боғлаб қўйиб, биялар билан зулматга кирмоқ керак, биялар оналик меҳри билан фарзандларига интилиб сизларни зулматдан олиб чиқади дебди. Бу маслаҳат маъқул бўлибди, Искандар одамлари билан зулматга кириб, ундан омон чиқибди.

Бу ҳикояда икки ғоя илгари сурилади: биринчидан, ҳар бир ишда ҳаёт тажрибаси бўлган кишилардан, донишманд қариялардан маслаҳат олиш, улар билан кенгашиш зарурдир. Искандар азият

www.ziyouz.com kutubxonasi

чекишмасин ва бошқаларга халақит бермасин деб, зулматга кекса кишилар олиб борилмасин деб буйруқ берган эди. Бироқ унинг ўзи «бу черикда ҳеч бир қари киши борму эркан, ондин сўрасак, шояд ул қари киши тажриба билан бу ишнинг тадбирини билгой эрди» деб қарияларнинг мадади ва маслаҳатига муҳтож бўлади. Фақат донишманд мўйсафидгина бу муаммони ҳал этиб, Искандар ва унинг қўшини жонига ора киради. Шунинг учун ҳам ҳикоя тожик тилида машҳур бўлган «Бе пир чи мерави дар амони, ҳарчанд Искандари замони» («Агар замонанинг Искандари бўлсанг ҳам, омонлик йўлидан устодсиз боролмайсан») мақолидек:

Ҳеч ким устодсиз топмас жаҳонда иззу жоҳ,
Неча ким ҳашмат била Искандари даврон эрур...

мисралари билан тугайди.

Иккинчидан, ота-онанинг фарзандга бўлган меҳр-муҳаббати беҳад ва жуда қудратлидир, фарзанддан жудолик ота-она учун энг даҳшатли уқубат ва кулфатдир. Шунга кўра ҳам мўйсафид ўғлидан айрилишга кўнмайди. Чунки:

Сан каби фарзанддин айрилмоқим имкон эмас,
Жон сану жондин жудолик айламак осон эмас.

Шунинг учун ҳам фарзандларининг меҳр-муҳаббати билан бия-лар Искандар ва унинг аскарларини зулматдан олиб чиқади. Демак, донишмандлар маслаҳати, ота-онанинг меҳр-муҳаббати кишини зулматдан, гумроҳликдан қутқарувчи улуғ қудратдир.

Шундай ҳикоя Искандарнинг саргузаштидан бир эпизод сифатида Низомий Ганжавийнинг «Искандарнома» достонида ҳам баён этилади. Ўзбек халқ эртаги «Золим подшо»да ҳам сандиққа тушиб олиб, ўғли билан бирга подшонинг сафарига ҳамроҳ бўлган тадбирли мўйсафид образи яратилган. У ўз ўғлини ҳам, бошқа аскарларини ҳам золим подшонинг ўлим даҳшатидан қутқариб қолади.

Ахлоқий-таълимий темадаги бошқа ҳикоялар ҳам ғоявий-бадиий жиҳатдан жуда мароқлидир.

Бироқ, афсуски, «Мифтоҳул-адл» ва «Гулзор»да ижтимоий-тарбиявий жиҳатдан ижобий қимматга эга бўлган ҳикоялар билан бирга реакцион ғоядаги ҳикоялар ҳам бор. Ҳикоялар автори ўз прогрессив фикр-қарашларига қарши бориб, баъзан феодал-консерватив, диний-мистик қарашларни, фатализмни зўр бериб тарғиб қилади, дунёвий масалаларга диний тус беради. Ижобий ва салбий фикрлар зиддияти айрим бошқа ҳикояларда ҳам равшан кўринади. Масалан, «Узоқ умрнинг сири» ҳикоясида халқпарварлик ғояси етакчидир. Бироқ автор бу ҳикояга зўрма-зўракилик билан бўлса ҳам, ислом динини тарғиб қилиш ғоясини улашга интилади. Ҳикояда айтилишича, Қашқар султони элчиларига ҳаким «узоқ умрнинг сири»ни айтиб бергандан кейин, Ҳинд султони ўз динидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

кечиб, мусулмон бўлган эмиш. Ваҳоланки, на асарнинг темаси, на унинг сюжет ва композициясининг ривожи буни талаб этмайди.

Хулоса

Хожа ўзбек классик адабиётининг XVI асрда етишган йирик намояндаларидан биридир. Унинг адабий мероси, айниқса ҳикоялари ўтмиш адабиётининг қимматли ёдгорлигидир. Хожа ўз ҳикоялари ҳақида:

Бу дамким, бордур умримда боқий,
Бўлой дедим бу базм аҳлина соқий
Қилиб тартиб бир неча ҳикоят,
Ҳикоят аҳлидин айлай ривоят.
Ва гар яхши, ёмон ҳам бўлса боре,
Ки биздин сўнгра бўлғой ёдгоре,—

деган эди. Ҳикоялар автори қайси ҳикояларини яхши, қайси ҳикояларини ёмон деб ҳисоблаган (ёки умуман камтарлик билан шундай деганми), бундан қатъи назар, биз унинг меросида меҳнаткаш халқ оммасининг феодал зулмга қарши норозилигининг кучайиб бориши, даврининг прогрессив ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳамда Низомий ва Навоий каби буюк инсонпарвар ёзувчиларнинг ва айниқса халқ оғзаки ижодининг самарали таъсири билан вужудга келган «яхши» ҳикоялар билан бирга, феодал-клерикал реакциянинг акс садоси сифатида вужудга келган «ёмон» ҳикоя ёки ғояларни кўрамиз. Хожанинг ғоявий-бадиий жиҳатдан бақувват бўлган ҳикоялари ўтмиш адабиётнинг яхши ёдгорлиги сифатида ўз тарихий-адабий қимматини сақлаб келмоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi